Таълимдаги замонавий ислоҳатларнинг шахс психик тараққиётига таъсири ҳақида гапирар эканмиз аваллам бор, психика нима? Бу қандай жараён? деган саволларга тўхталиб, ўтсак мақсадга мувофик бўлади. “Психика ҳақидаги даслабки илмий тассавурлар қадимги дунё(Ҳиндистон, Ҳитой, Миср, Бобил, Юнонистон) да фалсафа бағрида пайдо бўлган ва жамиатдаги амалиёт,доваланиш ва тарбия эҳтиёжларидан келиб чиққан эди”.,*'Психика-* бу юксак даражада ташкил топган материанинг системаси хоссаси (хусусиати) субьект тамонидан обьектив борлиқни фоал акс эттириш мазкур борлиқ манзараларини субьект ўзидан узоклаштирмай ифодаланиши худди шу оснода ҳулқини ва фаолиятини шахсан бошқаришдир. Психиканинг неғизида миянинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келадиган,кўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реаксиясини билдиради.”Одатда психика ташқи дуёнининг сезги органлари орқали инсонинг миясига бевосита таъсир этиши асосида вужидга келиб сезги, идрок, тассавур, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл каби билиш жараёнларида шунингдек шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида диққат ҳис-түйғу ва ҳаректер ҳислатлари қизиқиш ва эхтиёжларида ўз ифодасини топади.

„Психология фани замонавий таълимотга асосланган ҳолда инсон шаҳсининг таркиб топишини асосий учта омилннинг таъсирига боғлиқлигини далилар асосида изоҳлаб беради.Улардан биринчиси- инсон тўғилиб вояга етадиган ташқи ижтомоий муҳитнинг таъсири.

иккинчи-одамга узоқ муддат довамида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсиридир.

учунчиси- одамга туғма равишда тайёр холда бериладиган наслий ҳусуссиятларининг таъсиридир.”

Маълумки, ҳар бир одамда ўзига ҳос,бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда,аниқ ижтимоий муносабатларда яни оила жамоа ва жамиятда одамлар орасида яшаб ўлғаяди ва шакилланади.

Шунга кура “Таълим олиш жараёни инсондаги мотивлар билан бевосита боғлик бўлиб, унинг моҳияти –инсон хулқ-атворининг ички баркарорлиги, ҳаракатга ўндовчи тушинчада ифодаланади. Мотивасия эса хулқ-атворнинг психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус, юналганлик, ташкилотчилик, қўллаб-кувватлаш киради. Таълим жараёнида ўкиш мотивлари “нима учун?” “нимага?” “қандай максад билан?’’ каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўкув фаолиятига ундаса,иккинчидан,мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради.

“Психологлар(аввало Л.И.Божович ва уларнинг шогирдлари) бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиатини тўгри ташкил қилиш,унинг тўгри хулқ-атвор тажрибасига эмас,балки хулқ-атворнинг маълум ҳаракатга ундовчи фикирлари,ҳис- түйғуларни,мақсадлари системасини тўгри мотивларни тарбиялаш ҳам ҳал қилувчи нарса эканлигини кўрсатиб беради. Шундай экан ҳозирги даврда ақлан зукко,креатив, қобилятли, мустақил мулоҳоза юритувчи юксак иқтидорли, талантли ёшларга энг қулай шарт- шароитлар яратиш,улар фаолиятини аниқ максад сари етаклаш бошқариш бугунги куннинг талабидир.Бундай ёшлар турли соҳаларда ҳалқнинг миллий, имкониятларини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқоладиган қудратли, кучга эгадир.Шу аснода,таълим тизимида ижтимоий психологик хизматининг ташкил этилиши ўкувчиниинг индивидуал психологик хусуссиятларини ўрганиш билан шаҳснинг ҳар тамонлама камол топиши, унинг ҳам маънавий,ҳам ақлий ривожланиши ва қобилятларини намаён этиши учун тегишли таълимий, тарбиявий ҳамда маънавий- руҳий шароитларни яратишни назарда тутади.Таълим тизимида ўкувчи шахсининг ривожланиш динамикасини узликсиз ва тулороқ қамраб олиш,илк ёшдан бошлаб психологик ва педогогик кузатув остига олиш психологик ҳизмат жараёнларида самарадорликни таминлайди.Шу сабабдан таълим соҳасида фаолият олиб борётган ҳар бир, педагог ва психологлар ҳар бир боланинг ўз- ўзини англаб етишида,,, нимага?’’,,, кайси соҳа ва юналишга?’’

мойиллиги, лаёқати ва иқтидори борлигини сезиб,билиб ўрганиб ва болани ўзини ҳам ишонтиришга ва уларни юналтиришга ҳисса қушадиган шахслар ҳисобланади.

Ҳар бир Ўзбекистонда истиқомат қиладиган шу жаннат маконда дунёга келган боланинг, лаёқати, ривожланишнинг энг юқори босқич даражасига етказиш,нафақат педагог- психологларнинг ҳар бир гўдакнинг ота- онаси фарзандининг яъни жамиятимиз келажак авлодининг иқтидорли, инттеллектли шахс булиб ўлғайишида жуда хам роли катта эканлигини билишлари зарур.

Сабаби ҳар бир гўдак лаёқат билан туғилади, ва у мўдрак холатда қолиб кетиши ёки юксак даражада ривожланиши мумкин. Иқтидор талант,даҳолик даражасида ривожланиш, лаёқат билан қобилятнинг ривожланиш даражасининг энг ёқори босқичидир.Улардан бири ижтимоий иқтидор булиб пешқадамлик(бошловчилик,ташкилотчилик ташаббускорлик)деб аташ мумкин. Мутаҳассислар тамонидан купроқ ўрганилган иқтидор бу бадий иқтидор булиб, бунда болада мусиқага тасвири санатга,саҳна маданиятига қизиқиш ўта кучли булади.Ҳозирги замонавий таълимнинг ассоси мақсади жамият ва давлат учун ҳар бир соҳада ривожланган, меҳнат фаолиятига ижтимоий мослашган ўз устида ишлай оладиган шаҳсни тарбиялашдан иборат.Шундай экан, ота- она ва педагог -психологлар билан инклюзив таълимни йулга куйиш ва замонавий интерфаол таълим жараёнида болаларни индивидуаллашдирган ва дастурлаштирилган таълим, технологияларидан фойдаланиб билиш, фаолиятини маҳсус ташкил килиш ва бу оркали улардаги

интеллектуал имкониятларни тулороқ очиб беришга имкон яратади. Демак ҳар тамонлама ривожланган шаҳс тарбиясида педагог ва психологларнингинг таълим тарбия жараёнида энг юқори максимал даражада, натижага эришиши, юқори касбий салохият,шунингдек мулоқатчанлик ва ижобий фазилатларга эга булиши керак деган хулосага келинади.Биз шундагина Ватанимиз авлодларини,аждодларга муносиб, ҳалкора ва жаҳон миқиёсида рақабот бардош булишига эришамиз!!!

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Э.ҒОЗИЕВ. “Умумий психология” Тошкент-2002 (.25- 46 бет;;.)

2. Б.М.УМАРОВ. “ПСИХОЛОГИЯ’’ Ворис-наширёти. Тошкент -2012 (29-30 бет).

3. М.Г.Давлетшин, Ш.Дўстмуҳамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиева. “ЁШ ДАВИРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ’’ Тошкент-2004 (21-бет)

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ СОДИР БЎЛГАНДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ

*Абдуллаева Г.А.*
*Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси*

Дунё микёсида авария, ҳалокатлар, табиий офатлар, террорчилик ҳуружлар сони, улардан келадиган иқтисодий зарар ва энг муҳими қурбонлар сонининг ошиб бораётганлиги фавқулодда вазиятларга қарши туриш, улардан муҳофазаланиш механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишнинг йўллари кўп. Уларнинг ичида болаларни, жумладан ота-оналар, педагог-тарбиячиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим ўрин тутади. Зеро, фавқулодда вазиятлар юз берганида болалар ўртасида жабрланувчилар ва қурбонлар сонининг кўп ёки кам бўлиши айнан болаларнинг, жумладан, ота-оналар, педагог-тарбиячиларнинг тезкор, оқилона ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикасида аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишни тартибга солувчи самарали тизим яратилган. Бу борада бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сонли “Аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва

мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш" каби йўналишлар белгиланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, ушбу тизимни бошқариш инфраструктурасини такомиллаштириш вазифаси қўйилиб, илмий-методик таъминотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур жараённи тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлган педагогик механизм сифатида кўриб чиқиш заруратини изоҳлайди.

Эътиборни аҳолини, ёш болаларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг муҳим йўналишларидан бири – психологик тайёргарликка қаратмоқчимиз. Табиий офатлар, авария ва ҳалокатларнинг оқибатлари одамларда ҳиссий қўзғалиш келтириб чиқаради, юқори маънавий-психологик барқарорлик, чидам ва қатъийлик, жабрланганларга ёрдам беришга ва моддий бойликларни сақлаб қолишликка шайликни талаб этади. Фавқулодда вазиятлардан кейин юзага келадиган вайроналиклар, ҳаёт учун бевосита хавфнинг юзага келиши инсон руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Айрим пайтларда инсоннинг ўзини ўзи назорат қилиши сусаяди ёки умуман йўқолади, мантиқий фикрлаш жараёни бузилади. Бунинг натижасида оқлаб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳаракатлар амалга оширилади. Ҳалокат ёки табиий офат ҳудудида қолган бола кўплаб қийинчиликларга дуч келиши шубҳасиз. Хорижлик мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг гувоҳлик беришича, йирик кўламдаги ҳалокатли фавқулодда вазият юзага келган ҳудудда яшовчи аҳолининг 50-75% да ваҳимали, 12-25%да эса жазавали ҳолат аниқланган. Айримлар кучли ҳис-хаяжон ҳолатида бўлиб, телба-тескари ҳаракатларни амалга оширсалар, бошқалари эса, аксинча, тушкунликка тушиб, бир жойда қотиб қолиш, атрофда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ҳолатига тушганлар. Фақатгина 12-15% одамлар ўзларини йўқотиб қўймай, мураккаб вазиятда қатъий ва оқилона ҳаракат қилганлар. Кутилмаганда юзага келган ҳаёт учун хавфли вазият тайёргарлик кўрмаган одамни қўрқитиб юбориб, унинг онги ўзгариб кетишигача олиб келиши мумкин. Бунда юз берган ҳодисани тўлиқ тушуниб етолмаслик, идрок этишнинг қийинлашиб қолиши, омон қолиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар ноаниқ бажарилишида ифода топадиган зўриқиш ривожланиб кетади.

Таълим тизимида узлуксизликка эришиш - болаларни тайёргарлиги замон талабларига жавоб бериши учун тайёргарликнинг узлуксиз олиб борилишига эришмоқ зарурдир. Вақтида тайёргарликдан ўтган инсон ўз ақл-заковати билан офатга қарши тура олиши мумкин. Тайёргарлик масаласи долзарб мавзуга айланган экан, уни гўдаклик чоғидан олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Арманистонлик мутахассис Р.Алавердяннинг фикрича, "хавфсизлик қоидаларига ўргатишни ёш болалардан бошлаш лозим. Болалар 3-5 ёшлариданоқ турли хавфли шароитларда ўзларини муҳофаза қилишнинг аниқ бир ҳаракатларини бажара олиш қобилиятига эгалар. Болани тўғри ўқитиш орқали унинг фавқулодда вазият соҳасидаги билимларини бойитиб бориш ва мукаммаллаштириш учун мустаҳкам асос, негиз яратиш мумкин

бўлади". Ҳозирги кунда Фуқаро муҳофазаси институти томонидан мактабгача таълим муассасалари учун “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курси бўйича қўлланмалар тайёрланиб, бир қатор муассасаларда тажриба-синов ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Психологик тайёргарлик, амалий кўникма ва малакасиз, белгиланган меъёрларни эгалламасдан туриб мавжуд бўлиши мумкин эмас. Зеро, назарий билим қанчалик тўғри ва аниқ бўлмасин, биргина сўз билан, яъни амалий ҳаракатларсиз болада чидам, реакция тезлиги ва бошқа сифатларни келтириб чиқариш мушкул. Буюк мутафаккир Конфуцийнинг сўзлари ҳам келтирилган фикрларнинг ҳаққонийлигини исботлайди: “Эшитдим – унутдим, кўрдим – эслаб қолдим, бажардим – тушундим”. 2015 йилдан бери Фуқаро муҳофазаси институтида фаолият кўрсатиб келаётган Зилзилани симуляция қилиш маркази айнан мана шу мақсадларда хизмат қилади. Марказда зилзилани симуляция қилиш қурилмаси ёрдамида катта ва тайёрлов гуруҳ болаларнинг психолог-мутахассис билан биргаликда зилзила вақтидаги амалий ҳаракатлари текшириб кўрилади, малакалари оширилади, шунингдек, улар бир вақтнинг ўзида психологик тайёргарликдан ҳам ўтказилади. Машғулот жараёнида болалар маълум бир кучланишга эга бўлган силкиниш қандай шикастловчи омилларга эга бўлиши мумкинлиги, инсон организми ва руҳияти ушбу силкинишни қандай қабул қилиши тўғрисида кўникмага эга бўлишади. Реал шароитда, бу каби кучланишга эга бўлган ҳақиқий силкиниш билан дуч келган боланинг ўз қўрқувини енгиб олиши, сўзсиз, осон бўлади.

Болаларни, жумладан, педагог-тарбиячиларни фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга психологик тайёрлаш билан экстремал психология шуғулланади.

Экстремал психология – психология фанининг ўзгарган (ноодатий) шароитларда инсонни ҳаёти ва фаолиятини умумий психологик қонуниятларининг ўрганадиган соҳаси. Юзага келган янги, ноодатий шароитга мослаша олмаган болада стресс реакцияси юзага келади. Экстремал ва фавқулодда вазиятлар чоғида руҳий зўриқишга учраган болаларга шошилинч психологик ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Бундай ёрдам боланинг реакциясига номеъёрий вазиятдаги меъёрий реакция сифатида баҳо бериш мумкин бўлгандагина кўрсатилиши мумкин. Реакцияси психологик меъёрлардан четга чиқиб кетган болаларга шошилинч психологик ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмайди. Дастлабки психологик ёрдам мутахассислар, бундай ёрдамни бера оладиган, воқеа жойида бўлган педагог-тарбиячилар ёки бошқалар томонидан кўрсатилади. Демак, бундай ёрдамни кўрсатишни ҳар бир инсон билиши зарур. Республикамиз учун нисбатан янги соҳа бўлмиш экстремал психологиянинг ривожланиши инсонлар, болаларнинг психологик тайёргарлик даражасини юқори кўтаришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ташкил этилган психологик хизмат таркиби кенгайтирилиши долзарб муаммолардан биридир.

Психологик ўзини ростлаш ёки релаксация хоналарининг ташкил этилиши долзарб масалалридан биридир. Релаксация – лотинча relaxatio –

зўриқишни камайтириш, бўшашиш маъносини англатиб, жисмоний ёки психик зўриқишдан қисман ёки тўла озод бўлиш усули ҳисобланади. Танг вазиятда руҳий зўриқишга қарши тура олиш учун релаксация усулларини аввалдан эгаллаб олиш керак. Машғулотлар мунтазам давом этганда релаксация машқлари секин-аста одатга айланиб қолади, гарчи бунинг учун қатъият ва чидам талаб этилса-да, ёқимли ҳиссиётлар билан мутаносиблашади.

Н.В. Онишченко ў з тадқиқотларида Руҳий зўриқишни енгиб ўтишнинг бир нечта усули мавжудлигини келтириб ўтган.

Булардан, - психологик (аутоген машқлар, медитация ва ҳ.к.);

- физиологик (уқалаш, жисмоний машқлар);
- биокимёвий (транквилизаторлар, фитотерапия);
- жисмоний (ҳаммом, чиниқиш, сув муолажалари).

Бундан ташқари, бола билан алоқани ўйинчоқлар оркали йўлга қўйиш яхширок эканлигини ёзади. Улардан фойдаланиб, сиз жабрланувчининг ҳис-туйғуларини ўрганишингиз ва унинг ҳиссий ҳолатини аниқлашингиз мумкин. Пластилиндан расм чизиш ва моделлаштириш болага содир бўладиган ҳодисалардан қочишга ёрдам беради ва шу билан унинг психологик стрессини енгиллаштиради. Фавқулодда вазиятда бола бефарқлик, бемаънилик, восита қўзғалиши, асабий титроқ, йиғлаш, қўрқув, тажовуз, делирюм ва галлюцинациялар каби аломатларга дуч келиши мумкин.

Бундай ҳолатларда психолог асабни "тушириш" учун шароит яратиши керак. Аввал болани дам олиши мумкин бўлган хавфсиз жойга олиб бориши керак. Шунингдек, у билан гаплашиш, яқинроқ бўлиш лозим. Агар бола ўзига яқин одамни йўқотса, у ўзини ёлғиз ҳис қилиши мумкин. У психологнинг ёрдамига муҳтож. Шунингдек, болага ҳозирги вақтда нима содир бўлганлиги ҳақида хабар бериш керак: У билан гаплашиш керак: "Қутқарувчилар аллақачон йўлда". “Исминг нима?, “Сен ширинлик ейишни хоҳлайсанми?”

Унга сиз, унинг бошидан ўтган воқеаларга жиддий ёндашаётганингизни билдиришингиз муҳимдир. У тана билан алоқа ўрнатиши, қўлини ва кучоғини очиши керак. Психолог-мутахассиснинг бундай чора-тадбирлари, бола гапириши ёки ҳаракат қилишнинг маъносини билмаса, қўрқув ёки йиғлаш билан бепарволикка ёрдам беради. Бундай вақтда болани ёлғиз қолдирмаслик лозим. У ўзини муҳимлигини ҳис қилсин, унга бирон бир топшириқ беринг. Агар болада галлюцинациялар, делирюм бўлса, уни ўзидан ҳимоя қилиш керак, чунки кўпинча у аслида атрофида нималар бўлаётганини тушунмайди.

Мутахассислар “Тайёргарликдан ўтган инсон – ярим қутқарилган инсон”, деб бежиз айтишмайди. Юқори даражадаги психологик тайёргарлик болаларнинг фавқулодда вазиятлар чоғидаги ҳаракатлари самарадорлигини белгилайди. Болаларнинг руҳий чиниққанлиги ваҳимали кайфият ривожланиб кетишига тўсқинлик қилади, дадиллашиб, бор иродасини тўплаб, содир бўлган вазиятдан чиқишнинг тўғри, мақсадбоп йўлини топиш имкониятини беради. Бу эса қурбонлар сонининг камайишига ёки умуман

бўлмаслигига олиб келади. Бундан ташқари хориж мамлакатлари тажрибаларини тўплаш, ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш ишларини давом эттириш зарур.

**АДАБИЁТЛАР:**

1.Малкина-Пых И. Г. Психологическая помощь в кризисных ситуациях. Учебное пособие —2005. — 437-438 с.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавкулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754- сонли Қарори.

3. Мухина В. С. Возрастная психология: Феноменология развития, детство, отрочество. Москва. 2006. — 603-604 с.

4. Психология экстремальных ситуаций для спасателей и пожарных /Под общей ред. Ю. С. Шойгу. “Ребенок в очаге чрезвычайной ситуации: оценка состояния и психологическая помощь.” Москва. 2007. — 319 с.

## O`QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO`NALTIRISHDA OILANING AXAMIYATI

*Abdullayeva D.*
*Amaliyotchi psixolog*

“Biz o`z istedodli, fidoiy bolalarimiz, farzandlarimizga bilim va kasb cho`qqilarini zabt etish uchun qanot berishimiz kerak”
I.A.Karimov

Kasb – hunar inson uchun zarur faoliyat, kasb – hunarning umri uzoq, u o`lmas mo`jiza,tugalmas boylik –javohirdir.Chunki u avloddan avlodga o`tadi. Kasb hunar tufaylibarcha orzu umidlarga erishish mumkin. O`z kasb -hunarini yaxshi bilgan insonning ishi unumli bo`ladi. Kasb- hunar egallagan, mehnatdan bo`yin egmaydigan odam jamiyatda qadr-qiymat topadi. Halq ichida obro`-e`tabor topish, mansab pillapoyalaridan ko`tarilish ham halol mehnat, hunar sirlarini mukammal egallash natijasidir. Shuning uchun ham halqimiz “Mehnat qilgan – elda aziz” deb bejizga aytmagan. O`zbek halqi azal –azaldan kasb-hunari, mehnati, halol va pokligi bilan dunyoga tanilib kelmoqda.

Halqimizning zargarlik, naqqoshlik, duradgorlik, kulolchilik, bog`bonchilik, chorvadorlik, chevarchilik va boshqa yuzlab kasb-hunar maxsulotlari va ulardagi dekorativ amaliy bezak san`ati namunalari, ulardagi bezaklarning betakrorligi, go`zalligi, maftunkorligi bilan dunyo halqlarini lol qoldirib kelmoqda.

Dunyoga mashxur xunarmand ustalar, moxir kasb-xunar egalarini etishtirishda, o`quvchilarni qobilyati, iqtidoriga qarab qiziqishlarini shakllantirish ota-onalar, maktab psixologi, o`qituvchi va sinf rahbarining asosiy vazifalaridan biridir. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov o`zining “Yuksak ma`naviyat –

engilmas kuch” asarida ta`kidlaganidek “…Xar kuni,xar soatda fidoiy bo`lish,o`zining tomchi va tomchi, zarrama-zarra buyuk maqsadlar sari charchamay,toliqmay tinimsiz safarbar etib boorish, bu fazilatni doimiy, kundalik faoliyat mezoniga aylantirish-xaqiqiy qaxramonlik aslida mana shu… ”

Mustaqillik yillarida o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirish masalalarining dolzarbligi, ularning erkin, ongli kasb-hunar tanlashlari uchun ijtimoiy-iqtisodiy, pedagogik-psihologik shart-sharoitlar yaratish zarurati bilan izohlanadi. Ma`lumki o`quvchilarni kasb-hunarga yo`naltirish ularni shaxsiy moyillik, layoqat, qiziqishlari asosida xamda jamiyat talablariga mos holda ongli kasb tanlashga tayyorlash bo`yicha maqsadga yo`naltirilgan, integral xususiyatga ega ilmiy amaliy faoliyatdir. O`quvchilarni kasb-xunarga yo`naltirish jarayoni tashkiliy jihatdan ko`proq pedagogik xarakterga ega bo`lsa-da, umazmunan psihologik mohiyatga ega. Chunki barcha pedagogic tadbirlar o`quvchining kasbiy o`zligini anglash jarayoni va ongli kasb tanlashi imkonini beradi, uning kasbiy o`zligini anglash jarayoni esa psihologik qonuniyatlar asosida kechadi. Kasb-hunarga yo`naltirish jarayonida tashqi va ichki tasirlarning mushtaraklashuvi oqibatida o`quvchida ichki pozitsiya shakllanadi.Demak, bu jarayon eng avvalo kasbiy o`zlikni anglashga yo`naltirilgan ekan.

Kasbiy o`zlikni anglash – bu nafaqat aniq bir kasbni tanlash, balki inson hayotining mazmun – mohiyatidir. Bunda kasb tanlash hayot yo`li ham aniqlanadi.Insonning kelajakdagi turmushi, bahtli yoki bahtsiz kunlari, do`stlari yaqinlari, oilasi bevosita yoki bilvosita uning tanlagan kasbi bilan bog`liqdir. To`g`ri tanlangan kasb bolaning o`zi uchun ham, uni tarbiyalab voyaga yetkazayotgan ota-ona uchun ham, davlatimiz uchun ham manfaat keltiradi. Shuning uchun ham har bir ota-ona o`z farzandini sevgan kasbi bilan shug`ullanishini va kelajakda bahtli hayot kechirishini istaydi.

Professor R.X.Jo`rayevning asosli ta`rifi bo`yicha “kasb – hunarga yo`naltirish ishlarining asosiy maqsadi,, eng avvalo, iduvidga o`z qiziqishi, qobilyati va imkoniyatlarini to`liq anglash, hohish istaklariniamalga oshirish vosita va usullarini to`g`ri belgilash va mustaqil qarorga kelish uchun imkoniyat va zarur shart –sharoitlarini yaratishdan iborat.”Shu nuqtai nazardan, o`quvchining ongli kasb-hunar tanlashiga ta`sir etuvchi omillar – uning induvidial –tipaligik xususiyatlari yoki ichki imkoniyat va extiyojlari hisoblanadi.

Kasbiy faoliyatni samarali bajarish uchun insonda bu sohaga nisbatan qiziqish bo`lmog`I lozim. Agar yuqoridagilar mavjud bo`lsa, inson o`zini yaxshi ko`rgan ishga to`liq fido qilishi va kasbiy yutuqlarga erishishi mumkin bo`ladi. Aynan shunung uchun ham yoshlarni kasbga yo`naltirish ishi katta axamiyatga ega masaladir.

O`quvchining u yoki bu kasbga yo`nalganligini faqat 9-11-sinfni bitirish jarayonida aniqlash kerak emas. Chunki kasbiy tanlov bolalikdan, bolalar bog`chasidan boshlansa maqsadga muvofiq bo`ladi. Ota-onalar o`z farzandining bolalikdan nimaga uquvi borligini, nimalarga qiziqishini, nimalar bilan ko`proq o`ynashini kuzatib boorish zarur. Boladagi layoqat, is`tedod va qiziqish bolalikdan yuzaga chiqadi. Shuning uchun ota-onalar o`z farzandlarining layoqati va bu layoqatning yo`nalganligi to`g`risida ma`lumotga ega bo`lmog`i muhimdir.

Inson bolalik davridanoq “Xayot rejasi” shakllanadi. Dastlab bu juda oddiy reja aniqrog`I turmush tarsi.Keyinroq “Xayotga nazar ”shakllanadi.5-6 yoshga borib bolada “Hayot uslubi”shakllanadi. Bolalik davridayoq kattalar hayotida bardosh berish deyarli qiyin bo`luvchi” Hayot stenariysi ” uchun asos solinadi.Bu stenariylar insonga ko`pincha haqiqatdan qiziqarli va oddiy bo`lmagan umr ko`rishga yo`l qo`ymaydi, ya`ni o`z shaxsiy hayotida o`zgalar o`yinini “o`ynashga ” majburlaydi. O`smirlik yoshida birinchi o`rinda dunyoqarash bilan bog`liq kelgusi Xayot rejasining motivlari poydo b’ladi. O’z mavqeyeni belgilab olish o’zini jamiyat azosi sifatida anglashi va Jamiyatdagi xaqiqiy O’RNINI QIDIRISH BILAN xarekterlanadi.

Tadqiqotlarining ko’rsatishicha, bolalarning maktabdagi o’qish davri xam kasbiy yo’nalganlik nuqtayi nazardan muxim axamiyat kasb etadi. Chunki,bu yoshda bolalarda kasbiy yo`nalganligini belgilab beruvchi dunyoqarash, bilim, ko`nikma va malakalar, qadriyatlar shakllanadi. Maktab davrida bolalarda kasbiy tanlov shakllanadi, kelajak uchun kasbiy rejalar tuziladi, kasbiy tayyorgarlik davri boshlanadi va kasbiy loyixalar tuziladi.

Kasb tanlash xar bir bolada xar xil kechsa-da, biroq u ma`lum manoda umumiylikka ham ega. Kasb tanlash jarayonida bolalarga eng ko`p ta`sir o`tkazadigan omil – bu oila a`zolari va qarindosh - urug`lari, maktabdagi do`stlari xisoblanadi. Oila a`zolari bolaning kasb tanlash jarayoniga bevosita va bilvosita ta`sir ko`rsatadi.Bevosita ta`sir ko`rsatish deganda, ota-onaning bolaga to`g`ridan – to`g`ri kasbiy maslaxat berishi va bola kasbini belgilashi nazarda tutiadi. Bilvosita ta`sir deganda, oilada bolaning qadriyatlar tizimi shakllanadi, ideallari paydo bo`ladi, intilishlari yo`nalish oladi. Masalan, tadqiqotlarga ko`ra 55,2 foiz so`raluvchi o`quvchilarning kasbga taluqli bo`lgan aniq rejalarning ishlab chiqilishga, xar uchinchi bolaning kasbiy tanloviga, kasb bo`yicha qaror chiqarishiga bevosita oila, ya`ni ota-onalar ta`sir ko`rsatar ekan.

Demak, aytish mumkin-ki, bolalarning kasbiy tanloviga oila, undagi an`analar, turmush tarzi, kattalar bilan kechadigan emotsional munosabatlarning xarakteri, ota-onaning ma`lumot darajasi va ularning mutaxasisligi bilvosita ta`sir ko`rsatadi. Shuning uchun ota onalar o`z farzandlarining kasbiy tanlovi masalasida, umuman kasbiy yo`nalganlik masalalarida kerakli bilim va ko`nikmalarga ega bo`lishlari maqsadga muvofiqdir.

Kasbga yo`naltirish va kasb tanlashga doir testlar. Ko`pchilik bitiruvchilarni ertami kechmi quyidagi savollar o`ylantiradi:

1.Qayerda o`qishni davom ettirsam ekan ?

2. Qaysi kasbni tanlasam ekan?

3.Qaysi mutaxassislikka ega bo`lish yaxshiroq ?

4.Mexnat bozorida qaysi kasb egalariga talab ko`proq ?

5. Shaxsiy biznesni yaratish kerakmi ?

Bir qarashda yengil tuyuladigan ushbu va boshqa savollarga javob olish oson emas. Gohida yoshlar bu masalaga yuzaki qarayotganliklarini sezishmaydi. Ba`zan ular qarindoshlari yoki sinfdoshlarining maslaxatlariga quloq solishib o`zlarini yanada ko`proq chalkashtirib yuboradilar.

Qanday qilib anglagan xolda kelajakdagi kasbni tanlash mumkin? Dastavval kasbiy qiziqishlar va moyilliklarni aniqlovchi psixologik testlardan foydalanish va natijalar sharxini olish kerak.Bunda xozirgi kunda umumta`lim maktablarida faoliyat ko`rsatayotgan amaliyotchi psixologlarga murojat qilish va maslaxat olish tavsiya etiladi.

Kasbga yo`naltirishda oila.

Kasbga yo`naltirish –bu juda jumboqli masala. Mutaxassis bo`lmaganlar uchun bu qandaydir mujmal va g`alatidek tuyuladi.Ushbu masala yuzasidan ota-onalar yordam bera oladilarmi? Ba`zilari yordam bera oladi, ba`zilari majburan ta`sir o`tkazadilar, ba`zilari esa elkasini qisib qo`ya qoladilar

Kasbga yo`naltirish xaqiqatdan ham juda muhimdir.Yil sayin kasblar ko`payib bormoqda.Yangi texnalogiyalar paydo bo`lmoqda, imkoniyatlar darajasi ortib bormoqda. Ilgari kasbga yo`naltirish masalasiga ba`zi ota-onalar tomonidan jiddiy yondoshilmagan deyish mumkin,chunki ular farzandlarining qiziqish va hohishlarini inobatga olmay, farzand ota-onasining kasbini davom ettirishi kerak degan fikrda bo`lganlar.

Xozirgi kunda esa o`quvchilar ota-onalarining kasbiga butunlay qarama-qarshi kasblarni ham tanlashmoqda.Bunda maktab pedagogik jamoaning o`quvchilarni o`rta maxsus kasb-hunar ta`limi muassasalari, korxonalar bilan tanishtirish bo`yicha olib borilayotgan tadbirlarining ahamiyati kattadir.

Ota –onalar odatda “issiq joy” ketidan quvishga kirishib ketadilar xamda farzandlaridan xam ko`proq bundan tashvishlanadilar. Tadbirkor ota bilan pedagog suxbatlashmoqda:

-O`g`limni qaysi oliygahda o`qitsam ekan ? Yaxshiroq joy tavsiya qila olasizmi ?

-O`g`lingiz hayvonlarni parvarishlash, davolash juda yoqadi. Balki uni veterinar qilarsiz ?

-U endi 16 yoshda. unga nima lar yoqmaydi deysiz, xavoyi bo`lsa,uni ustiga xech narsani tushunmaydi ! Men qayerga yo`naltirsam o`sha joyga boradi.

-Balki o`zi bilan ham gaplashib,so`rab ko`rarsiz?

-Buni nima farqi bor ? Eng asosiysi nufuzli, istiqbolli ish bilan shug`ullanishi!

Shubhasiz, ota o`z farzandiga faqat yaxshilikni tilaydi....LEKIN nimani evaziga

Sir emaski, ba`zi kollej, oliygoh bitiruvchilari o`z mutaxassisliklari bo`yicha ishlashni istashmaydi.”Diplom bo`lsa bo`ldi-de” kabi o`y –xayollar bilan ta`lim olishga befarq qaraydilar.

Biz o`quvchilarimizni xayotiga mamnunlik, qonoqish, quvonch olib keladigan kasbni egallashi uchun uni qobilyatiga, imkoniyatlariga axamiyat berishini xamda o`zining to`g`ri qaror qabul qilishiga yordam berishga xarakat qilamiz.Shu bilan bir qatorda ota-onalarga quyidagi maslaxatlarni berish kerak

- Farzandingizga kelajakdagi kasbni o`zi tanlashi xuquqini berish kerak.
- -Farzandingiz tanlagan kasbning mavjud bo`lgan yaxshi va yomon tomonlarini u bilan birgalikda muxokama qiling.
- Kasb tanlashni faqatgina moddiy qoniqish tomonigina emas, balki ma`naviy qoniqish tomonidan xam ko`rib chiqing.

- Farzandingiz tanlagan mutaxassislikda zarur bo`ladigan uning shaxsiy fazilatlarini xisobga oling.
- Agar kasb tanlashda qarama-qarshiliklar vujudga kelsa, kasbga yo`naltirish bo`yicha mutaxassislar bilan maslaxatlashish imkoniyatidan foydalanish kerak, yoki maktab amaliyotchi psihologi bilan maslahatlashing.
- Kasb tanlashda farzandingizga tazyiq o`tkazmang, u xolda bu turg`un nizolarga aylanib ketishi mumkin.
- Agar farzandingizda o`z orzusiga etishishiga hohishi va matonati bo`lsa, u xolda uni qo`llab quvvatlang.
- Agarda farzandingiz kasb tanlashda adashsa, buning uchun ta`na qilmang. Xatoni tuzatish mumkin.
- Agar farzandingiz biron-bir kasb bilan bolaligidan qiziqib qolgan bo`lsa, ushbu qiziqishini adabiyotlar, to`garaklarda shug`ullanish yordamida saqlab qolishiga imkoniyat yaratib bering.

Bundan tashqari bolalarga mehnat faoliyatiga amaliy va axloqiy tayyorgarlikni bilish uchun quyidagi qoidalarga amal qilish lozimligi o'rgatish lozim:

- Kasbning mohiyatini anglatish orqali inson jamiyat taraqqiyotidagi o’z o’rniga ega bo’lish;
- Inson mehnati hamda mehnat mahsuli bo’lgan moddiy va ma’naviy ne’matlarni qadrlash va avaylashga o’rgatish;
- Farzandingizga kasbga nisbatan muhabbatni o’rgatish;
- Farzandni kasb tanlashda ongli ravishda, vijdonan yondashishga odatlantirish;
- Kasb tanlaganda uning hayotiy zarurat ekanligi, inson faoliyatining asosi sifatida munosabatda bo’lish;
- Bolada mehnatsevarlik xislatini tarbiyalash; o’z mehnati samarasidan g’ururlanish tuyg’usini shakllantirish;
- Muayyan kasb-hunar sirlarini o’zlashtirishga erishish va hakozalar.

Kasb tanlashda onglilik va mustaqillik insonning o’z qiziqishi qobiliyatlari, irodaviy sifatlariga o’zi baho berishini taqozo etadi.

## UMUMTA’LIM MAKTABLARI BITIRUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO‘NALTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.

*Abdullaeva J.E.*
*Andijon viloyati Buloqboshi tumani*
*7- son umumta’lim maktabi psixologi.*

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada kasb tanlash va kasbga yo‘naltirish ishlarini tashkil etishdagi amaliyotchi psixologlar faoliyati va umumta’lim maktabi bitiruvchilari bilan olib boriladigan kasbga yo‘naltirish ishlarining natijalari hamda jamiyat taraqqiyotida yoshlarning to‘g‘ri kasb tanlashi muximligi haqidagi fikrlar bayon etilgan. Shuningdek, kasb-hunarga yo‘naltirish tizimining asosiy vazifasi

o‘quvchilarning qiziqishlari, layoqatlari, qobiliyat va imkoniyatlarini to‘g‘ri (diognostik) tashxis qilib, ixtiyoriy majburiy ta’lim tizimini, ya’ni akademik litsey yoki kasb-hunar kollejlarida va maktablarda kasb-hunar sohasini ongli va to‘g‘ri tanlashga ilmiy asoslangan to‘laqonli maslahatlarni berish uchun kasbga yo‘llash ishlarini to‘g‘ri tashkil etish maksadga muvofiqligi, bu maslahatlar tavsiya xarakteriga ega bo‘lib, haqiqiy tanlashni esa o‘quvchining o‘zi amalga oshirishi xaqida, bu tanlash to‘g‘ri bo‘lishi uchun bitiruvchilardan yil davomida maktab psixologi tomonidan olib boriladigan amaliy ishlar yoritib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** kasb, metodologiya, diognostik taxlil, kasbiy profilaktika, motiv, motivatsiya, tashxis, talab, ehtiyoj.

**Аннотация:** В данной статье обобщены результаты работы психологов в области выбора профессии и профориентации, а также результаты профориентационной работы с выпускниками средней школы и важност правильного выбора профессии для молодежи в обществе. Кроме того, основной функцией системы профессиональной ориентации является правильная диагностика интересов, способностей, способностей учащихся, а также обеспечение системы добровольного образования, такого как академические лицеи или профессиональные колледжи

Рекомендуеться правильно организовать профессиональную подготовку в школах, чтобы предоставить научно обоснованные рекомендации о правильном выборе профессии, которые носять рекомендателный характер, и чтобы этот выбор был действительным, выпускники охватывают тематические исследования, проведенные школьным психологом. в течение года.

**Ключевые слова:** род занятий, методология, диагностический анализ, профессиональная профилактика, мотивация, мотивация, диагностика, спрос, потребност.

**Abstract:** This article summarizes the work of practicing psychologists in vocational choice and career guidance, as well as the results of career guidance work with graduates of secondary school and the importance of the right career choices for young people in society. Also, the main function of the vocational guidance system is to properly diagnose the interests, abilities, abilities and capabilities of students, and to provide a system of voluntary education, such as academic lyceums or vocational colleges and colleges. It is advisable to properly organize vocational training in schools to provide scientifically sound advice on the right and proper choice of profession, which are of advisory nature and In order for this choice to be valid, the alumni cover the case studies conducted by the school psychologist throughout the year.

**Keywords:** occupation, methodology, diagnostic analysis, professional prevention, motivation, motivation, diagnosis, demand, need.

Shaxsning yetuk, barkamol bo‘lib yetishishi uchun to‘g‘ri kasb tanlay bilishlari muhim o‘rin tutudi. Zero, hozirgi kundagi dolzarb muammolaridan biri ham o‘quvchilarning to‘g‘ri kasb tanlay olishni bilishidir. To‘g‘ri kasb tanlashlari uchun esa, maktab psixologlari psixoprofilaktika ishlarini amalga oshirishlari

lozim. O‘quvchilarning kasbiy qiziqishi, qobiliyati hamda sog‘liqlari holatlarini e’tiborga olishlari, mehnat bozoridagi talablarning rivojlanishi talab va ehtiyoji kuchli kasblar va mutaxassisliklar to‘g‘risida ma’lumotga ega bo‘lishini ta’minlash lozim. Kasbga yo‘naltirishning metodologiyasi kasbni ongli mustaqil tanlash bo‘yicha ilmiy muammolarni yechimini topishga yo‘naltiriladi. Asosiy qoidalardan biri bu kasb-hunarga yo‘naltirish ishlarini tashkil etishda o‘ziga xos ta’sir etadigan konseptual harakterdagi g‘oyalardir.[1]

Bu g‘oyadan biri yoshlarning to‘g‘ri kasb tanlashlari uchun ularning qiziqishlari, layoqat va qobiliyatlarini tashxis qilish tadqiqotlari yordamida aniqlash asosida kasb-hunarga yo‘naltirish ishlarini tashkil qilish hisoblanadi. O‘quvchining kasbiy orzu va hohishlarini ularning qiziqishlari layoqatlari, moyilliklari va imkoniyatlarini o‘rganish uchun maktab psixologi kasb hunarga yo‘naltiruvchisi sifatida turli xil tashxis metodikalaridan foydalanishi maqsadga muvofiq. Shu bilan birga o‘quvchining tashxis qilishga yagona yondashuvini shakllanishi ushbu muommoga yondashuvini tartiblashtirishni ko‘zlaydi. Shaxsiy tajribalar, mamlakatimizdagi va xorijdagi mutaxasislarning tajribasi qo‘yilgan topshiriqqa mos bo‘lgan tashxis usullaridan ajratib berish imkonini beradi. Ularni tegishli dasturlarga ajratish orqali o‘quvchilarning kizikshlari va qobiliyatlarini o‘rganishda, asosan umumta’lim maktablarining bitiruvchi sinflarida olib borilgan so‘rovnomalar natijalariga ko‘ra qo‘yilgan tashxis ishlarini asosiy bosqichlarini ko‘rsatib beradi.

Ta’limning o‘ziga xos isloh qilinishi, ta’lim sifatiga e’tiborni kuchaytirilganligi, kadrlarga bo‘lgan talablarni ham takomillashtirishni taqozo etadi. Bu esa bugungi kunda pedagogik-psixologik (diognostik) tashxisning ro’lini yanada ortib borishiga turtki bo‘ldi. Mamlakatimizning barcha tumanlarida kasb hunarga yo‘naltirish va psixologik-pedagogik tashxis markazlarida olib borilayotgan ishlarning o‘zi fikrimiz isbotidir. Bugungi kunda kasb-hunarga yo‘naltirish tizimining asosiy vazifasi o‘quvchilarning qiziqish layoqatlari, qobiliyat va imkoniyatlarini to‘g‘ri (diognostik)tashxis qilib, ixtiyoriy majburiy ta’lim tizimini, ya’ni akademik litsey yoki kasb-hunar kollejlarida kasb-hunar sohasini ongli va to‘g‘ri tanlashga ilmiy asoslangan to‘laqonli maslahatlarni berishdir. Bu maslahatlar tavsiya xarakteriga ega bo‘lib, haqiqiy tanlashni esa o‘quvchining o‘zi amalga oshiradi. Bu tanlash to‘g‘ri bo‘lishi uchun bitiruvchilardan yil davomida maktab psixologi tomonidan test metodikalari o‘tkaziladi. Bu metodikalar orqali bolani qaysi kasbga bo‘lgan qiziqishi, munosabati aniqlanadi. Ularni to‘g‘ri yo‘naltirish imkoni yaratiladi.

“Differensial diognostik so’rovnoma”,[5] “Bo‘lajak kasb tipini aniqlash” metodikasi, [6] “Ayzenk so‘rovnomasi”, “Qiziqishlar xaritasi” kabi psixologik pedagogik so‘rovnoma va test savollariga javoblar natijalarining interpritatsiyasi asosida o‘quvchilarning kasbiy layoqatlari aniqlanib kasbga yo‘naltirish tadbirlari tashkil etiladi. Bu kabi metodikalar yordamida o‘quvchilarning kasbiy layoqati va qobiliyatlarini aniqlanadi. Natijalar asosida ularni kasbga yo‘naltirish ishlari tashkil etiladi.

Bizga ma’lumki, umumta’lim maktablari bitiruchilarida o‘zini-o‘zi anglashi kasbiy yo‘nalganligini shakllantirish bevosita ularning kelgusi faoliyati sohasini

tanlash bilan bog‘liq bo‘ladi. Psixologiyada sub’ektning kasbiy yo‘nalganligini uch bosqichda amalga oshirishi mumkinligi ta’kidlangan: [1]

- kasb tanlashga yordam berish,
- tanlagan mutaxassisligiga zarur bo‘lgan shaxsiy fazilatlar, (javobgarlik, ijodkorlik)ni shakllantirish),
- o‘zini-o‘zi rivojlantirishiga intilishi faol hayotiy pozitsiyada turishi
- o‘quvchilarning kelgusi hayotiy strategiyasini tuzish.

Psixologlarning fikrlariga ko‘ra inson o‘zining imkoniyat chegaralarini bilish va anglab yetish bilangina cheklanib qolmasdan, o‘z imkoniyatlarini amalga oshirish malakalariga ham ega bo‘lishlari zarur ekan. O‘quvchilarni kasbga yo‘nalganligini aniqlashlariga yordam beruvchi sub’ektlar ularni o‘rab turgan barcha katta yoshli insonlar hisoblanadilar.

Bitiruvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish bo‘yicha targ‘ibot va tashfiqot ishlarini tashkil qilishda, maktab psixologlarining kasb-hunarga yo‘naltirish borasida kasbiy axborot va kasbiy maslahatlar berishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Suhbatlarni rejalashtirar ekanmiz biz o‘quvchilarda bo‘lajak kasbiga ijobiy munosabatni maqsadli yo‘naltirish va kasb haqida ayrim tushunchalarni shakllantirish jarayonlariga e’tibor berishimi kerak. Bu jarayon o‘z navbatida shaxsning kasbiy qiziqishlarini shaklanishiga hissiyotli, sababli, aqliy tartibda ta’sir qaladi. Ko‘rilgan filmlar, uyushtirilgan ekskursiyalar, o‘quvchilarda ma’lum bir his-hayajonni yuzaga keltiradi, kasb faoliyatini modellashtiradi va tarbiyalaydi. Maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirishda ularning his-tuyg‘u va sezgilariga ta’sir qiluvchi quydagi usullardan foydanilish maqsadga muvofiqdir.

-ta’sir etish.

-ishontirish.

-ilhomlantirish.

O‘quvchilarni kasb tanlashiga ta’sir qiluvchi omillar ham maktab psixologi tomonidan olib borilgan targ‘ibot ishlariga bog‘liqdir. Mana shu aytib o‘tilgan omillar me’yoriy targ‘ibot ishlari bo‘lib ham hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, pedagog-psixologlarning bugungi kunda bitiruvchi yoshlarni to‘g‘ri kasb tanlay olishlarini tashkil qilishdagi roli juda kattadir. Zero kelajagimiz poydevori bo‘lgan yoshlar, davlatimiz ravnaqiga o‘z kasblarining mohir kishilari bo‘lib yetishishlari orqali ham o‘z hissalarni qo‘shadilar.

**ADABIYOTLAR:**

1. O‘zbekiston Respublikasida o‘quvchi yoshlarni kasb – hunarga yo‘naltirish tizimini rivojlantirish konsepsiyasi.– T.: O‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish da psixologik – pedagogik Respublika tashxis markazi,2002. 12b

2. Azizxo‘jaeva N.N. Pedagog mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. – T.: TDPU, 2000

3. Boltaboev S. A. Tolipov.O‘.. Umumiy o‘rta ta’lim maktablari kasbga yo‘naltirish o‘quv – metodika kabineti faoliyatini tashkil qilish bo‘yicha metodik tavsiyanoma. – Toshkent, 2000. 36 b

4. G‘oziev E.G‘. Umumiy psixologiya. “O‘qituvchi» -T.: 2010 447 b.

5. Muslimov N.A., Mullaxmetov R.G. Kasb tanlashga yo‘llash. O‘quv qo‘llanma. –Toshkent: OO‘MTV, 2007. 186 b

6. Jo‘raev.R.J., Tolipov.O‘.Q., Sharipov Sh.S. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirishning ilmiy-pedagogik asoslari.-Toshkent.: «Fan», 2004 yil

**Elektron Ta’lim resurslari**

1. www. tdpu. uz
2. www. pedagog. uz
3.www.ziyonet.uz

## ЁШЛАРГА БЕРИЛСА ЭЪТИБОР, КЕЛАЖАК ОИЛАДАН УМИД БОР. ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ҲАММА ДАВРЛАР МУАММОСИДИР.

*Абдуллаева С.А.*
*ТДАУ психологи*

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашишдан иборат экан, бу борада юртимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, соғлиги, тафаккури, билим олиши ҳамда маънавиятига алоҳида эътибор каратиб келинмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган масканларда чуқур сингдирилиб, аҳлоқсизлик, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарларнинг асл моҳиятини теран англаб етиши учун барча механизмлар ишга солинмоқда.

Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ўзига хос ва мос миллий, диний қадриятларга асосланган халқимизнинг тарбия борасидаги азалий анъаналари “оммавий маданият”, менталитетимизга ёт ғоя ва қарашлар таъсирида асл моҳиятини йўқотиб бораётгани барчамизни ташвишга солади. Ушбу жараёнга, яъни тарбия масаласига ўз вақтида жиддий эътибор қаратмасак, эртага кеч бўлиши, тузатиб бўлмас даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, тарбия борасида таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзларини асло унутмаслигимиз лозим.

Хўш, бугун ёшлар тарбияси борасида нимага эришяпмиз, қандай ютуқ ва муаммоларимиз бор? Эртанги кунимиз эгаларининг одоб-аҳлоқи, билим ва салоҳияти, маънавияти, бир сўз билан айтганда, тарбиясидан кўнглимиз тўляптими?

Тўғри, мамлакатимизда фарзандларимизнинг болалар боғчасидан тортиб, мактаб, коллеж, олий ўқув юртидаги таҳсил давригача бўлган жараёнларда жуда катта кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, бу борада хато-камчиликларимиз, нуқсонлар ҳам борки, улар турли шакл ва кўринишларда бўй кўрсатиб, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айрим ёшларнинг юриш-туриши, айниқса, кийинишини кўриб, ўйланиб қоламан. Наҳотки шу қиз ёки йигит бизнинг фарзандимиз, бизнинг тарбиямизни олиб ўсган бўлса? Баъзи қизларимиз миллатимизга хос бўлмаган либосларни кийиб юришини мен асло оқламайман. Тўғри, қандай кийиниш ҳар кимнинг шахсий иши. Бироқ кийинишда маданият, халқимизнинг қадим қадриятларига ҳурмат бўлиши керак. Бу борада кенг жамоатчилик, айниқса, оилада ота-онанинг назорати муҳимдир.

Бугун аксарият ёшларимиз бўш қолди дегунча дарров қўл телефони билан машғул бўлиши одатий ҳолга айланиб қолди. Қандайдир ўйин ўйнайди, қўшиқ эшитади, фильм томоша қилади, ижтимоий тармоқлардаги турли-туман маълумотлар билан танишади. Бунинг нимаси ёмон, техника даври, тараққиёт дерсиз? Тўғри, бунинг ёмон томони йўқ. Тан олишимиз керак, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, интернет тараққиёт даражамизни бир неча поғонага кўтарди, узоғимизни яқин, ишимизни енгил қилди. Лекин ёшларимизнинг уяли телефонга асир бўлиб қолаётгани, интернет ва ижтимоий тармоқлардан, улардаги маълумотлардан оқилона фойдаланишлари борасида жиддий ўйлаб кўришимиз керак бўлган жиҳатлар талайгина.

Ёшларимизнинг мобиль телефон, интернетга бу қадар боғланиб қолишларини асло оқлаб бўлмайди. Бу энг аввало, уларнинг саломатлигига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Интернет тармоқларида алдов ва ғаразли мақсадлар йўлида тарқатилаётган турли маълумотларга айрим ёшларимиз осонгина ишонмоқда. Натижада оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олмай, кимларнингдир қурбонига айланаётир.

инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Психологларнинг аниқлашича, оналарнинг бола тарбиясига етарли даражада эътибор бермаслиги сабабли уларда жаҳлдорлик ва тажовузкорлик хусусиятлари юзага келар экан. Айниқса, ўсмир ёшдагиларнинг организмида юз бераётган гармонал ўзгаришлар унинг кайфияти ва ҳиссиётларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу даврда болани эшита билиш, унга ишониш, у билан тўла қонли, самимий мулоқотда бўлиш, меҳр-эътибор кўрсата билиш ҳамда мунтазам назорат қилиш талаб этилади.

Ўтмишга, бобо-момоларимизнинг ҳаётига назар ташласак, оилада ўғил бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Болалигидан оиланинг суянчи,

каттаси, опа-сингилларининг ҳимоячиси бўлишини, қолаверса, Ватаннинг таянчи эканини уктириб, шу асосда тарбия берилган. Тўғри, аёл оиланинг чироғи, иқболи. Фарзанднинг соғлом, баркамол туғилиб вояга етиши кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Шундай бўлса-да, тарбияда эътиборни икки жинсдаги фарзандга ҳам тенг қаратиш зарур. Ҳатто, ўғил болаларга кўпроқ аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки аёлнинг аёлдай юришини таъминлайдиган эркаклар эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Минг афсуски, бугун жамиятимизда ана шу тамойил бироз издан чиқди. Баъзи оилаларда отанинг ўрни ва роли сезиларли даражада оқсаётганини кузатишимиз мумкин.

Шу ўринда, ота оилани таъминламаса, фарзандлар тарбияси бузилади, деган ақидани унутиб қўймаслигимиз лозим. Бирор бир иш билан машғул бўлмай хотини, фарзандлари топган пулга чойхоналарда ўтириб ош ейдиган ва бундан асло хижолат бўлмайдиган эркаклар орамизда, афсуски бор. Ана шундай муҳитни кўриб ўсаётган фарзандлар ёки фақат онаси орқали таъминланаётган бола отасининг гапини гап ўрнида қабул қилмайди. Ёхуд ота куни билан бекор юрсаю овқат пайтида дастурхонда ҳозир бўлса? Бундай оталар фарзандларига қандай ибрат бўла олади?

Бу каби ҳолатлар юзага келишининг асосий сабаби юртимизга оммавий тарзда кириб келаётган, менталитетимизга ёт сериаллар, видеоклиплар, интернет, қўл телефонларидаги видеоёзувлар, умуман, глобаллашув даврининг турли “маҳсулот“ларидир. Айни кунда мамлакатимизда “оммавий маданият“, у келтириб чиқариши мумкин бўлган иллатларга қарши зарур ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, хозирги кунда юртимизда маҳаллалар, таълим муассасаларида вилоят, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга, тарбия мезонларимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг соғлиғи ва давомийлигини таъминлайдиган, миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаб келгуси авлодларга қолдирадиган, шу билан бирга, келажак авлод қандай инсон бўлиб камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи ҳисобланади.

Хўш, бугун оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида олиб бораётган ишларимиз қай даражада самара бермоқда? Ёшларимиз оилада ўз ўрнини қай даражада мазмун-мохиятини англаб етмоқда? Ота-онага нисбатан фарзандлик бурчи, маъсулиятини хис этмоқдами? Келин-куёвлар оилавий ҳаёт ҳақида етарли тушунчага эга бўлиб турмуш қурдими? Улар рўзғор аравасини тортиб кета оляптими? Умуман, мустаҳкам оилаларни шакллантира оляпмизми? Очиғи, бугун бу каби саволларнинг барчасига ижобий жавоб беришга бироз ўйланиб қоламиз.

Айрим оилаларда тўйдан ҳеч қанча ўтмай, турли муаммолар юзага келмоқда. Куёвнинг тайинли бирор иши йўқлиги, оилага бош бўлиш, оилани моддий таъминлаш лаёқатига эга эмаслиги, келиннинг эса оила тутумларини

яхши билмаслиги уларнинг оила деб аталмиш муқаддас қўрғонга юзаки қарашлари бир қатор муаммолар келтириб чиқармоқда. Шу боис ҳам келажак авлод ҳақида жон куйдирар эканмиз энг аввало оилада маънавий мухитни шакллантириш ва ёшларимизни миллий тарбияга одатлантиришимиз лозим.

Афсуски, кейинги йилларда баъзи ёшларимиз орасида никоҳдан ташқари жинси муносабатга бўлган қизиқиш миллий тарбиямизга нисбатан ҳурматсизлик ва эътиборсизликни (зино, фаҳш ишлар) бирмунча кўпайганини кузатишимиз мумкин. Бу ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Қандайдир омиллар билан шундай қабиҳликка қўл урилади. Шу маънода куйида ёшларимиз тарбиясига таъсир этувчи ҳамда оилавий муносабатларда оқсоқланиб қолишига сабаб бўлувчи айрим омилларни санаб ўтаман.

1. Имони заифлик, оила муқаддас эканини унутиш, турмуш ўртоғига нисбатан садоқат ҳиссини ёдидан чиқариш, нафсига қул бўлиш;

2. Жуфти билан жинсий ҳаётдан қониқмаслик, эҳтиёжларнинг бир-бирига мос келмаслиги; (эркак ўз шаҳватини қондириб аёлини кутмаслиги)

3. Билим, кўникма, малака орасида катта тафовут борлиги;

4. Турмуш ўртоғининг касаллиги, эркакдаги жинсий ожизлик, аёлдаги жинсий совуққонлик;

5. Турмуш ўртоғига нисбатан муҳаббат хисси йўқлиги;

6. Мажбуран турмуш қуриш; (қиз йигитга ёқмаслиги, йигит қизга ёқмаслиги, ота-она босимидан турмуш қуриш);

7. Моддий бойликка қизиқиб оила қуриш;

8. Турмуш ўртоғидан тўйиниш;

9. Ўзга аёл ёки эркакни “ севиб ” қолиш; (муаллифнинг мақсади ҳақиқий севги эмас, шайтон севги деб кўрсатадиган вас-васадир, инсон турмуш ўртоғидан бошқалар билан шариат руҳсат берган чегарадан чиқишлиги натижасида пайдо бўладиган қалбдаги вас-васани севги деб алданиб хиёнат қилишлик назарда тутилган. Шунинг учун номаҳрамларга шахват билан қарамаслик, шариат буюрган шаклда муомала қилиш лозимдир).

10. Моддий тобелик (пул, уй-жой билан таъминлангани учун фаҳш иш содир этиш);

11. Эски “ ошналари ” билан “ дийдорлашиши ”; ( зинокор дўстлар даврасида ўтириш)

12. Спиртли ичимликлар, ҳаром-хариш егуликлар таъсирига тушиб қолиш;

13. Ўзининг кимлигини ўзгаларга кўз-кўз қилишга ишқибозлик (Бундай нокаслар танишлари орасида обрў орттириш пайида бўлади, кўз остига олган одамни ўзига жазман тутади. Улар учун жазманнинг ташқи кўриниши эмас, сони муҳим);

14. Оилавий жанжаллар сабаб эр-хотин бир-биридан совиши;

15. Эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрига (кўп) жаҳл қилиши;

16. Ёшликда етарлича тарбия берилмаганлиги; ( бунинг қанчалик катта гунохлиги, қилган одам маълун бўлишлигини тушунтирилмаганлиги.)

17. Эр ёки хотиндан бирининг узоқ муддат оиладан четда яшаши (сафарда, ҳарбий хизматда ёки қамоқда бўлиш);

18. Муҳитнинг бузилиши, “ куёвлар шаҳри ”, “ келинлар шаҳри” каби маънавий муҳити издан чиққан жойларнинг мавжудлиги;

19. Матбуотда, теливизорда бузуқликка, фаҳш ишларига тарғиб этувчи маълумотларни ўқиш, кўрсатувларни томоша қилиш.

Умуман олганда, кўра била туриб ўзини тарбиясиз қилиб кўрсатиш энг жирканч ишдир. Бунга асосий сабаб дин-диёнатдан йироқлик, етарлича тарбия кўрмаслик, меъёридан ортиқ эътиборсизлик, илмсизлик, маънан бузуқликдир.

Бугунги кун ёшларида Ватанга, Оилага, дўсту-биродарларига нисбатан мехрни ифодалашни билмаслик кўп жиҳатдан шахснинг вояга етган, шахс сифатида шаклланган микро ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади. Бу мухитнинг асосини оила ташкил этади. Оилада ота-она ва ака-укалар орасида мехрнинг бир-бирига ифодаланмаслиги шу оилада ўсаётган болада меҳрни ифодалаш малакаларининг шаклланмаслигига олиб келади. Албатта, бола намунани фақатгина оиладан эмас, балки ўзга референт гурух (кадрият, интилишлари унинг учун мухим ахамият касб этадиган)лар даврасидан, кариндошлари, мактаб ҳамда адабиёт, санъат, кино каби ўзга омиллардан ҳам олиши мумкин. Оилада етишмаган малакаларнинг ўзга омиллар орқали шакллантирилиши эхтимоли мавжуд. Лекин меҳрни шакллантирувчи энг асосий омил оила хисобланади. Ёшларимизни она ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида, юксак маънавиятли ва салоҳиятли қилиб тарбиялаш хар биримизнинг ишимиз. Айниқса, интернет тармоқларида тарқатилаётган диний ақидапарастлик, терроризм ғояларини ёйиш, “оммавий маданият” кўринишларини ёшлар онгига сингдириш, уларнинг турмуш тарзига айлантиришга бўлаётган уринишларга, ёшларимизнинг ана шу иллатлар таъсирига тушиб қолмасликлари, юқоридаги каби алдовларга кўр-кўрона эргашмасликлари учун энг аввало, уларнинг билим ва тафаккурини бойитиш, интернет маълумотларидан ўринли ва оқилона фойдалана билиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Ёшларимизда ёт ғояларга, иллатларга қарши маънавий иммунитет, тушунча шаклланмас, қачонки, уларнинг ўзларида “бу яхши, бу ёмон” деган фикр пайдо бўлмас экан, ахборот хуружлари хавфидан, ҳаётимизга, мафкурамизга кириб келаётган иллатлардан асло қутила олмаймиз. Ёшларимиз орасида содир бўлаётган ҳодисаларга хотиржамлик ва лоқайдлик билан эмас, балки ҳушёрлик билан қараш зарур. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади".

Бу борада ижобий натижага эришиш учун нафақат, педагоглар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ёшлар билан ишловчи ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик ҳамкорликда иш олиб бориши, хусусан, тушунтириш ва

тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Айникса, маҳаллаларда, ҳар бир оилада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ота-онанинг фарзанд тарбиясига, фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга бўлган эътибори ва масъулиятини ошириш лозим. Энг муҳими, фарзандларимизни соғлом, комил инсон қилиб тарбия қилайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, миллий қадриятларимизга, муқаддас динимиз анъаналарига содиқ бўлсин.Мазкур фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда, ёшлар тарбиясига барчамиз масъулликни ҳис қилиб, жамиятимизга хос бўлмаган иллатларга қарши биргаликда курашишимиз лозим. Зеро, баркамол авлод ва юксак ахлоқли ватанпарвар ёшлар бугунимиз ва эртамизнинг ҳақиқий давомчиларидир.

**АДАБИЁТЛАР:**


1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.
2. Психологнинг 1001 саволга 1001 жавоби. - Т.: "Мехнат", 2001.
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ.
4. Интернет маълумотлари.
5. Педагогика. С.П.Баранов, Л.Р.Болотина, В.А.Сластенин. Тошкент "Ўқитувчи" 1990 й.
6. Каримов И.А. Ватан равкаки учун хар биримиз масъулмиз. Т.: «Узбекистон», 2001.


## БОШҚАРУВДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.


*Абдуллажанова Д.С.*
*ЎзМУ таянч докторанти(PhD)*



**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақола бошқарувда аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, кадр танлашда, тайинлашда аёлларга хос ижтимоий-психологик ва психоэмоционал хусусиятларни ўзига хос жиҳатларини бошқарувда аёллар фаоллигида тутган ўрни, аҳамияти, фаолликни шакллантириш ва унинг бошқарувда аёллар фаоллигидаги аҳамиятини очиб беришга қаратилган.



**Калит сўзлар:** аёллар фаоллиги, бошқарув, кадр, танлаш, тайинлаш, ижтимоий-психологик, психоэмоционал хусусиятлар.



**АННОТАЦИЯ:** Данная статья посвящена вопросам активности женщин в управление, отбора, назначения управленческих кадров, социально-психологические, психоэмоциональные особенности женщин в управлении, важность социально-психологических, психоэмоциональных особенностей в формирование активности и ее значимост в отборе, назначения кадров вовсех отраслях.

**Ключевые слова:** активность, управеление, социально-психологические, психоэмоциональные особенности женщин, отбор, назначение кадров,

**ANNOTATION:** This article is devoted to the issues of training, retraining, selection, appointment of managerial personnel, socio-opsychological characteristics inherent in women, the importance of including women in the personnel reserve, the formation of activity and its importance in management.

**Key words:** Management personnel, activity, selection, appointment, training, retraining, personnel reserve, women, socio-psychological characteristics.

Ҳар бир шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари хатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор, мақсад, қобилият ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мотив, эҳтиёжларда кўринади. Шахс ўз камолоти, тараққиёти ҳамда ривожланишида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик хусусиятларни намоён этади.

Инсон жамиятнинг бир бўлаги сифатида бирор мавқейга, мақсадга эришишида унинг хатти-ҳаракати, фаолияти, шахслараро муносабати, ўзини-ўзи англаганлиги, назорат қилаолиши, баҳолаши, бошқариши, ички ва ташқи мотив, эҳтиёж билан бирга унинг фаоллиги муҳим ўрин тутади. Айниқса, бошқарувда аёллар фаоллигини юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишида, фаолликни ижтимоий-психологик хусусиятларини бир бутун, яхлит ҳолда намоён бўлишида ички регуляция билан бирга жамиятда тенг шароит ҳамда имкониятларни яратилганлиги, тенглик тамойилини таъминланганлиги асосий жиҳат сифатида эътироф этилади.

Шу билан бирга аёллардаги фаоллик ижтимоий-психологик хусусият сифатида халқ хўжалигининг барча соҳаларида жумладан, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий йўналишдаги бошқарув ва раҳбарликда, тадбиркорликнинг турли босқичларида, нoформал лидерликнинг турли бўғинларида кўринади. Аёллар ўз фаоллигини турли жабҳаларда хусусан, бошқарувда намоён этишларида аввало кадр сифатида танланиши, тайинланиши ёҳуд сайланиши керак. Деярли барча ривожланган ёки бугунги кунда ривожланиш босқичида бўлган мамлакатлар хусусан Ўзбекистонда ҳам рақобатбардош, салоҳиятли, ватанпарвар, билимли ҳар томонлама ўз касби ва лавозимига муносиб кадрларга бўлган эҳтиёж ва талаб юқори.

Бугунги кунда аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистоннинг янги ислоҳотлар даврида уларни бошқарув лавозимларига танлаш, тайинлаш, сайланиш ҳуқуқларини қонун билан мустаҳкамланганлиги, аёлларни нафақат ижтимоий масалаларни ўрганиш объекти балки, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўз иқтидорини намоён этиш қобилиятига эга эканлигини эътироф этилаётганлиги катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтиришни белгиланганлиги[1];

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан аёлларни ҳоким лавозимига тайинлаш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурганлиги, 2020 йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлисида Сенат раиси лавозимига илк бор аёл киши номзоди илгари сурилганлиги[2] мамлакатимизда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, бошқарувда аёллар фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини намоён этишлари учун жамиятда имконият яратиб берилаётганлиги, бу ўз ўрнида ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий-психологик муҳитига ижобий таъсир кўрсата бошлаганлиги билан изоҳланади.

Шахслараро муносабатларда демократия, тенг ҳуқуқлилик тушунчалари бугунги ижтимоий ҳаётда нормал жараён сифатида тан олинаётганлиги, академик Р.Убайдуллаеванинг жамиятни демократлаштириш ва аёллар фаоллиги муаммосини ҳал этиш бу иккита бир-бирига узвий боғлиқ жараёндир. Демократлаштириш бу нафақат аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, балки аёлларни қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини намоён этишнинг янги шаклларини юзага келишига имконият яратади. Бу – аёлларни "ижтимоий ҳимоя" объектидан жамият ҳаётида фаол иштирок этувчи шахсга айланишида қўйилган биринчи ва муҳим қадам ҳисобланиши тўғрисидаги фикрларида ҳам ўз аксини топган[7].

Фаоллик бу (ингл. activity, немс. tatigkeit) фаолият, ташқи муҳит билан ҳаётий муносабатни қўллаб-қувватлаш ёки уни ўзгартиришнинг манбаси ҳисобланади[4]. Аслида ижтимоий-психологик жиҳатдан фаоллик инсон фаолиятидаги муҳим хусусият сифатида характерланиб, инсонни ташқи муҳитга интенсив таъсири ва мақсадга эришишидаги тўсиқ ҳамда қарама-қаршиликларни енгиб ўтишидир. Бу организм ва ташқи муҳит, субъект ва ташқи муҳит, шахслараро ва ижтимоий муҳитдаги қарама-қаршиликларни бартараф этишдир.

А.К.Абульханова-Славская фаоллик ва фаолият ўртасидаги фарқни фаолият эҳтиёжлари предметидан келиб чиқади, фаоллик эса, фаолиятга бўлган эҳтиёждир[3]. Фаоллик фаолиятни юзага келтиради. Унинг мотиви, мақсади, йўналганлиги, хоҳиши фаолиятни амалга оширади ва у инсонда мавжуд "уйқудаги потенциал"ни қўзғатувчи, ҳаракатга келтирувчи куч дея таъкидлайди[3]. Демак, инсон вазиятни ўзи тадқиқ этади, ўз фаоллигини программалаштиради, натижаларни назорат ва таҳлил этади.

Зеро, глобализация, информацион жараён тезлик билан ривожланаётган ҳозирги даврда таваккалчиликнинг ижтимоий роли ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бу инсонда ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бериш, ўзгаришларга нисбатан ўз фаоллигини мослашувчанлигини бошқариш, мавҳум, номаълум вазиятларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги бўйича қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради.

Маълумки, ҳар бир жамоа, ташкилотнинг аъзоси у ёки бу даражадаги кадр ҳисобланиб, кадр фаолиятини баҳолаш, уни бошқарувга тайёрлаш учун танлашда ижтимоий-психологик хусусиятга аҳамият қаратиш муҳим ҳисобланади.

Бунда кадрларни танлашда аёлларгагина хос бўлган психоэмоционал хусусият жумладан, бошқарувда муваффақият ва юқори натижадорликка эришишда психик турғунлик асосий жиҳат бўлиб, бу фаол фаолиятдаги юқори профессионалликда яққол кўринади.

Шунингдек, психик турғунлик бошқарувда аёлларни интеллектуал, эмоционал, иродавий, шахсий-профессионал жиҳатларини бир-бирига мослигини таъминлашга хизмат қилади.

Психик турғунлик бу шахсни ташқи муҳит билан маълум вазият ва шароитларда бир-бирига мос равишда барча психик компонентларнинг аниқ намоён бўлишидир. Шунингдек, психик турғунлик маълум бир объектив чегараларни мавжудлиги билан белгиланади. Биринчидан, бу шахснинг потенциал имкониятлари; иккинчидан, маълум бир вазиятдаги объектив талабдир. Психик турғунлик бошқарувда муваффақиятга эришишнинг максимал эффектини белгилаши билан ҳам ажралиб туради.

Бошқарувда аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятларининг яна бир ўзига хос жиҳати бу аёллардаги юқори эмоционаллик ва ёши билан боғлиқ. Юқори эмоционаллик аёллар ишбилармонлиги ва бошқарувида негатив(салбий) фактор сифатида қаралсада, психоэмоционал жараённи нейтраллаштириш мумкин ҳамда эмоционаллик фрустрацияга нисбатан юқори психик турғунликда шакиллантирилса, бошқарувдаги аёлларда негатив факторларни нейтраллаштириш имконияти кенгайиши мумкин бўлади.

Бошқарувда аёллар фаоллигини ижтимоий-психологик хусусиятларини ўзига хос жиҳатларидан яна бири касбий хусусиятлар ва қобилиятлардир. Булар: *амалий интеллект – мантиқий ва танқидий фикрлаш, амалий масалаларни ҳал этишда билим ва тажрибани тез ва эффектив қўллай билиш. Бошқарувни эффективлиги кўп жиҳатдан маълумотлар билан ишлай олиш ва шахслараро муомалага боғлиқлиги;

*социал интеллект – атрофдаги инсонлар ички кечинмаларини тўғри тушуниш ва таҳлил қилиш;

*адекват ўз-ўзини баҳолаш, яъни шахснинг ўз-ўзини кузатиш, хатти-ҳаракатларини танқидий, таҳлилий, назорат ўлчовида баҳолай олишда кўринади.

Шунингдек, мақсадни аниқ белгилай олиш, таҳмин(прогноз) қила билиш, режалаштириш, қарор қабул қила олиш, коммуникатив қобилиятни шакллантириш ҳам бошқарувдаги фаоллик самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади. Доминантлик, стрессга чидамлилик, ўзини-ўзи бошқариш, эмоционал турғунлик ҳам субъектнинг шахсий хусусиятлари ҳисобланади[5].

Ҳар бир шахс борлиқни, вазиятни, муаммони, ташқи таъсирни, дунё тўғрисидаги тасаввурни ўзининг ички модели орқали қабул қилади. Барча шахс вазиятни қандай муҳокама этишига қараб бир-биридан фарқланади. Инсон вазиятни қандай таҳлил этишига қараб, унинг фаолияти аниқланади[6].

Борлиқни тасаввур қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш, ички ва ташқи таъсирлар натижасида инсон ривожланиши, ўзгариши ёки тараққий этишини

инобатга олсак, демак бу унинг ички ўзига хос жиҳати сифатида амалга ошади.

Ана шу нуқтаи назардан кадрлар масаласида, хусусан бошқарувда аёллар фаоллигининг муҳим ижтимоий-психологик жиҳатларининг ўзига хослиги бу ички ва ташқи таъсирларни ҳиссий баҳолашни устунлиги ҳисобланади. Бу аёллардаги борлиқни, вақеа-ҳодисаларни барча майда деталларига инобатга олиши, ҳис қила олишида кўринади. Бошқарувда вазиятни аниқ баҳолашда, вазифани бажаришда, бошқарувни амалга оширишда мазкур жиҳат аёллар фаоллигини ўзига хос ижтимоий-психологик хусусияти сифатида намоён бўлади ҳамда улар фаолиятида ўзига хос ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Маълумки, ҳар бир инсон ижтимоий ҳаётда бир нечта позицияни эгаллайди. Ҳар бир позиция шахсдан маълум бир ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишни тақозо этади ва бу унинг жамиятдаги статусини белгилайди. Шунингдек, инсон бир вақтнинг ўзида бир нечта статусга ҳам эга бўлиши мумкин лекин битта стутс уни жамиятдаги аниқ мақейини белгилаб беради.

Бошқарувда аёллар фаоллигини ўзгарувчан вазиятларга мослашишини муваффақиятли амалга ошиши, фаолликни аниқ йўналтирилиши, тажриба, малака ва кўникмаларни тўғри шакллантирилиши самарали фаолиятнинг асоси ҳисобланади.

Бинобарин, халқ хўжалигининг барча тармоқларини етук, ватанпарвар, миллатпарвар, фидоий, ҳалол, пок мутахассислар ҳисобига шакллантириш, кадрлар позициясини тўғри ташкил этиш мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бирга ижтимоий-психологик, маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль. 4 –йўналиш.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирокидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси. 20.01.2020 й. www.prezident.uz

**3.** Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни /К.А. Абульханова-Славская – М., 1991. – 43, 299 с.

**4.** Головин С.Ю. Словарь практического психолога. 1998. Минск. ХАРВЕСТ. С.14

**5.** Маркова Е. “Социально-психологический портрет женщины предпринимателя». Статья. С.4. https://superinf.ru

**6.** Столяренко Л.Д. Основы психологии. «Феникс» Ростов-на-Дону. 2000 г., С. 83

**7.** Убайдуллаева Р. Социальный потенциал женщин Узбекистана. Возможность содействия раскрытию социального потенциала женщин Узбекистана на рубеже 21 века (Материалы симпозиума). Т.: 1999, - С.32

# REKLAMALARNING TARBIYAGA TA'SIRI.

*Abdulpattayeva D.T.*
*Qo'qon Davlat Universiteti talabasi*
*Ilmiy raxbar: Kamoldinova D.E.*

**Annotatsiya:** Oilada shxsning iqdisodiy tafakkuri, tejamkorligi va uning ma'naviy shakllanishida kundalik hayotimizning faol qismiga aylanib ulgurgan reklama ma'lumotlari va xizmatlari ta'sir kuchi juda ham yuqori. Zero jamiyatdagi qaror topib borayotgan iqdisodiy-ijtimoiy islohotlar har bir shaxsni ma'lum ma'noda shakllanishiga va tarbiyalanishiga o'z ta'sir kuchini o'tkazmay qo'ymaydi.

**Kalit so'zlar:** reklama, televideniya, radio, sog'lom turmush tarzi, bola psixalogiyasi, shaxs rivojlanish jarayoni.

Rivojlanayotgan zamonda yashar ekanmiz atrofimizni ommaviy axborot vositalari qurshab turadi. Kundalik hayotda har kuni o'zimiz istar -istamas hollarda televideniya, gazeta, internet, radio va ko'plab narsalar o'rqali reklamalarga duch kelamiz. Reklama biznesning kaliti bo'lganligi bois ham atrofimizni qurshab turgan jamiiyki narsalarda buning yaqqol namunasini ko'ramiz. Lekin hech o'ylab ko'rganmisiz reklamalar farzand tarbiyasiga, shaxsning rivojlanishiga qay darajada ta'sir o'tkazadi ?

Jamiyatimizda ro'y berayotgan har qanday o'zgarishlarni ifodalanishida, manashu jamiyat taraqqiyotiga, undagi insoniy munosabatlar tizimiga ta'sir etishda oila bosh maskan hisoblanadi. Oilada shaxs hulq atvorini, uning iqdisodiy axvoli va tejamkorligini ma'naviy va jismoniy shakillanishida kundalik hayotimizning faol qismiga aylanib borayotgan reklamalarning tasir kuchi katta. Bugungi kunda ommaviy axborot vositalari orqali berib borilayotgan ma'lumotlar, televideniya orqali efirga uzatilayotgan reklamalar bola psixalogiyasiga juda ham sezilarli darajada ta'sir ko'rsatadi. Sababi oila davrasida o'tirgan vaqtida bola televideniya orqali uzatilayotgan bugungi kundagi,, Obod mahalla ",,, Keksalarni avaylang" kabi mavzularni ifodalagan reklamalardan ko'ra ko'proq qandaydur energetik ichimlik, shirinlik yoki kampyuter o'yinlari aks ettirilgan reklamalarga ko'proq diqqat e'tiborini qaratadi. Yuqoridagi reklamalar unga ahamiyatsizdek tuyuladi va natijada bola ongida o'zgarish sodir bo'ladi. Farzandingiz bilan do'konga borgan vaqtingizda reklamada ko'rgan mahsulotiga ko'zi tushadigan bo'lsa u harhasha qiladi va o'z maqsadiga erishguncha injiqlik qilishda davom etadi. Agar e'tiborsiz bo'ladigan bo'lsak bu hol qayta qayta davom etaveradi. Reklamalar bugungi kunda hayotimizdagi anashunday ta'sir kuchiga ega bo'lgan ijtimoiy - iqdisodiy jarayondir. Xar qanday kuchli psixalogik ta'sir kuchiga ega bo'lgan reklama ma'lum bir shahsga jamiyatdagi, oiladagi mavqei va ijtimoiy ro'llari nuqtai nazaridan yo'naltirilgan bo'ladi.

Reklamalar ko'p hollarda iqdisodiy axvolga tasir qiluvchidek tuyulsada lekin shunday ruxdagi reklamalar borki inson tarbiyasini o'zgarishiga sababchi bo'la oladi. Manashunday reklamalar tasirida nafaqat bolalar balki kattalar ham ma'naviy ozuqa oladi yoki biror bir foyda keltiradigan narsani o'rganadi. Misol qilib turizimni rivojlantiradigan reklamalarni oladigan bo'lsak bu reklamalarda qisman

bo'lsada reklama davomida anashu joy haqida ma'lumot berib o'tiladi, qayerda joylashgani, maydoni, atrofidagi chegaradosh hududlari yoki iqlimi boyicha. Qisqa vaqt ichida inson ongida qiziqarli ma'lumot saqlanib qoladi bu orqali. Yoki aksincha bundan tashqari sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishdagi reklamalar bor. Masalan, zararli odatlardan vos kechishning foydasi, to'g'ri va vaqtida ovqatlanish, jismoniy mashqlarni o'z vaqtida bajarishni aks ettirgan ommaviy axborot vositalaridagi reklamalar insonda sog'lom turmush tarziga ko'nikma hosil qiladi. Yana bir misol qilib shu narsani aytish joizki,,SPIDga qarshi kurash",,,Giyohvandlik asr vabosi",,, Bolalarni asrab avaylang" mazmunini aks ettirgan reklamalarda anashunday ijobiy turmush tarzi, hayotning yorqin ko'rinishlari o'z aksini topgan. Bunday ijtimoiy reklamalar tarbiyaviy ta'siriga ko'ra keng qamrovli bo'lib, u o'z ichiga keksa va yoshlar guruxini barchasini qamrab oladi. Nima sababli degan savolga shuni dalil qilish joizki har qanday inson anashu giyohvandlik aks ettirilgan yoki odam savdosiga qarshimiz qabilidagi shiorlar aks ettirilgan reklamalarni ko'rganida ko'nglidan manashu ishni qilinsa qanchalar salbiy oqibatlar keltirib chiqarishini his etadi va manashu ishni qilishdan o'zini tiyadi, nafaqat o'zini balki yaqinlari, o'zidan kichik yoshdagi uka va singillariga ham bu ish yaxshi emasligini tushuntiradi. Shuningdek bugungi kunda qaysi ommaviy axborot vositasi yoki ko'chalarga osilgan reklamalarni ko'rmaylik har birida bolada kitobxonlikka bo'lgan mehirni oshiruvchi kuchni payqaymiz. Ommaviy axborot vositalari va ko'chalarga o'rnatilgan katta reklama tasvirlari orqali uzatilayotgan ijtimoiy reklamalar yoshlarni turmush tarzini to'g'ri yo'lga qo'yishlarida, o'zaro munosabatlar tizimida ijobiy subyektiv hulqga ega bo'lishlarida, va atrofda ro'y berayotgan xodisalarni mantiqiy mushohada qila olishlarida va o'zlarini to'g'ri yo'naltira olishlarida muhum ahamiyat kasb etadi.

Yuqoridagi fikirlardan kelib chiqgan holda shuni xulosa qilishimiz mumkinki, shahs tarbiyasini to'g'ri yo'lga qo'yishda, uning turmush tarzini to'g'ri yo'naltirishda, psixologik imkoniyatlarini ochishda va shuningdek atrofidagi voqelikga ongli mushohada bilan yondashishini yuzaga keltirishda ijtimoiy reklamalar ulkan kuchdir.Bu dolzarb masala esa reklamalarning ijtimoiy soxadagi va oiladagi yana bir ahamiyatli o'rnini belgilab beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. www.reklama.rambler.ru

2. Shoumarova N. Reklama mahsulotlarining oiladagi ijtimoiy munosabatlarga psixologik ta'siri. // Psixologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Toshkent. 2010

# YOSHLAR VA OILA PSIXOLOGIYASI

*Abdurayimov S.O.*
*Namangan shahar 2- tibbiyot kolleji psixologi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqola orqali jadal rivojlanib borayotgan hozirgi davrda yoshlar va oila psixologiyasining tarbiyaviy ahamiyati, mazmuni va vazifalari mukammal va ravshan yoritilib berilgan
**Kalit so’zlar:** Jamiyat, Oila, Oila psixologiyasi, Glaballashuv, Intellektual, Profilaktika, Statistika

Yoshlar va oilaga e’tibor hamma davrda ham dolzarb masala hisoblangan. Ayniqsa shiddat bilan rivojlanayotgan bugungi zamonda bu masala hayotimizdagi muhim masaladir. Xo’sh oila o’zi nima? Unga yoshlarni qanday tayyorlash kerak? Quyida shu haqida to’xtalib o’tamiz.

Oila bu-kishilarning nikoh yoki qon-qarindoshlik rishtalari, umumiy turmush tarzi, axloqiy ma’suliyat hamda o’zaro yordamga asoslanuvchi kichik guruhi. “Jamiyat” va” Oila” tushunchalari bir-biri bilan chambarchas bog’liq.

Har bir jamiyatning, unda yashaydigan insonlarning taqdiri va kelajagi esa albatta davlatlarning yetakchi kuchlari hisoblanmish yoshlar tarbiyasi bilan chambarchas bog’liqdir. Demak-oila, jamiyat, yoshlar bu tushunchalar bir- biri bilan bevosita bog’liq va bir-birisiz mavjud emas.Yoshlarni tarbiyalashda esa oila va ta’lim maskanlari eng asosiy rol o’ynaydi. Zero Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: “agar farzandimizga to’g’ri tarbiya bermasak, har kuni, har daqiqada uning yurish- turishi, kayfiyatidan ogoh bo’lib turmasak, ularni ilmu hunarga o’rgatmasak,munosib ish topib bermasak, bu omonatni boy berib qo’yishimiz hech gap emas”.

Endilikda yoshlar tarbiyasi davlatimiz siyosati darajasiga ko’tarildi. Bugungi kunda mustaqilligimiz sharofati bilan oilada va ta’lim o’chog’larida yoshlarimizning qalblariga odob-axloq, oila, nikoh kabi tushunchalar singdirilib borilmoqda.Bunda kollejlarda o’tiladigan “Oila psixologiyasi” fanining o’rni beqiyosdir. Chunki, kollej o’quvchisi ayni o’smirlik yoshida bo’lib, uning hayollarini endigina “sevgi-muhabbat” turmush,”Oila” kabi tushunchalar egallay boshlaydi. Shu davrda yoshlarga oila turmush,nikoh haqida to’g’ri tushuncha berish lozim.Oila psixologiyasi fani esa aynan shu maqsadda kollej o’quv rejasiga kiritilgan.Chunki hozirgi o’ta global zamonda yoshlarga to’g’ri yo’lni ko’rsatish, haqiqiy oila nima ekanligi haqida to’g’ri tushuncha berish lozim.Nega deganda bugun turli internet,ijtimoiy tarmoqlar va boshqalar orqali yoshlar turli xil to’g’ri yoki noto’g’ri ma’lumotga ega bo’lib qolishlari, hatto noto’g’ri yo’lga kirib qolishlari ham hech gap emas”Oila psixologiyasi “fani esa yoshlarga to’g’ri yo’lni ko’rsatuvchi tayanch bo’lib xizmat qiladi.Shu sababdan ham ta’lim maskanlarida bu fanni o’qitishga dolzarb masala sifatida qarash lozim. Bu shunchaki fan emas, yoshlarni tarbiyalovchi oilaga tayyorlovchi,sharqona oila nima ekanligi haqida tushuncha beruvchi tayanch bo’lmog’i kerak.

Bugungi kun yoshlarida globallashuv va ommaviy madaniyat ta'sirida g'arbga intilish kuchayib,oilaga ham yengil-yelpi qarash shakllanayotgandek. 2010- 2019- yillar nikoh qurish va ajrimlar statistikasiga e'tibor qaratsak yildan yilga ajrimlar soni ortib borayotganini ko'rishimiz mumkin:

Nikohlar soni yillar bo'yicha birlikda

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Namangan viloyati | 23674 | 23090 | 24142 | 25110 | 25298 | 24695 | 22692 | 26363 | 26449 | 26971 |
| Namangan shahar | 4523 | 4238 | 4488 | 4441 | 4632 | 4543 | 4145 | 5658 | 5733 | 5872 |
| Mingbuloq tuman | 969 | 1025 | 974 | 1107 | 1160 | 1066 | 1136 | 1087 | 1187 | 1289 |
| Kosonsoy tuman | 1831 | 1634 | 1853 | 1829 | 1841 | 1875 | 1549 | 1897 | 1878 | 1932 |
| Namangan tumani | 2152 | 1911 | 1952 | 2168 | 2063 | 2217 | 1857 | 1651 | 1629 | 1649 |
| Norin tumani | 1361 | 1375 | 1572 | 1470 | 1500 | 1370 | 1303 | 1539 | 1551 | 1560 |
| Pop tumani | 1615 | 1855 | 1768 | 1976 | 2179 | 2030 | 1835 | 2000 | 1975 | 2082 |
| To'raqo'rg'on tumani | 1913 | 1906 | 1937 | 2233 | 2004 | 1962 | 1940 | 2249 | 2382 | 2227 |
| Uychi tumani | 2170 | 1919 | 2098 | 2173 | 2259 | 2293 | 1877 | 2108 | 2127 | 2200 |
| Uchqo'rg'on tumani | 1471 | 1512 | 1576 | 1609 | 1568 | 1511 | 1375 | 1630 | 1564 | 1734 |
| Chortoq tumani | 1567 | 1614 | 1661 | 1828 | 1617 | 1695 | 1650 | 1861 | 1816 | 1825 |
| Chust tumani | 2285 | 2228 | 2476 | 2352 | 2533 | 2424 | 2270 | 2511 | 2516 | 2466 |
| Yangiqo'rg'on tumani | 1817 | 1873 | 1887 | 1924 | 1942 | 1709 | 1755 | 2145 | 2091 | 2135 |

Ajirimlar soni bo'yicha yillar bo'yicha birlikda

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Namangan viloyati | 1542 | 1670 | 1508 | 1788 | 2179 | 2113 | 2123 | 2518 | 2508 | 2392 |
| Namangan shahar | 436 | 766 | 325 | 424 | 514 | 464 | 491 | 578 | 546 | 490 |
| Mingbuloq tuman | 41 | 23 | 48 | 69 | 97 | 76 | 85 | 90 | 87 | 100 |
| Kosonsoy tuman | 114 | 72 | 120 | 123 | 145 | 158 | 184 | 200 | 205 | 182 |
| Namangan tumani | 154 | 120 | 106 | 168 | 148 | 168 | 157 | 166 | 158 | 181 |
| Norin tumani | 86 | 69 | 91 | 98 | 154 | 145 | 139 | 166 | 184 | 159 |
| Pop tumani | 79 | 68 | 121 | 232 | 174 | 178 | 308 | 197 | 250 | 309 |
| To'raqo'rg'on tumani | 98 | 91 | 106 | 127 | 133 | 165 | 160 | 190 | 186 | 173 |
| Uychi tumani | 126 | 112 | 118 | 164 | 183 | 167 | 160 | 166 | 170 | 170 |
| Uchqo'rg'on tumani | 102 | 99 | 106 | 109 | 182 | 161 | 134 | 198 | 167 | 177 |
| Chortoq tumani | 99 | 59 | 113 | 82 | 91 | 120 | 114 | 140 | 182 | 160 |
| Chust tumani | 110 | 117 | 157 | 201 | 214 | 188 | 188 | 244 | 233 | 247 |
| Yangiqo'rg'on tumani | 97 | 74 | 97 | 91 | 144 | 123 | 103 | 183 | 140 | 144 |

Birgina Namangan shahrining o’zida 2010- yilda 2622 ta nikoh shartnomasi qayd etilgan bo’lsa, shu yilning o’zida 436 ta nikoh shartnomasi bekor qilingan. 2011-yilda esa ajrimlar soni 766taga yetgan Bu ikki yilda 1202 ta oila barbod bo’ldi degani. Bu ko’rsatkich yildan yilga oshib bormoqda. Endi bu ko’rsatkichni 2019- yil misolida kuzatamiz: 5872 ta nikoh shartnomasi qayd etildi va 490 ta nikoh shartnomasi bekor qilindi.

Yoshlar o’rtasida jinoyatchilikning keskin ortishi, natijada oilada turli nizolar yuzaga chiqishi va oqibatda oilaning parokandalikka yuz tutishida ham yoshlarimizning hayotni tushunmasligi va oiladek muqaddas qo’rg’on haqida tasavvuri sayoz ekanligidandir. Ajralishlarga e’tibor qaratadigan bo’lsak ularning asosiy qismi yosh oilalar xissasiga to’g’ri keladi. Chunki yoshlar hali oila haqida to’liq tasavvurga ega bo’lmay turib oila qurmoqdalar, natijada arzimagan sabablar oqibatida ajralishlar soni keskin ortmoqda.

Xo’sh yoshlar o’rtasidagi ajralishlarning, jinoyatchilikning oldi olish uchun nima qilish zarur? Avallo, bu ishni har bir inson o’z oilasidan boshlashi kerak. Qolaversa oila, ta’lim muassasasi va mahalla hamkorligiga alohida e’tibor qaratish kerak. Bugungi kunda bunga alohida ahamiyat berilmoqda desak mubolag’a bo’lmaydi. “Mahalla va oilani qo’llab quvvatlash vazirligi “Oila markazlari” tashkil etilganligi, haftaning har payshanba kuni ta’lim maskanlarida “Profilaktika kuni” ekanligi buning yaqqol dalilidir. Yoshlarni tarbiyalash va oilaga tayyorlash ajrimlarning oldini olishda ta’lim muassasalarida “Oila psixologiyasi” fani chuqur o’qitilishi lozim. Chunki bu fanning maqsadi oila psixologiyasiga doir eng muhim bilmlarni berishdir.Vazifasi esa yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashdir.Ajralishni oldini olish haqida so’zlashdan avval ajralishlarning sababi nima degan savolga javob berishimiz lozim. Ajralishning asosiy sabablariridan biri yoshlarni ommaviy madaniyat ta’siriga berilib ketayotganligi, bo’lsa yana biri ijtimoiy tarmoqlardir. Yana bir asosiy sabab bu erta turmushdir. Bunday sabablarni ko’plab keltirish mumkin. Ammo, sabablarni keltirishning o’zi yetarli emas.Yoshlarni oilaga tayyorlash va ajralishning oldini olishda yuqorida ta’kidlanganidek ta’lim maskanlari, ota-onalar va mahalla hamkorligini yo’lga qo’yish kerak.Buni shunchaki qog’ozda emas, amalda bajarilsa ko’plab natijalaraga erishish mumkin.Bunda asosiy vazifa kollej yoki akademik litsey psixologi ota –onalar va mahalla faollariga yuklanadi. Misol uchun psixolog ota-onalar bilan individual suhbatlashib ularga erta turmushning salbiy oqibatlari haqida tushuncha bersa, yoki mahallada oila undagi munosabatlar haqida seminarlar tashkillasa va unda o’quvchilar ota-onalari bilan ishtirok etishsa maqsadga muvofiq bo’ladi. Yoki ta’lim maskanlariga diniy tashkilotlar vakillari taklif etilib, ular o’quvchlarga oilaning muqaddasligi, ota-onaga hurmat haqida, nikohning muqaddasligi, nikohni buzish og’ir gunoh ekanligi haqida, jinoyatchilik dinda qattiq qoralanishi haqida tushunchalar berishsa bu usul ham yaxsho samara beradi. Negaki o’zbek xalqi azaldan islom dinini muqaddas hisoblaydi va uning qonunlariga bo’ysunadi.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, yoshlar jamiyatimizning asosiy bo’g’ini, uni rivojlantiruvchi kuchi ekan, yurtimiz ravnaqi va kelajagi ularga bevosita bog’liq ekan, ularning tarbiyasi, axloqi va kelajagi haqida har birimiz qayg’urishimiz, ularni oilaviy hayotga to’g’ri yo’ldan yo’naltirish va doimo

yoshlarni qo'llab quvvatlash kerak. Buning uchun barcha zarur choralarni ko'rish, barcha u xox o'qituvchi bo'lsin, xox psixolog yoki mahalla faoli yoki ota-ona hammasi yoshlar kelajagi uchun o'zini javobgar his qilish lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:**


1. "Oila psixologiyasi" G'B Shoumorov, I O Haydarov, N.A. Sog'inov
2. Internet saytlari:
3. "Stat.uz"
4. "Ziyonet.uz"


## TARIX DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.


*Abduraimova D.M.*
*Namangan Viloyati To'raqo'rg'on Tumani*
*35-umumiy o'rta ta'lim maktabi Tarix fani o'qituvchisi*


Keyingi yillarda mamlakatimizda uzluksiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohatlarning asosini jahon ta'limi standartlariga javob bera oladigan ilg'or tajribalarni ommalashtirish hamda ta'lim-tarbiya jarayonida kam jismoniy kuch sarflab,yuqori samaradorlikka erishish yo'lida amaliy faoliyat olib borilmoqda.Hozirgi vaqtda umumiy o'rta ta'lim maktablari o'qituvchilari oldida turgan eng muhim va dolzarb vazifa o'quvchilarning ilm olishga bo'lgan qiziqishlarini orttirish,ularning tasavvurlarini kengaytirishdan iborat.Ana shu ishni amalga oshirish uchun bugungi kungacha bir qator tadbirlar bajarildiki,natijada umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi ta'lim samaradorligining muvaffaqiyatiga zamin yaratildi. Dars samaradorligining muhim shartlaridan biri bu -o'qituvchi va o'quvchilarning haqiqatni birgalikda izlashi va o'quvchilarning butun dars jarayonida faol ishtirok etishidir. Albatta, bu o'rinda o'qituvchiga yangi pedagogik texnologiyalar qo'l kelishi amaliyot ko'rsatib turibdi.

Hozirgi zamon har bir fan o'qituvchisi zimmasiga inson, uning jamiyatdagi o'rni va roliga har tamonlama qarash vazifasini yuklaydi. Buning uchun o'qituvchi ta'lim-tarbiyaning yangi shakllari, vositalari va usullarini egallashi va shu bilan birga o'zi zamonaviy pedagogik texnologiyalarni yaratishga, shaxsni tarbiyalashning yangi a'nanaviy, samarali usullarini tanlashga harakat qilishi hamda ijodkor bo'lmog'i lozim.

Maktablarda o'qitilayotgan ijtimoiy, shu jumladan tarix fani o'zida oliyjanob fazilatlarni mujassamlashtirilgan insonni tarbiyalashda benihoya ahamiyat kasb etadi. Maktabda o'quvchi kishilik jamiyati bosib o'tgan yo'lni, ularning chet el bosqinchilariga qarshi, o'z ozodligi va baxt-saodati, porloq kelajagi uchun olib borgan kurashlari haqidagi asosiy ma'lumotlarni tarix darslaridan bilib oladi. Shu bilan birga tarix darslari o'quvchining hozirgi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni to'g'ri anglashga yordamlashadi.

Bizga ma'lumki tarix-juda qadimiy fanlardan biri hisoblanadi. Tarix fanini kelajakni ko'rsatuvchi „Ko'zgu" desak bo'ladi va bu ko'zguga qarab har qanday

inson, jamiyat, xalq o'z kelajagini belgilab olishi mumkin. Hozirgi kunda O'zbekiston rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin egallashi onson kechgani yo'q. Shuning uchun tarixni o'qitish jarayonida o'quvchilar bugungi kunning qadriga yetishini, o'tmishda yo'l qo'yilgan xatolarni takrorlamaslikni, o'tmishdagi xatolardan xulosa chiqarib olishini o'rgatish lozimdir. Qolaversa maktabda tarix fanini o'qitish orqali o'quvchilarda o'zlari mustaqil va ijodiy fiklashini rivojlantirishga, miliy ong va tafakkurni o'stirishga, eng asosiysi ma'naviy barkamol shaxsni, haqiqiy vatanparvar insonni tarbiyalab voyaga yetkazishga ahamiyat berish lozim.

Ta'lim-tarbiya jarayonida mazkur vazifalarni amalga oshirish uchun bugungi kunning pedagog hodimlari har bir darsda qiziqarli, samarali bo'lgan yangi pedagogik texnalogiyalardan foydalanish kerak.

Bizga ma'lumki, tarix fanining asosini ma'lumotlar tashkil etadi. Ularni to'liq eslab qolishi o'quvchilar uchun bir oz qiyinchilik tug'dirishi mumkin (ayrim past o'zlashtiruvchi o'quvchilar). Bu kabi ma'lumotlarni o'quvchilar xotirasida bir umrga esda qolishi,turli xil sahnali ko'rinishlar,qiziqarli o'yinli usullar, krossvordlar, guruhlar bilan ishlash,baxs-munozaralar olib borishiga bog'liq.

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ МОТИВАЦИЯЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

*Абдурахманова К.А.*
*Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи психологи.*

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларнинг касбий мотивацияларини ошириб боришларида педагогларнинг ўрни, уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиб таълимни ташкил этиш, касбий психологиянинг ўрни, педагоглар ва ота-оналар ёшларни сидқидилдан қўллаб- кувватлаб, қобилият ва лаёқатларини, касбий мотивацияларини ривожлантириб, ижобий мустақил фаолиятдаги ишларида тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиш, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида психологиянинг аҳамияти, вазифалари таҳлил қилинган, касб танлашдаги аҳамияти очиб берилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** касб, педагог, мотивация, қобилият, ирода, психология, касбий психология ва таълим жараёнлари.

Ўзбекистон ўзининг мустақил йўлидан борар экан ёшларнинг салоҳиятларини янада ошириб боришларида, таълим олувчилар учун ўқув жараёнларини мазмунли ташкил этган холда, билим даргохларида масъулият билан илм ва касб-ҳунар эгаллаб боришларида педагоглардан маҳорат билан ўқув ва касбий дарсларни ташкил қилиниши талаби қўйилмоқда. "Ёшларни ўқитиш, уларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, уларнинг билим олиши ва ўзини-ўзи камолга етказишга интилишини шакиллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим" [1]- деб таъкидлаб ўтганлар мухтарам

Президентимиз. Дарҳақиқат ёшларимиз ривожланган техник асрда ўсиб-улғайиб, замонавий билим даргохларида илм олаётган эканлар, келажакда етук инсон бўлишларига ҳаракат қилишлари, бунда илм билан бирга касб-ҳунар эгаллаш зарур эканлигини, қизиқишлари ва мақсадлари устида тинмай изланишлари муҳим. Ўзбекистонда ёшларнинг касб-ҳунар эгаси бўлишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Ёшлар бу жамиятнинг келажаги, уларни ўзлари қизиққан касбларни эгаллаши, ҳаётда ўз ўринларини топа олишлари зарурий жараён ҳисобланади. Касб-ҳунарли бўлиш инсон учун зарур бир эҳтиёж эканлигини педагог олимларимиз ўзининг кўпгина тадқиқот ишларида келтириб ўтганлар. Педагог ўқувчини ўқитиш жараёнида индивидуал ёндашган тарзда таълимга ундаш орқали таълим олувчининг касбий мотивацияларини шакиллантириб боради. Педагогнинг ўзи намуна бўлиб, ўқувчиларга касб-ҳунар учун керакли бўлган шахсий сифатларни такомиллаштириш, гўзал хулқ - одатларга ўргатиши ва бу одатларни севиб бажариш даражасига келтириши лозим. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта меърос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!»[2]. Ўқитувчининг ўзи ўқувчиларнинг ўқув ёки ишлаб чиқариш вазифаларини уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбий мотивларини ривожлантириб бориши керак. Педагоглар ўқувчиларнинг қизиқишларини, ишда юқори кўрсаткичларига эришиш йўлидаги қийинчиликларини енгишга қаратилган хоҳишларини, муваффақиятга қаратилган ишончлилик, қатъиятлилик сингари сифатларини ривожлантириб, мустақил изланиб касбий мотивацияларини янада ошириб боришларига ундашлари керак. Шундагина ёшлар касб-ҳунар ва уни эгаллаш ҳаётлари, келажакларини ҳал қилувчи омил эканлигини билиб борадилар. Касб – бу инсоннинг маълум бир эҳтиёжларини ва манфаатларини ўзи танлаган касб фаолиятидаги билимлари, лаёқати, малакаларига хос хусусиятлари орқали намоён бўлишидир. Касбга хос бўлган жараёнлар, уларни эгаллаш, танлаш инсон психологияси билан боғлиқ. Касб психологияси айнан шундай мураккаб жараёнларни ўрганиш орқали ёшларни ўзлари қизиққан касбга йўналиш берувчи фан ҳисобланади ва бу фанни нафақат билим берувчи балки ёшлар ҳам албатта билиши зарур деб ўйлаймиз.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос томонлари, инсонларни ўзига жалб қила оладиган қирралари мавжуд бўлиб, инсон бу жараёнларни кузатиб бориб, шу касбни эгаллашга интилади. Ўзи учун қизиқарли бўлган касб инсонни ҳар доим ўз устида ишлашга, уни яхшироқ билишга ундайди. Президентимиз “Албатта биз мустақил фикрлайдиган замонавий билм ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз”-деб айтиб ўтдилар. Бу борада ёшларни касб танлашлари йўлидаги жараёнларни назарий ва амалий жихатдан ўрганган махаллий психолог олимларимизнинг таъкидлашича инсонда маълум касб, уни эгаллашга ҳавас, майл, орзу, иштиёқ, ҳафсала бўлмаса, у ҳеч қандай касбни эгаллай олмайди. Инсондаги шу жараёнлар одамнинг ўз келажагини тўғри англаш, тушунишга олиб келади. Унда истак,

хоҳиш пайдо бўлади. Булар ўқувчиларда маълум бир мақсаднинг шаклланиши ва бу йўлда ирода кучини сарф қилишга олиб келади. Иродали инсон ўз мақсади сари интилади ва орзу ҳавасларига эришади. Бунда ўқувчида пайдо бўлувчи ҳавас атрофдаги инсонларни кузатиш орқали, уларга айтилган мақтов сўзларни тинглаш ва уларнинг маҳоратига қойил қолиш, бу инсонларнинг билимдонлиги, қўлларидан кўплаб ишлар келишини кузатиши унда шу инсонларга ўхшашга ҳавасни уйғотади. Унда орзу, армон, тилак, иштиёқ ва ҳафсала пайдо бўлади. Бу жараёнлар ўқувчида уйғонаётган эҳтиёжлар ва манфаатлар билан боғлиқ бўлиб, унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишнинг ҳиссиётлари, иродалари билан боғлиқ жараёндир. Катта бўлиб бораётган ўқувчида ҳавас ҳисси пайдо бўлади. Касбга нисбатан олганда ўқувчини шу касбга қизиқиши, интилиши, майли, хоҳиши, истаги ва орзуси бўлиб кўзга ташланади. Бу йўлда ўқувчи ўзига бирор касбни тилаб, шу касбни эгаллашга бўлган интилиши содир бўлади. Агарда ўқувчи ўз тилакларини ҳафсала билан амалга оширмаса, ҳаракат қилмаса, бу армон ва орзу бўлиб қолади. Шунинг учун у зўр иштиёқ билан ҳаракат қилиши ва армонларини амалга ошириши зарур бўлади. Кўриниб турибдики, бу жараёнлар инсонга хос бўлган психологик жараёнларни ташкил этиб, инсон мақсади вужудга келишининг асоси ҳисобланади. Албатта, бу жараёнда инсондан ирода кучи ҳам талаб қилинади. Иштиёқ эса зўр истак, хоҳиш ҳисобланади. Истак – интилишнинг шундай бир туридирки, бунда инсон фақатгина ўзининг ҳозирги ҳолатидан норози эканини ҳис қилиб турса ҳам, лекин қандай мақсадга интилаётгани, бинобарин, бу мақсадга эришишнинг йўл йўриқларини аниқ билмайди. Бунда киши нима истаётганини ўзи англаб етмайди. Бола ўзи нимани истаётганини англамас экан, бу истакни амалга ошириб бўлмайди. Инсондаги истак маълум даражада англанган бўлса, тилак ҳавасга айланиб кетиши мумкин. Тилак – ҳавас, интилишнинг шундай бир туридирки, бунда инсон фақатгина қандай мақсадга интилаётганлигини билади, лекин бу мақсадга эришиш йўлларини аниқ билмайди. Бундай тилак бўлган пайтда болада кўпинча янги интилиш пайдо бўлади. Бунда болада тилакка эришиш учун восита ва йўлларни қидириш, баъзи вақтда эса ўзида туғилган тилакни босишга интилиш ҳосил бўлади. Агарда амалга ошириш учун восита ва йўллар топилса, у вақтда тилак тўла англанган ва мақсадга интилишнинг восита ва йўлларининг аниқ англанганини кўрсатади. Тилакнинг тобора англаниб бориши натижасида у хоҳишга айланиб боради. Хоҳиш тўла англанган интилишдир. Бунда инсон мақсади сари англанган ҳаракатларни бажаришга тайёрланади ва ўз иродасини шу мақсад сари йўналтиради. Касб танлашда инсон иродавий ҳаракатларни амалга оширади. Иродавий ҳаракатлар – илгаридан мўлжалланган хоҳиш билан амалга ошириладиган ҳаракатлар. Инсондаги бу иродавий ҳаракатлар ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда бўлиши мумкин. Ихтиёрий ҳаракатлар инсоннинг англанган ва ўз хоҳиши билан бажариладиган ҳаракатлари ҳисобланади. Иродавий ҳаракатлар мотивлар асосида амалга оширилади. Мотивлар кураши натижасида инсон ўзининг мақсадларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилади ва шу қарорларни амалга

ошириш учун интилади. Қатъият билан қилинган ҳаракатлар мақсадни амалга оширса, қатъиятсизлик бу касбдан юз ўгиришга олиб келади. Бошқа бир инсон касбни танлашга олиб келади. Бу ерда ўз қизиқишларидан воз кечади ва охир-оқибатда адашганини билади. Қатъиятсизлик уни боши берк кўчага олиб киради. Қатъият эса уни ўзи севган касбини билишга ва ундан роҳатланиш, қониқишга олиб келади. Бу касб орқали ўзини инсон сифатида билиб боради. Бу касб орқали яхши яшайди, орзулари амалга ошади.[3]

Хулоса ўрнида шуни айтамизки Ўзбекистонда ҳозирда билимдон, ўз касбини яхши эгаллаган, мустақил фикрловчи, ўз касбига ижодий ёндашувчи, юқори малакали, маданиятли, изланувчан, интилувчан моҳир усталар, касб эгалари кўпроқ талаб қилинмоқда. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасида мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласида хам ёшларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш, қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш долзарб ва катта эътибор берилаётган масалалардан бири бўлиб турибди. Бунда албатта ёшларга билим беришда педагоглардан замонавий фан- техника ютуқларини билиши ва амалда қўллаш билан бирга билим олувчининг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олиб ёндошган холда билм беришлари замон талаби бўлмоқда. Барча педагоглар ва ота-оналар ёшларни сидқидилдан қўллаб- қувватлаб, ижобий мустақил фаолиятдаги ишларида ижтимоий соҳа вакиллари билан ҳамкорликда, сидқидилдан ёндошиб тўғри йўл-йўриқлар кўрсатган холда, қобилият ва лаёқатларини, касбий мотивацияларини ошириб борар эканлар албатта ёш авлод ўз миллий характери билан кучли жамиятнинг кучли фуқороси бўлиб етишиб тарбияланади. Мустақил давлатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Президент асарлари. 2-жилд /422-бет Т.:Ўзбекистон 2018

2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги мурожаатномаси.

3. Жалолов А. Касб қандай танланади. –Т., «Янги аср авлоди», 2010. 16-18-б.

Интернет манбалари:

www.ziyo.uz.

www.tadqiqot.uz.

## ЁШЛАР ВА ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

*Абдурахимова Н.М.*
*ГулДУ сиртки булими талабаси*

Ёш авлодни маънавий –ахлокий, маданий – маърифий жихатдан етук инсон килиб тарбиялаш биринчи навбатда оиладан бошланади. Чунки оила

тарбия учоги хисобланади. Оилани мустахкамлаш, бу даргохда калби пок, мехр – мухаббатга лиммолим, орзу- умидли укувчи -ёшларни тарбиялаш, улгайтириш, ота- оналар ва биз писихологларнинг асосий бурчимиздир. Биз ёшларнинг тарбиясида оилани яъни ота- оналарни биринчи уринга куйдик. Демак, фарзандини аввало ота- она тарбиялайди. Ота – онани- чи? Уларни ким тарбиялайди? Уз зиммасидаги мъсулиятни тулик хис килаолмаган, неча йиллар бирга яшаб хам хали бир- биридан яхши тушуна олмаган, муносабатларини тугри йулга куяолмаган,бир- бирларини доимо куракда турмайдиган хакоратли сузлар билан «сийлайдиган» ота- оналар фарзандини кандай тарбия килаолишини сиз билан биз жуда яхши биламиз ва била туриб хам фарзандига тугри тарбия,эътибор, мехр беришини улардан талаб киламиз .Вахолангки,бу хислатларнинг узи йук уларда. Энди уйлаб куринг, узидаги йук нарсани кандай килиб сураймиз. Шундай экан биз биринчи навбатда ота - оналарнинг узларини тарбиялашимиз керак. Чунки фарзанд ота- онанинг кузгудаги аксидир. Нокобил фарзанднинг тарбиясидан нолийдиган ота -оналар буни билиб куйиши керак. Дастлаб ота-оналарга оила психологиясидан сабок беришимиз керак. Чунки улар уз муоммоларини хал килмай туриб, фарзандининг тарбияси борасида хеч кандай натижага ериша олмайдилар. Биз психологлар биринчи навбатда муоммоли укувчилар билан, Уларнинг ота- оналари билан давра сухбатлари якка тартибда сухбатлар олиб борамиз, психологик маслахатлар берамиз ва тренинглар утказиб, амалий ёрдам курсатамиз. Биз бу мехнатимизнинг ижобий натижасини курганимизда машаккатларимизни эсдан чикариб, танлаган касбимиздан фахрланиб кетамиз. Биз укувчи ёшлар билан мунтаззам ишлар олиб боришимизга, улар билан доимо шугулланишимизга вактимиз хам имконимиз хам етарлидир. Чунки биз улар билан доимо максадда биргамиз. Бъзи укувчилар хатто танаффуз пайтларидан хам самарали фойдаланиб уз хохишларига кура вактларини биз билан утказишга харакат килишади. Купчилик ота- оналарнинг варзанди тарбиясига, билим олишига, кизикишларига булган эътиборининг кучли эканлигини куриб жуда хам хурсанд буламан. Улар билан имкон кадар ишлашга харакат киламиз. Иш вактимиз тугаса хам соатлаб ота- оналар билан уз хохишимизга кура ишлаган вактларимиз куб булди. Натижалар эса биз кутганимиздан хам самарали булди. Лекин шунда хам купчилик ота- оналар билан ишлашга вактимиз етишмайди. Бу вазиятни ота- оналарнинг узлари хам тугри тушунишди. Шунда улар яхши бир таклиф киритишди. Ота-оналар учун психологик билимлар бериладиган алохида жой, аник куни ва вакти белгиланса улар дарсларга мунтазам катнашиб, узлари фарзандлари, оиласи учун керакли билим ва малакага эга булиш истагида эканлигини маълум килишди. Мен ота - оналарнинг бу фикр - мулохазаларини, таклифларини эшитиб жуда хурсанд булдим. Негаки ота - оналар энди психолог хизматидан кандай фойдаланишни узлари учун, оиласи, фарзандларининг келажаги учун афзалликлари ва кулайликларини жуда яхши англаб етишди. Шундай экан ота оналарнинг хам хохиш истакларини таклиқларини инобатга олган холда мактаб психолиги, укитувчи, ота-она ва махалла психологи хамкорлиги уз

вактида тугри йулга куйилса максадга мувофик булар еди. Ота- оналаримиз канчалик писихологик билимларга эга булишса фикрлаши дунё караши янада кенгайиб оиласининг тинчлик хотиржамлигини, фарзандларининг билимли тарбияли булишида ижобий натижаларга эришадилар. Бундан жамиятимиз хам Давлатимиз хам манфъатдор булади. Чунки оиласида тинчлиги осоишталиги бор инсоннинг ишида хам унум булади, фарзандлари мактабда бахтли булишиб, ота- оналарининг багрида мехр - мухаббатдан хузур халоват топишади. Вояга етмаган ёшлар орасида содир этилиши мумкин булган нохуш холатларнинг олди олинади. Максадимиз йулида бирлашиб билимли, баркамол, маданиятли, Ватанга садокатли фидойи укувчи – ёшларни шакиллантириб, уларни оила жамият ва Давлат олдидаги маъсулиятларини тула англайдиган, олган билимларини хаётга тадбик эта оладиган шахс сифатида тарбияласак укитувчи ота- она, мактаб психологи ва махалла психологи хамкорлиги яна хам кучли булиб, жамиятимиз равнаки ва Давлатимизнинг юксалишига хизмат килади. Шундай экан мактабларда ёшлар психологияси, махаллаларда оила психологияси биргаликда олиб борилса хамкорликда бажарилган ишлар узининг ижобий натижаларини курсатади.

## MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMINI BOSHQARISH TAMOYILLARI

*Abduraxmonova S.Sh.*
*ADU magistranti*

Jamiyat taraqqiyoti, milliy farovonlik hamisha yosh avlodning ta'lim-tarbiyasi, zamonaviy bilimlarni, axborot texnologiyalarni chuqur egallagan, yuksak ma'naviyatli, mustaqil fikrlashga qodir yangi kadrlar, ularning yuksak malakasi bilan bog'liq bo'lib kelgan. Shu bois, mamlakatimizda davlat rahbari tomonidan milliy genofondni mustahkamlash, yosh kadrlarni yetuk kadr sifatida tarbiyalash masalalariga, xususan, ta'limning birlamchi va asosiy poydevori sifatida maktabgacha ta'lim tizimiga alohida e'tibor qaratilib kelinmoqda.

Davlat rahbari tomonidan maktabgacha ta'lim tizimi tubdan isloh etish, yangicha tizim tashkil etish bo'yicha qator qaror va farmonlar e'lon qilindi. Mazkur qaror va qonunlarda maktabgacha ta'lim tashkilotlar tarmog'i kengaytirish, ularning moddiy va texnik bazasi mustahkamlash, tashkilotlarga tarbiyalanuvchilar qamrovini oshirish, ta'lim-tarbiya jarayonlariga zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarni tadbiq etish orqali bolalarni har tomonlama intelektual, ma'naviy-estetik ruhda tarbiyalangan kadrlar yetishtirib berish vazifalari qo'yildi.

Maktabgacha ta'lim tizimi oldida turgan yana bir muhim va dolzarb masalalardan biri tizimni boshqarishdir. Yangi o'n yillikka qadam qo'ygan davlatimiz uchun boshqaruv tizimini takomillashtirish, rahbar kadrlarni tanlash, o'qitish, qayta tayyorlash, ularning bilim saviyalarini yanada oshirish bilan bog'liq shart-sharoitlarni yaratish masalasi taraqqiyotning muhim omiliga aylandi. "Baxt-

saodatga erishuv va tug'ma qobiliyatlarningg rivojlanishi o'z-o'zidan bo'lavermaydi, balki bu masalada qandaydir bir muallim yoki rahbarga muhtojlik tug'iladi" degan edi Abu Nasr Forobiy o'zining "Fozil odamlar shahri" asarida. Darhaqiqat, boshqarish san'at, murakkab jarayon. Biz yashab turgan dunyoda turli shart-sharoit va omillarga bog'liq bo'lgan har xil omillar sodir bo'ladi. Jarayonlarning tabiiy kechishiga aralashuv, jarayon borishini maqsadli o'zgartirish inson boshqaruv faoliyatini talab etadi. Buyuk mutafakkir, mohir sarkarda Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" asarida boshqaruv haqida so'z yuritib, "Har ishning zaminida yuz ming mulohaza vojib va lozimdir" deb yozadi.

Demakkim, har bir tashkilotning, xususan, maktabgacha ta'lim tashkilotlarining faoliyatidagi samaradorlik, eng avvalo, jamoadagi shaxslararo munosabatlarning qanchalik to'g'ri tashkil etilganligiga yoki etilmaganligiga bog'liq. Yana ham aniqrog'i, ishning qanday tashkil etilishi rahbarlik, boshqaruvchilikning tashkil etilish darajasiga bog'liq. Quyida biz MTTlarni boshqarishning ilmiy, pedagogik-psixologik nuqtai-naziridan o'z fikrlarimizni aytib o'tmoqchimiz.

Har bir rahbar tizimni boshqarar ekan, birinchi navbatda, undagi muammolar, xodimlarning pedagogik-psixologik xususiyatlarni bilish qobiliyatlariga ega bo'lishi, buning uchun u, ahloqiy mukammal, pedagogik taktika va muomala odobiga ega, ob'ektiv, talabchan, shuningdek, adolatli bo'lishi bilan bir qatorda, o'zida liderlik hususiyatlarini ham namoyon etishi, rahbarning unga bo'ysunuvchilarga nisbatan ta'sir ko'rsatishi va ko'zlangan maqsadga erishishda ularni undashida o'ziga xos yondashuvni talab etadi.

Shu bilan bir qatorda, MTTning rahbari o'z faoliyatini yuksak darajada tashkil etishi va jamoani boshqarishi uchun bir qancha psixologik xususiyatlardan xabardor bo'lishi lozim.Ulardan:

1.Rahbar motivatsiyasi bu-boshqarishning eng muhim psixologik kategoriyalardan biridir. Zamonaviy rahbar qo'l ostidagi xodimlariga doimo ijodiy kuch berishi, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlab, yangidan-yangi motivatsiyalar uyg'otib turishi kerak.

2.Rahbarning onglilik darajasi bu-maqsadli ravishda to'g'ri tashkil qilingan vazifalardir.

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining 2019 yil 30 avgustda 355-sonli "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarining ish hujjatlarini tasdiqlash to'g'risida" gi buyrug'i tasdiqlandi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida olib borilayotgan ta'lim-tarbiya va metodik ishlarni zamon talablari darajasida yangicha yondashgan holda tashkil etish hamda hujjatlar yuritilishida ta'lim mazmuni samaradorligini oshirishga qaratilganligini ta'minlashdan iborat.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining 2019 yil 14 avgustdagi 139 – sonli buyrug'i 2 - ilovasi.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrdagi PQ-2707-son "2017 — 2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

4. Maktabgacha ta'lim konsepsiyasi.— T.: 2017.

5. Sodiqova Sh. "Maktabgacha pedagogika"."Tafakkur bo'stoni" T.: 2013. 230 b.

6. "Ilk qadam" Maktabgacha ta'lim tashkilotining Davlat o'quv dasturi. –T.: 2018.

7. Qurbonov SH., Sayithalilov e. Ta'lim sifatini boshqarish. –T.: Turon–Iqbol, 2006. – 592 b.

## ХИЁНАТ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Абдусаматов Х.У.*
*психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ЎзМУ*

Никоҳдан ташқари муносабатларга киришиш оилалар мустаҳкамлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади. Никоҳдан ташқари муносабатларни халқчил тилда биз уни – хиёнат деб атаймиз. Никоҳдан ташқари муносабат – ўзи нима? Никоҳдан ташқари муносабатлар – оилавий ҳаётнинг кўнгилсиз жиҳатларидан бири. Улар бўлган, бор ва бўлади – бу учлик никоҳ ва оилавий муносабатлар каби қадимийдир.

Бугунги кун жамиятида бу масалага муносабат турлича. Айрим тадқиқотчилар, маслаҳатчилар, шифокорлар эр-хотин хиёнати борасида турли фикрларни айтадилар. Никоҳдан ташқари муносабатлар табиий ва одатий ҳол деб ҳисоблаб, уни шундай деб қабул қилиш ва унга мослашиш кераклигини таъкидловчилар: "Эмоционал ва эротик мулоқотнинг альтернатив каналлари" тарафдорлари, яширин, никоҳдан ташқари муносабатлар никоҳга салбий таъсир қилмаслигини, ҳатто аксинча, унинг "енгиллашиши" ва бутунлигини таъминлайди, оилани бахтли ва мустаҳкам қилади, деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари, эр-хотин хиёнати, асосан эрнинг хиёнатига ўзига хос психотерапевтик восита сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Унинг шарофати билан аксарият эркаклар ҳаётий инқирозларни енгиб ўтадилар. Шахсий ҳаётида ёки касб фаолиятидаги омадсизликлар, ишидан қониқмаслик каби турли вазиятларда улар ўзларини ишқий саргузаштга йўналтирадилар. Бундай саргузаштлар ўзига, ўз имкониятларига қайта ишонишга ёрдам беради. Янги аёл эса муваффақиятсизликка учраган эркакнинг "шикоятларини" тирикчилик учун эшитишга рози бўлади деган фикрлар мавжуд. Терапевтларнинг фикрича, бундай пайтларда, балки оила буни

кўтара олмаслиги, хотини жиззаки, жаҳлдор бўлиб қолиши, ниҳоят оила бузилиши мумкин[1].

Турли халқларнинг урф одатлари узоқ йиллар давомида эр-хотин хулқи, ахлоқ талабларини ташкил этувчи одатлар, таомиллар, муносабатлар мезонини шакллантирган. Баъзи миллатларда эр-хотин хиёнатига турлича муносабат билдирилади. Баъзиларида вафосиз хотинни жазолаш қабул қилинган бўлса, бошқаларида, аксинча, эр ижтимоий жаримага тортилади.

Итальян тарихчиси Марко Полонинг ёзишича, Араб қабиласи бўлмиш Ассанида аёллари ҳар тўртинчи куни "чапга юриш" ҳуқуқига тўла эга бўлган. Мариана оролларида вафосиз хотин уйдан ҳайдалади, бор бисоти олиб қўйилади, жазмани эса ўлдирилади. Хотинбоз эрларга ундан ҳам қаттиқ жазо қўлланади: барча аёллар унга ташланиб, унинг жони чиқмагунча ёки майиб бўлиб қолмагунча азоблашади. Катта Бассами (Африка)да хиёнатчи гуноҳини ювиш учун жуфтига тилла тақинчоқ совға қилиши лозим. Хотиннинг жазмани эса бир муддат шу оилага хизматчи бўлиб ишлаб бериши керак[2].

Шу билан бирга, жуда муҳим бир хусусият кўзга ташланади: қадим даврлардан бошлаб, ҳаддан ташқари қатъий талабчанлик нуқул аёллардан талаб қилинган. Аёллар эркининг тор доираси шу даражада бўлганки, эри ҳисобланмаган эркакка нисбатан қандайдир туйғуларни ҳис қилиши у ёқда турсин, унга ҳатто буюм, эрнинг мулки сифатида қаралган. Аёлларга нисбатан шунга ўхшаш муносабатларни қадимги германларда Тацитнинг тавсифларида ҳам учратиш мумкин.

Аёлларни унинг оиласига совғалар қилиб, сотиб олишган, шунга мувофиқ муносабатда бўлишган. Аёлларнинг хиёнати эрлари томонидан қаттиқ жазоланган. "Сочларини ёйиб, яланғоч қилиб, қариндошлари олдида уни уйдан ҳайдаб чиқаради, қамчи билан савалаб, қишлоқ бўйлаб қувади. Қанчалик чиройли, ёш ва бой бўлишига қарамай, у энди бошқа эр топа олмайди", - деб хабар беради Тацит[3].

Бу "анъаналар" қанчалик яшовчан бўлган. "Эрнинг хиёнати кўп учрашига қарамасдан, фақат хотиннинг хиёнати муҳокама қилинган ва жазоланган. Жазо шундан иборат эдики, отнинг ўрнига хотини аравага ёки чанага қўшиб, уни судрашга мажбурланган, йўл-йўлакай қамчи билан урилган. Арава шотисига сочи ўрими билан боғлаб, отни югуртирган".

Албатта, агар эр ва хотин бир ҳақиқатни англаб етмаса, бундай ахлоқ оилага бахт олиб келмайди. Улар бир-бирини ардоқлаш, ҳурмат қилиш, уни тушунишга ҳаракат қилиш, оғриғини ҳис қилиш, унинг ўрнига ўзига қўйиб кўриш; нафақат ўз ҳис-туйғулари, қайғуси ҳақида ўйлаши, балки ҳамма нарсани тенг кўриши оилада ўзаро тушунишни таминлаши мумкин. Шундагина оилада тотувлик, ўзаро тушуниш бўлади. Ҳозирча эса никоҳ-оила муносабатларида, жумладан никоҳдан ташқари алоқалар доирасида йўл

---

[1] Ревность и измена как феномены супружеской жизни. Как их избежать? /Сост. Т. М. Заславская, А. Г. Гришин. – М., 1992.-96 с.

[2] Рюриков Ю. Б. Измены и разводы, треугольники и квартеты. – М., 1997.- 84 с.

[3] Рипинская М. И. Психология измены. – СПб., 2001.-140 с.

қўйилаётган хато-камчиликлар туфайли оилаларнинг ажралишининг ортиши, оила институтининг заифлашуви кабилар кузатилмоқда.

Бунга таниқли грузин психологи Д.Узнадзенинг машҳур тажрибасини мисол қилиш мумкин. У бир нечта маймунларни олиб, эркагини панжарага солади, урғочисининг ёнига бошқа эркагини қўяди. Урғочиси янги хушторининг истакларига рўйхушлик берганида, унинг “қонуний” эркаги уларнинг алоқасини панжара ортидан кузатиб туради. Бир неча суткадан сўнг унда инфаркт юз беради. Урғочиси панжара олдида эмас, девор орқасида туриб хиёнат қилганда (яъни эркаги хиёнатни кўрмаганида), тажрибадаги маймуннинг соғлиғида салбий асорат кузатилмаган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, никоҳдан ташқари муносабатлар нафақат инсонга, балки хайвонларга ҳам кучлик салбий таъсир қилишини кўриш мумкин[1].

Эр-хотин хиёнатига қандай ёндашиш лозим? деган саволга барчани бирдек қониқтирадиган ижобий жавобни бериш даргумон. Мазкур масаланинг азалийлиги, оила муносабатлари пайдо бўлгандан бери мавжудлигига қарамасдан, ҳануз унинг илмий асосланиши мавжуд эмас. Хиёнат ва вафо тушунчалари субъектив характерга эга, яъни эр-хотин жуфтлигининг ўзлари бунга нисбатан муносабатларини ойдинлаштириб олишлари лозим. Мавзуга оид махсус адабиётларда бу борада бир-бирига деярли зид бўлган назарий қарашларга ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, никоҳдан ташқари - жинсий муносабатларнинг “инцест” деган тури ҳақида ҳам фикр билдирилади. Баъзи тадқиқотчилар уни хиёнат қаторига қўшмайди. Жумладан, А.Липпиус - инцест – яқин қариндоши билан бўлган жинсий алоқани хиёнатга киритиб бўлмайди, деб ҳисоблайди[2].

Кундалик ҳаётимизда никоҳсиз севги алоқалари тўғрисидаги хабарларга етарлича кўп тўқнашамиз. Эр ва хотин хиёнатларининг кенг тарқалганлигидан далолат берувчи реал рақамларни далил қилиб келтиришнинг фойдаси йўқ. Никоҳсиз алоқалар никоҳнинг қайси босқичида юз бергани аҳамиятга эга. Хиёнатнинг ҳар қандай тури эр-хотин учун ўткир ёки узоқ муддатли эмоционал реакцияни келтириб чиқаради. Узоқ муддатли никоҳсиз алоқа никоҳга эр-хотиннинг эмоционал эркининг юзага келиши билан ҳам хавф туғдиради.

Никоҳдан ташқари муносабатлар анъанавий тарзда хиёнат деб аталади, бошқачасига адюльтер деб ҳам юритилади, французча (**adultere**) – эр-хотин ишончининг бузилиши, эр-хотин хиёнати, бевафолик қилиш маъноларини билдиради. С.И.Ожеговнинг рус тили луғатида бевафо тушунчасига “кимнингдир олдида ўз мажбуриятларини бузган, ишониб бўлмайдиган киши”, хиёнат тушунчасига эса “кимгадир нисбатан садоқатнинг бузилиши” сифатида таъриф берилган. Эр-хотин хиёнатининг асосий кўрсаткичлари - бу бошқа биров билан жинсий алоқада бўлиш, учрашувларнинг яширинчалиги ва бунга никоҳидаги инсоннинг тақиқлаши ҳисобланади. Шу тариқа, эр-хотин хиёнатини никоҳида бўлмаган жуфти билан ихтиёрий равишда жинсий

---

[1] Рожановская З.В., Свядощ А.М. К вопросу об оргазме у женщин. – В кн.: Вопросы сексопатологии. – М.: Медицина, 1969. – С. 128-130.

[2] Липпиус А. Игры для взрослых. – М.,1998. - 210 с.

алоқага киришиш сифатида белгилаш мумкин. Хиёнат оилавий ҳаётни бузувчи вариантлардан бири сифатида оилавий деструкцияларнинг бошқа турлари: зиддиятлар, жанжал, ижтимоий хулқ, етишмовчилик, ажрим ва ҳ.к.дан кескин фарқланади. Эр-хотин хиёнати соғлом, ижтимоий муваффақиятли оилаларда ҳам учраши мумкин. У жанжал, зиддият, танглик ҳолатларида эр-хотинларнинг жинсий ҳаётидаги ўзгаришлар туфайли юзага келиши мумкин. Гарчи хиёнат умуман оила муносабатларига эмас, эр-хотин ҳиссиётлари доирасига тегишли бўлса-да, бироқ у туфайли оиланинг бошқа аъзолари ҳам жабр тортишлари мумкин. Бу эса доим оиладаги муҳитга салбий таъсир қилади, жиддий танглик ёки никоҳнинг бузилишига олиб келиши мумкин[1].

Бевафолик ва эр-хотин хиёнати – битта нарса эмас, деган тушунча ҳам мавжуд. Масалан, немис психотерапевти К.Кофканинг фикрича, вафосизлик вужудга боғлиқ, хиёнат қалбга. А.Липпиус эр-хотин хиёнати тушунчаси доирасини никоҳдан ташқари жинсий алоқа ва хиёнатга ажратади. Асосий фарқни у, хиёнатчи никоҳ шартномасини буза олмайди, бироқ у никоҳидаги шеригини яхши кўрмайди, уни шунчаки қандайдир вазиятлар ушлаб туради, масалан, у воз кеча олмайдиган болалари, мартабаси, кундалик қулайликлари ва ҳоказоларда кўринади. Никоҳсиз жинсий алоқада эркаклар, одатда, аёлларни яхши кўради, бироқ амалда хиёнатни қўллайди[2].

Юқорида келтириб ўтилган никоҳдан ташқари муносабатлар турлари нимаси билан бир-биридан фарқ қилади?

**Тасодифий никоҳдан ташқари муносабатлар –** бир марталик ҳолат, эпизодик (тасодифий юз берадиган), узоқ муддатга чўзилмайдиган, муайян шахс билан боғлиқлиги кам бўлган тур. Бундай алоқа жинсий эҳтиёж, жинсий алоқадан ўзини мажбуран тийиш –абстиненция (айрилиқ ёки эр-хотинлардан бирининг касаллиги), ўз жинсий яроқлилигини ўзига исботлаш эҳтиёжи туғилиши оқибати бўлиши мумкин.

Хиёнат қилаётган эр қаттиқ яхши кўриб қолмайди ва бундай мақсади ҳам бўлмайди, шу сабабли бундай алоқа ҳиссий муносабатлар натижаси ҳисобланмайди ва унга олиб бормайди; бу соф жинсий факт. Бундай никоҳсиз алоқанинг юзага келиши мумкин бўлган икки варианти мавжуд.

**Биринчидан**, бу бир марта бўладиган, муайян вазиятларда тасодифан рўй берадиган (болаликдаги дўстлар учрашуви, командировка ёки курортда дам олиш вақтидаги жинсий алоқа, биргаликда спиртли ичимликларни ичиб, маст бўлиб қолиш ва ўз хулқини назорат қила олмаслик) никоҳсиз алоқа.

**Иккинчидан**, кўп никоҳли, жинсий шеригини осонлик билан ўзгартирадиган, улар билан ҳиссий-эротик алоқаларга эга бўлмаган индивидуумнинг тез-тез такрорланадиган никоҳсиз алоқалари. Бундай хиёнат турига асосан фақат жинсий қониқишга йўналган эркаклар мойил бўлади. Шунинг учун, улар гарчи тасодифий таниши билан яқиндагина ичган

---

[1] Липпиус А. Игры для взрослых. – М.,1998. - 210 с.
[2] Липпиус А. Игры для взрослых. – М.,1998. - 210 с.

виноси маркасини жуда яхши эслашига қарамасдан, жинсий алоқада бўлган шеригининг исмини, юзини эслолмаганидан ҳайрон қолмаслик керак.

Қисқа, тасодифий алоқалар никоҳга камроқ хавф туғдиради.

**Эротик-жинсий саргузаштлар** алоҳида никоҳдан ташқаридаги ҳодисаларни ўзида акс эттириб, унда жинсий янги ва ранг-баранг қирраларини очишга бўлган иштиёқ алоҳида роль ўйнайди. Жинсий хоҳишдан ташқари шеригининг эротик жозибалилиги зарурий шарти ҳисобланади. Бунда ноз-крашмалар алоҳида роль ўйнайди. Бу каби алоқалар ўзаро нафис кечинмалар асосига қурилади. Эркакларда аввало, гап шеригининг танасини забт этиш, аёлларда кўпроқ янги шеригида ўз танасининг очилиши қандай муносабатни келтириб чиқариши ҳақида боради.

Бундай эротик-жинсий саргузаштлар қисқа, ихтиёрий бўлади ва ўзидан сўнг қандайдир алоҳида ҳодиса ҳақида хотира ва шахсий лаззатни қолдиради. Никоҳда романтика йўқ, янги жинсий шерик билан алоқада эса бу ҳис этилади. Бу ҳолат, "ножўя" алоқанинг фош бўлиб қолиш хавфи билан бирга кузатилади.

Шу сабабли ҳам жазман билан бўладиган жинсий алоқа кўпроқ лаззат бахш этади. Бундан ташқари, тартиблилик қонунини ҳатлаб ўтиб, киши ўзини бошқа ахлоқий таъқиқларда ҳам эркин ҳис этади, тўлиқ лаззат учун муҳим бўлган нарса – жинсий алоқада эркинроқ бўлади.

Эр-хотин хиёнатининг бу тури жиддий, боғланиб қолишга мойил бўлган кишиларга хос бўлиб, давомли жинсий алоқаларни ўзида акс эттиради. Бунда шерикларнинг ҳар бирини эр-хотинлик турмуш тарзи қониқтиради. Улар фақат тўпланиб қолган салбий энергиясини сарфлаб юбориш (ташлаш, енгиллашиш) учун учрашади, уларнинг ҳар бирини никоҳдан ташқари шериги лаззат манбаси сифатида қизиқтиради. Уйланган эркакнинг узоқ муддатли алоқалари жинсий алоқалар турларидан бири бўлиши мумкин. Эрли аёлда эса бундай жазман кўпинча ягона ҳисобланади.

Эротик-жинсий саргузаштлар эр-хотинлик иттифоқига катта хавф туғдирмаслиги мумкин (ҳурмат сақланганда), ҳар бир шерикда бу ўткинчи ҳодиса ҳисобланади. Бундай никоҳсиз алоқалар узоқ муддатлилиги ва шериклар муносабатининг барқарорлигига қарамасдан, жазманлардан бири ўз никоҳига нисбатан хавфни сезган заҳотиёқ тамомила тўхталиши мумкин.

Романтикага йўналган эркакларнинг аксарияти ёлғиз аёлларни маъқул кўради, бевафо хотинлар эса аксарият ҳолларда уйланган эркаклар билан хиёнат қилади. Бунинг сабабларидан бири шуки, уйланган эркак хавфсизроқ, вазмин ва унинг олдинги оиласи билан қўрқитмайди.

Никоҳдан ташқари муносабатлар бир марталик ёки такрорланувчан муносабатларга бўлинади. Улардан барқарор *никоҳсиз алоқани* фарқлаш лозим.

Хиёнат – узоқ муддатлилиги ва янги шеригига эмоционал тобеликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган энг хавфли жинсий алоқалардир. Бу ҳолда кучли муҳаббат туйғуси хиёнат сабаби бўлади ёки аксинча, никоҳсиз шериги билан алоқалар ривожи жараёнида бу ҳолат юзага келади. Кўпинча

аёл бундай ҳолда турмушга чиқмаган, уйланган эркак эса ўрта ёшда (40-55) бўлади.

Психологияда, нафақат психологияда, балки ижтимоий жамоатчилик ўртасида, халқ оғзаки ижодиётида бу ёш даври эркаклар учун нозик, хавфли давр деб ҳисобланади. Чунки, бу даврда, эркаклар организмида психофизиологик ўзгаришлар, руҳий зўриқиш рўй беради. Оқибатда, уларда ўзини ўзи баҳолашининг аянчли даражада пасайиши, ўзига ишончсизлигининг ортиши, ўзини ёлғизланиб қолгандек ҳис қилиши каби ҳолатлари кузатилади. Бу ҳолат махсус адабиётларда, “Моно пауза” (МП) деб аталади. У эркакларда аксарият ҳолларда 40 ёшлар атрофида кузатилади. МП ҳолати улар организмида рўй бераётган психофизиологик жараёнлар, ички секреция безлари фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бунинг асл сабаби тушунилавермаса-да, лекин олдинги замонларда бу ёш (40 ёш) “нозик ёш”, “нозик давр” деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам олдинги вақтларда эркак киши 40 ёшга кирганини атрофидагилардан яширган. Ёшнинг ярмигача 39 га кирдим деб, қолган ярмини 41 га кирдим деб айтганлар. Қирчиллама 40 ёшида эркакка “кўз тегиши”, шунинг оқибатида у омадсизликларга учраши, “айниши” мумкин деб ҳисобланган.

Организмда рўй берадиган хромосоматик бўлинишлар, физиологик ўзгаришлар, психофизиологик жараёнлар (гормонлар функцияларидаги ўзгаришлар) туфайли эркак руҳиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Энг характерлиси унинг ўзини ўзи баҳолаши, ўзига бўлган ишончи аянчли даражада пасайиб кетади. Шунга мос равишда унинг нафақат ўз-ўзига нисбатан, балки атрофидагилар билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам ёмонлашиши мумкин. Оқибатда эркак, ўз кўз ўнгида ўзини “оқлаш”, ўзини ўзи баҳолашини кўтариш, ўзига бўлган ишончининг орттириши учун кутилмаган (ғайриодатий) қилиқларга йўл қўйиш эҳтимоли юқори бўлади. Бу ҳолат одатда тахминан икки йилларда ўтиб кетади ва организм яна ўз ҳолига қайтади. Лекин, айрим индивидуал ҳолларда, МП ҳолати 4-5 йилдан 15 йилгача ҳам давом этиши мумкин. Нима бўлишидан қатъий назар, агар шахс ва атрофдагилар бу маълумотлардан бохабар бўлсалар, МП ҳолати литик (салбий оқибатларсиз, сезиларсиз, кескинликларсиз) ўтишига эришиш мумкин. Бу даврда эркакларнинг никоҳдан ташқари алоқаларга мойиллиги ҳам юқори бўлади[1].

Мазкур даврда жинсий майли сусая бошлайди, етукликдан кексаликка томон ўта бошлайди, бу баъзи эркакларда ваҳимали қабул қилинади, чунки бу улар учун кексаликнинг бошланиши ва фаол ҳаётнинг тугаши тимсоли ҳисобланади. Бу турдаги эркаклар қандай бўлса ҳам жинсий майлини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Кенг тарқалган усуллардан бири ёш, жозибали, жинсий фаол аёл билан иттифоқнинг бошланиши, бунда у бажони дил ёш киши ролини ўйнай олади. Агар ноқулай шароит юзага келса ва агарда

[1] Ильин В. Психология взросления. Развитие индивидуальности в семье и обществе /Валерий Ильин. – М.: Этерна, 2011. - 336 с.

никоҳдан ташқари шериклардан бирининг ўз уй-жойи бўлса, ундай алоқа оилани бузиши мумкин

Никоҳдан ташқари алоқаларнинг бундай турида эр-хотин муносабатларидаги каби ривожланишнинг муайян босқичлари мавжуд. Иккала шерикнинг ҳам шахсий сифатлари ва эмоционаллиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолатда аёл эркак билан ишқий алоқаларга бирданига киришмайди, уни анча вақт кузатади, уни ростдан ҳам севадими, яъни аёл учун муҳими севги, жинсий алоқа эса уни забт этиш воситаси, холос. Бундан ташқари аёл кўп нарсани хоҳлайди, лекин фақат битта эркакдан, шу сабабли уни суриштиради, ундан кутаётган нарсаларига эришадими – мана шуларни олдиндан билиб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун у ўз ҳиссиётларини очишга шошилмайди: муҳаббатни тан олишдан кўра унга яхши кўриб қолиш осонроқ.

Эркакларга келсак, уларнинг психологияси бироз ўзгачароқ. Эркак янги муаммоларнинг пайдо бўлишидан қўрқади, бошқа аёл билан никоҳдан ташқари алоқада бўлиш ва ҳаёт ташвишларидан четлашишдан умид қилади. У билан алоқани сақлаб ундан янги ҳиссиётларни олиб, жинсий алоқадан ҳузурланиб, вақт ўтиши билан эркак унга шунчалик ҳиссий боғланиб қоладики, бу янги муҳаббати, янги шериги билан севги саргузаштларини давом эттириш учун оиласидан ҳам кечиши мумкин. Шунинг учун унинг никоҳсиз алоқаси узоқ муддатли характерга эга бўлиб, вақт ўтиши билан унга чуқур севги ҳиссиётлари ҳам қўшилади.

Бундай алоқа турли муаммоларга, яъни икки ёқлама ҳаётга дучор қилади. Бир томондан хотини, болалари бўлган оила, бошқа томондан эса – шунчаки кечиб бўлмайдиган янги муҳаббати. Бу учбурчакда ҳар бирининг тақдири ачинарли. Узоқ муддатли ва барқарор никоҳида интим муносабатларни сақлаб қололмаган хотин энди эрини йўқотиб қўймаслик учун мавжуд вазиятга кўникишга мажбур. Ўз бахтини қуролмаган унинг рақиби ясама муносабатлар билан қониқишга мажбур. Икки ўт орасида қолган эр алдашга, усталик билан вазиятдан чиқиб кетишга, виждон азобини енгишга, икки томонлама репрессиядан ҳимояланишга мажбур, чунки у иккаласидан ҳам воз кеча олмайди, ҳар бири у учун қимматли (эркак битта нарсани хоҳлайди – эътиборни, меҳрни – лекин кўп аёллардан!). Унга икки никоҳ маъқул, чунки бундай вазиятда унга танлаш жуда қийин.

Бир томондан, эркакда ҳаётининг кўп қисмини бирга ўтказган ва биргаликда кўп нарсани бошидан кечирган хотинига нисбатан боғлиқлик сақланади, бошқа томондан эса, янги маҳбубаси унда кучли жинсий қўзғалиш ва эҳтиросларни чақиради. Кўпинча икки ёқламалик ҳолатида турган эркак бузилган никоҳ ёки муносабатларнинг бузилиши юкини ўз гарданига олмаслик учун битта аёлдан дадил ҳаракатларни кутади.

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА БИР ҲАДИС ШАРҲИ

*Абдуҳамидов М.А.*
*ЎзХИА таянч докторанти*

حَدَّثَنَا أَيُّوبُ بْنُ مُوسَى عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ـصلى الله عليه وسلمـ قَالَ مَا نَحَلَ وَالِدٌ وَلَدًا مِنْ نَحْلٍ أَفْضَلَ مِنْ أَدَبٍ حَسَنٍ.

Айюб ибн Мусо отасидан, у киши эса отасидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “(Ҳеч бир) ота фарзандига гўзал одобдан афзал нарсани бера олмайди”, дедилар”.

Фарзанд – инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустаҳкам занжири. Яхши, солиҳ фарзанд – ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди. Фарзандлар “жаннат райҳонлари” деб тавсифланиши ҳам бежиз эмас. У одобли, яхши фазилатлар соҳиби, бўлганида ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради. Фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илм-маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим бўлади. Зеро, илм-фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиб, ўқиб ўрганиб, маълумот ҳосил қилган киши, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

Ислом таълимотига кўра, фарзанд Аллоҳ томонидан ато этилган улуғ неъмат саналиши билан бирга у ота-онага топширилган масъулияти жуда катта омонат ҳамдир. Уни ақлан ва жисмонан соғлом ҳолда парвариш қилиш, одоб-ахлоқ ва энг камида ҳаётида зарур бўладиган ҳамда исломга доир бошланғич маълумотларни ўргатиб бориш ҳар бир ота-онанинг вазифасига киради. Оиладаги соғлом муҳит ва тўғри тарбия фарзанднинг кейинги оладиган билим ва касб-ҳунари учун асос ва пойдевор ҳисобланади.

Одобни инсоният тарихида тўлақонли равишда ислом дини камолига етказган, десак муболаға бўлмайди. Ислом таълимотида кишининг ҳаётидаги ҳар-бир нарсани ўз одоби бор. Дунёдаги одобга бағишланган китобларнинг асосини ислом уламолари томонидан ёзилаётган асарлар ташкил этади

Пайғамбар (с.а.в)нинг ҳадисларини жамловчи китобларнинг ҳар бирида “Китоб ал-адаб” номли ички китоблар мавжуд. Уларда одобга оид ҳадислар келтирилади. Бундан ташқари баъзи муҳаддислар одобга бағишланган алоҳида китоблар ҳам таълиф қилишган.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ “Жомиъ ас-Саҳиҳ”да китоб ал-адабга ўрин берганларига қарамай бу масалани ўта аҳамиятли билганлари учун ҳам алоҳида китоб ёзганлар. Бунга мисол қилиб “Ал-адаб ал-муфрад” китобини келтириш мумкин. Бу китобида одоб-ахлоққа оид 1322 та ҳадисларни 644 бобда келтирилган.

Ўзбек тилида “Одоб” тарзида талаффуз қилинишига одатланиб қолинган. Арабча “Адаб” сўзи аслида араб тилидаги “Маъдаба” ўзагидан олинган. Маъдаба эса одамлар таклиф этилган зиёфатни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо чақириладиган маънавий “Маъдаба” – маънавий зиёфат бўлгани учун ҳам шу номни олган.

Абу Муҳаммаднинг “Китоб ал-воъий” асарида: “Одоб – одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун шундай деб номланган”, дейилади.

Абу Зайд (р.а) “Одоб – фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган исмдир”, деган.

Одобнинг таърифида қуйидагига ўхшаш фикрлар ҳам келган: “Мақтовга сазовор сўз ва амални қўллаш одобдир”. “Карамли ахлоқларни ушлаш одобдир”. “Ўзингдан каттани улуғлаб, кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир”. Бу ва бунга ўхшаш таърифлар барчаси жамланганда ислом динида кўзланган “одоб” таърифи юзага келади.

Ҳозирги кунда ғарб маданияти таъсирида “одоб”ни маданият дейиш жорий бўлган. Масалан, “овқатланиш одоби” дейиш ўрнига “овқатланиш маданияти” дейилади.

Одоб маънавиятнинг либосидир. Нотаниш одам қадди-қомати, ҳусни, кийиниши ва одоби билан атрофдагилар эътиборини тортади.

Инсонни таниш одобдан бошланса, у билан мулоқот давомида ахлоқий хислатларини билиб борилади. Ваъдага вафо қиладими, дўстга садоқати қандай, ҳикмати, саховати, журъати, шижоати, ўктамлиги ва орияти барча ахлоқий фазилатлари бирма-бир намоён бўлиб боради. Бу фазилатлар замирида эса яхлит шахс маънавияти шаклланади.

Шу сабабдан инсонни англаб етиш одобдан ахлоққа, ахлоқдан маънавиятга қараб теранлашиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина ўз Ватанини, халқини аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятларни ёт ва бегона таъсирлардан, сақлашга, Ватанини ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъаналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

## OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING YOSHLAR ONGIGA TA`SIRI

*Absalomov E., Ismoilova Z.*
*FarDU talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada bugungi kunda jadal rivojlanib, barcha jamiyat a`zolariga katta foydasi va shu bilan birga zararli tomonlari teyayotgan OAV, uning hozirda yoshlarga koʻrsatayotgan ta`sirlari haqida ma’lumotlar bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** yoshlar, Internet, ommaviy axborot vositalari, milliy guruh, ong.

**Аннотация:** В этой статье представлена информация о средствах массовой информации, которые стремительно развиваются сегодня и приносят огромную пользу всем членам общества, а также их вредное воздействие и его влияние на молодежь сегодня.

**Ключевые слова:** молодежь, интернет, медиа, национальная группа, сознание.

**Annotation:** This article provides information about the mass media, which are rapidly developing today and bring great benefits to all members of society, as well as their harmful effects and their impact on young people today.

**Key words:** youth, internet, media, national group, consciousness.

Kun sayin jadal rivojlanib borayotgan axborot asrida zamonaviy texnika vositalaridan foydalanmaslikning yoki ularga murojaat etmaslikning hech bir iloji yo‘q. Hozirgi taraqqiy etib kelayotgan bir zamonda, yosh avlod hayoti turmush tarzi yurish turishi, ijtimoiy muhitga moslashi va omma orasida o‘z o‘rnini topguncha anchayin yo``lni bosib o‘tishi kerak. Bu yo`lda ko‘plab to‘siq va qiyinchiliklarni yengish va ularga bardosh berib to‘g‘ri yo`lni tanlay bilish darkor. Chunki, inson dunyoqarashining shakllanishida, ma’naviy olamining yanada kengayishida, ayniqsa kompyuter texnologiyasi asosiy vosita rolini bajarmoqda. Bu — bir tomondan quvonarli holat. Bugungi kunda, biz yoshlar, mana shunday katta imkoniyatlardan xohlagancha foydalanib, o‘qish yoki ish davomida vaqtimizni ancha tejalmoqda.

Hozirgi kun nuqtai nazar bilan qaraydigan bo‘lsak, allaqachon global tarmoqqa aylanib ulgurgan internet o‘zining tezkorligi chegara bilmasligi bilan ommaviy axborot vositalari orasida eng muhim sohaga aylanib ulgurdi. Ammo… Shiddat bilan yuksalib borayotgan fan-texnika asrida,internet va ijtimoiy tarmoqlarining ijobiy jihatlari bilan bir qatorda uning yoshlar ma’naviyatiga, ularning yangiliklarga chanqoq ongiga salbiy ta’sirining ham guvohi bo‘lyapmiz.

Yoshlar shaxsiyatida shakllanayotgan ko‘pgina xatti-harakat ko‘nikmalari ham ijobiy, ham salbiy xususiyatga ega bo‘lib bormoqda. Ijobiy tomoni shundaki, madaniy aloqalar negizida millatlar urf-odati yuzasidan ma’lumot olish, mamlakatlar tabiati bilan tanishish, yangi texnologiya mohiyatini anglash, jahon sivilizatsiyasini egallash, sport turlarini o‘zlashtirish uchun qulay imkoniyat yaratilishidir. Bu ijtimoiy taraqqiyparvarlik ko‘rinishining ro‘y-rost ifodasi bo‘lib, millatlararo baynalminalchilik tuyg‘usini tarkib toptiradi. Ba’zi jihatlari bilan insonning jasurlik, mardlik, botirlik sari undaydi, vatanparvarlik tuyg‘usini paydo bo‘lishiga yordam beradi. Tabiatni to‘g‘ri idrok qilishga, nafosat hisini egallashga, fan va texnikaga qiziqish uyg‘onishiga, saviyani kengaytirishga olib keladi, kamolot jarayonini tezlashtiradi. Insonning zukkolikka, topqirlikka, epchillikka o‘rgatadi, uni yashash va kurashish yo‘llari bilan tanishtiradi.

Bularning salbiy oqibatlari esa yoshlarni turli guruhlar, oqimlarga kiri qolishiga, ongini va tafakkurini buzg‘unchi g‘oyalarni sindirishga urinishmoqda. Yana shuni taktiklash joysizki balog‘at yoshiga yetmay turib turli jinsi

munosabatlarni va ularga boʻlgan qiziquvchanlikni oshirib yuborib har-xil jinsiy buzilishlarga olib kelmoqda. Shu qatorda sharim, hayo, uyalish tuygʻulari borgan sari yoʻqolib borayotganini guvohi boʻlib turibmiz. Avvalo, qanday qilib OAVlar ichidagi ma'lumotlar inson ongiga tasir etishini va ularni kerakli yoki keraksiz ekanligini ajrata bilishni, yosh avlodga bularni ochiq oydin batafsil tushuntirishni koʻrib chiqish kerak.

Shuni ta`kidlash lozimki, ochiq axborot kommunikatsiya jarayonida yoshlar ongiga ta'sir etayotgan yot gʻoyalarga qarshi himoya vositalarini ishlab chiqishdan avval yoshlarning ijtimoiy xulq-atvorini oʻrganish lozim. Avvalo, yoshlarni oʻzining mustaqil fikriga ega qilib tarbiyalash, nega deganda mustaqil fikriga ega boʻlgan insongina oʻziga nisbatan qaratilgan yaxshi yoki yomon ma'lumotning mohiyatiga yetish va unga nisbatan adekvat ( lot. adaeguatus – tenglashgan, mos, aynan bir, oʻxshash)[1] reaktsiya koʻrsatishi, himoya mexanizmlarini ishga solishi mumkin. Shu qatorda yoshlar turli yot axborot xurujlariga berilmasligi uchun ularga milliy gʻururni tinimsiz tarbiyalashimiz va bunda har bir faning predmeti va tarbiyaviy vazifalaridan oqilona foydalanish zarur. Aynan milliy gʻururning ahamiyati shundaki, bunday tarbiyaga ega yoshlar boshqalarga qul boʻlishni, jumladan, axborot xurujlarga tobe boʻlmaydi.

Shu qatorda milliy gʻururi bor insonda iymon, insof va diyonat tushunchalarini shakllantirish mumkin. Chunki, inson qalbi bilan bogʻliq bu qadriyatlar Internet va ochiq axborotlar olamida adashtirmaydigan "kompas" rolini oʻynaydi. Bir rus olimi ta'kidlaganidek, "Internet" shunday oʻrmonki, unda kompassiz yurib boʻlmaydi".

Xulosa qilib aytadigan boʻlsak, Birinchi Prezidentimiz oʻzining ―Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch nomli asarida ta'kidlaganidek, ― "Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat oʻquv dargohlarida, balki, radio-televideniye, matbuot, Internet kabi vositalar orqali ham rang-barang axborot va ma'lumotlarni olmoqda. Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan shunday bir sharoitda bolalarimizning ongini faqat oʻrab-chirmab, uni oʻqima, buni koʻrma, deb bir tomonlama tarbiya berish, ularning atrofini temir devor bilan oʻrab olish, hech shubhasiz, zamonning talabiga ham, bizning ezgu-maqsadlarimizga ham toʻgʻri kelmaydi". Shunday ekan, har birimiz bizga kelayotgan axborot manbayini ijobiy yoki salbiy ekanligini, uni qanday foydali taraflari hamda zararli taraflari borligini o`ylagan holda faoliyat yuritmog`imiz darkor.

**FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:**


1. " Yuksak maʻnaviyat-yengilmas kuch" - I.A.Karimov
2. Ижтимоий Психология: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т.:, 2007. – 176 б.
3. Социал психология: Э.Ғ.Ғозиев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети – Тошкент: Noshir, 2012. – 316 б. ISBN 978-9943-4084-8-8


[1] Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005)

# ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА РАҲБАРЛИК ТАМОЙИЛ ВА УСУЛЛАРИ

*Авазов Ш.*
*Қарши давлат университети талабаси*

**Таянч иборалар:** Давлат, жамият, шахс, демократия, авторитар, бошқарув, тамойиллар, ислоҳат, тараққиёт.

Замонавий бошқарув жараёнида жамият тараққиёти ва фаровонлиги доимий ислоҳотлар асосида янада самарали ўсиб бориши эътироф этилади. Яъни, ҳар бир замонда шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари янги давр ва ислоҳотларга эҳтиёж сезади. Айнан ўша даврда ислоҳотлар олиб борилмаса, шахс, давлат ва жамият муносабатларида муаммолар юзага келади. Маълум бир гуруҳ ва қатламларнинг манфатлари ўзоқ вақт ҳимоя қилина бошлайди ва айрим шахсларни давлат ва жамият бошқарувида узоқ вақт қолиши натижасида мутлоқ авторитор ва тоталитор бошқарув юзага кела бошлайди. Бошқарувни мутлоқ бундай шакллари шахс, давлат ва жамият муносабатларининг мувозанатини таъминламайди, аксинча уларнинг янада таранглашувига олиб келади.

Ислоҳотларни самарали амалга ошириш жараёни раҳбар кадрларларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий қарашларига боғлиқлиги ҳам бор. Агар раҳбарнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий қарашлари бой бўлса хар қандай зиддиятларга ечим топа олади. Мавжуд тизимдаги муаммоларни хал қила олади ва унинг самарали ишлашини таминлайди.

Инсониятнинг бошқарув онги ва тафаккури тарихий тараққиётнинг тадрижийлик ривожланиши натижасида бугунги кунда тараққий этган давлатларда раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими яратилган. Бу тизимлар ислоҳотларни янада самарали бўлишини таъминлаш билан бирга инсониятга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, раҳбар кадрларнинг халқдан узоқлашуви билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича мавжуд тузилмаларнинг фаолиятни самарали деб айтишимиз қийин. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси барча раҳбарларни қамраб олиши ёки уларни тайёрлаш иложи йўқ. Агар мамлакатимиз бошқарув тизимида турли туман мутахасисликга эга бўлган раҳбарларни борлигини инобатга олсак, балки барча олий таълим муассасаларида замонавий бошқарув фанининг ўқитишни йўлга қўйиш керакдир.

Таҳлилий кузатишлар шуни кўрсатадики, Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек: “Раҳбарнинг оёғини ердан узилиб қолиши” каби жамиятимизда кузатиладиган айрим муаммоларнинг асосий сабабларидан бири ва асосийси, раҳбар кадрларнинг замонавий бошқарувдан етарли билим ва кўникмага эга эмаслигидир.

Замонавий бошқарувда раҳбар услублари деганда нимани тушинамиз?

*Бошқариш услублари* – бу раҳбар томонидан жамоанинг ташаббускор ва ижодий меҳнатга чорлайдиган ва меҳнат натижаларини назорат қиладиган хатти-ҳаракатлар. Бошқариш услуби ҳар бир раҳбар учун шахсийдир. У бир томондан раҳбарнинг шахсий ҳислатларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан меҳнат жамоасининг қанчалик ижтимоий ривожланганига боғлиқ. Ҳамма раҳбарларни бор феъл-атворларини услубларни тўртта турда ифодалаш мумкин:

1. Авторитар (буйруқбозлик) услуб бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштиради. ҳамма муаммоларни раҳбар фақат ўз иродаси билан якка ўзи хал этади. Ходимлари билан алоқаларни у атайин чеклаб қўяди.

2. Демократик услубда ишлайдиган раҳбар ўз ходимларига тўла мустақиллик бериб қўяди, ҳамма қарорларни мутахассислари билан биргаликда тайёрлайди ва қабул қилади, ишчиларини меҳнатини одилона баҳолайди, одамлар билан ҳурматли муомалада бўлади, ходимларини эҳтиёж ва талабларига ғамхўрлик қилади.

3. Либерал услубда ишлайдиган раҳбар жуда эҳтиёткор, ўз мажбуриятларини пухта бажара олмайди. У ўз лавозимига лойиқ эмас. Бу раҳбар ўз ходимлари билан жуда сахий муносабатда бўлади. Мутахассислари билан муомаласи бузилишидан қўрқади. Уларга нисбатан кескин чора кўришга журъат этмайди.

4. Ўзгарилувчан услуб юқоридаги учта услубларни яхши хусусиятларини ўзига олади, аммо уларни ҳар бирини камчиликларидан холисдир. Ўзгарилувчан услубда фаолият кўрсатадиган раҳбар одатда демократик услубда ишлайди. Ишда хавфли фавқулот туғилганида бу раҳбар вақтинча авторитар (буйруқбозлик) услубга ўтади. Ишда ҳамма томондан барқарорлик мавжудлигида раҳбар либерал услубда ҳам ишлаб туриши мумкин.

Замонавий бошқарувда раҳбар ходимларини бошқариш тамойили ва усулларини ўрганиш ҳам ислоҳотларни самарали ва ижтимоий зидиятларсиз ўтишини таъминлайди.

*Бошқариш тамойиллари*– бу менежментнинг энг асосий бошқариш қоидалари, раҳбарликнинг энг муҳим стандартларидир. Бошқариш тамойиллари бу раҳбарликнинг олтин қоидалари хисобланади. Фақат бошқариш тамойилларининг барчасини амалда қўллагандагина бошқариш тузими сифатли фаолият кўрсатиши мумкин.

1. Раҳбарнинг ҳаракат дастурларининг хилма-хиллиги ва дарҳоллиги атроф муҳитни бошқарув объектига таъсирини ҳар хиллиги ва тезкорлигидан кам бўлиши мумкин эмас. Ўта билимдон (компетентный) раҳбар ҳар бир шароитда энг унумли натижаларни таъминлайдиган қарорни қабул қилишга қобилиятли ва ўз вақтида шу қарорни амалга оширишга қодир.

2. Ҳар бир ходимнинг фақат битта бошлиғи бўлиши керак. Иш фаолиятига тегишли ҳамма масалаларда ходим ўзини битта раҳбарига мурожаат қилиши лозим. Ўша раҳбардан буйруқ ва вазифалар олиши керак ва ўша раҳбарга вазифа бажарилгани тўғрисида хисобот бериши лозим.

3. Ҳеч қайси раҳбар бошқара олиш меъёридан ошиб кетган ишчилар сонини самарадорли бошқара олмайди. Бошқариш меъёри – бу битта раҳбарга бўйсўнган ишчиларнинг энг кўп рухсат берилган сонидир. Одатда раҳбарлар ўз вазифалари билан икки гуруҳга бўлинишади: тармоқли (линейные) раҳбарлар ва функционал раҳбарлар.

4. Раҳбарнинг хуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги ўзаро бир-бирига мос бўлиши керак.

5. Раҳбар унинг қўл остидаги ходимлари муваффақиятли бажара оладиган ишни ўзи бажариши керак эмас.

6. Ҳар бир ташкилотда, ҳар вақтда раҳбарликни марказлаштириш даражаси ва ходимлар жамоасини ўзини-ўзи бошқариш мартабаси ўзаро оқилона мос келиши ва бир-бирига лойиқ бўлиши лозим.

Шундай қилиб, келтирилган олтита бошқариш тамойиллари бу бошқаришни асосий ғоялари, стандартлари ва энг қоидалари.

*Бошқариш тамойиллари*– бу менежментнинг энг асосий бошқариш қоидалари, раҳбарликнинг энг мухим стандартларидир. Бошқариш тамойиллари бу раҳбарликнинг олтин қоидалари ҳисобланади. Фақат бошқариш тамойилларининг барчасини амалда қўллагандагина бошқариш тузими сифатли фаолият кўрсатиши мумкин.

1. Раҳбарнинг ҳаракат дастурларининг хилма-хиллиги ва дарҳоллиги атроф муҳитни бошқарув объектига таъсирини ҳар-хиллиги ва тезкорлигидан кам бўлиши мумкин эмас. Ўта билимдон (компетентный) раҳбар ҳар бир шароитда энг унумли натижаларни таъминлайдиган қарорни қабул қилишга қобилиятли ва ўз вақтида шу қарорни амалга оширишга қодир.

2. Ҳар бир ходимнинг фақат битта бошлиғи бўлиши керак. Иш фаолиятига тегишли ҳамма масалаларда ходим ўзини битта раҳбарига мурожат қилиши лозим. Ўша раҳбардан буйруқ ва вазифалар олиши керак ва ўша раҳбарга вазифа бажарилгани тўғрисида ҳисобот бериши лозим.

3. Ҳеч қайси раҳбар бошқара олиш меъёридан ошиб кетган ишчилар сонини самарадорли бошқара олмайди. Бошқариш меъёри – бу битта раҳбарга бўйинсунган ишчиларнинг энг кўп рухсат берилган сонидир. Одатда раҳбарлар ўз вазифалари билан икки гуруҳга бўлинишади: тармоқли (линейные) раҳбарлар ва функционал раҳбарлар.

4. Раҳбарнинг хуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги ўзаро бир-бирига мос бўлиши керак.

5. Раҳбар унинг қўл остидаги ходимлари муваффақиятли бажара оладиган ишни, ўзи бажариши керак эмас.

6. Ҳар бир ташкилотда, ҳар вақтда раҳбарликни марказлаштириш даражаси ва ходимлар жамоасини ўзини-ўзи бошқариш мартабаси ўзаро оқилона мос келиши ва бир-бирига лойиқ бўлиши лозим.

Шундай қилиб, келтирилган олтита бошқариш тамойиллари бу бошқаришнинг асосий ғоялари, стандартлари ва энг қоидалари.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий давлатчилик назарияларида ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётини белгиловчи асосий куч бу раҳбар

кадрлардир. Арасту “Ҳокимият шундай кучки, у ҳар қандай инсонни ўзгартиради, агар у ўша ҳокимиятга тайёр бўлмаса” дейди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1.Политология. Ўқув қўлланма. Т. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ» маркази. 2002.

2. В.П.Пугачев, А.И.Соловьев Сиёсатшуносликка кириш. Т.,Янги авлод. 2004.Б-413

3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т., 1998 йил

4. С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акромов, А. Қодиров. Политология (ўқув қўлланма).Т.1999йил.

5. С. Ғафуров, А.Хайдаров, Н.Тўлаганова. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма.Т.2006.Б-180

6. Х. Одилқориэв, Д. Раззоқов. Сиёсатшунослик. Дарслик Т., 2008 йил.

7. www.зионет.уз.тизимли тармоқ.

## TURLI EKSTREMAL VAZIYATLARDA AHOLIGA PSIXOLOGIK XIZMAT KO‘RSATISH AMALIYOTI

*Avezov O.R.*
*BuxDU Psixologiya kafedrasi katta o‘qituvchisi*

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада муаллиф бошқарув жараёнлари ва раҳбарлик услублари ва тамойилларини илмий- назарий жиҳатдан атрофлича таҳлил этган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье автор с научной точки зрения анализирует особенности методов и принципов управления.

**SUMMARY**

Author of this article analyzes the process of control and the methods of leadership in scientific and theoritical way.

Favqulotda va ekstremal vaziyatlar (tabiiy ofat, yer qimirlashi, turli xil avariya holatlari, yong‘inlar, epidemiya tarqalishi va hokazolar) barcha zamonlarda insoniyatga turli xildagi hissiy zo‘riqishlar va ruhiy shikastlar yetkazib kelgan. Masalan, bu holat tarixdan bizga ma’lumki, ilk bor Yegipetda sodir etilgan bo‘lib butun O‘rta yer dengizi bo‘ylab 60 yil davom etgan. Mazkur epidemiyaning eng avj olgan davrlarida, aniqrog‘i 542-yilda Konstantinopolda har kuni mingdan ortiq odamga o‘lim - o‘lat vabosi chang solgan. Dunyo tarixida ikkinchi eng fojeali epidemiya bu G‘arbiy Yevropa hududida “qora o‘lim” nomi bilan iz qoldirgan (XIVasr) Bundan tashqari, 1346-48 yillarda G‘arbiy Yevropada ayovsiz “vabo”ning keng tarqalishi tufayli 25 milliondan ortiq aholi qirilib ketgan. 1892 yilda mudhish “Vabo” kasalining tarqalishi oqibatida Hindistonda 6 million aholi qirilib ketdi va bu hayot Janubiy Amerikaga ham o‘z ta’sirini o‘tkazdi.

Bugungi kunda butun dunyoda COVID-19 bilan bog‘liq vaziyatlar, Turli mintaqalarda odamlarni qiynayotgan ocharchilik, avtomobil va yashash joylarida yuzaga keladigan muammolar, tog‘li hududlardagi mavsumiy yog‘ingarchiliklar bilan bog‘liq minglab odamlar sarosimaga tushadi va ularni tinchlantirish juda mushkuldir. Mutaxassislarning ta’kidlashicha mazkur holatdagi ruhiy bezovtalikning paydo bo‘lishi odamlardagi bevosita jiddiy kasalliklarning paydo bo‘lishiga olib kelmoqda.

Binobarin, yuqoridagi ekstremal vaziyatlarning inson psixikasiga ta’sirining o‘rganilishi psixologiya fani amaliyotida yangi yo‘nalish – ekstremal psixologiya fanining keng ko‘lamda rivojlanishini taqozo etmoqda. Shu nuqtai nazardan ekstremal psixologiya fani turli xil noodatiy yoki favqulotda inson psixikasida hosil bo‘luvchi psixologik qonuniyatlarni o‘rganuvchi fan hisoblanadi.

Tegishli adabiyotlarda favqulotda va ekstremal vaziyatlarga ma’lum darajadagi ta’riflar beriladi. Jumladan, favqulotda vaziyat – bu ma’lum chegaralangan hududlarda namoyon bo‘luvchi avariya holatlarining inson salomatligiga, uning ongi va hissiyotlariga, ruhiy holatlariga salbiy ta’sir etuvchi holatlar bilan belgilanadi.

Ekstremal vaziyat lot. extremus – oxirgi, inqirozli kabi tushunchalardan olingan bo‘lib, unda alohida sub’ekt sifatidagi shaxs idrokiga, hayotiga, salomatligiga turli xil tahdidlar solinishi oqibatida salbiy ta’sirlar qurshovida qolib ketadi.

Shaxsning psixologik himoya mexanizmlari ayrim nizolarning sub’ektiv sabablariga bevosita ta’sir etishi mumkin. Shaxsning shaxsiy yoki guruhiy ehtiyojlarini amalga oshirishga yo‘l qo‘ymaslik va shaxsiy yoki guruhiy qiziqishlarini poymol qilish kabi sabablar nizoli vaziyatlarni vujudga keltiradi. Binobarin, individning nizolarga ishtiroki, uning oldiga qo‘ygan maqsadini amalga oshirish uchun yuzaga kelgan to‘siq qay darajada xalaqit berishi bilan aniqlanadi. Sub’ekt o‘z oldiga qo‘ygan maqsadi qanchalik muhim bo‘lsa va unga erishishni juda xohlasa, u shunchalik darajada qat’iylik bilan o‘zaro nizoli vaziyatlarga va unga xalaqit beruvchi shaxsga qarshilik ko‘rsatadi.

O‘zbekistonda o‘ziga xos izchillik bilan amalga oshirilayotgan ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy va ma’naviy islohotlarning tub negizida eng avvalo har bir insonning qadr–qimmati, aql–zakovati, ma’naviy salohiyati va o‘ziga xos ijtimoiy psixologik taraqqiyotiga xizmat qiluvchi omillar yotadi. Zero, bu omillarni har jihatdan himoya qilish bashariyatning eng oliy ne’mati hisoblangan shaxsni himoya qilish demakdir. Shu bilan birga shaxsdagi o‘zini o‘zi turli xil muvaffaqiyatsizlikdan, turli xil salbiy holatlarga tushib qolishdan himoya qila olish tizimini o‘rganish, tadqiq qilish va rivojlantirish masalasi ham o‘ta muhim ahamiyat kasb etishini unutmaslik kerak bo‘ladi.

Respublikamizda olib borilayotgan islohotlarning barchasi eng avvalo inson shaxsi va uning manfaatlarini himoya qilishga, qolaversa, har bir shaxsning ijtimoiy-psixologik taraqqiyotini ta’minlashga qaratilgan.

Respublikada qo‘lga kiritilgan natijalariga tayangan holda, mamlakatimizda hozirgi zamon ilg‘or psixologiyasi yutuqlarini hayotga tadbiq etish zaruriyatini hisobga olib, shaxslardagi psixologik himoya jarayoni bilan bog‘liq holatlarni

to‘g‘ri tushunish, tadqiq qilish va uning bugungi yoshlarimizni tarbiyalash ishidagi ulushini oshirishga qaratilgan quyidagi amaliy tavsiyalar ishlab chiqilmoqda.

1. Bugun respublikamizda faoliyat yuritayotgan favqulotda vaziyat xodimlari, yong‘in xavfsizligi xodimlari,va ekstremal holatlarga tushib qolgan shaxslar bilan hamkorlikda shaxslar uchun zarur bo‘lgan ishlar dasturini tuzishlari va shu dasturga mos psixologik himoya jarayonini o‘rganishga qaratilgan tadbirlarni belgilashlari zarur.

2. Respublikamizda faoliyat olib borayotgan psixoliglarga psixologik xizmat talablarini o‘rganishi, tahlil qilish va tadqiq qilishning mahsuli o‘laroq, psixologik xizmatning ish mazmunini tashkil etuvchi “Nizom”ga qo‘shimcha ravishda amaliyotchi – psixologlar bajarishi lozim bo‘lgan quyidagi vazifalarni tavsiya etilmoqda:

- Faoliyat va individual imkoniyatlar o‘rtasidagi adekvatlikning qay darajada tarkib toptirilayotganligini aniqlash; har bir shaxsdagi mehnat faoliyatini muvaffaqiyatli bajarish bilan bog‘liq individual uslubni aniqlash; mehnat faoliyati jarayonida har bir shaxsning o‘zini o‘zi muvaffaqiyatli idora qilishning ta’minlanishi bilan bog‘liq me’yoriy hissiy faollik ko‘rsatkichlarini aniqlash imkoniyatlari yaratilmoqda.
- Ota – onalar, tezkor xizmat xodimlari, o‘rtasida psixologik himoya imkoniyatlari va istiqbollari xususida maxsus tushuntirish ishlarini olib borish talab etiladi.
- Har bir shaxs uchun xarakterli bo‘lgan faoliyatdan qoniqishga nisbatan psixologik himoya ierarxiyasining qaror toptirilishiga xizmat qiluvchi, rivojlantiruvchi korreksion ishlar rejasini ishlab chiqish va uni amalga oshirish kerak bo‘ladi.
- Har bir shaxsning psixologik himoya imkoniyatlaridan kelib chiqib, mehnat faoliyati talablarini bajarish bilan bog‘liq muvaffaqiyatlarga erishish, ayni paytda, turli xil muvaffaqiyatsizliklarga uchramaslik uchun tegishli yakkahol maslahatlar berib borish bilan birga, mazkur shaxsning faoliyatga nisbatan muvaffaqiyatli individual uslubni rivojlantirish uchun tegishli shart-sharoit yaratilishini ta’minlovchi tavsiyalar ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘ylaymizki, mazkur vazifalarning muntazam ravishda amalga oshirilishi psixologik himoya samaradorligini ta’minlashda, ayni paytda, shaxsdagi psixologik himoya omillarini tadqiq qilish bilan bog‘liq ekstremal vaziyatlarda psixologik xizmat samaradorligini taqozo etadi.

Demak, eksremal vaziyatlarda shaxsni o‘rganish va unga psixologik ta’sir qilish mehanizmlaridan xabardor bo‘lish har bir amaliyotchi psixologdan juda katta mahorat talab etadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Barotov Sh.R. Psixologik xizmat. Magistrlar uchun darslik. – T.: “Navro’z” nashriyoti, 2018. – 344 b.

2. Баротов Ш.Р. Психологическая служба образования: от теории к практике. (Учебно-методичевкое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017-172 с.

3. Александровский, Ю. А. Психогении в экстремальных условиях / Ю. А. Александровский. М.: Медицина, 1991.- 124 с.

4. Ананьев, Б. Г. Психология и проблемы человекознания: Избранные психологические труды. / Под ред. А. А. Бадалева, Акад. пед. и соц. наук; Моск. психол. Соц. ин-т, М., Ин-т практической психологии, Воронеж, НПО «МОДЭК», 1996. 383 с.

5. Ананьев, В. А. Общая валеология: конспект лекций / В. А. Ананьев и др.; Балт. пед. акад. СПб.: Балт. пед. акад., 2000. - 162 с.

# СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПОНЯТИЮ КОРРУПЦИИ, ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ И АСПЕКТЫ КОРРУПЦИОННОГО ПОВЕДЕНИЯ

*Авезов Ҳ.И.*
*Степень магистра*
*Казанского Федерального Университета*

***Аннотация.*** В статье анализируются психологические (внутренние) детерминанты, обусловливающие коррупционное поведение индивида и особое внимание уделено рассмотрению психологических аспектов феномена коррупции и описаны различные формы и причины ее проявления. При реализации системного подхода к проблеме коррупции, рассматриваются как неотъемлемое дополнение к правовым, экономическим и социальным факторам, являющимся внешними по отношению к человеку.

***Ключевые слова:*** *коррупция, корыстные мотивы, внутренняя мотивация, ценности, социальная фрустрированность, правовой нигилизм; преодоление коррупции*

Несмотря на то, что за последние десятилетия приняты многочисленные правительственные и законодательные решения вплоть до законов о борьбе с коррупцией, ситуация в стране изменяется довольно медленно — коррупция все еще представляет собой реальную угрозу государству и нации в целом. До сих пор проблема коррупции рассматривалась как правовая, экономическая или социальная проблема, однако отсутствует анализ и интерпретация данного феномена с психологической стороны. Коррупция многогранна, из-за этого она является предметом исследования самых разных научных дисциплин. Коррупция, как известно, – социально-правовое явление, которое находится в сложной опосредованной связи с различными социально-экономическими, демографическими, культурными и иными процессами, происходящими в обществе. Ее характер, структура и динамика определяются совокупностью причин и условий.

Коррупция (от лат. corruption – подкуп) − прямое использование должностным лицом своего служебного положения в целях личностного обогащения. Как правило, сопровождается нарушением законности [1].

В документах ООН коррупция определяется как «злоупотребление государственной властью для получения выгоды в личных целях».

Коррупционная преступность является частью корыстной преступности, весьма распространенным видом преступности, особенно в государствах, где не сформировались демократические традиции и слабо развита экономика [2, с. 267].

Выделяют различные формы (проявления) коррупции: взяточничество, фаворитизм протекционизм, лоббизм, непотизм (кумовство), предоставление льготных кредитов, заказов, незаконное присвоение в личных целях общественных ресурсов, неправомочное распределение и перераспределение общественных ресурсов и фондов, неправомерные поддержка и финансирование политических структур, нелегитимная приватизация, употребление личных связей в целях получения доступа к общественным ресурсам — услугам, товарам, источникам доходов,привилегиям, оказание разного рода услуг родственникам, друзьям, знакомым и т. д.

Традиционно коррупция рассматривается как экономическое или должностное преступление, в то время как психологическим аспектам данного феномена уделяется значительно меньше внимания.

Психологические аспекты феномена коррупции включают в себя следующие составляющие:

1) психология коррупционного поведения;

2) психология коррумпирующего поведения, то есть тех, кто дает взятки, и т. п.;

3) отношение общества к проблеме коррупции и к ее конкретным компонентам;

4) социально-психологические процессы, влияющие на коррупцию.

По мнению А. С. Кривченкова, коррупцию следует рассматривать как девиантное поведение публичных должностных лиц, которое вопреки интересам общества и других лиц проявляется в неправомочном использовании существующих у них полномочий, представляющих им возможности, а также иные общественные ресурсы, к которым они получили доступ в связи с достигнутым статусным положением, с расчетом получения выгоды в личных, узко групповых и/или корпоративных целях [2,с. 270–71].

Причины коррупционной преступности представляют собой комплекс явлений различной природы, многие из которых существуют с давних времен, превратившись в традиции и образ жизни. Выделяют экономические, политические и организационные и психологические причины коррупционного поведения. Остановимся более подробно на психологических причинах. По мнению Ю. М. Антоняна, к ним относят:

• игровую мотивацию: среди мотивов коррупционного поведения личности не только корыстные мотивы, но и бессознательное стремление участвовать в острой, захватывающей игре;

• отчуждение личности от государственной власти, следствием которого человек привыкает считать, что без подкупа сделать ничего нельзя, а контроль власти невозможен;

• круговую поруку среди коррупционеров, любой из них помогает, или даже спасает другого, таким образом, поддерживая и защищая себя, при этом «другой» сохраняет и источник дохода, и собственную безопасность;

• многовековую историю мздоимства, благодаря которой коррупция стала традицией, вписавшейся в образ жизни;

• традиционность отсутствия солидарности населения с законами, запрещающими коррупцию;

• существование ряда должностей и профессий, ставших желанными лишь в силу того, что дают возможность поборов и мздоимства;

• низкий уровень правосознания населения;

• психологическую готовность к коррумпирующему поведению;

• феномен обоюдной вины дающего и берущего взятку: в связи с тем, что каждый знает, что и другой виноват, это снижает ответственность перед самим собой, исчезает чувство вины, так как имеется возможность переложения вины и на другого [2, с. 277–278].

Тезис, что в нашем обществе «берут все», разумеется, – социальный стереотип. Отсюда вопрос: чем отличается психология коррумпированного чиновника от психологии законопослушного? В чем суть тех психологических механизмов, которые в *одинаковой ситуации* порождают различное индивидуальное поведение?

Когда необходимо объяснить причины поступков человека, следует говорить о *мотивации* его поведения и деятельности. Мотивация – система факторов, детерминирующих поведение. Причем любая форма поведения может быть объяснена как внутренними, так и внешними, причинами.

В первом случае в качестве исходного и конечного пунктов объяснения выступают психологические свойства субъекта поведения, а во втором – внешние условия и обстоятельства его деятельности. В первом случае говорят о мотивах, потребностях, целях, намерениях, желаниях, интересах и т.п. а во втором – о стимулах, исходящих из сложившейся ситуации. Иногда все психологические факторы, которые как бы изнутри определяют поведение человека, называют *личностными диспозициями*. Соответственно, речь идет о *диспозиционной* и *ситуационной мотивациях,* как аналогах внутренней и внешней детерминации поведения.

Внутренняя (диспозиционная) и внешняя (ситуационная) мотивации взаимосвязаны.

Диспозиции могут актуализироваться под влиянием определенной ситуации, а активизация определенных диспозиций (мотивов, потребностей) приводит к изменению восприятия субъектом ситуации. Его внимание в таком случае становится избирательным, и субъект предвзято воспринимает и оценивает ситуацию исходя из актуальных интересов и потребностей. Поэтому любое действие человека рассматривают как двояко детерминированное: диспозиционно и ситуационно.

Соответственно, и поведение человека в целом следует оценивать не как реакцию на определенные внутренние или внешние стимулы, а как результат непрерывного взаимодействия его диспозиций с ситуацией. Таким образом,

мотивация человека может быть представлена как циклический процесс непрерывного взаимного воздействия и преобразования, в котором субъект действия и ситуация взаимно влияют друг на друга и результатом которого является реально наблюдаемое поведение. Следовательно, чем устойчивее внутренняя диспозиция человека, тем меньшее влияние на него оказывает ситуация. От чего зависит суть внутренней диспозиции человека, и какие факторы влияют на ее трансформацию?

Возьмем, к примеру, молодого талантливого специалиста, начинающего свою карьеру на государственной службе. Он счастлив, что так скоро после окончания вуза смог трудоустроиться, стать независимым, т.е. самостоятельно удовлетворять свои потребности.

В психологии *потребность* – это состояние нужды человека в определенных условиях жизни и деятельности или материальных объектах. Потребность, как и любое состояние личности, всегда связан с наличием у человека чувства удовлетворенности или неудовлетворенности. Количество и качество потребностей зависят от образа жизни человека, от его социального статуса, уровня и качества образования, мировоззрения, интересов и т.п.

Но главное в данном случае, что потребности развиваются в деятельности (А.Н. Леонтьев), при этом потребности, которые в иерархии ценностей конкретного человека преобладают, могут оказаться «ненасыщаемыми». Это могут быть потребности в познании, творчестве, духовном развитии либо сугубо меркантильного плана.

Исследователи, прежде всего пытались ответить на вопрос о том, чем обусловлена иерархия ценностей и как она формируется. *Ценность* – жизненная и практическая установка индивида, выражающая то, что для него важно, значимо, свято, формирующаяся в процессе социализации через усвоение, рефлексию, оценку ценностей общества, референтных групп и находящая отражение в *ценностных ориентациях* человека, которые признаются им в качестве стратегических жизненных целей и общих мировоззренческих ориентиров [3].

Таким образом, если у описываемого нами специалиста потребности профессионального роста, личностного развития преобладают над желанием любой ценой иметь дорогой автомобиль, квартиру, яхту и пр., а в иерархии ценностей на первом месте находятся справедливость, порядок, добро, то коррупционных действий в его профессиональной деятельности с высокой долей вероятности не будет.

Но поскольку ценности и, как следствие, ценностные ориентации формируются под влиянием социума, то на сегодняшний день можно говорить о тотальном сдвиге ценностных ориентаций в сторону материального потребления. Красивая жизнь звезд телеэкрана, поток рекламы, стимулирующей приобретение товаров, подменяющих мечты о красоте, любви, уважении, здоровье, отстраненность государства от морального воспитания граждан – все это приводит к формированию прагматичного класса эгоистов потребителей [4, с. 40–44]. Такие люди

имеют завышенный уровень притязаний, они многого хотят от жизни, но реальных, правовых инструментов реализации своих желаний практически не имеют.

Поэтому приходится говорить еще об одном психологическом феномене – *социальной фрустрированности*, которая понимается как вид (форма) психического напряжения, обусловленного неудовлетворенностью достижениями и положением личности в социально заданных иерархиях [5].

Человеку свойственно ориентироваться на лучшее, сравнивать себя с теми, кто умнее, красивее, богаче, удачливее. Это всегда подталкивало индивида, живущего в здоровом обществе, учиться, следить за своей физической формой и самочувствием, трудиться, т.е. если мечты, цели, даже самые невероятные, можно достичь доступными всем способами, социальная фрустрированность не возникнет. В современной России сложилась ситуация, когда существует культ материальных ценностей, планка понятия «состоятельный человек» весьма завышена, а адекватных, правовых способов ее достижения практически нет.Все это приводит к тому, что материальные ценности становятся приоритетными, у человека запускается процесс образования *корыстных мотивов.*

Мотив, в отличие от мотивации, – это то, что принадлежит самому субъекту поведения, является его устойчивым личностным свойством, побуждающим к совершению определенных действий.

Например, познавательный мотив побуждает человека постоянно читать, посещать обучающие семинары, смотреть познавательные передачи. На формирование мотивов в детском и подростковом возрасте большое влияние оказывает семейное воспитание, а именно то, какие интересы ребенку были привиты, какое мировоззрение было заложено, какие сформированы склонности, убеждения, идеалы. С возрастом, под влиянием значимых личностей, референтных групп, общественных течений и т.п., мотивы могут трансформироваться, исчезать, формироваться.

Формирование мотива, в том числе и корыстного, может протекать достаточно длительно и не всегда осознаваться самим человеком. Вначале зарождается мысль (например, «все берут взятки, а может быть и мне…»), переходящая в размышление, представление результата, обдумывание способов осуществления, которое фактически приводит к планированию и подготовке коррупционного действия, и в подходящий момент оно совершается. Полученный результат оценивается в соотношении «удовлетворение – неудовлетворение», где на одной «чаше весов» – полученные материальные средства и то, что на них желает человек приобрести, на второй – страх разоблачения (внешняя диспозиция), стыд, угрызения совести (внутренняя диспозиция). Учитывая статистику разоблачения коррупционных преступлений, страх перед наказанием невелик [6]. Следовательно, если внутренняя диспозиция слабая, то окончательно ее «добивают» включающиеся механизмы психологической защиты, в частности *рационализация*, понимаемая в психологии как «рациональное объяснение человеком своих желаний и действий, истинные причины

которых коренятся в иррациональных социально или личностно неприемлемых влечениях» [3, с. 249]. Кроме того, изначально бескорыстная внутренняя диспозиция может пошатнуться в процессе адаптации в коррумпированном коллективе и профессиональной деформации госслужащего [7, с. 83].

Профессиональная деформация приводит к тому, что чиновник, понимая сложность конкретной экономической, правовой ситуации, симулирует активную деятельность путем создания дополнительных запретов. Имея возможность разрешить/не разрешить, подписать/не подписать и т.п., у госслужащего постепенно появляется желание сознательно манипулировать людьми ради личной выгоды [8].

Таким образом, на наш взгляд, существует ряд психологических феноменов, запускающих индивидуальное коррупционное поведение и являющихся внутренними его предпосылками. Их роль представляется весьма существенной, следовательно, наряду с правовыми, экономическими, социальными причинами важно понимать и учитывать индивидуально-психологические потребности, мотивы, ценностные ориентации, уровень притязаний, которые могут приводить к социальной фрустрированности, запускать процесс корыстного мотивообразования, деформируя правосознание человека.

Важным направлением участия психологов в борьбе с коррупцией должен быть психологический мониторинг законов антикоррупционной направленности, что позволило бы не принимать «неработающие», а то и в принципе неисполнимые законы, которые вызывают недоверие населения к законам вообще. Среди возможностей психологии в решении психологических проблем коррупции следует упомянуть также специальные психологические методы. В частности, применение опроса с использованием полиграфа, как и психологических тестов при решении задач кадровой политики, открывает определенные перспективы преодоления коррупции, которые несомненно нуждаются в проработке.

В заключение следует отметить, что в настоящее время, к сожалению, есть все условия к тому, чтобы психологически человек был готов к коррупционным действиям: правовая и экономическая нестабильность, социальная незащищенность, отстраненность государства от морального и эстетического воспитания, тотальное насаждение в СМИ потребительской идеологии. Эти факторы делают все возможное, чтобы даже в том человеке, которому в семье прививались ценности добра, справедливости, альтруизма, патриотизма и пр., сформировать корыстные мотивы, деформировать правосознание и подтолкнуть к преступлению.

**ЛИТЕРАТУРА**

1. Большой энциклопедический словарь. Главный ред. А.М. Прохоров. Изд-е 2-е, перераб. и допол-е. Москва: Большая Российская энциклопедия, 1998: 576.

2. Антонян Ю. М. Криминология. Избранные лекции. — М.: Логос, 2004. — 448 с.

3. Психологический словарь / Под общ. ред. П.С. Гуревича. М.: ОЛМА Медиа Групп, ОЛМА ПРЕСС Образование, 2007.

4. Лисовский В.Т. Ценности жизни и культуры современной молодежи (социологическое исследование). Тугариновские чтения: Материалы научной сессии. Серия «Мыслители». СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2000. Вып. 1.

5. Психология состояний: Хрестоматия / Под ред. А.О. Прохорова. М.: ПЕРСЭ; СПб.: Речь, 2004.

6. Куликов А.С. Коррупция и торговля людьми // Юристъ-Правоведъ. 2008. № 4.

7. Марков А.И. Формирование профессионально-нравственных и морально психологических качеств у сотрудников органов внутренних дел в условиях трансформации российской государственности//Философия права. 2004. № 4.

8. Васильев В.Л. Юридическая психология: Учебник для вузов. 5-е изд., доп. и перераб СПб., 2006.

## BOSHQARUV VA LIDERLIK MAXORATI

*Azimov N.N.*
*BuxDU talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada korxona, tashkilot, muassasalarni boshqarishdagi mavjud muammolar va ularni hal etilishi, rahbar shaxsi hislatlariga, samarali boshqaruv jarayonini tashkil etishdagi aqliy, tashkiliy va hissiy - irodaviy jarayonlari, uning moddiy va ma’naviy resurslarni oqilona boshqara olish malakalari. Jamoada yuqori mavqeryni egallovchi shaxs haqida yoritilgan.

**Kalit so’zlar:** demokratiya, gumanitar rivojlanish, intelektual va tashkiliy qobiliyat, umumiy qobiliyat, maxsus qobiliyat, avtoritar, demokrativ, liberal, demokrativ ishlash uslubi, kommunikativ qobiliyat, simpatiya, antipatiya, lider.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlis palatalariga navbatdagi Murojaatnomasida "Demokratik o'zgarishlar biz uchun eng to'g'ri va yagona yo'ldir" deb ta'kidladi. Ushbu murojaatda etakchi kadrlarning davlatimizning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy va gumanitar rivojlanishidagi o'rni ta'kidlangan. Rahbarlarning boshqaruv qobiliyati, uning kasbiy bilimi, fuqarolarga nisbatan insonparvarligi, odamlarning hayotiy muammolarini hal etishda yordam berish kabi ezgu g'oyalarga to'la bo'lishi davr talabi ekani ta'kidlandi.

Ommaviy ish ko'pincha odamlar bilan muloqot qilishi, omma oldida gaplashishi va shu bilan birga u o'zining kasbiy va boshqaruv fazilatlarini namoyish qilishi kerak. Boshqa yo'l bilan, bu jarayon o'zini taqdimot deb atash mumkin. Ammo o'z-o'zini namoyish qilish, diqqat albatta psixologik tayyorgarlikni talab qiladi.

Muassasa, korxona va tashkilot rahbarlarining butun boshqaruv tizimida yetakchi o’rin egallashi, bir tomondan, tashkilotdagi islohotlarni amalga oshirishda masuliyatni o’z bo’yniga olish zarurati, ikkinchidan esa itoatdagi xodimlarning rahbarga bo’lgan ishonch va umidlari bilan asoslanadi. Har bir boshqaruv vaziyati o’ziga xos va betakrordir. Bir vaziyatda samara bergan uslub boshqa vaziyatda mutloqo noo’rin bo’lishi mumkin. Asosiy etibor rahbar shaxsini mukammallashtirishga, undagi intelektual va tashkiliy qobiliyatlarni rivojlantirish zarurligiga qaratiladi. Bunday faoliyat esa rahbarning o’z- o’zini yanada chuqurroq o’rganishi, uning ichki zaxirasida nima bor-u nima yo’qligini taftish etishdan boshlanadi.

❖ Korxona muassasalarda xodimlarni boshqarishda quyidagi jihatlarga olahida etibor berish lozim:

➢ Huquqiy;
➢ Iqtisodiy;
➢ Ijtimoiy - psixologik;

Huquqiy jihatdan: rahbar korxona faoliyatiga doir me’yoriy hujjatlarni bilishi,ularni amalda qo’llay olishi, ularni ommaviylashtirish hamda xodimlarga ularning mazmunini tushuntira bera olishi lozim.

Iqtisodiy jihatdan: xodimlarning oylik maoshlarini o’z vaqtida berilishi va ularni moliyaviy tomondan to’liq taminlanishini nazoratga olishi zarur.

Ijtimoiy –psixologik jihatdan: kadrlarni ish o’rinlariga joylashtirish, xodimlar adaptatsiyasi (moslashishi), xodimlarni tashkilot maqsadi sari yetaklash, xodimlarni motiatsiyalash, xodimlarni kasbiy malakasi va maxoratini oshirish kabilar inobatga olinsa ish samaradorligini yanada oshishiga sabab bo’ladi.

Odatda psixologiyada qobiliyatning umumiy va maxsus turlari ko’rsatiladi. Umumiy qobiliyatlar shaxsning o'ziga xos xususiyati har qanday faoliyatiga kirish uchun imkoniyat yaratsa, maxsus qobiliyat faqat alohida yo’nalishdagi faoliyat turida muvofaqiyatga erishishga asos bo’ladi. Rahbar intelekti qanchalik yuqori bo’lishi kerak degan savolga tatqiqotlar shuni ko’rsatadiki: o’ta yuqori intelekt yuksak rahbarlik faoliyatini omalga oshirishga xalaqit berar ekan. Sababi qaror qabul qilishda haddan tashqari aql ishlatish bu jarayonni yanada cho’zib yuborishi mumkin. Bu tatqiqot shuni ko’rsatadiki rahbarga nazariy bilimdan ko’ra amaliy bilim rivojlangan bo’lishi kerak degan to’xtamga kelingan.

G’arbda boshqaruvning psixologik muammolarini o’rganish bo’yicha ko’plab qimmatli tajribalar o’tkazilgan. Jumladan, mashhur nemis psixologi K.Levin rahbarlarni 3 tipga bo’lib o’rgangan. Ular quyidagilar: avtoritar, demokrativ va liberal rahbarlik. Olim avtoritar boshqaruv uslubi to’g’risida gapirib, ushbu tipdagi rahbarlarga jamoa, jamoatchilik fikr-mulohazalarini inobatga olmaslik, tanho hukm va xulosalar chiqarishga odatlanish, jamoani qattiqqollik bilan boshqarish, o’zini yakka hokim sifatida tan olish kabi sifatlar xos ekanligini ta’kidlaydi.

K.Levin odil boshqaruv usuli sifatida demokrativ ishlash uslubini taklif qiladi. Uning fikricha, demokrativ uslubdagi boshqaruvchi jamoa fikri, g’oyasi, muayyan darajada qarorga kelishi, huquqiy tenglikka rioya qilinishi, erkinlikni ro’yobga chiqishi to’g’risidagi masalalarga oqilona munosabatda bo’ladi. Olim liberal

boshqaruvchilarni qat'iyatsizlik va printsipsizlikda ayblaydi. Bu uslub ilmiy jamoalarda, inoq guruhlardagina ijobiy natija berishini ta'kidlaydi.

Amerikalik olim L.Laykert boshqaruv uslubining samaradorligini oshirish muammosini o'rganib, rahbarlik uslubida majbur qilish usullaridan foydalanmaslik kerakligini ta'kidlaydi hamda eng oqilona usul sifatida ishontirish usulini taklif qiladi.

Ingliz olimi M.Meksonning izohlashicha, rahbar faoliyatining samaradorligi, eng avvalo, kommunikatsiya samaradorligiga bog'liqdir. Kommunikatsiya samaradorligiga esa quyidagilar bilan izohlanadi:

1) Kishilar bilan yakkama-yakka suhbat olib borish qobiliyati;
2) Telefonda so'zlashish qobiliyati;
3) Rasmiy hujjatlarni tuzish va oqiy olish qobiliyati;
4) Majlislarda qatnashish madaniyati va hokazo.

Muallifning fikricha, har bir rahbar 50-90% gacha vaqtini kommunikatsiya sarflaydi. Rahbar qanchalik kommunikativ qobiliyatga ega bo'lsa, uning rahbarligidagi jamoada shunchalik nizoli holatlar kam bo'ladi.

Taniqli psixolog D.Karnegi boshqaruv samaradorligini rahbar va xodimlar o'rtasida yuzaga keladigan munosabatlar, muomala jarayonlari bilan bog'lab tushuntiradi. Uning fikricha, eng yaxshi rahbar ko'p gapirishni biladigan emas, balki qo'l ostidagi xodimlarni ko'proq eshita oladigan rahbar hisoblanadi. Rahbarlarda tinglash qobiliyatining mavjudligi uning mehnat jamoasida obro' topishida o'ziga nisbatan ishonch hosil bo'lishida, odamlarni ortidan ergashtira olishida muhim o'rin tutadi.

Mashhur rus psixologi S.L.Rubinshteyn o'z ilmiy izlanishlarida jamoada ruhiy muhitni o'rganishga oid ko'rsatmalar, tavsiyalar ishlab chiqqan.

Atoqli olim A.N.Leontevning boshqaruv haqidagi ta'limotida rahbar emotsiyasi, motivatsiyasi, ehtiyoji uning shaxsiyatini belgilovchi asosiy omillar sifatida qaralgan.

Hissiyotga asoslangan munosabatlar ikki ko'rinishda yoqtirish (simpatiya) va yoqtirmaslik (antipatiya) sifatida shakllanadi. Mehnat jamoasidagi har bir xodim guuhda o'zining mavqeyiga ega. Bu mavqe guruhning rasmiy yoki norasmiy munosabatlar tizimida qo'lga kiritilgan bo'lishi mumkin. Jamoaning rasmiy tizimida yuqori mavqeni egallovchi xodim rahbar bo'lib hisoblansa, norasmiy tizimda jamoaning ko'pchilik a'zolarida ma'lum xislatlari bilan simpatiya uyg'otib yuqori mavqeni egallovchi shaxs esa liderdir.

Lider o'zining ishchanlik xususiyatlari bilan farqlanib turadi va uning qadriyatlar tizimidagi asosiy jihati- guruh manfaatini himoya etish va har narsadan ustun qo'yish, doimo guruh oldiga qo'yilgan vazifani yechishga sidqidildan kirishish va bu jarayonda jamoani safarbar eta olishi lozim. Tashkilot manfaatiga zid yo'l tutgan lider atrofida o'zi kabi hamtovoqlarini to'plashi va o'zining og'uvchi xulqi bilan nafaqat tashkilot maqsadi, balki tashkilot rahbarining obro'siga putur yetkazadi. Rahbar o'z tashkilotidagi mavjud imkoniyatlarni qo'llagan holda norasmiy liderni nafaqat guruhdan ajratishi, balki unga ma'qul keluvchi va uning qobilyatlariga mos keluvchi vazifalarni topib bersa ish samaradorligini oshishiga sabab bo'ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Yo'ldoshev M. Rahbarlik psixologiyasida axloq. T.: Sharq 2010 y.
2. Mirqosimov M. O'zbek mutafakkirlari boshqarish haqida. T.: 1997 y.
3. Kochetov A.I. O'z-o'zini tarbiyalash bilan qanday shug'ullanish kerak - M.: Oliy maktab, 1986 yil.
4. Karimova V., va boshq. Boshqaruv psixologiyasi. T.: 2001 y. Fan va texnologiya. 2008 y.
5. Davlat xizmati personalini boshqarish. Mualliflar guruhi. T.: Akademiya. 2002 y.

**Internet saytlari:**

1. https://www.ziyonet.uz
2. https:// www.press-servis/.uz.
3. https:// www. Gov.uz.

## МЕТОДЫ И НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АГРАРНОЙ ПОЛИТИКИ

*Азимов Р.Б.*
*Ташкентский государственный аграрный университет*
*ассистент кафедры*
*Каххарова М.*
*студент 2 курса*

В настоящее время в мире происходят серьезные изменения основ, а также, взаимоотношении субъектов предпринимательства в аграрном секторе. Интенсивный демографический рост на земном шаре поставил перед субъектами аграрного сектора ряд приоритетных задач. Задачи, которые в частности на прямую связанные с продовольственной безопасностью населения земного шара. Идет переосмысление, в том числе роли аграрного сектора и значения субъектов предпринимательства сельского хозяйства в целом. В решении насущных вопросах аграрного сектора, следует акцентировать свое внимание на роль и значение аграрной политики той или иной страны. Аграрная политика конкретного государства – это комплекс мероприятий государственной власти, направленных на укрепление сельскохозяйственного производства, совершенствование социально-экономических отношений в аграрном секторе и обеспечение роста благосостояния бизнес субъектов аграрной сферы.

Выделение аграрной политики как относительно самостоятельной области общеполитического курса государственной власти связаны с особенностями социально-экономической структуры агарного сектора, спецификой регулирование экономических отношений в данной отрасли, с различием в условиях труда сельской и городской местности.

Так как, аграрная политика - целенаправленная система мероприятий государства, которая служит в качестве координатора в области сельскохозяйственного производства, особенность данной тематики, в современной мире, носит актуальный характер.

**Аннотация:** Данная статья включает в себя основные понятия, приоритетные аспекты, а также роль и значение аграрной политики в современной рыночной экономике. В статье приведен основной механизм взаимодействия агарной политики в секторе сельского хозяйства.

Аграрный сектор - один из основных секторов экономики Узбекистана. В 2018 году вклад аграрного сектора в ВВП Узбекистана составил около 28%.

Приблизительно 53,2% стоимости сельскохозяйственной продукции 2018 года пришлось на растениеводство, 46,8% - на животноводство. В 2017 году в аграрном секторе работало 3,7 млн. человек. Связи с этим взаимоотношения субъектов предпринимательства аграрного сектора с государством имеет немаловажное значение в динамичном росте других отраслей народного хозяйства.

Аграрная политика, или сельскохозяйственная политика, - политика, направленная на динамичное и эффективное развитие сельскохозяйственного производства и других отраслей агробизнеса, а также на обеспечение на этой основе роста жизненного уровня населения и его естественного процесса в стране [4].

Аграрная политика наряду с другими дисциплинами аграрного сектора позволяет глубже познавать и изучать сектор сельского хозяйства как субъект народного хозяйства.

В качестве объекта аграрной политики выступают текущие процессы в аграрной экономике. Предметом аграрной политики служит система государственных и общественных процедур, определяющих границы функционирования сельского хозяйства [1].

Аграрная политика обладает определенной самостоятельностью и активно влияет на аграрную экономику.

Рассматривая сущность аграрной политики, следует отметить следующее:

Приоритетной задача аграрной политики - дать не просто описание процессов и явлений в аграрной сфере, а показать их взаимосвязь и взаимообусловленность, т.е. раскрыть систему явлений, процессов и законов в этой сфере деятельности человека

Другой важнейшей задачей аграрной политики является воздействие на аграрное законодательство. В условиях формирования рыночных отношений в аграрной сфере, на государство возлагается в первую очередь задача защиты прав производителей и потребителей, действующих на аграрном рынке.

После перехода на рыночную экономическую систему перед аграрной политикой были поставлены весьма специфические задачи: развития

сельской инфраструктуры, соответствующей требованиям рыночной экономики; оптимизация и переориентации чрезмерно крупных и чрезмерно специализированных крупных сельскохозяйственных предприятий.

Состояние сельскохозяйственного сектора таково, что в ближайшее время решить проблему обеспечения населения отечественными продуктами питания страна не может. Возникла практическая необходимость в обновлении и корректировке целевых установок аграрной политики, системы используемых индикаторов и методов регулирования хозяйственных процессов в аграрном секторе экономики. Не меньшую активность приобрела и потребность в теоретическом обосновании новых подходов к решению назревших задач.

Аграрная политика - целенаправленная система мероприятий государства в области аграрного производства, распределения, обмена и потребления сельскохозяйственной продукции. Она призвана отражать интересы общества, всех его социальных групп, и направлена на укрепление национальной экономики. Практическое ее назначение состоит в том, что она:

во-первых, направлена на создание таких экономических отношений, таких форм хозяйствования, которые обеспечили бы субъектам предпринимательства аграрного сектора конкретное их положения;

во-вторых, способствует установлению политико-экономических обоснованных отношений аграрного сектора с другими отраслями народного хозяйства;

в-третьих, несет в себе необходимость демократического регулирования экономических процессов, что заложено в специфике сельскохозяйственного производства, разнообразие которого определяется состоянием главного средства производства - земли, природно-климатическими условиями, отличающимися большим разнообразием;

в-четвертых, определяет условия труда фермеров и дехкан, включает меры, направленные на то, чтобы они заняли важное положение в обществе;

в-пятых, занимается нахождением вариантов решения в аграрной сфере проблем культурного, социального, правового и политического развития.

Практическое значение аграрной политики состоит также и в том, что знание аграрной политики помогает предвидеть процессы и явления в аграрной сфере, а предвидение способствует осуществлению правильных действий.

Для серьезного изучения аграрных проблем вопросы методологии аграрной политики приоритетное значение [2].

В методологии аграрной политики можно акцентироваться на несколько главных подходов:

первый - субъективный, когда хозяйствующий субъект осуществляет выбор из различных вариантов;

второй - эмпирический, когда знания получают только из опыта, из наблюдения фактов, без их анализа и рассмотрения во взаимосвязи;

третий - рационалистический подход, который предполагает открытие законов, помогающих наиболее верно регулировать производство и распределение, например, сельскохозяйственного продукта.

четвертый - диалектико-материалистический подход. Он считается наиболее научным, так как при данном подходе проводится объективный анализ, характеризуются внутренние связи явлений, существующие в реальности и в их развитии. Суть диалектического подхода: все процессы и явления постоянно возникают, развиваются и уничтожаются, т. е. находятся в постоянном движении.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. Курс лекций [Текст] / Н.Я. Коваленко. - М.: Ассоциация авторов и издателей ТАНДЕМ: Изд-во ЭКМОС, 1998. - 448 с.
2. Беспахотный, Г.В. Государственная поддержка сельского хозяйства (анализ действующей системы и обоснование ее изменений)/ Г.В. Беспахотный.- М.: Международная Федерация Шоу Дао.- 2006.
3. Бородин, К.Г. Регулирование агропромышленных рынков: внешнеэкономичекий аспект / К.Г. Бородин. - М.: ВИАПИ. - 2005. - 204 с.
4. https://ru.wikipedia.org.wiki/Аграрная_политика

## ОИЛА МУАММОСИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ЭТНОПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА.

*Азимова Н.Э.*
*Бухоро давлат университети доценти*

“Никоҳ иттифоқи - инсоният жамиятшинг биринчи поғонасидир”
**Ц и ц е р о н.**

И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, "Шаркда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган". Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осиёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд. Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий,

Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир. Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, достонлари, афсоналари, 10 ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мерос эканлигини кўрамиз. Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, севгига-садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлилик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, хурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ достонларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин. "Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тенг ижтимоий мавқега эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган". Севиб турмуш қуриш, севгида вафодорлик, оилавий тотувлик каби инсоний хислатлар ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек уруғлари ва элатларининг характерли хусусияти сифатида сақланиб қолган. Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган "Қуръони Карим" ва Ҳадисларда ҳам оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар ёритилган. Исломда бўлажак оиланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган.

Шариат хукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Қуръони Каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳатто аждодларимизнинг муқаддас дини ҳисобланган зардуштийликда ҳам никоҳ ва оилавий бурч масаласи муҳим ахлоқий ўринда турган. Зардуштийликда кўп хотинлилик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз ота-она ва жамоанинг раъйини писанд қилмай, қасддан турмушга чиқмай юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Агар эркак киши шу йўлни тутса, унга тамға босилиб бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. "Авесто"да қайд қилинишича, эркак аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муқаддас китобда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам

диққатга сазовор мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, унда никоҳ ва талоқнинг (ажрашишнинг) ўзига хос мезонлари бирма-бир келтириб ўтилган. Зардуштийликнинг ахлоқ меъёрлари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, туҳмат, эр-хотиннинг ўзаро 12 келишмовчилигига, ота она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган. Умуман Зардуштийликда ҳам, Исломда ҳам никоҳда икки томон тенг ва муносиб бўлиши айтиб ўтилган. Никоҳ тартиблари ва ҳаётий тажрибаларига кўра, келин ва куёв насл насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савияда, дид-фаросатда, илм-эътиқодда, мулкдорликда бирбирларига яқин бўлиши маъқул топилган. Шу боис, Шарқ халқларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг тенгини топиб уйлантиришга жиддий эътибор берилган. Айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оиланинг муқаддас эканлиги, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақида аждодларимиздан бизгача етиб келган насиҳатнома, панднома ва ҳикматномаларда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қимматли насиҳатлар ҳикоя қилинади. Жумладан, турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар хазинаси"даги келин бўлувчи қизга бериладиган она насиҳати кишининг эътиборини ўзига тортади. Унда она турмушга чиқаётган қизига қуйидагиларни насиҳат қилади: "Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўгит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Оллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди". Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрганерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин. Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин !

Кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар ҳамда ҳикматномалар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга кўчиб сайқаллашган ҳолда сақланиб келган бўлса, халқимиз орасидан етишиб чиққан донишманд ва алломалар эса ана шундай қимматли маълумотларни халқ анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда ўз асарларида ёритган ҳолда илмий-маданий мерос сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганлар.

Улардан бири - жаҳон илм-фани ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Наср Форобийдир. 15 Абу Наср Форобий (873-950) жамият тараққиёти қонуниятларини ва инсон камолоти босқичларини, инсонлар яшаш жараёнида бахт-саодатга эришув йўлларини ўзининг машҳур асари "Фозил одамлар шаҳри"да баён этади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, "Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар" деган эди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигига ишора

қилади. Унинг ғояларида оиланинг тўлиқлиги, унда қарор топган соғлом маънавий муҳитнинг аҳамиятини акс эттирадиган фикрлар ҳам мавжуд. "Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради" ёки "одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар (бизнингча, оила) фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси (бизнингча, оила жамоаси) фазилатли жамоадир". Форобий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб шундай дейди: Раҳбарлар (эр ёки хотин) "ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишни талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди". Ёки "Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим, ахлоқ, касб-ҳунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур".

## MAKTAB O’QUVCHILARIDA MILLIY G’URURNI TARKIB TOPTIRISHNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Ayitbayeva N.O’.*
*Qoraqalpog’iston Respublikasi*
*Ellikqal’a tumani 43-maktab amaliyotchi psixologi*

“Ta’lim to’g’risida” gi qonun, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” talablarida umumiy o’rta ta’lim maktablarida bilim olayotgan o’g’il qizlarga e’tibor ko’rsatish va ularni milliy istiqlol g’oyasi va mafkurasi asosida tarbiyalash masalasi qo’yilgan.

Shuningdek, umumta’lim maktablarida ilm berish, ularni tarbiyalash o’zbek xalqini azal-azaldan urf-odati va an’anasiga aylangan.

Shu ma’noda umumta’lim maktablarida bilim oluvchi o’quvchilarni har tomonlama muhofaza qilish davlat siyosatiga ko’tariladi.

Bu ishlarning davomi sifatida 2018-yil 5-sentabrda qabul qilingan “Xalq ta’limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha chora tadbirlar to’g’risida”gi Prezident farmoni soha taraqqiyotida yangi ufqlar ochib berdi.

Demak, umumta’lim maktablarida ta’lim-tarbiya ishlarini olib borishning ilmiy-nazariy asoslarini tadqiq etish, shakl va metodlarini ishlab chiqish davlat ahamiyatiga ega bo’lgan dolzarb masaladir. Zero, milliy g’ururni tarkib toptirish va uni tarbiyalash o’z-o’zini anglash, kimligini, tarixini bilish bilan bevosita bog’liqdir.

Darhaqiqat, g'ururi yo'q va o'z qadrini bilmaydigan kishidan ezgu ishlarni kutish qiyin.

Milliy g'urur haqida fikr yuritar ekanmiz, avvalo, g'urur nima? So'ngra milliy g'urur mazmuni qanday?,- degan savollarga to'xtalish zarur. Chunki, milliy g'ururni tarkib toptirish va tarbiyalash kabi pedagogik-psixologik muammoni hal qilish zikr qilingan so'z va so'z birikmalari ma'nosi bilan bevosita bog'liqdir.

G'urur so'zi faxr, iftixor, faxrlanish, mag'rur, quvonch kabi ma'nolarni anglatadi. Mumtoz she'riyat va nasrlarda, faxriya, ballada va dostonlarda, xalq o'g'zaki ijodida ham yuqoridagi so'zlar ma'nodosh (sinonim) ma'no-mazmunda foydalanilgan.

Ba'zan g'urur so'zi kibrlanish, kibru havo,gerdayish, o'ziga bino qo'yish, manmanlik singari ma'nolarni ham bildiradi. Biz ijobiy ma'no haqidagi g'urur haqida fikr yuritamiz.

Milliy g'urur muayyan millatning tarixiy o'tmishidan, bugungi taraqqiyotidan, milliy qadriyatlaridan, shu makonda yashayotgan va jahon miqiyosida tan olingan asrlar osha tan olinib kelinayotgan fan, ilm, din, adabiyot, san'at va madaniyat yutuqlari va ularni yaratgan daholardan, qomusiy olimlardan, xalq qahramonlaridan va davlat arboblaridan, obida va yodgorliklari, milliy urf-odatlari-yu, an'analaridan, ona Vatanidan, dono xalqidan,

vatanning go'zal o'tmishi va bugunidan, milliy xalq qahramonlaridan faxrlanish va iftixor qilish tuyg'usidir.

Darhaqiqat, "Milliy g'urursiz hech bir millat, millat sifatida ravnaq topa olmaydi"

Kimningki g'ururi yo'q, Onikim shuuri yo'q.

G'urur o'z-o'zini anglash, milliy g'urur esa milliy o'z-o'zini anglash bilan bevosita bog'liqdir. Tilini, dinini, tarixini, ajdodlarning mazmunli hayotini, olamshumul kashfiyotlarini yaxshi bilgan, o'rgangan kishigina o'zining kimligini anglashi mumkin va uning qalbida, vujudida va ruhida faxrlanish tuyg'usi vujudga keladi. Shuningdek, unda ajdodlariga sodiq qolib, "…o'zini kamol toptirishga bo'lgan intilish insonning g'ururini, uning haqiqiy fazilatlarini yuksaltiradi". Darhaqiqat, inson o'zidagi bor imkoniyatlarini ishga solib, irodasini raso ushlab barcha hislat va fazilatlarini yuzaga chiqarishga intiladi. Agar yuragida g'urur bo'lsa.

Milliy g'urur tushunchasini maktab o'g'il qizlari ongiga singdirishda bugungi kunda umumta'lim maktablari dasturidan o'rin olgan qo'shiqlarning o'rni beqiyosdir. Qo'shiq tinglash, kuylash orqali uning ma'no-mazmunining chuqurligi o'quvchilarga yetkazib beriladi. Bu jarayon sevimli adibimiz, o'zbekiston qahramoni A.Oripov she'ri M.Burxonov musiqasiga yozilgan, O'zbekiston Madhiyasi I sinfning dastlabki darslaridanoq "O'zbekiston Davlat madhiyasi"ni o'rgatish jarayoni boshlanadi. O'quvchi yoshlarga bu buyuk qo'shiqning Vatanni madh etishi, ijro etuvchi yoshlarda milliy g'urur va iftixor tuyg'ulari bilan kuylash zarurligi uqtiriladi.

O'zbekon g'ururni, iftixorni his qilish dastlab salomdan boshlanadi, desak mubolag'a bo'lmasa kerak, I sinf uchun berilgan bastakor N.Norxo'jayevning,

P.Mo'min she'riga bastalangan "Salom bergan bolalar" qo'shig'i tahsinga sazovordir:

Salom bergan bolaning o'zi odobli,
Kulib turgan yuzlari go'yo oftobli
Naqorat:
Salom berish, bu a'lo a'lomat,
Salom berganlar bo'ling salomat.

Ushbu qo'shiq orqali farzandlarimiz ongiga salom so'zining muqaddasligi o'zbekning milliy urf odatlarini afzalliklarini singdirib boramiz.

Umumta'lim maktablari yuqori sinflarida milliy g'urur va vatanparvarlik sifatlari qay darajada ekanligini a iqlash uchun savol-javoblar va suhbatlar o'tkazganimizda ularda Vatan, milliy g'urur haqida fikrlar cheklanganligini kuzatishimiz mumkin. Lekin ular Vatan va Vatanni ulug'lovchi she'r, qo'shiqlarni, hikoya va boshqa badiiy asarlarni bilishadi-yu, milliylikning mohiyatini yaxshi bilishmaydi.

Demak, umumta'lim maktablarida o'qiyotgan o'quvchilarda milliy g'urur va vatanparvarlik sifatlarini shakllantirish zarur. Buning uchun:

-milliy urf-odat va an'analarimizning umumta'lim maktablari o'quvchilarida o'smirlar hayotiga kengroq joriy etish;

-o'smirlarda milliy g'ururni shakillantirish maqsadida xalq pedagogikasidan samarali foydalanish;

-umuminsoniy qadriyatlarimizni va milliy merosimiz, adabiyot va san'at, ma'naviy va marifiy tadbirlarni ko'paytirish zarur.

O'smirlarda milliy g'ururni shakillantirish tizimini o'rganishda, ishlab chiqishda har bir mashg'ulot, tarbiyaviy tadbirlar, to'garaklar ular ongida milliylikning chizgilari (manzarasi) haqidagi tasavvurni o'zgartirirsh, shaxsiy hayot, jamiyatda o'z o'rnini topishga erishish, milliylikning tarbiyaviy mohiyati ni anglab yetish malakalarini shakllantirish turli faoliyatning natijalarini oldindan bilishga o'rgatish: tabiat va jamiyat, inson va u yashaydigan muhit haqida ilmiy bilim bilan qurollantirish kerak.

Umumta'lim maktablarida milliy muhit o'ziga xos mazmunga ega bo'lishi davr taqozosidir. Bu mazmun zamirida o'quvchilarda milliy g'ururni shakillantirish yotadi: umuminsoniy va milliy qadriyatlar; urf-odat va an'analr; mumtoz va zamonaviy qo'shiqlar, adabiyot na'munalari, xalq donishmandligi durdonalari negizini tashkil etgan sharqona tarbiyaning asosiy sifatlari; insonparvarlik, mehnatsevarlik, vatanparvarlik; mehr-oqibat, ota-onaga hurmat, sahovat, iymon-e'tiqod va shu kabilar.

Xulosa qilib aytganda, umumta'lim maktablari bilim olayotgan o'quvchilarda milliy g'ururni tarkib toptirishda Vatanimizning tarixi va buguni bilan bog'liq sermazmun voqea-hodisalar, To'maris, Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur singari milliy qahramonlarning Vatan ozodligi yo'lidagi mardona kurashlarini bugungi kunning tarixiy ishlari bilan ijtimoiy-pedagogik jihatdan tahlil qilish, milliy qadriyatlari, urf-odatlarni yoshlar ongiga singdirish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu vazifani amalga oshirishda umumta'lim maktablarida o'quvchilarning psixologik holat va vazifalarini hisobga olish muhimdir.

Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, umumta'lim maktablarida o'quvchilarni milliy g'ururini tarbiyalash quyidagi pedagogic-psixologik omillar orqali amalga oshiriladi. Chunonchi:

-darslar jarayonida fanlar maqsadli bog'liqdir;

-Vatan tarixi va buguni haqida suhbat hamda munozaralar;

-tarbioyaviy ishlar: milliy qahramonlar va davlat arboblari faoliyatiga bag'ishlangan kechalar uyushtirish. (Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur va shu kabilar);

Milliy qadriyatlarga bag'ishlangan kechalar tashkil qilish (Navro'z, Ramazon hayiti, Qurbon hayiti, Xalqaro xotin qizlar kuni, Mustaqillik kuni, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni va shu singarilar);

-ommaviy hasharlarda qatnashish;

-mumtoz fan, adabiyot va san'at arboblari tavallud kunlarini tashkil qilish;

-sport musobaqalari;

-qadimiy obidalarga, tarixiy shaharlar (Xiva, Samarqand, Buxoro) ga sayohatlar uyushtirish va shu mavzuda munozara, suhbatlar tashkil qilish;

-mashhur adabiyot, fan va san'at namoyondalari bilan uchrashuv kechalari uyushtirish;

-tarbiyalanuvchilarning kasb-hunar to'garaklarida tayorlagan mahsulotlari ko'rgazmasini tashkil qilish va shu kabilar.

Bu tarbiyaviy tadbirlarning deyarli barchasi o'smirlarning fikrlashiga, mulohazalar yuritishiga, o'zini o'zi boshqarishga, o'zini o'zi baholashiga, o'zini boshqalar bilan qiyoslashiga, ajdodlari haqida muayyan tasavvur hosil qilishiga, e'tiqodini shakillantirishiga, o'zining kimligini va kimlarning avlodi ekanligini anglashiga yordam beradi. Shuningdek, ular ajdodlarining buyuk ekanini tafakkur orqali solishtrib biladi. Bu milliy faxr-iftixor va milliy milliy g'ururni shakillanib va rivojlanib borayotganini taqozo etadi. Darhaqiqat, milliy g'urur shunday pedagogic-psixologik qudratga egaki, shu samarali mo'jiza tufayli inson Vatan, uning kelajagi, o'zining kelgusidagi istiqboli, maqsad va vazifalari bilan yashash irodasini, malakasini egallaydi.

Shu o'rinda, yana bir narsani unutmaslik kerakki, o'smirlar odatda, taqlidchi bo'ladilar. Ular yangi o'takaziladigan nihol kabi istagan tomonga egilib, ergashib ketishlari mumkin. Bunday holatda o'qituvchilar, jamoa ijobiy ma'noda o'rnak bo'lishi zarur. Tarbiyada qo'llaniladigan pedagogik vosita va omillar, o'tkaziladigan tarbiyaviy tadbirlar o'smirlarning nozik harakati va turmushi, ruhiy holatlariga samarali ta'sir qilib, ularning milliy g'ururini takomillashtirishga xizmat qilishiu lozim.

Umumta'lim maktablarida o'quvchi-o'smirlarning milliy g'ururini va vatanparvarlik tuyg'ularini kamol toptirishning o'ziga xos xususiyatlari Qur'oni Karim, Hadisi Shariflar, Sharq mutafakkirlarining ijodi va faoliyati, xalq og'zaki ijodi, badiiy adabiyotlardan unumli foydalanish namoyon bo'ladi.

Qur'oni Karimning har bir oyati va surasi insoniyat manfaatiga xizmat qiladigan qimmatli o'gitlar, yo'l-yo'riqlar, pand-nasihatlar, axloqiy poklik, iffat, iymon, do'stlik, ota-ona qadri, yetim-sirm haqi, farzandlik burchiga tegishli qimmatli o'gitlar bilan yo'g'rilgan. Qur'onda birovlar haqiga ko'z olaytirish,

o’g’irlik, Vatanga xiyonat kabi qabih ishlar qoralanadi, ularni insofga chaqiradi, tavba qilishga undaydi.

Bundan ko’rinib turibdiki, insoniy va milliy qadriyatlarni e’zozlash, milliy g’urur tuyg’ularini kamol toptirish, yoshlarda odob-axloq, halollik, rostgo’ylik, poklik singari umuminsoniy fazilatlarni singdirishning eng yaxshi omili muqaddas Qur’oni Karim, Hadisi shariflar ekan.

Sharq mutafakkirlari asrlar mobaynida o’z ijodi va faoliyatlari bilan yoshlarga ibrat bo’lib kelmoqda. Yusuf Xos Xojibning “Qutadg’u bilig”, Farobiyning “Katta musiqa kitobi”, Pahlavon Mahmudning “Ruboiylar”, Abu Ali ibn Sinoning “Salomon va Ibsol”, “Tayr qissasi”, “Chayon ibn Yakson”, Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub”, Umar Xayyomning “Ruboiylar”, “Navro’znoma” singari asarlari shular jumlasidandir. Shu mutafakkir-olimlar xalqning qadimiy bayram an’analari, marosimlari va ular bilan bog’liq urf-odatlari haqida o’z asarlarida qimmatli ma’lumotlar qoldirganlar. Ularda “Navro’z”, “Mehrjon”, “Qurbon hayiti”, “Ramazon hayiti”, “Mavlud” kabi bayramlar haqida ma’lumot berganlar. Bu bayramlar insonlarni bir-biriga mehr-muruvvatli qilish, xayr-saxovatli bo’lib, yetim-yesirlar, qarindosh-urug’lar holidan xabar olish, o’zbekona odatlarimizga sodiqlik, vatanni sevish va ardoqlash, u bilan g’ururlanish kabi his-tuyg’ularni shakillantirish muhim vosita hisoblanadi. Masalan, Navro’z bayramida shirinliklar hadya etish (hayotning shirin bo’lishini tilash), sovg’a salomlar berish, gul sovg’a qilish (guldek nafis, go’zal hayot tilash), bir-birlariga suv sepish (suv mo’l bo’lsin, hosildorlik yuqori bo’lsin degan ma’noda) va boshqa urf-odatlar joriy etilgan. Bularning barchasi kishilarning g’ururini shakilllantirishga qaratilgan.

O’zbek xalq og’zaki ijodi (dostonchilik, baxshichilik, xalq musiqasi, laparlar, an’anaviy qo’shiqlar) na’munalari xalqning turmush tarsi, axloq-odobi, urf-odatlari, an’analari, diniy e’tiqodini o’zida mujassam etadi. Orzu-umidlarni mehnatga ijobiy munosabatni, vatanparvarligini, sadoqatini, erki, ozodligi yo’lidagi mardonavor kurashini, moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini qondirish, kelajakdagi farovon turmushga ishonchni ifodalaydi.

Xalq og’zaki ijodining qadimiy janrlaridan biri afsonalardir. “Iskandarning shoxi bor”, “Luqmoni hakim”, “Shirin qiz”, “Yolg’on so’z siri”, “Tilla baliq tog’i” kabi afsonalar azaldan sharq xalqlarining tabiatiga xos mardlik, vatanparvarlik, xalqparvarlik, adolat, erksevarlik, vafodorlik kabi xislatlarni tarbiyalaydi.

Dostonlar, rivoyatlar, aytirshuvlar, laparlar esa mavjud ma’lumotlarga tayangan holda to’qimalar vositasida insoniy qadriyatlar, insonning ezgu orzu-umidlari, armonlari, quvonchlari, tashvishlari, g’am-qayg’ulari, ehtiroslarini aks ettiradi. Rivoyatlar negizida tarixiy shaxslar hayoti, ma’naviy faoliyati muhassamlashgan. Masalan, Jaloliddin Manguberdi Vatanni tashqi dushmandan himoya qilgan va jonini fido etgan, Amir Temur o’z xalqi, Vatanining tinchligi, uning milliy g’ururi yo’lida kurashgan, Bobur o’z Vatanidan uzoqda bo’lishiga qaramay, xalqini, Vataninini e’zozlab, ularni qo’msab yashagan. Navoiy, Nodira, Uvaysiy kabi mutafakkirlarimizning insoniyligi, biyukligi, ularning Vatanga hurmati, mehr-muhabbatini ifodalovchi rivoyatlar mavjud. Bundan tashqari, Uchtepa, Beshariq, Buxoro, Navoiy, Xorazm kabi joy nomlari haqidagi rivoyatlar

ham umumta'lim maktablari o'quvchilarining milliy g'ururini shakillantirishda va o'zligini anglatishda muhim omil hisoblanadi.

Qomusiy olim Al-Beruniy " bilim qaytarish va takrorlash mevasidir" deb ta'lim beradi. Darhaqiqat, bilim berish uchun bilimli bo'lmoq, tarbiya berish uchun tarbiyali bo'lmoq lozim. Chuqur bilimga ega bo'lish uchun fan olamidagi yangiliklardan xabar topib borishlari zarur. Ayniqsa, texnika asrida o'qituvchi doimiy ravishda o'z ustida ishlashi talab qilinadi. U o'quvchi oldida noqulay ahvolga tushishi hech gap emas.

Shu hususida mashhur mumtoz olim Az-Zamaxshariy yozadi: "Ilmli bo'lish o'qish, o'qitish, yozish bilan hosil mukammal bo'ladigan bir saboqdir. Agar olim kishi chiroyli husnixat yozuvga ega bo'lsa, bu uning kamolatga yetganidan dalolatdir". Zotan, o'qish, o'qitish jarayonlari pedagogik mahoratini oshiradi. Demak, muallim ham o'zi o'qishi, shu bilimlarini bolalarga berishi lozim va ayni chog'da, o'qish va o'qitishni qo'shib olib borishi kerak. Pedagogning bu faoliyati, o'z navbatida, uning pedagogik mahoratini bosqichma-bosqich oshirib borishini ta'minlaydi.

Shuningdek umumta'lim maktablarida faoliyat ko'rsatuvchi pedagoglar boshqalarga nisbatan pedagogik ma'suliyatini ko'proq serqirra ekanligini bilishi lozim.

Mas'uliyatni belgilovchi asosiy omillar sifatida pedagogning ongliligini, zukkoligini, istagan vaziyat va holatda tegishli qarorga kelishini, uni amalga oshirishini ko'rsatish mumkin.

Umumta'lim maktablarida ta'lim-tarbiya jarayonini mukamallashtirishda psixolog zimmasiga katta mas'uliyat yuklanadi. Psixolog maktab ma'muriyati, tarbiyachi pedagoglar, ota onalar va o'smirlar bilan ishlashga mas'ul shaxsdir. U o'quvchilarning va bolalarning individual xususiyatlaridan kelib chiqib, oilaviy sharoitlarni, bilim doirasini va dunyoqarashini o'rganishi, ulardagi ijobiy va salbiy jihatlarni keltirib chiqargan sabablarni anglashi va ta'sirchan omillarning asosiy yo'nalishlarini belgilab olishi kerak.

Psixolog umumta'lim maktablarida quyidagilarni amalga oshirishi lozim:

1. Umumtalim maktablarida tarbiyalanuvchi o'smirlarning psixologik xususiyatlari, ularni qiziqishlari, mayli, ilk iqtidorini aniqlash.
2. Xulqini va ruhiyatini aniq bilish.
3. Yoshlarni davr taraqqiyotining muayyan mezonlariga muvofiqligini aniqlash maqsadida ularning kamolot darajasini aniqlash.
4. O'smirlarning kattalardan va o'z tengqurlari, tengdoshlari bilan muomalasining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash.
5. Umumta'lim maktablarida o'smirlarning talabi, ehtiyoji, qiziqishlari, ijtimoiy qarashlari, turmushga nisbatan munosabatini o'rganish va zaruriy psixologik tavsiyalar ishlab chiqish.
6. O'smirlarning ekologik, iqtisodiy, siyosiy, etnopsixologik bilimlarini saviyasini aniqlash.
7. To'garaklar, musoboqalar, munozaralar tashkil etishga ruhiy tayyorlash.
8. Davlat mulkini asrash tuyg'usini aniqlash, tejamkorlik, mol-mulkini asrash hissini shakillantirish, mehnatni qadrlash, burchini shakillantirish bo'yicha

tadbirlar ishlab chiqish, milliy g'urur, millatlararo munosabat madaniyatini tarkib toptirishga ruhiy jihatdan ko'maklashish.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**


1. I.Karimov "Barkamol avlod orzusi" T. "Sharq" nashriyot-matbaa.1999
2. Sh.Mirziyoyev "Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi" 3-kitob "O'zbekiston" NMIU,2019
3. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T. "O'zbekiston",1993
4. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni. "Marifat" gazetasi.1992
5. Qur'oni Karim. (Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur),T. "Cho'lpon".1992
6. Abdulla Avloniy "Turkiy guliston yihud axloq". T. "O'qituvchi".1992
7. Milliy istiqlol g'oyasi: tushuncha va tamoyillar. T., "O'zbekiston".2000
8. Yusuf Xos Xojib "Qutadg'u bilig". T., "Fan". 1951
9. "O'zbek pedagogikasi antologiyasi".( Tuzuvchi-mualliflar: Safo Ochil, K.Hoshimov).2-jild. T., "o'qiyuvchi". 1999
10. M.Qodirov "O'zbek xalq ijodi". T., "O'qituvchi". 1990
11. K.Hoshimov, S.Nishonova,M.Inomova, R.Hasanov "Pedagogika tarixi". "O'qituvchi". 1996


## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОҒАЗИ НУТҚ, ЎҚИШ ВА ЁЗУВНИ ЎРГАТИШДА ГРАММАТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ


*Айтимова З.Т., Орынгалиева Д.Д.*
*Қорақалпоғистон., Нукус шаҳри 29-ўрта мактаб*



**Аннотация:** *Ушбу мақолода оғзаки нутқни ўргатишда грамматиканинг методик ташкил қилиши ҳақида фикр юритилган. Грамматик материал оғзаки нутқдан танланади. Уни тақсимлашда, методик типология қилишда, грамматикани устида ишлашда оғзаки нутқнинг хусусияти, грамматикани оғзаки нутқда қўлланилиш қийинчиликлари ҳисобга олинган ҳолда методик усуллар келтирилиб ўтилган.*



**Калит сўзлари:** *Грамматика, тилни ўргатиш, сўзлар, нутқ фаолияти, талаффуз*, машқлар, метод.


Мактаб ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга фан асосларидан чуқур билим бериш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш ва кенгайтириш, уларни эстетик тарбиялаш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишга тайёрлаш лозим. Буларни амалга оширишда чет тили ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Ҳозир тил материалларини ўргатишда, уларни қандай нутқ фаолиятининг турларида қўллашни ўргатишга қараб ёндошилади. Оғзаки нугқнинг грамматик томонини, ўқишни грамматик томонлари

(грамматикаси) бўлиши мумкин. Бошланғич синфларда (5-6-синфлар) оғзаки нутқнинг грамматикаси (грамматик томони) ўргатилади. Бунга сабаб шуки, бу синфларда нутқ фаолияти турлари оғзаки нутқ-ўқиш-ёзув кетма-кетлигида бўлади. Шунинг учун оғзаки нутқнинг грамматикаси ўргатилади.

Грамматикани ўргатиш, тушунтириш, ўзлаштириш мустаҳкамлаш, машқлар оғзаки нутқда олиб борилади. Грамматикани оғзаки нутқда қўллаш учун оғзаки машқлар бажартирилади. Ўқишнинг грамматика томонини ўргатиш 7-8-9-синфларда бўлади, чунки бу синфларда нутқ фаолиятларини ўргатиш, ўқиш, оғзаки нутқ, ёзув кетма-кетлигида бўлади. Ўқишнинг ҳам ўзига хос грамматикаси бор. Уни устида ишлаш грамматикани методик ташкил қилишда бошланади. Грамматик материал ўқиш учун олинадиган матнлардан олинади.

Грамматик материални ўргатиш, ўрганиш, ўқиш нутқ фаолияти орқали бўлади. Матнларни, машқларни ўқиш, грамматик материалларни таҳдил қилиш орқали ўқишнинг грамматикаси ўргатилади, ўрганилади, материални ўзлаштириш учун машдар бажартирилади. Машқлар нутқ фаолиятига ўргатишдаги муваффақиятни таъминлайдиган бош омилдир, чунки фаолиятни моделлаштирадиган машқларда нутқ, малака ва кўникмалар шакллантирилади, ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

Ўқувчи талабаларга нутқ фаолиятани ўргатишда учта типдаги машкларни:

1. тил машқлари;
2. шартли нутқ машқлари;
3. ҳақиқий нутқ машқларини қўллаш тавсия қилинади.

Шундай қилиб, грамматикани ўргатишда тил, шартли нутқ ва ҳақиқий нутқ машқлари қўлланади. Ҳар бир машқ типи бир неча машқ турларини ўз ичига олиши мумкин.

Грамматик материални ўргатиш учун уни олдин методик ташкил қилинади. Бунда грамматик материални методик ташкил қилиш, уни нутқ фаолияти турида ишлатиш мақсад ва вазифасига ҳам боғлиқдир. Грамматикани ўргатишни методик ташкил қилиш нималардан иборатлигини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

1-жадвал



Грамматикани ўргатишдан олдин уни танлаб олинади. Танлашнинг сабаби 1) грамматик материал кўп, уни ҳаммасини ўргатиб бўлмайди, айниқса, ўрта мактаб шароитида кўп грамматикани ўргатиш қийин, чунки грамматика алоҳида аспект қилиб ўргатилмайди, ўрганилмайди. 2) Зарурий мақсадга мувофиқ танланади, ҳамма грамматик материал ҳамма нутқ фаолияти учун зарур, керак бўлмайди. Турли ўқув юртларида турлича мақсад бўлади. Танланган грамматик материал грамматик минимум дейилади. Ўрта мактаб грамматик минимуми дастурда танланиб берилади. Танланган грамматик материал шу дастурда синфларга тақсимлаб кўрсатилади, танланган грамматик материални амалда қўллай олиш ўргатилади. Грамматик минимум илмий тамойиллар асосида танланади. Методик адабиёда грамматик минимум танлашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Нутқ фаолиятининг продуктив турлари учун ўта зарур бўлган ҳодисалар актив грамматик минимумга киритилади. Актив грамматик минимумга материал танлашнинг ҳамма томондан қабул қилинган асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Оғзаки нутқга кенг тарқалганлик тамойили,
2. Намунавийлик тамойили,
3. Синоним ҳисобланган грамматик ҳодисаларни чиқариб ташлаш тамойили.

Ёзма нутқда энг кўп қўлланиладиган ва ўқувчи, талабалар ўқиганда, тинглаганда уларни тушунишлари зарур бўлган грамматик ҳодисалар пассив грамматик минимумга киритилади. Минимумнинг ҳажми ўз-ўзидан равшанки, пассив, актив минимумга нисбатан каттароқ бўлади. Пассив минимумга грамматик ҳодисаларни танлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар саналади:

1. Китобий ёзма нутқ услубида қўлланишлик тамойили
2. Кўп маънолилик тамойили.

Алоҳида таъкидлаш керакки, методикага оид дарслик ва қўлланмаларда тил материалини, минимумни тақсимлаш муаммолари деярли муҳокама қилинмайди. Грамматик материални тақсимлашда қуйидаги мезонлардан келиб чиқилади:

1. Берилган мавзу бўйича нутқ талабларининт қондирилиши;
2. Қийинчиликларни бир-биридан ажратилган ҳолда берилиши;
3. Янги материални бир меъёрда киритилиши;
4. Янги грамматик материалнинг мустақил равишда маъносини очиш учун контекстларда киритилиши.

*Хулоса:* Бизнинг фикримизча, мактаб дарслиги муаллифлари грамматик материални тақсимлашга катта эътибор беришлари ва дарсликларда бундай тақсимлашни амалга оширишлари керак. Грамматик материални танлаш каби уни тақсимлаш ҳам уни ўрганишнинг, ўргатишнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Юқорида айтилган гаплардан инглиз тили грамматикасини ўргатишда тўпланган она тили, рус тили ва инглиз тилига оид тил тажрибасига асосланишимиз керак, деган хулосага келишимиз мумкин.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Бўронов Ж. Б. Бўронова М., Тошбоева М. “Инглиз тили грамматикаси”. Маълумотнома Тошкент, 1978.
2. Жалолов Ж. Ж. “Чет тил ўқитиш методикаси”. Тошкент, 1996.
3. Зарипова Р. А. “Чет тиллар ўқитиш методикасидан кўлланма”. Тошкент, 1986.
4. Цетлин В. С. “Ўрта мактабда чет тили ўқитиш курси”. Тошкент, 1978.
5. Миролюбов А. А., Рахманов И. В “Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси”. Тошкент, 1974.
6. Уайзер Г. М., Климентенко А. Д. “Инглиз тилида оғзаки нутқни ўстариш”. Тошкент, 1977.
7. Ҳошимов У. Ёкубов И. “Ўрта мактабда инглиз тили ўқитиш методикаси”. Т., 1993.

## BOSHLANG‘ICH SINFLARDA SO‘Z TURKUMLARINI O‘RGANISH METODIKASI

*Aytmuratova Q.A., Dawjanova B.*
*Qoraqalpog’iston Respublikasi,*
*Nukus tumani 29-o’rta maktab*

So‘z turkumlari ustida ishlash metodikasining lingvistik asosi so‘zlarining leksik-grammatik, morfologik va sintaktik belgilariga ko‘ra turli gruhlarga ajratilishi-so‘z turkumlari haqidagi ilm hisoblanadi.

So‘zlarni leksik grammatik turkumlarga ajratishda 3 turga:

1) leksik ma'nosi (nimani ifodalashi, ya'ni predmet, harakat yo holat, belgi kabilarning umumlashtirilgan ma'nolari);

2) morfologik (so‘zning turli shakl tizimi);

3) sintaktik (turli morfologik shakllarning sintaktik vazifa bajarishi) belgilariga asoslanadi.

Demak, so‘z turkumlari ustida ishlash o‘quvchilarning muayyan guruhdagi so‘zlarning umumlashtirilgan ma'nolari, kishilarning aloqa vositasi sifatidagi rolini tushunib olishlariga qaratilishi lozim.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari so‘z turkumi bilan umumiy tanishtirilgandan so‘ng har bir leksik-grammatik guruh alohida o‘rganiladi. Bu so‘z turkumlarini o‘rganishning boshlang‘ich bosqichidayoq ularni taqqoslashga qulay sharoit yaratadi va bu bilan shakllantiradigan grammatik tushunchaning asosiy tomonlarini aniqroq ajratishga imkon beradi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ot, sifat, son, fe'lning quyidagi xususiyatlarini bilib oladilar:

1) so‘z nima bildirishi (predmet, predmet belgisi, predmet sanog‘i va tartibi, predmet harakati yoki holati);

2) qanday so‘roqlarga javob bo‘lishi;

3) o‘zgarish-o‘zgarmasligi;

4) gapda, asosan, qanday bo‘lak vazifasida kelishi. O‘quvchilar mana shu o‘rgangan bilimlari asosida so‘z turkumlarini taqqoslaydilar.

O‘quvchilar nimani o‘rganganlariga qarab, har bir so‘z turkumining grammatik belgilari haqidagi bilimlari asta kengaya, chuqurlasha boradi.

Dasturga ko‘ra, 1-2-sinflarda so‘zlar javob bo‘ladigan morfologik so‘roqlariga qarab tasnif qilinadi. 3-sinfda «so‘z turkumi» tushunchasi shakllantiriladi. O‘quvchilar har bir so‘z turkumiga xoc ayrim belgilar (so‘z turkumlarining umumlashtirilgan leksik ma'nolari, otlarning birlik va ko‘plikda qo‘llanishi, bo‘lishli va bo‘lishsiz fe'llar, ot, sifat, son va fe'lning gapdagi vazifasi) bilan tanishtiriladi.

4-sinfda so‘z turkumlarining morfologik-sintaktik xususiyatlari haqidagi bilim chuqurlashtiriladi: o‘quvchilar otlarning egalik va kelishiklar bilan o‘zgarishini, sifat va otning gapdagi vazifasi, kishilik olmoshlari va ularning kelishiklar bilan turlanishini, fe'llarda shaxs-son va zamonni o‘rganadilar.

Quyidagi jadvalda boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining so‘z turkumlari yuzasidan bilimlarining hajmi ko‘rsatilgan (1-jadval).

O‘quvchilarda so‘z turkumlarini bilish ko‘nikmasi ularning belgilari yig‘indisini egallashlari asosida shakllantiriladi.

1-jadval

| Ot | Sifat | Son | Fe'l |
|---|---|---|---|
| Predmet bildiradi. | Predmet belgisini bildiradi. | Predmetning sanog‘ini va tartibini bildiradi | Predmet harakatini bildiradi |
| Kim? yoki nima? so‘rog‘iga javob bo‘ladi. | Qanday? qanaqa? so‘rog‘iga javob bo‘ladi. | Necha yoki ne-chanchi? so‘rog‘iga javob bo‘ladi. | Nima qildi, Nima qiladi? so‘rog‘iga javob bo‘ladi. |
| Birlik va ko‘plikda qo‘llaniladi. | O‘zgaradi. | Asosan o‘zgarmaydi. | Bo‘lishli va bo‘lishsiz shaklda qo‘llaniladi. |
| Egalik qo‘shimchalari bilan o‘zgaradi. | 4.Gapda ikkinchi darajali bo‘lak vazifasida keladi. | Gapda ikkinchi darajali bo‘lak vazifasida keladi. | Shaxs-son qo‘shimchalari bilan tuslanadi. |
| Kelishiklar bilan turlanadi | | | Uch zamonni bildiradi |
| Gapda ega yoki ikkinchi darajali bo‘lak vazifasi vazifasi keladi. | | | 6. Gapda kesim vazifasida keladi. |

Masalan, gul, guldor, gulladi so‘zlarining qaysi so‘z turkumiga kirishini bilish uchun 3-sinf o‘quvchisi quyidagicha fikr yuritadi: nima?-gul, bu so‘z predmet bildiryapti, ko‘plikda qo‘llanadi-gullar, bu ot; guldor so‘zi qanday? so‘rog‘iga

javob bo‘lyapti, predmet belgisini bildiryapti, bu sifat; gulladi so‘zi nima qildi? so‘rog‘iga javob bo‘lyapti, predmet holatini bildiryapti, bo‘lishsiz shaklda qo‘llaniladi-gullamadi, bu fe'l.

Boshlang‘ich sinflar dasturi o‘quvchilarni so‘z turkumlari mustaqil va yordamchi so‘z turkumlariga bo‘linishi bilan maxsus tanishtirishini ko‘zda tutmaydi, ammo o‘qituvchi bolalarni so‘z turkumlariniig belgilari bilan amaliy tanishtiradi. Masalan, o‘quvchilar ot, sifat, son, olmosh, fe'l gap bo‘lagi vazifasida kelishini, bog‘lovchi gap bo‘lagi bo‘lmasligini biladilar.

So‘z turkumlarini o‘rganishdagi asosiy vazifa o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini o‘stirish, lug‘atini yangi ot, sifat, son, fe'llar bilan boyitish, o‘quvchilar shu vaqtgacha foydalanib kelayotgan so‘zlarning ma'nosini aniq tushunishga erishish, bog‘lanishli nutqda u yoki bu so‘zdan o‘rinli foydalanish malakasini o‘stirishi hisoblanadi. Bu vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilish uchun so‘z turkumlarini o‘rganish jarayonida sinonim, antonimlar (atamalar berilmaydi) ustida muntazam ish olib boriladi, o‘quvchilar ko‘p ma'noli so‘zlar, ularning o‘z va ko‘chma ma'noda ishlatilishi bilan tanishtiriladi. Bunda ta'limni o‘quvchilarning shaxsiy tajribalari, bevosita ko‘rganlari, radiodan eshitganlari, kitobdan bilib olganlari bilan bog‘lash muhim ahamiyatga ega.

*Xulosa:* O‘quvchilarda kuzatish, muhim narsalarni sezish ko‘nikmalarini shakllantirish, atrof-muhit haqidagi bilimlarini boyitish bilan bir vaqtda ularning nutqini o‘stirish vazifasi ham amalga oshiriladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. K.Qosimova. Boshlang‘ich sinflarda ona tili o‘qitish metodikasi. Toshkent: O‘qituvchi. 1985.
2. M.Yusupov. O‘qish va yozuv darslari samaradorligini oshirish. Toshkent: O‘qituvchi. 1992.
3. "Boshlang‘ich ta'lim", "Til va adabiyot ta'limi" jurnallari.

## MUSIQA MADANIYATINING YOSH AVLOD TARBIYASIDAGI O'RNI VA ROLI.

*Akbarboyeva G*
*TDPU talabasi*

*Musiqa xalq bilan eng yaqin aloqadir. U o'z nuqtai nazarini o'zgartirishi, yangi dunyoqarashni berishi, muhabbatni yangi narsa bilan o'zgartirishi, boshqa yo'lni belgilashi mumkin. Ong tubiga kirib boradi.*

*V.A. Motsart*

***Annotatsiya:*** *maqolada o'sib kelayotgan yosh avlodga musiqiy tarbiyaning ahamiyatliligi hamda dolzarbligi keltirib o'tilgan.*

Bugungi rivojlangan mamlakatlar qatoridan joy olgan mustaqil O'zbekistonimiz farzandlari hech kimdan kam bo'lmasdan ulg'ayib kelmoqda desak

xato qilmagan bo'lamiz. Tarixsiz kelajak yo'q deganlaridek tanqidlarsiz yutuqga erishib bo'lmaydi. Darhaqiqat, kechagi kunimiz bugungi kunimizdan anchagina farq qilayotgani barchamizga sir emas. Kecha yaratgan yangiligimizni bugun undanda yangisini topishga undamoqda. Yosh avlodni har tomonlama barkamol bo'lib kamolga yetishi uchun Respublikamiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev rahbarligida davlatimiz tomonidan keng imkoniyatlar yaratilmoqda. Yoshlar ilm-fan, ixtirochilik, san'at, madaniyat, sport va axborot texnologiyalari sohasida katta yutuqlarga erishib dunyoga tanilishida bu harakatlarning samarasi yaqqol ko'rinmoqda. Barcha sohalarda bo'lgani kabi madaniyat va san'at sohasida ham bu jarayon izchillik bn rivojlanmoqda. Xususan, o'zbek musiqa san'atining yuksalishi yo'lida ibratli ishlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respulikasini yanada rivojlantirish maqsadida Harakatlar strategiyasida bozor iqtisodiyoti va demokratik jamiyat sharoitida jamiyat taraqqiyotini yangi bosqichga olib chiqish mo'ljallangan. [1] Bu strategiyada to'rtinchi ustuvor yo'nalish ijtimoiy soha rivojini mutlaqo yangi bosqichga olib chiqdi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2017 yilda maqom san'atini yanada rivojlantirish bo'yicha qabul qilingan Qaror o'zbek xalq musiqa merosining poydevori bo'lgan maqomlar asosida o'sib kelayotgan yosh avlodga ta'lim va tarbiya berish, ularni mehnatkash xalqning tarixiy bosib o'tgan yo'li, urf-odatlari, marosimlari, do'stlik, qahramonlik, vatanga muhabbat, sevgi-sadoqat, adolat to'g'risidagi fikrlari, xalq poeziyasi, estetik qarashlari hamda xalq pedagogikasi to'g'risida keng tushunchalar bilan boyitish, bu borada o'smir yoshlar tarbiyasida ulkan ahamiyat kasb etuvchi jihatlarini o'rganish, tahlil qilish va keng jamoatchilik ishtirokida ilmiy o'rganish haqiqatan ham kunning eng dolzarb masalalaridan biridir.

"Yoshlarimiz mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz"[2].

Darhaqiqat, bugungi kunda dunyo xalqlari orasida yana bir dolzarb muammo yuzga chiqdi. Ushbu muammo milliy mentalitet masalasiga ta'sir ko'rsatmoqda. Bu muammo shundan iboratki, yoshlarimiz milliy ma'naviyatimizga zid yengil-yelpi qo'shiqlarga ergashib, o'zimizning milliy musiqamizni unutib qo'ymoqda. O'quvchi-yoshlarimizning bo'sh vaqtlarini mazmunli va foydali ishlar bilan o'tkazishlariga xizmat qiladigan mexanizmni yaratish lozim bo'lmoqda. Milliy va jahon musiqa madaniyatining eng yaxshi namunalarini targ'ib qilish va ommalashtirish, yosh avlodni ma'naviy tarbiyalashning asosi bo'lmog'i kerak. Bu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan o'quvchi-yoshlarning ijodkorligini shakllantirish, ularni bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish, musiqa san'at turlari bo'yicha o'z iqtidorlarini namoyish etish borasida tavsiya

---

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-y 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi Farmoni// "Xalq so'zi" gazetasi, 2017-y 8-fevraldagi soni

[2] Sh.M.Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz/ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. -T.: O'zbekiston NMIU. 2016.

etilgan 5 ta tashabbus yoshlarni musiqa, rassomlik, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirish, qobiliyatlarini namoyon qilishni ta'mimlash choralarini ko'rish kabi qator vazifalar belgilab berildi.

O'ylaymanki, bugungi o'sib kelayotgan yosh avlodga maktabgacha ta'lim tashkilotlaridan boshlab musiqiy estetik tarbiya berib, ularning ongini ma'naviy ruhda tarbiyalay olsaggina kelajakda biz kutgan natijalar va yutuqlarga erishish mumkin.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-y 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi Farmoni// "Xalq so'zi" gazetasi, 2017-y 8-fevraldagi soni

2.Sh.M.Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz/ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. -T.: O'zbekiston NMIU. 2016.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ ЛИЧНОСТИ

*Акрамов М.Р.*

*Директор учебно-научного центра «Психология» при Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами,г. Ташкент*

**АННОТАЦИЯ:** В статье рассмотрены вопросы психологии экологического сознания. Дана подробная характеристика основным подходам воздействия человека и природы. Сформулированы требования предъявляемые психологическим особенностям формирования экологического сознания.

**Ключевые слова:** экологическое сознание; социогенез; онтогенез; мотивация экологического поведения; экологическая психология.

Экологическое сознание — это понятие которая является центральным понятием в психологии как «Мир природы». Если «природная среда» выступает по отношению к человеку как объективно функционирующая целостная система, обеспечивающая его жизнедеятельность, то «мир природы» — это совокупность конкретных, эмоционально окрашенных и субъективно значимых природных объектов и природных комплексов, взятых в их единичности и неповторимости. «Природа как среда» функционирует в сфере материального, «мир природы» конструируется самой личностью, существует в сфере идеального, «надстраивается» над природой как материальным субстратом.

В психологии экологического сознания В.А.Ясвин выделяет следующие основные проблемы:

- анализ развития экологического сознания в процессе социогенеза. Проводится анализ экологического сознания в различные эпохи: рассматривается свойственная им специфика представлений, отношений, стратегий и технологий взаимодействия с природой. Определяются основные тенденции развития, выявляются обусловливающие их экономические, культурные, политические и иные факторы;

- разработка типологии экологического сознания. В соответствии с этой задачей разрабатывается типология как индивидуального, так и исторически сложившегося общественного экологического сознания. Анализируется структура экологических представлений, разрабатывается ее системная модель. Рассматривается качественная специфика субъективного отношения к природе, разрабатывается система его параметров и типология, создается психологическая характеристика различных типов отношения к природе. Исследуются различные варианты существующих стратегий и технологий взаимодействия человека с природой, создается их типология;

- анализ развития экологического сознания в процессе онтогенеза. Анализируются основные тенденции развития в процессе онтогенеза индивидуального экологического сознания. Исследуются качественные характеристики и динамика в онтогенезе представлений о природе и взаимосвязях человека с природой, образ и место природы в образе мира личности. Анализируются факторы, определяющие развитие субъективного отношения к природе в процессе онтогенеза, рассматривается его специфика на каждом возрастном этапе, создается его периодизация. Исследуются возрастные особенности мотивации выбора тех или иных стратегий и соответствующих им технологий в контексте общего психического и личностного развития;

- анализ механизмов развития и функционирования экологического сознания. Рассматриваются механизмы развития экологических представлений, их роль в регуляции деятельности, связанной с отдельными природными объектами и природой в целом. Анализируются мотивация экологического поведения, факторы, определяющие выбор той или иной стратегии взаимодействия с природой, механизмы освоения личностью различных технологий взаимодействия с природой;

- анализ индивидуальной и групповой специфики экологического сознания. Изучаются особенности экологического сознания в различных социально-профессиональных группах. Устанавливаются взаимосвязи между социально-профессиональной принадлежностью и спецификой системы экологических представлений, свойственной каждой группе и отдельным ее членам. Определяются особенности субъективного отношения к природе: структура параметров отношения к природе и ее зависимость от уровня развития отношения. Исследуются предпочтения в выборе стратегий и технологий взаимодействия с природой в данных группах;

- разработка принципов и методов диагностики экологического сознания. Для экспериментального исследования названных проблем в рамках раздела психологии экологического сознания создается специальный диагностический арсенал, позволяющий определять уровень развития и качественное своеобразие системы экологических представлений, субъективного отношения к природе и используемых стратегий и технологий взаимодействия с ней;
- исследование психологических функций, которые могут осуществлять взаимодействие человека с миром природы; влияние такого взаимодействия на развитие личности; разработка на этой основе методов психокоррекционной и психотерапевтической работы и т.д.

Так же в своих работах по экологическому сознанию С.Д. Дерябо и В.А. Ясвин убедительно показывают, что осознание необходимости перехода к новому типу человеческого сознания имеет свои философские и естественнонаучные истоки [2]. В первую очередь это сложившаяся во второй половине XIX в. в России система представлений, которая получила название русского космизма. Носителями этих идей были выдающиеся мыслители И.Киреевский, В.Соловьев, Н.Федоров и многие другие. Их центральной идеей было утверждение о том, что человек - составная часть природы, что их не следует противопоставлять, а необходимо рассматривать в единстве, что человек и все, что его окружает, это частицы единого, Вселенной. Они считали, что необходима новая моральная основа взаимодействия человека с природой, смена принципов развития цивилизации. В продолжение своей аргументации С.Д.Дерябо и В.А.Ясвин (1996) привлекают так называемую универсальную этику (Г.Торо, М.Ганди, А.Швейцер), которая сыграла несомненную роль в преодолении взглядов на природу как на простой объект человеческих манипуляций. Универсальная этика не проводит разграничения между ценностью человека и другими живыми существами: жизнь насекомого столь же ценна, как и жизнь человека, иными словами, представители природы такие же полноправные субъекты, как и человек.

Известно что, формирование современного экологического сознания невозможно без изучения истоков его развития в историческом процессе. В настоящее время существует ряд различных подходов к этой проблеме (В.С. Соловьев, 1993; Д.Маркович, 1991; Н.Г.Холодный,1993; В.Хесле, 1993; С.Д.Дерябо, 1993). Развитие общественного экологического сознания в процессе социогенеза занимает особое положение в экологической психологии, так как позволяет выявить культурно - исторические истоки его современного типа, охарактеризовать тот социально-психологический контекст, в котором формируется экологическое сознание конкретной личности [3]. Процесс развития экологического сознания в социогенезе наиболее эффективно может быть охарактеризован по трем критериям. В.Гаджиев описывает эти критерии следующим образом.

1. Психологическая «противопоставленность - включенность». Человек воспринимается как составная часть природы.

2. «Объектное - субъектное» восприятие природы. Природа здесь воспринимается как лишенный всякой самоценности объект воздействия. 3. «Прагматический - непрагматический» характер взаимодействия. Взаимодействие с природой служит для удовлетворения только прагматических (пищевых, технологических и т. п.) потребностей человека, когда она воспринимается лишь как материальная ценность или также для удовлетворения его непрагматических, духовных потребностей, когда такое взаимодействие становится самоценным.

В современном мире все более актуальным становится вопрос о психологической безопасности информационной среды, о том бездуховном информационном потоке, который обрушивается на детей с экранов телевизоров, видео, интернета. В целом эти проблемы образуют психологический аспект экологии детства [5].

Вопросы наличия и формирования экологического сознания, а также его типологии зависят от содержания, которое мы вкладываем в само это понятие. Структура экологического сознания определяется как совокупность:
• представлений (как индивидуальных, так и групповых) о взаимосвязях в системе «человек-природа» и в самой природе;

• субъективного (личностного) отношения человека к миру природы;
• соответствующих стратегий и технологий взаимодействия человека с миром природы;

• жизненных ценностей этического плана, диктующих необходимость экологически-ориентированных ценностей.

Таким образом, на сегодняшний день сформировалось экологическое сознание, которое характеризуется полной психологической противопоставленностью человека и мира природы, объектным восприятием природы и доминированием прагматического взаимодействия с ней.

**Список литературы:**

1. П.Девис, "Случайная Вселенная", М, 1985г.

2. С.Д.Дерябо, В.А. Ясвин, "Экологическая педагогика и психология", Ростов-на-Дону,

1998г.

3. Сб."Экософский альманах", №2, СПб, 2000 г.

4. Моисеев, Н. Н. Экология человечества глазами математика: (Человек, природа и будущее цивилизации) / Н. Н. Моисеев // Философия науки и техники. – М, 1988.

5. В.Хесле Философия и экология. Москва, 1994.

# ZAMONAVIY DASTURLASH TILI.

*Aliyev A.*
*Namangan Muhadislik-Qurilish instituti talabasi*

**Annotatsiya:** Hozirgi kunda dasturlash kasbini egallash ko'pchilik shaxslarning orzusi bo'lib kelmoqda. Zamonaviy dasturlash tillari haqidagi tushunchalar ko'pchilikka nomalum bo'lib kelmoqda. Ushbu maqolada zamonaviy dasturlash tillari haqida tushunchalar berib o'tilgan.

**Kalit so'z:** JavaScript, Ruby, Python, kompyuter, internet, PHP,dasturlash, ma'lumot, dasturlash tili, REPL

1995 yil kompyuter dasturlash olamida juda qiziqarli yil bo'ldi. Aynan shu yilda global dasturlash hamjamiyatiga ularning rasmiy e'lonlari paytida kutilmagan tarzda ta'sir ko'rsatadigan to'rtta yangi dasturlash tillari chiqarildi. Aytgancha, bu ayni paytda veb to'lqinlarni boshlayotgan va Internet asosiy raqamli madaniyatga kirib borish arafasida edi.

1995 yilda debyut qilgan to'rt til Java, JavaScript, PHP va Ruby edi. O'zlarining tegishli relizlarida juda ko'p ishqibozlar bo'lmasa ham, oxir-oqibat ushbu tillar ko'plab dasturiy ta'minot ishlab chiqaruvchilarining dasturiy vositalariga aylandi. Shu vaqtgacha C va C ++ tillari dominant tillar edi. Ushbu ikkalasi juda kuchli bo'lishiga qaramay, ular dunyo miqyosidagi veb-saytlar uchun mos emas edi. Bunga qo'shimcha ravishda, ular odatda juda murakkab va Ajam dasturchilarni qo'rqitadigan (ayniqsa C ++) deb hisoblangan.

To'rtala orasida Java qochib ketishga muvaffaq bo'ldi. Ko'p marta yozilgan "Bir marta yoz, har qanday joyda ishla" shiori bilan Java tezda zarba bo'ldi, chunki o'rganish va o'zlashtirish osonroq bo'ldi (C ++ bilan solishtirganda). Java shuningdek Virtual Machine (JVM) ning yangi g'oyasini taqdim etdi, bu esa turli platformalarda qayta ishlov berilmasdan zarur bo'lgan dasturlarni yozishga imkon berdi.

So'nggi yillarda JavaScript Java-ni dunyodagi eng yaxshi dasturlash tili sifatida o'zgartirdi. JavaScript-ning barqaror o'sishiga asosan Node.js-ning joriy etilishi bilan bog'liq bo'lib, bu texnologiya JavaScript-ni server tomonidan ishga tushirishga imkon berdi.

PHP, ayniqsa Linux, Apache va MySQL kabi ommabop ochiq manbali texnologiyalar bilan birgalikda veb-dasturlash sohasida etakchi kuchga aylandi. Birgalikda ular LAMP suyakka deb ataladigan narsalarni hosil qildilar.

Daniyalik dasturchi David Heinemeier Hansson tomonidan 2005 yilda Rays veb-ramkasida juda mashhur bo'lgan "Ruby" veb-ishlab chiqaruvchilar orasida shuhrat qozondi.

Yangi dasturlash tillariga bo'lgan ehtiyoj

2000-yillardan boshlab dasturiy manzara o'zgara boshladi. Borgan sari ko'proq hisoblash mashinalari bir nechta protsessorlar bilan yuk tashishni boshladilar va hatto alohida protsessorlarda bir nechta yadro mavjud edi. Hisoblash uskunalari xarakteridagi bunday siljish yangi protsessor arxitekturasidan to'liq

foydalanadigan dasturlash tillariga ehtiyoj tug'dirdi. Yangi ko'p yadroli protsessorlarning potentsialini maksimal darajada oshirish uchun jarayonlarni bir vaqtning o'zida va / yoki parallel ravishda bajarish imkoniyati mavjud edi. Muvofiqlik endi o'ylangan narsa emas edi, uni tilning o'zida yaratish kerak edi.

So'nggi yillarda, shuningdek, funktsional dasturlashtirishga qiziqish paydo bo'ldi, paradigma yon ta'sirlarni iloji boricha yo'q qilishga harakat qilmoqda. Aslida, nojo'ya ta'sirlarning paydo bo'lishi zamonaviy dasturchini hayotida zarba bo'ldi. Odatda kodni disk raskadrovka qilish jarayonini (har bir dasturchi qo'rqitadigan faoliyat) ancha qiyinlashtiradi. Bir vaqtning o'zida ishlab chiqaruvchilar uchun ma'lumotlarning xavfsizligi va o'zgarmasligi juda muhim ahamiyatga ega. Ma'lumotlarning buzilishi va yoki irqlarning paydo bo'lishiga imkon qadar oldini olish kerak.

Va nihoyat, zamonaviy mashinalar juda kuchli o'sishda davom etdi. Ilgari, dasturlarning ishlash tezligiga ko'p e'tibor qaratilgan bo'lsa-da, yaqinda bu e'tibor susayib qoldi. Buning o'rniga, ko'p e'tibor dasturchilar samaradorligiga qaratildi. Natijada, dasturlash tilida yozishni va o'qishni osonlashtiradigan toza va oqlangan sintaksisga ega bo'lish uchun to'laydi. Yangi dasturchi uni tezda tanlashi va eng qisqa vaqt ichida til bilan ishlay olishi kerak. Tilni boshidanoq tez-tez REPL (Read-Eval-Print Loop) deb nomlanuvchi interfaol tsikl orqali zerikarli o'rnatish va kompilyatsiya jarayonlaridan o'tmasdan o'ynash imkoniyatiga ega bo'lish kerak.

Rivojlanayotgan dasturiy landshaftda dolzarb bo'lib qolish uchun Java va C ++ kabi eski tillarni hozirgi holatga moslashtirish uchun ko'p harakatlar qilindi. Masalan, Java-da, Java 8 versiyasida Lambda Expressions va Streams API qo'shildi va Java 9 endi REPL bilan jo'natiladi. O'zaro moslashuvchanlik qobiliyatini oshirish maqsadida ko'p tarmoqli kutubxonalar ham tillarga qo'shildi. Ushbu "eski" tillarning asosiy kamchiligi shundaki, ular zamonaviy dasturlash olamida paydo bo'lgan muammolarni hal qilish uchun hech qachon yerdan qurilmagan. Yangi xususiyatlarni tillarga qaytarishga urinish ham oqlangan echim bo'lmadi. Bu bizni zamonaviy dasturiy ta'minot muhandisliklarida ayrim murakkab masalalarni hal qilish uchun yerdan boshlab yaratilgan yangi dasturlash tillarini o'zlashtirishdan boshqa ilojimiz yo'q.

Xulosa

Mening asosiy maqsadim zamonaviy dasturlash manzarasi va uni shakllantiradigan tillarni yaxshiroq yoki yomon tomoni uchun batafsil o'rganish edi.

Shuni ta'kidlash kerakki, men til dizayni bo'yicha mutaxassis emasman. Men bu erda muhokama qilgan narsalarni tegishli tillarga bo'lgan bahoim va ular ushbu inshoning boshida keltirilgan muammolarni qanday hal qilishga harakat qilishlari kerak.

Ushbu maqolani o'qib chiqqandan so'ng, siz ko'proq tillarni o'rganishga va ular sizning loyihalaringizda qanday yordam berishi mumkinligini bilib olishga umid qilaman.

**FOYDALANILGAN ADABIYOT:**

1. Самоучитель Python Выпуск 0.2 Дмитрий Мусин
2. Python Libraries You Aren't Using (But Should) Caleb Hattingh Toky

# ЎСМИР ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РОЛИ.

*Алиева М.Ф.*
*Андижон Давлат Университети магистранти*

Ўсмирлик онтогенетик ривожланиш поғонасининг бир босқичи сифатида балоғатга етиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имкониятлари, хатти-ҳаракат мотивлари ифодаланиши ва вужудга келишининг мураккаблиги билан инсон камолотининг бошқа ёш даврларидан кескин фарқ қилади. Ўсмирлик даври айрим махсус психологик адабиётларда «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан ҳам аталади. Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлик. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, аҳлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмининг физиологик холатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил анъаналар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди «бола» эмас ва шу билан бирга ҳали «катта» хам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер касб этиб боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлари ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен» нинг аҳамияти ортади.

Ўсмирлик даврида оилавий муносабатларда ҳам турли хил зиддиятлар юзага келади. Оила ички муносабатлари оғиши сабабли болалар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги оғишлар мураккаб тузилмасини қуйидаги психокоррекция блокларига ажратилади:

- гностик;
- конструктив;
- ташкилий;
- коммуникатив;
- мустаҳкамловчи.

Гностик

Оила билан алоқа ўрнатиш, оилавий тизимга бирлашиш. Оила бир бутун тизимлиги тўғрисидаги маълумотни юзага келтириш, махсус усуллар ва тренинглар ёрдамида ота-оналарда ўзи ва фарзанди, муносабатлар услуби ва оилавий тарбия ҳақида адекват тасаввурни шакллантириш.

Конструктив

Оиланинг психокоррекцияда иштирок этишга тайёрлигини баҳолаш, оиланинг ўзгаришларга мотивациясини кучайтириш, оиланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оилавий дисфункция ҳақидаги белгиланган фаразга мувофиқ таъсир кўрсатиш усул ва воситаларини танлаб олиш.

Ташкилий

Оилада мурожаат қилган муаммони ижобий жиҳатдаи қайта ифодалаш, оилавий тизимда тузилмавий ўзгартиришларни киритиш. Психокоррекцион технологиялар ёрдамида оилавий муносабатларни қайта тиклаш, оила аъзолари учун уларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўзгартириш мақсадида кўрсатмаларни саралаш.

Коммуникатив

Оила аъзолари ўртасида оптимал ўзаро муносабатларни ўрнатиш, ўхшаш муаммога эга бўлган 2—3 оила иштирокида гуруҳий психокорреция жараёнида оила аъзоларида хулқ-атвор ва мулоқотнинг янги усул ва воситаларини шакллантириш ва оилаларнинг гуруҳий машғулотларда иштирок этиш истагини инобатга олиш.

Мустахкамловчи

Тизимли даражада оила ички ўзаро муносабатларида эришилган натижаларни текшириш. Ота-оналик лаёқати мавзуси бўйича оилавий психокоррекцияда иштирок этган ота-оналар билан мунозара ўтказиш.

Юқорида қайд этиб ўтилган оилавий психокоррекция блоклари ўзаро боғланган ва бир бутун психокоррекцион мажмуани акс эттиради. Психокоррекцион жараён қуйидаги уч босқичдан иборат:

- кўрсатмали-диагностик;
- коррекцион;
- мустаҳкамловчи.

Мустаҳкамловчи босқичда тизим даражасида оила ички ўзаро муносабатида эришилган натижаларни текшириш ва психологнинг оилавий тизимдан узоқлашуви содир бўлади.

Гностик блокнинг асосий мақсади оила бир бутун тизим эканлиги ҳақидаги маълумотни юзага келтириш ҳисобланади. Бунда ушбу блокнинг вазифаларини куйидагилар ташкил этади:

- оила билан алоқа ўрнатиш;
- оилавий диагностика методлари ёрдамида оила ва оилавий муносабатларнинг психологик диагностикаси;
- болалар ва ота-оналарнинг ўз шахсий хусусиятлари тўғрисида адекват тасаввурни шакллантириш;
- психокоррекцион таъсир кўрсатиш техникаси ва усуллари ёрдамида ўз кечинмалари, потенциал имкониятлари ва оилавий тарбия услублари тўғрисида адекват тасаввурни шакллантириш.

Оила билан алоқа ўрнатиш гностик блокнинг муҳим вазифаси ҳисобланиб, унинг муваффақиятли бажарилишига бутун психокоррекцион жараённинг самарадорлиги боғлиқ бўлади.

Оилавий муносабатларни қайта тиклаш босқичида икки асосий вазифа мавжуд:

- ота-оналар болалар учун авторитет ҳисобланувчи оиланинг самарали иерархик тузилмасини яратиш;
- болаларга талабларни белгилашда ота-оналар бир бирларини қўллаб-қувватловчи ота-оналик тизимини кучайтириш.

Оилавий муносабатларни қайта тиклаш оила чегарасини ўзгартирувчи хонада оила аъзоларининг жойлашиш ўрнини ўзгартириш кўринишидаги психотехник усул қўлланилди. Бунда оилалардаги роллар - ким нимага жавоб бериши белгиланиб, оилавий қоидалар аниқланди. Шу тариқа оиладаги зиддиятларни келиб чиқиш омиллари аниқланади ва муносабатларнинг ижобийлашувига олиб келинади.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Выготский Л.С. Динамика и структура личности подростка: Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. - М: Международная педагогическая академия, 1994. - С. 211 - 215.
2. Выготский Л.С. Психология. - М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. -1008 с.
3. Личко А.Е. Особенности саморазрушающего поведения при разных типах акцентуации характера у подростков. Л., 1991.С.9- 15.
4. Тўлаганова Г.Қ. Тарбияси қийин ўсмирлар. - Тошкент. "Университет" нашриёти. 2005.- 125 б.


## GUMANIZM G’OYALARINING INSON VA JAMIYAT PSIXOLOGIYASIDA TUTGAN O’RNI

*Alimbaeva L.*
*Qoraqalpoq davlat universiteti talabasi.*

«O’zingga ravo ko’rmaganni o’zgaga ravo ko’rma».
*Konfutsiy*

Olamning rivojlanishini belgilovchi ilmlar evolyutsiyasida ko‘pgina masalalar ilimiy tarafdan organilib, o‘zining ilmiy yechimlarini topgan. Barcha davrda ham ilmlarni qiziqtirgan masalalar markazida inson muammosi bo‘lgan. Inson masalasining qo‘yilishi har xil ilmlar asosida principial izlanishlar bo‘lsa ham, asosiy ahloqiy o‘lcham sifatida gumanizm tamoyili olib qaraladi. Gumanizm - falsafiy yo‘nalish sifatida renessans (XIV-XVI) davrida paydo bo‘ldi, insonni erkin mavjudot sifatida, ozining yerdagi borlig‘ini yaratuvchi, bilish bilan harakatning sub‘ekti sifatida, o‘z aqli bilan yaratuvshanlik potenciallariga tayanadigan yaratuvchi sifatida ham qaraladigan yangi dunyoga nuqtaiy-nazarning asosini tashkil etdi. Shunday bo‘lsa ham, gumanizmning asosi antik madaniyatda ko‘rinadi. Sababi unda erkinlikning ruxi va inson borlig‘ining maqsadi ham eng muhimi uning qadri yaratiladi. Inson va jamiyat psixologiyasiga tasirini antic davirda gumanizmga berilgen e’tibordan ham ko’rsak bo’ladi.

Uyg‘onish davrida, boyliklar qayta qaraldi [2; 47 б]. O‘sha davrdagi odamlar haqidagi ilmlarga odamning avtonomligi, uning yaratuvchanlik imkoniyatlarining cheksizligiga xos bo‘lib hisoblanadi.

Gumanizm har bir davrda har xil qadriyatlarga yo‘naltirilgan va rivojlanib kelgan. Taniqli yunon filosofi Aristotel – yaxshi odam aql ongi yordami bilan,

o‘ziga gina xos bo‘lgan imkoniyatlarni o‘z harakatida ko‘rsatib, o‘ziga yo‘l ochib oladigan odam. Gunohkorlik, ojizlik, o‘z kuchini to‘g‘ri foydalana olmaslik» - degan fikrni bildiradi. [1; 55 б.] Haqiqatdan ham har qanday masalaning asosi inson bo‘lishi shart. Shuning bilan birgalikda gumanizm yani insonparvarlik g‘oyalari hozirgi davrda ham o‘z ahamiyatiga ega hamda gumanizm masalasi hozirda dolzarb masalalarning biriga aylandi. Sababi dunyo uchun xavf solib turgan terrorizm muammosining yechilishining yagona yo‘li bu gumanizm tamoyillariga tayanish hisoblanadi. Shu bilan birga hozirgi pandimiya holatida insonlar bir qansha ruxiy –psixologik tarafdan juda og’ir ahvolda qolishdi. Ularga shunday davirda gumanistik tamoyillarga asoslangan holda yordam ko’rsatish har tamonlama maqul yo’l hisoblanadi.

Gumanizm g‘oyasining jamiyatda ko‘rinishi gumanizaciyalanish dep nomlanadi. Ya‘ni gumanizaciya ishtimoiy jarayon. U orqali gumanistik g‘oyalar jamiyatda amalga oshadi, bu progressiv jamiyatning ta‘rifi bo‘lib hisoblanadi. Inson qadri boshqa qadriyatlardan past bo‘lgan holat degumanizaciya jaroyani deb nomlanadi, ya‘ni u jamiyatda gumanistik qarashlar yo‘nalishidan bosh tortishga undovchi omillar bor. Shuning bilan u insoniylik qadriyatining buzilishi hisoblanadi.

Bu holat ikki tomonlama rivojlanadi: birinchisi, burmalangan qadrga manfiy, keri ta‘sir paydo bo‘ladi, odam qadri pasayadi, uning yakka erkinlarining uzoqlashish asosida ushbu holatdan chiqish yo‘llarin izlash yuz beradi. Ikkinchidan, bul holatda to‘g‘ri bo‘lgan harakat shakllanadi. Uning asosida erkin, har taraflama rivojlangan, yuqori ijtimoiy qadr bo‘lib hisoblanadigan odam ideali shakllanadi.

Shu ikki tendenciya ijtimoiy rivojlanishning gumanizaciya qilishning ma‘nosi bo‘lib hisoblanadi. Jamiyatni gumanizaciya qilishning ahamiyati insonning erkinligi hisoblanadi. Hozirgi axborot vositalari jamiyatta texnologik va ekologik omillarning ta‘siridan insonlar orasida aloqa, insonning tabiati, jamiyatga bog‘likligi degumanizaciya jarayoni ustun bo‘lib hisoblanadi. Ilm bilan texnika olamni bilish qobiliyatiga ega, u esa o‘z harakatiga bog‘liq. Ya‘ni dunyoni bilishning yolg‘iz individning qadriyatidan ijtimoiy guruhning manfaatlaridan uzoqlashganin ko‘rishimiz mumkin.

Hozirgi kunda gumanizm axborot-texnologik darajaning shartlariga asoslangan bo‘lib, uning ma‘nosi insonning asosiy masalalarin hal qilish bilan, uning va moddiy va ma‘naviy imkoniyatlarin ko‘rsatishi bilan bog‘liq. U insonning maqsad bilan to‘g‘ri qaratilgan aktiv harakatining asosida ijtimoiy zarurligiga egaligi bilan aniqlanadi. U ijtimoiy odillikka asoslangan jamiyatning ma‘nosin anglatadi. Bugungi kunda gumanizm jamiyatning tamoyillariga tayanadigan ijtimoiy amaliyot bilan bog‘liq. A.Pechchey ushbu gumanizmni «Yangi gumanizm» deb atadi. [3; 163-176 b.] Bu koncepciyaning vakillari moddiy zaruriyatlarni qanoatlandirishga asoslangan jamiyattan, eng asosiysi insoniy rivojlanish bo‘lgan, insonning borliq ehtimolligi imkoniyatlari bilan qobiliyatlarin ko‘rsata oladigan jamiyatga o‘tishning zarurligin olg‘a suradi. «Yangi gumanizm» shakllanishi insonning har taraflama rivojlanishiga zaruriyat tug‘diradigan jamiyatni talab qiladi. Farqli turda gumanizmning realizaciyalanishi

mamlakatimizda ta'lim sohasida ko'rinadi. Bunga biz ikki omilni ajratib korsatsak bo'ladi: Ob'ektiv va sub'ektiv omillar.

Ob'ektiv omilga ta'lim sohasining davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanganligin, ya'ni ta'lim sohasi xodimlarining maoshlarining oshirilishi misol bo'la oladi. Sababi pedagogika professiyasi asosida turgan maqsad bu gumanizmga yo'naltirilgan. Bu esa sub'ektiv omil bajaruvchi sub'ekt - ya'ni pedagog bilan bog'liq. Sababi pedagog bag'rikeng, sabrli, aktiv, e'tiborli va shunga o'xshash asosiy yakka ijtimoiy psixologik xarakterga ega bo'lishi zarur, ya'ni gumanizm qadriyatlariga tegishli bo'lgan. Demak, bu ikki omil ijtimoiy sferaning rivojlanishi uchun ahamiyatli ekanligin anglashimiz mumkin. Gumanizmning ta'lim sohasida shakllanishi bo'lsa, mamlakat fuqoralarining insoniy qobiliyatlarining takomillashishiga turtki bo'ladi. Hulosa qilib aytganda, gumanizm, shuning bilan birga ijtimoiy gumanizaciyalanish jarayonlari har bir davr uchun ahamiyatli, sababi bu ikki tushuncha asosida inson hamda uning borlig'i masalasi turadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Bazarbaev J. Odob falsafasi. - Nukus: «Qoraqalpog'iston», 2010.
2. Choriev A. «Renessans davri Evropa falsafasi». – T.: 2015.
3. Yojeff A. —Гуманизм в культуре и культура в гуманизме. - М., 2004.

## МАКТАБ БОЛАЛАРИНИНГ ИҚТИДОРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

*Алимова Э.*
*Тошкент давлат педагогика университет талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва уларни касб-ҳунарга йўналтиришда индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш жараёнлари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** темперамент, лаёқат, касбий қизиқиш, индивидуал типологик хусусиятлар.

Ҳозирги даврда шахслар ўртасидаги интеллектуал жиҳатдан мавжуд фарқлар билан бир қатор ижодий ва ташкилотчилик қобилиятидаги шахснинг умумий тафаккуридаги фарқларга ҳам катта эътибор қаратиш лозим. В.А.Аверин психологияда иқтидорлилик муаммоси юзасидан аниқ хулоса берган: “Табиатнинг қизиқарли ва жумбоқли воқеалари ичида болалар иқтидори анаънавий тарзда етакчи ўринни эгаллайди. Бир неча юз йиллар мобайнида иқтидорни диагностика қилиш ва унинг ривожланиш муаммоси педагогларни ўйлантириб келмоқда. Бугунги кунда муаммога нисбатан қизиқиш кучли, айтиш мумкинки бу жамият эҳтиёжига айланади”.

Таълим ва таълим жараёнида боланинг ри-вожланиш муаммоси марказий масалалардан биридир. П.Я.Гальперин назарияси буйича би-лимларни узлаштириш жараёни олти боскичдан иборат:

1. Мотивация.
2. Тушунтириш.
3. Моддий шаклдаги хатти-харакатларни бажариш.
4. Хатти-харакатлар ва вазифаларни баланд овозда бажариш.
5. Бажариладиган хатти-харакатларни овоз чикармай бажариш.
6. Фаолиятни фикран бажариш.

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий тури ажратилади:

- биринчи турда хатти-харакатларни узлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим олувчи таълимнинг асл мохиятини тушуниб етмайди;
- иккинчи турда материалнинг нисбатан дадил ва тула тушунилиши ва материал билан боғлик тушунчаларнинг ажратилиши билан характерланади;
- учинчи турда тез, самарадор ва бехато хатти-харакатларнинг узлаштирилиши таъминлади.

Таълим жараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш холатини юзага келтиришгина эмас, балки укувчиларнинг дарсда утиладиган материалларни идрок этишга тайёр туришларини кузатиш хамдир. Дарс жараёнида укувчиларнинг диккати узгариб туради. Укитиш жараёнида бу конуниятларни назарда тутиш ва укувчилар диккатини материалнинг асосий жихатларига жалб этиш хамда уларни такрорлаш керак.

Таълим жараёнининг самарадорлиги куп жихатдан укитувчи томонидан бериладиган курсатмаларга хам боҒлик. Укитувчининг роли шундан ибортки, у укувчиларга тегишли уста-новкани хосил килиши, нимани вактинча, нимани умрбод эсда олиб колиш кераклиги, нимани бутунлай эсда олиб колмасдан, факат тушуниб олиш кифоя килиши, нимани сузма-суз эсда саклаб колиш, ниманинг маъносини уз сузлари билан айтиб бериш учун эсда саклаб колиш зарурлигини курсатиб утиши лозим.

Укитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффакиятлилигини таъминловчи омил-лардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён. Агар укувчиларга берилаётган ахборот уларда х,еч кандай хистуйғу уйғотмаса, уни укувчилар эсда яхши саклаб колмайдилар. Гап укувчиларнинг психик холатлари, яъни уларнинг муайян бир пайтдаги кечинмалари х,акида хам бориши керак, албатта. Жамиятимиздаги мехнат - хакикий ижод, кувонч манбаи. Мактаб укувчиларида укув мехнатига ижодий муносабат уйғотиб, мехнатнинг хакикий ижод, кувонч манбаига айланишига кумаклашиши керак. Таълим жараёнида укувчиларнинг билишга кизикишлари ғоят катта роль уйнайди.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Богоявленская Д.Б. /ред. Основные современные концепции творчества и одаренности М., 1997.

2.Вадхен А.А. Психологическое консультирование. СПб 2007.

3.Варга А.Я. Системная семейная психотерапия.2001.
4. Махмудова Д.А. Консультатив психология ва психокоррекция - Т., 2019.

## GLOBAL MUAMMOLARNING FALSAFIY JIHATLARI

*Allambergenova G.*
*O'zbekiston Davlat Konservatoriyasi talabasi*

**Annotatsiya:** Globallashuv-yangi falsafiy mavzu, Global muammolarning klassifikatsiyasi, Asosiy global muammolar tizimi.

**Kalit so'zlar:** Global, Globus, Falsafa, Termoyadro, Ekologiya, Sivilizatsiya.

Falsafadagi global muammolarga to'xtalmasdan avval biz "global" so'zining ma'nosini tushinib olishimiz kerak.Demak global nima? Global "globus" so'zidan kelib chiqqan bo'lib "yer qurrasi" degan ma'noni bildiradi.O'zidan ma'lumki bu "yer qurrasidagi muammolar" hisoblanadi.Hozirgi paytda yer yuzasidagi global muammolarning biri-Orol ofatchiligi hisoblanadi. Global muammo nafaqat bitta insonni, ba'lki odamlar yashaydigan qismini, butun yer qurrasini, atmosfera, gidrosferani qamrashi mumkin.Har qanday muammolarni, shu qatorda global muammolarni ham yechishda insonga har doim fan yordam berib kelgan.Shu sababli global muammoni yechish uchun insoniyat fanga yuzlanadi va yechish yo'llarini izlashga majbur bo'ladi.Dolzarb muammolar o'z xarakteriga ko'ra, ya'ni makonda tarqalishiga ko'ra:lokal, mintaqaviy, umumbashariy turlarga bo'linadi.Lokal-faqat ayrim davlatlar, millatlar, xalqlarga tegishli bo'lgan muammolar.Mintaqaviy-ayrim mintaqalar, yerdagi xalqlar, millatlarga tegishli bo'lgan muammolar.Umumbashariy-butun insoniyatga daxldor bo'lib, ularni tashvishga solayotgan va tezda yechimini kutayotgan muammolar hisoblanadi.Global muammolarning vujudga kelishining asosiy sababi jamiyat, odamlarning ta'biyatga ko'rsatayotgan salbiy ta'siridir.Global muammolarga:-Termoyadro urishini oldini olish, -Ekologik inqirozni oldini olish, -Aholining o'sish tartibini yuzaga solish, -Rivojlangan davlatlar bilan taraqqiyotda orqada qolgan davlatlar iqtisodiyoti o'rtasida tafovut o'sib borishini oldini olish, -Sog'liqni saqlash muammolari va boshqalar.Termoyadro urishi bu-yadroviy qurollarda urish qilish va jonli narsalarning qirilib ketishidir.Olimlarning fikricha, agar urush boshlanib, yadro qurollaridan foydalaniladigan bo'lsa, ikkinchi jahon urishi besh yil davom etgan bo'lsa, bu Termoyadro urishi atiga ikki kun bo'ladi va barcha tirik jonni qirib yuboradi-deyiladi.Hozirgi paytda termoyadro urishini oldini olish uchun RF va AQSH o'ratasida muzokaralar bo'lib o'tmoqda.Atom bombasiga ega bo'lgan davlatlar:RF, AQSH, Angliya, Frantsiya va Xitoy bo'lib, atom bombasi sinovlarini to'xtatish to'g'risida kelishib olingan, lekin bunga amal qilmayotgan davlatlarham yo'q emas.Yana bir eng katta muammolardan biri bu Ekologik muammodir.Ekologik muammo nimadan kelib chiqadi? –Ekologik muammo tabiat va jamiyat o'rtasida muazonat buzilsa.O'zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti I.Karimov "Ekologiya hozirgi zamonning keng miqyosidagi

keskin ijtimoiy muammolaridan biridir.Uni hal etish barcha xalqlarga mos bo'lib, sivilizatsiyaning hozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan shu muammoning hal qilinishiga bog'liqdir" deb takidlaydi.O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 55-moddasida "Yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zaxiralar umum milliy boylikdir" deb ko'rsatilgan.Global muammolarni anglab yetish va global muammolarni bartaraf etish juda ham og'ir va bu bir-necha yillarni o'z ichiga oladi va aniq javoblar ham uzil-kesil yechimga ega bo'lmaydi.Shuning uchun biz insonlar har bir harakatimizni, olib borayotgan ishimizni tubdan o'ylab qilishimiz kerak, chunki biz qilayotgan ishlar noto'g'ri bo'lib, global muammoga aylanib qolmasligi kerak!

**FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:**

1. J.Ramatov, R.Ernazarov "Falsafa" (Etika, Estetika, Mantiq)
2.B.Jumaniyozov, Z.Iskandarova "Falsafa fanidan ma'ruzalar"

## OTA-ONA VA FARZAND O'RTASIDAGI KELIB CHIQADIGAN NIZOLAR

*Allambergenova D.J.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti talabasi*

***Annotatsiya*:** Maqolada ota-onalar va farzandlar o'rtasidagi nizolarning kelib chiqish sabablari va ularning to'g'ri yechimi haqida so'z yuritilgan.

Hozirgi kunda ota-onalar va bolalar o'rtasidagi mojarolar kundalik hayotda keng tarqalgan nizolardan biridir. Biroq u ma'lum darajada mutaxassislar tomonidan e'tiborga olinmaydi.

Kichik va katta mojarolar, o'spirinlar va kattalar o'rtasidagi janjallar kattalar uchun ham bolalar uchun ham birdek, doimiy kuchlanish va stress manbai hisoblanadi. Va bu shuni anglatadiki, ota-onalar ham, o'spirinlar ham doimiy zo'riqish, ko'p xatolar qilishadi va ko'p hollarda nizoli vaziyatlar sodir bo'ladi(ayniqsa krizis davrida).

Oilaning maxsus tarbiyaviy ahamiyati bilan bog'liq holda, bolalarga ijobiy ta'sirni maksimal darajada oshirish va bu ta'sirni minimallashtirish ushbu nizolarga umumiy sabab bo'lishi mumkin. Hozirgi vaqtda ota-ona va bola o'rtasidagi munosabatlar muammosi katta ahamiyatga ega, chunki bu millat sog'lig'ini saqlash davlat siyosatining muhim tarkibiy qismlaridan biridir. Muammo ota-ona va bola munosabatlari murakkab va paradoksaldir. Uning murakkabligi inson munosabatlarining yashirin, samimiy tabiatida, ularga "tashqi" kirib borishda aniqlik yotadi. Ammo paradoks shundaki, uning ahamiyati borasida ota-onalar odatda buni sezmaydilar, chunki buning uchun ularda zarur psixologik va pedagogik ma'lumotlar yo'q. Ushbu ishning dolzarbligi zamonaviy jamiyatdagi qiyin vaziyat bilan belgilanadi. Dunyoda shafqatsizlik, yovuzlik, odamlarning boshqalarga, ba'zan hatto do'stlari va qarindoshlariga befarqligi juda ko'p. Jinoyat har kuni o'sib bormoqda. Va bularning barchasi, ko'pincha noto'g'ri tarbiyaning

natijasi, ota-onalarning bolalarga nisbatan tajovuzining namoyon bo'lishi yoki shunchaki befarqlik. Yana bir muammo shundaki, oilaviy nizolarning aksariyati bir-birini tushunmaslik yoki istamaslik bilan bog'liq: ota-onalar - bolalar, bolalar - ota-onalar.

Umuman olganda o‘zi bunday oilaviy nizolarning kelib chiqish sabablari nima? Bunday kelishmovchiliklar uchun zamin bo’lib quyidagilar xizmat qiladi:

1. Dunyoqarashlar orasidagi mavjud farqning hisobga olinmasligi.

2. Yoshlarning bo’sh vaqtini mustaqil tashkil etishi, do’stlar tanlashdagi mustaqilligi, hissiyot sohasidagi mustaqilligi, modaga, bugungi kun talabiga mos kiyinishi, kasb tanlashdagi mustaqilligi, umr yo’ldoshi tanlashda mustaqillik uchun ota-onalari bilan ba’zan kurash olib borishning xush kelmasligi.

3. Ota-onalar ichkilikka ruju qo’yishi yoki or-nomusni yig’ishtirib qo’yib, buzuqchilik qilishi.

4. Ba’zi bolalarni mehnat qilishga o’rgatilmaganligi va buning oqibatida yengil-yelpi hayot kechirishga o’rganib qolishi.

5. Ayrim yoshlarning farzandlik burchini unutib qo’yishi va hokazo.

6. Ota-onalarning psixologik-pedagogik bilim saviyalari yetarli darajada emasligi natijasida yuzaga keladigan kelishmovchiliklar. Ota-onalar va bolalar munosabatiga oid yuqoridagi kabi kamchiliklar natijasida oiladan halovat yo’qoladi, o’rtaga sovuqchilik tushadi. Farzandlik burchini bajarmaslik u yoqda tursin, hatto, ichib kelib, ota-onasiga qo’l ko’taradigan farzandlar, hattoki ota-onasini yuzini yerga qarashiga sabab bo‘layotgan farzandlar borligiga nima deysiz?

Ba’zi ota-onalar bolalarda 3, 6, 13-14 yoshlarda muqarrar ravishda bo’lib o’tadigan krizislarni bilmaydilar. Bu yosh bosqichlarida bola ruhiyatida yangi psixologik qo’shilmalar yuzaga keladi. Bu esa ularning kattalar, jumladan ota-onalar bilan bo’lgan munosabatlarida ko’zga tashlanadi. Buni sezmagan ba’zi ota onalar «bolam nihoyatda qaysar, quloqsiz bo’lib qoldi», deb o’ylaydilar va shikoyat qilishga tushadilar. Bunga qarshi o’zlaricha chora-tadbirlar belgilashlari natijasida ota-ona va bola bir-birlarini tushunolmay qoladilar. Bolaning ota-onadan bezish hollari kuzatiladi.

Shubhasiz, nizoning sababi ota-ona va bola manfaatlarining to'qnashuvida yotadi. Bunday hollarda, bir tomonning xohishini qondirish, boshqa tomonning manfaatlarini buzishni anglatadi va kuchli salbiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradi: g'azablanish, xafa bo'lish. Aytishimiz mumkinki, manfaatlar to'qnashuvida, muammo ham bola uchun, ham ota-onalar uchun darhol paydo bo'ladi. Bunday hollarda nima qilish kerak? Ota-onalar bu muammoni turli yo'llar bilan hal qilishadi. Ba'zilar: "Umuman olganda, mojaroga olib kelish shart emas" deb hisoblashadi va shunchaki qo‘shtirnoq ichida "Befarqlik" misolida ota-onalar bolalarning yoki bolalar ota-onalarning xohish-istagini qabul qilishadi. Ammo, ota-onalar va bolalarning manfaatlariga doimo mos kelishi uchun hayot juda murakkab.

Qarama qarshiliklar boshlanganda, ba'zi ota-onalar o'zlariga turib olishdan boshqa chora ko'rmaydilar, boshqalari esa, aksincha, tinchlikni saqlashga rozi bo'lish yaxshiroq deb o'ylashadi. Shunday qilib, "Faqat bitta g'alaba qozonadi" nomi bilan ma'lum bo'lgan nizolarni hal qilishning ikkita konstruktiv bo'lmagan

usuli mavjud. Ushbu usulning yana bir versiyasi mavjud - muloyimlik bilan, ammo qat'iy ravishda boladan o'z xohish-irodasini bajarishni talab qilish. Bunga ko'pincha bola oxir-oqibat rozi bo'lgan tushuntirishlar hamroh bo'ladi. Ammo, agar bunday bosim ota-onalarning doimiy taktikasi bo'lsa, ularning yordami bilan ular doimo o'z maqsadlariga erishadilar, bola boshqa qoidani qabul qiladi: "Mening shaxsiy qiziqishlarim (istaklarim, ehtiyojlarim) hisobga olinmaydi, men hali ham ota-onam xohlagan yoki talab qiladigan narsani qilishim kerak.

Doimiy ravishda noto'g'ri hal qilingan nizolar keyinchalik jiddiy muammolar va ta'limdagi nomutanosibliklarga olib keladi. Mojaroni to'g'ri hal qilish quyidagi ssenariy bo'yicha - to'qnashuvdan kelishuvgacha va ular o'rtasida o'zaro tortishuvlarga qadar amalga oshiriladi.

Qanday choralar ko'rish kerak: Bolani tinglang. Bu nafaqat nutq so'zlash, balki bir-biringizni tinglash va eshitish muhimdir. Agar bola muloqotga tayyor bo'lsa, avval uni tinglash kerak. Ota-ona, o'z fikrini bildirmasdan oldin, bolaga uning muammosi va mavqeini tushunishini yetkazishi shart. Bir-biriga bo'lgan bunday mehr-muhabbatdan so'ng, ota-ona o'z fikrlari va his-tuyg'ularini yetkazishga harakat qilishi mumkin.

Fikringizni bildiring. Bolaga nima uchun bunday fikr paydo bo'lganligini tushuntirish, uning his-tuyg'ulari va qo'rquvlarini tushuntirish juda muhimdir. Ota-onalarning ishonchi bola uchun juda muhim, u buning uchun minnatdor bo'ladi. Tinch ohanglardagi bunday suhbat zo'riqishni yengillashtiradi va farqlarning o'zi unchalik tuban ko'rinmaydi.

Hamkorlikdagi yechimlarni izlash. Muammoning mumkin bo'lgan yechimlarini ko'rib chiqish kerak, va bola ham, ota-onalar ham taklif qilishlari mumkin. Variantlarning har biri, ehtimol, muhokama qilinishi kerak bo'lgan ijobiy va salbiy tomonlariga ega. Ikkala tomonga ham mos kelmaydigan variantlar darhol yo'q qilinishi lozim (lekin baribir ularni e'lon qilish kerak).

Tafsilotlarni tanlash va muhokama qilish. Qabul qilinadigan barcha variantlardan ikkitasiga ko'proq yoki kamroq mos keladigan maqbul variantni tanlashingiz kerak. Agar bu dastlab bolaning varianti bo'lsa, u har tomonlama qaror qabul qilganidan xursand bo'lib, biron bir imtiyoz berilishi kerak.

Ziddiyatlarni hal qilishning ushbu usuli nafaqat ma'lum bir muammo uchun konstruktivdir. Bu ishonch muhitini yaratadi, keyingi safar bolaning o'zi ota-onadan maslahat so'rashi mumkinligi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Va oilada kelishib ish tutishga sog‘lom muhit yaratiladi.

# ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ БЕРИШНИ КОУЧИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

*Алмарданова С.Б.*
*Термиз давлат университети*
*Психология кафедраси ўқитувчиси*

Психологик маслаҳат инсоннинг энг қадимги фаолиятларидан биридир. Бироқ, касбий фаолият тури сифатида XX асрнинг 50-йилларда АҚШда шаклланган. 1951 йилда АҚШда бўлиб ўтган шимоли-ғарбий конференцияда "маслаҳат психологияси" номи берилган. 1952 йилда психологик маслаҳат йўналишида янги позиция пайдо бўлган ва Америка Психологик Ассоциацияси психолог бўлмаганлар томонидан ишлатиладиган "маслаҳат ва раҳбарлик" ихтисослиги номини "маслахат психологияси" га ўзгартирган. Шундай қилиб, психологик маслаҳат бошқа турдаги маслаҳатлардан фарқли ўлароқ - бошқарув, молиявий, ҳуқуқий ва ҳ.клар каби ўз мақомини олди. Психотерапия ва психопатологияни даволашга қаратилган клиник психологиядан фарқли ўлароқ, психологик консултация психологик ёрдам (маслаҳат) бериш жараёнининг мунтазам тавсифини ўз ичига олган билимлар қисмидир. Маслаҳат психологияси махсус уюшган алоқа орқали мурожаат қилган кишига психологик ёрдам кўрсатиш жараёнлари, механизмлари ва усулларини ўрганади. Психологнинг бундай ёрдами натижасида мижозда қўшимча психологик кучлар ва қобилиятлар янгиланади, бу унга қийин ҳаётий вазиятлардан чиқиш йўлларини топишга ёрдам беради. Шахс фаолиятининг умумий психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ва шахслараро муносабатлари даражасини билмасдан туриб, маслаҳатлашув учун мақбул шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, маслаҳат пайтида психологик таъсир кўрсатиш учун етарли воситаларни танлаш мумкин эмас.Мутахассис психологнинг одамларга ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда бевосита психологик ёрдам кўрсатишда амалий фаолият билан шуғулланади.АҚШ ишчилари ва менежерлари уюшмасининг лицензиялаш бўйича комиссияси психологик консултацияни қуйидагича белгилайди: "... бу одамга касбий мартаба, никоҳ, оила, шахсий ривожланиш ва шахслараро муносабатларга тегишли муаммоларни ҳал қилишда ва қарорлар қабул қилишда ёрдам беришга қаратилган тадбирлар тўпламидир" [1].

Психологик маслаҳатнинг турли хил таърифларини умумлаштириб, қуйидаги хусусиятларни ажратиш мумкин:

1.Мижозга қийин ҳаёт шароитида қарорлар ва қарорларни қабул қилишда, шунингдек шахслараро муносабатларни ўрнатишда ёрдам беришга қаратилган.

2.Мижоз шахсининг ривожланишига ёрдам беради, аммо шахсни ривожлантириш ёки ўзгартириш асосий мақсад бўлмайди.

---

[1] См.: Spry D. Cognitive behavioral coaching(Spry D. Kognitiv xulq-atvor murabbiyligi)

3.Мижозларнинг жавобгарлиги тамойили таъкидланган, яъни мустақил жавобгар шахс тегишли шароитларда мустақил қарорлар қабул қилишга қодир эканлиги тан олинади ва маслаҳатчи мижознинг ихтиёрий хатти-ҳаракатларини рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратади.

4. Мижоз ва маслаҳатчи ўртасида маслаҳатнинг асосий тамойилларига риоя қилинишини таъминлайдиган "маслаҳат ўзаро алоқаси" (маслаҳат алоқаси) асосий ҳисобланади. Ушбу тамойиллар Карл Рожерс томонидан аниқланган ва уларнинг назарий йўналишига қарамасдан деярли барчаси маслаҳатчи психологлар томонидан тан олинган:

1) ҳар бир инсон мутлақ қийматга эга ва ҳурматга лойиқ;

2) ўзлари учун жавобгар бўлишга қодир;

3) қадриятлар ва мақсадларни танлаш, мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бу маслаҳат жараёнидаги психологик таъсирнинг асосий воситаси бўлган маслаҳатчи алоқадир.

Бугунги кунда аҳолига, айниқса ёшларга сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ҳамда олий таълимда тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, психологик марказлар ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарорининг 9-бандида “- хорижий тажрибадан келиб чиқиб, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига ижтимоий психология, ёшлар психологияси, психологик хизмат фаолиятини бошқариш, оилавий консультация ва коучинг каби бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш”[1] вазифаси белгиланиб олинган.Ушбу қарорда белгилангандек, мутахассис психологлар ўзларининг амалий билимлари захирасини коучинг билан бойитишлари юзасидан маълумотлар бериб ўтамиз.

Коучинг- психологик ёрдамнинг бир тури бўлиб, мураббийлик тамойиллари асосида психологик ёрдам шакли сифатида машғулотлар ташкил қилиниб, мижоларга ёрдам берилади. Коучинг - бу мижоз билан биргаликда ечим топишга қаратилган маслаҳат бериш ва ўқитиш усули. Коучинг мижознинг мақсадларини тушунишда тизимли равшанликни яратилишини таъминлайди, шунда мижоз ўзининг ҳозирги мақсадини, бошқа узоқ муддатли мақсадлар ва унга эришиш босқичлари билан боғлиқлигини тушунади ва бу мижозга ўз мақсадларига эришишда ёрдам беради. Коучингнинг асосчиси Джон Уитмор, у муваффақиятли спортчи, кейин бизнесмен бўлган, аммо 1970 йилда у бизнесини сотиб, психологияни

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарорининг

ўрганишга киришди. У спорт психологиясига, кейин эса бизнес психологиясига қизиқиб қолган. Уитмор спортчиларнинг психологик тайёргарлиги ҳақидаги "ички ўйинлар" назариясини яратувчиси Тимоти Голви (инглизча W.Timothy, русча Гэллоуэй ёки Геллви)нинг ғояларини ишлаб чиққан. Т.Голви ўз китобларида спортчининг руҳий ҳолати ҳақида ёзган ва мураббийнинг асосий вазифаси ички шубҳа ва ҳаяжонни енгишга ёрдам бериш бўлган. Джон Уитмор ва Т.Голви ўзларининг компаниясини ташкил этишди, аввал спортда ва ундан кейин бизнесда ўқитиш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқишди. 1980-йилларнинг бошларида Джон Уитмор ва унинг шериклари бизнес-тренингга ихтисослашган коучинг агентлигини ташкил қилдилар ва Дж.Уитмор 1992 йилда "Юқори самарадорликдаги мураббийлик" номли китобини нашр этди.[1]

Коучинг тренинг одатда ҳафтасига битта машғулотдан иборат 12 та машғулот курси билан олиб борилади. Битта учрашувнинг давомийлиги 30 дақиқадан 1 соатгача, баъзан кўпроқ бўлиши мумкин. Биринчи сессия одатда бепул бўлиб ўтади, у мураббийлик имкониятларини намойиш этади ва мижознинг мотивацияси билан иш олиб борилади, шундан сўнг бутун 12 та машғулот учун шартнома тузилади. Курсдан сўнг, агар керак бўлса, шартнома яна тузилиши мумкин. Ҳозирги вақтда масофавий машғулот шакллари тобора оммалашиб бормоқда – телефон, телеграмм, онлайн орқали олиб борилмоқда. Тренингни олиб боришда муайян принципларга риоя қилиш керак. Психологик маслаҳат беришда бўлгани каби, мураббийлик тамойилларига риоя қилиш нафақат мураббийнинг профессионаллигини оширади, балки мижознинг ҳам, мураббийнинг ҳам психологик хавфсизлигини таъминлайди. Кўплаб муаллифлар турли хил принципларни ажратиб кўрсатишади. Фикрларни сарҳисоб қилиниб,қуйидаги мураббийлик тамойиллари рўйхати тузилган.

1. Ижобийлик принципи, биринчидан, мақсаднинг ижобий шаклланишини англатади (мақсадни шакллантиришда "йўқ" сўзини ишлатиш тақиқланади) ва иккинчидан, мураббийнинг ўзига ижобий муносабати, мижознинг имкониятларига ишониши ва ижобий натижага эришишни англатади.

2. Муваффақиятнинг мувофиқлиги принципи - мураббий мижозни "бемор" сифатида эмас, балки ечим излашда ва мақсадга эришиш жараёнида ходим сифатида қабул қилади. Бу мулоқотда тенг позицияларни назарда тутади - мураббий устунлик қилмайди ва мутахассис лавозимида гапирмайди, ҳеч қандай маслаҳат бермайди ва мақсадга эришиш учун нима қилиш кераклигини айтмайди.

3. Фаолият принципи ва натижа учун жавобгарлик - мижозлар фаолияти мураббийлик шартидир. Агар мижоз ишлашга тайёр бўлмаса, мураббийликни амалга ошириш мумкин эмас. Натижа учун иккала иштирокчи ҳам жавобгар: мураббий иш пайтида ўзининг профессионал

---

[1] См.: Уитмор Дж. Коучинг высокой эффективности. М. : Изд-во Международной академии корпоративного управления и бизнеса, 2005

ҳолати учун жавоб беради, аммо мижоз мураббийнинг натижаси ва мақсадга эришиш режасини амалга ошириш учун жавобгардир. Мураббийлик пайтида маслаҳат бериш ва тайёр қарорларни қабул қилиш тақиқланиши айнан мана шу принцип билан боғлиқ - инсонга маслаҳат бериш орқали сиз уни ўз танлаган қарорингиз учун ва шунга мос равишда вазиятнинг натижаси учун жавобгарликдан озод қиласиз.

4. Ижодкорлик принципи (догматизмнинг йўқлиги) - мураббий томонидан ишлатилиши мумкин бўлган кўплаб моделлар ва усулларни ишлаб чиқилган, аммо сиз уларга догма каби муносабатда бўлолмайсиз: ҳар бир мижознинг ҳолати ўзига хосдир ва сиз ҳар қандай вақтда стратегия ва мураббийлик техникасини танлашда ижодий бўлишингиз керак.

5. Шахсий ресурслардан хабардорлик принципи. Хабардорлик - бу мураббийликнинг муҳим даври. Айтишимиз мумкинки, мураббийнинг асосий мақсади мижознинг мақсадлари, қадриятлари ва имкониятлари ҳақида хабардорлигини оширишдир - бу ҳолда мотивацияни кучайтириш ва мақсадга самарали эришиш мумкин.

6. Тизимли ёндашув. Машғулотнинг ҳар бир дақиқасида мураббий мижознинг шахсияти ва умуман унинг ҳолати ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топган мураккаб тизим эканлигини тушунади. Мураббий умуман тизим учун мумкин бўлган ўзгаришларнинг оқибатларини кўриб чиқиши ва тизим учун номақбул қарорларнинг олдини олиш керак.

Мураббийлик ёндашуви терапевтик эмас,бу ҳар бир инсон дастлаб ўзи учун қўйилган мақсадларга эришишга қодир эканлигидан келиб чиқади. Уларнинг ҳар бири ўз мақсадлари, уларга эришиш йўлларини танлаш ва амалга ошириш учун жавобгардир. Коучингнинг вазифаси - бу шахсни ривожлантиришга ва муносиб, жонли ҳаёт билан таъминлашга ёрдам бериш. Инсон ўз ҳаётининг яратувчиси сифатида қабул қилинади. Тренингда асосий эътибор тайёр ечимларни таклиф қилиш эмас, балки жавобларни мустақил излашни рағбатлантириш, мантиқийликни ривожлантириш ва нима бўлаётганини изоҳлаш одатини таркиб топтиришдан иборатдир.

Хулоса қилишимиз мумкинки, коучингда мураббий учун ҳам, маслаҳатчи учун ҳам муваффақият калити мижоз шахси ва шахсий муаммоларни синчковлик билан ўрганишдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Spry D. Cognitive behavioral coaching(Spry D. Kognitiv xulq-atvor murabbiyligi).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори.

3. Уитмор Дж. Коучинг высокой эффективности. М.: Изд-во Международной академии корпоративного управления и бизнеса, 2005.

# KIMYO FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

*Ametova N.A.*
*Nukus shahri 34-o'rta maktab*

**Annotatsiya:** Bugungi kunda kimyo fanini o'qitishda zamonaviy ta'limda eng ko'p qo'llaniladigan interfaol metodlardan "Assesment", "SWOT-tahlil", "Keys-stady" kabi metodlardan foydalanish yaxshi samara bermoqda. Ushbu maqolada shu kabi metodlardan foydalanish tafsiyalari berilib u'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Interfaol metodlar, "Assesment", "SWOT-tahlil", "Keys-stady".

Bugunning o'qituvchisi! Fikrimni shunday boshlashga qaror qildim. Bugunning o'qituvchisi shundayki, u bugun keskin rivojlanib borayotgan bir vaqtda komil insonni tarbiyalash, ularni yuksak ilmli, kasb-hunarli bo'lishiga xizmat qiladigan insondir.

Bugungi kunda ommaviy axborot vositalari, internet tarmoqlari rivojlanishi natijasida, hozirgi yoshlarimizning ongi va tafakkuri, dunyoqarashi tobora oldinga ilgarilab bormoqda. Rivojlangan texnologiyalar bilan bir qatorda biz o'qituvchilar ham o'quvchilarni ma'naviy barkamol, bilimli va tajribali qilib tarbiyalashimiz lozim. Buning uchun biz o'qituvchilardan juda katta sabr-toqat, tinimsiz bilimlarimizni oshirib borish, o'quvchilar psixologiyasini bilgan holda dars o'ta olish talab qilinadi.

Har bir fan kabi, kimyo fani va kimyoviy bilimlar juda ham keng ko'lamga ega hisoblanadi. Kimyo Yer sharini tashkil etgan elementlarni, shu elementlardan hosil bo'lgan oddiy va murakkab moddalarni hamda ularni bir-biriga aylanishi haqidagi murakkab qonuniyatlarni o'rganadi. Dunyoni anglash, bilish, chuqur o'rganish uchun kimyoviy bilimlarni qunt bilan o'qib-o'rganish lozimdir. Shunday ekan o'quvchilarda bu fanga nisbatan qiziqish uyg'otish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Keling, shu borada kimyo fanini o'qitishda bir qancha pedagogik texnologiyalar va ularning samaradorligiga to'xtalib o'tamiz.

7-sinflar uchun "Kimyoviy element, nisbiy atom massa" mavzularini o'qitishda "To'g'risini tanla" texnologiyasini joriy etish mumkin. Bunda kimyoviy elementlar nomi va ularga tegishli bo'lgan kimyoviy belgi va nisbiy atom massalari hqidagi bilimlarini mustahkamlaydi, agar o'quvchi javobni to'g'ri topsa, "Ofarin" kalit so'zi hosil bo'ladi. Kalit so'z o'rnida turli so'zlardan foydalansak bo'ladi.

To'g'risini tanla texnologiyasini qarab chiqamiz.

| T/r | Kimyoviy element nomi | Kimyoviy belgisi | Nisbiy atom massasi | Kalit so'z |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Kislorod | N | 40/R | 1-O |
| 2 | Temir | S | 56/F | 2- |
| 3 | Oltingugurt | Zn | 16/O | 3- |
| 4 | Kalsiy | Fe | 14/I | 4- |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5 | Azot | O | 32/A | 5- |
| 6 | Rux | Ca | 65/N | 6- |

Ushbu texnologiyadan kimyo fanining ko'plab mavzularida samarali foydalanish mumkin. Bu texnologiya umumiy sinfni baholashda, nazorat ishlarida katta yordam beradi [Ro'ziyeva, 2013: 57].

Zamonaviy sharoitda o'quvchilarning o'quv-bilish faolliklarini kuchaytirish, o'quv sifatini oshirish va samaradorligini oshirish maqsadida innovatsion xarakterga ega ta'lim shakllaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bugungi kunda amaliy o'yinlar, muammoli o'qitish, interfaol ta'lim, masofali o'qitish va mahorat darslari ta'limning innovatsion shakllari sifatida e'tirof etilmoqda. Bugungi kunda kimyo fanini o'qitishda zamonaviy ta'limda eng ko'p qo'llaniladigan interfaol metodlardan "Assesment", "SWOT-tahlil", "Keys-stady" kabi metodlardan foydalanish yaxshi samara bermoqda. "Assesment" metodi. Bu metod o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini har tomonlama, xolis baholash imkoniyatini beruvchi toshiriqlar to'plamidir. Ushbu metodni dars jarayonida yoki darsning bir qismida hamda yakka tartibda qo'llash mumkin [Ishmuhamedov, 2008: 62].

Bu metoddan uyga vazifa berishda ham foydalansa bo'ladi. Buni quyidagi jadvalda ko'rishimiz mumkin:

| | |
|---|---|
| Test.<br>1. Magniy va kalsiy qanday usullar bilan ajratiladi?<br>A) Xromatografiya va ekstraksiya<br>B) Elektroliz<br>D) Yuqori bosim ostida haydash va ekstraksiya.<br>2. Dengiz suvida qancha magniy bo’ladi?<br>A) 0,38% B)0,5% D)0,43%<br>3. Dolomitning kimyoviy formulasini toping? | Muammoli vaziyat:<br>Bu metal “og’ir tosh” ma’nosini bildiradi. Uning tuzlari mushakbozlikda ko’p ishlatiladi. Bundan tashqari uning yana bir tuzining ajoyib xossasi bor. Undan “Lego” bolalar o’yinchoqlari tayyorlanadi. Uni faqat rentgenda aniqlash mumkin. Yuqoridagi fikrlar qaysi elementga tegishli?<br><br>Javob; |
| Simptom<br><br>Magniyni_____yilda________birinchi olgan.<br>Magniy tuzlari___________________<br>Angudrit________ Gips__________<br>Alebastr_______ ko’rinishida Ca tabiatda uchraydi.<br>Javob: | Amaliy ko’nikma<br><br>Mavzuga doir reaksiya tenglamalarini yozing. |

*"Swot-tahlil" metodi.*

Metodning maqsadi: mavjud nazariy bilimlar va amaliy tajribalarni tahlil qilish, taqqoslash,baholash, mustaqil, tanqidiy fikrlashni shakllantirishga xizmat qiladi.

S-(strength)-kuchli tomonlari

W-(weakness)-zaif, kuchsiz tomonlari
O-(opportunity)-imkoniyatlari
T-(threat)-to'siqlar va tahdidlar
Mavzu: Fosforli o'g'itlarning ahamiyati.

| | | |
|---|---|---|
| | Fosforli o’g’itlarni qo’llashning afzallik tomonlari | Fosforli o’g’itlar hosil ko’p bo’lishini ta’minlaydi. |
| | Fosforli o’g’itlarni qo’llashning kamchilik tomonlari | Ko’p miqdori tuproq unumdorligiga ta’sir ko’rsatadi. |
| | Fosforli o’g’itlardan foydalanishning imkoniyatlari | Fosforli o’g’itlardan unumli foydalanilganda yuqori hosildorlikka erishish imkoniyati ortadi. |
| | Fosforli o’g’itlardan foydalanishda to’siqlar va tahdidlar | Tuproqning tarkibiga qarab fosforli o’g’itlar turlicha o’zlashtiriladi. |

*"Keys-stady" texnologiyasi.*

Bu metod aniq vaziyatlarni o'rganish, tahlil etish va ahamiyatga ega natijalarga erishishga asoslangan.

Keys-1

Bugungi kunda shaharlarimiz va ayniqsa kasalxonalar atrofida juda ko'p archalarni uchratamiz. Archa o'rmonlari havosida bir gaz to'planadi. Bu gaz bilan sil kasaliga uchragan bemorlar nafas olsa, ularning sog'ayishi tezlashar ekan. Bu gazning 4,48 litri kumush sirg'a bilan ta'sirlashib sirg'a qora rangli birikmaga aylanib qoladi.

Topshiriqlar:

1. Qaysi gaz ajralgan?
2. Nima sababdan kasallar bu gaz bilan nafas olganda sog'aygan?
3. Qora rangli birikma nima?
4. Qancha qora rangli birikma hosil bo'lgan?

Keys yechimi:

1. Aniqlanishicha archa o'simligi havoga ozon gazi chiqarar eken.
2. Ozon gazi esa beqaror bo'lib, molekuar va atomar kislorodga parchalanadi. Ozon aralashgan havo bilan nafas olinganda atomar kislorod ta'sirida kasallik tez tuzalar ekan.
3. Ag2O
4. 24,8 g.

Kimyo darslarida ana shunday texnologiyalardan foydalanish o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini yanada orttiradi va darsda ko'zlangan natijaga erishiladi.

Yuqorida keltirib o'tilgan texnologiyalarning samaradorligi shundaki, o'quvchilarni o'tgan mavzularni yodga olish, mantiqan fikrlash, savollarga mustaqil ravishda javob berish, o'zini-o'zi baholashga o'rgatish va o'qituvchi tomonidan barcha o'quvchilar olgan bilimlarini bahoashda katta ahamiyat kasb etadi. Shunday

ekan, bugunning o'qituvchisi har bir darsni qiziqarli, o'quvchilar uchun har tomonlama foydali tarzda o'tishi, axborot asri farzandlari ta'limi va tarbiyasiga "labbay" deya javob berishi, buning uchun esa D.I.Mendeleyev aytganidek:" Ilg'or texnologiyalarning bosh maqsadi-tashlandiq va foydasiz narsalardan foydali narsalarni ishlab chiqarish usullarini izlab topishdir" [Asqarov, 2013: 112].

Ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish va faol qo'llash, ta'lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish, amaliyotda joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridandir. Kimyo fanini o'qitishda zamonaviy axbarot vositalaridan foydalanish dars samaradorligini oshirishi shubhasiz.

Xulosa: Afsuski, ko'pgina o'qituvchilar birgina kimyo fanini o'rgatishda emas, balki, boshqa fanlardan dars berish jarayonida zamonaviy axbarot vositalaridan kamdan-kam hollarda foydalanishadi. Zero, tabiiy fanlarni tushunish va tushintirish bir qancha qiyinchilik tug'diradi. Chunki kimyo fani asosan moddalarning xususiyatlari, tuzilishini o'rganadi. Buni o'quvchilarga yetkazib tushuntirish uchun zamonaviy pedagogik texnologiyalar va pedagogik ijodkorlik zarur.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Ro'ziyeva D, Usmonboyeva M, Xoliqova Z. Interfaol metodlar:mohiyati va mashg'ulotlarda o'qitish texnologiyalari. T-2013
2. Ishmuhamedov R, Qodirov A, Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. T-2008
3. Asqarov I.va boshqalar. "Kimyo asoslari".-2013.
4. Kimyo va hozirgi zamon.-T.: O'qituvchi,2002.

## RAHBAR XODIMLARNING TA’LIM MUASSASALARIDA BOSHQARISH KOMPETENTSIYASI

*Aminov I.R.*
*Ajiniyoz nomidagi NDPI magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ta’lim muassasalari rahbar kadrlarining boshqaruv kompetentligi, uning ilmiy-metodologik asoslari, rahbarlarga qo’yiladigan talablar, kompetentlik to’g’risida fikrlar bayon qilingan.

**Annotation:** The article describes the management competence of the heads of penitentiary institutions, its scientific and methodological basis, the requirements for managers, the views on competence.

**Аннотатция:** В данной статье описывается управленческая компетентность руководителей пенитенциарных учреждений, научно-методическая база, требования к руководителям, взгляды на компетентность.

**Kalit so’zlar:** Faoliyat, kompetentlik, motivatsiya, rahbar xodimlar, kasbiy bilimdonlik, psixologik jarayon

**Key words:** Activity, competence, motivation, management staff, professional knowledge, psychological process

**Ключевые слова:** деятельность, компетентность, мотивация, сотрудники управления, профессиональные знание, психологический процесс

Har birimiz qanday kasb egasi bo'lishimizdan qat'iy nazar, psixologik bilimlarga ega bo'lishimizni kasbimiz va zamon ham talab qiladi. Qay sohada faoliyat olib bormasin inson o'zini muntazam nazorat qila olishi va muomala madaniyatiga ega bo'lishi darkor. Ayniqsa, pedagoglar va rahbar kadrlarga bu borada juda kuchli talablar qo'yiladi. Zero, jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy ravnaqi aynan rahbar kadrlar faoliyati bilan bog'liq. Shunday ekan, rahbar butun bir jamiyatni harakatga keltiruvchi kuch sifatida o'z sohasini mukammal darajada bilishi, bilim va malakaga ega bo'lishi, hamisha zimmasiga yuklatilgan vazifasini yodida saqlashi va aslo xatoga yo'l qo'ymasligi kerak. Bu borada rahbar o'z kompetentsiyasiga ega bo'lishi juda muhim ahamiyatga ega. Xo'sh, kompetentlik o'zi nima? Rahbar kadrlar kompetentligi to'g'risida juda ko'plab fikrlar mavjud bo'lib, ularning barchasi mazmunan va shaklan turlicha talqin qilinadi. Bizning fikrimizcha, kompetentlik – bu soha egasining kasbiy bilim, ko'nikma, malaka, shuningdek, shaxsiy sifat va fazilatlar integratsiyasidir.

Demak, rahbar nazariy bilim va amaliy ko'nikmaga ega bo'lishi, shuningdek, uning qanday strategiya va usullarni qo'llashi, muomala madaniyati, jamoasiga nisbatan motivatsiyasi, his-tuyg'ulari, boshqarish jarayonidagi murakkab muammolarni hal qila olishi uning kompetentligini belgilab beradi.

Ta'kidlash joizki, bugungi kunda oliy ta'lim muassasasining rahbar va pedagog kadrlari quyidagi metadologik bilimlarga asoslanishi talab etiladi:

- Falsafiy nuqtai nazardan tabiat va jamiyatning rivojlanish qonuniyatlari;
- Milliy va xalqaro qonunchilik asoslari;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ta'lim sohasidagi farmon, qaror va farmoyishlari;
- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining tegishli qaror, farmoyish, Davlat dasturlari va boshqa huquqiy-me'yoriy hujjatlari;
- Oliy va o'rta maxsus Ta'lim Vazirligining huquqiy-me'yoriy hujjatlari;
- Xalqaro va mamlakatimiz yetakchi olimlarining ta'lim menejmenti borasidagi fundamental qarashlarini bilish.

Bu borada ilg'or tajribalar asosida ishlab chiqilgan xulosalarga tayanish ham katta ilmiy-amaliy maktab hisoblanadi.

Oliy ta'lim muassasasi rahbarlari ta'lim-tarbiya jarayonini kompetentli boshqarish jarayonida o'ziga xos vazifalarni bajarishi talab qilinadi: loyihalashtirish, tashkillashtirish, tahlil qilish, nazorat qilish va motivatsiyalash. Rahbar ushbu vazifalarning hammasini o'zaro uyg'unlashtirgan holda o'z faoliyatini amalga oshirishi darkor.

Rahbar kompetentligida motivatsiya muhim ahamiyatga ega. U o'z jamoasida faoliyatni adolatli amalga oshirishi, xodimlarining qobiliyatlarini ro'yobga chiqarishi va yutuqlarini rag'batlantirishi muhim vazifalaridan biridir. Rahbar kerakli vaziyatda o'z xodimlarini ish faoliyatini yanada oshirish maqsadida ularga turli usullar bilan motivatsiya berib borishi kerak: samarali ishi va erishgan

yutuqlari uchun xodimlarini rag'batlantirishi, turli mehnat orqali motivatsiya berishi, xodimlari bilan o'zaro muloqotni kuchaytirishi, ular bilan chin dildan suhbat qilishi va lozim bo'lgan vaziyatlarda jazolash usulini ham qo'llashi kerak. Albatta, bular rahbarning vazifasi hisoblanadi va ish faoliyatining samaradorligini ham oshiradi.

Shuningdek, rahbarning bilimdonlik darajasi ham jamoani samarali boshqarishda muhim omillardan biridir. Rahbar o'zida yetarli darajada bo'lmagan bilim yoki malakani boshqalardan talab qila olmaydi. Xodimlarni boshqarish jarayonida talab qilayotgan har bir faoliyatini rahbar oldin o'zi mukammal darajada bilishi kerak. Psixolog olimlar rahbarning bilimdonlik qirralarini quyidagi guruhlarga ajratadi:

- Kasbiy bilimdonlik – o'zi boshqarayotgan soha faoliyatini mukammal yo'lga qo'yishi uchun o'sha faoliyat borasida to'la ma'lumotlar, bilim va malakaga ega bo'lishi;
- Uslubiy bilimdonlik – bilgan narsalari, shaxsiy ko'nikma va malakalari, turli loyihalar xususidagi ma'lumotlar, topshiriqlarni tez, to'g'ri va tushunarli tarzda yetkaza olish qobiliyati;
- Ijtimoiy-psixologik bilimdonlik – odamlar bilan ishlash, ular bilan til topisha olish, jamoani uyushtira olish, uni yaxshi ishlashga safarbar qila olish, o'zidagi liderlik sifatlarini to'la namoyon eta olish qobiliyati.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Oliy Ta'lim muassasasi rahbarlari o'z kompetentliliga bo'lishi, ya'ni o'z sohasi bo'yicha yuksak darajadagi bilim, malaka va ko'nikmalarga ega bo'lishi zarur. Nafaqat o'z sohasi, balki boshqa sohalardan ham xabardor bo'lmog'i talab qilinadi. Jumladan, psixologik bilimga ega bo'lishi, chet tillarida bemalol gapira olishi, jahonning ilg'or tajribalaridan foydalana olishi va hokazolar. Bugungi jamiyatimiz kelajagi, biz qurmoqchi bo'lgan jamiyat kelajagi aynan oliy ta'lim muassasasi rahbar kadrlariga bog'liq desam, adashmagan bo'laman. Zamon o'z kasbining mohir egasi bo'lgan, faoliyatini sidqidildan bajaradigan va faqat adolat bilan ish ko'ruvchi, insonlar manfaatini o'z manfaatidan ustun qo'yuvchi rahbar kadrlarni talab qilmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Qosimova N. "Boshqaruv muloqoti psixologiyasi" Jurnal., 2015-yil, fevral, №2 36 b
2. Zaynutdinov SH.N. "Menejment". O'quv qo'llanma./ T.:Cho'lpon, 2011.-320b.
3. Qosimova D.S. Menejment nazariyasi: darslik. – Toshkent. Tafakkurbo'stoni, 2011. -336b.

Internet materiallari:

http://www.lex.uz
http://www.ziyonet.uz

# “SOFT SKILLS”-ЮМШОҚ КЎНИКМАЛАР-МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ КАЛИТИДИР

*Аминова М.А.*
*Қашқадарё вилоят Қарши тумани*
*1-умумий ўрта таълим мактабининг амалиётчи психологи*

Юмшоқ кўникмалар (инглизча “Soft skills”-“юмшоқ кўникмалар” ёки мослашувчан кўникмалар”) инсоннинг қайси йўналишда ишлаши, ва қайси йўналишда билишидан қатъий назар муваффақиятли бўлишингизга имкон беради. Юмшоқ кўникмалар- бу шахсий фазилатлар, ўзига хос ижтимоий тасаввурлар, иш ва ўқишда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган кўникмалардир. Юмшоқ кўникмалар инсонни бошқалар билан бўлган муносабатларида қандай қилиб ўзаро таъсир қилишни белгилайди. Анъанага кўра психологияда улар ижтимоий кўникмаларга бўлинади: ишонтириш, одамларга ёндашиш, етакчилик, шахслараро мулоқот, музокаралар, жамоавий иш, шахсий ривожланиш, вақтни бошқариш, билим олиш, ижодкорлик ва бошқалар. Эътибор беринг, юқорида санаб ўтилган кўплаб кўникмаларнинг ҳеч бири фақат маълум бир мутахассисликка тегишли эмас. Юмшоқ кўникмалар ҳам ўқишда, ҳам ишда, ҳам ҳаётда муҳимдир. Мақсадларга ва муваффақиятга эришиш учун ишлатиладиган кўникмаларнинг кўпи юмшоқ кўникмалардир. Умуман олганда юмшоқ кўникмалар, юмшоқ қобилиятлар – бу шахсий фазилатлар, шахсий хусусиятлар, ўзига хос ижтимоий тасаввурлар ва ўқишда, ишда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган алоқа қобилиятларидир. Юмшоқ қобилиятлар инсоннинг бошқалар билан бўлган муносабатларида қандай қилиб ўзаро таъсир қилишини белгилайди.

Юмшоқ кўникмаларнинг турлари: Инсонлар ўзларининг имкониятларини кенгайтириш учун қуйидаги маҳоратларини ривожлантириш устида меҳнат қилишлари керак: Ижтимоий,интеллектуал,иродалилик ва етакчилик.

1.Ижтимоий ваколатлар одамлар билан муваффақиятли алоқада бўлиш учун жавобгардир. Бу кўпроқ мулоқотга киришувчанликда намоён бўлади.

- ишончлилик;
- баркамол оғзаки ва ёзма нутқ;
- омма олдида гапириш қобилияти;
- ҳиссий ақл ( бошқаларнинг ҳиссиётлари ва сабабларини тан олиш қобилияти);
- танқиднинг мослашувчанлиги;

2.Интеллектуал ваколатлар ўз соҳасида доимий ривожланиш учун жавобгардир.

- таҳлилий фикрлаш;
- муаммони кўриш ва ҳал қилиш қобилияти;
- яхши хотира;
- ўрганиш қобилияти;
-ижодкорлик;

3.Ихтиёрий компетенциялар ўқиш ва ишдаги мақсадларга эришиш учун жавобгардир.

- натижага йўналтирилган;
- вақтни бошқариш;
- чидамлилик;
- стрессга қаршилик;
- доимий ишларни бажаришга тайёрлик;

4. Етакчилик қобилиятлари умумий мақсадларга эришиш учун ресурслардан муваффақиятли фойдаланиш учун жавобгардир.

- қарор қабул қилиш қобилияти;
- масъулият;
- жамоа қуриш кўникмалари;
- низоларни ҳал қилиш;

Ўқувчиларда юмшоқ кўникмаларни қандай ривожлантириш керак.

Юмшоқ кўникмаларнинг баъзилари болаларга туғилгандан берилади. Масалан: қатъийлик, яхши хотира, қизиқувчанлик. Аммо юмшоқ кўникмаларнинг кўпини инсон ҳаёти давомида ривожлантириши керак. Улар мактабда ўқитилмайди, аммо уларни эгаллашнинг кўплаб усуллари мавжуд.

-Ота-она намунаси. Агар катталар зиддиятли ва стрессли вазиятларда қандай қилиб тўғри йўлни топишни билсалар, бола ўз хатти-ҳаракатининг йўналишини ўрганади: мослашувчанликни, хотиржамликни, муросани топишни ўрганади.

-Тўгараклар. Спорт кучли ирода қобилиятларини ривожлантиради ва жамоавий спорт шу каторда жамоада ишлашни ўргатади. Мусиқа ва расм миянинг иккала ярим шарини ривожлантиради ва барча интеллектуал қобилиятларга туртки беради. Шахмат ўйинида мантиқий таҳлил ривожланади.

-Лойиҳавий ишлар мактабда ижтимоий, етакчилик ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам беради. Лойиҳани ишлаб чиқишнинг ҳар босқичида турли хил ваколатлар ўргатилади: ролларни тақсимлаш (етакчилик), мунозара (ижтимоий ваколатлар), тадқиқот ишлари (интеллектуал компетенциялар), лойиҳаларни тақдим этиш(ижтимоий ваколатлар)

-Болалар оромгоҳи- болалар доимо бир-бири билан мулоқот қиладиган жой. Ижтимоий ваколатларнинг ривожланишидаги энг юқори чўққини ташкил этадиган ўспиринлик оромгоҳи айниқса муҳимдир. Ривожланаётган оромгоҳлар янада амалий фойда келтиради. “Келажак профессионаллари” оромгоҳи каби тил, спорт, ижодга йўналтириш оромгоҳлари шулар жумласидандир.

-Ривожлантириш бўйича тренинглар- болалар учун ҳам, катталар учун ҳам юмшоқ кўникмаларни ўқитишнинг энг самарали усулидир. Тренинг давомида қобилиятларни ривожлантириш асос эмас,балки мақсад раҳбар бўлиб, уни амалга оширилишини назорат қилади.

Ҳаётда аниқ мақсад билан яшаган киши муваффақиятга эришади. Муваффақиятга эришиш ҳар бир инсоннинг ўзини қўлидадир. Юмшоқ

кўникмаларни ривожлантириш ва муваффақиятга эришиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилинг:

1.Муваффақиятга эришиш учун тиришқоқлик билан ҳаракат қилинг. Белгилаб олган мақсад сари барча имкониятларингизни жамлаб ҳаракатдан чекинманг.

2.Муваффақиятга эришиш учун ўзингиз ёқтирган ишни қилинг. Бошлаётган ишингизга бор меҳрингизни бағишланг.

3.Уддабурон бўлинг. Ғояларингиз орзуларингиздан ҳам илдамроқ юрсин. Ғоялар сизни мўжиза каби изламайди, узоқ фикрлашлар, аниқ тасаввурлар ва ижодий ёндашиш яхши ғояларга етаклайди.

4.Таваккалчилик муваффақиятнинг асосий омилларидандир. Халқимизда "Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради" деган мақол бор. Ютқазиб қўйишдан қўрқманг.

5.Муваффақият охири йўқ йўл эканини унутманг. Муваффақият туганмас йўл, муваффақиятни ушлаб қолиш ҳам иқтидор. Булардан ташқари ҳаётда сермулоҳаза, самимий ва ширинсўз бўлиш,ўрни келганда дадил бўлиш, атрофдагиларга диққат-эътиборли бўлиш, катта ютуқларга эришган инсонларга ҳавас қилиш, уларнинг ижобий хислатларини ўзлаштириш ҳам муваффақиятнинг дастлабки қадамларидан биридир.

## JAMIYAT FAROVONLIGI YO'LIDA OILANING BOSHQARUV MEXANIZMLARI

*Amonova Sh.*
*TDPU, Boshlang'ich ta'lim fakulteti talabasi*

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 63-moddasiga ko'ra:" Oila jamiyatning asosiy bo'g'inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo'lish huquqiga ega. Nikoh tomonlarning ixtiyoriy roziligi va teng huquqligiga asoslanadi".

Har qanday jamiyat taraqqiyotida oilalarning, oilalar mustahkamligining o'rni beqiyos. Oilaviy muhitning sog'lom bo'lishi, uyerda ijobiy psixologik iqlimning hukm surishi ushbu muhitda dunyoga keladigan bolalarga o'z ta'sirini o'tkazmay qo'ymaydi.

Ҳар бир инсон дунёга келибдики, у қайсидир маънода бирок бир фаолият тури билан шуғулланади ва унга боғлик ҳолда шаклланади ва вояга етади. Мутахассисларнинг фикрича, шахс шаклланишида энг муҳим бўлиб ҳисобланган омиллардан бири бу фаолиятдир.

Маълумки, инсон ҳаёти давомида кўплаб фаолият турлари билан шуғулланади. Психология фанида шахс фаолиятини асосан учта турга ўйин, ўқиш ва меҳнат ажратилиб ўрганилади. Фаолият - инсоннинг эхтиёжи туфайли юзага келувчи, онгли тарзда бошқариладиган ички ва ташқи фаоллигидир.

Спорт фаолияти ҳам инсон фаолият турларидан биридир. Спорт фаолияти билан шуғулланиш бир шахсни эмас, балки бутун бир жамоани қолаверса, давлатни дунёга танитувчи энг муҳим воситалардан бридир.

Тарихий тараққиёт жараёнида одамнинг ҳаракат қилишга ва жисмоний сифатларини ўстиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришга доимо интилиши жисмоний машқларнинг аста – секин замонавий спорт турларига ўзгариб боришига олиб келди.

Бугунги кунда замонавий спортни уч тоифага бўлиш мумкин, яъни, оммавий спорт, юқори натижалар спорти ва профессонал спортдир. Шуни назарда тутиш керакки, спортнинг ҳар бир тоифаси ўз олдига қўйган мақсадли йўналишларига эга бўлади. Жумладан: оммавий спорт билан шуғулланишдан кўзланган асосий мақсад - шуғулланувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний ва психологик жиҳатдан ривожлантириш, шунингдек, бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат бўлса, юқори кўрсаткичлар спортида эса турли-туман жисмоний машқларни бажариш жараёнида спортчиларни энг юқори жисмоний ва психик имкониятларини аниқлаш ва қиёсий баҳо бериш асосий вазифа ҳисобланади. Профессионал спорт эса шоу - томошага, бизнеснинг алоҳида соҳасига айланиб, катта пул топишнинг манбаи бўлиб бормоқда, бунда баъзан кишилар, соғлиғига зарар етказиб бўлса-да, катта пул топишни мақсад қилиб қўймоқдалар.

Бундан ташқари спорт фаолияти ўз моҳиятига кўра экстремал вазиятлардан ҳам ҳоли эмас. Маълумки, спортда, ҳамиша аниқ ва рамзий хавф мавжуддир. Масалан, бокс, кураш, дюз-до каби спорт турларида рақибдан оғир зарба олишнинг реал хавфи бор. Бундан ташқари спортчини олдида яна бир шундай хавф борки, у ҳам бўлса, рақибига ютқазиш хавфидир. Бундай рамзий хавф барча спорт турларида мавжуддир.

Спорт фаолиятида маълум бир натижаларга эришиш қуйидаги жиҳатлар билан ўзвий боғлиқ.

*биринчидан*, махсус жисмоний машқларни бажариш даврида турли шаклдаги мускуллар фаоллиги намоён бўлиб, спорт фаолияти мобайнида инсон керакли даражада жисмонан чиниқади, умумий жисмоний тайёргарликга эга бўлади;

*иккинчидан*, спортчини танлаган спорт тури билан боғлиқ бўлиб, спортчидан муайян кўникма, малакаларини такомиллаштириб боришга интилиши жисмоний машқларни бажаришда энг юқори натижаларни кўрсатишга йўналтирилгандир;

*учинчидан,* спортчини танлаган спорт турига оид жисмоний машқлар бажаришни юқори техникасини эгаллаш билан боғлиқ бўлиб, спортчидан махсус ва изчил тарзда давом этадиган узоқ вақтли машғулотларни талаб этади, бу жараёнда спортчи муайян ҳаракат малакаларини ўзлаштиради ва

такомиллаштириб боради, шу билан бирга айни спорт тури бўйича шуғулланиш учун зарур бўлган куч, чидамлилик, тезкорлик, ҳаракатланишдаги чаққонлик, эпчиллик ва характердаги иродавий сифатларга мардлик, жасурлик, қатъийятлилик, ташаббускорлик, мустақиллик, иродалилик, ғалабага ишонч ва ҳоказо эга бўлади;

*туртинчидан,* спорт фаолияти спорт кураши билан боғлиқлиги яъни, бу ҳолат спорт мусобақаси жараёнида алоҳида характерга эга бўлиб, спортчида жисмоний кучларини юқори зўриктиришга, катта куч ва ҳиссий – иродавий кечинмаларининг чуқурлиги, психик жараёнларнинг кескин фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи, спорт фаолиятининг зарур таркибий қисми бўлган, спорт мусобақалари жараёнида кескин тус олувчи беллашувлар билан боғлиқ;

*бешинчидан*, жисмоний ва маънавий кучларни намоён бўлиши билан боғлиқлиги яъни, спорт фаолиятини мураккаб тузилишга эгалигини махсус малака ва кўникмаларни максимал даражада аниқлаш, мотор- ҳаракатчанлик қобилиятларини ривожлантириш, уларни доимий равишда юқори даражада сақлаб туриш зарурлиги. Шу нуктаи назардан спорт фаолияти ниҳоятда мураккаб таркибга эга бўлиб, ўзига нафақат мусобақаларда иштирок этишни, балки изчил равишда олиб бориладиган тайёргарлик машғотларини ҳам қамраб олди;

*олтинчидан;* онгли равишда бажарилиши билан ажралиб турувчи жуда катта масъулият ҳисси, ҳамда энг юқори ва самарали натижаларини қўлга киритиш истаги, ушбу ҳаракатни бажаришда рекорд натижаларини қўлга киритиш истаги билан мавжуд. Спорт фаолияти ахборот ва уни қайта ишлаш жараёнларига спортчининг хотираси ва диққатига, унинг иродавий хатти - ҳарактлари ва эмоционал холатига нисбатан жуда катта талабларни қўяди.

Маълумки, сезги ва идроклар ҳаракат фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатни фақат сезгилар орқали идрок этиш мумкин. Шунинг учун ҳам сезги органларини ривожлантириш айниқса, мускул – ҳаракат, мувозанат, куриш, эшитиш, тери – туюш сезгиларининг аҳамияти каттадир.

Ҳаракат фаолияти тасаввур, ҳаёл, хотира ҳам ўзига хос аҳамият эга. Ҳар қандай ҳаракатни эсда қолдириш онг жараён ҳисобланади. Ҳаракатни олдин тасаввур қилмасдан туриб уни бажариш қийин. Ўкув – машқ жараёнидаги ҳар бир ҳаракатни умумий тасаввур қилиш тасодифан эмас.

Кураш, бокс, қиличбозлик, дзю – до, футбол, бакскетбол, волейбол ва бошқа спорт турларида юқори тактик маҳоратга эга бўлиш, турли вазиялардаги ҳолатларни тез англаб, изчиллик билан қарор қабул қилишда тафаккрнинг ўрни муҳимдир.

Ҳар қандай спорт турида жисмоний машқлар ва спорт машғулотларини узоқ муддатда бажариб бориш натижасида ихтисослаштирилган идроклар ривожланади. Жумладан: югуришда “вақтни ҳис қилиш”, сузишда “сувни ҳис қилиш”, футбол ва спорт ўйинларида “тўпни ҳис қилиш”, циклик спорт турларида “макон ва вақтни ҳис қилиш”, боксда “оралиқ масофани ҳис қилиш” ва бошқалар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, жисмоний машқга ўргатишда ва спорт машқи жараёнида шахсни психик жараёнларини ва эмоционал иродавий ҳолатларини ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки,

1) куч чидамлилик сингари жисмоний сифатларни шаклланиши ва ривожланиши кўпиинча, иродавий сифатларнинг тузилишига, қисман эса, мақадга интилиш ва собитқадамликка боғилиқ;

2) янги ҳаракат малакаларини шакллантириш ва қайта ўрганишнинг тезлиги динамик стереотипнинг тез шаклланиши, мускул-харакат сезгиларини ва идрокни аниклиги, нерв системасининг динамикалиги ва илдамлигига боғлиқдир;

3) спортчининг тактик фаолияти унинг ахборотларини қабул қилиш ва қайта ишлашдаги индивидуал хусусиятларига, оператив тафаккур ва бошқаларга боғлик;

4) мусобақаларда спортчининг яхши натижалар кўрсата олмаслиги баъзан уларнинг етарли жисмоний тайёргарликка эга эмасликларидан эмас, балки ўз кучини тўғри сафарбар қилиш кўникмаларини йўқлиги, психик зўриқишга бардош бера олмаслиги яъни, психологик тайёргарликни етарли даражада эмаслигидандир.

Ҳар қандай ихтиёрий хатти-ҳаракат уни амалга ошириш учун жуда кам миқдорда бўлса-да, кишидан иродавий зўр беришни тақозо этади. Одамнинг иродавий интилишлари, яъни хатти-ҳаракатлари унинг мушаклари ҳаракатларидан фарқ қилади. Албатта, ҳар қандай иродавий зўр беришда ҳам, сезилар-сезилмас даражада мускул ҳаракатлари мавжуд бўлади. Бироқ, бу ҳаракатлар иродавий зўр беришлар учун асосий ҳисобланмайди, зеро, иродавий зўр беришлардаги асосий жиҳат бу, ички зўриқиш ҳолатидир. Иродавий зўр беришлар доимо онгли равишда амалга оширилади, сабаби бажариладиган хатти-ҳаракатнинг мақсади ва ундан кутилаётган натижани у ёки бу тарзда аниқ тасаввур қилиш билан боғлиқдир. Иродавий зўр беришлар, иродавий ҳатти-ҳаракатни бажаришда дуч келадиган тўсиқларда яққолроқ намоён бўлади. Иродавий зўр беришнинг жадаллиги, уни бажаришда дуч келинадиган қийинчиликларга тўғри пропорционалдир.

Иродавий зўр бериш субъектив жиҳатдан у ёки, бу қийинчиликни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос ички ҳолат сифатида ҳис қилинади. Бирор-бир қийинчиликнинг мавжудлиги, иродавий зўр бериш намоён бўлишининг асосий ва зарурий шартидир.

Спорт фаолияти кучли ва ёрқин эмоционал кечинмалари билан ажралиб туради. Спортни ҳис туйғуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Спорт фаолиятининг кучли ҳис туйғуларга бойлиги, уларнинг эмоционал жозибадорлиги - бу спортнинг инсон шахсиятига ижобий таъсир қилишидаги энг муҳим шартлардан биридир. Аммо спортдаги эмоционал кечинмалар бошқа ҳис – туйғулар каби стеник ёки астеник бўлиши, улар инсоннинг табиий жараёндаги хатти-ҳаракатларига хам ижобий ҳам, салбий таъсир этиши мумкин.

Одамнинг нима қилмоқчи ёки нимага эришишни белгиловчи фаолият мақсадидан фарқли равишда мотивлар у нима учун айнан ана шу ишни бажаришни ёки шунга эришишни хоҳлашини тушунтиради.

Спорт билан шуғулланишга ундовчи мотивларнинг асосий психологик хусусиятлари, шахсни маълум бир спорт тури билан шуғулланишга йўналтириб унда қаноатланиш ҳиссини пайдо қилади ва бу хисларни айни спорт фаолиятидан ажратиб бўлмайди.

Спортчи муайян спорт тури билан шуғулланиш орқали шу соҳа эгасига айланиб боради. Жумладан; шуғулланадиган спорт фаолияти тури бўйича учинчи, иккинчи ва биринчи тоифга эга бўлиш орқали спортчи гимнаст, боксчи, футболчи, моҳир сузувчи, курашчи, баскетболчи ва ҳ.к. каби спорт малака тоифасига эга бўлади.

Инсонни спорт фаолияти билан шуғулланишига ундовчи мотивлар спорт фаолиятининг ғоявий йўналишини асосини белигилаб берувчи хусусиятга эга бўлади. Маълум маънода спорт ўйин билан умумий ўхшашликка эга, чунки спорт фаолиятини мотивлари айнан шуларга киради.

Спорт фаолияти билан шуғулланиш –фақат рекордларгина эмас, спорт билан шуғулланиш бу инсонни меҳнатсеварликка, ўз устида тинимсиз ишлага, ўз Ватани шаънини ҳимоя қилишга ва ҳар томонлама тараққий этиш учун мухим воситаларидан бири сифатида катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсларни жисмоний тараққиёти масаласи билан бирга маънавий – ахлоқий сифатларини ҳам тарбиялаш имконини беради.

Спорт тирик организм фаолияти бўлиб, мураккаб тузилишга эга ва бир бири билан органик боғланиб кетган қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) жисмоний машқлар техникаси, жисмоний ривожланишни;

б) жисмоний тарбиянинг ташкилий шаклларини;

в) жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини;

г) жисмоний машқлар билан шуғулланишга ундовчи мотивларни.

Жисмоний ривожланиш вазифаларни жисмоний тарбияни педагогик жараёни билан чеклаш мумкин эмас, чунки инсонни спорт билан шуғулланишга асосий ундовчи бу мотив ҳисобланади.

Жисмоний тарбиянинг педагогик жараёнида спорт фаолияти билан шуғулланишга ундовчи мотивларига таъсир этмасдан туриб, ҳеч бир тренер спортчини спорт техникаси ва тактикасини пухта эгаллашга ўргата олмайди. Бу педагогик жараённи тўла қонли амалга оширишда тренер спротчини нафақат спорт техникасига балки, уни маънавий – ахлоқий қиёфасини ҳам шакллантиришга масъулдир.

Юқорида баён этилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, спорт фаолиятини тўғри ташкил этиш спортчилар шахсининг қарор топиши ва шаклланишида спорт фаолияти ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Мураббийлар учун спортчининг таланган спорт тури билан шуғулланишга мажбур этадиган мотивлар хусусиятларини аниқ билишлари ўта зарур. Шунингдек, спортчиларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган вазиятларни моделлаштириш ҳам талаб этилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz - Toshkent: “O’zbekiston” NMIU, 2017. – 488 b.
2. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini taminlash yurt taraqqiyoti va halq faravonligining garovi. O’zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruza. 2016 yil 7 dekabr /Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent: “O’zbekiston” NMIU, 2017.- 48 b.
3. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlili, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – xar bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza, 2017 yil 14 yanvar. – Toshkent: “O’zbekiston”, 2017. – 104 b.
4. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag’ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo’shma majilisidagi nutq / Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent: “O’zbekiston” NMIU, 2017. – 32 b.
5. З.Г.Гаппаров Спорт психологияси жисмоний тарбия институти талабалари учун дарслик / УзРес олий ва урта махсус таълим вазирлиги.-Т.: " Мехридарё", 2011-345б.
6. П.А. Рудик. Психология. Физкультура и спорт. – М; 1974 г. 380-382с.

## ТУРИЗМДА МАРКЕТИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ

*Арифджанов Ш.*
*Тошкент давлат Аграр Университети талабаси*

Жаҳон иктисодиётида туризм энг сердаромад соҳалардан бирига айланди. Туризм йўналишлари асосан тарихий-рекреацион, тарихий-маданий мерос объектлари, соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир. Туризмнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Туризм соҳасидаги фирма ва компаниялар фаолиятида Ўзбекистонга хориждан туристларни кириб келишини кенгроқ йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг асосий сабаблари, Ўзбекистоннинг хорижий давлатларда мавқеини янада ошиб боришига, қўшимча иш ўринларини яратилишига, хорижий валюталарни кириб келишига, ялпи ички маҳсулотда, давлатбюджетининг даромадлар қисмида туризмнинг улушини ошиб боришига ва бир қатор кулайликларни яратилишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, республикамизда фаолият олиб бораётган туризм хизматлари кўрсатишга ихтисослашган компания ва фирмаларни стратегик бошқаришнинг умумий

тизимида инновацион ва молиявий-инвестицион мажмуалар, маркетинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунда маркетингнинг вазифаси керакли маҳсулот (ёки хизмат)ни харидорларга, бозорга таклиф этишдан иборат.Ўзбекистон туристик ресурсларга бой мамлакат ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ушбу ресурсларни халқаро даражага кўтариш ва такомиллаштириш зарур бўлиб, унда маркетинг тадбирларини қўллаш талаб этилади. Туризм хизматларини яратишда, турист нимани сотиб олиши мумкинлигини аниқлаб олиш зарур. Буни аниқлаш учун албатта маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш талаб этилади. Чунки маркетинг натижасида туристик корхоналар ўзларига керакли бўлган маълумотларга бўлинади. Ахир турист фақат меҳмонхонада жойлашгани учун эмас, балки қулайлик, яхши муомала учун ҳам пул тўлайди. Шунинг учун ҳам тур маҳсулотяратиш истеъмолчи сифати ва хусусиятларини ўрганиш, туристлар учун нисбатан қизиқарлироқ томонларни аниқлашдан бошланиши лозим. Айнан шу тур маҳсулот ишлаб чиқишда ва уни сотишда ёрдам берадиган омил ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан тур маҳсулотнинг бир неча асосий истеъмол хусусиятлари эътироф этилган:

* ўзаро боғлиқлик, яъни кўрсатиладиган барча хизматлар туристлар талабларига асосланган саёҳат мақсадлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши лозим;

* ишончлилик - маҳсулот реал таркибининг рекламага мослиги, маълумотларнинг тўғрилиги;

* самарадорлилик - турист томонидан кам ҳаражат эвазига юқори самарадорликка эришиш;

* яхлитлиллик - маҳсулотнинг турист талабларини тўлалигича қондира олиш қобилияти;

* аниқлилик - маҳсулотнинг истеъмол қилиниши, унинг йўналтирилганлиги ҳам туристга, ҳам хизмат кўрсатувчи персоналга тушунарли бўлиши лозим;

* фойдаланиш осонлиги;

* мослашувчанлик - маҳсулот ва хизмат кўрсатиш тизимининг истеъмолчиларнинг бошқа типларига мослаша олиш қобилияти ва хизмат кўрсатиш персонални ўзгаришига нотаъсирчан бўлиш;

* фойдалилик - бир ёки бир неча мақсадларга хизмат қила олиш қобилияти (масалан, дам олиш ва билиш), туристнинг у ёки бу талабларини қондира олиши.

Бу хусусиятларни амалга ошириш назоратини таъминлаш туристларнинг саёҳатдан кейинги қониқиш даражасини ўрганишдир. Аммо туристик хизматлар назорати тур маҳсулотни режалаштириш босқичидан бошланади. Туризм индустриясида меҳмондўстлик профессионал талаб бўлиб, у инсонларга уларни қабул қилаётганлигимиздан хурсанд

эканлигимизни кўрсата олиш санъатидир. Бу тушунча кўп қиррали бўлиб, кўп омиллардан келиб чиқади:

а) дам олиш, билиш ва кўнгил очиш имкониятлари ҳақида маҳаллий ва регионал бозорларнинг сифатли маълумотлари ҳамда туристлар билан учрашувга тайёрланишаётгани ҳақида маълумот;

б) потенциал истеъмолчиларда туристик жойлар, корхоналар, хизмат кўрсатувчи персоналлар тўғрисида ижобий тасаввур пайдо қилиш (реклама, туризмга бағишланган телекўрсатувларда иштирок этиш ва ҳоказо);

д) хизмат кўрсатувчи персоналларнинг туристларга эътибор белгиларини кўрсатишга ошкора интилишлари (ҳамма нарса мижозлар учун принципи бўйича хизмат кўрсатиш сиёсати);

е) туристик маҳсулот етказиб берувчиларнинг мижозлар илтимослари ва истакларига эътиборли муносабатлари (биз сиз учун яна нима қила оламиз принципи бўйича);

ф) туристларга сифатли хизматлар кўрсатишда ғамхўрлик қилиш (йўл кўрсаткичи ва буклетлардаги объектлар ҳақида туристга тушунарли тилдаги фирма ичидаги маълумотлар);

г) хизмат кўрсатишда туристларга яхши муносабатда бўлиш. Бу принципларнинг барчаси хизмат кўрсатиш технологиясига киритилиши

лозим. Маркетинг тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, халқаро туризмда туристларга қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

* кутиб олиш сувенири – ҳар бир туристга ҳатто, сувенир сифатида бир дона ручка ҳам бўлиши мумкин. Тур типи ва саёҳат мақсадига боғлиқ равишда масалан, туристларни қизиқтирадиган маҳсулотларнинг сувенир намуналари, махсус буюмлар; фолклор турлар учун - миллий характердаги майда сувенирлар;

* туристларга тур тугаганидан кейин ўтилган йўналиш ҳақида махсус тайёрланган дипломлар, ёрлиқлар, нишонлар бериш;

* дам олиш жойи тўғрисидаги реклама варақалари, буклетлар, йўл

кўрсаткичи ва маълумотномаларни туристлар бепул олиш имконияти мавжуд бўлиши лозим;

* дам олишнинг (саёҳатнинг) биринчи кунидан туристларга режалаштирилган ва қўшимча хизматлар ҳақида маълумот бериш ва уларни ойдинлаштириш учун гид билан учрашув ўтказиш лозим. Агар бу учрашувда видео маълумот бўлса ва туристлар маҳаллий ичимликлар билан меҳмон қилинса яхши бўлади.

Хозирги шароитида янги иқтисодий механизм ташкил қилиш ва қуйидаги аниқ тадбирларни амалга оширишни талаб қилади: - импортни камайтириш ва меҳмонхоналарни мижозлар учун замонавий, халқаро андозаларга жавоб берувчи мебель ва инвентарлар билан таъминлаш.

Бунинг учун мебель ва инвентарлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш;

- миллий хунармандчилик бўйича кичик корхоналар очиш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, туристлар учун кундалик зарур маҳсулотларни ишлаб

чиқариш;

- туристлар бўш вақтини ўтказиши учун соғломлаштириш марказлари, кўнгилочар клублар, спорт марказлари, турист парклари, теннис корт майдончаларини ташкил қилиш;

- реклама (эълон қилиш) фаолиятини кенгайтириш шунга мос полиграфия

базаларини, аудио, видео, нашрни маҳсулотлар сифатини яхшилаш;

- сувенир маҳсулотлари, спорт инвентарлари, махсус белгиси бор турист инвентарлари ишлаб чиқарувчи хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш;

- туризм иқтисодига капитал қўйилмаларни жалб қилиш учун солиқ тартиби кафолатлар тизимини ишлаб чиқиш;

- туризм соҳасини ривожлантиришга хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратиш;

Ўзига тортувчи турмаҳсулотни яратиш туроператорнинг биринчи ва энг муҳим вазифасидир. Туристик ташкилотларнинг бу фаолият соҳаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ, шунингдек турмаҳсулот миқдори ва хизмат кўрсатиш дастурларига, турлар кўламига тегишли қарорларнинг қабул қилинишини талаб қилади. Замонавий туризм фаолиятини ташкил этувчиларидан бири туристик хизмат кўрсатиш сифатини тартибга солишдир. Хизмат кўрсатиш сифати - истеъмолчиларнинг маълум истакларини қондиришни таъминлайдиган хусусиятлар мажмуидир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Andrianov, V. I. (2015). Problemy razvitija vnutrennego i v’ezdnogo turizma [Problems of development of domestic and incoming tourism]. Sovremennye problemy servisa i turizma [Service and Tourism: Current Challenges], 3(9), 5-11. (In Russ.).

2. Kleiman, A. A., & Evreinov, O. B. (2015). Infrastruktura turizma: strategija razvitija [Tourism Infrastructure: The Development Strategy]. Moscow: NIC INFRA-M. (In Russ.).

3. (2017). Industrija turizma: vozmozhnosti, prioritety, problemy i perspektivy [Tourism industry: opportunities, priorities, problems and prospects]. Collection of scientific papers X international scientific and practical conference, 10(1). Moscow: Yu.A. Senkevich Moscow State Institute of Tourism Industry. (In Russ.)

# OILAVIY MUNOSABATLARDA FARZANDGA BO’LGAN E’TIBOR VA OILADA BOLALAR RIVOJIDA PSIXOLOGIYANING O’RNI VA AHAMIYATI

*Asrorova S.*
*O’zMu Jizzax filiali talabasi*
*Ilmiy rahbar: Toshnazarova U.*

«Bugungi kunda bizning qilayotgan barcha ishlarimiz farzandlarimizning baxtu saodati faqat boylik, mol mulk bilan belgilanmaydi. Odobli, bilimdon va aqlli, mehnatsevar, iymon-e’tiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki jamiyatning eng katta boyligidir».

(Islom Karimov)

O’zbekiston o’z mustaqilligini qo’lga kiritgan dastlabki kunlardan boshlab, yangi hayot, yangi jamiyat qurishga kirishdi. O’zbekistonda bozor iqtisodiyotiga asoslangan erkin – demokratik davlat va fuqarolik jamiyatining mustahkam poydevori barpo etildi. Siyosiy, iqtisodiy, ma’naviy sohalarda ulkan o’zgarishlar amalga oshirildi. Davlatimiz dunyodagi taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan mustahkam o’rin egallay boshladi. XXI asrning dastlabki yilidanoq ozod va obod Vatan, erkin va faravon hayot barpo etish – O’zbekiston xalqining milliy taraqqiyot yo’lidagi bosh g’oyasiga aylandi. Asosiy maqsad yurt tinchligi, Vatan ravnaqi va xalq farovonligini ta’minlashga xizmat qilish, jamiyat a’zolarini, aholining barcha qatlamlarini O’zbekistonnning buyuk kelajagini yaratishga safarbar etish, millati, tili va dinidan qat’iy nazar, mamlakatimizning har bir fuqarosi qalbida mustaqillik g’oyalariga sadoqat va o’zaro hurmat tuyg’usini qaror toptirish bo’lib qoldi. Albatta, milliy istiqlol mafkurasining bosh g’oyasi va uning maqsadlarini o’quvchi – yoshlar ongiga singdirishda ta’lim – tarbiya bilan bir qatorda oilaning ahamiyati beqiyosdir. Chunki, oila mafkuraviy tarbiyaning eng muhim ijtimoiy omillaridan biri hisoblanadi. Oila – jamiyat negizi bo’lib, ko’p asrlik mustahkam ma’naviy manbalarga ega. Zero, insonning taqdiri ham, kelajakdagi yutuqlari ham, kasb tanlashi ham, axloqli – odobli bo’lishi ham oilaga bog’liqdir. Chunki, farzandlarimizning yaxshi xulqi, axloqi oilada kamol topadi.

Insonning ma'naviy jihatdan kamol topishiga oila muhim rol o’ynaydi, chunki oila ikki muhim vazifani bajaradi –farzandlarni dunyoga keltirish hamda ularga to’g’ri tarbiya berish. Ota-onalar bola hayotining birinchi kunlaridan boshlab unga sog’lom o’sish, rivojlanish va xulqini shakllanishiga yordam beruvchi ijobiy odatlarni tarbiyalash, ularga axloq madaniyatini shakllantirish, ularga umumiy qoidalarni tushuntirib berish jumladan, uyda, bolalar bog’chasida, maktabda, ko’chada, jamiyat joylarida qanday tutish kerakligi haqida aytib o’tishi shart. O’zidan katta va tengdoshi bilan muomala madaniyatini o’rgatish, kattalarni hurmat qilish, ular bilan sizlab gapirish kerakligi haqida aytishsa foydadan xoli bo’lmaydi. Oilada o’g’il farzand voyaga etgandan keyin har bir ota o’z bolasiga erkakning vazifasi nimadan iborat bo’lishi ya'ni oilani ma'naviy, iqtisodiy qo’llab quvvatlash, ayoli va farzandlarining tashvishlariga sherik bo’lish, oila mabodo

xavf-xatarga yo'liqsa qalqon bo'la olish va umuman oila a'zolariga g'amxo'r bo'la olishni tushuntirib berishi lozim. Agar oilada qiz voyaga etsa onasi unga ayolning vazifasi nimadan iborat ekanligini ya'ni oilada farzand tarbiyasi bilan shug'ullanishi, ularni oq yuvib, oq tarashi, erkakning olib kelgan oziq-ovqatlarini pishirishi, mehmon kutish va eng muhimi er va bolalarini ishga va o'qishga kuzatish, kutib olishni hayotiy misollar bilan aytib bersa nur ustiga nur bo'ladi. Oilada qat'iy intizom va kun tartibining bo'lishi bolalar tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Farzandlarning bilim olishdagi yutug'i, axloqi, sog'lig' darajasi ko'p jihatdan oilada qaror toptirilgan rejimiga bog'liq. Ota-onalar o'zlari ham ana shu tartibga amal qilib, namuna bo'lishlari zarur. Oilada ota-onalar o'rtasidagi o'zaro samimiyat, hamjihatlik, mehru oqibat, o'zaro hurmat, shirinsuxanlik, bir-biriga g'amxo'rlik qilish kabi munosabatlar farzand tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Ota-ona har narsadan urush-janjal chiqarib, farzandlari oldida bir-birini so'kib, qarg'ab hurmatsizlik qilsa, bu farzandlar tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatishi aniq, keyin„Qush uyasida ko'rganini qiladi"-degan maqolni ham esdan chiqarmaslik lozim. Donolarimiz bekorga aytishmagan: "Bir kun janjal bo'lgan uydan qirq kun baraka, xayr ketadi". Oilaviy janjallar xonadon muhitini buzadi. Yana muhim vazifa ota-onalar bosh tarbiyachilar sifatida va farzandlariga avlodlarimiz tarixi, ularning qahramonligi, jamiyatdagi obro'-e'tibori haqida ehtiros bilan gapirib bermog'i va shu asosda yoshlarda Vatan tuyg'usini uyg'otishi lozimdir. Dono halqimiz aytganidek, "Inson o'zining etti avlodini bilmog'i kerak". Bolalikda tarbiyalangan vatanparvarlik hissi insonni hech qachon tark etmaydi. Shu bois ota-onalar bolalarida milliy qadriyatar asosida vatanparvarlik hislarini tarbiyalash tamoyillari ustida ishlamoqlari kerak. Bunda yashab turgan muqaddas zaminimiz, uning quyoshi, suvi, havosi, bog'i rog'lari, mehmondo'stligi va insonparvarlik bola qalbini cho'lg'ab olmog'i lozim. Buning uchun ota-onalar bolalariga xalq pedagogikasi janrlarida talqin etilgan ertaklar, hikoyalar, qo'shiqlardan foydalanish kerak. Ota-onalar o'z farzandlari bilan birgalikda tabiat qo'yniga sayr qilishlari ham yaxshi natija beradi. Ular farzandlarining tabiatdan bahramand bo'lishdan tashqari, ona vatanga bo'lgan muhabbatini, yashab turgan ona diyori go'zalligini tabiat ne'matlarining qadriga etishi, ularni avaylab –asrashni farzandlarning ongiga singdirib borishlari lozim. Xullas, har bir ota-ona o'z farzandi tarbiyasiga e'tibor bilan qarasa, ota-onalik burchini ado etsa jamiyatning rivojlanishiga o'z hissalarini qo'shgan bo'ladi natijada oilada sog'lom bola, barkamol inson tarbiyalanadi. Dunyo taraqqiyoti insonlar tomonidan kashf etilgan yangiliklar bilan ta'minlanadi. Shu kashfiyotlarni eng buyugi – bu oila bo'lsa ajab emas. Zero, oila u qaysi millat, qaysi davlatga oid bo'lishidan qat'iy nazar aynan mana shu millatni, mana shu davlatning hususiyatini o'zida mujassam etadi. Shu ma'noda birinchi Prezidentimiz I.A. Karimovning "… bu yorug' dunyoda hayot bor ekan, oila bor. Oila bor ekan, farzand deb atalmish bebaho ne'mat bor. Farzand bor ekan, odamzod hamisha ezgu orzu va intilishlar bilan yashaydi",- degan fikri ayni muddaodir. Shuning uchun ham oila insoniyatning ilohiy va mo''jizaviy kashfiyotidir. O'zbek xalqining madaniyati tarixida Abdulla Qodiriyning "O'tgan kunlar" romani alohida hurmat, ehtirom ila tilga olinadi. Unda ma'naviyat, madaniyat, axloqiy-estetik munosabatlarning klassik namunalarini ko'rishimiz mumkin: Oilaning har bir

a'zosini o’z munosabat uslublari, xatti-harakat tamoyillari bor. Ular oilaning har bir a'zosi, har bir vaziyat uchun alohidalik, o’ziga xoslik kasb etadi. Otabek – Kumush, Otabek – Yusufbek Hoji, Otabek –Qutidor, Otabek – Zaynab munosabatlari bunga misol bula oladi. Munosabatning har bir vaziyatida ma'naviy namuna mavjud. Shuning uchun ham oilaviy munosabatlar, uni bolalarda ma'naviyatli, sog’lom bola qilib tarbiyalashda “O’tgan kunlar” senariysini andoza qilib olish mumkin. Bundan tashqari buyuk alloma Abu Ali ibn Sino ham bola tarbiyasida o’z fikrlarini keltirib o’tgan. Olimning bolani tarbiyalash va o’qitish to’g’risidagi ko’p fikrlari o’zining chuqurligi, insonparvarligi va teranligi bilan kishini hayratda qoldiradi. Ibn Sino bolani tarbiyalashni ona qornidayoq boshlashni maslahat bergan va u bolaning xulqini mo’tadillikda saqlashga alohida e’tibor berish kerak. Deb ta’kidlagan. Bu esa bolani qattiq g’azab, qo’rqish, qayg’u va uykusizlikda saqlash bilan qo’lga kiritiladi. Hamma vaqt bolani istagan narsasini muhayyo qilishga va istamaganini uzoqlatishga tayyor qilish kerak. Bunda ikkita manfaat bor. Biri – bolaning nafsi uchun bo’lib, u yoshlikdkan boshlab yaxshi xulqli bo’lib o’sadi va keyinchalik bu unga ajralmas malaka bo’lib qoladi. Ikkinchidan – uning badani uchundir, chunki yomon xulq turli mijoz buzilishlarida bo’ladi, degan edi. Oilada sog’lom bola, barkamol shaxs tarbiyasiga zamin yaratishda ota-onaga nisbatan bobo-buvilarning o’rni ko’proq. Mirzo Ulug’bekni buvisi Saroymulkxonim nabirasini buyuk olim, ma'naviyati yuksak darajadagi inson va davlat arbobi sifatida rivojlantirishida muhim o’rin tutgani tarixdan ma'lum. Bunday misollarni mashhur yozuvchilar, xofizu sozandalar, aktyorlar, rassomlar hayotlaridan misollarni yuzlab keltirish mumkin. Oila sharoitida ota-onalar alohida e'tibor qaratishi lozim bo’lgan muhim jihatlardan biri bu – atrof-muhitni, olamni, shu jumladan oiladagi mikromuhitni bola tomonidan qiziqish bilan idrok etish ma'naviyat va vatanparvarliklarni rivojlantirishining belgilovchi omilidir.Ota-onalar farzandlarida ma'naviyat va vatanparvarlikni rivojlantirishi uchun qulay oilaviy mikromuhit yaratishlari, o’z farzandlarining faoliyatlarini kuzatib, lozim bo’lgan vaziyatlarda bu jarayonga ma'lum ijodiy o’zgartirishlar kiritish, bu jarayonni pedagogik-psixologik jixatdan boshqarishlari lozim. Bu bevosita ota-onalarning o’z xatti-harakatlari, faoliyatlari, estetik qiziqishlari, bilan bolalarini o’z ortlaridan ergashtira olishlari, ya'ni o’rnak, ibrat bo’lishlari lozim. Kezi kelganda ta'kidlash joizki, ko’p hollarda ota-ona va bola munosabatlarida ta'qiqlovchi ko’rsatmalar ustuvorlik qiladi. Bu jarayonda bir qator noto’g’ri qarorlar qabul qilinadiki, uning zamirida pedagogik–o’quvsizlik, ta'bir joiz bo’lsa, savodsizlik yotadi. Aslida, ota-ona o’z farzandiga ta'qiqlab qo’ygan narsasini o’zi xotirjam bajaradi. Masalan, uzoq muddat davomida televizor ko’radi, bir-biriga, shu jumladan farzandlariga qo’pol muomalada bo’ladi, qo’shnisiga yolg’on gapiradi va hokazo. Axloqiy jihatdan xunuk bu holatlar, bevosita ma'naviyat va vatanparvarliklarni to’g’ri rivojlantirishiga salbiy ta'sir ko’rsatadi. Zero, taqlid bolalar faoliyatida ustuvor ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham ota-onalarning faoliyatlarida, bolalarga nisbatan munosabatlarida haqqoniylik, ob'ektivlik bosh mezon bo’lmog’i lozim. Muhimi, ular nimaiki qilsa yoki bajarishsa, bola ongida ijobiy, ijodiy xis hosil qilsin.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Karimov I.A. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. Toshkent: O'zbekiston, 1996, 3-tom.
2. Karimov I.A. "Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori". T.: Sharq, 1998.
3. Karimov I.A. "Barkamol avlod orzusi". T.: Sharq, 1998.
4. Aliqulov X. Sharq mutafakkirlari axloqi haqida. T.: 1979.
5. Asqarov I.Sh., Mamtqulova R. H.D. Norqulov "Shaxs va oila tar biyasining pedagogikasi" Toshkent 2009
6. Hasanboeva O. "Oila pedagogikasi" "Aloqachi" nashiryoti 2007
7. X.I.Ibragimov, U.A.Yuldoshev "Pedagogik psixologiya " Toshkent 2009
8. A.Eshmatov "Oilaviy munosabatlar shart sharoitida bolalar tarbiyasining o'ziga xos xususiyatlari" Samarqand-2014

## SUITSIDAL XULQ-ATVOR KO'RINISHLARINI O'RGANISHGA QARATILGAN TADQIQOTLAR TAHLILI

*Axmadov N.R.*
*BuxDU magistranti*

Bugungi davr informatsion axborot texnologiyalari davri bo'lib unda inson va unga ijtimoiy psixologik ta'sir etuvchi omillar tizimi tobora ortib bormoqda. Bunda, inson qudrati va uning imkoniyatlari yanada ortishi natijasida, odam o'zini–o'zi yo'q qilib yuborish darajasiga borib yetdi. O'z joniga qasd qilish – aholi muhofazasiga doir sohalararo va fanlararo dolzarb muammo hisoblanadi. Ommaviy axborot vositalari e'tiqod va qarashlarni shakllantirishning muhim manbalaridir, shu bilan birga, jamiyat ogohligini oshirishning asosiy strategiyasi ham. Suitsidal xulq shakllanishi nuqtai nazaridan OAV roli – ko'p yillik bahs-munozaralar mavzusidir. Aholida suitsidentlarga nisbatan empatiyaning tobora kuchayishi va natijada suitsid ehtimolini oshishi fonida OAV suitsidga oid bahs-munozaralar va kundalik shovshuvlarning umumiy maydoniga aylangan ("nonushtaga qo'yilgan murda"). OAV berayotgan suitsidal tematikaga oid ma'lumotlar bilan ko'pomilli biopsixosotsial hodisa sifatidagi suitsidal xulq o'rtasidagi aloqa oydinlashtirishni taqozo etadi. Islom dini hukmron sharq mamlakatlaridan farqli ravishda G'arbiy Yevropada suitsid masalalari 1830 yillardan boshlab ijtimoiy hodisa sifatida statistik tahlillar va gazetalardagi axborotlar diqqat markaziga ko'chgan.

XX asrning 70 yillarida amerikalik sotsiolog D.Phillips suitsidal holatlarning retrospektiv statistik tahlillarini chop etgan. Aynan mazkur ishlarda OAV tomonidan yoritilgan real yoki o'ylab topilgan voqealar negizida taqlidiy suitsidlar vujudga kelgani tilga olingan, Verter (Hyotening qahramoni XVIII asr yosh "romantiklari" uchun jozibador tuzoqqa aylangan) nomi berilgan, ijtimoiy-psixologik "yuqumlilik" effekti sanalgan suitsidal xulq tahlil qilingan.

1947-1968 yillarda AQShda ro’y bergan suitsidlarning retrospektiv tahlili suitsidlarning milliy darajasi yirik gazetalarda chop etilgan shov-shuvli maqoladan keyingi ikki oy davomida o’rta qiymatda 58 kishiga ortganini ko’rsatgan; voqea qanchalar ko’p “chaynalsa” u chop etilgan hududlarda suitsid darajasi shunchalar yuqori bo’lavergan. Mabodo “mashhurlashgan” suitsident yosh bo’lsa – uning tengdoshlari orasida suitsidlar ko’paygan; mabodo biron-bir ijtimoiy qatlamga (kasbga) mansub bo’lsa – shu qatlamga (kasbga) mansublar orasida suitsidlar ko’paygan; suitsidlar usullari va ko’rinishlari ham monand bo’lgan. Mazkur novatorlik ilmiy ishlar hozirgi kunga qadar ko’plab olimlar tomonidan e’tirof etilmay kelgan. Suitsidlarning qisqa muddatli o’sishiga olib keladigan, boshqa hech qanday omillar va to’satdan ro’y beradigan fluktuatsiyalar tomonidan izohlanmaydigan, mediastsenariylarni takrorlaydigan, xatar guruhlariga taalluqli taqlidiy suitsidlar hozirda real va o’ylab topilgan hikoyalar misollarida tizimli tahlil etilgan. Yuzlab tadqiqotlar gazetalar, televidenie orqali yoritilgan axborot bilan keyingi taqlidiy suitsidal xulq o’rtasidagi sababiy aloqalarni tasdiqlagan. Minglab tadqiqotlar OAVda namoyish etiladigan zo’ravonlik sahnalari bilan ayrim bolalarning agressiv xulqi o’rtasidagi sababiy-oqibatli aloqalarga ishora qilishgan.

Suitsid to’g’risidagi hikoyalarning ortishi mutolaa qiluvchilar va tomoshabinlar orasida suitsidlar ko’payishiga sabab bo’lgan; alohida olingan o’lim gazeta va jurnallarning eng ko’rinarli yuzasida joy olgan bo’lsa, uzoq yoritilsa yoki fojeaga aylantirgan xolda muhokama etilsa ham (“10 yashar bola “ikki” baho uchun o’zini o’ldiribdi”) shu holat kuzatilgan. Umuman olganda nashriyotlar suitsidlarning milliy darajasini oyiga “boryo’g’i” 2.5 foizga oshirar ekan.

Meta-tahlillar, mashhurlar suitsidlari (shou-biznes yulduzlari nazarda tutilgan), “oddiy odam” o’limiga nisbatan, taqlidiy suitsidlarni besh barobarga oshirishini ko’rsatdi. Xitoyda ham OAV tomonidan shiddatli tus oldirilgan yirik elektrokompaniya xodimlari o’rtasidagi turkum suitsidlar tavsif etilgan. Navbatdagi suitsiddan keyingi uch kun davomida kompaniyaning boshqa xodimlari tomonidan amalga oshirilishi mumkin bo’lgan suitsid xavfi yuqori darajada saqlanib qolgan. Yaponiyada OAVdagi o’z joniga qasd qiluvchilar to’g’risidagi hisobotlari suitsid soni oshishiga sabab bo’lishi qayd etilgan. Model bir oylik suitsid darajalarining 88% tushuntirgan. Tayvanda rasmiy matbaa nashrlarida kuzatiladigan suitsid haqidagi axborotlar o’rnini ortig’i bilan to’ldiruvchi “sariq” pressadagi suitsid haqidagi ma’lumotlar 1998- 2006 yillardagi suitsid darajasini oshishiga ko’maklashgan. Shaxsiy kompyuterlar miqdori erkaklar o’rtasidagi suitsid darajasi bilan ijobiy korrelyatsiyani bergan. Avstraliyada esa poytaxt gazetalarida berilgan ma’lumotlar va undan keyin sodir etilgan erkaklar suitsidi darajasi o’rtasida aloqadorlik kuzatilgan. Og’ir kasallarga mo’ljallangan o’zini-o’zi bo’g’ishni maslahat beruvchi “So’ngi yechim” nomli qo’llanma chop etilgandan so’ng NyuYorkda o’zini-o’zi bo’g’ganlar miqdori to’rt karra ortgan (8 tadan 33 tagacha); suitsid sodir bo’lgan joylarning ¼ da o’sha kitob topilgan.

Taqlidiy suitsidlar suitsid to’g’risidagi ma’lumot OAV e’lon qilingan keyingi 3-7 kun davomida ortib borishi va sekin-asta ikki hafta davomida pasayishi qayd etilgan. “Yulduzlar” suitsidi uzoq istiqbolda suitsidal niyatlarga qanday ta’sir qilishi kam o’rganilgan, biroq mazkur holat 8-15 oy davomida ta’sir qilishi ehtimol

qilinadi. OAV suitsid to'g'risida xabar berilgandan so'ng yo'l-transport hodisalari suitsid aynan qaerda amalga oshirilgan bo'lsa shu yerda 31%ga ortishi kuzatilgan.

Agressiya va suitsidal xulq xavfining oshishi bilan radio, televidenie orqali uzatilayotgan ma'lumot mazmuni o'rtasidagi aloqalar o'z isbotini allaqachon topgan. OAV orqali namoyish etilayotgan zo'ravonlik sahnalari agressiv mayllar, kutishlar, xotiralar, emotsional qo'zg'olishlarni kuchaytiradi, asotsial xulqqa qo'yiladigan ta'qiqlarni, qurbonlarga nisbatan empatiyani pasaytiradi.

Bolalar uyqudan qolgan vaqtining 1/3 qismini TV oldida o'tkazishar ekan; bu hayoti davomida amalga oshadigan ta'limga ketadigan vaqtdan ortiq ekan. 5-7 yosh oralig'idagi bolalarning teng yarmi TV orqali berilgan suitsidga guvoh bo'lishadi. Tomoshabinlarning eng zaif qismi ham bolalar hisoblanadi. 14-16 yoshdagi o'smir-o'spirinlardan farqli ravishda yosh bolalarning "xatarli" xulqi bilan TV tomoshosi o'rtasidagi aloqalar ham qayd etilgan. Hozirgi kunda "eski" OAV o'rnini, uning ham yaxshi, ham xunuk jihatlarini o'zida jamlagan Internet egallamoqda, ayniqsa yoshlar orasida. Internetdagi aksariyat bloglar nafaqat "dardlarni oladi", balki muammolarning noadekvat yechimlarini ham taklif qilishadi. Kibermobbing – virtual "g'ajish", odam shaxsiyatiga tegadigan axborotni ijtimoiy tarmoqlar orqali tarqatishni ham qamrab oladi (real yoki qo'lyuola fotosuratlar, videoroliklar). Sotsiologik tadqiqotlarning Forsa (2011) instituti axborotiga ko'ra, GFR o'quvchilarining 1/3 qismi potentsial suitsidogen omil bo'lgan kibermobbing qurbonlaridir. Isroillik o'quvchi qizlar tarmoqlar orqali amalga oshirilgan tahqirlarni ko'tara olmay o'zlarini dengizga tashlashmoqchi bo'lgan. Moskvadagi katta sinf o'quvchilarining har o'n nafardan bittasi "internet-tahdidlarga" duch kelgan. Yaponiya, Niderlandiya, Angliya va Rossiyadagi guruhiy suitsidlar ijtimoiy rad etilish va begonalashuv natijasidagi og'riq va xavotir fonida suitsidal xulq ko'rinishlarini qidirish bilan bog'liq ekan. Xatar guruhini Tarmoqlarning faol shinavandalari erkaklar tashkil qilar ekan. Kibersuitsid internetdagi maxsus saytlar bilan aloqador suitsidal xulqni belgilaydi. O'z joniga qasd qilish ishtiyoqidagilarning internet-klublari XX asr oxirlaridan jahon bo'ylab ommalashgan bo'lib, ular orasida yetakchilik Yaponiyaga tegishli (aksariyat yaponlar nafaqat onlayn, balki veb-kamera oldida ham guruhiy suitsidlarni qo'llashadi). OAV rahbariyati suitsid mavzusi "ilohiylashtirilgan" (fojealashtirilgan) filmlar syujetlari suitsidlar bilan "zaharlanishga" ko'maklashishini e'tirof etishadi. Suitsid "go'zallashtirilgan" filmga misol qilib AQShda ishlab chiqilgan "Telma va Luiza" filmini keltirish mumkin. Film rejissyori "besabab is'yonkor", jarlik uzra "parvoz" qilgan qizlar nima uchun shunday qilgani ustida bosh qotirishga majburlaydi. Klint Istvudning "Bir millionga arziydigan qizaloq" dramasida shol bo'lib qolib, tuzalishga umidini yo'qotgan Meggi o'zining yagona do'stidan unga o'lishga yordam berishni so'raydi. Do'sti norozi bo'lgandan so'ng Meggi tilini tishlab o'lishga qaror qiladi. Vrachlar go'yoki uni yana iztiroblar girdobiga tashlash uchun o'lim changalidan qutqarib qolishadi. Tunda Megging do'sti unga adrenalinning dahshatli dozasini ukol yordamida kiritishdan oldin «Mo Chuisle» laqabining ma'nosini tushuntiradi (irlan tilida "Azizim", so'zma-so'z "mening pulsim"). 2012 yilgi Kann kinofestivali nominanti bo'lgan "Suitsidlar magazini" nomli animatsiya shiori:

"sening hayoting – butkul omadsizlik – hech yo'q muvaffaqiyatli o'l". Bunday "qora yumor" aksil suitsidal omil bo'lib xizmat qilishiga shubha mavjud. Germaniyada ikki yilda ikki marotaba 5 hafta davomida namoyish etilgan o'zini poezd tagiga tashlagan student haqidagi "Student o'limi" serialining birinchi va oxirgi seriyalari oralig'ida hamda oradan sakkiz yil o'tgach ham mamlakatning temir yo'llarida o'z joniga qasd qilganlar soni muttasil ortib borgan. Serial namoyish etilishi boshlangandan keyingi 70 kun ichida 15-19 yoshli yigitlar orasida o'zlarini poezd tagiga tashlaganlar soni 175% ortgan. Buyuk Britaniyada paratsetamolni suiiste'mol qilib zaharlangan o'smir to'g'risidagi drama namoyishidan keyin uning tengdoshlari o'rtasida xuddi shunday zaharlaniganlar miqdori uch hafta mobaynida muttasil ortib borgan. 42 ta tadqiqot ma'lumotlarining logistik regression tahlili (293 holat) shuni ko'rsatdiki, o'ylab topilmagan suitsid to'g'risidagi hikoyalar ("hayotiy") taqlidiy suitsid xavfini 4 karra, "yulduzlar" suitsidining yoritilishi 14 karra oshirar ekan. Albatta bu axolining barchasiga taalluqli emas. "Muammoli" shaxslar taqlidiy suitsidga moyil bo'lishadi. Biroq kim ularni ajratib oladi degan savol bor. Har qanday psixik buzilish suitsid xavfini oshiruvchi omil hisoblanadi. TV ko'rsatuvlari psixik muammosi mavjud yosh bola va o'smirlar xulqini ahamiyatli tarzda belgilaydi. Masalan, diqqat tanqisligi va giperaktivligi mavjud 7 yoshli bola osishga hukm qilingan soldatlar to'g'risidagi film namoyishidan so'ng "o'ynab o'tirib" o'zini osib qo'ygan (film syujetiga ko'ra ular eson-omon qatldan qutulishadi). Biroq, TV ta'siri faqatgina kasallar bilan cheklanmaydi. Suitsid to'g'risidagi film sog'lom talabalarning 70% distressni hosil qilgan, ularning 1/3 – bu holat bir necha hafta davom etgan; 70% ko'rgan sahnalar xayolidan hech ketmasdan qiynalgan. O'smirlar suitsid mavzusiga xali psixik yetilmaganlik natijasida juda sezgir bo'lishadi. Ular uchun o'lim ma'lum darajada "ilohiylashadi": 22.5 % o'smir va 42.5% kattalar o'z joniga qasd qilgan jannatga tushadi deb hisoblaydi. Bor yo'g'i 20% o'smirlar o'lim hayot yakuni ekanini anglashadi; qolganlar uchun o'lim ustidan qozonilgan kuch muvaffaqiyatidir. O'smirlar o'limni "kinodagi" kabi jozibador idrok etishadi, go'yoki filmni qayta ko'rish mumkinday, hayotini ham qayta boshlash mumkin deb hisoblashadi, o'limni olamga ta'sir ko'rsatish vositasi, davolovchi uyqu, ayblov, muhabbat mehrigiyosi, marhum sevgilisiga yetishish deb bilishadi (O'zbekfilm, "Telba" k/f, oshig'i o'ldirilgan qiz go'yoki oshig'ining huzuriga tomdan uchib ketganday). Psixik buzilishlari mavjud shaxslar autoidentifikatsiya mexanizmlari buzilgani bois taqlidiy suitsidal xulqqa moyil bo'lishadi. Mashhurlar suitsidi 39% bemorlar depressiyasini kuchaytirgan bo'lsa, ularning 5.5% keyingi bir oy davomida suitsidga qo'l urishgan. Faol iste'molchilar sifatida o'smirlar OAV ta'siriga tez tushishadi. Ularning suitsidlari – OAV "rezonans" mavzularidir, bu, o'z navbatida, shu yoshdagilar orasida suitsid xavfini oshirib, 13-18 yosh oralig'idagilarning o'lim sonlari ichida ikkinchiuchinchi o'rinda turadi. O'smirlarga imitatsion xulq xosdir. OAV orqali tarqatilayotgan o'smirlik suitsidlari, tengdoshlarining turkum suitsidlariga turtkiga aylanadi. 7 yil davomida amalga oshirilgan 12000 o'smir suitsidlarining tanlanmasida OAVning o'z joniga qasd qilish to'g'risidagi takroriy reportajlari bir hafta mobaynida, ayniqsa qizlar o'rtasida suitsidlarning "anomal darajada o'sishini" ko'rsatdi.

**XULOSA QILADIGAN BO'LSAK:**

1. OAV tomonidan yaratiladigan kvazieksperimental sharoitlardagi yuzlab tadqiqotlar suitsidal xulqning ijtimoiy-psixologik "yuqumli" ta'sirini tasdiqlaydi.
2. OAV (hayotiy bo'ladimi yoki to'qima hikoyalar) ommaviy, vaqt ichra lokallashgan suitsidal klasterlar paydo bo'lishiga zamin yaratadi.
3. Taqlidiy xulq atvorga moyil shaxslar uchun OAV shaxslararo munosabatlarning o'ziga xos uslubi va odatiy muammolarning dezadaptiv yechimlarini shakllantiradi. O'z muammosiga yechim topishga qiynalayotgan shaxslar uchun suitsid to'g'risidagi axborot "hikmat" tarzida idrok etiladi va ular suitsidga qo'l urganlar xulqiga taqlid qilishadi.
4. Jurnalistlar suitsid holatlarini yoritishda juda ehtiyotkor va mas'uliyatli bo'lishlari lozim. Shov-shuv ketidan quvish xavfli bo'lishi mumkinligini unutmasligi kerak.

**ADABIYOTLAR:**

1. Alao A.O., Yolles J., Armenta W. Cybersuicide: the internet and suicide // Am. J. Psychiatry. – 1999. – Vol. 156. – P. 1836-1837.
2. Angermeyer M.C., Schulze B. Reinforcing stereo-types: How the focus on forensic cases in news re-porting may influence public attitudes toward the mentally ill // J. Law Psychiatry. – 2001. – Vol. 24. – P. 469-486.
3. Baume P, Cantor CH, Rolfe A. Cybersuicide: the role of interactive suicide notes on the internet // Crisis. – 1997. – Vol. 18. – P. 73-79.
4. Birbal R., Maharajh H.D., Birbal R. et al. Cyber-suicide and the adolescent population: challenges of the future? // Int. J. Adolesc. Med. Health. – 2009. – Vol. 21, № 2. – P. 151-159.
5. Bollen K.A., Phillips D.P. Imitative suicides: A national study of the effects of television news stories // Am. Soc. Rev. – 1982. – Vol. 47. – P. 802-809.

## BOSHQARUVDA ZAMONAVIY MOTIVATSIYA USULLARI VA NAZARIYALARI

*Axmedov A.D.*
*SamDU magistranti*

Motivatsiya - bu hayotdagi va ishdagi inson faoliyatini o'z ichiga oladigan ichki energiya. U odamni biron bir narsani harakat qilishga va bajarishga majbur qiladigan aniq motivlar, rag'batlantiruvchi motivlarga asoslanadi. Agar biz o'quvchilarning motivatsiyasi haqida gapiradigan bo'lsak, unda bu ularni bilim faoliyati, ta'lim mazmunining faol rivojlanishi uchun rag'batlantirish jarayonlari, usullari va vositalarini aks ettiradi.

Zamonaviy motivatsiya nazariyasini ikki turga ajratish mumkin. Bular: mazmunli va jarayonli nazariyalar. Extiyoj tushunchasi moxiyatini ochish uchun mayl tushunchasini keltirish zarur. Inson juda ko'p narsalarga ega bo'lishga moyil bo'ladi. Boshqacha, maylni xohish, istak kabi ifodalash mumkin. Ammo kishilar

mayllariga ayni vaqtda erisha olmasliklarini o'zlari xam yaxshi bilishadi. Shunday qilib, extiyojlar, bu – insonga ayni damda fiziologik va psixologik jihatdan nimaningdir yetmasligidir. Xozirgi kunda ko'pgina psixologlar ikki xil extiyojlar turkumi mavjudligini tan olishgan. Bular birlamchi va ikkilamchi extiyojlar.

Mukofotlar – bu odamzot o'zi uchun qadrli deb hisoblagan barcha narsalar. Har bir odam uchun qimmatli narsa har xil bo'ladi, demak mukofotga bo'lgan qarash ham turli xil. Rahbar ikkita asosiy mukofot turlari bilan ishlaydi: ichki va tashqi. Ichki mukofot – bu ishning mohiyatidir. Masalan, natijaga erishish, o'zini hurmat qilish hissiyoti va muvaffaqiyat zavqi. Ish jarayonida vujudga keladigan munosabat va do'stlik ham ichki qoniqishga misol bo'la oladi. Ichki qoniqishni vujudga keltirishning eng oddiy usuli – bu ish joyida kerakli sharoitni yaratish va aniq vazifani qo'yish. Xorij psixologiyasida kasbiy motivlarni o`rganishga bag`ishlangan bir qator ilmiy izlanishlar mavjuddir. Buyuk allomalardan biri X.Xekxauzenning motivlarning kengaytirilgan modelini yaratdi, bunda muhokama qilingan motivatsiya mezonlarining aksariyati hisobga olingandir. Xekxauzen modelida harakatni izohlash maqsadida to`rtta o`zaro farq qiluvchi tushuncha kiritiladi, natija (mahsuli), oqibat. Ushbu tushunchalar kutilma tiplari bilan muvofiqlashuvi orqali o`zaro aloqaga kirishadilar. Xuddi shu bois vaziyat kutilmasi – natija shaxs e`tiqodi darajasini keltirib chiqaradi, vaholanki ba`zi vaziyatda muayyan natija qatnashmasada kutilishi mumkin. Muallif kutilmaning bu tipini muvaffaqiyat ehtimolidan farqlaydi, lekin motivlar modellarida ularning birligini hisobga oladi. X.Xekxauzen oxirgi holatni, ya`ni "harakat-natija" ko`rinishini kutilma sifatida belgilaydi. Muallif tomonidan "harakat-vaziyat-natija" kutilmasi qo`shimcha tariqasida kiritiladi va kutilma darajasini ifodalovchi tarzida tavsiflanadi, qaysidir tashqi va variativ hodisalar (holatlar) harakat - natija kutilmasini kichraytirishi yoki kattalashtirishi mumkin (masalan, charchoqlik, begonalar yordami). Natija bilan oqibat natija - oqibat kutilmasi orqali bog`lanadi va xohishiy yoki tasodifiy harakat oqibatini amalga oshirish uchun harakat natijasining kechinmasi vositasi darajasi sifatida ishtirok etadi. Motivlar modelida kutilma va qo`zg`ovchining mezonlari o`zaro aloqaga kirishadi. Harakatning har qaysi oqibati muayyan qo`zg`atuvchi bilan aloqaga kirishishi mumkin. X.Xekxauzen harakat oqibatini to`rt sinfga ajratadi: o`zini o`zi baholash, yuksak maqsadga yaqinlashish, boshqalarni baholash va bilvosita ta`sirlar. Boshqa qomusiy olimlar singari Dj.Atkinson motivatsiyaga erishish nazariyasiga asosan, bir davrning o`zida validlik natijasini oshiruvchi nazariyani ham soddalashtirdi, ham kengaytirdi. Muvaffaqiyatga (ham muvaffaqiyatsizlikka) undovchi bilan topshiriqlar murakkabligi o`rtasidagi aloqa soddaroq ko`rinishga ega bo`ldi. Ushbu modelda qo`zg`ovchi muvaffaqiyatning subyektiv ehtimolligiga bog`liqdir (ma`lumki, Festinger modelida valentlik topshiriqning subyektiv murakkabligiga tobedir). Atkinson modelida muvaffaqiyat kutilmasi bilan qo`zg`ovchining chiziqli o`zaro aloqasi ehtimoli mujassamlashgandir. Muvaffaqiyat ehtimoli bilan qo`zg`ovchining soddalashgan modelli tasavvuri negizida o`zaro aloqadorlik

*Байлепесова М.М.*
*Қора-ўзак тумани 4 сонли ўрта мактаб ўқитувчиси*
*Даўлетназарова С.Т.*
*Нукус тумани 29 сонли ўрта мактаб*

**Аннотация:** Мақолада бошланғич синфларда табиатшунослик фанини ўқитиш жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва унинг методологияси ҳақида сўз юритилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** ўқитиш методи, таълим технологиялари, таълим жараёни, шахс, дидактика.

Бугунги кунда ҳар бир соҳанинг такомиллашиши, ривожланиши учун хилма-хил методлар қўлланилаётганидек, таълим-тарбия соҳасида ҳам турли хил методлардан фойдаланилмоқда. Шундан табиат ҳақидаги фан-табиатшунослик дарсларини ўқитишда дидактик ўйинли технологияларнинг методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки табиатшунослик дарсларида қўлланиладиган методларнинг хилма-хиллиги ўқувчида фанни билишга қизиқишини орттиради.

Дидактик ўйинли таълим технологиясининг ўзига хос жиҳати, анъанавий таълимдагидан фарқ қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги ва ўқув фани фаолиятини тақиқламасдан, балки белгиланган мақсадга йўналтириш ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этишни талаб

этади. Уларни фаолиятига онгли равишда йўллаш бирор-бир фаолиятни буйруқ орқали амалга оширмасдан, балки самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларда фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши имкониятларини чегараламасдан эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Бундай дарсларни олиб боришда ўқувчининг табиатшунослик фанидан тўлиқ билим олиши, ахлоқли бўлиши, бирор-бир касб танлаш истеъдодини равнақ топтириш, халқимизнинг яхши фазилатларини эгаллаши учун аввало ўқитувчининг ижодий меҳнат қилиши талаб этилади.

Дарсларда фойдаланиладиган дидактик ўйинли технологиялар ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштириш, дарслик ва қўшимча адабиётлардан мустақил фойдаланиш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, дидактик ўйин давомида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда мўлжални тўғри олиш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришга замин тайёрлайди.

Қуйида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқитиладиган «Табиатшунослик» ўқув фанини ўқитишда дидактик ўйинли таълим технологияларига асосланган дарс ишланмалари келтирилмоқда.

***Дарснинг мавзуси:*** Йиртқич ҳайвонлар (Табиатшунослик, 3-синф).

***Дарснинг таълимий мақсади:*** табиатшуносликни ўқитишда ўқувчиларни ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти билан таништириш.

***Дарснинг тарбиявий мақсади:*** ўқувчиларга табиатшуносликни ўқитиш орқали мустақил фикр ва илмий дунёқарашни шакллантириш.

***Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:*** ўқув чиларнинг умумий ва хусусий табиатшунослик тушунчалари, дарслик ва қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, мустақил фикр юритиш кўникмалари, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш.

***Дарсни жиҳозлаш:*** мавзуга оид кўргазмали воситалар, тарқатма ва дидактик материаллар.

***Дарсда фойдаланиладиган технология:*** дидактик ўйинли таълим технологияси (ижодий ўйин методи).

***Дарснинг бориши.***

I. Ташкилий қисм: саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

II. Ўтган мавзуни сўраш: ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

III. Янги мавзу билан таништириш: ўқувчиларни дарс мавзуси ва дарснинг бориши билан таништириш. Ўқитувчи ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимини рейтинг мезони асосида баҳолагандан сўнг, янги мавзунинг мақсади, вазифалари ҳақида, шунингдек, дидактик ўйинли таълим технологияси ва унинг ижодий ўйин методи ҳақида илмий тушунчалар

бериб, синф ўқувчиларини 3 гуруҳга: «Шер», «Айиқ», «Тулки» гуруҳларига ажратади ва дарс жараёнини ўтказиш технологиясини амалга оширади.

Дарҳақиқат, ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал ўқувчиларни ижодий ўйин методини ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништиради.

*1-босқич.*

Ҳар бир гурухдаги ўқувчилар ўз мавзулари бўйича керакли материаллар, далиллар мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, ва бошқаларни тайёрлайдилар. Гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин. Ўқитувчи синф ўқувчиларининг тайёргарлик кўриш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вақт беради.

*2-босқич.*

Гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач, ўқитувчи гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гуруҳ вакили гуруҳ номидан сўзга чиқиб, уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гуруҳ вакили сўзини тугатгач, гуруҳнинг қолган аъзолари қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

*3-босқич.*

Машғулотларнинг 2-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи гуруҳ ҳам биринчи гуруҳ каби ўз мавзусини ҳимоя қилади. Ҳимоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар иккала ҳимоя вақтида ўқитувчи иложи борича ўз фикр ва мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади, ҳеч қайси гуруҳга ён бермаган ҳолда мулоқотни бошқаради, гуруҳ ҳимояси вақтида тартиб сақланиши ва мулоқотни ўтказишга қўйилган талаб-қоидаларнинг тўлиқ бажарилишига эришишга ҳаракат қилади.

Бу босқичда, асосан учала гуруҳдаги бошланғич синф ўқувчилари эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

*4-босқич.*

Гуруҳлар бир-бирларига савол беришни бошлайди. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида, шунингдек, ўз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Ўқувчилар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратади, яъни у баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

*5-босқич.*

Ўқитувчи ҳар икки томоннинг бир-бирларига саволлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, ҳар икки гуруҳ томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзини бу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазасини

баён этади ва гурух тингловчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобларни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар учала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва фаол ўқувчиларни рағбатлантиради.

IV. Янги мавзуни ўрганиш: ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга янги мавзуни тушунтиришда дарс сифати ва мазмунига эътибор берган ҳолда қуйидаги кетма-кетликни амалга оширади: ўқувчиларга йиртқич ҳайвонлар: шер, арслон, йўлбарс, айиқ, бўри, ўтхўр ҳайвонлар ҳақида (экранда йиртқич ҳайвонлар тасвири намойиш этилади) илмий-назарий билимлар берилади; «Табиатшунослик» дарслигидан «Йиртқич
ҳайвонлар» мавзуси конспект қилинади.

V. Янги мавзуни мустаҳкамлаш: ўқувчилар гуруҳи ўқитувчининг тавсиясига кўра янги мавзу юзасидан эгаллаган билимларига таянган ҳолда
кўргазмали қуроллар асосида мавзуни тушунтириб беришади. Сўнгра ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ўтказилади.

VI. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва рейтинг мезони асосида баҳолаш.

VII. Дарсни якунлаш. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади ва баҳолар эълон қилинади. Дарс табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаб, бизга инъом этилган бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш каби фикрлар, даъватлар билан хулосаланади.

VIII. Уйга вазифа бериш. «Йиртқич ҳайвонлар» мавзусини ўқиб, ўқувчиларга ўзлари яшаётган худуддаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида кичик ҳикоя ёзиб келиш вазифаси топширилади.

Хулоса; Бошланғич синфларда табиатшуносликни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйинли дарсларнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

-ўқувчилар дидактик ўйинли дарсларга катта қизиқиш билан тайёргарлик кўрадилар, натижада янги билимларни ўзлаштириш самарадорлиги сифатли бўлади;

-дидактик ўйинли дарслар бошланғич синф ўқувчиларининг илк бор касб танлашида ўз кучи, билими, иқтидорини синаб кўришда, шунингдек, уларни ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Бердиева О. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар. // «Халқ таълими» журнали, 2003, 1-сон.–16-б.

2. Зикиряев А. ва бошқалар. Ўқувчилар билимини текширишда инновацион технологиялар. // «Халқ таълими» журнали, 2001, 6-сон. 19-б.

3. Нишоналиев У. Янги педагогик ва ахборот технологиялари муаммолари ва ечимлари. // «Педагогик таълим» журнали, 2000, 3-сон.–11-б.

4. Норбутаев Х. Межпредметные связи при обучении природоведению. // «Начальная школа». М., 2011, № 11.–С. 25.

5. Сафарова Р., Шерматов Л. Педагогиканинг тараққиёт йўли. // «Халқ таълими» журнали, 2002, 2-сон.–14-б.
6. Холметов М. Тарбияда дидактик ўйинларнинг аҳамияти. // «Маърифат», 2002, 6-сон.–16-б.
7. Юсупова А., Қурбонниёзов Р. Янги педагогик технологияларни қўллаш муаммолари. // «Педагогик таълим» журнали, 2000, 3-сон.–18-б.

## ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

*Баирбекова З.*
*Ўзбекистон Миллий университети магистранти*

Девиант хулқли ўсмрлар билан ишлашда, ҳар бир ўсмир билан мулоқот жараёнида унинг шахсидаги энг яхши томонларини топа билиш, нимага қобилиятли эканини аниқлаш боланинг ўзига бўлган ишончини тиклаш ва уни қўллаб-қувватлаш, хатти-ҳаракатларини ижобий томонга йўналтириш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш масалалари ўрин олган.

Бугунги кунда ўсмирлар тарбиясида кўплаб қийинчиликлар юзага келмоқда. Тарбиядаги бундай қийинчиликлар “девиация” деб аталади. Ижтимоий-психологик адабиётларда девиациялар ичкиликбозлик, гиёхвандлик, жиноятчилик, таксикомания, тажовузкорлик, ахлоққа зид ва суицидал хатти-ҳаракатлар шаклида қаралади.

“Муаммоли ўсмирлар” шахсий тавсифлари ва хулқ-атвор ҳусусиятлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, айрим умумий жиҳатлари билан ажралиб туради. Бундай жиҳатларга маънавий эхтиёжларнинг мавжуд эмаслиги, қизиқишлар, жумладан билишга қизиқишнинг торлиги ва беқарорлиги киради. Одатда, болаларнинг рефлекция даражаси паст, улар ўта ишонувчан, жиззаки, ахлоқий тасаввурлари етарлича ривожланмаган бўлади. Уларга ҳиссий қўполлик, тенгдошлари ва катталарга нисбатан ғазаб хос бўлади. Бундай ўсмирларда ўзини қабул қилмаслик, ички низоларда ифодаланган ўзини-ўзи деструктив баҳолаш кузатилади, натижада шахсий хавотирлиликнинг юқорилиги, ҳиссий бузилишлар, умумий ишончсизлик, бегоналашиш ва ёлғизлик ҳисси, қийин вазиятлардан чиқиш йўлини топа олмаслик, ҳимоя механизмларининг хулқий бузилишларини бошқарувчи бошқа механизмлардан устунлигини аниқлайди.

Хулқ оғишиган ўсмирлар шахсида олиб бориладиган коррекцион ишлар нафақат назарий, балки амалий жихатдан хам аҳамиятга эгадир. Бироқ, илмий манбалар ва амалиётда хулқ оғишига эга бўлган ўсмирлар шахсининг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятлари, улар шахсидаги ижтимойлашувнинг издан чиқиши, шахс “мен” идаги ўзгаришлар ва бошқалар тўғрисида айтарли маълумотлар учрамайди. Бу ўз навбатида ижтимоий муаммоси мавжуд бўлган ўсмир шахсида психокоррекцион ишларни олиб бориш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий психологик муаммолари мавжуд бўлган ўсмирлар билан профилактик ишларни олиб боришда уларнинг ёш ва индивидуал психологик ҳусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўсмир ва ўспиринга ўзига хос усуллар орқали ёндашиш хулқ оғишининг олдини олишда муҳим хисобланади. Бу орқали ўсмирларда муайян ва мустахкам эътиқоднинг шаклланишига, кишиларга нисбатан бўлган ишонч ҳиссининг ортишига эришиш мумкин.

Хулқнинг ижтимоий қабул қилинмаган формаларини пайдо бўлиши, ижтимоий мослашмаганлик ҳолатидир. Бу формалар қанчалик ҳар хил бўлмасин, улар деярли ҳар доим бошқа болалар билан ёмон муносабат, уруш, жанжал, агрессивлик, намойишкорона итоатсизлик ёки ёлғончилик билан характерланади.

Ижтимоий психологик муаммолари мавжуд бўлган болалар, ижтимоий мослашмаган, педагогик жихатдан қаровсиз, хулқи оғишган ёки жиноий ахлоқли болалар деб аталади. Бундай болалар ва ўсмирлар ўзига хос “хатар гуруҳи”ни ташкил этадилар ҳамда ўқитувчилар ва ота-оналарининг тарбиявий таъсирига ёмон муносабатда бўладилар, кўпинча уларга қаршилик кўрсатадилар. Бу гуруҳдаги болалар билан муносабатда қонунга қулоқ солувчи ва криминал ахлоқ ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш лозим.

Ижтимоий мослашмаганлик бузилишининг табиати, характери ва даражасига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Асосида марказий асаб тизимининг функционал органик зарарланиши бўлган психик ривожланишнинг оғишиши ва асаб психик касалликларида юзага келган патоген мослашмаганлик.

2. Ўсмирнинг индивидуал психологик ва жинсий ёш билан боғлиқ психоижтимоий мослашмаганлиги (кризис кўринишлар, характер акцентуацияси, хиссий ихтиёрий хусусиятлар, билишга оид ва асословчи мухит). Бу хусусиятлар индивидуал педагогик ёндашувни ва алоҳида ҳолларда оила, мактаб ва мактабдан ташқари ташкилотлар шароитида амалга оширилиши мумкин бўлган махсус психологик, педагогик коррекцион дастурларни талаб қилувчи унинг маълум бир ностандарт қийин тарбияланувчиликни таъминлайди.

3. Ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрларининг бузилишида ахлоқнинг асоциал шакли ва ички бошқарув тизими, референт ва қадриятли ориентация, ижтимоий установкаларнинг ўзгаришида ифодаланувчи ижтимоий мослашмаганлик.

Моҳияти бўйича ижтимоий мослашмаганлик ўзида ижтимоий ривожланиш жараёнининг бузилишини акс эттиради, ўзгаришларнинг даражаси ва чуқурлигига қараб, уни 2 босқичга ажратиш мумкин:

1. Мактабга ижтимоий мослашмаганлик ёки педагогик қаровсизлик ўсмирнинг мактаб дастуридаги қатор предметлар бўйича сурункали ортда қолиш, педагогик таъсирга қаршилик кўрсатиш, ўқитувчиларга қўполлик қилиш, ўқишга салбий муносабатда бўлиш, ахлоқнинг сўкиниш, чекиш, безорилик ҳаракатлари, дарс қолдириш, ўқитувчи, синфдошлари билан низоли муносабат каби шакллари билан характерланади. Бунда ўқишда ортда қолишига қарамай педагогик қаровсиз ўқувчиларнинг ахамиятли қисми

жисмоний меҳнатга бўлган мухаббати билан ажралиб туради, аниқ касбий мақсадга эга, ишчи касби, иқтисодий мустақилликни эгаллашга интилади;

2. Нафақат ўқув фанлари бўйича сурункали қолоқлик ва педагогик таъсирга қаршилик кўрсатиш, балки касбий йўналганлик, фойдали жамоатчилик малака ва кўникмаларининг йўқлиги, билишга доир қизиқишлар муҳитининг торлиги билан боғлиқ ижтимоий қаровсизлик.

Девиант хулқ бу умумий қабул қилинган нормалардан оғишган муаммолар системаси ( психик соғлиги, ҳуқуқлари, санъат, адабиёт) дир.

Девиант хулқ 2 та категорияга ажратилади.

Биринчидан, бу хулқ психик соғлиқ нормаларидан оғишган очиқ ёки ёпиқ психопатологияни кўзда тутади.

Иккинчидан, бу қандайдир ижтимоий ва санъат, айниқса қонун нормаларини бузувчи антисоциал хулқ. Бундай ҳаракатлар деярли ахамиятсиз бўлганда уларни қонунбузарлик деб аталади, агарда жиддий бўлиб, қонуний тартибда жазоланса жиноят хисобланади.

Жинсий ривожланиш ҳам хулққа таъсир этади. Вақтдан олдин жинсий ривожланиш, баъзи холларда эмоционал эзилиш ортиқлиги бўлса, бошқаларда хулқдаги бузилиш (агрессивлик, жахлдорлик, талабчанлик) қизиқишларнинг бузилиши, айниқса жинсий майлларнинг бузилиши билан характерланади. Жинсий ривожланишни кечикишида импульсивлик, ишончсизлик, имиллаш ва кўникишдаги қийинчилик пайдо бўлади.

Девиант хулқни пайдо бўлиши психологик хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Кичик ўсмирлар шахсини ривожланиш даража ва типларида номутаносибликлар намоён бўлади. Катталик ҳиссининг уйғониши эмоционалликни беқарорлиги, кайфиятни ўзгариши билан характерланади.

Кайфиятнинг энг тез ўзгариш даври ўғил болаларда 11-13, қизларда 13-15 ёшни ташкил қилади. Айни шу ёшда қайсарлик авж олади. Каттароқ ёшдаги ўсмирларни мустақил бўлиш хавотирлантиради, улар ҳаётда ўз ўрнини қидирадилар. Қобилият қизиқишлар дифференцияси кечади, дунёқараши кенгаяди. Бироқ бу ёшда интилувчанлик ва талабчанлик, импульсивлик ва беқарорлик билан хамкор бўлади.

Ўсмир ҳаёти давомида ижтимоий роллар диапазони кенгайиши кечади: ўқувчи, мустақил фаолият қатнашувчиси, спорт командаси аъзоси ва бошқалар. Бироқ уларни ўзлаштириш қийинчилик билан кечади, бу эса катта эмоционал ҳаяжон ва хулқни бузилишига олиб келади.

Хулқий бузилишлар орасида қуйидагилар бўлиши мумкин:

Хулқни гиперкинетик бузилиши. Ақлий қобилият талаб қилувчи фаолиятларда барқарор эмаслик, бир ишдан бошқасига тез кўчиш, ишини охирига етказмаслик.

Оила билан чегараланган хулқнинг бузилганлиги. Антиижтимоий ёки агрессив хулқни ўзига олган, фақат оила аъзолари билан ўзаро муносабатда юзага келади.

Хулқнинг ижтимоийлашмаган бузилиши. Бошқа болалар билан муносабатларни бузилиши ва ижтимоий нормаларни бузилиши билан боғлиқ агрессив хулқ ёки жадал антисоциал уйғунлик билан характерланади.

Хулқнинг ижтимоийлашган бузилиши. У барқарор асоциал (ўғрилик, ёлғончилик, мактабдан қочиш, уйдан кетиш, жаҳлдорлик ) ёки агрессив хулқ чиқишувчи ўсмирларда юзага келиши билан фарқланади.

Аралаш, хулқий ва эмоционал бузилиш. Мустаҳкам агрессив асоциаллик, депрессия ёки қўрқув симптомлари кўринишидаги чақирувчи хулқнинг уйғунлашувидир.

Деликвент хулқ. Қонун бўйича жазоланувчи, криминаллик даражасига етмаган майда айбловлар.

Аддиктив хулқ. Эрта ичқиликбозлик ва наркомания.

Ўсмирлар қийинчиликларининг асосий сабаблари: оиладаги нотўғри муносабат, мактабдаги эътиборсизлик, тенгдошларидан яккаланиб қолиш, ғайратнинг йўқлиги ҳар қандай кичик гуруҳда ҳар қандай йўл билан ўзини тасдиқлаш мақсади.

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИ. (ИНДИРА ГАНДИ ДИПЛОМАТИЯСИ МИСОЛИДА.)

*Бакирова М.Х.*
*Ўзбекистон Миллий Университети талабаси*

Дипломатия - ташқи сиёсатнинг, давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлатнинг ҳарбий куч ишлатмасдан, ўзаро мулоқот йўли билан ташқи сиёсатни амалга ошириш воситасидир.

Ҳар бир давлатнинг халқаро муносабатларига унинг ички аҳволи ва тараққиёти, географик мавқеи, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлари, чет элдан оладиган ёрдам манбалари ва бошқа омиллар катта таъсир кўрсатади.

Ҳиндистон мустамлака қилинган мамлакатлар ичида, иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи озод бўлган мамлакатлардан бири бўлиб, янги уруш хавфини тугатиш, халқаро кескинликни юмшатиш, бетарафлик ва умуман тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатни олиб борган давлат эди.

Ҳиндистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги кўп жиҳатдан Индира Ганди номи билан чамбарчас боғлиқ. У мамлакатни сиёсий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро миқиёсда обрўсини кўтариш борасда кўп ишларни амалга оширди.

Индира Ганди (1966-йилда у ҲМК етакчисига айланди ва шу билан бирга 19-январ куни мамлакат бош вазири лавозимини эгаллади. У штатда икки марта 1966-йилдан 1977-йилгача ва 1980-йилдан 1984-йилгача яъни вафотигача юқори лавозимни эгаллади.) Ҳиндистоннинг илғор ички ва ташқи сиёсатининг асосини ишлаб чиқди. У бу борада отаси (Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлал Неру 1947-1964)нинг ишларини, анъаналарини давом эттирди.

Индиранинг Ҳиндистонда олиб борган ички ва ташқи сиёсати жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Унинг ҳаёти ва фаолияти фақат умуммиллий

эмас, балки жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсий арбоб сифатида кўпқиррали сермазмун ва сермаҳсул бўлди.

Индира Ганди Осиёдаги буюк мамлакат ҳукуматига узоқ йиллар раҳбарлик қилар экан, Ҳиндистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга, халқаро масалалардан янада фаоллигини таъминлашга эриша олди.

Индира Ганди бошқаруви даврида Ҳиндистон дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнатди. У нафақат Ҳиндистон халқи учун, балки миллатлар тотувлиги ва бирдамлигини шакллантириш учун саъйи-ҳаракатларни амалга оширди.

Халқаро жамоатчилик Индира Ганди тимсолида тинчлик учун оташин курашчи инсонни кўрди. Қўшилмаслик ҳаракатининг (1961 йил вужудга келган “Қўшилмаслик ҳаракати” турли тизимдаги давлатларнинг тинч тотув яшаши тарафдори бўлган, мустамлакачиликнинг батамом ва абадий барҳам топиши учун курашадиган, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайдиган, уларни қоралайдиган, ядро қуролининг таъқиқланиши, дунёда иқтисодий тенглик учун курашадиган ҳаракат эди. Бу ҳаракатнинг ташаббускорлари Ҳиндистон, Югославия, Миср эди.) раҳбарларидан бири ва “Олти мамлакат гуруҳи” аъзоси бўлмиш Ҳиндистон қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланишга, ядро урушининг хавфини йўқ қилишга космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймасликка, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатишга қаратилган муҳим таклифлар билан бир неча бор халқаро майдонга чиқди.

У Американинг Ҳинди-Хитойдаги интервенсиясини қоралади. Исроил босқичларга қарши кураш олиб бораётган араб халқлари билан Ҳиндистон бирдам эканлигини таъкидлади, Жанубий Африкадаги нацизм ва апартеидга қарши чиқди, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш учун ҳаракат қилди. Афғонистонда рўй берган воқеаларга, унинг атрофида давом этаётган турли муносабатларга нисбатан одилона йўл тута олди.

Шунингдек, у давлатлараро ҳамжиҳатликка катта ҳисса қўшган шахс, ҳамда ҳарбий блокларга қарши ҳаракатнинг етакчиларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Индира Ганди номи нафақат Ҳиндистонда, балки бутун дунёда ҳурмат билан тилга олинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Индира Ганди давридан бошлаб давлат ички ва ташқи сиёсатлари соҳасида янги концепцияни ишлаб чиқди.

Индира Ганди халқлар тинчлиги ва барқарорлиги учун тинимсиз ҳаракат қилди. Унинг “Вашингтон пост” газетасига берган интервюсида шундай деган эди: “Биз муайян сабабларга кўра, ҳеч кишининг номидан дунё уларга тегишли деб баён қилаётганлар билан рози бўла олмаймиз. Дунё бизнинг ҳаммамизга тегишлидир. Мен ўйлайманки, ҳеч қандай мамлакатнинг бошқа бир давлатни йўқ қилиш баёноти билан чиқишга ҳуқуқи йўқдир, агар бу унинг манфаатларига жавоб берса ҳам” [5.С.67.].

Унинг тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориши, халқаро майдонда обрў-эътиборининг ўсишига олиб келди. “...Жавоҳирлаъл Неру васият қилиб

кетган ташқи сиёсатни Индира Ганди ижодий бойитди...”,-деган эди, Раджив Ганди[4.С.28.].

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**
1. И.Ганди.Мир.сотрудничество, неприсоединение М.;1985.
2. Индия, Ежегодник.№1 1984.С.3.
3. Двежение неприсоединенния. Проблемы и перспективы.М.; 1986.
4. Движение неприсоединия. М., «Наука» 1985.
5. И.Ганди.Мир.сотрудничество, неприсоединение. М.;1985.С.67
6.Индира Ганди «Внешная политика Индии 1980-1982». М.: Прогресс, 1982.
7.Индира Ганди «Мир сотрудничество, неприсоединение 1982-1984» М. Прогресс, 1982.
8. Индира Ганди Статьи, речи, интервю: М.: «Наука», 1975.
9. Индия 1981-1982. Ежегодник. М.: «Наука» 1983.
10. Индия 1983. Ежегодник. М.: «Наука» 1985.
11. Индия 1984. Ежегодник. М.: «Наука» 1986.
12. Индия 1985-1986. Ежегодник. М.: «Наука» 1987.
13.Салимова Ф, Маҳкамов И. Индира Ганди. –Т, Фан нашриёти, 1988.
14.Антонова К.А, Бонгард-Левин Г.М, Котовский Г.Г. История Индия. –М.: “Мысль” 1979.
15.Век XX: Политика, люди, судьбы Тошкент., “Шарқ” 2007.
16.Визит «Премьер-Министра Индии Индира в советской союз».-М.:Международные отношения, 1982.

Интернет маълумотлари.
1. www. gov.ru.
2. www. businis.gov.
3. www. bias.ru.
4. www. meadev. nis.ru.

## OILAVIY MUNOSABATLARDAGI ZIDDIYATLAR VA ULARNING YECHIMI

*Baltayeva X.*
*Ellikqal'a tumani 13-umumiy o'rta ta'lim maktabining psixologi*

Hozirgi kunda mustaqil davlatimizda oilani mustahkamlash, yosh avlodni jismoniy va ruhiy sog`lom qilib tarbiyalash muammolariga katta e`tibor berar ekan, bu orqali oilani jamiyatning ravnaq topishidagi tutgan o`rni va ishtirokini yanada oshirish, oilalarning huquqiy, ijtimoiy, iqtisodiy, ma`naviy – axloqiy manfaatlarini, farovonligini yaxshilashni davlat tomonidan qo`llab – quvvatlashni kuchaytish va izchil ta`minlash borasida aniq maqsadlarga yo`naltirilgan ilmiy – amaliy chora – tadbirlar ishlab chiqarishni o`z oldiga maqsad qilib qo`ygan.

Oilaning har bir a`zosi, ayniqsa turmush qurgan va turmush qurish yoshidagi yigit – qizlar o1ngiga oilaning muqaddasligi to`g`risidagi qadriyatning singdirilganligi oilada bo`lib turadigan arzimagan kelishmovchiliklar, quda – andachilik munosabatlaridan kelib chiqadigan gap – so`zlar, ayniqsa, turmush tajribasi va yoshi Bilan bog`liq ravishda sodir bo`lishi mumkin bo`lgan tanazzul holatlarida qiyinchiliklarni yengib, oilani saqlab qolishga kata yordam beradi.

Oilaviy munosabatlarni yaxshi yo`lga qo`yilgan bo`lishi juda katta hayotiy ahamiyatga ega bo`lgan omildir. Bunda birinchi navbatda muloqotning samimiyligi muhim rol o`ynaydi. Ba`zi oilalarda bolalarning kattalar oldida o`zini muntazam so`roq qilinayotgandek yoki hisobot berayotgandek his qilishlari, bolani ota – ona oldida havotirlanish darajasini muntazam yuqori bo`lishi, bolalarga aybdorlik hissini chuqur singdirilganligi, bola shaxsini haqorat qilib kamsitish orqali uning o`z – o`ziga beradigan bahosini pasaytirsh, o`ziga bo`lgan ishonchini yo`qotishga olib keladi.

Salbiy iqtisodiy, ijtimoiy va psixologik muhitda dunyoga kelgan avlod ham xuddi shu muhit ta`sirida voyaga etadi. Ota – onalarda salbiy xususiyatlarning doimiy dominant bo`lishi asta – sekin farzandlariga o`ta boradi va ular ota – onada bo`lgan Ushbu salbiy xususiyatlarni o`z farzandlariga ham yetkazib berish ehtimoli mavjud.

Demak, oilalarning mustahkamligi jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, milliy xavfsizligini, uning ravnaqi, taraqqiyotini belgilovchi hal qiluvchi omil hisoblanadi. Hozirgi vaqtda jamiyatimiz uchun, insoniyat taraqqiyoti uchun, mustaqilligimiz istiqbollari uchun jiddiy xavf tug‘dirayotgan iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ekologik, ichki va tashqi omillarning tahdidi ortib borayotgan ayni vaqtda oilalar mustahkamligini ta’minlash va bu masalani to‘g‘ri hal etilishining asosiy yo‘li bo‘lmish yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash masalasi hech kechiktirib bo‘lmaydigan, sustkashlikka yo‘l qo‘yib bo‘lmaydigan, o‘ta jiddiy yondashishlarni talab etuvchi davlat, hukumat miqyosidagi dolzarb masaladir. Buning muvaffaqiyatli amalga oshishiga jamiyatimizning har bir fuqarosi, Siz, ota-onalar hamma birdek mas’uldir. Bu masala hech qachon kun tartibidan tushmaydigan, o‘z dolzarbligini yo‘qotmaydigan o‘ta nozik, nihoyatda jiddiy masaladir. Chunki insoniyat taraqqiyoti, jamiyatimiz taraqqiyoti shu masalani biz bugun qanday hal qilishimizga bog‘liq.

Ko`plab xalqlarda, ayniqsa, o`zbeklarda bolaning dunyoga kelishi juda katta quvonchli marosimlar bilan boshlanib, ular qadriyat sifatida asrlar osha saqlab kelinmoqda. Masalan, bola tug`ilishi bilan bog`liq suyunchi marosimlari, aqiqa, beshik soldi, sunnat va beshik to`ylari kabilar shular jumlasidandir. Shunga qaramay, ayrim xalqlarda, masalan, evropa xalqlarida oilada farzandning tug`ilishi muayyan tashvishlar, ruhiy tarangliklar, ayniqsa, ona boshidan kechiradigan emotsional hayajonlar, yaqinlariga ijtimoiy va moliyaviy tashvishlarni keltirib chiqaradiki, bu ham ba`zan oilaviy munosabatlardagi tarangliklarda aks etadi. Oila va farzand oldidagi bunday mas`uliyatlar ayrim hollarda er-xotin munosabatlarining darz ketishiga, ba`zan ajrimlarga, bizning sharoitimizda quda-andachilik munosabatlaridagi kelishmovchiliklarga ham sabab bo`ladi.

Bola oiladan tashqaridagi ijtimoiy institutlar – maktabgacha ta`lim

muassasalari, ayniqsa, uzluksiz ta`limning boshlang`ich o`chog`i hisoblangan maktabga bora boshlaydi. Maktab shunday maskanki, u erda har bir bolaning qay darajada va qanday ijtimoiylashgani sinovdan o`tadi. Chunki u endi nafaqat o`zi tengqur bolalar bilan, balki kattalar, begonalar, ko`chadagi turli toifali insonlar bilan muomalaga kirisha boshlaydi. Bu muomala jarayonida uning qanchalik hayotga tayyorligi, oilasida qanday ahloqiy va ma`naviy o`gitlarni olganligi, kimning bolasi ekanligi, oilaviy muhiti qandayligi bilina boshlaydi. Eng muhimi – maktabga kelgach, bolaning aqliy va intellektual salohiyati, intizomi tekshiruvdan o`tadi. Ya`ni, bolasini maktabga berar ekanlar, ota-onalar ham jamoatchilik oldida o`ziga xos sinov va tekshiruvdan o`tayotganday his qiladilar o`zlarini. Yaxshi yoki yomon ota-onalik rollari maktab yillarining dastlabki oy va yillarida bilingani sababli, ko`pgina ota-onalar ayni shu davrlarda kuchli stressni boshidan kechiradilar.

Bola o`smirlik davriga qadam bosganda, u ota-onasidan mustaqillikni, hadeb ta`qib qilavermaslikni da`vo qila boshlaydi. Ota-onaning farzand oldidagi obro`si, kerakligi darajasi pastlay boshlaydi. Bu davrga kelib ota ham, ona ham o`zining farzandiga nisbatan munosabatlarini o`zgartirishga majbur bo`ladi, chunki bolada yangicha talab va istaklar, yangicha fikrlash, urf-odatlar, musiqaga havas, turli xil guruhlar bilan muloqotda bo`lishga intilishlar paydo bo`ladi. Bu davr ota-onaning bolasida paydo bo`layotgan o`zgarishlarga, yoshga oid yangiliklarga qanchalik fahm va farosat bilan, sabr-qanoat bilan turib berishlarini sinovdan o`tkazadi. Sinovdan yaxshi o`tgan ota-onaning bolasi keyingi bosqichga eson-omon yaxshilik bilan, ochiq ziddiyatlarsiz o`tib oladi, aks holda o`smirlik davrining o`ziga xos ziddiyatlari girdobida ota-ona – bola munosabatlari jiddiy yomonlashadi, ayrim bolalar uydan ketib qolish holatlarigacha boradi.

Bolalar katta bo`lib, balog`at yoshiga yetadilar, o`qishlarni tugatib, mustaqil kasb-hunar egallash bosqichiga qadam bosganda, ayrim yoshlar mustaqil oilaviy hayot qurishga ham ulguradilar. Shu davrga kelib, “Bola – ota-ona” munosabatlari deyarli tugaydi. Ayniqsa, bu holat evropa xalqlariga mos, balog`at yoshiga etgach, deyarli barcha hayotiy masalalarni yoshlar o`zlaricha, o`z bilganlaricha xal qila boshlaydilar. Ota-onalar ularning xato qilib qo`yishlaridan xavotir olmay qo`yadi. Bizda, Sharq xalqlarida bu holat biroz boshqacha: ota-ona farzandi kasb-hunarli bo`lib, mustaqil professional yo`ldan ketayotgan bo`lsa ham, ularning kelajagi, oilasi, moliyaviy ahvoli borasida xavotirga tushaveradi, o`g`il uylanishi, qizlarning turmush chiqishlarida ota-ona va ularning ota-onalari – momolar va buvalar bosh-qosh bo`ladilar. Turmush o`rtog`i tanlash masalasi ham bizda juda kam holatlarda bo`yiga etgan qiz yoki yigit ixtiyoriga havola etiladi. Ya`ni, ko`chadan birdan notanish qizni “Tanishing, bu mening bo`lg`usi qallig`im, turmush o`rtog`im” deyishlar bizda deyarli uchramaydi, chunki bunga bizning asriy urf-odatlarimiz, oilaviy tarbiya mezonlarimiz yo`l qo`ymaydi.

Ayrim bo`linmagan oilalarda o`g`il uylangandan keyin ham, qiz farzandli bo`lganda ham ota-onalar ularning g`amini eb, hayotda qoqilmasliklari uchun harakat qilaveradi. Hattoki, mamlakatimizning deyarli barcha hududlarida shunday odatlar borki, ona ko`zi yorigan qizining oziq-ovqati, emishi uchun to`la o`zini javobgar, deb hisoblaydi. Chunki bunga ikki sabab bor: birinchisi – yangi ko`zi

yorigan ayol organizmida shunday yangilanish ro`y beradiki, uni o`ziga keltirish uchun aynan yillar mobaynida o`z oilasida egan-ichganlari adaptatsiya jarayonlarini tezlashtiradi; ikkinchidan – o`z onasining mehribonlik ko`rsatayotganligi yosh onaning yaqinda boshidan kechirgan qiyinchiliklarini unutish, o`zini chinakam ona sifatida onasiday his qilishini ta`minlaydi. Ushbu psixologik holat o`ta muhim bo`lib, aynan o`zbeklarda bu oila mustahkamligining omillaridan hisoblanadi. Qaynona ham ona, u ham keliniga achinadi, tug`ruqning azoblarini unutishi uchun qo`lidan kelganini qiladi, lekin o`z tuqqan onasining xabar olishi, yonida bo`lishi ko`plab kuzatishlarda yosh onaning onalik roliga tezroq kirib ketishiga, ko`krak suti bilan bolasini emizib katta qilishida katta rol` o`ynaydi.

Shuni ham ta`kidlash joizki, ayrim hollarda ota-onaning yoshlar hayotiga aralashuvi shu qadar bevosita xarakterli bo`ladiki, bu yoshlar bilan ota-onalar o`rtasidagi nizolarga ham sabab bo`ladi, qaynona va kelin, qaynota va kuyov o`rtassida nizolar ham ana shunday aralashuvning ko`pligidan kelib chiqadi. Ya`ni, ota-onaning farzandi balog`at yoshiga etib, mustaqil hayotga qadam qo`ygandagi aralashuvlari, g`amxo`rliklari ham ijobiy, ham salbiy oqibatlarni olib kelishi mumkin.Shuning har bir oila quda-anda, kuyovining dunyoqarashidan kelib chiqgan holda bunday ishlarni amalga oshirmog'i lozim.Shunda farzandini tinchligini ta'minlagan bo'ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**

1.G.B. Shoumorov. Oila psixologiyasi T.2003
2.M.G.Davletshin. Yosh davrlari va pedogogik psixologiya. T.2004
3.V.Karimova. Oila psixologiyasi.T.2007
4.www.Expert.psychology.ru
5.O.Musurmonova.Oila ma'naviyati -milliy g'urur.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЧИЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ

*Баратов Ш.Р.*
*Психология фанлари доктори, профессор*
*Ганжиев Ф.Ф.*
*Бух Ду таянч докторанти*

Маълумки, ҳозирги замон ижтимоий психология фанида шахс амалий фаолиятини ўрганиш ва ривожланиш билан боғлиқ изланишлар муҳим ўрин эгалламоқда. Шу нуқтаи назардан айнан амалий фаолият маҳсули бўлган касбий компетентлик жараёни самарадорлигини таҳлил қилишнинг талайгина муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд. Касбий компетентлик жараёни нафақат ижтимоий психология илми, балки қатор психология фани тармоқларининг ҳам амалиётда қўлланилиши демакдир. Худди шундай тушунча барча илмий адабиётларда ўз ифодасини топган ҳам, лекин ушбу

тушунчани инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, касбий фаолият самарадорлигига фақат касбий компетентлик воситаси сифатидаги ижтимоий-психологик самарадорлик мезони сифатида қараб таҳлил қилиш учун мукаммал даражадаги ягона илмий қонуниятни ўзида мужассам этган илмий-тадқиқий асос фанда ҳали қабул қилинмаган.

Таниқли психологлар А.К.Маркова, В.А. Сластенин, Н.В.Самоукиналар томонидан таклиф этилган касбий фаолиятни тизимли таҳлил қилиш фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан “алоҳида”, “ўзига хос” фаолият ёки ҳаракат деб қаралаётган, мақсадлари мазкур ишнинг хусусиятларини англаш даражаси билан шартланган психокоррекцион фаолият субъекти ишининг конкрет вазифаларини босқичма-босқич ўрганишни амалга ошириш имконини беради. А.К.Маркова касбий компетентликка асос қилиб тарбиячи фаолиятининг айнан психологик тамойилларини ўзлаштиришга бўлган малакаларини қабул қилишни таклиф этади. Шундан келиб чиқиб А.К. Маркова томонидан илгари сурилган касбий фаолият модели ўз ичига қуйидагиларни олади:

- меҳнат жараёни ва унинг психологик натижаси.
- самарадорлиги ва самарасизлиги, турли шароитларда ўзига хослиги:

Зеро, таниқли психолог олим А.К.Маркова томонидан тўғри таъкидланганидек, тарбиячилик касбида процессуал кўрсаткичларнинг, яъни у ёки бу натижаларга эришишга олиб келувчи таъсир воситалари ва муҳитнинг роли катта. Тарбиячи профессионализми унинг касбий фаолияти шароитида ўзини турлича намоён қилади.

А.К. Маркова томонидан таклиф этилган профессиограмма тарбиячи касбий фаолияти тузилмасини тўлиқ акс эттиради. Унда асосан таълим объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи тарбиячи-психологик имкониятлар кўлами очиб берилади. Мазкур ёндашувнинг бошқа бир йўналиши сифатида тарбиячи касбий фаолиятини психологик таҳлил қилишга акмеологик ёндашувларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Таҳлил бирлиги сифатида ушбу йўналишда мутахассиснинг касбий компетентлиги қабул қилинган.

Акмеографик ёндашув муаллифи Н.В. Самоукинанинг фикрича, акмеограммани тарбиячининг касбий компетентлигини тўлиқ тизимли ифодалаш усули сифатида қўллаш фақатгина унинг исталган компонентларини ажратиш имконини бериб қолмай, балки улар ичидан сермаҳсул фаолият учун тўсқинлик қилаётган айрим жиҳатларни ҳам аниқлаш имконини беради. Бу ёндашув таълим жараёнига субъектлилик ёндашувининг ривожлантирилган ва конкретлаштирилган шакли сифатида шу фаолиятга оид ҳақиқий вазифаларни ҳал қилишда психик акс эттириш ва психик бошқарув механизмларини ўз ичига олади.

Касбий фаолиятни индивидуал ёндашув асосида комплекс ўрганиш фаолиятни “меҳнат субъекти – касбий муҳит” тизимида қараб чиқиш ва “меҳнат субъекти” ва “касбий муҳит” тизимлари остидаги компонентлар ва мана шу компонентлар ичидаги ўзаро алоқадорлик тузилмасини аниқлашни кўзда тутади.

“Меҳнат субъекти” қуйидагиларни ўз ичига олади:

- касбий жиҳатдан муҳим сифатлар:
- касбий тажриба:
- мотивация:
- фаол инсоннинг психик (функционал) ҳолатлари ва х.к:

“Касбий муҳит” жараёни ўз навбатида қуйидагилардан иборат:

- меҳнат объекти ва қуроли:
- касбий фаолият технологияси ва унинг предмети:
- касбий фаолиятнинг касбий, ташкилотчилик, жисмоний ва ижтимоий шароитлари ва х.к.

Бу ёндашув доирасида касбий фаолият таҳлилининг тузилмавий-тушунчавий бирлиги сифатида вазифа категорияси танланади. Вазифанинг асосий хусусиятлари қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади:

1.Вазифанинг вакт (бошланғич ва тугалланган лаҳзалари – вазифанинг қўйилиши ва ҳал қилиниши) ва фазода (вазифа шартларининг бирламчи ва чегаравий шароитлари, мақсад ва якунловчи кутиладиган натижа) маълум) объектив) ифодаланганлиги.

2.Меҳнат субъекти учун вазифанинг “очиқлиги”. Меҳнат субъекти уни қабул қилиши (мақсадлар кетма-кетлигини тузиши, қарор қабул қилишнинг у ёки бу стратегиясини қабул қилиши) ёки қабул қилмаслиги мумкин. Субъект айнан ўзи тушиб қолган вазиятда турган мазкур вазифага нисбатан қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнларини ташкил этади.

Бинобарин, касбий фаолиятнинг психологик таҳлили тарбиячи вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган тарбиячининг ўзаро алоқадор хатти-ҳаракатларини ажратиб кўрсатади. Н. В. Самоукина тарбиячи фаолиятининг барча энг аҳамиятли томонларини қамраб оладиган тузилманинг бешта асосий компонентларини кўрсатиб ўтади.

конструктив, лойиҳавий,ташкилотчилик, коммуникатив, гносеологик.

В.И.Андреев фикрича, маҳорат инсон фаолиятининг бир тури сифатида намоён булади. У тарбиячи маҳорати белгиларини қуйидагича таснифлайди:

- муаммоли вазиятларни бартараф эта олиш ва ижодий ёндашув:
- жамият ва шахс ривожланишига ижтимоий ва шахсий жиҳатдан таъсир кўрсатиш:
- шахсий сифатларини намоён этиш, билим, куникма, малака, айникса ижобий мотивациялар, тарбиячининг ижодий кобилияти:
- янгиликни таълим жараёнига самарали татбик этиш ва натижага эришиш.

Психологик тадқиқотларда касбий компетентлик ва унга таъсир қилувчи омилларнинг структурасини ўрганиш борасидаги изланишлар анчагина эканлигини кўзга ташланади(Г. Айзенк, Терстоун, Р.Б. Кеттелл, Дж.Гилфорд ва бошқалар).

Касбий компетентликнинг тузилишини ташкил этувчи компонентлар унинг ривожланиш босқичи билан ҳам боғлиқлиги кузатилади. Р. Селман томонидан олиб борилган изланишларда касбий компетентликнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Р.Селманнинг касбий

компетентлик концепциясига кўра у шахснинг социаллашуви билан боғлаб талқин этилган. Ушбу назарий ёндашув Ж. Пиаженинг операционал назарияси ва Л. Кольбертнинг ахлоқий камолот назарияси билан параллелдир. Шунингдек, социал касбий компетентлик кўп ўлчамли, мураккаб структурали, қуйидаги жиҳатлардан иборат:

1.Коммуникатив–психологик алоқалар ва коммуникатив ҳамкорликни ифодаловчи коммуникатив сифатлар интеграцияси асосида шаклланадиган комплекс хусусиятлар бу-касбий компетентликнинг устуни ҳисобланади.

2.Ўзини ўзи ҳурматлаш-ўзини ўзи комплекслардан холилик, мулоҳазалар, босим, янги ғояларга мойиллик.

3.Социал перцепция, социал тафаккур, социал хаёл, социал тасаввур,социал ҳодисаларни, инсонларни ва уларнинг ҳаракатлантирувчи мотивларни моделлаштириш ва тушуниш қобилияти.

4. Энергетик тавсифи: психик ва жисмоний бардошлилик, фаоллик ёки толиққанлик.

Касбий компетентликнинг муҳим шарти сифатида иштирок этувчи элементлардан бири социал компетентликдир.Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг таълим олувчиларни, ҳамкасбларни ва бошқа инсонларни идрок этиши, ўзаро социал таъсирлашувда бўлишида социал компетенцияга намоён этиши муҳим омил саналади. Ушбу тушунчани тўғридан тўғри талқин этиб бўлмайди, балки унинг мазмунини тушуниш учун унинг муайян таркибий қисмларига алоҳида изоҳ беришга тўғри келади.

Жаҳон психологиясидаги бир қатор ишларда мулоқотга компетентлик, интеллектуал компетентлик, социал компетентлик ва бошқалар сингари психологик компетентликнинг алоҳида томонлари ўрганилган.

Масалан, Т. Гордон коммуникатив компетентликда мужасаммлашган бир қатор ўқувларни таснифлашага эришганди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлигини ўрганишда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг коммуникатив компетентлигини белгилашда ушбу классификацияга таяниш ҳам мумкин.

- диққат белгиларини қабул қилиш ва кўрсатиш уқуви:
- адолатли танқидларга жавоб қайтармоқ:
- ноҳақ танқидларга жавоб қайтармоқ:
- фитна чиқарувчи саволларга жавоб қайтармоқ:
- бошқа инсонларга илтимос билан мурожаат қилиш уқуви:
- ўзга кишининг илтимосига рад жавобини бериш уқуви:
- ҳамдарлик билдириш, қўллаб-кувватлаш уқуви:
- алоқага киришиш уқуви:
- бошқа кишини алоқага киришишга уринишига жавоб бериш:
- илтимос қилиш ва ёрдамни қабул қилиш уқуви:
- шахсий ютуқлари ва омадсизликларига жавоб бериш.

Куницына социал-компетентлик тузилишини қуйидагича белгилайди.

1.Вербал компетентлик 2. Коммуникатив компетентлик 3.Социо-профессионал компетентлик 4. Социал-психологик компетентлик 5. Эго-компетентлик

Бугунги кунда ҳам касбий компетентлик ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири социал интеллектни тадқиқ қилишга бағишланган энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади.

Дж. Гилфорднинг интеллект структурасининг кубик модели ўзида 120 та интеллектуал қобилиятларни қамраб олган. Ҳар бир қобилият ўзининг кичкина кубигига мос келиб, мазмун, жараён ва натижалардан иборат учта координата ўқининг кесишмасидан ҳосил бўлади.

Дж. Гилфорд моделининг аҳамиятини баҳоловчи изланиш натижаларида қуйидаги жиҳатлар унинг қадр-қимматини белгилаши кўрсатилган:

- Инсон интеллектуал қобилиятларини тизимли ва батафсил ифода этувчи кенг маъноли концепция:
- Нисбатан қисқа вақт мобайнида интеллектуал қобилиятларни башорат қилиш имкониятининг мавжудлиги:
- Ушбу модел асосида амалий жиҳатдан мавжуд бўлган интеллектуал тестларни классификациялаш ва уларнинг маъно жиҳатдан натижаларини самарали талқин этилиши.

Ушбу дастурнинг ўзига хослиги кубик моделда социал интеллектнинг тузилишига ҳам алоҳида ўрин ажратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра касбий компетентлик хулқ-атворни тушуниш имконини берувчи олтита омилни ўзида қамраб олган:

- Хулқ-атвор элементларини билиш – вербал ва новербал мулоқот ҳаракатларни ажратиш қобилияти.
- Хулқ-атвор сифатларини билиш хулқ-атвор ҳақидаги вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш ёки вазиятли ахборотлар оқимидаги умумий хусусиятларни аниқлаш.
- Хулқ-атвор муносабатларини билиш – хулқ-автор ҳақидаги ахборот бирликлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва тушуниш қобилияти.
- Хулқ-атвор тизимини тушуниш – ўзаро таъсирлашувнинг яхлит вазиятларини ривожланишини, бу вазиятларда улар хулқ-атворини мазмунини тушуниш қобилияти.
- Хулқ-атворнинг ўзгартиришини билиш ҳар хил мазмундаги вербал ва новербал мулоқотнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўзгаришлар мазмуни тушуниш қобилияти.
- Хулқ-атвор натижаларини билиш − мавжуд ахборотлардан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.

Мазкур модел мутахассислар томонидан эътироф этилаётганини инобатга олинса, уни педагогик жараёндаги социал ўзаро таъсирлашув масалаларини қийналмасдан таҳлил эта оламиз. Илмий мулоҳазалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларда таркиб топтирилаётган касбий компетенлик жараёнини ўрганишни ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, илмий таҳлилларимизга асосланиб, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларда касбий компетенлик самарадорлигини ифода этишга йўналтирилган махсус иерархик тизим -

схемаси ишлаб чиқилди ва ушбу тизим асосида касбий компетенлик омиллари ва уни тадқиқ қилиш услуби белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Усмонова Ш.Ж. Талабалар касбий шаклланишида интеллект динамикаси: Псих. фан ном. … дис. – Т.: ТДПУ, 2011. – 124 б.

2. Пузиков В.Г. Технология ведения тренинга/ Метод пособие для начинающих тренеров. – СПб.: Речь, 2005. – 224 с

3. Бендас Т.В. Гендерная психология. СПб.: Изд-во Питер, 2006. – 431 с.

4. Кудинова И.Б. Психологическая условия становления социального интеллекта личности: На примери старщиклассников и студентов Автореф. дис....канд. псих. наук, М.: 2006. – 24 с.

5. Куницина В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВУЗов. – СПб.: «Питер», 2002 – 322 с

## РАБОТА ПСИХОЛОГА С НЕБЛАГОПОЛУЧНЫМИ СЕМЬЯМИ И СООТВЕТСТВУЮЩИМИ ДЕТЬМИ

*Баратова Д.Ш.*
*старший преподаватель*
*Бухарского государственного университета*

Первый аспект работы с неблагополучными семьями и соответствующими детьми касается того, что эти дети и их родители как никакие другие нуждаются в положительных оценках. В одном из детских садов г. Бухары произошел следующий случай: мама, которая всячески старалась не ходить на родительские собрания, аргументируя свое непосещение занятостью, придя один раз и услышав, что ее сын очень способный мальчик и может выполнить очень сложные задания, начала все время уточнять дату следующего собрания, не отдавая себе отчет в том, что еще раз хочет послушать хвалебные отзывы о ее ребенке. Более того, она и сама перестала бить ребенка и не давала отцу прибегать к физическим наказаниям.

На самом деле мальчик, о котором идет речь, не только не «хватал звезд с небес», но был довольно агрессивным мальчиком, который доставлял большое количество забот воспитателям и специалистам. Но, как и в случае с родителями, можно найти в любом ребенке что-то положительное и демонстративно обращать внимание именно на это. Результатом такого подхода к ребёнку стало не только изменение позиций его родителей, но и качественные изменения в его поведении и обучении.

Как-то при посещении одного из районных детских садов мы обратили внимание, что хоким района, ребенок которого посещал это учреждение, стал частым гостем в детском саду. На вопрос о том, что произошло, что он, очень занятой человек, который до некоторого времени вообще не знал, где

детский сад, теперь «не вылезает оттуда», он сказал, что его дочь (девочка пяти лет), придя домой, задала какой-то вопрос, для ответа на который ему понадобилось лезть в энциклопедию. Через несколько дней ситуация повторилась. Отец удивился, откуда ребенок берет такие вопросы, что он, уважаемый человек, руководитель, кандидат наук, не может самостоятельно на них ответить, и узнав, что эти вопросы девочка берет из содержания программы детского сада, решил туда заглянуть, а заглянув, понял, что многие его очень взрослые проблемы имеют своим основанием семью и воспитание маленьких детей. Кстати сказать, те вопросы, которые, с одной стороны, вызвали интерес у хокима, а с другой стороны, привели его в детский сад, были связаны с содержанием праздника, в котором важная роль отводилась родителям детей.

Большую трудность для работы представляют семьи, которые считают, что взаимодействие с детьми предполагает в первую, а иногда не только в первую очередь строго иерархическую систему, где взрослый требует, а ребенок подчиняется, где взрослый задает норму, которой ребенок должен следовать, где взрослый учит, а ребенок должен учиться. С одной стороны, это очень разные семьи: от малообразованных родителей, которые чуть что бьют своих детей, до утонченно-интеллигентных, старающихся как можно раньше и как можно больше научить своих детей самым разным наукам. Вместе с тем, с другой стороны, они очень похожи, хотя в первых в качестве кнута и пряника используют конфеты и ремень, а в последних — покупку нового компьютера и запрещение на нем играть. Их сходство применительно к детям дошкольного возраста в том, что они не только не обращают внимание на развитие смысловой сферы ребенка, но даже всячески препятствуют этому развитию.

Эффективным средством работы с детьми из неблагополучных семей является проведение разного рода тренингов взаимодействия детей и родителей. В одних случаях это можно проводить в качестве разного вида соревнований, в других — без соревновательного мотива, который может приводить к разным противостояниям как детей, так и взрослых. При отсутствии соревновательного мотива задания могут быть направлены на оригинальность, например, придумать иной конец сказки «Колобок» или сконструировать ситуацию из вещей, которые могут быть представлены как в реальном виде, так и изображены на картинке. В этих случаях появляются условия не просто внимательно следить за деятельностью другой группы или за парой «ребенок—родитель», но это также служит хорошим основанием для взаимообучения взрослых и детей. При этом результаты обучения касаются как того содержания, на котором осуществлялось взаимодействие, так и самих способов и методов общения и совместной деятельности. Оказалось, что лишь 5% родителей могли обеспечить детям комфортное состояние, помочь им преодолеть страх и боль, способствовать выходу из послеоперационного периода и т.п. Остальные же не только не преодолели те проблемы, которые возникают у ребенка, но создавали новые трудности, которые препятствовали выздоровлению детей.

Очень хочется надеяться, что предложенные в данном сообщении меры работы с семьями, которые являются лишь малой толикой того, как должно и может быть представлено дошкольное образование, помогут не только детям, попавшим в беду, но и всем остальным быть веселыми фантазерами, обладающими высоким уровнем развития творчества или, как сейчас принято говорить, креативности, способными хорошо учиться, усваивать новую информацию и одновременно быть оригинальными конструкторами, умеющими не только что-то делать из деталей конструктора, но и созидать интересную, насыщенную эмоциональными событиями жизнь, в общем, быть настоящими дошкольниками.

**ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
2. Рогов “ Рабочая книга психолога” Москва, 2010
3. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1968. - 468 с.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт Т.2000
5. Морозов А.В. Психология влияния. М. “Питер” 2001й.
6. www.psycho.all.ru
7. www.psychology.net.ru

## OILA MUSTAHKAMLIGI – MIRZO BOBUR NIGOHIDA

*Barotova X.J.*
*Buxoro davlat universiteti magistranti*

**Annotatsiya:** Maqolada Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiyatiga xos oliyhimmatlik, adolat, mardlik va shijoat, shafqat, kamtarlik kabi ezgu fazilatlar, oila mustahkamligi, farzand tarbiyasi borasidagi qarashlar xususida mulohaza yuritilgan. Boburning qarindosh-urug'larga bo’lgan yuksak ehtiromi, oilada ayolning roli, ota va o’g’il, aka va uka o'rtasidagi munosabatlar tahlillar jarayonida ko'rsatib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Mohimbegim, sadoqat, Humoyunmirzo, ayol, yaxshilik, vafo, oqibat, mehr-shafqat, Agra.

Oila jamiyatning bosh bo’g’inidir. Har bir farzandning jamiyatga kerakli inson bo’lib voyaga yetishida oilaning o`rni va ta’siri nihoyatda beqiyos. Insonning eng pokiza tuyg’ulari, hayotiy tarbiya va xayoliy tasavvurlari, o`ziga nisbatan ishonch tuyg’ulari, Vatanga nisbatan sadoqat, ona yurtga mehr-muhabbat, ota-onaga hurmat e’tibor kabi chin insoniy fazilatlari, eng avvalo, oila bag’rida shakllanadi. Tom ma’noda oilani mustahkam qo’rg’on desak bo’ladi. Jamiyatning bosh bo`g’ini sifatida oila, hayotning abadiyligini, avlodlar davomiyligini ta’minlaydigan mustaqil institut sifatida ko’z o’ngimizda namoyon bo`ladi.

Oila bu – ulkan tarbiya o’chog’i. Qisqa qilib aytganda, barcha yaxshi fazilatlarning shakllanishidagi tayanch poydevor,shubhasiz, oiladir. Bunday ijobiy tuyg’ular azal-azaldan sharqona qarash, sharqona fikr-mulohazalarda, sharq allomalarining hayotiy tajriba-yu, purma’no hikmatlarida o`z ifodasini topgan.

Xalqimizning sevimli farzandi Mirzo Bobur ham oila, uning totuvligi va hamjihatligi, farzandlar tarbiyasi, og`a-inilar o’rtasidagi mehr rishtalarining mustahkam qaror topishi borasida bir qancha nekbin fikrlarini farzandi arjumandlariga, ahli-ayollariga alohida ta’kidlagan. Xususan, Zahiriddin Bobur qalami tuhfa etgan noyob asar – “Boburnoma” sahifalarini sinchiklab mutolaa qilar ekanmiz, mirzoning adolatli shoh, nozikta’b shoir, mehribon ota, oilaparvar shaxs, vafodor, mard inson ekanligining guvohi bo’lamiz. Avvalo, Boburmirzo ayollik va latofat dunyosi rahnamolariga hurmat-e’tibori, vafo va sadoqatni tayammum etuvchi kishi sifatida “Boburnoma” satrlarida aks etgan hayot haqiqati va tarixiy voqealar orqali ko'z oldimizda namoyon bo'ladi. Zero Bobur, oilaning mustahkam qo'rg'on ekanligi, unda ayolning mavqei qay darajada turishini te`ran anglab yetgan. Oilada ayolning roli qay darajada ekanligini ko’rsatib o’tgan. Buyuk podshoh bo`lishiga qaramay, turmush o'rtog'i Mohimbegimga jilovbardorlik qilgan. Olis manzildan o'z xo’jayinining yoniga kelayotgan Mohimning qarshisidan chiqqan shoh ayoli otining jilovini qo'liga olib unga alohida hurmat ehtirom ko'rsatgan. “…ertasi kuni Qarochaning hindustonlik xizmatkori Mohimning kelayotgani haqida xabar kelturdikim, men borcha ishimni, dorul saltanatni qo’yub, yeti kuro’h yurub, Mohimning yoniga peshvoz chiqdim. Ulovning jilovidan tutub, boricha podisholiqni yig’ib Mohimga jilovbarborliq qildim” [2,340]. Uzoq mashaqqatli yo’l tortib kelayotgan ayoliga o`rsatgan lutf-u karamidan Boburmirzoning haqiqiy odamoxun, insonparvar vafoli yoriga munosib vafodor ekanligining guvohi bo’lamiz.

Hattoki, Boburning qarindosh-urug'lariga qilgan munosabatlaridan uning nechog’lik oilaparvar, samimiy qalb egasi ekanligiga quyidagi tarix zarvaraqlariga bitilgan haqiqatlar orqali yana bir bor amin bo'lamiz. Gulbadanbegim o‘zining «Humoyunnoma» asarida Boburning qarindosh ayollarga bo‘lgan ehtiromi borasida quyidagilarni yozadi: «Podshoh hazratlari Agra shahrida to‘rt yil turdilar. Har juma kuni ammalarini ko‘rgani borar edilar. Bir kun havo nihoyatda issiq edi, onam hazratlari: «Bugun havo nihoyatda issiq, agar juma kuni ko‘rgani bormasangiz, nima bo‘ladi, begimlar bundan xafa bo‘lmasalar kerak», deb so‘radilar. Podshoh onamga mana bunday javob berdilar: «Mohim, Sizdan bu gapning chiqishi taajjubdir. Hazrat Abu Said mirzoning qizlari o‘z ota va birodarlaridan judo bo‘lib, bu yerga kelgan, agar men ularning ko‘nglini olmasam, unda nima bo‘ladi?» [3, 44]. Bundan ko'rinadiki, Mirzo Bobur haqiqiy mard, tanti, odamoxun. U har qanday vaziyatda yaxshilikka yaxshilik bilan, kerak bo'lsa yomonlikka ham yaxshilik bilan javob qaytaradigan javonmarddir.

Opasi Xonzodabegimning Samarqand sulhi tufayli Shayboniyxon ilgiga tushishi, ukasi Boburmirzoning hayotini saqlab qolishi uchun o'zini arosatda qoldirib, inisi sabab jonini qurbon qilishidagi voqealar oilada ota-ona tomonidan farzandlar tarbiyasi nechog’lik mukammal berilganligi, og`a-inilar o’rtasidagi mehr rishtalarining mustahkamligidan dalolat beradi. “Boburnoma” sahifalaridan

o’qisak, 1501-1502-yil voqealarida keltirilishicha, Bobur Samarqandni qo'ldan boy beradi. Natijada, Shayboniyxon sulh taklif qiladi. Chorasizlikdan bu sulhga rozi bo'lgan Bobur Samarqandni tark etadi. "Xonzodabegim ushbu chiqqonda Shayboqxonning ilgiga tushadi" [1,156]. Boburning boshiga og‘ir kunlar tushganda, Shayboniyxon uni halok etadigan bo‘lganda — Samarqand qamali chog‘i opasi Xonzodabegim unga shunday yaxshilik qiladiki, o‘zini asoratga solib bo‘lsa-da, ukasini qutqaradi. Bu xalqimiz tarixidagi dilbar sahifalardan biridir. Ajdodlardan me'ros bo'lib qolgan kishilarimizning bir-biriga mehru oqibati, sadoqati, fidoyiligi shunda yaqqol ko‘rinadi.

Xonzodabegim Shayboniyxon haramida o‘n yil arosatda yashaydi. Shayboniyxon o‘limidan keyin shoh Ismoil Boburning hurmati tufayli opasini inisi yoniga yubortiradi. Yaxshilik izsiz ketmaydi, deganlaridek, bu paytda Bobur Qunduz shahrida edi, u darhol chopar yuborib Marvdagi opasini Qunduzga olib keltiradi. Mirzo Bobur shaxsiyatiga xos ulug'vorlik mana shu yerda ko'rinadi. U opasini to umrining oxirlariga qadar hurmatini joyiga qo'yadi.

Mirzo Bobur o’zidagi bu nekbin xususiyatlarni farzandlariga ham ko’chirmoqni diliga maqsad qilib tugadi. ”Boburnoma” sahifalarini sinchiklab o’qish jarayonida bir necha bor otaning farzandlari bilan qilgan suhbatlari jarayonida ularga odamoxunlik xislatlarini uqtirganligining, farzand tarbiyasida, mustahkam oila bunyod etishdagi o'z fikr va mulohazalarida, o'g'illariga bergan otalik nasihatlarida va oila a’zolariga bo‘lgan shaxsiy munosabatlarida Boburning nechog’lik nozik qalb hamda oliyhimmat inson ekanligining yana bir bor guvohi bo’lamiz. Masalan:

Bobur Humoyunning nafaqat o‘z ukalariga bo‘lgan munosabatiga, balki uning savodxonligiga, odamlar bilan o‘zaro muloqotlarigacha e’tibor beradi. Humoyun nafaqat oiladagi bosh farzand, balki taxt vorisi ham edi. Shundan bo‘lsa kerakki, Bobur uning komil inson bo‘lishi borasida kuyunib, pandu nasihat qiladi:

«Ajdodlarimizning ko‘pchiligi fidoyilikni unutib, yo‘q bo‘lib ketdi. O‘g‘il otani o‘ldirardi. Og‘a iniga xiyonat qildi. Oqibatda bari razolatning qurboni bo‘ldi. Undan ko‘ra, yaxshilikning fidoyisi bo‘lgan afzal emasmi? Sen ham endi inilaringu avlodlaringni mardlikka, fidoyilikka o‘rgatgin» [1, 610]. Oiladagi to’ng’ich farzandga qilinayotgan ushbu nasihat, shu nasihatga sidqidildan qilinadigan vojibi amal keyingi avlodlar o`rtasidagi mehr rishtalarining ildizi te’ran bo’lishining yorqin ifodasi emasmi? Yana shu o'rinda podshoh ota Boburmirzo bo’lajak taxt vorisi, valiahdi Humoyunmirzoga qilgan vasiyatlarida: “...Endi sen katta ishlar oldida turibsan. O’y-fikrli va tadbirli beklar bilan kengashib, ularning so'zlariga amal qil. Agar mening rizoligimni istasang, xilvatda o'tirishni bas qil, odamlardan uzoqlashishni unut. Bir kunda ikki bora ukang va beklarni ixtiyoriga qo’ymay, qoshingga chorlab, har qanday maslahat bo’lsa kengashib, har bir ishingni bu xayrixoh kishilar bilan ittifoqlikda amalga oshirgin”[2, 330], deya – uning hayot bilan vidolashuv chog’ida ham bir oilada unib –o'sgan, ulg’aygan inilarning ota vafotidan so’ng ham bir-biridagi mehr-tuyg’ularining jo’sh urishi kabi ezgu fazilatlar egasi, mehribon ota ekanligini namoyon etadi.

Ammo, ming afsuslar bo`lsinkim, mol-u dunyoga hirs qo`yish, manfaatlarning bir joyda o`zaro to`qnash kelishi, o`z nafsiga qul bo`lish ayrim

kimsalarni odamiylik izidan chiqaradi. Yuqorida qayd etilgan xuddi shunday illatlarga ba`zida chalinib turgan Boburning o‘g‘illari Humoyun, Komron, Askariylarning tarbiyasidan, tojgirlik-mulkgirlik borasidagi intilishlaridan otaning ko‘ngli to‘lmagan. O’tar dunyo hoy-u havasi uchun farzandlar orasidagi nifoq, ayrim paytlarda dushmanlikkacha yetib borgan. Og‘a-inilar o‘rtasidagi mulk talashish, ular xulqidagi salbiy jihatlar ota sifatida uni hamisha tashvishga solgan. Bu borada Boburning o‘g‘li Humoyunga yozgan maktubi muhim ahamiyatga ega. Mazkur maktub Boburning vafotidan ikki yil oldin Humoyunga otaning o'g'liga vasiyatnomasi sifatida jo‘natilgan. Ammo Humoyun va Komronning bir-birlari bilan munosabati borgan sari chigallashib Bobur saltanati tahdid darajasiga yetib boradi: «Sizlarning jon tortib, qilich chopmoq mahallaringizdir. Qopuda kelgan ishni taqsir qilmangiz. Garonjoliq bila kohilliq podsholiq bila rost kelmas... Yana sen o‘zung (Humoyun) bilur edungkim, doim bu qoida mar’iy edi: besh hissa Komrong‘a bo‘lur edi. Hamisha bu qoidani mar’iy tutub, mundin tajovuz qilmang. Yana ining bila yaxshi maosh qilg‘aysen. Aning ham mutasharri’ va yaxshi yigit qo‘pubtur, ul ham mulozamat va yakjihatliqqa taqsir qilmagay» [1, 611]. Farzandlari orasidagi nifoq otani hamisha tahlikaga solib turgani, hatto uning farzandlar ulushini ham teng taqsimlaganidan ko’rinib turadi. Humoyunga bosh farzand sifatida qarab, unga mol-mulk borasida ham adl o`rnatmoqlikni uqtiradi. Bu borada doimiy yig`iladigan mulkning Komron Mirzog’a beriladigan besh hissasi yuqorida keltirilgan fikrimizning ayni tasdig`idir. Ota vafotidan so’ng uning izdoshlari – farzandlarining tinch va totuv yashashi uni har soniyada o'ylantirib turgan. Bu borada faqat katta farzandiga yuzlanib nasihat qilgan. Zero, Bobur ta’biri bilan aytganda, oilada “kattalar ko’tarimli bo’lishlari kerak” [2, 330]. U so'zining oxirida Humoyunmirzoga o’zidan keyin ukalari bilan yaxshi yashashi va yaxshi muomala qilishni qat’iy uqtiradi: “...ukang bilan yaxshi yashagin. Sening ham ular bilan yaxshi muomalada bo’lishingga umid qilaman”[2, 330].

Har bir oilada bo’lgani kabi, shoh Bobur oilasida ham farzandlar tarbiyasi, ota-ona o’tgandan so’ng ular o’rtasidagi oqibatning so'nmasligi, mehr rishtalarining mustahkamligi borasida alohida qaralgan. Hamisha oilaning muqaddasligi, qarindosh-urug'larga ko'rsatilgan hurmat-e’tiborning samimiyligi, tarbiyaning ustuvorligi, oilada ayolning o’rni Bobur tomonidan bir necha marotaba farzandlariga, saroy mulozimlari-yu, barchaga birdek uqtirilgan. Avlodlar tarbiyasining beshigi hisoblanmish oila haqida turli-tuman qarashlar mavjud. Barcha qarashlarning tub zaminida ezgu fazilatlar tayammum etiladi. Asrlar sinovidan o'tgan sharqona an’analar, hech qachon mohiyatini yo’qotmaydi. Aksincha, bugungi kun vakillari uchun o’tmish hayoti asnosida vujudga kelgan amaliy tajribalardir. Xususan, Mirzo Bobur nigohida aks etgan ushbu samimiy tuyg'ular yetishib kelayotgan yosh avlod uchun, nikoh ostonasiga qadam qo'yayotgan yosh oila vakillari uchun haqiqiy ibrat va saboq maktabi bo'la oladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. Bobur Z.M. Boburnoma. – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2015. – 699 bet.

2. Bobur. Z.M. Boburnoma (V. Rahmonov, K. Mullaxo`jayeva tabdili ). – Toshkent: "O`qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 366 bet.

3. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2016. – 117 бет.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ПОВЕДЕНЧЕСКИХ РАССТРОЙСТВ У УЧАЩИХСЯ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

*Бахронова К.Я.*
*БухДУ*

Восстановление и возрождение нашего национального, культурного и просветительского наследия создаёт твёрдую почву в жизни нашего народа, в воспитании детей, прокладывает путь для формирования среди них таких высоких качеств, как доброта, человечность, великодушие и благородство. Это способствует формированию у учащихся чувства уверенности в завтрашнем дне.

Поведенческие нарушения часто оказываются главным источником трудностей во взаимоотношениях между людьми. Нарушения в поведении обучающихся являются одной из наиболее острых проблем для педагогов, родителей и других субъектов образовательного процесса. Младшие школьники наиболее восприимчивы к деструктивным внешним воздействиям. Стремление к познанию всего нового, необычного, желание поскорее стать взрослым, перенять привычки и способы поведения старших, боязнь отстать от сверстников, выглядеть в их глазах смешным – все это часто при неблагоприятно сложившейся ситуации приводит младшего школьника к нарушениям поведения.

В одном из трудов Президента Республики Узбекистан Ш. М.Мирзиёева «Наше великое будущее мы построим вместе с отважным и благородным народом», жизненно важные слова были обращены для нашего молодого поколения: «Сегодня жизнеутверждающий призыв «Наши дети должны быть сильнее, умнее, мудрее и, конечно же, счастливее нас!» занял прочное место в сознании и сердце каждого из нас, родителей и широкой общественности. Все мы гордимся тем, что наша молодежь по праву становится решающей силой сегодняшнего и завтрашнего дня, способной взять на себя ответственность за будущее Родины».[1]

Теоретический и научный анализ показал, что проблема в рамках выбранной темы чрезвычайно актуальна для развития науки социальной психологии сегодня. Кроме того, исследования многих зарубежных, российских и узбекских психологов о причинах расстройств поведения у детей подчеркивают, что этот процесс сегодня редко изучается и является одним из наиболее важных исследований для развития личности.

[1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент,“Ўзбекистон”, 2017. – 64 б.

Из этого делается вывод, что изучение поведенческих расстройств у детей демонстрируется как специфическая социально-психологическая проблема, и задачи нашего исследования сосредоточены именно на этом аспекте с захватом новой эмпирической информации, полученные данные знаменательны тем, что послужат перспективам развития науки социальной психологии.

Важно отметить, что вопрос исследования поведенческих нарушений у детей ставится как специфическая социально-психологическая проблема и что задачи, поставленные в нашем исследовании, ориентированы именно на этот аспект.

На основе изученных теоретических, научных и методологических интерпретаций, основанных на актуальности темы исследования, установлена проблема эмпирически правильной оценки факторов, вызывающих поведенческие расстройства у современных детей младшего школьного возраста. Исходя из этого, первой задачей нашего исследования был анализ и обобщение научной литературы по данной теме. В то же время каждый анализ, который необходимо представить, служит фундаментальной основой для определенного уровня изучения изменений в поведении детей. Выполнение этой задачи также служит для выявления роли и важности изучения поведенческих расстройств у детей как социально-психологической проблемы.

Второй основной задачей исследования является анализ научной литературы, направленной на выявление эмпирических аспектов проблемы. Были выбраны методы и объекты исследования, которые воплощают эмпирическое содержание исследования. Были изучены активность детей с определенными уровнями поведенческих расстройств. Разработаны исходные данные и критерии для эмпирического анализа, данные, полученные на основе этих критериев были проанализированы и на основе этих анализов были определены следующие этапы, объем работ исследования, которые должны быть выполнены. Разумеется, каждый из выбранных критериев служит для дальнейшего обогащения научного понимания формирования и происхождения поведенческих расстройств у человека, а также правильного использования определенных методов, уже известных в мире современной психологии, и их применения на практике. В этом процессе особое внимание уделяется требованиям каждой применяемой методологии, таким как преимущество, обоснованность, представительность и надежность.

Третья задача исследования - провести предварительный анализ данных с использованием выбранных методологий, в которых показатели анализируются эмпирически, в основном у детей со здоровыми и поведенческими расстройствами. В нем также рассматриваются социально-психологические факторы, влияющие на формирование родительских отношений в поведении ребенка, обобщаются все показатели, связанные с каждым изучаемым фактором, и подготавливается прочная основа для

следующих этапов и задач исследования. Выполнение этих задач подробно описаны во второй главе.

Четвертая задача исследования включает вопросы, связанные с организацией семейной психологической коррекции у детей с нарушениями поведения, а также выявление и изучение специфической социально-психологической эффективности этого процесса. Особое внимание уделяется социально-психологическим возможностям и перспективам процесса семейной психокоррекции, что положительно сказывается на поведении детей. В данный момент особое внимание уделяется роли и значению родительских отношений в формировании личностных качеств у детей. Также анализируется совокупность показателей эффективности семейной психокоррекционной работы у детей с поведенческими расстройствами в соответствии с целями исследования, и на основе этого анализа разрабатывается система соответствующих научных и практических рекомендаций. Эти рекомендации могут эффективно использоваться учителями начальных классов, родителями, школьными психологами и педагогами, занимающимися вопросами образования в своей работе.

Известно, что каждая исследовательская работа и ее результаты должны обрабатываться в соответствии с требованиями соответствующих математических и статистических критериев. Это связано с тем, что невозможно сделать научные выводы по теме исследования без определения уровня научной достоверности данных, основанных на конкретных коррекционных анализах. В этой работе пятая задача нашего исследования посвящена интерпретации научных данных, которая служит для обеспечения статистической достоверности полученных эмпирических данных. В то же время рекомендуются научные выводы, основанные на средних общих и сравнительно-типичных показателях данных, полученных от всех учащихся и их родителей, у которых наблюдается склонность к поведенческим расстройствам.

На основании приведенного выше анализа можно сказать, что устранение того или иного расстройства в поведении ребенка помогает предотвратить негативные последствия, связанные с формированием у ребенка аддиктивного, суицидального, правонарушительного поведения, которое наносит вред человеку, социальным группам или обществу в целом. Это требует совершенствования программ семейной психокоррекции, направленных на уравновешивание межличностных отношений на основе определенных социально-психологических требований.

Кроме того, основываясь на изученных источниках, можно сказать, что дети с поведенческими расстройствами отличаются от здоровых детей выражением специфических расстройств, ригидности, высокой чувствительности, повышенной тревожности, чрезмерных эмоциональных переживаний, дисгармонии, проявляющейся в слабости эмоционального контроля. В то же время следует отметить, что у детей с расстройствами поведения выражается стремление к доминированию, эгоизм, низкий уровень потребности в социальном одобрении и гнев в межличностных отношениях.

**СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ**

1.Выготский Л.С.Психология развития человека / Л.С.Выготский. – М.: 2005.

2.Воронков.Б.В. Особенностм психических отклонений у подростков: Лекции СПб:ППМИ,1993.–56 с.

3.Дубровина И.В. Психологическая служба в современном образовании: Рабочая книга / И.В. Дубровина. – СПб.: 2008.

4.Березин Ф.Б. Психическая адаптация и тревога. Психические состояния. СПб.: Питер. 2001. – 512 с.

## ZAMONAVIY TA`LIM PSIXOLOGIYASI

*Baxtiyorzoda D.*
*Navoiy viloyati, Karmana tumani*
*"Binafsha" nomli 4-MTT psixologi*

O`zbekiston Respublikasining mustaqilligi sababli barcha sohalarda tubdan islohotlar amalga oshirilmoqda, boshqa sohalar qatorida psixologiya sohasida ham o`zgarishlar katta, bunday o`zgarishlar sohadagi olimlar va psixologlarni izlanishlari samarasidir. Psixologik xizmatga bo`lgan talab maktabgacha ta`limdan boshlab maktablar, kollejlar, oliy o`quv yurtlarida rivojlanib borayotganligi kundan- kunga o`z isbotini topmoqda.

Men bugun Maktabgacha ta`lim tizimida psixologning o`rni va vazifalari haqida fikr va mulohazalarimni bildirib o`tmoqchiman Ilk bolalik va maktabgacha yoshdagi bolalarning psixologik xususyatlarini ilmiy, nazariy jihatlarini o`rganish pedagogik ta`limda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan ta`kidlash lozimki, jamiyat - bu insonlar, shu jumladan bolalar muammosi majmuidir. Demokratik jamiyatning rivojlanishi va ma`naviy salohiyati ko`p jihatdan ana shu bolalarga berilgan psixologik, tarbiyaviy ta`lim mazmuniga bog`liq. Har bir bola jamiyatda yashar ekan, u unda o`ziga xos o`rin va mustaqil mavqe egallashga intiladi. Bolalar o`rtasidagi o`zaro munosabatlarni hamda har bir shaxsning jamiyatdagi o`rni va uning turlicha ijtimoiy munosabatlarini tabiatini o`rganuvchi qator pedagogik fanlar mavjud bo`lib, ularning orasida psixologiya alohida o`rin egallaydi. O`zbekiston Respublikasi "Ta`lim to`g`risida"gi qonunida maktabgacha ta`lim uzluksiz ta`limning birinchi bo`g`ini sifatida e`tirof etilib, uning 11-moddasida maktabgacha ta`lim bolalarni jismoniy, ma`naviy, aqliy, axloqiy, estetik xullas har jihatdan ta`limning keyingi turida ya`ni maktabga o`qishga sifatli tayyorlashi lozimligi ta`kidlanadi. Mashhur rus pedagogi Lesgaftning fikricha, "Insoning bog`cha yoshidagi davri shunday bir bosqichki, bu davrda bolalarda xarakter xislatlarining namunalari shakillanib, axloqiy xarakterning asoslari yuzaga keladi". Shunday ekan, maktabgacha ta`limda eng avvalo psixologiya sohasini rivojlantirish lozim. Psixologga nisbatan "universal" deb qarashni to`xtatish lozim, har bir tashkilot psixologi o`zini haq-huquqi va majburyatlarni bilishi, o`z ustida

ishlashi, rivojlanishdan to`xtamasligi lozim. Hozirgi shiddat bilan rivojlanib borayotgan jamiyatga sog`lom va yetuk kadrlarni yetkazib berish maktabgacha ta`lim va oilaning zimmasiga tushmoqda, psixolog ota-onalar, tarbiyachilar va pedagog xodimlar bilan hamkorlikda ish oilb borib sog`lom va ruhan barkamol bolalarni yetkazib berishga o`z hissasini qo`shadi. Iqtidorli bolalar qobilyatini ertaroq aniqlash va ularning yanada rivojlanishiga ko`maklashish, rivojlanishda orqada qolayotgan bolalar bilan ishlash va ularni bartaraf etish ishlarini olib borish lozim. Zero hurmatli yurtboshimiz aytganlaridek, " Yoshlar bizning kelajagimiz, ularga yangi parvarishlanayotgan niholdek e`tiborli bo`lishimiz kerak shundagina bu daraxtlar ko`kka bo`y cho`zib o`z mevalarini beradi"

O`zbekistonda psixologiyani rivojlantirish uchun taklif va tavsiyalar

- Oliy o`quv yurtini bitirib yangi ishga kirgan yosh kadirlarga metodik yordam berish uchun har bir hududda amaliy yordam psixologik markazlari tashkil qilish, va bu markazlarda yosh xodimlarga metodik tavsiya bera oladigan, maktabgacha ta`lim tashkilotlarida yuritilayotgan ish hujjatlarini tartibga solish va hujjatlarni tog`ri olib borish bo`yicha tavsiya bera oldigan kadirlar bilan ta`minlash.
- Ortiqcha qog`ozbozlikdan qutilish. Maktabgacha ta`lim tashkilotida psixologga muhtoj bolalar soni nisbatan ko`proq, ta`lim tashkilotiga mosalasha olmaslik, 6-7 yoshlilarning mayda motorikasini rivojlantirish, ruhiy tushkinlikdagi bolalar bilan ishlash, ota-onlar murojaati, xodimlar bu ro`yxatni uzoq davom ettirish mumkin. Lekin hujjatlar bilan ovora bo`lib asosiy ish faolyati qolib ketyapti
- PSIXOLOG xonasi. Psixolog shtat bor lekin alohida xona muammo. Maktabgacha ta`limda psixologlar uchun xona tashkil qilish, xonani normativlarga asosan jihozlash, ota –onalar va xodimlar psixologga murojat qilganda tinch va xotirjam muhitda qabul qilish kerak, korreksiyaga muhtoj bolalar bilan alohida ish olib borish kerak.
- Kun tartibini tuzayotganda psixolagik mashg`ulotlar uchun uchun ham alohida soat ajratilsin. Psixolog o`z ish rejasi bo`yicha tarbiyalanuvchilar bilan ishlash uchun ovoragarchiliklar bo`lmasin.
- Biz kabi yosh kadirlarga psixologiyani chuqurroq o`rgatish, rivojlantirish maqsadida har bir viloyat va tumanlarda psixologik xizmat markazlari tashkil qilish. Shuningdek psixologik tanlov va tadbirlar sonini oshirish ham kadrlarni o`z ustilarida ishlashlariga turtki bo`lishi barcha psixologlarni o`zaro fikr almashishlariga va sog`lom raqobat vujudga kelishiga imkon yaratiladi

Yuqorida keltirilgan taklif va tavsiyalar o`z yechimini topishi ma`lum bir muddat talab etishi mumkin, lekin astoyidil birgalikda harakat qilinsa, ko`zlangan natijaga erishamiz. Chunki psixolog bo`lishni tanlagan va shu kasbda faoliyat oilb borayotgan ekanmiz o`zimizni rivojlantirish va o`zimiz orqali yurtimizda psixologiyani rivojlantirish yelkamizda turgan asosiy vazifadir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.B.R.Djurayeva, H.M.Tojiboyeva, G.M. Nazirova. Maktabgacha ta`lim yoshidagi bolalarga ta`lim –ta`rbiya berishning zamonaviy tendensiyalari

2.E. G`oziyev, Yosh davrlari psixologiyasi. Toshkent- 1996
3. Mavzu yuzasidan internet tarmog`i veb –saytlaridan foydalanildi

## PSIXOLOGIYADA KONFLIKTLERDIN’ SHAXSQA TA’N SOCIAL-PSIXOLOGIYALIQ O’ZGESHELIKLERI.

*Begjanova A.N.*
*QMU, “Pedagogika ha’m psixologiya” kafedrasi Oqitiwshisi*

Insan da’slepki balaliq da’wirlerinen aq ha’r tu’rli kelispewshilikler ha’m qarama qarsiliqlar menen o’zi qa’lemegen halda dus keledi. Kelispewshilik ha’m qarama qarsiliqlar insan o’miri dawaminda, ha’r qanday jasta, ha’r qanday sharayatta ju’z beriwi mu’mkin. Konfliktler hesh bir insandi shetlep o’tpeydi. Ma’selen baqshada tarbiyalanip atirg’an balalar arasinda bolsin, mektepte, joqari ha’m orta arnawli ka’sip o’ner kolledjinde, joqari oqiw orinlarindag’i studentler arasinda, oqitiwshilar arasinda da ju’zege shig’adi. Ol ko’binshe uzaq mu’ddet o’z-ara birge bolatug’un jag’daylar da ju’z beredi. Konflikt- bul ha’miyshe kritikalaw, dushpanliq, kek, tu’sinbewshilik uqsag’an unamsiz jag’daylar ko’rinisinde bolip, ilaji barinsha onnan uzaqlasiw kerek. Konfliktler, insanlardin’ o’z-ara bir-birine ta’sir ko’rsetiwi, o’z ara mu’nasibetler, qatnasiqlar processinde payda boladi. Sonin’ ushin da insanlar qay jerde bolmasin, shan’araqtama, ja’ma’a’t jerlerinde me bar bolip o’z hukimin o’tkeriwge ha’reket qiladi. Na’tiyjede insanda konflikt ju’z beredi ham insannin’ ishki sezimleri menen gu’res yag’niy sezimleri o’zine boysinbag’an halda boladi ha’m insanda ishki konfliktli jag’day ju’z beredi.

Yag’niy, konfliktli jag’daylar insanda eki tu’rde ishki ha’m sirtqi konfliktler tu’rinde payda boladi. Ma’selen insannin’ ishki konfliktlerine o’zinin’ jeke sezim tuyg’ilarina baylanisli konfliktler bularg’a ma’selen, o’zinin’ isenimi, hujdani uqsag’an shaxsiy yamasa jeke pikirlerine o’zi qalemegen halda qarsi shig’iwi tu’siniledi. Bunday adamlar o’zine maqul bolmag’an is ha’reketlerdi islewi tiykarinda o’zin keshire almaytug’in yamasa kerisinshe o’zinin’ jeke hu’jdani sezim tuyg’ilarina itibar bermeydi. Sirtqi konfliktlerge bolsa insannin’ basqa adamlar menen bolatug’in qarama qarsiliqli jag’daylari kiredi.

Konflikttin’ jane bir o’zgesheligi sipatinda, adamlardin’ basqalar haqqindag’i adekvat bolmag’an pikirlerdin’ qa’lipleskenligi bolip, real tendenciyalarg’a juwap bermeytug’in o’z-o’zine bolg’an bahanin’ joqarilig’i. Bunday jag’daylarda a’tiraptag’ilardin’ negativ o’zgesheliklerin qabil qiliwg’a bolg’an turaqli pikirdin’ payda boliwi, mu’na’sibetlerde negativ bahalardi qabil qiliw uqsag’an jag’daylar juzege keledi.

Qaniygeler adamlar ortasinda artiqsha kelispewshiliklerdi tarqatiwg’a sebepshi bolg’an bir neshe “kelispewshilikli” shaxslardi ajiratadi:

O’zin ko’rsetiwshi shaxs. Bular ha’r waqitta diqqat orayda boliwg’a umtiladi. Ha’r qanday sezimlik ba’sekilerdin’ baslamashilari boladi. Bunday adamlar o’zin ko’rsetiwge umtilip o’z hu’kimin basqalarg’a o’tkeriwge ha’reket qilatug’un shaxslar esaplanadi. Olar o’z jumisin oylag’aninday qilip a’melge

asiriwdi qa'leydi ha'm bul jolinda konfliktlerdi de keltirip shig'aradi yamasa bularda ko're almasliq sezimi basim boladi.

Menmen shaxs. Bular o'zleri haqqinda joqari pikirde boladi, o'zgelerdin' pikirleri menen esaplaspaydi, o'zlerinin' is ha'reketine kritikaliq ko'z qarastan qaramaydi, urisqaq, sa'l na'rsege ashiwi kelip qapa bolatug'un shaxslar, a'tiraptag'ilarg'a za'ha'rin shaship qosip tarqatatug'un shaxslar. Bunday adamlar tek o'zin qatti jaqsi ko'retug'un egoist boladi ha'm o'zinin' niyetin a'melge asiriwda tu'rli jollardanda qaytpaytug'in shaxslar sanaladi.

Erksiz shaxs. Bular; o'z –o'zin ju'da to'men baqlaydi, iqtiyarsiz ha'reketleri menen ajiralip turadi, taslaniwshan' boladi, bunday adamlardin' xarakterin tu'sindirip bolmaytug'in adamlar esaplanadi. Bunday adamlarda ko'bine ko'p o'zin jerge uriw arqali o'z niyetlerin a'melge asiradi.( Misali: -"Awa men sonday adamman, meni ne qilayin degen edin'iz? –"Menin' talabim kelispeydi o'zi menin' jumislarim sonday ha'miyshe.") uqsag'an so'zleri arqali basqalardin pikirlerin tin'lawdi qalemeytug'in, o'zinin' ma'pi ushin ne qiliwg'a da tayyar shaxslar esaplanadi.

Aniq shaxs. Bular artiqsha talapshan', ha'r dayim gu'manda ha'm uwayimshil bolip ha'mme na'rsege itibar bereberetug'in boladi. Konfliktli jag'daydin' sirtqi tu'rleri bar bolip, bular to'mendegiler yag'niy ha'dden tis sezimge beriliw, pikirdi aniq ayta almaw, bir birin tu'siniwdi qalemew, tiykarg'a iye bolmag'an nashu'kirlik ha'm tag'i basqa da sezimlerge bay shaxslar.

Shaxslar araliq qatnasiqlarda konfliktlerdin' ju'zege keliwi, dinamikasi ha'm onin' rawajlaniwina sebepshi bolg'an psixologiyaliq faktorlardi aniqlaw ushin, insan minez-qulqi mexanizmlerin baqlawdi, olardi uyreniw ham insan minez qulqindag'i o'zgerislerge itibar beriw kerek. Bunnan basqa, shaxslar araliq qatnasiqlardag'i konfliktlerde ken' ko'lemde psixodiagnostika, prognoz qiliw ha'm korrektsiyanin' metodologiyaliq tiykarlarin islep shig'iw kerek boladi. Konfliktlerdi uyreniwde onin' minez qulqina baylanisli boladi. Psixologiyaliq konfliktler insannin' xarakter tiplerinin' qayta du'ziliwine, olardin' sheshimi bolsa shaxstin' jeke duzilisine ha'm jan'a mu'na'sibetlerdin' jaratiliwina qolayliq jaratadi. Konfliktler insanlardin' gey birewlerine unamli ta'sirin tiygizse al gey birewlerge unamsiz ta'sirin tiygizedi. Konflikttin' kelip shig'iwi negizinde insanlarda turmista o'z pikirin erkin ayta aliw ha'm og'an adamlardi isendiriw jolinda izleniwi, jeke o'zine bolg'an bahasin asiriwi, sabirli boliwdi u'yreniwi ha'm konfliktli jag'daylardin' juz beriwi negizinde jaqsi jamandi ajirata aliwi uqsag'an ko'z qaraslardin' payda boliwina alip keledi, eger shaxs konfliktten o'zine tuwri sheshim qabil etken bolsa a'lbette rawajlaniw boladi al shaxs konfliktten o'zine tuwri sheshim qabil etpegen bolsa ma'selen o'zinin' isi natuwri ekenligin bilse de o'zinin' qa'lewindey o'zinin' paydasina qarap konflikttin' sheshiliwin qalese onda bunday shaxslarda agressiya uqsag'an deviant quliqli shaxslar ko'beyedi. Sonin' ushinda insan qanday konfliktli jag'dayg'a tu'sip qalmasin birinshi o'zin sol qarama qarsiliqli jag'daydag'i adamnin' ornina qoyip ko'riwi ha'm jeke hu'jdani sezim tuyg'ilarina qulaq salip ko'riwi ha'm basqalardin'da pikirlerin de esapqa alsa konfliktli jag'daylardan unamli ta'rizde shig'a aladi, kezi kelgende o'z qaten'di de ta'n ala biliw de ma'rtlik sanaladi.

**PAYDALANILG’AN ADEBIYATLAR:**
1. Н. В. Гришина. ПСИХОЛОГИЯ КОНФЛИКТА. Питер, 2008.
2. Antsupov A. Ya., Shigshlov A. I. Konfliktologiya: Uchebnik dlya vuzov. - M.: YuNITI, 1999. - Razd. I, III.
3. Ф. М. Бородкин. Н. М. Коряк. Внимание конфликт. Новосибирск.

## EKSTREMAL VAZIYATLAR PSIXOLOGIYASI

*Begmonova M.P.*

*“Dard, o’kinch, noumidlik, qo’rquv bular o’tkinchi, qalbda ildiz otmaydigan musibatlardir, alamli tuyg’ular ta’sirida baxtsizlikdan sira qutulmaymiz, deya o’ylash ham mutlaqo soxtaligi tajribadan bizga ma’lum”*

*J.J.Russo*

Barchamizga ma’lumki o’tgan asrlardan to hazirgi kungacha yirik, tabiiy hamda insoniyat sabab turli ekstremal vaziyatlar yuzaga kelmoqda. Bugungi kunda axborotlar oqimining uzluksiz kommunikatsiya tarmoqlaridan uzatilayotgan bir davrda xavfsizlikni ta’minlash, xatarlar, salbiy oqibatlarning oldini olish mas’uliyatli vazifadir. Shu boisdan insonlarning faol mehnat qilishi uchun avvalo ruhiy salomatlikni saqlash va mustahkamlash, og’ir vaziyatlarda o’zini boshqarish kabi tushunchalarni yoshlikdan ularga anglatmoq lozim. Insonlar bunday og’ir vaziyatlarga to’g’ridan-to’g’ri guvoh, sababchi yoki jabrlanuvchi sifatida uzviy bog’liq bo’ladi. Shu sababli ham insonlarning keskin vaziyatlarga tushishiga javoban, ularda psixologik kechinmalarning yuz berishini inobatga olish darkor.

Insonlarning muhit o’zgargan shart-sharoitlarda psixik faoliyatining kechish qonuniyatlarini hamda ekstremal sharoitlarda insonga ta’sir etuvchi omillarning va ushbu omillarga insonning biologik moslashuvini o’rganuvchi va ushbu sohani o’rganishga munosib kadrlarni tanlash va ular bilan ishlashni ekstremal psixologiya o’rganadi. Ekstremal sharoitda insonga bir qancha omillar ta’sir ko’rsatadi. Masalan, monotoniya(bir xil ish tarzidan asab buzulishi va siqilish),makon o’zgarishi,xavf omili,vaqt,shaxsiy ahamiyatga molik axborotning o’zgarishi,yolg’izlik,yaqinidan judo bo’lish,guruhiy izolyatsiya va boshqalar. Ekstremal vaziyatlarda ruhiy tushkunlikka tushib qolgan insonlarda asl qo’rquv va vaxima bo’lib o’tgan voqeaning mohiyatini anglash jarayonida sodir bo’ladi. Aynan shu vaziyatda ular ruhiy daldaga muhtoj bo’ladilar. Har bir inson hayoti davomida noxush tasodiflarga duch keladi. Ko’pincha bunday holatlar keskin tus olib yaqinlarimiz yoki o’zgalarning ko’magisiz ruhiyatimizdagi noxushliklardan chiqa olmaymiz. Bu borada P.Kornelning ”Ko’nglingni yorsang, ko’pincha darding yoziladi”degan fikri o’z tasdig’ini topadi. Tarixdan ham bizga ayonki buyuk podshohlar ham og’ir vaziyatlarda kimgadir dardini aytib yoki biror mashg’ulot bajarib o’zlaridagi bosimni yengillatgan va stressdan chiqqan. Buyuk sarkarda Amir Temur bobomiz tushkun vaziyatlarida ustozlari bilan dardlashib yengil tortgan bo’lsalar, bobokalonimiz Mirzo Ulug’bek shunday og’ir

vaziyatlarda rasadxonadan bir necha kun chiqmay yulduzlar xaritasini tuzish va yulduzlarni kuzatish bilan dardlarini unutganlar, Shoh va shoir deya tasnif etiladigan Bobur bobomiz esa qiyin vaziyatlarda dil so'zlarini qog'ozga muhrlaganlar va shundan taskin topganlar, bunday misollarni uzoq davom ettirish mumkin. Fan va texnika taraqqiy etgan hozirgi davrda esa o'z kasbining mutaxassislari bu borada aziyat chekayotgan insonlarga beminnat ko'makchidirlar. Jamiyatda keng tarqalgan ekstremal holatlardan, qadrli insonlarimizning vafoti, yaqinlarimiz bilan munosabatlarning buzulishi, ajrashish holatlarida ko'pincha tushkunlikka tushgan insonlar turli dori vositalarini iste'mol qilish, spirtli ichimliklarga ruju qo'yish ba'zan o'z joniga qasd qilishga ham borishadi. Uzoq vaqt davom etadigan kuchli emotsional bosim va salbiy kechinmalar natijasida organizmda turli xastaliklar: oshqozon kasalligi, qon bosimining oshishi, yurak xastaliklari va psixosomatik buzulishlarga olib keladi. Ko'pincha ekstremal vaziyatlardan aziyat chekkan insonlarda atrof-muhitga nisbatan nafrat, qo'rquv, jahl, depressiya kabilar kuzatiladi. Bunday vaziyatlarda kuchingizni saqlab qolish, asablarni mustahkamlash va bosimni yengish uchun kerakli sharoitni yaratish lozim. Bu borada Chaykovskiyning" Ko'ngil iztiroblaridan qutulishning birdan bir yo'li mehnatdir" degan so'zlari isbot bo'la oladi. Darhaqiqat, jismoniy mehnat bilan shug'ullanish, uy tozalash, jihozlarning joylarini almashtirish, yugurish, piyoda sayirga chiqish, dush qabul qilish,ovozning boricha baqirish,oyoq bilan yerni qattiq tepish,keraksiz chinnilarni sindirish,yig'lash,yaqin insoniga dardini aytish ham ijobiy natija beradi. Ko'rib turganingizdek bu mashg'ulotlar psixologik mashqlarga kirmasada ko'pchilik bu usullardan foydalanadi va o'zida psixologik emotsional holatlar buzulishining oldini olgan hisoblanadi. Insonlarning ekstremal, noodatiy vaziyatlarga, yangi muhitga moslashuvi normallashsa, demak insonga samarali psixologik yordam ko'rsatilgan sanaladi.

Talent Smart kompaniyasi tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarga ko'ra ish jarayonida eng yaxshi ko'rsatgichga ega bo'lgan xodimlarning 90% qiyin vaziyatlarda xotirjamlikni saqlash, bosim va stressni yengish, o'z his-tuyg'ularini boshqarishda 8 qoidaga amal qilishar ekan:

-O'zingizdagi bor narsani qadrlash. Minnatdorlik tuyg'usi kortizol darajasini 23% tushiradi. Bundan tashqari Kaliforniya universitetida o'tkazilgan tajribaga ko'ra har kuni minnatdorlik tuyg'usini tuyadigan insonning kayfiyati ko'tarilib, jismoniy holati yaxshilanadi;

-"Agarda,mabodo" so'zlarini kamroq ishlatish;

-Ijobiy fikrlar stressdan qochish imkonini beradi. Jaxl chiqib turganda yaxshi narsalarni o'ylash qiyinchilik tug'dirishi tayin, shunchaki eslang eng og'ir o'tgan kuningizda bir donagina bo'lsada ijobiy holat bor;

-Ayni vaziyatdan chalg'ish;

-Kofein moddasiga boy mahsulotlarni kamroq iste'mol qilish;

-To'yib uxlash. Uyqu yetishmovchiligi kortizol darajasini oshiradi;

-Salbiy narsalar haqida qancha ko'p o'ylasangiz,unga shuncha ko'p quvvat bergan bo'lasiz.Yaqinlardan qo'llab-quvvatlashlarini so'rang.

-O'zingizga kerakli paytda yordam so'rang va kamchiliklaringizni tan oling.

Ayrim sohalar borki ekstremal vaziyatlarga tushish ular uchun kasb taqazosi sanaladi. Masalan: yong'in xavfsizligi xizmati,qutqaruvchilar,kosmonavtlar va boshqalar. Ushbu xodimlarni ekstremal vaziyatlarga tayyorlash,ushbu vaziyatlar natijasida yuzaga keladigan negativ holatlarning oldini olish maqsadida ekstremal psixologlar ular bilan turli mashg'ulotlar va treninglar olib borishadi. Ushbu faoliyat turini keng jamoatchilik sohalariga ham olib kirish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

## ШАҢАРАҚ ПСИХОЛОГИЯСЫ ҲӘМ ТӘРБИЯСЫ

*Бекимбетова А.А.*
*Ажинияз атындағы НМПИ диң «Мектепке шекемги тәлим педагогикасы ҳам психологиясы» кафедрасы баслығы, Педагогика илимлери кандидаты, доцент*

Шаңарақтың жәмийетимиздеги тутқан орны Республикамыз Конституциясында: «Шаңарақ жәмийеттиң тийкарғы буўыны ҳәм жәмийет ҳәм мәмлекет қорғаныўында болыў ҳуқықына ийе» жазып қойылғанындай, жәмийеттиң раўажланыўының ҳәр қандай басқышында да шаңарақ мәмлекет мәплериниң көриниси сыпатында үлкен жәмийетлик әҳмийетке ийе объект сыпатында қаралады. Жас әўлад жәмийетке шаңарақ арқалы кирип келеди. Бизге мәлим, бизиң халқымызда шаңарақ ҳәм шаңарақ ағзаларының ортасындағы мүнәсебетлердиң өзине тәнликлери бар. Ҳәр бир ата-ананың миннет ҳәм ўазыйпасына шаңарақта ҳәр тәреплеме саламат турмыс тәризин қарар таптырыў, шаңарақтың жәмийетлик-экономикалық турақлылығы, пәраўанлығына ерисиў, шаңарақта билимли, ақыл-закаўатлы, зийрек, руўхый жақтан баркамал инсанды жетилистириў, шаңарақ дәстүрлери, кәсиби, шежиресиниң даўамлылығын тәмийнлеў, бос ўақтын өнимли өткериўге ерисиў ҳәм нәшебентлик, нәпәклик, әдепсизлик, надурыс исеним, сатқынлық сыяқлы базыбир иллетлердиң болыўына жол коймаслық ҳәм басқалар киреди.

Шаңарақта өспирим бала не менен бәнт екенлигин ҳәм қандай ислер менен шуғылланып жүргенлигин дәслеп, аға-қарындаслары яки апа-инилери, кейин ала ана сезип қалады. Лекин шаңарақ психологиясы ҳәм тәрбиясында үлкен жуўапкершилик биринши нәўбетте ата ҳәм ананың жуўапкершилигинде болады. Изертлеўлер нәтийжесинде сол мәлим болады, айырым шаңарақларда ата-ана менен өспирим бала ортасындағы мүнәсибетлерде психологиялық келиспеўшиликлер болып турады. Бизиң халқымыз балажан халық болыўына қарамастан ата-аналар менен өспиримлер ортасындағы мүнәсебетлерде психологиялық машқалалардан ең баслысы баъзибир ата-аналар өз балалары менен дерлик пикирлеспеўи болып есапланады. Яғный, бала менен мунәсибетте оның пикирин есапқа алмаслық жағдайлары ушырайды. Сонлықтан бундай мәселелер арнаўлы турде уйрениледи. Шанарақ психологиясы бойынша изертлеўлерде шаңарақтағы

конфликтлер жәмийетлик түсиниклер шаңарақтағы мүнәсебетлер усылына қарай демократик, саламат мүнәсебетлер үстемлик еткен шаңарақларда - конструктив, яғный, болажақ шаңараққа унамлы пикирлер менен байланыслы болып, саламат емес яки тыныш емес, авторитаризм, қаттықоллық ҳәм тийкарсыз азаплаў үстем шаңарақларда болса деструктив, яғный, шаңарақ ҳаққында унамсыз түсиниклерге тийкар болыўшы тәризинде көринеди. Тәжирийбелер соны көрсетеди, жүдә көп шаңарақларда ата-ана ҳәм өспирим бала ортасындағы шаңарақтағы келиспеўшиликлерди келтирип шығарыўшы себеплер ҳаққында төмендегилерди айтыў мүмкин [1]:

1. Базыбир ата-аналар балалар тәрбиясында жәмийеттиң талапларын есапқа алыўды билмейди.

2. Ата-аналардың көпшилиги балаларға жақсы тәрбия бериў нийетинде болса да, лекин бул ислердиң өзине тән нызамлылықларын билмейди.

3. Айырым ата-аналар бала тәрбиясындағы өз миннет ҳәм жуўапкершиликлерин толық аңламайды.

4. Бирқатар шаңарақларда балалардың мейили ҳәм тилегин есапқа алып, оны дурыс жолға сала алмайды.

5. Базыбир ата-аналар жумыс пенен бәнтлигин сылтаў етип, балалардың тәрбиясы менен дерлик шуғылланбайды.

Шаңарақта бала тәрбиясына педагогикалық басшылықтың ўазыйпалары. Шаңарақ жеке адамды тәрбиялаў тийкарын қурайтуғын жәмийеттиң ағзасы. Бала бул жерде мораллық нормаларды, бирликте мийнет ислеў көнликпелерин меңгереди, шаңарақта балалардың турмыс жобалары, әдеп-икрамлық идеялары қәлиплеседи. Ўатанға деген сүйиспеншиликте тәрбияланады.

Шаңарақтың тийкарғы ўазыйпалары сыпатында ата-аналардың балаларды тәрбиялаўдың метод ҳәм усылларын анықлаўына жәрдем бериўи, ата-аналардың мектепке балалардың оқыўына, муғаллимге исенимли болған унамлы қатнасларын раўажландырыўы керек. Ата-аналарға балаларының оқыў жумысына, үй шәраятында басшылық етиўине жәрдемлесиў өсип киятырған әўладты мийнетке тәрбиялаў ўазыйпаларын орынлаўда шаңарақтың роли оғада уллы. Әдеп-икрамлыққа тәрбиялаў шаңарақта балаларды тәрбиялаўдың жетекши ўазыйпаларының бири болып табылыды. Шаңарақта айқын күн тәртибиниң болыўы балаларды табыслы тәрбиялаў шәртлериниң бири болып, ол кун даўамында (уйқылаў,азанғы шынығыў ислеў ҳәм гигиена, аўқатланыў, мийнет етиў ҳәм дем алыўдың барлық түрлерине жумсалатуғын ўақыт) баланың пүткил күн тәртибин өз ишине алады. Күн тәртибин дүзиў ўақтында баланың жасы ҳәм оның ден-саўлық жағдайын әлбетте есапқа алыў зәрүр.

Шаңарақта бала психологиясы ҳәм тәрбиясында жумысларды балалардың жас ҳәм жыныс өзгешеликлерин ата-аналардың есапқа алып барыўы табысқа ерисиўдиң әҳмийетли шәрти болып табылады. Бала тек физикалық жақтан раўажланып қоймастан, онда турмыслық тәжирийбе

---

[1] О.Қодирова «Ойлавий келишмовчиликлер» // Журн.Тарбия. 2-сан (6) 2006.22 -25 б.

басланады, сана-сезими өседи ол тезирек ересек адам болғысы келеди. Ата-аналар оның усы келешек нийетин көре алыўы, жас адамда - болажақ әкени, ал қызда - болажақ ананы қәлиплестириўи әхмийетли болады. Шаңарақта бала тәрбиясын тек ана ямаса әке алып барыўы бул жүдә үлкен қәте болады. Баланы шаңарақта тәрбиялағанда ата-ана биргеликте алып барыўы шәрт.

Солай етип, шаңарақ жеке адамды тийкарын қурайтуғын жәмийеттиң бөлеги. Бала бул жерде биринши мәртебе әдеплилик нормаларын, биргеликте мийнет ислеў көнликпелерин меңгериўди, шаңарақта балалардың турмыс жобалары қәлиплеседи. Шаңарақ ағзаларың ортасындағы қарым-қатнасы өз-ара мухаббат, ҳүрмет, барлық ислерди қоллап-қуўатлаў тийкарында қуралады. Ата-аналарды әдеп-икрамлық көринисиниң дәрежеси, олардың идеялары, социаллық қатнас жасаў тәжирийбеси өсип баратырған жас әўладты раўажландырыўда үлкен әхмийетке ийе. Шаңарақта бала тәрбиялаўда мектеп ҳәм жәмийетшилик бәрқулла жәрдем бериўге миннетленген. Биз шаңарақта тәрбиялаўды шөлкемлестириўимиз керек ҳәм мектепти болса мәмлекетлик тәрбияның ўәкили сыпатында билиўимиз керек.

**ПАЙДАЛАНЫЛҒАН ӘДЕБИЯТЛАР:**

1. В.Каримова «Оила психологияси», Тошкент, 2007.-316 б.

2. О.Қодирова «Оилавий келишмовчиликлер» // Журн.Тарбия. 2-сон (6) 2006.22 -25 б.

3. И.Сатторова.Оила – ғоявий мавкуравий тарбия ўчоғи // Журн. Халқ таълими. 2-сон (6) 2008.139-140 б.

УДК.638.24

## ТУТ ИПАК ҚУРТЛАРИНИ НАВДОР ТУТ БАРГЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ИПАК БЕЗИНИ БИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИПАК ХОМАШЁСИНИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Беккамов Ч.И.*
*Тошкент давлат аграр университети қ.х.ф.н,доцент*
*Сохибова Н.С.*
*Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада олинган натижаларни таҳлилига кўра муҳит омилларини кескин ўзгариши оқибатида ипак бези фаолиятини сустлашиши, кунлик ўсиш динамикаси, биологик кўрсаткичлари ва ипак суюқлигининг ҳосил бўлиши каби илмий маълумотларни таққосий фарқида Vёшдаги ипак куртларини 1-кунига нисбатан оғирлиги 14,50-14,70 мг, ҳажми эса 14,41-14,62 $см^3$ баробар катталашиши, навдор тут барглари билан парваришланганда куртларнинг биологик, маҳсулдорлик ва ипак безининг ривожланишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Шу билан бир қаторда

етиштирилган пилла ҳосилдорлиги ва ипак хом-ашёсини технологик хусусиятлари юқори даражада бўлиши кузатилиб, иқтисодий самарадорликка эришилади.

**Аннотация:** Анализ результатов, полученных в этой статье, сравнивает тутовых гусеницс 1-дневной массой 14,50-14,70 мг в отличие от научных данных, таких как замедление активности тутового шелкопряда в результате острых изменений факторов окружающей среды, динамики суточного роста, биологических показателей и образования шелкоотделительной жидкости, и увеличился на 14,41-14,62 см$^3$, положительно влияя на биологическую продуктивность и развитие шелкопряда при уходе за листьями шелковицы. В то же время может быть достигнут высокий выход коконов и высокие технологические свойства шелкового сырья и достигнута экономическая эффективность.

**Resume:** An analysis of the results obtained in this paper compares silicon worms with 1-day weight of 14,50-14,70 mg in contrast to scientific data such as slowing down the activity of the silkworm as a result of acute changes in environmental factors, the dynamics of daily growth, biological indicators and silica fluid formation and increased by 14.41-14,62 cm$^3$, positively influencing the biological, productivity and development of silkworm in care for leaves of tarragon. At the same time, high yield of cocoons and high technological properties of silk raw material and economic efficiency can be achieved.

**Калит сўзлар:** Ипак қурти, ҳарорат, намлик, қурт боқиш, ипак безди, биологик кўрсаткичлар, тут барги, навдор, тўйимли, даста, пилла ўраш, тирик пилла, ҳосилдорлик, технологик кўрсаткичлар.

Республикамизда қишлоқ хўжалик соҳасини барқарор ривожланишини ва ялпи ишлаб чиқариш маҳсулотларини самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан бир қатор фармойиш ва қарорлар чиқарилмоқда.

Қишлоқ хўжалик соҳасида ипакчилик тармоғини, комплекс ривожлантириш мақсадида 2017 йил 24-мартдаги “Республика ипакчилик тармоғи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ф-4881-сонли фармони ва2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2856-сонли қарорига мувофиқ Республикада пиллачиликнинг озуқа базасини жадал ривожлантириш, ипак қуртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимини барпо этиш асосида пиллачилик соҳасини жадал ривожлантириш бўйичабир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Соҳа корхоналарини янада ривожлантириш уни интелектуал салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-январдаги “Республика ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3472-сон қарорида пиллачиликни барқарор ривожлантириш бўйича махсус куртхоналар ва интенсив тутзорларни ташкил этиш ҳамда рақобатбардош дурагай ипак қурти уруғларини тайёрлаш, ипакчилик тармоғи учун малакали кадр тайёрлаш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб махсус сиртқи бўлимни ташкил этиш ҳамда кадр тайёрлашни йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Ушбу вазифаларни ижобий ҳал этишда ипак қуртининг янги сермаҳсул зот ва дурагайларини яратиш, мавсумий курт боқиш даврида илғор инновацион технологияларни қўллаш муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда сифатли пилла хом-ашёси етиштиришни йўлга қўйиш унинг сифатини дунё бозори талабларига етказиш, талаб этилди. Бунинг учун етиштириладиган пилла ва ипак сифатини яхшилашда парваришланадиган ипак қуртининг ипак безида ипак суюқлигини ҳосил бўлиши учун зарур агротехник қоидаларга риоя этиш талаб этилади. Шундагина етиштириладиган ипакнинг сифати юқори даражада бўлади.

Ипак бези қурт танасининг асосий ва йирик органи ҳисобланиб, унинг фаолияти асосан бешинчи ёшида яъни қуртлар катта даҳага кирганида жадал ривожланади. Чунки, ипак қуртлари бу ёшида жами бериладиган 1000 килограмм тут баргининг 750 килограммини ўзлаштиради ва ипак безида ипак моддасининг ҳосил бўлиши шу ёшида амалга ошади. Шунинг учун катта даҳадаги ипак қуртларни тўйдириб,навдор тут барглари билан боқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вақтда қуртларга барг беришда узулишлар рўй берса, ипак суюқлигининг синтез бўлиш жараёни сусаяди. Ипак қуртлари бешинчи ёшида етарли озуқа яъни тут барги билан таъминланмаса ва куртхонадаги ҳарорат меъёрида (24-27$^0$С) нисбий намлик 65-75% бўлмаса, ипак бези фаолияти сустлашиб, улар ўраган пиллалар майда ва ипак миқдори кам бўлиб қолади ҳамда навдорлиги пасайиб кетади. Оқибатда пилла ҳосилдорлигига ва пилланинг технологик кўрсаткичлари пасаяди. [3]

Шунингдек, ипак бези фаолияти билан ипак маҳсулдорлиги ўртасида боғлиқлик борлиги ва уни ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратишда фойдаланиш ижобий натижа бериши амалий аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Тут барглари таркибидаги қурт учун зарур бўлган оқсил, карбонсувлар, витаминлар ва бошқа озуқа элементлари миқдори ва нисбати ҳамда тут баргларининг қуртларни ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири фақат тут навларига боғлиқ бўлмай, вегетация даври, парваришнинг агротехникавий даврида тут навдаларидаги серсув баргларини кесиб олиш усуллари ва ҳаттоки тут дарахти жинсига ҳам боғлиқ бўлади. [4]

К.Р.Рахманбердиев, М.Хиббимовлар ўзларининг кўп йиллик тадқиқотларига асосланиб, тут барглари ҳосили, уларнинг тўйимлилиги

11. Rossiya SSV ning birinchi muvaqqat tavsiyalari 29-yanvardayoq e'lon qilingan edi va unda quyidagi vositalar ko'rsatilgan: [x]TOPC[/x/]SARS o'tkir respirator sindromni davolashda qo'llaniladigan antivirus preparati bo'lmish – ribavirin; OIV ga qarshi ingibitorlar bo'lmish lopinavir va ritonavir hamda IFN-B1b rekombinatsiyalangam interferon bo'lmish immunomodulyator.

Ushbu hujjatning, ya'ni SSV muvaqqat tavsiyalarining so'nggi (to'rtinchi) talqini 27-mart kuni yangilandi va unda endi ribavirin ko'rsatilmadi. Lekin boshqa tavsiyalarda qo'shimcha ravishda endilikda ro'yxatda bezgakka qarshi vosita bo'lgan xlorixin va gidroksixlorixin ham ko'rsatilgan bo'lib, shuningdek, antitelalar asosidagi preparat bo'lgan tolizumab ham qayd etildi.

Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti boshchiligidagi "Birdamlik" dasturi. 18-mart kuni JSSTning koronavirud bilan bog'liq vaziyatga oid navbatdagi majlisida tashkilot boshlig'i Tedros Gebreyesus "Birdamlik"([x]Solidarity[/x]) nomi ostidagi xalqaro keng miqyosli klinik sinovlar loyihasiga start berilganini e'lon qildi. Alohida qayd etish joizki, "Birdamlik" loyihasida faqat to'rt xil terapiya usuli inobatga olinadi:

* Remdeziver
* Xloroxin yoki gidroksixloroxin
* Lopinavir + ritonavir
* Lopinavir + ritonavir + B-interferon (IFN-B1b)

JSST aynan shularni nisbatan istiqbolli deb qaramoqda.

Xloroxin – tabiiy modda bo'lgan xiningaa o'xshash tarkibiga ega bo'lgan bezgakni davolash uchun ishlatiladigan sun'iy olingan dori moddasi. Uni 1934-yil nemis kimyogari Xans Andrsag tomonidan kashf qilingan.

Gidroksixloroxin - esa unga juda o'xshash modda bo'lib, u xloroxindan faqat ikkita atomga ([x]OH[/x] gidroksil guruhining mavjudligi bilan) farq qiladi.

Ularni qo'llash 1955-yilda ma'qullangan. Mefxolin esa xinolinlar bilan aynan bir xil struktura asosiga ega bo'lgan ftorli hosila bo'lib,lekin u xlooxindan

tamoman farq qiladi; mefloxolinni 1970-yillarda AQSH harbiylari tomonida ishlab chiqilgan bo'lib, xinolinga nisbatan bezgak virusi barqarorlik hosil qilib olgach, ( dori bemorga ta'sir qilmay qo'ygach) amaliyotda qo'llana boshlanadi. Ushbu preparatlar bezgakni davolash uchun ancha eskirgan, lekin hozirda ham qo'llashga tavsiya qilinishi mumkin.

Xulosa qilibaytganda yangi koronavirusni davosi hali topilmagan. Buning ustida olimlar ilmiy izlanishlar olib bormoqda. Vaksina topishda qiyinchilik tug'diradigan holat virus har bir iqlim mintaqasida har xilday moslashishi qiyinchilik tug'diradi. Bu kasallikni yuqtirmaslik uchun shaxsiy-gigeyena va archa qoidalarga amal qilishi dizenfiksiyalovchi eritmalardan muntazam foydalanish va oraliq masofani saqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Barchamizning sog'ligimiz o'z qo'limizda!!!

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. I. Muhammedov, E. Eshboyev, N.Zokirov, M.Zokirov "Mikrobiologiya ImmunologiyaVirusologiya" Toshkent 2006-yil 531-532-bet
2. I. Muhammedov "Tibbiyot virusologiyasi" Toshkent 2012-yil
3. R. Haitov "Immunologiya" Toshkent 1996-yil
4. www.clinicaltrialsarena.com
5. Daryo.uz

## MARIA KYURI – TARIXIY SHAXS

*Boboxonova G.O.*
*Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani 4-sonli DIMI,*
*tarix fani o'qituvchisi*

Tarixda shunday shaxslar o'tganki, ular xotirasi abadiydir. Fanga qo'shgan hissasi ularning nomini abadiy qilgandir. Ana shunday shaxslardan biri Mari Kyuridir. Mari Kyuri Nobel mukofotini olgan birinchi ayol hisoblanib, eri Per Kyuri bilan birgalikda radioaktivlik fenomenini kashf etdi. Ushbu kashfiyot olimning navbatdagi yorqin ilmiy karerasining boshlanishini ko'rsatdi. Kyuri ilmiy karerasining cho'qqisida Mendeleyevning kimyoviy elementlarining davriy jadvalida ikkita yangi element paydo bo'ldi: radium va polonyum. Mari Kyuri benuqson, tirishqoq va mehnatsevar ayol edi. Hatto eri Perning vafoti ham uning ilmga bo'lgan ishtiyoqini susaytirmadi. U o'z tadqiqotlarini juda kam moddiy-texnik bazaga ega bo'lgan juda kam jihozlangan laboratoriyada olib bordi. Ana shunday tajribalar uning sog'ligiga ziyon yetkazishini bilsa ham u chekinmadi. O'z tajribalarida u tanasida ma'lum miqdordagi nurlanishni qabul qildi, bu uning sog'ligiga jiddiy xavf tug'dirdi. Shunday bo'lishiga qaramasdan u o'z tadqiqotini to'xtatmadi. Va o'z davrida u kishilarga kerakli inson sifatida tanildi. Masalan, birinchi jahon urushi paytida Mari Kyuri tibbiy yordam sohasidagi tadqiqotlarining amaliy natijalarini bemor va yaradorlarni davolashda qo'llay oldi. Uning hayotining oxiri ham uning ilm-fanga misli ko'rilmagan muhabbatining ifodasi edi.

Garchi u hayot uchun xavfli muhitda ishlagan va ilmiy tadqiqotlar olib borgan bo‘lsa-da, uning kashfiyotlari minglab odamlarning hayotini saqlab qoldi.

Mariya Kyuri o‘z ilmiy tadqiqotlarini Parijda olib borgan. Lekin uning muvaffaqiyati Parij bilan bog‘liq bo‘lmadi. Lekin shunga qaramsdan Mariya Kyurining ilmiy salohiyatining tan olinishi ancha tez sodir bo‘ldi. U o‘zining muayyan tabiatga ega spontan nurlanish chiqaruvchi moddalarning xossalari haqidagi doktorlik dissertatsiyasini himoya qildi va uning nomzodi o‘sha yiliyoq Nobel mukofotiga taqdim etildi. Mariya Kyuri ochgan nurlanish: α, β, γ nurlanishlar deb nomlangan uch xil turda ekanligi ma’lum bo‘ldi. Keyinchalik α zarradan snaryad sifatida foydalanish orqali atom markazida musbat zaryadli yadro mavjud bo‘lib, atom massasining katta qismi aynan shu yadroda markazlashishi aniqlandi. Bu kashfiyot esa kimyo fanida inqilob yasab berdi. Chunki Mendeleyev davridan beri hamma olimlar ishonib kelgan narsa – muayyan kimyoviy elementni identifikatsiyalash uchun uning atom massasiga tayanish kerakligi haqidagi tushuncha barbod bo‘ldi. Aniqlanishicha, kimyoviy elementni identifikatsiyalash uchun uning atom massasiga emas, balki yadrosidagi protonlar soniga qarash kerak ekan. Elementning kimyoviy faolligini esa, uning tashqi elektron qobig‘idagi elektronlari belgilab berar ekan. Radioaktivlik hodisasini o‘rganish va uni inson xizmatiga bo‘ysundirish borasida ko‘plab olimlarning mehnati singgan bo‘lsa-da, radioaktivlikning ilk kashfiyotchisi sifatida aynan Mariya Kyuri tan olinadi.

Erkaklar fan va siyosat dunyosida ustunlik qilishdi va hatto Mari Sakaladovskaya Kyuri o‘zining birinchi Nobel mukofotini olganidan keyin u hanuzgacha erining yordamchisi sifatida qabul qilindi. U yana o‘zining eng yuqori ilmiy darajasini isbotlashi kerak bo‘lib qoldi. Shu sababdan u aql bovar qilmaydigan qobiliyatlar va radioaktivlik haqidagi eng katta munozaralarda ishtirok eta boshladi. Bu oson ish emas edi: munozaralar paytida noto‘g‘ri talqinlarga e’tibor bermagan boshqa olimlar ham ushbu mavzu bilan shug‘ullanishdi. Sakaladovskaya Kyuri aslo chekinmadi, u hech ikkilanmadi va oxir-oqibat g‘alaba qozondi: u ikkinchi marta - bu radium va radium va ularning birikmalarining xususiyatlari bo‘yicha keyingi tadqiqoti uchun Nobel mukofotiga sazovor bo‘ldi.

Mariya barcha olimlar uchun jonkuyar olima sifatida tanildi. Mariya Kyuri nafaqat fanning kashshofi edi, balki sabr-matonat timsolidir. Bugungi kunda uning kuchli hayotiy tamoyillari va inqilobiy g‘oyalari har qachongidan ham ko‘proq e’tiborga loyiqdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Jumamuratov A., Radioaktiv yemirilish qonunlarini o‘qitish. Nukus – 2014

2. Bozorova S. Fizika, optika, atom va yadro. Toshkent Aloqachi 2007

3. Curie M., El secreto mejor guardado de la materia. Barcelona – 2012

4. Васильев А., Пьер и Мария Кюри – у истоков открытия радиактивности. Москва – 2010

# MA'NAVIYAT VA OILA PSIXOLOGIYASI

*Botirova M.*
*Qo'qon Davlat pedagogika instituti o'qituvchisi*

Ma'naviyat – faqat insonga xos bo'lgan xususiyatdir. Ma'naviyat bilan tutash bo'lgandagina odam farzandi Inson degan buyuk va sharafli nomga muyassar bo'ladi. Lekin ma'naviyat insonning tug'ma xususiyati emas. U – oilada, hayot tajribasi natijasidagina shakllanadi va rivojlanadi.

Darhaqiqat, ma'naviy barkamollik, beshikdagi allaning mazmunidan, bolani kiyintirishu uni halol luqma bilan boqishdan boshlanadi. Bola tarbiyasini dono xalqimiz aytganidek, u hali tug'ilmasdan, ota, ona va butun oila a'zolari hamjixatlikda boshlamog'i lozimdir.

Olamda barcha narsa juft – juft bo'lib yaratilgan. Juft bo'lib yashash tabiat qonunidir, lekin oila bo'lib yashash barcha maxluqotlar orasida faqat insonlarga xosdir.

Oila – jamiyatning birinchi va birlamchi bug'inidir, zarrachasidir. Jamiyat ana shu kichik zarralardan tashkil topadi. Er – xotin, ikki tirik vujudning, ikki olamning o'zaro ittifoqidan paydo bo'lgan uchinchi bir olam – bu oiladir.

Oila poklikka va soflikka, ikki tomonlama muhabbatga va vafodorlikka asoslanishi kerak. Bu farzandlar tarbiyasi uchun muhim omil xisoblanadi.

Shaxs ma'naviyati, uning dunyoqarashi, e'tiqodiga ko'nikmalar majmui asosan oilada shakllanadi. Shuning uchun yoshlar tarbiyasida oila ma'naviyatining o'rni beqiyosdir.

Ma'naviy barkamol insonni tarbiyalashda oilaning tutgan o'rni benihoya kattadir. Aslida ham oila jamiyatning bir tarkibiy bo'lagi. Jamiyatda ro'y berayotgan barcha jarayonlar oilaga, kishilarning turmush tarziga bevosita ta'sir qiladi. Har bir inson oilaning o'zidayoq yoshligidan boshlab ma'naviyatning manbalaridan oziqlanib boradi. Avvalambor, oilada ota – onaning o'rni, boshqa oila a'zolari bilan munosabati bola uchun maktabdir.

Oila a'zolari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar u qaysi tizim bo'lishidan qat'iy nazar, jamiyat a'zolari o'rtasidagi o'zaro munosabat jarayoniga mos kelishi kerak. Jamiyat a'zolari o'rtasidagi munosabat qonunlar, qoidalar, tartib intizom bilan belgilanib, boshqarilib turiladi va bu narsa oilada ham o'z aksini topadi. Oilaviy munosabatlarni boshqarishda asosan ota – onaning, yoshi katta kishilarning o'ziga xos o'rni bo'ladi.

Inson butun hayoti davomida oila ta'sirida yashaydi. U individual va ijtimoiy ko'nikmalarni hosil qilibgina qolmay, o'zaro munosabatlarni yo'lga qo'yish bo'yicha ota –onalik malakasini ham shakllantiradi.

Ayniqsa shaxsning ma'naviy faolligini shakllantirishda oila hal qiluvchi omildir.

Oilada asrlardan beri avloddan avlodga o'tib kelayotgan an'analar, urf odatlar davom ettiriladi, har bir oila a'zosiga singdiriladi. Masalan, oilada o'zaro hurmat hammaning qon – qoniga singib ketgan. Yana oilada yoshi ulug' kishilarning fikri doim hal qiluvchi rol o'ynaydi. Ularning hurmati joyiga qo'yilmog'i shart. Yoshi

katta kishilarni uyning to'riga o'tqazish, ularga duo fotiha qildirish, birinchi bo'lib dasturxonga qo'l uzatish yoki yoshi katta kishi gapirayotganda quloq solib turish kabi an'analar borki, bularni har bir oila a'zosi bajarishi lozimdir. Ota onaga bo'lgan hurmat, oilaning boshqa a'zolari o'rtasidagi hurmat kabi odatlar o'zbek oilasining gultoji hisoblanadi.

Oiladagi muhit, vaziyat jamiyatdagi muhit, vaziyatga mos bulmog'i kerak. Aks holda bunday oila a'zolarini jamiyat qabul qila olmaydi.

Odamzod biror inshoot yoki korxona qurib bitkazib maxsulot chiqara boshlasa, cheksiz quvonadi. Lekin insonni dunyoga keltirish va uni barkamolu benuqson shaxs qilib tarbiyalash maxsulot ishlab chiqarishdan ulug'roq va mashaqqatliroq ish ekanini uncha muncha odam anglayvermaydi. Xolbuki, oila qurish, farzandni dunyoga keltirish va tarbiyalash, uy – ro'zg'or yumushi shunchaki ishlar emas. Balki aynan shu jarayonlar oqibatida to'la qonli inson voyaga yetadi.

Insonning yetuklik darajasiga yuksaltirishda yana bir asosiy omil tarbiyadir. Ijtimoiy hayotda tarbiya manbai juda ko'p va turlituman. Lekin onaning, ayolning tarbiyasi odamning shakllanishida g'oyat muhim ahamiyatga egadir. Ona bolani faqat aql – idrok bilan emas, balki tuyg'ular, nozik hislar bilan ham tarbiyalaydi. O'zida neki bo'lsa bolasiga ato etadi. Ona tarbiyasini olmagan, uning mehr – muhabbatiga qonmagan inson ruhan majruh bo'lib qoladi. Ona parvarishi bola tug'ilib, balog'at yoshiga yetguncha uzluksiz davom etsa, yaxshi samara beradi, tarbiyada biror bir sababga ko'ra uzilish bo'lsa yoki onaning o'zi jismonan va ruhan toliqsa, yoki ayolning o'zida nuqson bo'lsa bolaning tarbiyasida ham nuqson bo'ladi.

Insonning ma'naviy faolligining yana bir muhim belgisi ta'lim hisoblanadi. Ta'lim sohasida oilaning ta'siri, ahamiyati benihoya kattadir. Oilaning moddiy darajasi, oilaviy udumlar, ota – onaning ma'lumoti-yu madaniyati, ularning bolani bilim olishi hamda o'zlashtirishini doimiy nazorat qilish va yordamlashishi ma'naviy faol shaxs tarbiyalanishiga asos bo'ladi.

Ma'lumki har bir oilaning huquqlari jamiyat tomonidan qonun yo'li bilan himoya qilinadi. Lekin oilaning ham jamiyat oldida burchi mavjud. Mana shu burchni bajarish uchun har bir oila a'zosi jamiyat oldida javob beradi. Qaysi bir oila a'zosi o'z burchini bajarmay qonun yoki tartibni buzsa, unga tegishli chora ko'riladi. Qonunni buzish holati to'satdan ro'y bermaydi. Buning uchun ma'lum sabablar yig'indisi bo'ladi. Bu sabablarni o'z vaqtida o'rganib, ijobiy hal qilishda har bir oilaning jamiyat talabiga mos shakllanishida mahalla qo'mitalarining roli muhimdir. "Mahallang otang" degan maqolda juda katta ramziy ma'no bor. To'g'rirog'i sobiq Ittifoq davrida O'zbekiston shaharlarida mahalla qo'mitalari faoliyat ko'rsatgan, lekin ularga davlat tomonidan hyech qanday yordam yoki qo'llab quvvatlash bo'lmagan. Qishloqlarda esa mahalla haqida gap ham bo'lmagan. Shu tufayli, u davrda mahalla bilan oila o'rtasidagi munosabat ham o'ziga yarasha bo'lgan.

Mahallaga e'tibor faqat bizning zamonamizda, istiqlolga erishganimizdan keyingina, davlat ahamiyatiga molik ishga aylandi. Prezidentimiz mustaqillikka erishganimizning dastlabki davridayoq, bu ishga alohida e'tibor berdi.

Respublikada, “Mahalla xayriya jamg’armasi” tuzildi. Uning tizimlari viloyat, tumanlarda tashkil etilib, shaharlar bilan birgalikda qishloqlarda ham faoliyat ko’rsatib kelmoqda. Ular olib borayotgan tashkiliy, tarbiyaviy ishlar xalqimiz manfaatlari bilan uyg’unlashib ketmoqda.

Xullas, bugungi mustaqillik davri oilasi mamlakatimizning tayanch nuqtasi bo’lishi bilan birgalikda ma’naviyatimizni rivojlanishida eng ishonchli va ulug’ maktab bo’lib kelmoqda.

## XALQARO DIPLOMATIK MUNOSABATLARDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNING AHAMIYATI

*Butayev J.I.*
*Toshkent moliya instituti talabasi*

Tashqi savdo respublikamiz iqtisodiy faoliyatining asosiy qismi bo`lib xizmat qilmoqda. Ushbu sohada davom ettirilayotgan islohotlar mahalliy va xalqaro bozorlarni mahsulot va xizmatlar bilan ta`minlash imkonini bermoqda. Bugungi kunda O`zbekiston xalqaro hamjamiyatda o`z ovoziga ega bo`lib, nufuzli xalqaro tashkilotlar a`zosi hisoblanadi. Dunyoning yetakchi sanoati rivojlangan davlatlar bilan siyosiy-diplomatik, savdo-iqtisodiy va madaniy aloqalar o`rnatilmoqda.

Boshqa davlatlar bilan erishilgan savdo munosabatlari respublikamizda ishlab chiqarilayotgan mahsulot eksportini oshishiga, o`z navbatida uni dunyoning rivojlangan davlatlar qatoriga qo`shilish imkoniyatini bermoqda.

Ushbu yo`nalishda amalga oshirilgan islohotlar natijasida 2019 yilning yanvar-avgust oylarida respulikaning tashqi savdo aylanmasi hajmi 28 433,3 mln.



AQSh dollarini tashkil etib, 7 911,3 mln. AQSh dollariga yoki o`tgan yilning mos davriga nisbatan 38,6 % ga oshgan. Ushbu ko`rsatkichdan eksport hajmi 12 463,0 mln. AQSh dollariga (o`sish sur`ati – 46,7 %) va import hajmi esa 15 970,3 mln. AQSh dollariga (o`sish sur`ati – 32,8 %) yetdi. Hisobot davrida 3 507,3 mln. AQSh dollari qiymatida passiv tashqi savdo aylanmasi qayd etildi.

O`zbekiston jahonning 181 dan ortiq mamlakatlari bilan savdo aloqalarini amalga oshirib kelmoqda. Respublika tashqi savdo aylanmasining dunyo davlatlari qatoriga nisbatan salmoqli hissasi Xitoyda (18,4%), Rossiya Federatsiyasida (14,5 %), Qozog`istonda (8,1 %), Koreya Respublikasida (6,5 %), Turkiyada (5,7 %), Germaniyada (2,3 %) va Qirg`izistonda (2,0 %) qayd etilgan.

Tashqi savdo aylanmasining tarkibiy dinamikasida ijobiy siljishlar kuzatilmoqda. O`tgan yilning mos davri bilan solishtirganda tashqi savdo

**O`zbekiston Respublikasi bilan tashqi savdo aylanmasi eng yuqori bo`lgan davlatlar**

(yanvar-avgust 2019 yil, mln. AQSh dollari, ulushi %)




aylanmasida eksportning ulushi 2,4 foizga ortgan.

Mamlakat eksport salohiyatini kengaytirish bo`yicha hukumat tomonidan olib borilayotgan siyosat muayyan natijalarga erishishga imkon berdi. Jumladan, hisobot davrida tovarlar va xizmatlar eksportida ishtirok etgan korxonalar soni o`tgan yilning shu davriga nisbatan 952 taga ko`payib, ularning umumiy soni

4 840 tani tashkil etdi.

O`zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasining dinamikasi

(yanvar-avgust, mln. AQSh dollari, ulushi %)




Hisobot davrida tovarlar va xizmatlar eksporti bilan shug`ullanuvchi xo`jalik yurituvchi subyektlarning eksport hajmi 12 463,0 mln. AQSh dollarini tashkil etdi (o`tgan yilning shu davriga nisbatan o`sish sur`ati 46,7 % ga teng). Eksport tarkibida tovarlar 82,4 % ulushga ega bo`lib, bular asosan energiya manbalari va neft mahsulotlari (15,6 %), to`qimachilik va to`qimachilik buyumlari (8,4 %), oziq-ovqat mahsulotlari (8,2 %), rangli metallar va undan tayyorlangan buyumlar (5,1 %) hamda kimyo mahsulotlari va buyumlari (4,8 %) hissasiga tog`ri kelmoqda.

Oltin hajmini hisobga olmagan holda, jami tovar va xizmatlar eksporti 8 518,9 mln. AQSh dollarini tashkil etib, 22,8 % ga o`sdi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, hozirda dunyo mamlakatlarining o'zaro diplomatik munosabatlari ikki tomonlama manfaatdorlik asosida olib borilmoqda. O'zaro munosabatlarni shakllantirishda birlamchi vosita sifatida biz iqtisodiy bitimlarni ko'rishimiz mumkin va mana shu iqtisodiy bitimlarning geografiyasi keng, samaradorligi yuqori bo'lsa rivojlanish darajasi ham muntazam yaxshilanib boradi.

# БОЛАЛАР ЎЖАРЛИГИНИНГ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ваққосова Н.Қ.*
*Наманган Вилояти Чуст тумани 6 – сонли умумтаълим мактабининг амалиётчи психологи.*

**Аннотация:** Мазкур илмий мақола амалиётчи психологлар, педагоглар ва ота – оналар учун мос қўлланма бўлиб, илмий фикрлар асосида тузилган. Мақола ўжар болалар билан ишлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Мақолада турли манбалардан фойдаланганлиги, матннинг мазмундор, ўзига хослиги билан кўзга ташланади. Шунингдек, педагогик – психология, ёшга оид психология, ижтимоий психология ва маънавият соҳалари билан бевосита боғлиқ матнларни ҳам ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, инфратузилма, дет, эгаист, темперамент, рағбатлантириш ва жазолаш – рағбатлантириш, психика, девиант.

Бизга маълумки, таълим – тарбия бериш масалалари ҳар бир давлат ва жамиятнинг устивор вазифаларидан бири бўлиб келган. Ёшларга таълим бериш, уларни соғлом руҳда тарбиялаш, баркамол шахс сифатида шакллантириш таълим субъектлари бўлган ҳар педагог шахси, шунингдек педагог – психологлар олдига бир қатор долзарб масалаларни қўяди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган тизимни такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм – фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ва айнан, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора – тадбирларини амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ана шундай муҳим вазифаларни бажаришимиз керак бўлиб турган бир пайтда, болалардаги ўжарлик ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашимизда бир оз қийинчиликлар туғдиради.

Бола қалбида инсонийлик хусусиятлари, маънавий - ахлоқий меъёрларнинг шаклланишига ота-она ва оила муҳитининг таъсири катта. Оилавий муносабатлардаги нохушлик ёки оилада болалар тарбиясига мунтазам ёндашувнинг йўқлиги тарбиявий муносабатларда болаларнинг ёш ва индивидуал психологик ҳамда жисмоний хусусиятларини ҳисобга олмаслик, тарбия усулларини нотўғри қўлланилиши бола хулқида салбий иллатларни аста-секин шаклланишига олиб келиши мумкин. Гарчи кичик ёшдаги болаларда характер ҳали тўлиқ таркиб топмаган бўлсада, унда

кутилаётган бўлажак характернинг асослари, дет деб аталиши мумкин бўлган психик сифатлар мавжуддир. Ана шу асослардан барқарор фазилатлар аста-секин ҳосил бўла боради. Бу даврда бола характерида шаклланаётган салбий хислатлардан ўжарлик, инжиқлик, қўполлик, ёлғончилик, манманлик, ҳудбинлик яққол кўринади. Салбий ҳислатлар бола психикасига, руҳий оламига, соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, жисмоний ривожланишига зарар етказади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос шаклланиш хусусиятларига эгадир.

Ўжарлик-характер ва ироданинг заифлигидир. Ўжар бола маслаҳатни ҳам буйруқни ҳам қабул қилмайди, фақат ҳамма нарсани ўз билганича қилади. Ўжар ўқувчининг қилиқларининг ягона сабаби бу: “Мен бундай ҳоҳламайман”, “Мен ундай ҳоҳламайман” деган эгаистик ғояларни ўзларига қурол қилиб олганлигидир. Қатъийлик, сабр-тоқатлилик, чидамлилик ва бошқа иродавий фазилатлар иш фаолиятида мустаҳкамланиб, қийинчиликларни енгишда ақлий ва жисмоний кучни талаб қилиб инсонни чиниқтиради. Ўжарлик - қатъийлик ва бирор мақсадга қаратилганликни ривожланишига тўсқинлик қилиб, инсонни фаолиятдан чалғитади. Болани кўпроқ эркалаш, унга нисбатан қўйиладиган талабларни пасайтириш бошқаларга эса ортиқча талабчанлик катталар томонидан ўжарликни шаклланишига замин ҳозирлайди. Ўжарликнинг шаклларига хос муҳим салбий ҳислатларидан бири шахсиятпарастликдир. Гегель таъкидлаганидек: “Ўжарлик характернинг ўзига хос шакли бўлиб, лекин унинг мазмунини тўла акс эттирмайди”. Ўжарлик-ҳар доим иродавий сустликнинг салбий таъсиридир. Ўжарликни шакли қисман одамни темпераментига боғлиқ. Темперамент шахснинг психик хусусиятларидан биридир. Ҳар бир темпераментнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор. Гарчи темперамент шахснинг туғма сифати бўлса ҳам, уни салбий томонларини йўқотиш мумкин. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики ўжарлик ҳар бир темперамент типида турлича кўриниши мумкин. Масалан: холерикда-ўжарлик одатда агрессив хужумкорлик характерига эга бўлиб, низо-жанжалга баҳона излайди. Меланхоликни ўжарлиги кўпинча ҳимоя қиладиган, қўриқлайдиган, мудофаа характерига эгадир. Бу иккита тип ўжарликни енгил вужудга келтиради. Холерик типи тутриқсизлик, бетайинлиги, меланхолик-асаб тизимининг бўшлиги, заифлиги билан белгиланади. Асосан ўжарлик тури болалар ўжарлигини келтириб чиқувчи ижтимоий-педагогик асослар билан белгиланади. Болани ўжарлиги асосан соғлом ижтимоий-муҳит бўмаган тарбиянинг муҳим принциплари бузилган оилаларда шаклланади. Рус педагоги Макаренко таъкидлаганидек, инсонга мумкин қадар кўпроқ хурмат ва талабчанлик керак. Ўжарлик шаклланган бола катта бўлганда ҳам ўзининг нотўғри фикрини маъқуллатишга уринади. У худди қайсар отга ўхшаб, бемаъни ўжарлиги билан одамларнинг меъдасига тегади. “Имкони борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим,-дейди Кошифий,-токи у ижобий хусусиятларини ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин”. Ўжарлик кўпинча оиладаги ёмон муносабатлар таъсирида вужудга келади яъни болани хафа қилишса, эркалатса, ёки каровсиз ташлаб кетишса, оила ҳақиқий жамоа

бўлмаса. Оила жамоасининг ҳамжиҳатлиги, дўстлик ва ўзаро ёрдам шароити-оилада болани тўғри тарбиялашда, жумладан, уни интизомлилигини тарбиялашда ва ўжарликни олдини олишда зарурдир. Болалар характеридаги нуқсонларни яъни ўжарликни йўқотишда катталар уларни иродасини мустаҳкамлашга ёрдам беришлари керак.

Болаларнинг ўжарлиги унинг руҳий ҳолатига, соғлигига, жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Боланинг ўжарлиги қуйидаги турларга бўлинади:

1) ҳурмат – иззатнинг етишмаслиги билан ранжиган.

2) ҳурматни нотўғри англайдиган ва талаб, эҳтиёжлар камчилиги, ортиқча эркаланганлиги билан.

3) ҳурматнинг етишмаслиги ва талабнинг камчилиги билан эзилаётган қаровсиз бола.

Биринчи "Ранжиганлар" туридаги ўжарликнинг асосий сабаби катталарнинг болаларга нотўғри муомаласидир. Тарбиянинг муҳим принципи – бола шахсига бўлган ҳурматнинг бузилиши. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги эмоционал алоқанинг йўқлиги болаларда бўйсиниш ва тартиб – интизомликни тарбиялашда катта тўсиқ бўлиб, оддий болалар ўжарлигини келтириб чиқаради.Болаларга талабларни айтишда ҳамжиҳатлик ва мунтазамликнинг йўқлиги ўжарликни туғдирувчи муҳим шартидир.

Иккинчи " эркатойлар, инжиқлар" туридаги ўжарликнинг сабаби асосан оилавий тарбиянинг камчилик оқибатидир. Бу оилаларда талабчанлик принципи ҳурматнинг бузилиши аниқ ифодаланилади.

Учинчи "қаровсиз" турига кирувчи болаларнинг ота – оналари тарбияга нотўғри ёндашиб барча жавобгарликни мактаб зиммасига юклаб ёки болаларга эътибор беришмай ўзининг бандлигини баҳона қилишади. Болаларга нисбатан етарлича хурмат, меҳр – муҳаббат, дўстлик, оила аъзоларининг ижобий кайфияти яхши эмаслиги ўжарликни келтириб чиқаради. Қаровсиз ўқувчи – бу энг тартибсиз ўқувчидир. Ўқитувчи унга қаттиқ танбеҳ бериб, шўхлик, қўполлик, уй вазифасини бажармаганлиги учун жазолайди. Бундай ўқувчиларни тарбиялашда муҳим муаммо – бу обрў – эътибор масаласидир.

"Ранжиганлар" – хафалиги ва ҳурматсизлиги учун, "Эркатойлар" – бўшлиги, "Қаровсизлар" - раҳбарликдан ва кўмакдан бош тортиши учун ўқитувчини хурмат қилишмайди.

Ўқитувчилар томонидан йўл қўйилган педагогик хатолар, мактабда ўқув – тарбиявий ишларни тузишдаги камчиликлар болалар ўжарлигининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ўқитувчилар ва ота – оналар ўжар болани қайта тарбиялашда ишни энг аввало ўзининг шахсий сифатларини тарбиялашдан, ўзининг муносабат усулларини кўриб чиқишдан бошлашлари керак.

Болалар ўжарлигининг олини олиш ва бартараф қилиш масаласи нафақат оила, балки мактаб учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки, ўжарлик тартиб - интизомни бузади, тартиб - интизом – бу оила, мактаб ва бутун жамиятнинг муҳим шарт – шароитларининг бирлигидир.

Ўжарлик – тарбия усулларининг бузилиши натижасида вужудга келар экан, чамаси унда, қуйидаги усулларга амал қилиш йўли билан унинг олдини олиш ва бартараф қилиш мумкин:

1. ИШОНТИРИШ – болани тарбиялашда муҳим усуллардан биридир. Ишонтириш тушунтиришнинг асосий шакли, бу ўқитувчининг суҳбатидир. Ўжар болалар билан яккама – якка суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

2. Меҳнатга ва тартиб – интизомга ўргатиш – бунда энг аввало интизомлиликни тарбиялашни талаб қилади.

3. Рағбатлантириш ва жазолаш – рағбатлантириш – ўқувчини ижобий баҳолаш шакли бўлиб, унда қониқиш ҳиссини уйғотади. Жазолаш – ишнинг салбий баҳосини ифадаловчи ва тарбияланувчининг ўз ишини ва ўз – ўзини бошқаришида масъулиятини ҳис қилишини ўргатувчи тарбиявий чорадир.

Ўжар болалар билан муомалада бўлишнинг ижтимоий йўллари:

**1.** Эътиборга олмаслик – бола ўжарлиги доим бир манзилга йўналтирилган бўлади. Бу вақтда болалар инжиқликларини яхши томонга мақтаб, болага ишонч билдирилса, бола манзилига етмаслигига ишонч ҳосил қилади, ўжарликка бўлган майл заифлашади.

**2.** Диққатни четга тортиш – кичик ёшдаги болаларни ишонтириш қийин бўлгани билан, лекин ўжарликни келтирувчи объектдан чалғитиш осон, чалғитиш йўли билан диққатни кўчириш болалар билан ишлашда катта аҳамиятга эгадир.

**3.** Таъсир этиш - одатда ўжар болалар айтилган талабга қаршилик билдириб, мулойим насиҳатга, ишонтиришга осон бериладилар.

**4.** Кейинга қолдириш – ўжар болага маълум бир вақтда бажариладиган топшириқ берилади.

**5.** Ўз – ўзини тарбиялаш – болани мулоҳаза қилишга ўргатиш, қилиқларига, ҳаракатига танқидий қараб, ўз камчиликлари билан курашишда ёрдам бериш, унинг хулқига, хоҳиш – истакларига, характер хусусиятларига баҳо беришга ўргатиш жуда муҳимдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда бундай характернинг салбий хислатларини олдини олишимиз шарт, чунки худди бошланғич синфларда психик сифатлар юзага келиб, уларнинг асосида ўсмир ва ёшлик даврига хос характерлар таркиб топади. Баркамол авлодни тарбиялашда, келажаги буюк давлатни барпо этишда ўжар болалар, девиант хулқли болаларни тарбиялаш биз психологлар ва педагогларни муҳим вазифамиз бўлиб қолиши керак.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. З.Аҳмедова. Кичик болалардаги катта қўрқувлар.

2. Д. Абдуваҳобова. Мактабгача ёшдаги болаларга хос салбий хусусиятлар. Илмий мақола.

3. Р.Атажанова. Баркамол авлод тарбиясига болалар ўжарлигининг таъсири. Мактаб ва Ҳаёт илмий – методик журнали. 2012 – йил/ 1-сон.

4. Интернет маълумотлар.

# КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ АҚЛИЙ ВА МОТИВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Валиева Н.*
*ЎзМУ докторанти*

Ҳозирги кунда инсоннинг ақлий ва мотивацион ривожланиши муаммоси долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумки боладикнинг ҳар бир даври ўз ақлий даражасига эга. Кичик мактаб ёши бола ривожланишининг энг мухим палласи сифатида бошқа даврлардан ажралиб туради. Кичик мактаб ёшида биринчи ўринда тайёргарлик, танлаш ва эслаб қолиш қобилиятлари туради. Бунда бошланғич ўқиш давомида тақлид бола интуицияси ва унинг ташаббускорлигига таянади. Бу даврда болалар суҳбатлашишга эхтиёж сезиб бунда: мактабда, сайрда рўй берган ҳодисалар, телевизорда кўрганлари, китоб ва журналда ўқиганлари ҳақида ҳамма нарсани гапирадилар. Бўлишиш эҳтиёжи ўзида бўлган воқеликни яна бир бор онгида жонлантиради ва бу нарса бола таассуротларининг кучини намоён этади. Кичик мактаб ёшида идрокнинг ўткирлиги, сўз мантиқий тафаккурнинг мавжудлиги, ақлий активликнинг такрорлашга қабул қилишга қаратилганлиги психиканинг ривожланиши, ақлий ривожланиш учун мос шароитларни яратиб беради. Бундан ташқари кичик мактаб ёшида мотивацион ривожланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина муаллифлар ишларида мотив эҳтиёжларнинг акс этиши ва намоён бўлиши сифатида қаралган. Мотивация соҳаси ўз ичига ундашнинг барча турларини қамраб олади: мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, мақсадлар, майллар ва хаказо. Кенгроқ маънода олиб қараганда мотивация умуман хулқ - атвор детерминациясидир.Мотивацион ривожланиш муаммосини кўпгина олимлар, шу жумладан, А.Г.Асломов, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, В.В.Давидов, Л.С.Вигоцкий, А.В.Запарожец, И.С.Кон, Б.Ф.Ломов, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Д.Н.Узнадзе, Л.И.Уманский, П.М Якобсон, В.А.Якунинлар ўрганганлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кичик мактаб ёшида идрокнинг ўткирлиги, сўз мантиқий тафаккурнинг мавжудлиги, ақлий активликнинг такрорлашга қабул қилишга қаратилганлиги психиканинг ривожланиши ва бойитилиши учун мос шароитларни яратиб беради.

Бу даврдаги ўқитиш имкониятларига кўпгина омиллар гувоҳлик беради. Психологлар инглиз тили фанини ўзлаштириш бўйича иккинчи ва бешинчи синфларда тадқиқот ўтказадилар. Ҳар иккала синфда ҳам бу фан биринчи марта ўтилади. Бунда шу аниқланадики иккинчи синф ўқувчилари ўзларининг ўзига хос нутқий фаолликлари туфайли бу фанни яхши ўзлаштирадилар. Чет тиллар дарсида улар қизиқиб янги лексикани ва ҳали ўзлаштирилмаган фонетикани қўллайдилар, улар хато қилиб қўйишдан қўрқмайдилар, бошқа тилдаги нутқ билан сўзлашув уларнинг сўзлашув эҳтиёжларининг бир қисми ҳисобланади ва улар ҳали ўсмирлик даврининг

турли психологик “тормоз”ларига учрамаган бўладилар. Шундай экан чет тилларга нисбатан алоҳида ёш сезувчанлигини ажратиш мумкин экан.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг келажагини кўрсатувчи сифатида бизлар боланинг ақлан ҳисоблашга алоҳида қизиқишини олишимиз мумкин. Таниқли математик, академик А. Колмогоров таъкидлаганидек: “Ҳисоблашга бўлган илк қобилиятлар ва лаёқатлар катталар бу қобилиятни ривожлантиришга ҳаракат қилсада тез йўқолади”. Бундан кўриниб турибдики, машғулотлардаги бундай муваффақиятлар фақатгина ёш ривожланишининг эпизоди бўлиши мумкин математикага бўлган ҳақиқий истеъдод эса ақлнинг бошқа сифатларини талаб этиб, улар кейинроқ вужудга келиши мумкин. Ушбу болада эса бу хусусиятлар намоён бўладими ёки йўқми, бу аниқ эмас. Баъзи болалар мактабгача ёки кичик мактаб даврида абстракт тушунчаларни, схемаларни, шартли белгиларни таҳлил этишда ажабланарли енгилликни ҳис тадилар. Лекин кейинчалик нисбатан аниқ таҳлил талаб этилади ва бунда болада қийинчилик туғилиб унинг ақлий имкониятлари бир томонламалиги кўриниб қолади. Яна бир ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Беш ёшли боланинг ақлий фаоллиги бу нарсанинг узоқ муддат сақланишига кафолат бермайди. Қизиқишлар ва интилишлар ўзгариши мумкин. Шунингдек, ақлий ривожланишнинг юқори тезликда кечиши интеллектнинг турли томонларини бир йўсинда эгалламайди: ёшга боғлиқ етуклик қайсидир томонлама тез ривожланса, бошқа йўналишларда эса тўхтаб қолишлар рўй бериши мумкин. Ақлий ривожланишнинг бундай нотекис кечиши боланинг кейинги ривожланишида бир қатор қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Боланинг нима учун ақлий ривожланиши ундан кейинги кутилмаларни белгилаб бермаслигига кўпгина сабаблар мавжуд. Интеллектнинг эрта ривожланиши у ёки бу кўринишда кейинчалик камайсада, сақланиб қолади ва бу болаларнинг ўзига хослиги уларнинг ўзига хос ақлий имкониятларида бўлади.

Интеллект ва ижодий қобилиятларни муносабатини ўргана туриб В.И. Дружинин бу бўйича учта нуқтаи назар мавжудлигини ёзади булар:

1.Интеллект бир вақтнинг ўзида интеллектуал вазифаларни бажариш ва ижодга бўлган қобилият ҳисобланади.

2.Ижодий муваффақиятга фақатгина юқори интеллектда эришиш мумкин, лекин шу вақтнинг ўзида юқори интеллект уларни кафолатламайди.

3.Ижодга бўлган умумий қобилият ва умумий интеллект бир бири билан боғлиқ ҳисобланади, лекин шунда ҳам улар турли қобилиятлардир.

Ақлий фаолият жараёнини ўрганиш давомида креативлик ва интеллект орасида “реципрок боғлиқлик” аниқланади: бир қобилиятнинг долзарблашиши бошқа бир қобилият долзарблашишига тўсқинлик қилади.

Тафаккур мотивацияси психологияда жуда кам ўрганилган мураккаб муаммолар сирасига киради. Тафаккур мотивацияси муаммосига биринчилардан бўлиб З.Фрейд ўз эътиборини қаратган бўлиб, у мотивациянинг ижод, ақллилик, туш кўриш сифатида намоён бўлишини ўрганган. З.Фрейд мотивациянинг таркиби ақлни белгилашини таъкидлар

эди. Унинг фикрича, ақлий фаолиятнинг чегараланиши ўта таҳлил қилиш ва ижодий билишга майлнинг турли тақдирининг кўриниши эди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкунки кичик мактаб ёшида боланинг ақлий ва мотивацион ривожланиши унинг келажагига бевосита таьсир этади. Боланинг ижодий қобилиятлари айнан шу ёш босқичида намоён бўла бошлайди. Бу жараён унда дастлаб қизиқиш сифатида намоён бўлиб олимлар фикрича айнан шу ёш босқичида бола қобилиятлари чегараланиб қолса у болада яширин ҳолда қолиб кетиши ҳам мумкун.

## UZLUKSIZ TA'LIM BOSQICHLARIDA TA'LIM-TARBIYAGA INTEGRATIV VA DIFFERENSIAL YONDASHUV.

*Gadoyeva M.M.*
*Buxoro viloyat XTXQTUMOHM katta o'qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada integrativ yondashuv mazmunan tutash, aloqador, mantiqiy bir-birini taqozo etuvchi va bir-biriga singib chuqurlashtiruvchi va kengaytiruvchi o'quv fanlarini integratsiyalash uchun qo'llanilishi, yaxlit mantiqiy mukammal bilim, ish-harakat usullari va shaxsiy sifatlarni tarkib toptirishni ko'zda tutishi, shuningdek, o'quvchilarning iqtidori, qiziqishi, o'zlashtirishiga ko'ra differensial tayyorgarlikni kuchaytirish va murakkablashtirish – zamonaviy maktabning global yo'nalishiga aylanishi to'g'risida ma'lumotlar aks etgan.

**Tayach so'zlar:** "o'zaro aloqadorlik", "o'zaro ta'sir", "sintez", integratsiyalash

The peculiarities of integration and differentiation of knowledge in the forming of the – pedagogical competence of a future teacher of physical training are outlined in the following article. The pedagogical methods of providing differentiation and integration of knowledge and abilities are distinguished and pedagogical methods in the forming of the psychological – pedagogical competence of future teachers are examined in this article.

В статье в рамках общепринятого социально-философского подхода анализируются понятие и специфика науки, рассматриваются некоторые особенности функционирования, интеграции и дифференциации науки в современных условиях. Результатами деления наук выступают образование в той или иной науке новых отраслей, обособление некоторых из них в самостоятельные научные дисциплины

Insoniyat jamiyatining hozirgi zamon rivojlanish darajasi mustaqil respublikamiz ijtimoiy hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlarda o'z aksini topmoqda. Bunday o'zgarishlar shak-shubhasiz, barkamol shaxsni tarkib toptirish bilan chambarchas bog'liq. Bugungi kunda insoniyat jamiyati, shuningdek, mustaqil respublikamiz xalqi oldida turgan ijtimoiy-itisodiy,

g‘oyaviy-siyosiy, ta’limiy-tarbiyaviy muammolarning yechimini topish tabiiy, ijtimoiy, texnik fanlarni o‘zaro aloqadorligi va o‘zaro munosabatlariga bog‘liq. Chunki, ularning barchasi mohiyati, mazmuni, tabiati, shakli va ko‘lamiga ko‘ra tizimlilik xarakteriga ega bo‘lib, ularga aynan mos yondashuv yordamida tadqiq etilib, yechimi topiladi. Bu o‘z navbatida ta’lim-tarbiya ishida ham tizimli yondashuvdan foydalanishni ko‘zda tutadi.

Ko‘p sonli manbalar, xususan pedagogik amaliyot sohalarining tahlili ta’lim-tarbiya jarayonining rivojlanishiga to‘siq bo‘layotgan muammolar mavjudligidan guvohlik beradi. Bular asosan, bizning fikrimizcha, o‘rganilayotgan ob’ektlarning ba’zi bir jihat va xususiyatlarini lavhalar (fragment) shaklida o‘rganish natijasida yuzaga kelib, mantiqan bog‘lanmagan va tizimlashmaganligidadir. Amaliyotdagi bunday holatlarni bartaraf etishda integrativ yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi.

Uzluksiz ta’lim jarayonida bilim, ko‘nikma va malakalar o‘quvchilarni rivojlantirishning maqsadi emas, balki vositasi sifatida qaralishiga erishish lozim. DTS da ko‘zda tutilgan ta’lim mazmunini o‘zlashtirish natijasi mustaxkam bilim, ko‘nikma va malakalar sifatida namoyon bo‘lishi kerak. DTS da ko‘zda tutilgan ta’lim mazmunini barcha o‘quvchilar ko‘nikma darajasida egallashlari shart. Shundan keyingina o‘quvchining individual imkoniyati va xoxishini hisobga olgan holda, bir qadar murakkabroq o‘quv materiallarini taqdim etish, ular o‘quv materiallari maqbul o‘quv dasturlari, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalarida o‘z aksini topmog‘i lozim. Bunda o‘quvchining bilim sifati va muayyan o‘quv predmetini o‘rganishga qo‘yiladigan talablar ham bir qadar oshiriladi. O‘quvchilarning bilim darajasini oshirishda ta’lim mazmunini integratsiyalash, unda ta’lim mazmuniga singdirilgan barcha tushunchalarni tabiiy-ilmiy hamda ijtimoiy gumanitar sohaga oid bilimlar sifatida taqdim etish muhimdir. Zero, integratsiyalashgan mashg‘ulotlar o‘quvchilarda dunyoning yaxlitligi xaqida bir butun tasavvur xosil qilishga ko‘maklashadi. Shuning uchun ham bir qator o‘quv fanlarini integratsiyalashga bugungi kunda kuchli ehtiyoj sezilmoqda.

Integrativ yondashuv mazmunan tutash, aloqador, mantiqiy bir-birini taqozo etuvchi va bir-biriga singib chuqurlashtiruvchi va kengaytiruvchi o‘quv fanlarini integratsiyalash uchun qo‘llanilib, yaxlit mantiqiy mukammal bilim, ish-harakat usullari va shaxsiy sifatlarni tarkib toptirishni ko‘zda tutadi.

O‘quvchilarning iqtidori, qiziqishi, o‘zlashtirishiga ko‘ra differensial tayyorgarlikni kuchaytirish va murakkablashtirish – zamonaviy maktabning global yo‘nalishiga aylandi.

Differensiyaning asosiy shakllari – o‘quv muassasalarini turli tiplarga bo‘lish, bir maktab ichida potok va profillarga, sinfda guruhlarga ajratish nazarda tutiladi. Differensial ta’lim muammosi bir xil hal bo‘lmaydi va qarama-qarshiliklarga ega. Ijtimoiy tomondan differensiya ijtimoiy tanlov usuliga aylanadi. Odatda tabaqalanish (differensiya) boshlang‘ich maktabni bitirgandan keyin boshlanadi.

Xulosa qilib shuni ta’kidlash lozimki, integrativ mashg‘ulotlar o‘quvchilarda ishonch hissini qaror toptiradi. O‘quv jarayonining muvaffaqqiyati hamda bilimlarning yuqori sifatini ta’minlaydi, darslarda psixologik qulayliklarning

o‘ziga xos qirralari singdiriladi, ta’lim oluvchifaoliyatini samarali tashkil qilishga yo‘naltirilgan o‘quv mashg‘ulotlari taqdim etiladi.

**ADABIYOTLAR:**


1. Kostyuk G.S. Izbrannыe psixologicheskie trudы.-M.: Pedagogika, 1991. 120-b
2. N. Zornikov, L. P. Volkova. Problemы i perspektivы mejdunarodnoy integratsii vыsshego obrazovaniya.-Voronej, 2009.


## ART-TERAPIYA NIMA?


*Gadoyeva N.U.*
*Buxoro viloyat Buxoro tuman 4-umumiy o’rta ta’lim maktabi psixologi.*



**Anatatsiya.** Ushbu maqolada Art-terapiyaning to’grisida, uning psixologlar tajribasida qo’llanishi va jatijadorligi, art-terapiyaning bolalar va katta larga birdek foydali tomonlari xususida fikr yurilgan hamda misollar orqali orqali yoritilgan.



**Kalit so’zlar.** Art-terapiya, Izoterapiya, Ertak terapiyasi, drama terapiya, qo’g’irchoq terapiya, qum terapiya, musiqa terapiya


Art-terapiya - tom ma'noda "ijod orqali davolanish"; ijodiy texnikani qo'llaydigan psixoterapiya usuli. Biroq, u oddiy chizilgan suratlar, musiqa yoki aktyorlik klubidan farq qiladi. Art-terapiyaning maqsadi san'at ob'ektini yaratish emas, balki o'zingiz xohlagan mahsul bilan ishlashdir. Bunda diqqat natijaga emas, balki jarayonga qaratilgan. Shu sabab art-terapiyaga qatnashish uchun ijodiy qobiliyatga ega bo'lish shart emas.

Art terapiya usullari boshqa psixoterapevtik yo'nalish bilan birgalikda qo'llaniladi. Ushbu kombinatsiya mijozni to'liq ochishga, shikastlanishlarni o'rganishga va bloklarni olib tashlashga yordam beradi.

Art-terapiya qanday ishlaydi?

Art-terapiya asosan ongsiz jarayonlar bilan ishlashga mo'ljallangan. Uning tub ildizi taniqli psixoanalistlar - Karl Yung va Zigmund Freydlarga borib taqaladi. Ular ijodda inson yashirin istak va hissiyotlarni ifoda etishini payqadilar. Keyinchalik sil bilan kasallangan bemorlar bilan ishlagan rassom Adrian Xillij oddiy ishlarning bemorlar ahvoliga ijobiy ta'sirini payqadi. Aynan u "art terapiya" tushunchasini fanga kiritgan.

Ko'p odamlar o'zlarining his-tuyg'ularini tushunishmaydi va ularni qanday ifodalashni bilishmaydi. Ular uchun o'zlari va boshqalar bilan aloqa o'rnatish qiyin. Buning sababi psixikaga ta'sir qilishda davom etadigan ichki ta'qiqlar, salbiy munosabatlar yoki shikastlanishlar bo'lishi mumkin. Ushbu muammolarni toppish va ifodalash esa ijodiy jarayonda osonroq kechadi. Siz bunda o'zingiz haqingizda to'g'ridan-to'g'ri gapirmaysiz – lekin o'zingizni majoziy ma'noda ifoda etasiz: rang, tovush, harakatlar orqali. Keyin terapevt bilan birgalikda xabarni "ochasiz" va ustingizda ishlay boshlaysiz.

Art-terapiya quyidagilarda yordam beradi:

•o'z-o'zini hurmat qilishni oshirish;
•stressni kamaytirish va surunkali stressdan xalos bo'lish;
•bezovtalik va ruhiy tushkunlikdan xalos bo'ling;
•oilaviy nizolarni hal qilish;
•samarali xulq-atvor strategiyalarini ishlab chiqish va muloqot ko'nikmalarini takomillashtirish;
•o'zingizni, xohishingizni, ehtiyojlaringizni va maqsadlaringizni yaxshiroq tushunishingiz mumkin.

Art terapiyasining turlari:

Art-terapiya juda ko'p turlarga ega: ijodkorlikning turl ixillari mavjud. Ammo hozir eng keng tarqalgan turlarini ko'rib chiqamiz:

Izoterapiya

Art-terapiyaning eng mashhur turi bu chizgi terapiyasi. Uning mashhurligi rasm chizish bola o'rganayotgan dunyoning tabiiy faoliyat ekanligi bilan bog'liq. Shunday qilib, harbir shaxs hech bo'lmaganda bir marta buni qilishga harakat qilishi kerak.

Bu yerda hamma narsa muhim: asboblarni tanlash, rang, tuzilma, rasm kompozitsiyasi bilan ishlash. Terapevt mashg'ulot oldida biron bir mavzuni taklif qilishi mumkin yoki mijozning so'roviga va shaxsning xususiyatlariga qarab uni o'zi tanlashni taklif qilinadi.

Izoterapiya bolalarda ko'pincha buziladigan o'z-o'zini chegaralash hissi bilan samarali ishlaydi.

Masalan, keng tarqalgan usul: terapevt bolaga tananing tashqi ko'rinishini chizishni, so'ngra shu tananing ichkaridan va tashqaridan ko'rinishini chizishni taklif qilinadi. Shunday qilib, bola o'zini va dunyo bilan munosabatini yaxshiroq anglay boshlaydi.

Bo'yoqlar, qalamlar, suv, qog'oz bilan ishlash – bularning barchasi sensomotor ko'nikmalarini ham rivojlantiradi. Bu esa o'z navbatida kognitiv sohaning rivojlanishiga turtki beradi.

Izoterapiya voyaga yetgan mijozga o'zining xijolatini yengishga, uning ijodkorlik qobiliyatiga ega emasligi haqidagi xayolni yo'q qilishga va o'zini namoyon qilishning yangi usullarini o'rgatishga yordam beradi.

Ertak terapiyasi

Psixoanalitiklar ko'pincha ertaklarga murojaat qilishadi. Psixolog ertak o'ylab topishi yoki o'z hayoti haqidagi ertakni mijozga aytib uning kutilmagan qarorni qabul qilishiga ko'maklashishi lozim. Bolalik bilan xayolot va uyushmalarning erkin parvozi o'zini oshkor qilishga yordam beradi. Shuning uchun ertak terapiyasi nafaqat bolalar bilan, balki kattalar bilan ishlashda ham qo'llaniladi.

Drama terapiyasi

Improvizatsiya va turli xil rollarni ijro etish ijtimoiy va kommunikativ sohani yaratishga yordam beradi. Mijoz empatiyani rivojlantiradi, o'z tanasini yaxshiroq his qilishni, his-tuyg'ularni ifoda etishni va boshqalar bilan munosabatlarni qurishni o'rganadi. Drama terapiya, shuningdek, mushak bloklari va qisqichlardan xalos bo'lishga, natijada psixosomatikani o'rnatishga yordam beradi.

Qo'g'irchoq terapiyasi

Ertak va dramatic terapiyaning kombinatsiyasi. Bu terapiyada bolalar o'zini yaxshi namoyon qiladi: ular uchun travmatik vaziyatlar va hissiy tajribalarni "o'ynash" tabiiydir. Qo'g'irchoq terapiyasi yordamida bola empatiyani rivojlantiradi va samarali xulq-atvor namunalarini o'rganadi.

Qum bilan davolash

Birinchi qum terapiyasi Karl Yungning ishida qo'llanila boshlandi. Qumdagi ijodiy tasvirlar yordamida u mijozning ongsiz tajribasiga murojaat qildi va chuqur his-tuyg'ular va erta tajribalarni "chiqarib oldi".

Mijoz qumda turli xil shakllarni chizadi yoki yaratadi, ularni qayta yasaydi, yo'q qiladi, ta'mirlaydi. Jarayonda u terapevt bilan nima sodir bo'lganligini muhokama qiladi. Ijodiy oqim va hissiy harakatlar bo'shashadi, ochishga, "eslab qolishga" va qatag'on qilingan tajribalarni ishlab chiqishga imkon beradi.

Musiqa terapiyasi

Musiqa kayfiyating izni o'zgartirishi mumkinligini payqaganmisiz? Art-terapiya bu ta'sirdan foydalanadi. Mashg'ulot paytida mijoz musiqiy asarlarni tinglashi, ularga hissiy munosabat bildirishi, terapevt bilan bu haqda suhbatlashishi va mustaqil ravishda musiqalarni yozishi mumkin.

Biblioterapiya

Kitoblarning davolashda ishlatilishi haqida eshitganmisiz? Psixologlar o'z patsientlariga kitoblar tavsiya qilishi, kitob orqali patsient o'z muammosidan chiqish yo'lini topa olishi mumkin.

Masalan, psixolog sizning muammongiz bilan tanishgach, aynan shu yoki shunga o'xshash muammoga duch kelgan odam haqidagi badiiy kitob(biografiya yoki avtobiografik asar bo'lishi ham mumkin)ni tavsiya qiladi. Kitobni o'qib, qahramon bilan ma'lum bir yo'llarni bosib o'tar ekansiz, sizga insaytlar(avval ma'lum bo'lmagan yechimni to'satdan anglash) keladi.

Psixolog sizga istalgan janrdagi, mazmundagi kitoblarni tavsiya qilishi mumkin. Ularning har biri o'ziga xos holatlarga mo'ljallangan.

Masalan:

- Detektiv va sarguzasht kitoblar real vaziyatdan chalg'ishga yordam beradi.
- Ilmiy-fantastik adabiyot faollikka chorlaydi va tasavvurni kuchaytiradi.
- Tarixiy asarlar hayotdagi maqsadni aniqlashtirishga yordam beradi.
- Diniy, axloqiy kitoblar insonparvarlik, sabrni tarbiyalaydi.
- Hayvonlar haqidagi kitoblar tinchlantiradi.
- San'at haqidagi kitoblar hayrat hissini beradi.
- Yumor va satira janridagi asarlar ijobiy kayfiyat ulashadi va psixologik himoyaga o'rgatadi.
- Ilmiy kitoblar o'z muammosi haqida yaxshiroq axborot olishga xizmat qiladi.
- Aforizmlar to'plami fikrlarni tartiblaydi va tiniqlashtiradi.
- Badiiy adabiyot(klassika) esa har tomonlama ta'sir qilaoladi.

Bizning sharoitimizda biblioterapiyani qo'llash borasida 2ta muammo bor:

▪Juda ko'p va turli-tuman kitoblar o'qigan va patsientga kitob tanlashda qiynalmaydigan psixologlarning yo'qligi.

▪Patsientga tavsiya qilish uchun istalgan mazmunda o'zbek tilidagi kitobni topib berish qiyinligi.

Art-terapiya bolalar uchun ham, kattalar uchun ham mos keladi. Uning bolalar bilan ishlashdagi ustunligi – bu o'yinning elementi, ifodali va ko'p gapirishga hojat yo'qligi. Ikkinchi ustunlik tufayli art terapiya autism spektrining buzilishi bo'lgan bolalar bilan ishlashda juda yaxshi natija beradi. Ular orasida o'zlarini og'zaki ifoda etish qiyin bo'lganlar ko'p va atrofdagi dunyo ularga tartibsiz, tushunarsiz tuzilishga o'xshaydi.

**ADABIYOTLAR:**

1. Zigmund Freyd «Psixoanaliz haqida beshta ma'ruza»
2. Zigmund Freyd «Leonardo da Vinci ijodiyotiga psixoanalitik nazar»
3. Zigmund Freyd «Psixoanalizga kirish»
4. Karl Gustav Yung «Ijodiylik va uning inson psixikasiga ta'siri» nomli maqola
5. Internet manbalari

## ПЕДАГОГИК ЖАМОАДАГИ ҲИССИЙ ЗЎРИҚИШЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

*Ғайбуллаева Д.*
*Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси*

Ҳиссий зўриқиш синдиром - бу узоқ давом этадиган эмоционал стресс билан кечадиган ақлий ва жисмоний чарчоқ натижасида юзага келадиган мураккаб психофизиологик ҳодиса (Р. Кочюнас). Маьлумки, ҳиссий зўриқиш синдироми касбий фаолиятга бўлган мотивациянинг йўқолишига таъсир кўрсатади ҳамда ишидан қониқмаслик, психик тушкунлик ва ҳиссий чарчоқ ҳолатларида намоён бўлади. Ҳиссий зўриқиш атамаси биринчи марта америкалик психиатр 1974 йилда Х. Дж. Фрейденбергер томонидан касбий ёрдамни эмоционал тўйинган мижозлар, беморлар билан жадал ва яқин мулоқот қилиш, орқали инсонлардаги психологик саломатлик ҳолатини тавсифлаш мақсадида ишлатилган. Дастлаб бу атама инсонлардаги чарчоқ ҳолати сифатида таърифланиб, ўзларига кераксиз шахс сифатида қараш ҳисси билан бошланган [4].

Ҳиссий зўриқиш синдиромини илмий концепциясини ишлаб чиқишда К. Маслач ва унинг ҳамкасблари (С.Джексон, А.Пайнс) изланишлари муҳим роль ўйнайди. Улар томонидан ишлаб чиқилган моделлар бу борада олиб борилган кейинги изланишлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Олиб борилган изланишлар асосида мазкур атаманинг таърифи бир неча марта ўзгарган.

Хусусан, К.Маслач зўриқишни ишдаги стресс билан боғлиқ реакция сифатида кўрсатиб, мижоздан ҳиссий узоқлашишга, унга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлмаслиги ҳамда иш жараёнида самарадорликни йўқлиги билан таърифлаган бўлса, 1981 йилга келиб, К.Маслач ва С.Джексонлар томонидан бошқа вариант таклиф қилинди: зўриқиш инсонлар билан алоқага киришадиган ходимлар орасида тез - тез учрайдиган ва ўз мижозларига нисбатан салбий муносабатни ривожланишига олиб келадиган ҳиссий чарчоқ ва асабийлашиш синдироми билан тақозоланади.[4].

Н.Е.Водопьянова томонидан ҳиссий зўриқиш бу ўрта иш самарадорлигида касбий стрессларни сабабий давомлигида ҳамда узоқ муддатли стрессли реакцияларни намоён бўлишидир. Буни касбий стресс таъсир остида юзага келадиган шахсий деформацияларнинг аспектида кўриш мумкин. Ҳиссий зўриқиш ҳолати одатда ҳамма нарсадан чарчаш, тушкунлик, ишончсизлик истакларини етишмаслиги, хато қилишдан қўрқиш, ноаниқ бошқариб бўлмайдиган вазиятлардан хавотирланиш, ўзига нисбатан паст баҳо бериши натижасида юзага келади. Шу билан бирга атрофдагилар томонидан хатти - ҳаракатларимизга адолатсиз равишда қаралиши, жамиятда етарли даражада мавқега эга эмаслиги, бажарилган меҳнатга нисбатан етарлича баҳо берилмаслиги, шахс ўзидан қониқмаслик ҳиссини юзага келтиради. Профессионал инсонлар ўзини ва бошқаларни танқид қила бошлайди яъни эътиборли бўлишга интилиш ёки аҳамиятсиздек бўлиш ёки ҳамма нарсани жуда яхши бажаришга ҳаракат қилади ёки умуман уринмайди [13].

Аксарият ҳолларда юзага келадиган ўқитувчиларнинг иш фаолиятлари ҳиссий зўриқишларга олиб келади ва натижада ривожланади: сурункали чарчоқ, ўзини ҳамма нарсадан охирида ўйлаш одати, қўлидан ҳеч нарса келмаслик ҳисси, ортиб бораётган кучсизлик ўқитувчининг фаолиятига бўлган иштиёқини сўндиради, иш сифатини пасайтиради, ўзини четга олиб қочиш ҳиссини юзага келтиради. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг ҳиссий ҳолати шубҳасиз, ўқувчиларнинг ҳолатига ва ўқув жараёнини самарадорлигига таъсир қилади. Ҳозирги кунда олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, 62% ўқитувчилар ўзларининг касбий вазифаларини бажариш вақтида доимий равишда психологик ноқулайликларга дуч келишади; 85% стресс ҳолатини барқарорлигига; 33% асаб тизимининг касалланишидан қайғурадилар; 85% аёл ўқитувчилар уларнинг касбий фаолиятлари уларнинг оилавий муносабатларига салбий таъсир кўрсатади деб айтдилар. [1].

Хорижий олимларнинг фикрларига кўра, педагоглар жамоасида ҳиссий зўриқиш синдироми шаклланишига таъсир кўрсатадиган учта муҳим омил кўрсатиб ўтилади:

<u>1.Ижтимоий омил.</u> Ҳиссий зўриқиш синдромига таълимни модернизация қилиш, янги таълим стандартларига ўтиш, инновацион

технологияларни жорий этиш, касбий компетентлигига нисбатан янги талабларни қўйилиши таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ижтимоий табақаланиш, рақобатга ва моддий манфаатдорликка бўлган кучли интилиш натижада амалга оширилаётган ишнинг маъносини йўқолишига олиб келади. Иш вақтини нотўғри ташкиллаштирилиши ҳамда жуда кўп миқдордаги ҳужжатларни тўғри тўлдирилиши, жамоадаги ижтимоий психологик муҳит, раҳбарият томонидан ходимнинг қўллаб - қувватланиши ҳамда адолатли муносабатни мавжудлиги ёки йўқлиги билан тавсифланади [5].

2.Шахсий омил. “Зўриқиш” қоида тариқасида дастлаб аҳамиятли бўлган фаолият учун касбий, ижодий, эмоционал ва ташаббускорлик таяниб, бошқа инсонларга нисбатан ҳиссий муносабатларга йўналтирилганликни назарда тутади [39].

3.Муҳит омили (иш ўринлари). Жамоадаги инсонлар билан муносабатлар тизими муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “қўлдан қўлга ҳаракат” вазиятини юзага келтирмасдан, инсонпарвар қадриятли йўналиш доирасида касбий вазифаларни ҳамкорликда фаол равишда ҳал қилинади. Жамоа (кўпинча маъмуриятни ҳам ўз ичига олган ҳолда) фаолият мотивациясига нисбатан салбий ёки бефарқлик билан муносабатни камайтиради. Бундан ташқари иш шароитларида касбий вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам бермаслиги мумкин: иш жойларини кўплиги, иш шароитларини етишмаслиги, умумий моддий - техник базаси, дам олиш учун хонасининг йўқлиги, иш вақтида топшириқларнинг тез бажарилиши ҳамда ундан кейин тўлақонли дам олишга имкониятнинг етишмаслиги ва бошқалар [5].

Ҳиссий зўриқишнинг ташкилий - бошқарув омили ишнинг қадрсиз шаклда намоён бўлиши, моҳиятини тушуниш қийинлиги, маълум тайёргарлик ва самарадорликни талаб қилиниши, ёки “юқоридан” буюрилган топшириқларни ишнинг мазмунига мос келмаслиги билан тавсифланади [2].

А. Пайнснинг фикрига кўра, ҳиссий зўриқиш иш жараёнида ўзининг муҳим эканлиги раҳбар томонидан назорат даражаси ва автономлик ҳамда касбий юксалиш билан боғлиқ. Ташкилий омилларнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1.Меҳнат шароити иш ҳажми ва фаолиятнинг вақт кўрсаткичлари. Фаолиятга нисбатан босимнинг ортиши эмоционал зўриқишни ривожланишини стимуллаштиради. Ишдаги танаффуслар ҳиссий зўриқишлар даражасини пасайтиради ва ижобий самара беради, лекин бу натижа вақтинчалик ҳисобланади. Ҳиссий зўриқиш даражаси вақти - вақти билан иш фаолиятига қайтгандан сўнг уч кундан кейин қайтарилади ва бир ҳафтада тўлиқ тикланади.

2.Фаолиятнинг мазмуни бу гуруҳ фаолиятнинг миқдор ва сифат жиҳатлари билан якунланади: дарслар миқдори, талабалар контингенти.

3.Ижтимоий психологик омиллар вертикал ва горизантал йўналишларда таълим муассасаси билан ўзаро муносабат [3].

Келтирилган фикрлардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, ўқитувчилар ўртасидаги асабийлашиш, тажовузкорлик, хавотирланиш ҳолати, қадриятли ахлоқий йўналиши ва ҳоказолардаги салбий ўзгаришларда ўзини намоён қиладиган ҳамда тан олинадиган ҳиссий чарчоқ муаммоси кузатилади. Шу билан бирга ўқитувчининг ҳиссий соҳасини функционаллаштирадиган эмоционал ўзини ўзи бошқариш малакаси, унинг касбий мухим сифатлари тузилишида стрессга барқарорлик кузатилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Аболин Л.М. Психологические механизмы эмоциональной устойчивости человека. - Казань: КГУ.- 1987.-240 с.

2. Гринберг Д. Управление стрессом. 7-е изд. -- СПб.: Питер.- 2002.

3. Мильруд Р.П. Формирование эмоциональной регуляции поведения учителя// Вопросы психологии.- N6. -1987.

4. Поливанова К.Н. Психология возрастных кризисов. М. 2000г.

5. Ронгинская Т.И. Синдром выгорания в социальных профессиях //Психологический журнал. - М.: Наука, 2002. - Т. 23. - № 3. - С. 85-95.

## КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК, ШАХС ТИПЛАРИ, СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ОРАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИОН МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ.

*Ганжиев Ф.Ф.*
*БухДУ таянч докторанти*

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетенлигини белгилашда шахс типлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий фаолияти маълум даражадаги шахслилик хусусиятлари билан уйғунлашувни тақозо этади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлиги, коммуникатив компетентлик, шахс типи, социал интеллект каби омиллар орқали ривожланиши мумкин деган фаразимиздан келиб чиқиб, тадқиқотимизда даставвал касбий компетепнтликни юқорида санаб ўтилган омиллар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашни лозим топдик.

Экстроверсия – «ичкаридан ташқарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга мойил шахслар кўпроқ одамлар ичида бўлишни ёқтиришади,ўз кечинмаларини кўпроқ атрофдагилар билан баҳам кўради. Мулоқотга киришувчан, танишлар доираси кенг. Баъзи ҳолларда уларда жиддий-лик етишмайди. Одамларнинг тез ишончини қозона олади ва шунингдек, тез хафа қилишга ҳам мойил.

*Интроверсия* – «ташқаридан ичкарига йўналтирилган» деган маънони англатиб, бу типга хос шахслар оғир, вазмин, кўнгли нозик, бепарво, дўстлик қоидаларига қатъий амал қиладиган, мулоқот доиралар чекланган, тортинчоқ, кўпроқ ўзларининг ички дунёлари билан банд ва ёлғизликни ёқтирадиган. Таърифдан кўринаяптики,бу типга мансуб шахслар социал алоқаларда, шахслараро муносабатни ижобий ташкил этадиган, ижтимоий муҳитга тез мослаша оладиган инсонлар эканлигини пайқаш мумкин. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг шахслик типларини аниқлашда Г.Ю.Айзенкнинг «Экстроверсия - интроверсия ва невротизмни аниқлаш» сўровномаси бўйича олинган эмпирик маълумотларнинг статистик қийматларини қуйидаги («1.1-жадвал) жадвал асосида талқин қилиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари шахс типларининг умумий қийматлари

1.1-жадвал

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ю.Айзенк методикаси асосида | Шкалалар | X | у |
| | Экстроверт | 16,59 | 0,93 |
| | Интроверт | 10,9 | 0,55 |
| | Невротизм | 12,61 | 0,54 |
| | Сохталик | 2,71 | 0,94 |

Сўровнома натижаларини амалга қабул қилиш учун респондентларнинг жавоби холислигини англатувчи «сохталик» шкаласи кўрсаткичлари ҳам инобатга олинди. Сўровнома талабларига кўра мазкур шкала қиймати тест меъёридагидан кичик, яъни меъёрга кўра 5 балл атрофидаги қиймат холисликка эга. Умумий ҳолатда таҳлил қилинган мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг экстроверсия типига мансублар меъёрдаги ҳолатда экан (16,59). Бу мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг экстровертликка мансублари мулоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олади, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайрихоҳликларини сўровноманинг натижаларидан билиб олиш мумкин. Ушбу натижага кўра уларнинг невротизм шкаласи қиймати (12,61) шахснинг асаб тизимида зўриқишлар учраб туриши ва уни бошқариш имкониятига эга эканликларини кўрсатмоқда.Тадқиқотимизда интроверт типига мансуб мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг қийматлари (10,9) уларнинг анча вазмин, асаб тизимини бошқариш имкониятига эгаликларидан далолат беради. Аммо, бизнинг мақсадимиз мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг шахс типларини эмас, балки муайян типнинг касбий компетентлик шаклланишидаги таъсирини аниқлашдан иборат эди. Шунинг учун натижаларни шахс типи ва касбий компетентлик муносабатларини мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг фаолият турлари асосида ёритилади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллекти ва шахс типлари тарбиячиларнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи миқдорий қийматлар кузатилди (1.2-жадвалга қаранг). Мактабгача таълим муассасаси

тарбиячиларининг экстроверт типдагилари мулоқотни синчковлик билан олиб боришлари, суҳбатдошнинг ҳиссиёти, кечинмаси, хоҳиш–истакларини тушуниш қобилиятлари яхши ривожланган экан (r=0,433). Бу эса уларнинг педагогик фаолиятни хушкайфият билан амалга оширишлари, муносабатларда дуч келиши мумкин бўлган нохушликларни вазминлик, босиқлик ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан ҳал этишга киришадилар (r=-0,467), новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш қобилияти (r=0,311) ва невротизмнинг пасайиши (r=–0,335) ҳам экстроверт типидаги тарбиячилар учун характерли экалигини кўриш мумкин.

1.2-жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

| Мезонлар | | Шахс типлари | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Экстроверт | интроверт | Невротизм |
| Социал интеллект | Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш | 0,433** | -0,089 | -0,467** |
| | Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш | 0,311* | -0,101 | -0,335* |
| | Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш | 0,319* | -0,030 | -0,068 |
| | Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш | -0,423** | 0,362* | -0,058 |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Аммо экстровертларда «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш»нинг пасайиши (r=–0,423) ва интровертлардаги ўзаро таъсирлашувларда бир оз бўлсада ўсиш ҳолати қайд этилмоқда (r=0,362). Буни тарбиячиларнинг кузатувчанлиги, шахслараро ўзаро таъсирлашувларда вазминлик билан ёндашишлари, суҳбатдошларга муносабат билдиришда сўзларни ўз ўрнида қўйиб ишлатишлари, муомала жараёнидаги кескинликларда ортиқча асабийлашмаслик ва эҳтиёткорлик билан иш тутишлари оқибати эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда ҳаётимиз шуни тақозо қилмоқдаки, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал кутилмаларга нисбатан сезгир бўлиши, касбий жиҳатдан ўзини камол топтириб бориши социал компетентлигини таъминлаш орқали ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Компетентлик чуқур касбий билим ва кўникмалар, ташаббускорлик, ҳамкорлик, жамоада меҳнат қилиш қобилияти ва зарур ахборотлардан хабардор бўлиши билан боғлиқ. Жамият мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари шахсига юқори талаблар қўяр экан, унда психологик етуклик, касбий самарадорлик ва

социал талабчанликка эришишни таъмин-ловчи социал компетентликни тақозо этади. Биз мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллектининг ўзига хослигини ўрганиш баробарида унинг коммуникатив компетентлигини ўрганишга мурожаат қилишни лозим топдик.

Бунинг учун мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларнинг коммуникатив компетентлигини аниқлашда В.Н. Куницынанинг «КОСКОМ-2» сўровномасидан фойдаландик (коммуникатив ва социал компетентликни аниқлаш).

Бу сўровнома оркали мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлиги билан социал-психологик компетентлик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги қирраларини ўрганиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Касбий компетентлик бўйича олинган олдинги эмпирик маълумотларда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг анчагина дифференциал натижаларни қўлга киритилди.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлиги билан унинг омиллари ҳисобланмиш социал интеллект, шахс типлари, билан ўзаро муносабатларини ўрганиш сингари уларнинг социал-психологик ва коммуникатив компетентлигини билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилди. Бу эса мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлигини бошқа жиҳатларни ёритишга ҳам ёрдам беради. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлиги қатор жабҳалар асосида ёритилди. Дастлаб мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал ва коммуникатив компетентлигини аниқлашдан олинган кўрсаткичлар мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларида фоиз ҳисобида аниқланди ва сўнгра касбий компетентлигининг яна бир омили бўлмиш социал интеллект билан ўзаро корреляция муносабатлари аниқланди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлик омилларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш оркали муаммонинг янги қирраларини очиш мумкинлигини эътибордан қочирмаган ҳолда, тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида тарбиячиларнинг социал интеллекти билан социал-психологик компетентлиги ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратишни лозим топдик. Жадвал натижаларига кўра мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллекти билан коммуникатив компетентлик кўрсаткичлари орасида қуйидаги ижобий корреляцион муносабатлар аниқланди, яъни улардаги новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш билан вазиятларни тушушниш ўзаро боғлиқликда намоён бўлиш характерига эга экан («1.3-жадвал»).

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллекти билан социал-психологик компетенлилиги кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик

1.3-жадвал

| № | Шкалалар | Социал интеллект | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Мулоқот иштирок-чисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятла-рини тушуниш | Новербал мулоқот ҳаракатла рини тушуниш | Вербал мулоқот ҳаракатла ри ни тушуниш | Шахслараро ўзаро таъсирлаш увни таҳлил этиш |
| Социал компетентлик | Инсонларни тушуниш | 0,010 | 0,136 | 0,371* | 0,059 |
| | Вазиятларни тушуниш | 0,033 | -0,058 | 0,344* | -0,124 |
| | Уддабуронлик | -0,039 | -0,136 | -0,226 | 0,018 |
| | Ахлоқий установкалар | -0,032 | 0,058 | 0,276 | -0,006 |
| | Муваффақиятга эришганлик мотивацияси | 0,040 | -0,038 | -0,265 | -0,098 |
| | Эмоционал барқарорлик | 0,016 | -0,050 | -0,185 | 0,068 |
| | Имидж | -0,211 | -0,077 | 0,086 | 0,277* |
| | Социал психологик компетентлик | -0,194 | -0,074 | -0,006 | -0,135 |
| | Вербаль компетентлик | 0,278* | 0,063 | 0,039 | 0,373* |
| | Оператив социал-психологик компетентлик | -0,151 | -0,146 | -0,046 | -0,175 |
| | Эго компетентлик | -0,044 | -0,018 | -0,054 | 0,009 |
| | Коммуникатив компетентлик | 0,221 | 0,191 | 0,104 | 0,202 |
| | Ишончлилик | -0,166 | -0,055 | 0,232 | -0,067 |
| | Барқарор инсоний муносабатлар | -0,182 | -0,108 | 0,120 | -0,051 |
| | Коммуникатив шахслилик имконияти | 0,222 | 0,097 | -0,246 | 0,079 |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг кўрсаткичларида эса янада ўзига хослик мавжуд. Уларнинг фаолияти ва тасаввурларида социал интеллект билан компетентликни бошқа бир компонентлари уйғунлашганлиги аниқланди. Уларнинг қарашларича, инсонларни тушунишда вербал компетентлик мулоқот иштирокчиларининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушунишда муҳим ўрин тутар экан ($r=0,274$, $p\leq 0,05$), инсонларни тушуниш($r=0,371$, $p\leq 0,05$), вазиятларни тушуниш ($r=0,344$, $p\leq 0,05$) ҳам педагогик жараён учун муҳим деган қарашга эгаликларидан далолат бермоқда.

Ўз навбатида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг тарбиячи имиджи (r=0,277, p≤ 0,05) ва вербал компетентлиги (r=0,373, p≤ 0,05) шахсларо ўзаро таъсирлашувда белгиловчи характерга эгалиги англаганликларини билдиради.

Тарбиячиларнинг касбий фаолияти давомида социал интеллект билан социал-психологик компетентлик ўртасидаги боғлиқлик индивидуал ривожланиш характерига эга бўлиб, уни социал тажриба, кўникма ва малакаларни тўплаб бориш орқали ўстиришга эришиш мумкин бўлар экан. Социал интеллект ва социал психологик компетентлик ўртасидаги кореляцион муносабатларнинг илмий адабиётларда ёритилиши, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий фаолиятида муҳим бўлган касбий компетентлик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш мазкур бобнинг мақсади қилиб қўйилган эди. Олиб борилган таҳлиллар натижаси бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий компетентлик ва унинг омиллари уйғунлигини таьминловчи дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигини яна бир тасдиқлади. Чунки муайян мақсадларга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқиш мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Айзенк Г.Ю. Понятие и определение интеллекта// Вопросы психологии. – М.: 1995. – № 1. – С. 111-129.
2. Айзенк Г.Ю. Интеллект: новый взгляд// Вопросы психологии. – М.: 1995. – № 1. – С. 111–131.
3. Бодалев А.А. Восприятие и понимание человека человеком/ Монография. – М.: Издательство МГУ, 1982. – 200 с.
4. Сластенин В.А. и др. Педагогика. – М.: Академия, 2002. – 576 с.
5. Куницина В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВУЗов. – СПб.: «Питер», 2002 – 322 с

## JAMIYATDA PSIXOLOG O'RNI.

*G'opirova N.B.*
*Namangan viloyati Chust tumani*
*48-sonli umumiy o'rta ta'lim maktab psixologi.*

Malakali psixolog xizmati jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy hayotining barcha jabhalarida keng joriy etilmoqda.Davlatimiz ta'lim tizimida ham bu xizmatdan samarali foydalanishga o'tildi.Ta'lim-tarbiya jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ruhiy yuklama,ziddiyat,nizo va boshqa kelishmovchiliklarning oldini olish,o'quvchilarning ruhiy xolatini nazoratda saqlash va ularga psixologik xizmat ko'rsatish davr talabiga aylandi.Mazkur jabhadagi me'yoriy hujjatlar umumta'lim maktablarida psixolog kadrlar faoliyatini takomillashtirish,ularga metodik yordam

ko'rsatish,ta'lim-tarbiya bilan bog'liq faoliyatni qonun hujjatlariga tayangan holda olib borishni qamrab olgan.

Men ham malakali psixolog xodim sifatida o'quvchilar bilan doim muloqotda bo'lib, sinflar kesimida turli treninglarni tashkil etish orqali muassasadagi ruhiy muvozanatni bir maromda saqlashga harakat qilmoqdaman.'' Inson ruhiyati'' nomli to'garak tashkil etib,testlarda ijobiy natija ko'rsatmagan ayrim o'g'il-qizlarning ro'yxati shakllantirilib,haftaning belgilangan kunlari ular bilan trening mashg'ulotlari o'tkazish, ruhiy olamini boyitish,yoshlar o'rtasida o'zaro do'stlik tuyg'ularini mustahkamlash, o'qituvchilar o'rtasida esa sog'lom ijtimoiy muhitni yaratish,ruhiy zo'riqish holatlari kuzatilganda o'zini-o'zi boshqarish bo'yicha qiziqarli mashg'ulotlar tashkil etish muntazam yo'lga qo'yilgan.Bitiruvchilarni kasb-hunar maktablari hamda oliy o'quv yurtlariga yo'naltirish maqsadida ''Men sevgan kasb'' mavzusida ma'naviyat soatlari,ro'yxatda turgan o'quvchilar ishtirokidagi profilaktik va korreksion-rivojlantirish ishlari ham kutilgan natijani bermoqda.Maktablarda amaliyotchi psixolog mutaxassisligi zaruriyat sifatida qabul qilinishi bu yo'nalishdagi muhim qadam bo'lib,o'quvchilarning individual-psixologik xususiyatlarini o'rganish asosida uning shaxsi har tomonama kamol topishi,ma'naviy va aqliy rivojlanishi,o'zligini anglash va qobiliyatini namoyon etishiga xizmat qilmoqda.

## JAMIYATDA INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLAR VA ULARNING SHAKILLANISHI

*G'opurova G.D.*
*Xorazm viloyati Hazorasp tumani 27- sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi psixologi*

**Anatatsiya:** Inson psixikasi bilan yuksak darajada tashkil topgan hayvon psixikasi o'rtasida katta farq bor. Hayvon o'z to'dasidagilarga favquloddagi vaziyat bilan bog'liq bolgan hodisalar haqida„o'z tili"da xabar berishi odatiy hodisa. Odam hayvonlardan farqli o'laroq, nutq vositasida o'z qabiladoshlariga o'tmish, hozirgi davr va kelajak to'g'risida ma'lumot berish hamda ijtimoiy turmush tajribalarini yetkazish imkoniyatiga ega. Ammo har bir insonda farqlanib turadigan xislatlar, fazilatalar bo'ladi. Bular esa individual psixologik xususiyat sifatida qobiliyatning shakillanishida turtki bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** qobilyat, psixika, jamyatdagi o'rni, psixologik hodisa, individual psixologiya

Xaridor tovarlarni ko'zdan kechirayotib, bir matodan tayyorlangan bir xil tovarga har xil baho beradi, bir tikuvchini maqtaydi, ikkinchisiga e'tiroz bildiradi. Shuningdek, ularga ba'zi tavsiyalarni ham beradi, tashqi ko'rinishi

bejirim bo'lishi, chidamliligi oshishi to'g'risida mulohazalar yuritadi, ya'ni ulardan biri xaridorni qoniqtiradi, ikkinchisi esa ijobiy baho olmaydi ham. Talabalar har xil turdagi tanlovlarda, olimpiada va universiadada ishtirok etadilar,

ulardan bittasi muvaffaqiyatga erishadi, hatto g‘oliblikni ham qo‘lga kiritadi. Bu psixologik hodisa yoki voqelikni tahlil qilib ko‘rish orqaligina talabaning bilim darajasi, qobiliyat ko‘rsatkichi, muvaffaqiyat mexanizmi, malaka yoki ko‘nikmalar barqarorligi yuzasidan bir fikrga kelish mumkin.

Qobiliyatlar bilim, ko‘nikma va malakalardagina aks etmaydi, balki ularni egallash dinamikasi davomida namoyon bo’ladi. Faoliyat uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalarni o ‘zlashtirish jarayonida yuzaga chiqadigan farqlar qobiliyatlar to'g'risida mulohaza yuritish imkonini beradi.Demak, shaxs faoliyatining muvaffaqiyatli amalga oshirish sharti hisoblangan, bilim ko‘nikma va malakalarni egallash dinamikasida yuzaga keladigan farqlarda namoyon bo’ladigan individual psixologik xususiyat qobiliyatlar deyiladi. Ushbu xususiyatni aniqlash uchun ba'zi bir omillarni tahlil qilish maqsadga muvofiq:

- shaxsning muayyan sifatlari yig‘indisi belgilangan vaqt oralig'ida

egallagan faoliyati talablariga javob bersa, unda mazkur faoliyatga qobiliyati mavjuddir;

- inson shunday holatlarda faoliyat talabiga javob bera olmasa, psixologik sifatlar, ya’ni qobiliyatlar mavjud emasdir. Lekin bu muayyan xususiyatga ega shaxs ko‘nikma va malakalarni egallay olmaydi, degan ma’no anglatmaydi, biroq ularni egallash vaqti cho‘zilib ketadi, xolos.

Psixologiyada qobiliyatlar individual psixologik xususiyatlar sifatida ta’riflanadi, ammo bularning asosida bir insonning boshqa insondan farqlab turadigan xislatlari, fazilatlari yotadi. Shuning uchun har bir shaxsdan bir xil natija, bir xil sifat kutish mumkin emas, chunki insonlar o‘z qobiliyatlariga ko’ra bir-birlaridan muayyan darajada farq qiladilar, binobarin, ular o ‘rtasidagi farqlar sifat va miqdor jihatdan bir talay bolishi mumkin. Qobiliyatlarning sifat tavsifi shaxsning qaysi individual psixologik xususiyatlari faoliyat muvaffaqiyatining majburiy sharti sifatida xizmat qilishini anglatadi. Ularning miqdor tavsifi esa faoliyatga qo‘yiladigan talablarni shaxs qay yo‘sinda bajarish imkoniyati mavjudligini bildiradi, ya’ni mazkur inson boshqalarga qaraganda malaka, bilimlardan nechogliq tez, yengil, puxta foydalana oladi.

Psixologik ma'lumotlarga qaraganda, insondagi yuksak ko‘rsatkich sifati harchand ustuvor bo’lmasin, u talablarni qondirish imkoniyatiga ega bo’lmaydi. Ayrim hollarda alohida namoyon bolgan psixik xususiyat faoliyatning yuksak mahsuldorligi va samaradorligini ta’minlay oladi va u qobiliyatlar uddalay oladigan imkoniyat bilan barobar kuch sifatida vujudga keladi, degan faraz o‘zini oqlamaydi. Shuning uchun qobi1iyatlarni murakkab tuzilishga ega bo’lgan psixik sifatlarning majmuasidir deyish o‘rinlidir.

Qobiliyatlar sifatida ro‘yobga chiqadigan psixik xislatlar majmuasining tuzilishi yaqqol va alohida faoliyat talabi bilan belgilanganligi tufayli har qaysi turdagi faoliyatlar uchun o‘ziga xos tarzda q o ‘yilishi turgan gap. Buning uchun ayrim misollarni tahlil qilib ko‘ramiz:

- adabiy qobiliyat bular: nafosat hislarining yuksak taraqqiyot darajasi, xotirada yorqin ko‘rgazmali obrazlarning jonliligi, „til zehni“, behisob xayolot, ruhiyatga qiziquvchanlik, o‘zi ifodalashga intiluvchanlik va boshqalardir.

•matematik qobiliyat bular: matematik materiallarni umumlashtirish, mulohaza yuritish jarayonini qisqartirish matematik ish-amallarni kamaytirish, masalani idrok qilish bilan natija o'rtasida aloqa o ‘rnatish, to‘g‘ri va teskari fikr yuritishdan yengil o ‘tishiik, masala yechishda fikr yuritishning epchilligi kabilardir.

Xulosa qilib aytganda qobiliyatlardan muayyan darajada umumiy va torroq

ma’noda maxsus sifatlarni ajratish orqali ma’lum turkum tizimini yuzaga keltirish mumkin. Shunga ko‘ra qobiliyatlarni umumiy va maxsus qobiliyatlar guruhiga ajratish maqsadga muvofiq. Umumiy qobiiiyatlarni maxsus qobiliyatlarga zid tarzda talqin qilish mumkin emas. Shaxsning umumiy qobiliyatlari va ularni hosil qiluvchi omillar yaqqol psixologik hodisa yoki voqelikdir. Maxsus qobiliyatlarning ko’lami torroq bo’lishiga qaramay, chuqurroq mohiyatni o‘zida mujassamlashtiradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Azizxo‘jaevaN.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. -O‘.: O‘DPU,2003
2. E.G’.G ‘O Z I YE V// PSIXOLOGIYA// TOSH KENT – 2008
3. P.I.IVANOV// M.E.ZUFAROVA//Umumiy psixologiya// Toshkent – 2008
4. Shavkat Mirziyoyev//. Xarakatlar strategiyasi- Adolat nashriyoti//2017

## O‘QITUVCHI FAOLIYATIDA MULOQOT MADANIYATI VA UNI BAXOLASHNING PSIXOLOGIK MEXANIZIMLARI

*Gafurov B.X., Arslonbekova N.A.*
*ADU talabalari*

**Anatasiya:** mazkur maqolada o’qituvchi faoliyatida muloqot madaniyati uni baxolash mexanizimi va psixologiyasi yoritilgan.

**Kalit so’zlar:** muloqot, o’z-o’zini anglash, dilkashlik, o’z-o’zini tarbiyalash.

**Anatasiya:** The present in the article the teacher in aperation communication culture psychology illuminated.

**Keywords:** Communication, self-awareness, affection, self discipline.

**Анатазный:** настоящее в статье учителъ в эксплуатаци общтъся культура и психология освещеннъй.

**Ключевые слова:** Общаться, застенчивость, одухотвоченно, самодисциплина.

O‘qituvchi kasbiy faoliyatida muloqot madaniyatini shakllantirish muammosi kishilik jamiyatining ehtiyojlari va talablaridan kelib chiqqan holda hal qilinadi. Shu boisdan hozirgi davrda O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da kasb tanlash motivlari, kasbiy tayyorgarlik, kasbiy layoqat va kasbiy mahorat bilan cheklanib qolmaslikni, balki bo‘lg‘usi pedagog kadrlar shaxsiy faoliyatida kasbiy madaniyatni tarkib toptirish

mutlaqo zarur ekanligi ta'kidlanadi. Respublikamizda o'qituvchilik kasbining o'ziga xos etnopsixologik fazilatlari, hislatlari, qobiliyatlari ish uslublari, pedagogik mahorat sirlarini egallash yo'llari, shaxslararo muloqot madaniyati yuzasidan turli davrlarda har xil ilmiy izlanishlar olib borilgan. Muloqot madaniyatining tarbiyalovchi imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish ko'p jihatdan o'qituvchining shaxsiy sifatlari bilan belgilanishini ta'kidlab o'tish lozim. Pedagogik muloqot madaniyatining har jihatdan to'g'ri tanlangan, o'qituvchining ma'naviy saviyasi, betakror xususiyatlariga muvofiq keluvchi uslubi quyidagi vazifalar majmuini hal qilishga yordam beradi:

- birinchidan, muloqotda har bir o'quvchiga alohida e'tibor va dilkashlik sinf jamoasi bilan umumiy muloqot jarayonini soddalashtiradi, o'qituvchining erkin pedagogik – psixologik faoliyati uchun zamin tayyorlaydi, ziddiyatli vaziyatlarni oson hal qiladi;

-ikkinchidan, har bir o'quvchi bilan o'zaro munosabatni erkin muloqot asosida tashkil qilish, ularning yosh xususiyatlariga monand pedagogik va psixologik muloqot uslublarini tanlash, uning ruhiyatini bilishga, ichki dunyosiga "kirib borish"ga yo'l ochadi;

- uchinchidan, psixologik muloqotda o'qituvchining ma'naviy-axloqiy normalari muvaffaqiyatlar kaliti bo'lib, ta'lim-tarbiya samaradorligini oshiradi, muloqotning barcha bosqichlarida o'qituvchining o'z faoliyatidan qoniqish hissini va xotirjamligini ta'minlaydi.

O'qituvchining o'quvchilar bilan bo'ladigan muloqot madaniyati individual uslublarini shakllantirish metodikasi quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi: Ta'lim-tarbiyaviy jarayonni tashkil etishda pedagogik - psixologik muloqot madaniyati o'qituvchi va o'quvchilarning bevosita o'zaro munosabatini ma'lum bir maqsad sari hamjihatlikka yo'naltiruvchi kuchdir. Bu o'rinda o'qituvchi quyidagi vaziyatlarni e'tiborga olishni alohida ta'kidlash lozim:

- o'qituvchining ilk tarbiyaviy faoliyatidan boshlab muloqot madaniyatiga rioya qilishi, bu jarayonda o'qituvchi va o'quvchilar jamoasi bilan har kungi muomalani vaziyatga qarab rejalashtirishi, har bir harakat, so'z ohangiga e'tibor, an'anaviy muloqotning eng yaxshi xususiyatlarini o'zlashtirishi;

- muloqot asosida sinf jamoasidagi turli vaziyatlarni qayd etish, o'quvchilar xatti-harakatining oldingi holati bilan, tarbiyaviy faoliyatdan keyingi holatini qiyoslab chiqib baho berish;

- o'z muloqot uslubi natijalarini tanqidiy nuqtai nazardan tahlil qilib, kamchiliklarni uzluksiz bartaraf etib borish. Zarur so'z, ovozdagi yoqimli ohang, hulq-atvorni vujudga keltirish;

- psixologik muloqot madaniyatining samarali kechishi uchun uning shart-sharoitlarini bilib olishning o'zi kifoya qilmaydi, o'quvchilar bilan o'zaro muomalaning "ustoz-shogird" an'analariga xos boshlanishi va o'zaro fikr almashish asosida muhim vazifalarni hal qilish bilan muo¬mala obyektining diqqatini o'ziga jalb qilish;

- muloqot obyekti, ya'ni o'quvchining diqqatini o'ziga jalb qilish deganda nimani anglash kerak? Buning ma'nosi o'qituvchi o'zining xushmuomalaligi, madaniyati, go'zal xulqi, muloqotda o'quvchilar qalbiga yo'l topa olishi bilan o'z

mahoratini namoyish qilib, muloqot madaniyatining tashkiliy shakllariga ijtimoiy-psixologik negizni asos qilib olishidir.

Koʻrsatib oʻtilgan vaziyatlar asosida pedagogik - psixologik taʼsir koʻrsatish uchun, oʻqituvchining psixogik muloqot madaniyatiga, etikasi va odob-axloqiga, dilkashligiga, muosharat odobiga alohida talablar qoʻyiladi. Ushbu fazilatlar oʻqituvchining sinf jamoasida, ota-onalar bilan muloqot qila bilishida, oʻquvchilar bilan aniq maqsadni koʻzlagan holda tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishida va ularni boshqara olishida muvaffaqiyatlar garovidir. Kasbiy faoliyatning noyob fazilati boʻlmish pedagogik – psixologik muloqot madaniyatiga amal qiladigan yosh oʻqituvchi quyidagi xususiyatlarni oʻzida mujassamlashtirishi lozim:

- mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy talablari va ehtiyojlariga mos boʻlgan yuksak maʼnaviyat darajasidagi qarashlar, kuchli va barqaror eʼtiqod, davlatimiz ideallari, milliy gʻoya va istiqlol mafkurasiga sodiqlik, vatanparvarlik, fidoyilik tuygʻulari shakllangan ijtimoiy-siyosiy faol shaxs;
- oʻquvchilarga samimiy mehrmuhabbat, ularning har qanday ehtiyojlari, qiziqishlari, xatti-harakatlari motivlarini, xulq-atvorlarini tushunish koʻnikmasi va malakasining shakllanganligi;
- jamiyatda roʻy berayotgan hodisalar, jahonda roʻy berayotgan voqealar, tabiatga, borliqqa, shaxslararo, guruhlararo, millatlararo munosabatlarga nisbatan psixologik kuzatuvchanlik, yangilikka, ijodiy izlanishga nisbatan intilish qobiliyatining mavjudligi;
- psixologik faoliyatning barcha jabhalarida odamlarning xatti-harakatlari, munosabatlaridagi xususiyatlarni oqilona tushunish, oʻz faoliyatiga nisbatan refleksiv munosabatni tarkib toptirish;
- har qanday favqulotda vaziyatlarga, jamiyatda roʻy berayotgan yangiliklarga nisbatan hamda ijtimoiy – iqtisodiy oʻzgarishlarga omilkorlik va aql-idrok bilan munosabatda boʻlish, oʻz oldiga toʻgʻri maqsad qoʻya olish, reja tuzish, bevosita nazorat qilish, boshqarish va oʻz imkoniyatlarini namoyon eta olish;
- pedagogik - psixologik faoliyatlarda, jamoatchilik tizimida muvaqqat guruhiy munosabatlarda ommaviy harakatlarda tashkilotchilik va boshqaruvchanlik qobiliyatini namoyish etishi;
- dunyoqarashi va tafakkur koʻlamining kengligi, dunyoviy bilimlarni bilishga nisbatan qiziqishining serqirraligi, ilmiy izlanishlarga moyilligi, muayyan ilmiy salohiyat va pedagogik mahorat darajasini muntazam oshirib borishi;
- oʻquvchilar bilan muloqotda layoqatliligi, nutq madaniyatining mantiqan ixcham, maʼnoli, taʼsirchan kuchga egaligi, psixologik taʼsir oʻtkazish uslublari bilan qurollanganligi.

Oʻqituvchi bilan oʻquvchilarning muloqotda bir-birlarini oʻzaro tushunmasliklari, muloqot vositalarining qashshoqligi, har bir oʻquvchining ruhiyatiga qarab muomala qilinmasligi, barchaga bir xil majburiy itoatkorlik munosabati, oʻquvchilarni tor doiradagi intizomga chaqiruvchi emotsional jihatdan salbiy tus berilgan buyruq shaklidagi muloqot doimiy ziddiyatlarni keltirib chiqaradi. Psixologik muloqot usullari ustida ishlashning asoslangan tizimini tuzish uchun, har bir oʻqituvchi oʻzining muammolaridan, yoʻl qoʻyilgan kamchiliklaridan kelib chiqib, qiyinchiliklarni tahlil qilish bilan bartaraf etishi

lozim. Psixologik muloqotga doir barcha mashqlarning umumiy yo‘nalishini mavjud pedagogic - psixologik vaziyatlarda malaka hosil qilish uchun, har bir muloqot ishtirokchilarining imkoniyatlarini ochishga ko‘maklashuvchi uning shaxsiy hislatlarini rivojlantirib borishni ta’minlovchi vositalardan foydalanish taklif qilinadi. Muloqotga ba’zi o‘quvchilarning subyektiv qarashlarini aniqlash, shu o‘quvchi bilan muloqotni oqilona hal qilinishi uchun zarur bo‘lgan vazifalarni belgilash, uning xulqini tuzatish yoki unda shunchaki ishonch kayfiyatini yaratish kerak. Mazkur vaziyatlarda o‘zaro harakatlarning tizimli vositalari majmuasi quyidagicha belgilanishi mumkin:

• muloqot jarayonida tarbiyalanuvchi obyektning javob harakati imkoniyatlarini oldindan ko‘ra bilish;

• obyektda psixologik to‘siq va salbiy qarashlarni keltirib chiqaruvchi vositalarni qo‘lga kiritish;

• vaziyatning o‘zgarishiga qarab foydalanish mumkin bo‘lgan muloqotlarning bir nechta modeliga ega bo‘lish;

• o‘quvchilar jamoasi fikrlarini tinglash, ularning mulohazalariga qo‘shilish, ularga hamdardlik ko‘nikmasini rivojlantirib borish;

• o‘zaro muloqot natijalarini baholash va erishilgan yutuqlar hamda kamchiliklarni pedagogik-psixologik vositalar asosida taqqoslash.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki psixologik faoliyat va muloqot xarakteri o‘qituvchining shaxsi, uning qarashlari nuqtai nazarlarida va xulqida namoyon bo‘ladigan g‘oyaviy siyosiy saviyasi, professional tayyorgarligi va bilishga intilishi bilan uzviy bog‘liq. Bu asosiy hislatlardan tashqari o‘qituvchining umumiy va boshqa qobiliyati, uning moyilligi xarakteri, muvaqqat psixik holatlari, shuningdek, to‘plangan tajribasi muhim ahamiyatga ega. O‘qituvchi shaxsining professional jihatlarini va o‘z-o‘zini tarbiyalash yo‘llaridan biri o‘zining sifat va hislatlarini, shuningdek, psixologik faoliyat va muloqotlarining barqaror xususiyatlariga, o‘qituvchi bilimining saviyasi va tarbiyalanganligi natijasida erishilgan natijalarini tahlil qilishga doir mashqlarda ham namoyon bo‘ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

1. O’zbekiston respublikasi “Kadirlar tayyorlash milliy dasturi” T. 1997

2. Goziyev E. Oliy maktab psixalogiyasi T1997

3. Ochilov M. Muallim qalb me’mori: Saylanma. –T.: O‘qituvchi, 2000.

4. Mahmudov N. M. O‘qituvchi nutq madaniyati. Darslik. – T.: O‘zb. Milliy kutubxonasi, 2007. – 185 b.

5. Musurmonova O. Ma’naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. – T.: O‘qituvchi, 1996. – 192 b.

# ГУЛЛАР ВОДИЙСИДА КЕЧГАН УМРЛАР

*Ғофурова М.Ў.*
*Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти талабаси*

Наманган қадимдан кўп-кўп истеьдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу кўҳна юртда туғилиб, ижод қилган Махдуми Аьзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исьҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маьрифатпарварларнинг номини халқимиз ҳурмат билан ёдга олади.

*(Ш. Мирзиёев)*

Наманган вилоятида туғилиб, яшаб, ижод этган шоир ва ёзувчилар сиймосига адабий чизгилар. Ҳаёт ва ижод йўллари ҳамда яратган асарлари асосида уларнинг шахсиятини жонлантириш ҳақида мулоҳазлар баён этилган.

Ватан, Ўзбекистон, Наманган вилояти, шоир, ёзувчилар,адабий маскан, Исьҳоқхон тўра Ибрат, XX асрнинг 60-йиллари, У.Долимов, диссертатсия, Президент Фармони, Парда Турсун, У. Носир, адабий маскан.

Тинимсиз ҳаракатда, тириклик кўйида елиб-югураётган ҳар бир тирик мавжудотни бағрида тутиб турган Ер – баримиз учун она, бу курраи заминда Ватан битта, ягона. Бугунги давр ҳавосидан бирга-бирга нафас олаётган азиз замондош, чексиз саволларга бисёр жавоблар топмоқ учун катта мақсадалар билан йўлга чиққан қадрли тенгдош, не бахтки, мен ҳам офтоби мехрли, сувлари сеҳрли, тунлари осуда ўтаётган, тонглари шукрона-ла отаётган юрт – Ўзбекистоннинг сиздек фарзандлари орасида борман, мақсад манзилларидан одимлаб бораётган бўлгуси шифокорман. Ривожланган, ривожланиб бораётган мамалакатлар орасида ўз ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон диёри – нафақат ўзбек халқи, балки турли миллат ва элатарни кенг бағрига жо қилган муқаддас макон, шу муқаддас маконнинг бир бўлаги бўлган, гулларга бурканиб, дилларни мафтун айлаган, менинг болалик изларимни йиллар қаьрига яширган обод худудим – Наманган эса гўзал ҳар качон. Тенгдошим, Ватан дея атаганимиз Ўзбекистоннинг Наманган вилояти ҳақида, унинг ривожи ва тараққиёти учун хизмат қилиб яшаган, ўлмас асарларида шу диёр мадҳини куйлаб ўтган шоир-у адиблари ҳақида биз қанчалик биламиз? Келинг, сиз билан шу юрт номини абадийликка мухрлаган, бизга мерос қолдирган асарлари билан мангу яшаб келаётган инсонлар ҳақида биргаликда фикр юритамиз.

Наманган вилояти фақат гуллар шаҳригина эмас, балки бағрида Бобораҳим Машраб, Нодим Намангоний, Фазлий, Исьҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Парда Турсун, Усмон Носир сингари буюк шоир-у ёзувчилар яшаб, ижод этган адабий маскан ҳамдир. Мана шу адабий масканнинг барҳаёт сиймоларини ёдга олар эканмиз, қалбимизда фахр-у ғурур ҳиссин сезамиз, келинг дўстлар, ўтмиш бўйлаб бирга кезамиз.

Биласизми, азиз тенгдошим, мен яшаб турган ҳудуд – Наманган вилоятида қисқа вақт ичида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Бу ўзгаришларнинг барчаси эса бевосита Наманган адабий муҳитининг йирик вакили – Исьҳоқхон тўра Ибрат номи билан боғлиқдир.Дастлаб бу сиймо ҳақидаги маьлумотлар, тушунчалар етарли эмас эди. Ўтган аср 60- йилларида бу инсон ҳаёт фаолияти, ижоди профессор У. Долимов томонидан ўрганилиб, номзодлик диссертатсияси ёқланган эди. Кейин эса Исьҳоқхон тўра Ибрат адабий меросини ўрганиш жараёни тўхтаб қолган. Бундан бироз аввалги йилларда Президентимизнинг вилоятимизга ташрифлари чоғида у киши ҳақида айтган фикрларидан ҳамда Президентимизнинг Исьҳоқхон тўра Ибрат ҳаёти, ижоди ва адабий меросини ўрганиш борасида берган Фармонларидан сўнг бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди (Гуландом Юнусова, Комила Воҳидова, Шаҳноза Эргашева, Замира Исоқова, Нурбой Жабборов, Азиз Бобохонов ва б.сингари фан доктори ва фан номзодларининг илмий изланишлари асосида). Исьҳоқхон тўра Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилиб, халқ маьнавиятини ошириш, маданиятини юксалтириш учун доимо ҳаракатда бўлган серқирра ижод соҳибидир. У фарғона водийсидаги биринчи матбаачи сифатида ҳам таниқли шахс эди. Исьҳоқхон тўра Ибтратнинг тилшунос сифатидаги фаолияти “ Луғати ситтати алсина “( Олти тилли луғат) асарида акс этади. Бу луғат нафақат Ибрат яшаган давр нуқтайи назаридан,балки бугунги кундаги энг ноёб луғатлар сирасига киради. Негаки, ушбу луғат 6 та тилли: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча(ўзбекча) ва русча тартибланган. Бу билан эса буйк Ватандошимизнинг нақадар катта истеьдод эгаси эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ибрат ноёб серқирра ижодкор дедик, у тарихчи сифатида водий ҳаётидан ҳикоя қилувчи “ Фарғона тарихи” асарининг, шоир сифатида У. долимов томонидан тўплаб, тартибланган “Девони Ибрат”нинг муаллифи, водийдаги 1- тошбосма матбаа – “Матбааи Исьҳоқия” ни қурдирган 1-матбаачи, жамиятшунос, ҳуқуқшуносдир. Юртбошимизнинг, халқимизнинг бу инсонга чексиз муҳаббатининг бир кўриниши сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида Ибрат номидаги мактаб очилгани – менинг ҳудудимдаги катта ютуқлардан биридир. Нафақат бу мактабни, балки ўтган йили ҳудудимизда очилган Президент мактабини аьло даражада тамомлаган ўқувчиларни ОТМ ларига қўшимча имтиёзлар билан ва имтиҳонларсиз қабул қилиш эса ҳудудимизда яратилаётган имкониятлар бисёрлигидан далолат беради.

Мен яшаб турга ҳудудга қўшни бўлган Парда Турсун деган қишлоқ бор. Дастлаб бу қишлоқ номига у қадар эьтибор бермаган эдим, кейин билсам, бу ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланган, умрини шу соҳага фидо қилган, асарларида ўзбек зиёлисининг сиймосини акс эттирган етук ёзувчилардан бири – Парда Турсун номи билан боғлиқ экан. Бу шахс ҳақида, афсуски, бугунги кун ёшлари етарли маьлумотга эга эмаслар. Чунки уларнинг ҳаёт ва ижод фаолиятлари ҳақидаги маьлумотлар мактаб дарсликларига киритилмаган. Маьлумки, ўзликни англаш, ҳаётни, бизни инсон қиладиган атрофимиздаги инсонлар, ҳаётлари ибратга йўғрилган буюк сиймоларни

таниш мактабдан бошланади.Мактаб дарсликларида эса Парда Турсун ҳақидаги маьлумотларнинг мавжуд эмаслиги нафақат ҳудудимиздаги, балки бутун Республикамиздаги адабий, педагогик муаммолардан биридир. Бизга машҳур зиёлилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи, уларнинг мураккаб бир шароитда тўсиқларни енгиб ўтиб, манзилга ета олган, келажак пойдевори бўлган ёшлар камолоти учун ўзини ўқитувчилик касбига фидо қилган инсонлар образи тасвирланган “Ўқитувчи”(1950) романини бизга адабий мерос қилиб қолдирган инсон ҳақида биз нега билмаслигимиз керак? Ахир, тўсиқларга бардош бериб,ИНСОН номин оқламоқлик осонмас, ҳаёт ҳам бир эртак ёки бир шунчаки достонмас. Қисқача айтганимда, Парда Турсун “Мажлисда”, “Зўрлик”, “Остонада”, “Қўлдош ва Маруся”, “Янги раислар”, “Қувноқ ҳаёт”, “Яйловда”, “Тракторчи” каби адабий асарларни яратган, бизга Эмил Золя, Ги де Мопассан, Салтиков- Шедрин, А. К. Толстой каби Европа адабиёти намоёндаларининг асарларидан таржималар қолдирган буюк ёзувчилардан биридир. Албатта, Парда Турсун ижоди кунлар келиб, тикланар, одамларни ўйлаган мангу барҳаёт яшар.

Наманган ҳақида, унинг бетакрор таровати, обод манзиллари ҳақида сўз юритар эканмиз, беихтиёр У. Носирнинг “Юр, тоғларга чиқайлик” шеьри ёдимга келади. Гўзалликда тенгсиз табиат, бутун курраи заминга бўлган муҳаббат туйғулари акс этган бу таьсирчан ифодалар бир ўқишдаёқ онг-у шууримизга ўрнашиб қолади, шундай эмасми? Шубҳасиз, гуллар водийсининг сўзсиз суратини, унинг номини ўлмас асарларига мангу муҳрлаб кетган У. Носир – нафақат шу ҳудуд, балки бутун ўзбек халқининг порлоқ юлдузи десам, муболаға бўлмайди. Бу ҳаётга шундай инсонлар келиб-кетар эканки, 10 йил яшаган бўлса-да 100 йил умр кўргандай инсонлар қалбида ўчмас хотира бўлиб, мангу яшаб қоларкан. У. Носир ҳам ана шундай барҳаёт сиймолар орасида бўлиб, ҳануз яшаб келаётир, улар ҳақида ўйласам, дил ғururга тўлаётир. Улар қисқагина умр кўрган бўлишларига қарамай, жуда кўп ишларга улгурдилар, бизга “Қуёш билан суҳбат”, “Меҳрим”, “Тракторобод”, “Сафарбар сатрлар”, “Пахта”, “Нахшон”,”Душман”,”Сўнгги кун”, “Атлас”, “Зафар” каби адабий асарларни мерос қилиб қолдирдилар. Бу асарларда У. Носир сиймоси бор, “Юрак” “Яна шеьримга” уни топ, дер такрор-такрор. Ўзингиз ўйланг азиз дўстим, 32 йиллик қисқа ҳаёти давомида У. Носир 100 йилда яратиладиган асарларни яратиб, бизга қолдирганининг, узоқ йиллар мобайнида қилинадиган эзгу амалларни бажариб кетганининг ўзи бу уларнинг шу юрт, ўз халқига бўлган муҳаббатларининг бир кўриниши эмасми? Ҳақиқатдан ҳам, У. Носир шу тенгсиз муҳаббати билан халқи учун курашиб, олис манзил томон йўл олди ва дилларда, юракда мангу барҳаёт қолди.

Гулларнинг муаттар ифорига тўлган Наманган диёри мана шундай буюк сиймолар жам бўлган обод манзиллардан бири. Бу ҳудуддаги тенгдошларим эришаётган ютуқлар ҳам бисёр: “Ёш китобхон” кўрик-танловининг Республика босқичи ғолиблари орасида вилоятдошларим борлиги ҳам қувонарли ҳол. Албатта, бу ўзгаришлар, янгиланишлар ва ютуқлар барчаси тинимсиз изланишлар, ҳаракатлар самараси, доим олға

қадам ташлар келажакнинг эгаси. Дунёда ҳар бир юртнинг ўзига хос хусусияти бўлгани каби Наманган ҳам ўзининг бетакрор сифатига эга, бир сўз билан айтганда, Наманган – гуллардан яралган муқаддас маскан!

*Наманганнинг боғларида…*

Наманган – юртимнинг сўлим гўшаси,
Майин саболардан яралган макон.
Бу элда ҳамиша баҳор нафаси,
Гулзор водийлари кенг ва бепоён.
Кўнгилга завқ бериб, уйготар дилни,
Бир қўшиқ елади ҳар тонг, ҳар саҳар.
Кундан-кун яшариб, яшнатар элни
Гуллардан яралган гулистон шаҳар.
Тоғлари виқорли, кўркам ва ўктам,
Ҳар бир қадамингда нозик, нафис гул.
Бир куни тоғларга кел дўстим, сен ҳам
Ўзни унутасан сен бунда буткул.
Боғларин кезганда таҳсин айтасан,
Тандир нонларини ҳидлайсан тўйиб.
Бу элдан бахтиёр бўлиб қайтасан,
Беихтиёр дегайсан:"Қандай ажойиб".
Чодаксой сувлари тиниқ ва зилол,
Дилларга нур берар, бахш этар ҳаёт.
Шу элда улғайиб, топяпман камол,
Қалбдаги ишқимдан яралар баёт.
Кўнгилга завқ бериб, уйғотар дилни,
Бир қўшиқ елади ҳар тонг, ҳар саҳар.
Кундан-кун яшариб, яшнатар элни
Гуллардан яралган гулистон шаҳар!

(М.Ғофурова)

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Каримов. И. А. Шу муқаддас юртга ёруғ кунлар келтириш – ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Наманган вилояти саёвчилари билан учрашувда сўзлаган нутқи. 1999 й. 17 декабр.

2. Мирзиёев. Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.„„Ўзбекистон". 2017 й.

3. Ибрат. Танланган асарлар. Т.„„Маьнавият". 2005 й.

4. Долимов. У. Исьҳоқхон Ибрат. Т.„„Шарқ". 1994 й.

5. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т.„„Маьнавият". 2004 й.

6. 8-синф адабиёт дарслиги.

7. Интернет маьлумотлари.

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Дарвишхожаев Х.А.*
*Наманган давлат университети*
*қошидаги академик лицейи психологи*

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини замонавий талаблар даражасида йўлга қўйишда академик лицейларнинг роли ва ўрни катта аҳамиятга эга. Академик лицейларнинг фаолияти бошқа таълим муассасалари каби раҳбар кадрларнинг иши қандай ташкил этилганлиги билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, психологлар фаолияти муассасанинг руҳий атмосферасига катта таъсир этади. Юқоридагиларни инобатга олиб, академик лицейларда психологик хизмат фаолиятини яхшилаш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларимни бермоқчиман:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон қарорига кўра қабул қилинган “Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ, академик лицейларга ўқувчиларни танлаб олишда ўқувчиларнинг психологик-педагогик жиҳатдан ривожланишига ташхис қўйиш дастлабки танлов сифатида белгилаб қўйилган. Лекин ҳозирги пайтда академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олишда бу танловни ўтказилиш ҳолати қониқарсиз даражада деб баҳолайман. Бу танловнинг адолатли ва тўғри ташкил этилиши иқтидорли ўқувчиларни саралаб олишда муҳим ўрин тутади. Буни ривожланган давлатларнинг таълим тизимидаги, шунингдек Ўзбекистонда ташкил этилган Президент мактаблари ҳамда ихтисослашган мактабларнинг қабул жараёнларини ташкил этишдаги илғор ва самарали тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин. Танлов жараёнларининг ҳар бир босқичи марказлашган ҳолда тизимли ташкил этилиши зарур.

2. Маълумки, ҳар қандай мутахассиснинг иш фаолияти меъёрий норматив талаблар асосида юритилиши муҳим саналади. Академик лицей психологлари иш ҳужжатларини мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қайта шакллантириш зарур. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон қарорига кўра қабул қилинган “Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом”га асосланиб, академик лицей психологининг иш ҳужжатлари номенклатураси ишлаб чиқилиши ва бунда таълим муассасасининг ўзига хос томонлари эътиборга олиниши зарур.

3. Ўқув йили давомида психолог олиб борадиган иш фаолиятининг самараси унинг йиллик иш режасини қандай тузилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозирги кунда академик лицей психологлари ўз иш фаолиятларида турли вариантлардаги йиллик иш режаларидан фойдаланмоқдалар. Бу эса

ўқувчилар билан ишлашда кўплаб хатоларни келтириб чиқармоқда. Академик лицей психологлари учун Республика ташхис Маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ташкил этилган психологлар ишини мувофиқлаштириш Маркази билан ҳамкорликда ягона намунавий йиллик иш режасини ишлаб чиқиш лозим. Намунавий иш режани тузишда малакали ва академик лицейларда ишлаб тажриба орттирган психологлардан иборат бўлган ишчи гуруҳ иш олиб бориши мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқилган йиллик иш режа лойиҳаси тасдиқланишидан олдин ҳозирги кунда академик лицейларда фаолият юритаётган психологлар ва малакали мутахассислар муҳокамасидан ўтиши лозим.

При использовании эмоциональной формы воздействия обычно обращаются к следующим психолого-педагогическим приемам: ссылка на авторитет ("так считает папа"), обращение к образцу ("так поступают хорошие дети"). Используется, когда логические аргументы либо слабы, либо отсутствуют. Базируется на эффекте внушения. Иногда используют для воздействия на социальные установки в воспитательных целях прием возбуждения страха у детей, но этот прием не очень эффективен.

Даже если убеждение основывается на хорошо продуманной и подобранной совокупности фактов, способ их предоставления ребенку может существенно повлиять на результат убеждения, один и тот же факт может быть представлен и воспринят ребенком по-разному.

Эффективность педагогического воздействия определяется тем, как относится воспитываемый ребенок к воспитателю. Психологами было установлено, что умеренная точка зрения по обсуждаемому вопросу воспринимается как крайняя на фоне резко противоположной ей позиции, и наоборот (эффект контраста). Людям свойственно преувеличивать или преуменьшать свои расхождения во мнениях в зависимости от отношений, существующих между ними и теми людьми, которые придерживаются соответствующего мнения (эффект ассимиляции). Если симпатизируем человеку, то расхождения преуменьшаем, если не симпатизируем - соответственно преувеличиваем.

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:**

1. Сатир В. Как строить себя и свою семью. М.: Педагогика-Пресс, 1992.
2. Андреева Г.М. Социальная психология: учебник для высших учебных заведений. – М.: Аспект Пресс, 1998.
3. Реан А.А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. Учебное пособие. 1999.
4. В.Г.Крыско., Социальная психология.- Питер, 2005.
5. Джайнот Дж. Хаим. Родители и дети, М., 2006.
6. Шоумаров Г.Б. Оила психологияси.– М.: Шарқ, 2009.

# “ГУЛХАН” ЖУРНАЛИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА НУҚТАЙИ НАЗАРИ

*Домирова З.Д.*
*Қорақалпоқ давлат университети талабаси*

**Аннотация:** мазкур мақола орқали Ўзбекистон болалар нашри “Гулхан” журналининг тарихи, мазмун-мундарижаси таҳлили билан танишасиз.

**Калит сўзлар:** “Гулхан”, болалар нашри, долзарб мавзу, мақола, болалар адабиёти, журнал.

Бола қалби гулданда нозик, унинг ўсиб келаётган жисмида ватанпарварлик, юртга садоқат, тўғрисўзлик каби гўзал туйғуларни шакллантиришда, комил инсон қилиб тарбиялашда ота-оналар, устозлар мисли йўлчи юлдуздир. Агар фарзанд балоғат ёшида – ўсмир бўлса, маъсулият икки ҳисса ортади. Албатта, уларнинг ана шу қалбига зиё сувларини қуйишда, маънавият улашишда китоблар, газета-журналлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда фарзанд тарбияси сиёсат даражасига кўтарилган. Буни Президентимизнинг қуйидаги иқтибослари билан ҳам исботлаш мумкин: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимий акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Дарҳақиқат, ниҳолга меҳр берилгани каби фарзандга берилган тарбиянинг таъсири сезилади, агарда уни маънавий-маърифий озуқалар билан тўйинтириб борилса. Бу йўлда эса мамлакатимизда маърифат улашаётган нашрлар талайгина. Турли ёшдаги болалар, ёш ўсмирлар ва ёшлар қатлами учун мўлжалланган газета-журналлар мазмун ва нуқтайи назарига қараб чоп этиб келинмоқда.

“Гулхан” журнали мана, неча йилдирги болалар ва ёш ўсмирларнинг ақл-идрокини ошириш йўлида чоп этиб келинмоқда. Журнал тарихига назар ташларканмиз, унинг қарийб бир асрдан буён ўқувчилар қўлидан тушмаётганини кўрамиз. Нашр адабий-бадиий безакли журнал. 1929 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Муассислари Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. Ойига бир маротаба чиқади. Жами 32 саҳифадан иборат. Дастлаб, 1929-41 йилларда “Ёш куч” номи билан чиққан, 1941-45 йиллардаги Жаҳон уруши сабабли журнални чоп этиш вақтинча тўхтатилган. Сўнгра 1952 йилга

келиб журнал “Пионер” номи билан чиқа бошлаган. 1957 йилдан эса ҳозирги “Гулхан” номи билан чоп этила бошланди.

Журнал саҳифаларида мамлакатимиз болаларининг ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, шунингдек, бадиий адабиёт, санъат, халқ оғизаки ижоди, турли спорт ўйинлари мунтазам ёритилиб борилади. “Гулхан” кутубхонаси сериясида эса болалар ижодидан китобчалар ҳам чоп этилади. Журналга турли йилларда Ғани Жаҳонгиров, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин Козокбоев, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Сафар Барно, Омон Матжон, Ашурали Жўраев ва бошқалар муҳаррирлик қилишган. Адади 100 000 гача боради. бугунги кунда журналга Заҳро Ҳасанова муҳаррирлик қилади.

Журнал ўзининг ранг-баранг саҳифаларига эга. Унинг илк саҳифаси “Муҳаррир минбари” рукнидан иборат. Бош муҳаррир ўз фикр-мулоҳазаларини мазкур саҳифа орқали билдириб боради. айнан қандай мавзулар ҳақида сўз юритилади, деган табиий савол туғилади. “Муҳаррир минбари” рукни мавсумлардан келиб чиқиб, масалан Мустақиллик арафасида мамлакатимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, баҳор келаётганида, умуман, ҳар мавсумнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб мавзулар танланади ва муҳаррир мулоҳаза юритади.

Масалан, журналнинг 2015 йил 4- (Апрель) сонида муҳаррир “Беғубор оламда” номли мақоласини тақдим этган. Унда марказда, жойларда учрашувлар, китоблар кўргазмалари ҳақида ва уларнинг болалар онггига ижобий таъсири ҳақида сўз юритади. Жумладан, *“Китоб бу – илми одоб, китоб бу – мўъжиза. Унга ошно бўлаётган болалар сони тобора ортиб борар экан, юртимизда китоб билан боғлиқ байрам, фестиваль, учрашув ва кўргазмалар сони ҳам ортиб бораверади”*, дея таъкидлайди муаллиф. Дарҳақиқат, нашр шу тариқа ўқучи онгида катта қизиқиш уйғотади. Ўсиб келаётган болада ҳар қандай урғу гаплар уларни қизизқишини оширади.

Журналнинг “Китоб менинг ҳаётимда” саҳифаси ҳам китоб тарғиботига қаратилган. Эътиборли жиҳати, унда юртимизнинг машҳур вакиллари ўз ҳаёти ва ижоди билан, китобга ошнолиги ҳақида ҳикоя қилиб беради. Журналнинг 2015 йил 4 сонида “Саодат” журнали муҳаррири, шоира Мунаввара Усмонова билан суҳбат берилган. Шоира интервьюда ўзининг болалиги, болалигида ўқиган китоблари ва китобнинг ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилган.

Журналда долзарб мавзуларга ҳам саҳифалар мавжуд. Жумладан, “Мулоҳаза учун мавзу”, “Долзарб мавзу” каби саҳифаларда таҳририят журналистлари, қолаверса ўқувчиларнинг бевосита ва билвосита гувоҳи бўлган муаммоли мавзулари ёритилиб борилади. Масалан, журналнинг 2015 йил 3 сонида журналист Муҳлиса Аҳмедованинг “Ота-оналар нега мажлисга боришмайди?..” номли мақоласи берилган. Мақолада, журналист мавзуда айтилганидек нима учун ота-оналарнинг мактаблардаги мажлисларга бормасликларини юртдошларимиз фикри билан берган. Яъни жамоатчилик фикрини ўрганган. Ва мақола якунида *“... ота-оналар мажлиси ким учундир муаммога айланган бўлса, кимгадир фарзанд тарбиясидаги яқин кўмакдир. Кичик суриштирувимиз шуни кўрсатдики, кўпгина ота-оналар синф*

*мажлисига – фарзанди тарбиясига бефарқ. Ачинарлиси бунинг ортида ЎҚУВЧИ деб аталмиш ниҳолнинг келажаги турганлигини ҳис қилишмайди...”*, дея якунлайди.

Журналнинг 2015 йил 6 сонида журналист Ирода Умарованинг 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан эълон қилинган “Ҳуқуқингизни биласизми?” мақоласида ўзининг гувоҳи бўлган воқеасидан таъсирланиб болаларни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар борлиги ҳақида сўз юритилади. Мазкур мақола орқали ўқувчи Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг мавжудлиги ҳақида тушунчага эга бўлади.

Журнал иқтидорли болаларнинг юзага чиқишига ҳам туртки бўлмоқда. Яъни, унинг кўпгина саҳифалари ўқувчилар ижоди билан бойитилган. “Нишона”, “Илк қадам”, “Дил элчиси” каби саҳифаларида болаларнинг шеър, ҳикоя, эртак ва мақолалари бериб борилади. Масалан, “Нишона” саҳифаси қаламкашларнинг илк шеърий машқларини ёритиб борадиган саҳифа. Эътиборлиси бу саҳифа журналнинг қоқ марказидан жой олган. Иккита саҳифада мазкур рукн берилади. “Илк қадам” саҳифасида ҳам шеър, эртак ва ҳикоя ёзиб жўнаткан қаламкаш болалар ижоди бериб борилади. “Дил элчиси” саҳифаси эса болаларнинг ўз ҳаётидан ёзиб жўнатган кичик мақолаларини бериб боради. яъни болалар жўнатган мактублардан иборат. Умуман, журналда кўпгина саҳифалар болалар ижоди билан бойитилади.

Бундан ташқари журналнинг якуний муқовасида “Галерея” саҳифаси жой олган. Унда болаларнинг ўзлари чизган расмлари берилади.

“Гулхан” журнали юртимизнинг шоиру ёзувчилари ижоди билан ҳам баҳраманд қилиб келмоқда. Унда болалар ёзувчилари, шоирлари ижоди мунтазам бериб борилади. “Шоирлар болаларга”, “Шеърдаста”, “Қутлов” каби саҳифалар борки унда биз таниган адабиётимиз вакилларининг ижоди кенг ёритилади.

Масалан, журналнинг 2015 йил 9-сонида “Шоирлар болаларга” саҳифасида шоирлар Абдураҳмон Акбар ва Содиқжон Иноятовларнинг болалар учун аталган шеърлари берилган. Албатта, болалар учун ёзилган шеърлар ўқилиши осон ва содда, болалар тилидан ёзилиши керак. Ва болалар адабиётида ижод қилиш учун ҳам ижодкор қалби бола бўлиши зарур. Болалар ўй-хаёлларини кўнгилдан ўтказган ижодкоргина бу йўналишда ижод қилади. Масалан, Абдураҳмон Акбарнинг “Тошкентим”, “Дуо”, “Метрода” шеърлари, Содиқжон ИНоятовнинг “Тадбиркор”, “Сўзлашни биладиган қарға”, “Дунё харитаси”, “Африкалик бола”, Ҳамза Иминберди ҳикмати” шеърлари айнан болалар тилидан равон ёзилган.

“Қутлов” саҳифасида юбилей ёшларини нишонлаётган шоир-ёзувчилар ижоди табрик сўзи билан берилади. Масалан, журналнинг 2015 йил 4-сонида “Тонг юлдузи” газетаси муҳаррири Феруза Одилованинг 50 ёшни қарши олиши муносабати билан “Имтиҳон” ҳикояси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Муллабоевнинг 75 ёшни қарши олиши муносабати билан “Ёнар қушлар” эртагини берган. Албатта, Мазкур саҳифани журналнинг барча сонларида кўриш мумкун. Бу эса ўз ўрнида

болалар учун севимли ижодкорлари ҳақида кичкина биография бўлади. “Шеърдаста” саҳифаси ҳам шулар жумласидан.

Журналнинг “Машҳурлар болалиги” саҳифасида адабиётимиз вакиллари ва таниқли шахслар билан суҳбат, уларнинг тилидан бериб борилади. 2015 йилнинг 9-сонида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шукрулло Юсупов билан суҳбат берилган. Мақола бир неча кичик мавзулар билан алоҳида қилиб берилган. Шоир болалиги ва ёшлик даври, шўхликлари ҳақида равон ҳикоя қилади.

“Гулхан” журналида ҳикматли сўзлар, пазандалик саҳифаси, комикс ва ҳазил-мутойиба саҳифалари ҳам мавжуд. Журнал иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар ташкил этади. Журнал “English time” саҳифаси орқали инглиз тилидан дарслар бериб боради.

Умуман олганда, журнал ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини тўлиқ адо этмоқда дея оламиз. Болалар ва ёш ўсмирларнинг ҳаётидаги энг муҳим ва долзарб ва ўз янгилигини йўқотмаган материаллар берилади. Журнал жамоаси эса ҳар бир соннинг ранг-баранг чиқиши учун ўз жонбозлигини кўрсатиб келмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. “Гулхан” журналининг 2015 йилги сонлари

## INTERNET MUHITINING YOSHLAR HULQ-ATVORIGA IJTIMOIY-PSIXOLOGIK TA’SIRI XUSUSIYATLARI

*Dumarov M.X.*
*Andijon davlat universiteti tayanch doktoranti*

So'nggi o'n yilliklarda o'sib kelayotgan avlodlarning ijtimoiylashuv jarayoni uchun atrof-muhit sharoitlari sezilarli darajada o'zgardi.Zamonaviy yoshlarni ijtimoiylashuv jarayoni boshqa avlodlarda nisbatan boshqa sharoitlarda kechmoqda. Yoshlar va o'smirlarning ijtimoiy faolligi nafaqat real, balki virtual makonda ham sodir bo'lmoqda. Yangi avlod vakillari o'zlarini faol namoyon etadigan Internet muhiti ularning hayot tarzlar va hulq-atvorlarigalariga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Ushbu ta'sir ijobiy yoki salbiy, pozitiv yoki negativ, shaxsni ongliligi va shaxsliligini ozgartiruvchisi bo'lishi mumkin. Internet muhitiga faol ishtirok etish, uni ijtimoiy ma'no va mazmun bilan to'ldirish shaxsning rivojlanishi va o'zini o'zi anglashi uchun keng imkoniyatlarni taqdim etadi.

Bu makon tadqiqotchilar tomonidan faol hayot maydoni sifatida o’rganilmoqda. Bunda birinchi navbatda yoshlar real hayot bilan taqqoslashi, hayotiy vaziyatlarni muhokama qilashi, ta’lim olishi, ishlashi va boshqa jabhalari. Har qaysi ijtimoiy muhit kabi global tarmoq o’z foydalanuvchilari uchun faoliyatini qo’llab-quvvatlash va kognitiv, ijtimoiy, manaviy ehtiyojlarini qondirish uchun ulkan axborot maydoniga ega. Biroq, Internet muhiti uning foydalanuvchilariga ham salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkinligi ma'lum, chunki u

orqali tarqatilgan tashviqot psixologik salomatlikka va shaxslarning ijtimoiy farovonligiga tahdid solishi mumkin, bu esa yoshlar uchun salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Turli insonlarga internet muhitining ta'siri farq qilishi sababli, virtual makonda foydalanuvchilarning xatti-harakatlari shakllari, internetning axborot va ijtimoiy funktsiyalari tahlil qilinadi.

I. S. Shapovalova hulq-atvorning individual xususiyatlari va Internet muhiti ta'siriga qabul qilish darajasi bilan bog'liq holda yoshlarni bir nechta guruhlarga birlashtiradi:

● "tashviqotchilar" - ular yuqori darajadagi etakchilik fazilatlariga ega, ular nafaqat g'oyani (yoki chaqiruvni) ishlab chiqadilar balki boshqa odamlarni uni amalga oshirishga jalb qiladilar;

● "faollar" - ular faollikni namoyish etadilar, ko'pincha goyaning maqsadini aniq tushunishmasda, lekin ular buni o'zlarining huquq va burchlari deb bilgan holda Internet muhitidan kelgan har qanday chaqiriqlarni bajarishga tayyorlar;

● "ehtiyotkor" - Internetda boshlangan qo'shma tashabbusga tayyor, lekin shu bilan birga ushbu chaqiriqlar xavfini va o'zaro ta'sir shakllarini bilishga qiziquvchilar;

● "ratsionalizatorlar" - Internetdan keladigan axborotni tahlil qilishadi, natijada ular Internetda boshlangan o'z faoliyati to'g'risida to'g'ri muvozanatli qaror qabul qilishadi;

● "passiv" - shubhali takliflarga javob bermaydigan va Internetdan kelgan chaqiriqlarga rioya qilmaydiganlar

Foydalanuvchilarning Internetdagi axborot va ijtimoiy ta'sirlarga befarqligini belgilaydigan ijtimoiy-psixologik omillar, bir tomondan, virtual makonda xatti-harakatlarda, ikkinchi tomondan, Internet muhiti bilan bog'liq holda aks etadi. O'smirlar va yoshlarning xulq-atvori ko'p jihatdan o'zlari tomonidan emas, balki umuman butun jamiyat bilan o'zaro munosabatlarga, shuningdek tegishli xulq-atvorga bog'liq. Internetga bo'lgan munosabat nafaqat o'zlarining shaxsiy pozitsiyalari va yoshlarning shaxsiy tanlovi natijasidir. Bunday holda, shaxsning ijtimoiy mavqei Internetning har bir xususiyatiga ko'ra farq qilmaydi, balki uning barcha asosiy tarkibiy qismlariga mos keladi. Internetning mohiyatini, uning ijtimoiy funktsiyalarini, ichki va tashqi aloqalarning voqelik bilan bog'liqligini tushunish qiymat shakliga olib keladi

Zamonaviy inson uchun Internet bu hayotning ajralmas sohasidir: bu aloqa sohasi, ta’lim olish va yangi ma'lumot olish uchun imkoniyatlar, kasbiy rivojlanish va o'sish uchun platforma va boshqalar. Bundan tashqari, mutaxassislarning fikriga ko'ra, bugungi kunda global tarmoq yoshlarni ijtimoiylashtirishning shartlari va vositalaridan biriga aylanmoqda.

Biroq, Internet muhiti juda qiyin hali shakllanish bosqichidagi shaxs uchun eng xavfli bo'lgan xavf va xatarlar mavjud. Ob'ektiv sabablarga ko'ra Internetdagi axborot tarkibini to'liq boshqarish imkonsizdir, shuning uchun yosh foydalanuvchilarning Internetdagi xatti-harakatlari oiladan tashqari, ta'lim sohasi va butun jamiyat hal qilishi zarur bo'lgan dolzarb vazifaga aylanmoqda.

# BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI

*Do'sanova G.*
*Surxondaryo viloyati Angor tumani*
*1-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Bola uchun katta yoshli odam - quvonch manbai bo`lib, u bolada ximoyalanganlik tuyg`usini paydo qiladi, bolani bilish faoliyatiga yo`naltiradi. Kattalar bola bilan ko`p gaplashishi, buyumlar va hodisalarning nomini aytib berishi, ular bilan nimalar qilish mumkinligini hikoya qilib berishi, o`z nutqini ifodali so`zlashi, xirgoyi qilishi, so`zlarni qofiyaga keltirib so`zlashi lozim. Kattalar bola uchun yoqimsiz bo`lgan ko`pchilik holatlar va voqealarni bartaraf etadi. Shu tufayli bola kattalarning ishonchli g`amxo`rligi bilan qurshab olinganini xis etadi.

Bolaga o`z ijobiy va salbiy xis-xayajonlarini oshkora bildirish muhimdir. Ayni paytda bolaga uni kattalar sevishi va u to`g`risida tashvish chekishlarini bildirib qo`yish lozim. Turli vaziyatlarda bolaning xissiyotlariga "ovoz berish" va kattalar bu mushq`ulotni u bilan birga baham ko`rishga tayyorligi xaqida aytish muhimdir. Bolaning kattalar bilan muomala vositalari yetarli darajada har xil bo`lishi mumkin. Bu eng avvalo o`yin orqali muloqotdir. U bolani jonlantiradi, quvnoq kayfiyat baxsh etadi. Bu kayfiyat kattalar tomonidan bola uyg`ok bo`lgan har qanday paytda xosil qilinishi mumkin. Bolaga qarash paytidagi muloqotni shunday uyushtirish kerakki, toki bola uning faollik ko`rsatishini sabr-toqat bilan kutib turgan kattalar u bilan nimalar qilayotganini anglay olsin. Kattalar amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan har bir harakat haqida bolaga aytib borishlari lozim. Birinchi yilning oxiriga kelib bola ko`p tusdagi buyumlar va o`yinchoqdar ichidan o`ziga tanish bo`lgan muxitda yo`lini o`zi topa oladi. Atrofidagi barcha kattalarni yaxshi taniydi. Gapirilayotgan so`zlarni buyumlar bilan, predmetli harakatlarning turli usullari bilan hamda xissiyotga boy ifodali munosabat va dastlabki so`zlar yordamida muloqotning ijtimoiy usullari bilan bog`lay oladi. Bularning barchasi bolaning to`laqonli jismoniy va ruhiy rivojlanayotganidan dalolat beradi.

Bola bilan nutqiy muloqotni yo`lga qo`yish va uning lug`atini boyitish, o`z harakatlarini so`zlar bilan birgalikda amalga oshirish, kichkintoyni tarbiyachi (kattalar) topshiriqqa ko`ra ayrim oddiy topshiriqlarni bajarishga undash, buyumlar, kiyim-boshlar, idish-tovoqlar, sabzavotlar va mevalarning nomlari va ular bilan amalga oshiriladigan harakatlar haqidagi savollarga javob berish uchun barcha rejim vaziyatlari va maishiy vaziyatlardan foydalanish lozim.Bolaning mustaqil predmetli va o`yin harakatlaridan bularni so`z bilan qanday ifodalashni, murakkab bo`lmagan syujetni qanday qilib rivojlantirishni aytib bergan holda nutqni rivojlantirishda foydalanishlari lozim boladi. Bolalarning e`tiborini jalb qiluvchi hamda yorqin xis-xayajonli va nutqiy munosabatlarni, beixtiyor nutqiy vaziyatni yuzaga keltiruvchi tirik ob`ektlar va harakatlanayotgan transportlarni kuzatish muhim ahamiyatga ega. Kattalar kichkintoy hozircha faqat bir so`zli fikr bilan ifodalay oladigan hodisani keng izohlagani holda bola bilan dialogni davom ettiradi. Kattalar nutqi bola nutqini rivojlantirishda ahamiyati katta. Shuning uchun

kattalar nutqi savodli, mazmunli bo`lishi lozim. Tovushlarni aniq, ifoda etgan holda bolaga so`zlarni aniq,shoshmasdan so`zlash lozim. O`yin va mashg`ulotlarni tashkil qilish uchun o`yinchoqlar, real buyumlar, stol teatri qo`g`irchoqlari, flanelegraf, yasaladigan o`yinchoqlar, suratlar, bezash uchun kiyimlar, dekoratsiya elementlari va hokazolar talab etiladi. Bu rekvizit bolalarga mavzuga mos holda kutilmagan sovg`a tariqasida taqdim etiladi va shu tariqa beixtiyor ularning diqqat-e`tibori jalb qilinadi.

Bolalarga keltirilgan buyumlarni mustaqil ko`zdan kechirib chiqish imkonini berish, ular bilan o`ynashga harakat qilish zarur. O`yinchoqlar bilan kichik sahnalarni uyushtirish jarayonida tarbiyachi (yoki ota-onalardan biri) bolalarning e`tiborini sahnalashtirishga, so`zlarni aytishga, ovozlarga taqlid qilishga, qahramonlar (personajlar) harakatini tasvirlashga jalb qiladi. Didaktik o`yinlarda bolalar izoxlovchi nutqni ham o`rganadilar. Buning uchun kattalar dastlab bir bolaga yangi o`yinni o`rgatadi, keyin esa boshqa bolalarga shu o`yinni o`ynashni taklif qiladi. O`rgatilgan bola o`ziga notanish bo`lgan bolalar bilan o`yinni yo`lga qo`yish uchun o`yin mazmuni va qoidalarini tushuntirib berishga majbur. Tarbiyachi esa unga yo`naltiruvchi savollarni berish orqali yordam beradi.

## O'ZBEK TILIDA UNDOV SO'ZLAR BORASIDAGI NAZARIY QARASHLAR VA UNDOV SO'ZLARNING GURUHLANISH MASALASI

*Jaqsimuratova B.D.*
*Nukus tumani 29-o'rta maktab*

**Annotatsiya:** Maqolada turli o'zbek tilshunoslarining o'zbek tilida undov so'zlar va undov so'zlarning ma'no jihatiga ko'ra guruhlarga bo'linishi borasida bildirgan asosli fikrlari tahlil qilinib, farqlari yoritiladi. Muallif undov so'zlarning boshqa jihatlarga ko'ra guruhlanishini ham o'rganib chiqadi.

**Tayanch so'zlar:** Leksema, xursandchilik undovlari, g'am-qayg'u undovlari, xo'rsinish undovlari, savol-javob undovlari, sof va vazifadosh undovlar.

Insonning hissiyotlarini o'zida aks ettiruvchi undov so'zlar bir qadar murakkab so'zlar sanalib, doimo tilshunoslarning e'tiborida bo'lib kelgan. Undov so'zlarning ma'no anglatishi, ularning turkumga xoslik masalasi va bir necha jihatlariga ko'ra turlarga bo'linishi ko'pgina olimlar tomonidan turlicha tavsiflangan. O'zbek tilshunosligida ham undov so'zlar borasidagi qarashlar turlicha bo'lib, quyida ularni ko'rib chiqamiz.

Undov so'zlar insonning vaziyat yoki holatga munosabatini o'zida aks ettirib, turli xil his-tuyg'ularni ifodalaydi. Qadimgi Rimda ilk bor undov so'zlarni so'z turkumlari qatoriga qo'shishgan bo'lsa-da, olimlar XVIII asrdan boshlab undov so'zlarga e'tiborni kuchaytirishdi. M. Lomonosov undov so'zlarni o'rgangan ilk tilshunoslardan bo'lib, u insonning his-tuyg'ularini aks ettiruvchi so'zlar, ya'ni undovlarni til birligi sifatida e'tirof etib, aynan undovlar boshqa bir turkum

so'zlarda yo'q bo'lgan sifatga, ya'ni "ma'lumotni maksimal darajada qisqa yetkazish" sifatiga ega deb ta'riflagan.

O'zbek tilida undov so'zlar XIX asr boshlaridan o'rganila boshlangan va bir qancha olimlar tomonidan undov so'zlar leksikasi, sitilistikasi, semantikasi va morfologik xususiyatlariga doir ilmiy izlanishlar olib borilgan. O'zbek tilida his-hayajon, buyruq-xitob, haydash-chaqirish ma'nolarini ifodalaydigan so'z turkumi va shu turkumga oid so'zlar undov so'zlar deyiladi. Undov so'zlar qo'shimchalar olib turlanmaydi, yasalmaydi, biroq ular vazifadosh undov sifatida boshqa so'z turkumlaridan undov so'zga o'tishi mumkin.

Undov so'zlar bir qancha xususiyatiga ko'ra o'z ichida turlarga ajraladi. Quyida o'zbek tilida undov so'zlarning turlarini ko'rib chiqamiz.

Undovlar ma'no jihatiga ko'ra 2 turga bo'linadi.

1. Emotsional. Bu tur undov so'zlar kishilarning his-tuyg'usi, ruhiy holatini, biror holarga psixologik jihatdan qanday yondoshayotganini ifodalaydi. Emotsional undovlarning o'zi ham 2 xil.

1) Ijobiy emotsional.

a) shafqat, mehribonlik-iye, oh, o;

b) sevinch, zavqlanish, havas-voy, ho, o'h-ho';

d) qoyil qolish, rohatlanish-hay-hay, voy, o;

e) mamnuniyat, faxrlanish, xayrixohlik-e-ha, ha, ehe, o'h-ho', ha-ya, o';

f) undash, ogohlantirish, tasdiq - hay-hay, ha.

2) Salbiy emotsional.

a) e'tiroz, norozilik, shikoyat, zorlanish-ha, ho, voyey, voy, oh, uh, obbo;

b) jirkanish, nafrat, g'azab, jahl-e, eh, voy, he, ha;

d) achinish, afsuslanish-he, eh, oh;

e) kinoya, kesatiq, piching, koyish-obbo, o'ha, o'h-ho', ho-o, hay-hay, hoy-hoy;

f) tanbeh, ogohlantirishm kutilmaganlik-e, hay-hay, iya;

g) g'am-g'ussa, qayg'u, o'kinch-eha, oh, eh, voy-yey;

h) cho'chish, vahima, dahshat-voyey, oh, o, voydod;

i) ajablanish, hayratlanish, ranjish-i, e-e, bay-bay-bay, he.

2. Buyruq-hitob. Bu tur undovlar kishilarga nisbatan ularning diqqatini tortish, ogohlantirish yoki jonivorlarni biror ishni bajarish yoki bajarmaslikka undash kabi ma'nolarni ifodalash uchun xizmat qiladi. Bu tur undovlar ham o'z ichida turlarga ajraladi.

1) Odamlarga qaratilgan undovlar

a) kishilar diqqatini so'zlovchiga qaratuvchi-hoy, hey, ey, allo;

b) ta'kid, buyurish ma'nolarini ifodalovchi-tss, jim, qani, tek.

2) Hayvon va jonivorlarga qaratilgan undovlar. Bu kabi undovlar hayvonlarni to'xtatish, chaqirish, haydash, tinchitish, undash maqsadida qo'llaniladi -tu-tu, kuch-kuch, mah-mah; dirr, xo'sh, taq, ish; pisht, kisht, xix, kish-kish.

Bundan tashqari undov so'zlarni yasalganlik darajasiga ko'ra ham 2 turga ajratish mumkin. Biz yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, undov so'zlar yasalmaydi, biroq boshqa turkumdan gap mazmuniga ko'ra undov so'zga o'tish holatlari uchrab turadi. Quyida undov so'zlarni tuzilishiga ko'ra turlarini ko'ramiz.

1. Sof undovlar. Faqatgina undov so'z bo'lishga xoslangan, undovdan boshqa ma'no anglatmaydigan so'zlarni shu atama bilan atashni taklif qilamiz-ha, hoy, eh, oh, do'st, obbo, tu-tu-tu, kisht.

2. Vazifadosh undovlar. Bu turga aslida boshqa so'z turkumiga tegishli bo'lib, gap

mazmunidan undov so'z ekanligi anglashilib turgan va gapdan vergul bilan ajratiladigan so'zlar kiritiladi.

Ot so'z turkumi bilan vazifadosh undovlar (Xudoyim, qizig'ar, bachchag'ar, shoh, farzin (shaxmat o'yini vaqtida qo'llaniladigan undovlar)

1. Xudoyim, O'zing panoh ber

2. Xudoyim, nima qilsam ekan sen bolani!

Birinchi gapda Xudoyim so'zi undalma bo'lib, to'g'ridan-to'g'ri qaratilgan so'zni ifodalaydi, ikkinchi gapda esa Xudoga qaratilgan gap emas, balki, ranjish, hasrat ma'nolarini ifodalovchi undov so'z ma'nosida kelgan;

Sifat so'z turkumi bilan vazifadosh undovlar (ahmoq, jinni)

1. Biroz ehtiyot bo'l, ahmoq insonlarga o'xshab qolma.

2. Ahmoq, qayerdanam keldim shu yerga!

Birinchi gapda ahmoq sifat so'z turkumiga oid bo'lib, ikkinchi gapda esa nafrat, g'azab ma'nolarini ifodalovchi undov so'z sifatida kelgan. Ikkinchi gapdagi ahmoq so'zini undalma bilan chalkashtirib yuborishdan ektiyot bo'lish kerak. Undalma to'g'ridan-to'g'ri kimgadir qaratiladi, bu gapda esa gap ehmoqqa qaratilmagan, faqatgina so'zlovchining hissiyoti va munosabatini ochib berishga xizmat qilgan;

Fe'l so'z turkumi bilan vazifadosh (ol, o'l, bor, hormang, bor bo'ling)

1. Keling, xola, mana bu olmalardan oling.

2.-Bugun tongda qishlog'imizga Ahmad boyning o'zlari tashrif buyurar ekanlar.

-Ol-a, seni qara-yu, kim nima desa ishonib ketaverasanmi?

Yuqoridagi gaplarda fe'l so'z turkumiga mansub ol so'zi tuslangan va birinchi gapda oling sifatida asl ma'nosini, ikkinchi gapda esa hayrat, ishonmaslik ma'nosidagi (biror nimani olmoq ma'nosida emas) undov so'zni ifodalagan.

Yuqoridagi sof va vazifadosh undovlarni birlamchi (sof) undovlar va ikkilamchi (vazifadosh) undovlar deb atash ham mumkin.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, insonlarning biror vaziyat yoki holatga munosabatlarini aks ettirgan, ularning his-tuyg'ularini ochib bera oladigan so'zlar, bundan tashqari, odat tusiga aylanib, salomlashish, so'rashish va xayrlashish kabi ma'nolarni bildirgan so'zlar undov so'zlar deb ataladi. Undov so'zlar o'z ichida ham ma'no jihatiga ko'ra, tuzilishiga ko'ra bir necha turlarga bo'linadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. JAMOA. (A.Nurmonov, A.Sobirov va Sh.Yusupova) Hozirgi o'zbek adabiy tili. 1, 2, 3-kitoblar. (Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining I, II, III bosqich talabalari uchun darslik.) (2-nashr).-T.:"ILM ZIYO", 2015.

2. O'zbek tili grammatikasi, 2 jildli, 1-jild.-Toshkent: Fan, 1975.
3. Lomonosov M.V. Rus tili grammatikasi [Elektron manba]/ M.V. Lomonosov.-imwerden.de, 27 b.
4. Usmonov S., Undovlar; T., 1953.
5. Sodiqov A., Abduazizov A., Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: O'qituvchi, 1981.

## THE DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING IN SENIOR PRESCHOOL CHILDREN THROUGH DIDACTIC GAMES

*Jalilov H.N.*
*BuxDU magistranti*

**Annotation:** The article raises the question of the development of logical thinking in children of senior preschool age, describes the importance of didactic games for the development of logical methods of mental actions in preschoolers.

**Key words:** child, game, logical thinking, subject, senior preschool age, feature, development, child thinking, group of subjects, didactic task.

One of the most pressing problems in preschool pedagogy is the problem of preparing children for school. Every year, on the first of September, schools open their doors to the youngest students-seven-year-olds. The question arises, is the child ready for a new stage of his life? Will he be able to successfully master the knowledge? This largely depends on his mental development — the development of memory, logical thinking, speech, that is, those qualities that are necessary for the assimilation of new knowledge. Research shows that a significant part of the difficulties faced by children during primary education is due to the fact that senior preschoolers are not sufficiently developed mental operations, such as generalization, comparison, abstraction, classification, establishing cause-and-effect relationships, understanding, and the ability to reason, which are the basis of logical thinking. It should be taken into account that the development of logical thinking in children should be carried out in a timely and consistent manner, this is a complex and lengthy process. This problem causes the need to find ways and means of developing logical methods of mental actions, taking into account the needs and interests of preschoolers.

Problems of psychology of thinking were studied by famous scientists: P. Ya. Galperin, J. Piaget, N. N. Poddyakov, L. S. Vygotsky, A. N. Leontiev, N. F. Talyzina, D. B. Elkonin, V. V. Davydov, S. A. Rubinstein, L. A. Wenger and others. Child psychologist L. S. Vygotsky was the first to formulate the idea that the intellectual development of a child consists not so much in the quantitative stock of knowledge, but in the level of intellectual processes and the qualitative features of children's thinking. He claimed: "Scientific concepts are not learned by the child, are not taken by memory, but arise and are formed by the tension of all the activity of his own thought". Children's thinking is dominated by the logic of

perception, the logic of a "concrete, usually acting" situation, and not the logic of thought. In their judgments, the child is in a closer relationship to real objects than an adult, while he is guided by practical everyday expediency. J. Piaget, in "The Concept of children's intelligence and its stages of formation", noted that the illogic of children's reasoning when comparing, for example, the size and quality of objects — indicate that even by the end of preschool age, that is, by the age of about 6 years, many children still do not possess logic at all. Conclusion made by N. N. Poddyakovym about the development of children's thinking, is that children's intelligence functions on the basis of the principle of consistency, simultaneously included in the work of all types of thinking: visual-effective, visual-figurative and verbal-logical. In the General "ladder" of mental development, logical thinking is higher than figurative thinking in the sense that it is formed later, on the basis of figurative thinking, and makes it possible to solve a wider range of problems, assimilate scientific knowledge.

For the development of logical thinking in senior preschool children, the following tasks were defined:

- to teach children to recognize the signs of objects and phenomena, identify and describe them;
- to form the ability to compare objects, find similarities and distinctive features;
- to teach children the techniques of grouping objects and their classification;
- to form the ability to establish a time sequence, make judgments and conclusions
- to develop children's various aspects of mental activity: attention, memory, thinking and speech.

Didactic games were chosen as a means of achieving these tasks. The literature on preschool pedagogy and psychology has accumulated significant material indicating that play is the main activity of a child of preschool age, one of the characteristic patterns of child development. Games of logical content help to educate children's cognitive interest, contribute to research and creative search, knowledge of the laws of the surrounding world and the essence of objects, mastering such mental operations as analysis, synthesis, classification, generalization, reasoning. We have made a selection of didactic games for the development of logical thinking in children of senior preschool age, and made a long-term plan.

The work on the development of logical thinking in children of senior preschool age included various types of didactic games:

– with toys and objects;
– desktop-printed;
– verbal.

Each didactic game for the development of logical thinking consists of several elements, namely: a didactic task, game rules, game actions. If we analyze didactic games from the point of view of what interests and engages children in them, it turns out that children are primarily interested in game action. It gives children a sense of satisfaction and stimulates children's activity. The didactic task,

veiled in a game form, is solved by the child more successfully, since his attention is directed primarily to the deployment of the game action and the implementation of the rules of the game. Without much tension, unnoticed by himself, he performs a didactic task.

In preparations for the games develop logical thinking were:

– selection game in accordance with the objectives of education and training;

– identification of the selected game software to the requirements of the education and training of children a certain age group;

– determine the most convenient time for game (in the process of formal education in the classroom or in leisure activities, and other sensitive processes time);

– determination of the number of players (whole group, small groups, two by two, individually);

– preparation of the necessary didactic material to the selected games (different objects, toys, pictures);

– preparation for the teacher: learning and comprehension of the entire course of the game, management game;

– preparing the game to the children: enriching their knowledge needed to solve the game problem.

Conducting a didactic game for the development of logical thinking in children included the following stages:

– familiarizing children with the content of the game with didactic material that will be used in the game;

– explaining the course and rules of the game;

– showing game actions, during which I taught children to correctly fulfill the conditions.

Summing up the results of the game is a crucial moment of game management, since the results that are achieved in the game can be judged on its effectiveness. The analysis of the game was aimed at identifying the techniques of its preparation and implementation, which techniques were more effective in achieving the goal. This helped to improve both the preparation and the process of playing the game, and to avoid mistakes later.

Didactic games for the development of logical thinking put children before the need to overcome all possible difficulties, search for and independently find answers to questions, and think creatively. Didactic games, taking into account the gradual complexity of game and educational tasks, were divided into four groups:

– games for comparing groups of objects and mastering the ability to find similarities and differences of objects

– games for highlighting the properties and characteristics of the object

– games for classifying groups of objects on a given basis (purpose, size, shape, color, and other characteristics);

– games for generalizing objects.

The first stage used a series of games "Compare items", "Find five differences", "what is different", "What is missing" to compare groups of items and find similarities and differences. In the game "Compare items", children looked at

pictures with images of two groups of items, the task of children was to tell how similar and different items. The game "Find five differences" depicted two identical items that were missing some details, after examining the picture, the child called the five differences. In the game "how do they differ?", children looked at two different items of the same purpose, in which they found distinctive features. In the game "what is superfluous?" children had to find an object in each row, a figure that differs from the others. In the game " What is missing?", the picture was considered the image of various items, each item was missing some detail, the child found and named the missing part, and explained whether this item could exist without the missing part.

At the second stage, we selected games aimed at forming concepts about the subject based on the generalization of essential properties and features. For better identification of essential features, it is important to teach children to consider events in a time sequence. In the series "History in pictures", "Match lock", "First, and then what?" "From morning to night", "Adventure mouse", "The morning doll", it is necessary to have the plot of the picture in a logical sequence, in these games formed the ability to visualize events in time, and therefore more deeply understand the events of the story. When introducing children to the properties of an object, we used word games: "Flying, jumping, running", "Edible — not edible", "Sinking — not sinking". Before the game, we agreed with the children what movements they would perform. To complicate these games, I used "classes", for example, if the child was attentive during the game, he moved to a new class, and at the end of them became the leader.

One of the types of games for children to meet the signs of objects have become puzzle games. Games with guessing objects attracted children with their mystery and suspense, which allowed children to learn, remember the signs of objects and phenomena, served as an example of describing the characteristic signs of something, and this is one of the main properties of analytical activity. The child, based on the essential signs, guessed what was going on. In the game "Come up with a riddle according to the plan", the child explained a number of questions for which he came up with a riddle about the subject.

At the third stage, it was necessary to master the classification, where each group of items had its own permanent place. In games on the classification of objects, "What does someone need", "The fourth extra", "Who lives where?" children learned to find a common feature of objects and combine them into homogeneous groups. In the game "The fourth extra", the child was asked to examine the objects shown in the picture and answer the following questions: What is extra? Why? Name the distinguishing feature. How, in a word, can the three remaining subjects be described? In the game "Who lives where?" we used pictures of animals. The children's task was to divide the pictures into two groups of objects and explain why they divided the pictures in this way. In such games, children learned to relate a specific object to a given group of adults and, conversely, to distinguish a single one from the General concept.

At the fourth stage the generalization of items used games: "Give me that, General, Determine the extra", "Which is not like the others", "Who is superfluous

and why?". In these games, children learned to identify and fix a common feature of two or more objects, group objects based on independently found common features and designate the formed group with a word, distribute objects by class. Children achieved success in solving didactic tasks through a game action-competition. Good stimulators in the game were the chips that the participant received during the game for the correct answer. At the end of the game, the chips were counted, and the winner was determined, who was awarded the title of "Best expert". All the described didactic games are simple and easy to use. And the most important thing is that they are held in an exciting form of play, both in organized educational activities and in independent activities of children. Using various didactic games in working with children, we have made sure that children better learn the program material and perform complex tasks with interest.

The result of our work on the development of logical thinking in children of senior preschool age through a didactic game was the following:

- children learned to describe the signs of objects;
- recognize objects by given signs;
- determine the same and different properties of objects;
- compare objects with each other;
- learned to classify objects by shape, color, size, function in practical life;
- determine the sequence of events;
- judge opposite phenomena;
- generalize groups of objects;
- mastered the actions of visual modeling;
- have learned to define certain concepts;
- acquired personal qualities: confidence, independence, consistency of interaction with each other.

The conducted work on the development of logical thinking in children of senior preschool age has shown that didactic games set children the task of rationally using existing knowledge in thought operations: to find characteristic features in objects and phenomena of the surrounding world; to compare, group, classify objects according to certain characteristics, make correct conclusions, generalizations. The activity of children's thinking, manifested in didactic games, is the main prerequisite for a conscious attitude to the acquisition of knowledge. Children are happy with their results and strive to perform tasks even better.

**LITERATURE:**

1. Venger L. A., Dyachenko O. M., Govorova R. I., Tsekhanskaya L. I. Games and exercises for the development of mental abilities in preschool children. - Moscow: 1989. - 127 p.

2. Vygotsky, L. S. Selected psychological research. Thinking and speech. - Moscow, 1956.

3. Mikhailova Z. A. Game entertaining tasks for preschoolers.

4. Piaget J. Speech and thinking of the child. - Pedagogika-Press, 1999

5. Tamberg Yu. G. How to teach a child to think: a textbook for teachers, educators, and parents. - Saint Petersburg, 2000.

6. Tikhomirov O. K. Psychology of thinking. - M.: Academy, 2002.
7. Sorokina A. I. Didactic games in kindergarten: (senior group). Moscow: 1982.

## ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

*Жамилова Р.*
*Навоий вилояти Қизилтепа тумани*
*9 – умумий ўрта таълим мактаби амалиётчи психологи*

Ахлоқий тарбияни изчил ва тартибли амалга оширишда оила муҳити ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Инсоннинг маънавий, ахлоқий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам машҳур алломалар оилада бола тарбиясига катта эътибор беришган ҳамда шу масалага бағишлаб қатор қимматли асарлар ёзишган.Доно халқимиз " Бола - бошидан, ниҳол - ёшидан " деган нақлни бежиз айтмаган. Шундай экан ёш авлодни таркиб топтириш тарбиялаш ишини ёшликдан оиладан бошлаш керак. Оиладаги тарбия жараёнида ҳар бир дақиқа ва фурсатни қўлдан бой бериш орқали ота – оналар кейинчалик кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Ахир нотўғри тарбия туфайли нафс балосига гирфтор бўлган ўн гулидан бир гули очилмай туриб, умри хазон бўлган ёшлар камми.

Маълумки, ёш авлодга мақсадга мувофиқ тарбия бериш учун ота – оналар ҳам тарбиянинг вазифаси, мақсади, воситалари, шарт – шароитлари юзасидан ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, фарзандларининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда иш юритишлари лозим. Ўзбек оиласида бола тарбиялашнинг ишонтириш, тушунтириш, насиҳат, ибрат – намуна кўрсатиш яхши фазилатларни машқ қилиш рағбатлантириш, танбеҳ бериш огоҳлантириш, жазолаш каби усуллари қўлланилади. Оилада Ўқувчи ёшларнинг тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота - оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Хусусан улар қуйидагича:

1. Оилада ҳиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш ;
2. Ота – она обрусини сақлаш ;
3. Тарбияда ота – она катталар ўртасида талабчанлик бирлиги ;
4. Бола шахсини меҳнатда тарбиялаш ;
5. Оила, мактаб жамоатчилик ҳамкорлиги ;
6. Болани севиш ва иззат қилиш ;
7. Оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш ;
8. Тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ;
9. Бола тараққиётини аниқлаб бориш ;
10. Болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар ;

Оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун унда зарур руҳий хотиржамлик ибратли руҳий муносабат,ўзаро тотувлик яратилган бўлиши зарур. Ота- оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда хамжихатлик, меҳр –

оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик, бир бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муомала муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Улар ўз фарзандларига чинакам бахт қувонч ҳадя этадилар. Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади, болаларнинг илм олишдаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режмга боғлиқ, Шунинг ота – оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат кўрсатишлари оқилона тузилган оила режимига қатъий амал қилишлари, фарзандларига ҳам ўргатишлари даркор.Бу нарса айниқса қиз болалар тарбияси учун жуда зарурдир. Чунки у катта бўлгач ниҳол каби бошқа уйга кўчиб ўтади - оила қуради.

Ота – оналарнинг ичкиликка ружу қўйиши, бунинг оқибати ва бошқа сабабларига кўра тез-тез содир бўлиб турадиган оилавий жанжал можарола туфайли болаларнинг ороми бузилади, уйқуси қочади, чўчийдиган бўлиб қолади. Асаб системаси касаллигига чалинади, фарзандлари кўз ўнгида ота – онанинг обруси тўкилади. Ота – оила бошлиғи, посбонидир.

Оила фарзанд тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланиб, унинг комил инсон бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Боланинг ўзига ишонч ҳиссини шакллантирган ҳолда “ Шахс ” бўлиб вояга етишида ота – онанинг ўрни беқиёсдир. Фарзанд тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Дунёда бирорта ота – она йўққи жамиятда ўз ўрнига бирор мавқиейга эга бўлишини истамаган ва шу фарзанд орқали ғурурланиб юришни орзу қилмаган бўлса.

Ота – онанинг фарзандлари олдида бажариши керак бўлган муҳим вазифалардан бири уларни ҳаётга тайёрлаш, яхши тарбия бериш,қадрият урф – одатларимиз, ватан, ота – она олдидаги бурчларини улар онгига сингдириб бориш, маънавий жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялашимиз ва тўғри касб – ҳунар танлашларига кўмаклашишимиздан иборат. Ота – она боланинг моддий таъминоти ҳақида бош қотириши билан бир қаторда унинг мактабга ўз вақтида бориши, уйга вазифаларини тайёрлаши, ва дарс машғулотларига бўлган иштиёқини ошириши, боланинг мактабдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чораларини кўриши, унинг руҳий кечинмаларига эътиборли бўлиши каби вазифалар ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Боланинг руҳиятида ўсмирлик даврида ёки болалик чоғида ҳар хил ўзгаришлар бўлиши мутахассислар томонидан исботланган. Бунда ота – онанинг эътиборли бўлиши тавсия этилади.

Шу ўринда мутахассис психологларнинг ота – онанинг бола билан ўзаро муносабатига доир баъзи бир жараёнларга эътибор қаратиш тавсия этилади.

Болага “Уй вазифаси” олдидаги қўрқувни енгиб ўтишга ёрдам бера оласизми ?

Дастлаб уй вазифаларини бажариб ўтирган бола ўзини йўқотиб қўйиши ва унга қандай киришишни билмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда ота – оналарнинг вазифаси жараённи ташкиллаштиришга ёрдамлашиш,нимадан бошлаб нима билан тугаллаш кераклигини, жавобларни дафтарларга қандай ёзиш кераклигини кўрсатиб беришдан иборат. Нима учун уйга вазифаларни

бундай тартибда бажариш кераклигига изоҳ беринг, барча ҳатти ҳаракатлар кетма – кетлигини овоз чиқариб тушунтиринг. Бола ўзлаштириб олгач унга қоидаларни, маълумотларни ўзига – ўзи эслатиб туриши лозимлигини маслаҳат беринг. Бироз вақтдан кейин у адашиш ва қўрқишни бас қилади ва унга анча осон бўлади.

Фарзандингизга ғазабланмасдан ҳаракат қила оласизми ?

Кўпинча шундай бўлади-ки ота-оналар болага уйга вазифани тушунтиришга ҳаракат қилади, бироқ бефойда. Бола тушунмайди, ота – онанинг жаҳли чиқади, зиддият юзага келади, бола хатолардан қўрқа бошлайди. Бундай пайтларда ота – онага фарзанди гапга қулоқ солмаётгандек ёки бўлаётган ишларга жиддий муносабатда бўлмаётгандек туюлади. Аслида эса боланинг ота – онани ўқитувчи сифатида қабул қила олмайди. Ота – оналар билан муносабатлар қоидага кўра, ҳиссиётларга бой бўлади ва бу ҳиссиётлар таълимга ўтиб кетса, бола қийин ҳолатда қолади. Унутманг, бола билан муносабатларингиз дарслардан муҳимроқ. Болани ҳам, ўзингизни ҳам қийнамай, бошқача ёндошувларни изланг – масалан унга мавзуга доир видео сабоқни кўришни тавсия қилинг. Агар ўзингиз тушунтиришнинг уддасидан чиқа олмасангиз, яқинларингиздан ёрдам сўранг ёки бу ишни ўқитувчига қолдиринг.

Фарзандингиз қийналаётганини кўриб муаммони чуқурлаштирмасдан ёрдам бера оласизми ?

Фарзандингизни ўқишга қийналаётганини кўрсангиз, гап нимада эканини тушунишга ҳаракат қилинг: Балки болангиз дарсда ўқитувчини яхши тингламагани учун ёки бир дарс қолдиргани учун вазифани бажараолмаётган бўлиши мумкин. боланинг кучли ва заиф томонларини тушуниб, кейин унга таълим олишга кўмак бериш лозим. Бунда педагог психологлар ёрдам бериш мумкин.Бунда боланинг умумий ҳолатини ҳам ҳисобга олишимиз керак, албатта.

Эҳтимол у нимадандир ташвишдадир. Бу ўқиш жараёнига - эслаб қолиш, қизиқиш, диққатни жамлашга кучли таъсир қилиши мумкин. Агар бола сурункали равишда ёмон ўқиса кайфиятсиз бўлса, тенгдошлари билан чиқишмай қолса, мактабга боргиси келмаса – бунга жиддий сабаблар бўлиши табиий. Эҳтимол, мактабда уни ажратиб қўйишар ва фарзандингиз ўзини ёлғиз ҳис қилар. Бундай ҳолатда сабабни топиш муҳим. Албатта бу ҳолатларда фан ўқитувчилари, синф раҳбар ва психологга мурожаат қилишингиз керак. Фақат бу ҳолатда фарзандингизни уялтирманг ва қўрқитманг. Кўпчиликда бундай ҳолат бўлишини тушунтиринг ва ҳаётда нимадир ўхшамаса бу оддий ҳолат эканини тушунтиринг. Сизни фарзандингиз билан яқин эканлигингизни ҳис этсин.

Болани мустақил қарор қабул қилишга ўргатинг.

Болани мустақил қарор қабул қилишига имкон қадар ўз эркига қўйишга ҳаракат қилинг акс ҳолда 1 –2 синфда у қарор қабул қилишни билмаслиги мумкин. Чунки у пайтда кичиклиги сабаб бўлади. Фарзандингизга 2 -3 синфлигидан мустақил қарор қабул қилишга ўргатинг. Акс ҳолда юқори

синфларга бориб бола мутлақо фикрини мустақил баён этолмайдиган, қарор қабул қилолмайдиган бўлиб чиқади.

Шу билан бирга ота – она ўқитувчининг ўрнини босиш керак эмас акс ҳолда болалар уйда сиз яхшилаб тушунтиришингизга ишониб, дарс машғулотларида ўқитувчини тингламай қуяди. Бу кўпинча ота – она эътибори етишмайдиган болаларда кузатилади. Бундай болалар учун уй вазифасини ҳеч қандай аҳамияти йўқ фақат ота она билан барга вақт ўтказишга ҳаракат қилади. Охир оқибатда бола мактадаги вақтини беҳуда сарфлайди. Ота – онаси эса фарзанди билан гаплашиш ўрнига у билан дарс қилади. Баъзан уйга вазифалар кўп бўлади яъни ўқитувчи дарсда улгурмаган мавзуларни уйга вазифа сифатида берса лекин бу вазифаларни бажаришга боланинг кучи етмай соатлаб бош қотириб ўтирса ўзи тушунмаган вазифа учун фарзандингизга жаҳл қилманг. Унга эркинлик беринг.

Ўзингизга ўзингиз нима учун дарс қилиш кераклигини тушунтиринг.

Бола кундалик ҳаётда бажариши керак бўладиган ишлар борлигини билиши керак. Фарзандингизга ўқиш фақат ёдлаб олишдан иборат эмаслигини тушунтиринг. Фарзандингизни қизиқтириши керак бўлган машғулотлар яъни қизлар учун масалан тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик кабилар, ўғил болаларга эса устачилик, ҳунармандчилик этикдўзлик, замонивий Ахборот технологияларидан фойдаланиб масалан матн тузиш, слайдлар яратиш, ушбу технологиялардан фойдаланишни буни фойдали тарафлари ҳақида ҳозирги замон талаби эканлигини тушунтиринг. Ҳозирги кунда Ахборот технологияларини биз ота – оналар ҳам билишимиз зарур. Фарзандингизни фақатгина баҳоларига боғланиб қолманг. Уларни қизиқишларини интилишларини ҳисобга олинг. Шунга қараб йўналтиринг. Ўзингизни қизиқишингизни устун қўйманг.

Болани рағбатлантириш ва жазолаш

Болаларни тарбиялаш жараёнида рағбатлантириш ва жазолаш масалалари ҳамда даврларда ота – оналар олдида турган асосий масалалардан бири бўлган бу масалаларнинг ижобий ҳал бўлиши боланинг етук тарбия топишида муҳим омил ҳисобланади. Рағбатлантириш бола хулқини бошқаришдаги энг аввало кучли восита ҳисобланади. Фарзандларингизга нисбатан бажарилмаган уйга вазифалар учун жазо қўллашингиз тўғри эмас. Дарслар доимо мухим эканлигини хотиржам ўтириб тушунтиринг. Фарзандингизга жаҳл қилиб тушукунлик ҳолатига тушурманг. Фарзандингизни ҳаётда ўз мақсади бўлиши ва унга эришишида кўмаклашинг ва унга нисбатан дўстона муносабатда бўлинг. Фарзандингизни ўзингиздан узоқлаштирманг.

Болалардаги тажавузкорлик

Ўвучи ёшлар орасидаги кўпчилик болаларнинг атрофдагиларни уришиш ёки тишлаб олиш уларнинг асосий муомала тарзига айланиб қолади. Бундай муомала тарзи бола хусусиятига хос бўлган табиий ҳолат бўлишига қарамасдан келажакда унинг одат тусига кириб қолишидан сақлаш лозим. Улғайиш жараёнида ўзларини идора қилишга ўрганмаган ва истакларини нутуқ орқали ифодалай олмаган болалар уришқоқ болаларга айланиб

борадилар. Улар куч ишлатиб, истаган нарсаларига эришадилар. Натижада тенгқурлари улардан қўрқадиган бўлиб, улар орасида ёлғизланиб қоладилар.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: “ Маънавият ”, 2008
2. Ҳ. Узоқов, Э.Ғозиев, А. Тожиев. Оила этикаси ва психологияси
3. Ғ. Б. Шоумаров. Оила психологияси

## OILAVIY TARBIYANING MUHIM OMILLARI

*Jamolova U.N.*
*Navoiy Viloyati Qiziltepa tumani*
*6-umumiy o`rta ta`lim maktabi amaliyotchi psixologi*

Insonning ma`naviy jihatdan kamol topishiga oila muhim rol o`ynaydi, chunki oila ikki muhim vazifani bajaradi-farzandlarini dunyoga keltirish hamda ularga to`g`ri tarbiya berishdir.

Shu ma`noda birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning….bu yorug` unyoda hayot bor ekan,oila bor.Oila bor ekan farzand deb atalmish bebaho ne`mat bor. Farzand bor ekan,odamzod hamisha ezgu orzu va intilishlar bilan yashaydi,-degan fikrlari ayni muddaodir.Shuning uchun ham oila insoniyatning ilohiy va mo`jizaviy kashfiyotidir

Oila tarbiyasi- oilada ota-ona, vasiy yoki katta kishilar tomonidan bolalarni tarbiyalash. Yosh avlodning har tomonlama rivojlanishida muhim o`rin tutadi.Oila tarbiyasida bolalar bog`chasida maktabda ko`chada, jamiyat joylarida qanday tutish kerakligi haqida aytib o`tish shart. bolani sevish va izzatini joyiga qo`yish, oilada qat`iy rejim va kun tartibini o`rnatish, bolaning yosh va shaxsiy xususiyatlari-ni hisobga olish, boladagi o`zgarishlarni kuzatib borish, undagi mustaqillikka intilish va tashabuskorlik sifatlarini qo`llab quvvatlash lozim.

Oila qanchalik tartibli, uning a`zolari o`rtasidagi munosabat samimiy bo`lsa oila tarbiyasi ham shunchalik muvaffaqiyatli bo`ladi. Oila tarbiyasida ota-ona obro`si, ularning kuzatuvchanligi,sezgirligi, hozirjavobligi muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega. Oila tarbiyasida tarbiya jarayoni zerikarli, quruq nasihatgo`ylikdan iborat bo`lib qolmasligi lozim. Bola hayotning ko`p qismini oilada o`tkazadi. Shu boisdan mavjud an`analar, urf-odatlar, rasm-rusmlar va marosimlarning ijobiy tasirida bola asta- sekin ka-mol topib boradi. An`ana va marosim oila tarbiyasining qudratli qurolidir. Oila tarbiyasi ijtimoiy tarbiya bilan uzviy aloqada bo`lsagina, kutilgan natijalarga eri-shish mumkin.

Oila tarbiyasida yutuklarga erishish ota-onalarning pedagogic bilimlarga egaligi, Oila tarbiyasi bo`yicha tajribalar alma-shishi,ota-onalarni tarbiyaviy ishlarga qizg`in jalb qilishga ham bog`liqdir. Har bir ota-ona oila tarbiyasida o`zlarining burch va mahsuliyatlarini chuqur anglashlari lozim. Shuning uchun oila

tarbiyasida maktab va ota-onalar o`rtasidagi ta`lim tarbiyaga oid birgalikdagi ishlari katta ahamiyatga ega.

Ota-nalarning o`qituvchilar bilan bo`lgan uchrashuvlarida aytilgan fikr, ayniqsa qimmatlidir. Chunki ular o`z farzandlari to`g`risida ko`proq narsalarni bilib oladilar. Shuning uchun bola tarbiyasining tub mohiyatini tushungan har bir ota-ona oila bilan maktab o`rtasidagi hamkorlikni mustahkamlashga intiladi. Bola maktabni tamomlagunga qadar ota-ona maktab bilan yaqin aloqa o`rnatishi, farzandining darslarini o`zlashtirishi, xulq- atvoridan xabardor bo`lib turishi lozim.

O`z navbatida o`qituvchi va sinf rahbari ham bolaning o`qishi, odobi, xulqi maktabga o`zini tuta bilishi haqidagi ma`lumotlarni ota-onaga yetkazishi, zarurat tug`ilganda paydo bo`lgan muam-molarni birgalikda hal qilishi zarur. Farzandi maktabga brogan ota-ona maktab jamoasining a`zosi bo`lib qolishi kerak. O`qituvchi va sinf rahbari o`z o`quvchisining oilasi bilan mustahkam hamkorlikni yo`lga qo`ymog`I lozim.

Oila tarbiyasida ota-onalarning mahalla faollari, mexnat faxriylari bilan hamkorliklari ham muhim. Oila tarbiyasi farzandlarning har tomonlama kamol topishi uchun qulay sharoitlar yaratilsagina muvaffaqiyatli bo`lishi mumkin.Oila tarbiyasida har bir oila o`ziga xos xususiyatlarni namoyon qilmog`I darkor.

Mustaqil o`zbekiston zaminida yashayotgan har qaysi inson o`z farzandining baxtu saodati, farzu kamolini ko`rish uchun butun hayoti davomida kurashadi, mehnat qiladi va o`zini ayamaydi. Oilada ota-onalar va bolalarning o`zaro munosabatlarga prdagogik va psixologik bilimlarning qo`llanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday bilimlarga- bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olish, ijtimoiy va umumiy psixologiya asoslarini hamda tarbiya metodlarini bilish kabilar kiradi. Ko`ngilchan ota-onalar qattiqqo`l ota-onalarga nisbattan o`z farzandlarining turli qiliqlariga, sho`xliklariga e`taborsizlik bilan qaraydilar, ularning shovqin suronlariga e`tabor bermaydilar, turli o`yinlarda bolalarga haddan tashqari erkinliklar beradilar.

O`zbek xalqining madaniyati tarixida Abdulla Qodiriyning “O`tgan kunlar” romani alohida xurmat, ehtirom ila tilga olinadi.Unda ma`naviyat,madaniyat, axloqiy- estetik munosabatlarning klasik namunalarini ko`rishimiz mumkin:Oilaning har bir a`zosini o`z munosabat uslublari,xatti –harakat tamoyillari bor.Ular oilaning har bir a`zosi, har bir vaziyat uchun alohidalik, o`ziga xoslik kasb etadi.

Otabek-Kumush, Otabek- Yusufbek Hoji,

Otabek-Qutidor, Otabek –Zaynab munosabatlari bunga misol bo`la oladi. Munosabatning har bir vaziyatida ma`naviy na`muna mavjud. Shuning uchun ham oilaviy munosabatlar, uni bolalarda ma`naviyatli, sog`lom bola qilib tarbiyalashda “O`tgan kunlar senariysini andoza qilib olish mumkin.

Oilaviy tarbiyaning eng muhim omillari- oilaning mustahkam, ma`naviy sog`lom asosda qurilganligi, avvalo ota-onalarning o`zlari tarbiyalangan bo`lishlari, ular o`rtasida totuvlik, ahillikning barqaror bo`lishi, farzandlarini kelajak hayotga, ijtimoiy munosabatlarga tayyorlash ularning kundalik e`tiqod tarzida ma`suliyatli burch ekanligini ongli tushunchalari va buni amalga oqlashlari kerak.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1.Karimov I.A.”Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. Toshkent: O`zbekiston, 1996, 3-tom

2. Karimov I.A “Barkamol avlod O`zbekiston taraqiyotining poydevori”

3.Asqarov I.Sh, Mamtqulova R.H.D. Norqulov “Shaxs va oila tarbiyasining pedagogikasi” Toshkent 2009

4. Hasanboyeva O. “Oila pedagogikasi” “Aloqachi” nashriyoti 2007

5. X.I.Ibragimov, U.a.Yuldoshev “Pedagogik psixologiya “Toshkent 2009

## ТУРИЗМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ

*Жумаев У.С.*

*БухДУ, доценти, психология фанлари номзоди.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада туризмни ривожлантиришда бошқарув усуллари ҳамда уларнинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув - «инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхонадаги ишчи кучи капитал сифатида, масалан пул тарзида идрок этилади. Ушбу назария доирасида персонал бошқарувига оид ҳолатлар ва тасдиқлар бизнесменга тушунарли бўлган иқтисодий атама ва категорияларда баён этилади. Шунингдек бошқарув стили туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири эканлиги эътироф этилган.

**Аннотация:** В данной статье ведётся речь о методах управления для развития туризма, а также об их социально-психологических свойствах. Один из подходов, отражающий отношение к человеку в процессе производства – это «человеческий капитал», соответственно рабочая сила на предприятии представляется в виде капитала, например денежного капитала. В рамках этой теории ситуации и подтверждения, связанные с управлением персонала, излагаются бизнесмену в виде понятных ему экономических терминов и категорий. Также данный стиль управления представлен как один из важных факторов развития туристической отрасли.

In article was written about the methods of managing for developing tourism and their social-psychological features. One of the methods what deals the satisfaction of human procedure processes – “Human capital” is identified with labour power in corporation as the capital, for example money capital. Here was described the main categories of touristic aspects as economical aspects and others.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув - «инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхонадаги ишчи кучи капитал сифатида, масалан пул тарзида идрок этилади. Ушбу назария доирасида персонал бошқарувига оид ҳолатлар ва

тасдиқлар бизнесменга тушунарли бўлган иқтисодий атама ва категорияларда баён этилади. Бу таълимотга биноан, инсон капитали одатда пул бирлигида ўлчанади. Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни, мамлакатларнинг бир бири билан интеграциялашуви, ҳаракатлантирувчи транспорт воситаларининг такомиллашуви, улар тезкорлигининг ошиши давлатлар ўртасида турли иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни ўрнатиш имконини бермоқда. Бу алоқалар ичида туризм ҳам салмоқли ўринга эга. Унинг дунё миллий маҳсулотидаги ҳиссаси 11 % га яқин миқдорга эга. Бундай имконият Ўзбекистонда ҳам мавжуд, чунки ундаги туристик салоҳият барчамамлакатлар сайёҳларини қизиқтириб келган. Бу соҳа иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасига киради ва мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга ўзининг маълум даражада ҳиссасини қўшади. Аммо бу соҳа мамлакатимизда йирик индустриал соҳага айланиб улгурган эмас. Бунинг устига туризм бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи аста-секин ҳал қилинмоқда. Туризм ижтимоий - иқтисодий ҳодиса, жараёнлар бўлиб, бу соҳадаги ишлаётган раҳбарлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидагига қараганда анча фарқ қилади. Чунки туризм бошқарувидаги раҳбарлар анча вақт олдинги усулига мослашганидан янги «стил» га мослашиш қийин бўлади. «Стил» сўзи грекча сўздан олинган бўлиб, аввалига доскага ёзувда ишлатиладиган ёзув таёқчаси дейилган, кейинчалик «ёзув» маъносида таржима қилинган. Шундан келиб чиқиб раҳбарлик стили - менежернинг ҳаракати деб тушуниш мумкин. «Раҳбарлик стили» - менежернинг амалий фаолиятида усуллар, услублар, шакллар ва омилларнинг турғун, бири-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда бутун ва ягона тизимни ҳосил қилиш ҳаракатидир. Стил - раҳбарликнинг доимий равишда ўзгариб турадиган методлари тизимидир. Туризмда раҳбарлик стили доимий равишда ўзгариб туришга мажбурдир. Чунки, туристик фирманинг бутун фаолияти туристик оқим миқдорига қатъий равишда боғлиқ бўлади. Туристик оқимнинг кўпайиши туристик фирманинг захирадаги имкониятларини ҳам ишга туширади ва ўзига хос «босим» ҳосил бўлганлигидан раҳбарлик стили ҳам вақтинча ўзгаради. Раҳбарлик методи анча турғун ҳолатдаги деярли бир усулдаги бошқаришдир. Бу усулда раҳбарлик асосан марказлашган раҳбариятнинг кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилиш ва сўзсиз ижро қилишга асосланади. Раҳбарлик стили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолларда кўп ишлатилиб келинаётган анаъанавий методларга бўйсунмайди. Бу вазиятда раҳбарлик стили билан раҳбарлик методлари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади. Лекин бу вақтинчалик жараён ҳисобланади. Фирма менежери раҳбарлик стилини қўллаб фирманинг топшириқларини бажарганида маълум бўлган раҳбарлик методларини қўллайди. Бу ҳолатда раҳбарнинг интеллектуал қобилияти, ақли ва тажрибаси қўл келади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, раҳбарлик стилида ҳам, раҳбарлик методида ҳам ҳозиргача ишлаб чиқилган ёки тан олинган «Идеал» усулнинг ўзи ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Туристик фирмадаги раҳбарлик стили менежернинг ўз олдига қўйган вазифасига қараб қуйидаги стил ёки методни ёки бошқарувни қўллаши мумкин.

❖ Бошқармоқ - раҳбар ўз буйсинувчиларига аниқ кўрсатмалар беради ва топшириқнинг бажарилишини сидқидилдан кузатади.

❖ Йўналтирмоқ - менежер топшириқнинг бажарилишини кузатади ва бошқаради, бошқарувдаги ечимни ходимлар билан муҳокама қилади, улардан таклифлар кутади, ўз ташаббусини қувватлашни хоҳлайди.

❖ Қувватлаш - менежер ходимларга вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатади, улар билан маъсулиятни бўлишади, вазифасини тўғри бажаришда ҳамкорлик қилади.

❖ Ваколатга ишониш - менежер ўз ваколатларида масалаларни ҳал қилишда уларга маъсулиятни ҳам беради. Бундай ҳаракатлар туристик фирманинг мақсади ва вазифалари фойдаси учун қилинади.

Бошқарув улубининг бошқарув усулидан келиб чиқади. Бошқарув услуби бошқарув фаолияти усулларининг тўпламидир. Услуб - бу ўзига хос объектив категория яъни, фоалиятни ташкил қилиш учун танлаб олинадиган усул ёки бир неча усуллардир. Энди эса бошқарув услуби ва усули қандай бўлишини кўриб чиқамиз. Бу нисбатни аниқлаш мумкин, бунинг учун аввал ўхшаш вазиятни маданият соҳасида ҳал қилиш керак. Мусиқачи «мусиқа» асарини фортепьянода ижро этади. Унинг қўлида бу асарнинг нотаси бор. «Асар нотасини» нима деб атаймиз-у, уни «ижросини» нима деб атаймиз? Ҳар бир ижрочи асарни ўзи билганича ижро етади, нотаси тенг битта, ижроси эса - ҳар хил. Шундай қилиб, асарни ижросини усул билан тенглаштиримиз, улар субъектив (усул) ва объектив (услуб) категория сифатида намаён бўлади. Келтирилган мисол ўхшатиб биз юқорида қўйилган бошқарув услуби ва усули нисбати ҳақидаги саволга жавоб беришимиз мумкин. Улар субъектив ва объектив категориялардир. Бошқарув услуби қуйдаги сифатларга эга бўлиши керак: жамоадаги ўзаро муносабатлар, раҳбарни ижтимоий фаоллиги, уддабуронлиги, тартиблиги ва ҳоказолар. Биз бошқарув тузлмадаги раҳбарлик услуби ҳақида гапирамиз. Тадбиркорлик ва бошқарув ходимлари шахсий услубга эга бўлишлари мумкин. Масалан, менежер-молиячи у махсус тавсияномага эга, яъни фойдадан солиқ ажратмасини ҳисоблаш унинг касб фаолиятининг вазифа услубига. Ўз вазифасини бажариш усули унинг шахсий иқтидорига қобилияти, касбни қанчалик эгаллаганлиги, ишбилармонлигига боғлиқ. Буларни ҳаммасига иш услуби деб қараш зарур. Хизматчи иқтидорли бўлса, бу касб услублари шунчалик ёрқин намоён бўлади. Амалиётда ишлаб чиқариш раҳбарларининг, ишчанлик, ташкилотчилик хусусиятларига ташкилот, фирмаларнинг фоалияти боғиқдир. Жамоанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг муваффақиятлари кўп ҳолларда раҳбарнинг шахсий сифатига боғлиқ. Ушбу муносабатлар қуйидагича бўлмоғи керак: «Биринчидан, ўзаро дўстлик муносабатлари зарур бўлганда бир-бирига ёрдамга келиш». Иккинчидан, агар раҳбарнинг малакаси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда у юқори малакали мутахассис бўлиши ва ўз касбини яхши билиши зарур. Учинчидан, у ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмоғи, ишда жамоани бирлаштира олиши лозим. Агар раҳбар бир вақтда бир неча масала ечадиган бўлса, унда улар ичида энг асосийсини ажратиши, ўз иш вақтини тўғри тақсимлаши, агар зарур бўлса ўз

хизматчиларининг иш вақтини ҳам тўғри тақсимлай олиши лозим. Менежмент услуби бўлинманинг ва унга бўйсунувчиларни ўзаро муҳокама жараёнида намоён бўлади. Бунда раҳбарнинг иши битта муҳим хусусиятга ега бўлади. Бир томондан юқори идора раҳбарлари таъсири остида, иккинчини унинг қўл остидагиларга бўлган таъсири, учинчиси ўзига тенг бўлганлар билан муносабати. Ушбу учта ўзаро таъсир бошқарув услубини, белгилайди у самарали ёки унчалик самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизда тез-тез: «Менежмент услубини такомиллаштириш керак», деган гап ишлатилади. Бу раҳбарнинг уч хил ўзаро муносабатини жамода яхшилаш зарур деганидир. Ушбу масала ниҳоясида раҳбар меҳнатининг самарадорлигини қандай ўлчаш ҳақида бир неча фикир билдирамиз. Гап шундаки, раҳбарнинг ақлий баъзида эса ижодий меҳнатдан иборат. Бу каби меҳнат маҳсули мазкур бошқарув масалаларини ечишга қаратилгандир. Иш шундайки бошқарув ечимига кетган вақтни акс эттирмайди, шунинг учун раҳбар меҳнати икки хил натижага эга жорий натижалар ва унинг фаолият охирининг натижалари. Бошқарув амалиётида турли раҳбарлар билан учрашиш мумкин, уларга бошқарувнинг турли усул ва услублари хосдир. Шунга биноан, туристик фирмаларда раҳбарлар услублари қуйидагича бўлади: автократик, демократик ва либерал. Автократик усулуб - яккаҳокимлик тушунчасини билдиради, яъни ҳукмронликни ушлаб турувчи ва амалга оширувчи бир киши. Унга қуйидаги услуб хосдир - яккаҳокимлик, бир изи қарор қабул қилиш, маъмуриятчилик, қўл остидаги ходимларга ишга доим аралашиб туриш, автократ раҳбар бошқарув гуруҳнинг диққат марказида ва туради. Барча ҳукмронлик унинг қўлида бўлади ва барча катта-кичик муаммоларни якка ўзи ҳал қилади қўлостидагилар билан кам гап, талабчан, гоҳида қўрқитиш усулини қўллади. Агар қўл остидагиларнинг фикрини эшитишга тўғри келса у буни ўз обрўйига путур етказаяпти деб тушинади. Автократ раҳбар қўл остидагилар билан совуқ муомалада бўлади, ўзининг хонасини безатишни яхши кўради, қабулига кирувчиларга қўшимча расмиятчиликлар кўрсатади. Автократ раҳбар камда-кам кулади, унинг кўриниши доим иш билан банд бўлганини акс эттиради. Унинг асосий белгиси шундаки, кам билимли бўлса ҳам, итоаткор ишчи унга ёқади. Унда ташкилотчилик қобилияти, бошқарувнинг умумий маданияти - касб тайёргарлиги етишмаганда салбий томонлари тез билиниб қолади. Ўз устидан зарур назоратни йўқотган, бу каби раҳбар ўзини-ўзи идора қилолмаслиги, золимга айланиши, ишчиларни, инсон қадрини пастга урувчи бўлиши мумкин. Демократик услуб. Демократик сўзи юнонча «демос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «халқ» маъносини билдиради. Демак, демократия халқ ҳокимлиги, демократик тушунча эса одамлар манфаатини акс эттиради. Агар демократик услуб ҳақида гап кетса, унда «раҳбар бўйсунувчи»нинг ўзаро муносабати, ўзаро ҳурмат, ишониш асосида қурилади, бу эса халқ фикри билан ҳисоблашиш демакдир. Демократик услуб тобе ходимларнинг ташаббусларини тараққиёт эттириш, ўз ҳуқуқлари доирасида ўзларини эркин тутишлари учун яхши шароит яратади. Бунда бошқарув жамоаларининг дунё қарашларини умумийлиги ва раҳбарнинг

юқори обрўга эгалиги аниқ кўзга ташланади. Либерал услуб. Либерал сўзи раҳмдил, сахий, олижаноб деган маънога эга, бу услубнинг хусусияти шундаки, раҳбар ўзини раҳбарлик ҳолатини намойиш этмайди, аксинча, у бунда уялади ва ходисаларнинг ўзи тараққиёт топишига шароит яратиб бериб, уларга аралашмайди, қўл остидагиларга ҳурмат билан мурожаат қилади ва «жуда илтимос қиламан» деган сўзни тез-тез ишлатади. Қўл остидагилар фикрини сабр билан тинглайди, улар таклифидан фойдали фикрларни излайди ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилади. Ўзининг сиполиги ёки уятчанлиги учун «Биринчи қаторлардан» қочади, ўзини ўзи ошкоралигини ёқтирмайди. Аммо, бу ижобий томонлар тобе ходимларга ёқади ва улар унинг бу хислатларини ўзларига сингдирадилар. Кўриб чиқилган уч тур услубларидаги бошқарув раҳбарлари ўзларининг кундалик ишларида ўзига хос турдаги бошқарув қоидаларига суянадилар. Масалан, улар бир хил масалани ечадилар, бир турдаги иш бажарадилар ва бир хил натижага ега бўладилар. Улар турли йўл ва услублардан фойдаланадилар, яъни улар ўз услубларини ишлаб чиқадилар. Масалан: шахсни моддий рағбатлантириш қоидаси автократ ва демократ томонидан турлича тушунилади. Автократ моддий рағбатлантиришга суяниб, ўзи билганича ушбу усулдан фойдаланиб фақат расмиятчилик учун қўл остидагилар билан маслаҳатлашади. Бундай услубда рағбатланувчилар мукофотда қониқиш сезмайдилар. Демократ моддий рақбатлантиришни кенг жамият олдида, жамоа ташкилотларининг фаол иштирокида ўтказади. Раҳбар демократ бунга албатта маънавий рағбатлантириш элементларини қўшади. Учта бошқарув услубига баҳо бера туриб, асосан демократик услубга устуворлик берилади, чунки ҳозирги вақтда бизнинг жамиятда асосий эътибор бу иқтисодиёт ва туризм соҳасини демократлаштириш, яъни соҳада бошқарув тизимини демократлаштиришдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил, 4 июнь.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонун. «Халқ сўзи» газетаси, 1999, 14 сентябр.

3. Батаршев А.В. Психодиагностика в управлении: Практическое руководство: Учебно-практич. пособие. - М.: Дело, 2005.

4. Информационные технологии управления: Г.А.Титоренко. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

5. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Умарова Н.Ш. Бошқарув соҳасидаги профессионал компетенция асослари: Монография. Т.: ТДИУ “Талаба”, 2007.

6. Кочеткова А.И. Основы управления персоналом. - М.: ТЕИС, 2000.

7. Логвинов С.А., и др. Современные технологии управления персоналом: М: “ГМ и КУ”, 2004.

8. Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. - Т.: 2001.

9. Кудратов Ғ.Х.,Тўхлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Қўлланма. Сам ИСИ. 2007.
10. Тўхлиев И.С. «Туризм асослари». Ўқув қўлланма. СамИСИ. 2010.

## MUVAFFAQIYATLI RAHBARLIKKA OID SHAXS XISLATLARI.

*Jumaniyozova M.T.*
*Xorazm viloyati Urganch shahar*
*6-son umumiy o'rta ta'lim maktabi direktori.*

Dunyodagi xalqaro tashkilotlar hamda dunyoning ko'plab mamlakatlari tomonidan 2030 yilgacha belgilangan yangi ta'lim kontseptsiyasida «ta'lim tizimini boshqarishni, ta'lim sifatini uni baholash jarayoni va vositalarini takomillashtirish, erishilgan natijalarni aniqlash imkonini beruvchi mexanizmlarni amaliyotga joriy etish» dolzarb vazifa etib belgilandi.

Bugungi kunda jahon mamlakatlari uchun ta'lim tizimi tashkiliy va boshqaruv tuzilmasini yanada takomillashtirish, samarali ta'lim siyosati hamda boshqaruv mexanizmlarini ta'lim sohasiga joriy etish eng muhim vazifalaridan biri bo'lib xizmat qilmoqda.

Psixologiyada muvaffaqiyatli rahbarlikka oid shaxs xislatlarini talqin etarkanmiz, shu mavzu yuzasidan chet el olimlari tomonidan o'tkazilgan ba'zi bir tadqiqot natijalariga murojaat etamiz. Amerika va Yaponiyalik 1500 menejerlarni o'rganish asosida samarali rahbarlikka oid quyidagi xislatlar ajratib ko'rsatiladi:

- strategik rejalashtirishga moyillikning kuchliligi;
- ishchilarni, mehnat resurslarini taqsimlash bo'yicha maqbul va o'z vaqtida qaror qabul qilish;
- faoliyat doirasini kengaytirish yoki yuksak tartibda mehnat qilish evaziga o'z mas'uliyatini oshirishga intilish;
- xavfli sharoitda ijodiy va ratsional qaror qabul qila olish;
- o'z kuchiga cheksiz ishonch;
- o'z huquqlarini anglash va mas'uliyatni his qilish;
- kezi kelganda qurbon berishga ham tayyor turish;
- muloqot malakalarini mukammallashtirishga intilish;
- murakkab va inqirozli vaziyatdagi jarayonlarni tahlil etish va intuitiv tarzda bashorat qila olish;
- mehnatga yuksak qadriyat sifatida qarash va unga butun kuch-g'ayratni safarbar etish;
- aybdorni izlash emas, balki muammoni hal etishga intilish, tavakkaldan qo'rqmaydigan va mustaqil fikrdagi xodimlar bilan ishlash xohishi;
- amalga oshirilayotgan g'oya va natijalarni ishlab chiqarishga, joriy etishga xuddi shaxsiy mulkdek qarash.

Boshqaruv psixologiyasida yaponiyalik va amerikalik menejerlarni qiyosiy o'rganish natijasida olingan xulosalari shundan iborat bo'ldiki, yapon menejerlari o'z boshqaruv faoliyatida ijtimoiy psixologik jihatlarga ko'proq e'tibor berishar

ekan va jamoa faoliyatini tashkil etish qobiliyati yetakchi o'rinda turar ekan. Amerikalik menejerlar esa xodimlarda yakka tartibdagi tashabbusni ko'proq rag'batlantirishlarini aniqlaganlar.

Aniqlanishicha, boshqaruvning ko'p sohalarida muvaffaqiyatli rahbarlik faoliyatini ta'minlovchi shaxs xislatlarini aniqlashga doir ko'plab tadqiqotlar olib borilib, o'tgan asrning 50-yillarida, har qanday sohada uddaburron rahbar bo'la olishlikka tegishli xislatlar mavzuida yuzdan ortiq tadqiqotlar o'tkazilgan. Bu esa, boshqaruvni mukammal ijro etuvchi hamma rahbarlarga xos fazilatlar umumlashtirilganda, atigi 5% xislat ko'zga tashlanishini aniqladi. Bular quyidagicha:

- aql-idrok, murakkab va mavhum muammolarni yechish qobiliyati o'rtadan baland, ammo juda yuqori bo'lmasligi shart;
- tashabbuskorlik;
- o'ziga ishonch, o'z mahoratini va intilishlarini yuksak baholash.

Biroq ko'p tadqiqotchilar diqqat-e'tiborlaridagi asosiy xususiyatlardan biri – rahbar shaxsiga xos dominantlik (ustunlik)ka intilish bo'lib, shu sifat rahbarning tashabbusni o'z qo'liga olishiga, guruhga yetakchilik qilishiga va murakkab vaziyatda mas'uliyatni o'z bo'yniga olishiga zamin yaratadi deya ta'riflaganlar. Tadqiqotchi R. Stogdill qalamiga mansub "Rahbar qo'llanmasi"da dominantlik boshqaruvga zarur sifatlar ro'yxatida birinchi o'ringa qo'yiladi. Dominantlik so'zi bir necha ma'noni anglatadi. Rahbarlik mavzusidan kelib chiqilsa, o'zgalarga ta'sir etish degan bir jumla mazmunan hamma gapga asos bo'ladi. Yuqorida ta'kidlangan ma'nodagi "ta'sir etish" iborasi hissiyot tufayli o'zgalarni o'ziga jalb eta bilish, o'zaro munosabat natijasida o'ziga nisbatan xayrixohlik hissini yaratishni anglatadi. Tashkilotning ilg'or faoliyati uchun rahbar o'z zimmasidagi rasmiy majburiyat va vakolatlar o'zi yetarli emas. Boshqaruv sohasi olimlari G.Kunts va S.Donnelning fikricha "agar xodimlar rahbariyat tomonidan o'rnatilgan tartib va qoidalargagina rioya etib mehnat qilganlarida, ular o'zlarining 60-65% imkoniyatlarini ishlata olar va o'z majburiyatlarini bajarib, shunchaki ishdan bo'shamasliklariga bahona topar edilar, xolos. Xodimlarning qobiliyatlaridan to'la foydalanish niyatidagi rahbar ularda shunga loyiq his tuyg'uni uyg'ota olishi lozim". Bunday vaziatda gap rahbarning o'z liderlik qobiliyatini namoyish eta olishi, xodimlar orasidagi obro'-e'tibori haqida borayapti. Tashkilot doirasidagi norasmiy munosabatlar tizimida peshqadam o'rinni egallagan rahbargina o'z xodimlari qobiliyatini 100% jamoa ishiga jalb eta olish imkoniyatiga ega. Ushbu qo'llanmada e'tirof qilingan sifatlardan yana biri, rahbarning o'ziga ishonch hissidir. Sir emas, har birimiz rahbar o'ziga ishongan va ishonmagan hollarda nafaqat qanday ish tutishini, hatto o'zini qanday tutishini ham ko'rganmiz. Baxtga qarshi, o'ziga ishonchi bo'lmagan rahbar vaziyat o'zgarishi bilan, o'z qarorini o'zgartirib turadi. Bunday rahbar qo'l ostida ishlaydigan xodimlar o'z rahbari timsolida suyanchiq ko'rmaydilar, tashkilotda o'tkazayotgan kunlari vaqtinchalikdek tuyuladi. Boz ustiga, bunday rahbar o'zgalar bilan muzokaralar olib borishga ham qodir emas. Chunki o'z shaxsiga va qobiliyatiga ishonmagan odam o'zgalarda ham ishonch uyg'ota olmaydi.

Peshqadam rahbarga xos fazilatlardan biri – vazminlik va sabru bardoshlikdir. Rahbar hissiyotini muvozanatlashganligi, uning ichki dunyosiga xos qarama-qarshi tuyg'ularning tug'yoniga yo'l qo'ymaslikda va kayfiyatdagi sokinlikda ifodalanadi.

Har bir rahbar odamlar orasida va ularga xos turli hissiyotlar og'ushida yashaydi. Binobarin, atrofdagilarning salbiy yoki ijobiy his-tuyg'ulari o'zaro kundalik muloqotda tez "yuqish" xususiyatiga ega bo'lib, rahbar qaltis va ziddiyatli vaziyatlarda nafaqat boshqalarning hissiyoti ta'siriga berilmaslik, balki atrofdagilarga o'z muvozanati va jilovlangan his-tuyg'usi bilan ta'sir eta olishi zarur. Insonning bu fazilati bir tomondan asab tizimining tug'ma xususiyati bilan belgilansa, ikkinchi tomondan orttirilgan hayotiy tajribaga bog'liq bo'lib, asab tizimining mo'tadilligi uchun rahbar o'z sog'ligi haqida qayg'urishini talab qiladi. Jamoada mehnat faoliyatini ratsional tarzda tashkil etish, ya'ni mehnatdagi ijobiy jihatlarga ko'proq e'tibor berish, noxush vaziyatlarni donolik bilan bartaraf etish, ko'proq yaqin do'stlar davrasida bo'lish, jismoniy tarbiya va foydali mashg'ulotlarga ishqibozlik kayfiyatida vaqtni o'tkazish, har qanday stressga qarshi tura olishni kuchaytiradi, shuningdek, organizmning ishchanlik qobiliyatini qayta tiklashga xizmat qiladi.

Boshqaruv faoliyatini samarali bajarish uchun rahbarga zarur fazilatlardan yana biri – muvaffaqiyatga intilishdir. Rahbar o'z oldiga maqsad qo'ya olishi va uni bajarishga urinishi lozim. Umuman olganda, insonga xos intilishni ikki toifaga bo'lish mumkin:

1) muvaffaqiyatga intilish;
2) mag'lubiyatdan qochish.

Biron-bir qiyin va inqirozli vaziyat paydo bo'lganda, ba'zi birlar mazkur vaziyatni hal etish orqali muvaffaqiyatga erishish haqida o'ylasa, boshqa birov esa talofotga uchramaslik g'amida o'zini iloji boricha "ofat"dan olib qochadi. Bu bir xil vaziyatga ikki xil yondoshuv bo'lib, uning egalari turlicha xarakterdagi insonlardir.

Boshqaruvni samarali olib boruvchi rahbar esa aynan birinchi toifaga mansub bo'lgani sababli, u muammolarni tez hal etadi va yanada o'z maqsadi sari oldinga intiladi. Bunday toifa kishisi odatda tavakkalchilikka ham borishi mumkin.

Kezi kelganda u katta maqsadni kichik bo'laklarga bo'lib, har bir kichik maqsad ortida turgan natijani oldindan tasavvur etadi. Biroq, bunday omilni hamisha amalga oshirish oson emas. Binobarin, rahbar tavakkalga bora oladigan va xavf- xatardan qo'rqmaydigan xarakterga ega bo'lishi lozim. Mashhur biznesmen va menejer Li Yakokkaning ta'kidlashicha: "Ba'zida tavakkal ham ma'qul, lekin yo'l qo'yilgan xatolarni o'z vaqtida tuzatib ketish lozim".

Mas'ullik va vazifani hal etishga qaratilgan ishonch - samarali boshqaruv uchun yana bir zaruriy xislatdir. Iqtisodiy va ijtimoiy qalqish paytida o'z hamkorida ishonch uyg'otish, navbatdagi ishga kafolat berish va boz ustiga, uni uddalash zamonaviy rahbar uchun muhim fazilat sifatida rahbarlik tadbirkorlik faoliyati bilan uyg'unlashib ketadi va ishonch tushunchasi markaziy o'ringa ko'tariladi.

Jamoada rahbarning, nafaqat, obro'sini oshiradigan, balki qiyin vaziyatda uni asosiy maqsad yo'lidan yetaklaydigan fazilatlardan biri – mustaqillikdir. Rahbar o'z qarashi, mushohada layoqati va shaxsiy nuqtai nazariga egalikka intilishi lozim.

To'g'ri, rahbar o'z hamkasblariga, shuningdek, maslahatchilariga quloq tutishi kerak, lekin qaror va uning ijrosi rahbar zimmasiga yuklatiladi. Fikrlash va xatti-harakatdagi mustaqillik samarali boshqaruvning asosiy omillaridan biridir. Ammo, mustaqillik qaysarlik kayfiyatiga aylanmasligi lozim. Buning uchun rahbar hamisha o'z tashabbusini tashkilot yoki jamoa maqsadlari bilan uyg'unlashtirib borishi talab qilinadi.

Rahbardagi zaruriy xislatlardan yana biri muloqotga moyillikdir. Aniqlanishicha, rahbar o'z kundalik faoliyatining to'rtdan uch qismini turli-tuman muloqotga sarflaydi. Muloqotning boshqaruvdagi ahamiyatini ko'zdan kechirar ekanmiz, beixtiyor Li Yakokka esdaliklariga duch kelamiz: "Men avtomobil sohasida bir umr ishlagan odamni bilaman. U oliy ma'lumotli bo'lib, o'zini boshqarish qobiliyatiga ega, shuningdek, ajoyib strateg va o'z kompaniyasining yirik mutaxassisi edi. Lekin, uni hech qachon hech kim yuqori lavozimga tayinlamagan, chunki u o'zga bilan muloqotda bo'lishni bilmas edi".

Xulosa qilib ayta olamizki, rahbar faoliyatidagi samaradorlikni amalga oshiradigan shaxs xislatlari bilan tanishib, hech bir inson ushbu ro'yxatdagi xislatlar bilan birga tug'ilmasligi, ularning hammasi insonga ato etilgan layoqat, shuningdek, ijtimoiy-tarixiy yashash sharoitlarining mahsuli ekanligi, bu xislatlarning rahbar faoliyatida namoyon bo'lishi, shaxsdan muntazam tartib va o'z ustida ishlashni, doimo o'z idrokida namuna yaratish va unga taqlid etishni talab qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Ахмедова Н.К. ”Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш”.: Автореф. Фалсафа докторлик дис.– Тошкент, 2017 й.. – 35 б.;

2. Балыхин, Г.А. Управление развитием образования: организационно - экономический аспект Текст. / Г.А. Балыхин. — М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2003. - 428с.

3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.;

4. Ғозиев Э. Менежмент психологияси. Т. 2001 й.

## IMPROVEMENT OF CONSCIOUSNESS AND LEGAL CULTURE OF YOUTH IN THE FAMILY

*Zhurabekova Kh.M.*

*Andijan machine- building institute, Associate Professor of the Department of Engineering Pedagogy and Psychology, Doctor of Philosophy in Political Science.*

**Abstract:** The formation of psychological and legal culture in the family can be carried out by expressing a legal attitude to events that occur in everyday life. This article discusses the issues of instilling legal awareness and legal culture of

youth in the family, as well as issues of interaction between the family and the educational institution and society.

***Key words:*** personality socialization, parental obligations, moral and spiritual criteria, social and legal norms, legal consciousness, legal culture, criteria of justice.

The family is a social space that exists as a basis at all stages of the development of society. Therefore, the strength of society, the stability of the country depends, first of all, on the strength of the family. The family is recognized by all researchers as a place where the socialization of the individual, which transmits the cultural and spiritual heritage of generations, creates the necessary conditions for the formation of the personality.

The family is built on the basis of moral and spiritual criteria, its unique values are formed. Family members are connected with each other by common family, economic, property, legal, genetic, spiritual ties.

Accordingly, in this environment, the highest human feelings, the main features of the moral, spiritual, spiritual image, talent, potential, intelligence, will, character, worldview are formed.

In the socialization of the personality, the family plays an important role in comparison with other institutions due to its individual characteristics.

The period and time in the family almost all problems of social life are discussed openly. The behavior of parents and other adults in the family is reflected on young people, on children, like a mirror.

In fulfilling their social and legal responsibilities, parents must first create words and practices in their personal lives, creating a healthy spiritual environment, disciplining their children, preparing them for socially useful work, adhering to social and legal norms and creating a healthy lifestyle. as a positive example of giving.

Children see the social and spiritual image of society in the image of the family to which they belong, they understand the essence of the requirements that society imposes on members of a small community. Families with a healthy psychological environment, balance of interests and needs, mutual assistance in regulating family life, principles of cooperation are the basis for the primary socialization of the individual and adaptation of the individual to social and spiritual values.

Legal culture begins with a deep understanding by children of responsibilities and justice in the family. Two main factors serve as criteria for the effective formation of the concepts of duty and justice in society in the process of family education of children: - unconditional fulfillment of parental responsibilities in the family; - compliance with the criteria of justice in all actions of parents.

The personal exemplary behavior of parents has a stronger influence than all the means of raising children. Qualities such as humility, honesty, kindness, exactingness, diligence, conscientiousness, responsibility, the spirit of equality and respect in relationships, which are formed on the basis of psychological, moral and spiritual education in the family, form the basis of legal culture.

The formation of psychological and legal culture in the family can be carried out by expressing a legal attitude towards events that occur in everyday life.

Drug addiction, alcoholism, the impact of various destructive trends, the negative consequences of which have a great impact on the formation of legal culture, acquaintances, give specific examples from the life of neighbors, explain how to punish according to the law.

Timely payment of taxes, its role in the state budget, rules for housing, rental housing, gas, electricity, hot water, cold water, economic and legal consequences of late payment are also discussed in the family. plays a special role in the education of legal culture.

Of course, in families with legal literacy, special attention is paid to raising children in a legal culture. However, unfortunately, in many families, legal literacy, legal awareness and legal culture of their members are not at the required level.

A low level of legal awareness and legal culture leads to the rupture of family relations, the emergence of various legal disorders. For example, marital divorce, in turn, raises many new problems, including raising underage children, housing problems, collecting alimony, child neglect and neglect, as well as criminality and crime.

Therefore, it is necessary to pay special attention to the role and place of the family in raising the level of legal awareness and the formation of legal culture. The fact that children from well-to-do families sometimes commit crimes is also the result of parental irresponsibility. Because they think they have done their duty by providing for the family financially, and are not busy raising their children in the pursuit of wealth.

If we proceed from the popular proverb that “seven neighbors are parent to child, then the fact that parents, neighbors, education, institutions, community members monitor the upbringing of young people is a guarantee that many negative vices and destructive trends can be avoided.

In addition, parents acknowledge that the country has created a legal and financial framework for small businesses and entrepreneurship, the availability of preferential loans for students to participate in these events, and the expansion of opportunities for all sports.

Each parent relies on the experience of themselves and their loved ones, the experience covered in the media, realizing the need to create certain conditions for raising their child! However, they do not understand that each child is different, that the application of experience is limited.

In the formation of the psychological and legal culture of students, measures of moral, legal, pedagogical and psychological interaction with them on the part of the family, society and educational institution are combined, coordination of various activities on legal issues, assistance to parents in improving their pedagogical and legal knowledge, legal information and the tasks of educational institutions, cooperation in the activities of the Commission on Minors, Youth and Sports and the parent committee.

Based on the foregoing, it can be concluded that in the formation of the psychological and legal culture of youth, the cooperation of the family with the gathering of citizens and the educational institution should be aimed at ensuring the continuity of legal education and training.

**REFERENSE:**

1. Mirziyoyev Sh.M. - Ensuring the rule of law and universal human interests is the key to the development and prosperity of the country - T.: Uzbekistan, 2017.

2. Varlamova N.V. Legal relations: philosophical and legal approach. - Proof. 1991, No. 4. p.51.

## BOSHQARUVDA LIDERLIK SIFATLARINING TARIXIY AHAMIYATI

*Jorayev A.M.*
*Andijon Davlat Universiteti talabasi*

Korxona tashkilot, xo'jalik yoki muassasa hokimlik va uning bo'limlariga fidoyi, ishchan, tajribali talabchan ayni paytda kishilarga g'amxo'r zamon talablarini chuqur his eta oladigan ko'ngli pok rahbarga odamlarning ishonchi barqaror bo'ladi aks holda rahbarlarni tanlash ularni joy-joyiga qo'yish hozirgi kunda eng dolzarb masala. Aytish mumkinki, masalalarning masalasi, chunki biz ancha murakkab va tashvishli davrda yashamoqdamiz. Zero, xalqning notinchligi ular o'rtasidagi nizolar, vayronagarchiliklar va davlatlar o'rtasida urushlar kelib chiqishi, begunoh kishilarning qoni tokilishi, xalqlarning ahvoli nochor bo'lishi tarixda kop xollarda sotqin, vijdonsiz rahbarlar, millatchi guruhbozlar sababchi bo'lganligi insoniyat hech qachon unutmasligi kerak. Xullas, insoniyat sivilizatsiyasining hamma davrida muhim o'rin tutadi va shunday bo'lib qolaveradi.

Qachonki rahbarning yuragi ham qo'li ham toza bo'lsa tamadan g'azabdan yiroq bo'lsa uning tabiatida qat'iyatlik bilan vazminlik talabchanlik bilan aql-zakovat uyg'un bolsa faqat shundagina u odamlarning g'am-tashvishini o'z qalb prizmasidan o'tkazishga qodir boladi. Shunday ekan masalaning psixologik yechimini oydinlashtirish uchun keng mushohada qilib ko'rishga tog'ri keladi. Ya'ni u jamoada haqiqiy rahbar ruhiy ko'tarinki kayfiyat bilan ish boshlamog'i va yashamog'i lozim. Odamlarga ma'naviy yaqin bo'lmog'i zarur. U hammisha jamoa a'zolarining quvonch va tashvishlari bilan yashashi kerak. Rahbar hayotining ko'pgina unutilmas lahzalari shakkllanadi. Shu tarzda rahbarning eng yaxshi tashkilotchilik tadbirkorlik fazilatlari shakilanib mukammalashib boradi.

Rahbarlik boshqaruv deganda biz yoshlar ulug' ajdodlarimiz Amir Temur, Jaloliddin Manguberdi, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi buyuk bobolarimiz siyosatiga nazar solib o'tish foydadan holi bo'lmasa kerak, albatta. O'rta asrlarda buyuk bobomiz Amir Temur hukmronlik davrida boshqaruvchilar asosan harbiy intizomni o'rnatish maqsadida xodimlarni jazo bilan qo'rqitish har qanday buyruq va farmonlarga so'zsiz itoat etish kabi usullarni qo'llaganlar. Bunday boshqaruv

mehnat resurslaridan foydalanish ulardan iloji boricha ko'proq xizmat undirishning g'oyatda samarali usuli, deb qaralgan. Amir Temur davrida markazlashgan intizomli davlatning barpo bo'lganligi ham o'z qo'l ostidagilarning “Qo'rquv bilan umid ortasida ushlash” tamoyili bo'yicha boshqargani sabab bo'lgan. O'rta Osiyoda boshqaruvning nazariy asoslari va uning asosiy prinsiplari qadim zamonlarda ham u yoki bu ko'rinishda mavjud bo'lgan. Ammo ular Amir Temur hukmronligi davriga kelib ma'lum shaklni kasb etgan, bunga Amir Temurning “Temur tuzuklari” asari yorqin misol bo'la oladi. Amir Temur zukko, tajribali va siyosatdon, davlat arbobi bo'lgan. U o'zi tuzmoqchi bo'lgan davlatning markaziy apparati va mahaliy hokimyatning qanday, qaysi ijtimoiy toifalarga tayanishi, mansabdor shaxslar va ularning sifatlari hamda burch va vazifalarini oldindan belgilab bergan. Shuningdek, Amir Temur biror yurishga chiqishdan yoki qaror qabul qilishdan oldin, albatta, mashvarat ya'ni kengashga tayangan. “Temur tuzuklari” Amir Temurning “… davlat ishlarining to’qqiz ulushini kengash, tadbir va mashvarat qolgan bir ulushini qilich bilan amalga oshirdim”, “Kuch - adolatdadir” degan so'zlari uning mamlakatni aql — zakovat va adolat bilan boshqarganligidan guvohlik beradi. Bugungi kunda yetishib chiqayotgan biz yoshlar ota-bobolarimizga munosib farzand bo'lishimiz kerak, albatta.

Bugungi kunda yoshlarimizning yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi, yuqori malakali va chuqur kasbiy bilmga ega bo'lgan istiqbolli yosh kadrlarni tayyorlash borasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 8-avgustdagi O'zbekiston Respublikasi Prezident huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasida boshqaruv kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF -5139-son Farmoni biz yoshlar uchun yangi imkoniyatlarni ochib berdi. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda yoshlarni Vatanparvarlik milliy anana va qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom barkamol avlodni voyaga yetkazish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida muayyan ishlar amalga oshirildi. Shu sababli mazkur sohadagi faoliyatni tubdan takomillashtirish maqsadida qabul qilingan Ozbekiston Respublikasining “Yoshlarga oid davlat siyosati tog'risida” gi qonuni bugungi davr talablariga mos ravishda har tomonlama barkamol, mustaqil fikrlaydigan, mamlakatimiz istiqboli uchun ma'suliyatni o'z zimmasiga olishga qodir tashabbuskor, xalq manfaati yo'lida bor salohiyatini safarbar qiladigan, shijoatli yoshlarni tarbiyalash, ularning intelektual va ijodiy salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun mustahkam huquqiy poydevor yaratdi.

2017-2021 yillarda Ozbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi demokratik davlat qurish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish borasidagi isloxatlarda yoshlar faolligini oshirish bilan bogliq bir qator yangi va muxim vazifalarni belgilab berganini aloxida qayd etish joiz.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tishim kerakki, yoshlar — bu mamlakat kelajagi. Barcha zamonlarda xalqlar tarixida yoshlar har doim asosiy ro'lni oynagan va bu bejiz emas. Chunki yoshlar faol fazilatlarga ega-adolat, jasorat, sharafga chanqoq.

Biz yoshlar zimmamizga yuklatilgan vazifani munosib ravishda hal qilish uchun endi mamlakat siyosiy hayotida ishtirok etishni boshlashimiz kerak.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Raxmatullaeva N., Ijtimoiy menejment A.Kamalov. Toshkent “iqtisod-moliya”, 2017.
2. Muxammadjonov A., Ozbekiston tarixi 7-sinf. “Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompanyasi bosh taxririyati“, Toshkent, 2017.

## JINOIY ZO’RAVONLIKNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

*Jo’rayev Z.B.*
*Mamaradjabova B.A.*
*Termiz davlat universiteti*

Maqolada zo’ravon tajovuzkor xulqning vujudga kelishiga ta’sir etuvchi omillar, tajovuzkorlikning asosiy psixologik xususiyatlari ochib berilgan, shuningdek, jinoyatchi shaxsning kelib chiqish sabablari o’rganilgan.

**Kalit so’zlar:** ehtiyoj bolalik, oila, ota-ona, deviant xulq, delikvent xulq, suidsit, muhit, xavfsizlik, tahdid, zo’ravonlik.

Zo’ravon tajovuzkor xulqning asosiy psixologik xususiyatlari shundan iboratki, ma’lum odamlar bilan muloqot qilish ular uchun o’ta muhim, aytish joiz bo’lsa, hayotini ta’minlovchi xususiyatga ega bo’ladi. Zo’ravonlikning psixologik ildizi shundaki, jinoyatchi o’z qurboniga (ko’p jihatdan ongsiz ravishda) ehtiyojlarini qondirish yoki o’zini uning ahloq to’g’risidagi tasavvurlariga mos ravishda tutish qobiliyatini yuklaydi. Zo’ravonlikka moyillik kishi hayotining ilk bosqichlarida, erta bolalikda shakllanadi va bolaning (bo’lajak jinoyatchining) o’z oilasida egallagan o’rni natijasi hisoblanadi. Bu o’rinning mohiyati uni ota-onasi yoqtirmasligi, ba’zan to’g’ridan to’g’ri undan yuz o’girishidan iborat bo’ladi. Bolaning o’z onasi rad etuvchi, yoqtirmaydigan rolida chiqsa, bunday vaziyat o’ta fojeali bo’ladi. “Yoqtirmaslik” atamasi onaning o’z bolasiga shunday munosabatini anglatadiki, farzandini avvalambor tabiiy-ovqatga, issiqlikka, tozalikka ehtiyojlarini o’z vaqtida va aniq qondirishga qodir emas, yoki istamaydi, yohud qilolmaydi. Buning natijasida bola surunkali tanqislik, o’z ehtiyojlarining doimiy qondirilmasligi vaziyatida bo’lib qoladi. Bu holat uni doimiy ravishda boshqa odamga (onasiga) qaram qilib qo’yadi, chunki faqat ugina ushbu ehtiyojlarini qondirishi mumkin. Bunday ehtiyoj saqlanar ekan qaramlik ham saqlanib qoladi. Demak, tajovuzkor-zo’ravon jinoyatchilar uchun hayotiy muhim(vital) ehtiyojlarning surunkali ravishda qondirilmasligi xosdir, shuning uchun ham ularni qondira oladigan ob’ektlarga xuddi shunday surunkali tobelik yuzaga keladi. Rad etilayotgan bola uning xavfsizligini ta’minlovchi aniq bir kishi (onasi) yuzida mujassam bo’lgan uning uchun hayotiy muhim tahdid vaziyatini yuzaga keltiradi. U go’yo so’nggi darajada yashaydi: hech qachon to`liq

Жамият тараққиёти мантиғининг ўзиёқ шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш борасида фаол иш олиб бориш зарурияти энг муҳим вазифалардан бирига айлантириб қўймоқда. Бунинг сабаби шундаки, юқоридаги вазифани ҳал қилмай туриб, жамиятни бундан буён ҳам барқарор ривожлантириб ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда инсон, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди.

Шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мақбул муносабатларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан хавфсизликнинг ҳозирги замон тушунчаси ушбу муаммонинг янги жиҳати – ахборот-психологик хавфсизлик масаласини кўриб чиқишни илгари суради. Ахборот-психологик хавфсизликни назариянинг ва ижтимоий амалиётнинг мустақил предмети сифатида ажратиб кўрсатиш ахборот муҳити маънавий соҳага таъсир кўрсатиши жараёнлари ва технологияси сифат жиҳатидан ўзига хосликка эгалиги билан ҳам боғлиқдир. Бундай ўзига хослик юқорида тилга олинган масалаларни концептуал, методологик ва услубий жиҳатдан кўриб чиқиш заруратини белгилаб беради.

Ахборот омиллари одамларнинг психикаси кўрсатадиган таъсирнинг кўлами ва қудрати ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашни ҳозирги шароитларда умуммиллий муаммо даражасига кўтаришни тақозо қилади.

Кўлами, тизим-тузилмаси турли даражада бўлган ижтимоий субъектлар тимсолида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг кўплаб турли-туман объектлари мавжудлигига қарамай, юқорида таъкидланганидек, инсон, индивид ахборот таъсирининг асосий ва бўлинмас тузилмавий элементи ҳамда марказий объекти бўлиб қолади.

Айни инсон шахс ва фаол ижтимоий субъект бўлганлиги учун ҳам унинг психикаси ахборот омилларининг бевосита ҳаракатларига дучор бўлади. Бундай омиллар унинг хулқ-атвори, ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) орқали ўзгариб, ижтимоий субъектларга, турли тизимтузилма дисфункционал таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, жамиятдаги туб ўзгаришлар шароитида инсоннинг ахборот-психологик хавфсизлиги, психологик ҳимояланганлиги ва психологик ҳимоя шаклланишининг услублари муаммоси назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ниҳоятда долзарб бўлиб бормоқда.

Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини (ушбу ҳолда шахс тушунчасидан мустақил ижтимоий фаол субъект сифатида инсон тушунчасининг синоними сифатида умумий тарзда фойдаланилади) мустақил йўналиш сифатида ахборот ва психологик хавфсизликнинг умумий масаласи тарзида ажратиб кўрсатиш қуйида келтириладиган асосий сабаблар билан белгиланади.

Биринчидан, ахборот жамиятига ўтиш, ахборот оқимлари ва ялпи ахборот муҳитининг кўламлари кенгайиши ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва тузилмаси мураккаблашиши муносабати билан унинг инсон психикасига таъсири бир неча марта кучаяди, бундай таъсирнинг суръатлари жадал ошиб боради. Бу ҳол ҳозирги замон жамиятида ижтимоий фаол субъект сифатида инсон омон қолишининг янги механизмлари ва воситаларини шакллантириш зарурлигини тақозо этади.

Иккинчидан, инсон психикасининг ахборот муҳити билан биргаликда ҳаракат қилиши сифат жиҳатидан ихтисослашуви билан фарқланади ва бошқа биологик тузилмалар, техник, ижтимоий ва ижтимоий-техник тизимлар билан ахборот биргаликда ҳаракат қилишининг ўхшаш шакли эга эмас.

Учинчидан, инсон ва унинг психикаси ахборот таъсирининг асосий ва марказий “нишони” ҳисобланади. Турли мураккабликдаги ижтимоий субъектларнинг, ҳар қандай одамлар бирлиги ва ижтимоий ташкилотларнинг – кичик гуруҳдан тортиб, то мамлакатнинг барча аҳолисигача нормал фаолият юритиши айни айрим шахсларга, уларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларига боғлиқ.

Умуман олганда халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, шахсни турли ахборот хуружлардан ҳимоя қилиш, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик масъулиятини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

# KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING LIDERLIK QOBILYATLARINI SHAKLLANTIRISH

*Ismoilova Z., Absalomov E.*
*FarDU talabasi*

**Annotatsiya:** Kichik maktab yoshi aynan shaxsning jamoaga kirishishining boshlanishi hisoblanadi. Maqolada kichik maktab yoshidagi bolalarning yosh hususiyatlari haqida so`z yuritilib, ushbu yosh bosqichidagi o`quvchilarda liderlik qobilyatlarini shakllantirish bo`yicha fikr mulohazalar bayon qilingan.

**Kalit so`zlar:** yosh davrlari, liderlik, kichik maktab yoshi, faoliyat.

**Аннотация:** Младший школьный возраст - это как раз начало вступления человека в сообщество. В статье рассматриваются возрастные характеристики детей младшего школьного возраста и даются отзывы о формировании лидерских навыков у учащихся этой возрастной группы.

**Ключевые слова:** возраст, лидерство, младший школьный возраст, активность.

**Annotation:** A small school age is just the beginning of a person's entry into the community. The article examines the age characteristics of children of primary school age and provides feedback on the formation of leadership skills in students of this age group.

**Key words:** age, leadership, primary school age, activity.

Psixologlar har bir yoshning o'ziga xos xususiyatlarini - har bir yosh bosqichini yetakchi faoliyatni, rivojlanishning ijtimoiy holatining o'ziga xos xususiyatlarini, asosiy yoshga bog'liq xususiyatlarini tahlil qilish orqali aniqlaydilar. Kichik maktab davri 6—7 yoshdan 9—10 yoshgacha davom etadi. Bu davrda uning psixikasi bilim olishga yetadigan darajada rivojlanadi.

Bolaning maktabda muvaffaqiyatli o‘qishi nafaqat uning aqliy va jismoniy tayyorgarligi, balki shaxsiy, ijtimoiy-psixologik tayyorgarligiga ham bog’liq.

Lider uchun zarur bo'lgan fazilatlarni shakllantirish boshlang'ich maktab yoshidagi bola uchun eng oson bo'ladi, chunki aynan shu yoshda o'quvchining shaxsiyati sezilarli shakllana boshlaydi.

Bir guruhda uning hajmi va katta kichikligiga qarab, odatda bitta rahbar va bir nechta lider bo`lishi mumkin. Biri - jamoadagi mehnat yoki o`qish faoliyati maqsadlarini hammadan ham aniq aniqlagani uchun ishchan lider bo`lishi, boshqasi qarorlar qabul qilish va ma`suliyatli vazifalarni yechish vaqtlarida hammaga aql o`rgatadigan intellectual lider, yana biri – turli vaziyatlarda odamlar kayfiyatini ko`taruvchi, ularni ruhan qo`llab quvvatlashga usta emotsional lider bo`lishi mumkin. U yoki bu turli liderning mavjudligi o`sha guruhdagi, real vaziyatlarga, guruhiy faoliyatning maqsadlariga bo`g`liq.Masalan, jamoada kichik maktab yoshidagi o`quvchilarda “Navro`z” bayramini o`tkazish uchun uni tashkillaydigan, bayramda asosiy faoliyatni olib boradigan unga bosh qosh bo`lib sinf rahbarining yonida yuradigan emotsional lider.Bayram o`tgandan keyin esa o`quv jarayonida ma`sulyatli topshiriq berilishi bilan o`z mavqeini boshqa

guruhdoshiga – ishchan liderga berishi mumkin.Bu hol ayniqsa kichik maktab yoshidagi bolalarda uchrab turadi.

Maktabda bolalar yoshida xulqi maktab normalariga to`g`ri kelmaydigan liderlarning borligi, ular ma‘lum guruh ichida so`zsiz obro`ga ega ekanligi ham shu bilan tushuntiriladi. Masalan, lider "ketdik" deb ko`rsatma bersa, unga ergashganlarning darsni ham tashlab keta olishi shu bilan tushuntiriladi.

SHuning uchun ham sinf rahbari o`z sinfidagi rasmiy liderlar bilan ishlash bilan cheklanmaydi, balki norismiy liderlarni ham aniqlay bilishi, ular bilan hamkorlikda ishlashi zarur. To`g`ri, ba‘zi hollarda rasmiy va norasmiy lider bir shaxs bo`lishi ham mumkin. Bu juda qulay, lekin liderlik vaziyatga bog`liq bo`lgani uchun ham ularning o`zgarib turishini hisobga oladigan bo`lsak o`qituvchining boshqarish maxorati yoki san‘ati uning norasmiy liderlar bilan samarali ishlash usulidir.

Boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarda liderlik fazilatlarini rivojlantirish va shakllantirish muammosi pedagogikada eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Ko'plab xorijiy va mahalliy mualliflar o'zlarining ilmiy asarlarida liderlik tushunchasini ham, uning turli jihatlari va turlarini ham ko'rib chiqishgan.

Ushbu sohadagi dastlabki tadqiqotlar 20-30-yillarda olimlar tomonidan olib borilgan. Makarenko, A.S. Zalujniy, E.A. Arkin va boshqalar asosan ular bolalar guruhlarida liderlik fenomeni ochib berishdi.

G. Fortunatov bolalarni quyidagi guruhlarga ajratdi: qat'iy maqsadga ega bo'lgan rahbarlar va tashkilotchilar; shaxsiy tashabbusga ega bo'lgan faollar; ijrochilar; shaxsiy hayotini o'tkazadigan yolg'izlar;[1]

D.V. Mendjeritskaya asarlarida boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarga etakchilik tajribasini va har bir bolaning shaxsiyatini ijtimoiy rivojlantirish va bolalar jamiyatida axloqiy munosabatlarni shakllantirish uchun zarur bo'lgan tajribaga ega bo'lish zarurligini ta'kidlaydi.[2]

Demak, lider - kichik maktab o'quvchisi - bu birinchi navbatda tashqi vaziyatni o'zgartira oladigan va boshqalarning faoliyatini muvofiqlashtiradigan, ularni tashkillashtiradigan va boshqara oladigan, odam.

Bugungi kunda ko'pgina psixologlarning fikriga ko'ra, liderlik fazilatlari insonga tabiat tomonidan berilgan narsa emas, balki u butun umri davomida shaxs tomonidan qo'lga kiritiladigangan narsa. Bu ko'nikmalarning aksariyati, bola yangi jamoada y`ni sinfda bo`lgandaa kichik maktab yoshida shakllanadi.O`quvchining xatti-harakatlarida har xil liderlik fazilatlarining namoyon bo`lishini kuzatish mumkin, masalan, maqsadga muvofiqlik, muloyimlik, qat'iyatlilik va boshqalar. Bu davrda eng muhimi, bu fazilatlarni namoyon etishni kutish emas, balki, kelajakda u haqiqiy va eng muhimi, muvaffaqiyatli liderga aylanishi uchun bolaga ularning rivojlanishida yordam berishdir.

---

[1] Менджерицкая, Д.В. Творческая игра как средство нравственного воспитания [Текст] / Д.В. Менджерицкая. - М.: Учпедгиз, 1963 – 192 с.

[2] Залужный, А.С. Детский коллектив и методы его изучения[Текст] / А.С. Залужный – М.: тип. им. Евг. Соколовой, 1931 – 145 с.

**ADABIYOTLAR**

1. Z.T.Nishanova, N.G.Kamilova, D.U.Abdullayeva, M.X.Xolnazarova "Rivojlanish Psixologiyasi.Pedagogik Psixologiya"- TOSHKENT - 2018 (315-bet)
2. V.M.Karimova "Ijtimoiy psixologiya"- Toshkent-2012, 118-b.
3. Менджерицкая, Д.В. Творческая игра как средство нравственного воспитания [Текст] / Д.В. Менджерицкая. - М.: Учпедгиз, 1963 – 192 с.
4. Залужный, А.С. Детский коллектив и методы его изучения[Текст] / А.С. Залужный – М.: тип. им. Евг. Соколовой, 1931 – 145 с.

## YOSHLAR SALOMATLIK PSIXOLOGIYASIDAN XABARDORMI?

*Ismailova N.I.*
*Namangan Davlat Universiteti o'qituvchisi.*

**Annotatsiya:** Inson qo'qqanida immun tizimi pasayadi. Qo'rquv va depressiya, vaximaga tushish kasallikning og'ir kechishiga sabab bo'ladi. Maqolada salomatlik psixologiyasi, ruxiy xotirjamlik sirlari atroflicha yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** salomatlik psixologiyasi, ruhiy holatlar,psixik jarayonlar, psixologik salomatlik va ortobioz, oqilona turmush tarzi, psixologik gigiena.

Psixologiya fanida salomatlik psixologiyasi bo'limi mavjudki, u salomatlikka eng avvalo, inson ongi va tafakkurining in'ikosi sifatida qaraydi. Demak, har birimiz uchun zarur bo'lgan sog'ligimiz nzfaqat tibbiyot fanining, balki psixologiyaning ham izlanish predmetini tashkil etadi. Bu esa hozirgi pandemiya sharoitida bilishimiz muxim bo'lgan ma'lumotlardir.

Xo'sh psixologiya salomatlikni inson fe'li, xulq-atvori va turli psixologik holarlari nuqtai nazaridan o'rganganda asosan nimalarga e'tiborni qaratadi? Har birimiz uchun sirday tuyilgan ruhiyatimizning o'zimizni sog'-salomat, beshikast va tetik xis qilishimizga aloqador qanday jihatlari bor? Uni boshqarish orqali o'z boyligimiz-salomatligimizni saqlash borasida qo'limizda qanday imkoniyatlar mavjud? Salomatlik psixologiyasi har birimizga o'z ruxiy xolatimizni boshqarish, ongu shuurimizda ro'y berayotgan o'zgarishlarni vaqtida ilg'ash orqali uni mo'tadil tutish, o'zgaruvchan shart-sharoitlarga moslashish yo'llarini, bu boradagi profilaktika hamda foydali amaliyot sifatida tobora hayotimizga dadil kirib kelmoqda. U salomatligimizga aloqador jamiki sir-asrorlarni tushuntirishda eng avvalo falsafiy yondashuvni afzal ko'radi, zero, bizning tushunchamizda, bu-tabiatga, jamiyatga, ruxiyatimizda ro'y berayotgan o'zgarishlarga xolis yondashishning bir usulidir.

Psixologik salomatlikka taxdid soluvchi omillarga eng avvalo quyidagilarni kiritish mumkin:

- Fe'l-atvorda salbiy sifatlarning ustivorligi;
- Axloqiy unsurlar, qusurlar;
- Hayotiy mo'ljallarning noto'g'ri tanlanganligi;
- Turmush tarzining pala-partishligi;

- Intellectual saloxiyatning pastligi;
- Muomala madaniyatining pastligi;
- Suygan mashg‘ulot bilan shug‘ullanmaslik;

Bularning barchasi aslida kelib chiqish nuqtai nazaridan organizmimizdagi fiziologik, biologic jarayonlardan ko‘ra, bevosita shaxsimizga bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy omillarning xususiyatidan kelib chiqadi.

Psixik salomatlik masalasi ko‘rilayotganda uni baxolash mezonlari o‘rta muximdir, ya’ni bu – ruxiy salomatlik qachon ko’ngildagiday bo‘ladi, degan masala. Albatta, bu eng murakkab savollardan biri. Shunga qaramay, ilmiy manbalarda ruxiy salomatlikni baxolash uchun uning ayrim namiyon bo‘lish shartlari keltiriladi. Ular orasida psixologik muvozanat, o‘zaro muvofiqlik mezoni aloxida kasb etadi. Bu mezonlar yordamida inson psixologik kechinmalaridagi, ya’ni, bilish, xissiy-emotsional, irodaviy soxalardagi o‘zgarishlarning xususiyatlari borasida fikr yuritish mumkin.

Shaxs taraqqiyotidagi aksariyat nuqson, qusurlar, kamchilik va muammolar uning ijtimoiy muhit bilan bilan bo‘ladigan munosabatlardagi buzilishlar, og‘ishlarga bog‘liq bo‘ladiki, u odamning tashqi muxitga moslashuvi qiyin kechishi yoki ziddiyatlarning ortib borayotganida ko‘rinadi. Ya’ni odam hamma bilan ham til topisha olmasa, o‘zini ayniqsa, yangi sharoitlarga ko‘niktira olmasa, ruxiyati tushkun xolatga kelib qolishi mumkin. Masalan, karona virus kasalligi haqidagi turli qarashlar, vahimali shov- shuvlar insonda qo‘rquv va xavotirni keltirib chiqaradi. Bu esa uning ruxiyatidagi muvozanatlanganlikning sifatiga bog‘liq bo‘ladi. Demak, amaliyotchi inson salomatligini muxofaza qilish borasida qayg’urganda, shaxsni o’rab turgan ijtimoiy muxitning xususiyatlariga e’tiborni qaratishi lozim.

Moslashuvchanlik past, muvozanati kuchsiz shaxslarda eng avvalo uning shaxsiy mavqeyida buzilishlar, beqarorlik, xatoliklar kuzatiladi, odam serzarda, asabiy va urishqoq bo‘lib qoladi. Aksincha tashqi muxitga moslashuvchan, psixik xususiyatlarda muvozanati mavjud shaxslar o‘zgaruvchan muxitning ta’siriga ozidagi barqarorlik, sabr-qanoat bilan javob berib, har qanday sharoitda ham o‘zligini yo‘qotmaydi, yangi tanishlar, kasbdoshlar, kursdoshlar, qo‘ni- qo‘shnilar bilan tez til topishib ketadi. O‘zini har qanday sharoitda erkin xis qilish, o‘zini o‘sha muxitning teng huquqli a‘zosi sifatida idrok qilish, salomatligining ham mo’tadilligini ta’minlaydi.

Inson salomatligiga aloqador psixik jarayonlar to‘g‘risida gap ketganda, odatda quyidagilar e’tirof etiladi; ko‘rgan kechirgan sub’ektib obrazlarning ob’ektiv olamning ko’rinishlariga mos kelishi; o‘z-o‘zini adekvat idrok etishi; predmetlarga diqqatning aniq yo‘nalganligi; axborotlarning xotirada yaxshi saqlanishi; ma’lumotlarni mantiqan qayta ishlash qobiliyati; kreativlik (ijodkorlik, tafakkurning tanqidiyligi, intellektdan unumli oqilona foydalana olish); o‘zligini anglash; aqlning tartibliligi (fikrlarni boshqarish qobiliyati); Bu sifatlar ko‘rib, eshitib, sezib, diqqat qilib tashqi olamni qabul qilishda namoyon bo‘ladi. Shuning uchun ham eskilarda shunday dap bor: odam o‘zini yazshi xis qilishi, tani sog’ bo‘lishi uchun nafaqat o‘zini, balki ko‘zini yomonliklardan va xunik manzaradan, qulog’ini yomon so‘z, janjallardan, og‘zini xarom luqmadan asray bilishi lozim.

Zero, hadisiy manbalarda ham ta'kidlanganidek, quloq va ko'zlar eng unumli, eng kerakli a'zolardir.

Ilmiy manbalarda tez-tez uchrab turadigan "ortobioz" so'zining asl moxiyati oqilona, ya'ni aql bilan tashkil etilgan turmush tarzini bildiradi. Demak, aslida odam o'z ruxiy xolatining "kalitini" bilishi, kerak bo'lsa, u yoki bu hastalikning, ruhiy iztiroblarning oqibati bo'lmish xolat nima tufayli kelib chiqayotganini bilgan holda o'ziga, o'sha ruxiy holatning kechishiga ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ya'ni o'z ruxiy imkoniyatlarini boshqara olishi, o'zidagi aql va farosatning intizomi tizginini qo'liga ola bilishi lozim. Buning uchun biz ilk yoshlikdan farzandlarimizni ongli va faol tarzda hayot kechirish, o'z-maqsad muddaolarini teran tasavvur etishga va shu orqali madaniy turmush kechirishga o'rgatishimiz kerak. Aks holda odamda atrof-muhit ta'siriga tobe bo'lish psixologiyasini keltirib chiqaradiki, buning oqibatida u ruxiy iztiroblardan qutilish uchun turli ekstrosenslar, folbinlar, gipnoz qiluvchilarga yuguradigan, faqat najotni o'shalardan kutadigan bo'lib qoladi. Bunday munosabatlarning surunkali odatga aylanishi esa uning o'ziga bo'lgan ishonchini butunlay so'ndiradi, oxir-oqibat o'z taqdirining egasi bo'lmay qoladi.

Oqilona turmush tarzini tashkil etishda quyidagilar nazarda tutiladi:

- O'zgaruvchan sharoitlarga moslashuvning yuqori darajasi;
- Vazmin, ruhan bosiqlik bilan ishlash mahorati;
- Ijtimoiy optimism- kelajakka, yaxshilikka, o'ziga ishonch;
- Odamlar mehnatining samaradorligiga ishonch;
- Sog'lom ma'naviy – psixologik muhitni shakllantirish va uni omilkorona boshqarish.

"Aksariyat odamlar baxtli bo'lishni astoydil niyat qilganliklari uchun baxtlidirlar "

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Hayot kitobi: Yosh oilalar ushun ensiklopedik qo'llanma. -T.: "Sharq", 2011

2. Oilada farzand tarbiyasi. Usmonxon Alimov; T.; "Movorounnahr" 2017

3. Oila psixologiyasi

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ҚИЗЛАРНИНГ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИДА ҲАЁТ ВА ТУРМУШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Исроилов А.*

*Фарғона ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати спорт психологи.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида ёш авлодни баркамол, ақлан етук, руҳан ва жисмонан соғлом этиб миллий қадирятларимиз асосида ҳаётга ва турмушга тайёрлашга жудда

ката эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш республика маркази ташкил этилишининг кўзда тутилганлиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш шунингдек,оилани жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари каби юртимиздаги маънавий узгаришлар билан уйғун тарзда, миллий қадирятларимиз асосида ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг мухим йуналиши сифатида доимий эътибор бериб келинмоқда.

Жумладан,Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамият ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш,маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш ҳамда Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020-йил 18-февралдаги ПФ-5938-сон Фармони хамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020-йил 18-февралдаги ПК-4602-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамасининг бир қатор қарорлари бунга ёркин мисол бўла олади.

Глобаллашув жараёнида ёшларимизни оммавий маданият таъсиридан ҳимоялаш, уларни онгини ғарб минталитетидан ҳимоялаган ҳолда,шарқона урф-одатлар, миллий қадриятлар, юксак маънавиятга бой бўлган фикрлар билан бойитиб бориш олдимизда турган долзарб масаладир.

Ҳеч биримизга сир эмаски сўнгги йилларда қизларни ёмон йўлга кириб кетишлари, қизлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари, миллийликдан чекинган ҳолда оммавий маданиятга мос равишта кийинишлари ва ёш оилаларда ажирим ҳолатлари жудда ҳам кўп учираётганлиги барчамизни бирдек ташвишга солмоқда. Ўз навбатида қизларни бундай ҳолатларга тушиб қолишларга нима сабаб бўлмоқда деган савол пайдо бўлади. Ушбу саволга жавоб берадиган бўлсак, қизларни бундай ачинарли ҳолатларга тушиб қолишларига биринчи ўринда оиладаги тарбия қолаверса, глобаллашув жараёнида оммавий маданиятни ёшлар ҳаётига шиддат билан кириб келиши, бозорларимизни ғарб минталитетига хос бўлган кийимлар билан тўлиб бораётгани, ижтимоий тармоқлар ва телевидения орқали намоиш этилаётган турли ҳил сериалларсабаб бўлмоқда десак асло муболаға бўлмайди.

2010-2017 йиллар оралиғида Фарғона вилоятидаги никоҳни бекор қилиш ҳолатларига назар соладиган бўлсак, статистик маълумотлар шуни кўрсатадики:

2010 йилда 1473 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 968 таси шаҳарга 505 таси қишлоққа тўғри келади.

2011 йилда 2054 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 1371 таси шаҳарга 683 таси қишлоққа тўғри келади.

2012 йилда 1703 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 1149 таси шаҳарга 554 таси қишлоққа тўғри келади.

2013 йилда 2439 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 1623 таси шаҳарга 816 таси қишлоққа тўғри келади.

2014 йилда 2958 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 1973 таси шаҳарга 985 таси қишлоққа тўғри келади.

2015 йилда 3109 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 2079 таси шаҳарга 1030 таси қишлоққа тўғри келади.

2016 йилда 3283 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 2128 таси шаҳарга 1155 таси қишлоққа тўғри келади.

2017 йилда 3498 та никоҳ бекор қилинган бўлиб шундан 2158 таси шаҳарга 1340 таси қишлоққа тўғри келади.

Юқоридаги статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак ажирим ҳолатлари 2010 йилдан 2017 йилга қадар ҳар йили сезиларли даражада ортиб борганини кўришимиз мумкин. Яна шу жихати аҳамиятлики ажирим ҳолатларини асосий қисми шаҳардаги оилаларга тўғри келмоқда. Ушбу ҳолатлар шундан далолат берадики глобаллашув жараёнида оммавий маданият енг аввало қишлоқларга эмас шаҳарларга кириб келади.

Шунингдек, миллийлик, шарқона қарашлар, соф Ўзбекона урф-одатлар шаҳар оилаларига нисбатан қишлоқ оилаларида мустаҳкамроқ сақланиб қолган. Чунки қишлоқда тун қорайиши билан қиз ва аёллар ташқарига чиқмайдилар, шаҳарда қай бир тунги кулубларга кирмен қизлар ва аёллар билан тўлган бўлади қишлоқ қизлари, қишлоқ аёллари уй юмушлари ва деҳқончилик, чорвачилик ишларидан ортиб ижтимоий тармоқларда ўтиргани вақти бўлмайди. Қишлоқ аёлларида шаҳар аёлларидек кир ювиш учун автомат машина, нон пишириш учун духофка, уй тозалаш учун плисос йўқ акснча уларда кир ювиш тоғораси, миллийлигимизни акс эттирувчи тандир ва супурги бор. Тўғри замон жадаллик билан ривожланиб, тараққий этаётган ахборот технологиялари асрида яшамоқдамиз лекин «Инсонга қанчалик енгиллик яратилгани сари шунчалик масъулиятсизлик даражаси ортиб боради». Ҳозирги кунда ижтимоий тармқолар ва телевидениялар орқали реклама қилинаётган ғарб минталитетига ҳос брендлар қизларимизни энг сўнгги модадаги чет эъл либосларини кийишга тарғиб этаётган бўлса, намоиш этилаётган чет эъл сериаллари эса турмуш ўртоқ, қайнона ва қайнота билан тенгма-тенг олишиш, оилага, фарзандга бефарқликни тарғиб қилмоқда.Бу эса ўз новбатида оиладаги можарога сабаб бўлмоқда ва бу ҳолат аксарият ҳолларда ажрим билан якунланмоқда.Инсон ижтимоий муҳитдан қабул қилиб олаётган жамики ахборот унинг онг остига жойлашиши ва инсон бе ихтиёр ўша жараёнга интилиши ҳеч бир психологга сир эмас. Ҳозирги ёш болаларга этибор берадиган бўлсак, улар эртак эшитмай қўйдилар, мултфилим кўрмай қўйдилар, ўз минталитетимизга ҳос бўлган миллий ўйинларни ўйнамай қўйдилар буларнинг асосий сабабчиси албатта бу ҳозирги ёш оналардир. Бунинг сабаби шуки фарзандга она эътибори, она алласи, она тарбияси керак ва зарур бўлган пайтда ёш оналар серал кўриш билан ёки ижтимоий тармоқлар билан банд бўлмоқдалар, болага уй вазифасини тайёрлашга ёрдамлашиш ўрнига фарзандни олдига олиб биргалашиб сериал кўрмоқда. Бундай шароитда улғайган боланинг ҳулқида, тарбиясида, ўқишида салбий оғишлар бўлмаслигига келажакда турмуши чиройли бўлишига ҳечким кафолат беролмайди.

Жамиятни бўғини бўлмиш оилаларни мустаҳкамлигини сақлаш, қизларимизни юуқоридаги салбий иллатлардан асраш ва миллий қадирятларимиз асосида ҳаётга ва турмушга тайёрлаш олдимизда турган жиддий ва долзарб масала эканини инобатга олган ҳолда, четдан кириб келаётган товарлар, бозорлар, телевидениялар, тунги кулублар, ФҲДЁ органлари ва оила институтлари тубдан ислоҳ этилиши лозим.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш жоизки қизларни миллий қадирятларимиз асосида ҳаётга ва турмушга тайёрлашни энг аввало оилалардан бошлаш лозим.

-Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида оилавий психологик маслаҳат марказлари ташкил этган ҳолда аҳолига психологик йордам кўрсатиш;

-ФҲДЁ органлари қошида ёшларни турмушга тайёрлаш учун психологик курслар ташкил этиш ва шу психологик марказ томонидан тақдим этилган рухсатнома асосида никоҳга рухсат бериш;

-Барча таълим муассасаларида қизларни миллий қадирятларимизни акс эттирувчи либосларини жорий этиш, қизлар иштирокида миллийликни тарғиб қилувчи тадбир ва кўрик танловларни кўпроқ ташкил этиш, шунингдек, юқори синф ўқувчилари учун оила писхологияси дарс соатларини кўпайтириш;

-Ёшлар ҳаётида миллий театр намоишларини кескин ошириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва кино кўриш маданиятини шакиллантириш;

-Телевидениялар орқали ғарб минталитетига ҳос бўлган кино, сериал ҳамда рекламаларидан чекинган ҳолда миллий қадирятларимизни акс эттирувчи реклама ва миллий сериалларни кўпроқ тақдим этиш;

-Кўчаларда қизлар билан боғлиқ миллийликни акс эттирувчи баннерлар сонини кўпайтириш лозим.

Буларниинг сабаби шундан иборатки юқорида ҳулоса сифатида бериб ўтилган жамики таклифлар ижтимоий муҳит ҳисобланиб, ҳар қандай инсонни ижтимоий муҳит ўз домига тортади.Шундай экан ижтимоий муҳитни ўзгартириш орқали нафақат қизлар балки, барча ёшларни тарбиялашда улкан натижаларга эришишимиз мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.’’Оила психологияси’’ Г.Б.Шоумаров Тошкент 2010.
2.’’Оила психологияси асослари’’ В.Каримова Тошкент 2009.
Интернет сайтлар
1.Lex.uz
2.Statistika.uz

# OILAVIY NIZOLAR, AJRALISH, UNING SABAB VA OQIBATLARI

*Istamova Z.R.*
*Buxoro viloyat Peshko' tuman Sanoat kasb- hunar kolleji psixologi*

Oilaviy nizolarning eng xarakterlilaridan biri bu er va xotin o'rtasidagi nizolardir. Xo'sh, eng ezgu niyatlar bilan bir-birla- rini sevib oila qurgan yoshlar nega oila qurishgandan keyin ularning o'zaro munosabatlarida nizo-janjallar ro'y beradi? Ular nima uchun urushadilar? Umuman er-xotinlik hayotida nizolarsiz, urush-janjallarsiz ham yashasa bo'ladimi? Bu kabi savollarni yana ko'p davom ettirish mumkin.

Xalqimizda bir gap bor: oshsiz uy bo'lishi mumkin, lekin nizosiz uy bo'lmaydi. Faqat, nizoning nizodan farqi bor. Bu haqda quyida batafsil to'xtalib o'tamiz.

Haqiqatdan ham ilk bolalikdanoq ko'plab ertaklar eshitib, keyinchalik o'zlari ham ularni turli kitoblardan o'qib o'sgan yoshlar o'zlarining bo'lajak oilaviy hayotlarini adekvat tasavvur eta olishlari mushkul. Chunki ertaklarda ham, kinofilmlarda ham qahramonlar bir-birlariga yetishgunlariga qadar ne-ne mashaqqatlarni, zahmatlarni boshlaridan kechirib, bu yo'lda duch kelgan qora kuchlarni yengib, oxir-oqibatda visolga erishadilar, el-u yurtga «qirq kecha-yu qirq kunduz to'y berib, murod-maqsadlariga erishadilar». Deyarli barcha ertaklar, filmlar, ayniqsa, bizning yoshlarimiz, qizlarimiz sevib tomosha qiladigan hind filmlari, aksariyat hollarda shu tariqa yakun- lanadi. Bunga sizlar ham ko'p martalab guvoh bo'lgansiz- lar.

Bundan tashqari aksariyat muvaffaqiyatli oilalarda tarbiya topgan yigit-qizlar o'z ota-onasi oilasini, ularning turmush tarzini, bir-birlarga nisbatan bo'lgan o'zaro munosabatlarini va qator shu kabilarni o'zlarining bo'lajak oilaviy hayotlari uchun ideal deb olishadi va ular ham oila qurishganlaridan so'ng o'g'il bolalar xuddi o'z otasidek va qizlarimiz o'z onalaridek «ota», «ona», «er», «xotin» bo'lishni orzu qiladilar. Chunki ular o'z ota-onalari misolida, bir-birlariga nisbatan salbiy muno- sabatda bo'luvchi, bir-birlari bilan nizolashib turuvchi er-xotin- larni ko'rmaganlar. Mabodo bunday vaziyatlar va nizolar yuzaga kelib qolgudek bo'lsa ham ularning ota-onalari bu holatni farzandlariga sezdirmaslikka harakat qiladilar. Bundan tashqari ommaviy axborot vositalari orqali namunaviy ahil, baxtli oilalar haqida berib boriladigan materiallarda ham aksariyat hollarda er-xotinlik munosabatlarini bir yoqlama, faqat yaxshi tomondan ko'rsatish an'analari mavjud. Bularning hammasi yoshlar- da oilaviy hayot haqida bir yoqlama ijobiy tasavvurlarning shakllanishiga asos bo'ladi.

Shunday ertakmonand tasavvurlar, orzular og'ushida oila qurgan yoshlar, o'zlarining oilaviy hayotlarida dastlabki muam- molarga duch kelishlari bilanoq, ularning oilaviy hayotlari o'zlari kutganlaridek bo'lmayotganligi, turmush o'rtog'ini tan- lashda «xato qilganligi», ular oldingi (to'ydan oldingi) holatiga nisbatan ma'lum darajada (albatta) «salbiy» tomonga o'zgarib qolganligi kabilarni «tushuna» boshlaydilar. Shuningdek, yosh oilada er-xotinlarning o'zaro

munosabatlari rivojlanishining o‘ziga xos qonuniyatlari, ayniqsa, yosh o‘zbek oilasida uning etnik, hududiy xususiyatlaridan kelib chiqqan holda yosh kelin va kuyovning yangi ijtimoiy sharoitlarga moslashishi jarayoni bilan bog‘liq qiyinchiliklar er-xotin munosabatlarida nizoli vaziyatlar va nizolarni yuzaga keltirishi mumkin.

Afsuski, bunday jarayonlar deyarli har bir oila uchun muqarrar bo‘lgan va aksariyat yoshlar oila qurish arafasida o‘z nikohlaridan kutmagan jarayonlardir.

Xo‘sh bu jarayonlar, ya’ni er-xotin nizolari kerakmi? Ular er-xotinning o‘zaro munosabatlariga qay darajada ta’sir etadi? O‘tmish donishmandaridan biri haqli ravishda er-xotin nizola- rini garmdoriga qiyoslagan ekan. Garmdori achchiq, lekin u me’yorda bo‘lsa ishtahani ochadi, me’yoridan ortib ketsa, og‘iz, lab, tilni kuydirishi, noxush hissiyotlarni yuzaga keltirishi mumkin. Nizoli vaziyatlar har qanday oilada u yoki bu darajada yuzaga keladi. Oila qanday bo‘lishidan qat’i nazar nizolar- dan mutlaqo xoli (himoyalangan, kafolatlangan) bo‘la olmaydi. Chunki oiladagi shaxslararo munosabatlar odatda nizosiz bo‘lmaydi. Bu nizolar ma’lum darajada er-xotin munosabatlarini rivojlantiruvchi katalizator vazifasini o‘taydi. Lekin nizo- ning nizodan farqi bor. Ular kelib chiqishi, tashqi ifodalanishi, takrorlanib turish tezligi (soni) va nihoyat oqibatlariga ko‘ra bir-birlaridan farqlanadi. Biror-bir maxsus mezon yo‘qki, shunga asosan nizolarning qaytalanishi, kuchi, darajasi va boshqa ma’lumotlari (ko‘rsatkichlari)ni aniq belgilab berish (olish) mumkin bo‘lsa. Bunda hamma narsa subyektning o‘zi- ga, uning shaxsiy, psixologik xususiyatlariga, yoshiga, jinsiga, uning qo‘yilishiga, nizoning qanday idrok qilinishi va boshqa omillarga bog‘liq bo‘ladi.

Ma’lumki, bir-birlariga aynan o‘xshash, mos ikki odamning bo‘lishi mumkin emas, chunki shaxs va uning individualligi takrorlanmasdir. Shunday ekan ikki va undan ortiq shaxsdan (individ)dan tashkil topgan oila ham ikki, uch karra takrorlanmasdir. Bir oila uchun me’yorida bo‘lgan shaxslararo munosabatlar tizimi, ikkinchi bir oilaga mutlaqo mos kelmasligi, yoki biron-bir oila uchun u qadar ahamiyatga ega bo‘lmagan nizo va uning sababi boshqa oila a’zolarining o‘zaro munosabatlarida jiddiy oqibatlar olib kelishi mumkin va hokazo.

Shunday ekan jamiki oilalarga xos bo‘lgan nizolar va ularning sabablarini yagona bir o‘lcham yoki xarakteristika bilan ko‘rsatib berish masalasi ham mantiqqa to‘g‘ri kelmaydigan ishdir. Lekin turli toifadagi oilalarni o‘rganish, ular a’zolarining o‘zaro munosabatlarini taqqoslash va shu kabilar asosida ayrim nisbiy xulosalarga, mulohazalarga kelish mumkinki, shu nisbiy- likdan har bir odam o‘zi uchun nisbatan «tegishli» xulosalar chiqarib olishi lozim bo‘ladi. Shuning uchun, biz quyida oilaviy munosabatlar, oiladagi nizolar haqida fikr yuritar ekan- miz, ularning barcha oilalarga mutlaq tegishli bo‘lishligini (ekanligini) da’vo qilolmaymiz. Quyidagilar ham bizning nisbiy mulohazalarimizdir. Oilada yuzaga kelish ehtimoli bo‘lgan nizo-janjallarning sabablarini aniqlash va ularning oldini olish masalalarini ijobiy hal qilish uchun birinchi navbatda ularni kimlar o‘rtasida yuz berayotganligini farqlab olish maqsadga muvofiqdir.

Oilaviy nizolarda kimlar ishtirok etayotganiga ko‘ra ularni quyidagicha asosiy turlarga ajratish mumkin:

- er-xotin o‘rtasidagi nizolar;

- qaynona-kelin o‘rtasidagi nizolar;
- qaynona-kuyov o‘rtasidagi nizolar;
- ovsinlar o‘rtasidagi nizolar;
- ota-onalar va farzandlar o‘rtasidagi nizolar.

Albatta, bu ro‘yxatni yanada davom ettiraverish mumkin, lekin biz hozircha shu yuqorida keltirilganlar bilangina kifo- yalanib, oilaviy hayotda ro‘y berish ehtimoli nisbatan yuqori bo‘lgan nizolarning eng asosiysi bo‘lmish er-xotin o‘rtasidagi nizolarning ayrim xususiyatlarini ko‘rib chiqish maqsadga mu- vofiqdir.Oilaviy nizolar jamiyatda o’zi illi turga bo’linadi, ajratuvchi va biriktiruvchi nizolarga.

Biriktiruvchi nizolarning yuzaga kelishiga asos bo‘lgan muammolar va ularning hal qilinishi ham erning, ham xotinning, butun oilaning manfaatlariga qaratilgan bo‘ladi. Agar ular hal etilsa, buning oqibatida oilaning umumiy manfaatlariga oid muammolar o‘z yechimini topadi. Bunday nizolarga oiladagi

tartib, intizom, ozodalik, oila budjetini yuritish, saranjomlik, tejamkorlik, isrofgarchilikka yo‘l qo‘ymaslik, bola tarbiyasi va boshqa shu kabi toifadagi nizolar misol bo‘la oladi. Ular asosan er-xotin o‘rtasidagina yuzaga keladi, ularning ishtirokchilari ham faqat er-xotinlarning o‘zlarigina hisoblanadilar.

Bunday nizolarning muvaffaqiyatli hal etilishida er-xotin- larning bir-birlarini yanada yaqinroq bilib, tushunib, bir-birla- rining salbiy va ijobiy xususiyatlarini o‘rganib borish, bir-bir- lariga moslashish, muammolarni hal etish borasida hamkorlik qilish kabi oilaviy hayot mustahkamligini ta’minlashga xizmat qiluvchi jarayonlar amalga oshadi. Boshqacha qilib aytganda, bunday nizolar «er-xotinnnig urushi — doka ro‘molning qu- rishi» kabi nizolar toifasiga kiradi. «Doka ro‘molning qurishi» er-xotin o‘rtasidagi hamkorlikni rivojlantiradi.

Ajratuvchi nizolarda ularning yuzaga kelishiga asos bo‘lgan muammo va uning yechimi er-xotinlardan birining manfaatiga qaratilgan bo‘ladi. Bunday nizolarda bir tomon manfaatining hal etilishi ko‘pincha, ikkinchi tomon manfaatining boy beri- lishi hisobiga amalga oshadi. Masalan, erni yoki xotinni shaxsan o‘zi uchun biron nima xarid qilishi, erning yoki xotin- ning ishi tufayli, o‘zbek oilasi uchun xarakterli bo‘lgan nizolar- dan bo‘lmish er yoki xotinning qarindosh-urug‘lari bilan bo‘ladigan munosabatlar tufayli yuzaga keladigan nizolar shular jumlasiga kiradi. Bunday nizolarning hal qilinishi, ya’ni bir tomon manfaatlarining qondirilishi ko‘pchilik holatlarda ikkinchi tomon manfaatlarining boy berilishi hisobiga amalga oshadi. Bunday vaziyatlarda manfaati boy berilgan tomonda norozilik, e’tiroz saqlanib qoladi va bu keyinchalik yana kuchayib navbatdagi nizoni yuzaga kelishiga asos bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Ajratuvchi nizolarda, nizo hal etilgani bilan, nizoli vaziyat saqlanib qolaveradi.

Shuningdek, ajratuvchi nizolar ularni yuzaga keltirgan sabablar bevosita er-xotinlarning o‘zaro munosabatlari doirasi- dan tashqaridagi omillarga ham bog‘liq bo‘ladi. Ularning sababchilari va ishtirokchilari ham ba’zan er-xotindan tashqari uchinchi odam bo‘lishi mumkin, ularning hal etilishi ham er- xotinlarning o‘zlarigagina emas, balki shu uchinchi (boshqa) odamga bog‘liq bo‘ladi. Bularning oqibatida nizolarni yanada kuchayishi, soning ortishi kuzatiladi

Ajratuvchi nizolar, aksariyat hollarda «chegaralanmagan» nizolar bo‘lib, o‘z

xarakteri, ishtirokchilari, hal etilishi va oqi- batlariga koʻra er-xotin munosabatlari doirasidan chetga chiqa- di. Bunday er-xotin nizolariga oilaning boshqa a’zolari: qaynona, qaynsingil, ovsinlar va boshqalar ham aralashadi.

Er yoki xotin bir-birlari bilan urishib qolganlaridan soʻng bu haqda uchinchi bir odamga gapiradigan boʻlsa, imkon qadar shu nizoda oʻzini aybsiz, haq qilib koʻrsatishga, shu uchinchi odamni uning manfaatlarini himoya qilishiga ogʻdirib olish maqsadida bir yoqlama gapiradi. Bunda subyekt foydalanadi- gan gap-soʻzlar, ohang, imo-ishora, mimika, urgʻu va boshqalar deyarli barcha verbal va noverbal vositalar roʻy berib oʻtgan hodisa (nizo-janjal)ning asl holatiga qaraganda boʻrtti- ribroq idrok etilishini ta’minlaydi. Nizo haqida qanchalik koʻp odamga gapirib beraverilgan sayin, u ayanchli tus olgan holda avj olib boraveradi va oqibatda fojiali natijalarga ham olib kelishi mumkin

Shunday ekan, oilaviy hayotda roʻy berishi mumkin boʻlgan nizolarga birdek salbiy jihatdan qarayverish ham, yoki ularni birdek oqlash ham maqsadga muvofiq emas. Yoshlarimiz oilaviy hayotda roʻy beradigan biriktiruvchi nizolarga tayyor boʻlishlari, ularni biriktiruvchilik, er-xotinni bir-birlariga moslashuvlariga, ularning oʻzaro munosabatlarining rivojla- nishini ta’minlovchi, ularning har ikkalovining ham, ya’ni «biz»ning manfaatiga qaratilgan nizolarning biriktiruvchanlik imkoniyatlaridan samarali foydalanishga, ularni salbiy oqibat-larga olib keluvchi nizolarga aylantirib yubormaslikka oʻrga- nishlari lozim. Albatta ajratuvchi «men» xarakteridagi «chega- ralanmagan» nizolarni oldini olish, uning oqibatlaridan voqif boʻlishlari ham maqsadga muvofiq.

Ya’ni ajralish jamoatchilik fikriga koʻra qoralanadi. Buning ustiga oʻzbek oilalarida qarindosh- urugʻchilik nikohlari boshqa qardosh millatlar oilalariga qara-ganda koʻproq uchraydi. Mabodo bunday oilalarda er-xotin munosabatlari kutilgan tarzda rivojlanmasa, ya’ni ular nizo- janjalli, bir-birlarini tushunmaydigan, bir-birlariga mos tush- maydigan, psixologik qovusha olmaydigan boʻlsalar ham «oila buzilmasin», «qarindosh-urugʻchilik uzilmasin» qabilida ish tutib, qanday qilib boʻlmasin oilalarni saqlab qolishga harakat qilinadi.

Hozirgi vaqtda nikoh-oila munosabatlari zaminida yuzaga keladigan noxush hodisalar, har xil asab buzilishlar kasalliklaming kelib chiqishi, har xil jinoyatlar, qotilliklar, oʻz joniga qasd qilish, xiyonat, bolalar tarbiyasining buzilishi va shu kabi qator koʻngilsizliklarning aksariyati shu 3-toifa oilalariga toʻgʻri keladi. Shuning uchun ham nafaqat yoshlarimiz balki faoliyati bevosita nikoh-oila muammolari bilan bogʻliq boʻlgan mu- tasaddi xodimlar, mahalla, hokimiyat vakillari, katta yoshdagi- lar ham hozirgi zamon oilasining ijtimoiy psixologik xusuiyat- lari, er-xotin nizolari, oilaviy nizolar psixologiyasi haqida te- gishli ma’lumotlarga ega boʻlishlari maqsadga muvofiqdir. Yoshlarimiz esa er-xotin nizolarini jiddiy, ayanchli oqibatlarga olib keluvchi: ajratuvchi «men» xarakteridagi «chegaralanmgan» turlaridan ogoh boʻlishi, oʻz hayotlarida shu toifa nizolarning yuzaga keltirmaslik, ularning oldini olish va bartaraf etish borasida zarur boʻlgan bilim va ma’lumotlarga ega boʻlishlari lozim.

# YOSHLAR VA OILA PSIXOLOGIYASI

*Ishchanova S.Sh.*
*Xorazm viloyati Hazorasp tumani 3-son maktabgacha ta'lim tashkiloti rahbari*

Mustaqillik yillarida yoshlarni oila va unda saqlanib kelayotgan azaliy qadriyatlar ta'sirida axloqan tarbiyalash muammosi koʻplab nazariy va empirik izlanishlar predmetiga aylanmoqda. Zero, bunday yondashuv oʻtmish allomalarning falsafiy-gʻoyaviy qarashlari, oila va oilaviy tarbiya masalalariga bagʻishlangan oʻgitlari; ma'no-mohitiga mosdir. Sharqning buyuk mutafakkirlari sanalmish Ahmad al- Fargʻoniy, Mahmud az-Zamaxshariy, Abu Nasr al-Forobiy, Abu Bakr Muhammad ibn Al-Abbos Al Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Ibn Sino kabi oʻnlab allomalar qarashlarida bola tarbiyasida eng muhim ijtimoiy omil sifatida oila, ota-onaning dunyoqarashi, tarbiya uslublari va bunda jamiyat e'tirof etgan me'yorlarning oila qadriyatlariga- muvofiqligi tamoyili oʻz ifodasini topgan. Chop etilayotgan qator risola va kitoblarda, ilmiy va ommabop maqolalarda ham bu masalaning turli jihatlari yoritilmoqda. Bolalarda bilimlarni egallashga boʻlgan intilish, ijtimoiy faoliyatning-shakllanishida ota-onalarning samarali ishtirok etishlari hal qiluvchi omil boʻlib, bu oila tarbiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirishning zarur shartlaridan biri hisoblanadi. Oila tarbiyasida bolalar hayotini toʻgʻri tashkil etish ularni vaqtdan samarali va unumli foydalanishlarining asosiy garovidir. Bolalarning oiladagi vaqtini oʻyin, mehnat va oʻqish faoliyatlari boʻyicha toʻgʻri taqsimlash nihoyatda muhimdir. Oila jismoniy va psixologik jihatdan sogʻlom, ma'naviy barkamol, mehnat, ijtimoiy hamda oilaviy hayotga tayyor shaxsni shakllantirib berishi lozim. Oila tarbiyasining mazmuni bolalarga ijtimoiy tarbiyaning mazkur yoʻnalishlari -jismoniy, axloqiy, aqliy, estetik, mehnat, ekologik, iqtisodiy, huquqiy, siyosiy-g'oyaviy hamda jinsiy ta'lim-tarbiya berish, ularda faoliyat koʻnikma va malakalarini shakllantirishdan iborat. Oila muhitida tashkil etiladigan jismoniy tarbiya oʻzida bolani har jihatdan chiniqtirish, ularni tozalik va ozodalikka oʻrgatish, oʻz sogəligi uchun g'amxoʻrlik qilish va mas'uliyatli boʻlishni ta'minlashga qaratilgan harakatlarning mazmunini ifoda etadi. Oila tarbiyasida bolalarni aqliy jihatdan tarbiyalash ham muhim oʻrin tutadi. Bu boradagi dastlabki va muhim vazifa ota-ona tomonidan bolaning qiziqish va ehtiyojlarini koʻra bilish asosida tasavvur, idrok, tafakkur, xotira hamda diqqatni takomillashtirishga yordam beruvchi mashg'ulotlarga jalb etishdan iborat. Axloqiy tarbiya oila tarbiyasining oʻzagini tashkil etadi. Uning maqsadi bolalarda eng oliy axloqiy sifatlar, ota-ona hamda oilaning boshqa a'zolari, shuningdek atrofdagilarga nisbatan adolat, mehr-muxabbat kattalarga hurmat, kichiklarga vijdon, or-nomus, gurur, burch, insonparvarlik, mehnatsevarlik, sahovat, toʻgʻrisoʻzlik, kamtarlik muruvvat, intizomni ijtimoiy anglash va hokazolarni shakllantirishdan iboratdir. Oilada estetik tarbiyani toʻgʻri va samarali tashkil etilishi ayniqsa muhimdir. Bolalar juda yoshligidanoq soxta goʻzalliklar (yarim yalangʻoch badan, me'yoridan ortiq qilingan pardoz, urfga kirib borayotgan kosmetik operatsiyalar «mahsuli», oʻta darajadagi yaltiroq mato yoki tayinchoqlar) goʻzallikning timsoli emasligini

anglab yetishlari lozim.Farzandlarning har tomonlama yetuk bo‘lib voyaga yetishlarida ota-ona, oilaning boshqa a'zolarining dunyoqarashlari, hayotiy yondashuvlari va ma'naviy dunyosi o‘ziga xos o‘rin tutadi.Oila qadim - qadimdan muqaddas dargoh deb hisoblanib kelingan. Inson turmushini oilasiz tasavvur etib bo‘lmaydi, chunki u umri mobaynida oila ta'sirini sezib turadi, dastlab ota-onasining oilasida, so‘ng o‘zi qurgan oilasida hayot kechiradi. Har ikki holda ham oila insonning shaxs sifatida qaror topishiga muhim tarbiyaviy ta'sir kursatadi.Insonning shaxs sifatida hayotiy xususiyatlari, so‘zsiz, oilada shakllanadi.Oilada u ona tilida so‘zlashishni o‘rganadi.Millati, xalqi urf-odatlarini, an'analarini, umuminsoniy qadriyatlarni o‘zlashtiradi, dunyoqarashi, mafkurasi shakllanadi. Shu sababli oila jamiyatning ijtimoiy va ma'naviy - axloqiy tayanchi hisoblanadi. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov o‘zining "O‘zbekistonning o‘z istiqlol na taraqqiyot yo‘li" asarida jamiyatning asosiy negizi bo‘lgan oila, yoshlar tarbiyasi, insonparvarlik, vatanparvarlik haqida to‘xtalib: "Oila - jamiyatimizning negizi. Bizning davlatimizni ham katta bir oila deb tushunish mumkin va lozim. Bunda o‘zaro xurmat va qattiq tarbiya bo’lmasa, barcha a'zolari o‘z burchlarini ado etmasa, bir - biriga ezgulik bilan mehr oqibat ko‘rsatmasa, yaxshi va munosib tarzda yashash mumkin emas. Oila qonunlari asosida quriladi, o‘zining ko‘p asrlik mustahkam va ma'naviy tayanchlariga ega bo‘ladi, oilada demokratik negizlarga asos solinadi, odamlarning talab - ehtiyojlari va qadriyatlari shakllanadi. Bu esa eng oliy darajada ma'naviy qadriyat.inson qalbining gavharidir" - deydi va musulmon o‘zbek davlati xalqimizning tarixiy yutug’i ekanini aytib, shu davlatda yashayotgan inson, oila boshliqlarining oldida turgan asosiy vazifalarini aniq ko‘rsatadi. Har bir oilada dunyoga kelgan bola - yosh avlod davlat o‘rtaga qo‘ygan maqsadlarni amalga oshirishda fidokorlik, mehnatsevarlik bilan xizmat qiladigan shaxs sifatida kamol toptirilishi kerak. O’tmishda oilada yosh avlodni xayotga tayyorlashda qo‘llangan usul va vositalar, tadbir shakllari, oiladagi o‘ziga xos urf - odat va an'analar, oila boshliqlari sanalmish ota va onalarning tarbiya haqidagi g’oyalari, hayotiy tajribalari milliy xalq tarbiyasida mujassamlangan. Unda yosh avlodni oilaviy hayotga tayyorlash jarayni murakkab, serqirra va uzluksiz bo‘lib, ularning kelgusi oilaviy hayotga to‘laqonli tayyor bo‘lishi uchun eng muhim talablarni, insoniy xislarni shakllantirishi muhim va zarurdir. Hozirgi davrda oilalarning buzilishi bolalarning ota yoki ona mexridan erta juda bo‘lishining asosiy sabablari ham oila qurish va o‘z tengini tanlashda oqillikning yetishmasligi, xulq-odob hamda oilaviy munosabatlar me'yorlariga rioya etmaslik, oila xo‘jaligini yuritishda uquvsizlik, ma'naviy qashshoqlik va tekinxo‘rlikdir. Yosh avlodni oilaviy xayotga ikki yo‘nalishda olib boriladi:

1. Ota - onalar tomonidan (oila muxitida).
2. O‘qituvchilar tomonidan (ta'lim muassasalarida).

Bu har ikki yo‘nalishda ham o‘ziga xos yordamchi omillar mavjul bo‘lib. ular mahalla, jamoatchilik, maktabdan tashqari muassasalar va boshqalar hisoblanadi. Har ikki holda ham oila insonning shaxs sifatida qaror topishiga muhim tarbiyaviy ta'sir kursatadi.Insonning shaxs sifatida hayotiy xususiyatlari, so‘zsiz, oilada shakllanadi.Oilada u ona tilida so‘zlashishni o‘rganadi.Millati, xalqi urf-odatlarini, an'analarini, umuminsoniy qadriyatlarni o‘zlashtiradi, dunyoqarashi, mafkurasi

shakllanadi. Shu sababli oila jamiyatning ijtimoiy va ma'naviy - axloqiy tayanchi hisoblanadi. Inson va insoniy munosabatlar, shaxs va uning kamoloti muammolari uzoq asrlardan buyon jamiyatning eng ilg‘or kishilari, olimlar, buyuk allomalar va donishmandlarning diqqat markazida asosiy masalalardan bo‘lib kelgan. Sharqning buyuk allomalari hisoblangan Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg‘ariy, Kaykovus, Xotam ibn Tay, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Rizouddin ibn Faxriddin, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Uvaysiy, Nodira, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniy kabi ko‘plab olim va yozuvchilar bu masalalar yuzasidan o‘zlarining durdona fikrlarini tarixda qoldirib ket- ganlarki, ular hozirgi zamon fani uchun ham katta ijtimoiy va mafkuraviy ahamiyatga egadir. Ularning asarlarida oila va oilaviy munosabatlarga ham alohida e’tibor berilgan, shuning uchun biz yuqoridagi buyuk mutafakkirlarning ayrim pedagogik va psixologik qarashlari yoritilgan asarlarini tahlil etish orqali talabalarga mazkur muammolarning naqadar dolzarb ekanligini bayon etamiz. Sharq mutaffakirlarining barchasini g‘oyaviy jihatdan bir- lashtirgan asos shu bo‘lganki, ular shaxs tarbiyasi va kamoloti- da oilaning, oilaviy tarbiyaning rolini yuqori qo‘yishgan, ayniqsa, shaxsning aqliy va axloqiy kamolotida oilaning o‘rni, ota-ona va yaqin kishilarning yo‘naltiruvchi va tarbiyalovchi vazifalariga alohida e’tibor berganlar. Ular faqat oiladagina rivojlanishi mumkin bo‘lgan sifatlar — halollik, poklik, mardliq, mehribonlik, haqgo‘ylik kabi qator fazilatlarni barcha sifatlardan yuqori qo‘yishlari bilan birga insoniy munosabatlar- da namoyon bo‘ladigan yuksak fazilatlar, avvalo, ota-onadan bolaga o‘tishi va ularning jamiyat taraqqiyotiga ijobiy ta’siri kabi qimmatli fikrlar va bu boradagi amaliy ko‘rsatmalarni o‘z falsafiy-axloqiy, sotsiologik va psixologik qarashlarida ifodalab berganlar.

## AYBDORLIK HISSI

*Yoriyev G’.*
*SamDU talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada, insondagi salbiy hissiyot aybdorlik hissi haqida va bu hissiyotdan ozod bo’lish yullari yoritilgan.

**Kalit so’zlar:** hissiyot, emotsiya, ruhiy-asabiy kasalliklar, aybdorlik hissi, xayoliy ayb.

Hissiyot haqida so’z yurutganda, hissiyot nima degan savolga javob topib olish maqsadga muvofiqdir. Biz ko’pincha hissiyot va emotsiya tushunchalarini bir –biriga aralashtirib quyamiz. Emotsiya bilan hissiyot orasidagi farq shundaki, emotsiya organik ehtiyojlarimiz, ya’ni ovqatlanish, jinsiy refleks va boshqalar qondirilgan vaqtda, qo’zg’avchilarga nisbatan munosabatni aks ettiradi. Hissiyot esa shaxsni o’z-o’ziga, atrofdagilarga, jamiyatga, jamiyat mulkiga, o’qishga, mehnatga bo’lgan munosabatlardan kelib chiqadigan yoqimli va yoqimsiz kechinmalardir. Yoqimsiz hissiyot, aybdorlik hissi haqida so’z yuritamiz.

Amerkalik psixolog Jeykob Liberman "Yigirma birinchi asr – rivojlangan texnologiya va ruhiy-asab kassalikllari davri" deb aytib utgan edi. Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra yer sharida ruhiy asab kasalliklari bilan ro'yxatga olinganlar soni 200.000.000 ga yaqinligi Jeykob Libermaning qanchalik xaqligini isbotlab to'ribdi.

uyg'otadi.Ertaklar bolalarning mantiyqiy rivojlanishida juda katta ròl oynaydi.Sababi ertaklarni bolaga yetĝazish orqali ularning fantaziyasin rivojlantirish múmkin.Ularning aqliy rivojlanishta ertaklarning júda xissasi kòp. Xalq og‘zaki poyetik ijodidagi eng boy va rang-barang janrlardan biri ertaklardir. Xalq tomonidan yaratilgan ko‘plab ertaklarda bolalarning o‘ziga xos hayoti chetlab o‘tilmagan. Hatto turli yoshdagi bolalar uchun juda ko‘p maxsus ertaklar yaratilgan.Ertakning muhim xususiyatlaridan biri uning hamisha xalq hayoti, kurashi, tarixi, ruhiy olami, dunyoqarashi, urf-odatlari bilan chambarchas bog‘lanishi, insonlarga axloqiy va ma’naviy yo‘ldosh bo‘lib kelishidadir. Ertaklar insonning ma’naviy va jismoniy kuchiga ishonch ruhi bilan sug‘orilgan bo‘lib, ijobiy kuchlar tabiat va ijtimoiy hayotda o‘ziga dushman bo‘lgan kuchlarga qarshi kurashda doimo g‘olib chiqadi. Xalq ertaklarida ijtimoiy muhim masalalar odilona hal etiladi. Ertaklar sodda va tushunarli bo‘lgani uchun har qanday kitobxonga tez yetib boradi. O‘tmishda yaratilgan ertaklarda xalqchillik kurashi o‘zining haqqoniy badiiy ifodasini topgandir. Xalqning kelajakka bo‘lgan ishonchi, adolatning adolatsizlik ustidan g‘alabasi, yoruglikning zulmatni yengishi, ozod va baxtiyor hayotga erishish g‘oyalari yorqin obrazlar orqali tasvirlangan. Xalq ertaklari o‘z xususiyatlariga ko‘ra bir necha turga bo‘linadi: hayotiy ertaklar, hayvonlar haqidagi ertaklar, sehrli-afsonaviy ertaklar, ijtimoiy-maishiy ertaklar.

Xalq ertaklarida el-yurtni ko‘z qorachig‘iday avaylab saqlovchi ajoyib qahramonlar ulug‘lanadi, ayollarning haq-huquqlari himoya qilinadi, uzoq masofalar yaqin qilinadi, kishilar xarakteridagi yaramas odatlar, noma’qul illatlar tanqid ostiga olinadi, mardlik, epchillik, dovyuraklik, mehnatsevarlik, halollik, vafodorlik, saxiylik g‘oyalari ulug‘lanadi.

- Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga o'qib, hikoya qilib beriladigan ertaklar;
- Maktab yoshidagi kichik bolalarga tavsiya etiladigan ertaklar;
- O'rta va katta yoshdagi bolalarga o'qish uchun tavsiya etiladigan ertaklar.
- Kichkintoy bolalarga tavsiya etilagan ertaklarning hajmi qisqa mazmuni sodda boladi.

“To’rt dangasa och qolganligi haqida ertak

(Qaraqalpoq xalq ertagi)

Amudaryoga yaqin joyda tórtta dangasa yashagan ekan. Ular doim kigiz ustida bekor kun ótkazar ekanlar.Uydan sayrga ham onda-sonda chiqishar ekan.Odamlar ularga qarab, hayron qolishar ekan:-Bu bekorchilarning ishlamay yotishlarini aytmaysizmi ?! Bir kuni dangasalar órmonga borishibdi, biroz yurib, och qolishibdi, terak soyasiga ótirib olib, qiyiqchani yozishibdi, ustiga arpa non va bir xumracha qatiq qóyishibdi. Shu payt ulardan biri sóz boshlabdi:-Qatiǵimiz kamroq, unga suv qóshmaymizmi? Nonimiz ham qotib qolibdi-uni ham yumshatish kerak. Suvga kim borar ekan?

-Sen borsang bólardi, -debdi óziga yaqin ótirgan dangasaga.

-Yóq, yaxshisi ózing borgin!

-javob berdi u.

-Bu boraqolsin, -debdi uchinchisi tórtinchisini kórsatib. U ham bósh kemabdi:

- Ular ikkalasi birga bora qolsin, -deb, birinchisi ikkitasiga kórsatibdi.

Tortishib, tortishib ótiraveribdilar. Suv yonginlarida bólishiga qaramay, hech biri borishini xohlamabdi. -Keling, kim birinchi gapirsa, ósha suvga boradi!-debdi dangasalardan biri.Boshqalari rozi bólishibdi. Ular jim qólishibdi. Gapirmasdan bir-biriga qarab ótiraverishibdi. Yonlaridan ovchi iti bilan ótib ketayotgan ekan. Qarasa, non va qatiq atrofida tórtovlon ótirishgan emish. -Salom, yaxshilar!-debdi.Hech kim javob bermabdi.-Nega indamaysizlar?

-Yana jimlik.

Ovchi hayron qolibdi:

-Tirikmisizlar? Ósha- ósha jimlik.

Faxat kózlarini jovdiratib ótirganmishlar. Ovchi ótirib olib, qatiqni ichib, nonni yeya boshlabdi.

Dangasalar oģiz ochmay, miq etmay ótiraveribdilar:

Ovchi nonni yeb, qatiqni ichib qóyibdi, órnidan turibdi-da, ketibdi.

It esa qoldiqlarini yalab qolibdi. Shu zahoti dangasalardan bittasi birdagina baqirib yuboribdi: -Qoch, tegma!

Boshqalari esa xursand bólib barabariga:

-Ana, endi suvga sen borasan deb qichqirishibdi. Lekin, suvga borishiga hojat yóq edi. Bir qoshiq qatiq ham, bir burda non ham qolmagan edi.

Ertakdan kórinib turibdiki bolalarga dangasilik qanday oqibatlarga olib kelishini aytib tushintirib boorish kerak. Sababi bolar mantiqining rivojlanishida biz kattalarning róli katta. Ularga dangasalik haqida keng tushinchalarni aytib ótishimiz kerak.

Ertaklarning obrazli, timsollar tili mantiqqa asoslangan tósiqlardan xatlab, bevosita ong ostiga borib tasir kórsatadi. Ertak ketisdan aytilgan ertak sujetlari tóplanib, ular vositasida ong ostida (xayoli, tasavvuri) turli hayotiy qadiryatlar va vaziyatlar tóplanib boradi. Demak, yooshlikda bola qanchalik kóp ertakni óz onggiga singirib olsa, kattalar hayotida u shunchalik muvaffaqiyatli bóladi.

Bolalarga ertaklarni sózlab berish-ilarning rivojlanishi, muhim kónlikmalarning shakillanishi, ularning ijtimoiy olamda moslashuvi, kelgusida ularning mánaviy ózligini namoyon qilishlari uchun hayotiy zarur ekanligini kórsatish mumkin. Gap shundaki, ertaklarning obrazli sujeti qatorida eng muhim umuminsoniy bilimlar yashiringan. Buning ustiga, ular inson hayotining barcha sohalarini qamrab oladi:

- Qiyinchilikni yengib ótish va nizolarni tóģri yechish vositalari;
- Tashqi va ichki ziddiyatlarni yengish-"yovuzlik bilan kurash" ssenariyalari;
- Tashqi ruhiy bosimga qarshi tura olish bóyicha tavsiyalar;
- Inson xarakteri bóyicha túrli ipajlar va ularga tásir qilish vositalari;
- Inson mánaviy rivojlanishi;
- Erkak va ayol ruhiyati.

Ertaklarning bolalar mantiqining rivojlanishiga va kelajak avlodning yaxshi ósib ulģayishiga ertaklarning róli júda kata.

**FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:**
1.O‘zbek xalq ertaklari va ularda millat ijtimoiy-maishiy turmush tarzining yoritilishi. Ertaklarning bola tarbiyasidagi o’rni va roli
2.Saviya.uz
3.Jahon xalqlari ertaklari (Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun) Toshkent-2016

## ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Қосимова М.М.*
*Андижон вилояти Избоскан тумани*
*28-мактаб амалиётчи-психологи*

Жамиятимиз ўз олдига мустақил фикрловчи, эркин шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Бу ўз қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш деганидир.Шундагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг мазмунига айланди.Бугунги тезкор ривожланишлар ва янгиликларга бой шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, болаларни яъни келажак авлодни ҳар томонлама етук, билимли, ота -онасига меҳрибон, ватанига садоқатли бўлишлари учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яра- тилмоқда. Айниқса, жойларда ташкил этилган психологик хизмат фаолиятини таъкидлаш жоиз.Кўп йиллик тажриба материалларидан маълумки, хизматнинг асосий мақсади ва вазифаси- ўқувчи ва унинг психик ривожланишидаги барча муаммолари, шахснинг шаклланиши, ёши, шахсни ва индивидуал хусусиятлари, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро алоқасидир.Амалий психолог -нинг вазифаси-ҳар бир бола учун унинг манфаатларини қобилиятини оптимал ривожлантириш индивидуал ва ўзига хос хусусиятлари усулларини, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ташкиллаш имкониятларини топишдир.Энг асосийси- психолог ва ўқитувчининг ҳамкорликда болани яшаш шароитида, унинг тарбияланиш тарихини ҳисобга олган ҳолда шаклланаётган шахс сифатида тушунишлари ва ушбу асосида келгуси иш дастурини аниқлашдир.

Амалий псилогнинг аниқ фаолияти ва иш услуби таълим-тарбия жараёнида психологик хизмат муаммоларини ечишга бирон бир ёндашиш билан дастурлаштирилган бўлмаслиги керак.Психолог ўз ишида эркин бўлиши керак.Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз хоҳлаймизми, йўқми, мижозлар билан ишлашда ҳар қандай иш у ёки бу илмий тасаввурга асосланган, энг аввало психологни шахснинг психик ривожланиши шаоитларини тушунишидадир.

Амалий психолог фаолиятининг асосий магстрал йўналиши-мижозларнинг психик ва шахсий ривожланишини таъминлашдир.Бу фаолият амалий психолог томонидан иккита даражада долзарб ва истиқболли амалга оширилади.Биринчи даражада таълим –тарбия жараёнида асосан

ўқувчиларни тарбиялашда, уларга таълим беришдаги у ёки бу қийинчиликлар, уларни ҳулқини бузилишидаги муомаласини, шахсини шаклланишидаги камчиликлар билан боғлиқ бўлган актуал муаммолар ҳал этилади, иккинчи даражада эса мактаб ўқувчиларининг барчасини ривожланишидаги муаммолар, ҳар бир боланинг индивидуал бўлиб шаклланиши муаммолари ҳал этилади.Муаммо характерига қараб психолог алоҳида ўқувчилар, синфлар, гуруҳлар, тенгдошлари, ўқитувчилар, ота-оналар билан иш олиб боради.Ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган психологик хизмат ходимларининг асосий диққат – эътиборидаги масала мактаб психологик хизматининг икки вариант асосида иш олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда. Булар –“бевосита” ва “билвосита” хизмат турларидир.

“Бевосита” хизмат-психолог ўқувчилар билан шахсан ўзи ишлайди.Бу анъанавий ва кенг тарқалган вариант бўлиб, бу психологни бола билан бевосита алоқасини кўзда тутади ва тест синовлари, маслаҳатлар ва когнетив ҳулқни даволашнинг айрим шаклларини ўз ичига олади.

“Билвосита” хизмат психологни бошқа касб мутахассислари (масалан ўқитувчилар) билан ва мутахассис бўлмаганлар (масалан ота-оналар)- “муаммоли” ўқувчи билан бевосита ишлайдиганлар билан ишлашини назарда тутади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки бевосита ва билвосита хизматининг умумий мақсади –муаммоларни тузатиш.

“Билвосита” хизмат “Бевосита” хизматига қараганда кўп сонли ўқувчиларга хизмат кўрсатади ҳам бевосита, ҳам билвосита хизмат психологик ишнинг қуйидаги турлари билан таъминланади: профилактика, диагностика, коррекция, консультация. Бу турларнинг ҳаммаси бир-- бири билан боғлиқ.

Ривожланишининг диагностикаси билан шуғулланувчи психологларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, алоҳида ҳолларни ҳал қилганда мақсадли текшириш анча самарали бўлади, бунда услублар тўплами стандарт равишда қўлланмайди, балки, муаммо характерига текшириш режаси мосланади. Шунинг учун психолог ҳар турдаги услубларни билиши ва қўллаши керак.

Таълим жараёнида ўқувчи қобилиятларини ўрганиш таҳлил қилиш ва тегишли тавсиялар бериб бориш психологик хизматининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлодни тарбиялаш жараёнида шахс ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи қобилиятларни ўрганиш ва шу асосида шахсни у ёки бу касбга тўғри йўналтириш ишида фаол иштирок этиш психологик хизматинңг муҳим вазифаси сифатида қаралиши ва шу нуқтаи назардан тегишли тадбирларни олиб бориш кўлами белгиланиши лозим.

Назарий ва амалий психологияда қобилиятлар муаммосига етарлича умумий таърифлар берилган.Қобилиятларни ўрганиш ва ривожлантириш масаласида эса бутун дунёдаги илмий илғор психология вакиллари аллақачон ўзларининг қатор эмпирик ва экспрементал тадқиқотлар натижаларини илмий матбуот саҳифаларида эълон қилганлар.Умуман, ҳозирги замон

психологиясида қобилият тушунчасига жуда кўплаб назарий-илмий таърифлар берилганлигига қарамасдан қобилиятларнинг айнан намоён этилиши ҳусусида ҳозир ҳам жуда кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Демак, психолог қобилиятларни ўрганишнинг биз юқорида таъкидлаган умумий масалаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилишга тайёр бўлмасдан туриб психологик хизмат тизимида муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди. Яъни қобилиятларни тушуниш, ўрганиш, таҳлил қилиш жараёни орқалигина шахс тараққиётига, унинг ижтимоийлашувига ижобий таъсир этиш мумкин.

Таълим жараёнида устивор ва асосий мақсад тарбияланувчи шахсни баркамол қилиб ривожлантириш, илмий дунёқарашини таркиб топтиришдан иборатдир.Ривожланиш ва таълимнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан бири бўлиб у кўп мунозараларга сабаб бўлади.Шахснинг ривожланиши узоқ давом этадиган мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирларнинг ва ички омилларнинг натижасида рўёбга чиқади ва амалга ошади.

Таълим жараёнида шахсга билим беришда назарий билимларни амалиёт билан турмуш тажрибалари, билан боғлиқ олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаси ҳисобланади.Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчидаги кўтарингки кайфият, мустақил фикрлашга олиб келади.Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш таълим жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Инсоннинг камол топиши жараёнида фақат ирсият, ижтимоий муҳит ва таълимга боғлаб ўрганиш, талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас.Чунки ижтимоий тараққиётда шахснинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Ривожланиш кишидаги жисмоний руҳий ва ижтимоий жараён бўлиб у барча згалланган миқдор ва сифат ўзгаришларни ўз ичига олади.Педагогика ва психология фанларининг ривожланишини биологик ва социологик хусусиятлари ўзаро боғлиқ бўлган бир бутун жараён деб ҳисоблайди.

Психологик нуқтаи-назардан қаралганда, жамиятимиз аъзоларининг онгида шаклланаётган миллий истиқлол ғояларининг генезиси ижтимоий психологик ҳолатларни ўз ичига олади.

Шахс жамиятда турли таъсирлар натижасида яшар экан, у ўзидаги қизиқишлар, шахсий манфаат ва эътиқодига мос нарсаларга ишонади.Шундай экан шахсга дастлабки таъсир қилиш, бу унинг ўзига бўлган ишончини оширишга кўмаклашишдир.Бу жараёнга таълимнинг таъсири катта аҳамиятга эгадир.

Шахсга жамиятнинг таъсири энг аввало унинг маънавий тасаввурларида, дунёқарашида акс этади.Мафкуравий онгнинг мазмуни ва соғлом эътиқод ижтимоий муҳит ва унда ўрнашиб қолган мезонлар асосида шаклланади.

Инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни унинг ижтимоийлашувидир.Ижтимоийлашув аввало одамлар ўртасидаги мулоқат ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шахсга таълим жараёнида таъсир этишда қуйидаги компонентларнинг ўрни катта ва беқиёс эканлигини эътироф этиш зарур.Улар қуйидагилар:

- оила ва маҳалланинг ўрни
- таълим масканларининг ўрни
- меҳнат жамоаларининг ўрни
- оила ва шахслараро муносабатларнинг ўрни.

Зеро юқоридаги ҳолатлар шахснинг шаклланишида етакчи ва биринчи галдаги асосий воситалардир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.Р.Баротов-БухДУ Психология кафедраси мудири. Психология фанлари доктори, профессор. “Психологик хизмат доирасида ўқувчи қобилиятларини ўрганишнинг айрим муаммолари”

2. Н. Тўйчиева, Г.Ҳамроқулова ФарДУ. “Бугунги кунда психологик хизматни такомиллаштириш масалалари”.

3. Ё.Юсупова –АДУ катта ўқитувчиси.

4. А.Абаев –талаба. Таълим жараёнида шахсга психологик таъсир кўрсатиш.

## БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИДА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚИЁФАСИ

*Кувандикова Г.Г.*
*ТДТУ катта ўқитувчиси,*
*Абдухаликова М.Б.*
*ТДТУ 3-босқич талабаси*

Бошқарув муаммоси XXI асрнинг энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Инсонларнинг ўзида ҳам илк ёшликдан лидерликка иштиёқ, хизмат лавозимларида муваффақиятга интилишга мойиллик каби шахсий фазилатлар ҳам намоён бўла бошлади. Бундай ижтимоий психологик ҳодисалар энг аввало бошқарув соҳасини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, меҳнат маҳсулдорлиги ва инсоний муносабатларни яхшилаш каби масалаларда ушбу омилнинг таъсирчан роли ошган кун тартибига долзарб қилиб қўйилди. Янгиланаётган Ўзбекистон учун ҳам бошқарув тизимини такомиллаштириш, замонавий раҳбар кадрлар танлаш, тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг билим савияларини янада юқори бўлиши билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиш масаласи тараққиётнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Бошқарув психологиясининг асосий тушунчаларидан бири, бошқарув субъекти ва объекти масаласидир. Бевосита бошқарув жараёнини кўз олдимизга келтирсак, бошқарув субъекти сифатида раҳбарни, объект тарзида эса ходимни ва меҳнат жамоасини тасаввур этишимиз мумкин. Бироқ, раҳбар ўз фаолиятини ташкил этиши ва ўз-ўзини бошқариши уни нафақат бошқарув

субъекти, балки объект сифатида ҳам тушуниш заруратини қўяди. Раҳбарнинг касбий мукаммаллашуви, ўз-ўзини бошқариш малакаларини эгаллаши, ташкилот ва ходимлар бошқарувидаги асосий мавзулардан бирига айланади.

Бошқарув жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, замонавий раҳбарнинг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Психология фанида ушбу фикр шахс структураси деган ибора орқали ўз мазмунини топган. Ҳозирга келиб психология фанида шахс структурасини ифодаловчи турлича таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг қиёсий тавсифини келтиришга ҳожат йўқ деб, ўйлаймиз. Улардан энг аҳамиятлиси сифатида қуйидаги таҳлил баён этиш мумкин. Бошқарув психологиясида замонавий раҳбарнинг психологик хислатлари ва ижтимоий сифатлари қуйидаги тизим шаклида тасаввур этилиши мумкин:

*Миссия* – энг олий мақсад бўлиб, инсон бутун умрини шу мақсадга интилиш учун бағишлайди. Одатда миссия шаклланиши ва инсон томонидан англаниши, унинг етук ёшларига тўғри келади. Миссия инсон ҳаётининг йўналишини ифодалайди. Одатда ҳар бир инсон ҳаётида ўз миссиясига эга ва ҳамма гап уни эрта ёки кеч англанишидадир. Психология фанида катта ўрин эгаллаган гуманистик йўналиш эътироф этадиган асосий вазифалардан бири - инсонга унинг миссиясини англашда ёрдам беришдан иборатдир. Ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини қандай миссия орқали ифодаланишини иложи борича эртароқ англаб олиши лозим. Масалан, миссия сифатида ўз халқига хизмат қилиш, ўз ватанининг равнақ топишида иштирок этиш ёки бутун хатти-ҳаракатини оиласи фаровонлигига бағишлаш каби шарафли бурч бўлиши мумкин. Албатта, бундай иборалар рўйхати чексиз ва улар ҳар бир шахс учун индивидуалдир. Миссия ўз шаклига биноан аниқ ва равшан ифодаланиши, шахсдан «ташқарида» жойлашиши, яъни ташқи муҳит объектларида мужассамлашган бўлиши лозим (масалан, касбий йўналиш, ўзгалар манфаати, хизмат соҳаси ва ҳ.к.). Миссия ўз мазмунига кўра шахс эътиқодларидан униб чиқади.

*Эътиқод* – инсон беҳад ишонадиган ғоя ва фикрлар бўлиб, уларни ҳатто шубҳа остига олиш шахс учун ноўриндир. Инсон ташқи оламдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қиларкан, кўп нарсаларга ўз эътиқоди нуқтаи назаридан қарайди.

*Қадриятлар* – энг қимматли маънавий бойлик бўлиб, инсон уни ҳақоратланиши ва таҳқирланишидан ҳимоя қилади, сақлайди. Одатда қадриятларнинг умуминсоний, бирон ижтимоий гуруҳ қадриятлари ва шахсий турлари фарқланади. Умуминсоний қадриятлар инсон қаерда яшашидан, бойлигидан, мансабидан ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, доим ардоқланадиган мазмундир, масалан - тинчлик, ҳаёт, озодлик, бирдамлик, масъулият, орият.

*Установка* – бу ибора психологияда инсон хатти-ҳаракатининг англанмаган дастур сифатида тушунилади. Инсон доимий бажарадиган хатти-ҳаракат даставвал англанилган ҳолда амалга ошади ва у такрорлангани

сари беихтиёр, автоматлашган ҳолатга ўтиб боради. Айнан шундай англанилмаган ҳаракат режаси установка деб аталади. Ходимдаги мақбул ҳаракатлар мунтазам такрорланиши натижасида унда мақсадга мувофиқ фаолият установкаси шаклланади. Бинобарин, ходимнинг доимий фаолияти ва хулқини кузатган ҳолда унда қай мазмундаги установкалар устувор эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Айнан келтирилган шахс структурасига асосланган ҳолда замонавий раҳбарни тавсифлар эканмиз, унга хос бўлган ижтимоий-сиёсий жиҳатлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим бўлади. Айнан шу жиҳатлар инсоннинг миссия ва эътиқод қатламларида мужассамлашган ҳолда самарали раҳбарнинг негизини ташкил этади. Раҳбар эътиқодининг, етакчи қадриятининг жамиятдаги долзарб ижтимоий-сиёсий вазифалар билан уйғунлашганлиги, унинг фаолияти самарасини белгилайди. Шунинг учун бошқарув лавозимига кадрларни қўйиш ҳамда раҳбар кадрларни баҳолаш жараёнида эътиқод соҳаларини бирламчи деб қабул қилинса ва бу мезонга асосий эътибор қаратилса, ўринли бўларди. Демак, давр талаби билан, замонавий раҳбарнинг сиёсий бошқарувга қобилияти долзарб масалага айланади. Албатта, бундай қобилият раҳбарнинг маъмурий-хўжалик мажбуриятидан бир оз четланиш деб ўйланиши мумкин. Лекин, мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, хўжалигимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик масаласи замонавий раҳбарни хўжалик муаммолари доирасида чекланиб қолмай, балки атрофдаги воқеаларни кенгроқ идрок этишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, замонавий раҳбар нафақат фаолиятини иқтисодий чўққига етакловчи шахс, балки, тарғиб этилаётган давлат сиёсатини меҳнат жамоаси онгига етказувчи фаол ҳамдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, замонавий раҳбарларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мобайнида иложи борича шахснинг ўз-ўзини англаши, ўз эътиқоди ва қадриятларини ҳаёти давомида аниқ ифодалаш чоралари ҳақида билим ва кўникмалар шакллантириш лозим. Ахир, айнан, ички поклик, самимийлик ва инсон табиатининг яхлитлиги ўзгага таъсир этишдаги асосий куч сифатида майдонга чиқади. Раҳбарни тайёрлаш, унинг малакасини ошириш билан боғлиқ ҳар қандай тадбир охир-оқибатда раҳбар шахси, унинг бошқарув маҳоратини такомиллаштириш, ўзгаларга таъсир этиш кўламини кучайтириш мақсадини қўяди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмадхўжаев Ҳ.Т., Мирдадаев К.М., Қозоқов О.С. Менежмент ва стратегияни бошқариш. – Т.: Илм Зиё, 2004.
2. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Т.: Янги аср авлоди, 2007 й.
3. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. – Т.: Шарқ, 2002.
4. Жўраев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти Т.: Ворис – нашриёт, 2006.

# ШАХСЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

*Куватова Г.М.*
*Ўзбекистон Миллий университети талабаси.*

Психология фанининг экспериментал, психоаналитик, бихевиористик, эмпирик, эпифеноменалистик, гештальт, ассоциатив, вюрцбург, психогенетик, редукционизм, солипцизм, гуманистик, биогенетик, социогенетик каби йўналишлари томонидан тўпланган маълумотлар ҳозирги замон психологиясини вужудга келтирди. Худди шу йўналишларнинг ранг-баранг методикалари, методлари умумий психология фанининг предметини ва унинг тадқиқоти принципларини аниқлаб берди[1].

Шунингдек умумий психологияда фан сифатида амалий психология фанининг вужудга келиши бошланди. Психологиянинг барча турлари каби амалий психологияда ҳам ҳозирги кунга қадар эришилган ютуқлар ва камчиликлар мавжуд.

Амалий психологиянинг бир бўлими сифатида шахс психологиясида мулоқот мавзусига тўхталмоқчиман.

Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро таъсири, улар ўртасида билиш ёки аффектив баҳолаш характерларидаги ахборот алмашинишдир.

В.Н.Дружинин фикрича, аёлларда мулоқот доираси эркакларга нисбатан торроқ. Шахслараро муносабатда улар ўзларини намоён қилиш, ўзлари ҳақида бошқаларга информация бериш эҳтиёжини ҳис қиладидар[2].

Ҳар қандай фаолият одамларнинг бир-бири билан тил топишишни, бир-бирларига турли хил маълумотлар узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам хар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқотга кириш қобиляти билан бевосита боғлиқ.

Шахслараро мулоқот жараёни жуда мураккабдир. Б.Ф.Паригиннинг ёзишича *“Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради.”*

- *Индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни*
- *Индивидларнинг ахборот алмашинув жараёни*
- *Бир шахснинг бошқа шахсга муносабат жараёни*
- *Бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни*
- *Бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имкониятлари*
- *Шахсларнинг бир-бирларини тушуниш жараёни.*

Мулоқот орқали инсонларнинг ички кечинмаларини англаш мумкин. Айниқса ўсмирлар ўртасида мулоқотга киришувчанлик ёки мулоқотга киришолмай четда қолиб кетиш каби муаммолар вужудга келади. Бунда улар ўзларини четда қолгандай хис қилади. Ўсмир мулоқотга киришиш учун

---

[1] Ғозиев Э. Ғ. Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик. (Т). : Университет, 2008 й.
[2] Жалилова С. Х., Ғаибова Н. А Умумий психодиагностика. (Т). Фан ва технология, 2018 й.

аввало уйда оила мухити катта рол ўйнайди. Ота-она фарзанд билан кўпроқ мулоқот қилиш орқали айнан уни (ўсмирни) қийнаётган муаммолари, дарсларни ўзлаштириши, дўстлари билан муносабати, рухий ички кечинмалари билан ўз вақтида ўртоқлашса ўсмирда мулоқотга киришишда муаммолар вужудга келмайди.

Мулоқот тушанчасини коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация-тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Хайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши-буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда ва муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради.

Мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Янги туғилган инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳеч қачон шахсга айлана олмайди, яъни у ўз психик тараққиёти бўйича биологик мавжудот даражасида қолиб кетади. Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади. Мулоқот-ижтимоий фаолликнинг онтогенезда пайдо бўладиган биринчи туридир.

Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Ўамкорликдаги фаолият режасини тузиш учун,уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик юксак аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисоллар яққол кўрсатади.

1-мисол.1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан, кундалик ҳаётнинг ғала-ғовуридан бироз дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан эслайди: «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф хатарлардан кўркмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан, ўчоқдан ўт кетиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим».

2-мисол. Тарихда японларда «Моритао» номли инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. У шундай тизимларнинг энг оғири ва мураккаби бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у, ҳатто, ўзи билан ҳам гаплашиши мумкин бўлмаган. Синовдан ўтганлар кейичалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик

билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эхтиёжи эмас, балки тинглаш эхтиёжи кучаяр экан.

3-мисол. Бир пайтларда Америкада барча тамаддихоналарни автоматлаштириш авж олган эди. Аммо кўп ўтмай уларнинг эгалари касодга учрай бошлади. Маълум бўлишича, бу ерга одамлар нафақат тамадди учун, балки суҳбатдош топиш учун ҳам келганлар[1].

Инсонларда мулоқотга кириша олмаслик бу ўзини-ўзи ортикча ёки паст баҳолаши туфайли вужудга келади. Мулоқот қилиш орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтиради.

А.Н.Леонтьев ўзининг «психика тараққиѐтидан очерклар» китобида мулоқотнинг учинчи шакли – авлодар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида шундай ѐзади: «Агар барча катта авлод ўлиб кетганида, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққити аняа орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб кетиши ҳам мумкин эди»[2].

Шахс қанчалик кўп инсонлар билан мулоқот қилгани сари унинг дунёқараши, муомала маданияти ва дунёни англаши шунчалар тиниқлашади. Навоий шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари ва турли хил оилаларда тарбияланаётган болалар ўртасида суровномалар ўтказиш жараёнида шуни аниқладикки энг аввало бола ўз оила аъзолари *(ота-онаси, ака-ука, опа-сингил)* билан кўпроқ мулоқотга киришади ҳамда бошқа инсонлар билан тез чиқишиб кетади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида эса анча вақт суҳбатдан кейин мулоқотга киришиш рўй берди. Бу ўз навбатида бола аввало ўзини эркин ҳис қилиши, ўзига бўлган ишончининг борлиги ва кўпчилик билан маълумот алмашиш орқали суҳбатга киришиб кета олиш ёки кириша олмаслигини кўрсатади.

Хулоса шуки шахсда мулоқот маъданиятини ривожлантириш ва шахснинг комилликка интилиши учун эшита билиш ҳам лозим ҳисобланади. Инсон ўз устида доимий ишлари, турли хил маълумотларни таҳлил қилиши, дўстлари, яқинлари ва бегона инсонлар билан мулоқотга киришувчанлигини ошириб бориш бориш мақсадга мувофиқдир.

Шахслараро муносабатларни, мулоқот маданиятини қай даражада шаклланишига ҳам сезиларли таъсир ўтказади. Бинобарин, мулоқот одамлар орасида амалга ошириладиган фаолиятлар ичида етакчи ўрин эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эхтиѐжларни жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эхтиѐжни қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун аҳамияти мислсиз[3].

---

[1] П.С.Эргашев. Мулоқот психологияси. Маърузалар тўплами. (Т). 2003й

[2] Х.Ғ.Шарафутдинова. Мулоқот психологияси. Маърузалар тўплами. Термиз. 2008й

[3] Н.Азизхаджаева. Педагогик технология. (Т). 2001й

# ВЛИЯНИЕ КРИЗИСА ТРЕХ ЛЕТ НА РАЗВИТИЕ РЕБЕНКА

*Кулиев Ё.К.*
*Бухарский государственный университет*

Интерес исследователей к детской душе и психологии детства существовал всегда, предпосылки изучения складывались в педагогике, биологии, медицине, экспериментальной психологии. Педагогика всегда нуждалась в психологических знаниях, стремилась на них основываться. Я.А. Коменский, Дж. Локк, Ж.-Ж. Руссо, И.Г. Песталоцци, Ф. Фребель, И.Ф. Гербарт, А. Дистервег и другие крупнейшие педагоги и психологи прошлого настаивали на необходимости строить воспитание и обучение детей с опорой на знание их возрастных и ин- дивидуальных особенностей, призывали педагогов, воспитателей и родителей к изучению,.

Первая книга о психическом развитии ребенка принадлежала немецкому врачу и философу Т. Тидеману (1787), который попытался подробно и последовательно описать психическое развитие ребенка от рождения до трех лет.

Возраст трех лет - переломный момент в жизни малыша. По сути это - его второе рождение. Именно в три года у ребенка в основных чертах складывается характер, целостное отношение к миру, способность к целенаправленной и осмысленной деятельности. Кроме того, у ребенка складывается совершенно уникальное отношение к себе как к части окружающего его мира, т.е. формируются первые достаточно зрелые структуры образа себя.

Проведенные научные исследования показывают, что от того, как складывается развитие ребенка в кризис 3-х лет, зависит его будущее. В связи с этим этот возраст может стать эпохой расцвета многочисленных способностей и возможностей малыша, а может обернуться эпохой упущенных возможностей. Многие корни неготовности детей к школьному обучению лежат в том, как совершается переход от раннего к дошкольному детству. Поэтому в раннем детстве необходим контроль за психическим развитием для раннего выявления отклонений, планирования индивидуальных мер коррекции и профилактики, направленных на создание условий, полноценного развития всех сторон психики ребенка.

Дошкольный возраст является периодом интенсивного формирования психики на основе тех предпосылок, которые сложились в раннем детстве. По всем линиям психического развития возникают новообразования различной степени выраженности, характеризующиеся новыми свойствами и структурными особенностями.

Переход детей раннего возраста на следующую возрастную ступень не редко знаменуется возникновением так называемого кризиса трех лет. Актуальной задачей психологов на данной стадии развития ребенка является оказание психолого-педагогической помощи родителям в преодолении кризиса развития.

Кризис трех лет - один из самых известных и изученных кризисов развития маленького человечка. Кризис трех лет отличается от того, что происходило в возрасте одного месяца (так называемый кризис новорожденности) или годика (кризис одного года). Если предыдущие два «переломных» момента могли пройти относительно гладко, первые акты протеста носили еще не столь активный характер, а в глаза бросались лишь новые умения и навыки, то с кризисом трех лет ситуация более сложная. Пропустить его практически невозможно. Послушный трехлетка – явление почти такое же редкое, как и покладистый и ласковый подросток. Такие особенности кризисных возрастов, как трудновоспитуемость, конфликтность с окружающими и пр. в данный период впервые проявляются реально и в полном объеме. Недаром кризис трех лет называют иногда еще возрастом строптивости.

Общим для всех кризисов развития являются несколько основных критериев:

1. «Острый» период. Границы, отделяющие начало и конец кризиса от смежных с ним возрастов, в высшей степени неотчетливы. Но хотя период кризиса возникает незаметно, и очень трудно определить момент его начала и окончания, характерным для любого такого этапа является то, что он имеет в середине своего рода пиковую точку, резкое обострение.
2. Трудновоспитуемость. Значительная часть детей в период кризиса трудно поддается воспитанию. У ребенка часто снижается школьная успеваемость, работоспособность, ослабляется интерес к бывшим любимым занятиям. Характерны конфликты с окружающими, внутренняя жизнь часто связана с болезненными переживаниями. Однако конкретный характер протекания критических периодов во многом определяется внешними условиями. Таким образом, гораздо больше вариаций человеческих проявлений во время кризисов, чем в стабильные периоды.
3. Впечатление регресса. Негативные внешние характеристики поведения в период кризиса создают впечатление того, что ребенок, развиваясь, не столько приобретает для себя, сколько теряет из приобретенного прежде.

Изучая труды Л.С. Выготского и других научных деятелей, следует отметить, что примерно с двух лет (у некоторых детей это может быть позже) ребенок начинает осознавать, что он – отдельная личность. В этот период развиваются его волевые качества, он начинает отстаивать свое право на свои желания. И зачастую те формы поведения, при помощи которых ребенок это делает, родителям не нравятся. У детей в этот период, как правило, начинаются истерики, они могут впадать в гнев, быть деспотичными. Если ругать ребенка, запрещать ему самостоятельность, не признавать его право на негативные чувства, пресекать его попытки заявить о своих желаниях, потом будут сложности с осознаванием, чего он хочет и как хочет. Он будет расти не самостоятельным, зависимым от чужого мнения и чужих желаний, подстраиваться под других.

Основными симптомами кризиса 3-х лет являются:

Негативизм. Его надо отличать от обычного непослуания. При непослушании дети отказываются делать то, что не хотят делать. При негативизме дети отказываются делать даже то, что хотят делать (т.е. им важно сделать именно наперекор тому, что требует взрослый). Негативизм – это такие проявления в поведении ребёнка, когда он не хочет что-либо делать только по тому, что это предложил кто-то из взрослых.

*Пример непослушания:* ребёнок играет во дворе. Его зовут домой обедать, но ему хочется погулять ещё, поэтому он отказывается (обратите внимание, ребёнок отказался именно по тому, что ему хочется погулять ещё).

*Пример негативизма:* ребёнок играет во дворе. Его зовут домой обедать, но он отказывается (хотя сам уже давно нагулялся и хочет есть). Т.е. он отказался от того, чего на самом деле хочет, но отказался только по тому, что это просит взрослый.

*Ещё пример негативизма:* к девочке подходит взрослый и говорит, что у неё хорошее чёрное платье. На что девочка возражает: «Нет, оно не чёрное, а белое». Взрослый говорит: «Ну, хорошо, у тебя белое платье». Девочка отвечает: «моё платье чёрное!». Обратите

внимание, девочка прекрасно умеет различать чёрный и белый цвет, она хочет сказать наперекор взрослому.

При негативизме на первый план выступает социальное отношение, отношение к другому человеку. Т.е. негативизм адресован к человеку, а не к содержанию того, о чём ребёнка просят.

Таким образом, негативизм – это такое поведение, при котором мотив находится вне данной ситуации.

Итак, суть негативизма заключается в отказе от выполнения вашей просьбы лишь из-за желания делать наперекор взрослому.

Упрямство. Упрямство – это такая реакция ребёнка, когда он настаивает на чём-либо не потому, что ему этого очень хочется, а потому, что он это потребовал. Упрямство нужно уметь отличать от настойчивости, когда ребёнок хочет чего-нибудь и настойчиво добивается этого.

*Пример настойчивости:* ребёнку нравится кататься на санках, и поэтому он отказывается от предложения мамы пойти домой.

*Пример упрямства:* мама зовёт гуляющего во дворе ребёнка домой. Ребёнок отказывается. Мама приводит ему разумные доводы (он с ними согласен). Но ребёнок всё равно отказывается идти (по тому, что он уже отказался).

Протест. Ребёнок бунтует против норм воспитания, установленных для ребёнка. Протест против текущего образа жизни. Т.е. ребёнок бунтует против того, с чем он имел дело раньше.

**4** Своенравие, стремление к самостоятельности.

**5** Обесценивание. Ребёнок перестаёт ценить то, что ценил раньше. К этому относятся и люди, и вещи, и даже собственные переживания. В лексиконе ребёнка появляются слова, которые обозначают всё плохое, отрицательное. Эти слова ребёнок употребляет по отношению к таким вещам, которые сами по себе неприязни не вызывают. В этот период дети

могут начать грубить тем взрослым, которых до этого очень уважали. Например, ребёнок может сказать своему дедушке, что он его сейчас побьёт. Маме ребёнок может сказать, что она некрасивая и неинтересная.

6 Деспотизм (в семьях с одним ребёнком.) У ребёнка появляется стремление проявлять власть по отношению к окружающим. Например, ребёнок может требовать, чтобы мама не ходила на улицу, а сидела дома, как он сказал.

7 Ревность (в семьях с несколькими детьми). Проявляется по отношению к братьям и сёстрам. В основе этой ревности лежит то же стремление к господству и деспотизму, что и в предыдущем пункте.

У ребенка в три года появляется новое чувство Я, которое является важнейшим новообразованием в период кризиса 3 лет. Ребенок-дошкольник способен переживать результат своих действий как личностно значимый: достигнутым он гордится, а неудача способна уязвить его. Отношение к себе, образ себя начинает все более корректироваться опытом самостоятельной деятельности, а к концу дошкольного возраста самооценка становится самостоятельным мотивом поведения.

Одобрение и похвала взрослого рождают у малыша чувство гордости, собственного достоинства. В свою очередь, признание окружающих преобразует его чувства, испытываемые при достижении результата: из радости и огорчения эти чувства превращаются в переживания успеха-неуспеха.

Л.И. Божович, называя личностным новообразованием, оформляющимся в период кризиса 3 лет, возникновение системы Я, писала: «Для того чтобы сказать нечто более содержательное о структуре «системы Я», нужны специальные исследования по этой проблеме». Система Я, возникающая на рубеже раннего и дошкольного возраста, может быть понята как важнейшая ступень в развитии самосознания. До ее возникновения, в период младенчества Я ребенка существует непосредственно, в потоке бытия и осознается малышом в форме переживания своего существования.

В раннем детстве эпизодически возникают ситуации выхода из непосредственной поглощенности бытием. Наиболее известным примером таких ситуаций является восприятие ребенком себя в зеркале и на фотографиях.

Становление такой системы Я, где точкой отсчета является достижение, полученное во взаимодействии с окружающим миром, знаменует собой переход к дошкольному детству, который А.Н. Леонтьев назвал «периодом фактического складывания личности».

В ходе общения с детьми трех летного кризисного возраста родители совершают следующие типичные ошибки:

- Типичная ошибка родителей заключается в отсутствии у них твердой позиции, они не определили, чего именно требовать от ребенка. Часто разные члены семьи не могут договориться друг с другом, что создает дополнительные трудности в решении ситуации. Нехорош также подход, требующий от ребенка полного повиновения родителям и ломающий при

этом его волю. Т.е. должны быть четкие требования и правила к ребенку у всех членов семьи.

- Вторая ошибка – неготовность к изменениям в поведении ребенка, отсутствие знаний об особенностях этого возраста, стремление сохранить свой родительский авторитет любой ценой или, наоборот излишняя мягкость и уступчивость.
- Также плохими советчиками родителям становятся те родственники или специалисты, которые дают общие советы, не разбираясь в деталях ситуации, у каждого ребенка свои индивидуальные особенности, при этом советы могут быть противоположны – от «не обращай внимания» до «ломай и заставляй делать всегда по-своему».
- Неуверенность мамы в своих силах, её желание соответствовать всем противоречивым советам, метание из крайности в крайность создают неблагоприятные внешние условия и привносят еще больше путаницы.
- Также к совершаемым родителями ошибочным действиям относятся напрасные наказания, обвинения и «срывы» на ребенка, непоследовательность в действиях: то родители настаивают на чем упорно, то уступают во всем.

Рекомендации родителям по преодолению кризиса 3-х лет у ребенка

1. Не применяйте авторитарный стиль воспитания, откажитесь от гиперопеки.
2. Придерживайтесь единой тактики воспитания. Детям следует предъявлять единые требования.
3. При возникновении у ребёнка вспышки гнева, слез, истерик, проявляйте спокойствие и терпение. Не позволяйте себе кричать и срываться в ответ, если ребенок будет видеть ваше спокойствие, он быстрее успокоиться в ответ. Ребенок должен усвоить, что криком, слезами и истерикой нельзя манипулировать родителями.
4. Старайтесь не спорить с ребёнком. Не пытайтесь силой переломить его упрямство. Помните, что ребенок проверяет вас. Раньше ребёнку было позволено практически всё, теперь же многое находится под запретом, в следствие чего ребенок пытается выстроить новую систему взаимоотношений со взрослыми и окружающим миром.
5. Не командуйте своим ребенком! Он этого не потерпит. Это лишь приведет к нервному напряжению. Постарайтесь давать возможность ребенку быть самостоятельным (например, самому одеваться и раздеваться).
6. Дайте ребёнку возможность проявлять самостоятельность. Поручите ему несложные задания: полить цветы, накрыть на стол, подмести пол, вытереть пыль и т.д.
7. Позвольте ребенку делать самостоятельный выбор: спрашивайте, какую игрушку он бы хотел взять с собой в садик или на прогулку. Какую футболку хотел бы одеть из предложенных вами нескольких вариантов. Ребёнок должен учиться принимать несложные самостоятельные решения.
8. Ищите вместе с ребёнком компромиссные решения в сложившейся конфликтной ситуации. Бывают ситуации, когда ребенок взял какую-то вещь

и ни в какую не хочет отдавать или хочет надеть определенную одежду и никакую другую. Попробуйте найти с ребенком компромисс. Например, если он взял на детской площадке чужую игрушку, а потом не хочет отдавать, предложите ему его же игрушку, только со словами: «А твоя машинка быстрее ездит и колеса у нее больше!». Тоже касается и одежды. Старайтесь проговаривать с ребенком каждую ситуацию, мотивируя, почему сегодня лучше надеть вот это, а не это.

9. Чаще показывайте ребенку свою любовь, хвалите, обнимайте его. И, когда ругаете, объясняйте ребенку, что его самого вы очень любите, вам не нравится, то что он сделал.

10. Важно знать, что в возрасте 3 лет игра становится для ребенка ведущей деятельностью, поэтому используйте игровые приемы в общении с ребенком. Например, если ребенок отказывается кушать кашу, попросите его покормить игрушку, сказав, что кушать та согласна только по очереди с ним.

11. Не следует ставить ребёнку общих оценок, обзывать ребенка. Ваши невзначай брошенные слова могут больно ранить ребенка и послужить основой для дальнейших психологических проблем.

Если у ребенка началась истерика:

Общая позиция – как можно меньше обращать внимания. Не потакать капризам. Никто не устраивает истерику, если нет свидетелей, потому что пропадает смысл. Поэтому, если истерика началась в людном месте и нет возможности отвлечь внимание ребёнка, то следует просто взять и унести его. Наказание, как и объяснение, не подействуют, ребёнок просто не услышит вас. Он будет продолжать плакать. Приемы, которые можно использовать в данном случае: задайте неожиданный вопрос; не пытайтесь что-либо внушать ребёнку – он сильно возбуждён и не может вас услышать; достаньте из кармана интересный предмет, чтобы его заинтересовать; предложите другую деятельность (попытайтесь переключить внимание); если ребёнок требует что-либо надрывно, спокойно скажите: «Я дам тебе конфету, (сок и т.д.), как только ты успокоишься и попросишь красиво. Ты умеешь это делать».

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Выготский Л.С. Кризис трех лет //Собр. соч.: В 6 т. М., 1984. Т. 4. – с. 145 – 150.

2. Абрамова Г. С. Возрастная психология: Учебное пособие для студ. вузов – М.:
Издательский центр «Академия», 2009 - 672 с.

3. Будинайте Г.Л. Современный стратегии воспитания

4. Галигузова Л.Н. Педагогика детей раннего возраста [Текст] /Л.Н. Галигузова, И.А. Мещерякова. - М.: Гуманитар, изд. центр ВЛАДОС, 2007. - 301с.

5. Григорьева Г.Г., Кочетова Н.П. и др. Кроха: пособие по воспитанию, обучению и развитию детей до трех лет. - М.: Просвещение, 2010- 245 с.

# TA`LIMNI RIVOJLANTIRISHDA BOSHLANG'ICH TA`LIMNING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PSIXOLOGIK HUSUSIYATLARNING O'RNI

*Qultoyev Sh., Allayorova D.*
*Jizzax viloyati Sh.Rashidov tuman 9-maktab o'qituvchilari*

O'zbekiston Respublikasidagi "Ta'lim to'g'risida" gi qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" ni amalga oshirish maqsadida umumta'lim maktablari isloh qilindi. Bu qonun va milliy dasturining asosiy talablaridan biri yangi ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarga to'la javob beruvchi, malakali vatanga sodiq, fidoiy kadrlarni yetishtirish hisoblanadi.

Boshlang'ich sinfladrda ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda bolaning o'qishga bo'lgan ijodiy munosabatki, turli ma'lumotlar bilan ishlash, asosiy psixologik amallarni bilish va bajarish, ularni kundalik hayotda qo'llay olish, mantiqiy va ijodiy fikrlash, o'-o'zini boshqarish, jamoada o'zini tuta bilish, yozma va og'zaki muloqat madaniyati, qoidalarini egallas, psixologik va ta'limiy faoliyatni tashkil etish kabi ko'nikmalarni shakllantirish katta ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan ham umumta'lim maktablarida o'qitilayotgan asosiy fanlardan biri bo'lgan psixologiya ta'limni oqitishning sifati va samaradorligini yanada oshirishga katta e'tibor berilmoqda.

Bu haqida O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimov ham ta'kidlab o'tgan: "Har qaysi millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda hech shubhasiz, oilaning o'rni va ta'siri beqiyosdir". Demak, ota-ona ilmli bo'lsa, bola ham ilm olishga intiladi. Buni biz buyuk shoir Alisher Navoiyning hayotida ko'rishimiz mumkin. Ilmli insonlar orasida o'sganligi uchun u 5 yoshida she'r yozgan: Orazin yopqoch ko'zimdin shochilur har lahza yosh Bo'ylakim paydo bo`lur yulduz nihon bo'lg'och quyosh. Yuqorida aytib o'tganimizdek, Turk hoqonligida ham bolalar 5 yoshda o'qish va yozishni o'rganganlari haqida ma'lumot bor (O'z.Res.Ensiklopediyasi). Olimlarni tekshirishicha bolaning ongi psixologik o'zgarishlari 5-7 yoshda shakllanadi. Bu asosan, boshlang'ich tarbiya yoshi hisoblanadi. Shuning ushun bu davrda oila, bog'cha va maktab hamkorlikda ish olib borishi juda zarur. "Har qaysi ota-ona, ustoz va murrabiy har bir bola timsolida, avvallo, shaxsni ko'rishi zarur"(I.Karimov "Yuksak ma'na viyat yengilmas kuch"). Bir necha yillar boshlang'ich va psixologik tarbiya susayib ketgan edi. Chekka qishloqlarda boshlang'ich Ta`lim muassasalari yopilib ketgan, borlarida ham o'rta ma'lumotli yoki ma'lumotsiz kadrlar ishlayotgan edi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev boshlang'ich va psixologik ta'limga e'tibor qarata boshladi. Shu jumladan, boshlang'ich ta`lim yo'nalishida talabalar 3 yil o'qishlari bunga yorqin misoldir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son "O'zbekiston Respublikasi Boshlang'ich va maktabgacha ta'lim muassasalari vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Prezidentimizni bu qarorlari natijasida boshlang'ich yoshdagi bolalarni 40,5% boshlang'ich ta`lim tashkilotlariga jalb etilishiga muvofiq bo'lindi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tashabbuslari bilan kitobxonlikka katta yo‘l ochib berildi. Chunki kitob o‘qimasdan bilimli bo‘lib bo‘lmaydi. Ilmsiz inson esa johil bo‘lib, taraqqiyotdan orqada qolib ketadi. Buni biz Mahmudxo‘ja Behbudiyning “Padarkush” dramasida ko‘rishimiz mumkin. Bu asar 1911-yilda yozilgan bo‘lsa-da, hozir ham o‘z kuchini yo‘qotmagan. Bu asarda bir boy bolasini o‘qitmaydi. O‘qimagan bola katta bo‘lgach, yomon yo‘lga kirib, o‘z otasini o‘ldirgani haqida hikoya qilinadi. Bu asarda ilm haqida shunday deyilgan: “…ilm-u va hunarsiz xalqni boyligi, yer-u va asbobi kundan-kun qo‘lidan ketgandek, axloq va obro‘yi ham qo‘ldan chiqar hatto dini ham zaif bo‘lur”. Behbudiy xalqni diniy va dunyoviy bilimlarni egallash kerakligini ta’kidlaydi. Bilimsizlik hamma zamonlarda ham insonni jaholatga yetaklaydi. Men bu asarni ota-onalar o‘qib, ibrat olishlarini tavsiya qilaman. Ular farzandlarining ilm olishiga mas’uliyatsizlik bilan qarasalar, dramadagi boyning ahvoliga tushib qolishlari mumkinligini his qilishlari kerak. O‘quv maskanlariga ota-onalar tez-tez kelib, mashg‘ulot va darslarda ishtirok etishlari kerak. Hozirgi vaqtda ota-onalar har xil bahonalar bilan kelishmaydi. Shuning uchun haftada bir marta yoki bir oyda bir marta ota-onalar kunini tashkil etish kerak. Ota-onalar bilan quyidagi tartibda ish olib borish kerak: 1. Ota-onalarni qabul qilish. 2.Ularni darslarga yoki mashg‘ulotlarga olib kirish. 3.Kutubxona va oshxonaning ishlarini kuzatish 4.Kutubxonaga kitob sovg‘a qilishlarini taklif qilish. 5.Ota-onalarga kitob o‘qishlarini tavsiya qilish. Uyda ota-ona kitob o‘qisa, bola ham o‘qiydi. Farzandlari uchun fanlarga oid kitoblarni o‘qish yaxshi natija beradi. Shunda uy vazifalarini farzandlariga tushuntirib bera olishadi.

Ta`lim jarayoni-tarbiyachi va bolalar faoliyatining yig‘indisidan iborat. Bu jarayon o‘qituvchi tomonidan ma’lum bir maqsadga yo‘naltirilgan bo‘ladi, doimo dinamik tarzda o‘zgarib boradi.Ta’lim davomida o‘quvchilarning shaxsiy xislatlari shakllantiriladi va rivojlantiriladi. Ta’lim jarayonlarining asosiy vazifasi ilmiy haqiqatlarni ijodiy o‘zlashtirish orqali yuz beradi. Bilim turlari, o‘rganilayotgan ob’yektlar bevosita ko‘rish yo‘li bilan emas, balki o‘qituvchining hikoyasi, tasvirlab berishi orqali idrok etish yo‘li bilan egallanadi. O‘quv jarayonini harakatlantiruvchi kuchlar qarama-qarshiliklar birligi va ularning o‘zaro kurashidan iborat. Bunga to‘xtovsiz ravishda mukammallashtirishga muhtoj bo‘lgan jarayonning muhim holatlari orasidagi qarama-qarshiliklar misol bo‘la oladi. Bulardan tashqari, o‘quv jarayonining ichki o‘ziga xos qarama-qarshiliklari mavjuddir. O‘quvchilarning o‘zlashtirishi va ko‘nikmalar hosil qilishi bilan ushbu ehtiyojlarni qondirishning haqiqiy imkoniyatlari o‘rtasidagi qaramaqarshiliklar bunga misoldir. Bunday qarama-qarshiliklarni turli pedagogik uslublar, shakllar, ko‘rgazmali vositalarni joriy etish orqali hal etish mumkin. Ta’lim-tarbiya jarayoni faqatgina bilimlar, ko‘nikma va malakalarni shakllantirib qolmay, balki o‘quvchi shaxsiga kompleks ravishda ta’sir etishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Ta’limning tahlili bilan bir vaqtda axloqiy tarbiya vazifalari ham amalga oshiriladi, ya’ni o‘quvchilarda axloqiy, estetik, etik qarashlar, tasavvurlar va shunga muvofiq xatti-harakatlar, munosabatlar, ehtiyojlar sistemasi shakllantiriladi.Ta’limning tarbiyaviy vazifasi ob’yektiv jarayonni belgilangan maqsadga yo‘naltirganlik bilan belgilanadi. Har qanday axloqiy tarbiya ta’lim jarayonining borishiga ijobiy,

foydali ta’sir ko‘rsatadi. Axloqiy tarbiya intizomga, uyushqoqlikka, faollikka undaydi va o‘z navbatida, ta’lim vazifalarini oson bajarish imkonini beradi. Ta’lim-tarbiya jarayoni uch qirralidir. 1-qirrasi – bilim, ko‘nikma va undan keyin malakaga aylanish jarayoni. 2-qirrasi - shaxsiy sifatlarni tarbiyalash. 3-qirrasi - shakllangan xislatlarni mustahkamlash. Ta’limning bu jarayonlari yonma-yon amalga oshiriladi, deb yondoshish mumkin emas. Bu qirralar juda murakkab bog‘liqlikda bo‘ladi, biri boshqasining davomi sifatida yuzaga chiqadi. Albatta, axloqiy tarbiya jarayoni to‘g‘ri tashkil etilgan holatda ta’limning borishi jarayoniga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Chunki bunday tarbiya intizom, uyushqoqlik, faollik va boshqa ko‘pgina fazilatni shakllantirish uchun shart-sharoit yaratadi. O‘quv jarayonini tashkil etish davomida talabalarning bir-birini to‘ldirib borish vositalarini qo‘llash ta’limni sifat jihatidan yangi darajaga ko‘taradi. Ta’lim o‘qituvchi bilan o‘quvchining o‘zaro didaktik hamjihatligisiz ta’limni amalga oshirib bo‘lmaydi. O‘qituvchi qanchalik faollik ko‘rsatmasin, agar bilimlarni o‘zlashtiradigan o‘quvchilarning o‘zida ongli faoliyat bo‘lmasa, haqiqatan ham ta’lim jarayoni amalga oshmaydi. Shuning uchun ta’lim jarayonida pedagog har ikki tomon faolligini ta’minlashi kerak. Ta’lim jarayonida o‘qituvchi bilan o‘quvchi muloqotlari muhim ahamiyatga ega. Ta’lim jarayonidagi muloqot o‘rganish zarurligini ko‘rsatadi, o‘qish, o‘rganishga nisbatan ijobiy munosabatlarning shakllanishiga xizmat qiladi. O‘qituvchining o‘z faniga ishtiyoqmand bo‘lishi, o‘quvchilar bilan yaxshi munosabat o‘rnatishi, bir-biriga nisbatan o‘zaro hurmatni saqlashi, o‘quv jarayonida yordam qo‘lini cho‘zishi, o‘quvchilarning yutuqlari, muvaffaqiyatlari o‘qituvchi tomonidan o‘z vaqtida va adolatli baholanishi hamda og‘ir vaziyatlarda o‘zini tuta bilishi - bularning barchasi o‘zlashtirish jarayoniga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

O‘qituvchining mahorat bilan muloqot o‘rnatishi natijasida ta’limning tarbiyaviylik darajasi ortadi. Ta’lim va tarbiya faqatgina bir qolipdagi narsa emas, balki uni qurshab turgan muhit, ijtimoiy foydali mehnat, ommaviy axborot vositalari, jismoniy mashqlar va boshqa shunga o‘xshash darsdan tashqari mashg‘ulotlar yordamida ham amalga oshiriladi. Ta’lim jarayonining tarkibiy qismlari: -maqsadlilik -rag‘batlantirish -nazorat -to‘g‘ri yo‘lga solish -baholash bilimlaridan iborat. Ta’lim jarayonining ushbu tarkibiy qismlari pedagoglar va o‘qituvchilar oldiga maqsad qo‘yishdan tortib, ularni amalga oshirib natijalar keltirishiga qadar bo‘lgan hamjihatliklarning rivojlanishini aks ettiradi. Shu bilan birga, ta’lim jarayonining ushbu tarkibiy qismlari pedagoglar va o‘quvchilarning hamjihatliklarni nazarda tutishi lozim. Ta’limning mazmuni o‘quv darajasi, davlat o‘quv dasturlari va darsliklar bilan belgilanadi. Ayrim darslarning mazmuni, mundarijasi o‘qituvchi tomonidan qo‘yilgan vazifalarni hisobga olgan holda konkretlashtiriladi. Fanning mazmunida o‘quvchilarning qiziqishlari, “tayyorgarlik darajasi”, ishlab chiqarish va maktabdagi ijtimoiy muhit o‘z ifodasini topishi kerak. Hurmatli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning 2017-2021-yillarda O’zbekiston Respublikasining rivojlantirishning besh ustuvor yo’nalishi bo’yicha harakatlar strategiyasini amalga oshirish bo’yicha davlat dasturlari hamda besh tashabus ishlab chiqildi. Bu dasturlardan biri “Fan to`g`risidagi” bo`lim hisoblanadi. Bu dasturni amalga oshirish ushun har birimiz yosh avlodni ilmli,

ma'naviyatli bo'lib tarbiyalanishi ushun o'z hissamizni qo'shishimiz kerak. 2018-yil 20-martda muhtaram Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo`sh vaqtini mazmunli tashkil etish borasida besh muhim tashabbusda kitobxonlik keng targ'ib qilingan. Buning ushun biz bolalarda kitobga nisbatan mehr uyg'otishimiz kerak. Bunda ayniqsa o'quvchilarning psixologik dunyoqarishiga e'tibor berib yondashsak ayni mudoa bo'ladi deb o'ylayman. Kitob orqali o'quvchi mukamalikka erishadi, chunki kitob insonning yaqin do'sti, suhbatdoshi, sirdoshi. U kishining dunyoqarashi, so'z boyligini oshiradi. Xitoylik olimlar AQSHning butun dunyoga mashhur Apple, Microsoft kompaniyalari sirini bilish maqsadida u yerga o'z tadqiqotchilarini yuborganlar. Izlanishlar shuni ko'rsatdiki, nonotexnologiyalar ixtirochilari bolalikdan psixologik filmlarni, fantastik asarlarni ko'p o'qigan ekan. Shu boisdan bolalarda kichik yoshidanoq kitob mutolaasiga mehr uyg'otish kerak. Buning ushun avval oilada ota-ona bolalariga psixologik mazmundagi kitob o'qib berishlari kerak. 3 yoshda MTTga borgandan so'ng tarbiyachilar badiiy asar bilan tanishtirishga,unga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga o'rgatishlari lozim.

Men pedagogic-psixologik faoliyatim davomida o'quvchilarimda kitobga nisbatan mehr uyg'otishga harakat qilganman. Ota-onalardan ham farzandlariga kitob sovg`a qilishlarini so'raganman. Buning natijasida prezidentimiz tashabbuslari bilan uyushtirilgan "Eng kitobxon maktab" kitob aksiyasida sinfdagi 24 nafar o'quvchining 20 nafarining ota-onasi kelib, har biri farzandlariga 2- 3 tadan har xil pedagogic va psixologik janrdagi kitoblardan olib berishdi. Maktab kutubxonasiga ham kitoblar sovg`a qildilar. Sinfdan tashqari o'qish darslarida o'quvchilarga kitob turlari haqida ma'lumot berish, bir kitob nashrga tayyorlanib o'quvchilar qo'liga yetib kelguncha ketadigan mehnatni qadrlash, kitoblarga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishni o'rgatish, kitob mutolaasi kishiga ezgu fazilatlarning shakllanishida eng yaqin yordamchi ekanlinini tushuntirish mumkin. Darsda o'quvchilarga quyidagi savollar beriladi: 1.Kitob-insonning do'sti deyishadi, bu to'g'rimi? 2.Kitoblarning qanday turlarini bilasiz? Bu savollarga o'quvchilar quyidagicha javob beradilar: 1.Chunki biz kitoblar orqali bilim olamiz. 2.Maktabda va uyda darsliklarimizdan ko'p qiziqarli narsalarni bilib olamiz. 3.Kichkinaligimda onam menga ertaklar o'qib berganlar. 4.Men kitobdagi suratlarni tomosha qilib o'tirishni yaxshi ko'raman. Kitoblarning turlari haqida o'qituvchi yordamida ma'lumot oladilar.Kitobning quyidagi turlari bor: 1.Darsliklar. 2.Fantastik kitoblar. 3.Ertak kitoblar. 4.Tarixiy asarlar. 5.Ilmiy asarlar. Demak, yosh avlodni ilmni mukammal egallashi uchun oila, boshlang'ich ta'lim, maktab hamkorlikda ish olib borishi kerak ekan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Sh.M.Mirziyoyev. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent: 2017 yil.

2. Sh.M.Mirziyoyev"Davlat boshlang'ich ta`lim muassasalari xodimlarining ayrim toifalari mehnatiga haq to`lashni takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qaroridan. Toshkent. 2018 yil.

3. I.A.Karimov “Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” Toshkent.” Ma’naviyat” 2010 yil
4. O‘zbekiston Respublikasi Enseklopidiyasi
5. M. Behbudiy. Tanlangan asarlar. T. ”Ma’naviyat” .1999 yil.
6. A. Avloniy. Tanlangan asarlar. T. ”Ma’naviyat”. 2006 yil.
7. Abu Rayhon Beruniy.Tanlangan asarlar. T. 1968 yil.1t-488 b.

## ENGLISH FOR CHILDREN: HOW TO INTEREST A CHILD IN LEARNING A LANGUAGE

*Kurbanova G.K.*
*Republic of Karakaplakstan*
*City Nukus, 46 school progress Teacher of English*

“How to make a child learn English?” Not “how to make”, but how to motivate, interest the child in learning English. Children are the flowers of life. Depending on the approach in education, you can grow a lily or cactus. Do you think children are hard to get to teach? They are wonderful students. But even experienced parents cannot always interest the child in English; sometimes they make popular mistakes in motivation. Let's look at what prevents children from learning a language and how to help them cope with difficulties.

Common Motivation Mistakes for Learning English

Negative attitude towards English and teacher

For children, the authority of parents is a significant thing that can work miracles or discourage the desire to learn something. Remember that you are talking about English and an English teacher. Do you think that learning a language is insanely fun, and a teacher is an excellent mentor? The child will think the same way. But he doesn’t want to learn English if mom or dad says that “they live wonderful and without knowledge of a foreign language”. Children imitate parents; strive to be like them in everything. If your student does not want to study because he wants to be “like parents”, you need to correct the situation. By correcting, the mistake: No need to sharply change the negative to positive, the child will easily feel the lie, and you will lose the most valuable thing - his trust. It’s better to say: “Knowing the language will open up so many possibilities for you” Do not criticize the teacher, it is better to send the child to language courses, where you can choose the most suitable, in your opinion, teacher.

Put your aim not wrong goals

Setting goals is the first important step you need to take with your child. Often parents say: “You will know English; you can become a successful manager or supervisor. You can work in a prestigious company. ” Great goal... for a high school student. But what if the child is only 7-10 years old? Does he want to work as a manager? Does the mysterious word "supervisor" understand?

As already mentioned, focus not on the negative, but on the positive sides of the issue. “You can easily learn a lesson. You’re my smartest! ” It is after these

words that the little student will feel capable and begin to gnaw at the granite of science with renewed vigor.

Parents should show interest in learning. Be sure to be interested in the fact that the child learned today what he is doing, which causes difficulties. He needs to understand that you do not care whether he studies or not. It is important for children to show the importance of their work, avoid indifference.

Sort lyrics and texts young learners are probably interested to know what their favorite performer is singing about. If it is difficult to perceive the text by ear, find it on the Internet and translate it. No need to impose your own musical tastes; work with those songs that your child loves. This will help you build relationships with the teenager, become a little closer to him.

Change activities more often. The child quickly gets tired of the same activities, so it is advisable to change the type of activity every 10-20 minutes. For example: for the first 15 minutes, watch a cartoon, then discuss it for 10 minutes, then read a fairy tale for 15 minutes, over the next 10 minutes a child can try to retell.

Young learners are very active and they do not like to sit in one place for 30 or 45 minutes. You should find interesting, fun and reliable resources to interest them. There are several advises:

Maintain and end often ask topics covered, ask questions and answer them;

Carefully listen to the interlocutor and respond to his questions;

To express their point of view within the scope of topics and communication situations contained in the textbook;

Read aloud; select the necessary information when reading to oneself

Have a good understanding of the content of educational texts

Perform some types of written assignments such as consolidating oral work, mastering English transcription;

Listen and then retell a simple authentic text.

International pedagogical experience shows that now there is a return to the old “good” methodological methods, when a particular lexical and grammatical phenomenon is fixed in various training exercises “seriously and permanently”. In other words, the child gets used to learning. From this, in no case does it follow that the lesson must be turned into a boring conscription. To achieve positive results, it is necessary to intensify the learning process with the help of various role-playing games to consolidate lexical-grammatical units, scenes, competitions. But you need to play and have fun in moderation - both movement and play should not be an end in itself. It is necessary that the game moments help in fixing and repeating the material, make it more intelligible, but do not distract the children from the lesson. Extracurricular work in the English language in elementary school involves: taking into account the desires and interests of children, voluntary participation, and commitment of participants, the development of personal qualities of each student participant, growth prospects and the expectation of a positive result of their work, linguistic orientation. Young learners should be more educated than we are because they are our future and the development of our country is their hands.

**REFERENCES:**

1.Reeves J. (1989). Elementary school foreign language programs. Washington, DC: Center for Applied Linguistics. [Electronic resource]. URL: http://www.cal.org/resources/archive/digest/1989elemfl.html/ (date of access: 29/05/2017).

2. Nikolov M. (2009). Early learning of modern foreign languages: Processes and outcomes. Bristol. UK: Multilingual Matters. 5

3. Cameron L. (2003). Challenges for ELT from the expansion in teaching children. ELT Journal. 57

4 Using Educational technology in English Language, by MOOC

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

*Галимова Л. доцент, Курбанова С. магистр*
*“Ҳудудларни муҳандислик муҳофазаси ва объектларни хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси*

Фавқулодда вазиятларда жавобгарликнинг барча иштирокчилари учун ахлоқий омилнинг аҳамиятини қайд этиб, маънавий-психологик бошқарув тайёргарлиги, уларнинг психологик барқарорлигини шакллантириш, экстремал шароитларда зарур касбий ва ахлоқий-психологик сифатларни тўғри даражада сақлаб қолиш қобилиятига алоҳида эътибор бериш керак. Ахлоқий-психологик тарбия ғоявий иш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, раҳбарлар зиммасига масъулият юклаши лозим.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этадиган кадрларни маънавий-психологик тайёрлаш ҳарбий психологлар ва социологларнинг ўтмишдаги уруш ва шунга ўхшаш тажрибаларга асосланган тавсияларини ҳисобга олиш керак, чунки фавқулодда вазиятларнинг экстремал шароитларида ишлаш фронт чизиғида курашишга жуда ўхшайди.

Психологик талофатлар-фавқулодда вазият билан бирга келувчи салбий омиллар мажмуасининг таъсиридан фавқулодда вазиятлар ҳодисаларидаги талофатлар. Улар ходимларнинг ўз фаолиятини пасайтирувчи жиддий психологик ҳолатда бўлиши билан ифодаланади (қўрқув, ваҳима, руҳий зарба, истерия хуружлари, мотор фалажи, хотиранинг қисман йўқолиши, кўриш ва эшитиш, овқат ҳазм қилиш ва сийишни назорат қилиш қобилиятининг бузилиши). 10% психологик йўқотишларнинг қайтарилмаслигига, қолган 90% эса турли муддатларда-бир неча соатдан бир неча кунгача тикланишига ишонилади. Баъзи ҳолларда, бевосита фавқулодда психологик зарба олган одамлар қисқа муддатли даволашни ташкил қилиш зарур. Бу 60%дан ортиқ ходимларни 72 соат ичида ишлашга қайтариш имконини беради.

Ғарбий немис ҳарбий мутахассиси Е.ДИНТЕРНИНГ тадқиқотларига кўра, душман билан алоқада бўлган ходимларнинг қолиши 30-40 кундан

ошмаслиги керак. Бунинг сабаби шундаки, тажрибадан далолат берадики, ахлоқий ва психологик имкониятларнинг чўққисига етгач (20-25 кун), ҳарбий руҳий ва жисмоний кучнинг толиқиши туфайли уларнинг тез пасайиб кетиши бошланади. Бундан ташқари, жангда аниқ ифодаланган фаоллик одатда иштирокчиларнинг 20% дан кўп бўлмаганига хосдир. Фаоллик ва фаолсизлик, психологларнинг фикрича, биринчи навбатда одамларнинг туғма сифатлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ахлоқий-психологик тайёргарлик жараёнида фавқулодда вазиятларда кишиларнинг бўлажак хатти-ҳаракатлари стереотипларини сезиларли даражада ўзгартириш деярли мумкин эмас деб ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда ишлашга кадрларни маънавий-психологик тайёрлашнинг энг муҳим вазифалари: қўрқувни енгиш ва ваҳимадан қочиш учун шароит яратиш, яхши иш муҳити ва психологик барқарорлик учун асос бўлиб хизмат қилувчи кичик гуруҳларда ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, доимий ва мустаҳкам етакчиликка эришиш. Психологларнинг баҳолашига кўра, 1980-2000-йиллар авлоди аввалгиларига нисбатан ақлан заиф ва камроқ барқарордир. Жанговор тажрибага эга аскарлар жангда намоён бўладиган саркардаларнинг шахсий фазилатларига баҳо бериб, биринчи ўринда етакчилик қобилиятини (56%), иккинчиси - жасурликни (30%) қўйиши ҳам характерлидир.

Қўрқувни енгиш чораларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу қўрқув беихтиёр руҳиятига асосланган туғма туйғу, деб ишонилади. Уни бутунлай енгиб бўлмайди, барча одамлар унга турли даражада бўйсунадилар. Тажрибанинг кўрсатишича, экстремал вазиятларда 90% одамлар аниқ шаклларда намоён бўлади (қайт қилиш, ичак функциясини тартибга солишнинг бузилиши ва бошқалар.), Ҳарбий тажриба 30% жангдан олдин энг катта қўрқув, 35% - жангда, 16% — ундан кейин.

Ахлоқий-психологик тайёргарлик инсон психикасининг хавф-хатарга, қўрқувга сабаб бўладиган шароитларга муайян "одатланиш" ни таъминлаш ҳамда бундай шароитда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида тавсиялар беришдир. Қўрқув фавқулодда вазиятда, ўз гуруҳидан руҳий ёки жисмоний изоляцияда, кутилмаган ёки тушунарсиз шароитларда, шикастланиш ёки жиддий шикастланиш қўрқувлари, жисмоний заифлик, руҳий зўриқиш, ҳаракатсизлик ва ҳоказолардан қўрқиш билан мустаҳкамланади. Бу омиллар мажмуи таҳлил қилиниб, у бошқарувчига маълум йўналиш беради, қўрқув ва ваҳимани енгишда ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олиш имконини беради.

Фавқулодда синдромларнинг типик холатини кўриб чиқамиз:

Rembo синдроми-фавқулодда вазиятларда иштирок этиши ва ташвиши, айбдорлик, уят ва уларда иштирок этиш учун жирканиш истаги ўртасида бахтсизликни барқарор невротик тузилиши. Ушбу тузилманинг асосий характеристикаси-бу "миссия" нинг онги, душманликда ўз-ўзидан таъна қилмасдан тажовузкор мотивларни амалга оширишга имкон берадиган ўз-ўзидан оғир, аммо олижаноб алтруистик масъулиятлар ёки professional вазифаларнинг "корпорация" га тегишли онгидир.

Уруш (ўлим таҳдиди) сурункали оғир стресс билан ҳосил бўлган Zombi синдроми фаркли ўларок, Rembo фаол ёки (тез-тез) пассив ички стрессни енгиш учун фавқулодда вазиятларда иштирок этиш учун интилади.

Уларнинг энг муҳим хусусиятлари биринчи навбатда, фавқулодда вазиятлар ўчоғида экстремал вазиятда бўлиш истаги. Шунинг учун Rembo ҳар доим кўнгилли. Улар ўз-ўзини чеклашга мойил, муаммосиз ва виждонли, альтруистик ва баъзан бошқаларга ёрдам бериш таклифлари билан чиқувчи, таъсирчан ва заиф.

Таърифланган Rembo синдроми (ва фавқулодда вазият иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларида унинг элементлари) жуда қимматли ишчилар гуруҳини ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, шунингдек, мутахассисларни фавқулодда марказларда ишлашга жалб қилиш тамойилларини келтириб чиқаради. Амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу тоифадаги шахслар психосоматик ва токсикоманик эволюциянинг юқори хавфи – соғлиғини йўқотиш, ҳаёт сифатини камайтириш ва ногиронлик билан тавсифланади.

Бундай ҳолатларда психологлар фавқулодда вазиятда инсоннинг психологик барқарорлигини оширишнинг энг муҳим шартини кўрадилар. Шахслараро муносабатлар биргаликда кулфат ва машаққатлар асосида, ўзаро қўллаб-қувватлаш, қўрқоқлик фавқулодда намоён бўлса, инсон гуруҳда бегона бўлиб қолади, маънавий-психологик ёрдамини йўқотади, ўзини йўқотади, деган тушунча асосида курилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Управление в чрезвычайных ситуациях: Учебное пособие// Н.И.Архипова, В.В.Кульба – Москва 2008.

2. Психологическая защита в чрезвычайных ситуациях: Учебное пособие// под ред. Л.А.Михайлова. – СПб.: Питер, 2009. – 256 с.: ил.

3. Психопатологические последствия чрезвычайных ситуаций: Учебное пособие// М.: Академический Проект; 2000. -268 с. (Библиотека психологии, психоанализа, психотерапии).

## ФОРМИРОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ДОШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ

*Курбанова Ш.Н.*
*преподаватель Ферганского филиала по повышению квалификации специалистов физического воспитания и спорта при Министерстве физического воспитания и спорта Республики Узбекистан*

**Аннотация.** Мир детства это особый мир. И не каждый взрослый способен войти в нее. Это мир нежной и трепетной души, но часто в нем присутствует жестокость и неприятие того, что очень значимо и важно для

взрослых. В данной статье рассматривается психологическая культура детей в дошкольном возрасте и влияние этого аспекта на формирование современной образовательной среды.

**Ключевые слова:** детство, взрослый, родители, развитие

В настоящее время психология начинает занимать всё более заметное место в общей культуре страны. Углубляется взаимодействие психологии и общества. Научная и практическая психология представлены во всех областях общественной жизни: политической, экономической, производственной, социальной, юридической, в области образования, искусств и спорта, сохранения здоровья и обороны страны. Все провозглашаемые в настоящее время нравственные ценности основаны на психологических законах общения и взаимодействия людей.

К сожалению, отсутствие психологической культуры в нашем обществе тормозит полноценную реализацию во всех областях жизни. Определённую ответственность за это несёт современная система образования. Думается, что при определении перспективных путей развития образовательных структур и программ целесообразно учитывать их соответствие общественным потребностям своего времени. Необходимость психологического образования с дошкольного возраста как раз и вытекает непосредственно из потребностей общественной жизни, отвечает интересам как всего современного общества, так и каждого из его граждан.

Учёные-педагоги и психологи утверждали, что психология необходима как предмет общего образования, поскольку она формирует целостное мировоззрение ребёнка: учит его взаимодействию не только с окружающей действительностью, но и с людьми, и с самим собой. Психологическое образование должно предусматривать не только психологическую грамотность, но и воспитание их психологической культуры, которая является основой и результатом психологического здоровья молодого поколения страны. Актуальность проблемы психологической культуры обусловлена ведущей ролью этого качества в процессах жизнедеятельности человека, его общения, социальной адаптации, продуктивного личностного развития.

Межличностные отношения детей в дошкольном возрасте достаточно сложны и многоплановы и представляют целостную систему со своей внутренней структурой и динамикой развития. Вопрос о необходимости изучения этих отношений неоднократно поднимался различными исследователями, среди них: Коломинский Я.Л., Рояк А.А., Репина Т.А., Мухина В.С., Аркин Е.К., Усова А.П., Аржанова А.И., Кульчицкая Е.И. По мнению ученых, ранний возраст обладает особой благодатной восприимчивостью. У ребенка интенсивно формируется наглядно-образное мышление и воображение, развивается речь, психическая жизнь обогащается опытом, возникает способность воспринимать мир и действовать по представлению.

Ж. Пиаже приписывает маленькому ребенку эгоцентризм, вследствие чего он еще не может строить совместную деятельность со сверстниками (поэтому Пиаже считает, что общество детей возникает только в подростковом возрасте). В отличие от него А.П. Усова, а вслед за ней и многие российские психологи и педагоги считают, что первое детское общество образуется в детском саду. Но в дошкольном возрасте на фоне благоприятной обстановки воспитания в детском саду могут создаваться условия, когда влияние среды становится «патогенным» для развития личности, поскольку ущемляет ее.

Межличностные отношения (взаимоотношения) - это многообразная и относительно устойчивая система избирательных, осознанных и эмоционально переживаемых связей между членами контактной группы. Несмотря на то, что межличностные отношения актуализируются в общении и в большей своей части в поступках людей, сама реальность их существования значительно шире. Выражаясь образно, межличностные отношения можно уподобить айсбергу, у которого лишь надводная его часть предстает в поведенческих аспектах личности, а другая, подводная часть, большая, чем надводная, остается скрытой. Для межличностного общения в современном социуме характерны различные ситуации. Каждому взрослому человеку знакомо состояние неловкости, замешательства, ощущение собственной неполноценности, когда не знаешь, как утешить человека в горе, что ответить на пренебрежительное или вызывающее обращение, каким образом отстоять свою правоту, чем развеселить приунывшую компанию. Все эти проблемы общие и для взрослых, и для детей. Дети различных возрастов должны уметь решать их самостоятельно, поскольку взрослого может не оказаться рядом. Для этого требуется не только понимать, что происходит, но и владеть определённой техникой общения.

Изучение детской субкультуры - игр и любимых развлечений, шуток, шалостей, этикета и способов разрешения детьми конфликтов в различных ситуациях – дает возможность наиболее эффективно осуществлять целостный психолого-педагогический процесс, а также имеет большое значение для развития сознания и личности ребенка, детского сообщества, группы сверстников. Детская субкультура является продуктом социального взаимодействия и коллективного творчества детей в свободном общении, играх познавательной деятельности в неформальных группах. При этом одна из важнейших функций детской субкультуры состоит в регуляции взаимоотношений между членами детского игрового сообщества и отношений с окружающим миром природы и миром взрослых. Она передается от ребенка к ребенку в непосредственном общении и характеризуется следующими особенностями:

1. Она является частью или подсистемой культуры того общества, к которому принадлежат дети, но всегда сохраняет относительную автономию и самостоятельность.

2. Детская субкультура отличается консерватизмом, обладает своеобразными «Цензурными фильтрами», не позволяющими расшатывать

ее устои. При этом она гибко реагирует на события окружающего мира и ассимилирует новую информацию, вводя ее в традиционно-детские культурные структуры.

Общая психологическая культура личности – это составная часть базовой культуры личности, позволяющая ему эффективно самоопределяться и самореализовываться в жизни, способствующая успешной социальной адаптации, саморазвитию и удовлетворенности жизнью.

Задача взрослых в семье, школе, обществе - помочь ребёнку овладеть средствами понимания самого себя, самопринятия и саморазвития в контексте гуманистического взаимодействия с окружающими его людьми и в условиях культурных, социальных, экономических и экологических реальностей окружающего мира. Психологическая неграмотность, низкая психологическая культура общества, отсутствие культуры отношений в том жизненном пространстве, в котором живут многие дети, создают условия, при которых ребёнок нередко с момента рождения попадает в «зону риска» - риска не стать человеком. Дети должны быть подготовлены к пониманию того, как вести себя в обществе по-человечески, как разбираться в том, что происходит в этом обществе. Психологическое образование представляется необходимым и естественным для нормального развития современного подрастающего человека. Психологическая культура не только проявляется во взаимодействии людей, но служит регулятором этого взаимодействия, предполагает и реализует живое общение, обусловленное взаимным уважением собеседников. Психологическая культура исключает манипулирование сознанием, чувствами, отношениями людей. Овладение культурой начинается с момента рождения человека. И это в значительной степени определяется той культурной средой, которая с момента рождения окружает ребёнка. Каждый учится быть человеком, и это научение происходит в контексте культуры и образования.

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Блонский П. П. Психология и педагогика: Избранные труды. М.: Юрайт, 2016

2. Крюкова С. В., Слободяник Н.П. Я удивляюсь, злюсь, боюсь, хвастаюсь и радуюсь. Программы эмоционального развития детей дошкольного и младшего школьного возраста: практическое пособие. М.: Генезис, 2007. - 208 с.

3. Мир детства: младший школьник. - Ред. А. Г. Хрипкова, В. В. Давыдов. М.: Педагогика, 1981. - 400 с.

# ЎСМИР ЁШИДАГИ БОЛАЛАР АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОРИНИ ПСИХОКОРРЕКЦИЯЛАШДА ОИЛАНИГ ЎРНИ

*Кушанова М.И.*
*Самарқанд давлат университети ассистенти*

Ҳозирги вақтда турли ёшдаги болаларда кузатилаётган агрессивлик ўзига хос ўрганиш ва индивидуал коррекцияни талаб қилади. Ўсмирларнинг хулқида кузатилаётган агрессивлик тобора кўпроқ кўзга ташланиб, ўзини намоён қилмоқда. Бугунги глобаллашув даврида ўсмирларнинг агрессив хулқ-атворини ўрганиш муаммоси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, чунки ўсмирларнинг хулқида кузатилаётган агрессивлик замонавий дунёда ўсиб бормоқда ва бу ҳолат биз (ота-оналар, ўқитувчилар, психолог) ларни ташвишга солмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, деярли барча ўсмирлар кундалик ҳаётда агрессив хатти-ҳаракатларни намоён қиладилар, аммо ўсмир агрессияси одатда сурункали ёки аниқ кўзга тез-тез ташланган ҳолатларда ташвишланишга асос туғдиради. Ота-оналар ва умуман катта ёшдаги инсонлар нуқтаи назаридан агрессивлик ўсмир ҳаётини мураккаблаштирадиган, таълим-тарбиясини, ўзгалар билан муносабатини қийинлаштирадиган, салбий хулқ атвор сифатида баҳоланади. Кўпинча ўсмирлар муҳитида бир-бири билан мулоқот қилишда, хоҳ у мактабда, кўчада ва жамоат жойларида бўлсин зўравонлик, аччиқланиш, асоссиз бақир-чақирларни кузатишимиз мумкин. Ўсмирлик даврида кузатиладиган агрессивликни иккита асосий омилга: ёшга боғлиқлик, яъни мураккаб (кризис) давр ва жамиятнинг таъсири билан боғлаш мумкин. Ўсмирга ижтимоий муҳитда унинг оиласи, маҳалласи, мактаби ва тенгдошлари, шунингдек, турли оммавий ахборот воситаларининг фаолияти таъсир кўрсатади, бу эса инқирозли даврни бошдан кечираётган ўсмирнинг психологик саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади, натижада агрессив хулқ-атворнинг намоён бўлишига олиб келади.

Ҳозирги кунда агрессия муаммоси билан шуғулланувчи психологларнинг олиб бораётган изланишлари ва тадқиқотларининг натижаси шуни кўрсатадики, ёшларда кузатилаётган агрессия ва агрессив хулқнинг юзага келиш манбаи оила муҳити эканлигини кўрсатмоқда. Оилада носоғлом муҳитнинг шаклланганлиги (ота-она томонидан болани ёқтирмаслик, унга меҳр кўрсатмаслик ва ҳ.к.) болада ҳимоясизлик, ҳавотирланиш, ўзини кераксиздек ҳис этиш, боладаги агрессиянинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, болага нисбатан нафақат эътиборсизлик, балки ҳаддан зиёд эътибор ҳам баъзи ҳолларда унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бола хулқида кузатиладиган агрессия атрофдаги катталар билан бўладиган муносабатларда унда катта қийинчиликларни туғдиради, натижада атрофдагиларнинг танқиди остида қолиш оқибатида норозилик кайфияти билан бирга янги агрессив хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради.

Агрессив хулқ тушунчасининг моҳиятини аниқроқ очиб берган таърифлардан бири Р.Берон ва Д.Ричардсонлар томонидан қуйидагича келтирилган: “агрессив хулқ – бошқа тирик мавжудотни ҳақоратлаш ёки зарар етказишга мўлжалланган хатти-ҳаракатларнинг ҳар қандай шакли” [1].

Фарзанд оилада камол топар экан, у оила аъзоларининг ўзаро муносабатларидан доимо ибрат олади. Шулар заминида у бошқа кишиларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини ўрганиб, фарқлай бошлайди ва улар билан муносабатга киришиш, мулоқотда бўлишнинг усул ҳамда шаклларини ўрганиб боради. Оиладаги муҳит, оила аъзолари ўртасидаги муносабат, оилавий ҳамжиҳатлик ёки аксинча, келиша олмаслик, опа-сингиллар, ака-укалар томонидан қилинган нотўғри, янглиш хатти-ҳаракатларга нисбатан ота-онанинг реакцияси – оилада шаклланиши мумкин бўлган агрессив хатти-ҳаракатларнинг омиллари ҳисобланади. Агрессив реакциялар агрессив хулқни намоён қилувчи вазиятларда иштирок этиш ёки пассив кузатувчи сифатида кузатиш орқали ўзлаштирилади. Шу боисдан агрессив хулқ фақатгина тегишли ижтимоий шароитларда кузатилади. Бу эса уни олдини олиш ёки назорат қилиш мумкинлигини кўрсатади.

М.И.Рожков ва М.А.Ковальчук тадқиқотлари ўсмирларда агрессив хулқ-атворни шаклланишида оиланинг роли катта эканлиги кўрсатди. Жумладан, оиладаги носоғлом муҳит фарзандлар хулқидаги оғишишларни келтириб чиқариши исботланди. Оиладаги психологик муҳит, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ҳам агрессив хулқ-атворнинг шаклланишида муҳим жиҳат эканлиги аниқланди, хусусан, оила аъзоларининг бир-бирига бефарқ муносабати, доимий низолар шулар жумласидандир[3].

Ф.Райснинг фикрига кўра ўсмир ота-онасининг, унга кўрсатадиган меҳр-муҳаббатини, ғамхўрлигини, фарзандининг ҳаётига қай даражада қизиқишига кўра, унга ажратиши мумкин бўлган вақтига кўра, уларнинг имконияти ва хоҳишидан келиб чиқиб унинг ёнида бўлиб, керакли вақтда ёрдам кўрсатишлари мумкинлигини бемалол баҳолай олиш имконига эга. Ота-онанинг етарли даражада ва керакли вақтда қўллаб-қувватламаслиги, ўсмирнинг ўз-ўзига паст баҳо беришига, мактабда ўзлаштиришнинг пасайишига, импульсив хатти-ҳаракатларнинг ортишига, ижтимоий мослашувчанликни ёмонлашувига, турғун бўлмаган, жамият қоидаларига зид хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келиши мумкин[2].

Одатда ўсмирлар ўз ота-оналаридан эътибор ва дўстона муносабатларни кутишади. Баъзи ота-оналар фарзандларининг ҳис-туйғулари ва кайфиятларига бефарқлик билан муносабатда бўлишади. Улар фарзандларининг ўй-фикрлари ва ҳис-туйғуларини тушунмайдилар ёки қабул қилмайдилар. Ўсмирлар ота-оналари билан муносабатга киришар экан, тергаш ва қаттиққўлликдан кўра ўзаро тушуниш ва ишончга асосланган муносабатларга киришишни хоҳлайдилар.

Ф.Райснинг фикрига кўра, ўсмирлар ота-онасининг нафақат меҳр-муҳаббатига, балки уни амалда кўрсатишилишига муҳтожлик сезишади. Ота-оналар томонидан меҳр-муҳаббатнинг ташқи ифодаланиши ўзаро муносабатларнинг ижобий шаклланишида таркибий жиҳат бўлиб

ҳисобланади. Ўсмир индивидуаллашув жараёнининг мураккаблиги унинг хулқ-атвор амбивалентлигида: баъзида катталардек, баъзида кичкиналардек кўриниши мумкин. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида оилада “масъулият инқирози” ни юзага келтиради. Бу ўсмирнинг оиладаги масъулият доирасини қайта тақсимлаш зарурати бўлиб, хусусан ўсмирнинг масъулияти қай даражада эканлиги билан боғлиқ [2]. Шундай қилиб, ота-онанинг муносабати ўсмирлик даврида агрессив хулқ-атворнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатиб, агрессивликни ижтимоийлашувида асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, ота-она томонидан ўрнатиладиган талаб ва қаттиққўлликнинг меъёрида эканлиги, меҳр ва муҳаббатнинг ташқи ифолаланиши болада муносабатлардан умумий қониқиш ҳамда ҳиссий яқинликни келтириб чиқаради, аксинча ота-онанинг болага нисбатан ўрнатган қатъий талаблари, ўта қаттиққўллиги, боланинг ўй-фикрлари билан ҳисоблашмаслик, меҳр ва муҳаббатнинг ташқи ифодаланмаслиги оқибатида ўсмир хулқ-атвори ўзгаришларига, яъни агрессив хулқ-атворни келтириб чиқариб, муносабатларда ҳамкорликнинг йўқолишига, ҳиссий бир-биридан узоқлашувига олиб келади. Ўсмирларда агрессия ҳолатлари намоён бўлганда психологлар билан маслаҳатлашиш, улар билан ўтказиладиган тарбиявий жараёнда ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Шуни ёдда тутиш керакки, агрессив хулқ, аввало, ўсмирлардаги салбий эмоционал ҳолатлар таъсирида шаклланади. Шунинг учун катталар, аввало, ўзларидаги салбий эмоционал ҳолатларни бошқара олишлари зарур. Бу билан ўсмирга инсоннинг ўзини-ўзи бошқара олиши кўп ҳолларда ижтимоий вазиятни яхшилашнинг энг мақбул усули эканлигига ўрнак кўрсатадилар.

Ўсмирларда мавжуд агрессияни ўз вақтида профилактика қилиш, диагностикаси ва даволашга қаратилган чоралар келажакда жамиятдаги салбий ҳолатларни сезиларли даражада камайтиради. Шундай экан ушбу масалаларга жиддий ёндашиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар бўлиб, шаклланишини таъминлаш ҳар бир оила аъзосининг, маҳалла фаолларининг, мактаб раҳбариятининг, кенг жамоатчиликнинг асосий ва муҳим вазифаси бўлмоғи даркордир. Шу ўринда биз ўсмир фарзанд тарбияланаётган ҳар бир оилада ота-она, маҳалла фаоллари, мактаб раҳбарияти томонидан қуйидагилар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Оилада тарбиянинг мувозанатлашган шаклини ишлаб чиқиш ва унга эътибор қаратиш;

- ўсмирнинг бўш вақтини мақсадли ташкил этиш;
- ижтимоий омилларнинг салбий таъсирини камайтириш;
- оилада ўсмирнинг имкониятидан юқори бўлган талабларни чегаралаш;

- боланинг ёшлигида кузатиладиган дастлабки агрессив ҳолатини юзага келтирган факторни аниқлаб, ўз вақтида коррекциялаш;
- ўсмирларнинг агрессив хулқ-атворини тузатишда ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш: бу ота-оналар, ўқитувчилар ва албатта боланинг ўзи;
- агрессив хулқ-атворнинг олдини олиш учун боланинг фаол ва қизиқарли ҳордиқ чиқариши муҳим ўрин тутади. Спорт тўгаракларидаги машғулотлар барча ёшдаги болаларга жуда яхши таъсир кўрсатади;
- бола фаолиятини рағбатлантириш, оддий, аммо жуда самарали усул.
- бола ҳаётида катталарнинг таъсири беқиёс, айниқса ота- онанинг. Болага ҳар жиҳатдан ўрнак-намуна бўлиш энг самарали воситадир.
- болани ўтмиш аждодлар меъроси, улар қолдирган бой маънавий мерос билан мунтазам таништириб бориш, тарихий қадамжойларга саёҳатлар ташкил қилиш, буюк аждодларимиз хулқ-аворидаги мардлик, ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр-оқибат каби фахр туйғусини уйғотадиган жиҳатларини сингдириш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бэрон, Р., Ричардсон, Д. Агрессия. – СПб: Питер, 2009. – 352 с
2. Райс, Ф. Психология подросткового и юношеского возраста. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 624 с.
3. Рожков М.И., Ковальчук М.А. Профилактика наркомании у подростков. – М., 2003.

## ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ УСТИВОРЛИГИ...

*Қамбарова Д.С.*
*Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси*

Ҳаётда чинакам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланган бўлишга қарамасдан бахтини яримта қиладиган ҳам оилавий ҳаётдир. Ҳозирда таълим муассасаларида “Оила психологияси” фани ўқитилмоқда. Ушбу дарслик ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турли келишмовчиликлардан сақланиш, оилавий муносабатларда махсус билимларни эгаллаш борасида зарур амалий қўлланмадир. Амалий машғулотларда ўқитувчининг креативлиги, компетентлиги, маҳорати, тажрибаси дарс мазмун ва моҳиятини, таъсирчанлигини янада оширади. Айниқса дарсларда оила шажарасини тузиш бўйича амалий кўрсатмалар бериш ўқувчиларда ўз аждодлари, улардан фахрланиш туйғуларини уйғотади. “Оила фаровонлиги- жамиятимиз фаровонлиги” мавзусидаги иншолар кўрик-танловини ўтказиш ҳам ўқувчиларни бу борадаги ижодий фикрларини ўстиради.

Биз учун фарзанд тарбиясида маънавий асос бор. Шарқ алломаларининг оила ҳақидаги пурҳикмат фикрларини ўрганиш, оилавий муносабатлар ҳақидаги ҳадислар моҳиятини ҳаётий мисолларда келтириш орқали ўқувчиларда ўз-ўзини англаш жараёни пайдо бўлади. Ахлоқий ўзликни англаш соғлом руҳият асосидир. Соғлом руҳият эса қувват берувчи иммунитетдир. Шундай экан, оила психология дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрловчи, ижодий тафаккурини ўстирувчи миллий психология жиҳатларидан фойдаланиш зарур.

Соғлом турмуш тарзи тўғри ва оқилона режалаштирилиши керак. Оилада соғлом маънавий-психологик муҳитни сақлаш учун билимдон ва малакали бўлишга эришиш зарур. Чунки, ижтимоий муносабатлар тегишли маълумот ва малака талаб этади. Келажакда ҳар бир инсондан соғлом турмуш талаблари асосида яшаш талаб этилади. Демак, бу масалага онгли ёндашиш керак, ҳар биримизга билимлар мезони ва ҳаракат дастури керак.

Оилавий масалаларда албатта аждодлар меросидан унумли фойдаланиш бу борадаги ишларни мазмун жиҳатдан бойитади. Ўзбек оиласининг ўзига хос ахлоқий мезонлари бор. Оилалар соғлом бўлса, жамият ҳам барқарор ўсишда давом этади. Оиланинг маънавий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Оила кодекси”да белгилаб қўйилган. Оила жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Чунки оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни сақлайдиган, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказадиган тарбия ўчоғидир. Оилада соғлом тарбиянинг пойдевори қўйилади. Ота-оналар ҳам маънавий жиҳатдан қанчалик бой бўлсалар, улар ўз фарзандлари тарбиясида шу қадар жиддий ва масъулиятли бўладилар. Фарзандларидан яхши хулқ ва одоб талаб қилиш учун ота-онанинг ўзи инсонийлик, одамийлик фазилатларига эга бўлиши керак. Ўзида йўқ, ўзи мухтож бўлган ахлоқ-одобни фарзандидан талаб қила олмайди. Муҳими, оилада маънавий бўшлиқ бўлмаслиги, болаларнинг назоратсиз қолиб, умрларини мақсадсиз, бефойда ўтказишларига йўл қўймаслик керак. Зеро, ҳадиси шарифда “Ҳеч бир ота-она фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”,- дейилади. Шу билан бирга “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, тарбиясини, одобини ҳам яхшиланглар”,-дейилади. Инсон жиноятчи ёки тарбиясиз бўлиб туғилмайди. У оилада фақат кўкрак сути, нон-чой ва кийим-бош билангина эмас, балки таълим-тарбия, тушунча ва ғоялар билан ҳам парваришланиши керак. Барча эзгулик деб аталмиш ҳисларнинг митти уруғлари болага оила муҳитида ташланади. Кейинчалик таълим муассасаларида мутахасислар томонидан ушбу билим ва кўникмалар ривожлантирилади. Инсонни ўргатиб бахтли қилиб бўлмайди, аммо уни шундай тарбиялаш керакки, бахтли бўлсин. Зеро, маънавий баркамол инсон жамият мустақиллиги ва маънавий етуклигининг гаровидир.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган “Оила психология” дарсларининг мутахасис томонидан мақсадга мувофиқ ўтилиши узлуксиз таълимнинг давоми ҳисобланиб, ёшларни фикрлаш операцияларини фаоллаштиришда, ижобий эмоцияларни пайдо қилишда, уларни

келишувчанликка (компромисс), ҳамдардликка (эмпатия), мослашишга (адаптация) ҳамда шахсий установкалар ва диспозицияларга сезгирликни оширади. Дарсларда аждодлар меросидан, муқаддас битиклардан фойдаланиш шубҳасиз бу борадаги ишларимиз унумини ва самарасини оширади. Бундай онгли ёндашув бизни ҳаёт қадриятларига яқинлаштиради, соғлом турмуш тарзи билан яшашга олиб келади.

Тарбия соҳаси ислоҳати бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни хал этувчи муаммога айланмоқда. Маънавий ахлоқий поклик, соғлом турмуш тарзи ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг замирида таълим-тарбия ётади. Шунинг учун тарбиявий таъсирларнинг янги шакли, воситалари ҳамда усулларини излаш даркор.

## MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY – NAZARIY ASOSLARI

*Qobilova N.Q.*
*Andijon viloyati Izboskan tumani*
*Maktabgacha ta'lim bo'lim mudiri*

**ANNOTATSIYA:** Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tizimiga ilg'or axborot va pedagogika texnologiyalarini joriy etish borasida amalga oshirilayotgan ishlar mazmun – mohiyati, tarbiyachi va bolalarni kompyuterdan foydalanishning zarurati va multimediya texnologiyalarning ahamiyati, mazmuni, afzalligi haqida so'z boradi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi haqida o'rganildi. Yosh hususiyatini hisobga olish muhimligi aniqlandi.

**Kalit so'zlar:** Axborot texnologiyasi, pedagogik texnologiya, keys texnologiyalari, multimediya, kommunikatsiya, intelekt, zamonaviy standart, innovatsion markaz, interfaol metodlar.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье обсуждается содержание работы по внедрению передовых информационных и педагогических технологий в дошкольном образовании, необходимость использования ИКТ педагогами и детьми, а также важность, содержание и преимущества мультимедийных технологий. Было изучено, что это оказывает положительное влияние на развитие детей в дошкольных учреждениях. Было установлено, что важно учитывать возрастные характеристики.

**Ключевые слова:** Известие технология, педагагическая технология, кейс технология, мультимедия, коммуникация, интелект, модерн стандарт, инноватсионный центр, интерактивный метод.

**ANNOTATION:** This article discusses the content of the work on the introduction of advanced information and pedagogical technologies in preschool education, the need for educators and children to use ICT and the importance, content and benefits of multimedia technologies. It has been studied that it has a

positive effect on children's development in preschool institutions. It was found important to take into account age characteristics.

**Key words:** informational technolog, pedagogical technology, case technology, multimedia, communication, intellect, modern standard, innovational centre, interactive methods.

Maktabgacha ta'lim, bolalarni sog'lom va xar tomonlama etuk shaxs bo'lib shakllanishiga, o'qishga bo'lgan havaslarini uy'gotishga muntazam ravishda ta'lim olishlariga imkon yaratadi va maktabgacha ta'lim tashkilotlarida amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining "Maktabgacha ta'lim tizimiga ilg'or axborot va pedagogika texnologiyalarini joriy etish chora – tadbirlari to'g'risida" 2019 yil 11-iyun 487 - son qarorida ham Ta'lim-tarbiya jarayoniga bolalarni har tomonlama intelektual, ma'naviy-axloqiy va jismoniy rivojlantirishni ta'minlaydigan zamonaviy ta'lim dasturlari, ilg'or pedagogika texnologiyalarini joriy etish, ularni maktabga tayyorlash darajasini oshirish, maktabgacha ta'limni boshqarishning zamonaviy standartlarini yaratish maqsadida bir qator ishlar amalga oshirilishi belgilab olindi.

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi huzuridagi Axborot va texnologiyalari innovatsion markazini O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi muassisligida "Axborot va pedagogika texnologiyalari innovatsion markazi" ma'suliyati cheklangan jamiyat etib qayta tashkil etish to'g'risidagi taklifiga rozilik berdi.

Bugungi kunda Maktabgacha ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohatlar shuni ko'rsatadiki, an'anaviy ta'lim shaklini yangi shakllar, jumladan kompyuterli ta'lim tizimi egallamoqda. Shuning uchun, yurtimiz kelajagi bo'lgan yosh tarbiyalanuvchilarning kompyuter savodxonliklarini shakllantirishga kirishish zarur.

Bu borada respublikamizning ko'plab Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida olib borilayotgan ta'lim-tarbiya ishlarida kompyuterlardan foydalanish yaxshi samara berishini isbotlamoqda. Kompyuterlardan faqat ta'lim vositasi sifatida emas, balki tarbiyalanuvchilarning dunyoqarashini, fikrlashini va xotirasini rivojlantiradigan mantiqiy o'yin vositasi sifatida xam foydalanish muxim ahamiyat kasb etadi.

Bolalar uchun "o'quv qo'llanma" yoki darslik sifatida - kompyuter xotirasiga kiritilgan ma'lumotlar va o'quv materiallari, tarbiyachi pedagoglarlar uchun esa, multimedia texnologiyasiga oid pedagogik, ilmiy-metodik adabiyotlar, metodik qo'llanmalar, tavsiyalar va ularning elektron varianti ta'lim manbalari xisoblanadi.

Multimedia axborot texnologiyalarining bir qismi bo'lib, uning tez rivojlanayotgan sohasiga kiradi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ta'lim-tarbiya jarayonida multimedia texnologiyasidan foydalanishni amalga oshirish uchun, tarbiyachilar multimedia to'g'risida ma'lum bir darajada boshlang'ich bilimlarga egallashi kerak. Ilmiy va o'quv adabiyotlarda, maqolalarda multimedia to'g'risida turli xil qarashlar, fikrlar va tushunchalar berilgan.

Multimedia atamasi (multum+medium) kabi ikki so'z yig'indisidan (yoki

ingl. multi+media) lardan tashkil topgan bo'lib, multi - kup, media-muxit ma'nosini anglatadi.MTT tarbiyachilariga tushunarli bo'lgan quyidagi ta'rifini keltirish mumkin: «Multimedia - bir nechta axborot turlarini kompyuterda ishlov berish natijasida hosil qilingan va bitta "paketga" mujassamlashtirilgan axborot jamlamasidir».

Bolalar iqtidorini erta aniqlash maqsadida kompyuter imkoniyatlaridan foydalanib, multimediya texnologiyalarini maktabgacha ta'lim tizimiga joriy etish dolzarb masaladir. Bu borada ilmiy - amaliy asoslarga tayanadi:

- bolalarning yoshiga va o'ziga xos hususiyatlarini hisobga olgan holda keys texnologiyalari, interfaol metodlar, o'quv topshiriqlarini joriy etish bolalarni mustaqil fikrlashga, kreativligini oshirishga, maktabga tayyorlashda boshlang'ich bilimlarni egallashga, kasb tanlash iqtidorini aniqlashga xizmat qilishi;
- multimediali elektron darsliklarda esa, shu mavzuga tegishli material matni va uni sharxlab boruvchi suxandonning ovozi, mavzuga tegishli animatsiya berilgan bir nechta tasviriy ma'lumotlar, o'tgan davrga tegishli kichik kino lavha va musiqa qo'shib berilishi;
- tarbiyalanuvchilarga xarflarni o'rgatishda, elementar matematik tushunchalar bilan tanishtirishda, ijobiy va salbiy ekologik ta'sirlarni bayon qilishda, ta'limiy va rivojlantiruvchi kompyuterli o'yinlarni amalga oshirilishi;
- bolalarda texnik qurilmalar bilan ishlash ko'nikmasi shakllanishi amalgam oshadi.

Multimediya texnologiyalari bolalarga kinematik (jonli) psixologik ta'sir etib, monitor ekrandagi o'yin buyumlari xarakatlanib, ranglari o'zgarib jilolanib turadi. Barcha faoliyat turlarida maqsadli va belgilangan vaqtda foydalanish, bolalarni charchoq hissini keltirib chiqmasligiga muhim omil bo'ladi.

Buning uchun albatta tarbiyachi, pedagoglarga katta ma'suliyat yuklaydi. Maktabgacha ta'lim tizimi xodimlarining innovatsion axborot kommunikatsiya va pedagogika texnologiyalari sohasidagi bilim va malakasini oshirish, innovatsion ta'lim muhitini tashkil qilish tizimni istiqbolli yo'nalishlarni belgilab beradi.

Tarbiyachilar uchun o'quv-metodik tavsiyalar, trening o'quv mashg'ulotlari, kompyuter texnologiyalaridan foydalanish yo'riqnomalari va electron faoliyat yaratish uchun qo'llanmalar ishlab chiqish va uni amaliyotga joriy etish multimediya texnologiyalarini rivojlantirishda muhim me'zon bo'la oladi.

Zero, xalqaro e'tirof etilgan talablarga javob berish uchun ham soha rivojiga hissa qo'shishda yetarli shart-sharoitlar yaratish, moddiy texnik bazani takomillashtirish asosiy vazifamizdir. Millatning kelajagini tarbiyalashda sustkashlikka yo'l qo'yishga xech birimizning xaqqimiz yo'q.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1.Sh.Mirziyoyev."2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. T.,2016. O'z. Res. Qonun hujjatlari to'plami.2017 y.

2.Ikromova X,.Z. "Zamonaviy axborot tizimlari",T:TIU, 2006 y.

3.Pfn. F.Voxobova, Sh.B.Nabixanova,D.T Karimova "Maktabgacha yoshdagi bola shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim asoslari" pedagogika kolleji

o'quvchilari uchun o'quv qo'llanma.Toshkent-2015 y.

4.“Maktabgacha ta’lim muassasalarida ta’lim-tarbiya jarayonini rejalashtirish” MMXQTMORO’MM. Toshkent-2010 y.

5.P.Yusupova.“Maktabgacha tarbiya pedagogikasi”. Qo’llanma-1993 y.

**Internet saytlari:**

1. http: //www.botik.ru/ICCC/NewPage/ICCCpageRus/ - Xalqaro bolalar kompyuter markazi loyixasi sayti.

2. www.ilm.uz - Uzbekiston ta’lim portali.

## ILM-FAN VA TA’LIMNING RIVOJLANISHI ISTIQBOLLARI

*Qodiraliyev S.D.*
*Andijon Davlat Universiteti talabasi*

Ilm-fan va ta’lim sohasining rivojlanishida eng muhim ro’l o’ynaydigan insonlar bu-pedagoglar. Darhaqiqat, oddiy o’qituvchidan tortib, to professor ustozgacha hammasi pedagogdir. Pedagog bu-yetaklovchi, demak, biz pedagoglarning vazifamiz o’z o’quvchilarimizni, talabalarimizni ilm-fan so’qmoqlaridan asta-sekin, bosqichmabosqich yetaklab, ularni ilm-fan cho’qqilarini zabt etishlariga ko’maklashishdir. O’quvchilarni zamon talablari asosida tarbiyalash bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biridir. Bu esa o’qituvchilar zimmasiga ulkan vazifalar yuklaydi. O’qituvchi o’z sohasining mohir bilimdoni, muammolarning oqilona yechimlarini topa oladigan, o’z ustida doimiy ijodiy ishlab, yangiliklar yarata oladigan, o’quvchilari qalbidan munosib o’rin egallagan bo’lishi lozim. Yosh avlodga zamon talablari asosida bilim berish uchun pedagog o’zining prosessional kompetentligiga ega bo’lishi kerak. Bu pedagogik faoliyatni muvaffaqiyatli hal qilish uchun zarur bo’lgan, kasbiy va shaxsiy sifatlar yig’indisidir.

Pedagogik faoliyatini, pedagogik muloqotni yuqori darajada amalga oshiradigan, o’quvchilarning ta’lim-tarbiyasi sohasida yuqori darajadagi stabil natijalarga erisha oladigan o’qituvchini professional kompetentli o’qituvchi deyish mumkin. Hozirgi kunda mamlakatimizda barcha jabhalar qatori ta’lim sohasida ham juda katta o’zgarishlar, islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, maktablarda moddiytexnik baza mustahkamlandi, darsliklar takomillashtirildi. Hozirda darslarni axborot kommunikatsiya texnologiyalarsiz olib borishni tasavvur qilish qiyin. Yangi pedagogik texnologiyalar asosida dars o’tilishi ta’lim sifati va samaradorligini oshirishga asos yaratmoqda. O’qituvchi mehnatining samarasi shogirdlarining nafaqat yurtimizda, balki xalqaro miqyosdagi fan olimpiadalarda, ko’rik-tanlovlarda qo’lga kiritgan yutuqlarida namoyon bo’ladi. O’quvchilarning qanday bilim olishi va darslarni qay darajada o’zlashtirishi ko’p jihatdan o’qituvchining mahoratiga bog’liq. Hozirgi kunda yangi pedagogik texnologiyalarning 200 ga yaqin turi mavjud. O’qituvchi ana shu texnologiyalardan o’z darsida qanday foydalanishni to’g’ri tanlay bilishi kerak.

Bugungi kunda ilm-fan taraqqiyoti natijasida zamonaviy texnika vositalari kirib kelmoqda. Ochig'ini aytganimizda, biz faxrlanib yurgan ilgarigi savodxonlik endi savod bo'lmay qoldi, ya'ni oddiy jismoniy va aqliy mehnat murakkab malakali mehnat, kompyuter, internet mo'jizalariga mos salohiyatli mehnat bilan o'rin almashdi. Vatanimizdagi ta'lim sohasi rivojlanishida biz albatta rivojlangan xorijiy davlatlar tajribalaridan keng foydalanishga e'tibor bermoqdamiz.

Bunday usullardan biri interfaol usullardir. Interfaol usullar har bir o'quvchining faolligiga, erkin va mustaqil fikr yuritishiga asoslanadi hamda o'quvchilar o'qituvchi yordamida va hamkorligida mustaqil ishlash ko'nikma va malakalariga ega bo'lishadi.

Pedagogik texnologiyalar asosida o'tkazilgan mashg'ulotlar, o'quvchi talabalarni fikrlashga, o'z nuqtai nazarini asoslashga imkon yaratadi. Ilm-fan va ta'limni rivojlantiruvchi omillardan yana bir eng muhimi shuki, bu AKT dan foydalanish. Chunki hozirgi zamon o'qitish metodlarini AKT siz tasavvur etib bo'lmaydi. Hozirda barcha o'quv fanlari bo'yicha elektron o'quv darslik, vertual laboratoriya ishlari hamda multimediya dasturiy vositalarining yaratilishi fanlarni o'qitishda axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirib, ustoz- murabbiylarning resurslaridan o'quv-tarbiya jarayonida unumli foydalanayotganligi o'quvchi va talabalarning fanlarni chuqur o'zlashtirishi samaradorligini oshirmoqda. Ayniqsa, Xalq ta'limi vazirligi tomonidan tashkil etilgan "ZiyoNet", "Uzedu.uz", "Kitob.uz" kabi saytlar dars jarayonida o'quvchilarga videoroliklarni namoyish etish orqali ularda jonli tasavvur hosil qilish, darsliklardan tashqari qo'shimcha ma'lumotlar berish va bu orqali o'quvchi talabalarning bilim, ko'nikma va malakalarini yanada mustahkamlashga qo'l kelmoqda.

Chindan ham jamiyatning buguni, kelajagi, uning madaniy-ma'rifiy va ma'naviy salohiyati ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan bog'liq. O'zbekistonda ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning muhim omillaridan biridir. Ta'lim tizimi islohoti o'zbek xalqining mentaliteti, urf-odatlarini hisobga olib, jamiyat muhitini yangilanishidagi faol jarayonlar bilan uyg'unlashgan holda amalga oshiriladi. Ma'lumki, XXI asr – intelektual boylik, yuksak bilim va salohiyat talab etiladigan asr hisoblanadi. Darhaqiqat, taraqqiyot yo'lidan izchil rivojlanishda hal qiluvchi muhim mezon, u zamonaviy bilim va kasb-hunarni egallagan, mamlakat istiqboli uchun mas'uliyatli o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan yoshlardir.

Hozirda ilm-fan va ta'limning rivojlantirishda eng muhim omillardan biri bo'lgan yangi pedagogik texnologiyalarning eng asosiy negizi o'qituvchi va o'quvchining belgilangan maqsadga hamkorlikda erishishlari uchun tanlangan texnologiyalardir. O'qitish jarayonida maqsad bo'yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo'llanilgan har bir ta'lim texnologiyasi o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erishishi mumkin. Hozirgi kunda hammaga ma'lum va keng qo'llaniladigan usullardan "Klaster", "Aqliy hujum", "Debat", "Venn diogrammasi", "So'z o'yini", "Sirli sandiqcha" kabilardan foydalanish dars davomida o'z samarasini bermoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, hozirgi kundagi davr talabi bu-tinmay izlanish, o'z ustida ishlash, yangi texnologiyalarni amalda tadbiq etish va AKT dan unumli foydalanishni bilish. Shu narsalarni mukammal bilish ilm-fan rivojiga katta hissa qo'shishdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. B.B.Saydaxmedov. Yangi pedagogik texnologiya. Toshkent. 1992.
2. Til va adabiyot ta'limi. 2014-yil 6-son.

## ЁШ ЛИДЕРЛАРДА АССЕРТИВ ХУЛҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Қодиров К.Б.*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти "Бошқарув психологияси ва лидерлик" кафедраси мудири, психология фанлари доктори (DSc)*

Ассертивлик тушунчаси инглиз тилидан кириб келган бўлиб, assert – феълининг ҳосиласи ҳисобланади. Ассертивлик ўзгаларнинг шахсиятини ҳурмат қилган ва уларнинг шаънига тегмаган ҳолда шахснинг ўз қараши, ёндашувида туриб, шахснинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини ишонч билан ҳимоя қила олишини англатади.

Ассертив шахс тушунчаси, шахсда мужассамлашган сифатни тавсифлаб, ташқи муносабат ва бериладиган психологик баҳоларга қарам эмасликни, ўз хулқини эркин бошқара олишни англатади. Ассертив хулқ деганда эса, ўзаро муносабатларда мувозанатни таъминлаш учун энг мақбул қарорни қабул қилиш тушунилади.

Шу боис, умуман, ассертив хулқни шакллантиришга доир тадқиқотларда хулқ-атворнинг интегратив стратегияси ифодаланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий мослашувчанликни таъминлаш мақсадида ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилган гуруҳларда ассертивлик юқори ифодаланиб, мослашувчанлик даражаси ҳам юқори ифодаланган бўлади. Ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилмаган гуруҳларда мослашувчанлик ва ассертивлик даражаси пастлиги кузатилади. Демак, ассертивликни шакллантириш, яъни ассертив хулқнинг асосий компонентларини тренинглар орқали таркиб топтириш мумкин экан.[1]

В.Каппонининг таъкидлашича, ассертив хулқ қуйидаги компонентлардан таркиб топган:

- ўз хулқи учун масъулиятни зиммасига олиш;
- ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишини намоён этиш;

---

[1] Рогинская Т.И. Синдром выгорания в социальных профессиях // Психологический журнал. 2002. Т. 23. № 3.

- самарали мулоқот қила олиш;
- ўзига бўлган ишончни ва ижобий установкани намоён этиш;
- диққат билан тинглаш ва тушуниш маҳорати;
- музокара ва низоли вазиятларда муросаи мадорага эришиш;
- мураккаб вазиятлардан чиқишнинг осон йўлларини топиш.[1]

В.Каппони томонидан кўрсатиб ўтилган компонентлар А.Асмолов томонидан тавсия этилган муваффақиятли хулқ стратегиясидаги хусусий компонентларнинг функционал ва тузилмавий жиҳатдан боғлиқлиги жиҳатидан бўйича ажралиб туради. Унинг тадқиқотларида ассертив хулқни намоён этмаган респондентларнинг тахминан 40 фоизида чуқур депрессивлик ҳолати яққол ифодаланганлиги кўрсатиб ўтган.[2]

Ассертив хулқ инсоннинг камолотга интилиши давомида эҳтиёж сифатида ифодаланиб, бу жараёнда психологик саломатлик ва ижтимоий етуклик ассертив хулқнинг шаклланишида психик барқарорликнинг вужудга келиши билан ажралиб туради. Т.Рогинскаянинг таъкидлашича, айнан эҳтиёж ассертивлик ва ассертив хулққа доир билимларни ўзлаштиришга асос бўлади.[3]

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ассертив хулқни ўзида намоён этиш, жабр ёки зуғум ўтказмаслик фалсафасини эътироф этган ҳолда, унга амал қилишга боғлиқ. Бу хулоса, инсоннинг психологик камолотини таъминлаш жараёнида уни муҳофаза қиладиган муҳит низо, юқори агрессив хулқ ва зўравонликнинг турли кўринишларидан холи бўлишини тақозо этади. С.Медведеванинг таъкидлашича, бу жараёнда ассертивлик тренингидан фойдаланиш ижобий натижалар бериб, фаолият жараёнига, шу жумладан, ўқув фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.[4]

Ёш лидерларда ассертив хулқни шакллантириш жараёни самарали – барқарор кечишини таъминлаш учун:

1) психология, социология ва педагогика фанларини ўқитишда ассертивлик ҳақида маънавий-маърифий ахборотларни ёшлар эътиборига етказиш лозим. Бунинг учун психологик ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади;

2) ёш лидерларда ўзлари ва атрофидагилар билан тенг ҳуқуқли субъект эканлиги тўғрисидаги ижтимоий тасаввурни шакллантириш шарт;

3) шахс эркинликлари ва ҳуқуқларига оид мавзулар муҳокамасида ёшларнинг фаоллигини таъминлаш шарт. Бунинг учун психология ва педагогика фанларидан ўтказиладиган маъруза ва амалий машғулотларда мулоқотнинг турлари ва маданиятлараро ўзаро муносабатларни таъминловчи

---

[1] Каппони В., Новак Т. “Как делать все по-своему, или ассертивность – в жизнь!” – Санкт-Петербург: Речь, 1995. – 232 с.

[2] Каппони В., Новак Т. “Как делать все по-своему, или ассертивность – в жизнь!” – Санкт-Петербург: Речь, 1995. – 232 с.

[3] Рогинская Т.И. Феномен сопротивления адаптирующим воздействиям: Автореф. дис. .д-ра псих. наук. Электронный ресурс. -СПб., 1995.-33 с.

[4] Медведева С.А. Развитие ассертивности будущих практических психологов в процессе их профессионального становления // Дисс...кан..психол..н. - Киев: ГВУЗ «Университет менеджмента образования». 2010. – С.45-49.

функцияси ҳақида аниқ маълумотлар етказиш тавсия этилади;

4) ассертив хулққа нисбатан ёшларда қадриятга асосланган ижобий муносабатни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маърифат соатларини ўтишда барча индивидуал хусусиятлар билан ҳар бир инсон қадрият сифатида ҳурматга лойиқ эканлигини уқтириш тавсия этилади;

5) ёш лидерларга ассертив хулқ тўғрисида маълумот беришда, унинг эмоционал-ҳиссий мазмунига жиддий эътиборни қаратиш лозим. Бунинг учун эмоцияларни намоён этиш психотехникасидан фойдаланиш тавсия этилади;

6) таълим жараёнида ўзини англаш, ассертив хулқни ўрганиш учун қулай ижтимоий-психологик муҳит яратилиши лозим;

7) реал ҳаётда ассертив хулқнинг ўрни ҳақида тажриба алмаштириш тартибини татбиқ этиш лозим. Бунинг учун, таълимнинг гуманистик принципларига таянган, гуруҳларда иш юритишда когнитив-хулқий йўналиш ғояларига асосланган, талаба-муҳит-талаба муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги таъминланган, гуруҳда интерфаол таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ассертив хулқни шакллантириш тренингларини ўтказиш тавсия этилади.[1]

Ҳозирги вақтда ассертив хулқни ўрганиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларни учта даражага умумлаштириш мумкин. Булар интеллектуал, шахсий ва эмоционал даражалардир.

Интеллектуал даража деганда инсоннинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини конструктив тарзда ҳимоя қила олиши, кучли ва кучсиз томонларини онгли равишда ўз муносабати ва ҳиссиётларини турли сатҳда ифода эта олиши тушунилади.

Шахсий даража инсоннинг ўзига ва бошқаларга ишончи, қатъиятлилиги, мақсадга йўналганлиги, талабчанлиги каби хислатларни намоён этиши билан биргаликда унинг хулқида конгруэнтлик, яъни мақтов ва танқидларни ақл билан идрок этиш, бошқаларни ҳурмат қилиш каби фазилатларнинг таркиб топиши билан белгиланади.

Эмоционал даража инсон ўз ҳис-туйғуларини нутқи ва хатти-ҳаракатлари орқали аниқ-яққол ифодалай олиши, босиқлик ва вазминлик билан ўз кечинмаларини намоён этиб, талаб ва истакларини очиқ баён эта олиши каби кўринишларда намоён бўлади.[2]

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулоса ва тавсияларни тақдим этиш мумкин:

1. Ассертив хулқ шахслараро муносабатларнинг конструктив воситаси ҳисобланади. Ёшлар етакчиларидаги ассертив хулқнинг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари сифатида уларнинг ижтимоий эркинлиги, қадриятларни эътибор олиши, ўзларининг мақсад ва ниятларини очиқ билдириб, бошқаларнинг манфаатларини ҳурмат қилиши, ахлоқий

[1] Абдумаджидова Д.Р. Педагогик фаолият тизимида ассертивлик ва ассертив хулқ талқинлари. // Педагогика. ТДПУ. Илмий-назарий ва методик журнал. № 5. Тошкент, 2016. – Б.35-41.

[2] Абдумаджидова Д.Р. Мактаб ўқувчиларида ассертив хулқни шаклантиришнинг психологик хусусиятлари. // Мактаб ва ҳаёт. Илмий-методик журнал. № 8. 2016. – Б.10-14.

меъёрларга амал қилиши, ўз хулқи учун маъсулиятни зиммасига олиши билан белгиланади.

2. Ёш лидерларда ассертив хулқ – мустақил фикрлилик, дадиллик, қатъиятлилик, ўзига ишонч, ташқи таъсирларга берилмаслик, ўз устида ҳукм ўтказишга йўл қўймаслик ва маъсулиятни ўз бўйнига олиш каби ижтимоий-психологик хусусиятларнинг намоён бўлишида ўз ифодасини топади.

3. Ёш лидерларда ассертив хулқнинг умумий интеллектуал, шахсий ва эмоционал даражалари мавжуд. Ассертив хулқ намунаси сифатида лидернинг ўзига ва бошқаларга бўлган ассертив муносабати бир қатор компонентлардан таркиб топган. Ёш лидерларда дадиллик ва проактив позициянинг намоён бўлиши ижтимоий муносабатлар тизимида шахсий ва касбий муаммоларни ажрата олиш хислатининг барқарор ва изчил тарзда ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

4. Ассертив хулқнинг юқори даражаси намоён бўлган ёш лидерларда субъектив назоратнинг юқори даражаси, яъни интерналлик хос бўлиб, улар ҳаётда юз берган воқеаларнинг аксарияти шахсий фаоллик, компетентлик, интилувчанлик, вазиятларни бошқара олишига ишонч, ҳаёти учун масъуллигини ҳис қила олишларини билдиради.

5. Ёш лидерларда ассертив хулқнинг ижобий ўсишини таъминлашга мўлжалланган махсус коррекцион дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса, улардаги лидерлик сифатларини янада кучайтириш имконияти очилади.

## ЁШЛАР ВА ДЕСТРУКТИВЛИК

*Қодиров У.*
*Сурхондарё вилояти ХТХҚТМОҲМ профессори,*
*психология фанлари доктори*

Баркамол авлод тарбиясини амалга ошириш муҳим стратегик масалалардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг демографик хусусиятларини инобатга олсак, бу нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади. Бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун турли усул ва воситалар ёрдамида кескин олиб борилаётган курашлар давом этмоқда. Мазкур ҳаракатлар бевосита ёшларга йўналтирилган бўлиб, уларда миллий анъана ва қадриятларимизга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатга нисбатан салбий муносабатларни шакллантиришга қаратилгандир. Бу муайян оммавий ахборот воситалари, оммавий санъат ва маданият ёрдамида керакли бўлган ғояларни шакллантириш, йўл-йўриқлар бериш орқали амалга оширилмоқда. Натижани жамиятнинг диний, маданий, ижтимоий, маънавий соҳаларида намоён бўлаётган экспансия ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин. Айни ҳолатларнинг ўз навбатида нохуш характерга эга бўлган, қуйидаги оқибатларга олиб келиши эҳтимоли бор:

- ёшлар ижтимоий алоқалар доирасининг торайиши;
- қадриятлар мазмунининг ўзгариши;
- ёшларнинг фақат бугунги кун учун яшаб, истиқболни ўйламаслиги;
- «Мен» сиймосининг деформациялашуви;
- психологик тушкунликнинг юзага келиши(ички бекарорлик, ички зиддият, ижтимоий қўркув, салбий характер хислатларининг акцентуациялашуви);
- ўз ўрнини оила, иш, ўқув жамоасидан ўзга жойлардан топишга интилиш.

Умумжаҳон муаммоларидан бири ҳисобланган ёшларда мафкуравий иммунитетни шаклланганлигини тадқиқ қилиш борасида кўплаб хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида ва шу жумладан, республикамизда бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларда мазкур муаммонинг келиб чиқишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар, статистик, демографик, ҳуқуқий ва ҳудудий хусусиятлар илмий таҳлил қилинган.

Ҳозирги пайтга келиб жаҳонда бўлиб ўтаётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар илгари етарли даражада аҳамият берилмаган бир қатор феноменларга янгича назар билан қарашни тақозо этмоқда. Улардан бири инсонларнинг деструктив фаолиятидир. Инсон табиатининг вайронкор жиҳати айниқса XX аср бошлари ва XXI аср охирларида оммавий қотилликлар, инқилоблар, урушлар, террорчилик ҳаракатларида яққол намоён бўлди. Оммавий ахборот воситаларида жаҳоннинг энг тинч, осойишта ҳисобланган мамлакатларида ҳам содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар бериб борилмоқда. Ҳеч қандай ахлоқий, диний, ҳуқуқий меъёрлар инсоннинг деструктив фаолиятини тўхтатиб қололмаяпти. Ҳатто яшаш учун яратиб берилган энг қулай шарт-шароитлар ҳам деструктив фаолиятни бартараф эта олмаяпти, айни пайтда у нафақат инсонларнинг бир-бирига, балки табиатга, маданий ёдгорликларга, оддий буюмларга нисбатан муносабатида ҳам акс этмоқда. Техника ва технологиянинг замонавий тараққиёти ҳисобга олинса, ҳозиргидаврда деструктив фаолият нафақат алоҳида олинган шахс ёки ижтимоий гуруҳга, балки давлатлар, мамлакатлар ва бутун инсониятга хавф туғдирмоқда.

Деструктив гуруҳларнинг давлат ва жамиятга қарши олиб бораётган психологик урушларида аҳоли онгида муайян бир душман тимсолини яратиш асосий ўрин тутади. Бу тимсол мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам бўлиши, танлаб олиниши ёки сунъий яратилиши мумкин. Мазкур тимсол аҳолининг барча қатламлари томонидан душман сифатида идрок этилади ва кишилар онгига шу йўналишда мафкуравий, психологик таъсир ўтказиб борилади.

Муайян ғоянинг эҳтимолий салбий баҳоланиш кўринишлари:

-бир ҳовуч, маълум бир кишиларнинггина манфаатини ифодалаши (бу барча деструктив гуруҳлар мафкураси, ғоясига хос жиҳат);

-ёлғонлиги, жамиятнинг талабларига жавоб бермаслиги;

-ибтидоий, қолоқлиги, муҳим жиҳатларни назарга олмаслиги;

-алмисоқдан қолганлиги, жамиятнинг янгиланиб келаётган талабларига жавоб бермаслиги ва ҳ.к.

Кейинги йилларда олимлар орасида шахс деформацияланишуви муаммоларига нисбатан қизиқиш ортиб бормокда. Бу турли хулқ оғишлари масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўламида ҳам кўзга ташланади. Ушбу илмий тадқиқот ишларида эътибор кўпроқ делинквент, тажовузкор хулқ-атворга эга ёшларни ўрганишга қаратилган бўлиб, уларда ҳозирги вақтда олиб борилаётган профилактика, психокоррекция ишлари ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишини бартараф этишда етарли даражада самара бермаётганлиги ҳам таъкидланади. Ёшларда хулқ оғиши масалаларига бағишланган илмий-амалий, фундаментал тадқиқотлар кам эканлигини ҳам ҳозирги кундаги долзарб масалалар қаторига киритиш мумкин.

Ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиши ижтимоий-психологик ва шахс детерминантларини мажмуавий ўрганган ҳамда турли кўринишдаги хулқ оғишларига яширин мойиллиги бор ёшлар профилактикаси бўйича махсус ижтимоий-психологик дастур ишлаб чиққан олимларнинг таъкидлашларича[1], ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишига бир томондан, турли номақбул ижтимоий омиллар, иккинчи томондан шахснинг деструктив ижтимоий-психологик салоҳияти сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга шахснинг деструктив ғоялар таъсирига тушишига сабаб бўлувчи референт ижтимоий-психологик детерминантларни аниқлаштириш ва уларнинг дифференциаллашган коррекциясини амалга ошириш ёшларда хулқ оғиши самарали профилактикасига асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар психологик ҳимоя шахс хулқи ва фаолиятининг англанмаган муҳим регулятив механизми эканлигига эътиборни қаратмокдалар. Психологик ҳимоя муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган ишлар ватанимиз, яқин ва узоқ хориж олимлари томонидан амалга оширилиб келинмокда. Психологик ҳимоя шахс хусусиятлари, эҳтиёжларини шакллантириш, ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатлардан бири бўлиб, унинг ўрганилишида кўпрок ёшлик ва етуклик даври муаммоларига мурожаат этишади. Ёшлик даври шахс ривожланиши, инсоннинг ўзини ўзи англаши ва ҳаёт йўлини танлашида катта роль ўйнайди. Ахборот, маълумотнинг адекват идрок этилмаслиги мазкур муаммоларнинг ҳал этилишини мураккаблаштиради. Мазкур давр моҳиятини англаш учун аҳамиятли ҳисобланган психологик ҳимоя муаммоси мамлакатимизда мустақил илмий тадқиқот доирасида деярли тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ёшлар хулқининг англанмаган регулятив механизмларини ўрганиш, шахс хусусиятлари билан боғлиқ ёшлик даврига хос ҳимоя механизмларини тадқиқ этиш, жинс хусусиятлари билан боғлиқ равишда ёшлик давридаги психологик ҳимоя кўринишларининг ўзига хос

[1]Смирнова С.В.Социально-психологическая профилактика молодёжной криминальной агрессивности. Автореф. дисс.канд. психол. наук. 2007.

жиҳатларини таҳлил қилиш, шахснинг ёшлик даврини тавсифловчи ҳиссий-иродавий, коммуникатив, интеллектуал хусусиятларини ўрганиш, шахснинг индивидуал-психологик тавсифи ва турли ҳимоя механизмлари хусусиятлари ўртасидаги мутаносиблик, боғлиқликни тадқиқ қилиш ҳозирги кунда психология фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёшлик даврига хос психологик ҳимоя механизмларининг амал қилишида шахс хусусиятларига боғлиқ равишда қабул қилинадиган психологик ҳимоя кўринишлари муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Психологик ҳимоя механизмларининг таркиб топиши ёш даврларига хос ўзгаришлар табиатига узвий боғлиқ бўлиши тахмин этилади. Мазкур йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилгани мақсадга мувофиқдир:

• ёшлик даврига хос психологик ҳимоянинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

• психологик ҳимоянинг ўқув-касбий ва жинсий тафовутларини тадқиқ этиш;

• ташқи муҳитга ва психологик жиҳатдан деструктив таъсирга эга ахборотга қарши йўналтирилган (ички) психологик ҳимоянинг турлари ҳамда кўринишларини тасниф қилиш;

• психологик ҳимоя механизмларининг фаоллигини таъминловчи шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларини ўрганиш;

• психологик ҳимоянинг етакчи механизмлари асосида шахснинг ёшлик даврига хос психологик портретини ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш натижасида олинган хулосалардан касбга йўналтириш, психологик маслаҳат ва илмий тадқиқот амалиётида фойдаланиш мумкин. Эмпирик, статистик маълумотлар айрим шахс хусусиятларига хос психологик ҳимоя кўринишларини диагностика қилиш бўйича методик ишланмалар яратиш ҳамда муаммо мавзуси юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқотлар натижаларидан тегишли йўналишлар бўйича психолог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш имконияти мавжуд. Адабиётларда таъкидланишича, ёшлик даврида психологик ҳимоя турли механизмларининг самарадорлик даражаси бир хил бўлмайди. Энг самарали психология ҳимоя механизмлари сифатида ушбу даврда проекция ва рационализация кўзга ташланади. Ёшлик даврининг турли босқичларида ҳимоя механизмлари бир текисда шаклланиб, ривожланмайди. Регрессия[1] ва компенсация[2] сингари психологик ҳимоя механизмлари 16 ёшда энг ёркин даражада ифодаланса, проекция, ўрин алмаштириш[3] ва сиқиб чиқариш[4] каби

---

[1]Регрессия– Фрейд назарияси бўйича ҳимоя механизмларидан бири бўлиб, инсон таҳликали ҳолатларда одатда болалигида ўзлаштирган хулқ-атвор шаклларига мурожаат этади.

[2]Компенсация–инсоннинг муайян соҳадаги бирор бир камчилиги, нуқсони ёки ожиз томонини бошқа соҳаларда ўзини намоён қилиш орқали бекитишга ҳаракат қилиши.

[3]Ўрин алмаштириш– психоанализда бостирилган хоҳиш ёки импульснинг бошқа инсон ёхуд объектга йўналтирилиши. Масалан, бошлиқдан қаттиқ гап эшитган ўринбосар ўз қаҳр-ғазабини қўл остидаги ходимларига сочиши ёки эшикни шарақлатиб ёпиши мумкин.

[4]Сиқиб чиқариш– онгдан номувофиқ майл ва кечинмаларни онгнинг англанмаган соҳасига чиқариб ташлаш.

механизмлар улғая бориш жараёнида жадаллиги камайиб, рационализация[1] ва қайта фаол (реактив) таълимнинг жадаллиги ошиб боради.

Психологик ҳимоя механизмларининг фаоллиги жараёнида энг муҳим аҳамият касб этувчи омиллар сифатида шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Бунда психологик ҳимоянинг ҳар бир шаклига муайян шахсий тавсифномага эга инсоннинг психологик портрети, қиёфаси мос келади. Махсус шахс тавсифларининг мутаносиблиги асосида психологик ҳимоянинг у ёки бу шакли афзал кўрилиши хусусида тахмин қилиш мумкин. Психологик ҳимоянинг ифодаланишида жинс хусусиятларининг ҳам таъсири мавжуд. Йигитларда психологик ҳимоянинг сиқиб чиқариш каби механизми бўйича юқори кўрсаткичлар намоён қилинса, қизларда қайта фаоллашув механизмининг бу жиҳатдан етакчилиги кўзга ташланди. Қизларга мулоқотга киришувчанлик, ҳиссиётга берилувчанлик, итоаткорлик ва конформизм хос бўлса, йигитларда ҳиссий барқарорлик, етакчиликка интилиш, қатъийлик устувор жиҳатлар ҳисобланади.

Деструктив фаолият, деструктив гуруҳлар, деструктив ғоялар, онгни назорат қилиш феномени ҳозирги кунда социология, криминология, виктимология ва ижтимоий психология фанлари доирасида ўрганилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни бартараф этишда эса марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмалари, давлат ҳокимиятлари институтлари орасида узвий алоқаларни йўлга қўйиш, оила-таълим муассасаси– жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш, аҳолида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, олиб борилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Ёш авлод вакилларига психологик-педагогик таъсир кўрсатиш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир қатор жиҳатларига кўра муҳимдир. Энг аввало, таъкидлаш лозимки, ёшлар барча жамиятларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, истиқболидир. Ёшлар шахсининг шаклланиши бутун дунёда мураккаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар кечаётган бир пайтга тўғри келаётган экан, уларни тўғри тарбиялашда албатта, катта авлоднинг кўмаги зарур бўлади. Йигит ва қизларга зарурий психологик-педагогик маслаҳат, ёрдам кўрсатиш, уларда тегишли хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, куч-ғайратини тўғри

ўзанга йўналтириш, онгини деструктив ғоялар таъсиридан муҳофаза қилиш шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Волков Е.Н. Критерии, признаки, определения и классификации вредящего психологического воздействия: психологическое травмирование,

[1]Рационализация- инсоннинг ўз хатти ҳаракатларини ўзи ва бошқаларга ижтимоий жиҳатдан маъқулланган варационал усул ва воситалар орқали тушунтиришга уриниши. Мисол учун, киши фақат ўзининг пиёласидан чой ичиши ёки косасидан овқатланиши сингари болалигидан ўрганиб қолган одатини ўта саришталиги, покизалиги билан изоҳлаши мумкин.

психологическая агрессия и психологическое насилие // Журнал практического психолога. 2002 №6.

2. Грачев Г.В. Мельник И.К. Манипулирование личностью. Организация, способы технологии информационно-психологического воздействия. -М., 2002.

3. Қодиров У. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. Монография, "Фан ва технологиялар" нашриёти, Тошкент, 2013, 236 бет.

## BOLALARDA KITOB O'QISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHDA PSIXOLOGIK YONDOSHUV

*Qodirova Z.O.*
*Samarqand viloyati Oqdaryo tumani*
*XTBga qarashli 19-maktab psixologi*

XXI asr butun dunyoda globallashuv asri sifatida o'zini yaqqol namoyon etmoqda. Buni dunyoning barcha hududlari jumladan shahar va qishloqlarning chekka hududlari ham internet tarmogi bilan ta'minlanganligida ko'rishimiz mumkin.Bu o'z-o'zidan barcha fuqorolarni jumladan maktab o'quvchilarini ham bundan foydalanishini ko'rsatadi. Bu ko'p tomonlama yoshlarimizni jahon hamjamiyati bilan teng rivojlanayotganligini, fikr va dunyoqarshi o'sib borayotganligini bildiradi, shu bilan bir qatorda esa barcha ma'lumotlar internet tarmog'idan qisqa va tez o'zlashtirish imkonini ham bermoqda. Bu bir tomonlama vaqtni tejashga imkon berayotgandek go'yo. Aslida esa chi? Bolalarimiz ma'lumotni faqat o'ziga kerakli qismini tez va osonlikcha topayapti. Inson xotirasining nerv- fiziologik asosi shundayki, inson diqqati qanchalik ko'p qaratilgan ma'lumot inson miyasida shunchalik chuqur iz qoldiradi. Internet tarmoqlaridan olayotgan ma'lumoti qisqaligi va to'liq emasligi bolada noto'liq tushunchalar, voqeylikning asl mohiyatini to'liq tushunmasdan xulosa chiqarishiga olib keladi. Bolajonlarimiz hali yosh, ular oladigan bilim toshga o'yilgan naqsh kabi bo'lmog'i kerak. Buning uchun esa ularda kitob o'qish ko'nikmalarini shakllantirib borish ota ona, pedagog va psixologlardan o'ziga xos ma'suliyatni talab etadi. Prezidentimiz tashabbusi bilan "Yosh kitobxon" ko'rik tanlovining tashkil etilishi yoshlar o'rtasida kitob o'qishni targ'ib qilishning ajoyib namunasi desak bo'ladi.

Ko'nikma-shunday aqliy hamda jismoniy harakatlar, usullar va yo'l-yo'riqlardan iboratdirki, bular yordami bilan biz maqsadga erishishimiz mumkin. Ko'nikma va malakalar hosil bo'lishining moddiy asosi shartli reflekslardir.

Bolalarda kitob o'qish ko'nikmalarini shakllantirishda eng avvalo uning individual xususiyatlari: temperamenti, xarakteri, qiziqishi va jamiyatdagi ideallarini, hisobga olishimiz lozim bo'ladi. Bundan tashqari esa psixologdan ayni vaqtdagi uning ichki kechinmalari va yosh davri o'zgarishlarini, aqliy rivojlanish darajasini ham etibordan chetda qoldirmaslikni talab etadi. I.P.Pavlov ko'nikmalar

hatto taqlid yo'li bilan ham hosil bo'ladi degan fikrlarni bildirib o'tgan. Yetuk mutafakkirimiz A.Avloniy 1913-yilda yozgan "Turkiy guliston yoxud axloq" asarida bolani yaxshi axloq va kasb egasi bo'lishida oila va jamoatchilikning hamkorligiga etiborni qaratadi.

Kitob o'qishga qiziqishni bolada "MEN" davri boshlanishidan boshlash maqsadga muvofiqdir. Bu davrda u olamni anglay boshlaydi. Olamni anglashda esa turli qiziqarli rasmli ertak kitoblar bilan, rasmlarini ko'rsatib obrazli ravishda tushuntirib berilishi bolada ham tafakkurni o'sishiga ham asta sekinlik bilan kitob o'qishga qiziqish va ko'nikma hosil qilib boradi. Ota ona va tarbiyachilardan uni qiziqishlarini doimiy rag'batlantirib borish talab etiladi. 3 yoshdan 5 yoshgacha bo'lgan bolalarni ta'lim olishiga quyidagicha yondoshish lozim:

-guruhda bolalar adabiyotiyotidan iborat kichik kutubxona tashkil qilish;

-bolani turli, jumladan nasriy, sheriy adabiyotlar, hikoyalar bilan tanishtirish;

-bolada ayrim bosma so'zlar ramzlarini tanishini rag'batlantirish;

-bolani salohiyatini rivojlantiruvchi muhit yaratish.

Bolani o'qishni o'rganishga majburlamaslik lozim. Bunday holatda bolada jizzakilik va kitob o'qishga nisbatan salbiy munosabatni shallantirib qo'yishimiz mumkin.

Oldindan kitob o'qish ko'nikmalari shakllanmagan maktab yoshidagi o'quvchilarda esa kitob o'qish ko'nikmalari iroda kuchi sarflash bilan birgalikda amalga oshiriladi. Iroda kuchini faoliyatning dastlabki bosqichlarida sarflaydi. Agar o'qituvchi va psixolog tomonidan qiziqish va motiv hosil qilinsa iroda kuchi sarflanishi bosqichma-bosqich kamayib boradi. Natijada o'quvchi o'zi mustaqil o'qish faoliyatini amalga oshira boshlaydi.

Kitob o'qish ko'nikmalarini shakllantirishda ustanovkaning ham ahamiyati katta. "Ilmni Chindan borib bo'lsa ham o'rgan" degan xalqimizda ajoyib bir maqol bor. Mana shunday xalq maqollari va buyuk allomalarimizning fan texnika rivojlanmagan davrda uzoq o'lkalardagi kutubxonalarga borib izlagan kitoblarini o'qib, ilm ma'rifat o'rganib kelganliklari haqida ham o'quvchilar ongiga sinf rahbarlari va fan o'qituvchilari tomonidan singdirib borilishi ham yaxshi natija berishi mukin.

Kasb hunar ta'limi va oily ta'limda tahsil olayotgan talabalarda kitob o'qish ko'nikmalari birmuncha rivojlangan bo'ladi. Bu davrga kelib ayrim yoshlarimizda kitob o'qish ko'nikma emas balki odatga aylangan bo'ladi. Ularga vazifa yuklash orqali kitob o'qishni targ'ib qilishimiz mumkin. Bu yoshda ular kitoblarni o'z oldiga qo'ygan maqsadlari orqali ham tanlay oladi.

Psixologiyada patsiyentlar bilan ishlashda artterapiya tarmog'i biblioterapiya odamdagi noxush hislarni, stresslarni yengishda, shaxsda shaxsiy ustanovkalarni hosil qilishda, bir qarorga kelishida ko'maklashadi.

Kitob o'qish ko'nikmalarini shakllantirishda kitob o'qish gigiyenasi yuzasidan ham ko'nikmalar va tushunchalar shakllantirilib borilishi lozim. Bular yotib o'qimaslik, diqqatni haddan ziyot bir nuqtaga qaratmaslik, tezyurar avtoulovlarda o'qimaslik, kitob mutoalasidan so'ng uzoq nuqtalarga diqqatni qaratish kabilardir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Ergash G'oziyev. Umumiy psixologiya. Toshkent 2010

1. Z.T. Nishanova, D.I. Xodjakulova, G.Q. Alimova Psixogigiyena "BAYOZ" nashriyoti Toshkent 2013.

2. G'oziyev E. Ontoginez psixologiyasi–T.: «O'zbekiston faylasuflar uyushmasi», 2011.

3. Maktabgacha ta'lim muassasalari qoshida tashkil etilgan qisqa muddatli guruhlar uchun "BILIMDON" dasturi Toshkent-2014.

4. Q.Turg'unov psixologiya atamalarining ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati O'qituvchi nashriyoti Toshkent-1975.

## SHAXS KASBIY KAMOLOTINING RIVOJLANISHIDA EMOTSIONAL INTELLEKTNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

*Qodirova O.Dj.*
*ADU umumiy psixologiya kafedrasi doktoranti*

**Annotatsiya;** Usbu maqolada emotsional intellektning shaxs kasbiy kamolotidagi o'rni va axamiyati xaqida so'z boradi. Jamiyat miqyosida ma'lum bir kasbiy faoliyat olib borish uchun shaxs avvalo ma'lum mutaxasislik bo'yicha ta'lim olishi lozim. Kasbiy tayorgarlikni amalga oshiruvchi xar bir ta'lim muassasasi o'zi ishlab chiqarayotgan mutaxasisning kasbiy tayorgarligiga javobgardir. Shu bilan birga emotsional intellekti rivojlangan mutaxasis barcha soxada muvafaqiyatga erishishi jaxon psixolog tadqiqotchilari tamonidan tan olinganligi bayon etilgan.

**Kalit so'zlar;** *kasbiy muvaffaqiyat, "subyekt-subyekt" munosabatlari, hissiy-empatik qobiliyatlar, emotsional intellekt, qo'zg'atuvchining intensivligi minimal intensivlik, qo'rquv va jirkanish.*

**Аннотация;** В данной статье рассматриваются роль и значение эмоционального интеллекта в профессиональном развитии человека. Каждое учебное заведение, обеспечивающее профессиональную подготовку, несет ответственность за профессиональную подготовку специалиста, которого оно производит. В то же время констатируется, что успех специалиста с развитым эмоциональным интеллектом во всех областях признается исследователями мирового психолога.

**Ключевые** ***слова;*** *профессиональный успех, «субъект-субъектные» отношения, эмоционально-эмпатические способности, эмоциональный интеллект, минимальная интенсивность мотивации, страх и отвращение.*

Jaxon hamjamiyatidan munosib o'rin egallashning eng muxim omili bu barcha soxadagi mutaxasislarning yuqori saviyaga ega bo'lishi bilan belgilanadi.

Bu borada respublikamizda juda ko'plab tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan; iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy soxalarida faoliyat olib boruvchi kadrlar faoliyatini rivojlantirish borasidagi davlat qonunlari va qarorlarining tizimli

ishlab chiqilishida ko’rishimiz mumkin. Jamiyatning kadrlar bazasini boytish oily ta’lim tizimining bosqichma-bosqich rivojlanishiga bog’liqdir.

Oliy ta’lim tizimi - talabalarni ya’ni bo’lg’usi mutaxasislarning kasbiy tayyorgarligini optimallashtirish, ularda o'quv jarayonini psixologik qo'llab-quvvatlashga, jamoa bilan ishlashga qaratilgan professional faoliyatida raqobatdosh bo'lishga imkon beradigan kasbiy asosiy vakolatlarni shakllantirishni o'z ichiga oladi. Insonning kasbiy muvaffaqiyati, shubhasiz, bilim, ko'nikma, bilim va umumiy fikrlash qobiliyati bilan bog'liq. Biroq, aksariyat hollarda, umumiy intelektning yuqori darajasi etarli emas. Yosh mutaxassisning "subyekt-subyekt" munosabatlari sohasidagi faoliyati samaradorligi ko'p jihatdan ularning his-tuyg'ularini boshqarish va boshqa odamlarning his-tuyg'ularini anglash qobiliyati bilan belgilanadi.

Har qanday sohada mutaxassisning samarali kasbiy faoliyati nafaqat kasbga xos zarur ko'nikmalarni egallashni, balki rivojlangan emotsional intellektni ham o'z ichiga oladi. Emotsional intellektning yuqori darajasi odamning ijtimoiy qobiliyatini, hissiy-empatik qobiliyatlarini, shuningdek, boshqa odamlarning his-tuyg'ularini va o'zlarining his-tuyg'ularini o'z-o'zini boshqarish qobiliyatini takomillashtirish orqali kasbiy fazilatlarni o'sishiga yordam beradi.

O'tgan asrning 60-yillaridan boshlab, emotsional intellekt tushunchasining mazmuni ko'plab tadqiqotchilar tomonidan ko'rib chiqilgan: Klod Shtayner [1], Ruven Bar-On [2], Jon Mayer va Piter Salovei [3], Daniel Goleman [4] va boshqa olimlar. Eng muhim rolni Pol Ekman [5, 6, 7], Alan va Barbara Peis [8], Pamela Meyer [9] va Jo Navarro [10] asarlari o'ynashgan, ularning mazmuni ushbu maqola kontekstida bevosita ahamiyatga ega. Ushbu mualliflarning nuqtai nazarlarini birlashtirsak, shuni aytishimiz mumkinki, emotsional intellekt - odamning boshqa odamlarning his-tuyg'ulari, niyatlari va motivatsiyalarini tekshirish qobiliyati, shuningdek, o'zlarining amaliy vazifalarini samarali bajarish uchun insonning qarorlari va harakatlarini boshqarish qobiliyati tushuniladi. Bugungi kunda emotsional intellekt to'g'ridan-to'g'ri kasbiy mahoratga nisbatan muhim bo'lmagan funktsiyalarni bajaradigan ko'plab sohalar mavjud: reklama, biznes, huquq, psixologiya, jurnalistika va boshqalar. Ushbu sohalardagi mutaxassisning ustuvor vazifasi - bu mijozlar va hamkasblarning his-tuyg'ularini, niyatlarini va yolg'onlarini noaniq usulda - odamning xulq-atvorini, uning tana xarakatlaridagi o'zgarishlarni, yuz ifodalarining dinamikasini, ovozli modulyatsiyalarini, motor impulslarini, avtonom asab tizimining ishlashini va tabiiy ravishda kuzatish bilan bogliq. [1]. Pol Ekman tadqiqotlariga ko'ra, insonning haqiqiy his-tuyg'ularini aniqlashning eng ishonchli manbai bu uning yuz ifodalari. Yuz ifodalarini tahlil qilish yolg'onni aniq tasdiqlash va odamning hozirgi paytda qanday his-tuyg'ularni yoki aralashmalarini boshdan kechirishini tushunishning eng ishonchli usuli hisoblanadi [2].

Pol Ekman shaxsning ijtimoiy rivojlanishida namoyon bo’ladigan 7 ta asosiy hissiyotlarni aniqlaydi: g'azab; qo'rquv;ajablanib;jirkanish; nafrat; qayg'u va qayg'u;

- quvonch [6]. Shuni ta'kidlash kerakki, taqdim etilgan tasnif G'arb psixologiyasi an'analari sharoitida amal qiladi. Boshqa madaniyatlarda, masalan,

Tibetda, chunki ular hissiy holatlarning boshqa tasniflash paradigmasiga rioya qilmoqdalar[3]. Tuyg'ularni ifoda etish madaniyatda ham, madaniyatlararo makonda ham universal ekanligi isbotlangan, shuning uchun biz yuz ifodalariga ishonishimiz mumkin. Albatta, ko'rsatilgan hissiyotning intensivligi va o'ziga xos xususiyati ko'pgina omillarga bog'liq: - suhbatdoshlar o'rtasidagi munosabatlarning konteksti va ularning bir-biriga nisbatan holati;

- insonning shaxsiy xususiyatlari, shu jumladan uning emotsional intellekt darajasi;

- hissiyotni qo'zg'atgan qo'zg'atuvchining intensivligi [6, p. 76].

Shuni yodda tutish kerakki, odamning yuz ifodasi hissiyot emas, balki uning aksidir. Bu shuni anglatadiki, odam his-tuyg'ularni shu qadar zaif yoki shu qadar yaxshi boshqaradiki, uning intensivligi yuz mushaklarini rag'batlantirish uchun etarli bo'lmaydi va odam hissiyotga mos keladigan iborani qabul qiladi. Bunday holda, suhbatdoshning ushbu mavzuga bo'lgan munosabati to'g'risida xulosa chiqarish uchun suhbatni keyingi harakat paytida boshqa belgilarga ishonishga majbur bo'ladi. Qanday bo'lmasin, hissiy holat yuzida ifoda etish usulini topish ehtimoli ko'proq. Pol Ekmanning ta'kidlashicha, har bir tuyg'u yuz mushaklarining ma'lum guruhlarining qisqarishiga to'g'ri keladi. Kasbiy faoliyatimizda ko'pincha biz uchun minimal ahamiyatga ega bo'lgan minimal intensivlik tuyg'ulariga duch kelamiz. Shunday qilib, masalan, zaif g'azab, biroz siqilgan lablar va tushirilgan qoshlar orqali namoyon bo'lishi mumkin - boshqa belgilarsiz. Shu bilan birga, izolyatsiya qilingan qoshlar odamni ajablantiradigan tajribaga kafolat bermaydi. Bunday signal qo'rquv yoki e'tiborni ham ko'rsatishi mumkin. Shuning uchun har doim odamning xatti-harakatlarida uning holatini tavsiflovchi ikki, uch yoki undan ko'p belgidan iborat signallar zanjirini izlash kerak [8].

Bundan tashqari, hissiyot davomiyligiga, uning nosimmetrik yoki assimetrik namoyon bo'lishiga e'tibor berishingiz kerak. Juda uzoq yoki juda qisqa hissiy jarayonlar hissiyotning nomaqbulligini ko'rsatadi. Nafratlanishni hisobga olmaganda, assimetriya ham g'ayritabiiy hissiyotning belgisidir; bir kishi istalmagan yuz ifodasini bostirishga, bitta ifoda bilan boshqasiga berkitishga yoki hissiyotga taqlid qilishga harakat qilganda, ba'zi mushaklarning qisqarishi faqat yuzning bir tomonida paydo bo'lishi mumkin [6].

Professional faoliyatda biz ikki yoki undan ortiq tajribali hissiyotlarning belgilarini o'z ichiga olgan konvergent yuz ifodasiga duch kelamiz. Bunday vaziyat, odam tetiklashga javoban bir nechta his-tuyg'ularni boshdan kechirganida, yuzidagi ifodani boshqarishga yoki bir tuyg'uni boshqasi bilan niqoblashga harakat qilganda paydo bo'lishi mumkin. Bunday holda, yolg'onlarni tekshirish bilan shug'ullanadigan Pamela Meyerning so'zlariga ko'ra, biz yuzning yuqori qismiga ko'proq ishonishimiz kerak [9]. Pol Ekman ta'kidlaganidek, ba'zi motor impulslari sharoitlarni tekshirishda muhim rol o'ynaydigan ba'zi his-tuyg'ularga to'g'ri keladi. Shunday qilib, g'azab bilan biz g'azabimizga sabab bo'lgan manbaga qarab harakat qilishimiz mumkin. Qo'rquv va jirkanish bilan, aksincha, biz tetiklardan uzoqlashamiz. Va nafrat bilan biz iyagimizni yuqoriga ko'taramiz [6].

Kasbiy faoliyatda emotsional intellekt quyidagi og'zaki bo'lmagan tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi. Ular quyidagilar tana plastmassasining signallarini sezish va to'g'ri talqin qilish orqali namoyon bo'ladi:

- qo'llar va barmoqlarning signallari;
- tanadagi signallar;
- oyoqlarning signallari [9]. Tana tilining signallarini tekshirishda statik va dinamik xususiyatlarni tuzatish juda muhimdir. Suhbatdoshning hulq-atvori, imo-ishoralari, boshi, qo'llari, tanasi va oyoqlarining holati, bu xatti-harakatlarning asosini aks ettiruvchi va xatti-harakatlarning boshlang'ichdan chetga chiqishini ko'rsatadigan belgilar yuqori darajadagi emotsional intellektga ega bo'lgan mutaxassisning diqqat-e'tibor ob'ektlari bo'lishi kerak.

Biror kishining holati va niyatlarini muvaffaqiyatli tekshirish uchun uning og'zaki bo'lmagan signallarini kompleks tahlil qilish kerak. Boshqacha qilib aytganda, siz qo'llarning signallarini oyoqlardan ajratilgan holda talqin qilmasligingiz kerak va aksincha. Shunday qilib, Alan Peiz va Jo Navarro odamlar tomonidan tez-tez uchraydigan quyidagi harakatlarni ajratib ko'rsatishadi:

- ochiqlik va yaqinlik pozitsiyalari;
- ishonch va noaniqlik xavfini tug'diradi;
- Stress va konfor holati;
- harakatga tayyorlik holati;
- hududiy ustunlik pozitsiyalari [10].

Shunday qilib, ochiqlik va yaqinlik, shuningdek ishonch va ishonchsizlik odamning ushbu mavzuni muhokama qilish yoki muhokama qilishga moyilligini ko'rsatadi.

Alan Peiz uchta asosiy shaklni aniqlaydi: ochiq va yopiq kaftlar bilan imo-ishoralar, shuningdek, qisilgan musht va kengaytirilgan ko'rsatkich barmog'i bilan ishoralar. Uning tadqiqotlariga ko'ra, ochiq kaftlar bilan imo-ishoralar eng to'g'ri deb hisoblanadi. Bunday holda, muloqot qatnashchilari o'rtasidagi aloqa muhiti iloji boricha qulay bo'lib qoladi. Yopiq qo'llarni pastga qarab imo-ishoralar dominant odamlarga xosdir, masalan, xo'jayinlar. Va suhbatdoshga yoki tinglovchilarga ishora qiladigan cho'zilgan va ishora barmog'i bilan ishoralar odamning mos munosabatini aks ettiruvchi eng salbiy signal deb hisoblanadi [8].

Yuz ifodalari va tana plastmassalarining o'zgarishi bilan bir qatorda, odam ovozining intonatsion tuzilishida muttasil o'zgarishlar yuz beradi [6]. Tabiiy nutqda ovozli modulyatsiya kayfiyat va hissiy holatlarga mos keladi, shuningdek boshqa og'zaki bo'lmagan signallar bilan o'zaro bog'liqdir. Aslida, mavjud terminologik apparatlardan ma'lum miqdordagi intonatsiyalarni ajratib olish va ularga ta'riflarni topish juda qiyin, chunki insonning ovoz qobiliyati juda ko'p qirrali va noaniqdir va spetsifikatsiyalarning muhim qismini faqat sonogram yordamida aniqlash mumkin. Shu bilan birga, yuqori darajada rivojlangan hissiy aqlga ega bo'lgan odamlar bitta intonatsiyaning xususiyatlarini boshqasidan ajratib olishlari mumkin, bu mavzu bilan barqaror ko'z aloqasini o'rnatish mumkin bo'lmagan sharoitlarda juda muhimdir. Shunday qilib, masalan, qayg'u yanada tinch va bosilgan ovoz bilan birga bo'lishi isbotlangan. Va ko'tarinki kayfiyat balandroq va balandroq intonatsion modulyatsiyaga to'g'ri keladi [6].

Neyro-lingvistik dasturlash nazariyasi asoschilari Richard Bandler va Jon Grinder vakillik tizimining uch turini ajratib ko'rsatishadi: eshitish, vizual va kinestetik [11]. Ma'lum bir odam uchun asosiy tizim uning tashqi dunyodan tegishli idrok kanali orqali ma'lumotni qabul qilish samaradorligini belgilaydi. Shunday qilib, hali ham ovozli vakillik tizimining ustuvorligi bo'lganlar uchun nutqning intonatsion soyalarini tanib olish osonroq. Vizuallar vizual kanal orqali ma'lumotni erkinroq qabul qiladi. Kinestetika, o'z navbatida, hissiy-sezgir sezgi kanallariga murojaat qiladi. Kasbiy faoliyatda suhbatdoshning asosiy vakillik tizimini tezda aniqlay olish juda muhimdir. Qoidaga ko'ra, og'zaki bo'lmagan signallarni va nutq tarkibini diqqat bilan kuzatish kifoya qiladi, shuningdek, u yoki boshqa vakillik tizimining mezonlariga mos keladigan belgilarni, masalan, "ko'raman", "eshitaman" yoki "his qilaman" iboralarini. Keyinchalik, suhbatdoshning ustuvor tizimiga murojaat qilib, rivojlangan hissiy aqlga ega bo'lgan odam, uni o'z nuqtai nazariga ishontirishi va kerakli natijaga erishishi mumkin.

Zamonaviy dunyo voqeliklarida hissiy zakovat qobiliyatlari ko'plab sohalarda samarali kasbiy faoliyatning muhim tarkibiy qismi bo'lib qolmoqda. Albatta, bu ba'zi odamlar uchun boshqalarga qaraganda osonroq, ammo har bir kishi suhbatdoshning og'zaki bo'lmagan signallarini iloji boricha aniq yozishni va izohlashni o'rganishi mumkin. Avvalo, xatolarga yo'l qo'ymaslik uchun bir nechta og'zaki bo'lmagan signallarga, shu jumladan, yuz ifodalari, tana harakatlari, intonatsiya va so'z birikmalariga asoslangan xulosalar chiqarish, shuningdek sub'ektning xatti-harakatlaridagi dinamik o'zgarishlarni kuzatish kerak. Bundan tashqari, yuqori darajada rivojlangan emogasional intellektga ega bo'lgan mutaxassis nafaqat mijozlar va hamkasblarning hissiy holati va niyatlarini tekshiribgina qolmay, balki olingan ma'lumotni o'z foydasiga ishlatishga ham qodir.Shu bilan bir qatorda emotsional intellekt qobiliyati mutaxasislarning kasbiy faoliyatining boshlangich davridagi barcha muammolarni bartaraf etish omili bo’lib xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. П.Экман. Психология лжи. Обмани меня, если сможешь. – СПб.: Питер, 2018. – 384 с.

2. П. Экман.Психология эмоций. Я знаю, что ты чувствуешь. – 2-е изд. – СПб.: Питер, 2018. – 334 с.

3. П.Экман. Далай-лама. Мудрость Востока и Запада. Психология равновесия – СПб.: Питер, 2018. – 384 с.

4. C. Steiner, Perry, P. (1997). Achieving Emotional Literacy. – London: Bloomsbury.

5. R. Bar-On, The development of a concept of psychological well-being. / Doctoral dissertation. – Rhodes University, South Africa, 1988.

6. J.D.Mayer, P. Salovey,, D. R.Caruso, G. Sitarenios, Emotional Intelligence As a Standard Intelligence. – Emotion, 2001.

7. D. Goleman, (1998). Working with emotional intelligence. New York: Bantam Books.

8. Пиз А., Пиз Б. Язык телодвижений: как читать мысли окружающих по их жестам – М.: Издательство «Э», 2018. – 448 с.
9. Мейер П. Как распознать ложь. Эффективные методы выявления обмана. – М.: Эксмо, 2013. – 320 с.
10. Наварро Д., Карлинс М. Я вижу, о чем вы думаете – Минск: Попурри, 2018. – 352 с.
Ko'plab o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki,aynan voleybol sport turi bilan muntazam shug'ullanish natijasida oraliq masofani "ko'z" bilan o'lchash (glazomer) qobiliyatini jadal o'stirishi aniqlanadi.Ko'z bilan oraliq masofani aniq o'lchash xuddi pereferik ko'rish qobiliyatiga o'xshab sportchini tayyorgarlik darajasiga bog'liq bo'lishi aniqlandi.Jumladan, voleybolchi yaxshi "sport formasida"(tayyorgarlikning yuksak cho'qqisi) bo'lganda ko'z bilan o'lchash aniqligi 40-45% dan ortiq bo'lar ekan. Agar mashg'ulotda 2-3 hafta ishtirok etmasa ko'z bilan o'lchash aniqligi 20-30% ga zaiflashadi.Shuning uchun ham ayrim murabbiylar mashg'ulotga bir necha bor kelmagan sportchilarda jismoniy va texnik tayyorgarlik saqlangan bo'lsada,ular o'yinda muvaffaqiyatsiz ijro etayotgan taktik harakatlar sababini to'g'ri aniqlay olmaydilar.

Turli ranglar ham inson ruhiyatiga turlicha ta'sir ko'rsatadi.Rangning psixofiziologik,xatto yorug'likni ham yanada yaxshilash kabi qulay sharoitlarni yaratishi bilan bog'liqdir.Lekin barcha raanglar ham ko'rish funksiyasiga bir xilda ta'sir etavermaydi.Ranglar ichida oq,sariq va yashil rang boshqa ranglarga qaraganda ko'rish funksiyalariga ijobiy ta'sir etadi.Qora,qizil,binafsha,ko'k ranglar ta'sir etganda toliqish alomatlari tezroq yuzaga keladi.Rang o'zining turiga qarab

issiq yoki sovuqni,uzunlikni o'zgarishi,xona kengligi yoki balandligi,buyumning og'irligini his qilish chegarasini o'zgartiradi.

Ko'rinib turibdiki,voleybolchilarga xos psixologik tayyorgarlik, jumladan taktik fikrlash(tafakkur, xotira, idrok,ong, diqqat, iroda va analizatorlar) faoliyatini integral tartibda maxsus voleybolchilarga ixtisoslashtirilgan mashqlar yordamida muntazam shakllantirib borish yuqori malakali voleybolchilarni tayyorlash jarayonining fundamental asosi sifatida xizmat qiladi.

O'ta keskin raqobat ostida kechadigan turli nufuzli musobaqalarda g'alabalarga erishish, shu g'alabani ta'minlashga zamin bo'ladigan texnik-taktik harakatlar, jismoniy va psixofunksional imkoniyatlarni shakllantirish bilan bog'liqdir.Buning uchun har bir murabbiy o'z kasbiy-pedagogik faoliyatida o'rgatish-takomillashtirish uslublari,vositalari va tamoillarini mukammal bilishi hamda ularni qo'llash texnologiyasini o'zgartirgan bo'lishi shart.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1.Y.Masharipov.Sport psixologiyasi.O'quv qo'llanma.-Toshkent:2010y (23bet)

2.X.B.Tulenova Jismoniy tarbiya va sport psixologiyasi. Ma'ruzalar matni-Toshkent:2001y (43bet)

3.E.G'oziev. Psixologiya.Toshkent:O'qituvchi 2008y (13-14bet)

## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI TARBIYALASHDA OILANING ROLI

*Qurbonova Z.I.*
*BuxDU magistranti*
*Ostonov J.Sh.*
*BuxDU O'qituvchisi*

Oila jamiyatning asosiy bo'g'ini bo'lib, millatni baquvvat va farovon qiladigan ustunlaridan biridir. Oila insonningilk bolaligidan boshlab ongida shakllanadigan barcha insoniy fazilatlar, ezgu niyatlar,qadriyatlar takomil topadigan va sog'lom etiqodlar shakllanadigan muqaddas dargohdir.Shu muqaddas dargohda ma'naviy-axloqiy muhitni vujudga keltirish va shu orqali shaxsni sog'lom etiqodli, yangicha fikrlaydigan, komil inson qilib tarbiyalash bugungi islohotlar davrida O'zbekiston uchun davlat ahamiyatiga molik Ўзбекистон masaladir. Zero, yoshlarda milliy qadriyatlarimizga, jumladan, oilaviy ananalar, noyob rasm-rusmlarga oid etiqodni shakllantirish orqali ularni oilaviy hayotga tarbiyalash, oilaparvarlik xususiyatlarini tarbiyalash ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshiruvchi ta'sirchan vositalardandir.

O'zbek oilasidagi tarbiyaning o'ziga xosligi va qadr-qimmati yana shundaki, bu yerda farzandlar ongiga eng etiqodni singdirish jarayonida oilaning kattalari – bobolar, momolar, yaqin qarindosh-urug'lar ham bevosita ishtirok etadilar.Azaliy turkey udumga binoan ota-onadan ham ko'ra bobo-buvilarining tarbiyaviy ta'siri kuchliroq bo'ladi.

O‘zbek oilasidagi bola tarbiyasida mehnat va turmushdagi ijobiy milliy an’analar katta rol o‘ynaydi. Uzoq tarixga ega bo‘lgan mehmondo‘stlik an’anasi keyingi paytlarda ijtimoiy tushuncha va shakllar bilan boyib bormoqda.Yosh avlodni tarbiyalash murakkab va ko‘p qirrali jarayon.

Darhaqiqat, yoshlarni har tomonlama, ham aqlan, ham jismonan barkamol, axloqan yetuk, ma’naviy pok qilib tarbiyalash shu kunning muhum va dolzarb muammolaridan biriga aylanib qoldiki, bu davr va bugungi turmushimizni taqozosidir.Inson va uning baxt-saodati haqida, uning qadryatlari haqida g‘amho‘rlik qilish, qayg‘urishni xayriyatki, hechdan ko‘ra kech bo‘lsada tushunib angladik.

Bu yo‘qotib qo‘ygan milliy urf-odatlarimiz, qadriyatlarimiz yana qaror topdi. Bu albatta kelgusi avlod uchun katta baxt. Oila jamiyatning ajralmas zarur qismidir.Unda inson dunyoga keladi. Shu paytda oila insoniyatning uzluksiz naslini davom ettiruvchi bo‘lib qolaveradi. Shundan kelib, oila ikkita ulkan ijtimoiy vazifani farzandlarni dunyoga keltirish hamda ularga to‘g‘ri tarbiya berishni yo‘lga qo‘yish muhim ahamiyatga ega. Chunki oilada katta yoki kichik narsa bo‘lmaydi. Hamma narsa, hatto eng oddiy bo‘lib ko‘ringan oilaviy munosabatlar bolaga katta ta’sir ko‘rsatadi. Ayniqsa, rostgo‘ylik, samimiylik, sadoqatli, shirinsuhan bo‘lish bola kamolatida beqiyos hayotiy muhim vositadir. Bu borada axloq-odobga oid “Hadis” namunalarida shunday deyiladi. Gaplarning yomoni bu yolg‘onchilikdir. Yolg‘onni hazil bilan han jiddiy ham gapirib bo‘lmaydi.

Ota o‘z bolalariga biron narsani va’da qilib so‘ng uni bajarmay qo‘ymasin! Rostgo‘ylik ezgulikka boshlaydi, yovuzlik esa jahannamga. Rostgo‘y odamga yaxshi baho, yomon odamga yomon baho beriladi. Chaqimchilik ham yomon illatdir, chunki u tufayli odamlar o‘rtasi buziladi. Oilada yoshlarga yaxshiroq ta’sir ko‘rsatish uchun avvalambor ularni sevish va hurmat qilish lozim. Chunki kuzatishlardan ma’lum bo‘lishicha bolalar ularni seva olgan hurmat qila olganlarning qadrlaydilar, bergan maslahat va yo‘l-yo‘riqlarning, turli topshiriqlarni bajonidil ado etadilar. Zero ota-onaning mehr-muhabati,chinakam hurmati bolalarda eng go‘zal axloqiy tuyg‘ularni, ayniqsa qadryatni his qilishda yordam beradi. Bu esa unda kattalar orasida ham kamyop bo‘lib qolgan insoniylik sifatlardan hisoblanadi. Bolaning kelajakda qanday inson bo‘lib yetishishi ko‘proq ota-onasi va o‘z oilasiga hamda unda tarkib topgan muhitga bog‘liq.’’Bola ota-onasidan qayerga ortib boradi” degan gap ayni haqiqat. Demak, farzandlar ota-onalarini davomchilaridir.

Yusuf Xos Xojib “oiladagi” eng ulug‘ fazilat ezgu qiliq va go‘zal hulqdir. Ikkinchisi rostlik, uchinchisi hayot hisoblanadi. Mana shu uch fazilat birlashsa kishi baxtiyor bo‘ladi, qut iqbol uning huzuriga bosh urib keladi.Chunki kishining hulqi go‘zal bo‘lsa uni barcha xalq sevadi.”Xulqi yuz bo‘lgan kishiga to‘rdan joy tegadi” - degan edi.

Oilada bola tarbiyasi xususida gapirilganda yuqorida eslatib o‘tganimizdek, uning asosiy manbasi muhabbat, ishonch, o‘zaro hurmatni tashkil qiladi. Xech kimga sir emaski oilaning ko‘rki ham totuvligi ham bekamu ko‘stligi ham farzandlarning qobilu mo‘minligi ham asosan ana shu allomamizning onalik

mahoratiga, ayollik nozik qalbiga, yuksak hayosiga, qaynoq mehru muhabbatiga bog‘liqdir.

Oilda ota-onaning shu oiladagi kattalarni yurish turishidan tartib so‘z madaniyati, kiyinishi, kishilar bilan muomalasi, xatto atrof-muhitga munosabati va shu singari oddiy bo‘lib ko‘rinadigan xolatlar ham bola tarbiyasiga katta ta’sir qiladi. Hozirda yoshlarni yetuk kishilar qilib tarbiyalash, ishlriga e’tibor keng tus oldi. Chunki jamiyatimizning kelgusi shu yoshlar qo‘lida. Yoshlarni axloqan pok, jismonan sog‘lom, yetuk kishilar qilib tarbiyalash oilaning oldiga qo‘yilayotgan eng muhum talablardan biridir. Buning uchun har bir ota-ona o‘z farzandining ezgu maqsadga intiluvchan, kattalarni e’zozlaygigan kichiklarga muruvvatli, o‘qish va ishda matonatli qat’iy, tashabuskor, uyushqoq, qiyinchiliklardan qo‘rqmaydigan kishilar qilib tarbiyalashlari lozim. Ayniqsa oilada katta yoshli bolalar bilan to‘g‘ri munosabatda bo‘lish juda muhim ahamiyatga ega. Bola ulg‘aygan sari kattalar buyrug‘ini yoqtirmaydigan bo‘lib boradi.Bu buyruq ko‘pincha qarshilik ko‘rsatish, xatto oqilona talablarni bajarishdan bosh tortish xolarlarini ham keltirib chiqaradi. Shunday paytlarda bolaga muomala tarzini o‘rgatish lozim. Buyruq berish o‘rniga ishontirish usulini qo‘llash kerak, toki ana shu bola shu ishni qilishni shartligini tushinsin. Ana shunda bola har bir ishni ongli ravishda bajarishga tushunsin.

Agar katta yoshdagi bolaga pand-nasixat qilinaversa uning g‘ashiga tegishi mumkin.Shunday hollarda pedagogik usulga murojat qilinsa yanada yaxshi bo‘ladi. Kuzatishdan ma’lum bo‘lishicha bolaga ota-onalarnig yoki oilaning katta a’zolarini hadeb nasihat qilaverishi ham ma’qul emas ekan. Buning o‘rniga u bilan hamfikr, do‘st kabi munosabatda bo‘lish yaxshi samara berar ekan. Ba’zan ota-ona va bola o‘rtasida voqealar bo‘lib o‘tadi.Shunday paytlarda ilgari bo‘lib o‘tgan ko‘ngilsizlikni gapirib ko‘ngilni g‘ash qilmaslik lozim. O‘zbek milliy urf-odatiga ko‘ra ko‘pincha bolalarning tabiatiga baho berilganda uning ota-onasidagi mavjud hislatlariga nisbat berib baholanadi. Qadimdan shunday gap qolgan “Qush uyasida ko‘rganini qiladi” ya’ni, ha ota-onasiga tortibdi, deyishadi.

Yaxshi xulq ham yomon xulq ham bolalarga avvalo ota-onalardan o‘tadi. Demak har bir ota-ona o‘z farzandiga yaxshi hislatlarni bolaligidan singdirgani ma’quldir. Shunda u ulg‘aygan sari oriyatli, nomusli, burchni his qiladigan hushmomala, odobli, bemorlarga hamdard bo‘ladi. “Hadisi sharifda” “Sabr va bardosh tangridan, shoshqoloqlik esa shaytondandir” degan ulug‘ so‘zlarni eslab o‘tish joizdir. Shunday ekan oilaning katta yoshdagi a’zolarining bolaga qo‘yadigan talablarni hamda ularga tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatishlarda so‘z bilan ishning bir bo‘lishi muhum ro‘l o‘ynaydi.Oilada bunday birlikni bo‘lmasligi bola hulq-atvoriga salbiy ta’sir ko‘rsatishi muhum. Bola tarbiyasi maktab, oila jamoatchilik va mehnat jamoalarning hamkorligida olib borilsa, tarbiyada ko‘zlangan maqsadga erishish mumkin.

# БОШҚАРУВ ВА ЛИДЕРЛИК МАҲОРАТИ

*Мавлонова З.Ф.*
*Бухоро давлат университети талабаси*

Аннотация. Мазкур мақолада бошқарувчилик маҳорат ва лидерлик хусусиятлари ҳақида сўз борган. Бунда лидер ва у қандай бўлиши кераклиги, бошқарув маҳоратида нимларга эътибор қаратилиши лозимлиги айтилган. Ҳар икки жиҳатни таққослаш орқали ўзига хос томонлари санаб ўтилган

Аннотация. В этой статье описываются управленческие навыки и лидерские качества. В статье говорится о том, каким должен быть лидер и на что следует обращать внимание в управленческих навыках. Сравнивая оба аспекта, перечислено их специфические стороны.

Abstract: This article describes management skills and leadership qualities. The article talks about what a leader should be and what to pay attention to in management skills. Comparing both aspects, listed their specific sides.

Калит сўзлар: бошқарув, лидерлик, раҳбар, нутқ, жамоа, манфаат, мақсад, муваффақият

Ключевые слова: управление, лидерство, лидер, речь, команда, выгода, цель, успех

Key words: management, leadership, leader, speech, team, benefit, goal, success

Бошқарув ва лидерлик - тушунчалар бир-бирига ўхшаш. Ҳар иккиси ҳам маълум одамларни битта йўлдан олиб боради. Бироқ, фарқлар ҳам мавжуд, уларнинг кўпчилиги бор ва улар муҳимдир. *“Раҳбар бошқарса, етакчи йўл бошлайди. Раҳбар назорат қилса, лидер намуна бўлади. Раҳбар танбеҳ берса, йўлбошчи муҳокама қилади. Йўлбошчилик муносиб намуна бўла олишдир”,-* дейилади Ш. Сатторовнинг “Биз ғалаба қозонамиз” номли китобида. Келинг, ҳозир раҳбар ва лидер - уларнинг фарқини кўрибамиз ва кейин ҳар бир тушунчани алоҳида ўрганиб чиқамиз:

Раҳбар:

ходимларни бошқаради.

Лидер:

ходимларни ўқитади.

Раҳбар:

у ҳокимиятга таянади.

Лидер:

яхши иродага таянади.

Раҳбар:

қўрқувга олиб келади.

Лидер:

қизиқиш уйғотади.

Раҳбар:

"мен"дейди.

Лидер:

"биз" дейди.
Раҳбар:
хатолар учун айблайди.
Лидер:
уларни тузатишга ёрдам беради.
Раҳбар:
қандай қилишни билади.
Лидер:
қандай қилишни кўрсатади.
Раҳбар:
одамларни ишлатади.
Лидер:
одамларни ривожлантиради.
Раҳбар:
"олдинга!” дейди
Лидер:
"кетдик!" дейди

Раҳбарлик эмас, балки раҳбарликда лидер бўла олиш ишда муваффақият олиб келади; лидер жамоа олдида эмас, балки жамоадан олдинда юради; лидер раҳбар бўлиш ва буйруқ беришни эмас, бошқарув маҳоратини яхши билади. Хўш, лидерлик аслида ўзи нима? Бошқарув маҳорати нималардан иборат?

Лидерлик - бу раҳбарни тинглайдиган, ишонадиган шахс бўлган гуруҳда ишлашни ташкил этиш жараёни. Психология ва социологияда лидерлик умумий мақсадларга эришиш учун мўлжалланган гуруҳдаги ижтимоий таъсирнинг бир тури сифатида тахминан бир хил тарзда аниқланади. Лидер, бу, албатта, ажойиб табиий қобилиятлари ва ултра юқори IQ бўлган одам эмас. Бу, биринчи навбатда, сезги, тушуниш ва мулоқот қобилиятига эга бўлган шахсдир.

Лидерларга хос фазилатларни излаш кўп асрлар мобайнида давом этмоқда. Оддий одамлардан лидерларни ажратиб турадиган саволлар Платондан Плутархгача бўлган файласуфлар томонидан ўрганилган. Шунинг учун улар лидерлик инсоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққанлигини таъкидлади.

XX аср назариясига кўра, 1940-йилларнинг охири ва 1950-йилларнинг бошларида илгари сурилган назарияларнинг кўплаб баҳолари лидерлик муаммосига янгича ёндашиш зарурлиги ҳақида хулосага келинган. Аввало, баъзи ҳолларда одамларни лидерга айлантирган фазилатлар, бошқалар учун зарур эмаслиги ҳақида ҳеч қандай тушунча топилмаган. Бу даврдаги янги назариялар лидерликнинг шахсий фазилатларидан узоқлашди ва лидерлик мавқеини эгаллашга ҳисса қўшган ҳатти-ҳаракатларга айланди. Бундай ёндашув кейинги бир неча ўн йилликлар давомида лидерлик психологиясида ҳукмронлик қилди.

Келинг, лидерликнинг ҳозирги даврда мавжуд асосий хусусиятларини кўриб чиқсак:

-масъулиятли ва мураккаб қарорлар қабул қилиш қобилияти бор, жамоа учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр;

-шахсий манфаатлар эмас, балки одамларнинг умумий манфаати ва уларга ғамхўрлик қилиш;

-одамларни мутлақо ихтиёрий асосда бошқариш қобилияти;

-табиий таъсир кучига эга бўлиш;

-хатолар ва ўз-ўзидан мағлубият учун масъулиятни ўз зиммасига олиш истагини тан олиш қобилияти, шахсий камчиликларни излашдан иборат.

Бошқарув маҳорати эса бу амалиётда тўпланган тажрибани самарали қўллаш қобилиятидир. Бошқарув маҳорати бир неча минг йиллар мобайнида маълум бўлган менежмент тизимини ривожлантириш тарихи давомида тўпланган.

Физик Петр Капицанинг фикри бор: “Бошқариш – бу яхши ходимларнинг ишларига халақит қилмасликдир”. Шунингдек, “Лидерлар ва раҳбарлар туғилмайди, раҳбарлар бўлади!”

Бошқарув фазилатларини ривожлантириш бўйича йўллар мавжуд:

- Ҳис-туйғуларни назорат қилиш;

- мақсадларни тўғри аниқлашга қодир бўлиш. Чунки бу уларнинг саъй-ҳаракатларини ва жамоанинг энергиясини ошириб, мақсадга эришишга йўналтиришга ёрдам беради. Мақсадларни тўғри танлаш, уларнинг вақт чегараларини аниқ белгилаш ва якуний натижани кўриш қобилияти устида ишлаш;

- энг муҳим сифати масъулият ҳисси. Маҳоратли раҳбар уни ўзида ривожлантиради. Чунки яхши бошқарувчи ўз мақсадлари, натижалари ва, албатта, ўз жамоаси учун ўз масъулиятини тушунади;

- бошқаларнинг манфаатларини ўзиникидан устун қўяди. Чунки бошқарув маҳоратига эга раҳбар фақат умумий ҳаракат билан белгиланган мақсадга эришиш мумкинлигини билади.

Бошқарув маҳоратида раҳбарнинг ишчилар ва жамоа олидида сўзлай олиш қобилияти ва нутқ маданияти ривожланган бўлиши лозим (Лидерлар ҳам худди шундай). Бунда биринчи навбатда тингловчиларнинг диққатини жалб қилиши керак, яъни барча жамоа аъзолари ва ходимлар учун муҳим бўлган савол билан нутқни бошлаш даркор. Кўпчилик олдида нутқ қилаётганда қуйидагилар орқали нутқнинг ишончли ва дадил чиқишига эришилади:

- вазиятни ва жамоа олдида турган вазифаларни тушунтириш. Муаммоларни ҳал қилиш имкониятини таклиф қилиш;

-Ҳар бир жамоа аъзосидан аниқ нимани кутаётганини айтиш ва уларнинг елкасига қандай аниқ вазифаларни қўйишини билдириш;

-Нутқни тугатаётганда ишни ва вазифаларни бажариш учун бонусларни тавсия қилиш билан нутқни якунлаш лозим.

Лидер ҳам, ҳар қандай раҳбар ҳам нутқида фақат ижобий ифодалардан фойдаланиши керак. "Менинг бутунлай ишончим комил", “сизни ишонтириб айтаманки", "сиз мен билан рози бўлишингиз керак " — ва ҳоказо.

“Эҳтимол", "менимча", "агарда" каби иборалар мотивацион нутқда бўлмаслиги керак. Ҳамкасбларига ўз тақдирлари уларнинг қўлида эканини эслатиш муҳимдир. Нутқда кўп ўйланмасдан гапириш сўзловчининг фикрига нисбатан ишончни оширади. Ва нутқнинг самимий чиқишида аҳамиятлидир.

Бугунги кунда ҳар бир киши муваффақиятли ва ҳурматли инсон бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун бошқаларнинг муайян талабларига жавоб бериш керак.

Лекин қандай талаблар? Нима учун баъзилар муваффақиятга эришишади, бошқалар эса йўқ?

Аслида, лидерлик ва бошқарув маҳоратига эга бўлиш керак холос. Агар сиз лидер ё бошқарувчи бўлиб туғилмаган бўлсангиз, бунда ҳеч қандай даҳшатли нарса йўқ. Лидерлик ҳам, маҳоратли бошқарувчилик ҳам - бу ўз-ўзидан ривожлантириш мумкин бўлган маҳорат. Демакки, ҳар ким ҳам ўз устида ишлаши лозим ва ҳар ким ўз ҳаракати ҳамда интилишига яраша мукофотланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. “Биз ғалаба қозонамиз”, Ш. Сатторов. 2018 йил

2. Business.damotvet.ru «Что такое лидерство? Кто такой лидер? Как им стать?»

3. Mental-skills.ru «Лидерство. Понятие лидерства- история, виды и стили»

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПРОФЕССИОГРАММАСИ ТАВСИФИ

*Мақсадова М.С.*
*Қарши Давлат Университети пс.ф.н.*
*Очилова О.З.*
*Қарши Давлат Университети талабаси*

**Резюме:** Мазкур мақолада ҳозирги замон бошланғич синф ўқитувчиси профессиограммасининг тузилиши ва психологик тавсифи берилган.

**Резюме:** В этой статье профессиограмма учителя начальных классов настоящего времени и психологическая характеристика написано.

**Resume:** In this article the structure of professiogram of present time primary-form teacher and psychological characteristics are given.

Касбларни классификация қилишда таниқли рус психологи Е.А.Климовнинг касблар дунёси ва уларнинг классификацияси тўғрисидаги қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, биз ўрганаётган касб касбнинг “инсон-инсон” типига тааллуқлидир. Е.А.Климовнинг шу соҳадаги хизматларининг аҳамияти яна шундаки, ҳар бир касбнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш, уни эгаллаш учун нималарга эътибор бериш, амал қилиш учун

зарур бўлган профессиограмма тузишнинг илмий структурасини тавсия этган.

Ҳар бир касбга, жумладан ўқитувчи касбига профессиограмма яратиш учун тавсия қилинган тизим беш бўлимдан иборат. Улар:

I. Мутахассислик ҳақида умумий маълумот.

II. Меҳнат жараёни тавсифи.

III. Меҳнатнинг санитар-гигиеник шароитлари.

IV. Касбий фаолиятнинг психофизиологик тавсифи.

V. Касбий тайёргарликнинг шакли ва тавсифи бўлимларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида касбий тайёргарлик учун зарурий талаб ва меъёрлар мавжуд.

Бошланғич синф ўқитувчиси- профессиограммаси. Халқ хўжалигининг-халқ таълими соҳаси (ўқитувчи).

I. Мутахасссислик ҳақида умумий тушунча

1.1. Мутахассисликнинг юзага келиши тарихи. Ўқитувчилик энг қадимий касблардан ҳисобланади. Ўқитувчилик касбининг вужудга келиши кишилик жамияти тарихида тарбиянинг пайдо бўлиши, яъни инсонлар тўплаган ҳатти-ҳаракатлар, юриш-туриш, меҳнат соҳасидаги ва турмуш кечириш учун юзага келган дастлабки тажрибаларни, урф-одатларни, ақлий, ахлоқий, илоҳий билимларни ёшларга ўргатиш; ёзув ихтиро қилингач, ўқиш, ёзишни ўргатиш учун ташкил этилган дастлабки мактабларнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ.

Одамлар тўплаган турмуш тажрибасини ёшларга ўргатиш, уларни ҳаётга ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш эҳтиёжи натижасида қадим замонлардаёқ таълим-тарбия мустақил ижтимоий фаолият сифатида пайдо бўлди.

Ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида тарбия ижтимоий вазифа сифатида ажралиб чиққан, айниқса,кекса ёшдаги тажрибали кишиларгина болаларни тарбиялаш иши билан шуғулланган. Чунки, ота-оналар ҳар хил бўлади: болага таълим, тарбия бериш бир хилининг қўлидан келса, бир хилининг қўлидан келмайди; бола тарбияси учун баъзиларнинг вақти бўлса, баъзиларнинг вақти бўлмайди. Шу сабабдан, кўп оилалар ўз болаларини билимли, одобли, оғир табиатли махсус тайёргарликка эга кишиларга бериб ўқитганлар. Улар тажриба натижасида деҳқончилик, чорвачилик, табибчилик, касб-ҳунар соҳаларида тўплаган ақлий, ахлоқий билимларини ўз болаларига, яқин кишиларига ва ҳукмдорларнинг болаларига ўргата бошлайдилар.

Ёшларга таълим-тарбия берувчи бундай кишиларни педагог, профессор деб, болаларни тўплаб ўқитиладиган жойни эса мактаб, гимназия, академия, университет деб атаганлар. Педагогика фани тарихига доир манбаларнинг гувоҳлик беришича энг қадимги мактаблар Шарқ мамлакатларида, жумладан, Холдей, Вавильон, Миср, Исроил шаҳарларида очилган. Мактаб очишни мисрликлардан греклар, греклардан римликлар ўрганиб олганлар.

Марказий Осиёда эрамиздан аввалги минг йилликда ҳам катта-катта қўрғонлар, шаҳарлар, давлатлар мавжуд бўлган уларда дин, ёзув, мактаблар ва маданият шаклланиб ривож топган.

Шу тарика, кишилик жамиятининг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида шу халқнинг эътиқоди, мафкураси ва илғор ғоялари билан ҳамоҳанг (уйғунлашган ҳолатда) таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёжлар, ўқув-тарбия жараёнлари ва у билан боғлиқ бўлган зарурий шароитлар ўқитувчи билими, шахси ва фаолияти ривожланиб келган.

1.2. Илмий техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолатда касбий фаолиятда юзага келадиган ўзгаришлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда ўқитувчининг касбий фаолияти миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида юз берган жаҳон микёсидаги фан-техника ютуқларини эгаллаш асосида, истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради.

1.3. Ўқув-тарбиянинг технологик жараёнида касбнинг ўрни ва роли. Ўқитувчи ўз соҳасининг билимдони ва намунали хулқи билан фидоий инсон сифатида ҳар бир ўқув машғулотига давлат таълим стандарти, шунга асосланган ўқув режа ва намунавий ўқув дастурига биноан пухта тайёргарлик кўради. Мазкур машғулотнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш учун зарурий кўргазмали қуроллардан, маҳаллий ва ҳудудий мисоллардан, замонавий техник воситалардан, инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан ўринли ва унумли фойдаланади.

1.4. Касб ривожининг истиқболлари. Баркамол инсонни тарбиялаш, жамият тараққиётини юксалтириш, кучли демократик фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ миллий дастурнинг барча муҳим вазифаларини ҳал қилишда ўқитувчи касби ғоят катта роль ўйнайди. Шу боис, ўқитувчи касби ҳамма замонларда ва ҳамма вақт эъзозли касблигича қолаверади.

1.5. Турдош (яқин) касблар.

1. Тарбиячилар 4. Аниқ фан ўқитувчилари
2. Ижтимоий фан ўқитувчилари 5. Адабиётшунослар
3. Табиий фан ўқитувчилари 6. Олимлар

1.6. Мутахассиснинг ишлаши лозим бўлган жойлар. Мактаб, боғча, лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасалари, халқ таълими бўлимлари, педагогика илмий текшириш институтлари.

1.7. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва ўртача иш ҳақи. Бошланғич синф ўқитувчисининг ўртача иш ҳақи-бир ойда 2200000-2500000 минг сўмни ташкил этади. Иш фаолиятида эришган ютуқлари ва турли хил байрамлар муносабати билан доимий моддий рағбатлантириб борилади.

II. Меҳнат жараёни тавсифи.

2.1. Фаолият доираси (сфера) ва иш тури. Бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги ижтимоий-гуманитар соҳа доирасига киради. Мазкур касб эгалари асосан ақлий меҳнат билан шуғулланадилар. Ўқийди, узлуксиз малака ва маҳоратини ошириб боради, машғулотларга тайёргарлик кўради, ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этади ва бошқаради. Иш фаолияти ақлий ва жисмоний ҳаракатлар ёрдамида амалга ошади.

2.2.Меҳнатнинг мақсади ва предмети. Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатининг мақсади ёшларга ўқиш ва ёзишни ўргатиш орқали воқеликдаги

жамики нарса ва ҳодисалар ҳақида билим бериш, уларда инсонга хос бўлган сифат ва фазилатларни шакллантириш. Меҳнатнинг предмети-ўқувчи, таълим, тарбия.

2.3. Асосий меҳнат қуролларининг типи ва уларнинг қисқача тавсифи. Ўқув режа, ўқув дастур, ўқув дарслиги, ўқув қўлланма, ҳар бир машғулот бўйича маъруза матни, синф журнали, дафтар, доска, ёзув қуроллари, машғулотларни самарали ташкил қилишга мўлжалланган ўқув техника воситалари ва бошқалар. Мазкур меҳнат қуроллари машғулотнинг сифати ва самарадорлиги билан бир қаторда унинг яхлитлиги, узвийлиги, мантиқий изчиллиги ва бир бутунлигини таъминлайди.

2.4. Асосий (етакчи) ишлаб чиқариш жараёни. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари бошқа фан ўқитувчилари каби ўқув-тарбия жараёнларини белгиланган қонун ва қоидаларга биноан ташкил этади ва амалга оширади.

Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатининг ишлаб чиқариш тавсифи: мазкур иш фаолияти оғир ва мураккаб бўлиб, ёш боланинг (7-11 ёш) жисмоний,ақлий ва ахлоқий камолоти кўп жиҳатдан бошланғич синф ўқитувчисининг шахсий камолоти ва касбий тайёргарлигига узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда ўқитувчи яна мунтазам ўз устида ишлаши таълим ва тарбия соҳасидаги янги билимларни, илғор тажрибаларни ўрганиб бориши, ижодий изланиши ва улардан ўқув-тарбия фаолиятида самарали фойдаланиши шарт. Ўқитувчи бир кунда 8-10 соатгача ишлайди. У мактабда 4-5 соат дарс машғулотини ўқитса, кутубхона, ўқув зали ёки уйда соҳасига доир зарурий билим ва янгиликларни ўрганиши, эртанги машғулотларга тайёргарлик кўриши, ўз устида мустақил ишлаши учун яна 4-5 соатгача ишлайди.

Бошланғич синф ўқитувчиси таълим тизими ва ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган Президент фармонлари, Хукумат қарорлари ва халқ таълимини бошқарувчи идоралар буйруқларини мунтазам ўрганиб, унга амал қилади. Мактаб педагогика кенгаши, бошланғич таълим услубий кенгаши, шу соҳанинг тажрибали мутахассислари ва ота-оналар ҳамда жамоатчилик кенгаши билан доимий ҳамкорликда ишлайди.

Ўқувчиларнинг ёш даврига (7-11 ёш) хос жисмоний ва психологик ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганиб, уларни эътиборга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этади.

Ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш учун таълим ва тарбиянинг анъанавий методлари билан бирга янги педагогик технологияга асосланган инновацион, интерфаол ва психологик тренингларга хос методлардан ҳам самарали фойдаланиб боради.

У ҳафтада бир кун-якшанба куни, ҳар бир ўқув чораги якунида (4 кундан-10 кунгача) ва ўқув йили якунида меҳнат таътилига чиқиб, дам олади.

2.5.Бошланғич синф ўқитувчиси иш фаолиятининг таркибий қисмлари.

1. Эртанги ўқув машғулотлари ва тарбиявий ишларга тайёргарлик кўриш: Манбаларни ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, зарурий хулосалар

чиқариш, дарс машғулотлари, тарбиявий ишлар режасини тузиш ва матнини тайёрлаш.

2. Таълим бериш.

3. Тарбиялаш.

4. Синф ўқувчиларини ёш даврига хос бўлган жисмоний ва психологик хусусиятлари ҳамда ривожланиш қонуниятларини кузатиб, ўрганиб бориш ва ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишда уларни эътиборга олиш.

5. Мактаб педагогика кенгаши, бошланғич таълим услубий кенгаши аъзолари, шу соҳанинг тажрибали мутахассислари ва ота-оналар ҳамда жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда ишлаш.

6. Билим, малака ва маҳоратини ошириш учун ўз устида мунтазам ишлаш.

2.6. Қийинчилик турлари. Энг аввало, бошланғич синф ўқитувчисининг шахслилик ва касбий тайёргарлиги белгиланган талаб ва меъёрлар даражасида бўлмаслиги ушбу ўқитувчининг иш фаолиятида муаммолар ва қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади.

Агар, ўқитувчининг шахслилик ва касбий тайёргарлиги белгиланган талаб ва меъёрлар даражасида бўлса, у ҳолатда ўқитувчи иш фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар асосан эртанги ўқув-тарбия жараёнига тайёргарлик кўриш ёки синфда ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш учун зарурий шарт-шаоитларнинг етарли бўлмаганлигидан; ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини тўлиқ эътиборга олмаганликдан; шунингдек ўқитувчининг мактаб ўқитувчилари жамоаси, ўқувчиларнинг ота-онаси ва маҳаллий жамоатчилик билан ҳамкорликни етарли даражада йўлга қўя олмаганлигидан келиб чиқиши мумкин.

III. Меҳнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолати.

3.2. Иш режими ва ритми. Бошланғич синф ўқитувчисининг иш режими ва ритми аниқ белгилаб қўйилган меъёрларга асосан амалга оширилади. Баъзи ҳолатларда миллий (ҳайитлар, байрамлар ва бошқа) ёки ҳудудий (иқлимий, оммавий ҳашарлар) хусусиятлар муносабати билан ўзгариб туриши мумкин.

3.3. Касб учун зарарли омиллар. Меҳнат фаолиятининг мураккаб ва оғирлиги, уни узлуксиз бир жойда давом этиши. Ўқитувчидан мунтазам ҳолатда кучли эътибор, чидам, сабр-бардош ва масъулиятни талаб қилиши, унда кучли толиқишнинг юзага келиши, ўқитувчига жисмоний ва психологик толиқиш ҳамда зўриқишларни юзага келиши ва касб касалликларини шаклланишига сабаб бўлади.

3.4. Меҳнат фаолияти жароҳатлари (травма). Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнат фаолияти давомида шу соҳа мутахассислари учун белгилаб қўйилган иш режими ва меъёрларига амал қилмаса, бундай ҳолатлар ўқитувчида аста-секин меҳнат фаолияти травма (жароҳат)ларини келтириб чиқариши мумкин.

3.5. Касб касаллиги. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида белгилаб қўйилган қоида ва меъёрларга амал

қилмаслик ҳамда техник хавфсизликни унутиш ўқитувчида сезгирликнинг сусайиши, паришон -хотирлик, невроз, ревматизм ва турли ички касалликларни шаклланишига олиб келади.

3.6. Меҳнатни ҳимоя қилиш ва енгилликлар бўйича тадбирлар.

Ўзбекистон Республикасида бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Таълим ва тарбия соҳасида эришган ютуқлари учун юксак баҳоланиб, давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланади. Байрамларда шунингдек дам олишлари, саломатликларини тиклаши ва тўй-ҳашамлари учун моддий рағбатлантириш ҳамда пул мукофотлари бериб борилади.

IV. Касбий фаолиятнинг психофизиологик тавсифи.

4.1. Ўқитувчининг ахборотларни қабул қилиш ҳажми ва характерига умумий баҳо. Ўқитувчи иш жараёнида бевосита ўқув-тарбия жараёнининг боришини, таълим субъектлари ҳолатини, уларнинг таълим жараёнига, ўқитувчига, бир-бирларига, атрофидаги воқеликка бўлган муносабатларини фаол кузатиб, кўриш, эшитиш ва идроки асосида олаётган ахборотларни фикран таҳлил қилиб боради.

Ўқитувчи бирор-бир сабаб билан ўқув-тарбия жараёнида ёки бошқа ҳолатларда юз бериши мумкин бўлган ёки юзага келган ўзгаришлар, салбий ҳолатлар ва муаммоларни зудлик билан илғаб олиб, уни ўрганиши, таҳлил қилиши ва зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиб уни амалиётга оқилона қўллаши мумкин.

4.2. Сезги аъзоларининг сезувчанлик хусусиятлари. Тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари ўқув-тарбия жараёнида ва бошқа ҳолатларда айниқса кўриш, эшитиш, тери-туйиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳарорат ва органик сезгилари ёрдамида ўқувчиларнинг кўриниши, ўзини тутиши, юз қиёфаси, кўз ифодаси, ҳаракатлари, нутқи ва бошқа жабҳаларини ифодасини кузатиш орқали ўқувчи ҳолатига ва шу вазиятга тўғри баҳо бера олади.

4.3.Ўқитувчининг ақлий фаолиятига (кузатувчанлиги, диққати, хотираси, тафаккури, хаёли) умумий баҳо. Бошланғич синф ўқувчилари ёш даврининг жисмоний ва психологик ривожланиш хусусиятлари, шунга мос равишда ташкил этилган ўқув-тарбия жараёнларининг кечиши ўқитувчидан ўта кузатувчанликни, алоҳида эътиборни талаб этади. Ўқувчилар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, юзага келган муаммоли ҳолатларни тезда ўрганиб, ўқитувчи ўзидаги мавжуд тажриба ва билимга асосланган ҳолда муаммони таҳлил қилади, таққослайди ва муаммони ечишнинг энг маъқул йўлини танлайди. Яна шунга ўхшаш хатоларни такрорланмаслиги учун таълимий ва тарбиявий чоралар ҳамда истиқболли тавсиялар ишлаб чиқади ва ўқув-тарбия жараёнида ундан ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигида самарали фойдаланади.

4.4. Ҳаракатларига умумий баҳо. Бошланғич синф ўқитувчиси учун қуйидаги ҳаракат,малака ва маҳоратлар: ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни кўриш орқали назорат қилиш ва баҳо бериш; эшитиш орқали назорат қилиш ва баҳо бериш, ўқувчилар орасида бўлиб, улар фаолиятини кузатиб таҳлил

қилган ҳолда баҳолаш, равон, тушунарли ва қизиқарли, мантиқли, эмоционал нутқдан фойдаланиш, доскага ёзиш, чизиш орқали ёки кўргазмали қуроллар ҳамда янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш (қўллаш), ўқувчилар билан самимий мулоқот ва дўстона ҳамкорликни йўлга қўйиш маҳорати зарур ҳисобланади.

4.5. Асаб-психик кучланишни (босимни) талаб қиладиган шахслилик хусусиятлари. Бошланғич синф ўқитувчиси учун зарур бўлган шахслилик хусусиятлари: билимдонлик, қобилиятлилик, маҳорат, эмоционал барқарорлик, ўзини тута билиш, сабр-бардошлилик, ўз фаолиятини назорат қила олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, фикрлаш асосида бир қарорга келишлик, узоқни кўра билиш, қатъийлик, дадиллик, матонат, масъулият ва жавобгарликни ҳис этиш, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва бошқалар.

V. Касбий тайёргарликнинг тавсифи ва формалари.

5.1. Ўқув муассасаси типлари ва уларга қисқача тавсиф.

Мактаблар учун бошланғич синф ўқитувчиларини олий таълим муассасалари (Университетлар ва педагогика институтлари) тайёрлайди. Касб иккала жинс (эркаклар ва аёллар) учун бирдек баробар ўқиш муддати олий таълим муассасаларида – 4 йил.

5.2. Ўқишга қабул қилиш шартлари. Олий таълим муассасаларида ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълимини эгаллаган (академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган) ўқувчилар давлат тест синовлари натижалари асосида қабул қилинади.

5.3. Касбий билимнинг асосий мазмуни. Бошланғич синф ўқитувчиси педагогика тарихини, амалдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун, мактаб таълимини, шу жумладан бошланғич таълимни, бошланғич синф ўқув предметлари асосларини, педагогика ва психология фанларининг ҳозирги замон ютуқларини ҳамда таълим ва тарбия беришнинг илғор усулларини эгаллаган бўлиши шарт.

5.4. Касбий ўсишнинг истиқболи. Бошланғич синф ўқитувчиси касбий тайёргарлиги ва шахслилик камолоти билан касбий фаолиятга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берса, у ўз фаолияти давомида касбдан кутилаётган истиқболларга: тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич таълим услубий кенгаши раиси, бошланғич синфлар бўйича ўқув ишлари бошқарувчиси, мактаб директори, халқ таълими бошқармаларида бошланғич таълим бўйича масъул вазифаларга эришиб боради. Шунингдек, бошланғич синф ўқув-тарбия жараёнларининг долзарб муаммоларига бағишланган мавзуларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларига эришиши мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Климов Е.А. Путь в профессию. - Л.: 1974. – 143 с.
2. Жабборов А.М. Педагогик психологиянинг этник асослари. – Т.: Зарқалам, 2006. – 48 б.

3. Давлетшин. М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.

## ZAMONAVIY TA'LIM PSIXOLOGIYASI.

*Mamadaliyeva A.*
*Toshkent davlat pedagogika universiteti talabasi*

Hozirgi paytda ta'lim tizimini takomillashtirish orqali har tomonlama yetuk, barkamol, mustaqil fikrlashga qodir, irodali, fidoyi va tashabbuskor kadrlarni tayyorlashga katta e'tibor berilmoqda. Bu borada ta'lim to'g'risida mutlaqo yangi dasturlar tadbiq etildi.

Yoshlarimizni raqobatbardosh kadr tayyorlash etib tayyorlash maqsadida yangi uslublar foydalanish lozim. Men Case study( Keys stadi) o'quv uslubini tavsiya etmoqchiman.

Keys stadi inglizcha case-„to'plam'',„aniq,vaziyat'' stadi- ta'limda bayon qilingan va ta'lim oluvchilarda muammoni ifodalash hamda uning maqsadga munofiq tarzdagi yechim, variantlarni izlashga yo'naltiradigan aniq yoki sun'iy ravishda yaratilgan muammoli-vaziyatni taxlil etirishga asoslanadigan ta'lim uslubidir.

Case Study o'quv uslubining bir qancha qulayliklari mavjud. Ta'lim oluvchiga o'rganilgan mavzu bo'yicha bilimlarni mustahkamlash, har qanday muammolarga yakka va jamoaviy tartibga yechim topish ko'nikmalarini egallashga yordam beradi. Bir qancha muammoli vaziyatlarni o'rgatish davomida mantiqiy rivojlanishni shakllantirishga, turli holatlar bo'lishiga qaramasdan muammoli vaziyatlarda qaror qabul qilishga tayyorlaydi. Ta'lim beruvchi tomonidan o'tilgan mavzu yuzasidan ma'lumotlarni o'zlashtirish sifatini o'zi tekshirish kabi rivojlanuvchi imkoniyatlarni beradi.

Keyslarni hal qilish algoritimi eng avvalo topshiriqni berishdan boshlanadi. So'ng mavzudan kelib chiqqan holda savollar beriladi. Keyingi bosqichda ta'lim oluvchilarni 4-6 kishidan iborat guruhlarga ajratiladi. Mikroguruhlarning faoliyatini tashkil etish asosiy masala hisoblanadi. Vaziyat yuzasidan berilgan javoblar bilan tanishish bilan birga, guruhlar o'rtasidagi munozarani tashlik etish lozim. Mavzu yuzasidan ta'lim oluvchilarni fikrlarini tinglanadi. Yakun qismida ta'lim oluchilar baholanib, mashg'ulot yuzasidan fikrlar tinglanadi. Ta'lim beruvchi xulosalaridan so'ng yakunlanadi.

Keyslarni hal qilish mobaynida ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarni yo'naltirib, ulardagi faollikni qo'llash ya'ni muammoga nisbatan qiziqish uyg'ota olishi kerak.

Keyslarni hal qilish jarayonida asosiy va unga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash bilan birga, asosiy va ikkinchi darajali omillarni ajratish, muammoni hal qilishning muqobil yechimini ham ko'rish chiqishi, ulardan eng maqbul qarorni qabul qila olishi lozim.

Ushbu o'quv uslubda muammoli vaziyatni hal qilishda yozma usulda taxlil qilish orqali unda bayon etilgan muammoni yanada chuqurroq anglashga yordam beradi. Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, yozma nutq Xalqaro RWCT dasturida mustaqil ijodiy fikrlash qobilyatini rivojlantirishning eng samarali usullaridan biridir.

Keyslardan ta'lim jarayonida foydalanish ta'lim oluvchilar shaxsida bir qancha professional-pedagogik zaruriy sifatlari shakllantiradi. Mustaqil ijodiy fikrlash qobilyatini rivojlantirish bilan birga nazariy va amaliyot o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni shakllantiradi. Boshqalar bilan fikr almashishda malakasini oshiradi. Eng avvalo ta'lim oluvchida savol berish madaniyatini o'rgatadi.Qabul qilingan qarorlar uchun masullik hissini uyg'otadi.

## ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Мамажонов А.Т.*
*ТДАУ Андижон филиали катта ўқитувчиси, и.ф.ф.д., PhD.*
*Жўрабеков Б.Б.*
*ТДАУ Андижон филиали талабаси.*

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Шунинг учун бу масала ҳар доим давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам бу борада истисно бўлмади. Унда алоҳида бўлим давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган. У Ўзбекистоннинг 10 миллион фуқароси ёки мамлакат аҳолисининг 31 фоизини ташкил этувчи ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни қамраб олади.

Ушбу вазифалар қаторида ёшларнинг ҳаётий ўз-ўзини англаш психологиясини ҳам ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Инсон психикаси доимо ривожланишда. Бола инсоният тарихи давомида жамғарган тажрибаларни ўзлаштириши жараёнида ривожланади. Бу жараён катталар томонидан доимий назорат, яъни таълим шароитида амалга ошади. Таълим боланинг психик ривожланиши жараёнида белгиловчи роль ўйнайди. Таълим табиий истеъдод, ижтимоий муҳит ва у ёки бу ёш учун самарали, тушунарли таълим усулларига асосланади. Шундай қилиб, шу нарсани кўриш мумкинки, гўдакликда кўргазмали-ҳаракатли фикрлаш, кейин эса

кўргазмали-образли, оғзаки-мантиқий, мавҳум, умумий назарий фикрлаш турлари пайдо бўлади.

Ривожланиш жараёнида фақат билим ва ҳаракат усулларининг ўзгариши, муракаблашиши содир бўлмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришлар, яъни шахснинг умумий хусусиятлари ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш динамикасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) бола шахсини йўналтиришдаги умумий хусусиятлар (ўқиш, англаш, атрофдагилар билан муносабат), 2) фаолиятининг психологик тузилиши хусусиятлари (мотив, мақсад, объект) ва 3) англаш механизимининг ривожланиш даражаси.

Шундай қилиб, боланинг бутун ривожланиш жараёнини уч қисмга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият усулларининг ривожланиши, 2) эгалланган усулларни татбиқ этиш механизмларининг психологик ривожланиши, 3) шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши (йўналтирилганлик, фаолиятнинг психологик тузилиши, англаш ва фикрлаш). Кўрсатилган ривожланиш йўлларининг ҳар бири ўзига хос. Бу йўлларнинг барчаси ўзаро боғлиқлик ва фақат биргаликдагина психик ривожланиш деб аталувчи шахсдаги ўзгаришлар жараёнини ташкил этади.

Ёш йигит бола ва катта ёшдаги одам ўртасидаги оралиқ ҳолатда туради. ҳаёт фаолиятининг мураккаблашиши билан ёшларда нафақат ижтимоий рол ва қизиқишлар доирасининг миқдорий кенгайиши, балки уларнинг сифат ўзгариши ҳам рўй беради. Унда катталарга хос роллар, улардан келиб чиққан ҳолда мустақил жавобгарлик меъёри пайдо бўлади. Кўпчилик бу ёшда аллақачон меҳнат фаолиятини бошлайди, ҳамма касб танлашни ўйлайди ва ҳоказо. Бироқ катталар мавқеи элементлари билан бир қаторда ёшларда ҳали унинг ҳолатини бола ҳолати билан яқинлаштирувчи тобелик белгилари сақланади. Моддий жиҳатдан ҳали юқори синф ўқувчиси ота-онаси қарамоғида бўлади. Мактабда бир томондан унинг катталигини эслатиб туришса, бошқа томондан доимо бўйсунишни талаб қилишади.

15-17 ёшли йигит ва қизлар мактаб ўқувчиси бўлган ёшлардан фарқли равишда, коллеж талабалари ҳам бўлиши мумкин. Айрим ёшлар ўқиш билан ишлаб чиқариш меҳнатини биргаликда олиб борадилар. Бу тафовутлар унинг психологиясида акс этади ва тарбиячилар томонидан эътиборга олиниши шарт.

15-16 ёшли одамнинг умумий ақлий қобилиятлари, одатда, аллақачон шаклланиб бўлади ва уларнинг болаликдагидек тез ўсиши кузатилмайди. Бироқ улар мукаммаллашишда давом этади. Мураккаб интеллектуал операцияларни эгаллаш ва тушунчалар аппаратининг бойиши йигит ва қизларнинг ақлий фаолиятини мустаҳкамроқ ва самаралироқ қилади, бу эса уларни катталар фаолиятига яқинлаштиради. Айниқса, махсус қобилиятлар тез ривожланади.

Ўз-ўзини англаш. Ўзининг психик хусусиятларини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш ёшлар ва ўспиринларда янада катта аҳамият касб этади. Ёшлар ва ўспиринлар ҳаётда ўз ўрнини топишга киришишади – шахс хусусиятлари

актив шаклланади. Ёшлар ўзларини англашдек мураккаб муаммони ёл\из эмас, ота-она, тенгдошлар, ўқитувчилар билан мулоқотда, уларнинг қўллаб-қувватлашлари остида ҳал қилади.

Эмоционал, ахлоқий қадриятлар, йўл топиш соҳасида ўспиринлар ўз ҳуқуқлари ва мустақиллигини ҳимоя қиладилар. Баъзан улар фақат оригиналликка даъвогарлик учунгина атайлаб қўрслик қилишади. Аслида ота-она таъсири устунлигича қолаверди. Авлодлар ўртасидаги фарқ мода, дид, кўнгил очиш усуллари каби нисбатан юзаки масалаларда жуда сезиларлидир. Лекин анча теран масалалар – сиёсий қарашлар, дунёқараш, касб танлашда ота-она мавқеи аҳамиятлироқ бўлади ва, одатда, тенгдош-ўртоқлар таъсиридан устунлик қилади.

Жамоа ҳаётининг аҳамияти ўсиб бориши билан бир қаторда, эрта ёшликда индивидуал интим дўстликка талаб кескин кучаяди. Ёшликдаги дўстлик интимлик, эмоционал илиқлик, самимиятни биринчи ўринга олиб чиқади. Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ва унга хос бўлган зиддиятлар енгиб бўлмайдиган «кўнгил изҳори» талабини уйғотади. Худди мана шундан дўстни худди ўзидек alter ego (бошқа «мен») тушуниш пайдо бўлади. Бундай эҳтиёж айнан эрта ёшликда пайдо бўлади.

Севги. Ўғил бола ва қиз бола ўртасида ўспиринликда чекланган ўзаро муносабатлар эрта ёшликда сезиларли даражада фаоллашади. Дастлабки жиддий қизиқиш, севги ва чуқур ҳиссиётларга катта эҳтиёж пайдо бўлади.

Эрта ёшлик – дунёқарашнинг шаклланишида ҳал қилувчи ёш. Албатта, дунёқараш асослари анча илгари - болаликда қурилади. Лекин фақат ёшликдагина шахс сифатларининг анча юқори даражада шаклланишига асосланиб, дунёга нисбатан муносабатни аниқлаш мумкин. Умумий дунёқараш тушунчалари режаларда ҳаётийлашади ва аниқлашади. Бироқ ёшлар уларга йиғилган билим-тажрибани етказиб берувчи катталар ёрдами ва раҳбарлигига доимо муҳтож бўладилар. Ёшлик хусусиятлари қанчалик инобатга олинса ва унинг фаолликка интилишига суянилса, тарбия ҳам шунчалик самарали бўлади. Ёш ўсиши жараёнида боладаги барча хулқ ва фаолият ўзгаришлари ўрганиш омиллари бўлиб ҳисобланади. Ўрганиш маълум бир мақсадга эришишга имкон берувчи фаолият ва хулқдаги ташқи (жисмоний) ва ички (психик) ўзгаришларни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўрганиш ташқи ва ички фаолият (хулқ-атвор)даги мақсадга мувофиқ ўзгаришларда намоён бўлади.

Ўрганиш – бу фаолиятни мақсадга мувофиқ қатъий ўзгартиришдир. У аввалги фаолият натижасида юзага келади.

Ўрганишда тушунчаларни ифодалаш воситаси сифатида тил катта аҳамиятга эга. Сўзлар орқали ифодаланган тушунчаларни ўрганиш одамнинг бутун инсоният тарихий тараққиёти давомида тўплаган билимларини ўзлаштиришни англатади.

Предметли ҳаракатдан идеал ҳаракатга тасаввур ва тушунчалар билан ўтиш фикрлаш орқали амалга оширилади. У ҳар доим маълум бир масалани ҳал этишга қаратилади.

Шундай қилиб, инсоннинг тушунча ва ақлий ҳаракатларни ўзлаштириши уни фикрлашга ўргатишни ҳам талаб қилади.

Инсоннинг бутун фикрлаш (ақлий ва интеллектуал) фаолиятининг пировард мақсади ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт унинг олдига қўйган турли амалий масалаларни ҳал этишдан иборат. Амалий масалаларни ҳал этиш учун эса зарур малака керак бўлади, яъни тўлақонли интеллектуал ўрганиш малака билан бойитилади. Ўрганиш турли даражада ўтувчи мураккаб кўп поғонали: сенсорли (ҳис этиш), моторли (ҳаракатли), когнитивли (билиш) жараёндан иборат. Ўрганиш кузатиш асосида амалга ошади. Машқларни англаш ва ўз-ўзини назорат қилиш онгли равишда қўйилган мақсад ва вазифалар томонидан амалга оширилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология: ўқув методик қўлланма. Т., 2004.

2. Ёш ва педагогик психологияси / А.В.Петровский таҳрири остида. Т., 1989.

3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология: дарслик. I, II китоб. Т., 2002.

## ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШДА “МЕН” КОНЦЕПЦИЯСИ

*Мамараджабова Б.А.*
*Термиз давлат университети ўқитувчиси*

Маълумки, субъектнинг одам зотига мансублиги индивид тушунчасида ифодаланади. «Индивид» тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашган. Янги туғилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутаффаккирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойи одамни ҳам, маданиятли мамлакат кишисини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Аммо, инсон индивиди алоҳида социал фазилат кашф этиб, шахс бўлиб етишиши билан характерланади ва у шахс тушунчасида ифодаланади. «Шахс» ва «Индивид» тушучаларининг бир-бирига ўхшашлигини етакчи психологлар - Б. Г. Ананъев, А. Н. Леоньтев ва бошқалар инкор этишади. «Индивид» ва «Шахс» тушунчаларининг бир-бирига мос келмаслиги ва айнан ўхшаш эмаслиги фактидан шу нарса аёнки, шахс тушунчаси биргаликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси учун ушбу фаолиятнинг мазмуни, қадриятлари ва моҳияти орқали намоён бўладиган шахслараро барқарор боғланишлар тизимидагина англанилиши мумкин.

Ҳар бир кишининг шахси унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган хислатлар ва фазилатларнинг фақат унга хос бирикувидан таркиб топгандир. Индивидуаллик ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир. «Индивид» ва «Шахс» тушунчалари бир-бирига ўхшаш бўлмагани сингари, ўз навбатида шахс ва индивидуаллик ҳам бирликни ташкил қилади, лекин улар бир-бирига

ўхшаш эмасдир. Психологияда индивидуалликнинг кўпгина хислатлари - мослашувчанлик, тажовузкорлик, мойиллик даражаси, ташвишланиш ва шу кабилар аниқланган. Булар жамланиб, индивиднинг ўзига хослигини кўрсатади. Бу психологик ҳодисалар ўз моҳиятига кўра ўзаро муносабатда бўлиб, ошкора ёки ошкора бўлмаган ҳолда аллақандай муҳитнинг мавжудлигини тақозо этади. Шахс айнан ана шундай муҳитга нисбатан мослашувчанлик, тажовузкорлик, ташвишланиш ва ҳоказоларни намоён қилади. Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши индивидуалликнинг тузилишига қараганда кенг эканлиги шубҳасиздир.

Шахс тузилишининг уч таркибий қисми мавжуд: 1) Шахс тузилишига биринчи навбатда унинг индивидуаллигининг тизимли тузилиши киради. Шу тариқа шахс тузилишининг биринчи таркибий қисми - унинг индивид ичкарисидаги (интраиндивид) кичик тизимининг алоҳида намоён бўлишидир. 2) Шахс тузилишининг иккинчи таркибий қисми - шахснинг шахслараро бўшлиқдаги индивидлараро муносабатларда, алоқаларда мавжуд бўлишидир, яъни индивиднинг органик тарздаги гавдасидан ташқаридаги «бўшлиқда», «фазода» намоён бўлишдир. 3) Шахс тузилишини таркиб топтирадиган учинчи бир қисми - метаиндивид (индивиднинг устки кўриниши) кичик тузилишини ҳам алоҳида кўрсатиш имкониятидир. Бунда шахс индивиднинг органик гавдасидан ташқарига чиқарилиб қолмасдан, балки унинг бошқа индивидлар билан «шу ерда ва эндиликда» мавжуд бўлган алоқаларидан ҳам ташқарида жойлаштирилади. Шундай қилиб, инсон шахсининг тузилиши учта таркибий қисмдан, учта кичик тизимдан иборатдир: шахснинг индивидуаллиги, унинг шахслараро муносабатлар тизимида гавдаланиши ҳамда шахснинг ўзи келиб чиқишига кўра индивидлараро, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар субеъкти сифатида мавжуд бўлишидир. Ҳар уччала кичик тузилиш бирлиги шахс обрў-эътиборида намоён бўлади.

Жамиятда яшаётган кишида таълим-тарбия бериш ишлари тўғри йўлга қўйилган тақдирда ижтимоий фойдали фаолиятда шахс даражасига кўтарилиш эҳтиёжининг шаклланиши ва қондирилиши учун зарур барча шарт-шароитлар таркиб топади.

Шахснинг ўзини англаши, «МЕН» сиймоси шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари йиғиндиси сифатида қаралади. Киши ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатлар тизимига кирган, одамлар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилган ва муносабатда бўлган ҳолда ўзини атроф-муҳитдан алоҳида ажратиб кўрсатади, ўзининг жисмоний ва психологик ҳолати, ҳаракатлари ва жараёнларининг субъекти сифатида акс этади. Ўзи учун «бошқаларга» қарши турган ва айни чоғда улар билан боғлиқ бўлган «Мен» сифатида намоён бўлади. 2-3 ёшли болалардаёқ «Мен» сиймоси шакллана бошлайди. («Сеники эмас - Меники», «Менга беш» ва ҳоказо (И. С.Кон). Катта ёшдагиларда ўз хусусий «Мен» сиймоси қатъий шаклланади. «Мен» сиймоси - индивиднинг ўзи хақидаги нисбатан барқарор, кўпроқ ёки озроқ даражада англанилмаган, бетакрор деб ҳис қилинадиган тасаввурлар тизимидирки, индивид бошқалар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишда

ана шунга асосланади. Ҳар қандай йўл-йўриқ каби «Мен» сиймоси учта компонентни ўз ичига олади: биринчиси - когнитив таркибий қисм; иккинчиси - ҳиссий-баҳолаш таркибий қисм; учинчиси – хулқ-атвор-иродавий таркибий қисм.

«Мен» сиймоси - ижтимоий муносабатларнинг ҳам шарт-шароити ва ҳам оқибатидир. «Мен» сиймоси ҳосил бўлишининг яна бир кўриниши «хаёлий Мен» дан иборатдир. Агар иложи бўлса, орзу қилинган даражага етиш, умуман ўзининг тасаввур қилганидек бўлиб қолиш истагида эканлигини айтиб қўйиш керак. «Мен»нинг бу хилдаги сиймоси айниқса ўспиринлик даврида жуда катта аҳамиятга эга. Ўзига ўзи баҳо бериш - шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз имкониятларига, бошқалар орасидаги фазилатларига ва ўз ўрнига баҳо берилишидир. Бу шахснинг ўзини англаб етишини психологияда анча муҳим ва энг кўп ўрганилган жиҳати ҳисобланади. Ўзига ўзи баҳо бериш орқали шахснинг хулқ - атвори тўғриланиб, тартибга солиб турилади.

Психологияда кишининг ўзига ўзи берадиган баҳони, унинг миқдорий ва сифат таърифини аниқлашнинг бир қатор экспериментал методлари мавжуд. (Ўз-ўзини текшириш тестлари, ўз- ўзини кузатиш, кундалик юритиш). Учта кўрсатгич - ўзига ўзи баҳо бериш, кутилган баҳо, гуруҳнинг шахсга берган баҳоси - шахснинг тузилишига киради ва киши буни хоҳлайдими - йўқми, у ўзининг гуруҳдаги кайфиятини, ўзи эришган натижаларини муваффақиятли ёки муваффақиятсиз эканлигини ўзига ва теварак атрофдагиларнинг унга нисбатан нуқтаи назарларини белгилайдиган субъектив воситаларни ҳисобга олишга мажбурдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. М.Э.Зуфарова Умумий психология, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Тошкент, 2010, 54-55 бетлар.
2. Э.Ғозиев Онтогенез психологияси Тошкент, 2010. 360 б.
3. Ғозиев Э. Психология. - Т.: «Ўқитувчи», 1994.

## DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZM G’OYALARINING – YOSHLAR ONGIGA TA’SIRI

*Mamarasulova Sh.Sh.*
*SamDU talabasi*
*Shernazarov X.S.*
*TDPU talabasi.*

**Annotatsiya:** ushbu maqolada diniy ekstremizm va terrorizm tushunchalari uning jamiyatga yoshlarning ongiga shuningdek, hayotiga ko’rsatayotgan salbiy ta’siri haqida ma’lumot berilgan.

**Kalit so’zlar:** diniy ekstremizm, terrorizm, yoshlar ongi, terrorchilik.

HozirdaTerrorizm va diniy ekstremizm harakatlari butun dunyoni xavotirga solgani hech kimga sir ems. Xo'sh terrorizm o'zi nima va nima sababdan butun dunyoni bu qadar tashvishga solmoqda?

Terrorizm(lot.terror- qo'rqinch, dahshat) – siyosiy raqiblarni, muxoliflarni yo'qotish yoki qo'rqitish, aholi o'rtasida vahima va tartibsizliklar keltirib chiqarish maqsadidagi zo'ravonlik harakatlari. Jumladan, ta'qib qilish, buzish, garovga olish, portlatish, qotillik va hakazo.

Terrorizm insoniyat jamiyati rivojlanishining kapitalizmgacha bo'lgan davri. Buyuk fransuz inqilobi bilan bevosita bog'liq bo'lgan feodolizmdan kapitalizmgacha o'tish davri, bir qator Yevropa davlatlarida monarxiya tuzumi bilan kurashish, shuningdek, burjua demokratiyasi qaror topish davrining tarixiy, ijtimoiy- siyosiy hodisasi sifatida o'rganish kerak.

Terrorizmning daxshatli ta'sirlarini ko'plab misollarda ko'rishimiz mumkin. Xususan 2001-yilning 11-sentabrida AQSHdagi Butunjahon Savdo Markazining portlashi sodir etilgan terroristik harakatlar ichida eng kattasi bo'ldi. Minglab odmlar qurbon bo'ldi, Amerika hukumati 1 trillion 380 mlrd dollar miqdorida zarar ko'rdi. Bunday xatti-harakatlar bizning Respublikamizda ham yo'q emas, masalan "O'zbekiston Islom Harakati" rahnamolari 1999-yil 16-fevralda sodir etgan terroristik harakatlari natijasida qancha begunoh odamlar jabr ko'rdi. Bundan tashqari 2000-yilda Bo'stonliq, Surxondaryo viloyatining Sariosiyo va Uzun tumanlariga suqulib kirmoqchi bo'lgan ekstremistlarning harakatlari bunga yaqqol misoldir. 2004-yil 29-30-mart kunlari Toshkentda sodir etilgan qo'poruvchlik harakatlari ham achinarli tus olgan edi.

Yurtimizda 2005 yil 12-13-may kunlari Andijon viloyatida sodir etilgan terroristik harakatlarning eng yirigi bo'ldi desak xato bo'lmaydi, chunki ular qamoqdagi maxbuslarni ozod qilib viloyatning harbiy organlari va davlat hukumati binolarini vayron qildilar, ko'plab odamlarni asir olib ularga jismoniy va moddiy zarar yetkazdilar. Bu holat sodir bo'layotgan mahalda Prezidentimiz Islom Karimov ular bilan jonli muloqotga kirishgan edilar. Qo'rqmasdan g'azabga mingan aholi o'rtasiga ot bilan kirib kelib muammoni bartaraf etdilar. Mana bu haqiqiy qahramonlik. Azizlar biz shunday bobomizga munosib avlod bo'laolyapmizmi? Axir bizni mustaqillikka erishib, mana shunday osoyishta kunlarda yashashimiz uchun necha necha insonlar qon to'kishdi, uyqusiz tunlarini o'tkazishdi.

Terrorchilik harakatining quloch yoygan joyi, bu Afg'oniston Respublikasidir. Prezidentimiz Islom Karimovning "Mingyillik sammiti" deb nom olgan anjumanda so'zlagan nutqida "20 yildan ortiq vaqt mobaynida urush davom etib kelayotgan Afg'oniston hozirgi paytda xalqaro terrorchilik va ekstremizmning polegoni hamda tayanch bazasiga milliardlab daromad keltirayotgan dunyo narkotik ishlab chiqarishining asosiy manbayi – fabrikasiga aylanganligini ta'kidlagan edi".

Terrorchilik harakatlari bir qator o'zbek filmlarida ham juda chiroyli ifoda etilgan. Jumladan, " Jasur", " Baron", "Timur", "Aldangan ayol" va boshqalar. Bu filmlarning aksariyat qismi aynan Afg'oniston Respublikasida sur'atga olingan.

Menga bu filmlar ichida eng yoqqani “Timur” filmi bo’lgan. Bu filmdagi bosh qahramon hisoblangan Timurning jasorati taqsinga sazovar.

XX arning ikkinchi yarmida xalqaro maydonda o’zini balandroq ovoza qilgan, barchaga o’zining salbiy ta’siri bilan tanilgan, shubhasiz, diniy ekstremizm va va undan oziqlanib turgan, diniy shiorlar bilan burkanib olgan terrorizmdir. Ma’lumotlarga qaraganda, bugungi dunyoda 500 ga yaqin terrorchi tashkilotlar ish olib bormoqda. 1968-1980-yillar davomida ular 6700 ga yaqin terrorchilik amaliyotlarini sodir etganlar. Natijada 3668 kishi halok bo’lib, 7474 kishi turli jarohatlar olgan. Diniy ekstremizm kelib chiqishining birinchi va asosiysi sababi bu – mutaassib fikr va qarashlarning paydo bo’lishidir. Ongi zaharlangan va mutaassibga aylangan kishilar o’zlari qilayotgan ishlarni to’g’ri deb hisoblagan holda, har qanday nomaqbul ishlardan ham bosh tortmaydilar. Vaholanki, ularni bu yo’lga boshlagan “rahnamolarning” asl maqsadi mohiyatan g’ayriinsoniy xarakterga ega. Ularning asosiy niyati butun Osiyo hududida qadimgi Arab xalifaligin barpo etish kerak deb kurashmoqdalar. Lekin, ularning asosiy niyati shu bilangina cheklanib qolmasdan, dinni niqob qilib olib hokimiyatni qo’lga olish, bu yo’lda„inson’’ deb atalmish buyuk jonzotni o’ldirishdan ham tab tortmayapti. Ular hozirgi kunda, ayni daqiqada ham o’z yovuz, jirkanch ishlarni turli davlatlarda oshirmoqdalar.

Dunyo tinchligiga xavf solib turgan diniy ekstremizmning tahdidi quyidagilardan iboratdir:

- Aqidaparastlikni yoyish orqali islohotchi davlatga ishonchni yo’qqa chiqarishga urinish;
- Diniy ekstremizm tarafdorlari dindorlarning umumiy soniga nisbatan juda ozchilikni tashkil etsada, ularning ta’siriga tushganlar hisobiga jamiyatda erksiz, mute’, faoliyatsiz kishilar soninni orttirish;

„Soxta” va„haqiqiy” dindorlik belgilari bo’yicha qarama qarshilikni keltirib chiqarish; XXI asr-internet, ajoyib kashfiyotlar asri, inson Koinot sirlari qo’yniga kirib borayotgan asr, axborot va g’oyat ulkan texnikaviy imkoniyatlar asri bo’lmoqda. Shu davrga kelib insonlarning, ayniqsa yoshlarning hayotiga, kelajagiga xavf soluvchi ekstremizm, terrorizm va shunga o’xshash qatlam paydo bo’ldi. Yer yuzida bu ofatga qarshi keskin kurash olib borilmoqda, jumladan har bir ta’lim muassasalarida ta’lim olayotgan voyaga yetmaganlarni bu xavfdan ogoh etish, ushbu oqimlarning tuzog’iga tushib qolishdan saqlash maqsadida soha mutaxassislari bilan hamkorlikda targ’ibot-tashviqot ishlari sifatini oshirmog’imiz zarur. Manbalarda keltirilishicha diniy ekstremizm va terrorizm kabi hodisalarning ildizlari uzoq tarixga borib taqalishidan dalolat beradi. Shunday bo’lsa-da, ular hech qachon ijtimoiy barqarorlik va taraqqiyot uchun bugungidek tahdid solmaganini qayd etish lozim. Zero, hozirda diniy ekstremizm va terrorizm global xarakterga ega bo’lib, dunyoning barcha mamlakatlari hamda mintaqalariga birdek xavf solmoqda. Shunday ekan, uning oldini olish, unga qarshi kurashish insoniyatning istiqboliga daxldor masalaga aylanganini e’tirof etish joiz. Mazkur yo’nalishda kishilik jamiyati oldida kompleks vazifalar dolzarb bo’lib turibdi.

Terrorizmga qarshi kurashish, O’zbekiston Resbublikasi Milliy Xavfsizlik Xizmati, Ichki Ishlar Vazirligi, Davlat chegaralarini himoya qilish qo’mitasi,

Davlat bojxona qo'mitasi, Mudofaa hamda Favqulotda Vaziyatar Vazirligi amalga oshiradi (8-modda). Jumladan Favqulotda Vaziyatlar Vazirligi favqulotda vaziyatlardan aholini muhofaza qilish, terrorchilar harakat qilayotgan zonada joylashgan alohida, muhim, toifalangan va boshqa obyektlar barqaror ishlashini, shuningdek terrorchilik oqibatlarini tugatish yuzasidan vazirliklar davlat qo'mitalari, idoralar va mahalliy davlat hokimiyati organlarining faoliyatini muvofiqlashtiradi, hamda qonun hujjatlariga muvofiq boshqa vakolatlarni amalga oshiradi.

Terrorizm bilan kurashish sohasidagi hozirgi bosqichdagi hamkorlik bir necha yo'nalishlarda amalga oshirilmoqda alohida qayd etish kerakki O'zbekiston Respublikasi dunyoning ko'plab davlatlari bilan terrorizm, ekstremizm va uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurashish to'g'risidagi shrtnomalarni imzolagan.

2000-yil aprel oyida O'zbekiston, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston Prezidentlari uchrashuvida "Terrorizm, siyosiy, diniy ekstremizm, milatlararo jinoyatchilik va tomonlar xavfsizligi, hamda barqarorligiga tahdid soluvchi xavflar bilan kurashishda hamkorlikdagi harakatlar to'g'risidagi" shartnomani imzoladilar.

2001-yil iyun oyidagi Shanxay hamkorlik tshkiloti davlat rahbarlari sammitida (bu uchrashuvda O'zbekiston, Rossiya, Xitoy, Qozog'iston va Tojikiston bilan birgalikda mazkur obro'li tashkilotning tasischisi bo'lib qoldi) Shanxay hamkorlik tashkilotining tuzish haqidagi Dekloratsiya, shuningdek Terrorizm, ayirmaachilik va ekstremizm bilan kurashish to'g'risidagi konvensiya qabul qilindi.

Terrorizm bilan kurashish sohasidagi xalqaro hamkorlik to'g'risida gap borganda O'zbekiston tashabbusi bilan tuzilgan "6+2guruhi" deb nomlangan guruhni ham eslash kerak. Shu o'rinda Preziddentimiz Islom Karimovning 2001-yil 11-sentabridagi voqealardan so'ng bayonotidagi ayrim fikrlarni keltiramiz "Bugun biz butun insoniyatga tahdid solib turgan bu illatga barham berish borasidagi kurashdan hech qanday davlat chetda qolmasligi tabiiy. Jahondagi yuzdan ortiq davlatning mazkur masla bo'yicha o'z fikri qat'iy pozitsiyasini bayon qilgani ham haqiqatni tasdiqlaydi. Bugun terrorizmga qarshi tashkil qilinayotgan koalitsiyasi safiga o'zining siyosiy tuzumi va qarashlaridan qat'iy nazar turli davlatlar, shu jumladan barcha yetkchi arab va musulmon jamoatlari qo'shilayotgani e'tiborga sazovordir. Bunday kuchlar va davlatlarni birlashtirayotgan xalqaro hamjamiyatning qatiyatligi tobora mustahkamlanib bu kurash xalqaro tus olib borishiga hech qanday shubha qolmayapti. Gap shundaki terrorizm tahdid mavhum tushuncha emas, balki xalqaro terrorizmning o'z oldiga qo'ygan siyosiy maqsadlariga erishish uchun jahondagi mavjud tartibni beqarorlashtirish, xalqaro, mintaqaviy va milliy xavfsizlikka tajovvuz qilish orqali reja va niyatlarini amalga oshirish yo'lidagi harakatlardir. Bu narsa milliy huquq va xalqaro meyorlarning buzilishiga tinchlik va insoniyat xavfsizligiga qarshi jinoyatlar deb tavsiflanishi kerakligini bildiradi. Mana nima uchun xalqaro terrorizm va uning tahdidiga qarshi harakat faqat harbiy, siyosiy va maxsus xususiyatli choralar bilangina emas, balki terrorizm bilan kurashishda huquq doirasida, amaldagi milliy qonunchilik, xalqaro huquq me'yorlri asosida olib borish kerakligini talab qiladi. Shuning uchun ham surishtiruv va tergov

idoralarining zimmmasiga bu turdagi oqim partiyalarning O'bekiston Respublikasida faoliyat ko'rsatishiga yo'l qo'ymaslik chorasini ko'rish, bu borada tezkor-tergov tadbirlarini o'tkazish, ma'lumotlarini tahlil qilib, ularni keltirib chiqaruvchi sabablar va shart sharoitlarni sinchikovlik bilan to'la, har tomonlama o'rganish, bartaraf etish, jinoiy uyushma a'zolaridan jinoyatlarni sodir etishdagi ishtirokini aniqlash mas'uliyatini yuklaydi.

Buning uchun esa "Hizbchilar" va ularga o'xshash diniy ekstremistik oqimlar domiga tushib qolganlarga qarshi jamoatchilik fikrini shkllantirish ayniqsa mahallalar, fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlari bilan hamkorlikda ishlashni kuchaytirish kerak.

Prezidentimiz Islom Karimov bu oqimning barqarorlikka tahdid solayotgani to'g'risida gapirib, xalqimizning tabiatiga mutlaqo yot bo'lgan siyosiy, diniy ekstremizm, aqidaparastlik va boshqa yovuz oqimlarning mintaqamizga kirib kelishi, tarqalishi, tinchlik va osoyishtalikka xavf tug'dirishini odamlar ongiga chuqur singdirib ta'kidlagani bejiz emas.

Tergov idoralari tomonidan aniqlanishicha mustaqillik yillarida O'zbekistondan 10dn ortiq siyosiy-diniy ekstremistik oqimlar va harakatlar noqonuniy ravishda faoliyt ko'rsatgn. Jumladan: "Hizb ut-tahrir", "Akromiylar", "Tablih", "Uzun soqol", "Vahhobiylar", "Adolat" uyushmasi, "Islom lashkarlari", "Tavba", "Nur". Ularning ba'zilari to'g'risida tergov idoralarid mavjud bo'lgan ma'lumotlrga suyanib qisqacha to'xtalib o'tamiz. "Akromiylar" guruhi 50-yillarda Farg'ona vodiysida vujudga kelgan. Oqim tashkilotchisining nomi "Mulla Akrom" nomi bilan bog'liq, ularning g'oyasi Allohni tan olish, Payg'ambarni, ota-onani, har qanday davlat boshqaruvini rad etib faqat oqim sardoriga itoat qilish. "Adolat" uyushmasi 1991-yilning boshida Namangan viloyatida faoliyat ko'rsatgan, ular viloyatdagi dinga e'tiqod qiluvchi qishloq aholisini o'ziga jalb qilib ularni huquqni muhofaza qiluvchi idora hodimlariga qarshi qilib qo'ygan. Dunyodagi eng xavfli terrorchi ekstremistik guruhlar ro'yxatida rasman AQSH davlat departamenti tomonidan kiritilgan "O'zbekiston Islom harakati" vatangadolar jinoiy uyshmasi ham bor. Bu jinoiy uyushma tashkilotlari J.Hojiyev, T.Yo'ldoshevlar hisoblanadi. Uning tarkibida minglab jangarilar, yollangan ajnabiy jinoyatchlar mavjud.

"Hizb ut-tahrir" boshqa norasmiy diniy tashkilotlardan frqi shuki u hujumni avvalo fikrga qaratadi, ya'ni fikriy kurash olib borib g'oyaviy inqilobga erishadi. Mafkuraviy ta'sirni kuchaytirish uchun o'zlarining nomaqbul kurash yo'llarini 3 bosqichdan iborat deb hisoblaydilar. Birinchisi, tushuntirish ishlarini olib borish orqali ongi to'liq shakllanmagan yoshlarni tuzoqqa ilintirish, huquq tartibot idoralari, hokimliklardagi tashqi ta'sirga beriluvhi hodimlar bilan aloqani mustaxkamlash, ya'ni ularni o'z domiga tortish. Ikkinchisi, fikriy kurash orqali ommani oyoqqa turg'azish, ya'ni odamlar ongiga salbiy g'oyalarni zo'raki singdirish. Uchinchisi, manqurdga aylangan ekstremistik kuchlarni hukumatga qarshi qo'yish, begunoh kishilarni qonini to'kish. Din niqobi ostida terrorchilik yo'li bilan hokimiyatni egallash. Shaxslarga diniy mafkura, g'oya qarashlar asta sekinlik bilan, y'ni o'rtacha 3 oydn 1,5 yilgacha bo'lgan vaqt mobaynida singdirish, ularni barqarorligini,3 oydn 1,5 yilgacha bo'lgan vaqt mobaynida singdirish, ularni barqarorligini, uushqoqligini ta'minlashdan iborat.

Xulosa: terrorizm ayniqsa xx- asrning so'nggi 10 yilida jamoatchilikni qattiq tashvishga solib qo'ygan. Davrlar mobaynida uning juda ko'p ko'rinishlari mavjud bo'lib, uning eng xavfli va daxshatlisi diniy ekstremizmdir. Hukumatimiz tomonidan bu oqimlarga qarshi juda ko'p ishlar olib borilgan. Bu oqimlar dinni niqob qilib olib yosh avlodni ongini zaharlashga urinmoqdalar. Lekin ongida bo'shliq bo'lmagan inson bu oqimga kirib qolmaydi. Shunday ekan farzandlarimizni doim kitobga oshno qilaylik, ularning ongida bo'shliq paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaylik.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikga tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. –T.:O'zbekiston, 1997

2.Rahmatullayev M.A, Zokirov R.I Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari (o'quv uslubiy qo'llanma) –Buxoro, 2006

3.Dinshunoslik asoslari (o'quv qo'llanma) T.:Toshkent islom universiteti, 2013

4."Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz" Shavkat Mirziyoyev. Toshkent "O'zbekiston" 2017

## FACTORS AFFECTING FAMILY STRENGTH AND WAYS TO ELIMINATE THEM.

*Mamatkobilova Sh.A.*
*TerSU student*

**Annotation:** This article describes the factors that affect the strength of the family and their causes, as well as ways to overcome them.

**Keywords:** family, family building rules, adaptation of young people to a new family, family relationships, negative and positive process outcomes.

The family is a sacred place. The family is the sacred abode of every nation, the foundation of a society that preserves the continuity of every nation, ensures the development of values, gives birth to a new generation and nurtures it spiritually and physically. It reflects the spirit of the people, the mirror of values. Family is a source of love. Ensuring harmony in it depends on the age of the members. We, the Uzbek people, also pay great attention to the family, putting the family first and increasing its value. In our country, it is planned to carry out targeted work to further improve family relations. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 31, 2019 "On approval of the concept of continuous spiritual education and measures for its implementation" Chapter IV, paragraph 15 - to prepare young people for family life in order to strengthen moral values, to establish the legal and pedagogical-psychological basis for resolving family conflicts, to prevent divorce on the basis of the principle "Parents are responsible for feeding and educating their children until adulthood"

and the task of "organizing advocacy activities." The work is being carried out on a phased basis. [1]

The rules of marriage have been developed and followed in our people for many years. First, a proposal is made by the groom to start a family. Until then, the great thinker of our people, Abdurauf Fitrat, in his book "Family" said that in order to get married, you need to pay attention to four things. They are: wealth, lineage, beauty, faith. The husband and wife who dream of marriage must have equal wealth and lineage. Otherwise, the husband and wife will not be equal, and if one is rich, the other will always suffer, blaming poverty and inferiority. In particular, families irrigated by the idea of mercantilism, which has been left out of Islamic upbringing, are overly proud of their wealth. It is this demand that is causing the breakdown of families. When family leaders focus on the spirituality, knowledge, upbringing, and morals of the bride and groom, not on their wealth or career, the child they raise will become a perfect, necessary person for their country. Jamal (husn) means to look beautiful in the eyes of the person looking at it and to make his heart inclined towards him. This tendency in the heart can be called love. A man and a woman who want to be friends in life, partners in happiness and unhappiness, and companions in times of sorrow must fulfill their personal and social responsibilities together. Without this inclination and love between them, marriage will be in vain. The same requirement is given in the Holy Qur'an, the holy book of our religion, that young people who want to get married should be asked for their personal wishes. In particular, I would like to quote a hadith here ‘‘ The Prophet (peace and blessings of Allaah be upon him) asked his daughter before answering the suitors who came to Fatima. Her daughter Fatima refused the bridesmaids, but she agreed to the bridesmaids from Ali (ra)’’. It is clear from this hadith that the Prophet (peace and blessings of Allaah be upon him) followed this rule, and our religion denies obligation. The fourth quality is that every man and woman should be aware of our religion. It is the knowledge of God, the fear of the Truth. If a couple is religious and has good morals, they will abide by this covenant for a lifetime. They will keep their promises. Mol and pedigree can be identified externally. But morality is determined by the communication of the bride and groom. They have to have good morals, they have to be educators. There are many families that nurture noble people who have followed the above requirements for centuries. [2-23, 24, 25]

The state is one of the first centers of social development - the family. It nurtures a harmoniously developed person, preserves the continuity of the nation and reflects various international relations. As time goes on, so does the eternal nature of the family. Despite the great changes, our nation still values the family. Our people have always stood tall with our values. [4. - 15]

Since the years of independence, the goal has been to build a democratic state, to put human aspirations at the highest level. As a result of international relations, our country has undergone various changes. Scientists say that because the family is a more stable, unchanging system by nature, changes in society will begin to be reflected within the family in about 10 to 30 years. As a result, our view of the family is slowly changing. As the industry develops, family relationships become

more fragmented. There are various reasons that lead to the deterioration of a positive environment in the family. There are several reasons for this:

First, the changing status of women in society and in the family is explained by the fact that they are improving their skills and occupying high positions in the profession, trying to keep up with men. This situation leads to both negative and positive events. While the improvement of the family's economic situation and the ability to create lifestyle benefits are positive, the lack of time for their families and the lack of control over their children's upbringing, health, and education have led to various negative consequences.

Second, in the opinion of our nation, in choosing a bride or groom for each family, we rely more on the advice of elders. Today, more and more young people are choosing their own spouses. Statistics show that the number of divorces is relatively lower in those who marry on the advice of close relatives than in those who marry willingly. What is the reason for this? Psychological analysis shows that married couples who love each other only show their positive side to each other in the pre-marital period, and after the wedding, they also feel negative and free. As a result, various conflicts arise, leading to family breakdown. Those who get married through their parents and suitors get to know each other after the wedding, and the family continues to live as it should. [3.-155]

Third, everyone has an ideal person. In the same way as a family, children want to be as honest as their father, their spouse, or their mother. And when they get married, when they can't see the life they want, the demands increase and it becomes more difficult for the bride to adapt to the new family. Because everyone should be able to build their own happiness, to understand the spouse who gave them their destiny, not to wait for the person of their dreams, and to feel that living in mutual compassion is the solution to all problems. [3.-153] Fourth, the following is a Europeanized view, in which a person sacrifices his or her personal life for the sake of his or her goals, and the family and the child are reduced to the last level. As a result, the population is declining sharply as a result of declining birth rates. Unfortunately, such cases are also observed in urban areas of Uzbekistan.

Fifth, many families are falling apart as a result of haste in resolving family disputes. Adapting to a new family is a more difficult process for the bride, and the new family members should be close and supportive. It is not for nothing that our wise people say, "It takes years for a seedling to grow in a new place." The bride interacts with people in the family who have different behaviors. The existing environment in it does not match the previous one. Moreover, in the young family, the tasks assigned to the new bride are radically different in terms of both quantity and content. In Uzbek families, for a woman, the difference is that she feels "foreign", that is, she has the effect of alienation. In many families, this is not considered normal, but rather a negative assessment of the bride. This creates more problems and contradictions for the woman. [3.-152]

We have identified some of the factors that hinder family stability. Such problems have been observed in every era, but the solution to these problems depends on each citizen. A person’s destiny, future life, successes or failures,

happiness or unhappiness, career choice and even mood depend on his family environment. It is a well-known fact that the spiritual image of a society depends on the nature of the family. [2. - 4]

For this reason, preparing young men and women for family life is one of the most pressing issues today. Since the family is a place where relationships are shaped, one must be spiritually prepared for these relationships. To be psychologically prepared for family life, a person must have the following set of qualities:

- First of all, a person must have certain moral qualities;
- Spiritual readiness for interpersonal relationships and cooperation is also very important.
- requires a quality called altruism. Because a person who used to think only of himself must now combine the interests of others with his own;
- The person must have a sense of empathy. Now she needs to feel her husband's inner feelings as her own;
- be able to imagine themselves aesthetically as a person of high culture;
- be ready to constructively resolve conflict situations [5. -34]

In addition, young people enter into new legal relationships after marriage, their legal culture and maturity, first of all, knowledge of existing laws on family and marriage, conscious attitude to the most important norms of family law, the right to spouse, children, society and a willingness to feel and obey their responsibilities.

Because the family is a social and spiritual link in society, a small representative, and it is on the basis of the family that the present and future of our people are built. When the family is united, the country develops. So let's keep the families together.

**REFERENCES**

1. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 31, 2019 "On approval of the Concept of continuous spiritual education and measures for its implementation."

2. Abdurauf Fitrat "Family or family management procedures" 2nd edition Tashkent 2000

3. Shoumarov. G '. B, "Family Psychology" 3rd edition Tashkent Publishing House General Editorial Office. Tashkent-2010

4. Mamatkulov R., Alkarov Sh., Norkulov H.D. Family pedagogy. Tashkent-2009

5. Ulugova Sh. The article "The moral and spiritual environment is the basis of a healthy family" is a collection of articles "Formation of spiritual and moral values in the younger generation and increasing the educational and cultural potential of the family." Termiz-2019.

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Маматов Б.Қ.*
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таянч докторанти*

**Аннотация:** Ушбу тезисда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, унинг аҳамияти ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг хориж тажрибаси ёритилган.

**Таянч иборалар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат таъминоти, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотига кўра, дунё аҳолисининг қарийб 30 % и тўйиб овқат емайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Ҳар бир мамлакат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, ички нархларнинг барқарорлигини мўътадиллаштиришда албатта озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ўйлашга мажбур бўлади, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси 2 ой муддатда "2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури"ни қабул қилиши керак", деб таъкидлаган [1].

Шундай экан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат олдидаги долзарб муаммолардан бири сифатида қаралади. Мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашлари учун қуйидагиларни амалга оширишлари лозим бўлади:

– қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш;

– уруғчилик ва наслчиликнинг сифатини ошириш;

– илмий ва ахборот таъминотини яхшилаш;

– кадрлар салоҳиятини ошириш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш механизмини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

– озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва таклифларни ўрганиш [2].

Дунёнинг юксак тараққий этган мамлакатларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги чора-тадбирларига назар соладиган бўлсак, уларда озиқ-овқат хавфсизлиги турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

АҚШда "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. АҚШда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларини субсидиялаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. АҚШда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар йили 35-40 млрд. $ маблағ аҳолига озиқ-овқат ёрдами дастурларини амалга оширишга йўналтирилади.

Канадада эса, озиқ-овқат таъминотининг ўсиши аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили деб қаралади. Германия озиқ-овқат қонунчилиги 200 дан ортиқ қонун ва қарорларни ўз ичига олади. Япония гуруч, мевалар, сабзавот, денгиз маҳсулотлари билан ўзини ўзи етарли даражада таъминлайди. Аммо маккажўхори, дон, дуккакли экинлар импортига кучли боғлиқдир.

АҚШда қишлоқ хўжалиги ер майдонлари умумий ҳудудининг 44,32 % ини, Германияда – 47,91 % ини, Хитойда – 54,81 % ини, Ҳиндистонда – 60,64 % ини, Россияда – 13,24 % ни ташкил этади [3]. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг қисқариб бориши дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатилмоқда.

Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,1 % ни ташкил этади. Аммо суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари мамлакат умумий ҳудудининг 8,3 % ини, умумий қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 14,6 % ини ташкил этади.

Озиқ-овқат иқтисодий-ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги амалиётлар билан бевосита боғлиқ:

- маҳаллий ресурсларни жалб этган ҳолда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- табиий озуқалар ишлаб чиқариш орқали сунъий озуқавий хом ашёлар импортини камайтириш;

- божхона тизими ва озиқ-овқат саноати тармоқларига малакали кадрларни тайёрлайдиган ўқув марказларини ташкил этиш;

- озиқ-овқат саноати тармоқлари билан узвий боғлиқ бўлган бошқа соҳаларни мутаносиб ривожлантиришни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон иқтисодиёти сув

истеъмолчилари таркибини кўрадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги – 91,4 %, коммунал-маиший хизмат соҳаси – 4,5 %, саноат – 1,4 %, иссиқлик станциялари – 0,5 %, балиқчилик – 1,2 %, бошқа тармоқлар – 1 % ҳисобланади [4]. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда сув танқислиги муаммоси бор. Ўзбекистонда 56 та сув омборлари ва 13 та сел омборлари бор ва уларда 20 млрд. куб метр сув сақланади. Сув ва сел омборларини кўпайтириш лозим, акс ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда турли хил муаммолар келиб чиқади. Бизда сув ва сел омборларини қуриш имконияти бор ва бу режа натижакор. Сабаби баҳорда мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сел тошқинлари бўлади. Улар орқали янги-янги сел омборлари қуришимиз мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 29 декабрь.
2. Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари. "Иқтисод ва молия" илмий-амалий журнали. 2015 йил, 9-сони, 17-22-бетлар.
3. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

## ONG- ENG YAXSHI TABIB

*Mardiyeva F.X.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti talabasi*

Inson dunyoga kelibdiki, u hayoti va yashash tarzini doimo yaxshi bo'lishiga intilib kelgan. Buning uchun insoniyat tinimsiz harakatda va rivojlanishda bo'lgan, shuningdek jamiyatda sodir bo'layotgan barcha ijtimoiy, iqtisodiy,siyosiy va ma'naviy o'zgarishlar insoniyat taraqqiyoti uchun xizmat qilib kelmoqda.Lekin hozirgi kunda inson hayotiga xavf solib kelayotgan, har yili dunyo bo'yicha ko'plab insonlarning bevaqt o'limiga sababchi bo'layotgan, saraton kasalligi dunyo hamjamiyati sog'liqni saqlash tizimiming og'riqli tomonidir. Bu dolzarb muammoga yechim topish uchun dunyo miqyosidagi muammolarga dunyo hamjamiyati e'tiborini jalb qilish uchun har yili 4 fevralda Butunjahon saraton kasalligi kuni nishonlanadi. Bu kun Xalqaro Saratonga qarshi kurashish ittifoqi (UICC) tomonidan tashkil etilgan.

2000 yil 4 fevralda Parijda bo'lib o'tgan Butunjahon Mingyillik Rivojlanish Sammitida saraton kasalligini tadqiq etish, saraton kasalligining oldini olish va bemorlarga yordamni yaxshilashga qaratilgan Parij xartiyasi qabul qilindi. Har yili Butunjahon saraton kasalligi kunining o'ziga xos mavzusi bo'ladi.

2019-2021 yillarda Butunjahon saraton kasalligi kuni "Menman va xohlayman" shiori ostida o'tkaziladi (Menman va Men bo'laman).

Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) saraton kasalligi dunyoda o'limning asosiy sabablaridan biri ekanligini ta'kidlamoqda. 2018 yilda ushbu kasallikdan 9,6 million kishi vafot etgan.

Statistikaga ko'ra, saraton kasalligining asosiy sabablari orasida etarlicha ovqatlanmaslik etakchi omil hisoblanadi. Ikkinchi o'rinda chekish. Shuningdek, siz bronzlash bilan shug'ullanmasligingiz kerak, bo'yoq bilan oziq-ovqat iste'mol qilmang va muntazam ravishda shifokorga murojaat qiling.[1]

Olimlarning fikricha stress saraton kasalligining boshlanishiga hissa qo’shuvchi omillardan biridir. SHunday ekan saraton kasalligini yengish va davolashda insondagi o’ziga bo’lgan ishonch eng katta kuchdir. Ong – bu insonni o’rab turgan muhit, atrof olam haqidagi barcha tushunchalarining inson miyasida yaxlit holda aks etishidir.

Inson ongi – bu katta kuchga ega bo’lgan katta bir xazina desak mubolag’a bo’lmaydi. Chunki inson doimo ishongan narsasiga tayangan holda hayot kechirib keladi, buni oddiy turmush hayotida ko’rish mumkin, misol uchun turmush o’rtog’imning doimiy ravishda tomog’ida og’riq bo’lgan va muntazam qaynatilgan suv yoki choy ichgan, agar shunday qilmasam menda yana tomoq og’rig’i bo’ladi degan tushuncha bo’lgan va bunga ishongan, lekin men turmush o’rtog’imga qaynatilgan suv o’rniga oddiy suvni qaynatilgan suv deb estemol qilishi uchun berganman, ammo u kishi qaynatilgan suv ichyapman deb o’ylagan, qarabsizki hech qanday tomoq og’rigi kuzatilmagan. Bundan ko’rinib turibdiki inson nimaga ishonsa, nimani to’g’ri deb qabul qilsa ongimiz ham shu narsani qabul qiladi, to’g’ri deb biladi va butun organizimimizga foydali narsa estemol qilganimiz haqida buyruq beradi. Bunda natija ijobiy holatga o’zgaradi. Bilasizmi? Yoshligimda men hech qachon gripp bo’lmayman der edim, chunki men kuchliman, sog’lomman degan tushunchaga doimo ishonganman va yoshligimda qattiq betob bo’lganimni eslay olmayman. Bundan ko’rinib turibdiki inson ongi o’z-o’zini doimiy ravishda tiklash qobiliyatiga egadir. Doktor K. Saymontonning “Sog’liqqa qaytish” kitobida Teskari sikl modeli orqali saraton kasalligining rivojlanish siklini qaytarish mumkinligini ko’rsatadi. Bunda birinchi qadam, bemorlarga davolanishning samaradorligi va tananing kasallikka qarshi tura olishiga ishonishlariga yordam berishdir. Shundan so’ng, ularga stressli vaziyatlarni yengishga o’rgatish mumkin. Ularning o’zlariga bo’lgan qarashlarini o’zgartirishi juda muhimdir: bemorlar o’zlarining kuchli tomonlariga ishonishlari, barcha muammolarni yanada samarali yechishlari mumkinligini bilishlari kerak.

Umid, kelajakka ishonch bemorning tiklanish qobiliyatiga bo’lgan ishonchi va unga duch keladigan muammolarga yangicha munosabati kelajakka umid va umid uchun joy bo’lgan hayotiy pozitsiyani shakillantiradi. Bizdagi Gipotalamus bu his-tuyg’ularni qayd etishi bilanoq, gipotalamusdan qabul qilingan signallar butun gipofiz va endokrin tizimi bu signallarni oladi va uni endokrin tizimining boshqa qismlariga yuboradi va shu bilan tananing gormonal muvozanatini tiklaydi.

[1] 04.02.2020 saraton kasaliga qarshi kurash kunidagi Chokniti Xongchum nutqidan

Buning natijasida atipik hujayralar sonining kamayishi organizmda normal gormonal fon tiklanishi bilan ko'p miqdordagi atipik hujayralarning ko'payishi to'xtaydi va davolash yoki yangi faollashtirilgan immunetit tizmi mavjud bo'lgan hujayralarining nisbatan kam soniga duch keladi. Saratonning pasayishi immum tizimining normal ishlash va atipik hujayralar ishlab chiqarishining pasayishi saraton kasalligining pasayishi uchun maqbul sharoit yaratadi. Qolgan atipik hujayralar muayyan davolash yoki tananing o'z mudofaa tizimining kuchlari tomonidan yo'q qilinadi.[1] Bunda insonning o'zini kelajakda sog'lom hayot kechirishi va barcha orzu, umidlari amalga oshishiga ishonsa va doimiy ravishda o'z ustida ishlasa mo'jiza yarata oladi.

Xulosa hozirgi kunda inson uchun hayotda tutgan o'rni va mavqeyi katta ahamiyatga ega shuning uchun hozirda saraton kasalligi bemorlarini jamiyat bilan bog'lash ya'ni bemorlar o'z kasblari bo'yicha yuqori tekshiruv organlari va innovatsiya markazlari bilan birgalikda amalga oshirmoqchi bo'lgan maqsadalari, rejalari,orzularini ro'yobga chiqarishga ko'maklashilsa va birgalikda harakat qilinsa kutilgan natijalarga erishamiz.

## SUITSID – IJTIMOIY KASALLIK

*Matkarimova G.O.*
*Xorazm viloyati Hazorasp tumani*
*14-son maktabi amaliyotchi psixologi*

**Anotatsiya:** Ushbu maqolada bugungi kunda yoshlar orasida tarqalayotgan ijtimoiy havfli bolgan suitsid hamda uni jamiyat hayotidagi zararli tasirlari haqida, uni oldini olish chora tadbirlari xususida fikrlar bildiriladi.

**Kalit so'zlar:** Suitsid, G. Deze, «Psixiatriya yordami ko'rsatish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qaror, oila maktab va mahallaning hamkorligi.

Hayot inson uchun berilgan g'oyat ajoyib tortiqdir Inson hayotga bir marta keladi va bir marta yashaydi. Bizga Olloh tomonida berilgan umr omonatdir.Yni mazmunli o'takish yaxshi va savob ishlar qilish-har bir inson uchun farz qilingandir. Afsuslar bo'lsinki, ba'zi insonlar bo'ladiki, ular hayotning qiyin, murakkab vaziyatlarida o'z muamolari qanday yechish o'ylamay «Agar inson bo'lmaganida – muammo bo'lmasdi», «Men bo'lmaganimda – muammo bo'lmasdi» - degan notog'ri mulohazagaga boradilar' Ular oldida hiddi bir yo'l bordek, ularning boshqa choralari yo'qdek tuyiladi va muamoning eng tog'ri yo'li sifatida - suitsidni tanlashadi. Bu esa juda ayanchi holatdir muamoli vaziyatdan chiqish o'rniga undan qochish…. Bu meninimcha qo'rqoq va irodasiz insonning ishi degan bo'lar edim

Bugungi kunda Butun jahon sog'liqni saqlash tashkilotining ma'lumotlariga

[1] K.Saymanton. "Sog'liqqa qaytish".

ko'ra o'z joniga suiqasd qilishning 800 ta sabablari mavjud ekan, ulardan eng ko'p uchraydiganlari quyidagilardir:

-36 foizi - nomahlum sabablarga ko'ra;

- 19 foizi - jazodan qo'rqish;
- 18 foizi - ruxiy kechinmalar;
- 18 foizi - turmush, uy tashvishlari;
- 6 foizi - ehtiroslarga berilish;
- 3 foizi - pul, mol-mulk yo'qotish.

Jismonan baquvvat, navqiron, ko'rinishidan benuqson insonlarning o'z joniga qasd qilishiga nima sabab bo'lmoqda? Nega ular o'zlarini osib, o'lguncha dorilar ichishmoqda, balandlikdan sakrab, mashinalarning tagiga o'zlarini otishmoqda? Buning yagona sababi insondagi tushkunlik holatidir. Inson tushkunlikka tushganda birinchi o'rinda yaqinlaridan madad va hamdardlik kutadi. Lekin ming afsuslar bo'lsinki, bunday paytda bir dardkash inson topilmaydi va eng ohirgi chora sifatida shu yo'l tanlanadi.

Yoshlar orasida esa arzimagan sabablar tufayli ko'zimizning oq-u qorasi bo'lgan farzandlarimiz umri zavol topmoqda. Psixologlarning fikriga ko'ra ko'ra asosan o'smir yoshidagi bolalarda mehr yetishmasligi, o'qishdagi muamolar, do'stlari orasidagi kelishmovchilik sevgani bilan janjallashish oila azolari bilan urishib qolish va boshqa arzimagan sabablarga ko'ra suitsini kelib chiqishi mumkinligi yoshlar kattalarning e'tiborini tortish maqsadida qilgan ishlari ohiri fojia bilan tugash holatari qayd etilgan. O'smir yoshidagi bolada shun day fikr paydo bo'ladi:

ular «kimni yo'qotganliklarini bilib qo'yishsin» shu maqsadda kattalarni yoki sevgan insonlarining diqqatini o'zlariga qaratishga urinishadi. Shu o'rinda bo'lib o'tgan faktlardan keltirmoqchiman.

-Bola o'z ota-onasini jazolamoqchi bo'lib, ularni deraza oynasidan ishdan qaytayotganlarini ko'rib, o'zini osib qo'rqitmoqchi bo'ladi, ammo ular uyga kirguncha qo'shniga duch kelib ushlanib qolishgan.

-Buvisining rag'batini olish uchun nabira uning derazasining ro'parasida, uning ko'rib turganiga ishonch hosil qilgan holda o'zini osishga qaror qiladi, ammo baxtga qarshi, aynan, shu daqiqalarda buvisining diqqatini boshqa narsa tortgan.

- Qizaloq o'z tomirlarini qirqib, yigiti bilan “xayrlashish” uchun unga ko'ng'iroq qiladi, ammo yigit unga ishonmagan va yordam berish vaqtida yetib bormagan.

- Bir qiz esa ota-onasidan xafa bo'lib, rosa dori ichadi va ularga bu haqda aytganida uni qutqarishga ulgurishmay qolishadi...

Bunday ko'ngilsiz holatlar uchun albatta, biz-kattalar javobgardirmiz. Inson hayotda faqatgina farzandi naslining davomchisi ko'zining oq-u qorasi uchun harakat qiladi, mehnat qiladi. Nima bolani faqatgina moddiy tomondan ta'minlab qo'yishning o'zi yetarli deb hisoblash mumkinmi? Farzand uchun eng kerak bo'lgan narsa bu – ota onasining mehri va ishonchi yuqorida sanab o'tilgan ayanchli holatlarga yaxshilab e'tibor qaratadigan bo'lsak barchasida mehr yetishmasligi yoki e'tibor yetishmasligini ko'rishimiz mumkin. Avvalo, oilada

farzandga bo'lgan mehr va e'tiborni bola his qilsagina bunday salbiy holatlarni oldi olingan bo'lar edi.

Ushbu masalini yana bir jihati ham borki, bu ham bo'lsa bolada ta'lim va tarbiyaning yetishmasligi. Bolaga to'g'ri berilgan tarbiya zurriyodimizning porloq kelajagi asosi bo'ladi, meni nazarimda. Shu xususda psixolog A. E. Lichko fikrini keltirmoqchiman "tarbiyaning muvozanatlashmagan (disgarmonik) shakli u yoki bu ko'rinishdagi xarakter aktsentuatsiyasining, shu jumladan o'zini xalok etuvchi xulq shakllarining shakllanishi va mustahkamlanishiga imkon tug'diradi" Darhaqiqat, tarbiya yetishmasligi natijasida ham bunday ko'ngilsiz vaziyatlar yuzaga kelmoqda. Bularnig oldini olish uchun esa albatta, birinchi o'rinda ushbu jihatarga e'tibor berish, maktab - oila - mahalla hamkorligini ta'minlash, eng muhimi esa oilaviy muhitning yaxshi bo'lishiga erishsh lozim. Zero, farzandlarimiz biz uchun barcha narsadan ustun. Ularning kalajaklari uchun barchamiz birdek javobgardirmiz.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. A. K. SHamshetova., E.S. Suletbayeva., M.K. Yerjanova "Ta'lim muassasalarida suitsidning psixoprofilaktik chora-tadbirlarini tashkil etish" Nukus 2015

## O'QUVCHI YOSHLARDA KOMPUYUTER O'YINLARIGA TOBELIKNING PEDAGOGIK PROFILAKTIKASI

*Matkarimova N.B.*
*Nizomiy nomidagi TDPU magistri*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada o'quvchi yoshlar o'rtasida tez-tez uchrab turayotgan psixologik addiktivlik holati – kompuyuter o'yinlarga tobelikni yuzaga keltiruvchi omillar va ularni bartaraf etishda samarali hisoblanuvchi pedagogik profilaktik metod usullarning samaradorligi haqida fikrlar bayon etilgan.

**Kalit so'z:** Addiktivlik, lyudomaniya, gembling, kibernetik ludomaniya, ijtimoiy omillar, treninglar

Bugungi kunda mamlakatimizda barkamol avlodni shakllantirish, yoshlarni ma'naviy-axloqiy va jismonan sog'lom etib tarbiyalash, ularni olib borilayotgan islohotlarning faol ishtirokchisiga aylantirishga qaratilgan chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda. Bunda oshlarning bandligini ta'minlash, bo'sh vaqtini samarali faoliyatga yo'naltirish, ularni turli vayronkor mafkuraviy ta'sirlariga tushib qolish ehtimolini oldini olish bo'yicha ishlarni mutlaqo yangi tizim asosi yondashish zamonamiz talabiga aylanib bormoqda.

Yoshlar bilan doimiy muloqot qilish mazkur sohadagi dolzarb muammolarni aniqlash va hal etishda davlat organlari va jamoat tashkilotlari faoliyatining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Yosh avlod ongiga Vatanga sodiqlik va uning taqdiri uchun daxldorlik hissini singdirishga, ularda yot g'oya va qarashlarning

salbiy ta'siriga nisbatan mafkuraviy immunitetni shakllantirishga qaratilgan chora-tadbirlar ishlab chiqish va mazkur yo'nalishda tegishli vazifalarni amalga oshirilinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2018-yil 14-avgustigi “Yoshlarni ma'naviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta'lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida yoshlarni yot g‘oyalar ta'siridan himoya qilish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, diniy bag‘rikenglik va millatlararo totuvlik ruhida tarbiyalashga doir mavzulardagi muhim jihatlarga to'xtalib o'tganligini ko'rishimiz mumkin.

Bugungi kunda yoshlar o'rtasida bosh vaqtini umunli taqsimlamaslik va uni behuda texnik vositalar bilan band holda o'tkazishi natijasida texnologik vositalarga nisbatan tobe xulq atvorni namoyon qilinishi tez-tez kuzatilmoqda. XXI asr texnologiyalar asri bo'lib, undagi ilm-fan yutuqlaridan unumli foydalanish o'rniga undan turli maqsadlarda foydalani xatto mazkur vositalarga tobe bo'lish holatlari ham yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Shaxsning tobe axloqi o`zida jiddiy ijtimoiy muammoni aks ettiradi, chunki aniq ko`rinib turgan shaklda ishga layoqatini yo`qotish, atrofdagilar bilan janjallar, jinoyat sodir etish kabi salbiy oqibatlarga ega bo`lishi mumkin. Bundan tashqari, bu deviatsiyaning u yoki bu tarzda istalgan oilaga tegishli bo`lgan birmuncha keng tarqalgan turi hisoblanadi.

Bog'lanib qolgan (addiktiv) axloq shaxs deviant axloqining turi sifatida, o`z navbatida, addiktsiya ob'ekti bo`yicha ayniqsa, differentsiyalanadigan ko`plab turlarga ega.

Real xayotda tobelikning shunday ob'ektlari tarqalgan:

1) psixofaol moddalar;
2) spirtli ichimliklar (ko`pchilik tasniflarda birinchi guruhga taalluqli);
3) taom;
4) o`yinlar;
5) jinsiy aloqa;
6) din va diniy ibodatlar.

Sanab o`tilgan ob'ektlarga muvofiq tobe axloqning quyidagi shakllari ajratiladi:

– kimyoviy bog'liqlik (chekish, toksikomaniya, giyohga muxtojlik, dorilarga muxtojlik, ichkilikka bog'liqlik);

– ovqatlanish axloqining buzilishi (ko`p yeyish, ochlik, taomdan voz kechish);

– lyudomaniya, gembling – o`yinga tobelik (kompyuterga bog'lanib qolish, azart o`yinlar);

– jinsiy addiktsiyalar (zoofiliya, fetishizm, pigmalionizm, transvestizm, eksbitsionizm, vuayerizm, nekrofiliya, sadomazoxizm);

– diniy destruktiv axloq (diniy fanatlik, sektaga tortilish).

Addiktiv axloq to`satdan paydo bo`lmaydi, u o`zida addiktsiya (tobe bo`lib qolish) ning uzluksiz shakllanish va rivojlanish jarayonini aks ettiradi. Addiktsiya boshlanish (ko`pincha beozor), individual oqim (tobe bo`lib qolishning kuchayishi

bilan) ifodalanadi. Axloq motivatsiyasi bog'lanib qolishning turli bosqichlarida turlichadir.

Ludomaniya – aynana mana shu tobe xulq atvor ko'rinishlaridan biri hisoblanadi. "Kibernetik ludomaniya" tushunchasi jahon meditsina amaliyotiga rasman kiritilgan kasallik nomi. Kiberludomaniya — kompyuter o'yinbozligi. Kompyuter o'yinlariga haddan ortiq, bog'lanib qolishning asoratlari yoshlarning hayot tarzida, jismoniy va ma'naviy sog'ligida namoyon bo'ladi.

O'quvchi-yoshlarda kompyuter o'yinlariga qaramlikni yuzaga keltiruvchi omillar quyidagilarda namoyon bo'ladi:

Ijtimoiy omillar- Bunda azart o'yinlarning cheklanmaganligi, tele-radio reklamalarning ta'siri, huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan ta'sir ko'rsatilmasligi, oilalarning yashash joylarini tez-tez o'zgartirib turishi, oilalarning iqtisodiy qashshoqligi bilan namoyon bo'ladi.

Shaxsiy omillar: Bunda azart o'yinlarni yoshlikdan o'ynash; erta yutuqlarni qo'lga kiritish; impulsiv xulqning sust nazorat qilinishi; bolalikdan agressiv, qo'pol xulq-atvorga egalik; tengdoshlari oldida "o'zini ko'rsatish" istagi; depressiya, xavotirlanish va yolg'izlik hissi; o'z-o'ziga bahoning pastligi; shaxsiy jamg'arma mablag'ga egalik bilan namoyon bo'ladi

Psixologik omillar: bu xarakterning mazkur turiga tegishlilik, yuzaga keladigan tuyg'ularning jozibadorligi, shaxslararo dezadaptatsiya mavjudligi bilan namoyon bo'ladi.

Biologik omillar: genetiki layoqatlilik mavjudligi bilan namoyon bo'ladi

Ijtimoiy pedagogik omillar: bunda ota-onalarda addiktsiya haqida bilimlarning mavjud emasligi; ota-onalarning oilani boshqarish va farzandlarini nazorat qila olmasligi; oilada bolalarni haddan tashqari qo'pol va shafqatsiz jazolash; oila a'zolarining deviant xulq-atvorga egaligi; ota-onalarning azart o'yinlarga qarshilik qilmasligi; boshlang'ich sinfdan o'quv jarayonidagi o'zlashtirmaslik; mazkur muammo bo'yicha pedagoglarning kompetent emasligi bilan yaqqol namoyon bo'ladi.

Yoshlarni kompuyuter o'yinlariga tobelikni pedagogik profilaktika qilishda quyidagi metod va usullar qo'llaniladi:

- Guruhiy va individual ish;
- Kognitiv-xulq-atvor metodlari;
- Artterapiya;
- Tanaga yo'naltirilgan terapiya;
- Rolli o'yinlar;
- Guruhiy munozaralar;
- Treninglar mashg'ulotlari sikli;
- Tematik tarbiyaviy soatlar;
- Ijodiy konkurslar.

Bu borada eng ko'p qo'llanuvchi samarali usullardan birib u treninglardir. Trening ingliz tilidan olingan bo'lib, "mashq qilish", "takrorlash" ma'nolarini bildiradi. Psixologik trening xaqida gap ketganda, bu atama ko'pchilik tomonidan "muammolarni yechimi topiladigan mashg'ulot" sifatida qabul qilinadi. Aslini olganda trening mashg'ulotlari kishilarning muammolarini hal qilmaydi, balki shu

muammolarning asosini taxlili qila olish uchun lozim bo‘lgan ko‘nikma va malakalarni hosil qiladi. Ya’ni trening – shaxsda mavjud bo‘lgan yoki vujudga kelishi mumkin bo‘lgan muammolarni hal qilish uchun zarur bo‘lgan ko‘nikma va malakalarni hosil qilish maqsadida turli xil o‘yin va mashqlar orqali o‘tkaziladigan mashg‘ulot hisoblanadi.

Kompuyuter o’yinlariga nisbatan yuzaga kelgan tobe xulq-atvorni bartaraf etishda maxsus trening dasturi tuzilib o’quvchi xolatidan kelib chiqqan xolda trening takroriyligi muddatlari belgilanadi.

Xulosa o’rnida aytish mumkinki, lyudomaniyani oldini olishda pedagogik profilaktika qilishda qator samarali usullardan foydalanish va bunda mazkur holatni yuzaga keltirib chiqaruvchi omillarni imkon qadar bartaraf etishga urinish bunda oila a’zolari, psixolog konsultanti, ta’lim muassasa hamkorligini yo’lga qo’yish ijobiy natijaga erishishga zamin yaratadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YHATI:**

1. Захаров В.П. Хрящева Н.Ю. Социально- психологический тренинг. Л. 1990г.

2. Петровская Л. А. Теоретические и методические проблемы социально- психологического тренинга.М. 1982г.

3. Вачков И.В., Дерябо С.Д. Окна в мир тренинга. Методологические основы субъектного подхода к группавой работе. С.П.б 2004г.

4. N.G’.Komilova “Xulqi og’ishgan bolalar psixologiyasi” o’quv qo’llanma T.2007

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ДАРСИ ЖАРАЁНИДА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Матмуратова Г., Есемуратова Т.*
*НДПИ катта ўқитувчилари*

Қобилият ва қизиқиш - ҳавас шахснинг асосий индивидуал хусусиятларидир. Кишилар турли соҳалардаги фаолиятларида меҳнат ўйин ва ижодиётда бирор нарсани тез ёки секин бажаришлари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Баъзи бир одам бир ишни секинлик билан бажарса иккинчи бир киши тезлик билан бажаради. Айрим кишиларнинг фаолиятлари самарали, серунум бўлса бошқаларники эса камунум бўлади. Баъзи кишилар ўз ишларида ижодий, оригинал усулларни кўпроқ қўлласа, баъзи бир кишиларнинг фаолиятидан эса бундай усуллар камроқ кўринади. Кишилар фаолиятининг мана шу ҳусусиятига қараб, биз уларнинг қобилиятлари қандайлигини аниқлаб оламиз.

Кишилар қобилияти хилма хил бўлади. Ҳар бир касб кишидан меҳнатда, ижодиётда ва ўқиш фаолиятларда тегишли қобилият талаб этади. Киши фаолиятининг ҳар хил турларига мувофиқ, назарий ва амалий

қобилиятларни, математика, техника, мусиқа, адабиёт, педагогика, хўжалик ташкилотчилик ва бошқа соҳаларга оид қобилият турлари бўлади.

Инсон қобилиятининг барча турлари ҳамма одамларга хосдир. Ҳар қайси одам маълум даражада киши фаолиятининг барча турларига лаёқатли бўлади, лекин шу билан бир қаторда, кўпчиликда фаолиятнинг бир неча соҳасида ёки ҳатто бир соҳасида салоҳият ортиқроқ бўлади.

Бирор соҳада қобилияти сезиларлироқ бўлиб кўринадиган айрим кишиларни қобилиятли киши, қобилиятли математик, қобилиятли мусиқачи ва ҳоказолар дейилади.

Фаолиятнинг бирор тури соҳасида қийматнинг пайдо бўлиш даражаси муайян ишнинг индивидуал хусусияти билан тавсифланади.

Қобилиятнинг бундай хусусиятлари мактаб болаларида ҳам кўринади. Баъзи бир ўқувчилар ўзларининг зеҳни ўткирликлари билан, бошқалари техник ижодкорлик билан, учинчиси эса, ўзининг лаборатория машгулотларига уста бўлиш ва ҳоказолар билан ажралиб турадилар.

Айрим кишиларнинг қобилияти биргина соҳада эмас балки бир неча соҳаларда яққол намоён бўлади. Бундай кишилар ҳар томонлама қобилиятли кишилардир.

Одамнинг қобилиятларида туғма хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Шахснинг ривож топиб, кобилиятларида намоён бўладиган туғма хусусиятлари истеъдод дейилади.

Кишининг истеъдод даражасини ундаги муайян қобилиятларнинг қанчалик тез ўсишига, билим ва малакаларни қанчалик эгаллашига ҳамда ўз ишини муваффақият билан ва самарасига қараб аниқлаймиз. қобилият ва истеъдодда кишининг ақли ҳам яъни идрок ва кузатувчанлигининг, ҳаёл, тафаккур, нутқ ва хотиранинг қанчалик усгинлиги ҳам кўринади. Ақл фаолияти диққат ва ирода билан боғлиқ булгани учун қобилият ва истеъдод диққат ва ироданинг қанчалик кучли ва баркарорлигида ҳам куринади. Кишининг қанчалик кузатувчан эканлиги, билимларни қандай узлаштириши, назарий ва амалий масалаларни қандай ҳал этиши, кандай қимматли янгиликлар яратиши ҳамда ўз билим ва малакаларини турмушга қандай татбиқ қила билишдан ҳам, кишининг қобилият ва истеъдодини билиш мумкин.

Ҳар бир одамнинг қобилияти ва истеъдоди тараққиёт маъсулидир. Кишининг қобилияти унинг туғма лаёқати асосида, муҳитга боғлиқ равишда, олаётган таълим-тарбиясига, қараб шунингдек кишининг ўз устида ишлаши билан боғлиқ ҳолда ўсиб, камол топиб боради.

Лекин, шуни назарда тутиш керакки, истеъдоднинг ўсиб камол топиши учун фақат муҳит таъсирининг бир узи кифоя, қилмайди. Бунда энг муҳим нарса таълим ва махсус тарбиядир.

Бизнинг мактабларимиздаги таълим-гарбия ишлари болаларга фақат билим бериш билангина чекланиб қолмай, балки болаларнинг барча қобилиятларини ўстиришни назарда тутган ҳолда олиб борилади.

Политехника таълимининг энг муҳим вазифаларидан бири - инсоннинг бой қобилиятини ҳар тарафлама тараққий этишдир.

Ўқувчиларнинг қобилият ва истеъдодларини ўстиришда турли бадиий техника ва тўгаракларининг аҳамияти каттадир. Қобилиятнинг ўсишида муайян фаолиятга қизиқиши ва муҳаббат қуйиш билан бир қаторда, киши ўз устида ишлаши, унинг меҳнат фаолияти ҳамда билимлари, кўникма ва малакаларини ижодий этишда - қўллана олиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Кишининг қобилияти ва истеъдоди меҳнатда намоён булади, шунинг билан бирга киши қобилиятининг ўзи ҳам фақат меҳнат қилиш, тиришиб тегишли билим ва малака ҳосил қилиш орқали камол топади.

Болаларда қизиқиш дастлаб бир қанча ўқув фанларига бирданига ёки олдинма-кейин сўнгра эса барчасига баравар қизиқиш пайдо булмоғи мумкин. Укувчиларда ҳамма билимларга қизиқиш мана шундай тугилади.

Кичик ёшдаги уқувчиларда келгусида ким бўлиш масаласига қизиқиш кўрина бошлайди. Улардаги бундай қизиқиш ўз ота -оналари ва катта ёшдаги мактабдошларининг гаплари таъсири билан, шунингдеқ турли касбдаги кишилар, врачлар, ўқитувчилар, ўқувчи ва бошлиқларнинг қилган ишларини кузатишлари натижаси пайдо булади.

Келгусида бундай касб ҳунар эгаси бўлиш масаласи дастлаб боланинг орзу-ҳаёли сифатида воқе бўлади. Боладаги касбга бўлган дастлабки қизиқишлар ҳали уларнинг ўқиб урганаётган фанлар билан богланмайди. Шунинг учун ҳам улардаги бундай қизиқиш уларнинг дарс ўзлаштиришларига таъсир курсатмайди. V-IX синфлар ўкувчиларидаги қизиқишларнинг ўсиши ҳам ўқув машгулотлари билан бир қаторда, турли тугаракларда: техника, адабиёт, санъатшунослик сингари тугаракларда ўтказиладиган машгулотлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларда пайдо бўла бошлаган қизиқишлар маълум бир тўгаракни танлашда аниқланади, тугаракларддаги машғулотлар вақтида эса бу қизиқишлар ўсиб мустаҳкамланади, анча барқарор тус олиб боради.

Шундай қилиб, ўқувчиларда муайян ўқув фанларига ёки умуман билимга бўлган бевосита қизиқишлар билан бирга муайян касбга, ҳаётнинг муайян соҳасига қизиқиш мана шундай вужудга келади. Болаларда пайдо булган касбга қизиқиш эса, ўз навбатида, танланган касбни эгаллашнинг шарти булган муайян билимларга қизиқишни активлашатиради.

V-VШ синф ўкувчиларидаги қизиқишлар ҳам унча барқарор бўлмайди. Бундай қизиқиш ҳаваслар кўпинча бирданига бошланиб кетади ва шунингдеқ тез йўқолиб ҳам кетади. Боладаги бир қизиқиш ўрнини бошқа бир қизиқиш эгаллайди. Албатта, таълим ишларининг ўзидаёқ ўқувчиларда қизиқишлар тарбияланади. Хар қайси ўкув фани ва ҳар кандай билим қизиқарлидир. Ўқувчиларда қизиқиш пайдо қилиш ва уни барқарорлигини сақлаб қолиш учун аввало ўқитиладиган дарсликларнинг ёркин ва жонли бўлиши, ўқувчиларга бериладиган материалларни амалиёт билан боғлаб бориш катта аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларда фанга қизиқишни пайдо қилиш ва барқарорлигини сақлаб қолишда ўқитувчининг фанга бўлган муносабати катта роль ўйнайди. Агар ўқитувчи ўз фанини севса, унга қизиқса, ўқувчиларда ҳам шу фанга барқарор қизиқиш ва шу билан бирга боғлиқ бўлган фаолиятга қизиқиш пайдо бўлади.

Ўсмирлик даврида фанга бўлган қизиқиш мустаҳкамланиш билан бирга, келажакда касбга барқарорлик шакллана бошлайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**


1. Выготский Л.С. Психология развития ребёнка – М. «Смысл».2004
2. Ғозиев Э.Г. Онтогенез психологияси-Т_«Ношир», 2010
3. Давлетшин М.Г., Дўстмухаммедова Ш.А. ва бошкалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. -Т. 2009
4. Санақулов.Х Бошланғич таълимда ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришнинг назарияси ва амалиёти. Монография -Т. ТДПУ нашриёти 2015


## ALPOMISH DOSTONIDAGI ETNOS VA EPOS

*Mahamadjonova Z.Sh.*
*Andijon Davlat Universiteti talabasi*

**Annotatsiya:** O'zbek xalq dostonchiligi taraqqiyotida alohida e'tiborga loyiq ikki qatlam davomiy ikki bosqich –qahramonlik va romantik dostonlar bosqichi olimlar tomonidan belgilangan. Qahramonlik dostonlari o'zbek baxshilar epik repertuarida muhim o'rin tutadi

**Kalit so'zlar:** qahramonlik dostonlarining belgilari, Alpomish dostaning variantlari, etnos, epos, "Alp", "Alip Manash", "Manas",

O'zbek xalq dostonchiligi taraqqiyotida alohida e'tiborga loyiq ikki qatlam davomiy ikki bosqich –qahramonlik va romantik dostonlar bosqichi olimlar tomonidan belgilangan. Qahramonlik dostonlari o'zbek baxshilar epik repertuarida muhim o'rin tutadi. Qahramonlik dostonlari voqealigi urug'chilik munosabatlari, ko'chmanchilik va yarim ko'chmanchilik hayoti, etnosning shakllanishi va uning tarixiy taqdiri bilan bog'lab talqin etiladi. Bunday dostonlar bir qator urug' va qabilarning muayyan etnos sifatida tashkil topa borishi, ilk davlatchilik kurtaklarining paydo bo'lishi va shu munosabat bilam xalq va elatlarning o'z mustaqilliklari uchun chet el bosqinchilariga qarshi mardonavor kurashlari qahramonlik dostonlari uchun boy material bo'ldi. Mana shu kurashlar,tarkib topishlar, birlashishlar va ajralishlar jarayonida o'z-o'zini anglashning buyuk ifodasi sifatida qahramonlik eposi yuzaga keldi.

Epik mazmunning qahramonlik xarakteriga ega bo'lishi qahramonlik xarakteriga ega bo'lishi qahramonlik dostonlarining bosh xususiyatidir. Ana shu xususiyat uning butun mohiyati asosiy yo'nalishini belgilab, o'ziga xos tasvir usullarini tayin etadi. Ushbu xususiyatlarini "Alpomish" dostonida to'la ravishda ko'rish mumkin.

Ko'chmanchi qo'ng'irot qabilasida urug'chilik munosabatlari yemirila boshlagan zamonlarda yaratilgan bu monumental asar o'zbeklar o'rtasida ikki versiya va ko'plab variantlarda juda keng tarkalgan. Bu paytgacha dostonning

yigirma sakkiz varianti o’ttiz uch marta (to’la teksti, parcha, mazmuni) olindi. Epos turkiy xalqlar o’rtasida juda keng tarkalgan. Uning o’zbek, qozoq, qoraqolpoq versiyalari epic poema holida, tojik, uyrot, tatar, boshqird, O’rta Osiyo arablari versiyalari ertak va rivoyatlar tarzida mashhurdir. O’rta asr o’g’iz eposining muhim yodgorligi “Kitobi Dada Qo’rqut” tarkibidagi “Bomsi Bayrak” asari o’zining syujeti va kompozitsion jihatdan “Alpomish” dostoniga juda yaqin. Alpomish ko’chman qabilalari ichida keng tarqalishi bu qabilalarning bir xil tarixiy jarayonni boshidan kechirganligi va yaqin madaniy aloqada bo’lganligidir.”Alpomish” dostonini oltoy versiyasida “Alip Manash” va qirg’iz versiyasida “Manas” eposlari mavjud. “Alip Manash” dostoni eng qadimiy xisoblanadi.”Manas” eposi esa eng katta eposdir.“Alip Manash” va “Manas” eposlari 1000 yil avval bolgan deb talqin etiladi. Xindlarning “Maxabxarat” dostoni 200 000 baytdan iborat bo’lsa “Manas” eposi 500 553 bayt.

Alpomish qorachoy,boshqirdlarda Alpimsha,qoraqalpoqlarda Alpamis,tatarlarda Alpamsha,garbiysibir tatarlarida Alip Myamshyan,oltoyliklarda Alip Manash deb ataluvchi eposlari bor.Lekin mo’g’ullarda bunday epos yo’q. O’rta osiyo versiyasi boshqo’rd, qozon tatar va oltoy versiyalariga yaqin.

Nog’ay versiyasi no’g’ay o’rdaning asosiy elati bolgan qipchoqlar tomonidan qozoq, o’zbek,tatarlar, qoraqolpoqlar g’arbiy sibir tatarlari,shimoliy kavkaz,qrim tatarlari va no’g’aylar orasida tarqatilgan. Qipchoqlar bu eposni Volga boyi,g’arbiysibir,ural oldi va qozog’iston yerlariga olib kirishgan. XVI asrda esa bu versiya janubiy O’zbekiston yerlariga kirib keldi.Alpomish dostoni yangicha ko’rinishda rivojlandi. Xarbiy demokratiyadan feodal tuzumga o’tish davri tasvirlangan. Alpomish dostoni Manas eposidagi qalmoqlarga qarshi urush yo’q syujetlar asosan qabila ichida kechadi.Og’izlarning “Kitobi Dada Qo’rqut” asarida “Bomsi Bayrak” asarida bazi personajlar nomi to’zri keladi.Bu asarda Qo’ng’irot va qalmoqlar haqida biror syujet uchramaydi uning o’rniga kelin va kuyov musobaqasi tasvurlanadi. Oltoylarda yaratilgan epos qipchoqlar tomonidan butun dashti qipchoq va uning atroflariga tarqalgan.Bu epos qipchoqlarning ko’chishi yoki “Buyuk Ko’chish” ni boshlanishi bilan bog’langan.

Qahromonlik eposi etnoslar taqdirirning badiiy in’ikosi hisoblanadi. Har bir etnoslar orqali tanib, bilish mumkin. Etnos hayotida ro’y bergan olamshumul voqealar epos mazmunini rashkil qiladi. Epos etnosni tanidi. Etnosning hayotiy tajribalari, o’tmish tarixidan uqqan saboqlari, tajribalari quyma xulosalari eposda kuylanadi

“Alp” etnosning bunyodkorlikka ingan bo’g’imida yetiladi. Bunyodkor bo’g’im quvvatini o’zida jamlovchi alpning bichimi xalqning “Alplik” haqida tasavvurlar tizimi turadi.

“Alp” xalqning adolat o’rnatuvchi, ideal qahramoni sifatida maydonga chiqadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Mirzayev T. “Alpomish” dostoni o’zbek varianti. Toshkent,1968

2.Суразоков С.С. Об алтайском сказании «Алып-Манаш» Сб «Алпамыш».Ташкент

3.Мадалиев О.Собитова Т. “Ўзбек халк оғзаки поэтик ижоди” –Т-2005
4.Саякбай Каралаев варианти-“Манас” эпоси. Ф-1947

## АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

*Махатова Н.*
*ҚаршиДУ магистри*

Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Жаҳоннинг бир неча мамлакатларида уюшган жиноий гуруҳлар ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари мавжудки, улар орқали нафақат ахборот алмашинуви, балки ёшларнинг турмуш тарзига, урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ёт ғоялар ва амаллар тарғиб қилиняпти. Интернетнинг ҳар юзинчи саҳифасининг порнографик мазмунга эга эканлиги ёш авлодинг тарбиясига, хулқ-одобига зарар етказиши табиий. Чиқарилаётган on-line ўйинлардан хам манфаат фақатгина фоида олиш эмас, балки ёшларнинг маънавиятга таъсир қилишдир. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти бу каби сайтларга билиб ёки билмасдан кириб қоладилар. Умуман, нотаниш сайтларга кириб қолиш сабабларини фоиз кўрсаткичида олиб қарасак, шулардан:

1% баннер, реклама орқали;
1.2% e-mail адреслар орқали;
4.1% ТВ рекламалар орқали;
2.1% тўсатдан;
4.4% журналдаги рекламалар орқали;
20% баъзи суҳбатлдар таъсирида ;
46% интернетдаги қидирув тизимлар орқали;[1]

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, замонавий ёшларимиз орасида баъзилари, Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар.

Интернетнинг фойдаланувчилар учун яратиладиган қулайликларидан яна бири, бу - анонимликдир. Психологларнинг таъкидлашича, баъзи одамлар реал ҳаётда ўз ҳиссиётларини ошкор этишга тортинганидан интернетда ўтиришни маъқул кўришади. Статистик маълумотларга қараганда, блокларга[2] (интернетда кундалик дафтар) ўз ҳиссиётларини киритаётганларнинг 52% ни аёллар, 48% ни эркаклар ташкил этар экан. Буларнинг кўпчилиги, *Интернет аддиктлари*[3] (Интернетсиз яшай олмайдиганлар) реал ҳаётдан сиқилгани учун виртуал ҳаёт-Интернетга

[1] www.google.uz
[2] Баъзи сайтларнинг блоки мавжуд бўлади. Бунда инсон ўз кундалик дафтарини очади. Ўз ҳиссиётларини бутун дунё билан ўртоқлашади.
[3] Интернет аддиктлари – Интернет гиёҳванди, Интернетсиз яшай олмайдиганлар маъносида.

киришни маъқул кўрар эканлар. Психологларнинг фикрича, атрофдагилар билан муносабатга кириша олмайдиганлар компьютерда ўзларини эркин сезишар экан. Чунки уларга ҳеч ким тазйиқ ўтказа олмайди.

Ёш болаларнинг интернетдан кўп фойдаланиши ижобий томон билан биргаликда бир қанча салбий томонларни ҳам келтириб чиқаради. Оддийгина мисол, телевизор орқали бирор бир ҳаёсиз ёки қўрқинчли кинолар берилса, ота-оналар буни кўришни тақиқлашади. Лекин комьпютердаги «Fear.2», «Doom3», «Wanted» каби қонхўрликлар, отишмалар, қотиллик-у хунрезликдан иборат ўйинларни ўйнашга рухсат беришади. Вақт ўтган сайин бу ўйинлар болага ҳам физиологик ва психологик жиҳатлар салбий таъсир кўрсатишини кўпгина мутахассисларимиз айтиб ўтишган. Психиатрларнинг фикрига кўра, «бу касаллик фанда «лудомания» дейилади. Асосан, болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Уйқунинг бузилиши, хулқнинг ўзгариши, жиззакилик, қўнимсизлик, компьютер ўйинларига буткул қарамлик, ўқиш ва уй ишларидан бош тортиш каби аломатлари сезилади.[1] Агар буни физиологик жиҳатдан олиб қарасак, кўп болалар нур таъсирида кўз нуридан зарарланиши, жисмоний ҳаракатларнинг сусайишига, танада қон айланиш тизимининг бузилишига, ҳаттоки наслга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ўйинлар болаларнинг психологиясида инсон руҳий ҳолатини тушуниш хусусиятининг сусайишига, мулоқот кўникмаларининг йўқолишига, ачинмаслик ва шавқатсизлик хусусиятининг кучайишига, эгоизмнинг ривожланиши каби омилларнинг юзага чиқишини аниқлашган. Бу салбий сабабларни кўпчилик тенгдошларимиз ва уларнинг ота-оналари билсалар ҳам бунга эътиборсиз муносабатда бўладилар. Бунинг эвазига боларнинг ўйинқароқ бўлиб қолиши, турли ёд ғояларга тез оғиб кетиш ҳоллари кўп учрайди.

Энг ашаддий компьютер ўйинлари Жанубий Кореяда пайдо бўлган. Шу пайтгача бу давлатда 10 нафар бола ўйин даврида юраги ёрилиб ўлган. Интернет клубларидан бирида ўйинга тақлид қилиш оқибатида қотиллик рўй бергани қайд этилган. Ҳозир Кореялик болаларнинг 2,1 % интернетоманияга (интернетга меъёридан ортиқ шуғулланиш эвазига пайдо бўлган касаллик) чалинган бўлса, 80 % муолажага муҳтож, 20-24 % эса шифохоналарда ётиб даволаниши керак.

АҚШда болаларнинг ҳар ўнтадан биттаси компьютер ва видеоўйинларига қарам бўлиш касаллигига чалинган. Ўйинга муккасидан кетган болаларда клиник касалликларнинг ўн биттадан олтитаси аниқланган. Комьпютер ўйинлари ишқибозлари оилада, мактабда тенгдошлари билан муносабатда қийинчиликка дуч келишаяпти. Ҳатто, айрим болалар ўйин дискини сотиб олиш учун пул ўғирлашаяпти. Ўйинга муккасидан кетиш Американинг «руҳий касалликлар статистик маълумотномаси»га ҳамон киритилмагани ажабланарли. Мутахассисларнинг фикрича, 2012 йилда қўлланма янгиланади ва бу касаллик ҳам, албатта киритилади. Бугунги кунда дунёда миллиарддан ортиқ комьпютер мавжуд бўлса, шулардан 250

[1] «Миллатга янги иллат хавф солаяптими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009 й.

миллионтаси компьютер ўйингоҳи соҳибларига тегишли. Ўтган йили Америкаликлар ўйинларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришнинг ўзига 21 млрд. доллар сарфлашган.[1]

Ҳозирда Интернет орқали тарқалаётган ва йил сайин тобора кенг хилма-хил тус олаётган вертуал зўравонликлар, шунингдек, электрон ОАВ (оммавий ахборот воситалари)ларида тасвирланаётган жангари манзаралар, ёшларнинг маънавий ривожи ва тафаккурига таъсир қилмоқда. Айни пайтда интернет тармоғи ҳаётимизга таҳдид ҳам олиб келмоқда. Ахборот уруши кейинги пайтларда «ахборот терроризми» деб ҳам аталмоқда. Интернетда тарқалаётган кўплаб маълумотларнинг амалдаги конунчиликка зидлиги бу соҳадаги муаммо кўплаб давлатлар олдига интернет тўғрисида қонуний ҳужжатлар қабул қилишни зарурат қилиб қўйди. Шунинг учун айрим мамлакатларда Интернет тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган бўлса, баъзи мамлакатларда бу тўғрисида ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Жумладан, АҚШда интернет козинолари, болалар порнографиясини тақиқловчи алоҳида қонунлар қабул қилинди. Россия, Швеция ва бир қатор Европа давлатларида интернет қароқчилигига қарши кураш тўғрисидаги махсус қонун қабул қилинган. Республикамизга ҳам бу тармоқни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар, «Реклама тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида»ги қонунлар қисман белгилаб қўйилган.[2]

Бу қонунлар бироз бўлсада, ахборот хуружини олдини олиши мумкин. Аммо, болаларнинг on-line ўйинларидан кам фойдаланиши учун махсус қонунлар йўқ. Бу ота-она ва педагог зиммасидадир. Болаларда асосан мактаб даврида турли сохаларга қизиқиш уйғонади. Мактабларда “Компьютер асослари” фани ўқитилади. Шахар, туман, чекка-чекка қишлоқларда шу фан ўқитилиш баробарида мактаб ёшидаги болаларга интернет ва унинг чексиз имкониятлари мавжудлигини, шу билан биргаликда унинг салбий томонлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилиши лозим. Мактаб компьютерларини интернет тармоғига улаш мақсадга мувофиқ бўлади. Уларга интернетдан қандай фойдаланиш йўлларини, маълумотлар қидиришни, чет мамлакатларда ўз тенгқурлари билан мулоқотни қандай амалга ошириш лозимлиги борасида маълумотлар бериш керак. Шунда мактаб ёшидаги болалар фақат дарсликлар билан чекланмай, интернетдаги хабарлардан ва янгиликлардан ҳам ҳабардор бўлиб турадилар. Бунинг натижасида, интернет – клубларда фақат ўйин ўйнаш ва вақтини ўтказиш учун кирганлар сони камайиб, интернетни ахборот макони деб ўйловчиларнинг сони тобора ошган бўлар эди.

Интернетнинг чексиз имкониятларидан тўла қонли фойдаланиб, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жаҳонга танилиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Демак, биз интернетдан умумиллий манфаатга хизмат қиладиган ва унинг тараққиётига ёрдам

[1] «Миллатга янги иллат хавф солаяптими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009й
[2] “Ёшлар ва интернет” О.Топилдиев. // Жамият ва бошқарув, 2008 й., №2 36-бет

берадиган ахборотларни танлаб, таҳлил қилиб фойдалансак, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолишликнинг олдини олган бўлар эдик.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ёшлар ва интернет" О.Топилдиев. // Жамият ва бошқарув, 2008 й., №2 36-бет

2.Фозилов М., Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. /Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.

3.Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари. Тошкент.: Ахборот технологиялари нашриёти, 2006 й. 4-7 б.

4.Умаров, Х.Каримов,М.Ахмедова. Очиқ ахборот тизимларида ахборот психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма.Тошкент 2012.

## ЯҚИН ШАРҚДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИСИЯСИ

*Махкамов М.М.*
*Тошкент давлат шарқшунослик университитети магистранти*

Бугунги кунда терроризм, жумладан, диний-сиёсий моҳиятга эга экстремизм ва терроризмнинг глобаллашуви, уларнинг тобора халқаро миқёсдаги воқеликка айланиб бораётгани дунё ҳамжамиятининг мазкур муаммога бўлган эътиборини янада оширмоқда. Терроризм тушунчаси 1798 йилдан бошлаб Франция Академиясининг луғатларида пайдо бўла бошлади. Бу тушунча тез орада Британия қирғоқларига етиб борди. Англиялик сиёсатшунос Эдмурд Буркен 1795 йилда тероризм деган жумлаларни ишлатади. Терроризм сўзи 1793-йил март-1794-йил июл ойлари орасида француз инқилоби даврига нисбатан қўлланилиб, террор ҳукмронлигини англатган. [1] Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, террорнинг туғилиши Ислом ва араб мамлакатларига боғлиқ эмас. Хозирги кунда халқаро терроризм ва диний экстеримизмдан энг кўп зарар кўраётган минтақа Яқин шарқ бўлиб қолмоқда. Нега айнан шарқ мамлакатлари хусусан араб давлатлари, маълумки араб давлатлари катта энергетика захираларига эга бўлиб, бу захирага эга бўлиш учун аввалига Европанинг гегемон давлатлари кейинчалик АҚШ ва Россия томонидан тузилган бир неча сенарийда рўл ўйнаб беришига тўғри келди. Яқин тарихга назар ташласак 2000 йилдан то 2012 йилга қадар "Терроризмнинг глобал индекси"да терроризмдан зарар кўрган давлатлар орасида биринчи бешталикни Ироқ, Покистон, Афғонистон, Хиндистон ва Яман эгаллаб келишди. Бу даврда ушбу давлатларда содир бўлган террористик харакатлар дунёдаги жами терактларнинг 90 фоизини ташкил қилди. Ундан кейинги ўринларни Сомали, Нигерия, Таиланд ва Россия эгаллаб турди, Филиппин эса кучли ўнликни якунлаб берди. 2005-2009 йилларда Ироқ энг кўп терактлар содир этилган

мамлакат бўлиб қолди. 2006 йилда Шарқий Африкада вужудга келган, “Ал-Қоида”нинг қаноти остида фаолият олиб бораётган, Сомалида халигача хукуматни тўнтаришга уринаётган, Кения ва Угандада хам терактлар уюштириб келаётган “Харакат Ал-Шабаб” 2000-2012 йилларда мавжуд террористик ташкилотлар орасида фаол харакат олиб борди. 2013 йилда 60 киши, 2015 йил Кенияда 148 киши, Сомалида 2017 йил 14 октябр 587 киши ҳамда 2019 йил 91 киши ушбу халқаро террористик ташкилот томонидан амалга оширилган мудхиш терактларда халок бўлди, жарохатланганлар сони эса бундан 3 карра кўпроқни ташкил қилмоқда. Ушбу ташкилот асосан АҚШ ва Туркия томонидан қўллаб қувватланувчи хукуматларга қарши кураш олиб бормоқда. 10 та энг хавфли террористик ташкилотлар рўйхатини шу йилларда 1982 йилларда Ливанда ташкил этилган, аввалига Исроил қўшинларига қарши кураш олиб бориш мақсадида тузилган, хозирги кунда Ливан хукуматида хатто партия сифатида шакиллантирилган ҳамда Эрон ва Сурия томонидан молиявий қўллаб қувватлаб келинаётган “Хизболла” эгаллаб келди. Ушбу террористик ташкилот жанчилари хозирда бир вақтнинг ўзида Сурияда Башар Ассад томнидан туриб унинг манфаатлари учун жанг қилмоқда. 2009-2014 йилларда умумий терактларда 5000 кишининг ўлимига сабаб бўлган “Боко харам” Ғарбий Африкадаги энг катта террористик ташкилот хисобланади. “Хизболла” ва “Боко харам” билан узвий алоқада бўлган “Ал-Қоида” бу йилларда энг йирик Халқаро террористик ташкилот бўлиб қолди.

Ҳаммаси бўлиб ҳозирда дунёда юзлаб террорчи гурухлар фаолият олиб бормоқда ва Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги беқарорликнинг асосий ўчоқлари Сурия, Ливия ва Яман бўлиб қолмоқда. ИШИДдан ташқари, ҳар йили террордан зарар кўрганлар умумий сонининг учдан икки қисмига сабаб бўлган енг фаол гуруҳларга "ал-Шабаб ал-мужаҳидин", "Боко Харам", "Ислом Мағриби Ал-Қоидаси" ва "Ҳает Тахрир ал-шом" террорчилик ташкилотлари ҳам киради.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2000-2012 йиллар ичида 31 та мамлакат терроризм муаммосига дуч келмади. 2001 йил 11 сентябрдан 2012 йилга қадар Ироқдаги можаро авжига чиққан пайтда, терактлар сони хар йили тўрт карра ўсиб борди ва 2007 йилда енг юқори чўққисига етди. Шундан сўнг террорчилар фаолияти даражаси аста-секин пасайиб борди. Шундай қилиб, 2011 йилда ҳужумларда 7473 киши ҳалок бўлди, бу 2007 йилга нисбатан 25 фоизга кам дегани. Бу йилларда Ўзбекистон рейтингнинг 86 қисмини эгаллаб рейтингда гохи юқорилаб гохи пастлаб турди, хозирги кунда эса мамлакатимиз 138 ўринда бўлиб қолмоқда, ушбу рейтинг 4 та кўрсаткичлар асосида тузилиб, улар терористик актлар, Ўлганлар ва жабрланганлар сони ва моддий зарар даражаси миқдоридан иборатдир.

Жахон сиёсатида катта ўйинчи номини олган АҚШнинг сахналаштирган сенарийлардан бири бу Хозирги кунда ИШИД номини олган террористик ташкилотдир хўш бу қандай бўлганди. 2003 йилда АҚШ харбий кучлари Ироқга кириб, 2011-йил декабрига қадар бошқарувни назорат қилди. 2011 йилнинг декабр ойида АҚШ қўшинлари мамлакатни тарк етгандан сўнг,

Суннийлар назоратида бўлган хукуматни Шиаларга топшириб кетди бу эса, ўз навбатида бу Ирокда норозиликларни келтириб чиқарди. Бош вазир Нури ал-Маликий суннийларга қарши том маънода қатағон бошлаб юборди. Бош вазир Саҳвани тарқатиб юбориб, ҳукуматни сунний амалдорлардан "тозалай" бошлади. Мамлакат суннийларининг энг катта таъсирга эга етакчиси бўлган вице-президент Тариқ ал-Ҳошимийнинг шиа ал-Маликий томонидан қувғинга учраши ҳамда сиртдан ўлимга ҳукм қилиниши суннийлар ғазабига сабаб бўлди. Натижада илк сони 100 мингдан ортиқ бўлган ва ваъдасида турмагани учун ал-Маликийдан ғазабда бўлган собиқ саҳвачилар (суннийлардан тузилган махсус харбий бўлинма) ҳамда курдлар томонга қочиб ўтган собиқ вице-президент ал-Ҳошимий тарафдорларидан иборат катта кўламдаги мавжуд шиа хукуматига қарши норози сунний аҳоли қатлами юзага келди. Айнан шу норози суннийлар Ишиднинг катта қисмини ташкил қиларли, Бу АҚШ томонидан пухта ўйланган режалардан бири Бироқ ИШИД хам худди "Ал-Қоида" каби назоратдан чиқиб кетди.

Терроризмни табиатини тушуниш террористик ҳужумларнинг олдини олишга ёрдам беради дейди "Россия ташқи ишлар маслахат кенгаши" аъзоси Кевин Клементс www.russiancouncil.ru га берган интервюсида.[2] Икки қутблилик сиёсатининг юритилиши араб давлатларининг гегемон томонлар ўртасида ўйин бўлишига олиб келди. 2000 йилдан 2013 йилгача терроризмдан ўлганлар сони беш баравар кўпайди, натижада 18000 киши ўлди. Бу йилларда 162 та мамлакатдан 87 таси террорчилик ҳужумини бошдан кечирди. 2013 йилда террорчилик ҳаракати сезиларли даражада ўсди, 2012 йилда 2013 йилгача 61 фоизга кўпайди. Шу давр ичида 50 дан ошиқ ўлимни бошдан кечирган давлатлар сони 15 тадан 24 тагача ошди. Бу орада нафақат терроризмнинг кучайиши, балки унинг кенглиги ҳам ўсди. "Араб бахори" содир бўлган даврда бу кўрсаткичлар табиий равишда ўсди. Маълумки, ҳар йили Акш Давлат департаменти Акш Конгрессига терроризмни қўллаб-кувватлаётган давлатлар рўйхатини тақдим етади. 2008-йилда бу рўйхатга: Куба, Ерон, Ироқ, Ливия, Шимолий Корея ва Сурия киритилди. [3]

Сўнги йилларда халқаро террористик ташкилотларнинг фаолият кўлами ўзгариб бормокда. Халқаро иқтисодиёт ва тинчлик иниститути (The Institute for Economics and Peace)нинг "Терроризмнинг глобал индекси"га таянадиган бўлсак, 2018 йилда дунёда терроризм курбонлари сони 15,2 фоизга камайиб 16 минг кишини ташкил қилди аммо террор хуружлари бўлган давлатлар сони кўпайди[4]. Ҳозирги кунда айрим экспертларнинг фикрича, дунёда 150 га яқин террористик ташкилот ва турли хилдаги екстремистик гуруҳлар мавжуд бўлиб, 40 га яқини халқаро террористик ташкилотлардир. Дунёда халқаро террорчилик ташкилотларининг умумий рўйхати йўқ бунга сабаб уларнинг махфийлиги ва тез-тез хисобининг ўзгариб туришида. Бироқ, халқаро террорчилик ташкилотларининг расмий рўйхати Акш Давлат департаментининг "замонавий терроризмнинг табиати ва шакллари тўғрисида" ги йиллик ҳисоботига ўтган йиллар давомида киритилган. Унда 30 дан ортиқ халқаро террористик ташкилотларни рўйхати келтириб ўтилган.

Бироқ бу рўйхат бутун жахон томнидан мақулланиб, ва умумий келишув асосланмаган, балки фақат АҚШ хукумати нуқтаи назаридан тузилган.

Терроризм ва экстремизмнинг авж олишига айрим омилларнинг ҳам таъсири мавжуд, *биринчидан,* наркотик воситалар ва психотроп моддалар савдоси ва контрабандасининг кучайиб бора-ётгани; *иккинчидан,* терроризмни молиявий маблағ билан таъмин-лайдиган гуруҳларнинг кўпайиб бораётгани; *учинчидан,* террорчи гуруҳларнинг жиноят содир этиш малакасининг йилдан йилга ошиб бораётгани; *тўртинчидан,* халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкор-ликнинг кенгайиб бораётгани; *бешинчидан,* террорчи гуруҳлар ўзларининг хуфёна фаолиятини турли кўринишдаги ғоя ва мафкура-лар билан содир этаётганлиги ва бошқалар. Террористик ташкилотларнинг молялаштиувчи манбаалари турлича, масалан 2015 йилларда ИШИДнинг 30 минг кишилик харбир аскари 400 АҚШ доллори миқдорида ойлик маош билан таъминланган, харбий операцияларнинг мувофаққиятли якунланишига қараб эса, қўшимча рағбатлантирилган, бундан кўриниб турибдики жангариларнинг сонини кўпайиши ҳамда раҳбарларига садоқати моддий рағбатлантириш орқали ушлаб турилган. 2015 йилнинг октябр ойи маъмуломларига кўра ИШИДнинг хисобида 2.5 милиард АҚШ доллори борлиги Европалик таҳлилчилар томонидан аниқланган. [5] Хозирги кунда террорчилик фаолияти марказларига Яқин Шарқ, Африка, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё кирмоқда.

2019-йилнинг енг йирик террорчилик хужумларининг икки минг нафарида 9 мингдан ортиқ киши халок бўлиб, 11 мингдан ортиқ киши жароҳатлаган. 2018-2019-йилларда 70 га яқин Давлат 5 мингдан ортиқ юқори даражадаги террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бошдан кечирди, бу еса 30 мингга яқин кишига таъсир қилди. [6]

Сўнги 40 йил ичида Ислом терроризими ва Диний Экстеримиз тушунчалари қўлланилаётгани, бази бир таҳлилчилар томонидан, ислом динининг улар билан боғланаётганининг ўзи араб давлатларини биринчи навбатда фуқаролар уруши ва унга ташқи кучларнинг таъсирига тушиб қолаётганини билдиради. Хозирги кунда АҚШ Федерал Қидирув Бюросининг 46 та энг хавли терористлар рўйхатининг 36 тасини ислом динига мансуб бўлган араблар ташкил қилмоқда бу эса ўз навбатида АҚШ ташқи сиёсатида Яқин шарқ давлатлари мухим омил эканлигидан дарак беради. [7]

Давр ўтган сари терроризм ўзгача шаклди гавдаланмоқда, информацион технолгиялардан унумли фойдаланган холда, ўз таркибига янгидан янги жангариларни чорлаб келмоқда. Хозирги кундаги террористик ташкилотларнинг асосий қисми ўзи вужудга келган худудда хукмронликни қўлга киритиш ва мавжуд хукуматни тўнтариш мақсадида фаолият олиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки қайси гегемон давлатнинг шу худдуда манфаатлари мавжуд хукумат билан мос келмаса, уларга мухолифат бўлган ўзларини партия сифатида кўрувчи террористик ташкилот ушбу давлатлар томонидан қўллаб қувватланмоқда. Мисол тариқасида АҚШ, Европа ва

ўнлаб бошқа давлатларда Халқаро террористик ташкилот сифатида қайд этилган, Фаластинда вужудга келган, “Хамас” халқаро террористик ташкилотнинг Россия томонидан террористик ташкилот сифатида кўрилмаслига ҳамда ташкилот лидерларининг Путин томонидан бир неча бор Москвага таклиф қилинганлигини айтиш мумкин.

Хали хануз уруш гирдобида қолаётган араб давлатларининг террористик ташкилотлар таъсирига тушиб қолаётганлигига сабаблар турлича чунончи уларнинг асосийси сифатида қуйидагиларнисанаб ўтиш жоиздир, ушбу мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси пастлиги, Давлат бошқаруви деспотик тизимга асосланганлиги, ишсизлар сонининг йилдан йилга ошиб бораётгани, давлат раҳбарларининг ташқи кучлар таъсирига тушиб қолаётганлиги, энг мухими бу мамлакатларда гегемон давлатларнинг манфаатлари тўқнаш келганлигидадир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак хозирги кунда араб давлатларининг ташқи кучлардан мустақил бўлишга уринаётганлиги, давлат қуролли кучларининг салохияти ошиб бораётгани, жахон энергетика бозорида нефтга бўлган эхтиёжнинг кундан кунга тушиб бораётгани, араб ёшларининг интелектуал салохияти ошиб бораётгани каби омиллар сабаб, яқин келажакда, Яқин шарқда Халқаро террористик ташкилотларнинг сони камайиб, террористик актларнинг миқдори кескин тушади дейиш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Martha Crenshaw, ed; «Terrorism in Context», Penn St. University Press, 1995. Б. 77; Spencer, Alexander. Questioning the Concept of New Terrorism // Press Confl ict & Development, 2006, No. 8, Б. 3.// EDUCATION FOR JUSTICE UNIVERSITY MODULE SERIES, Counter-Terrorism, Module 1, INTRODUCTION TO INTERNATIONAL TERRORISM, UNITED NATIONS, Vienna, 2018.B.1

2. https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/interview/globalnyy-indeks-terrorizma.

3. Сарабьев А.В. США: геополитические прогнозы 90-х годов и современные ближневосточные реалии. //Ближний Восток и современность (сборник статей). – 2006. – №27 – Б. 248.

4. :https://eadaily.com/ru/news/2019/11/20/globalnyy-indeks-terrorizma-chislo-zhertv-umenshilos-chislo-stran-vyroslo.

5. Михаил Мостовюк, источники финансирования террористической.

6. Жертвами самых крупных терактов в 2019 году стали более 9 тысяч человек. Мақола 13.10.2019 https://www.dp.ru/a/2019/10/13/ZHertvami_samih_krupnih_te

7. https://www.fbi.gov/wanted/terrorism. 04.05.2020.

8. организации исламское государство ИНДЕКС БЕЗОПАСНОСТИ № 4 (115), Том 21,Б.143

9. Fighting Terrorism for Humanity, A Conference on the Roots of Evil, International Peace Academy 22 SEPTEMBER 2003 n NEW YORK

10. Хаит хам Абделсамад, Terrorism and counterterrorism in the EU, DOC research ininstitute, 2018, Berlin.

11. Пинчук, Андрей Юрьевич, МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕРРОРИЗМ В ДИНАМИКЕ СОВРЕМЕННОГО МИРОПОРЯДКА, Казань Издательство «Бук» 2018.

## ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

*Махмудов Ш.К.*
*Денов тадиркорлик ва педагогика институти*
*педагогика фанлари номзоди, доцент*

*Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.*
*Алишер Навоий.*

Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажакда истиқлол истиқболини ривожлантириш, аввало, Ватанпарвар, комил инсонларга боғлиқ. Чунки бундай инсонлар туфайли фан ва маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланади.

Бугун ватанпарвар бўлиш нимани англатади? Қандай қилиб ёшларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, уларни ўз ватанларини севишга ўргатиш керак? Ёшлар ижтимоий муҳитда юра билиши, ўз нуқтаи назари ва қарашларига эга бўлиши, ўз фикрлари ва хатти-ҳаракатлари учун ижтимоий масъулиятга эга бўлиши, ўз ватанини онгли равишда севиши ва ғурурланиши, ўз ватанининг, ўз халқининг ишлари ва ютуқларига ҳамдард бўлиши керак.

Мамлакатимиз тарихини билиш ва уни қадрлаш, ўз урф-одатларимизни ҳурмат қилиш ва уларни сақлаш лозим. Ватанпарвар бўлиш учун меҳнат қилиш ва ижтимоий фаол бўлиш, келажагимизни қуриш, уни фақат она Ватанимиз билан боғлаб туришдир. Ватанпарвар бўлиш, меҳмон эмас, балки ўз мамлакатингизнинг хўжайини бўлишни англатади. Хавф бўлса, уни ҳимоя қила олиш, Ватан олдидаги бурчни бажариш, маданий ва маънавий бойликларни эҳтиёткорлик билан сақлаш олий вазифалардан ҳисобланади. Бу ҳақиқий ватанпарварлик. Бугунги кунда ватанпарвар бўлиш жуда қийин, атрофида васвасалар кўп - пул қидириш, чет элда яхши ҳаёт қидириш ва бошқалар. Энди улар ўзбек ватанпарварлиги тарбияси, бу контсепциянинг маъноси нима, унинг асосий тамойиллари ҳақида кўп гаплашмоқдалар. Аммо ватанпарварлик тушунчаси жуда чуқур, қадриятларни баҳолаш қийин. Ватан туйғуси - бу муқаддас туйғу.

Ўтган асрнинг ўрталарида, рус психологи Л.С. Вйготский, ёшларда ватанпарварлик тарбиясини ривожлантириш учун қуйидаги асосий омилларни ажратган эди:

- Инсон туғилиб ўсган жойларга меҳр-муҳаббат ҳисси;
- Ўз халқининг тилини ҳурмат қилиш;
- Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Ватан олдидаги бурчини англаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини, эркинлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш (Ватанни ҳимоя қилиш);
- Фуқаролик ҳисси ва ватанга садоқат намоён бўлиши;
- Ўз мамлакатининг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан фахрланиш;
- Ўз ватанлари, давлатнинг рамзлари, ўз халқи учун ғурурланиш;
- Ватаннинг тарихий ўтмишига, халқига, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат;
- Ватан ва унинг халқи тақдири, уларнинг келажаги учун жавобгарлик, ўз ишига, Ватаннинг қудрати ва фаровонлигини оширишга бағишланиш истагида ифода этилган;
- Гуманизм, раҳм-шафқат, умуминсоний қадриятлар.

Бу фикрга қўшилмаслик қийин. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар доим таълим тарбия масканларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келган. Умуман олганда, ватанпарварлик таълими анъанавий равишда ёшларнинг ватанга бўлган муҳаббатини изчил ва барқарор шакллантириш сифатида тушунилади.

Ватанпарварлик ватанга, она табиатга, она тилига, миллий маданиятига муҳаббат, миллий ғурур, қадр-киммат, бурч ва шараф туйғусида ифодаланади. Ватанпарварлик туйғуси инсон ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатларида у учун шахсий ҳаёт тамойиллари бўлган ижтимоий талаблардан келиб чиқишни бошлаганда пайдо бўлади.

Агар ахлоқий тажриба одамни дарҳол эгаллаб олмаса, унинг эгоистик таъсирига, истакларига қаршилик кўрсатса, ахлоқ талабларига салбий муносабат юзага келади. Ниятий курашлар натижасида ахлоқий тажрибани ривожлантириш жараёнида инсон шахсиятининг энг яхши томони ғалаба қозонади, салбий муносабат юқолади.

Ватанпарварлик муайян шароитларда шаклланади. Ҳар қандай ахлоқий сифат фақат тегишли амалий фаолият жараёнида ривожланади ва ўрнатилади. Шунинг учун ватанпарварликни шакллантириш учун зарур шартлар қуйидагилардан иборат:

а) Ёшларни ватанпарварлик ишлари ва хатти-ҳаракатларини амалга оширишлари мумкин бўлган коллектив фаолиятга изчил ва мунтазам равишда киритиш;

б) Ватанпарварлик эътиқоди, ҳис-туйғулари, хулқ-атворини тарбиялашда бирдамлик. Ватанпарварликни тарбиялаш мақсадида олиб бориладиган ҳар қандай иш онгни шакллантирадиган, ҳиссиётларни уйғотадиган ва ўз фаолиятига қўшадиган тарзда ташкил этилиши керак;

в) Ватанпарварликни тарбиялашнинг эҳтиёжларини шакллантириш ва ижтимоий фойдали, ватанпарварлик хусусиятига эга тадбирларда иштирок этиш истаги билан бирлашиш;

г) Ватанпарварлик тарбиясига таълим муассасалари, оила ва жамоатчилик томонидан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг хилма-хиллиги орқали эришилади. Шу билан бирга, ушбу сифатни тарбиялаш учун хос бўлган махсус воситалар ва шакллар мавжуд. ОТМдан ташқари машғулотлар ватанпарварлик руҳини тарбиялаш, ватанпарварлик хулқ-атвори ва кўникмаларини шакллантириш учун катта имкониятларга эга.

Сиёсий таълим - бу ватанпарварлик туйғуларини, баҳоларини, ҳиссиётларини ривожлантириш усулларидан бири, шунингдек ҳаётга самарали муносабатни, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш истагини тарбиялаш воситасидир. Сиёсий маърифат турли шаклларда олиб борилади: сиёсий маълумотлар, суҳбатлар, даврий нашрлар билан ишлаш, маърузалар, сиёсий мавзуларга бағишланган конференциялар, экскурсиялар, музей саёҳатлари, китобларни муҳокама қилиш, спектакллар ва бошқалар.

Сиёсий суҳбатлар кўпинча юбилейлар, муҳим воқеалар муносабати билан ўтказилади. Суҳбатнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у талабалар тафаккурининг фаоллиги ва мустақиллигини, воқеаларни баҳолашни кўрсатади.

Таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия дастурини амалга оширишнинг самарадорлиги учун қуйидагилар керак:

- Ёшларда ватанпарварлик ташкилотлари фаолиятини жонлантириш;
- Ватанпарварлик ҳарбий-спорт ўйинларини, олимпиада ва мусобақаларни жонлантириш ("Темурбеклар", "Бургут" ва бошқалар);
- Давлат рамзлари, байроқ, мадҳия, герб ҳурматини ривожлантириш;
- Ўзбекистондаги ҳарбий шон-шараф кунларини кенг нишонлаш, бизнинг буюк Ўзбекистондаги ғуруримизни тарбиялаш;
- Фахрийлар ва фахрий ташкилотлар билан яқиндан ишлаш;
- Ватаннинг ҳарбий ва меҳнат мукофотларида ёшларни ҳурмат қилиш;
- Мурабийлик соатларида бизнинг ватанпарвар филмларимиздан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига ҳурматни ривожлантириш, ҳарбий меҳнатнинг нуфузини ошириш.

Замонавий жамият таълим тизимини ёш авлодни шакллантиришга йўналтиришни талаб қилади, бунинг учун мамлакат келажаги юқори ахлоқий, ахлоқий, психологик ва ахлоқий фазилатлар мавжуд бўлиб, улар орасида ватанпарварлик, фуқаролик ва ҳарбий бурч, Ватан тақдири учун жавобгарлик ва уни ҳимоя қилишга тайёрлик катта аҳамиятга эга. Ватанпарварлик туйғусини шакллантириш учун ижобий асос инсонпарварлик циклининг мавзуларини ривожлантиришда, хусусан, адабиёт, тарих, мусиқа каби маънавий ва эстетик тарбия жараёнида бир мамлакат ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг санъатига, тарихига, урф-одатларига, маданиятига ҳиссий-қиймат муносабатини шакллантириш бўлиши мумкин. Тасвирий санъат, рассомлик, мусиқа, адабиёт, қизиқарли тарихий фактлар билан алоқа қилиш жараёнида ҳиссий тажриба натижасида

олинган маълумотлар одам онгсиз даражада идрок қилинади ва аста-секин мавҳум фикрлардан чуқур ички, ахлоқий эътиқодга айлантирилади.

ОТМ-ларда талабаларни фуқаролик-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун мусиқа ноёб имкониятларга эга. Мусиқани ўргатиш ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш ва тарбиялашнинг шарти ва воситаси бўлиши мумкинлигига аминмиз. Ушбу фаолият аниқ тузилган методологияга мувофиқ амалга оширилади, қизиқарли ва маълумот берувчи материални ўз ичига олади, ишнинг турли шакллари ва усулларини ўз ичига олади ва талабаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга таянган ҳолда мавзу юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ватанпарварлик тарбияси жараёнининг асосини ижтитмоий-хаётнинг объектив талабларини, шахснинг ижтимоий моҳиятини ҳамда табиатини акс эттирувчи қонуниятлар ташкил этади. Тарбия жараёнини илмий асосланган тарзда олиб бориш унинг қонуниятлрини чуқур ўрганишни талаб этади.

2. Ватанпарварлик тарбияси жараёнининг муваффақияти уни ташкил этишда қандай тамойилларга кўра иш кўрилаётганлигига ҳам боғлиқ. Тарбия тамойиллари-ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва комил инсонни тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва йўналишига қуйиладиган энг муҳим талабаларни белгилаб берувчи асосий ғоя ва қоидалар йиғиндисидир.

3. Ватанпарварлик тарбияси жараёнини ташкил этишда мурабий томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ижтимоий жамият томонидан таълим муассасалари олдига қуйилган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси этиб тарбиялаш вазифалари билан белгиланади.

Ватанпарвар бўлиш, ўзингизни Ватаннинг ажралмас қисми каби ҳис қилишни англатади. Бу мураккаб туйғу болаликдан, дунёга қадрли муносабат пойдевори қўйилганда пайдо бўлади. Аммо ҳар қандай бошқа туйғулар сингари, ватанпарварлик ҳам мустақил равишда шаклланади ва индивидуал равишда бошдан кечирилади. Бу инсоннинг маънавиятига, унинг чуқурлигига бевосита боғлиқ.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.56 Б.

2. Нишонова С.Имомова. М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

3. Мавлонова Р., Абдураҳимова Д. Педагогик маҳорат.Т:. Фан ва технологиялар. 2012-йил.

4. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. Т., 2006.

5. Немов Р.С. Психология. М.: Владос, 2003. 1-2-т.

# ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Махмудова З.М.*
*Бухоро давлат университети магистранти*

Ижтимоий психологик тадқиқотларда психодиагностик методикаларни ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш, мавжуд методлардан самарали фойдаланиш ва олинган натижаларни талқин қилиш билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш бугунги кундаги психологлар олдидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, бўлажак мутахассисларга психодиагностик методикалардан фойдаланишнинг психометрик талаблари, шунингдек психологик тестлаштириш соҳалари ва психодиагностик методикаларни қўлланиш истиқболлари, экспериментал тадқиқотларни ташкил қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида тушунча бериш талаб қилинади.

Психодиагностик ва экспериментал психологик тадқиқотларда ахборот коммуникацион технологияларнинг қўлланилиши ижтимоий психологик эксперимент (тадқиқот) нинг сифатини, олинган натижаларнинг объективлигини ошириши, натижаларни қайта ишлашнинг тезлиги ва аниқлигини таъминлаши, шу асосда психодиагностик натижалардан клиник шароитларда тезкор фойдаланиш, ўқув жараёнида индивидуал ёндашишни амалга ошириш, қисқа вақт оралиғида болалар ва катталарнинг ақлий ривожланганлик даражасини баҳолаш, уларнинг касбга қобилиятларини аниқлаш имконини беришини қайд қилиш лозим.

Компьютерлаштирилган диагностиканинг устунлик томонлари унинг ўзига хос методикаларни ишлаб чиқиш муаммосини қўяди. Бу борада ечилмаган жуда кўп масалалар мавжуд. Шундай масалалардан бири қўлланилиб келаётган, ўзининг самарадорлигини амалда исботлаган методикаларни компьютерлаштиришдир. Шу сабабли анъанавий ва автоматлаштирилган методикаларнинг натижаларини таққослашга доир тадқиқотлар ўтказиш жуда муҳим.

Компьютерлаштирилган диагностиканинг устунлик ва бир қатор чегараланганлигини таҳлил қила туриб шуни айтиш мумкинки, тўғри ташкил қилинган ҳолда анъанавий ва компьютерлаштирилган (автоматлаштирилган) методикалар натижалари орасида юқори корреляция мавжуд.

Олдимизга турган асосий мақсад психологлар, амалиётчи психологлар ва психодиагностлар учун маълумотларни компьютерда қайта ишлаш бўйича методик ва амалий ёрдам тизимини яратиш, шунингдек, олий таълими жараёнида фанлараро интеграция асосида тадқиқот усулларни ахборот коммуникацион воситалар орқали дастурий таъминот манбаларига доир маълумотлардан психология фанларини ўқитишда фойдаланиб, таълим-тарбия бериш мазмуни, шакл ва методлари, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, ўқитиш методикасини яратишдан иборат.

Юқоридаги мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади:

- Замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш;
- Психодиагностика ва экспериментал психологияда ҳамда соҳага оид тадқиқот ишларини олиб боришда шахсни объектив баҳолаш учун ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш мақсадида психодиагностик методлардан ЭҲМ учун дастурлар яратиш ва уларни амалиётга кенгроқ жорий этиш;
- Психодиагностик тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш мақсадида соф психологик қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш ва корреляцион боғланишлардаги аниқликка эришиш;
- Психодиагностика ва экспериментал психология фани бўйича электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш:
- Янги психодиагностик методикаларни ишлаб чиқиш, мослаштириш, модификация қилиш ва уларни психометрик мезонлар асосида текшириш;
- Талабаларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш юзасидан фан бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Таълим соҳасида юқори дажарадаги хорижий таълим тажрибаларини жорий этишни янада такомиллаштириш;
- Долзарб психологик мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- Психологик тадқиқотлар олиб бориш ва ечимларни амалиётга тадбиқ қилиш;
- Жорий ва даврий кўрсаткичлар ва зарур ресурслардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни оптималлаштириш, шунингдек, зарур маълумотлар базасини шакллантириш;
- Инсон шахсини ўрганишнинг психологик ўлчов воситаларини шакллантириш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш;
- Инсон камолотига таъсир қилувчи психологик ривожлантирувчи дастур (тренинг) ларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш;
- Буюртмачиларнинг талаблари асосида талабаларда касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида касбий фаолият соҳаларида малакавий амалиётларни юксак даражада ташкил қилиш ва уни ўтказиш, тегишли кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Назарий ва амалий машғулотларини юқори даражада ташкил этиш, ўтказишда соҳа бўйича илғор хорижий ва маҳаллий тажрибалардан, психология фанининг ютуқларига асосланган ҳолда инновацион педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан машғулотларда самарали фойдаланиш;
- Соҳага оид лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш;
- Таълим-тарбия жараёнида психологик таъсир кўрсатиш усулларини қўллаш;

- Таълим ва тарбия жараёнига замонавий инновацияларни олиб кириш;
- Ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни янада жонлантириш, шунингдек, суд-психологик экспертизаларни лозим даражада такомиллаштириб бориш;
- Психология билан фанлараро интеграцияни (алоқадорлик) янада такомиллаштириш кабилар.

Кейинги ўн йилликларда психологик тадқиқотларда компьютерларни кенг қўллаш янада ривожланди. Психологик экспериментларда компьютерларнинг қўлланилиши анъанавий усулга қараганда бир қанча устунликларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

- барча вазифаларни текширилувчиларга бир хил бериши;
- текширилувчининг жавобларини холис ва аниқ қайд қилиши;
- психологни машаққатли, бажарилиши оғир ишлардан (вазифаларни тақдим қилиш, текширилувчининг жавобларининг тўғрилигини текшириш, эксперимент баёнини олиб бориш, тест натижаларини қайта ишлаш) озод қилиши;
- экспериментал материалларни рандомизация қилиш (тасодифий кетма-кетликда тақдим қилиш);
- қисқа вақт оралиғида кенг масштабли психологик тадқиқотлар ўтказиш имконияти;
- олинган натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштиришда ўта кучли математик аппаратдан фойдалана олиш имконияти;
- жуда кўп қўшимча маълумотларни (жавоб беришга кетган вақт, йўл қўйилган хатолар сони ва тоифаси, текширилувчининг кўрсатмага мурожати сони ва бошқ.) қайд қилиш имконияти;
- эксперимент ўтказишда юқори малакали ходимларнинг бўлиши талаб қилинмаслиги;
- диагностик натижаларни тез олиш, бу, айниқса, клиник ҳолатлар ва психологик маслаҳат бериш учун зарур;
- динамик ва кўп модалли қўзғатувчиларни тақдим қилиш. Замонавий компьютерларнинг экранида динамик (ўзгарувчан, ҳаракатдаги) объектларни акс эттириш мумкин. Стимуллар динамик, реал ҳаётдаги объектларнинг моделлари бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтда таъсир полимодал – товуш, тасвирлар ва бошқа қўзғатувчиларни биргаликда бериш имкони пайдо бўлди;
- компьютерлар эксперимент давомида тест вақтини ошириш, чегаралаш, қўзғатувчиларни бериш темпини тезлаштириш, секинлаштириш, текширилувчига мослаштириш имкониятига эга;
- компьютер ёрдамида психолог олдин ўта мураккаб бўлган статистик методлардан фойдалана олади;
- маълумотлар банки (базаси)ни яратиш.
- тестга ўйин элементларини ва мотивацияни киритиш.
- тест натижаларини психолог учун таниш баён шаклида ёки турлитуман графиклар, жадваллар, профиллар, таҳлил қилинаётган танланманинг натижаларини умумлаштирилган, таққословчи гистограммалар,

диаграммалар тарзида акс эттириш мумкинлиги;

- интеллектуал (ақлий) интерфейс. Ақлли интерфейс психодиагностик тадқиқотни тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида, автоматик тарзда ёки талабга биноан, турли маълумотлар, тушунтиришлар, тавсияларни бериб бориши;

- компьютерлаштирилган психодиагностиканинг мақтовга лойиқ яна бир томони автоматик тарзда кенг ва асосланган психодиагностик хулосани вербал кўринишда шакллантиришидир. Автоматик психодиагностик хулосанинг икки тури фарқланади. Биринчиси текширилувчи учун мўлжалланган, иккинчиси эса психодиагност учун. Текширилувчи учун хулоса ҳаётий, тушунарли тилда, текширилувчига зарар келтирмайдиган шаклда берилади.

Педагог машғулот жараёнини интеграциялашган таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этса, талабалар дарсда ўтиладиган мавзуларни тез ва осон тушуниб оладилар. Интеграциялашган таълим воситалари асосида машғулот ўтилаётганда талабалар берилаётган билимларни пухта ўзлаштириши билан бирга олган билимларини халқ хўжалигининг барча соҳалари билан боғлашни тушуниб етадилар. Интеграциялашган таълим воситалари орқали тушунтиришда психодиагностик манбаларига оид маълумотлардан фойдаланиш педагог шахсига улкан имкониятлар яратиб беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Расулов А.И. Умумий психодиагностикаю Тошкент. 2013. 168 бет.
2. Олимов Л.Я. ва бошқ. Умумий психодиагностика. Бухоро. “Дурдона”. 2020. 680 бет.

## STRESS VA UNING INSON RUHIYATIGA TASIRI.

*Maxmudova M.N.*
*O’zbekiston milliy universiteti (Jizzax filiali)*
*Ilmiy rahbar: Toshnazarova U.A.*

**Annotatsiya:** Stressning kelib chiqishi,uning inson ruhiyati va organizmiga ta'siri. Stressning oldini olish, turli xildagi ko'ngilochar va qiziqarli mashg'ulotlar bilan stressni yo'qotish. "Men stressni yengaman" nomli metodlarni qo'llash va inson ruhiyatiga kirib borish.

**Kalit so’zlar:** Adaptatsiya, psixik stressorlar, audiomeditatsiya, uyqusizlik, depressiya.

Stress-inglizcha so'zdan olingan bo'lib, bosim, kuchlanish, tanglik degan ma'nolarni anglatadi. Stress odam va hayvonlarda kuchli ta'sirotlar natijasida sodir bo'ladigan o'ta hayajonlanish, asabiylik holati hisoblanadi. "Stress" terminini kanadalik patolog G.Selye 1936-yilda fanga kiritadi. U stress holatiga olib keluvchi omilni stressorlar deb,ular ta'sirida organizmda ro'y beradigan

o'zgarishlarni moslashuv (adaptatsiya) sindromi deb ataydi. U stresslarni fizik va psixik kabi turlarga ajratadi. Organizmda bu omillar ta'sirini yengishga qaratilgan moslashuvchi biokimyoviy va fiziologik o'zgarishlar rivojlanadi va bu stressorning kuchi ta'sir etish muddati odam yoki hayvonning fiziologik sistemasi va ruhiy holatiga bog'liq. Nerv sistemasi yuqori rivojlangan odam va hayvonlarda, his-tuyg'u ko'pincha stressor vazifasini o'taydi va u fizik stressorlar ta'siriga zamin tug'diradi. Odamda bir xil turdagi stress ham salbiy, ham ijobiy bo'lishi mumkin. Shuning uchun ham ma'lum darajadagi stresslarsiz faol hayot kechirib bo'lmaydi. G.Selye stresslarning bo'lmasligi o'lim bilan ham barobar ekanligini aytib o'tgan. Shuning uchun stresslar inson va hayvon organizmi uchun foydali bo'lishini aytadi. Ya'ni bu holat organizm imkoniyatlarini ishga soladi, salbiy ta'sirotlarga chidamliligini oshiradi,turli xildagi somatik kasalliklarni, jumladan, yurak kasalliklari, allergiya kabi kasalliklarning kechishini yengillashtiradi. Zararli stresslar organizm kuchini pasaytiradi, ko'pgina kasalliklarning kechishini og'irlashtiradi. Stressning organizmga ijobiy yoki salbiy ta'sir etishi organizmning ushbu stressorga nisbatan reaksiyasiga bog'liq. Nerv sistemasi organizmning stressga reaksiya berish holatini belgilaydi. Stress – organizmning haddan tashqari zo'riqish, salbiy emotsiyalar yoki oddiygina zerikishga bo'lgan javob reaksiyasi hisoblanadi. Stress chog'ida inson organizmi yechim izlashga undaydigan adrenalin gormoni ishlab chiqaradi. Kichik miqdordagi stress hamma uchun kerak, chunki bu kishini fikrlashga, muammodan chiqish yo'lini topishga undaydi, hatto eng qizig'i, insonda kichik stress bo'lib turmasa ham inson zerikadi. Hamma narsa o'z me'yorida bo'lganidek, agar stress juda ko'payib ketsa, tana zaiflashadi, kuchsizlanadi va muammolarni hal qilish qobiliyatini yo'qotadi. Stresslarning kelib chiqilishiga to'xtaladigan bo'lsak, ular gormonal, asab va qon tomirlarimiz bilan bog'liq bo'ladi. Stressning alomatlari judayam ko'p. Bular: doimiy bezovtalik, ba'zida bu holatlar hech qanday sabablarsiz ham yuzaga keladi. Yomon, notinch uyqu; depressiya, bosh og'rig'i va charchoq; diqqatning kamayishi,bu o'qish yoki ishda ko'p bilinadi; yig'lash, ko'z yosh to'kish, hafagarchilik, umidsizlik, o'z-o'ziga achinish hissi; ishtahaning pasayishi, ba'zida aksincha, ko'p ovqat yeyish; ko'pincha asabiy odatlar rivojlanadi, ya'ni, labini tishlaydi, tirnoqlarini tishlaydi va shunga o'xshash holatlarning ko'payishi. Ba'zi holatlarda stressning ta'siri qo'zg'atuvchining o'ziga tegishli bo'ladi. Masalan, bu jismoniy-kuchli sovuq yoki chidab bo'lmaydigan issiqlik, atmosfera bosimining pasayishi yoki oshishi. Ruhiy stress o'ta salbiy yoki ijobiy his-tuyg'ular natijasida bo'lishi mumkin. Jarohatlar, virusli kasalliklar, mushaklarning ortiqcha yuklanishi biologik stress hisoblanadi. Stressning sababi aslida insonni ta'sirlaydigan, bezovta qiladigan har qanday narsa bo'lishi mumkin. Misol uchun tashqi sabablarga biror nima tufayli paydo bo'lgan bezovtalikni kiritsa bo'ladi. Stressning ichki sabablari hayotiy qadriyatlar va e'tiqodlarni o'z ichiga oladi. Bunga shaxsiy baholashi ham kiradi. Stress va depressiya ayol va erkaklarda taxminan teng darajada uchrashi mumkin. Biroq har bir organizm o'z xususiyatiga ega. Stressning oqibatlaridan ko'ra uning sabablarini bartaraf etish ancha osonroq hisoblanadi. Depressiya og'irroq, uzoq muddatli shaklga o'tmasligi uchun har birimiz o'zimizni tarbiyalashimi, irodamizni rivojlantirishimiz kerak. Ko'pgina odamlar hozirgi kunda stressga qarshi spirtli

ichimliklar yordamida kurashishga odatlanishgan. Biroq bunga o'rganib qolish keyinchalik juda yomon ahvolga olib keladi. Organizmning stressdan ta'sirlanishi bir necha davrlarga bo'linadi. 1 davr havotirlik davri. Bu davrda organizmning himoya kuchi ishga solinadi. Organizm chin ro'y bergan xavf-xatar bilan kurashishga harakat qiladi va buning uchun ko'p kuch sarflaydi. 2 davri esa maksimal moslashish yoki stabillash deb ataladi. Bu bosqichda organizm muvozanatdan chiqarilgan, organizm zahiralarini balanslashga va ularni yangi darajada mustahkamlashga harakat qiladi. 3 davri tamoman ishdan chiqish davri. Tanazzul, ishdan chiqish, kuchsizlanish kuzatiladi. Endi esa stressning oldini olish va uni davolash choralari haqida to'xtaladigan bo'lsak, stressga qarshi, avvalo, insonda o'ziga birinchi navbatda ishonch bo'lishi kerak. Stress paytida inson organizmi uchun eng foydali mashg'ulotlardan biri bu - uyqu hisoblanadi. Muntazam mashqlar normal uyqu uchun katta yordam beradi. Stressli vaziyatni yengishda bir tekis va sokin nafas olish yordam beradi. Nafasni burun orqali chuqurroq olish kerak chiqarishda esa sekin, og'iz orqali chiqarish kerak. Stress paytida to'g'ri ovqatlanish ham muhim ahamiyatga ega. Samarali yordam beruvchi xususiyatga shuningdek, oregano o'ti va mavrak moyi ham kiradi. Stressga olib keluvchi omillarga ta'sir o'tkazishda: stressli vaziyatning asl sababi nimada ekanligini aniqlang; ushbu vaziyatni o'zgartira olishingizni baholang; oqibatlarni baholang. Stressni oldini olish: Erishilsa bo'ladigan maqsadlar qo'ying: "Men ideal bo'lishim kerak", "Dunyo menga nisbatan doimo adolatli bo'lishi kerak", degan fikrlardan yiroq bo'ling. Aksincha, stressdan chiqish uchun maqsadni boshqa tarafga o'zgartirish kerak, masalan, "Agar reja tuzib chiqsam men hammasini uddalayman", "Men buni bosqichma bosqich amalga oshiraman", "Agar uddasidan chiqmasam, men barchasini boshqatdan boshlayman" kabi rejalar tuzib olish kerak. Stressni davolashda relaksatsiya mashg'uloti olib borsak bo'ladi. Bunda ko'zlar yumiladi va burunning bir teshigidan nafas olib boshqasidan nafas olishni tasavvur qilish kerak bo'ladi. Shu tariqa navbatma navbat davom ettirish kerak. Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, inson dunyoga bir marotaba keladi. Shunday ekan, asabni asrab, kundalik turmushdagi oddiy narsalarga e'tibor bermay, yaqinlarimiz bilan urishmay, tinch-totuvlikda, hamjihatlikda yashasak, hayotimiz yanada chiroyli va sermazmun bo'ladi. Agar siz biror nimadan qattiq siqilsangiz tinch joyda,tog' yonbag'irlarida ajoyib musiqa tinglashingiz yoki sevimli mashg'ulotlar bilan shug'ullanishingiz kerak.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. F.I.Xaydarov, N.I.Xalilova “ umumiy psixologiya” Toshkent 2019
2. E. G’oziyev “ umumiy psixologiya” Toshkent “Universitet” 2002
3. Nishanova Z.”O’smirlik davri psixodiagnostika va psixokorreksiya” Toshkent. O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2010 yil.
4. Ivanov P.I. “Umumiy psixologiya” O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2008 yil.

# INSULT BILAN HASTALANGAN BEMORLARGA PSIXOLOGIK REOBILITATSIYA JARAYONINI TASHKIL ETISH

*Mahkamova L.*
*O'zMU magistranti*

Insult aholining yetuk va keksa qatlamida uchrovchi kasalliklardan biri bo'lib uning ta'sirida bosh miya faoliyatida turli o'zgarishlar vujudga keladi va natijada insonda nafaqat fiziologik jihatdan kamchiliklar balki sotsial-psixik buzilishlar kuzatiladi(biopsixosotsial). Insult kasalligi bilan hastalangan bemorlarga bemorning umumiy ahvolidan kelib chiqqan xolda reobilitatsiya jarayoni tashkil etiladi. Bosh miya insultini boshdan kechirgan bemorlarning 75-80% ish qobiliyatini yo'qotadi, faqatgina 13% gina avvalgi ish faoliyati bilan shug'ullana oladi. Insultdan keyingi reobilitatsiya jarayoni o'zining uzoq muddat davom etishi bilan tavsiflanadi.Mazkur reobilitatsiya jarayoni bemorlarda yuzaga kelgan defektlarni bartaraf etish bilan birga bemorlarni kasallikdan keyingi psixologik-sotsial adaptatsiyasini ta'minlashni o'z ichiga oladi.Bugungi kunda insultdan keyingi reobilitatsiya jarayoni nafaqat umumbiologik muommo sifatida balki psixosotsial muommo sifatida namoyon bo'lmoqda va albatta bu muammoga nisbatan biopsixosotsial yondashuvni talab etmoqda. Biopsixosotsial yondashuv o'z ichiga biologic metodlardan- medikamentoz davo, davolovchi jismoniy mashqlar, fizioterapiyalarni olsa, psixosotsial metodlar – trudoterapiya,ergoterapiya,logopedik va psixologik xizmatlarni o'z ichiga oladi.

Psixologik reobilitatsiya jarayonini tashkil etish bemorning umumiy ahvolidan kelib chiqqan xolda har bir bemorga individual yondashgan xolda amalga oshiriladi. Bunday xolatlarga odatda insultdan keyin vujudga keluvchi somatic kasalliklar, kasallik asorati sifatida yuzaga kelgan kognitiv buzilishlar, emotsional beqarorlik, kasallikka nisbatan patologik reaksiyaning paydo bo'lganligi shular jumlasidandir.

Psixologik reobilitatsiya jarayonini tashkil etish quyidagi prinsiplarga tayangan xolda amalga oshiriladi;

-Shaxsning reobilitatsiya jarayonidagi yetakchi ro'li-bunda shaxs reobilitatsiyaning har bir bosqichida asosiy ro'l o'ynaydi va adaptatsiya va korreksiya jarayonini amalga oshirishda faol ishtirok etadi.

-Individuallik-reobilitatsiya jarayoni har bir bemorga umumiy ahvoli va emotsional xolatidan kelib chiqqan xolda individual tashkil etilishi lozim.

-Reobilitatsiya jarayonining bosqichma bosqich amalga oshirilishi. Psixologik reobilitatsiyaning har bir bosqichi ma'lum maqsadlarga qaratilgan bo'lishi lozim. Masalan shaxsning kasallikka nisbatan munosabatini,mikro va makrosotsiumga nisbatan munosabatini o'zgartirishga, o'z o'zini qabul qilishga yoki ma'lum bir kognitiv buzilishlarni bartaraf etishga qaratilgan bo'lishi mumkun.

-Psixologik reobilitatsiya jarayonining uzluksizligi –kasallikning qaysi bosqichida bo'lishdan qat'iy nazar psixologik reobilitatsiya jarayoni uzluksiz amalga oshirilishi lozim. (Faqatgina bemorning og'ir xolati bundan mustasno).

Bemorlarda reobilitatsiya jarayonini tashkil etish bemorning kasallikni boshidan kechirgan vaqt oralig'iga binoan belgilanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqan xolda reobilitatsiya bosqichlari IV davrni o'z ichiga oladi.

I bosqich kasallikning o'tkir davrida –kasallik boshlangandan to 4 haftagacha bo'lgan muddatni o'z ichiga oladi. Mazkur davrda kasallik asoratlari to'liq namoyon bo'ladi. Bu davrda psixolog nafaqat bemorga ruhiy xotirjamlik yaratishi balki uning atrofidagilar- oila a'zolari va tibbiyot xodimlari bilan ham ishlashi lozim.

II bosqich kasallikdan tuzalishning ilk davrlari – kasallik yuzaga chiqqanidan to 1 oygacha muddatni o'z ichiga oladi. Mazkur davrda bemorning emotsional barqarorоligini ta'minlash asosiy maqsad qilib olinadi. Bundan tashqari bemorni kasallikdan keyingi munosabatlar va jamiyatdagi statusida vujudga keluvchi o'zgarishlarni qabul qilishga tayyorlash ham muhim ahamiyatga ega. Psixolog oilaviy psixoterapiya o'tkazishi maqsadga muvofiqdir. Tavsiya etiluvchi metodlar: Autogen tehnikalar, biblioterapiya, individual va oilaviy psixoterpiya.(bemor umumiy ahvolidan kelib chiqqan xolda)

III bosqich kasallikdan keyingi -1 yilgacha bo'lgan muddatni o'z ichiga oladi. Psixologning asosiy vazifasi bemorni o'z menini qabul etishga tayyorlash (kasallik asorati sifatida namoyon bo'lgan turli defektlar,kognitiv buzilishlar bilan),oilaga adaptatsiya jarayonini barqarorlashtirish,oila a'zolari bilan ishlash,bemorga hayotda yangi maqsad va mo'ljal olishga ko'maklashish.

Tavsiya etiluvchi metodlar: biblioterapiya, art terapiya, autogen tehnikalar, psixogimnastika, individual psixoterapiya, kognitiv buzilishlar korreksiyasi. (Bemor umumiy ahvolidan kelib chiqqan xolda)

IV Rezidual bosqichi- kasallik boshlangandan 1 yildan keyingi muddatlarni o'z ichiga oladi. Bu bosqichda kundalik hayotga va jamiyatga adaptatsiya jarayoni davom etadi. Psixologning vazifasi mazkur jarayon barqarorligini ta'minlashdan iborat bo'ladi. Bundan tashqari insultni qaytalanishini oldini olish bemorning emotsional barqarorligini ta'minlash va sog'lom hayot tarziga amal qilishiga bog'liq. Mazkur bosqichda psixolog bemor bilan yangi hayot tarzi dasturini tuzishi lozim. Bundan tashqari uning stressga chidamliligini oshirishi, autogen tehnikalarni faol tarzda qo'llashi lozim.Bu bosich psixologdan yuqori mahorat talab etib bemorning keyingi hayot sifati psixologning faoliyati natijasi sifatida yuzaga chiqadi.Bu bosqichda tavsiya etiluvchi metodlar: Biblioterapiya, art terapiya,autogen tehnikalar, psixogimnastika,guruhiy psixoterapiya, sobiq bemorlar klubini tashkil etish ham yaxshi samara beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Григорьева В.Н., Ковязина М.С., Тхостов А.Ш. Когнитивная реабилитация больных инсультом и черепно-мозговой травмой. – Н. Новгород: Ниж. гос. мед. академия, 2013. – 324 с.

2. Карина Бородулина, Марина Кузнецова, Лига Калване. Психологическая реабилитация после инсульта "Psiholoăijas Pasaule" 2004, №5 (52.-56. Lpp)

# «LIBER DE ANIMA» – ИБН СИНОНИНГ ЛОТИН ТИЛИГА ЎГИРИЛГАН ПСИХОЛОГИЯГА ОИД РИСОЛАСИ

*Маҳмудов О.В.*
*Фарғона давлат университети*
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Илмий меросини 400 дан ортиқ асар ташкил қилувчи Ибн Синонинг ҳозирда 240 та асари Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Европада фалсафа ва тиббиётга оид мукаммал асарлар муаллифи сифатида катта ҳурмат ва обрў қозонган олим, минтақа фан оламида «Avicenna» номи билан машҳур бўлганлиги кўпчиликка яхши маълум. Аллома юқоридаги соҳалардан ташқари астрономия, математика, минералогия, мусиқа каби фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлиб, мазкур фанлардаги айрим концепция, таълимот ва кашфиётларнинг яратувчиси ҳам ҳисобланади.

«Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб бораётган фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун олиб бораётган тадқиқотимиз натижаларига таяниб [6, 7, 8] қайд этиш лозимки, XII–XIII асрларда Европанинг Толедо, Сарагосса, Сеговия, Наварра, Севилья ва Барселона каби шаҳарларида олиб борилган таржима фаолиятини натижасида Марказий Осиё олимларининг 25 та асари араб тилидан лотин тилига таржима қилинган [8]. Мазкур асарларининг 9 таси айнан Ибн Сино қаламига мансубдир.

Эътибор қаратилса, мазкур тўққизта асар ичида инсон руҳиятига, яъни психологияга оид рисола ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Ибн Синонинг бу асари XII–XIII асрларда европалик олимлар орасида «Liber de Anima» («Руҳ ҳақида китоб») номи билан машҳур бўлган.

Қайд этиб ўтиш лозимки, аслида алломанинг айнан шу ном билан ёзилган асари мавжуд эмас. Ўрта асрларда ғарблик олимлар томонидан «Liber de Anima» деб номланган асар аслида Ибн Синонинг 18 қисмдан иборат ва турли фан соҳалари, жумладан, фалсафа, мантиқ, физика, математика, астрономия, метеорология, минералогия, ботаника, зоология, психология, мусиқа ва бошқа соҳаларга тааллуқли маълумотларни ўзида жамлаган «Китоб аш-Шифо» («Шифо китоби») номли қомусий асарининг психологияга оид бўлими ҳисобланади.

1020–1032 йиллар оралиғида ёзилган «Китоб аш-Шифо» ўз моҳияти ва қамровига кўра йирик асар ҳисоблангани боис [2], у XII–XIII асрларда Европа таржима марказларида қисмларга ажратилган ҳолда лотин тилига ўгирилган. Ана шу тариқа Ғарб фан оламида Ибн Сино муаллифлигидаги янги таржима-асар яратилган.

«Китоб аш-Шифо»нинг психологияга бағишланган қисми фан тарихида Толедо мактаби номи билан юритилувчи муассасада Доминго Гундисальви ва Ибн Довуд исмли таржимонлар томонидан лотин тилига ўгирилган. Таржима қўлёзмасига «Dominico Gundisalvo» ва «Magister Io. Havendana

[Avendeuth]» деб имзо қўйилган бўлиб, у Толедо архиепископи Хуанга бағишланади, мазкур маълумот таржимани 1152–1166 йиллар оралиғида бажарилганини англатади. Чунки, Испания тарихида Хуан исмли шахс айни шу йилларда архиепископ лавозимида ишлаган. Иш ҳамкорлик услубида амалга оширилган бўлиб, бу ҳақидаги маълумот таржиманинг кириш қисмида сақланиб қолган. Жумладан, таржима сўз бошида Ибн Довуд архиепископ Хуанга шундай сўзларни ёзади «Сизнинг қўлинггизда араб тилидан таржима қилинган навбатдаги китоб бўлиб, уни аввал ўз она тилимга сўзма-сўз ўгирдим, архидиакон Доминго менинг сўзларимни лотинчага таржима қилди» [3]. Бундан кўринадики, Ибн Довуд асарни дастлаб яҳудий тилига таржима қилади. Доминго Гундисальви бу таржимани қайта ишлаб классик лотин тилига ўгирган.

Улар тарафидан яратилган таржима Европа фан оламида «Opus egregium de Anima» («Руҳ ҳақида ажойиб асар»), «Liber sextus naturalium» ёки «Liber sextus de naturalibus» («Физиканинг олтинчи китоби») номлари билан ҳам машҳур [2].

Д.Гундисальви таржимаси 1968 йилда «Avicenna Latinus» («Ибн Синонинг лотин тилидаги илмий мероси») тўпламида [1] чоп этилган. Ибн Синонинг ушбу асарини замонавий тадқиқотчилардан Нодир ал-Бизрий [4] Аристотелнинг шу номдаги китоби билан таққослаб, махсус ўрганди.

Ўз вақтида бу таржима билан Толедо черковининг фалсафа ўқитувчи Доминик Гундиссалин яқиндан танишиб, Ибн Сино таълимоти таъсирида «De Anima» («Руҳ тўғрисида») ва «De immortalitate animae» («Ўлмас руҳ ҳақида») номли рисолалар ёзиб қолдиради [5].

Доминго Гундисальви ва Ибн Довуд таржимаси Париж Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланади. Уни 1949 йилда француз олимаси Мария-Тереза де Альверний XIII асрнинг 60–80 йилларига алоқадор қўлёзмалар орасидан топган бўлиб, таржима 6286 рақами билан рўйхатга олинган.

Алломанинг энг машҳур асари ҳисобланган «Ал-Қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари») китобини Европада XII таржима қилинганлиги ва ундан то XVIII асрга қадар Европа университетларида тиббиётдан асосий дарслик сифатида фойдаланилгани тўғрисидаги маълумотларни бугунги кунда мактаб дарсликларидан тортиб, йирик илмий нашрларда ҳам учратиш мумкин. Бироқ, бу борада, алломани намуна сифатида кўрсатувчи бошқа асарлари ҳам мавжуддирки, улар ҳақидаги маълумотларни кенг омма эътиборига ҳавола этиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Таклиф

Юқорида келтирилган маълумотлар, ўрта асрларда Европада тиббиёт қаторида яна кўплаб фан соҳаларининг шаклланиши ва тараққиёти бевосита Ибн Сино номи билан боғлиқ эканлигини тасдиқловчи фактлардир. Айтиш керакки, булар юртимиздан етишиб чиққан бир нафар алломанинг фақатгина битта асари мисолидаги маълумотлар, холос. Ўзбекистон ўнлаб ана шундай мутафаккирларнинг Ватани. Улар яратган кўблаб нодир асарлар ғарб халқларининг ҳам маънавий ҳам интелектуал салоҳияти ривожида беназир

ўринга эга. Айни масалалар навбатдаги махсус мақолалар учун мавзу бўлади. Бу борада ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган, оддий ўқувчилар билиши лозим бўлган қизиқарли маълумотлар талайгина. Бизнингча, улуғ аждодларимизнинг Европадаги илмлар ривожида тутган ўрнига оид қимматли маълумотларни таълим соҳасига, жумладан, дарсликларга кўпроқ киритиш лозим. Афсуски, ҳозирда бундай қизиқарли маълумотлар асосан соҳа мутахассисларигагина аён бўлиб қолмоқда. Албатта, бундай буюк аждодларимиз билан қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Бироқ, айни вақтда ёшларимизни фақат ғурурланиш туйғуси билан эмас, балки боболаримиз яратган ана шу бебаҳо меросга ўз хиссасини қўшиш руҳида тарбияламоқ лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. Avicenna. Avicenna Latinus: Liber de anima seu sextus de naturalibus V–VI. / Ed. S. van Riet. – Leiden: Brill, 1968. – 214 p.
2. Bertolacci A.A Community of Translators: The Latin Medieval Versions of Avicenna's Book of the Cure // Communities of Learning: Networks and the Shaping of Intellectual Identity in Europe 1100–1500. / Ed. C. J. Mews, J. N. Crossley. – Turnhout, 2011. – P. 37–54.
3. Burnett C. Translating from Arabic into Latin in the Middle Ages // Ein internationales Handbuch zur Übersetzungforschung. – Berlin: de Gruyter, 2007. – S. 1231–1238.
4. El-Bizri N. Avicenna's De Anima between Aristotle and Husserl // The Passions of the Soul in the Metamorphosis of Becoming. / Ed. A. Tymieniecka. – Dordrecht: Kluwer Academic Publishers, 2003. – P. 67–89.
5. Hasse D.N. Avicenna's De Anima in the Latin West. The Formation of a Peripatetic Philosophy of the Soul 1160–1300 – London: The Warburg Institute, 2000. – 321 p.
6. Makhmudov O.V. Some reasons about employees of the translator Domingo Gundisalvo in Toledo School // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. 2017. Vol. 1 (2). P. 3–7.
7. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. 193 p.
8. Makhmudov O.V. Translations carried out in the Spanish translation centers (On basis of the works of scientists of antiquity and Muslim east) // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). 2017. Vol. 6 (2). P. 5–20.

# РУҲАН СОҒЛОМ ХОМИЛАДОР АЁЛ “СОҒЛОМ БОЛА – СОҒЛОМ ОНА” КАФОЛАТИДИР

*Махмудова С.*
*мустақил изланувчи, психолог*

Маълумки ҳар қандай жамият оиладан бошланади. Шунга кўра, ана шу жамиятнинг биринчи бўғини бўлмиш оилада вужудга келадиган, керак бўлса, том маънода келажагимизни белгилаб берувчи мурғак қалб эгаси учун, унинг саломатлиги, ҳар тамонлама етук, баркамол инсон бўлиши учун ҳар биримиз бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Шунингдек шу туғилажак фарзандни 9 ой давомида синовлардан муваффаиятли ўтиб ҳеч қандай асоратларсиз бўлишига йўл қўймаслик ҳам бизнинг қўлимизда. Солиҳ, ақли расо, саломатлиги тўкис авлод ҳар биримизнинг дилимизда, тилимизда онг шууримизда бўлади, мана шу орзу истакларимизни рўёбга чиқариш учун нафақат бир киши балки ҳамма биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун еса жаннатмакон ўзбекистонимизда барча шарт шароитлар яратиб берилган.

Бола туғилишининг биринчи ҳафтасиданоқ кўриш ва ешитиш сезгилари жадал ривожланади. Бола ҳаракатланаётган нарсани кузата бошлайди. У товушларга, жумладан катталарнинг товушларига эътибор бера бошлайди.

Илк болалик бу боланинг химоясиз, камаракат, ҳаракат ҳолатидан жуда жадал равишда ривожланадиган, қувноқ болага айланиш давридир. У жуда тез катталар билан муносабат ўрнатади, предметларни ушлашга ва улардан фойдаланишга ўрганади. У атроф оламдаги нарсаларни кузатади, предметларни қўли билан ушлаб уларни қандайлигини билишга интилади, товушларга этибор беради ва предметлар ёрдамида шу товушларни ўзи яратишга ҳаракат қилади. У ўз онаси ва бошқа яқинлари билан эмоционал муносабатга киришади. Гўдак ёшидаги бола ҳам жисмонан, ҳам психик, ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда тез ривожланади. Жуда қиқса вакт ичида атрофдаги ҳодисаларга жуда кам реаксияси бўлган боладан, фаол кўра оладиган, ешита оладиган, ҳаракатлана оладиган, ёрдамга чақира оладиган, катталарнинг яқин келишидан қувонадиган болага айланади.

Бола психикасининг тараққиёти ҳақида гапиришдан олдин тарққаиётнинг туб моиятини тушуниб олиш керак. Ривожланиш ҳақида фикр юритилганда одатда “ўсиш” ва “тараққий этиш” сўзларидан фойдаланилади. ўсиш деганда миқдорий жихатдан ортиш, улғайиш тушунилади. Тараққиёт деганда еса, фақат миқдорий жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўзгариш тушунилади. Шунинг учун ўсиш жараёнига қараганда тараққиёт жараёни анча мураккаб жараёндир. Тараққиёт оддий миқдорий ортишдан ташқари бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш билан ҳам боғлиқдир. Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги та’лимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил етиб келмоқда. Биогенетик консепсияга назар солсак, инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик

тузилишига тенглаштирилган еди. Психик ривожланиш эса наслий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидланган эди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намоёндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари “ички қонунлар” асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлидир, дея таъкидланади. Ҳомиладорлик даврида аёл организмида шундай мураккаб гормонал ўзгаришлар вужудга келадики, аёллар тез асабийлашувчан, йиғлоқи бўлиб қолади, албатта бунга ён атрофдагиларнинг оиланинг аҳамияти катта.

Ҳомиладорлик даврида айниқса, бизнинг ўзбек келинлари ўзларига етарли даражада этибор беришмайди ёки катталар томонидан турли тазйилар туфайли этибор бера олишмайди. Натижада ҳомиладорлик даврининг оирро кечишига омиладаги турли салбий ўзгаришлар юзага келишига замин яратилади. Шу билан бир каторда, ҳомиладорликдаги токсикознинг оғирроқ кечиши организмдаги витаминларнинг етишмовчилиги ёки бўлажак она вақтида дам олмаслиги натижасида келиб чиқувчи ҳолсизлик, сурункали чарчоқ, камқонлик асоратларининг пайдо бўлиши, бора бора аёлнинг депрессияга олиб бориши мумкин. Статистикага кўра 20% аёллар депрессияга мойил бўлади, ҳомиладорлик даврида еса турли муносабатлардаги муаммолар, стрессли вазиятлар, асорат ва психологик жарохатлар, турли кўнгилсизликларни олдиндан бўлишига нисбатан қўркув, ёнида якин инсонларининг бўлмаслиги депрессияга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса бевосита бола организмига ҳам таъсир этади, она ҳомиладорлик даври қандай кечган ва қандай ҳис-туйғуларни ҳис қилган бўлса бола ҳам ривожланиш давридаёқ буларнинг барчасини ҳис қилишади. Депрессия ҳолати ланжлик, турли қўркувлар, инжиқлик, ғамгинлик, хавотир, умидсизлик, уйқусизлик ёҳуд уйқуга тўймасликда, йиғлоқиликда ўз ифодасини топади.

*Хўш, нега аёл организмида бўлаётган ўзгаришлар, унинг психикасига ҳамда ҳомилага таъсир кўрсатади?*

Ҳомиладорлик даври бола ривожланишини 1-3-ҳафтасида ендигина аёлда сперматозоидлар бачадон уруғланиб, ҳомила пайдо бўлаётган даврдир. Бунда она ўзини қандайдир ноҳуш ҳис қилиши мумкин. Бу даврда кўпроқ ўзига хуш ёққадиган нарсаларни ейиши масадга мувофиқдир. Организмда бу вақтда кўплаб қон таркибий елементларининг ўзгариши кузатилади, агар онада бу пайтда камқонлик мавжуд бўлса, ҳомила ривожланишида турли нуқсонлар юзага келиши мумкин.

4-12 ҳафта давомида боланинг барча аъзолари ривожланиб аста секин шаклга кира бошлайди. Она айнан шу даврда инжиқ, таъсирчан бўлиб қолади, кўнгил айниши, қайт қилиш ехтимоли юқори бўлади. Бола тахминан 5-6 см бўлади. Организмда турли моддалар етишмовчилиги айниқса фолий кислотасига бўлган ехтиёжнинг айни палласи юзага келади, бунда турли витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиши ёки бунинг имкони

бўлмаса витаминлар тўпламини ўзида жамлаган поливитамин дори воситаларини шифокор кўрсатмаси билан қабул қилиш керак бўлади.

13-17 ҳафталигида деярли бутун бадани майинсоч ва тукчалар билан қопланади. Аёлда кўкрак учларида ўзгаришлар пайдо бўлиши, қорин чизиғи бўлиши, аёлдаги турли оғриқлар пайдо бўлиши кузатилади. Бу даврда витамин Б 2, нон ва сут маҳсулотлари тухум, жигар, гўшт масулотларини кўп истэмол қилиш керакки, зеро улар камқонлик, нерв тизимидаги бузилишларнинг олдини олишда бизга ёрдам беради.

18-23 ҳафталигида бола анча катталашиб бола кўпроқ кислородга мухтож даври деб айтилади. Бу даврда она жиғилдон қайнаши, милклар шишиши кузатилади. Она шу даврда кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиши, тоза сувлар ёнида соатлаб дам олиши асаб толаларининг тинчланишига ва боланинг нерв толалфри яхши ривожланишида ёрдам беради.

24-27 ҳафталарда онада оғир ишларни қилиш, ҳомиладорликка бепарволик натижасида кўпроқ камқонлик, оёқ томирлариниг варикозлари, турли даражадаги оғриқлар вужудга келади..

28-36 ҳафталарда бола тўлиқ шаклланади ва туғруққа тайёргарлик даври ҳисобланади. Айнан шу вақтда бола тўлиқ эшитади ҳис қилади, кулади, йиғлай олади ва шу вақтдаги стресслар натижасида болада тонус юзага келиш хавфи мавжуд, бундан ташқари она ўзига эътиборсизлиги туфайли анемия натижасида бола ўқига ўралиб қолиши мумкин. Ҳомиладорлик даври қанчалик оғир кечса туғилган бола шунчалик инжиқ, нимжон, йиғлоқи, тажанг ҳамда тез касалланувчан бўлади.

Юқоридаги барча муаммоларни инобатга олган ҳолда, юртимизда бажарилаётган барчаислоҳотларга қўшимча сифатида турли сўровномалар, эксперимент натижаларидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, ҳар бир ҳомиладор аёллар оилавий шифокор ҳамда гинеколог билан бир қаторда Психолог штати ташкил қилинса ва ҳар бир ҳомиладор аёл туғруққа қадар мана шу психолог билан бирга иш олиб борса, тренинг, амалий машғулотлар орқали ҳомиладорликнинг нормал кечишида, ҳомиланинг ҳар томонлама яхши ривожланишига, туғилгач бола тарбиялашга уни парваришлашга психологик жиҳатдан тайёрлашга хизмат қилса айни мақсадга мувофиқ бўлар еди. Бу психологнинг ҳомиладор аёл билан ишлашдаги асосий мақсади уйидагилардан иборат бўлади:

- ҳомиладорликнинг ҳар бир ҳафтасида турли қийинчиликларда қандай йўл тутишни ўргатиш;
- оила аъзолари билан биргаликда ҳомиладорликни нормал кечишидаги уларнинг эътиборлари қанчалик муҳим аҳамиятини тушунтириш ишлари олиб бориш;
- стрессларни қандай тарзда бартараф етиш;
- оналикка психологик тайёрлаш;
- ҳомила ривожланишида болага керакли барча емоционал жиҳатларни тренинг ёрдамида тушунтириш;
- ҳомиладорликдаги депрессияни бартараф етиш ҳамда олдини олишга қаратилган амалий машғулотлар;

- туғрук жараёнидаги оғриқларни камайтиришга ажратилган амалий машғулотлар;

- “ҳомиладор аёл ва меҳрибон эр бахтли оила тренинги оркали эр-хотин муносабатларини мустакамлаш

- оиладаги қайнона унинг ҳомиладор келинга нисбатан муносабатларни яхшилашга қаратилган чора тадбирлар;

- доимий чарчоққларни қандай енгиш усулларин амалда ўргатиш;

- очиқ табиатдаги турли амалий машғулотлар оркали кислород танқислигини йўқотиш;

- йўга машғулотларини психологик машғулотлар билан биргаликда қўллаш.

Буларнинг барчаси ҳомиладор аёлнинг нафақат жисмоний балки руҳий эмоционал ҳолатини соғломлаштириб, туғилажак бола психикасига ҳам мана шу машғулотлар оркали ижобий таъсир кўрсатиб асоратли фарзандларнинг юзага келишини камайтириш, оила мустакамлигини та’минлаш, инсонлар аро ижтимоий алоқаларни яхшилашга, соғлом онанинг соғлом авлоди, интеллектуал салоҳиятли келажак асоси бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари шахсан психолог тренер ўзи ҳомиладорликда мумкин бўлган жисмоний машқлар масалан, йўга машғулотларини психологик таъсир ўтказиш жараёнида қўллаб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки айнан психолог онанинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий имкониятларини ва индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш кўради. Бу томонидан амалда белгилаб берилган 5 ташаббус доирасидаги бўлаётган ислоҳотларнинг янада жадаллашувига ўз таъсирини кўрсатади ҳамда юртимизда келажак авлоднинг етук интеллектуал ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизку, бир қатор сўровномалар натижасида олаётган маълумотларимиздан амин бўлдикки, кўпчилик оилалар ҳомиладор аёлларга нисбатан бефарқ бўладилар, унинг кечинмалари, руҳий ўзгаришлари билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, бундан ташқари аёлга ҳомиладорлик даврида стрессли вазиятларга тушиши ҳомила ҳаёти учун хавфли эканини инобатга олишмайди, керакли витаминлар қабул қилишига шароит ҳам яратиб беришмайди, шифокор томонидан ўзингизни асранг, сиқилманг кўпро очиқ ҳавода сайр қилинг каби доимгидек гапларга парво ҳам қилишмайди ёки оила аъзолари “Ҳомиладорлик касаллик эмас, мен ҳам туғганман ҳеч нима қилмайди” қабилида иш тутишлари туғрук жараёнидаги, онанинг эрта туғруқни бошидан кечириши, депрессив характерга эга бўлиши, бола психикасидаги ўзгаришлар вужудга келиши каби муаммоларнинг ечими сифатида бу таклиф ҳозирги пайтда ўз долзарблигини кўрсатмода.

**ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ш.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. ” “ўзбекистон” 2016

2. З.Т.Нишанова “Психологик хизмат ” Тошкент 2007

3. Ғ.Жалилов С. Турсунов “Болалар касалликлари ва уларнинг анатомик фозиологик хусусиятлари” 2006

## SPORTCHILARNING MUSOBAQA OLDI PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI

*Meliqo'ziyeva Sh.B.*
*O'zbekiston Davlat Jismoniy tarbiya va sport universiteti talabasi*

Ezgulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik doim yonma-yon yurgani kabi, xursandchilik va g`am-qayg`u ham hamisha yonma-yondir. Bunday vaziyatlarda insonning ruhiy holatida ham o`zgarishlar kuzatiladi. Irodasi mustahkam, hamisha qiyin vaziyatlardan chiqib keta oladigan insongina o`z maqsadiga erishadi. Kuchli iroda va mustahkam ishonch sportchi uchun muhim hisoblanadi. G`alabani ta`minlovchi asosiy omil ham aynan sportchining ruhiyatiga bog`liq. Shunday vaziyatlar bo`ladiki, g`olib bo`lishiga ishonchingiz komil bo`lgan jamoangiz oxirgi daqiqada muvaffaqiyatsizlikka duch keladi yoki siz g`olib bo`lishini istagan sportchi yengiladi. Bularning barchasi sportchilarning ruhiyatiga bog`liq. Jismonan va ruhan chiniqqan sportchi har qanday vaziyatga to`g`ri baho bera oladi, raqibining maqsadini oldindan anglab, uni mag`lub etish yo`lini oson aniqlaydi. Buning uchun nima qilish kerak? Avvalo, musobaqaga tayyorgarlik ko`rayotgan sportchining ruhiy zo`riqishiga yo`l qo`ymaslik zarur. Musobaqa oldidan turli noxush xabarlar, jismoniy va ruhiy bosim spotchiga so`nggi daqiqada pand berib qo`yishi mumkin.

Sport boshqa faoliyat turlaridan o'z subyekti, his-tuyg'ularining o'ta junbushga kelishi va kuchli hayajonlanishi bilan farqlanadi. Chunki musobaqada ishtirok etayotgan sportchi ustoz va yaqinlari, Vatani oldidagi mas`uliyatni yelkasiga olib maydonga tushadi. Sportdagi bellashuvlar, olishuvlar, ularda faqat kuchli ta'sirlanishni vujudga keltiribgina qolmasdan, musobaqada ishtirok etayotgan juda ko'p qatnashuvchilarda, jumladan, tomoshabinlarda ham hayajonlanish, xursandlik va xafa bo'lish kabi his-tuyg'ularni yuzaga keltiradi. Turli xil sport musobaqalari millionlab kishilarni o'ziga jalb qila oladi hamda kishilarda mavjud bo'lgan eng yuksak his-tuyg'ularni uyg'otib yuboradi. Musobaqa oldidan sportchiga ruhiy bosim o`tkazish noo`rin. Aksincha, unga mag`lubiyat yakun emasligi, yana imkoni borligini tushuntirish kerak. Shu bilan birga sportchini ruhlantirishda unga ijobiy ta`sir qiladigan xabarlarni topa olish murabbiyning mahoratiga bog`liq. Aytaylik, Vatan bayrog`i, uyiga qaytganda uni intizorlik bilan kutayotgan yaqinlari, maqsadga bir qadam qolgani haqidagi motivatsiyalar sportchining kuchiga kuch qo'shadi. Ba`zan guvoh bo'lamiz, jismonan zaif deb hisoblagan sportchimiz kutilmagan vaziyatda kuchli ko`ringan raqibini yengishi mumkin. Bu uning psixologik tayyorgarlikdan yaxshi o`tganini anglatadi.

Psixologik tayyorgarlikning umumiy maqsadi sportchining sportda yuqori darajadagi yutuqlarga erishishi uchun zarur bo'lgan psixik sifatlarni rivojlantirish,

unda psixik barqarorlik va mas’uliyatli musobaqalarda ishtirok etishga tayyorlik holatini qaror toptirishdan iboratdir. Sportchining musobaqa oldi psixologik tayyorgarligida emotsional holatlarning ahamiyati kattadir. Sportchilardagi emotsional harakatlar sport musobaqalari jarayonida vujudga keladi. Harakatning kuchlanish dinamikasi raqib bilan musobaqalashishda katta kuchlanish va qiyinchiliklarni yengishda paydo bo'ladigan irodaviy faollik, sportchining o'z oldiga qo'ygan maqsadiga erishishida ko'rinadi. Bularning barchasi sport faoliyati jarayonida paydo bo'ladi. Yuqori kuchlanish bilan emotsionallik holatining o'zgarishi, xursandchilik bilan xafagarchilikning almashinib turishi yoki, aksincha, qarama-qarshi o'zgarish, ya’ni g'azablanish o'rnini yana g'alabaga ishonch, xursandchilik, yaxshi kayfiyat va boshqa emotsional holatlar egallashi tabiiy holdir. Aynan shu holat sportchi ruhiy holatini boshqarish muammolarini keltirib chiqaradi. Sportchilarda mashq va musobaqa jarayonidagi o'zgarishlardan: yurak faoliyati, nafas olishdagi farqlar, har xil og'riqlar, chidamsizlik, noxush tuyg'ular, ko'p terlash, muskullardagi biotoklar, endokrin reaksiyalar bilan bog'liq turli xil emotsional o'zgarishlar aniqlangan.

Sport insondagi faol ruhiy ko'tarinkilik va xafagarchilikni, sportchining emotsional tayyorgarligini, butun organizmidagi bor imkoniyatlarni musobaqa jarayonida namoyon etish imkonini beradi. Sportchining emotsional holatini startdan oldin yuqori darajaga ko'tarilishi (masalan, uzoq va qisqa masofaga yuguruvchilarda, bokschilarda), muskullarining katta tezlikda ishlashi natijasida yurak urishi tezlashadi, tomirlaridagi qonning yurishi tezlashadi. Shuningdek, aniq faoliyat jarayonida vujudga kelgan his-tuyg'ular bajariladigan harakatlar natijasiga katta ta’sir etadi. Bu sportchining ishchanligini oshiradi, organizmining faoliyat jarayonini tezlashtiradi, sportchining xulq-atvorini yaxshilaydi, ichki harakat motivlarini o'stiradi, musobaqada g'alabaga erishishini ta’minlaydi. Sportchining kuchlanishli emotsional tuyg'ulari va musobaqalarga ruhan tayyorgarligi jismoniy mashqlar va turli sport o'yinlari jarayonida shakllanib boradi. Shuningdek, sportchilarda o'rinli g‘azablanish yoki mag‘rurlik va to’g’rilik kabi sifatlarning kamol topishi ularda musobaqalashish ishtiyoqini oshiradi. Sportchilar o’tgan sport musobaqalarida qo’lga kiritgan g’alabalari bilan xotirjam bo'lib qolmasdan, muntazam ravishda o'tkaziladigan sport mashg'uloti va musobaqalarida yuqori ko'rsatkichlarga erishish uchun o'zlarini ruhan tayyorlab borishlari lozim. Sport amaliyotining keyingi natijalariga ilmiy asosda yondashilsa, sportchining oldingi musobaqalarda ko'rsatgan natijalariga qarab, uning yaqin kunlarda bo'ladigan musobaqalarda qanday ko'rsatkichlarga erishishi haqida tajribali mutaxassislar ham aniq xulosa chiqarishga ojizlik qiladi.

Musobaqalarda yuqori natijalarga erishib yurgan sportchilar, odatda, o'zlarini kuchli sportchilar qatoriga qo'yadilar. Biroq kutilmaganda shu kuchli sportchi bilan birga mashq qilib yurgan, sport musobaqalarida biror marta ham ijobiy natijaga erisha olmagan sportchi bir qancha vaqt o'tgandan so'ng musobaqalarning birida yuqori natijaga erishib, kuchli sportchilar qatoridan joy oladi. Bunday hodisalar sport faoliyatida tez-tez uchrab turadi. Binobarin, murabbiydan har qaysi sportchi bilan bir xil munosabatda bo'lishga odatlanish, ularga ko'zlangan maqsadga erishish yo'llari haqida bir xil to'g'ri ko'rsatma va maslahatlar berib borish talab

qilinadi. Murabbiy sportchida shunday ishonch tug'dirmog'i lozimki, sportchi jismoniy mashq va musobaqalar jarayonida har kuni ichki ruhiy faollik va mahorat kasb etib, sport ustaligi ko'rsatkichlariga erishish darajasiga ko'tarilsin.

Sportchilarining startdan oldingi ruhiy holatini murabbiylar, fiziologlar, psixologlar ko'p yillardan buyon o'rganib kelmoqdalar. Lekin sportchilarning startdan oldingi ruhiy tayyorgarlik holati haqidagi ko'plab muammolar, masalalar shu kungacha maqsadga muvofiq ravishda ishlab chiqilmagan yoki ilmiy hal qilinmagan. Psixolog olim Z. Myuller ayrim risola va maqolalarida xalqaro sport musobaqalarida sportchilaming qoniqarsiz ko'rsatkichlari faqat ularning jismoniy, texnik yoki taktik tayyorgarligigagina bog'liq bo'lmasdan, balki ularning musobaqadan oldingi ruhiy tayyorgarlik holatiga ham bog'liq ekanligini birmuncha batafsil tushuntirib berishga erishgan.

Sportchining musobaqa jarayonidagi ruhiy hayajonlanish holati xilma-xil shakllarda namoyon bo'ladi. Ularning musobaqadan oldingi yuqori darajadagi ruhiy tayyorgarlik holati qiyin vaziyatlarda ham o'zini tuta bilishi hamda o'zini to'g'ri boshqarishida ko'rinadi. Sportchining musobaqadan oldingi ruhiy holati uning oldingi turli xil musobaqalarda erishgan muvaffaqiyatlariga ko'p jihatdan bog'liq bo'ladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, sportchining takomillashishida psixologik tayyorgarlik xuddi uning jismoniy, texnik va taktik tayyorgarligi kabi o'ta muhim ahamiyat kasb etishi bilan birgalikda kundalik hayotida ham maqsadga intiluvchan bo'lishida va o'ziga nisbatan ishonchining ortishida zarur omil bo'lib xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Masharipov Y. Sport psixologiyasi. -T.: O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.

2. Boymurodov N. Amaliy psixologiya. -T.: Yangi asr avlodi, 2009.

3. Shcherbakov. A.I. Umumiy psixologiyadan amaliy mashg`ulotlar. -T.: O`qituvchi, 1984.

## SHAXS ONGINI RIVOJLANTIRISH

*Mirzayev D.*
*Termiz Davlat universiteti talabasi*

*Yutuqlarga erishgan barcha insonlar tirishqoqlik bilan qulay muhitni qidirgan, topa olmagach, uni o'zlari vujudga keltirgan kishilardir.*

*Bernard Shou*

Agar siz bugun o'zingizni o'zgartirmoqchi yoki qaysidir maqsadingizga erishmoqchi bo'lsangiz, ishni ushbu maqoladan boshlang.

O'qishni Oliygohlarni bitirgach deyarli hammamizning oldimizda turli savollar ko'ndalang bo'la boshlaydi: «Nima qilishni bilmay qoldim», «Qaysi kasbni tanlasam ekan?», «O'qishni davom ettiraymi?», «Qaysi soha bo'yicha ketganim ma'qul?». Agar bu borada qiynalayotgan bo'lsangiz, bilingki, o'zingizni yetarli darajada tanimagansiz.

Hayot va vaqt ikkita muallimdir:

Shunchaki yashashimiz mumkin, yoki o'z hayotimizni o'zimiz istagandek yaratishimiz mumkin.

Sizda hayotingiz bilan bog'liq qiyindek tuyulgan qarorlarni osonlashtiruvchi uchta asosiy yo'nalish bor. Siz, avvalo, ularni yaxshilab bilib oling.

- Orzularingiz.
- Yashashdan maqsadingiz.
- Qadriyatlaringiz

Agarda kelajakdag orzularingizni yashashdan maqsadingizni va qadriyatlaringizni aniq bilmasangiz umr yo'lingiz ham oddiy, zerikarli, mazmunsiz bo'lib qolaveradi.

Dunyo bugungacha ko'rgan katta yutuqlar avval bir orzu-xayol edi. Eng bahaybat chinorlar ham avval bir kichik qalamcha, eng katta qushlar esa oddiy tuxumlar bo'lgan.

Mashxur odamga savol berishibdi:

- insonning qaysi harakati sizni hayratga solgan?

Olim birma bir sanay boshlabdi;

- Bolalikdan zerikadilar va tezroq ulg'ayishga shoshiladilar. Vaqti kelib bolalikni sog'inadilar.
- Pul topaman deb sog'liqni yo'qotadilar, ammo sog'liqni qaytarish uchun yana pul sarflaydilar.
- Ertangi kunni o'ylab havotr oladilar-u bugunni qadrini unutadilar. Shuning uchun ham na bugunni na ertanni deb yashaydilar. Dunyodan yashamagandek o'tib ketadilar.

Orzularingizni chegaralamang. Aksincha, ularni turli hayollar bilan boyiting. Har bir insonning orzulari uning saviyasini belgilaydi. Orzularingizni baland-kattaligi kelajakka nisbatan munosabatingiz va dunyoqarashingiz kengligiga bog'liqdir.

Barchamizda ikki yo'l bor: shunchaki yashashimiz mumkin, yoki o'z hayotimizni o'zimiz istagandek yaratishimiz mumkin.

Bir donishmanddan shogirtlari kelib so'rabdilar. Hayot nimadan iborat deb,

Ustozi ularga qarab; «Qavs ochiladi chiziqcha keyn qavs yopiladi» shundan iborat debdi.

-Qavs ochilishi bizga bog'liq emas, qachon ochiladi?, qaysi oilada dunyoga kelamiz?, ismimiz, jinsimiz bizni belgilamaydi.

-Qavs yopilishi ya'ni hayotimiz qachon tugashi bizga bog'liq emas.

-Lekn har ikkala qavs orasidagi chiziqlar bizga bog'liq, uni qanchalik chiroyli utkazamiz uni o'zimiz belgilaymiz.

O'rzu qilishda birgina qoida bor: u ham bo'lsa faqatgina sizning ishonchingizdir.

Siz orzularingizni kengaytiring va unga doim ishining. Chunki haqiqiy ishonch bu- korinmaganiga, mavhum narsaga ishonishdir. Agarda siz ko'rinmaganiga ishonsangiz, hayotda boshqalarga ma'lum bo'lmagan ko'p narsalarni ko'rasiz.

Maqsadni belgilar ekansiz muhim bir jihatga ahamiyat bering. Hozirgi kunda omad va muvaffaqiyatlarga erishish sirlari haqida juda ko'p kitoblar bor. Ammo ular sizning yashash maqsadingizni belgilab bermaydi. Chunki ular yutuqlarga erishgan birgina odamni misol qilib ko'rsatadi. Ularning hiylasi shu yerda. Vaholanki, muvaffaqiyatga erishish uchun harakat qilgan minglab insonlar bor, ulardan birginasi marrada. Siz esa namuna qilib ko'rsatilgan birgina insonga taqlid qilib, ortidan yugurasiz, o'zligingizni yo'qotasiz qiynalasiz… Aslida, yashash maqsadingizni qalbingizda shakllantirishingiz, rivojlantirishingiz kerak. U faqatgina sizga bo'lsin. Eng asosiysi, bu maqsadingizga o'zingiz chin dildan ishonishingiz lozim.

Hayot bizga qorong'u bo'lib ko'rinishi - qiyinchiliklarning ko'pligidan emas, kuchimiz ozligidandir. (Pyer Kornel).

Qo'rquv shubha va havotirlar atrofingizni o'ragan devorlardir. Bu hayotda katta yutuqlar va muvaffaqiyatlarga erishishni istasangiz, bu devordan tashqariga, ichida o'zingizni qulay his qilgan hayotingizdan umrning gavjum ko'chasiga qarang, shundagina, tajribangiz ortadi. Lekn sizni muvaffaqiyatlarni to'sadigan quyidagi fikrlar chalg'itmasn.

- bu ishim o'xshamaydi.
- buni oldin hech kim amalga oshirmagan.
- buni qilishga pulim yo'q.
- bunga tayyor emasman.
- Qanaqa bo'larkin…

Muvaffaqiyat sizning oldingizga kelmaydi. Siz uning oldiga intilib, kurashib borasiz. Bu yo'l davomida har xil qiyinchilikarga uchraysiz. Duch kelingan har qanday qiyinchilik sizni hayotga yanada yaqinlashtiradi.

Hayotda eng zavqli ish - boshqalar «eplolmaysan» degan ishlarni amalga oshirishdir. (Uolter Beyight).

Men uchun ota-onam hech narsa qilmadi, qarindoshlarim meni qo'llab-quvvatlamadi, degan gaplarni ko'p eshitgandirsiz. Ota-ona va yaqinlar sizga yordam berishga majbur emas. Siz o'z hayotingizni o'zingiz shakllantirib o'zingiz erishishingiz kerak.

Turli muammolar sabab umidsizlikka tushsam, xarsangtosh ustasini kuzatar edim. Usta qo'lidagi asbob bilan toshni yuz marta ursa ham tosh o'sha holatda turar. Hatto biror yeri dars ketmas edi. Bir yuzi birinchi marta zarba berganida tosh tosh ikkiga bo'linib ketardi. Shunda tushunardimki, toshni parchalagan oxirgi zarba emas, undan avvalgi yuz zarbadir. (Jeykob Riss).

Erkak kishi uchun joiz bo`lgan so`zlarni nojoiz ishlatganligi oqibatida qaynoning o`g`lini qizg`onishi bir oilani barbod qilibgina qolmay, bir norasidani yetim bo`lishiga sabab bo`ldi. Mening murojaatim ko`proq qaynonalarga. Nima sabab o`g`lingizni oilali qilib, kimningdir jigarbandini olib berganingizni unutasiz. O`g`ilni” ishlab topgan pulingni menga olib kelasan, ona -bitta, xotin- ko`chada, bola- belda’ degan shiyorlar bilan miyyasini zaharladingiz. Sizning ham qizingiz kimningdir eshigida xo’rlansa, zorlansa, qadrsizlansa, chiday olasizmi? Afsuski, kelinning – mehnati kerak,lekin, bir qo`pol so`z bilan aytganda, chiqimi kerak emas. Kechirasiz,ammo biz yashayotgan zamonda hamma teng huquqli, qolaversa, qaytar dunyo va aks ettirish qonunlari hali hamon ishlamoqda. Biz istasak va istamasak, xulosa o`zingizdan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Mirziyoyev Sh.M “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakatining IV qurultoyida so`zlagan nutqi. 2017 – yil 30 – iyun
2. Avloniy A. Guliston yoxud axloq. Islom odobidan mumtoz namunalar. T., 1993 – 120 b.
3. Akromova F.A. Oilada muomilani tashkil etish psixologiyasi. T.: ” Shams ASA”, 2005. – 68 b.
4. Karimova V. M. Oilaviy hayot psixologiyasi. T. – 2006. – 142 b.

## ПРОВЕДЁННЫЙ АНАЛИЗ КРЕАТИВНОЙ САМОРЕГУЛЯЦИИ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

*Мусинова Р.Ю.*
*доктор философии (PhD) по психологическим наукам,*
*Самаркандского государственного университета*

При достижении актуальных важных целей в области образования в мире определены приоритетные направления по социально-психологическим особенностям формирования творческого самоуправления у будущих педагогов. В связи с этим в рамках психологии проводится ряд научных исследований, в первую очередь направленных на изучение педагогической личности и деятельности ее субъекта.

В то же время многие научные исследования по повышению уровня психологических исследований самостоятельной деятельности субъекта занимают важное место в педагогической деятельности, что является важным местом для специалистов, занимающихся обучением студентов высших учебных заведений в области педагогики. С этой точки зрения формирование и развитие творческого самоуправления играет важную научную и практическую роль в деятельности будущих педагогов.

Проведённый анализ научной литературы по исследуемой проблеме показывает, что решение основных задач педагогической деятельности обеспечивается совокупностью различных когнитивных, перцептивных, коммуникативных, а также саморегулятивных действий, протекания которых определяется взаимодействием психических процессов и качеств личности педагога [1, 2]. Так, А.А. Рыбников анализируя профессиональную деятельность молодых педагогов, отмечает, что в большинстве своем они реализуют не опыт педагогической деятельности, усвоенный в высших образовательных учреждениях, а повторяют своих преподавателей. Часто начинающий специалист не обладает оптимальными способами реагирования на типичные ситуации, вызывающие рост психоэмоциональной напряженности, снижение мотивации к педагогической деятельности, что в итоге затрудняет качественное выполнение профессиональных обязанностей педагога. В частности, отсутствие умений практически реализовывать креативные подходы, саморегуляцию в процессе педагогической

деятельности, способствующую снижению уровня напряженности, приводит к развитию целого комплекса негативных функциональных состояний. К подобным состояниям традиционно можно отнести:

переутомление;

психическую напряженность;

стресс;

эмоциональное напряжение.

Длительное переживание этих состояний обусловливает возникновение комплекса психосоматических заболеваний и неудовлетворенности педагогическим трудом [3].

А.П. Толкачева, проблему профилактики неблагоприятных функциональных состояний и сознательного формирования оптимальных для педагогической деятельности состояний рассматривает в основном как проблему развития творческой личности педагога. Центральным при решении этой проблемы, становится совершенствование процесса и механизмов личностной саморегуляции [4].

С.Б. Токарев придает особое значение саморегуляционной деятельности педагога, особенно в напряженных ситуациях педагогического взаимодействия. Автор подчеркивает, что поскольку представители педагогической профессии, в частности преподаватели и учителя постоянно попадают под влияние различных негативных факторов преимущественно социально-психологического характера, то для них жизненно важным является овладение умениями и навыками саморегуляции. С помощью данного качества можно эффективно предупредить и снизить эмоциональные переживания, повысить осознание возможных негативных последствий от различных неумелых действий, оптимизировать творческий подход. Так как излишнее волнение и неуверенность педагога сковывают его мысли и действия. Это характерно для специалистов, которые не умеют управлять своими эмоциями и поведением, в результате они становится заложниками астенического состояния, обусловленного ситуацией, и эффективность выполняемой ими деятельности катастрофически снижается [5].

А.П. Клен обращает внимание, что когда речь идет о саморегуляции, то довольно часто речь идет не о неумении расслабиться, а о способности регулировать и изменять свое состояние в процессе общения, взаимодействия, творческого процесса. Такие проблемы являются типичными для педагогов, так как в педагогической деятельности присутствует постоянная необходимость профессионального общения и взаимодействия с обучаемыми, другими людьми. Исследователем отмечается о важной роли и значимости саморегуляции в деятельности педагога. Так, указывает на то, что способность к саморегуляции жизненно необходима педагогу, который распознав, благодаря наблюдательности, внутренние состояния и переживания обучаемых, может управлять ими, влиять на них с образовательной целью [6].

Исходя из рассмотренной понятийно-терминологической системы двух структурных основ изучаемого явления, по своей сути, креативная саморегуляция отражает осознанную регуляцию педагогом своих действий, поведения, состояний, обеспечивающих нестандартное видение актуальных педагогических проблем, а также генерирование оригинальных идей по их наиболее эффективному решению в педагогической практике.

Кроме того, креативная саморегуляция может вступать как комплексная профессионально-важная личностная характеристика, которая с одной стороны обеспечивает самостоятельную коррекцию педагогической деятельности с учетом динамических изменений требований к современному образовательному процессу, оптимальную адаптацию в межличностном пространстве, а с другой - предопределяет активность педагога по организации и осуществлению самообразования, самосовершенствования, как важного фактора непрерывного творческого развития специалиста.

**БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЙ СПИСОК:**

1. Зерминов А. Педагогическая деятельность: проблемы, сложности // Высшее образование. - 2007. - №8. - С.115-122.

2. Иванов В.Г. Педагогическая деятельность: проблемы, пути совершенствования // Высшее образование в России. - 2014. - №4. - С.64-73.

3. Рыбников А.А. Креативность и саморегуляция молодого учителя // Психолого-педагогические аспекты учебного процесса. - 2003. - № 2. - С. 65-71.

4. Толкачева А.П. Пути профилактики неблагоприятных функциональных состояний в ходе педагогической деятельности // Педагогика высшего образования. - 2009. - №6. - С.111-120.

5. Токарев С.Б. Саморегулятивная деятельность преподавателя // Психология высшей школы. - 2014. - №5. - С. 224-132.

6. Козлов В.В. Модель саморегуляции педагога // Проблемы психологии и эргономики. 2009. №5. - С. 118-126.

## SPORT JAMOALARINI MUSOBAQAGA TAYYORLASHNING PSIXOLOGIK OMILLARI

*Muxiddinova U.A.*
*O'zDJTSU o'qituvchisi*

Ma'lumki, insoniyat butun hayoti davomida turli kurashlar va musobaqalarning bevosita ishtirokchisi bo'lib, shu orqali o'zini tasdiq toptirib keladi. Bu jarayon hayotining dastlabki yillarida o'yin orqali kechsa, keyinchalik faoliyatning turli ko'rinishlarida namoyon bo'ladi. Sport ham boshqa ijtimoiy va madaniy institutlar singari insonga ichki tub ehtiyojlarini amalga oshirishida yordam berib kelgan. Ta'lim olish, mehnat va muloqot orqali inson o'zini boshqalar bilan qiyoslaydi, mukammallikka intilishga, g'alaba quvonchi, ustun

bo’lishga intilish hissini tuyishga stimul yuzaga keladi. Sport ham insonning aynan birinchilikka intilish hissini qondirishdagi eng yaxshi model bo’lib kelganini e’tirof etmasdan ilojimiz yo’q. Shuning uchun ham sport o’z mohiyatiga ko’ra psixologik xususiyatga egadir. Sport hayoti, ayniqsa, shaxs shakllanishi davrida inson psixikasiga ta’sir etuvchi kuchli omil hisoblanadi.

Bilamizki, har qanday sport faoliyati turi musobaqalarsiz bo’lmaydi. Musobaqada ishtirok etishdan maqsad g’alabaga erishish yoki sportchi shu paytgacha erishgan yutuqlar darajasidan qat’iy nazar natijalarni yaxshilashdan iborat. Musobaqalarda yuqori natijalarni, ko’rsatkichlarni qo’lga kiritishga intilish sportchining sport yutuqlari va tayyorgarligi darajasidan hamda boshqa omillardan qat’iy nazar namoyon bo’ladi. Musobaqa ko’p hollarda juda qisqa vaqt ichida kishidan nihoyatda katta imkoniyatlarni namoyish qilishni talab etuvchi ekstremal vaziyatni yuzaga keltiradi.

Sport musobaqalari sport murabbiysining qay darajada ishini to’g’ri tashkil etganligini sarhisob qilish hisoblanadi. Sport faoliyati sport musobaqasi bilan uzviy bog’liq. Binobarin, har bir sport musobaqasi o’z mohiyatiga ko’ra, sportchining muayyan musobaqalarga tayyorgarlik jarayonidagi o’tkazgan mashg’ulot faoliyati natijalarni ro’yobga chiqarish demakdir.

Sportchilar o'rtasidagi munosabatlar har bir guruh yoki jamoaning har bir a'zosi statusini hisobga olgan holda shakllanadi. O'zaro teng statusdagilar bilan munosabatlarni mustahkamlashga intilish tufayli liderlar va autsayderlar o'rtasidagi aloqa kuchsiz va majburiydir. Murabbiy sportchilarning tayyorgarligi darajasidagi farq tufayli vujudga keladigan munosabatlarni hisobga olishi shart: yangi kelganlarga "bosim", yanada muvaffaqiyatli bo'lganlarga hasad va boshqalar.

Sport guruhi yoki jamoadagi munosabatlar dinamik xususiyatga egadir. Ular sportdagi yutuqlarning o'sishi, status, rol, motivatsiya va boshqalarning o'zgarishiga bog’liqdir. Ba'zida bu guruh faoliyati samaradorligining pasayishiga olib kelishi mumkin. Shuning uchun murabbiy jamoa yoki guruh munosabatlarining profilaktikasi bilan shug’ullanishi va ularni rivojlanishi uchun to'g’ri yo'nalishga yo'naltira olishi kerak.

Jamoani musobaqaga tayyorlash jarayoni har bir sportchidan yuqori darajadagi psixik zo’riqishni talab qiladi. Shu sababli sportchining asab tizimi jismoniy va psixik rivojlanishi hamda sportchi shaxsining ma’naviy-axloqiy sifatlarini shakllanganlik darajasiga bevosita bog’liq bo’ladi.

Psixologik tayyorgarlik natijasida sportchida musobaqada ishtirok etish uchun psixik tayyorgarlik holati vujudga keladi. U musobaqali kurash uchun psixik jarayonlarni faollashtirish zarurligi bilan xarakterlanadi. Sport faoliyatida sportchi psixik tayyorgarligining ahamiyati katta bo’lib, u yutuqlarning asosiy shartlaridan biri bo’lib qoldi. Musobaqaga psixik tayyorgarlik holati quyidagi xislatlar bilan xarakterlanadi: sportchining o’z kuchiga ishonchi, sport kurashiga intilishi, butun kuchini safarbar qilishi va g’alabaga erishishi, emotsional qo’zg’alishning optimal darajada chiday olish, sport kurashida o’zining xatti-harakatlari bilan kurasha olish.

Sportning jamoali turida musobaqaga psixik tayyorgarlik holati shunday xususiyatga egaki, bu holat jamoadagi psixik tayyorgarlikning umumiy holatiga bog’liq. Shunday qilib, bir tomondan har bir jamoa a’zosida psixik tayyorgarlikning holati

ma’lum darajada ayni jamoada bu holat tayyorgarlikning umumiy holatiga bog’liq bo’lsa, ikkinchi tomondan yuqoridagi holat har bir sportchini shartlaydi.

Sportchining musobaqaga psixik tayyorgarlik holati yuqori darajadagi mashqlangan holati yoki sport formasi bilan chambarchas bog’langandir.

G.M.Gagayeva (1969) futbolchilar bilan olib borgan tadqiqotiga asosan, sportchilarda musobaqaga tayyorgarlik holati mavjud bo’lmaganda sportchilarda quyidagi salbiy kechinmalarni kuzatgan:

1) ruhiy ezilganlikni his qilish, kuchli hovliqish, musobaqa oldidan asablarning ortiqcha qo’zg’alishi, bunga bog’liq holda: javobgarlik, musobaqadan oldin ruhiy ezilish, raqibning kuchini ortiqcha baholash, yengilishidan qo’rqish kabi holatlarni ta’siri tufayli paydo bo’ladi;

2) kuchli hayajonga kelish holati – bo’lajak o’yin va uning natijasiga diqqatini ortiqcha qaratish yoki markazlashtirish. Kuchli hayajonlanish sportchiga kelajak o’yin va uning ahamiyati haqida ketma-ket eslatish tufayli vujudga keladi;

3) o’zini safarbar qila olmaslik va xotirjamlik holati — sportchi g’alabaga ortiqcha ishonib ketishi tufayli vujudga keladi va natijada uning javobgarligi pasayib ketadi;

4) sport kurashiga faol intilishning yo’qligi, bunday holat musobaqaga yomon tayyorlangan yoki musobaqada ishtirok etishiga ta’sir ko’rsatuvchi motivlarning yo’qligi tufayli vujudga keladi.

Sport turlarining o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib, sportchilarni musobaqaga psixologik tayyorlashni quyidagi bosqichlarga bo‘lish mumkin:

1) sportchilarga raqibi va bo‘lajak musobaqalarning shart-sharoitlari haqida yetarlicha ma’lumotlar berib borish;

2) sport mashg’ulotlari va musobaqalar haqida olingan ma’lumotlarni tekshirib ko‘rish, ishonchlilik darajasini aniqlash, musobaqaning boshlanish vaqti, kutilmagan o‘zgarishlar musobaqaning alohida sportchilar yoki jamoaga g’alaba keltirish imkoniyatlarini o‘rganish;

3) sportchilarga musobaqada qatnashishdan ko‘zlanadigan maqsad va vazifalarini aniq belgilab olishlari haqida ko‘rsatmalar berish;

4) sportchining musobaqaga ishtirok etish sababi, mohiyati va aniq maqsadini aniqlash, g’alabaga erishishning ijtimoiy ahamiyatini tushuntirish;

5) sportchining bo‘lajak musobaqa jarayonidagi faoliyatini rejalashtirish, aqliy sifatlarini o‘stirishga e’tibor berish, musobaqaga taktik va texnik jihatdan ruhiy tayyorgarligini takomillashtirish;

6) sportchini musobaqaga ruhan tayyorlash maqsadida kutilmagan maxsus to‘siqlar vujudga keltirish, ularda bu to‘siqlar va qiyinchiliklarni yenga oladigan malaka va ko‘nikmalar hosil qilish uchun qo‘shimcha mashg’ulotlar uyushtirish;

7) sportchiga musobaqa jarayonida paydo bo‘ladigan ichki ruhiy holatni boshqarish uslublaridan foydalanishni o‘rgatish;

8) sportchini musobaqa boshlanishida ruhiy ko‘tarinkilikka, asab tizimi faoliyatini boshqarishga, ruhan charchamaslikka odatlantirish hamda musobaqa jarayonida yanada faol harakat qilishga erishishga undash.

So’nggi yillarda respublikamiz sportchilari erishayotgan natijalar yuqorilab bormoqda. Shundan ko‘rinib turibdiki, inson imkoniyatlari cheksiz. Sportchi faqat ko’zlangan maqsadga erishish uchun o‘zining ruhiy, jismoniy imkoniyatlarini

safarbar qilish yo‘llarini bilishi lozim. Sportchilarni jismoniy mashq va sport musobaqalariga psixologik tayyorlashning tavsiya etilayotgan uslublaridan foydalanilsa, sportda yanada yuqoriroq natijalarga erishish mumkin.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Arzikulov D.N., Gapparov Z.G., Vaxabova D.B. “Psixologiya va sport psixologiyasi. Jismoniy tarbiya instituti talabalari uchun o’quv qo’llanma. – T., 2017. – 307 b.

2. Gapparov Z.G. Sport psixologiyasi. Jismoniy tarbiya instituti talabalari uchun darslik. – T.: Mexridaryo, 2011. – 345 b.

3. Родионов А.В. Психология физического воспитания и спорта. – М.: Академический Проект; Фонд «Мир», 2004. – 182 с.

4. Рудик П.А. Психология: Учеб. для студентов ин-тов физ. культуры / Под общ. ред. проф., д-ра психол. наук П. А. Рудика. – Москва: Физкультура и спорт, 1974. – 511 с.

## ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ХИМОЯЛАШДА ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК-ИММУНОЛОГИК ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

*Мухтаров О.Ш.*
*Андижон давлат университети ўқитувчиси*

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада оиладаги иммунологик тарбия, оила мухитида шахснинг ҳар жихатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур бўлган муҳим омиллар ва уларни шакллантириш масалалари хақидаги фикрлар юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *Оиладаги иммунологик тарбия, оила нодир руҳий муҳит, демократик хўжайра, оиланинг ижтимоийлашуви.*

Оила жамиятнинг бошланғич хўжайрасини ташкил этиб унда аҳолининг кўпайиши ва ёш авлодни тарбиялаш вазифалари амалга оширилади.

Баркамол шахсни тарбиялашда ёшларнинг маънавий–иммунологик ва аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш асосий вазифаларимиздан биридир. Оиланинг муҳим ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, у жамиятнинг демократик хўжайрасини ташкил этиб, одамлар шу муқаддас масканда туғилиб, ўсиб, жамият таркибини ташкил этади.

Иккинчидан, оила мухим бўғин бўлиб, унда биз меҳнат жараёнида сарф қилган кучларимизни тиклаш имкониятига эга бўламиз.

Учинчидан, оила муҳим тарбия ўчоғи.

Тўртинчидан, оила нодир руҳий муҳитдир.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаёт деб ҳисоблайдилар ва аксинча, ёлғизликда яшаш турли хил фалокатларга ва фожеаларга сабаб бўлар экан.

Ҳадиси шарифларда айтилишича “Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади”. Бундан чиқди, мусулмончиликнинг шартларидан бири ўз жуфти-ҳалолига хушмуомала бўлишдир. “Киши дўстининг динида бўлади. Ҳар бирингиз кимни дўст тутмоқдасиз, қараб дўстлашинг”.Бу муқаддас сўзлар мазмунидан англашиладики, дунёда буюк дўстлик эр-хотинликдир.

Ислом дини яккаликни, беваликни ёқтирмайди. Бу бир улуғ донолик ва донишмандлик ибратидир.Ислом динидан ташқари бошқа динларга эътиқод қилувчи олимларнинг эътироф этишича, дунёда энг мустаҳкам оила бу ислом динига эътиқод қилувчиларнинг оиласидир.

Шу жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилгани бежиз эмас. Шунингдек, 1993 йилдан буён Вена, Қоҳира, Копенгаген, Пекин ва дунёнинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган Халқаро анжуманлар кун тартибига оила масаласининг махсус киритилган. Умуман олганда, ҳар йили белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила ва унинг мустаҳкамлиги муаммоси умуминсоний вазифа сифатида эътироф этиб келинмокда.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 1999 йилдан буён “Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам” мавзуида сўров ўтказиб келади. Тадқиқотдан кўзланган мақсад Ўзбекистон фуқароларининг оила ва оилавий муносабатларига қараши, миллий қадриятлар ва маҳалланинг оила ҳаётидаги ўрни, бу борада барқарор анъаналарни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини аниқлаш ва ўрганишдан иборатдир. Сўровда 10 та вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри қамраб олинди. Унда эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 63-моддасида таъкидланган қуйидаги сўзлар ниҳоятда рамзий ва теран маънога эга: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.Жамият ва давлатнинг оила хусусидаги ғахўрлиги, авваламбор, давлат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборатдир.

Оилани мустақил қадрият сифатида таърифлаш учун жамият ҳаётида тобора ўрни ва нуфузи ортиб бораётганлигини таъкидлашимиз лозим. Зеро, бу борада Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев “Кейинги йилларда халқимиз орасида кенг тарқалган “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган даъватига бугун “Ўз болангни ўзинг асра!” деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман” деб алоҳида айтгани бежиз эмас. Чунки таълим-тарбия жараёни мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Зеро, таълим-тарбия ота-онанинг шахсий иши эмас, балки ижтимоий бурчи ҳамдир. Таълим-тарбия жараёни заминида баркамол авлоднинг Ватанга садоқатли бўлиши, юрт учун жонини фидо қилиб яшаш, мустақилликни кўз қорачиғидай асраш каби эзгу ишлар ётади. Жамият

тараққиётига фақатгина фарзандлар камоли орқалигина эришилган. Демак, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзандларни тарбиялаш ҳар бир даврнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келган. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар торафлама исботламоқда. Агар фарзандларимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, огоҳ бўлиб турмасак, уларни илм-у ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз хеч гап эмас” [1, 2- б.]. Бу масала долзарблигича қолаверади.

Биринчи президентимиз томонидан илгари сурилган “Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор”, деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиқиб, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий – иқтисодий, маънавий – ахлоқий принциплари ҳамда манфаатларини узлуксиз таъминлаш, уларнинг фаровонлигини яхшилашга оид чора тадбирларнит амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ҳар бир мамлакатда оила ва никоҳ институти дин, урф-одат, маданият, аҳлок, анъана таъсирида шаклланган.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади” [3, 39- б.].

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, оила мухитида шахснинг ҳар жихатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур бўлган қуйидаги; оила аъзолари ўртасида юзага келувчи ҳукукий, иктисодий, психологик, экологик, эстетик мазмундаги оилавий муносабат, муомала алока аралашуви унинг ижтимоийлашуви, яъни, ижтимоий муносабатларни юритиш жараёнида эркин, мустакил ҳаракат килиш лаёкатини, кобилиятини шакллантиришга хизмат килувчи омиллар мавжуддир.

Ёшларда маънавий иммунологик тарбия оиладан бошланади. Айниқса, турли ёш даврларда болаларнинг маънавий-аҳлоқий тарбиясининг ривожлантиришда ақлий,жисмоний тарбиянинг узвий биргаликда амалга ошириш зарурдир. Шу ўринда оиланинг репродуктив функцияси алоҳида аҳамиятлидир чунки, оилаларда вужудга келаётган аҳолининг сонигагина эмас, балки уларнинг сифатига ҳам таъсир этади. Буларнинг барчаси, янги авлодларнинг илмий ва маданий ҳаётда эришган ютуқлари, ўз соғликларига эътибор беришлари ва “янги авлодларда ҳар хил биологик аномалияларнинг пайдо бўлишини” олдини олиш билан боғликдир..

Буюк аллома Абу Райхон Берунийнинг фикрича, биронта ҳам халқ никоҳдан холи эмас. Жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасида ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнатади. Никоҳ жинсий эҳтиросни махфийлик пардасига ўрайди, эр-хотин орасидаги табиий муносабатга ахлоқий, маънавий гўзаллик, андиша бахш этади.

Никоҳ (арабча - қўшилиш) сўзи ўзбек тилига араблардан кириб

келган.Буюк бобокалонимиз Беруний ўзининг“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида берган хабарига қараганда, Марказий Осиёни забт қилган араб лашкарбошчиси Кутайбанинг буйруғига кўра Хоразм ёзувини яхши биладиган ва уни бошқаларга ўргатадиган кишилар ўлдирилган. Шунинг учун бўлса керак, айрим тадқиқотлар исломгача бизда эркак ва аёл ўртасида никоҳ деган тушунча бўлмаган, деб эътироф этадилар. Бу фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Қадимги Юнон тарихчиси Страбоннинг (милоддан аввалги 64-63 йиллар – милодий 23-24 йиллар) ёзишича, ҳар бир массагетнинг ўз хотини бўлган.

Ана шу тарихчининг фикрига қараганда, эркаклар ва аёллар жинсий ҳаётда муайян эркинликларга ҳам эга бўлганлар. Умуман олганда, Марказий Осиёда аёлларга қадимдан катта ҳурмат билан қаралган. Улар жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланишган. Геродотнинг “Тарих” номли асарида ватанпарвар аёл Тўмарис ҳақида келтирилган тарихий маълумот бунга ёрқин мисол бўла олади. Унга кўра Турон аҳолиси Тўмарис бошчилигида босқинчи Кайхусрав лашкарига қақшатқич зарба беради.

Бошқа бир қадимги юнон тарихчиси – Элион қолдирган маълумотга кўра, Марказий Осиёдаги йирик қабилалардан бири бўлган сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган ҳар бир йигит ўзи уйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйида кураш тушиши шарт бўлган. Йигит курашда ғалаба қилган тақдирдагина уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Акс ҳолда унинг ўзи қизнинг асирига айланган. Демак, бу ерда кураш ўзига хос тарзда никоҳ вазифасини бажарган.

Марказий Осиё халқларининг машҳур достонлари – “Ўғузнома”, “Алпомиш” ва “Манас” ларда никоҳ билан боғлиқ одатларда йигитнинг жисмоний қобилиятларига ва уни синаб кўришга алоҳида аҳамият берилган. Йигитнинг қизга муносиб ёки муносиб эмаслигини аниқлаш учун талабгорларнинг ўзаро от пойгаси, камонда нишонни уриши, узоққа ўқ узиши, кураш тушиши каби рақобатчилик шаклларидан ҳам фойдаланилган.

Шунингдек бу танлов “Қиз қувлаш”, “Тортишмачоқ” сингари кўринишда ҳам ўз ифодасини топган, уларнинг қолдиқлари ҳозиргача етиб келган. Суғд ёзма ёдгорликларида бу хусусида анча маълумотлар топиш мумкин.

Ислом дини Туркистон ўлкасига ёйилгандан кейин никоҳ-оила муносабатлари Қуръони карим, шариат ва одат қоидалари билан тартибга солинган. Шариат – бу кишилар амал қилиши учун Ислом дини тарафидан буюрилган ҳукмлар ва низомлардир. Шариат ҳукмларини билиб олиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз ҳисобланади. Одат қоидалари асосан кўчманчи халқларга тадбиқ этилган.

Никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишда XII- аср давомида Туркистон ҳудудида амалда бўлган диний-ҳуқуқий тизим – шариат, мусулмон ҳуқуқи нормалари, ҳадисларнинг роли жуда катта бўлган. Имом Ал-Бухорийнинг “Ал-Адаб Ал-Муфрад” (“Адаб дурдоналари”) номли ҳадислар тўплами шулар жумласига киради. Унда олти юзта ҳадис икки юз олтмиш етти бобга жамланган бўлиб, ота-онани эъзозлаш, каттага ҳурматда,

кичикка иззатда бўлиш, қўшничилик, инсонийлик ва меҳр-шавқатлилик, сахийлик кабилар улуғланган ва бахиллик, алдамчилик, иккиюзламачиликлар эса қораланган.

Оилада маънавий-иммунологик тарбияни амалга оширишда албатта ота-она, оила аъзолари, маҳалла, мактаб жамоасининг ўзаро узвий равишда фаолият олиб бориши зарурдир. Ушбу фаолиятларни амалага оширишда ҳар бир етакчи шахснинг ўзида маъсулият ҳиссининг барқарорлиги, ташаббускор ва ташкилотчилик сифатларига эга бўлишини зарур деб ҳисоблаймиз.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш. М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик (Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи //”Халқ сўзи” газетаси, 2017-йил 16-июнь)

2. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қаъият билан харакат қилайлик/ Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи// “Халқ сўзи” газетаси, 2017-йил 16-июнь

3. Пешнерова И. Ю. Браки семьи: традиционнвые и коллизионные аспекты в международной семейном праве // «Россия в глобальном мире», 2004, №4 (27) стр. 646-466

4. Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27-январь 45-сон қарори.

5. Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2-февраль 57-сон қарори.

## MUOMALANING INTERAKTIV TOMONI: MULOQOTNING HARAKATLAR BILAN ALMASHISHI

*Muxtarova D.*
*Qashqadaryo viloyati Koson tumani*
*82-umumiy o’rta ta’lim maktabining o’qituvchisi*

**Anostasiya.** Ijtimoiylashuvda odamlarning bir-biriga ta’siri, o’zaro ta’sir turlari, o’zaro akti, konfiliktlar va ularning paydo b’lishi.

**Kalit so’zlar;** Sotsiallashuv, konflikt, kooperatsiya, ustanivka, rol.

Muloqot kishilarning hamkorlikdagi faoliyati ehtiyojlari asosida tugiladigan ular ortasidagi aloqa rivojlanishining kop qirrali jarayonidir. Muloqot hamkorlikdagi faoliyat qatnashchilari ortasida axborot almashishni oz ichiga oladi,

bu muloqotning kommunikativ tomonida ifodalanadi. Odamlar bir-biri bilan munosaatga kirishishda tildan muomala vositasi sifatida foydaladilar.Masalan, sotuvchi bilan xaridor ortasida biror soz aytmasdan muomalaga kirishish mumkin. Muloqotning bu xususiyati kishilarning muloqat jarayonida birgalikdagi faoliyatda bir-birlariga amaliy jihatdan bevosita ta'sir etishlarini ta'minlaydi. Shu tufayli odamlar hamkorlikda ishlash, bir-birlariga yordam berish, bir-birlaridan oʻrganish, harakatlar muvofiqligiga erishish kabi qator qobiliyatlarini namoyon qilishlari mumkin. Shu tufayli oʻqituvchi bola shaxsiga maqsadga yoʻnalgan holda ta'sir koʻrsatishi mumkin. Aslini olganda, har qanday muloqot, agar u bema'ni, maqsadsiz, quruq gaplardan iborat boʻlmasa, doimo muloqotga kirishuvchilarning xulq-atvorini, ularning ustanovkalarini oʻzgartirish imkoniyatiga ega.

Jamiyat miqyosida oladigan boʻlsak, odamlarning turli sharoitlarda oʻzlarini tutishlari, xulq-atvorlarining boshqarilishi ma'lum psixologik qonuniyatlarga bogʻliqligini koʻrish mumkin. Bunga sabab jamiyatda qabul qilingan turli normalar, qonun-qoidalardir. Chunki, oʻzaro muloqot va oʻzaro ta'sir jarayonlarida shunday xatti-harakatlar obrazlari kishilar ongiga singib boradiki, ularni har bir kishi norma sifatida qabul qiladi. Masalan, oʻsmir bola, umuman yoshlar jamoat joylarida kattalarga oʻrin boʻshatib berishlari kerakligi ham xulq-atvorning bir normasi. Otaning gapini bola tomonidan boʻlinmasligi, kattalar soʻzlari va pand-nasihatlariga e'tiborli boʻlish ham bizning xalqimiz uchun norma hisoblanadi. Shu normaga amal qilish yoki qilmaslik ijtimoiy nazorat tizimi orqali boshqariladi. YA'ni, yuqoridagi sharoitda agar oʻsmir bola avtobusda qariyaga joy boʻshatmasa, yoki otaga gap qaytarilsa, jamoatchilik, oilaning boshqa a'zolari oʻsha zahoti uni ijtimoiy tartibga chaqiradi.

Demak, har bir shaxs turli sharoitlarda turlicha rollarni bajaradi, bu rollarning qanday bajarilayotganligi, odamlarning kutishlariga mos kelishligi ijtimoiy nazorat tizimi orqali kuzatib turiladi. Shuning uchun ham muloqotga kirishgan kishilar doimo oʻz xulq-atvorlarini, qolaversa, oʻzgalarning xulq-atvorini nazorat qilib, harakatlarda bir-birlariga moslashadilar. Lekin ba'zan shunday boʻlishi ham mumkinki, rollarning koʻpligi rollararo ziddiyatlarga olib kelishi mumkin. Masalan, maktab oʻqituvchisining oʻzi oʻqitayotgan sinfda farzandi boʻlsa, dars paytida shunday ziddiyatni boshdan kechirishi mumkin, ya'ni bir vaqtning oʻzida ham ota, ham oʻqituvchi rolini bajarishga majbur boʻladi. Yoki xulqi yomon oʻquvchining uyiga kelgan oʻqituvchi bir vaqtning oʻzida ham oʻqituvchi, ham mehmon rollari oʻrtasida qiynaladi.

Turli rollarni bajarayotgan shaxslarning oʻzaro muloqotlari ijtimoiy kutuvlar (ekspektatsiya) tizimi orqali boshqariladi. Masalan, xohlaydimi yoki xohlamaydimi, oʻqituvchidan ma'lum harakatlarni kutishadiki, ular oʻqituvchi roliga zid boʻlmasligi kerak. Oʻz rollariga mos harakat qilgan, doimo meyor mezonida ish tutgan kishining harakatlari odobli, normal harakatlar deb ataladi. Masalan, oʻqituvchining odobi, oʻz kasbini ustasi ekanligi, bolalar qalbini tushuna olishi, ularning yosh va individual xususiyatlarini hisobga olgan holda ish tutishi uning odobga ega ekanligining belgisidir. Odobsiz odam esa buning aksidir.

Demak, oʻzaro muloqot jarayonida bir odam ikkinchi odamga psixologik ta'sir koʻrsatadi. Bu ta'sir ikkala tomondan ham anglanishi yoki anglanmasligi

mumkin. YA'ni, ba'zan biz nima uchun bir shaxsning bizga naqadar kuchli ta'sirga ega ekanligini, boshqa biri esa, aksincha, hech qanday ta'sir kuchiga ega emasligini tushunib yetmaymiz. Bu esa pedagogikada muhim muammodir. Har bir pedagogning o'z ta'sir uslublari va ta'sir kuchi bo'ladi. O'qituvchi shaxsining bolalarga ta'siri quyidagi eksperimentda juda yaqqol kuzatilgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga anchagina o'yinchoqlar berib, shularning ichida faqat bittasiga, qizil yog'och o'yinchoqqa tegmaslik aytilgan. Bolalar yolg'iz qoldirilib, harakatlari pinhona kuzatilgan. Juda ko'p bolalar taqiqlangan o'yinchoqqa baribir tegishgan. Eksperimentning ikkinchi seriyasida endi barcha o'yinchoqqa tegish mumkinu, faqat qizil qutichaning qopqog'ini ochish mumkin emas, deb aytilgan. Shu quticha tepasiga esa shu bolalarning o'qituvchisi surati ilib qo'yilgan. Bu seriyada birinchisiga qaraganda "ta'qiqni buzuvchilar" soni keskin kamaygan. Demak, bu narsa o'qituvchi shaxsining bola harakatlariga ta'sirini yaqqol isbotlab turibdi.

Shaxslararo ta'sir haqida gap ketganda, o'qituvchi obro'yining roli haqida ham aytish lozim. Chunki, obro'li odam doimo o'sha obro' qozongan guruhida o'z mavqeiga va ta'siriga ega bo'ladi. Shaxs obro'yi uning boshqa shaxslarga irodaviy va emotsional ta'sir ko'rsata olish qobiliyatidir. Ma'lumki, obro' amal yoki hayotiy tajriba bilangina orttirilmay, uning haqiqiy asosi – shaxsning odamlar bilan to'g'ri munosabati, undagi odamiylik xislatlarining, boshqa ijobiy xislatlarining uyg'unlashuvidadir. Psixologik obro' – ta'sir ko'rsatishning eng muhim mezonidir.

Taniqli psixolog S.L.Rubinshteyn shunday deb yozgan edi:„Kundalik hayotda odamlar bilan muloqotga kirishar ekanmiz, biz ularning xulq atvoriga qarab moljal olamiz. Negaki, biz ularning tashqi ma'lumotlari mohiyatini go'yo o'qib chiqamiz, shu yo'sinda matnning ichki psixologik jihati mavjud bolgan mazmunini aniqlaymiz". Bunday oqish naridan beri tez yuz beradi, chunki atrofdagilar bilan muloqot jarayonida bizda muayyan darajada ularning fe'l atvoriga nisbatan avtomatik tarzda amal qiladigan psixologik ichki ma'no hosil bo'ladi.

**FOYDALANILGANADABIYOTLARRO'YXATI:**

1. Bekmurodov M. Sotsiologiya asoslari. T.:1997.
2. M. Maxsudova Muloqot psixologiyasi Toshkent 2006
3.Ubaydullaeva R.T., Xaydarov A. Sotsiologiyatarixi – T.: 1993.
4. www.zionet.uz.
5.T.me/Psixologikkitoblar

# YOSHLARDA IJTIMOIY-PSIXOLOGIK YOLG‘IZLIK HISSI NAMOYON BO‘LISHINING NAZARIY TAHLILI

*Muhiddinova D.H.*
*Navoiy viloyati Zarafshon shahar 13-Ayrim fanlar chuqur o’rganiladigan ixtisoslashtirilgan maktab psixologi*

**Annotatsiya.** Yolg‘izlikni his qilib yashash insonning ichki subyektiv kechinmasi sifatida bir qator ijobiylik hamda salbiylikni kashf qiladi. Xususan, mazkur muammoning ijtimoiy psixologiyada o‘rganilishi ko‘plab ziddiyatli qarashlarga sabab bo‘lgan. Aynan mana shunday masalalarning o‘ziga xos qirralari ushbu maqolada yoritib berilgan. Maqolada yolg‘izlik fenomeni va uning S.G.Korchagina tomonidan turlarga farqlanib ifodalanishi nazariy asoslangan. Shuningdek nazariy tahlil orqali talaba-yoshlarda yolg‘izlikni his qilish darajali ko‘rsatkichlarda ifodalanishi ochib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** shaxsiy yolg‘izlik, begonalashish, autokommunikatsiya, yakkalanish, diffuz yolg‘izlik, dissotsiallashgan yolg‘izlik.

Barcha jamiyat vakillari hech kimga o‘xshamagan va yagona mavjudotlardir. Hech kimning tanasida bir paytning o‘zida ikki yoki uchta “Men” shakllanmaydi. Har bir vujudda faqat bittagina “Men” mavjud. Mohiyatan yolg‘izmiz va yolg‘izligimizcha qolamiz. Jamiyat qonunlari qancha beshafqat va qo‘rqinchli bo‘lsa, yolg‘izlik hissi ham shuncha qudratli bo‘ladi. Lekin jamiyatning taz’yiqini yengishda uning o‘zi bilan birga bo‘lish insonga xavfsizroqdek tuyuladi va mana shunday vaziyatda yolg‘izlik hissi inson uchun yordam beradigan kuchdek his qilinadi. Inson butun umri davomida yolg‘izlik va shaxslararo munosabatlar vakili bo‘lishni amalga oshirish hissiyoti o‘rtasidagi tanlovni amalga oshirish bilan yashaydi. Umumiy holda tavsif beradigan bo‘lsak, yolg‘izlik o‘zgalar bilan munosabatga kirisha olmaslikning shaxsan boshdan kechirilishidir. Ushbu kechinma an’anaviy tarzda jismoniy yakkalanish hamda odamlar ichida bo‘lib turib ham begonalashishni his qilish bilan ifodalanadi. Ikkala holatda ham yolg‘izlik ixtiyoriy, tanlangan, qabul qilingan yohud majburiylik tarzida namoyon bo‘lishi mumkin. Va aynan ikkinchi holatda (begonalashishni his qilish) u psixologik muammolar va buzilishlarni yuzaga keltirib chiqarish uchun asosiy manba bo‘lib xizmat qiladi. Insonning yolg‘izlik fenomeni bilan bog‘liq shaxsiy kechinmalari turli-tumandir: bir tomondan yolg‘izlikda o‘tkazilgan vaqt umidsizlik va ruhiy tushkunlikni ifodalasa, boshqa tomondan ijodkorlik va o‘zgalar bilan munosabatlarning qadr-qimmatini anglashga yordamlashadigan vosita deb ham qabul qilinadi. Shunday qilib, yolg‘izlik hissini adekvat tarzda talqin qilish uchun uning yakkalanish bilan bog‘liq ijobiy hamda salbiy ko‘rinishlariga e’tibor berish lozim.

Yolg‘izlik bu obyektiv mavjud fenomen bo‘lib, u haqida fikr yuritish va o‘rganish o‘ziga xos qadimiy an’analarga ega, ayni paytda ham munozarali muammodir. Uning tabiati, rivojlanishi va namoyon bo‘lishi haqidagi nazariyalarda hozirga qadar qarama-qarshiliklar kuzatiladi. Bir qator shaxs

nazariyasi vakillarining (K.G.Yung, E.Fromm, Dj.Byudjental, S.Maddi, F.Perlz) ta'kidlashicha, individning shaxs sifatidagi taraqqiyoti subyektda shaxsiy yolg'izligini anglash va tushunish bilan bog'liq. Yakka individ sifatida o'z-o'zini anglash inson umri davomida hayot yo'lida o'zgalar bilan munosabatlar uchun yo'nalishlarni kashf qilish imkoniyatini beradi. Lekin bu anglash og'riqli holat bo'lib insonning o'z-o'zidan qochishi bilan ifodalanishi ham mumkin. K.Mustaskas birinchilardan bo'lib yolg'izlik individning insoniyligini saqlab qolish, rivojlantirish va chuqurlashtirishga yordam beruvchi inson hayoti va tajribasi shart-sharoitlaridan biri ekanligini isbotlashga uringan. Yolg'izlikdan qochishga urinish esa insonning o'z-o'zidan begonalashishiga olib keladi, deb ta'kidlagan olim. Yolg'izlik inson uchun chaqiriq va u insonni borliqdan yakkalantiradigan emas, balki uni to'la-to'kis, sezgir va insoniy hislarga ega qiladigan chaqiriqdir. Ushbu chaqiriqni to'g'ri anglamaslik xavotirlikni yuzaga keltiradigan og'riqli yolg'izlikka olib keladi.

Yolg'izlik hissining inson taraqqiyoti bilan bog'liqligi autokommunikatsiyada, ya'ni o'z-o'zi bilan muloqotda namoyon bo'ladi. Tanholikda yetarli darajada shaxsiy taraqqiyotga intilmagan, borliq bilan yakkama-yakka munosabatga kirisha olish qobiliyatiga ega bo'lmagan, ijtimoiyligini o'z ichida saqlaydigan va o'z ichki olamida shaxsiy suhbatdoshni topa olmaydigan insongina ijtimoiy-kommunikativ munosabatlardan mahrum bo'ladi. Ma'lumki, yolg'izlik hissi insonning psixologik holati sifatida tarixan shakllangan fenomen hisoblansa-da, XX asrga kelib ushbu fenomen ilmiy nuqtai nazardan tahlil qilina boshladi. “Jismoniy tavsiflardan farqli ravishda yolg'izlik sof psixologik tabiatga ega. U avvalambor shaxsiy xususiyatni namoyon qiladi”. Ba'zi odamlar yakkalanmasdan ham, jamoa ichida, oila muhitida va do'stlar davrasida bo'lib turib ham azob beradigan yolg'izlikni his qiladilar. “Jismoniy yakkalanishni aniqlash uchun ko'z bilan ko'rish kifoya, yolg'izlik hissini anglash uchun esa buni boshdan kechirib bilmoq darkor”. Yu.P. Koshelevaning fikricha, chet elda yolg'izlik fenomeniga oid amalga oshirilgan tadqiqotlar yolg'iz insonlarning shaxsiy sifatlari va xarakter xususiyatlarini talqin qilish bilan bog'lab tushuntiriladi, olimlar shuningdek yolg'izlikning belgisini ifodalaydigan modellari va yosh xususiyatlariga urg'u beradilar. Chet el olimlari ko'pincha yolg'izlik hissining mezonlari, turli toifalari va darajalarini aniqlash uchun yolg'izlik fenomeni bilan bir vaqtda ro'y beradigan tarkibiy xususiyatlarni ajratib ko'rsatishga urinadilar.

Yolg'izlik fenomeni S.G.Korchaginaning tadqiqotlarida identifikatsiya (aynanlashtirish, o'xshatish, tenglashtirish) mexanizmlarining buzilishi natijasi sifatida qaraladi. Shunday qilib, yolg'izlik identifikatsiya mexanizmlari o'rtasidagi dinamik muvozanatning buzilishi bilan ta'minlangan kishining ruhiy holatidir. Bunda shaxs o'zining jamiyat bilan aloqalarini adekvat idrok qilishni xohlamaydi yoki imkoniyatning yo'qligini subyektiv tarzda kechiradi. Odatda yolg'izlikni his qilayotgan kishida o'zining amaliy qarashlari, fikrlari va qayta tiklovchi xayollari ta'siridan chiqib ketish imkoniyatlari cheklangandir. Bu esa o'z navbatida kelajakni to'g'ri idrok qilishi, yetishmayotgan va yo'qotilganlarning o'rnini tiklashiga xalaqit beradi, shaxsning ichki zahiralarining tiklanishini pasaytiradi,

"hissiy tashnalik" yoki doimiy qoniqmaslik hissini vujudga keltiradi.

Yolg'izlikning namoyon bo'lish chuqurligini aniqlash davomida S.G.Korchagina mazkur tushuncha haqida insonlarning hayotiy tasavvurlaridan kelib chiqadigan uch turni farqlagan:

1. Begonalashtiradigan yolg'izlik. Bunda begonalashish insoniyat va hatto borliq ustidan hukmronlikni o'rnatadi. Ikkiyoqlamali begonalashuv suhbatdoshlarning bir-birlarini pisand qilmasliklari, muloqot qilishni xohlamasliklaridan kelib chiqadi. Begonalashish jarayoni insonning o'z-o'ziga bog'liq ravishda sodir bo'ladi. Agar u uzoq muddat davom etsa natijada hissiy uzoqlashish, yaqin insonlar bilan munosabatlarning uzilishi, o'z "Men"ining inkor etilishi bilan yakun topadi. Insonning ichki olamidan tashqarida yuzaga keladigan barcha hodisalar uni tashvishga solmaydi: qurshovidagi barcha insonlar bilan munosabatlarni yo'qotadi, yopiq shaxsga aylanadi, muloqot qilishni istamaydi, o'zgalar muammosi bilan qiziqmaydi, u uchun faqat o'zi mavjud bo'lib qoladi. O'ziga hech kimsani yaqinlashtirmaslik oqibatida inson ongsiz ravishda o'zi uchun begonalashuv obyektlarini kashf qilib boradi. Natijada yolg'iz inson masofa saqlagan holda begonalashuv obyektlariga nisbatan psixologik yaqinlikni inkor qiladi. Agar ushbu yolg'izlik turi insonda mavjud bo'lsa, shaxsiy "Men" hissi uning uchun tushunarsiz bo'lib qoladi, inson hatto o'z-o'zini inkor qila boshlaydi. Shu sababli soha mutaxassislari mazkur holatdagi inson o'z yaqinlaridan uzoqlashmasliklarini tavsiya qiladilar.

2. Diffuz (Singib boradigan) yolg'izlik – o'zga insonlar yohud guruhlardan ongsiz nusxa olishda ifodalanadi. Bu holat o'z-o'zidan qoniqmaslik hissidan kelib chiqib inson o'ziga nisbatan omadliroq va obro'liroq tuyulgan shaxslarning xatti-harakatlarini takrorlagan holda yashaydi. Bunday hayot tarzida insonning shaxsiy sifatlari, individualligi, originalligi yo'qolib boradi. Natijada inson o'z hayoti bilan emas, balki o'ziga nisbatan yaxshiroq deb hisoblagan inson hayoti bilan yashay boshlaydi. Ma'lumki, inson barkamolligi uch yo'nalishda amalga oshadi: ma'naviy, jismoniy va psixik. Aynan mana shu yo'nalishlar o'z-o'zini namoyon qilish va taraqqiy etish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Diffuz yolg'izlikda esa barkamollikdan voz kechish ro'y beradi. O'zgalarga taqlid qilgan holda va shaxsiy imkoniyatlardan voz kechib inson o'z "Men"ini yo'qotib boradi. Mazkur yo'qotish yakuniy bosqich hisoblanadi. Shaxsiy taraqqiyot tushunchasi diffuz yolg'izlangan inson uchun xos emas, chunki u o'z "Men"ini yo'qotib bo'ladi. Diffuz yolg'izlikning namoyon bo'lishi serqirra, shuning uchun inson o'zligini va hayotdan neni istayotganini anglashi darkor.

3. Dissotsiallashgan (Tarkibiy qismlarga ajralgan) yolg'izlik – yuksak darajadagi taqlidchanlik va to'la begonalashish bir-biri bilan almashinib turadi. Yolg'izlikning ushbu turi his-kechinmalari yorqin ifodalanadigan va o'ylanmagan xatti-harakatlarni amalga oshirishga moyil bo'lgan insonlarda uchraydi. O'zgalarga taqlid qilishdan oldin bunday shaxs o'sha insonning soxta obrazini yaratadi. Shaxsan o'z ichki olamini "yaxshi" va "yomon"ga ajratadi,

boshqalarda esa ularning go‘zalligi jalb qilsa dahshatli tomonlari inkor etiladi. Inkor etilgan salbiy xususiyatlar o‘zidagi o‘zgalarni bunda ayblashiga olib keladi. Bunda shaxsiy takomillashuv mavjud emas.

Modomiki insoniyatning eng jiddiy muammolaridan biri yolg‘izlik muammosi ekan u qandaydir sabablar ta’sirida boshqalar bilan munosabatlarni yo‘lga qo‘ya olmaslik, na do‘stlik, na muhabbat, na dushmanlik munosabatlarini tashkillashtira olmaslikda kuzatiladi. Tadqiqotchilarning aniqlashicha, so‘ralganlarning 1-2% ida yolg‘izlik hissi bo‘lmaganligi, 10-30%i qachonlardir bunday hisni kechirganliklari ma’lum bo‘ldi. Inson o‘z munosabatlarini to‘laqonli emasligini anglaganda, muloqotga bo‘lgan ehtiyojlarining qondirilmasligini his qilganda yolg‘izlik hissi paydo bo‘ladi. Yolg‘izlik kayfiyatning yomonligi va og‘ir hissiy kechinmalar bilan o‘tadigan psixik holatdir. O‘zini chuqur darajada yolg‘iz his qiladigan kishilar o‘zlarini baxtsiz his qiladilar, ijtimoiy aloqalarga kirishish imkoniyatlarini cheklab qo‘yadilar.

Yolg‘izlik tushunchasi subyekt tomonidan vaziyatni ko‘ngilsiz idrok qilishi, muloqotning yetishmasligi va ijobiy munosabatlarning kamligi bilan bog‘liqdir. Biroq yolg‘izlik individning har doim ham ijtimoiy jihatdan ajralib qolganligini ifodalamaydi. Ba’zan doimo insonlar orasida bo‘la turib, ular bilan munosabat o‘rnatib ham inson o‘zini psixologik jihatdan ajralib qolgan, ya’ni yolg‘iz his qilishi mumkin. Yolg‘izlikni his qilish darajasi insonning qancha muddat davomida odamlar bilan munosabatga kirishmay yashaganligi bilan belgilanmaydi. Butun hayoti davomida yolg‘iz yashagan kishilar odamlar bilan tez-tez muloqotda bo‘ladiganlarga nisbatan o‘zlarini kamroq yolg‘iz his qilishlari ham mumkin. Boshqa kishilar bilan o‘zaro ta’sirda kamroq bo‘ladigan, hech qanday psixologik va xulq-atvor ko‘rinishlarini namoyon etmaydigan kishilarni yolg‘iz deb atash mumkin emas. Ba’zi kishilar o‘zlarining real va tasavvuridagi o‘zaro munosabatlari o‘rtasidagi muvozanatni to‘liq anglamasliklari mumkin.

Haqiqiy subyektiv yolg‘izlik holati odatda ruhiy buzilishlarga xos belgilar va affektiv ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi. Ba’zi yolg‘iz kishilar muntazam ravishda o‘zlaridagi tashvishlanish, ezilganlikdan shikoyat qilsalar, boshqalari esa qo‘rquv va xavotirlikni hamda musibatni his qiladilar. Yolg‘izlik holatini his qilishga real munosabatlar qanchalik ta’sir qilsa, ular qanday bo‘lishi kerakligi haqidagi tasavvurlar ham shunchalik kuchli ta’sir etadi. Muloqotga nisbatan kuchli ehtiyojni his qilayotgan kishi bir yoki ikki kishi bilan emas, balki ko‘plab kishilar bilan munosabatda bo‘lishni xohlaydi. Yolg‘izlik ko‘pincha ba’zi belgilar bilan kechishi ham kuzatiladi. Odatda yolg‘iz kishilar o‘zlarini boshqalardan psixologik jihatdan ajralib qolgan, me’yoriy shaxslararo munosabatlarga qobiliyatsiz, sevgi, do‘stlik kabi intim munosabatlar o‘rnatishga yaroqsiz deb his qilishlari mumkin. Yolg‘iz shaxs tushkunlikka berilgan shaxs bo‘lib, u o‘zini muloqot ko‘nikmasi va malakasi yetishmaydigan insonman deb hisoblaydi. Yolg‘iz inson o‘zini jozibasiz, hech kim sevmaydigan va hurmat qilmaydigan kishi deb biladi. O‘ziga nisbatan bunday munosabat maxsus salbiy affektlar – nafrat, g‘am-anduh, baxtsizlik kabi hislarni vujudga keltiradi. Yolg‘iz inson ijtimoiy aloqalardan o‘zini olib qochadi, atrofdagilardan o‘zini ajratib qo‘yadi. Unda boshqalarga nisbatan impulsivlik, paranoyallik, ta’sirlanuvchanlik, qo‘rquv, xavotirlanish, frustratsiya hislari ustun

bo'ladi. Yolg'iz kishilar boshqalarga nisbatan pessimist hisoblanadilar. Ular o'zlariga achinish hissi bilan qaraydilar, atrofdagilardan yomonlik kutadilar, kelajakni ijobiy ranglarda tasavvur eta olmaydilar. Boshqalarning va o'z hayotini mazmunsiz deb baholaydilar. Yolg'iz kishi kam gapiradi, o'zini tinch, osuda tutadi, boshqalar e'tiborini tortishni yoqtirmaydi, ko'p hollarda g'amgin, xorg'in va uyqusiragan holda ko'rinadi. Haqiqiy va tasavvurdagi munosabatlar o'rtasida nomutanosiblik kuzatilganda o'zini yolg'iz his qiladigan odamlar bu vaziyatni turlicha idrok hiladilar. Ojizlik va xavotirlikni his qilish bu vaziyatga nisbatan javob ko'rinishi sifatida namoyon bo'ladi. Agar shaxs bu vaziyatda boshqalarni aybdor deb hisoblasa, u holda unda boshqalarga nisbatan dushmanlik hissi rivojlanib boradi. Agar o'zini aybdor deb bilsa va o'zini o'zgartirish qiyin deb hisoblasa, u holda g'amgin bo'lib qoladi, asta-sekin mazkur his surunkali depressiyaga aylanib boradi.

Agar inson yolg'izlik uni xushyorlikka chaqirayotganiga ishonch hosil qilsa, u holda yolg'izlikka qarshi faol kurashishi, uni bartaraf etish uchun kuch sarf qilishi zarurligini anglab yetadi. Vaqti-vaqti bilan uni salbiy hissiy holatlar - zerikish, afsuslanish, o'zining jozibador emasligini his qilish, ojizlik, vahimali qo'rquv, ezilganlik, umidning yo'qolishi, o'ziga achinish, qo'zg'aluvchanlik, tashlab qo'yilganlik hissi kabi kechinmalar qamrab oladi. Yolg'iz kishilar muloqotchan va baxtli insonlarni unchalik xushlamaydilar. Bu ularning o'ziga xos himoya reaksiyasi bo'lib, bu holat boshqalar bilan samimiy munosabat o'rnatishga xalaqit beradi.

Xulosa qilib aytganda, nazariy tahlillarimiz yolg'izlikning murakkab va qarama-qarshiliklarni ifodalaydigan fenomen ekanligini asoslab berdi. Yolg'izlik insonning ijtimoiylashuvini izdan chiqaradigan, inson motivatsion sohasidagi rivojlanishini sustlashtiradigan o'z-o'zini va o'zgalarni adekvat idrok qilishni izdan chiqaradigan psixologik hodisa. Lekin shu bilan birga yolg'izlik insonning yuksak ma'naviy taraqqiyotiga hissa qo'shadigan imkoniyat ham sanaladi. O'z-o'zidan va o'z mavqeidan qoniqmaslik hislari bog'lovchisi sifatida u insonning ichki refleksiyasini takomillashtirish, muhim hayotiy muammolarni tahlil qila olish, o'z-o'zini va hayotda egallagan o'rnini topish uchun turtki bo'lishi mumkin. Aynan mana shu zidlilik shaxsiy takomillashuv imkoniyatlarini ochishga yordam bergan holda insonning o'z ustida va vaziyatni boshqarish borasida astoydil ishlashiga majbur qiladi. Ana shundagina yolg'izlik o'zining destruktiv vayronkor ko'rinishlaridan sokinlik va xotirjamlikni ifodalaydigan shaxsiy taraqqiyotning pozitiv ko'rsatkichi ko'rinishiga o'tadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Вейс Р. Вопросы изучения одиночества // Лабиринты одиночества М.: Прогресс. 1989 г.

2. Корчагина С.Г. Психология одиночества. М: Московский психолого-социальный Институт 2008 г.

3. Перлман Д. Пепло Л."Теоретические подходы к одиночеству// Лабиринты одиночества" М.; Прогресс. 1989г.

4. Хачатурян К.Д. Одиночество как психологическая проблема. – М: Ростов- на- Дону. 2011 г.

## ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMIDA ÒQITUVCHI PSIXOLOGIYASI.

*Nashvanov D.S.*
*SAMDU talabasi*

Shunday bir kasb borki, jamiyat uchun zarur bo‘lgan biror mutaxassis uning ishtiroki va mehnatisiz o‘z kasbini mukammal egallab chiqa olmaydi. Bu- o‘qituvchilik kasbidir. O‘qituvchilik sharafli, lekin juda murakkab kasbdir. Ò' zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti Islom Abduģaniyevich Karimov shunday degan edi:O`z-o`zini el ishiga bag`ishlagan, inson tarbiyasiga jon tikkan olijanob o`qituvchilarni, mo`tabar muallimlarni bundan buyon boshimizga ko`taramiz.( Barkamol avlod orzusi. T.:-2000. 140-b.) O'qituvchi doim faol, ijodkor shaxs. U òquvchilarning kundalik hayotini uyushtiruvchi odam. O'quvchilarning qiziqishini uyģotish, ularni òzi bilan yetaklab yurish faqat yuksak irodali kishi qòlidan keladi. Sinf, auditoriya, o'quvchilar jamoasi kabi murakkab organlarga pedagogik rahbarlik qilish tarbiyachidan topqir, zehni o'tkir, savodli, har qanday vaziyatlarni mustaqil yechishga doim tayyor bo'lishligini talab qiladi. Pedagog– o'quvchilarga o'rnak, o'z orqasidan yurishga unday oladigan odam. O'qituvchiga kasbiy jihatdan kerakli xislatlardan biri bu sabr -toqat va dadillik. O'qituvchining har qanday sarosimaga tushganini, nochorligini o'quvchilar sezishi va ko'rishi zarur emas. Bu borada A.S.Makarenko – “tormozsiz o'qituvchi – bu buzuq, haydab bo'lmaydigan mashina” – deb qayd qilgan. Buni hamisha esda tutish kerak, o'z harakati va axloqini nazorat qilishi lozim. Zamonaviy maktab o`qituvchisi qator vazifalarni bajaradi. O`qituvchi - sinfdagi o`quv jarayoni tashkilotchisidir. O`qituvchi o’quvchilar uchun dars paytida, qòshimcha darslarda va shu bilan birga darsdan tashqari hollarda ham kerakli maslahatlar berishda bilimlar manbaidan biridir, ko`pchilik o’qituvchilar sinf rahbari vazifasini bajarib, tarbiya jarayoni tashkilotchilari bo’lib hisoblanadilar.

Zamonaviy o’qituvchi ijtimoiy psixolog bo’lmasligi mumkin emas. Shuning uchun ham o`qituvchilar o’rtasidagi o’zaro munosabatlarni yo`lga sola olishi, bolalar jamoasida ijtimoiy-psixologik mexanizmlardan foydalanishni bilishi zarurdir. O`qituvchi o`quvchi shaxsining shakllanishi faqat darslarda va sinfdan tashkari mashg`ulotlardagina boshqarib qolmaydi. O`qituvchi o`zining shaxsiy namunasi tashqi kiyofasi va xatti-xarakati bilan o`zining ichki ma'naviy sifatlari bilan ba'zan o`zi sezmagan xolda o`quvchilarga ta'sir ko`rsatadi. Ularning ideali bo`lib qoladi. Kishi ko`pincha o`zi eng yaxshi ko`rgan o`qituvchisining ta'siri ostida o`z xayot yo`lini tanlab oladi.

Ulug` rus pedagogi, bolalar psixologiyasini chuqur bilimdoni K.D.Ushinskiy bunday deb yozgan edi: «Tarbiyachi shaxsining yosh qalbga ta'siri shunday bir tarbiyaviy kuchni tashkil etadiki, uning o`rnini na darsliklar, na axloqiy va'z-nasixatlar, na jazolash na rag`batlantirish sistemasi bosa oladi». O`quvchilarga

muvaffaqiyatli ravishda ta'lim va tarbiya berish uchun o`qituvchi xar bir kishiga xos bo`lgan yuksak axloqiy sifatlar bilan birga, aloxida pedagogik fazilatlar qatoriga avvalo pedagogik qobiliyatlarni, shuningdek aql, xissiyot va irodaning ba'zi bir o`ziga xos xususiyatlarini kiritish mumkin. F.N. Globolin ta'kidlashicha, pedagogik qobiliyatlar iste'dodning aloxida bir turidir. Ba'zi qobiliyatlarda o`qituvchining o`quv predmetiga va o`quvchilarga bilimlar berish jarayoniga bo`lgan munosabati ifodalansa, boshqalarida o`qituvchining bolalarga bo`lgan munosabati ifodalanadi. Masalan o`quv materialini bolalarga qiziqirali va tushunarli tarzda bayon qilish, o`quvchini o`quv materiallarini yaxshi o`zlashtirib olish va uni qaytadan esga tushurishga ishontirish, bilimlarni xayot bilan, amaliyot bilan bog`lay bilish qobiliyatlari asosan o`qituvchining o`zi o`qiyotgan jarayonga shuningdek o`quvchilarga bilimlar berish jarayoniga bo`lgan munosabatini ifodalaydi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Yòldosheva.F.M Pedagogik psixologiya Termiz 2008
2. I.A. Karimov Barkamol avlod orzusi Toshkent 2000

## ЭКСТРЕМАЛ ВАЗИЯТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ АМАЛИЁТДА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

*Бобоева И.Ў.*
*Тошкент Тиббиёт Академияси талабаси*
*Назарова В.*
*Тошкент Тиббиёт Академияси Термиз филиали талабаси*

Ҳар биримиз қачондир ҳаёт тасодифларига дуч келганмиз. Кўпинча, бундай холатлар кескин тус олиб, яқинларимиз ёки ўзгаларнинг ёрдамисиз руҳиятимизда кечаётган хиссиётларни енга олмаймиз. Айниқса, қадрли инсонларимизнинг вафоти, яқинлар билан муносабатларнинг бузилиши, ажрашиш холатлари бунга мисол бўла олади. Бундай вазиятларда, тушкунликка тушган инсонлар турли дори воситаларни ёки спиртли ичимликларини истеъмол қилишни афзал кўришади. Узоқ вақт давом этадиган кучли эмоционал босим ва мудҳиш кечинмалар турли ҳил психосоматик бузилишларга олиб келади: ошқозон хасталиги (язва), 12 бармоқли ичакнинг фаолияти бузилиши, ич кетиши, босимнинг ошиши, юракнинг ишемик касаллиги ҳамда гипертония. Кўпинча фавқулодда холат оқибатида узоқ давом этадиган – атроф мухитга нисбатан нафрат, қайғу, қўрқув, жаҳл, ранж-алам, депрессия каби ҳолатлар кузатилади. Бундай стресс ҳолатларини бошидан кечирган инсонлар кўпинча шифокорнинг доимий мижозига айланиб қоладилар.

Барчамизга маълумки дунёда турли хил даражадаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиб туради. Шунга қарамасдан, илм-фанда экстремал инқироз ва фавқулодда ҳолатларни тўлиқ қамраб оладиган тушунча

ханузгача киритилмаган. Бундай кескин ва кутилмаган ҳолатларда, вазиятга нафақат объектив баҳо бериш, балки инсонларни бундай ҳолатни тушуниб етишлари, англашлари ва уларнинг ҳулқ-атвори назарда тутилиши лозимдир. Негаки инсонлар, фавқулодда вазиятга тўғридан-тўғри гувоҳ, сабабчи ёки жабрланувчи сифатида бу каби ҳолатларга узвий боғлиқ бўлади. Айнан шу сабабли, одамларнинг кескин холатларга тушишига жавобан, уларда психологик кечинмаларни юз беришини инобатга олиш зурур. Тушкунликка тушиб қолган инсонларга атрофида содир бўлаётган воқеа ҳодисаларини англаб етиши қийин кечади, ушбу воқеаларни англаб олмаганидан нима бўлаётганини сўзлаб бера олмайди. Шу сабабдан улар ва уларнинг яқинларига руҳий ёрдам кўрсатишда экстремал йўналишдаги психолог-мутахассислар иш олиб борадилар.

Тиббиёт психологияси фани бизга бор йуғи 9 кун ўтилади. Дарсимизнинг 2 куни устозим билан беморни куришга чикканмиз, аслида бу жараёнга дарс бошланганига 2кун булган талаба иштирок этиши мумкин эмас, негаки хали унда прихологияси бузулган беморлар билан сухбатлашиш тажрибаси етарли бўлмайди. Лекин устоз жуда хам кизикиш билдирганлигим боис магистрант талаба сифатида мени ўзлари билан олиб борганлар.

Унда биз депрессия холатидаги аёл ва онг бузилган эркак беморларни курганмиз. Депрессия холатидаги аёл ўзидаги бу ўзгаришларни тез-тез кузатилувчи руҳий бузулишлар билан боғлаб унинг бу холатга тушиб количига асосий сабаб кун давомида кузатилувчи стресс холати деб курсатганди.

Эркак беморнинг анализини йиғиш давомида у арок ичиш оқибатида мияга кислород бормай кон куйилган. 4кун комада колган. Ухлаш давомида кусган, кусгани упкага кетиб колиб асфексия холати юзага кетган. Натижада беморда онг шикастланган, гапирмайди. Одамдан куркади. Судирги холати борлигини аниқлагандик. Мен бу холатни бекорга келтирмадим негаки бу иккила беморга хам руҳий бузулишларнинг асосий сабаби оиласи билан боғликдир. Уларнинг хаётида бу холат йиллар давомида таъсир курсатган бирок бу холат кейинчалик уларга экстремал вазият куринишида юзага чиккан. Шу сабабдан улар психологик ёрдамга муҳтож.

Психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий вазифаси шундан иборатки у фавқулодда вазиятлар оқибатида негатив ҳолатларнинг олдини олиш, янги шароитга мослашув жараёнини англаш, шахснинг адаптив ва компенсатор ресурсларини активлаштириш каби ишларни амалга оширади. Жабрланувчиларга самарали психологик ёрдам кўрсатиш натижаси бу – экстремал, ноодатий вазиятларда инсоннинг руҳий ҳолатини нормаллаштиришдир.

Ибн Сино руҳий шифога бевосита атроф муҳит, бемор учун, масалан, «яқинларининг беморга муносабатини», қариндош, дўст, қўшниларнинг муносабатини ёқимли, ижобий таъсир этишини жуда яхши билган. Беморнинг руҳияти учун атрофдагиларнинг ғамхўрларча муносабати, диққат билан муносабати, тетиклантирувчи, қувватлантирувчи, чин кўнгилдан бўлган муносабати тўзалишга ишонч ва умидлантирувчи ҳаракатлари,

самимийлиги, ширин суҳбатлари ижобий таъсир этишини таъкидларди. Худди шунингдек Букрот ҳам бу хақида «Уни (яъни беморни) керак бўлганда дўстона яхши сўз билан қувватлаб қўйиш лозим, керак бўлганда унинг талабларини жиддий ва қатъий қайтариб, бошқа ҳолатда беморни муҳаббат билан оқилона тинчлантириш зарур бўлади» деган еди.

Айтайлик сиз кучли эмоционал ҳолатни бошдан ўтказдингиз – дил азоби, жаҳл, нафрат, виждон азоби, қўрқув, ваҳима ва бошқалар. Бундай ҳолатларда кучингизни сақлаб қолиш, кечаётган "босимларни енгиш " учун керакли шароитларни яратиш лозим. Бундай ҳаракатлар ўзингизни қўлга олиб, фавқулодда холатларда жуда керакли бўлган кучингизни сақлаб олишга ёрдам беради. Бу ҳақида Ибн Сино, айтганидек "баъзи одамларни кушик ва мусиқа тинчлантиради., баъзиларини эса фақат кучайтиради. Шундай даволашга бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиш, бир минтақадан иккинчи минтакага кўчиш, бир ҳолатни бошқа ҳолатга алмаштиришлар яқинлашади".

Бунинг учун, 6 та оддий услублардан фойдаланиш мумкин.

1. Мусиқа тингланг
2. Бирон бир меҳнат билан шуғулланинг: мебель жиҳозларини жойини алмаштиринг, уй тозаланг, боғда ишланг.
3. Жисмоний машқларни бажаринг: югуринг, ёки бирон бир масофани ўрта мейёрда юриб ўтинг.
4. Душ қабул қилинг.
5. Овозингизни чиқариб бақиринг, оёқ билан ерни уринг, керакмас чинниларни синдиринг.
6. Йиғлаб олинг, ўзингизга яқин инсонларга дардингизни айтинг. Дея тавсия беришади

Кўриб турганингиздек, кўрсатиб ўтилган машғулотлар психологик услублар қаторига кирмайди, кўпинча кишилар шунга ўхшаш машғулотларни интуитив бажаришади. Бундай харакатлар психосоматик бузилишларнинг олдини олади, инсоннинг психологик холатини нормаллаштиради ҳамда руҳият ва саломатлик функцияларга салбий таъсир кўрсатадиган кечинмаларни пайдо бўлишининг олдини олади.

## MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLA SHAXSI VA SHAXSLARARO MUNOSABATLARINI TASHXIS QILISH

*Nazarova S.I.*
*Urganch davlat universiteti magistranti*

Maktabgacha davrda axloqiy tushunchalar borgan sari qa'tiylasha boradi. Axloqiy tushunchalar manbai sifatida ularning ta'lim-ta'limsi bilan shug'ullanayotgan kattalar, shuningdek, tengdoshlari ham bo'lishi mumkin. Axloqiy tajribalar asosan muloqot, taqlid qilish, jarayonida, kattalarning maqtov va tanqidlari ta'sirida o'tadi hamda mustahkamlanadi. Bu baho va maqtovlar

bolaning muvaffaqiyatga erishishiga bo'lgan harakatlarining rivojlanishida muhim o'rin tutadi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi davrda bolalarda muloqotning yangi motivlari yuzaga keladi, bu shaxsiy va ishbilarmonlik motivlaridir. Shaxsiy muloqot motivlari – bu bolani tashvishga solayotgan ichki muammolar bilan bog'liq, ishbilarmonlik motivi esa, u yoki bu ishni bajarish bilan bog'liq bo'lgan motivlardir. Bu motivlarga asta-sekinlik bilan bilim, ko'nikma va malakalarni egallash bilan bog'liq o'qish motivlari quyidagi:

3-3,5 yoshlar oralig'ida o'zlarining muvaffaqiyat va muvaffaqiyatsizliklariga o'z munosabatlarini bildiradi va bu munosabat, asosan o'zlariga beradigan baholar asosida shakllanadi. 4 yoshli bolalar esa, o'z imkoniyatlarini real baholay oladilar. Lekin, 4-5 yoshli bolalar hali shaxsiy xususiyatlarini idrok etishga va baholashga qodir emaslar, shuningdek o'zlari haqida ma'lum bir xulosani bera olmaydilar. O'z-o'zini anglashi layoqati katta maktabgacha ta'lim yoshida rivojlanib, avval u qanday bo'lgani va kelajakda qanday bo'lishini fikrlab ko'rishga harakat qiladilar.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bola shaxsini tadqiq qilish juda murakkab jarayondir, chunki ko'pgina shaxsni tadqiq qilish metodlari, katta yoshli odamlarga mo'ljallangan va bolani o'z-o'zini tahlil qilish imkoniyatlariga asoslanmagan. Bundan tashqari psixodiagnostika yordamida o'rganaladigan shaxs sifatlari maktabgacha ta'lim yoshida to'liq shakllanmagan va beqarordir.

Bolalar psixodiagnostikasi ixtiyorida faqat maxsus proektiv metodlar ya'ni bolani yutuqqa erishish motivlari va xavotirlanish holatlarini o'rganish metodlari mavjuddir yoki shaxs sifatlarini baholashda ekspert metodlaridan foydalanish mumkin. Bunda ekspert sifatida bolani yaxshi biladigan kattalar, ta'limchilar, ota-onalar maydonga chiqadilar. Faqat ana shunday tarzda bolani shaxs sifatlariga baho bera olish imkoniyatlariga ega bo'lamiz.

Birinchi metodikamiz bolalardagi yutuqqa erishish motivining taraqqiyot darajasini baholashga mo'ljallangan. Bunda maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalarning har-xil vaziyatlardagi faoliyatida muvaffaqiyatga faol intilishlari tadqiq qilinadi.

Yutuqqa erishish motivi shaxsga tug'ma holatda berilmaydi. Balki maktabgacha ta'lim yoshida shakllanib borib, bola maktabga qabul qilinayotgan davrga kelib, bola beqaror shaxs sifatiga aylanishi mumkin. 5-6 yoshli bolalarda, ushbu ehtiyoj ularning individual sifatlarida bir-biridan juda katta farqlanadi. Bunda yutuqqa erishish motivi kuchli bo'lgan bolalar asosan hayotida juda katta muvaffaqiyatlarga erishadilar. Agar ushbu ehtiyoj sust rivojlangan bo'lsa, u holda omadsizliklardan qochish motivi bolalarda yuqori o'rinda turadi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar shaxsining shakllanishiga ko'ra, bu davrni 3 bosqichga ajratish mumkin:

- birinchi davr - 3- 4 yosh oralig'ida bo'lib, emotsional jihatdan o'z-o'zini boshqarishning mustahkamlanishi bilan bog'likdir;

- ikkinchi davr - 4- 5 yoshni tashkil qilib, axloqiy o'z-o'zini boshqara olish bilan bog'liq;

- uchinchi davr esa, shaxsiy ishchanlik va tadbirkorlik xususiyatlarini shakllanishi bilan taвsiflanadi.

«OILA RASMI» testi.( Oila bola ko'zi bilan)

Pedagoglar va psixologlar oila muammolarini, uning an'ana va udumlarini, bola shaxsining shakllanishida oilaning ta'sirini o'rganishda juda ko'p ishlar qilmoqdalar.

Bola ota – onaning faqatgina tarвiyaviy ta'sir etish mahsuli emas. U o'z oilasini o'zicha tushunadi va qabul qiladi. Oiladagi o'z o'rnini o'zaro aloqada belgilaydi va oilada o'zini o'zicha anglaydi. Bolalar ro'y berayotgan hodisalarga kattalarga nisbatan boshqacha baho beradilar. Biz qachonki atrofimizdagi olamni bola ko'zi bilan ko'rishga o'rganib olganimizdan so'nggina, ularni to'g'ri tushunamiz, hayajonlariga, qayg'ulariga yordam bera olamiz.

Eston psixologi G.Xementaskas tomonidan ishlab chiqilgan mashxur «Oila rasmi» testi kattalarga dunyoni bola ko'zi bilan ko'rishga yordam beruvchi vositadir. Bu test bolaning o'z oilasiga bergan shaxsiy bahosi haqida, oila a'zolari bilan bo'lgan munosabatlari, bola nimalarni idrok qila olmasligi, nimalarni kuchli xayajon bilan his qilishi haqida tushuncha beradi. Nimalar bolani ongsiz ravishda xavotirga solsa, xuddi shu narsalar bolalarning rasmlarida ifodalanadi.

Oila rasmi bola shaxsining psixologik portretidir. Bu testni 3 yoshdan 10 yoshgacha bo'lgan bolalarda qo'llash mumkin. Psixologlar bu testdan bolaning oiladagi «Men»ini o'rganish maqsadida foydalanadilar. Bu testni o'tkazish pedagogik va psixologik amaliyotda qulay va ommabop. Bu testni o'qituvchilar, maktab psixologlari va ota – onalar o'tkazishlari mumkin.

Tadqiqotni o'tkazish uchun: 21 x 29 sm hajmidagi oq qog'oz, o'chirg'ich kerak. Bolaga: «Iltimos, o'z oilang rasmini chizib ber» - deb aytiladi. Lekin «oila» nima ekanligi haqida tushuntirilmaydi, chunki tadqiqot o'tkazishning maqsadi o'zgaradi. Topshiriqni o'tkazish uchun vaqt chegaralanmaydi. Topshiriqni bola bajarayotganda quyidagilarga e'tibor berish kerak: tarkiblarni chizish ketma – ketligi, tarkiblarni o'chirilishi, bolaning izohlarga, his – hayajonga berilishi va h.k.

Topshiriq bajarib bo'lgandan so'ng bolaga quyidagi saвollar beriladi: 1) Aytchi, sen bu rasmda kimlarni chizding?

2) Ular qaerdalar?

3) Ular nima qilyaptilar?

4) Ular xursandmilar, yoki biron narsadan zerikkanmilar?

5) Ulardan qaysi biri baxtli? Nimaga?

6) Ulardan qaysi biri juda baxtsiz? Nimaga?

«Oila rasmi» testini tahlil qilish uchun

a) bolaning yoshi,

b) oila a'zolarining sonini

d) aka, uka, opa, yoki singillarining yoshini bilish kerak.

Oila rasmining tahlili

1) Bolaning haqiqiy oilasi uning chizgan oila rasmi bilan taqqoslanadi. Oiladagi o'zaro munosabatlar va undagi muhit ijobiy bo'lsa, bola oiladagi barcha a'zolarning rasmini chizadi. Agar rasmda oila a'zolarining birontasi chizilmagan bo'lsa, demak oilaviy vaziyat mukammal emas.

2) Agar rasmda oilaga taalluqli bo'lmagan odamlarning rasmi chizilgan bo'lsa: a) e'tiborsizlik, yolg'izlanib qolish, b) kuchli katta xavotirlanish darajasi.

3) odatda bolalar oilaning qaysi bir a'zosi bilan nizoli muammo vujudga kelgan bo'lsa, shuni chizishni unutib qo'yadilar. Ko'p hollarda aka, uka yoki opa, singillarning rasmini chizmaydilar. Bu bilan bola oilada o'zining ustunligini, ota va onasining mehriga to'ymaganligini ifodalaydi. Masalan, bola o'zini ota va onasining o'rtasida chizib ko'rsatgan, kichik ukasi yoki singlisini esa umuman chizmagan.

4) Agar bola o'z rasmini chizmagan bo'lsa yoki oilasining o'rniga faqat o'zinigina chizsa, demak bu holda oilada umumiy birlikning yo'qligidan dalolat beradi.

5) Agar oilasining o'rniga bola hayvonlar va qushlarni chizsa, demak bolaga e'tibor va hissiy muloyimlik etishmaydi.

6) Agar bola oila a'zolarining rasmini qo'llari tutashgan va bir qatorda chizgan bo'lsa, demak bu oiladagi psixologik iqlim yaxshi. Agar unday bo'lmasa, demak aksincha.

7) Agar oila a'zolari guruh – guruh bo'lib chizilgan bo'lsa, demak bu oilada kichik guruhlar borligini bildiradi. Masalan, 9 yoshli o'g'il bola o'zini otasi bilan, onasi va opasini esa alohida guruhda chizgan.

8) Oila a'zolarining kiyimlarida ko'p tarkiblarning borligi, rangligi oilaviy munosabatlarning ijobiyligini ko'rsatadi va aksincha oilaviy munosabatlarda adovat bo'lsa, oila a'zolarining gavdalari to'liq bo'lmay, kiyimsiz yoki tugatilmay chiziladi.

9) Bolalar odatda otasi va onasini juda katta qilib chizadi. Demak, oiladagi munosabatlar tenglik asosida, bola o'zini oilada kattalardek xis qiladi.

10) Agar bolalar o'zlarini otasi va onasidan ham katta qilib chizsa, demak bolani o'z – o'zini baholash darajasi juda ham yuqori.

11) Agar bola o'zini boshqa oila a'zolariga nisbatan juda kichik ota – onasi tomonidan g'amhurlik talab qiladi.

12) Agar bola o'z rasmini qo'llarini yuqoriga ko'targan holda, barmoqlarini uzun qilib chizgan bo'lsa, bu uning tajovuzkorligidan xabar qiladi. Ba'zan bunday rasmlarni yuvosh bolalar ham o'zining atrofidagi odamlarga nisbatan tajavuzkorona ruhda ekanligi, lekin bu holat yashirinligi ma'lum bo'ladi hamda bola kuchli va o'zgalar ustidan xukmron bo'lish hohishi borligini bildiradi.

13) Agar bola oila a'zolarining qo'llarini mushtcha tugilgan holda, barmoqlari uzun holatda chizsa, demak u shu oila a'zosining o'ziga nisbatan tajovuzkorligini his qiladi.

14) Agar bola o'zining tishlarini katta qilib chizgan bo'lsa, demak unda tishlash, baqirish, qo'pollik qilishga moyillik kuchlidir. Agar bola boshqa oila a'zolarini shunday holatda chizsa, ana shu oila a'zosiga nisbatan qo'rquv va dushmanlikni his qiladi.

15) Oila rasmi testi bolaning yosh xususiyatlari bilan bog'liqdir. 3 – 4 yoshdagi bolalar odam gavdasini chiziqlar bilan to'liq bo'lmagan holda chizadilar. 7 – 8 yoshli bolalarning rasmi esa ancha boyroq bo'lib, gavda tuzilishlari to'liq, rasmlar tugallangan bo'ladi.

Misol uchun 12 yoshli qizchaning chizgan oila rasmiga murojaat qilamiz. Qizning oilasi onasidan, buvisidan va o'zidan iborat. Qiz rasmda o'zini, onasini va

otasini chizgan. Otasi anchadan beri ular bilan yashamaydi. Bundan shunday xulosa chiqarish mumkin: bola oiladagi umumiy birlikni his qilmaydi, buvisiga nisbatan tajovuzkorlik bor. Onasi bilan o'zining orasida hissiy iliqlik yo'q. Rasmda bola otasi bilan birga yashash hohishi borligini yashirincha bildirgan. Bola o'zini oilada yolg'iz, yakkalangan holda, hamma tomonidan tashlab qo'yilganday his qiladi. Ikkinchi misol, 10 yoshli bola o'z oilasini tasвirlagan. Rasmda barcha oila a'zolari bir – birining qo'llarini ushlagan holda tasvirlanganlar. Bola o'zini rasmning markazida chizgan. Rasmni tahlil qilar ekanmiz, oiladagi psixologik iqlim yaxshi ekanligini bilib oldik. Bola o'zini oilada kerakligini, ota–onasining va oila a'zolarining mehrini his qiladi.

Shunday qilib, bola o'zini oilada qanday xis qilishni bilishini hohlasangiz, unga toza oq qog'oz bering va oila rasmini chizib berishini iltimos qiling.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Aбрамоvа Г.С. Практическая психология. М. 2005;
2. Гуроvа Е.В. и др. Диагностика психического развития детей. М. 1992;
3. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. в 2-т, М-2003;
4. Тошимов Р.Ю, Ғозиев Э.Ғ Психодиганостика vа амалий психология. Т. 2004;

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ

*Назарова Ф.Т.*
*Гулистон тиббиёт коллежи психологи*

*“Агар мендан сизни нима қийнайди?” деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман”.*
*Ш.М.Мирзиёев*

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-аҳлоқий, руҳий, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда психология соҳасида психолог кадрлар фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Психологик хизмат юқори даражага кўтарилаётган ҳозирги кунда психологлардан ўқув жараёнини психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш компетенцияларини эгаллашларини, имкониятлари чекланган шахсларга ўз вақтида ва сифатли хизматлар кўрсатишларини, ўқув дастурларини ўзлаштиришда қийинчиликларга учраётган ўқувчиларга ривожланиш ва ижтимоий мослашишларига ёрдам бера олишларини талаб қилади.

Психолог фаолияти соҳасида - психологик маърифат, психологик профилактика, психологик диагностика, психологик консультация, психологик коррекция ҳамда касбий-ижтимоий мослашув жараёнларидаги вазифаларни бажаришга қодир ва тайёр бўлиши лозим.

Профессионал таълим тизими психологи ўспиринларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларини аниқлаш, уларнинг ақлий ва ижтимоий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларни олдини олиш;

ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятларини ташхислаш асосида уларнинг касбий ўзлигини англашини психологик таъминлаш;

педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни қўллаб қувватлаш, жамоа аъзоларининг ҳиссий-эмоционал холатларини, шахслараро муносабатларини ва зиддиятли ҳатти-харакатларини коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш;

таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини сақлаш учун шароитлар яратиш, оилада, ўқувчилар ва педагогик жамоаларида носоғлом психологик иқлим муаммоларини ҳал этишда амалий ѐрдам кўрсатиш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва энг мақбул ечимларини топиш орқали уларни бартараф этиш;

ўспиринларнинг коллежга ва ижтимоий муҳитга мослаша олмаслик холатларини коррекциялаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

психология фани ютуқлари, инновацион психологик методика ва технологияларни таълим жараёни ва психологик амалиётига татбиқ этиш;

истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, иқтидорли болалар ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш, шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш;

уларнинг қобилият, қизиқишлари ва лаёқатлари ҳамда касб-ҳунарга мойилликлари асосида келажакдаги касбларини тўғри танлашларига ёрдам кўрсатиш орқали жамият ёшларини маънавий баркамол, психологик етук қилиб тарбияланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Ўз навбатида бу, таълим тизимида психологик хизматни олиб бораётган психологнинг касбий фаолиятига қўйиладиган асосий талабларга жавоб бериши лозимлигини, мутахассис профессионал компетенцияларга эга бўлиши кераклигини англатади.

2020-2021 ўқув йилида Профессионал таълим тизимига ўтилиши муносабати билан касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ҳамда техникумларда фаолият юритадиган психологик хизмат ходими фаолиятини тартибга солиш борасидаги қатор ишларни амалга ошириш лозим. Бу борада қуйидагиларни

- Профессионал таълим тизимида психологлар фаолияти самарадорлигига эришиш мақсадида ҳуқуқий-норматив базани қайтадан кўриб чиқиш;

- Профессионал таълим тизимидаги психологлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот ташкил қилиш;

- Психолог фаолияти самарадорлигини аниқлаш меъзонлари ишлаб чиқиш;

- Психологларнинг касбий билимларини ошириш, илмий ва услубий ахборот алмашинуви ҳамда интерактив онлайн хизматлардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида профессионал таълим тизимидаги психологлар учун ахборот web-портали хизматини ишга тушириш, “Психологлар олами” журнали фаолиятини йўлга қўйиш;

- таълим тизимининг барча босқичлари (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим) маълумотларини бирлаштириш учун ягона маълумотлар базасини яратиш;

- психологнинг касбий фаолияти (диагностика, консультация, коррекция, психологик маърифат ва ҳ.з.)ни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- иш ҳажми ва мазмунини инобатга ҳолда тариф ставкаларига, штат бирликларига (ўқувчилар сонидан эмас, гуруҳлар сонидан келиб чиққан ҳолда), меҳнат таътилига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- ўқувчилар билан яқиндан мулоқот ўрнатиш мақсадида дарс жадвалларига “Психолог соат”ларини киритиш;

- психологларни моддий қўллаб-кувватлаш.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,** юқорида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга оширилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

- таълим тизимида психологлар фаолиятини ташкил этишнинг ягона тизими жорий этилади;

- таълим тизимида психологик хизмат фаолиятининг узлуксизлиги таъминланади;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги психологик хизматнинг норматив базаси ҳуқуқий мақомга эга бўлади;

- самарали психологик хизматни олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилади;

- ўқувчилар билан психологик ишларни олиб бориш учун ягона методикалар базаси яратилади;

- ўз касбининг маҳоратли устаси бўлган психологлар мактаби ташкил этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” мавзусида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2018 йилдаги “Ёшларни маънавий-аҳлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш,

таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № ПҚ-3907;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.09.2016 йилдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № ПФ-5812 сон Фармони.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилдаги "Ўқувчиларни психо-логик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ВМҚ №577;

6. Алиева К., Гайнутдинова Л.Р. "Таълим муассасаларида психологик хизмат асослари" модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, 2018й.

7. Эргашев И. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари" модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) маркази, 2017й.

**Интернет сайтлари**

1. https://aniq.uz/yangiliklar/talim-muassasalarida-psixologik-xizmat-tashkil-etiladi
2. http://surxontongi.uz/psihologik-hizmat-nima/
3. http://tmatm.uz/site/wp-content/uploads/2015/09/1.1.-Prezident-asarlari.pdf

## ENG KATTA MUAMMO BU AJRALISHDIR!!!

*Narzieva M.S.*
*Buxoro shahar 1-son Bolalar*
*musiqa va san'at maktabi o'qituvchisi*

Maktab davrlarida o'qituvchi o'quvchilarning ota-onasi haqida so'ragan paytda sinfning 75% otam- onam Rossiya, va boshqa davlatlarda ishlaydi, men esa bobom buvim bilan yashaymiz derdi. Men sinfda hammani tartibga chaqirishdan, qizlarga bo'yanma, yigitlarga urushmanglar deyishdan charchab ketgan edim. Xo'sh oxiri nima b'oldi, eng achinarlisi hozir o'sha qizlarning ko'pginasi turmush qurishdi va ajralishdi, va ko'plari uylanib turmush qurishmoqchi, mana haqiqiy muammo ular bor yog'i hali 17-20 yoshlar atrofida chetdan kelgan daromadga mehnati sinmagan pullarga isrof qilib katta to'ylar o'tqazishmoqchi.

Xo'sh raqamlarga yuzlansak nimaga o'zbek xalqi shunchalik Oila muqaddas deyishiga qaramay shuncha ajralish ko'p?

2017 yilda O'zbekiston bo'ylab 319229 nafar ajralish sodir bo'lgan, 2010 yilda esa 17794 nafar, o'sish miqdori kattaligini inobatga olsak shuncha davrdan beri ko'rilyotgan chora tadbirlar nima bo'ldi?

Ular ishlamayaptimi?

"Ishlayapti" ammo ular muammoning ichida yashamaydiku baribir!

Mening o'quvchilarim bir xil paytlar shu maktabda o'qigan sinfdoshlarimni eslatadi, ularning taqdiri sinfdoshlarimnikiday bo'lishini istamasdim, inglizlarda 'All bark no bite' degan maqol bor, ma'nosi 'Gap bor ish yo'q'. Mening fikrimga kelsak men shu muammoni ichida yashayman ko'pgina o'quvchilarim ko'ngli o'ksik, yoxud ortidan keladigan otasi yoq yo chetda yo ajralishgan.(

Endi jahon statistikasi: bizga ya'ni Osiyoga kiruvchi davlatlardan misol olaman. Men Koreys tiliga qiziqqanim uchun ularning nafaqat tilini balkim kundalik mashg'ulotlari, an'anasiyu qonunlarigacha o'rganib chiqdim va shuni tushundimki, ular nega bunchalik qisqa fursatda rivojlanib ketishdi. Boshida aytganimdek yengiltak qizlardan tayyorini yeb, o'qib izlanish hech bo'lmaganda hunar o'rganish qiziqishi yoq qizlarni 18 yoshida erga berib bizning davlatimizga yana bir ajralish sonini, nafaqaxorni, ersiz ayol, otasiz farzand kam taminlangan oilani keltirib chiqaryapti. Janubiy Koreada o'rtacha qizlarning turmush qurish yoshi 28-30 undan oldin hech kim turmushga chiqmaydi oilalar bermaydi ham, chunki bu paytgacha har bir qiz har tomonlama yetishib o'z kasbi, dunyoqarash i,tajriba va mahorati, jismoniy va ruhiy tomondan tayyor bo'lishini inobatga olgan holda Koreytslarning bu ishi ularga an'ana sifatida qoniga singganligi sababli ham, ularning davlatiga yaxshi kadr va mehrli to'liq oilani tashkil etibgina qolmay balkim dunyo miqoyisida rivojlangan top davlarlardan biriga aylanishga muyassar bo'lishdi.

Mening fikrim:

1) Birinchi navbatda yoshlarning turmush yoshishini o'zgartirish kerak, ya'ni hozirda bizda qonunimizda yozilgan ' II – bo'lim 3- bob 15- modda Nikoh yoshi erkakalar va ayollar uchun 18 yosh etib belgilandi '. Hech bo'lmaganda ayollar uchun 20 yosh, erkaklar uchun 23 yosh ni normal holat deb hisoblayman.

2) 'Nikoh' qurish uchun byurakratizm qurib qo'yish kerak ya'ni ikki yoshning vakillari ikki tomon mahallasiga borib, u haqidagi ma'lumotlarni o'qishi, kolleji, ish xona, ko'chasi, universititeti borib u haqida barcha ma'lumotni keltirib papka qilib o'zining mahallasiga keltirib berishi va mahalla bularni olganligi haqida malumotnoma berishi va albatta bu ishni ikki yoshni o'zi qilishi majburiy etib tayinlansin.

3) Ikki yosh albatta biron kasbga hunarga ega ekanligi va to'ydan so'ng finans muammolarini yecha olish qobilyatini ko'rsatishi kerak bu uchun ham bankdan yillik daromad qaydlardan tasdiqnomani mahalladagi papkada ilova qilishi kerak va shu barcha ishlardan so'ngina "FHDYO" bo'limlari nikohga ruhsat berib Masjid nikoh o'qishiga ruhsat berilishi kerak.

4) Bularning barchasiga kamiga 3 oy vaqt ketsa bu vaqtda ular haqiqiy muammolar bir birlarini faqat "FARISHTA" tomonlarini emas balkim asl basharasini ko'rishga mavaffaq bo'lishadi shu bilan birga Hur O'zbekistonda ajralishlar soni kamayishiga aminman....

# OILAVIY O`ZARO MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI

*Nasimova Z.I.*
*Buxoro davlat universiteti magistranti*

Oila jamiyatning boshlang`ich ijtimoiy bo`g`inidir. U o`zida oila a'zolarining ehtiyojlari, qiziqishlari, mayillari, tarbiyasi va boshqa ijtimoiy faoliyat turlarini aks ettiradi. Shaxsning taraqqiyoti dastavval oilada amalga oshadi. Ota onalarning o`z hayotlari, turmush tarzlari bola shaxsida ilmiy dunyoqarash asoslari ma'naviy ahloqi, nafosat, mehnat va boshqa ijtimoiy omillarni shakllantirish maqsadida tizimli ta'sir ko`rsatish jarayoniga oilaviy tarbiya deyiladi. Oilalar Respublikamiz shahar va qishloqlarining yagona ijtimoiy iqtisodiy umumiyligi asosida rivojlanadi. Ayni paytda oilaviy hayot va oilaviy tarbiya o`zining milliy xususiyatlariga ham egadir. Oila tarbiyasi o`z milliy va demografik xususiyatlari bilan bir biridan o`zaro farqlanadi. Oilaviy tarbiyada oilaning moddiy farovonligi, ma'daniy-ma'naviy saviyasi, osoyishtaligi, oila a'zolarining soni, tarkibi ham alohida ahamiyatga ega. Oilaviy tarbiyaning o`ziga xosligi shundaki, u bolalarga ota-ona, qon- qardoshlik, avlod ajdod xislatlarini uzatadi, uning davomiyligini saqlaydi, farzandini shaxs sifatida shakllantiradi, hayotga tayyorlaydi. Oila inson shaxsi asosiy xususiyatlarini shakllantiruvchi eng asosiy muhit hisoblanadi. Oila bu avvalom bor o`zaro yaqin odamlarning ma'naviy jihatdan birligi hamda o`zaro tushunishi garovi, inson hayoti mazmunining muhim tomoni bo`lgan ijobiy emotsional intim munosabatlar manbai.

Ma'lumki, nikohga va yaqin qarindoshlikka asoslangan axloqiy mas'uliyat, o`zaro xurmat, tushunish va mehr-muhabbat umumiyligi bilan bog`langan kichik ijtimoiy guruhni oila deyiladi.

Oila boshqa turdagi kichik guruhlardan o`zining bir qator jihatlari bilan ajralib turadi:

birinchidan, oila ko`p muddatga, ya'ni bir necha o`n yillar va kup yillarda mavjud bo`ladi;

ikkinchidan, oilada shaxslararo munosabatlarning bir necha turlari amalga oshadi, ya'ni milliy mafkuramizga oid ilk tushunchalar, avvalo oila muhitila singadi va bu jarayon bobolar ugiti, ota ibrati, ona mehri orqali amalga oshadi. Bunda oilaviy munosabatlarda tarbiyaviy, psixologik, hissiy, moliyaviy va boshqa vazifalarning amalga oshirilishi kuzatiladi;

uchinchidan, oiladagi barcha munosabatlar zaminida salbiy yoki ijobiy holatlar yuzaga keladi, ya'ni oila a'zolaridan kimningdir kimgadir ta'siri oqibatida shaxs yoki yaxshi shakllanishi va komil inson darajasiga etishi yoki tarbiyasi og`ir, xulqi buzuq odam bo`lib tarbiyalanishi mumkin. Demak, jamiyat uchun nihoyatda ahamiyatli hisoblangan ota-ona va bola, er va xotin, oila a'zolarining o`zaro munosabatlari bilan bog`liq bo`lgan muammolar aynan oila negizida yuzaga keladi. Shunning uchun ham qadim zamonlardan boshlab oila, undagi munosabatlar masalalari har bir davrning donishmand, olim, mutafakkirlari tomonidan o`rganilib kelingan.

**Hozirgi zamon oilasining asosiy funktsiyalari**

Har bir oila ijtimoiy tizim sifatida jamiyat oldida ma'lum bir funktsiyalarni bajaradi. Oilaning ijtimoiy funktsiyalari haqida gapirganda, bir tomondan jamiyatning oilaga ta'sirini, ikkinchi tomondan esa umumiy ijtimoiy tizimda oilaning o`rnini, oilaning hal qiladagan ijtimoiy funktsiyalarini hisobga olish lozim. Oila qo`yidagi asosiy funktsiyalarni bajaradi:

Oilaning iqtisodiy funktsiyasi uning asosiy funktsiyalaridan biri hisoblanadi. Oila iqtisodi, byudjeti, daromadini rejali sarflash, kundalik xarajatga, zarur buyumlarga pul ajratish, bir necha yildan so`ng olinadigan narsalarga mablag` yig`ish, tejamli ro`zg`or yuritish oilaning iqtisodiy funktsiyasidir.



Oilaning muhim bo`lgan funktsiyalaridan yana biri –bu reproduktiv(jamiyatning biologik uzluksizligini ta'minlash, bolalarni dunyoga ketirish) funktsiyasidir. Bu funktsiyaning asosiy mohiyati inson naslini davom ettirishdan iborat. Oilaning vazifasi faqatgina yangi avlodni dunyoga keltiribgina qolmasdan, insoniyat paydo bo`lgandan boshlab yashab kelayotgan ilmiy va ma'daniy yutuqlari bilan tanishtirgan holda, ularning salomatligin saqlab turishdan ham iboratdir. Oilaning reproduktiv funktsiyasi va uning bajarilishi deyilganda, aholi sonining qayta tiklanish uchun har bir oilada nechtadan farzand bo`lishi lozimligi nazarda tutiladi. Statistik ma'lumotlarga ko`ra, agar har bir oilada bittadan farzand bo`ladigan bo`lsa bo`lsa, bunday xalq sakkizinchi avloddan keyin yo`q bo`lib ketishi mumkin. Demograflarning ta'kidlashlaricha, oila o`zining reproduktiv fuktsiyasini bajarishi uchun xar bir oilaga o`rtacha 2,6 farzand to`g`ri kelishi kerak. Albatta, faqat oilagagina jamiyat oldidagi fuktsiyalarini bajarib qolmasdan, balki jamiyat ham oilalarga fuktsiyalarini muvaffaqiyatli uddalashlari uchun zarur bo`lgan shart-sharoitlarni yaratib berishi lozim. Bu o`rinda hukumatimiz tomonidan yuritilayotgan demografik siyosat, iqtisodiy, ijtimoiy va xuquqiy tadbirlar bunga yaqqol misol bo`la oladi. Bunday siyosatning asosiy yo`nalishlari onalik va bolalikni muhofaza qilish, ko`p bolali va kam ta'minlangan oilalarning moddiy ahvolini yaxshilash, yosh oilalarga, onalarga yaratilayotgan imtiyozlar va shu kabilardan iborat.

Oilaning rekreativ funktsiyasining o`zaro jismoniy, moddiy ma'naviy va psixologik yordam ko`rsatish, bir-birlarining salomatligini mustahkamlash, oila ahzolarining dam olishini tashkil etishdan iborat.

Oilaning felitsitologik funksiyasi.

Hozirgi zamon oilasining toboro ahamiyati ortib borayotgan funktsiyalardan biri uning felitsitologik funktsiyadir. (italyancha felitsiti baxt degani).

Oilaning regulyativ funktsiyasi oila a'zolari o`rtasidagi o`zaro munosabatlarini boshqarish tizimini, shuningdek birlamchi ijtimoiy nazoratni, oilada ustunlik va obruni amalga oshirishini ifodalaydi. Bundan kattalar tomonidan yosh avlodni nazorat qilish va ularni moddiy hamda ma'naviy tomondan qo`llat-quvvatlash nazarda tutiladi.

Oilaning relaksatsiya funksiyasi.

Hozirgi zamon oilasining eng asosiy funktsiyalaridan bo`lib, oila a'zolarining jinsiy, emotsional faoliyatini, ruhiy jismoniy quvvatini, mehnat qobiliyatini yana qayta tiklash demakdir. Ish kuni davomida ko`tarinkilik kuchli zo`riqish bilan ishlagan xodim ishdan so`ng o`z uyida oila a'zolari qurshovida boshqa tashvishlarini unitib, unga ko`rsatiladigan mehr oqibatdan bahramanj bo`lgan holda ular bilan bo`ladigan o`zaro muloqot ular tomonidan bo`ladigan emotsional qo`llab-quvvatlash, beriladigan daldalardan ruhiy quvvat olib, ertangi kun mehnat faoliyatiga o`zini qayta tiklab olish lozim.

# БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК

*Нафасова М.А.*
*Самарқанд таянч тиббиёт коллежи психологи*

Болаларга қарши зўравонлик географик чегаралар, ирқлар, дин ва маданиятни тан олмаган ҳолда давом этмоқда. У оилаларда иш жойларда ва маданий хордиқ масканларида хамда тарбия муассасаларида юз бермоқда. Бундай зўравонликларга қўл ураётган жиноятчилар, ота-оналар, оила аъзолари, ўқитувчилар, тарбиячилар қонун ҳимоячилари ҳамда болалардан ташкил топган. Баъзи болалар ўз жинслари, ирқлари, этник келиб чиқишлари, ногиронликлари ёки ижтимоий мавқелари туфайли бундай зўравонликга учрашининг эхтимоили юқори. Зўравонлик натижалари дахшатли бўлиши мумкун. Баъзан зўравонлик ҳаётдан барвақт кўз юмиш ҳолатларига ҳам олиб келиши мумкун. Аммо ҳаётини сақлаб қолишга эришган болалар ҳам дахшатли жисмоний ва руҳий жароҳатлар билан ҳаёт кечиришларига тўғри келади. Аслида зўравонлик нафақат болаларнинг саломатлиги, балки уларнинг ўрганиш қобилияти ҳамда келажакда мустаҳкам оила ва жамият яратишга қодир бўлувчи инсонлар бўлиб. Етишиш қобилиятларига ҳам хавф солиши мумкун. Болаларга қарши ҳеч қандай зўравонликни оқлаб бўлмайди. Айни чоғда, бу олдини олиш мумкун бўлмаган нарса ҳам эмас. Агар унинг негизидаги сабаблар аниқланса, уларга қарши чора кўрилса болаларга қарши зўравонликнинг бутунлай олдини олиш мумкун бўлади.

Оилалар, кенг манода қаралганда, болаларни зўравонликнинг барча кўринишларидан ҳимоя қилиш бўйича катта салоҳиятга эгадир. Аммо оилалар болалар учун хусусан гўдаклар ва ёш болалар учун хавфли жой бўлиши мумкун. Ота оналар ва бошқа яқин оила аъзолари тамонидан болаларга нисбат зўравонлик қўлланилиши жисмоний, шахвоний ва рухий зўравонлик шу билан бирга қастдан этиборсиз қолдириш каби салбий оқибатларга олиб келади.

Кўпчилик англаб етмаётган бўлсада татқиқотлар шуни кўрсатишда давом этадики, бир қатор чора тадбирлар зўравонликнинг олдини олиш мумкун. Уй ва оила шароитларида болаларга нисбатан зўравонлик қўлланиш даражасининг пасайишига оилаларни мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб қуватлашга ҳамда зўравонлик тобора илдиз отиб кетишига йўл қўювчи маҳаллий ва ижтимоий омилларга қарши курашувчи. Қонунлар чора-тадбирлар ва дастурларни амалга ошириш орқали эришиш мумкун.

Мактабларда ва ўқув даргоҳларида болаларга нисбатан зўравонликга қарши чоралар

Болаларнинг бир қатор формларида минтақавий концултатциялар ва ушбу тадқиқотга тақдим этилган маълумотларда бутун дунёдаги болалардан қуйдагича аниқ мурожаат тушган.

- ❖ Улар зўравонликнинг тўхталишини истайдилар.

❖ Улар ўқитувчилар ва ўқув даргохининг бошқа ходимлари уларни қандай бўлсалар шундайликларича қабул қлиган ҳолда аниқ йўл йўриқлар беришларини, уларнинг ҳуқуқларини хурмат қилишларини уларнинг ўз қобилиятларини амалий ривожлантиришларида ҳамда максимал салоҳиятлари даражасида ривожланишига ёрдам беришларини истайдилар.

❖ Улар ўқитувчилар ва ўқув даргоҳининг бошқа ходимлари уларга бир бири билан дўстлашишларида ўз аро хурмат ва ғам хўрлик кўникмаларини шакллантиришида ва амалий равишда фуқаро бўлиб боришларида кўмаклашишни истайдилар.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. “Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутун жахон ҳисоботи”, Пауло Серхио Пинхейро Бирлашган миллатлар ташкилоти бош котибининг Боларарна нисбатан зўравонлик татқиқоти учун мустақил эксперти.
2. “Оила психологияси” 2013 йил Ш.Шоумаров, 10-15 бетлар
3. “Шарқона оила” дастури 2012 йил, 5-8 бетлар

## MEN DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZM TAHDIDINI QANDAY TUSHUNAMAN

*Ne’matov Q.K.*
*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqola diniy ekstremizm va terrorizmni hozirgi davrda qanday tushunishimiz va qabul qilishimiz haqida bo'lib, bunda uni mamlakatimiz va butun dunyo uchun katta xavf tug'dirishi hamda uning daxshatli oqibatlari va ularni bartaraf etish bo'yicha qanday ishlar amalga oshirilayotganligi haqida so'z boradi.

**Аннотация:** Эта статья рассказывает о том, как мы понимаем и принимаем религиозный экстремизм и терроризм сегодня, как он представляет собой серьезную угрозу для нашей страны и мира и его мрачные последствия, и что делается для их устранения.

**Kalit so’zlar:** Diniy ekstremizm, Terrorizm, Islom, ma’rifat, diniy bag’rikenglik, shahid, hijrat, ma’naviyat.

**Ключевые слова:** религиозный экстремизм, терроризм, ислам, просвещение, религиозная толерантность, мученичество,шахид, духовность

*“Islom dini bizni ezgulik va tinchlikka, asl insoniy fazilatlarni asrab-avaylashga da’vat etadi.”*
**Sh.M.Mirziyoyev**

Terrorizm ?! U zulm ! U to’sqinlik ! U Jaholat ! U daxshat…………..

Yaxshilik - bu odam o’ldirishmi ? Tinchlik – bu portlatishmi ? Adolat - bu erkinlikdan mahrum qilishmi ? Islom – bu yovuzlikmi ? Aslo, unday emas !

Demak, diniy ektremizm va terrorizmni ham ezgulik va unga yaqin atamalar bilan bog'liqlik joyi yuq! Men buni, shunday tushunaman……..

Ijozat bersangiz yaqinda Suriyada yuz bergan bir voqea bilan, ushbu yuqorida aytilgan so'zlarimni bog'liqlik jihatlariga qisqacha to'xtalsam: "Jangarilar safiga qo'shilib qolgan o'g'lini yo'ldan qaytarish uchun bir onaizor o'g'liga yalinib-yolvoradi va buni ko'rgan oqpadar o'g'il o'z "rahnamo"siga uni ko'rsatadi. "Rahnamo"sidan tegishli buyruqni olgan oqpadar o'g'il onasini u ishlaydigan pochta binosi yonida vahshiylarcha otib o'ldiradi." Xo'sh bu daxshat emasmi ?! Xulosa o'zingizdan….

Payg'ambarimiz (s.a.v) hadisi sharifda: "*Haqiqiy muhojir Alloh va Rasuli qaytargan narsadan hijrat qilgan (qaytgan) musulmondir" deb marhamat qilganlar. Islom dini Vatanga hiyonat, qotillik, buzg'unchilik, o'zini o'zi o'ldirish, o'zgalarga zum qilish, ota-onaga oq bo'lish kabilardan qaytaradi.*

O'zbekiston azaldan turli millatga mansub, turli dinlarga e'tiqod qiluvchi xalqlar tinch-totuv yashagan o'lka bo'lib kelgan. Ajdodlarimiz boshqa din vakillariga doimo hurmat bilan munosabatda bo'lgani, Vatan taraqqiyoti yo'lida yelkadosh bo'lib mehnat qilgani tarixiy manbalarda ko'p qayd etilgan. Hozirgi kunda O'zbekiston aholisining soni 34 mln.dan oshgan bo'lib, ular 130 dan ziyod millatga mansub hisoblanadi. Fuqarolarning 94% dan ziyodi islom diniga e'tiqod qiladi. 3,5% ga yaqin fuqarolar pravoslav diniga mansub bo'lib, qolganlarini boshqa konfessiya vakillarini tashkil etadi. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida 16 diniy konfessiyaga mansub 2 238 diniy tashkilot faoliyat olib bormoqda. Ulardan 2 064 tasi islomiy, 157 tasi xristian, 8 tasi yahudiy, 6 tasi bahoiy jamoalari, bittadan Krishnani anglash jamiyati va Budda ibodatxonasidir. Bulardan tashqari konfessiyalararo Bibliya jamiyati ham faoliyat yuritmoqda. Ushbu diniy tashkilotlarning emin-erkin faoliyat olib borayotgani ham yurtimizda hukm surayotgan diniy bag'rikenglikning amaliy ifodasidir. Hech shubhasiz, yurtimizda turli sohalarda erishilayotgan barcha ulkan yutuqlarimizning zamirida jamiyatimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalik hisoblanadi. Ma'lumki, bugun musulmon olamida murakkab ijtimoiy-siyosiy jarayonlar kechmoqda. Yaqin Sharq va boshqa hududlardagi qator mamlakatlar chuqur siyosiy tanglik, ijtimoiy va iqtisodiy beqarorlik va qurolli to'qnashuvlarni boshidan kechirmoqda. Mazkur hududlarda go'yoki haqiqiy "islomiy davlat" qurish shiori ostida ochiqdan-ochiq zo'ravonlik, insoniylikka zid vahshiyliklarga asoslangan amallarga qo'l urayotgan turli guruh va jamoalar urchib ketdi. Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'anievich Karimov ta'kidlaganlaridek: "*Bugungi kunda dunyoning turli mintaqa va hududlarida avj olayotgan qarama-qarshiliklar, qonli to'qnashuvlar, musulmon dunyosidagi turli mazhab va oqimlar o'rtasida kuchayib borayotgan nizo va ziddiyatlar, begunoh odamlarning qurbon bo'layotgani barchamizni tashvish va xavotirga solmay qo'ymaydi*". Afsuski, yoshlar muayyan qismi ISHIDni haqiqatda ham islom dinini butun dunyoga tarqatish, islomiy davlat barpo etgan holda dunyoda adolat o'rnatishni maqsad qilgan tashkilot deb hisoblaydi. Bunday fikrlovchilar Markaziy Osiyoda, xususan, O'zbekistonda ham bor ekani hech kimga sir emas. Bunday yoshlar yuqorida qayd etilgan hududlarda insonlarga qarshi sodir etilayotgan jinoyatlarni go'yoki xalifalik qurish uchun joiz amal

hisoblab qattiq adashmoqdalar. Aslida, mutaassib oqim a'zolarining maqsadlari — “jihod”, “hijrat”, “shahidlik”, “kofir bo'lish” kabi diniy tushunchalarni soxta talqin qilish orqali yoshlarimizni oilasi va yaqinlarining ta'siridan chiqarish, o'qish yoki ishidan ajratib olish hamda ularni qurolli to'qnashuvlar ketayotgan Suriya, Iroq, Afg'oniston yoki Pokiston kabi mamlakatlarga jo'natib, manqurt-jangari yoki “tirik bomba”ga aylantirishdan iborat. Hozir ISHID tarkibida aldangan yoshlar juda ko'p. Ular “kofirlarga qarshi jihod qilyapmiz, orzuimiz jannat”, deb o’ylashadi-yu, ammo musulmonlarni qatl etib, og'ir gunohga botmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2017 yil 19-sentabr BMT bosh Assambleyasining 72-sessiyasida qilgan nutqini barchamiz birdek eslaymiz, albatta. Unda yurtboshimizni: “*Dunyoda terrorizm tahdidlari ayniqsa, so‘nggi yillarda kuchayib borayotgani ularga qarshi asosan kuch ishlatish yo‘li bilan kurashish usuli o‘zini oqlamayotganidan dalolat beradi. Afg‘oniston masalasi global miqyosdagi masalalar markazida bo‘lishi lozim. Xalqaro hamjamiyatning sa’y-harakatlari, birinchi navbatda, Afg‘onistondagi o‘tkir ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishga qaratilishi kerak.”* deya ta’kidlaganliklarining o’ziyoq o’zbek xalqini Afg’on xalqi bilan yelkadosh va birdam ekanligi isbotidir. Bundan tashqari markaziy Osiyo Uyg‘onish davrining ko‘plab yorqin namoyandalarining islom va jahon sivilizatsiyasiga qo‘shgan bebaho hissasini alohida qayd etish joiz. Biz shunday insonlarning avlodimizku, axir ?! Ana shunday buyuk allomalardan biri Imom Buxoriy o‘z ahamiyatiga ko‘ra islom dinida Qur’oni karimdan keyingi muqaddas kitob hisoblangan "Sahihi Buxoriy"ning muallifi sifatida butun dunyoda tan olingan.Bu ulug‘ zotning g‘oyat boy merosini asrab-avaylash va o‘rganish, ma’rifatiy islom to‘g‘risidagi ta’limotini keng yoyish maqsadida Samarqand shahrida Imom Buxoriy nomidagi Xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etilgani, Qur’on musobaqasi o’tkazilganligi, diniy kutubxonalar ko’paygani biz yoshlar uchun qulaylik emasmi ?! Shundan so’ng ham bizni o’sha salbiy illatlar o’z domiga tortishi o’zimizning aybimiz emasmi ?! Balki bilimsizligimizdir ?!

Shunday ekan, yurtimizda hukm surayotgan tinch va osuda hayotni asrash, uning mustaqilligi va barqarorligiga munosib hissamizni qo'shish – har birimizning, shu aziz Vatanda yashayotgan barcha fuqarolarning, talaba-yoshlar balki davlat yoki jamoat tashkilotida ishlashi, tadbirkor yoki boshqa kasb egasi bo'lishidan qat'iy nazar, eng asosiy vazifalaridan bo'lib qolmog'i lozim.

Zero, Payg'ambarimiz (s.a.v) marhamat qilganlaridek: “***Haqiqiy musulmon bu – musulmonlar uning tili va qo'lidan omonda bo'lishliklaridir***”

Do’stlar, talaba-yoshlar va tengdoshlar ! Kelajak bunyodkori sifatida ertaga ushbu illatlarni mamlakatimiz va butun dunyodan nari bo’lishi siz-u bizga bog’liq ekanligini hech qachon yoddan chiqarmaysiz degan umiddaman.

Shoir aytganidek:”*Oq sutiga rozi bo’lsin onang qaro ko’zliging,*
*Oqla yegan non, tuzingni*
*Harom qilma tuzlug’ing.*
*Joning bilan birga ketsin ketsa agar, o’zliging !*”

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1.Karimov I.A. O'zbekiston XX1 asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shaotlari va taraqqiyot kafolatlari. T.6. - T.: O'zbekiston, 1997.

2. J.Do'stmurodov, M.Oltiboyev, N.Azizova. Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari. T.O'zbekiston, 2007.

3. WWW.uza.uz

# ОШИБКИ РОДИТЕЛЕЙ, КОТОРЫЕ НАРУШАЮТ КОНТАКТ С РЕБЁНКОМ

*Нигматжонова М.Н.*
*ТГПУ ИМЕНИ НИЗАМИ.Выполнила студентка*

Большинство молодёжи на данный момент не готовы стать родителями. Они думают, что воспитывать малыша очень легко, но это на самом деле не так уж и просто.

Младенец с рождения требует заботу, ласку, уход, внимание.

Контакт родителя и ребёнка – фундамент семейных взаимоотношений, на котором стоит многоэтажный дом под названием «воспитание».

У каждого родителя есть потенциал сделать этот фундамент прочным, но иногда контакт с ребёнком теряется. В 21 веке все взрослые обращают внимание на детей только тогда, когда они делают что-то не так. Когда ребёнок что-то роняет, ломает мы тут же делаем замечание, ругаем их нецензурными словами и даже бьём их за это, но когда дитё держит в маленькой своей ручке предмет и аккуратно его несёт мы молчим или даже не замечаем. Почему мы становимся к своим же детям такими беспощадными, не внимательными? А потому, что точно также и с нами поступали! Стоит понять, что ребёнок запоминает, что когда он делает, что-то не так родитель обращает внимание. Вывод: пакость-заслуживаешь внимания. Количество замечаний пропорционально стремлению ребёнка скрывать и отдалиться от родителя.

Хвалите своих детей по чаще. На счёт хвалебных слов в духе «молодец», «хорошо», «супер» воспринимаются ребёнком как пустой звук. Обратная сторона у такой похвалы-обесценивание ребёнка.

Рекомендация: Родители обогащайте свой словарный запас!

Когда дети показывают свои чувства, эмоции старшие начинают им закрывать рот. «Не кричи», «не плачь», «не смейся» и т.д. Но это дети поймут, что показывать свои эмоции-это плохо и начинают заикаться, прятаться комком в ежовых иголках.

Во всём мире 75% родителей проводят всего лишь 12 МИНУТ в день для общения с ребёнком. Это дети дошкольники родители, которых работают.

Утро начинается у этих детей с криков и ссор. «Просыпайся, я из-за тебя опять опаздываю на работу», «умывайся скорей», «переоденься», «заправь постель», «кушай быстрее» и т.д. настроение портится, пропадает аппетит, ребёнок делает вывод, что во всех проблемах родителей виноват он!

Вечером. «Давай быстрее я не успею приготовить ужин», «мой руки, садись за стол», «кушай», «иди в ванную», «иди спать». И на этом заканчивается целый день ребёнка.

Каждый родитель должен спросить «как его ребёнок провёл день в детском саду, узнать, что они ели, что рисовали, лепили, пели, во что поиграли дети вместе с воспитателем, какую она сказку им рассказала, что интересного произошло?» Столько много вопросов, но у родителей только есть на них причина, «нет времени; у меня голова болит; я устал, давай позже поговорим» и т.д.

В заключении хочется сказать, что мы должны стараться найти время, ласкать, хвалить до пяти лет, уметь их выслушивать, поддерживать их всегда и во всём, забыть про короткие фразы ДА и НЕТ, довериться их самостоятельности, но при этом наблюдать за ними. А самое главное, что дети нуждаются в безусловной любви и принятии. Эти все методы помогают улучшить взаимоотношение, вы можете узнать об интересах своего ребёнка. Вы непременно справитесь с трудностями и сохраните близость с ребёнком, если только захотите.

## ПСИХОЛОГИЯ В ЭКСТРИМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ.

*Нигматуллаева Ш.А.*
*БухДу студентка кафедры Психологии*

*Опастность тем страшней,чем маловероятней.*
*Дж. Голсуори*

В нашей жизни сплошь и рядом мы сталкиваемся с черезвычайными ситуациями. Главной задачей психологв задачей предупреждение и подготовка людей к стрессам которые проявляются при чрезвычайных ситуациях. Первая что мы должны предпринять организовать массовые психологические тренинги,семинары в организациях,учебных заведиях начиная с дошкольных « в игровой форме» кончая высшими учебными заведениями.Это должно проводитьсяна государственном уровне,мы психологи должны стать на первую линиючтобы подготовить психологическилюдей к черезвычайным ситуациям.На эту проблему нельзяв сквозь пальцы потому что люди стали психологически ранимы.Слово «экстремальный» происходит от латинского слова «extremum», что значит «крайний», и употребляется для обозначения понятий максимума и минимума. Понятие «экстремальный» применяется, когда говорят не об обычных, нормальных и привычных условиях деятельности, а о существенно

отличающихся от них обстоятельствах. Экстремальность указывает на предельные, крайние состояния в существовании вещей. При этом экстремальные условия создаются не только максимизацией (сверхвоздействие, перегрузки), но и минимизацией (недогрузки: недостаток движения, информации и т.п.) действующих факторов. Эффекты воздействия на деятельность и состояние человека в обоих случаях могут быть одни и те же. Необходимость изучения влияния экстремальных факторов на психику человека привела к возникновению и активному развитию новой сферы психологической науки и практики - экстремальной психологии.Термин «экстремальная ситуация» в большинстве случаев означает внезапно возникшую ситуацию, угрожающую или субъективно воспринимаемую человеком как угрожающую его жизни, здоровью, благополучию, ценностям личности и ее целостности. Именно такая угроза делает ситуацию трудной, стрессовой и экстремальной.Именно в экстремальные ситуациях человек испытывает сильнейший стресс. Коснемся этого термина. Слово «стресс» переводится с английского как «давление», «напряжение» и применятся для обозначения широкого спектра состояний и действий человека, являющихся ответом на разнообразные экстремальные воздействия, которые называют «стрессорами». Стрессоры обычно делят на физиологические (боль, голод, жажда, чрезмерная физическая нагрузка, высокие или низкие температуры) и на психологические (факторы, действующие своим сигнальным значением, такие как опасность, угроза, обман, обида, информационная перегрузка и т. п.).Уровень индивидуальной стрессогенности каждой ситуации зависит от субъективной ценности объекта, потерей которого угрожает данная ситуация. Признаком экстремальности также является отсутствие в социальном опыте личности готовых стереотипов реагирования на возникшие обстоятельства. Такие ситуации чаще всего выходят за грани обычного человеческого опыта, человек к ним не адаптирован и не готов полноценно действовать. Степень экстремальности ситуации зависит от силы, продолжительности, новизны, непривычности проявления факторов каждой конкретной ситуации. Зачастую экстремальная ситуация имеет важный событийный статус на жизненном пути личности.Круг проблем, которые связывают с понятием экстремальной ситуации, постоянно расширяется. Помимо природных катаклизмов, вооруженных конфликтов, техногенных катастроф, аварий, экстремальных ситуаций, обусловленных определенной профессией в работах психологов в последние годы отмечаются семейные кризисы и конфликты, эмоциональные кризисы, экстремальные виды досуга, алкоголизм и заболевания близких, чрезвычайные ситуации в бизнесе и многое другое.Опасные для человека экстремальные ситуации вызываются воздействием различных факторов физической либо социальной внешней среды.Физическая среда представляет собой внешние условия человеческой жизни. Она включает в себя такие факторы, как местность проживания, климат, условия жизни и труда, режим и многое другое. Физическая среда сама по себе может нести угрозу для здоровья и жизни человека. К примеру, человек может жить в регионах, на

территории которых бывают землетрясения, наводнения, ураганы, цунами и т.п. Как правило, у людей, живущих в регионах с повышенной опасностью природных катаклизмов, вырабатывается более высокая алертность и готовность к действиям в экстремальных ситуациях.Социальная среда включает в себя окружение человека, тех людей, с которыми он взаимодействует. Она подразделяется на макросреду и микросреду. Макросреда объединяет в себе такие факторы как:

- Демографический (при высокой плотности населения, особенно в мегаполисе, увеличивается уровень опасностей: более высокий темп жизни, преступность и т. п.)
- Экономический (при плохой экономической ситуации возрастает социальная напряженность).
- Социокультурный (характеризуется наличием и количеством неформальных движений и группировок в обществе).
- Религиозный (определяется доминирующими в регионе религиозными учениями и их сосуществованием).
- Национальный (характеризуется межнациональными отношениями в регионе).

На макросреду большое влияние оказывают и массовые психологические явления, присущие большим группам людей (психология толпы).Микросреда определяется социально-психологическими особенностями личности, взаимодействием человека с окружающими людьми, особенностями воспитания, традициями, направленностью референтной группы, стратегией поведения.Экстремальные ситуации вызывают у человека значительное нервное напряжение и стресс. Порой нервные перегрузки достигают предела, за которым следуют нервное истощение, аффективные реакции, патологические состояния (психогении).

Люди, как субъекты экстремальных ситуаций, подразделяются на следующие группы:

- Специалисты (они по своей воле или по зову долга работают в экстремальных условиях).
- Жертвы (люди, которые оказались в экстремальной ситуации не по своей воле).
- Пострадавшие (те люди, которые понесли видимые потери в ходе событий).
- Свидетели и очевидцы (обычно находятся в непосредственной близости от места происшествия).
- Наблюдатели (специально прибыли на место происшедшего).
- Шестая группа - телезрители, радиослушатели и все те, кто в курсе произошедшей экстремальной ситуации и переживают за ее последствия.

Некоторые психологи специально делят экстремальные ситуации на виды, в зависимости от их степени силы воздействия на человека. К примеру, известный российский психолог А. М. Столяренко разделил подобные ситуации на 3 вида:

- параэкстремальные (вызывают существенное нервное напряжение, могут привести личность к неудачам);

- экстремальные (вызывают предельное напряжение и перенапряжение, значительно увеличивают риски и снижают вероятность успеха);

- гиперэкстремальные (кардинально меняют поведение личности, предъявляя к ней требования, значительно превышающие ее обычные способности).Однако экстремальной ситуация делается не только из-за реальной, объективно существующей угрозы, но и из-за отношения личности к происходящему. Каждый конкретный человек воспринимает одну и ту же ситуацию индивидуально, поэтому критерий «экстремальности» может находиться во внутреннем, психологическом плане личности.Экстремальные ситуации способны существенно нарушить базовое чувство безопасности человека, его веру в то, что в жизни есть определенный порядок, и она поддается контролю. В этом плане особенно тяжелы для психики личности антропогенные (вызванные человеческой деятельностью) экстремальные ситуации.Результатом воздействия экстремальных ситуаций на человека может стать развитие различных болезненных состояний - невротических и психических расстройств, травматического и посттравматического стресса. В любом случае, они не проходят бесследно и способны резко разделить человеческую жизнь на «до» и «после». Наиболее экстремальные ситуации могут повредить даже базовые структуры всей личностной организации и разрушить привычный для человека образ мира, а вместе с ним и всю систему жизненных координат.Подводя итоги, отметим наиболее важные факторы, определяющие экстремальность ситуации:1) воздействие неблагоприятных условий внешней среды;2) эмоциогенные воздействия, связанные с внезапностью, новизной, опасностью, трудностью, ответственностью ситуации;3) крайнее психическое, эмоциональное и физическое напряжение;4) наличие неудовлетворенных физических потребностей (голода, жажда, недостаток сна);5) недостаток или явный избыток противоречивой информации

В переживании человеком экстремальной ситуации исследователи выделяют три основные стадии:1) Фазу предвоздействия, которая включает в себя ощущения беспокойства, угрозы непосредственно перед опасным событием.2) Фазу воздействия, которая характеризуется преобладанием эмоции страха и производных от нее ощущений. Она включает в себя непосредственно время интенсивного воздействия чрезвычайной ситуации на человека. Эта фаза наиболее важна при рассмотрении стилей поведения личности и наименее изучена, поскольку исследователи не часто являются очевидцами или участниками многих экстремальных происшествий, а если и являются, не способны в это время проводить точные исследования.3) Фазу послевоздействия, которая начинается через некоторое время после окончания экстремальной ситуации. Данная фаза уже довольно хорошо изучена, поскольку именно с ней имеет дело большинство психологов при работе с жертвами чрезвычайных происшествий.Выше мы будем рассматривать наименее изученную фазу воздействия, поскольку нам

интересно изучить именно характерные особенности поведения человека в непосредственный момент экстремального воздействия. В качестве экстремальных ситуаций мы будем рассматривать самые острые варианты событий, несущие непосредственную угрозу для жизни и здоровья человека.

**ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:**

1. Бандурка А.М., Бочарова С.П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. - Х.: Ун-т внутр. дел, 1999. - 528 с.
2. Б.А. Смирнов, Е.В. Долгополова. Психология деятельности в экстремальных ситуациях. Х.: Изд-во Гуманитарный Центр, 2007. - 276 с.
3.http\\:studme.org

## ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯНИНГ ИНДИВИДУАЛ - МАЪНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Нишанова А.*
*НамМТИ ўқитувчиси*

***Резюме:*** Мақолада замонавий педагогика усуллари, ундаги тарбия муаммолари ҳақида атрофлича фикр юритилган. Замонавий педагогикада тарбиявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг моҳияти ёритиб берилган.

***Калит сўзлар:*** замонавий педагогика, тарбия ва таълим муносабатлари, замонавий технология, тарбиядаги муаммолар, тарбияда ворисийлик.

**Резюме**: В статье представлен всесторонний обзор современных педагогических методов и воспитательных вопросов. Современная педагогика характеризовала особенности учебного процесса и его сущность.

**Ключевые слова**: современная педагогика, воспитание и образование, современные технологии, проблемы в воспитании, педагогика.

**Resume**: The article gives a comprehensive overview on modern pedagogical methods and educational issues. Contemporary pedagogy has characterized the peculiarities of upbringing process and their essence.

**Key words**: modern pedagogy, upbringing and education, modern technology, problems in upbringing, pedagogy.

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва техника технология тараққиётининг ривожланиши даврида илмий фаолият ҳам янги босқичларга кўтарилиб бораётганлигини кўрсатмокда. Педагогика ҳам бундан мустасно эмас. Шу билан бирга барча соҳаларда бўлганидек ушбу фанда ҳам ўзига ўзига хос тадқиқ этиши зарур бўлган муаммолари мавжуддир. Педагогикани инсоннинг таълими, тарбияси, аждодлардан авлодларга бериладиган маънавий мероснинг аҳамиятини ўрганувчи фан сифатида биламиз.

Анъанавий педагогикада бир авлодда ўтказилган тарбиявий тажрибани, янги авлодда қўлланилса самарали натижа беради деган концепция мавжуд

эди. Бугунги кунда ноанъанавий инновацион технологияларнинг таълим ва тарбияда фойдаланиш ўтмиш хатоликларини очиб беришга имкон бермокда.

Биринчидан, кекса авлод тажрибалари ёшларнинг ҳаётий қарашлари ва бугунги кун чақириқларига жавоб бера олмаяпди. Бу эса ёшларнинг бошқа шароитларда яшаётганлиги ва илмий ахборот оқимини тобора янгиланиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Иккинчидан, тажрибани узатиш ёки бугунги кун ҳаётига мослаштириш ижобий натижаларни бермаслигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунинг учун замонавий педагогикада тарбия муаммоси янги кўринишда юзага келаётганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли кўплаб педагогикага доир дарслик ёки қўлланмаларнинг яратилганлига қарамай, таълим ва тарбия назарий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаган педагогик муаммолардан бири бўлиб қолмокда.

Академик П. И.Пидкасистнинг фикрича, тарбия бу ёш авлодни ҳаётга тўғри тайёрлашдир. Бундан ташқари, тарбия бола шахсиятининг максимал даражада ривожланишига, ўз ҳаётининг муносиб эгаси бўлишга, замонавий маданиятга ўзлигини йўқотмаган ҳолда кира олишига ёрдам берувчи мақсадли фаолиятдир.[1,608]

Замонавий таълим назариясининг асосида қуйидаги ғоялар ётади: таълим мақсадларининг реаллиги, инсоннинг ўз-ўзини англаши, болалар ва катталарнинг ҳамкорликдаги фаолияти, шахсий йўналганлик, жамоада ишлай олиш қобилиятига эга бўлиш кабилардир. Тарбиянинг мақсадлари ўзгарувчан ва доимо ҳаракатда бўлиб, маълум тарихий характерга эга жамият ривожининг эхтиёжлари билан аниқланади. Шу билан бирга унинг муваффаққияти ижтимоий - илмий техник ривожланиш, педагогик назария ва амалиётнинг эришган ютуқлари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бача соҳаларда жуда катта ютуқларга эришилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ўз вақтида олиб борилган амалий ишлар самарасидир. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ixсессиясида сўзлаган нутқида шундай деган дилар: “Бакамол авлод Ўзбекистон пойдеворидир.... барчангиз яхши биласизки келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом ва баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди”[2,18].

Ҳақиқатдан, фарзанд туғилганидан бошлаб, ўз оиласи даврасида камол топиб, улғайиб боради. Аммо нафақат ота-она, балки унинг атрофидаги инсонлар, жамият, унинг таълим тарбиясига кўрсатилаётган таъсир масъулиятини ўз бўйнига олади. Ана шу жамиятга хос анъаналар, қадриятлар, урф одатларнинг тўғри талқин қилиниши боланинг камол топишида асосий ўрин тутади. Бу эса педагогиканинг асосий вазифаларидан бири сифатида характерланади. Тарбия маданий тажрибани авлоддан авлодга қолдирувчи жараён сифатида анъанавий педагогик назария кўриб чиқадиган

уч асосий жиҳатни ўз ичига олади: ижтимоий-норматив, индивидуал-маънавий ва қадриятий – фаолиятлилик[3,512].

Ижтимоий норматив жиҳати ижтимоий маданий муҳит билан идентликда, унинг мезонлари, анъаналари, урф-одатлари, ижтимоий фикрни қабул қилишда амалга ошади. Жамият тараққиётига эришиш алоҳида шахсни тарбиялашда деб ҳисобланади. Бу “атроф-муҳит таъсирлари” тарбиянинг самарали воситаси бўлиши мумкин деган тамойилга асосланади. Маданият нафақат фаолиятни, балки одамлар томонидан алоҳида факт ва воқеаларни қабул қилиш усулларини тартибга солади, уларнинг маълум вазиятларда ўзини қандай тутиши кераклигини олдиндан белгилаб беради. Натижада атроф муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш шакли сифатида ўзини тутиш усули кўринишида намоён бўлади.[4,506]

Тарбиянинг индивидуал-маънавий жиҳати инсонни атроф-муҳитдан ажратиб туради: ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўз-ўзини англаш ва бошқалар, яъни инсон ҳаётида ва фаолиятида ўзини ўзи қадрлашни ўргатади.

Тарбия индивидуал жараён сифатида инсоннинг ўзини-ўзи, бошқаришни педагогика ёрдамида (раҳбарлик, қўллаб-қувватлаш шаклида) амалга оширади: унинг маънавияти ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз ўзини англаши ва ўзини ривожлантиришни назарда тутади. Бундай тарбиянинг натижаси инсоннинг ташқи дунё билан алоқаси (ахборот алмашинуви билан боғлиқ эмоционал ҳолатлар)да намоён бўлади.

Тарбиянинг қадриятий - фаолиятлилик жиҳати атроф муҳит билан ўзаро муносабатларда, ўзаро таъсирлар алмашинувида намоён бўлади. Нафақат атроф-муҳит қадриятларини қабул қилиш, балки қадриятларни ўз қарашлари ва ўз нуқтаи назарлари орқали ифодалашни ҳам назарда тутади. Бу йўналиш таълим механизмини инсоннинг шахсий- индивидул бирлигига эришиш сифатида кўринади.

Ҳаётнинг барча соҳаларини инсонпарварлашуви таълим фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Инсонпарварлик парадигмаси доирасида таълим жараёни инсоннинг мавқеини оширишни - ижтимоий-маданий ва касбий муҳитда ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш жараёни сифатида намоён бўлади.

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг узлуксиз давомийлик ва мантиқий мазмунига эга эканлигидир. Бу тавсифга кўра мантиқийлик тарбиявий жараённинг йўналишини башорат қилиш, тарбия натижасини ўқувчилар мотивациясиясини, ўзлари ҳақидаги тасаввурлари, интилиш ва идеалларини ўрганиш орқали олдинда кўриш имконини беради. Тарбия жараёнининг мантиқийлиги ва ушбу педагогик башоратга асосланиб тан олиниши таълим соҳасида мақсадларни белгилашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Тарбия жараёнинг яна бир муҳим хусусияти, унинг тадрижийликда давом этишидир. Бу ҳолатлар, ҳодисалар ва ўзгаришлар кетма кетлигида намоён бўлади. Тарбия жараёнининг вазиятларнинг тадрижийлиги унинг кетма-кетликда изчиллик билан ўрин алмашиш орқали давом этиши

тушунилади. Ҳар бир тарбия жараёни олдинги ҳолатдан келиб чиқадиган ва албатта келажак учун шарт шароит яратиш тарзида кузатилади.

Тарбия жараёнинингяна бир ўзига хос хусусияти - ночизиқли вазиятда бир ҳолатдан кейингисига сакрашлар орқали ўтишда намоён бўлиб, тарбиянинг инқироз ҳолатини характерлайди. Ночизиқлилик тарбиянинг нотекис бир босқичдан иккинчисига тўлиқ ўтишида кўринади.

Бутун педагогик жараённинг қуйи тизимларидан бири сифатида яхлит тарбия қуйидаги умумий қоидаларга бўйсунади: тарбиянинг ижтимоий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги; таълим ва тарбия бирлиги ва ўзаро алоқаси; шахснинг умумий ривожланиши билан боғлиқлиги; фаолият ва мулоқотни шахснинг ижтимоий- қадриятий хусусиятларини шакллантиришнинг асоси ва асосий манбаи сифатида эътироф этиш; тарбиянинг ўзаро таъсирлар ва талабаларнинг фаоллиги ўртасидаги муносабатларга боғлиқлиги ва ҳоказо.

Тарбиянинг мазмуни илмий далиллар, ижтимоий тажрибадаги ижтимоий билишда шаклланувчи табиат, жамият, инсон ҳақидаги тушунчалар, қадриятлар, меъёрлар, идеаллар, қобилиятлар, истеъдодлар, хатти-ҳаракатларга асосланувчи билимларнинг яхлит назариясидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, тарбияни шакллантириш предмети сифатида - ҳис-туйғу, ижтимоий онг, муносабат, баҳолаг ва тарбияланувчининг хулқ атвори кабилар киради. Ҳозирги кунда таълим концепсиясининг ўзгариши тарбия таркибидаги ўзгаришларга олиб келди.

Тарбия жараёни таълим муассасаларидаги тарбия ва таълимни бирлаштириш, оилада тарбияни, шунингдек, микроиқтисодий ва ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳисобга олиш билан боғлиқ шахсни шакллантириш жараёнининг бир қисми сифатида кўриш мумкин.

Тарбия жараёни педагогик ҳодисалар ичида энг кам ўрганилган бўлсада, у ўз хусусиятларига эга ва маълум маънода ўз моҳиятига кўра тадбиқ этиш мураккаб бўлган жараёнлардан биридир. Тарбия жараёнининг психологик моҳияти тарбияланувчининг бир босқичдан бошқасига ўтказишдир. Психологик нуқтаи назардан тарбия – бу ички жараён, яъни тажриба, билим, қадриятлар, меъёрлар, қоидалар ўтказиш жараёнидир. Инсоннинг ички ақлий қобилияти, эътиқодига, муносабатига, хатти-ҳаракатига боғлиқдир. Тарбия жараёни туфайли шахснинг психологик характери шаклланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Педагогика: учебник для студентов педагогических вузов / Под ред. П.И. Пидкасистого. – М.: Педагогическое общество России, 2002. – 608 с.
2. Каримов И.А. баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 9 сессиясида сўзлаган нутқи. Т,:Шарк, 1997. Б. 18
3. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студентов педагогических учебных заведений. – 4-е изд. – М.: Школьная Пресса, 2002. – 512 с..

4. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студентов педагогических учебных заведений. – 4-е изд. – М.: Школьная Пресса, 2002. – 506 с.

## АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ВА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Нишанова М.А.*

*XXI асрда ривожланган давлатларда ахборотларнинг асосий қисми қоғозсиз кўринишда – ЭҲМ хотирасида сақланади. Демак, XXI аср бошларида ушбу ахборотлардан фойдалана олмаган киши XX аср бошидаги ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган кишига ўхшаб қолади.*

*В.М.Глушков*

Бугунги кунда педагогик таълим самарадорлигини ошириш билан бевосита алоқадор бўлган бир қатор ҳозиргача ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Бу муаммолар таълим соҳасини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш, педагогларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш малакасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Бу муаммоларнинг муҳим қирраларидан бири сифатида педагогларнинг ўзларидаги таълимни ахборотлаштиришга бўлган муносабатларини кўрсатиш мумкин. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш шароитида педагогнинг роли янада ошади.

Бутун дунёда ахборот технологиялари кенг кўламда ривожланмоқда. Шубҳасиз, таълим жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш зарурдир. Замонавий жамият ахборот узатиш ҳажми ва тезлиги жиҳатидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан характерланади.

“Н.Винер ахборотни ташқи дунёдан унга мосланиш жараёнида олинадиган мазмун белгиси сифатида қарайди, Шеннон фикрича, билиш жараёнида ноаниқлик йўқоладиган коммуникация ва алоқа, Эшби фикрича, турли нарсани узатиш, Моллнинг айтишича, тузилмаларнинг мураккаблик ўлчови ҳамда Ягломнинг таъкидлашича, танлаш эҳтимоллиги сифатида тавсифланадиган тушунча”[1].

Таълимда замонавий ахборот технологиялари муҳитининг шаклланиши:

- фан соҳаларини ахборотлаштириш;
- ўқув фаолиятини интеллектуаллаштириш;
- интеграция жараёнларини тезлаштириш;

---

[1] А.А.Абдуқодиров, А.Х.Пардаев Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Т. Фан. 2009 йил.

• таълим тизими инфраструктураси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Таълимни ахборотлаштириш - таълим-тарбиянинг педагогик-психологик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни, таълим соҳасида уларни яратиш амалиёти ва методологияси билан таъминлашни назарда тутади.

Бу жараён, биринчидан, илмий-педагогик маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштиришни, иккинчидан, замонавий ахборот жамиятида, шахсни ривожлантириш мақсадларида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари, методлари, мазмунини танлаш ва методологиясини такомиллаштиришни, учинчидан, ўқувчини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, унда мустақил билим олиш малакасини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг методик тизимини яратишни ва ниҳоят тўртинчидан, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг диагностик методларини, хусусан компьютер тестларини яратишни ва улардан фойдаланишни мақсад қилади.

Дунёда масофавий ўқитишнинг, очиқ таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида кенг қўлланилиши, шунингдек, таълимда замонавий ахборот технологиялари ва ИНТЕРНЕТдан фойдаланиш унинг сифатини юқори кўтариш омилларидан бири ҳисобланади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, олий педагогик таълим тизимида турли фанларни ўқитишда кенг жорий этилмоқда.

“Педагогик технология-ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ёки олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлидан ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси”.[1] Педагогик технология ўқитувчига ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва уни амалга ошириш учун кенг фаолият майдонини яратади. Натижада таълим тизимида ўқиш-ўқитиш жараёнларини лойиҳалаш бўйича аниқ ва етарли қоидалар амалга оширилади. Бу эса айни пайтда педагогикада ижодий камолот йўлини очиб беради.

Ўқув жараёнида янги ахборот технологияларни қўллаш, педагогик методларнинг самарадорлигини оширишга, педагогларнинг меҳнат фаолиятини ўзгаришига, уларнинг иш услубларини такомиллашишига, педагогик тизимларнинг структуравий ўзгаришига олиб келади. Бу эса педагогик жараёнларни бошқаришни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос вазифаларни қўяди.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш:

• ўқитувчилар ўртасида меҳнат тақсимотини;

• масофавий ўқув курслари ва электрон адабиётларнинг яратувчиси бўлган жамоага педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассисларининг бирлашувини.

[1] Н.У.Тиллабоева – ТДИУ дотсенти. Педагогик нехнологиянинг муҳим жиҳатлари ва хусусиятлари. Мактаб ва ҳаёт журнали 2008 йил 5- сон 22-23 бетлар

Мультимедия ва Интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши ахборот технологияни мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситасида ишлатиш имконини беради.

Мактабдаги таълим жараёнида ўқувчилар ахборот технологияси ёрдамида матн билан ишлашни, тасвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан фойдаланишни ўрганади. Ўқувчилар ахборот йиғишнинг янги усулларини, улардан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёқараши кенгаяди. Дарсларда ахборот технологиясининг ишлатилиши ўқишга бўлган мотивациясини, ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Компьютер ахборот технологияси билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълим ахборот технологияси шахснинг бўлажак касбининг асосий инструменти бўладиган вазият вужудга келади. Таълим ҳақиқатдан ҳам ҳаётимизга бутун ҳаёт фаолияти давомида кириб келаверади.

Ахборот технологиясини қўллашда шахснинг барча қобилиятларини - қизиқувчанлик, одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш керак. Бу қобилиятлар кераклича юқори даражада руёбга чиқиши учун педагогнинг ахборот технологияси соҳасидаги билимдонлиги зарур. Педагогларда бу билимдонликни ривожлантиришни олий ўқув юртларидаги ўқиш давомида бошлаш керак. Ахборот технологияси соҳасидаги билимдонликни қуйидагилар билан ифодаласа булади: замонавий ахборот муҳитида тажрибани баҳолаш ва фаолиятда қўллаш қобилияти, шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш, умумий коммуникатив маданиятнинг, ахборот алмашишни ташкиллаштиришда тажриба ва назарий билимларнинг мавжудлиги ахборотни олиш, танлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш, тақдим этиш, узатиш ва қўллаш маданиятини ўзлаштириш.

Таълим тизимида ахборот технологияларининг жадал суратлар билан жорий этилиши замонавий технологияларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиради. Айни пайтда таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларини алоҳида такидлаш мумкин. Улар:

1. Ўқув мақсадларидаги дастурий воситаларнинг имкониятларини ўқитиш воситаси, ўрганиш объекти ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиш.

2. Ўқув-методик мажмуалар яратишда, ўқув-намойиш асбоблари ва компьютер воситалари имкониятларининг интеграцияси. Бундай мажмуалардан фойдаланиш ўқувчига ўрганилаётган жараён ҳақидаги ахборотларни жамлаш, сақлаш, жараёнларнинг қонуниятларини моҳиятларини очиб беришга ёрдам беради. Замонавий технологиялар негизидаги ўқув-намойиш мажмуаларининг қўлланилиши индивидиуал ва жамоавий эксперимент фаолиятни ташкил этишга замин яратади. Бу эса, ўқувчида интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил билим олиш имкониятини яратади.

3. Мультимедиа тизимларини яратишда, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш.

Бундай тизимлар ўзида дастурий-аппарат воситалар ва асбоблар мажмуасини мужассамлаштириб, ахборотнинг турли (матн, графика, овоз, тасвир) кўринишларини бирлаштиради ва фойдаланувчи билан интерфаол мулоқотни ташкил этади. Мультимедиа тизимларидан фойдаланиш, фаол ўқитиш методлари ва шаклларини жорий этишни таъминлайди, ахборотларнинг қабул қилиниш даражасини оширади.

4. Сунъий интеллект тизими имкониятларидан интеллектуал ўқитиш тизимларини яратишда фойдаланиш. Бундай ўқитиш тизимлари мустақил билим олиш жараёнини ташкил этиш, мустақил равишда билимларни ўзлаштириш, ўқув фаолиятини интеллектуаллаштиришни ривожлантиришга замин яратади. Булар барчаси ўқувчи шахсини ривожлантириш жараёнини жадаллаштиради.

5. Глобал ва локал компьютер тармоқлари орқали ахборот алмашинувини таъминловчи телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш.

Телекоммуникация алоқаси (синхрон, асинхрон) қисқа вақтда илғор педагогик технологияларнинг тарқалишига, ўқувчининг умумий ривожланишига ёрдам беради.

6. Ахборот алмашувининг янги технологияси - бу реал вақт режимида стереоскопик тасаввур тизими, яъни “Виртуал ҳақиқийлик” ҳисобланади.

Бундай тизимдан стереометрия, чизмачилик, муҳандислик графикаси каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мутахассисларнинг касбий тайёргарлик савиясини янада оширади.

Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари билан ишлайдиган ўқитувчилар қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари керак:

- маъруза матнлари, амалиёт билан боғлиқ топшириқларни тайёрлаш;
- услубий кўрсатмаларни, назорат саволларини, тўғри жавоблар вариантини тузиш;
- ишчи дастур ва технологик харитани тузиш;
- билимни назорат қилиш натижасини таҳлил этиш;
- маъруза матнларини таҳрир килиш;
- ҳар бир мавзу бўйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимацияларини тасаввур этиш;
- мустақил ишлар бўйича ўқувчиларга назарий ва амалий саволлар юзасидан маслаҳатлар беришни ташкил қилиш;
- ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзулар бўйича ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш каби талаблар қўйилади.

Қўйилган ушбу талаблар бўйича ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари асосида дарс жараёнини ташкил қилиш педагог-ўқитувчиларнинг иш фаолиятини осонлаштириб, ўқув жараёнини бошқариш, унинг самарадорлигини янада кўтаришга эришилади. Шу билан бир қаторда таълим муассасаси раҳбариятига ўқувчиларнинг олган билимларини, тест натижаларини кўриб бориш ва уларнинг ўзлаштириш даражасига баҳо

бериш, ўқитувчиларнинг маъруза матнлари ва бошқа мустақил ишларига мўлжалланган материалларининг тайёрлаш сифатига баҳо бериш, мультимедиа воситалари асосида лаборатория ишларини бажариш учун компьютерда моделлаштирилган анимацион тақдимотлар жорий этиш, курсни ўзлаштириш бўйича услубий материалларни тайёрлаш учун таклифлар ишлаб чиқиш кабиларни амалга ошириш имконини беради.

Ахборот манбааларидан фойланиш технологияси ҳар бир ўқувчини кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ў?итиш назарияси ва амалиёти. Т.: Фан, 2009 й.

2. Н.У.Тиллабоева – ТДИУ дотсенти. Педагогик нехнологиянинг муҳим жиҳатлари ва хусусиятлари. Мактаб ва ҳаёт журнали 2008 йил 5- сон 22-23 бетлар.

## YUQORI SINF O'QUVCHILARIDA O'QUV FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING MOTIVATSIYON ASPEKTLARI

*Nishonov N.A.*
*Andijon viloyati XTXQTMOHM o'qituvchisi.*

Bugungi kunda yosh avlodga berilayotgan e'tibor har qaysi davrdan-da yuqoriroq darajada namoyon bo'lmoqda. Yoshlarga ta'lim-tarbiya berish jarayonida kasbiy professionallik pedagoglarning oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Xalq ta'limi tizimida o'quv ishlari sifat-samaradorligini oshirish bo'yicha yangi qarorlar, samarali loyihalar ishlab chiqilmoqda. O'quvchi yoshlarni maktab ta'limidan keyingi hayotda o'z o'rinlarini topishlari uchun keng imkoniyatlar yaratilmoqda. Har bir insonning hayotida intilishi, qiziqishi va maqsadilari mavjud. Umrimiz davomida oilamizga oid, shaxsiy o'sishimizga oid, ishimizga oid va yana o'qishimizga oid bir qancha maqsadlarni oldimizga qo'yamiz. Maqsadga erishishimiz uchun o'zimizda faoliyatga undovchi kuchni – motivni yaratamiz. Motiv va motivatsiya tushunchasi. Dastlab bu ikki tushunchaga to'xtalib o'taylik. **Motivatsiya, motiv so'zidan kelib chiqib, biron bir harakat sababi ma'nosini anglatadi. Faoliyat asosi sifatida avval odamda, u yoki bu ehtiyoj paydo bo'ladi, shundan so'ng ehtiyoj qondirilishi uchun harakat amalga oshiriladi. Aynan shu harakatga turtki bo'luvchi ichki kuch motiv va ehtiyojni qondirish davomida ishga tushuvchi qator motivlar majmuasi motivatsiya deb ataladi.** Ma'lum bir maqsadga intilayotgan odam vaqti kelib "Nima uchun?" degan savolga javob berishiga to'g'ri keladi. Bugungi kunda

o'qishga bo'lgan motivatsiya soxasida eng ko'p uchraydigan muammolarimizdan biri o'qish jarayonida davomli motivatsiyaning yo'qligidir. O'qishga bo'lgan intilish dastlab "olov" kabi yonadi, qisqa muddatdan so'ng esa qiziqish so'nadi. Nima uchun? **Maqsadga yondoshishning an'anaviy modelida** quyidagicha struktura shakllangan:

- ❖ Dastlab maqsadga qanday erishish haqida o'ylaymiz.
- ❖ Bu vazifalarni kimlar bilan bajarish haqida o'ylaymiz.
- ❖ So'ngida esa ushbu maqsadimizni nima uchun amalga oshirayotganligimiz haqida o'ylaymiz.

Bu model motivatsiyaning qisqa muddatda so'nishiga olib keladi. Chunki oldimizga qo'yilgan maqsadning mohiyati haqida eng so'ngi vaziyatda fikr yuritamiz. Quyidagi model esa uning barqarorligi va samaradorligini ta'minlaydi.

- ✓ Dastlab maqsadimizni nima uchun amalga oshirayotganligimiz haqida o'ylaymiz.
- ✓ Bu vazifalarni kimlar bilan bajarish haqida o'ylaymiz.
- ✓ So'ngida esa maqsadga qanday erishish haqida o'ylaymiz.

Motivatsiya tushunchasini tushuntirish uchun butun dunyoda 30 ortiq nazariyalar ishlab chiqilgan. O'zbekistonda motivatsiya soxasi bo'yicha M.Davletshin, E.G'oziev, V.Karimova kabi olim va olimalarimiz faoliyat olib borganlar. Jaxon psixologiyasida esa geshtalt psixologiya, bixevoristik psixologiya, kognitiv psixologiya, gumanistik psixologiyadagi nazariyalar bunga misol bo'la oladi.

Bixeviorizmning asoschisi Dj.Uotson (1878-1938) psixologiya faninig bosh vazifasi xulqni tadqiq etishdan iborat deb tushunadi. U psixik hodisalardan mutlaqo voz kechib, xulqni ikki shaklga, ya'ni ichki va tashqiga ajratadi, ular o'zaro javoblar stimuli bilan uzviy bog'liq ekanligini ta'kidlab o'tadi. Bixeviorizm uchun «xulq» asosiy tushunchaga aylanib, uning psixikasi bilan aloqasi chetlab o'tilgandir. Shunga qaramasdan, ba'zi bixevioristlar, jumladan E.Torndayk, E.Tolmen, K.Xall, D.Xebb kabilar xulq motivatsiyasiga muayyan darajada e'tibor qilganlar. Ular o'zlarining izlanishlarida xulq motivatsiyasining «quyi darajalari» ni o'rganib, kalamushlarda tajriba ishlarini olib borib, jonivorda ochlik, tashnalik va ularning turlicha darajalarini reaksiya tezligiga nisbatan namoyon bo'lish xususiyati, har xil sharoitda motivatsiyaning kuchi to'g'risida muayyan qonuniyatlar ochishga intilganlar.

Neobixevioristik nazariyalar yangi qo'zg'atuvchilar, drayvalar paydo bo'lishiga asoslangan bo'lib, ular insonning organik ehtiyojlarini qoniqtirish bilan stimul natijasining uyg'unlashuvi tariqasida tahlil etiladi. Ularning ta'kidlashiga ko'ra, ikkilamchi qo'zg'ovchilar organik qo'zg'atuvchilarning go'yoki qobig'iga o'xshaydi, xolos. Vilyam Makdugall (1871-1938) motivatsiyaning irsiy (tabiatdan beriladigan) xususiyatga ega degan holatni asoslash uchun tug'ma instinktlar masalalari bilan mazkur voqelikni bog'lab tushuntirishga harakat qilgan. Uning fikricha, tug'ma instinktlar ham insonlarga, ham hayvonlarga bir tekis taalluqli bo'lib, ular odamlarning motivida oldin 14 ta, keyinchalik esa 18 tagacha «asosiy instinktlar» sifatida hukm surishi mumkin.

Geshtalt psixologiya maktabi namoyandalari uchun motivatsiya o‘ziga xos talqinga ega bo‘lib, uning mohiyatini eksperimental tarzda o‘rganishga, ochib berishga intilish ko‘rsatkichi bilan boshqalardan ajralib turadi. K.Levin (1890-1947) motivlarni eksperimental o‘rganish metodikasini ishlab chiqib, ularni mutlaqo mustaqil holat sifatida tushuntirishga harakat qilgan va bu borada muayyan muvaffaqiyatlarga erishgan. Geshtalt psixologiya maktabining namoyandalariga obraz tushunchasi qanchalik o‘ta ahamiyatli bo‘lsa, K.Levinning maydon nazariyasi uchun motiv kategoriyasi xuddi shunday muhim xususiyat kasb etadi. Obraz va motiv o‘zaro aloqasiz hukm surishi ta’kidlanadi, motivatsiyani amalga oshiruvchi vaziyatning predmetli, ma’noviy mazmuni esa inkor qilinadi.

Ushbu nazariyalar ichidan gumanistik psixologiyaning zabardast olimlaridan biri bo’lgan Abraxam Maslouning “Ehtiyojlar nazariyasini” ko’rib chiqamiz. A.Maslou insoniy ehtiyojlarni o'rganar ekan fanda o’zining “Ehtiyojlar piramaidasi” g’oyasini ilgari surdi.

**Abraxam Maslouning Extiyojlar piramidasi.**

1. **Fiziolgik extiyojlarga** Inson organizmining biologik butunligini ta’minlovchi zaruriyat mujassamlashgan: ovqatlanish, nasl qoldirish, uxlash va jinsiy mayllarga nisbatan bo‘lgan extiyojilari va h.k hisoblanadi. Ushbu sanab o’tilgan ehtiyojlarni qondirishning asosiy shartlaridan biri yetarli miqdordagi pulga ega bo’lishdir.
2. **Xavfsizlikka bo‘lgan extiyoj.** Insonning o‘zgalardan ximoyalanishga, salomatligini saqlashga, ertangi kunga ishonch va nafaqa bilan ta’minlanishga nisbatan bo‘lgan extiyojilari hisoblanadi.
3. **Ijtimoiy yaqinlikka bo’lgan extiyoj**. Insonning biron bir jamoa orqali qabul qilinishi, uning tan olinishi, unga nisbatan o’zgalarning diqqat-e’tibori va mehr-muhabbatining mavjudligiga bo‘lgan extiyojilari hisoblanadi.
4. **Hurmat va obro’- e’tiborga ehtiyoj.** Kimligini tan olinishi va guruxga kerak ekanligini,atrofdagilarda o’ziga nisbatan hurmatni his etish, yuksak mavqeega ega bo’lishga qaratilgan extiyojilar hisoblanadi.
5. **Komillikka ya’ni o‘z-o‘zini takomillashtirishga bo‘lgan extiyoj**. O’z qobiliyatini kuchliroq namoyon qilish, ularni rivojlantirish, ijodiy faoliyatda bo’lish, o’z hayoti mazmunini anglab yetishga intilishda namoyon bo’ladi.

A.Maslou fikricha yuqori pog’onadagi motivlar 1 va 2 pog’onadagi ehtiyojlar yetarli ravishda qondirilganidan so’ngina o’z faolligini namoyon etadi. Ushbu nazariyadan kelib chiqib shunday hulosa qilishimiz mumkun. Har bir o’quvchining o’quv faoliyatini samarali tashkil etishi uchun 1 va 2 pog’onadagi extiyojlari qondirilgan bo’lishi zarur. O’z-o’zidan ma’lumki bilim olish yuqori pog’onadagi ehtiyoj hisoblanadi. Avvalambor, bir savolga javob topishimiz lozim bo’ladi. O’z ustida doimo ishlaydigan, bilim olishga chanqoq bo’lgan a’lochi o’quvchida 4 - pog’onagacha bo’lgan ehtiyojlari qonganmi? 4 pog’ona ham bekamu ko’st qondirilganmi? Aksariyat xolatlarda bunday emas. Sababi inson ruxiyatida norasolik komleksi deb atalmish komponent mavjud bo’lib u insonni doimo nimalarnidir isbotlashga, nimalarnidir yashirishga undaydi. To’laqonli 4 ta pog’ona ehtiyojlarni qondirilganligini aniqlash uchun dunyoga mashxur “Toyota”

kompaniyasining asoschisi Sakiti Tayoda tomonidan asos solingan “5 ta nima uchun?” qoidasidan foydalanish mumkin. Masalan:

1. Men tibbiyot oliygohiga o’qishga kirishim kerak? Nima uchun?

2. Hayotda o’z o’rnimni topishim uchun. Hayotda nima uchun o’z o’rningni topmoqchisan?

3. Chunki insonlar shunda meni xurmat qiladi, ota-onamning yuzi yorug’ bo’ladi. Nima uchun seni hurmat qilishlarini xohlaysan?

4. Chunki oilada o’rtancha farzandman. Odatda ko’p fikrlarimi uydagi ota-onam hisobga olishmaydi. Nima uchun fikrlaringni hisobga olishmaydi?

5. Chunki tibbiyot hodimi bo’lish otamning bolalikdagi orzusi ekan. Men esa texnika va texnologiya soxasiga qiziqaman. Nima uchun bu xaqda ota-onangga habar bermading?

6. Ular bu soxadagi qobiliyatimga hamda muvaffaqiyatga erishishimga va eng asosiysi menga ishonmaydilar.

Bu suxbatdan ma’lumki o’quvchining 2, 3 va 4 pog’onadagi extiyojlari qondirilmagan. Ayni vaziyat ko’pgina o’quvchilarda uchraydi. 3 va 4 pog’onaning ahamiyati haqida to’xtalib o’tar ekanmiz o’qishga bo’lgan motivatsiya mana shu pog’onalardan shakllanib borishini anglashimiz zarur. Andijon viloyati Qo’rg’ontepa tumani 13-maktabdagi bitiruvchi sinflarda ta’lim olayotgan 41 nafar o’quvchidan olingan psixologik so’rovnoma natijalari yuqoridagi fikrimizning ahamiyatini yana bir bor tasdiqlaydi.

Kasb tanlashingizga kim ta'sir qildi?




Ushbu statistik ma’lumotdan kelib chiqib shunday xulosa qilishimiz mumkinki, yuqori sinf bituruvchilarimizning 1/4 qismi kasb tanlashda ota-onalar va do’stlarning maslaxatlariga ko’proq amal qilar ekan. Bunda yana o’sha **Maqsadga yondoshishning an’anaviy modeli** yordamga keladi. Natija esa hammamizga ma’lum! Albatta, insoniy ehtiyojlar doimo orta boradi. Qanday qilib yuqoridagi 1,2,3 va 4 extiyojalarni qisman bo’lsada qondirishimiz mumkin? Inson jamiyatda ijtimoiylashadi hamda to’laqonli barkamol shaxsga aylanadi. Ushbu jarayon qanchalik jadal sur’atlar bilan borsa jamiyat uchun ham shaxs uchun ham

ayni muddao bo'ladi. Inson ruxiyatiga irsiyat, atrof muxit va ta'lim - tarbiya kuchli ta'sir o'tkazadi. Oiladagi tarbiya quyidagi ko'rinishlarda namoyon bo'ladi:

a) Hayot adolatli, jozibador. Sen bu hayotga loyiq insonsan.

b) Hayot adolatsiz va beshavqat. Senga ishonaman bu hayotga tayyor tur va jabrlanuvchi bo'lma.

c) Hayot adolatli va jozibador. Sen bu hayotda ko'p narsaga erisholmaysan.

d) Hayot adolatsiz va beshavqat. Sening qo'lingdan hech narsa kelmaydi va men Senga ishonmayman.

O'zbek milliy mentalitetida oiladagi ta'lim-tarbiyani o'rni beqiyos. Aynan oiladagi ijobiy muhit va ta'lim-tarbiya bolaning ushbu exiyojlarini qondirib barkamollik pog'onasiga o'tishini ta'minlaydi. Azal-azaldan ajdodlarimiz jismoniy tarbiya bilan birgalikda ruxiy tarbiyani ham rivojlantirib borishgan. Dinimizning mohiyati ham insonni barkamol shaxs tarbiyalanishiga qaratilgan.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib hulosa o'rnida shuni ta'kidlashimiz mumkin:

•Qanday davr bo'lmasin yetuk kadrlar muammosi o'zining dolzarbligini yo'qotmaydi.

•Yoshlarimiz hamisha ham o'zi hoxlagan kasb egasi bo'lib yetishishi uchun ular bilan doimo yaqin va sirdosh bo'la oladigan professional pedagagog kadrlar tayyorlasak;

•O'sib kelayotgan yosh avlodga ushalmagan armonlarizni amalga oshiruvchi farzand sifatida emas, o'z oldiga maqsad qo'ya oladigan inson sifatida tarbiyalasak maqsadga muvofiq yo'l tanlagan bo'lar edik.

Agar farzandimiz ma'lum bir maqsadni yoki kasbni tanlar ekan, maqsad yoki kasbni oson va murakkab jixatlarini, yutuq va kamchiliklarini, imkoniyatlari va xavf xatarlarini, farzandimizning o'ziga xos kuchli va o'zini ustida ishlash zarur bo'lgan tomonlarini yoritib beradigan mayoq bo'lsak kelajakda albatta o'z soxasining mutaxassisi bo'lib yetishar edi. Amerikalik mashxur siyosiy arbob Genri Kissinjer aytganidek "Qaysi yo'ldan yurishni bilmasangiz barcha yo'llar sizni adashtiradi."

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. G'oziyev E.G'. Faoliyat va xulq-atvor motivatsiyasi.-T.: "Universitet", 2003.
2. G'oziyev E.G'. Umumiy psixologiya.-T.: "Universitet", 2002.
3. Abraxam Maslou. Motivatsiya i lichnost.-Sankt Peterburg.: "Piter", 2008
4. Xayns Xekxauzen. Motivatsiya i deyatelnost. T.1, T.2., M., 1986.
5. Kovalev V.I. Motivy povedeniya cheloveka. –M.: "Nauka", 1988.

# ХУЛҚИ ОҒИШГАН БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Нишонова М.Я.*
*Наманган вилояти Чуст тумани ХТБга қарашли*
*37-мактаб амалиётчи психологи*

Хулқдаги оғиш илмий манбааларда девиация деб аталиши кенг тарқалган бўлиб, оғишган хулқ-атвор ҳолати девиант хулқ-атвор деб номланади. Сўз аввалида ойдинлик кититиш керакки, девиант хулқ-атвор ва оғишган хулқ-атвор атамалари олимлар томонидан алтернатив атамалар сифатида белгиланган. Айрим ҳолларда эса девиант хулқ-атвор кенгроқ маъно касб этувчи ҳамда кўпроқ тадкиқ этилган атама сифатида эътироф этилади. Шундан келиб чиқиб, қуйида девиант хулқ-атвор атамаси “хулқи оғишган” атамаси билан бир бирини тўлдира олувчи атамалар сифатида фойдаланилади. Девиант хулқ-атвор (лот. девиатион – оғиш), хатти-ҳаракат ёки хатти-ҳаракатлар тизими, жамият томонидан ҳамма учун қабул қилинган ҳуқуқий-ахлоқий меъёрларга қарама қарши бўлган хулқ-атворнинг оғиши деб белгиланади. Девиант хулқ-атвор фалсафа, социология, ҳуқуқшуношлик, педагогика, психология, ахлоқшунослик, медицина фанлар тизимида ўрганилади ва умумийликларга ҳамда муайян фарқлар билан талқин қилинади. Жумладан психологияда девиант хулқ атвор ижтимоий-психологик ва маънавий-ахлоқий меъёрлардан оғишга айтилади ёки жамият учун зарарли бўлган хатти-ҳаракатлар орқали низони ечиш тарзида талқин этилади. Оғишган хулқ-атвор тушунчасини яна “анормал ахлоқ” яъни нормадан ташқаридаги ёки нормага тўғри келмайдиган ахлоқ деб ҳам аташ мумкин бўлиб. Бу атаманинг моҳиятини бевосита чуқурроқ очиб беришга хизмат қилади. Шу ўринда “норма” нима эканлигини тушуниб олиш керак. Норма бу жамият томонидан тўғри деб қабул қилинадиган ахлоқдир. Айтиш жоизки нормани жамият белгилайди, жамият қабул қила олмайдиган ҳолатни битта индивид қабул қилсада у анормал ахлоқ ҳисобланади. Шунинг учун инсон ижтимоий мавжудод экан, жамиятга мослашиши унинг ижтимоийлашуви асоси. Анормал ахлоқ эса инсонни бегоналашувга олиб боради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки девиант хулқ-атворга эга болаларни “Хатар гуруҳига” киритамиз. “Хатар гуруҳидаги болалар” тушунчаси ахлоқида умумқабул қилинган ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлардан салбий тарзда оғишишнинг юзага келишидаги юқори эҳтимоллиликни англатади[1]. Бундай болалар объектив тарзда реал ёки потенциал хатар доирасида турадилар, ижтимоий мослашмаганликнинг асосан педагогик қаровсизлик ва ижтимоийлашув жараёнининг бузилиши оқибатидаги тарбияси оғирликда ифодаланувчи ҳар хил шаклларини намоён қиладилар[2].

---

[1] Ростов вилояти судининг раиси В.Н.Ткачевнинг “Болалар касаллиги: Россияга қандай ювенал технологиялар керак?” мавзуси бўйича жавоблари // Ювенальная юстиция. – Москва, № 6/2011. – С. 31.

[2] Маслова М.Е. Социально-педагогическая адаптация детей группы риска: Автореферат дис.канд.пед.наук. –

**Хатар гуруҳига** ёмон ўзлаштириш ва мактаб, коллеж, оилага заиф боғланишга эга; педагоглар, ота-оналарнинг тарбияси, интизоми ва таъсирига тушмайдиган, ғайриижтимоий ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликлар содир этувчи болаларни киритиш қабул қилинган. Хатар гуруҳидаги ўсмир томонидан содир этилган аниқ салбий ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари ҳокимликлар ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия (ВЕИК) мажлисларида кўриб чиқилади, кейин уларга тарбиявий ва мажбурий характердаги чоралар қўлланилади. Кенг тарқалган чора уларни мактабда (мактабнинг ички ҳисобида), Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция (ВЕИИ), Ички ишлар органларидаги (ИИО) вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлимларининг профилактика ҳисобига қўйиш ҳисобланади.

Klavesin cholg‘usi klavikord cholg‘usiga nisbatan keyingi asrda paydo bo‘ladi. Uning avlodi uchburchakli quttiga o‘xshash ―Simbali cholg‘usidir. Simbali esa barmoqlarda tirnab ijro etiladigan cholg‘u bo‘lib, ammo, ijrochilar tomonidan uning baland tovushiga erishganlar. O‘sha davrda usto sozgarlar simbaliga klaviaturani qo‘shish yo kiritishni o‘ylab chiqadilar. Keyinchalik torlarining har biriga tilchalar o‘rnatib chiqadilar. Musiqachi klavishlarni bosganda, tilsimon tayoqcha (lar) tor (lar) ga tegib tovush chiqaradigan namudi yuzaga keladi. Shunday qilib birinchi torli – klavishli cholg‘u ilk marotaba yuzaga keladi va o‘zining qo‘shimcha nomlanishiga ega bo‘lib,uni ―kvalisimbali‖ - deb ataydilar.

Ammo, klavikordga nisbattan klabesinni tuzilishi va hajmi ergologik jihatdan murakkabroq bo‘lgan. Ushbu klavesin cholg‘usining klavikord cholg‘usiga nisbattan farqi shundaki, birinchidan; - klavesinning torlari har xil uzunlikda (fortepianoga o‘xshagan) va har bir tor- simkarida o‘z tovush qatoriga nisbat sozlangan. Bu xolat albatta cholg‘uni sozlanishiga murakkablik yaratgan. Bunday cholg‘u nusxasining namudi 1521- yilda kashf etilgan va hozirgi kungacha Yevropa, aniqrog‘i Vena - muzeyining arxivida ko‘rgazmalar qatorida saqlanib kelinadi. Klavikordga nisbattan torlarining joylanishi va mustaxkamlanishida klavesinda o‘zgacha bo‘lgan. Ya‘ni torlari yog‘ochli ushlatgich yo bo‘g‘iqga ulangan bo‘lib, so‘ng (kalki)- quloqchalarda mustaxkamlahtirgan bo‘lgan. Ushbu o‘rnatgichning o‘zida tilchalar o‘rnatilgan yo tortilgan bo‘lgan. Tilchalar esa maxsus tabiiy buyumdan bo‘lgan va tovush to‘lqini bosimi ostida qo‘yilgan. Bunday holat usta sozgarlarga qarg‘aning qanot parlaridan foydalanishga olib kelgan.Ya‘ni qarg‘a qanotidan tayyorlangan tilchalar ko‘pchidamli bo‘lib, ko‘p asrlar davomida qo‘llanib kelingan. Ushbu konstruksiya o‘rnini keyinchalik teri va temirli tilchalar egallagan. Hozirgilari esa qattiq matodan, aniqrog‘i namatdan yog‘ochga bolg‘asimon ko‘rinishdagi holatda elim orqali o‘rnatilgandir.

Klavesin va uning hamroxlari bo‘lgan cholg‘ular patli cholg‘ular deb, avvalgi tuzilihida nomlanib kelingan eloratsion laqab, aholi ichida keng qo‘llanib kelingan. Tantanali ijrolarda esa Indyuk parlari o‘rnatilgan holda ijro etib kelingan bo‘lsa, ammo teridan tayyorlangan tilchalar sof – tovush xususiyatiga ega bo‘lganligi manba‘larda qayt etilgan.

Vaqt o‘tishi va insoniyat ma‘naviyatining rivojlanib borishi taqozosi bilan cholg‘u sozgarlari klavikord va klavesin cholg‘usini takomillashtirib boradilar, ayniqsa klavesin cholg‘usining tovushini klavikord cholg‘usiga nisbattan ancha baland tovush chiqarish to‘lqiniga erishgan bo‘lsalar ham, ammo sozgarlar har bir sozlanishining toriga bir yo ikkitadan qo‘shimcha torlar kiritib, uni 2 yo 3 – torli darajasiga erishadilar.

Demak, kompozitor Ludvig Van Betxovenni fikri va tajribasi haqiqatga aylanishi, fortepiano cholg‘usining yangicha balandroq eshitilishidagi tovushiga erishganidir. Shu tariqa klavesin va klavikordlar ko‘chma tarzda olib u yo bu tomonga o‘tkazish yo olib borish uchun qulay kechganligi bilan, bir - qatorda Yevropa davlatlari tinglovchilarining yuragidan ruhiy ta‘sirchanlikda o‘rin olganligidandir.

Agarda Organda serkovlarda, ibodatxonalarda ijro etib kelingan bo‘lsa, xuddi shunday klavikord cholg‘usida ham uy bayramlarida, salon, zal va mehmonxonalarda ijro etib kekingan. Ammo, bu har ikkala cholg‘ularning o‘rtasidagi o‘zaro raqobatlarida klavesin cholg‘usi eng yuqori o‘rinlarni egallay boshlaydi. Ushbu cholg‘uda ansambl va orkestrlarda solist yo jo‘rnavoz sifatida yuqori mavqelarda erishadi. Shu tariqa ushbu cholg‘u sasiga haloyiqning qiziqishi yillar sayin oshib boradi. Va ushbu cholg‘uni, ya‘ni klavesinni tashqi va yuzidagi korpusiga badiiy tasvirlar kiritish, Fil suyaklaridan klavish va tegishli burchalari hamda nafis qirralariga ishlov berish va o‘rnatish, naqshkorlikda zebu- ziynatlar kiritadilar. Shu tariqa klavesin cholg‘usining turli xil shakl va tuzilishli ko‘rinishlari, namudlari boy va betakror bezatgich hamda badiiy naqshlar dizayniga erishganlari yuzaga kela boshlaydi. Ayrim Boylar,Graf va Shohlaru – Imperatorlar xonadonida esa turli qimmatbaho toshlarda bezatilgan nusxalari ham mavjud bo‘lgan. Cholg‘u sozgarlari yangicha klavesin turini yuzaga keltirish uchun tadqiqotlar olib borishadi.

Masalan Fransuz usta – sozgari Rukkers Gons 6 tomonidan 70 xil ko‘rinishli namunalari ishlab chiqarilgan. Hatto jirafsimon ya‘ni bosh tashqi korpusi ko‘tarilib tushuriladigan ―Rayaining korpusiga o‘xhash 7 va qismlarga bo‘linib gastrollarga, safarlarga olib chiqish yo ketishda qulay turlari yuzaga keladi.

Klavesin cholg‘usi qanchalik turlarga erihgan bo‘lsa ham, ammo ular ikki xil asosiy tuzilish va qoidalarda yasalib kelingan. Ya‘ni; biri vertikal, ikkinchisi esa gorizontal tarzda o‘rinlashgan torlardir. Hozirgi davr avlodlari bilan taqqoslaganda bular ―Pionino va Rayal‖ - ni bildiradi. Yullar davomida ikki ko‘rinish va shaklan o‘zgacha bo‘lgan cholg‘ular, ya‘ni klavikord v klavesinlar o‘rtsida raqobatlar kuchayib, hatto misli ko‘rinarli ravishda avjiga chiqadi. Ammo cholg‘u sozgarlari klavikord cholg‘usida kamchiliklari mavjudligini anglab oladilar va aniqlagandan so‘ng yangicha qarashlarda takomillashtirib boradilar.

Shunday bo‘lsa ham har bir cholg‘uni ya‘ni, klavikord, klavesin va fortepianoning asosiy tovush qatori va tovushi bilan buyumlari tabiiy yo sunniy bo‘lishiga qaramay bir- birovidan farqli o‘laroq va o‘zga xos ajoyib tovush va tovushqatoriga ega bo‘lgan. Terisimon yo temirsimon tilchalari, aniqroq qilib aytganda bolg‘achalarining zarbida eshitiladigan aks sado baland tovushlarda namoyon bo‘ladi. Ushbu klavesin cholg‘usi asta sekin haloyiqning sevimli va ommabob cholg‘usiga aylanib boradi.

Klavir san‘ati ijrochilari bir masalada, ya‘ni, klavikord va klavesindan qaysi birini qonuniy tarzda qo‘llash va qabul qilish lozimligiga ikkilanib qolgan tomonlari ham mavjud. Ya‘ni har ikkala cholg‘u barobarlikda kamdan-kam raqobatga duch kelgan.

Taraqqiyot va kashfiyotlar shuni ko‘rsatadiki, ayrim tiniq va o‘zgacha bastalsngan kompozisiyalarni klavikordda ham klavisimbala (klavesin) -da ham ularning tovushlarida salbiylik ya‘ni shovqinli tovush mavjudligi uchun ayrim janrlarni ijro etiib bo‘lmasligiga olib keladi. Ya‘ni ijrochilar tiniqlik – sadosiga ahamiyat berilishi va shovqinlarni bekor qilih yo oldini olish kerakligini usto□sozgarlarga tushuntirib, anglatadilar. Klavishli cholg‘ular yasash bo‘yicha usta□sozgarlar kamchiliklarni tuzatish uchun yangicha nusxalarini takomillashtirib boradilar.

XVII – asr taniqli va xalq e‘tiboriga loyiqli muallif bir ma‘noda ijrochiluk me‘yorini chirolik nafisida tekshirilishini talab etadi. XVI- XVII asr Klavir musiqasida yuqorida aytilganidek, ijrochilardan mimika, obraz va turli xil klassik hamda texnik ijrolarda raqobatni tashkillashtiradilar. Boshqa isne‘dot mahoratiga ega tajribali musiqachi o‘zining o‘quvchisiga bunday degan: « oldindan klavikord cholg‘usiga ahamiyat berib o‘tir, sababi, ushbu cholg‘uni astoiddil o‘rganib chiqqaningdan so‘ng, ―Organ‖, ―Klavisimbali‖, ―Verdjineri‖- va boshqa cholg‘ularda ijro etish ham engilqoq kechadi,» - deyilgan.

Hozirgi elektron tenologiyalarning rivojlanib borayotganligida shunga amin bo‘lish mumkinki, klavishlarda sunniy o‘rnatilgan tovushlar xususiyatlarida chegara yo‘q deyish mumkin. Hatto jahonda hali yuzaga kelmagan cholg‘uni tovushini,yani bizga noma‘lum nusxalarning tovushini chiqarish mumkin. Shu tariqa asrlar davomida musiqa cholg‘ularini yangicha navlarini izlab va ishlab chiqarish uchun usna sozgarlari tomonidan juda ko‘p jismoniy va aqlan kuch sarflab kelingan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. S. B. Saidiy. Fortepiano va klavish cholg'ulari tarixi. Toshkent. 2016.

2. Zahro Muhammadjonava. Fortepiano chalishni o'rgatish uslubiyoti. Toshkent. 2006.

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МУЛОҚОТ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Норбошева М.*
*ТерДУ катта ўқитувчиси*

Жаҳон психология соҳасида шахснинг мулоқот субъекти сифатидаги ривожланиши кўплаб тадқиқотлар ва изланишларда ўрганилмоқда. Шунингдек, жаҳонда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси, уларнинг фикрлаш жараёнини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жанубий Корея, Франция, Япония, Германия каби тараққий этган давлатлар тажрибасида мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний ривожланиши билан бир қаторда, тафаккур эркинлиги, мустақил фикрлашни шакллантиришга жиддий ёндашадилар.

Миллий юксалишнинг янги тараққиёт босқичи даврида Республикамизда ҳам инсон шахсига нисбатан бўлган муносабат янада ривож топди. Жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс тақдирига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айниқса, инсон ҳаётининг келажагига тамал тоши қўйиладиган мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш, педагогика ва психология, ижтимоий психология ва мактабгача ёшдаги болалар психологияси фанларининг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бораётганлиги шубҳасиздир. Зотан, келажаги буюк давлатни бунёдга келтириш учун ҳар қандай давлатнинг фуқароси дастлаб оилада ва сўнгра мактабгача таълим ташкилотларида мукаммал тарбияланиши, шахс сифатида тўлақонли шаклланиши имкониятларига эга бўлиши лозим бўлади.

“Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармонига (30.09.2017 й.) асосан "хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган"дир. Шу асосдан келиб чиқадиган бўлсак мактабгача таълим тизими бугунги кунда бутун дунёда таълимнинг дастлабки бўғини ҳисобланади. Бу босқич ҳар бир давлатда ўз тизими ва кўрсаткичига эга. Шу жиҳатдан қараганда инсоннинг шахс сифатида шаклланишида узлуксиз таълимнинг бошланғич ва жоиз бўлса, асосий

бўғинларидан бири ҳисобланган мактабгача таълим ташкилоти муҳим ўрин тутади.[1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон карорига мувофиқ қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” бош ғояси “Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб бериш” ни кўзда тутади.[2]

Мазкур Концепцияда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш эса, бола тарбиясида илк пойдевор ҳисобланган мактабгача таълим тизими ва оилалардан бошланади. Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясининг 16-бандида “Оилада узлуксиз маънавий тарбия хусусиятлари” назарда тутилади ва унда: - мулоқот, ўйин турлари жараёнида предметлар, намунавий хулқ, хатти- ҳаракат қоидалари билан танишиш, тақлид орқали катталарнинг маънавий-ахлоқий тажрибасига эътибор қаратиш; - ўзининг ва бошқаларнинг хатти- ҳаракатларини кузатиш, баҳо беришга ўргатиш; -илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантириш; - ўзига-ўзи хизмат қилиш, кундалик турмушда хавфсизлик кўникмаларини ўргатишдан иборатлиги таъкидланади.[3]

Юқорида кўзда тутилган ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар албатта, катталарнинг болалар билан бевосита тўғри ва самарали мулоқотни ўрната олишлари билан боғлиқдир. Шу билан бирга, - “Илк қадам мактабгача таълим муассасаси ўқув дастури”ни амалга ошириш жараёнида компетенциявий ёндашув асосида тарбияланувчиларнинг ахлоқий меъёр ва қадриятларни фаол ўзлаштириши, шахслараро мулоқот кўникмаларини таркиб топтириш, идеал —Мен образини яратиш билан боғлиқ мақбули фаолияти усулларини ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Боланинг психик жиҳатдан ўсишига ўзликни англаш, ўзини-ўзи баҳолаш ва ўзаро муносабатлар хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Бу энг аввало, инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал- ҳиссий, интеллектуал, ижтимоий-психологик ривожланишига замин яратувчи онтогенизнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. Бунда оиладаги муносабатлар, хусусан ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатнинг моҳияти, ўзаро шахслараро мулоқот катта роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларда мулоқот сифатларини ривожлантириш уларни бугунги ахборот технологиялари тараққиёти даврида маданиятли, ақлли, маънавиятли бўлишини ташхис қилиш истиқболини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. Тошкент ш.,2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сон.www. lex.uz.

[2] “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарори. I боб.

[3] “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарори, IV боб 16-банди.

белгилаш ҳамда шахс хусусиятларини ривожлантиришнинг самарали шакллари, ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, келажак авлодни бой маънавий ҳамда илмий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришнинг таъсирчан тизимини яратиш; илғор педагогик-психологик тажрибаларни, этнопсихологик ва этнопедагогик усул ва воситаларини, шахс камолотига қаратилган ижтимоий - психологик омилларни ўрганиш, уларни болалар тарбияси жараёнига тадбиқ этиш шу куннинг долзарб педагогик –психологик муаммоларидан ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. Тошкент ш.,2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сон

2. “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарори. I,IV боб

3. Акрамова Ф.А., Билолова З.Б., Жовлиев И.С. Оила энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 3-4-бет, 2019

## ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТДА МИЖОЗНИ КУТИБ ОЛИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

*Норбошева М.А.*
*Термиз давлат университети кафедра мудири,*
*психология фанлари номзоди, доцент*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори ҳам айнан психологик хизматни такомиллаштириш ва психолог кадрларни тайёрлаш борасидаги кечиктириб бўлмас вазифалар ечимига қаратилган.

Мамлакатимизда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ижтимоий-психологик, хусусан, “оммавий маданият”нинг салбий оқибатлари, ўз жонига қасд қилиш, оилавий муаммолар(ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари) каби ҳолатларга дуч келмоқдамиз.

Ҳозирда психологик хизмат оммалашиб бораётган соҳа сифатида ривожланмоқда. Айниқса, кам бўлсада жойларда психолог маслаҳати ёки хизмати хоналари, марказлари очилиши бу соҳадаги ишларда янги силжишлар бўлаётганлигидан далолатдир. Аммо, кўпгина психологлар томонидан психологик маслаҳатни ташкил этиш ва олиб боришда қийинчиликлар сезилмоқда. Кузатишларимизга кўра бу қийинчиликлар бир томондан, психологларнинг психологик маслаҳат техникасини яхши

билмасликлари ёки амалда қўллаш кўникмалари етарли даражада эмаслигидан бўлса, иккинчи томондан миллатимизга хос бўлган андишанинг (ҳам психологда, ҳам мижозда) этнопсихологик омил сифатида намоён бўлишида юзага келмоқда.

Тажрибамиз шуни кўрсатдики, психолог маслаҳатига эҳтиёж баланд, ҳохловчилар кўп, аммо улар ҳамманинг кўз ўнгида очиқ психологга мурожаат қилишдан тортинадилар. Мурожаат қилиб келганда ҳам кўпчилик истиҳола билан муаммоларини баён этишади, айниқса, оилавий муаммолар билан мурожаат этганда бу яққол кўринади. Бугунги статистик маълумотлар оилавий ажримлар, ўз жонига қасд қилиш каби нохуш ҳолатларнинг кўпаётганлигидан далолат бермоқда. Албатта, сабаблари ўрганилганда баъзан арзимас тушунмовчиликлар, ёинки шахс сифатида бир бирини тан ола билмаслик, оила шаъни, эркаклик ғурури каби инсон руҳиятига таъсир кўрсатувчи қадриятларга муносабатда намоён бўлувчи шахс психикасига боғлиқ томонларни кўрамиз. Нима бўлганда ҳам амалиётчи психологлар аввало мижоз билан ишлашда, психологик маслаҳат беришда психологик маслаҳат техникасидан моҳирона фойдалана олиши керак.

Психологик маслаҳат техникаси дейилганда психолог-консультант у ёки бу муолажа давомида қўллайдиган махсус усуллар тушунилади. Бу усуллар муолажанинг психоконсультацияни бирор босқичида амалга оширилиши назарда тутилади.

Психоконсультация техникаси универсал ва махсус бўлиши мумкин, яъни психоконсультациянинг барча босқичларида муваффақиятли фойдаланиш мумкин бўлган универсал техника мавжуд. Шунингдек, консультациянинг у ёки бу босқичидагина фойдаланиш мумкин бўлган махсус техникасига эгадир.

Психоконсультация техникаси дейилганда, мижозни кутиб олиш, сухбатни бошлаш, мижоздаги руҳий тангликни бартараф этиш, мижознинг истиғфорини тинглаш, мижозга маслаҳат ва тавсиялар бериш кабилар тушунилади.

Психологик маслаҳатда мижозни кутиб олиш техникасини чуқур ўзлаштириш ва етарлича амалий кўникмага эга бўлишлик албатта бу фаолиятни муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Шу боис, биз қуйида айнан мижозни кутиб олиш техникасига батафсил тўхталишни жоиз деб топдик. Умумий муолажаларда мижозни кутиб олиш (психологик маслахатнинг биринчи босқичи) психологга қуйидаги техник усулларни қўллаш тавсия этилади:

Мижоз билан учрашганда юзма-юз бўлиб, ўтириш учун қулай жой танлаш ва ўриндиққача кузатиб бориш.

Бу ерда турли кутилмаган ҳолатлар учраши мумкин бўлиб ўзини бошқача тутишни талаб қилади. Бу холатларни муфассал кўриб чиқамиз:

Агар мижоз психологик маслаҳатхонага кириб бирор бир кишини учратмаса, у ўзини йўқотиб қўяди, бу эса унинг кейинги хулқига таъсир кўрсатади. Агар мижоз маслахатхонага кириб кишиларни учратсаю ходимлар унга эътибор бермаса, айниқса улар орасида психолог маслаҳатчи ёки унинг

ёрдамчиси бўлмаганлигини кейинчалик билиб қолса, мижоз нафақат ўзини йўқотиб қўяди, балки хафа бўлади. Мижоз кайфиятининг бузилишига кутилмаган тўсиқлар ҳам таъсир этиши мумкин.

Шундай холатлар ҳам бўладики, мижозни ўзи маслахатга келади, бироқ бундай холатларда мижозда маслахат жараёнида ўз ўрнини топишда ҳеч қандай муаммо бўлмасликка тўлиқ кафолат бўлиши керак.

Агар мижозни суҳбат ўтадиган хонада уни ходимлар ўтирган ҳолда кутиб олишса айниқса психолог маслахатчи ёки унинг ёрдамчиси шундай кутиб олса бу мижозга ёмон таъсир этади. У бу муносабатни ўзига бўлган эътиборсизлик ёки шахсий хурматсизлик деб қабул қилади. Бундай мижоз билан кейинчалик нормал психологик алоқа ўрнатиш қийин кечади. Ушбу тавсия нафақат психолог маслахатчига ёки унинг ёрдамчисига, балки шу пайтда шу хонада бўлган бошқа шахсларга ҳам тааллуқли.

Психолог маслахатчи ёки унинг ёрдамчисига яхшиси мижозга у ўтирадиган жойни кўрсатиш, уни ўзидан олдин ўтказиш ва биринчи бўлиб жойини эгаллашига фурсат бериш. Бу тавсияларни беришдан мақсад шуки, мижоз ўзини йўқотиб қўйиш ҳолатига тушмаслик ва унинг хулқида ноқулайлик юзага келмасликнинг олдини олиш, бу эса ўз навбатида мижоз ўзини эркин тутишга имконият яратади. Бу психологга мижозни кузатиш ва консультацияга тайёрлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Психолог мижозни зимдан кузатиб ўз жойига бориши, танлаётган жойлашуви орқали ўзи учун зарур маълумот тўплаши мумкин. Бу эса кейинги фаолият учун асқотиши табиий.

Агар психолог ўз ўрнига мижоздан аввал ўтирса, буни мижоз психологнинг мавқеи баланд деб қабул қилиши мумкин ва бу ҳолат психологик-маслахат олиб бориш тўсиқ бўлиши мумкин. Айниқса, агар мижоз ўзини авторитет обрўли деб ҳис этса, ҳамда ўзини севадиган шахс иззатталаб бўлса бу каби холат нафақат психолог мижоз билан ишлашда тўсиқ бўлади, балки жараёнга салбий таъсир ҳам кўрсатади.

Ҳар қандай вазиятда ҳам психолог психологик маслахатда мижозни аввал ўтиришга таклиф этиб, жойлашгач ўзи жойини эгаллаши ҳеч бўлмаганда мижоз билан баробар ўтиришга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан ўтираётган инсонга мурожаат этиш ноқулайлик туғдирса, иккинчидан эса ўз ўрнини излаётган киши хижолат тортиши табиий. Мижоз илк маротоба ташрифи туфайли шахс диққатини ўзи бажараётган ишга қаратади, шу туфайли у диққатсиз эшитади. Ҳар қандай психологик маслахатга келган одам ўз муаммоларини ҳал қилишга, жиддий сўзлашувга тайёр бўлмайди. Мижоз ё хаяжонда ёки бироз вақт ҳиссиётлар таъсирида бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мижозга ўзига келиб, жиддий суҳбатга ўзини руҳан тайёрлашга вақт бериш лозим.

Мижоз кирган психологик маслахатхонаси тинч осуда ва иложи борича психолог маслаҳатчи ва унинг ёрдамчисидан бошқа хеч ким бўлмаслиги лозим дейилади, аммо бизнинг менталитетимиз учун яхшиси психолог ёлғиз ўзи мижоз билан суҳбатлашгани маъқул. Чунки, ўзбекона андиша мижозни учинчи шахс олдида очиқ ва эркин муаммоларини айтишга тўсқинлик

қилади, бу эса психологга кейинги босқичларда ишлашга халақит бериши мумкин.

Агар мижоз безовталик билан психологик – маслахатхонага кирса унга бу безовталик ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Тартибсизлик бўлган жойда психологик маслаҳат ўтказиш самарасиз ва фойдасиз бўлади. Психолог маслахатчи қанчалик тажрибали мутахассис бўлишига қарамасдан бундай шароитда у юқори натижага эришиши қийин. Бундай шароитда мижозни кайфияти доимо ёмон бўлади. Агар маслаҳат олиб борилаётган жойда бегона киши, кераксиз нарсалар (масалан: ноутбук, видеокамера, микрофон ва бошқа анжомларни бўлиши) мижозда безовталикни уйғотади. Бундай ҳолатда мижоздан очиқ - ойдинликни, самимийликни кутиш мумкин эмас.

Психолог консультант иш кийимига ҳам эътибор бермоғи шарт. Бу ҳақда адабиётларда кўрсатилишича у классик услубдаги кўзга ташланмайдиган, мижозга башанг ва байрамона бўлиб кўринмайдиган кийимда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Психолог учун махсус иш кийими қатъий белгиланган эмас, аммо тартиб билан кийиниш лозимлиги айтилади.

Агар мижоз психоконсультация хонасига кириб оқ халатда хизмат қилаётган психолог ва ассисентларни учратса, у ўзини бемордек тутиши ёки ўзини бемордек қабул қилганликлари уни хафа қилиши психологга ишончсизлик билан қараш ҳолатини юзага келтиради.

Шунингдек, психологнинг ноодатий ўта башанг кийиниши ҳам мижозда иккиланиш ҳиссини уйғотиши мумкин. Бу эса мижозда психолог консультантга нисбатан ишончсизлик ҳиссини уйғотиши мумкин.

Психологнинг жудаям башанг кийими унинг ўзида ҳам психологик муаммолар борлигидан дарак беради. Ёки психологнинг жудаям байрамона кийими мижознинг кундалик кийимига мос келмаслиги ҳамда бу вақтда бирор муҳим учрашуви, байрам ёки тадбири борлигидан далолат деб ўйлайди, оқибатда уни мени муаммоларим қизиқтирмайди деган фикрга келади. Бу эса табиийки мижозни психологга ишончли муносабатини ва у билан мижозни қийнаётган муаммоларини батафсил мухокама қилишга монелик қилади, ва психологнинг жуда ҳам пала-партишлик билан оддий, деярли уй кийимида бўлиши мижозда ўз шахсига нисбатан хурматсизлик қилди деган фикрни уйғотади.

Демак, психолог мижозни кутиб олишга жиддий жараён сифатида қараши ва юқоридаги талабларга кўра мижозни кутиб олишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли орасида педагогик ва психологик саводхонликни ошириш орқали ўйлаймизки психологик хизматни кенг тарғиб қилишимиз мумкин.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори\\ www.lex.uz

2. Абрамова Г.С. Практикум по психологическому консультированию.-Екатеринбург: Деловая книга,1995

3. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование.-М.: Изд. Центерсоциума "Социальное здоровье России", 1994.

4. Мей Р. Исскуство психологического консультирования - М.: Независимая фирма "Класс", 1994.

## O`SMIRLAR PSIXOLOGIYASIGA XOS XISLATLAR VA PSIXIK O`ZGARISHLAR, SALBIY OG`ISHLARNING OLDINI OLISH

*Normatova D.*
*Jizzax viloyati G`allaorol tumani*
*19- umumiy o`rta ta`lim maktabi amaliyotchi psixologi.*

Inson hayoti o`smirlik davrida juda ko`p ziddiyatlar va qarama qarshiliklarga xos. O`smirlik yoshi dunyoqarash,e`tiqod,prinsip,o`zlikni anglash baholash kabi shaxs xususiyatlari shakllanadigan davr hisoblanadi O`smir ulg`aygan sari unda “Ideal men”,”Axloqiy men ” va “Haqiqiy men ”singari shaxsga oid tizim dunyoqarash,e`tiqod va boshqalar shakllana boradi,undagi o`zi to`g`risidagi tasavvurlar ancha barqaror bo`lib qoladi.

O`smirlar atrofdagilar uni qanday qabul qilishlarini,unga nisbatan fikrlari va munosabatlarini kuzatadilar.Shuning uchun ham psixologlar “Katta bo`lib qolganlik tuyg`usini” shaxsning o`smirlik yoshidagi eng asosiy yangilik sifatida talqin qiladilar.O`smirlik yoshida atrofdagilardan ko`mak,yordam,yaqinlik kabi tuyg`ular ildam kechadi.Shunday ekan ta`lim va tarbiya sohasida faoliyat yuritayotgan har bir pedagog- psixolog,tarbiyachi o`smir yosh xususiyatlari psixologiyasini bilmasa,undagi kechayotgan emotsiyalar bilan hisoblashmasa yosh avlodni sog`lom ijtimoiy muhitga moslashishiga ko`maklashmasa, o`smir hayotida salbiy o`g`ishlarga sababchi bo`lib qolish mumkin. Bu bizning kamchiligimiz va og`riqli nuqtamizdir.

Zero o`smirlik yoshida inson kuchli emotsiyalarni boshdan kechirishi ma`lum, zamonaviy psixologiyada o`smir fiziologik va psixologik rivojlanishida krizislar muammosiga katta e`tibor qaratilmoqda.Modomiki,turli krizis davrlari mavjud. Shunday ekan hozirgi eng zamonaviy texnologiyalar rivojlangan olamda o`smir yoshidagi o`zgarishlar ham shunga yarashadir. Avvalgi o`smir yoshdagi o`quvchilar bilan hozirgi o`smir yoshdagi o`quvchilar o`rtasidagi farq ancha ilgarilab ketgan.O`smirlik yoshi 10-11 yoshdan boshlansa bu davr 15-16 yoshlargacha davrni o`z ichiga oladi.Modomiki,turli krizis davrlari psixologik qayta tiklanish shaklida kechadi.

“Krizis” tushunchasi –muvozanat buzilish holati yangi ehtiyojlarning paydo bo`lishi,shaxs motivatsion sohasining qayta qurilishi kabilarda namoyon bo`ladi.

Hozirgi o`smirlar o`tmishdoshlariga nisbatan jismoniy va aqliy,siyosiy jihatdan bir muncha ustunlikka ega.Ularda jinsiy yetilish,ijtimoiylashuv jarayoni,psixik o`sish oldinroq namoyon bo`lmoqda.Aksariyat o`quvchilarda o`smirlik yoshiga o`tish 5-sinflarda boshlanadi.”Endi o`smir bola ham emas,biroq katta ham emas ”ayni shu ta`rif o`smirlik davrining muhim harakterini bildiradi.Bu bosqichda bolalarning jismoniy va psixik taraqqiyoti juda tezlashadi,hayotida turli narsalarga qiziqish,yangilikka intilish ortadi,xarakter xususiyatlari namoyon bo`ladi,ma`naviy dunyosi boyiydi, “ziddiyatlar” avj oladi.Aynan ziddiyatlar – oilaviy munosabatlarda,maktabda ustozlar bilan,o`smir yoshdagi o`quvchi do`st – o`rtoqlari,o`z yaqinlari va hakozo.Mana bu yuqorida keltirilgan ma`lumotlarga tayanib “Akelaratsiya” jarayoni “Tezlashuv ” hozirgi kun,zamon bilan hamnafas birga ildam qadamlar bilan tezlashish jarayoni,tashqi muhit,irsiy dasturlar va boshqa omillar ta`siri ostida o`sish va rivojlanish jarayonlarining tezlashishi akselaratsiya deyiladi.(Lotincha acceleration-tezlashuv ),bu atamani ilk bor nemis shifokori P.Kox 1935- yilda fanga kiritgan.Akseleratsiya faqat jismoniy o`sishgagina emas balki aqliy rivojlanishga hamtaaluqlidir. Ma`lum bir yoshdagi ayrim bolalarning jismonan va aqlan tengdoshlaridan ustun turishi guruh akseleratsiyasiga misoldir. Hozirgi zamon bolalari va o`smirlarida oldingi avlodlarga nisbatan o`sish va rivojlanish jarayonlarining tezlashuvi,balog`atga yetish davrining vaqtidan oldin boshlanishi,sensor va somatik tizimlarning tezroq rivojlanishini davr akseleratsiyasiga misol qilib olish mumkin.Yurak –qon tomirlari,nafas olishi va harakat tizimlarining aksleratsiyasi sportning “yosharishiga, ya`ni sport bilan shug`ullanuvchilar orasida yoshlarning ko`payishiga olib keldi.

Jismoniy ko`rsatkichlarning akseleratsiyasi ruhiy rivojlanishning tezlashuviga olib keladi.Ruhiy akseleratsiya hozirgi davrda ommaviy axborot vositalari,ijtimoiy tarmoqlar,internet,televideniye,axborotlar hajmining ko`payishi tufayli ham sodir bo`ladi.Bunday ijtimoiy tarmoqlarning ko`payishi barobarida jamiyatning eng kichik bo`g`ini oilalarda ham ota-ona va farzandlar o`rtasida muloqat jarayonlarinin kamayishi ya`niki ota –ona ham ijtimoiy tarmoqlarga berilganligi,yoki bo`lmasa uzluksiz televideniye orqali namoyish etilayorgan seriallarning keti uzilmasligi,asli o`zining muammosi qolib o`zgalar muammosiga sho`ng`ib ketayotgan onalarni misol qilib olish mumkin.Bunday ma`lumotlarni keltirib o`tish o`smirlar orasida o`z joniga qasd qilish holatlarining ko`payishi bilan yakun topmoqda.Zero bu dunyoyi jahonda inson hayotidan aziz narsa yo`q,jamiki tabiiy va madaniy ehtiyojlar inson uchun xizmat qiladi.Xo`sh nima qilish zarur va shart.Oilalarda ijtimoiy sog`lom muhitni yaratish,ota-onalarda farzand tarbiyasiga doir tushunchlarni shakllantirish psixologik madaniyat,psixologik bilim, o`zaro hurmat va ehtirom,bir-birini tushuna olish va maktab ta`limida pedagog - psixolog,amaliyotchi psixologlar ishini yanada takomillashtirish chora tadbirlarini ishlab chiqish,hamda ota-onalarga haftasiga bir marta o`quv kurslari tashkil qilish zarur.

Inson naqadar sirli,takrorlanmas xislatlar egasi,hech qachon dunyoda ikkita bir xil inson bo`lmasa kerak.Shaxs jamiyatda o`z o`rnini topishi turli krizis davrlardan o`tishi va muqaddas hayotda yashab qolishi uchun unga psixologik

yordam,eng yaqin kishisi tomonidan qo`llab quvvatlanish zarur ekanligi ma`lim.Asosan o`smirlik davrida uchraydigan psixik ko`rinish bu o`smirlik sotsiofobiyasidir. Bu qo`rquv turlaridan biri bo`lib ijtimoiy qo`rquv ma`nosini anglatadi.Bu holat kichik guruh yoki chegaralangan muhitda atrofdagi odamlar tomonidan e`tiborning qaratilishi natijasida qo`rquvning vujudga kelishidir (masalan: maktab sinflarida ) Sotsiofobiya bilan aziyat chekkan insonlar bilimlarining yetishmasligidan va o`zlarining kamchiliklaridan boshqa odamlar guvohligida namoyon bo`lib qolishidan cho`chiydilar hamda uquvsiz hamkor bo`lib qolishdan qo`rqadilar.Sotsiyafobiyaga uchragan o`smirlar darsda javob berishdan bosh tortadilar Ular boshqa bolalarga nisbatan odamoviroq bo`lib tanqidni hamda ularni muhokama qilishlarini yoqtirmaydilar. O`smir yoshdagi o`quvchilar uchun eng yoqimsiz vaziyat –jamoa va o`rtoqlarining noroziligi, muloqat qilishni istamaslik,eng og`ir jazo esa –ochiq va nooshkar aloqa uzish,gaplashmaslikdir.Ijtimoiy qo`rquv,ya`ni sotsiofobiya quyidagi ko`rinishlarda namoyan bo`ladi.

-O`zining nomukammalligidan boshqalar oldida axmoqona va farosatsizdaek bo`lib ko`rinishdan qo`rqish.

-Boshqalar oldida haqoratlanishdan, kamsitilishdan, yutqazishdan, hurmat va obro`-e`tibor yo`qotishdan qo`rqish.

Shunday ekan oilada har bitta ota-ona, maktabda har bir ustoz, har bir maktab pedagog psixologi o`smir yoshdagi o`quvchilar bilan yaqin muloqat madaniyatini shakllantirish zaruligi ehtiyojini sezishi lozim. Ota-onalarga bolaning ruhiy rivojlanish xususiyatlarini shaxs sifatida shakllanish, o`zaro munosabat maqomlari bunda farzandlarining yoshi, jinsi,individual tipologik xususiyatlari muammosi bo`yicha amaliy,ilmiy maslahatlar berib borish zarur.

O`zbekiston Respublikasi prezidentining:

Yoshlarni ma`naviy –axloqiy va jismoniy barkamol qilib tarbiyalash,ularga ta`lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko`tarish chora tadbirlari to`g`risida 2018-yil 14-avgustdagi PQ-3907-son qarorini ijrosini ta`minlash shuningdek umumiy o`rta va o`rta maxsus davlat ta`lim muassasalarida o`quvchilarni pedagogik –psixologik qo`llab quvvatlashni yanada takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasinig 2019-yil 12-iyuldagi 577-sonli qaroriga asosan O`quvchilarni psixologik –pedagogik qo`llab quvvatlash ishlarini yanada takomillashtirish ishlari to`g`risidagi “Psixologik xizmat”ni tashkil etish qarori imzolandi.Ushbu qarorda keltirilishicha “Turli yosh davrlarida o`quvchilarning shaxsiy,aqliy va ijtimoiy rivojlanishini psixologik jihatdan kuzatib borish ta`lim tarbiyadagi psixologik nuqsonlarni aniqlash,ularning aqliy taraqqiyotida sodir bo`lishi mumkin bo`lgan har qanday salbiy oqibatlarning oldini olishga qaratilgan”

Demak maktablarda psixologning o`rni mana shunday dolzarb nuqsonlarni yo`qotishga qaratilgan ekan avvalo jamiyatimizda ota-onalarni va o`qituvchilarni o`quvchilar bilan ishlashda ularning yosh xususiyatlariga,jinsiga alohida e`tibor qaratib munosabat va muomala madaniyatini shakllantirish zarur.Barchamizning asosiy maqsadimiz shu aziz vatanimizga yetuk,komil va barkamol farzandlarni jismoniy va psixik jihatdan sog`lom qilib tarbiyalab berishdan iborat.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Z.Nishanova,N,G`Kamilova,D.U.Abdullayeva,M.X.Xolnazarova "Rivojlanish psixologiyasi" Pedagogik –psixologiya.Toshkent -2018
2. Z.Nishanova,Sh.Asomiddinova "Psixologik xizmat" Toshkent -2010
3. "Yosh fiziologiyasi va gigiyenasi " fan dasturi.Toshkent -2017.
4. Z.Nishanova "Psixologik xizmat" Toshkent- 2007

## TA'LIM PSIXOLOGIYASI TARIXI VA TA'LIMGA NISBATAN ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

*Norova M.M.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti talabasi*

Ta'lim psixologiyasi vakillari insonlarning o'quv jarayonlarida ularda kechuvchi fikrlar va hissiyotlarni o'rganishni o'zlariga maqsad qilib oladilar (Berliner, 145-b). Ta'lim psixologlari o'z faoliyatlari davomida ta'lim jarayonining kundalik ammo katta ahamiyatga ega bo'lgan muammolarga e'tibor qaratadilar (Uitrok, 132-133-b).

Ta'lim falsafasi rasman fan darajasiga ko'tarilishidan ancha oldin, mutafakkirlar doimo inson o'z o'qib-o'rganishi davomida o'zini qanday tutishini, qanday fikrlashini va his qilishini tushuntirishga harakat qilishgan. Yunon faylasuflari hisoblanmish Platon va Aristotel ta'lim psixologiyasida bugungi kunda ham o'z dolzarbligini yo'qotmagan masalalar – ta'lim jarayonida o'qituvchining o'rni, o'qituvchi va o'quvchi orasidagi munosabatlar, o'qitish usullari, o'quv jarayonining tabiati va tartibi, o'quv jarayonida o'zaro yaqinlikning ahamiyati kabilarni muhokama qilishgan. 1500 yillarda ispan gumanisti Xuan Luis Vivye o'quv jarayonida amaliyotning ahamiyatini, talabalarning qiziqishlari va ularning individual jihatlarini o'quv jarayoniga ijobiy ta'sirini, va talabalarni baholashda ularni bir-biriga solishtirib, qarobat muhitini shakllantirishdan ko'ra ularni o'qituvchining o'zi bilan solishtirishning ahamiyatini yuqoriligini ta'kidlaydi. 1600-yillarda chex ilohiyotshunosi va ta'lim faylasufi Yuxann Amos Komenius vizual metodlarning ahamiyatini yuqoriligini ko'rsatadi va u o'qishdan maqsad yodlash emas, balki tushuncha hosil qilish deb ta'kidlaydi. Jan-Jak Russo (1712-1778), Yoxann Henrih Pestalortsi (1746-1827) va Fridrix Vilgelm August Froybel (1782-1852) kabi Yevropa faylasuflari a islohotchilari faollikning, oldingi tajribaning va qiziqishning ta'lim jarayonidagi o'rniga urg'u beradilar. Bu g'oyalarning barchasi bugungi kun ta'lim psixologiyasi bilan chambarchas bog'liqdir.

Psixologiya va ta'limni bog'lab turuvchi asosiy g'oyalarni quyidagicha keltirish mumkin. ta'lim sohasidagi rivojlanishlar XX asrning birnchi yarmida ham psixologiya bilan chambarchas bog'liqligicha qoldi. Masalan, 1919-yilda Elvud Kubberli ta'lim psixologiyasini "psixologiyaning yetakchi sohasi" deb ataydi. O'sha paytlarda Torndayk, Charlz Judd yoki ularning shogirdlari bir paytning o'zida Amerika Psixologiya Assotsiatsiyasi Prezidentlari va ta'lim psixologiyasi

sohasidagi yetakchi materiallarning mualliflari ham bo'lishi mumkin edi. Torndayk, Alfred Bine, Jan Piaje va Benjamin Blumning ishlari psixologiya va ta'lim sohasi orasidagi oldin mavjud bo'lgan aloqani ko'rsatadi.

Ta'lim psixologlari ongni, o'quv yo'riqnomalarini, o'quv jarayonini, individual jihatlarning o'quv jarayoniga ta'sirini va insoniy qobiliyatlarning o'lchov metodlarini tadqiq etishgan. Ammo, bularning barchasidan ham ko'ra o'quv jarayonini tadqiq etish ta'lim psixologiyasi bilan yaqin bog'langan. O'quv jarayonlarining turlicha nazariyalari ta'limga turlicha ta'sir ko'rsatganlar va turlicha amaliyotlarga urg'u berganlar.

Ta'limga nisbatan biheyvioristik yondashuv Skinner ishi asosida shakllantirilgan. Uning fikricha irodali harakat o'sha harakatni keltirilb chiqaruvchi sabablarni o'zgartirish orqali, yoki uning oqibatlarini o'zgartirish orqali, yoki har ikkalasini amalga oshirish orqali o'zgartirilishi mumkin. Uning oldingi asari oqibatlarga bag'ishlangan bo'lib, unga ko'ra har qanday harakat ketidan ergashib keluvchi oqibatlar o'sha harakatni bajarish uchun stimul, yoki uni bajarmaslik uchun ogohlik belgisi bo'lib xizmat qilishi mumkin. Skinerning nazariyalari ta'lim sohasida keng qo'llanilgan, unda harakat natijasida keluvchi yutuq va zararlar qo'llanilgan va bu metod ko'pincha amaliy biheyvior tahlili deb atalgan. 1960-yillarning asosiy qismigacha Skinner va boshqa biheyvioristlarning ishlari oliy va o'rta maxsus ta'lim sohasida, harbiylar tayyorlashda, enagalikda va boshqa sohalarda keng qo'llanilgan. Rag'batlantirish g'oyalari bugungi kunda ham sinflarni baholayotgan va boshqarayotgan o'qituvchilar uhcun muhim ahamiyatga ega bo'lib kelmoqda.

Motivatsiya ta'lim psixologiyasi vakillari tadqiqotlarida o'ziga xos o'rin egallaydi. Uni o'rganishni harakatga keltiruvchi dvigatel, hamda uning yo'nalishini belgilovchi shturval deyish mumkin. o'rganishning bir necha nazariyalari bo'lgani kabi, motivatsiyaga ham bir qancha tavsiflar mavjud. Biheyvioristlar motivatsiyani "rag'bat" hamda "xo'rak" atamalari bilan tavsiflashga harakat qilishadi. Bu ma'noda rag'batlar muayyan harakatni amalga oshirganlik natijasida kelib chiquvchi foyda bo'lsa, xo'raklar insonlarni bo'lg'usi rag'batlar uchun harakat qilishlarini ta'minlovchi vositalardir. O'qishda yaxshi natijalar ko'rsatganlar uchun baholar, yulduzlar voa boshqalar taqdim etish, va o'zini yaxshi tutmaganlar uchun dakkilar berish talabalarni tashqi turtkilar orqali motivatsiyalash, ya'ni qo'llab quvvatlanuvchi harakatlarga undashni ko'zda tutadi. Motivatsiyaga nisbatan gumanistik qarashga ega bo'lganlar esa motivatsiyaga turtki beruvchi omillar tashqi emas, balki ichki, insonning o'zi tomonidan anglangan bo'lishi zarur deb hisoblashadi. Bu hodisa "o'z o'zini anglash, ro'yobga chiqarish" deb ham nomlangan. Gumanistik nuqtai nazardan, talabalarni motivatsiyalash ularning ichki resurslarini uyg'otishga intilish, ularning o'zlariga ishonchni shakllantirish, va hayotlarida mustaqil ravishda o'z yo'llariga ega bo'lishlariga ko\maklashishni anglatadi.

Bugungi kun O'zbekiston jamiyatida ta'lim psixologiyasi tobora dolzarb ahamiyat kasb etib bormoqda. Bunga birinchidan ta'limga e'tiborning kuchayishi sabab bo'lsa, ikkinchi tarafdan talabalar ta'lim olishi jarayoniga o'z ta'sirini o'tkazuvchi omillarning soni va xususiyatlari oshib, o'zgarib borayotganligi

sababdir. Chunki ta'lim olish manbalarining ortib borishi, va Internet tarmog'idagi barcha manbalarning ham ishonchli emasligi ta'lim sohasida o'qituvchilarga va psixologlar zimmasiga ulkan vazifalar yuklaydi. Bu vazifalarning eng asosiylaridan biri sifatida esa talabalarning o'qish jarayonlariga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlash va ulardan o'qish jarayonini samaradorligini oshiruvchilarini rag'batlantirish, hamda bu jarayonga to'sqinlik qiluvchilarini bartaraf etishdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. BERLINER, DAVID C. 1993. "The 100-Year Journey of Educational Psychology: From Interest, to Disdain, to Respect for Practice." In Exploring Applied Psychology: Origins and Critical Analyses, ed. Thomas K. Fagan and Gary R. Vanden-Bos. Washington, DC: American Psychological Association.
2. WOOLFOLK HOY, ANITA. 2001. Educational Psychology, 8th edition. Boston, MA: Allyn and Bacon Read more: Educational Psychology - History, Contemporary Views of Learning and Motivation, Issues and Controversies - Teaching, Students, Teachers, and Intelligence –State University.com https://education.stateuniversity.com/pages/1938/Educational-Psychology.html#ixzz6Q13DqlaU
3. WOOLFOLK HOY, ANITA. 2001. Educational Psychology, 8th edition. Boston, MA: Allyn and Bacon Educational Psychology - History, Contemporary Views of Learning and Motivation, Issues and Controversies - Teaching, Students, Teachers, and Intelligence -StateUniversity.com https://education.stateuniversity.com/pages/1938/Educational-Psychology.html#ixzz6Q13DqlaU

## SPORTCHILARNI MUSOBAQALARGA TAYYORLASHNING PSIXOLOGIK MEXANIZMLARI

*Носиров Ж.Ш.*
*Бухоро давлат университети тадқиқотчиси*

Respublikamizda sportning davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligi, sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalashga ustuvor ahamiyat berilayotganligi hamda buning har tomonlama mukammal qonuniy va tashkiliy asoslari yaratilganligi tufayli sport talaba yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantiruvchi, ularni jismoniy hamda ma'nan barkamol etib tayyorlash borasida asosiy omilga aylanib borayotgani muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Xuddi shuningdek, yoshlarni jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlariga uzluksiz jalb qilishni ta'minlash maqsadida, Kadrlar tayyorlash milliy modeliga asoslangan va uning talablariga uyg'unlashgan uzluksiz ta'lim tizimida sport musobaqalarining ham uzluksizligini ta'minlash borasida qator tadbirlarni amalga oshirib kelayotgani fikrimizning dalilidir.

Sharq mamlakatlari, xususan ona yurtimizda qadimdan oilaga muqaddas maskan sifatida qaralib, aynan, oila farovonligini jamiyatimiz farovonligiga

qiyoslashadi. Bugun biz faxr va iftixor bilan aytamizki, oliyjanob xalqimiz asrlar osha ardoqlab keladigan oila maskaniga mustaqilligimizning ilk damlaridan alohida e`tibor qaratilib, uni farovonligini ta`minlash moddiy va ma`naviy qo`llab-quvvatlash davlatimiz olib boradigan islohotlarning bosh yo`nalishidan biriga aylandi. Shuni ta’kidlash lozimki, bugungi kunda ko’plab nufuzli xalqaro musobaqalarda ko’zga ko’rinarli muvaffaqiyatlarga erishayotgan respublikamiz sportchilarining aksariyati talabalardir.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta’lim siyosatining muhim maqsadlaridan biri yosh avlodni har tomonlama barkamol insonlar etib tarbiyalashdir. Albatta, barkamol inson deganda ma’naviy jihatdan yetuk, o‘z vatanining tarixi, buguni va kelajagi uchun qayg‘uradigan, shuningdek, jamiyatning iqtisodiy taraqqiyotiga o‘z hissasini qo‘shish ishtiyoqida yonib yashaydigan shaxsni tushunamiz. Ushbu tushunchaning naqadar serqirra, murakkab va har tomonlama umuminsoniy qadriyatlarga mos kelishini idrok etish mumkin.

Psixologik bilimlarni inson tomonidan o‘rganilishi shuning uchun ham muhimki odamlarning bilimdonligi nafaqat tashqi olamda ro‘y berayotgan obyektiv hodisalar mohiyatiga aloqador bilimlar majmuiga ega bo‘lish bilan, balki hayotda munosib o‘rin egallash, o‘z ichki imkoniyatlari va salohiyatidan samarali foydalangan holda faoliyatini oqilona tashkil etishning barcha sirlaridan boxabar bo‘lish, o‘ziga va o‘zgalarga ta’sir ko‘rsatishning usul va vositalarini bilish va ulardan o‘z o‘rnida unumli foydalanishni nazarda tutadi.

Kundalik hayotning tobora shiddatli tus olayotgani insonga bo‘layotgan axborot xurujining ko‘pligi, ijtimoiy muammolarning haddan ziyod zidlashuvi natijasida asablarning taranglashishi juda ko‘p insonlarni stress holatiga duchor etmoqda. Shu nuqtai nazardan bizning tanlagan mavzuimiz o‘smirlik yoshi davridagi o‘ziga xos psixik zo‘riqishlar asosiad stress holatlarning yuzaga kelishi va uni bartaraf etish jihatlarini nazariy va amaliyo yoritishga asoslanganligi bilan ahamiyatga egadir.

Sport faoliyatini psixologik tahlil qilish masalalari ichida psixologlar diqqatini ko`proq sport faoliyatining motivlari masalasi jalb etadi. Bir qator tadqiqotlarda bevosita motivlar mavjudligi va ularning ahamiyatli ekanligi aniqlangan. Masalan, jismoniy Mashqlarda mushaklar harakatlaridan rohatlanish, estetik zavqlanish, musobaqalarga qatnashish ishtiyoqi va h.k. shuningdek, sport faoliyatining o`z motivlari ham aniqlangan. Bo`lar sog`lom, baquvvat bo`lish, o`zini himoya qila olish istagi, o`zini mehnatga, jangovor harakatlarga tayyorlash, kelishgan, chiroyli qaddi-qomatga erishish va h.k.

Insonni sport bilan shug`ullanishga qiziqtirishning asosiy ruhiy xossasi - ushbu sport turi bilan shug`ullanish orqali erishiladigan qoniqish xissini hosil qilish tuyg`usidir.

Bu murakkab xarakterdagi motivlar bo`lib, ular quyidagilar:

*Sport faoliyatiga oid motivlar:*

1. Muskul aktivligining namoyon bo`lishidan sportchining qoniqish his etishi.
2. O`z harakatlarining epchilligi va go`zalligidan zavq olishi.

3. Murakkab va xavfli mashqlarni bajarishda qat'iyatli va jasurlikni namoyon qilishga intilish.

4. Musobaqalarda qatnishishdan zavq olish.

5. Qanchalik qiyin bo`lmasin galabaga erishish, uzining maxoratini kursatish, rekord natijalarga erishishga intilish.

*Sport faoliyatiga yondashgan motivlar:*

1. Sport bilan shug`ullanish orqali kuchli, soglom bo`lishga intilish.
2. Sport orqali o`zini amaliy faoliyatiga tayyorlashga intilish.
3. Sport faoliyatini muhimligini anglab etish.

A.Puni (1977) maxsus tajribalar va kuzatishlar asosida maktab yoshidan boshlab yetuk mohirlik darajasiga erishish davridagi sport faoliyati motivlarining rivojlanish dinamikasini quyidagicha aniqlab berdi:

***Sport bilan shug`ullanishning boshlanqich bosqichi:***

Bu sport faoliyatiga kirishning birinchi urinishlari davri. Buni qo`zg`atuvchi motivlar, birinchidan o`smirlar sportning bir necha turi bilan shug`ullanishni boshlaydilar, o`zlarining qaysi sport turida o`z mahoratlarini namoyon qilishlari muhimligini yaxshi bilmagan holda, ikkinchidan fizkulturani sevaman, shuning uchun shug`ullanyapman, uchinchidan aynan shu sport turi bilan shug`ullanish uchun yaxshi sharoitlarning borligi bilan bog`liq, to`rtinchidan o`ziga qarzdorlik elementlarini oladi.

***Tanlagan sport turida ixtisoslashish bosqichi:***

Bu bosqichda sport faoliyatining motivlari:

1. Sportning bir aniq turiga qiziqish uyg`otish va rivojlantirish.
2. Shu sport turiga nisbatan qobiliyatlarini topa olish va yuksaltirish.
3. Maxsus bilimlarni kengaytirish, sport texnikasini yuksaltirish, shug`ullanishning yukori darajasiga erishish.

***Sport mahorati bosqichi:***

Bu bosqichda sport faoliyatining bosqichlari quyidagilardan iborat:

1. O`zini sport mahoratini yuksak darajada saqlab turish va undan ham ko`p yuqori muvaffaqiyatlarga erishishga intilish.
2. O`zining sportdagi erishilgan g`alabalari bilan Vatanga xizmat qilish, xalqaro musobaqalarda Vatanning shon-sharafini ko`tarish, yangi dunyo rekordlarini o`rnitishga intilish.

O`zi tanlagan sport turiga o`z xissasini qo`shishga intilish, uning texnika va taktikasini boyitish va yuksaltirish, o`z tajribasini, bilimini yosh sportchilarga o`rgatishga intilish.

Bu motivlar yorqin ijtimoiy yo`nalganlik xaraktriga ega bo`ladi, ya'ni sportchining shaxsiy motivlari ijtimoiy motivlarga bo`ysundiriladi. Bu esa sportning tarbiyaviy ahamiyatini, shaxsning paydo bo`lishidagi rolini ko`rsatadi.

Sportchi musobaqa davomida og`ir ahvvolga tushib qolsa, ko`z oldiga butun hayoti, oilasi, murabbiysi, unga ishonch bilan qaragan jamoadoshlari, el-yurti keladi. Shunda unga yangi kuch-quvvat kelib, g`alabani ta'minlaydi.

Sporchini texnik jihatdan tayyorlash - pedagogik jarayon bo`lib, ayni sportga xos harakatlarni bajarish usullarini egallash va ularni takomillashtirishdan iboratdir. Har xil sport turlarida sport harakatlarini texnik priyomlari har xil

psixologik tuzulishga egadir. Sportchi texnikani o`zlashtirishi xilma xil harakat malakalarni o`zlashtirish bilan bog`likdir, chunki har qanday sport faoliyatida texnikani asosi bo`lib malaka hisoblanadai.

Har bir sport turidagi mashqning texnikasini egallash - harakat malakasini egallashdan iboratdir. Odam faoliyatidagi harakatlar shartlari ikki turga ajratiladi - ko`nikma va malakadir.

Harakat malakasi deb sportchilarda bir xil shakldа juda ko`p marta takrorlanish natijasida avtomatlashib ketgan harakatlarga aytiladi. Ko`nikma - shunday xarakatlardirki odam ularni ilgari egallagan bilimlarini tadbiq etgan holda bajaradi ( professor A.T. Puni aytishicha harakat malakalar - odamning yodlab olgan harakatidir). Harakat malakalari bosh miyada differentsiyalashish (ajrata bilish) va vaqtli asab bog`lanishlar asosida shakllanadi.

Har bir harakat malakasi o`z fiziologik asosiga ko`ra shartli reflekslar aloqalari tizimlaridan iborat. Malakalar hosil bo`lishning dastlabki bosqichlari, ularni har bir qismi o`ylagan holda diqqat bilan bajariladi. Malakalar shakllangan sari harakatlar aniq, tez, tejamli, engil bajariladigan bo`lib qoladi.

Psixologik tadqiqotlarda, shuningdek, sport musobaqasi davrida vujudga keladigan taktik muammolarni yechin bilan bog`liq sportchining tafakkur faoliyati kam o`rganilgan. Bunda shu narsa aniqlanganki, fikrlash jarayonlarining tezligi, sport kurashining (musobaqasining) tezkorligi bilan vujudga kelib, hissiy vairodaviy zo`riqishlar bilan uzviy ravishda bog`lanib ketadi. Musobaqa davrida sportchi tomonidan qabul qilingan qaror tezkorlik bilan ma'lum harakatlarga ko`chadi va shu harakat jarayonida ham yangi qarorlar qabul qilinishi mumkin. Bu dalillar sportchining tafakkur xususiyati qandaydir mavhum faoliyat va ish-harakatlar bilan bevosita bog`liq bo`lishligini ko`rsatadi. Bu esa sportchilarni mashqlantirishda trenerlar tomonidan hisobga olinishi zarur.

**ADABIYOTLAR:**

1. Masharipov Y. Umumiy va sport psixologiyasi. O’quv qo’llanma. «Ilm Ziyo» nashriyoti. Toshkent-2012.
2. Masharipov Y. Umumiy va sport psixologiyasi. O’quv qo’llanma. Samarqand - 2012. 24-31 betlar.
3. Kruteykiy. «Pedagogik psixologiya asoslari». Toshkent, «O’qituvchi» nashriyoti. 2003.
4. Lesgaft P.F. Vozrastkak psixologiya. Sankt-Peterburg. 1991.

## MUVAFFAQIYATLI BIZNES IMIDJI

*Nosirova M.B.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti talabasi*

Inson biror faoliyatni amalga oshirar ekan, u albatta, muvaffaqiyatga erishishni istaydi. Ishingiz sizga foyda keltirsa, qanday soz, shunday emasmi! Xo'sh, unda muvaffaqiyatni qo'lga kiritish uchun nima qilish kerak? U qachon

keladi, qayerdan keladi, qay holatda keladi? Yoki uni kutib o'tirmay, u tomonga qadam tashlash kerakmi? Keling, nigohlarimizni tashqi omillarga emas, aynan o'zimizga qarataylik, o'z ruhiyatimizga.

Ma'lumki, psixologiya ko'plab sohalarni o'z ichiga oladi. Ana shu sohalardan biri bu biznes psixologiyasi hisoblanadi. Fan sifatida navqiron bo'lsa-da, uning ildizlari qadimga borib taqaladi. Negaki, foyda, ishbilarmonlik, raqobat, hamkorlik, savdo-sotiq, reja va shu kabi tushunchalar azal-azaldan insoniyatga hamrohlik qilgan.

Biznes psixologiyasi – bu zamonaviy psixologiya oldida turgan yangi nazariy va amaliy vazifalarni amalga oshirishda hamda jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy jihatlari rivojida bir nechta gumanitar fanlar (psixologiya, sotsiologiya, iqtisodiyot) birlashib, paydo bo'lgan psixologiyaning yosh va faol rivojlanayotgan sohasi. Psixologiyaning boshqa bo'limlari singari u ham umumiy mavzuga – inson psixikasiga qaratilgan.

Zamonaviy hayotda kundan-kunga yangi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar yuzaga kelmoqda va bu holat bilan uzviy bog'liq ravishda biznes psixologiyasi ham rivojlanib bormoqda. Biznes vakillari shaxsiy va kasbiy rivojlanishida ularga bu borada yordam bera oladigan mutaxassislar ko'magi kerak bo'ladi. Ayniqsa, muvaffaqiyatli biznes imidjini yaratishlarida ularga psixologik bilimlar juda zarur.

«Muvaffaqiyat psixologiyasi» kitobi muallifi, biznes treningga ixtisoslashgan Brian Tracy International ning bosh direktori Brian Treysi biznesda muvaffaqiyatga erishishning 10 prinsipini ta'kidlagan:

- Yaxshi rahbar;
- Muvaffaqiyatli biznes rejasini rivojlantirish;
- Eng yaxshi mahsulot yoki xizmatni taqdim etish;
- Atrofingizda eng yaxshi, yuqori darajadagi insonlar bo'lishi;
- Eng yaxshi marketing reja ishlab chiqish;
- Raqamlarga e'tiborli bo'lish (savdo-sotiq hajmi, tezligi, foyda, narxlar, o'sish);
- Yaxshi menejer;
- Savdo-sotiq jarayonini takomillashtirish;
- Xaridorlar bilan muomala;
- Yashash tarzi(oila, jismoniy faollik, shaxsiy ishlarga kerakli vaqt ajratish).

Bulardan shuni anglashimiz mumkinki, inson faqatgina ishga diqqat qaratishi emas, balki o'z shaxsiy hayoti, oilasi bilan ham mashg'ul bo'lishi, o'ziga e'tibor berishi muhim sanaladi. Muvozanatni to'g'ri ushlay olish kerak.

Sizni tarbiyalaydigan, muvaffaqiyatga erishishingizga javobgar bo'lgan inson – bu siz o'zingiz.

Darhaqiqat, taniqli ishbilarmonlarning faoliyatiga nazar tashlasak, ularning har biri o'ziga xos yo'lni bosib o'tgani, har biri o'zining oltin qoidalariga bo'lganidan xabardor bo'lishimiz mumkin.

Shu o'rinda dunyoga mashhur Stiv Jobs haqida to'xtalsak. U muvaffaqiyatli biznes imidjini yaratishda asqotadigan bir qancha qoidalarni e'tirof etgan:

•Nimani yaxshi ko'rsangiz, shuni bajaring(bu fikrga to'liq qo'shilaman, sevimli mashg'ulot bilan shug'ullanish bir olam zavq bag'ishlaydi, buning aksi bo'lsa, siz yoqtirmaydigan ish sizga quvonch bermaydi, bir qancha vaqt ko'nikishga urinarsiz, ammo bu ketishda uzoqqa borish amrimahol);

•Ulkan maqsadlar qo'ying;

•Uzoqni ko'ra biling;

•1000 ta narsaga «yo'q» deng(«oz bo'lsin, soz bo'lsin» tamoyili deb atash mumkin);

•Noyob takliflarni yarating;(takliflar berilaveradi, lekin ular ichida boshqalardan ajralib turadigani bo'lishi kerak!)

•Fikrlarni to'g'ri taqdim eting;

•Orzularni soting, shunchaki mahsulotlarni emas.(Ya'ni sotayotganingiz oddiy bir buyum emas, orzu darajasiga chiqa oladigan bo'lsin! Buni qarangki, Stiv Jobs oldindan ko'ra olgan, «yarimta olma»ning siri mana nimada ekan!)

Albatta, har bir inson o'ziga xos ekanligi ma'lum. «Shaxsning eng muhim xususiyatli jihatlaridan biri – bu uning individualligidir. Individuallik deganda insonning shaxsiy psixologik xususiyatlarining betakror birikmasi tushuniladi. Psixik xususiyatlarning birikmasini aynan o'xshash tarzda aks ettiruvchi inson mavjud emas». [1, 128-bet]

Shunday ekan har kimning o'z dunyoqarashi, faoliyatiga o'ziga xos yondashuvi, o'z prinsiplari, muvaffaqiyat sirlari bor. Muvaffaqiyatli biznes imidjini yaratish ham shaxsning o'ziga bog'liq.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Ergash G'oziyev. Umumiy psixologiya. Toshkent 2010.

www.thinkadvisor.com

www.studme.org

## DUNYO DAVLATLARIDA GLOBALLASHUV JARAYONI

*No'monov N.*
*O'zMU talabasi,*
*No'monov M.*
*TATU talabasi.*

O‘zbekiston – yoshlar mamlakati. Yoshlar deganda, ma’naviy dunyosi shakllanish jarayonida bo‘lgan, asosan 16-30 yoshlar oralig‘idagi insonlar tushuniladi. O‘zbekiston umumiy aholisining 60 foizidan ko‘pini ham aynan yoshlar tashkil etadi. Shu sababdan ham internet tarmog‘ida ma’naviy-ma’rifiy targ‘ibotni kuchaytirish lozim. Chunki bugungi zamonda biz – yoshlarning sirlashadigan, dillashadigan, dardlashadigani ham bu – internet, ijtimoiy tarmoqlar ekanligi sir emas. Ayni paytda axborot xurujining yana bir ko‘rinishi odob-axloq, sharm-hayo kabi qadriyatlarga tajovuz tarzida namoyon bo‘lmoqda. Axborot

xurujlarining bunday salbiy ta’sirini kamaytirish uchun bir qator muammolarga yechim toppish zarur. Biz – yoshlarni axborot xurujlaridan himoyalash deganda, ko‘pincha ularga turli axborotlarni, har xil saytlarni, filmlarni, gazeta va jurnallarni taqiqlash kerak degan tushunchani tushunmaslik kerak. Avvalo, bizning milliy qadriyatlarimizga, imon-e’tiqodlarimizga yot bo‘lgan g‘oyalarni targ‘ib qiluvchi ayrim “tizim”larga ergashmasligimiz kerak deb o‘ylaymiz. Birinchi prezidentimiz ham bu haqida o‘zlarining quyidagi fikrlarini keltirib o‘tgan edilar: “Hammamizga ayon bo‘lishi kerakki, “axborot asri” deb nom olgan XXI asrda hech qaysi davlat yoki jamiyat o‘zini temir devor bilan o‘rab yashay olmaydi. Ayni paytda, ahvol shunday ekan, deb qo‘l qovushtirib o‘tirish ham to‘g‘ri kelmaydi, bunday tahdidlarga javoban biz ham sodda bo‘lmasdan zarur chora-tadbirlarni ko‘rishimiz kerak”.

Biz – yoshlar bugungi kunda, axborot globallashuvi zamonida internet tarmog‘idan turli ma’lumot va tasvirlarni ko‘rish, o‘qish va yozish imkoniga egamiz. Bu bir tomondan ijobiy holat bo‘lsa, ikkinchi tomondan biz – yoshlar ongiga salbiy ta’sir o‘tkazishi, axloqiy jihatdan tubanlashiturvchi zararli g‘oyalar ta’siriga tushirib qo‘yishi mumkin. Xususan, Birinchi prezidentimiz I.Karimov tomonidan ham bu haqida quyidagi fikrlar keltirilgan edi: “Tabiiyki, “Ommaviy madaniyat” degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo‘ravonlik, individualizm, egotsentrizm g‘oyalarini tarqatish, kerak bo‘lsa, shuning hisobidan boylik orttirish boshqa xalqlarning necha ming yillik an’ana va qadriyatlarini, turmush tarzining ma’naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo‘porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo‘ymaydi”. [1.65]

G‘arbdagi turli markazlar “ommaviy madaniyat” niqobi ostida har xil g‘oyaviy, zararli, saviyasi past, ma’naviy tubanlikka yetaklovchi, animatsion va badiiy filmlar, rok-n – roll, pop, metallist yo‘nalishlardagi sharqona axloq-odobga xilof bo‘lgan musiqa mahsulotlarini biz – yoshlarning e’tiboriga havola etishmoqda. Haqiqatni aytadigan bo‘lsak, bugungi kunda internet tarmog‘ida to‘qqiz mingdan ortiq o‘z joniga qasd qilishni targ‘ib qiluvchi, to‘rt mingdan ortiq insonni e’tiqodiga putur yetkazadigan (hayosiz) mazmundagi saytlar ishlab turmoqda.[2.83] Dunyoda globallashuv jarayoni davom etayotgan, ta’lim-tarbiyada axborot kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish masalasi nihoyatda dolzarb masala bo‘lib turgan sharoitda biz – yoshlarni bu imkoniyatlardan foydalanishimizni taqiqlab qo‘yishning iloji yo‘q. “Ommaviy madaniyat” haqida gapirar ekanmiz, yana quyidagi faktlarni tan olmay ilojimiz yo‘q. Ommaviy madaniyatni niqob qilib buzuqlik va zo‘ravonlik singari inson shaxsini ruhan yemiradigan g‘oyalarni targ‘ib etadigan asarlarning haqiqiy madaniyatga hech qanday aloqasi yo‘q. XX asrda texnika rivoji hamda turmush farovonligining o‘sishi bilan iste’molchilik psixologiyasining yanada kuchayishi kino va televideniyada turli xil seriallar, audio, video disklar va ularni ommaviy tarzda ishlab chiqaradigan industriyaning paydo bo‘lishiga olib keldi. Tabiatan bunday “mahsulot”larda xalqchilik, milliylikdan asar ham ko‘rinmaydi. Ommaviy madaniyatga emas, balki ommaviy madaniyatni niqob qilib olgan aksilmadaniyatga, uning didsizligiga va axloqsizligiga, insonni tubanlashtiruvchi mahsulotlariga qarshi kurash bugungi kunda dolzarb masalalardan biridir. Bugungi

kunda biz – yoshlar orasida taqlidchilik holatlari kuchliligi achinarli hol. Biror serial qahramoni bo‘lgan yigit yoki qiz har xil ranglar uyg‘unlashgan yirtiq shim kiysa, biz – yoshlar orasidagi ayrim “vakillar” shunday shimni kiyib yurishni o‘zlariga ep ko‘rishmoqda. Xorijda keng tarqalgan axloqiy va ma’naviy yurish-turish andozalari reklama, kinofilm, serial, klip, qo‘shiq va o‘yinlar orqali biz – yoshlar ongi zaharlanayotgani ayanchli hodisadir. Buning natijasida biz – yoshlar o‘rtasida vaqtni bema’ni narsalarga sarf etish holatlari kuchayib bormoqda. Bu haqida birinchi prezidentimizning quyidagi fikrlari fikrlarimizni dalillaydi.” Kelajak avlod haqida qayg‘urish, sog‘lom, barkamol naslni tarbiyalab yetishtirishga intilish bizning milliy xususiyatimizdir. Shu nuqtayi nazaridan bola tarbiyasiga, eng avvalo, oilada, ota-ona ko‘magida ta’lim-tarbiyani olib borish, bolani yoshligidan milliy qadriyatlarimiz ruhida yaxshi xulqli, odobli, bilimli qilib tarbiyalash har birimizning burchimizdir”.[3.24] Ommaviy madaniyat haqida gapirar ekanmiz, bugungi kunda televizor orqali namoyish etilayotgan kin ova seriallar haqida to‘xtalmay ilojimiz yo‘q. Bunday oila atalmish muqaddas dargohni mensimaslik g‘oyalarini targ‘ib qiluchi kino va seriallar g‘arbona hayot tarzini ba’zan oshkora, ba’zan esa pinhona targ‘ib etayotgani hech kimga sir emas. G‘arbda shunday g‘oya mavjud: “Bu hayotga bir marta kelasan, undan huzurlanib yasha. Har qanday tashvishdan voz kech” bu g‘oyaning biz – yoshlar ongiga kirib borishi sharqona hayot tizimiga putur yetayotganidan darak beradi. Achinarlisi haqiqatdan ham bugungi kunda ayrim yoshlar shunday g‘oyalar ta’siriga tushib oilaning qadriga yetmay, muqaddas va ilohiy ne’mat bo‘lgan ota-onadan voz kechish hollari kuzatilib turmoqda.

Bunday g‘oyalarga berilmaslik, yoshlarni ilmga mashg‘ul etish bugungi kunning eng dolzarb mavzularidan biridir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma’naviyat, 2008. – B. 65.

2. Shermuhamedova S.B. Maktabgacha ta’lim tizimida ta’lim-tarbiya jarayonlarini tashkil etishning huquqiy-me’yoriy asoslari moduli bo‘yicha o‘quv-uslubiy majmua. Toshkent, 2018. –B. 83.

3. Karimov I.A. Barkamol avlod kelajak poydevori. – Toshkent: Sharq, 1998. – B. 24.

## “NAVODIR UN-NIHOYA” ASARIDA ANTROPONIMLARNING QO‘LLANILISHI. ANTROPONIMLAR LINGVOSTATISTIKASI

*No’monova D.M.*
*Qo‘ziyev U.Y. (PhD)*
*Namangan davlat universiteti*

Atoqli ot bir xil predmet yoki hodisaning birini ajratib ko‘rsatishga xizmat qiladigan ikkilamchi nom hisoblanadi. [1] Antroponimlar aniq shaxslarni bildirish

uchun murojaat bilan murojaat qilishdir. Antroponimlar ajralgan nomlar deb ham yuritiladi[2]

Ma’lumki, statistika tadqiqotga miqdoriy metod yordamida yondashishdir. Ammo til va tilshunoslik sohalarida olib borilgan izlanishlarning ma’lum qismidagina statistik tadqiqot olib boriladi. Bir tomondan sifat va miqdor degan tushunchalar ikki xil yo‘sinda talqin qilinishi ham, bu sohaga oid manbalar yetishmasligi ham birlamchi omillardan biri hisoblanadi. Lingvostatistikada sifat tahlili miqdoriy tahlildan ma’lumotlarda topilgan yoki aniqlangan lingvistik xususiyatlarning chastota, foizlar va shunga o‘xshashlarni belgilar ko‘rinishida formula yordamida aniqlanishi bilan farqlanadi. Miqdoriy tadqiqotlarda lingvistik xususiyatlar tasniflanadi va hisobga olinadi, bu kuzatilgan faktlarni tushuntirish uchun yanada murakkab statistik modellar tuzilishiga yordam beradi. Ammo sifat tomondan tadqiqot qilinganda biz ma’lumotlardan faqat tildan foydalanish xususiyatlarini aniqlash va tavsiflash uchun, real hodisalar va aniq hodisalarni misollar bilan tushuntirish uchun foydalanamiz. Ushbu maqolada, antroponimlarning lingvostatistik tomondan miqdoriy usullar va tilni sifatiy tahlilni qanday to‘ldirishi mumkinligini ko‘rsatishga harakat qilamiz. Bunda bizga kuzatilgan va kutilgan chastotalar juftligi o‘rtasidagi farqning o‘lchamini aniqlashda quyidagi formula yordam beradi:

$$\frac{(O-E)^2}{E}$$

Bu yerda O – kuzatilgan chastota va E – kutilayotgan chastota. Bunda sifat metodi va miqdoriy metod aniqlanadi.

Ushbu formula yordamida Alisher Navoiyning “Navodir un-nihoya” asaridagi antroponimlar lingvostatistikasini tadqiq qilamiz.

| № | NOMLAR | ABSOLUT CHASTOTA | NISBIY CHASTOTA |
|---|---|---|---|
| **1** | *Ayoz* | 1 | 1,63% |
| **2** | Ayyub | 1 | 1,63% |
| **3** | Anas | 2 | 3,27% |
| **4** | Anqr | 1 | 1,63% |
| **5** | Aflotun | 1 | 1,63% |
| **6** | Afridun(Faridun) | 3 | 4,91% |
| **7** | Asas | 1 | 1,63% |
| **8** | Ahmadi Mursal | 1 | 1,63% |
| **9** | *Ahraman* | 1 | 1,63% |
| **10** | *Bahrom* | 1 | 1,63% |
| **11** | *Barhaman* | 1 | 1,63% |
| **12** | *Bishr* | 1 | 1,63% |
| **13** | *Bilol* | 1 | 1,63% |
| **14** | *Buzar* | 2 | 3,27% |
| **15** | *Vomiq* | 1 | 1,63% |
| **16** | *Yefas* | 1 | 1,63% |
| **17** | *Jabrail* | 1 | 1,63% |
| **18** | *Jam, Jamshid* | 12 | 19,6% |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **19** | *Jo'ji* | 1 | 1,63% |
| **20** | *Zulayxo* | 1 | 1,63% |
| **21** | *Zulqarnayn* | 1 | 1,63% |
| **22** | *Zuhal* | 2 | 3,27% |
| **23** | *Iso* | 10 | 16,3% |
| **24** | *Iskandar* | 1 | 1,63% |
| **25** | *Kayxusrav* | 1 | 1,63% |
| **26** | *Layli (Laylo)* | 19 | 31,1% |
| **27** | *Majnun* | 98 | 160,6% |
| **28** | *Malik shohi Soniy* | 1 | 1,63% |
| **29** | *Maryam* | 3 | 4,91% |
| **30** | *Masih* | 30 | 49,1% |
| **31** | *Musai Umron* | 1 | 1,63% |
| **32** | *Muso* | 1 | 1,63% |
| **33** | *Mushtariy* | 1 | 1,63% |
| **34** | *Moniy* | 1 | 1,63% |
| **35** | *Musallo* | 1 | 1,63% |
| **36** | *Nohid* | 1 | 1,63% |
| **37** | *Nuh* | 3 | 4,91% |
| **38** | *Odam* | 1 | 1,63% |
| **39** | *Parvez* | 5 | 8,19% |
| **40** | *Parvin (Hulkar)* | 2 | 3,27% |
| **41** | *Sayyidjamoliddin* | 1 | 1,63% |
| **42** | *Skandar* | 4 | 6,55% |
| **43** | *Som* | 1 | 1,63% |
| **44** | *Sulaymon* | 1 | 1,63% |
| **45** | *Suxayb* | 1 | 1,63% |
| **46** | *Suxayl* | 1 | 1,63% |
| **47** | *Utorud* | 2 | 3,27% |
| **48** | *Farhod* | 47 | 77,04% |
| **49** | *Fuzayl* | 1 | 1,63% |
| **50** | "Xamsa" | 1 | 1,63% |
| **51** | *Xizr* | 1 | 1,63% |
| **52** | *Xotam* | 1 | 1,63% |
| **53** | *Xusrav* | 2 | 3,27% |
| **54** | *Xusraviy G'oziy (G'oziy)* | 5 | 8,19% |
| **55** | *Shirin* | 14 | 22,9% |
| **56** | *Shohjahon* | 1 | 1,63% |
| **57** | *Shuayb* | 1 | 1,63% |
| **58** | *Yusuf (Yusufi Kan'on)* | 11 | 18,03% |
| **59** | *Ya'qub* | 1 | 1,63% |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **60** | *Qorun* | 3 | 4,91% |
| **61** | *Zuhra* | 2 | 3,27% |

Tadqiqotga koʻra eng faol chastotaga ega boʻlgan antroponim Majnun antroponimidir. Uning absolut chastotasi 98tani tashkil etadi. Demak, Alisher Navoiyning “Navodir un-nihoya” asarida eng koʻp qoʻllangan antroponim Majnun antroponimidir.

Tahlillardan koʻrinadiki, bugungi kunda lingvostatistik jihatdan o’rganiladigan, tadqiq etiladigan noyob asarlarimiz bisyor. Lingvostatistik tahlil yordamida shoir nutqida faol qoʻlaniluvchi birliklar haqida talaygina ma’lumotga ega boʻlish mumkin. Bugungi kunda oʻzbek tilshunosligida ham bu sohada bir qancha tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Sayfullayev R., Mengliyev B va b., Hozirgi oʻzbek adabiy tili. Toshkent – 2009. –B. 222.

2. Фролов О., Антропоним в жестко структурированномь тексте вопросы ономастики 2005 №2

## ПРИМЕНЕНИЕ КОГНИТИВНО-БИХЕВИОРАЛЬНОГО КОНСУЛЬТИРОВАНИЯ В РАБОТЕ С МОЛОДЕЖЬЮ

*Нуритдинов С.Т.*
*Национальный университет Узбекистана*

Когнитивно-бихевиоральное консультирование является одним из самых эффективных направлений оказания психологической помощи. Когнитивно-бихевиоральное консультирование ориентировано на коррекцию дисфункционального мышления, проявляющегося в убеждениях, схемах, правилах, когнитивных паттернах, влияющих на содержание эмоций и поведения и вызывающего различные психологические нарушения у личности [7].

В когнитивно-бихевиональном консультировании предлагается ряд методических приемов для работы с убеждениями: сверхобобщение (один случай распространяется на все остальные случаи) – определить, насколько данный случай схож с другими; катастрофизация (постоянно думать о худшем) – доказать, что доля худшего происшествия мала; дихотомическое мышление (радикальность) – обучаться адекватной оценки действительности; персонификация («я объект внимания во всем») – посмотреть на ситуацию с другой стороны; произвольные умозаключения (приравнивание прошедшего случая с настоящим) – различать факторы прошлого и настоящего [7].

Учитывая эффективность когнитивно-бихевиоральных приемов и техник, значение приобретает рассмотрение особенностей их применения в работе с молодежью, детьми подросткового и юношеского возраста.

Когнитивно-бихевиоральное консультирование тесно связано с изучением и анализом автоматических мыслей, иррациональных убеждений, промежуточных убеждений, а также глубинных убеждений. В исследовании А.Ф. Ремеевой и И.А. Пальчикова (2013), направленном на определение особенностей иррациональных установок (убеждений) девиантных подростков, приняли участие 30 респондентов, 15 из которых были с социально приемлемым поведением и 15 с девиантным (антисоциальным) поведением. В исследовании было выявлено, что понятия «свобода» и «процесс» у подростков с девиантным поведением более выражены, чем у подростков с социально приемлемым поведением. Это говорит о том, что они готовы отстаивать свои позиции в отношении независимости от кого-либо, что они больше ориентированы на процесс какой-либо деятельности, а не результат. В противоположность этому понятие «деньги» является более значимым для подростков с социально приемлемым поведением, отражая их ориентацию на собственное благосостояние. Исходя из полученных данных, можно сказать, что при неудовлетворении тех или иных потребностей у подростков с девиантным поведением формируются иррациональные убеждения, которые в свою очередь могут быть причиной агрессивного и антисоциального поведения [5]. А.Ф. Ремеева и И.А. Пальчиков считают, что полученные исследовательские данные об иррациональных установках подростков с девиантным поведением позволяют говорить о необходимости разработки коррекционно-развивающих программ в русле когнитивно-бихевиоральной терапии. Эти программы должны ставить своей целью модификацию иррациональных убеждений у подростков с девиантным поведением и формирование адаптивных поведения.

В подростковом и юношеском возрасте могут наблюдаться агрессивное, суицидальное, аддиктивное поведение. Некоторые виды поведения в этих возрастах связаны с особенностями социализации в интернете. Так, в исследовании Е.П.Белинской (2013) показано, что, несмотря на то что средним количеством друзей среди респондентов является от 100 до 400 человек, 18% москвичей отмечают у себя чувство одиночества онлайн, 25% якутян и 5% екатеринбуржцев. Стоит отметить, что среди опрошенных, моббинг является более беспокоящей проблемой, чем кибербулинг. При дальнейшем рассмотрении этой проблемы, выявляется то, что у подростков и юношей, подвергшихся моббингу, кибербулингу, испытывающих одиночество в реальной жизни и в онлайн, могут появиться чувство неполноценности, депрессия, заниженная самооценка, укорениться дисфункциональные убеждения [1].

Среди проблем подросткового и юношеского возраста часто встречается агрессивное поведение. А.Ф. Ремеева (2010) отмечает, что агрессивное поведение является одной из наиболее частых причин для психологического

консультирования. Указывая на то, что агрессивное поведение часто возникает по причине недостаточной обученности социально-желательным формам реализации своих действий или дефицита исполнительной регуляции, автор предлагает использовать методы и приемы когнитивно-бихевиоральной терапии. Решение проблемы агрессивного поведения предлагается сквозь призму когнитивно-бихевиорального консультирования, целью которого должны выступать изменения, во-первых, когниций, во-вторых, поведения. В качестве альтернативы агрессивному поведению выступает ассертивное поведение, которое заключается в таком стиле поведения, при котором человек, добивается своих целей при помощи социально приемлемых методов, посредством модификации собственных когниций и поведения. Эффективным средством изменения поведения в подростковом и юношеском возрасте является тренинг уверенного поведения и самоутверждения [4].

Суицидальное и самоповреждающее поведение являются характерными для детей подросткового и юношеского возраста. По данным Всемирной организации здравоохранения, суициды – третья по значимости ведущей причиной смертности в возрастной группе 15–19 лет [6]. А.Б.Холмогорова (2016) указывает, что суицидальные мысли и желания являются характерными для достаточно высокого процента опрошенных студентов-первокурсников московских высших образовательных учреждений. В исследованиях последних лет, в частности С.В.Воликовой, А.В.Нифонтовой, А.Б.Холмогоровой (2013), показано возрастание суицидального риска у детей, которые подвергаются буллингу в образовательных учреждениях [8].

А.Б.Холмогорова анализирует теоретическую модель и практику помощи в ситуации суицидального поведения в когнитивно-бихевиоральной терапии. Примечательно, что эта модель помощи носит системный характер, т.е. учитывает психологические особенности личности, предрасполагающие к суициду, когнитивную схему суицидального поведения, этапы работы терапевта во время кризисной фазы, конкретные приемы и техники работы на разных этапах. Системность когнитивно-бихевиоральной модели оказания помощи отражает план безопасности, который включает в себя описание триггеров, используемых человеком совладающих приемов, список людей, которые могут помочь справиться с кризисом, план перключения, т.е. отказа от установки на уход из жизни [8]. В качестве конкретных приемов и техник когнитивно-бихевиорального консультирования личности при суицидальном поведении называют техники самоуспокоения, отвлечения, развития навыков решения проблем и совладания с жизненным стрессом, когнитивного переструктурирования, составления списка оснований для продолжения жизни и «комплекта надежды» (списка доказательств ценности жизни).

Н.А.Польская (2016) анализирует основанные на когнитивно-бихевиоральном подходе модели профилактики и коррекции самоповреждающего поведения. Так, эффективными являются обучающая когнитивно-бихевиоральная психотерапия, групповой терапии, направленная на улучшение качества эмоциональной регуляции, диалектическая

бихевиоральная терапия. При этом автор считает, что профилатика самоповреждающего поведения должна быть системной и комплексной. Другими словами, необходимы учет влияния и взаимодействия социальных, гендерных и возрастных и психологических факторов. Учитывая, что дети в подростково-юношеском периоде особенно уязвимы к самоповреждениям, Н.А.Польская предлагает мультидисциплинарный подход к оказанию помощи детям, предполагающий вовлечение педагогов, психологов, медицинских работников в процесс информационно-обучающей, психолого-развивающей и информационно-аналитической работы с ними [3].

Анализируя ювенальные технологии, Е.М.Шпагина и др. (2012) указывают, что когнитивно-бихевиоральные методы являются эффективными и при работе с детьми, совершившими правонарушения. К этим методам относятся техники обучения навыкам преодоления, когнитивного переструктурирования, обучения методам решения проблем [9].

Таким образом, применение когнитивно-бихевиорального подхода в работе с подростками и юношами, с молодежью связано, с одной стороны, с изучением иррациональных убеждений и факторов, влияющих на их возникновение, с другой стороны, с разработкой психокоррекционных программ и проверкой их эффективности. Ценность когнитивно-бихевиорального консультирования заключается в его системности, комплексности и эффективности.

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Белинская Е.П. Информационная социализация подростков: опыт пользования социальными сетями и психологическое благополучие // Психологические исследования. 2013. Т. 6, № 30. С. 5. URL: http://psystudy.ru (дата обращения: 17.07.2020).

2. Воликова С.В., Нифонтова А.В., Холмогорова А.Б. Школьное насилие (буллинг) и суицидальное поведение детей и подростков // Вопросы психологии.2013. № 2. С. 24-31.

3. Польская Н.А. Модели коррекции и профилактики самоповреждающего поведения // Консультативная психология и психотерапия. 2016. Том 24. № 3. С. 110–125. doi:10.17759/cpp.2016240307.

4. Ремеева А.Ф. Когнитивно-бихевиоральная терапия как средство оказания воздействия на агрессивное поведение подростков // Коченовские чтения «Психология и право в современной России». Сборник трудов конференции. М.: Московский государственный психолого-педагогический университет, 2010. С.33-36.

5. Ремеева А.Ф., Пальчиков И.А. Особенности иррациональных установок девиантных подростков [Электронный ресурс] // Психология и право. 2013. Том 3. № 2. URL: https://psyjournals.ru/psyandlaw/2013/n2/61028.shtml (дата обращения: 17.07.2020).

6. Самоубийство. Основные факты//Сайт Всемирной организации здравоохранения. URL: https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/suicide (дата обращения: 17.07.2020).

7. Холмогорова А.Б. Работа с убеждениями: основные принципы (по А.Беку) // Консультативная психология и психотерапия. 2001. Том 9. № 4. С. 87–109.

8. Холмогорова А.Б. Суицидальное поведение: теоретическая модель и практика помощи в когнитивно-бихевиоральной терапии // Консультативная психология и психотерапия. 2016. Том 24. № 3. С. 144–163. doi:10.17759/cpp.2016240309.

9. Шпагина Е.М., Чиркина Р.В., Карнозова Л.М., Дегтярев А.В., Коновалов А.Ю. Ювенальные технологии в публикациях зарубежных авторов [Электронный ресурс] // Современная зарубежная психология. 2012. Том 1. № 2. С. 83–96. URL: https://psyjournals.ru/jmfp/2012/n2/52283.shtml (дата обращения: 10.07.2020).

## AUTIZMNING PSIXOLOGIK SEMANTIKASI

*Nurmatova D.G.*
*Samarqand Davlat Universiteti magistranti*

**Annotatsiya:** maqolada autizm muammosinining psixologik semantikasi jihatlari keltiriladi. Ushbu ilmiy muammo bo'yicha o'tkazilgan eksperimental tadqiqotlar natijalari beriladi. Tadqiqot natijalari qiyosiy tahlil yo’l bilan asoslangan. Muammo yechimlarining psixologik xususiyatlari qisqacha tahlil etiladi. Autizm sindromili bolalardagi bilish jarayonlari psixologik jihatdan tadqiq etiladi va autizm mohiyati tibbiy-psixologik muammo sifatida yoritib beriladi.

**Kalit so'zlar:** autizm, sindrom, korreksiya, bilish jarayonlari, markaziy nerv sistemasi, integratsiya, ijtimoiy o’sish.

Bugungi kunda butun dunyo olimlari va tibbiyot xodimlarini xavotirga solayotgan ushbu muammoning xavfli tomoni shundaki, autik spektri buzilgan insonlar soni sezilarli darajada oshib bormoqda. Shu jumladan,O’zbekistonda ushbu masala ancha dolzarb muammolardan bo’lib hisoblanadi. Bu muammoning dolzarbligi va murakkabligi shundaki, u ko’pgina sohalarning kompleks tarzda yo’lga qo’yilganligi va ushbu soha mutaxassislarining o’zaro hamjihatligini talab etadi. Demak, autizmning diagnostikasi, korreksiyasi va terapiyasi bir qancha chora-tadbirlar majmuasidan iborat bo’lib, bunda ko’proq ijtimoiy hamkorlik o’rnatilishi, ya’ni turli soha vakillarining jalb qilinishi talab etiladi.

Autizm sindromi bo’lgan bolalarning hayot davomida duch kelayotgan sensor, ijtimoiy va emotsional qiyinchiliklari axborotlarni idrok qilishdagi individual o’ziga xosliklari bilan bog’liqdir. Bu bolalarning idrok sohasi va xulq-atvoridagi o’ziga xosliklarini tushunib yetish uchun ularning tashqi olamdan kirib kelayotgan sensor axborotlarni qayta ishlash, ya’ni sensor integrasiya jarayonini

tadqiq etishimiz lozim. Bu masalaga ana shunday yondashuv asosidagina autizm muammosini tadqiq etish sohasiga birmuncha aniqliq kiritishga erishish mumkin, deb hisoblaymiz.

Integratsiya - bu biror bir jarayonning tashkiliy ko'rinish va har xil qismlarini bir butunlikda to'plash hamda, tashkillashtirish jarayoni majmuidir. Biror bir narsaning integrasiyalashuvi - bu uning tarkibiy qismlarining tartibli va tizimga solingan holda shaqlashi demakdir. Markaziy nerv sistemasi va asosan bosh miya shunday tuzilishga egaki, kelayotgan barcha sensor axborotlarni umumiy tizim ostida tartibga solib, qayta ishlash kobiliyatiga ega. Markaziy nerv sistemasining hech qanday qismi o'zicha, alohida tarzda yoki boshqa tizimlardan ajralgan holda faoliyat ko'rsata olmaydi. Axborotlar uning bir qismidan boshqa qismiga uzatilib turadi. Teri sezgisi ko'rishga, ko'rish muvozanatni ushlab turishga, muvozanat tananing fazodagi holati va harakatini sezishga, harakat esa bilish faoliyatiga, qolaversa, ta'lim olishga yordam beradi.

Sensor integratsiya bosh miyada yuz beradigan ongsiz jarayondir. U sezgi organlari (ko'rish, eshitish, ta'm bilish, hid sezish, teri tuyish, harakat) yordamida olingan axborotlarni tartibga soladi. Shuningdek, sensor integratsiya sezgi organlari orqali qabul qilingan axborotlarning ahamiyatliligini belgilaydi va axborotni filtrlab, diqqatni qaratish kerak bo'lgan holatlarni ajratadi (masalan, ko'cha shovqiniga e'tibor bermasdan, o'qituvchini tinglash). Sensor integratsiya miya faoliyatining muhim qismi hisoblanadi. Sezgi miya uchun ozuqa sifatida gavdalanadi hamda u tana va tafakkurni boshqarishda zarur bo'lgan bilimlarni miyaga yetkazib berish vazifasini bajaradi.

Sensor axborotni qayta ishlash buzilishining ko'pgina simptomlari autizmda harakterlanadi. Atrof-muhit bilan o'zaro aloqada bunday bolalar sezilarli darajada qiyinchiliklarga duch kelishadi. Shuningdek, ular taktil signallar lokalizasiyasi, harakatni rejalashtirish kabilarda ham qiyinchiliklarga uchraydilar. Autizmi bo'lgan bolalarda ko'p uchraydigan sensor signallarni qayta ishlash buzilishining uch ko'rinishi mavjud: birinchidan, sensor signallar miya tomonidan kerakli tarzda "ro'yxatdan o'tkazilmaydi" (ya'ni qabul qilinmaydi). Shuning uchun ham bola ba'zi narsalarga e'tiborsiz, boshqa narsalarga esa haddan ortiq sezgir. Ikkinchidan, sensor signallarning modulyatsiyasi yomonlashuvi kuzatiladi, asosan vestibulyar va taktil signallar sohasida. Buning oqibatida gravitasion ishonchsizlik va taktil yuqori sezuvchanlik rivojlanadi. Uchinchidan, miyaning harakatga undovchi qismlariga, asosan, yangi harakatlarga va harakatlar almashinuviga javob beruvchi qismlar faoliyatida buzilish yuzaga keladi. Buning oqibatida, odatda, konstruktiv va foydali bo'lgan ishlarga qiziqishning yo'qolishi kuzatiladi.

Muayyan sensor impulslarni miya bir gal qabul qilsa, boshqa safar aynan shu signallarni inkor etishi mumkin, bunday tartibsizlik ota-onalar tomonidan ularning xulq-atvorini noto'g'ri talqin qilinishiga sabab bo'ladi. Ularning xulq-atvorida xuddi ataylab o'jarlik qilayotgandek va ota-onalariga qarshi chiqayotgandek tuyiladi. Aslida esa bu holatning sababi butunlay boshqa, ya'ni bir necha kunlar davomida yoki mashg'ulotdan mashg'ulotgacha bo'lgan vaqtlar oralig'ida ularning miya faoliyatida keskin o'zgaruvchanlik, mantiqiylik va izchillikning pasayishi kabi juda og'ir kechinmalarga sabab bo'luvchi holatlar yuzaga kelishi mumkin.

Ko’pchilik mutaxassislarning fikricha, faqat adekvat stimullar yordamida bolaning sensor imuttulslarni qabul qilish qobiliyatini shakllantirishga turtki berish mumkin. Bu stimullar sensor integrasiyaga asoslangan terapevtik muolaja dasturlarida o’z aksini topadi. Ushbu terapevtik muolajalar bolaning motivasiyasiga hamda sensor, ayniqsa, qo’rquv axborotlarini qayta ishlashiga yordam beradi. Bolaga mashg’ulot davomida birinchi qadam tashlashga va xatti-harakatlar uzluksizligini rejalashtirishga yordam berish sensor integrasiyaga asoslangan terapiyaning asosini tashkil etadi.

Autizm holatida sensor integrasiyasiga asoslangan terapiyaning asosiy maqsadi sezgilarning modulyatsiyasi va ularni samarali tarzda qabul qilish maqsadida sensor axborotlarni qayta ishlashni yaxshilash va xulq-atvorni muvozanatlashtirish vositasi sifatida oddiy adaptiv javoblarni shakllantirishga yordam berishdan iboratdir. Agarda terapiya ma’lum darajada samarali bo’lsa, u autizm bilan kasallangan bolaning hayotini sezilarli darajada yaxshilashi mumkin.

Bunday bolalar bilan ishlash davomida ularning sensor impulslarni qayta ishlashi haqidagi bilimlarni to’plashimiz va ularga yordam qo’lini cho’zishimiz uchun kerak bo’ladigan vosita va usullarni topishimiz darkor.

Bizning fikrimizcha, ushbu muammoni tadqiq etishda, avvalambor, autizmi bo’lgan bolalarning sensor integrasiya darajasini aniqlovchi anik metodikalar majmuini ishlab chiqish maqsadga muvofiq. Metodikalarni qo’llash davomida ularning yuqori va quyi sezuvchanlik darajalarini ham diagnostik qilish muhim jihat hisoblanadi. Bu borada har bir bolaga individual yondashish hamda ularda namoyon bo’lgan sensor dezintegratsiyaning darajasiga qarab maqsadga yo’naltirilgan korreksion dasturlarni ishlab chiqish va ulardan samarali foydalanish ushbu muammoni sezilarli darajada bartaraf etishga yo’l ochib beradi.

Autizm sindromli bola shakllanishining psixoanalitik nazariyasi bo’yicha nemis psixologi Erik Erikson o’rgangan. Erikson ham Freyd singari sog’lom katta odam shaxs sifatida o’z ehtiyojlarini qondiradi, o’z “Ego” (“Men”) anglaydi va jamiyatning barcha talablariga javob beradi. Freyddan farqli o’laroq Erikson “ijtimoiy o’sish” tushunchasini ko’proq qo’llaydi u madaniyat, tarix, ijtimoiy omillar ta’siriga alohida e’tibor qaratadi (Freyd nazariyasida “psixoseksual” deb nomlanadi).

Erikson shaxsni psixososial rivojlanish bosqichini uchun asosiy dixotomalarni ajratadi:

1) ishonch — ishonchsizlik (go’daklik davri);
2) avtonomiya — uyat va gumon (1—2 yosh);
3) tashabbus— aybdorlik hissi (3—5 yosh);
4) mehnatsevarlik — to’liq rivojlanmaganlik (kichik maktab yoshi);
5) individuallikni vujudga kelishi (identifikasiya) — rolli diffuziya (o’spirinlik);
6) intim — yolg’izlik (kattalikni boshlangich davri);
7) ijodiy faollik — rivojlanishning yo’qligi (o’rta yosh);
8) tinchlik tarafdori– keksalik

Shuningdek Erikson shaxs rivojlanishining sakkiz bosqichga ajratdi. Bolaning rivojlanishidan biri ya’ni onasi bilan bo’lgan, uning kattalar bilan bo’lgan

muloqoti. Mazkur bosqichda kelgusida insonlarga bo'lgan yoki ulardan o'zini tortish kabi sifatlar paydo bo'ladi.

Ikkinchi bosqich bolada shaxsiy sifatlarni, ya'ni o'ziga ishonchlilik va mustaqillik shakllanishini aniqlaydi. Uning amalga oshishi ahamiyatli darajada bolalarning kattalar bilan muloqoti va muloqot xarakteriga bog'liq. Uch yoshda bola aniq shaxs shakllarini egallaydi, E.Erikson konsepsiyasiga muvofiq uch yosh bola – shubhasiz shaxs hisoblanadi.

E.Eriksonning uchinchi va to'rtinchi bosqichi D.B. Elkoninning va mahalliy psixologlarning fikrlariga to'g'ri keladi. Mazkur yillarda bolaning psixik rivojlanishi uchun bolaning o'quv mehnat faoliyatiga alohida e'tibor qaratadi.

Kognitiv rivojlanishning asosiy maqsadi odamni ma'naviy tomonidan rivojlanishini boshqarishidir (yoki ma'naviy rivojlanishni boshqa soxalar orqali tushintirishdir). Ko'pchilik olimlar ushbu rivojlanishni uzluksiz rivojlanish sifatida tan olishadi, ya'ni ularning har biri oldingisi tomonidan tayyorlangan va keyingisini tayyorlab beradi (masalan, J. Piajening intelektual rivojlanish nazariyasi). Boshqa avtorlar (masalan A.Valon) o'xshash rivojlanish uzuq-uzuq ketma-ketlikni qaytadan tashkil etish, ma'lum bir vaqtda bosim va vazifalarni hisobga olgan holda.

To'la aqliy rivojlanish muammosi shvesar olim J. Piaje tomonidan yaratilgan edi. Uning nazariyasiga binoan, har bir rivojlanish bosqichida shu vaqtda insonga nima o'rgatish mumkin bo'lgan yangi bilish ko'nikmalari shakllanadi. Ilmiy malakaviy bitiruv ishilarda mantiqiy fikrlash qobiliyati bolalikda qo'yilib yildan yilga ma'lum obyektiv qonunlarga bo'ysingan holda takominlashib boradi. Fikrlash ko'nikma faoliyati oddiy holda erishiladi — bolaning organizmi umumiy rivojlangan sari va bola o'rganayotgan dunyosini kengaytiradi. Faollikning katta qismi bolalarda o'yinda namoyon bo'ladi. Ushbu holatni Piaje ko'rib chiqqan va ularni o'rab olgan obyektlarni ya'ni odamlarni, ko'rinishlarni, narsalarni muhim tekshiruv ishlarini olib borgan. U shunday ta'lim shakli normal aqliy rivojlanish va uning voyaga yetishning muvaffaqiyatli jarayoni kerak deb o'yladi.

Piaje kognitiv rivojlanish bosqichini quyidagi bosqichlarga bo'lgan edi:

1.hissiy harakatlanuvchi (tug'ilganidan 2 yoshgacha) bu bosqichda bolada dunyodagi atrof muhitdagi narsalarni xotirada saqlash qobiliyati shakllanadi. Bu bosqich tugaguncha bolalarda xuddi ular ko'rmagan narsa mavjud bo'lishdan to'xtagandek tuyuladi.

2.operasiyadan oldin (2 yoshdan 7 yoshgacha) bu paytda bolalar belgilar va ularning ma'nosini farqlashni o'rganishadi.

3.aniq operasiya bosqichi (7 yoshdan 11 yoshgacha) bu vaqtda bolalar avval qo'llari bilan qilgalari kabi, xayollariga kelgan harakatni qilishni o'rganadilar.

4.formal operasiya bosqichi (12 yoshdan 15 yoshgacha) bu paytda o'smir yoshdagi bolalar abstrakt matematik va mantiqiy, axloqiy voyaga yetish muammosi hamda kelajak haqida fikr yuritish yechimlarini yecha boshlaydilar.

Ijtimoiy psixologik muhim muammolardan biri odob axloq muammosidir. Ilm fanda "bolaning odob axloq muammosi" deb yuritiladi.

Piaje fikricha axloqiy rivojlanish aqliy ro'y bermaydi va bolani o'rab turgan odamlar va narsalar, bola bilan suhbat tajribasiga bog'liq. Piaje qiziqarli faktga

duch keldi: bolalarda kattalar kabi gapirgan gapi hamda qilayotgan ishi orasida katta farq mavjud.

3 yoshli bolaning javobi ularning hatti harakati bilan mos keladi, ammo ular o'yin qoidalarini tushintirib bera oladi. Ularning o'ylashicha o'yin qoidalari qandaydir tashqi shaxs tomonidan o'rnatilgan va o'zgarmasdir.

7-8 yoshga borganda o'yin qoidalari ijtimoiy tusga kiradi, ya'ni hamma qoidalar o'yin ishtirokchilari tomonidan qabul qilinadi va o'zgartiriladi.

Piaje pedagogika haqida unchalik ko'p yozmagan. Ammo u ba'zi bir takliflarni bergan. Shuningdek Piaje o'qitish o'qituvchi tomonidan emas, balki bolaning o'ziga bog'liq bo'lib, bu o'z-o'zidan yuzaga keladigan jarayondir degan g'oya ilgari surilgan. Piajening ushbu fikri ayniqsa ko'proq o'z ma'naviy rivojlanishini tashqi muhitni ko'zdan kechirish va boshqarish yo'li bilan rivojlanayotgan yosh bolalarga to'g'ri keladi. Shuningdek bu katta yoshdagi bolalar uchun ham to'g'ri keladi. O'qituvchi o'z navbatida bolani o'qitishga majburlashi kerak emas, balki shunday ma'lumot topishi kerakki, bolaning o'zi qiziqib o'z kuchi bilan muammolarni hal qilsin.

Piaje ta'lim bilan rivojlarish orasidagi bir biriga bog'liqlikni ko'p marta ta'kidlab o'tgan. Masalan, biror bir bola hozirgina aniq bir operasiyalar bosqichiga kirdi. U mantiqan fikrlay boshlaydi, lekin uning fikrlashi hali ham aniq obyekt va harakat bilan bog'liq. Tegishli ravishda muloqotni yuzaga keltirish uchun darslar real narsalar bilan aktiv suhbatda bo'lishi kerak. Masalan, unga kasrlar operasiyasini o'rgatmoqchi bo'lsak, unga diagramma chizishimiz, yoki ma'ruza o'qishimiz shart emas. Biz unga aniq obyektlarni ikkiga bo'lishni o'rgatishimiz kerak.

Hamma vaqt ham bola uchun tabiiy bo'lmagan uy ishlarini topish oson emas. Kognitiv bosqichda yordam bera olishi mumkin, lekin odatda har xil sohada bolalar har xil bosqichda bo'lishadi. Hissiy harakatlanuvchanlik va muloyimlik o'qituvchi tomonidan talab etiladi bolaning harakatiga diqqat bilan qarash tayyorgarligi, boladan o'rganishi va yuzaki qiziqishiga amal qilmoq lozim. Qiziqish hamisha dastlabki birovning so'ziga kirgan holda yuzaga keladi.

Piaje bola bilan katta pedagogik muhim ijtimoiy muloqotni kuzatdi. Bolalar mantiqan fikrlay boshlaydilar bir vaqtning o'zida ikkita parametrni moslash bilan, 2 ta yoki ko'proq nuqtai nazardan va o'zlarining atrof muhitdagilar bilan munosabatlarini qisman o'rganib hisobga olishadi. Interaksiya (o'zaro ta'sir) ni rag'batlantirish kerak bo'ladi, va yaxshi ta'sir qiladiganlar shularki, qaysiki bolalar tayanch tenglikni his qilishadi. Bolalar o'zlarida "to'g'ri" javobni biladigan boshqa kuchli buyruqli shakl orqali bosimni his qilishmasa ular o'zgarishlarini baholash qiyin bo'ladi. Aksincha boshqa bolalar bilan guruh muhokamasida ularda turli xil qarashlarga o'zining fikrlash doirasini rag'batlantiruvchi masalalar sifatida qarash yaxshi imkoniyat beradi.

Piajening mehnatlariga asoslanib, amerikalik psixolog Lourens Kolberg odob-axloq rivojlanish bosqichini, axloqiy asos va aqliy rivojlanishning o'zaro bog'liqligini ko'rsatib beradigan nazariyani ishlab chiqardi. Axloqiy rivojlanishga qaratilgan malakaviy bitiruv ishilarda, olim bolalar va o'smirlarni gipotezaga asoslangan mantiqiy ikkilanishlar orasiga qo'ydi.

Bu maqsad bilan bolalarga ularning axloqiy normalarini inobatga olgan holda hikoya o'qilgan. Ularga mantiqiy axloqiy afzalliklarini bilish uchun savol berilgan. Har bir so'roqqa tutilgan bola nima uchun odamning harakati to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini tushintirib berishi kerak edi. Bu bolalarning fe'l atvoriga qarab 3 turga bo'lingan va 6 ta bosqichni o'z ichiga oladi.

Axloqiy rivojlanish darajasiga voqyelikni to'la ko'rish sabablari orqali javob olindi. Yuqorida ko'rganimizdek har bir keyingi bosqich oldingi bosqichga asoslanayapti, uni yangidan ko'rayapti va mantiqiy muhokamani yaratish uchun yangi yondashuvlar va mezonlarni o'z ichiga oladi. Kolbergning aytishicha odamlar har qanday madaniy muhitda hamma bosqichlarda bir xil tartibda amal qilishadi. Farq faqatgina tezlikda bo'lishi mumkin. Kolbergning fikricha axloqiy rivojanishning yakuni o'rtacha 25 yoshda. Lekin hozircha rivojlanish davom etar ekan, bosqichning ketma ketligi o'zgarmasdan qoladi. Psixik sohadagi buzilishlarning umumiyligiga qaramay, autizm turli shakllarda namoyon bo'ladi. O.S.Nikolskaya, Ye.R.Bayenskaya, M.M.Liblinglarning "Autik bola: yordam berish yo'llari" nomli kitobida autik bolalarni farqlashga oid turli yondashuvlarga misollar keltiriladi. Unga ko'ra, ingliz tadqiqotchisi, doktor L.Ving bunday bolalarni ularning ijtimoiy munosabatlarga kirisha olish imkoniyatlariga ko'ra "yolg'iz" (muloqotga kirishishga intilmaydigan), "passiv" va "faol, biroq beso'naqay" kabi turlarga bo'lib tushuntiradi. Uning fikricha, ijtimoiy moslashuvga erishish imkoni ehtimoli yuqori bo'lgan guruh - bu "passiv" bolalar toifasidir. Muloqotga kirisha olish va undan himoyalanish usullariga ko'ra tasniflashni asos sifatida qabul qilishni taklif qiladilar. Autizm namoyon bo'lishining asosiy 4 xil shakllarini ajratadilar:

1. Bo'lib o'tayotgan voqea-hodisalarga nisbatan butunlay befarqlik, borliqdan ajralganlik.Bu shakldagi autizm muammosiga ega bo'lgan bolalar ilk bolalik davrida o'zining rivojlanishidagi ko'pgina kamchiliklar va faolligidagi buzilishlarni namoyish etadilar. Keyinroq esa ular tashqi olam bilan faol tarzda muloqotga kirishishdan butkul bosh tortadilar. Bunday bolalar o'zgalarning chaqirig'i yoki murojaatiga javob qaytarmaydilar, o'zlari ham biron-bir narsani so'ramaydilar, ularda maqsadga qaratilgan xulq shakllanmaydi. Ular nutq va imo-ishora, belgilardan ham foydalanmaydilar. Bu - bolaning atrofida bo'lib o'tayotgan voqyea-hodisalardan butkul ajralib qolishi va befarqligida namoyoi bo'luvchi autizmning og'ir shakli bo'lib hisoblanadi.

2. Faol tarzdagi rad qiluvchanlik.Bu guruh bolalari nisbatan faolrok bo'lib, atrofdagilar bilan muloqotdan kamroq tortinadilar, biroq ularga olamning kattagina qismini qabul qilmaslik xosdir. Bunday bolalar uchun vujudga kelgan hayotiy odatlarga, belgilangan xatti-harakatlarga jiddiy tartibda rioya qilish katta ahamiyatga ega. Ularni doimo tanish muhit qurshab turishi zarur, shuning uchun ularning muammolari yoshi katta bo'lgan sari - uyning ichki muhitidan boshqa tashqi muhitga chiqib, moslashishlari, yangi insonlar bilan muloqot qilish zarur bo'lgan davrlarda zo'rayib boraveradi. Ularda turli xil harakatli odatlar kuzatiladi. Ular nutqdan foydalanishlari mumkin, biroq ularning nutqli rivojlanishi o'ziga xosdir: ular, avvalo, odatiy ma'lum bir so'zlarni qat'iy ravishda aniq bir vaziyat bilan bog'lagan holda o'zlashtiradilar. Ularga go'yoki telegraf stil(uslub) xosdir.

3. Autistik qiziqishlar bilan chulg'anganlik(yoki o'ziga mahliyolik). Bu guruh bolalari turli xil nizom, mojaroli vaziyatlarni yuzaga keltiruvchi, o'zgalarning qiziqish va manfaatlarini hisobga olishni bilmasligi, bir xil tartibdagi mashg'ulot va qiziqishlarga "sho'ng'ib ketuvchi"ligi bilan farqlanadilar. Bu bolalar juda ham "sergap" bo'lib, katta so'z boyligiga ega bo'ladilar. Biroq ular juda ham murakkab,"kitobiy" iboralar bilan gapiradilar, hatto ularning nutklari kattalarning beo'xshov nutqlarini eslatadi. Ularning aqliy iqtidorlariga qaramay, tafakkur qila olish imkonlari buzilgan bo'lib, ular vaziyatning mohiyati va tub ma'nosini his qila olmaydilar, bir vaqtning o'zida bo'lib o'tayotgan bir necha hodisalarning mazmunlarini idrok qilishga qiynaladilar.

4. Haddan ziyod ko'p qiyinchiliklar bilan muloqot o'rnatish va o'zaro faoliyatga kirishish.Boshqa insonlar bilan o'zaro munosabatlar o'rnatishda imkoniyatlarining yetishmasligi - bu guruhdagi bolalar uchun markaziy muammolardan biridir. Bu bolalar uchun harakatli ko'nikmalarni o'zlashtirish bilan bog'liq qiyinchiliklar xosdir, ularning so'z boyligi kam bo'lib, gaplari ham grammatik jihatdan noto'g'ri kuriladi, ular oddiy ijtimoiy vaziyatlarda "o'zlarini yo'qotib qo'yishlari" mumkin. Bu autizmning yengilroq bo'lgan shakllaridandir.

Statistik ma'lumotlarga qaraganda chuqur shakldagi autizm mingtadan birgina bolada uchrashi mumkin. Kundalik hayotda, maktabgacha ta'lim muassasasi yoki maktabda, biz, odatda, faqatgina qaysidir bir alohida autik belgilari bor bo'lgan bolalarga duch kelishimiz mumkin. Qiz bolalarga qaraganda o'g'il bolalar o'rtasida autizm 4-5 marotaba ko'proq uchraydi.

Autizmning kelib chiqish sabablari ayni vaqtlarga qadar oxirigacha o'rganilmagan. Ko'pgina mualliflar buni homila vaqtidagi rivojlanish va tug'ilgandan so'nggi ilk bolalik davridagi ogir kasalliklarning kechirilishi bilan bog'lab tushuntiradilar. Autik bolalarda odatdagidan ko'ra ko'proq miya disfunksiyasi kuzatiladi, organizmda moddalarning biokimyoviy almashinuvida buzilishlar mavjud bo'ladi. Autizm ko'pincha boshqa psixik buzilishlar bilan chambarchas birikma, kompleks muammo tarzida namoyon bo'ladi.

**ADABIYOTLAR**:

1. Лебединская К.С.,Никольская О.С.Диагностика раннего детского аутизма.- М.,1991.

2. Шрамм Р. Детский аутизм и АВА/ Р. Шрамм.-М. 2013.

3. Айрес Э.Дж. Ребенокти сенсорная интеграция. Понимание скрытых проблем развития // -М.: Теревинф, 2009.

4. Haualand H, Allen C. Deaf people and human rights. Helsinki, World Federation of the Deaf and Swedish National Association of the Deaf, 2009.

5. Ремшмидт Х. Аутизм. Клинические проявления, причины и лечение. – М.2003.

6. Шпицына Л.М. Детский аутизм: христоматия.СПс.,1997.

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛАДАГИ ОНАНИНГ ЎРНИ

*Нурматова К.*
*Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги*
*4-КТМТТ тарбиячиси*

Мамлакатимизда ҳар томонлама етук илмли ва баркамол фарзандларни вояга етишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилган. Бу борада тегишли идоралар ва мутассади ташкилотлар томонидан ижобий мазмунга эга бўлган саъйи харакатлар амалга оширилаётгани хам бу масалага қатъий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради

Жумладан оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган оналар учун хам республикамиз Президенти томонидан қатор фармонларнинг чиқарилганлиги бунинг яққол далили деб айтиш мумкин. Ўзбек оилаларида фарзанд тарбияси хар доим хам глобал ахамият касб этади. Шу жиҳатдан қараганда оналарнинг ўрни бенихоя катта эканлигини таъкидлаш лозим. Айниқса оилада имконияти чекланган бола бўлиши онанинг зиммасидаги масьулиятни янада оширади ва ундан жуда катта психологик ёндошувни талаб этиши сир эмас.

Чақалоқнинг туғилишини катта умидлар билан кутган она – фарзандининг тўлақонли, соғлом эмаслигидан хабар топган вақтда шодлик ва ғамнинг ўртасида қолади. Она Оллоҳнинг фарзанд берганлигига шукур қилсада, лекин уни “Нима учун айнан менинг фарзандим шу аҳволда туғилди?”, “Қайси гуноҳларим учун?”, “Кимнинг айби билан?” деган саволлар уни анча вақтгача тинч қўймайди. Она боласи ва жамият олдида ўзини айбдор хис қилади, ўзини кучсиз ва бахтсиз санаб, болага қандай ёрдам бера олиши мумкинлиги ҳақида бош қотиради. Шу оннинг ўзидаёқ онага психолог, неврапатолог ёрдами керак бўлсада, унинг яқинлари бор эътиборини туғилган болага қаратади. Онанинг рухий ҳолати иккинчи даражали, хатто охирги даражада беэътибор қолади. Шу сабабдан ривожланишида нуқсони бор фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган оналар аламзада бўлиб, тушкун кайфиятда бўладилар, улар ўзларини ён-атрофидагиларга хотиржам, бахтли кўрсатишга ҳаракат қилсаларда, кўзлари бахтдан порламайди.

Бундай оналар муаммосига ечим топиш зарур. Тўғри бу вақтда оталар ҳам кам азият чекмайдилар. Лекин айнан она бола ёнидан бир зум ҳам узоқлашмайди, кўпроқ маъсулият унинг бўйнига тушади. Бу вақтда ота ҳам, она ҳам ўзини қўлга олиши керак. Саволлар гирдобида ўзини азобламасдан, бутун онгини ғам ва аламга тўлдирмасдан фарзандни борича қабул қилиши лозим.

Ривожланишида нуқсони бор болаларда, соғлом болаларга нисбатан қалб сезгиси юқорироқ бўлиши фанда исботланган. Шу сабабдан ота-онанинг ғамгин бўлиши болага ўз таъсирини ўтказади. Ота ҳам, она ҳам болани Оллохнинг бизга ишониб топширган бандаси деб қабул қилишлари

керак. У бола ҳам бошқа болалар каби тирик мавжудод, унда ҳам қалб бор, секин аста ўзининг ички дунёси шаклланиб, қайсидир қобилиятлари намоён бўлиб боради. Бундай оналар бошқа оналарни кўрганларида “Улар мендан бахтли” деб ҳисоблаши ва ўзини улардан паст поғонада кўриши, ўзига паст баҳо бериши керак эмас. Акс ҳолда ўзгалар ҳам унга паст назар билан қараши ёки рахим кўзи билан боқиши мумкин. Бундай ҳолат эса онанинг рухиятига янада салбий таъсир кўрсатади. Тўғри унинг ҳаёти бошқа оналар ҳаёти каби енгилроқ ўтмайди, унинг кўп вақти боласига бағишланади. Барча оналар ҳам боласига парвона бўлади, лекин унинг маъсулиятида болани дам бадам врач кўригига олиб бориш, дори дармонларини ўз вақтида бериш каби мухим вазифалар ҳам бўлади. Она ривожланишда нуқсони бор болани бошқалардан яшириш йўли билан муаммони хал қила олмайди, аксинча ўзгаларда болани кўриш иштиёқини оширади. Албатта атрофдагилар ҳам дастлаб болани алоҳида эхтиёжманд бўлиб туғилганлигини эшитиб хайратланиши мумкин, лекин улар ҳам буни вақт ўтиб борича қабул қилишади. Она ўз боласига ачиниш билан қараши, унинг ўзгалар билан муомала муносабат доирасини тор қилиб қўйиши нохақликдир. Онанинг бундай хатти ҳаракати болани келгусидаги реал ҳаётий воқеаларга муносабатини шаклланишига тўсқинлик қилиши мумкин, бу эса ўз-ўзидан онани бахт ҳақидаги ўй фикрларини чигаллаштиради.

Она ўзидаги қўрқув хиссини мухаббатга айлантириши, ёмон хаёлларга берилмасдан фақат яхшилик ҳақида ўйлаши керак. Она қачонки ёмонлик ҳақида ўйласа, онгига ёмонликни сингдириб олса бу аввалом бор онанинг рухиятини бузилишига олиб келади, бу ҳолати хаётининг барча қирраларига салбий таъсир этади, нафақат ўзининг балки оиладаги яқинларининг рухиятига, оиладаги мухитга таъсир этиб, вазиятни янада оғирлашишига олиб келади. Оилада эр ва хотин, она ва фарзанд муносабатларида тез-тез келишмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Она бутун эътибор диққатини боланинг келгусидаги ҳаётига, яъни “Болам бу аҳволида катта бўлса қандай бўлади?, нима бўлади?, тенгдошлари каби боғчага, мактабга бора оладими?”,- деб, фарзанднинг келгусидаги ҳаётни кўришга қаратмаслиги керак. Она бугуни билан яшашга кўникиши шарт. Вақт ўтиб барчаси ўз изига секин асталик билан тушади. Алоҳида эхтиёжга эга бўлган фарзанд тарбиясида кўпгина оналар бор эътиборини фақат шу фарзандига қаратиб, болага нисбатан ҳаддан ташқари меҳрибончилик қилади. Онанинг бу хатти-ҳаракати аввалом бор фарзандининг халқ тили билан айтадиган бўлсак эпсиз, яъни ўз ўзига хизматнинг оддий кўринишларини ҳам бажара олмаслик ёки бажаришни истамаслик даражасидаги дангаса, фақат ўзини ўйлайдиган (эгоист), яқинларига меҳрсиз бўлишига олиб келади. Бундай вазиятда яна онанинг ўзи ҳар томонлама азобланади, ҳаёти давомида она рухий хотиржамликни унитади, она ўзи ҳақида ўйлашга ҳам вақт топа олмай қолади.

Ривожланишда нуқсони бўлган болани тарбия қилаётган оналарнинг кўп қисми бундай фарзанди борлигини ўзгаларга кўрсатишдан, у ҳақида кўпчилик ичида гапиришдан уялишади. Оқибатда бундан оналар кичик

доирада, хаттоки фақатгина ўз оиласи доирасида қолиб, ўзлари ва фарзанди учун жуда зерикарли, бир хилликдаги кун тартибига эга бўлишади. Айниқса махаллаларда истиқомат қилувчи бундай оналар хатто дарвоза хатлаб фарзанди билан бирга кўчага, сайрга чиқишмайди. Вахоланки бола ўз тенгдошлари, соғлом болалар доирасига эртароқ киритилса, ривожланишида ўзгаришлар тезроқ юзага чиқади. Соғлом болалар ривожланишда нуқсони бўлган болаларни бирданига ўз даврасига қўшмаслиги, ундан узоқлашиши мумкин, бу ҳолатдан оналар хеч ҳам тушкунликка тушмасликлари керак. Улар бир бирларига секин асталик билан ўрганадилар, хаттоки сиз кутмаган меҳрни беришади.

Бундай оналар учун туғруқ жараёни тугаши билан туғруқ хонанинг ўзидаёқ психологик ёрдам берилиши зарур, она туғруқхонадан чиққач туман оила маркази ёки махалладаги хотин-қизлар билан ишлаш маркази томонидан психолог хизмати ташкиллаштирилиши масаласи кўрилиши мақсадга мувофиқ.Бундай оналарга:

•Доимий хиссий қўллаб қуватланиши (эри ва яқинлари томонидан);

•Қатиий кун тартиби орқали ўз вақтида етарлича дам олиши, ҳаётдан завқлана олиши;

•Психолог "она ва бола", "эр ва хотин", "она ва бошқа фарзанд", "она ва атрофдагилар" ўртасидаги муносабатни доимий назорат қилиши.

•Она бола билан кувноқ ўйинларни ўйнаши (рухий ҳолатнинг яхшиланишига ва она билан боланинг яқинлашишига сабаб бўлади)

• Бола тарбиясида фақат онага оғирлик тушмаслиги масаласини эр ва хотин ўзаро очиқчасига маслахатлашиб олишлари;

•Алоҳида эхтиёжга эга бола тарбияси бўйича тажрибага эга бўлмаганликлари учун, ўз фарзандлари каби бола тарбиялаётган ота-оналар билан муомала муносабатини ўрнатиш:

•Фарзандининг диагнози бўйича илмий маълумотларга эга бўлиш (врачлар билан сухбат, китоблар ўқиш орқали, интернет орқали маълумотлар топиш);

• Она атрофидаги катталар томонидан ҳурмат қилинаётганлигини, уни бошқалар қўллаб қуватлашларини, қадрлашларини хис этиши керак.

Кутилмаган ҳодисага, яъни ўзи ўйлагандек фарзанд туғилмаганлик ҳодисасига дуч келган она ўзини бошқаришни ўрганиш жараёнида атрофдагилар ва яқинларинг кўмагига мухтож бўлишини унутмаслик лозим..

Бундай вазиятда она иложи борича ўзидан ҳам, атрофидагилардан ҳам хафа бўлмаслиги, қалбни ёмон хислар билан тўлдирмаслик, ўзини рухий азобламаслик талаб этилади. Дунёга келган фарзандини мусибат деб қабул қилмасдан, кўраётган кунларини ўта оғир вазият деб ҳисобламасдан, бор реал ҳолатни тўла қабул қилиб, болага кулги ва илиқ табассум билан боқиши, ҳар бир куннинг енгил ўтишига сабаб бўлади. Бундай оналар ўзларини ёлғиз эмасликларини унутмасликлари керак. Ҳаётларига тез-тез янгиликлар киритиб туриши кайфиятни яхшиланишига олиб келади, масалан жихозлар

ўрнини алмаштириш, ёстиқ жилдларини ёки дастурхонни ўзгартиш, ўзига ёққан бирор кийимни харид қилиш каби.

Бу вазиятда психологга мурожаат қилиш, у билан бирга психотерапевтик муолажаларни ўтказилиши имконияти чекланган фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган оналарнинг кўтаринки кайфиятда, кучли, иродали бўлишларига асос бўлади.

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХОРЕОГРАФИЯСИ ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР

*Пардабоев Р., Нурматова С.*
*Ўзбекистон давлат хореография академияси талабалари*

**Аннотация:** Мақолада ўзбек миллий рақсининг ривожланиш тарихи, шунингдек, оммалашиш усуллари ҳақида сўз юритилган. Қолаверса, муаллиф ўзбек рақс санъатининг бугунги профессионал рақс шаклигача бўлган даврга етиб келишидаги катта хизмат қўшган инсонлар ҳақида тарихий манбалардаги илмий адабиётлар асосида фикр юритган.

**Калит сўзлар:** Ўзбек рақси, хореография, миллат, тафаккур, рақс маданияти, ижтимоий ҳаёт.

Инсон тафаккури ва тасаввури бойиши, ундаги маълум билимлар мажмуи шаклланиши ва ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти улкандир. Бу узоқ ўтмиш ва тарихий манбаларда ўз аксини топган. Кишилик жамиятининг ҳар бир даврида тадқиқ етилганда санъат ижтимоий-маъданий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида муҳим аҳамият касб етади. Инсоният хали санъат тушунчасини англай олмаган даврда, табиатда рўй бераётган табиий офатлар сабаб, Яратганга илтижо эта бошлаганлар. Улар учун ҳар бир ҳодисанинг, табиий офатнинг, ё бўлмаса ички ҳис туйғуларнинг ҳам ўз худоси бўлган. Кейинчалик улар ўз илтижоларини, мурожаатларини турли ҳаракатлар орқали ифода этганлар.Уларнинг ўша даврда ҳосилдорлик маросимларидаги рақслари, кийимлари ва ўзига хос жўрликдаги қўшиқлари ибтидоий одамларда санъатга бўлган, тушунчани уйғонишига туртки бўлди. Биз ҳозир барча санъат турлари эмас, балки, ўз жозибаси, характерлилиги ва энг асосийси майин, жўшқин ҳаракатлар орқали томошабинлар эътиборига сазовор бўлган ракс санъати ҳақида сўз юритамиз.

Рақс- инсон пайдо бўлган илк даврданоқ туғилган. Дастлаб рақс орқали инсонларнинг меҳнат жараёнлари, ҳайвонларнинг ҳаракатлари ижро этиб юрилган. Улар турли маросимларда олов атрофида бир гуруҳ бўлиб, рақсга тушишлари мана шу санъатининг келиб чиқишида асосий кўриниш сифатида қаралади. Рақс маҳаллий халқларда овчилар пантомималари ва ғолибнинг тантанасини ифодаловчи ўйинларда шакллана борди. Қадимги "Авесто" китобида афсона ҳамда битикларда табиат мўжизалари жонли тимсолларда тасвирланган ва улар пантомима рақс шаклида ижро этилгани ҳақида гувоҳлик беради. Одамларнинг меҳнат ва ов жараёнидаги қўл, оёқ ҳаракатлари гўёки, рақс тушаётгандек қоялардаги расмлардан, релефларда,

тош, ёғоч ҳайкалчаларда акс эттирилган. Қадимги Миср, Греция, Римдаги топилмалар сўзимиз исботидир. Ижтимоий ҳаётимиз тараққий этгани сари бошқа санъат соҳалари каби рақс санъати ҳам кундан кунга бойиб, мукаммалашиб борди. XX асрга келиб хореография тушунчаси кириб келди. Бу даврда секинлик билан юзага чиқиб келаётган балет, халқ рақслари, саҳна рақслари, маиший балл рақслари ҳаммасини "хореография" тушунчаси бирлаштирди. Рақс тарихига назар солар эканмиз, бу санъат муайян бир даврга келиб гуркирайди ва ўша даврнинг ўз ижрочиси, устаси бўлади. Вақтлар ўтган сайин унинг ижрочисидаги рақслар унутилиб, ўз ўрнини бошқага бўшатиб беради. Рақс санъатини унутилиб қолишига сабаб, унинг "ёзиб қолдирилмаганида" бўлган. Аммо бу шарафли масъулиятни Иранда Бахта, Любовь Авдеева, Розия Каримова ўз зиммаларига олади. Иранда Бахта ўтган асарнинг ўттизинчи йилларида кекса ўзбек рақс усталари ҳақида материаллари асосида "Катта ўйин" Фарғона рақс туркумини ёзиб олади.Бу рақслар Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов талқинида ёзилган.Шу аснода Уста Олим Комилов ва Тамарахоним биргаликда "Доира дарси" машғулотларини ёш ижрочиларга ўргата бошлайди.Ўзбек рақс маъданияти тарихида рақсшунос олима, раққоса, балетмейстер Розия Каримованинг ўрни катта.У кишининг ёзишича, ўзбек халқ саҳнавий рақсининг шаклланишида атоқли раққос Ҳамдамхоннинг ҳаракатлари улкан. У Фарғона водийси шаҳарларида, Тошкент ва Самарқандда, 1905 йилда эса Кавказорти мамлакатларида ўзбек халқ рақсини саҳналарда ижро этиб янги саҳифалар очади.

Ўзбек рақс санъати улкан тарих давонидан ўтиб келди ва ҳозирда дунё тан оладиган, Ўзбек миллий рақси қиёфасига айланди. Мамлакатимизнинг рақс санъатининг бундан кейинги тарих зарварақларига тушадиган тарихини Фарғона, Бухоро, Хоразм рақсларининг бутун услуб гўзаллигини сақлаган ҳолда, уларни янги мазмунлар билан бойитиб, ривожлантириб битишимиз керак. Зеро, рақс санъати тарихини ўрганиш ва унинг янги тарихини яратиш эса бизнинг олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Э.Й. Саитова, Н.Э. Абрайқулова. Хореография ва рақс санъати асослари. Тошкент, 2015

2. Л. Авдеева. Ўзбек миллий рақс тарихидан.Тошкент, 2001

## БОШҚАРУВ ВА ЛИДЕРЛИК МАХОРАТИ

*Нурметова М.Н.*
*Хоразм вилояти Кушкупир тумани*
*ХТБ га қарашли № 42-сонли мактаб амалиётчи психологи*

Бошқарувчилик ва рахбар шахсини муаммоси кишилик жамиятининг барча даврларида мухим масала бўлиб келган. Фаробий ўзиниг “Фозил

одамлар шахри” асарида инсонларнинг яхши хаёт кечириши бошқарувчи яъни, рахбар шахсига боғлиқ эканлигини унинг турли фазилатлари бу борада унга ёрдам беришини уқтиради. Унинг фикрича бу ўринда рахбар шахси учун гуманистик, инсонпарварлик хусусиятлари мухимдир: “Кимки бировни бахт ва саодатга эришиши учун зарур булган иш харакатларга рухлантира олиш қобилиятига эга бўлмаса ва бу иш харакатни бажара олишга қудратсиз бўлса бундай одам сира хам рахбар бўла олмайди. Улар йўл йўриқларни ўтмишда яшаб ўтган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, рахбар келажак ўтмишдаги расм – русм, йўл – йўриқларни ислох қилишни лозим топса, турмуш шароити тақозасига қараб ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни хам ўзгартирмоғи керак. Акс холда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда хеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш хам бўлмайди” шунингдек ушбу асарнинг “Шахар – давлат жамиятининг раис аъзоси хақида сўз” бобида муаллиф давлат бошқарув органини инсон органига қиёслаб жуда чиройли таъриф келтирган. У бошқарувчини инсон баданининг раис аъзоси юракка қиёслаган.

Рахбар ходимлардаги психика уч хил рухий ходиса сифатида рамоён бўлади:

1. Рахбарнинг рухий хусусиятлари бу унинг темпераменти, характери, қобилияти ва психик жараёнлариинг барқарор хусусиятлари, шунингдек майли, эътиқоди, билим кўникмалари, малакаси хамда одатларидан иборат.

2. Психик холатлар унча узоқ давом этмасада, лекин анча мураккаб жараёндир. Бунга тетиклик ёки маюслик, ишчанлик ёки хорғинлик, серзардалик, паришонхотирлик, яхши ёмон кайфият ва хакозолар киради.

3. Психик жараёнларга рухий фаолиятнинг мураккаб турига кирувчи оддий психик жараёнлар киради. Улар жуда қисқа вақт давом этади. Психик хусусиятлар, ҳолатлар жараёнлар ўзаро мустахкам боғланган бўлиб, бири иккинчисига таъсир этиши, унинг ўрнини тўлдириши мумкин.

Лидер асосан, гурухдаги шахслар аро муносабатларни бошқаради. У хеч қачон ёлғиз бўлмайди, гурух аъзоларини у ёки бу харакатга чорлайди. Чунки лидер гурух аъзоларининг психологиясини, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари, қобилиятларини хаммадан хам кўпроқ билади. Гурухда рахбарлик хақида фикр кетаркан гурух хақида психологик изохга тўхталиб ўтамиз.

Гуруҳ бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Гуруҳни алохида шахслар ташкил этади. Лекин хар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар пихологиясидан фарқ қилади ва узига хос қонуниятларга бўйсунади. Шу гуруҳни расмий муносабатларини бошқарувчиси рахбардир. Лидер хам рахбар хам бир қарашда бошқарувчилик мақомига эга. Бу борада “лидер” ва “бошлиқ” тушинчалари ўртасидаги фарқлар хақида Б.Д.Паригин шундай ёзади.

1.Лидер гуруҳдаги шахслар аро муносабатларни бошқарса рахбар шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради.

2. Лидерлик кичик гуруҳларга хос бўлган ходиса бўлса, рахбарликнинг хақ хуқуқларикатта гуруҳлар доирасида хам содир бўлши мумкин.

3. Агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, рахбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқарилган нормалар, тартиблар асосида сайлов оқибатида содир бўладиган ходисадир.

4. Лидерлик рахбарликка нисбатан вақтинчалик ходиса бўлиб гуруҳ аъзоларинг муносабатларига, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўралишларига қараб узоқроқ ёки қисқа муддатда рўй беради.

5. Рахбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсир ўтказиши мумкин. Бу психологик таъсир шундайки, бирон бир манфаатни кўзлаб қилинган ишда эришилган ютуқлар учун рахбар ходимларни кўтарингки рух билан рағбатлантириб мукофатлаб турса, ўша ерда ходимлар ўзлари билмаган холда бошлиққа нисбатан ижобий муносабатта бўлишади.

6. Лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни уз ихтиёрича бевосита чиқариши мумкин, рахбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки рахбар булар доирасидан чиқиб кетиши қийин. Кўп холларда рахбар лидер услубини қўлласа у жамият томонидан “ўзбошимчалик”, “қонунларга бўйсунмаслик ” деб қораланади.

7. Лидернинг фаолияти фақат кичик гурухларда амалга оширилади, рахбар шу гурухдаги, кенгроқ иштимоий доирадаги, жамиятдаги вакил бўлгани учун ваколатлари хам кенг, фаолият имкониятлари хам ортиқроқдир.

Лидер фақатгина натижа учун ишламасдан балки, ўша ташлилотда хизмат қилаётган давлат хизматчисининг ҳам, ташкилот хизматидан фойдаланаётган халқнинг хам ўзида мамнуният хиссини уйғотадиган шахсдир. (лидерлар китоби 149 бет)

Лидерлик ходисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назарияси хақида хам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунга қадар бошқарув психологияси фанида лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавуд.

Биринчиси - “лидерлик сифатлари назарияси” ёки харизматик назария. Унинг мохияти шуки, хамма хам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб бу сифатлар мажмуи унинг гурухда лидер бўлишини таъминлайди.

Иккинчи назария – лидерликнинг вазиятга боғлиқлик назариясидир. Бу ерда асосий ғоя – лидер вазиятнинг махсули деган ғоядир. Хар одамда лидерлик сифатлари бор, лекин баъзи вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларининг кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай мухит бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария – лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидер гурухий муносабатларнинг бевосита махсули деб хисоблайди, хамда унинг рўёбга чиқишида гурухнинг бирламчи ролини илгари суради.

Энди эса суперлидерлик феномени хақида тўхталсак. XXI асрда кўплаб қадриятларга муносабат ўзгаргани сир эмас. Шу каторда инсоний муносабатлар, одамлар фаолиятини демократик ўзгаришлар шароитида бошқариш масалаларига нисбатан хам қарашлар бирмунча ўзгарди. Иштимоий психология, бошқарув асослари, менежент сохасида чоп этилаётган янги давр адабиётларида рахбарлик санъати ва махоратига бизнес манфаатлар нуқтаи назари билан ёндашиш анъанага айланган.

Америкалик тадқиқотчи Линда Жуэлл ўзининг “Индустриально - организационная психология” (2001) китобида ижтимой психологик нуқтаи назардан ахамиятли бўлмиш суперлидерлик масаласига ўзига хос ёндашувни баён этган. Суперлидер – ким, ва қачон оддий лидер суперлидерга айланади? Америкалик тадқиқотчилар Манц ва Симсларнинг фикрича, энг яхши лидер- бу “суперлидер”дир. Бу шундай шахски, у ўз ходимларининг аксариятини лидерларга, биринчи навбатда ўзлари учун лидерга айлантира олади. Бундаги асосий ғоя шундан иборатки, агар одам энг авволо ўзи учун лидер бўла олса, ўзидаги бу малака ёхуд махоратни бошқаларга етказа олсагина бу одам учун шундай вақт соат етиб келадики, жамоа уни мустақил ишлайдиган, бевосита тепасида туриб бошқариб турадиган инсонга мухтож бўлмаган “ механизм”га айланади. Бу – суперлидерликдир.

Олимлар оддий рахбар ёки лидернинг суперлидерга айланишини қуйидаги бир неча босқичда кечишини таъкидлайдилар.

Биринчи босқич: дастлаб инсон, яъни, бу ўринда лидер рахбар ўзи учун лидер бўлиши, яъни шахсий мақсад ва маслаклар, ўзини – ўзи кузатиш, рағбатлантириш, хаёлий машқлар ва когнитив тахлиллар оркали ўзиниг мустақил инсон, шахс эканлигини, ўзида башқаларга ўрнак бўлувчи сифатлар борлигини англаши ва камчилигини бартараф этишга қодир бўла боради.

Иккинчи босқич: лидер юқорида қайд этилган ўзидаги фазилатларнинг афзалликларини ўзгаларга намойиш этиб, айнан шундай сифатлар сохиби бўлишнинг яхши томонларини ходимларга очиб беради.

Учинчи босқич: ходимларга ўзларида ташаббус ва ўзига ишончни намоён этиш учун шароит яратади, ташаббуслар кўрсатилишини тинимсиз рағбатлантиради.

Тўртинчи босқич: мустақил қобилият эгаси бўлган ходимларни рағбатлантириш, керак бўлганда, фақат коструктив танбеҳлар бериш йўлига ўтиб олади.

Бешинчи босқич: ўз – ўзини бошқаришга асосланган иштимоий фаолиятни ташкил этиш ва ишларга хадеб аралашаверишдан ўзини тийиш йўлининг авзалликларига ўзини ишонтиради.

Самарали бошқарув – аслида иштимоий таъсирни амалга оширишнинг энг намойишкарона кўринишидир. Демак, суперлидерлик ғоясининг асосида ётган мухим фазилат – бу рахбарнинг ўзгаларга ташаббусларини намойиш этишларига имконият яратишдир. Хақиқий лидер ёки мохир рахбар хар қандай шароитда мухим қарорлар қабул қила олиши, жамоани қўллаб қувватлаши ва уларга хайрихох бўла олади. Буни исботини айни дамларда

давом қилаётган пандемия шароитида хам ўз фукцияларини вазиятга мослаб иш олиб бораётган рахбарлар ва лидерлар фаолиятида кузатаябмиз.

## MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMINI BOSHQARUVIDA IJTIMOIY MUHIT FAOLIYATI

*Obidova N.*
*Andijon viloyati Izboskan tumani*
*42- Maktabgacha ta'lim mudirasi*

Insonlarning har qanday guruhi ijtimoiy iearxiyani shakllantiradilar. Ayrimlar uni boshqaradilar, ayrimlar ijtimoiy iearxiya o'rtasida turib ta'sir o'tkazadilar. Hozirgi kunda ko'pchilik xodimlar xizmat pog'onasidan ko'tarilishni xohlaydilar, mukofotlar olishga ishtiyoqmand bo'ladilar. Shu bois, o'z qobiliyatlari va erishgan yutuqlarini namoyish etishga qiziqadilar. Ular qo'lidagi muhim qurol Maktabgacha ta'lim tashkilotining ichki munosabatlar tizimidir. Ayrimlar uchun Maktabgacha ta'lim tashkiloti ichki munosabatlar tizimi o'z manfaatlari va hokimiyatiga erishishlari uchun o'zgalar orqali tashkilotda yo'l tutish imkonidir. Agar bunday xulq-atvor tashkilotdagi madaniy muhitga mos kelmasa, u ko'p janjallarga olib keladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotida rasmiy munosabatlar bilan birga norasmiy munosabatlar ham mavjud bo'ladi. Norasmiy tashkiliy tuzilma - rasmiy tashkiliy tuzilma qismi bo'lmagan, lekin MTTning maqsadlariga erishishga ta'sir qiluvchi munosabatlarning tashkiliy tafsilotidir. Ya'ni, Maktabgacha ta'lim tashkiloti xodimlari o'rtasidagi shaxslararo darajada vujudga keladigan aloqalar va munosabatlar yig'indisidir. Odatda, rasmiy va norasmiy tashkiliy tuzilma bir-biriga mos tushishi uchun harakat qilsada, har biri alohida nomoyon bo'ladi.

Muhim sabablardan biri: xodimlar norasmiy muhitda o'z boshliqlari, hamkasabalari, quyi pog'onadagi xodimlar bilan muloqotga kirishadilar.

Norasmiy tashkiliy tuzilma impulsi bo'lgan jamoada tug'ma liderlarning bo'lishi (o'z maqsadlariga erishuvchi shaxslar) tabiiy holdir. Ularning hokimiyatni (hukumronlikni) o'z hamkasabalari, do'stlari yoki rahbariyatga ta'sir etish vositasida oladilar va bundan Maktabgacha ta'lim tashkiloti rahbari samarali foydalanishi kerak.

**Norasmiy tashkiliy tuzilmaning ijobiy va salbiy jihatlari** (1 rasm)

| Ijobiy | Salbiy |
|---|---|
| 1. Ijtimoiy muhitda xodimlarning o'z o'rnini topishga yordam beradi<br>2. Nizolar, stresslarlar, tahlikali holat-larni yo'qotishga imkon beradi<br>3. Tashkilot ichidagi munosabatlarni engillashtiriladi<br>4. Rahbarlar qaror qabul qilishda ax-borot tarqatish vositasida foydalana-dilar | 1. Tashkilot tan olgan qadriyatlarni tan olmasa, u bilan nizolarga borishi mumkin<br>2. Nizolarning kelib chiqishiga, tashki-lotning harakatlariga qarshi turishga sabab bo'ladi<br>3. Tez-tez noto'g'ri axborotlarning tar-qalishiga sabab bo'ladi<br>4. Tashkilot rejalariga qarshi turuvchi |

| | |
|---|---|
| | yomon ishchilar, kech qoluvchilarga ta’sir etib ko‘ngilsiz maqsadlarga erishishi mumkin |

Insonlarning har qanday guruhi ijtimoiy iearxiyani shakllantiradilar. Ayrimlar uni boshqaradilar, ayrimlar ijtimoiy iearxiya o‘rtasida turib ta’sir o‘tkazadilar. Hozirgi kunda ko‘pchilik xodimlar xizmat pog‘onasidan ko‘tarilishni xohlaydilar, mukofotlar olishga ishtiyoqmand bo‘ladilar. Shu bois, o‘z qobiliyatlari va erishgan yutuqlarini namoyish etishga qiziqadilar. Ular qo‘lidagi muhim qurol MTT ichki munosabatlar tizimidir. Ayrimlar uchun MTT ichki munosabatlar tizimi o‘z manfaatlari va hokimiyatiga erishishlari uchun o‘zgalar orqali tashkilotda yo‘l tutish imkonidir. Agar bunday xulq-atvor tashkilotdagi madaniy muhitga mos kelmasa, u ko‘p janjallarga olib keladi.

**Maktabgacha ta’lim tashkiloti madaniyati** — tashkilotdagi psixologik iqlim va qadriyatlar tizimi bo‘lib, u ishchi muhitni shakllantiradi va unga xususiy jilo beradi.

Tashkilot madaniyati yoki korporativ madaniyat xodimlar faoliyatini belgilashga xizmat qiladi, uning talablariga mos kelish imkonini beradi, muammoni echishda, qabul qilingan qarorni anglash va nima uchun bunday qaror qabul qilinganligini ifodalaydi. Korporativ madaniyat MTTning ichki, o‘rnatilgan qadriyatlarida ham namoyon bo‘ladi.

**Maktabgacha ta’lim tashkiloti madaniyatini yuksaltirish vositalari.** Tashkilot madaniyati o‘ta murakkab munosabatlar majmuidan iborat, uni yuksaltirish masalasiga ham jiddiy e’tibor berish kerak bo‘ladi. MTT madaniyatini yuksaltirish vositalari quyidagilarga bog‘liq:

Faoliyatning aniq mo‘ljalini belgilash.
O‘z ishiga jonkuyarlikni oshirish.
Sodda va samarali tashkiliy tuzilmaning mavjudligi.
Erkin ishlash muhiti va qat’iyatlik (ma’suliyat).
Mehnat unumdorligi.
Hayotiy shart-sharoitni hisobiga olish.
Mustaqil faoliyat qila olish va uddaburonlik.
Individual fikrlarni hisobga olish va ularni hurmat qilish.

Ish faoliyatida komandada ishlayotgan ishchilar o‘rtasida turli kelishmovchiliklar va nizolar paydo bo‘lishi mumkin. Nizo - ishlab chiqarishda, jamiyatda yoki shaxsiy hayotda mavjud bo‘ladigan karama-qarshi maqsadlar, ishtiyoqlar, fikrlar va mulohazalarning to‘qnashuvi. Har bir kishining o‘z fikri va dunyoqarashi bo‘ladi. Shu tufayli jamiyatda va mehnat jamoasida ziddiyatlar bo‘lib turishi tabiiydir. Undan tashqari, har bir rivojlanish o‘ziga xos bir qarama-qarshilikdan boshlanadi.

*- nizolarni hal etish uchun rahbar kuyidagi qoidalarga rioya qilishi kerak:*

*-nizodan xulosa chiqarish uchun rahbar ikkita opponentnng gapini eshitishi kerak;*

*-rahbar e’tiborini opponentlarning o‘zini tutishlariga emas, balki nizoning asosida yotgan sababga qaratishi kerak;*

*-nizoni hal etishda rahbar o‘z buyrug‘ining kuchiga ishonmasligi kerak;*

Insonlar o'zi yashab turgan jamiyat va shu jamiyat qonunlari bilan chambarchas holda rivojlanadi. Iqtisodiy tizim, yuqorida aytib o'tganimizdek, butun institutsion tizimlarni harakatga keltirish lozim bo'lgan boylik va qudrat mezonidir. Ijtimoiy institutlarning xususiyatlari, eng avvalo, rahbarda o'z aksini topadi, chunki uning oldida MTTda ta'lim- tarbiyani rivojlantirish kabi murakkab masala turadi.

Milliy mafkuramiz va qadriyatlarimiz xalqimizning maqsad muddaolarini ifodalaydi. Farzandlar oila timsolida jamiyatning ijtimoiy-ma'naviy qiyofasini ko'radi, jamiyat talablari mohiyatini ilk bora shu kichik jamoada anglaydi. Ular ongiga dastlabki ma'naviy-axloqiy bilimlarni singdirishda oilaning, ayniqsa, ta'lim-tarbiya muassasalarining o'rni muhim ahamiyat kasb etadi. Ta'lim-tarbiya muassasalari, oila va mahalla qo'mitalari ijtimoiy institutlarning asosiy vazifasi milliy istiqlol g'oyasini barcha yoshlarimiz ma'naviy boyligiga aylanishiga, ularning dunyoqarashiga singdirishda ko'maklashish, mazmun-mohiyatini har tomonlama tushuntirishdan iborat.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Mahalla fuqorolar o'zini-o'zi boshqarishning huquqiy asoslari (Mahallalar faoliyatini tartibga soluvchi qonun hujjatlari to'plami) Toshkent-2003.

2. J. Xasanboyeva, X. To'raqulov, I. Alqarov, N. Usmonov. Pedagogika. «Noshir» Toshkent-2011.

3. J.G'.Yuldashev. "Ta'lim menejmenti" T., 2003.

4. Peregudov L.V.Saidov. "Oliy ta'lim menejmenti va iqtisodiyoti". T., 2005.

5. Sharifxo'jayev M.,Abdullayev YO. "Menejment".Darslik. T., "O'qituvchi". 2001.

## КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КРЕАТИВЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

*Одилжонова А.*
*АДУ Умумий психология кафедраси докторанти*

**АННОТАЦИЯ**. Мақолада кичик мактаб ёшидаги бола шахси шаклланишида ва креатив тафаккурни ривожланишида оилавий мухитнинг аҳамияти ёритиб берилган. Ижодий фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муҳим омили бу- оила.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**. Креативлик, кобилият, ижодкорлик, шахсият, тасаввур, мослашувчанлик, фаоллик.

**АННОТАЦИЯ**. В статье освешается роль семейной среды в формировании ребенка младшего школьного возраста и развитии творческого мышления. Важным фактором в воспитании и творческих мыслителей является семья.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА.** Креативность, способность, личность, воображение, гибкость, активность.

**ANNOTATION.** The article highlights the importanse of the family environment in the formation of a young school-age child and the development of creative thinking. An important factor in nurturing creative thinkers is the family.

**KEY WORDS.** Creativity, ability, personality, imagination, flexibility, activity.

Бугунги кунда юртимизда оилага жамиятнинг асосий негизи сифатида қаралмоқда. Соғлом ва мустахкам оила муҳитини яратиш, соғлом авлодни шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борсидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор қарор ва дастурлар қабул қилиниб хаётга тадбиқ қилинмоқда.

Хақиқатдан хам азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли ва бахтли бўлишини истаган. Шундай фарзандни вояга етказиш, уни хаётда муносиб ўринни эгаллашига эришиш ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзусидир. Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жихатдан хам соғлом болани тушунамиз. Шу ўринда соғлом бола тарбиялашда асосий эътиборни оиладаги соғлом муҳитни яратиш масаласига қаратишни муҳим иш деб ўйлайман. Дархақиқат оиладаги муҳит бола шахсининг шакилланиб, ривожланиб хар томонлама камолга етишига бевосита таъсир этувчи омилдир. Шуни эътиборга олган холда оилада соғлом муҳитни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом муҳитни яратишда аввало оила аъзоларнинг бир-бирларини тушуниши, қўллаб қувватлаши, самимий муносабат ва хар бир оила аъзосининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда муомалада бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумоти, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, рағбатлантириш, жазолаш, самимий суҳбатлар, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар.

Болалар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир. Болалар оила аъзолари бўлмиш ота-оналари, ака ва опаларидан ўзаро муомала муносабатда бўлиш мезонларини, нима яхши-ю нима ёмонлигини, нима фойдали-ю нима зарарли эканлигини билиб оладилар ва аниқ тасаввурларга эга бўладилар. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади, болаларнинг қизиқишларини ўстира олишади. Ёшларни жисмонан бақувват, ахлоқан пок, меҳнатсевар ва маданиятли бўлиб ўсишига ёрдам беришади.

Оила тарбия ўчоғи хисобланиади. Оилада отанинг онага, онанинг меҳнатига, оиланинг бошқа аъзоларига, қўни-қўшнилар, қариндош- уруғлар ва жамиятдаги бошқа кишиларга бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ва ёмонлик маъқул ва номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни вужудга келтиради. Оила муҳити – бу ота-оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг хар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир. Мақсадга мувофиқ мухит ота-оналар болалари билан бир бирларини тушунадиган, хурмат қиладиган, уларни хар томонлама улғайиб камол топишини тўғри назорат қиладиган тарбиявий таъсирнинг усулларидан тўғри ва унумли фойдалана олишда вужудга келади. Оиладаги тинчлик ва тотувлик, оила аъзоларининг бир-бирларига кўрсатилаётган ўзаро хурмати, меҳр-у муҳаббати, бир-бирини ўзаро тушуниш каби холатлар ота-оналар билан болалар ўртасида соғлом руҳий муҳитни қарор топтиради ва бу соғлом мухит оилада ўсаётган хар бир боланинг камолотига ижобий таъсир кўрсатади ва баркамол шахс, комил инсонни тарбиялашга замин яратади. Оилавий тарбия ота-оналарнинг ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатда бўлишларига ва болаларнинг ота-оналарини чуқур севишларига асосланганлиги учун хам кўпроқ аҳамият касб этади ва бошқа тарбиялардан фарқ қилади.

Оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга хурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Бола саломатлиги энг аввало мавжуд муҳитга яъни оила аъзоларининг бир- бирларига меҳрли, мурувватли бўлишлари, ғамхўрлик ва самимиятда бўлишларига боғлиқ. Саломатлик психологик категория хисобланиб унинг шарти бу соғлом оила муҳитидир. Оилада соғлом муҳитни қарор топтириш кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. Она оилада маънавий-ахлоқий муҳитни сақловчи, барқарор этувчи ва фарзандлар тарбиясининг қўрғони ҳисобланади.

Шарқда оила асосан ана шу мезон асосида таркиб топган. Соғлом оила яратиш ва уни соғлом шакллантиришнинг асосий шартларидан бири бу эр-хотиннинг биологик ва маънавий етук ёшда турмуш қуришларидир. Табиийки, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кунларни, қандай руҳий холатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали хомилага таъсир курсатади. Психологларнинг фикрича хар қандай ёшда она бўлишнинг ижобий ва салбий жихатлари мавжуд. Соғлом болани тарбиялаш она қорнидаёқ амалга оширилиши лозим. Ўтмиш ва бугуннинг хаётий тажрибасини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки бола тарбияси ота-онанинг илиқ муомаласи, улар орасидаги муҳаббат ришталаридан бошланиб ҳомила аён бўлганидан амалий жараёнга киради.

Психологияда ижодий фикрлаш муайян муаммолар ва муаммоларни хал килишга каратилган фаолият нуктаи назаридан кўриб чикилади. Ўкиш жараёнида аклий фаолият амалий, объектив фаолият асосида шаклланади. Бунда ижодий тафаккур манбалари, уни шакллантириш ва кўллаш хусусиятларига алохида эътибор каратилади.

Хозирги вактда ижодий жараённинг табиатини ўрганишда олимлар томонидан ишлаб чикилган табиий, феноменологик, эволюцион, шахсий-мотиватсион ва когнитив каби ёндошувлар кўлланилади.

Креативлик - бу инсоннинг ғояларни ишлаб чикариш, янги ва одатий бўлмаган нарсаларни яратиш кобилиятидир. Креативлик -бу ихтирочилик, яъни одамнинг муайян танкидий вазиятларда кобилияти ва умидсиз бўлиб кўринадиган оддий бўшликни ёрдамида хатто вазиятни тўғирлаш ва керакли натижага эришишга имкон берадиган, муаммоларни хал килишда жасорат, яъни муваффакиятсиз бўлиш хавфини чеклайдиган ёки бошкаларнинг салбий бахосини оладиган, мухрланмаган ёндошув билан муаммони хал килиш хусусиятидир.

Креатив кобилиятларни ўрганишда алохида ўрин инсоннинг шахсий ва мотиватсион хусусиятлари билан боғликлик ва акл-идрокка боғликдир. Ижодий жараённинг психик конуниятларининг хусусиятлари психологияда кенг кўлланиладиган психофизиологик, психогенетик, психометрик, экологик ва мултифакторий ёндашувлар оркали батафсил очиб берилади.

[1]Америкалик психолог А. Маслоунинг таъкидлашича:"Креативлик - бу хар кимга хос бўлган ижодий йўналишлардир, аммо мавжуд тарбия, таълим ва ижтимоий амалиёт таъсири остида кўпчилик томонидан йўколади."

Ижодкорлик феномени сифатида креативлик тушунчаси фанга биринчи бўлиб объектив тадкикотлар олиб борган америкалик психолог Ж.Гилдфорд томонидан киритилган. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида у креативлик учун психологик тестларда бахоланиши мумкин бўлган бир нечта мезонларни шакллантирган.

**Асосий мезонлар:**

1. Фикр равонлиги - муайян вакт бирлигида вужудга келадиган ғоялар сони, ғояларни юзага келтирадиган кулайлик.

2. Фикрнинг мослашувчанлиги - бир фикрдан бошкасига ўтиш кобилияти.

3. Ўзига хослик - умумий кабул килинган стереотиплардан фарк киладиган ғояларни ишлаб чикиш кобилияти, стимулларга ностандарт тарзда жавоб бериш кобилияти (асл фикрлашни ўзига хослик билан чалкаштирмаслик);

4. Кизикувчанлик - муаммоларга, атрофдаги вазиятларга сезгирлик, рецептивлик - ғайриоддий тафсилотларга, карама-каршиликларга ва ноаникликларга сезгирлик, бир фикрдан бошкасига тез ўтишга тайёрлик;

5. Гипотезани ишлаб чикиш кобилияти - жасур фикр, кейинчалик уни синчковлик билан текшириш керак.

[1] Maslow, A. (1968), Toward a Psychology of Being, New York, Van Nostrand.

6. Коникиш - ижодкорлик натижаси - реакцияларнинг стимуллардан мантикий мустакиллиги, муаммоларни хал килиш, тахлил килиш ва синтез килиш кобилияти.

[1]Американлик психолог Пол Торренс ижодкорликка куйидаги таърифни берди:

"Ижодкорлик чукуррок казиш, яхширок караш, хатоларни тузатиш, мушук билан сухбатлашиш, чукур шўнғиш, девор оркали юриш, куёшни ёритиш, кумда калъа куриш, саломлашиш дегани. келажак ". У ижодкорлик учун биринчи синовларни таклиф килди ва ижоднинг барча асосий таркибий кисмларини ишлаб чикди.

Бундан ташкари, П. Торрансе ижодий фикрлаш - бу шахснинг камчиликлар, нуксонлар, етишмаётган элементлар, билимлардаги бўшлиқлар ва номувофиқликларни идрок этиш кобилиятини кучайтиради деб таъкидлайди. Психологик тадкикотлар шуни кўрсатадики, ўта ижодий йўналтирилган болалар қуйидаги хусусиятларга эга:

- анжуманлар ва ваколатларга эътибор бермаслик;
- хукмда мустакиллик;
- нозик хазил туйғуси;
- тартибга эътибор бермаслик;
- ёркин темперамент.

Бола тафаккури ривожланишининг асоси оилада шаклланган дунёқарашидир. Бу аклий операцияларни бевосита визуал кўллаб-кувватлаш ёки тўғридан-тўғри амалий фаолият билан боғланган билимлар ташкил этади. Бола "аклий текисликда" операцияларни бажариш кобилиятига эга. Болага тегишли тушунчалар доираси тобора кенгайиб, янги йўналишларни камраб олади. Тушунчалар мазмуни бойитилган: бола оилада объектнинг кўпгина хусусиятлари ва белгиларини ўрганади, индивидуал хусусиятлар ва белгилар эмас, мухим белгиларни ажратиш ва иккиламчи белгилардан ажратишни ўрганади.

Кичик мактаб болаларини ўрганишдаги муваффакият кўп жихатдан унинг онгида кандай харакат килишига, ўз харакатларини режалаштиришга, ўз дастурини тузишга боғлик. Болада бошкаларнинг хатти-харакати ва харакатларининг хусусиятларини ўзлаштириш кобилияти катта. Оилада боланинг тақлидчанлик хусусияти асосида ижодий фикрларни юзага келишига замин яратилади. Демак, жамиятда ўз даврига муносиб, ижодий фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муҳим омили бу расмий никоҳда бўлган эр-хотинлар оиласининг соғлом психологик, ижодкорлик муҳитида яшашларидир.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004 й
2. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўкув юртлари

[1] Torrance, E. P. (1981), Thinking creatively in action and movement, Bensenville (II.), Scholastic testing service.

талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 й
3. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”,2001 y.
4. Maslow, A. (1968), Toward a Psychology of Being, New York, Van Nostrand.
5. Torrance, E. P. (1981), Thinking creatively in action and movement, Bensenville (II.), Scholastic testing service.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

*Оқилова К.С.*
*Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** компетенция, педагог, фаолият, инновация, таълим, тарбия, касб, кўникма, малака, интерфаол, узлуксиз таълим.

**Ключевые слова:** Компетенция, педагог, деятельность, инновация, образование, воспитание, профессия, умение, навыки, интерактив, неперерывное образование.

**Аннотация:** Мазкур мақолада мактаблардаги фан ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини такомиллаштиришда психологиянинг ўрни, афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари ўқитувчиларнинг касбий кометенцияларининг шакллари тўғрисида ҳам айтиб ўтилган.

**Annotation:** In thiy artikel is stopped abot preferences, place of psychologycol activities in developing of professional competences of school teachers. Not only that is said about forms of professional competences of teachers too.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются преимущества психологических тренингов и повышении профессиональной компетентност учителей в школах. Кроме того, описаны формы профессиональной компетентности.

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмокда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламокда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини

бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари қадим замонлардан буён кишини теварак-атрофидаги инсонларнинг психологик хусусиятларини фарқлай билиш ва уларни ўз хатти-ҳаракатларида ҳисобга олишга мажбур этиб келган. Инсоннинг барча ҳаёти ва фаолияти жараёнида унинг психикасини ўрганиш ва бошқариш психологиянинг амалий вазифаси ҳисобланади.

Таълим муассасасида турли йўналишларда, турли хил касб эгалари фаолият кўрсатишини, шунингдек, турли ёшдаги ва психологик ривожланиши турлича бўлган болалар ҳамда мактабгача ёшдаги болалар гуруҳлари ҳамда турли хил индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган шахсларнинг фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда таълим муассасаларининг барча раҳбарлари психология фанларининг бошқарув жараёнидаги аҳамиятини ҳис этишлари, психологиянинг асосий тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиши ва улардан ўз бошқарув фаолиятларида самарали фойдаланишлари билан бир қаторда, таълим муассасаси психологлари хизматидан оқилона фойдалана олишлари ҳамда уларга ҳам назарий ва ҳам амалий ёрдам кўрсатиб боришлари зарур.

Таълим муассасаси психологи таълим муассасасида педагогик жараёнларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, уларнинг ўз фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш, касбий қизиқишларини ривожлантириш, шунингдек, педагог-ходимларнинг меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, уларга зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиш йўналишида халақит бераётган сунъий тўсиқ ва муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўналишларида таклифлар тайёрлаш билан бир қаторда, мазкур муаммоларни ҳал этиш йўналишида ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишга кўмаклашади. Таълим муассасаси психологи ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда ёш ўқитувчиларнинг таълим муассасаси шароитига психологик мослашувини тезлаштириш, касбий қизиқишлари ва мойиллигини аниқлаш, индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш мақсадларида танишув тестлари, савол-жавоблар, ишбилармон ўйинлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, учрашувлар каби қатор тадбирларни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Психолог ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш ва такомиллаштиришда таълим муассасаси маъмурияти билан ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишда ўзига хос ўрин эгаллаб, ўқитувчиларнинг қобилияти, иш фаолиятига ва касбига бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий ҳислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва болага таъсир этишнинг энг мақбул йўналишларини белгилаш каби вазифаларни амалга оширади.

У болалар ва ўсмирлар психологияси, умумий психология, ижтимоий психология ва педагогика фанлари бўйича мавжуд илмий-назарий билимларни бевосита амалиётга татбиқ этади ҳамда ўқитувчиларнинг психик тараққиёти ва касбий компетентлилигини ривожланишини белгиловчи шарт-шароитларни яратади.

Таълим муассасаси психологи ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда ўқитувчиларга ва жамоа аъзоларига психологик таъсир кўрсатувчи шахслар ўртасида ўзига хос ўринни эгаллайди, шунинг учун у таълим муассасасидаги мавжуд муносабатларни, ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг моҳиятини чуқур ўрганади, таҳлил қилади ҳамда керакли хулосалар чиқаради, жумладан, ўқитувчи руҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи таълим муассасаси жамоасининг фаолиятини, яъни ўқитувчилар билан таълим муассасаси ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганади, йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилади ва олинган натижалар асосида таълим муассасасида психопрофилактик ҳамда психоконсультатив ишларни амалга оширади.

Ҳар бир ёш ўқитувчиларнинг психологик хусусиятларини, таълим муассасасининг шароитларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишлари бўйича тадбирларни режалаштиришда қатнашади, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади. Психологик муаммолар юзасидан педагоглар, тарбиячилар ва ота-оналарга маслаҳатлар бериб боради.

Бугунги кунда таълим муассасаси психологи функционал вазифаларининг асосий йўналишларидан яна бири назорат-ташхис фаолияти бўлиб, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатади, барча учун зарур ва қулай бўлган руҳий муҳитни вужудга келтириш, тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш учун зарурий шарт-шароитларни яратади.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасалари раҳбарлари томонидан ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш йўналишидаги ўз функционал вазифаларини самарали амалга оширишлари учун уларда масъулият ҳиссини шакллантириш, инновацион жараёнларни ташкил этишга ва уларнинг натижаларига қизиқиш уйғотиш, ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг манфаатдор бўлиш ва қониқиш ҳосил қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш, инновацион жараёнларни ташкил этиш орқали таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда, турли хил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи қарорлар қабул қилишда барча ходимлар иштирокини таъминлаш, мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятни ҳал қилишда таълим муассасаси психологи муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-

мувофиқлаштириш функцияларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, психологларнинг ўз функционал вазифаларини бажаришида мазкур функцияларнинг амалга оширилиши кузатилади.

Ахборот-таҳлил функциясининг асосий вазифаси педагогик жараёнлар тўғрисида узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат бўлиб, мазкур ахборотлар психологлар учун ҳам зарур ҳисобланади. Чунки улар таълим муассасасидаги мавжуд шарт-шароитлар, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологик муҳит ҳамда ўқувчилар, педагог ходимларнинг қизиқиши, мойиллиги, индивидуал психологик хусусиятлари, қобилиятлари ва имкониятлари, шунингдек, оилавий шарт-шароити ва фаолиятлари тўғрисида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш асосида ўз фаолиятларини ташкил этиш ва такомиллаштиришни режалаштиради ва амалга ошириш йўл-йўриқларини белгилайди. Мазкур жараёнда ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Мақсадга самарали эришишнинг асосий шартларидан бири мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш, яъни вертикал ва горизонтал бўйича келишилган турли хил топшириқлар йўналишида тақсимланишида мақсадларнинг бирлиги сақланиши ҳамда субъектлар қизиқишини шакллантириш бўлиб, бунда психологлар томонидан ўз функционал вазифалари йўналишида мақсадлар олдиндан белгиланади ва аниқ шакллантирилади, мазкур мақсадлар бажарувчилар томонидан қулай қабул қилиниши учун мақсадни белгилаш жараёнига уларни жалб этилиб, эришиш зарур бўлган натижалар олдиндан тушунтирилади, мақсадлар таҳлил қилиниб ва бажарилиш муддати белгиланади, мазкур жараёнда психологлар мақсадли-мотивлаштириш функциясини амалга оширадилар. Мақсадли-мотивлаштириш функцияси белгиланган мақсадга эришиш йўналишида бошқарув субъектларида қизиқишлар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутади. Таълим муассасаси олдига қўйилган мақсад умумий ҳисобланиб, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини лойиҳалаштириш жараёнида психологларнинг функционал вазифалари йўналиши, жамоадаги шароит ва вазиятлар инобатга олинган ҳолда топшириқлар бўйича тақсимланади.

Юқорида келтирилган функцияларнинг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасаси психологлари:

- таълим муассасаси педагог ходимлари, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатиш;
- барча учун зарур ва қулай бўлган психологик муҳитни вужудга келтириш, тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига мос равишда, илмий асосда ташкил этилишини ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожланишини назорат қилиш;

- таълим муассасасидаги мавжуд муносабатларни, ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга ва ўқувчиларнинг психик тараққиётига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатувчи жамоа аъзолари фаолиятини, яъни ўқитувчилар билан раҳбарлар, ўқитувчилар билан ўқувчилар, ота-оналар билан таълим муассасаси ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- таълим муассасасида мавжуд зиддиятларни ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ўқитувчиларнинг ўз касбий компетентлилигини ривожлантиришга бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий ҳислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлларини белгилаш;

- ўқитувчиларнинг психологик хусусиятлари тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш;

- ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш ҳамда уларнинг ўз устида ишлаш, узлуксиз малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш йўналишида тадбирлар ташкил этиш;

- инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижавийлигига иштирокчиларнинг қизиқишларини шакллантириш каби ишларни амалга оширадилар.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1.Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

2.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.й

3.Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.

4.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

5.Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzluksiz ta‟lim ж. – Т.: 2006

## ЭКСТРЕМАЛ ВАЗИЯТЛАРДА ЎСМИРЛАРДАГИ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Олимов Л.Я.*
*Бухоро давлат университети доценти*

Психологик ҳимоя қилиш муаммоси ҳамиша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, инсоннинг ҳар жиҳатдан ижтимоий тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ўзи ривожлантира бориши кўп жиҳатдан ушбу жараёнга боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, шахслар ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқлари, камчиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларни осонлик билан бартараф этишга, ўз имкониятларидан янада кенгроқ фойдалана олишга, бир сўз билан айтганда, ўзлари ҳақида янада теран, ижобий ва ўзига хос ижтимоий қийматга эга бўлган тасаввурларнинг шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Зеро, бу жараёнда энг аввало таълим-тарбия тизими, унинг мазмун-моҳияти, таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи экстремал вазиятларда шахс психологик ҳимояси тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс тезкор вазият муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос натижа кўрсатиш жуда мушкулдир.

Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя методологиясини талқин этишда инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маъсулларидан ижтимоий маъсулият жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херстберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизмлари тадқиқ қилишди. Мазкур изланиш маъсулига кўра, меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўзини ўзи билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маъсули ҳам инсоннинг ўз фаолиятидан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя жараёни эса худди ана шу эрда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиш жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Таниқли психолог Иван Огнев томонидан қуйидаги тизим асосида шахснинг психологик ҳимоя механизмлари тавсия қилинади.

| Ҳимоя механизмлари | Мазмуни |
|---|---|
| Тажовузкорлик | Индивиднинг унга паст баҳо берган, ўзи ҳақидаги тасаввурига иккиланишга сабабчи шахсга бўлган реакция |
| Ўйлаш | Ноҳуш ҳиссиёт, ҳис-туйғуларнинг бир объектдан талабга |

| | |
|---|---|
| | мувофиқ бўлмаган бошқа объектга кўчирилиши |
| Тасаввур | Ўзининг ҳиссиёти, истак-хоҳишлари ва хусусиятларини ўзи билмаган ҳолда бошқа кишида кўриши |
| Идеаллаштириш | Ўзини “идеаллаштириш” ўз хатоларини, камчиликларини тан олмаслик |
| Унутиш | Шахснинг ёқтирмаган, ноҳушликларини унутиши: одамларнинг тимсоли, исми, мулоқот вақтида нохуш ёқимсиз хотираларнинг эсга тушурилиши каби ҳолатлар ва ҳоказо |
| Инкор этиш | Индивиднинг воқеа ва ҳодисаларни инкор этиши ва у ҳақдаги билимларини “мен бу ҳақда ҳеч нимани билмасдим”, “бу меники эмас”, “менга шундай айтдилар”, “мен бундай айтмаган эдим” кабилар билан чегараланиши. |
| Дискредитация | Хабар манбаларининг паст баҳолаш “мен-тимсол”, “ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма”, “ким ҳакам?” каби гаплар билан шахсни камситиш ва унга паст баҳо бериш |
| Идентификация | Ўзини бошқа одам билан ва намунали хулқ-атворга эга гуруҳ билан солиштириш ўз хулқ-атвори ва муносабатини атрофдагилар билан таққослаб, ҳаёт тарзини енгиллаштириш |
| Конверция (ўзгармоқ) | “Мен”лиги юқорилигини сақлаб қолиб ўзига ноҳуш ҳолатларни, вазиятларни ҳазилга ёяди ва муомалада бўлади ҳамда берилган танбеҳларни ҳазил деб қилин қилади. |

Ушбу психологик ҳимоя механизмларининг берилиши орқали муаллиф шахс хулқ-атвори формаларида ташқи (атроф) муҳитдан ва тажовузкорликдан ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари айрим низоларнинг субъектив сабабларига бевосита таъсир этиши мумкин. Шахснинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга йўл қўймаслик ва шахсий ёки гуруҳий қизиқишларини поймол қилиш каби сабаблар низоли вазиятларни вужудга келтиради. Кўпинча жамоада инкор қилинган хулқ-атвор формалари, ижтимоий шаклланиб бориши билан индивид реакцияси аниқланади. Бундан ташқари, индивиднинг низоларга иштироки, унинг олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун юзага келган тўсиқ қай даражада халақит бериши билан аниқланади. Субъект олдига қўйган мақсади қанчалик муҳим бўлса ва унга эришишни жуда хоҳласа, у шунчалик даражада қатъийлик билан ўзаро низоли вазиятларга ва унга халақит берувчи шахсга қаршилик кўрсатади.

Экстремал ҳолат бу экстремал факторлар ва экстремал механизмлар таъсири остида инсон онгнинг ўзгариши ва уларнинг босим остидаги таъсири тушунилади. У физиологик таъсирланиш мослашишининг (бундай вазият

жисмоний ёки кимёвий характернинг экстремал омилларининг таъсирида биринчи навбатда пайдо бўлади) ёки психологик ва аҳлоқий таъсирланишни бузилиши билан тавсифланади (бу ахборотли-семантик характернинг экстремал омилларининг таъсирида кўпрок характерлидир). Кўпроқ физиологик тизимнинг дастлабки аҳлоққа оид таъсирланиш динамикасига сабаб бўлиб хизмат қилган, ёки аксинча, психологик тавсифларнинг ўзгариши физиологик силжишнинг пайдо бўлишига олиб келганда таъсирланишнинг аралаштирилган типи бўлиб ҳисобланади.

Экстремал вазиятларда “психологик ҳимоя механизмлари” ва “енга олиш хулқ-атвори” муаммолари тўғрисидаги баҳслар анча олдин юзага келган бўлсада, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Бу шуни англатадики, ҳимоя механизмлари ва енга олиш чегараларини белгилашда амалий ва назарий мураккабликлар юзага келади. Кўпинча мазкур жараёнлар мақсадли тарзда намоён бўлади. Шунингдек, психологик ҳимоя ва енга олиш фел-атвори экстремал вазиятларда юзага келиб “ички низони ечиш” функциясини амалга оширади ҳамда, онглилик ва онгсизлик ўртасидаги зиддиятда воситачи сифатида иштирок этади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя ўзида: инкор этиш, ўрин алмашиш, рационаллик, тушкунлик, идентификация, катарсис ва бошқа кўплаб формаларни акс эттиради. Ҳимоя механизмлари хавотирни тугатиш ва қўрқувдан ҳалос бўлишдаги кучли мезонлари орқали ўз ишини самарали олиб боради.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик этиёжлари алоқаси орқали туташади. Маълумки, юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига хос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогинезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас балки шахс сифатида иштирок этади.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик этиёжлари алоқаси орқали туташади (индивидликни сақлаган ҳолда ўзини мавжудлигини давом эттириш). Юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб, шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига хос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогенезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас, балки шахс сифатида иштирок этади.

Демак, таълим муассасаларининг раҳбарлари, мактаб ўқитувчилари, психологлари, синф раҳбарлари ва ота-оналар бу ҳолатни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишлари талаб қилинади. Акс ҳолда экстремал вазиятларда шахснинг психологик ҳимоя имкониятлари пасайиб кетиши мумкинлигини қайд қилиш лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Додонов Б.И. Эмоции как ценность. Москва. Наука, 1978. – 360 с.
2. Фрейд З. Психология бессознательного: Сборник. Произведние /Сост.и науч.ред. М. Т. Ярошевского.-М.: Просвешение, 1990.-448 с.
3. www.zhivun.com Freud S. The Problem of Anxiety. New York: Norton, 1936, p. 43.
4. www.zhivun.com Freud A. The Ego and the Mechanisms of Defence. London: Hogarth Press, 1946, p. 9.
5. www.zhivun.com Hall C. S. and Lindzey G. Theory of Personality. New York: John Wiley, 1957. p. 11.

## ТАЛАБА ШАХСИНИ ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАЪСИРИ

*Олимова М.*
*Тошкент давлат педагогика университети талабаси*

Замонавий дунёда билимларни жадал суръатлар билан ортиб бориши ва уларни шахс томонидан ўзлаштириши учун имкониятларнинг чекланганлиги ўртасидаги зиддиятлар келажакда бўлажак мутахассисларни ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятини максимал даражага олиб чиқиш асосида таълимни янгилаш заруриятини илгари сурмоқда. Педагогика фанида шахсни шахс сифатида шакллантиришнинг назарий асослари Я.Коменский, А.Дистервег, Л.Н.Тольстой, К.Д.Ушинскийлар ҳар бир болага хос бўлган ички имкониятларнинг асосий манбаси ва педагогик фаолиятнинг муҳим мақсади болани ўз қобилиятларини очилишига ёрдам беришидир. XIX асрнинг охирларида П.Ф.Каптерев томонидан боланинг ўзини ўзи ривожлантиришга асосланган ўқув жараёнини шакллари аниқлаб берилган. Талабада шахсий танлов асосида мустақиллик, масъулиятлилик ва ички фаолликни ривожлантириш ғояси бўлажак жамиятни яратувчилари бўлган С.Т.Шацкий, А.С.Макаренколарнинг фаолиятида ўз аксини топган. Мохир педагог В.А.Сухомлинский ўз ўзига таълим бериш ва ўзини ўзи тарбиялаш орқали ўзини ўзи ривожлантиришда талаба фаолиятининг педагогик йўналишини ўрганган. Шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш бўйича замонавий тадқиқотчилар (В.И.Андреев, Л.Н.Куликова, В.Г.Маралов, Б.М.Мастеров, Г.А.Цукерман, И.А.Шаршов ва бошқалар) шахсни ўзини ўзи ривожлантириш ғоясини таълимни янгилашнинг методологик асосларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Талабалик бу инсоннинг барча ички соҳаларига таъсир кўрсатадиган ўзини ўзи ривожланиши учун қулай даврдир. Мазкур даврнинг муҳим янгиликлари дунёқарашнинг кенгайиши, таълим мақсадида ўзини яхлит тасаввур қилиш (ёки “Мен” концепцияси), касбий ўзини ўзи англашни ривожланиши, ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган қобилиятлар

ҳисобланади. Университет талабаларининг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнининг хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида биз аввало, унинг келажакдаги касбий фаолиятида ўзини ўзи намоён қилиш истаги сифатида касбий йўналишини назарда тутамиз. Ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти аниқ ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш учун янги билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллашни таъминлашга қаратилган шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари билан белгиланади. Шунингдек, Л.С.Выготскийнинг таъкидлашича, қобилиятларни ривожланиши бу субъектдаги барча ўз қобилиятларини эгаллашлари билан тавсифланади [3]. Ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятини шакллантириш қуйидагича бўлиши мумкин: ўзини ўзи ривожлантиришга қаратилган барқарор мотивация, ўзини ўзи бошқариш доирасида “вазиятни бошқариш, муаммони кўра олиш ва қарама - қаршиликларни олдиндан ҳис қилиш, башорат қилиш, мақсадни белгилаш, режалаштириш, сифатни баҳолаш мезонларини шакллантириш, ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилиш, ўзини ўзи назорат қилиш, коррекция қилиш” [4 ].

Ўзини ўзи ривожлантириш бу автоном фаолият бўлмасдан у бошқалардан ажратилмаган ҳолда ўқиш, иш, мулоқотга бўлган ижобий муносабатлар негизига асосланмаган, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан уйғунлашган ҳамда унинг мазмунини, турли хил воситалар ёрдамида фаоллаштиради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўспиринлик даврида илмий-техник тараққиётнинг барча турлари, оммавий ахборот воситаларининг кучли таъсири уларда қадриятлардаги зиддиятлилик, меъёрларни бузилишига, орзу умидларни сўнишига ўз таъсирини кўрсатади. Ижтимоий психологларнинг фикрларига кўра, ўспиринлик ички ҳиссий беқарорлик ҳолати билан тавсифланади. Талаба у ёки бу факультетга ўқишга қабул қилингандан кейин амалга ошириладиган касбий танлов бир томондан унинг қизиқишлари ва жамиятдаги ижтимоий тизимларга мослашиш истаги, иккинчи томондан ўзини ўзи идентификация қиладиган фаолият, мулоқот, хулқ атвор намунасини танлашдан иборат. Ўзи ҳохлаган касбни танлаш ва келажакда уни ривожлантириш имкониятлари, шунингдек касбий таълим жараёнида сифатли ўқитиш ўспиринлик даврида асосий муаммолардан ҳисобланади. Бу талабалар камдан кам ҳолатлардан ташқари психофизик ва ижтимоий, кўпинча моддий қийинчиликлар иккинчи, учинчи ва бошқа касбларни эгаллашга тўсқинлик қилиши мумкин. Фаолият шахснинг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли у қадриятлар, турмуш тарзини шакллантириш умуман олганда, ўзини ўзи ривожлантириш учун ҳал қилувчи кучга айланади. Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда университетлар адаптив таълим тизимида фойдаланмоқда. Бунда талабаларнинг фаол мустақил бошқариладиган иши орқали ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти, ўқув жараёни субъектлари ўртасида диалогни ташкил этиш, эркин танлаш шарт шароитларини яратиш, турли хил ўқитиш усулларини таълим жараёнида муаммоли қидирув элементларини босқичма босқич ошириш билан бирлаштиришни назарда тутади. С.Л.Рубинштейннинг фикрига кўра, агар фаолият мустақил ва ижодий бўлса, демак, у инсон

тараққиётининг энг муҳим шартига айланади. Гуманитар таълим доирасида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тузатишни ривожлантиришга ҳисса қўшади, мустақил билиш фаолияти мотивациясини оширади, чунки дарсларнинг асосий элементи ўзини ўзи ривожлантиришга тайёргарликни шакллантириш учун зарур бўлган ўзини ўзи англашни ривожлантиришга ёрдам берадиган акс эттириш босқичидир. Рефлексиянинг ривожланиши ички ақлий ҳаракатлар субъекти томонидан ўзини ўзи билиш жараёни сифатида ва ҳолатлар талабалар ўзини ўзи ривожлантиришни янада ривожлантириш мақсадида уларнинг индивидуал ва шахсий хусусиятларини ўрганиш зарурлигини англашга ёрдам беради. Инсоннинг ўзини ўзи ривожлантириш жадаллашиши ва йўналишини белгилайдиган асоси унинг эхтиёжларидир.

Ёшлик бу шахс ривожланишининг якуний босқичдир. Шахс ривожланиши инсон фаолиятининг асосий қўзғатувчиси бўлиб, инсоннинг муваффақиятга, ўзини ўзи ривожлантиришга интилишини келтириб чиқаради. Ўқув жараёнида билиш фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчилар томонидан кўпроқ кичик гуруҳларда ишни ташкил қилишдан бошланади. Бу ерда юқори даражада талаба шахсини ривожлантириш бошқа одамлар томонидан улар учун аҳамиятли инсон сифатида тан олиниши ва пастроқ даражада ўзини ўзи англаш орқали муваффақиятга эришиши натижасида рағбатлантирилади. Шу ўринда малакали мутахассис янги билимларни ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот фаолиятига нисбатан кўникмаларга эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларига келсак, битирувчи умумий фаолият йўналишлари асосида аниқ вазифаларни белгилаб олиши, уларни ҳал қилишнинг усуллари ва воситаларини аниқлаши ва уларнинг барчаси кўпинча тўлиқ бўлмаган ёки ортиқча маълумотлар ҳамда вақт етишмаслиги шароитида бўлади. Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш учун муаммоли таълимнинг имкониятлари ҳисоблаб чиқилади. Бу эса ушбу вазиятларни кейинчалик ҳал қилиш билан фаол фикрлаш жараёнига инсонларни жалб қиладиган муаммоли вазиятларни яратиш орқали амалга оширилади. Психологик – педагогик тайёргарлик жараёнида талабалар тафаккурининг ривожланиши нафақат “ўзини ўзи ривожлантиришни интеллектуал қўллаб-қувватлаш” га балки шахснинг ҳар томонлама камол топишига ҳам ҳисса қўшади. Шунингдек назарий ва амалий масалаларни мустақил равишда бажаришга ҳаракат қилиш, турли хил ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда интеллектуал қобилиятлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, интеллектуал қобилият инсонни ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтиради ҳамда ўз ақлий фаолияти учун ишончли воситага айланади [1].

А.Маслоунинг таъкидлашича, ўзини ўзи фаоллаштириш йўналишини танлаб олиш бўйича ривожланишни белгилаб олиш ҳар қандай вазиятда инсон томонидан амалга оширилиши керак. “Эркинлик ва ўзини ўзи намоён этиш ҳар бир инсон интилаётган объектив мақсаддир” [2].

Талабалар ўқув вазифаларининг мураккаблиги даражаси, ўқув лойиҳаларини мавзуларининг долзарблиги, индивидуал уй вазифаларини

бажариш ва белгилашда ўзларининг шахсий мотивларини мустаҳкамлаш ва тушунтириш учун “танлов эркинлиги” вазиятлари яратилади.

Келтирилган фикрлардан кўринадики, талабалар ўқув фаолияти жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Уларда ўзини ўзи ривожлантириш ўқув топшириқларни бажариш, мустақил топшириқларни ўз вақтида ижодий ёндашиш асосида бажаришлари, илмий амалий муаммоларни ҳал қилишлари натижасида таркиб топади. Бу эса ўз навбатида уларда билим олишга нисбатан иштиёқнинг ортиши ҳамда атрофдаги нарсаларга нисбатан мустақил қарор қабул қилиши билан белгиланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Цукерман Г. А., Мастеров Б. М. Психология саморазвития [Текст]. – М., 1995г.

2.Бабаева Н. А. Развитие личности в представлениях А. Маслоу и Р. Кеттела: учеб.-метод. Пособие [Текст]. – М.: Изд-во МГОУ, 2003г.

3.Шадриков В. Д. Интеллектуальные операции [Текст]. – М.: Логос, 2006г.

4.Столяренко Л. Д. Основы психологии. Практикум / под ред. – сост. Л. Д. Столяренко. [Текст]. - Ростов н/Д.: Феникс, 2008г.

## COMMON PROBLEMS FACED BY FOREIGN LANGUAGE LEARNERS

*Olimova N.O.*
*student of UrSU in Khorezm region in Republic of*

**Annotation.** Learning foreign language as a second language is not really easy. If you are learning language outside of the country which learning language is spoken, certainly you encounter certain kind of problems. These problems can make some obstacles to grasp new language although the learner are willing to learn new language. The problems can be considered as challenges because of the strong interest. Hovewer, how can these problems can be solved? To answer this question scholars specified main dilemmas and tried to explained about the causes.

**Key words:** Problem, solve, issue, learning process, obstacle, learner, key, instructor, learning environment, study, native language, dependence, dominate, solution, second language, learning materials.

Obstacles can be encountered by learners in every day life without any hesitating we can say. These are extremely different but the main ones can be said that we may count with our fingers. Language disorders that are often referred to as speech disorders interfere with an individual`s ability to speak. There are numerous disorders and each has its own distinct symptoms. According to Whitaker (2009) language problems among students can be grouped into several categories that are related communication. For instance, there are problems associated with hearing,

speech, language development and fluency. Whilst, the most common disorder is the speech impairment that involves articulation and voice. In this case, articulation involves numerous aspects of speech such as sounds, phonology and syllables. In most cases, students who develop such disorder in their childhood stage may experience the condition persisting to adulthood.

Different students can have different difficulties and problems in learning a foreign language as a second language. Such as while learning English language most learners often face the following challenges:

***Limited learning environments.*** It is not about the weather, the availability of furniture in the classrooms, the location of the building where new language is learning. Despite of the fact that all of the factors can effect learning while learning English, what happens outside of class matters most. In most situations, learners only make an effort to speak proper English in the classroom when they are under supervision. In addition to this, students do not always hear people around them speaking proper English. As a consequence, it becomes more difficult to learn correct English.

***Unqualified teachers***. This is the most vital and the most overlooked problem among others. What makes this problem so hard to solve is that, because many communities are English language learners, they can not clarify who is a good teacher and who is not. Whatever the teacher says, whether correct or incorrect, will be taken as correct by the learner. It can be led to great deal of confusion among learners since different teachers say them different things. One of the main causes of this issue is difficulty teachers have translating from their native languages. For instance, some words can be pronounced differently by different teachers because of their language.

***Surplus usage of native language in the classroom.*** Each student can learn another language best when they are forced to apply it. Instructors must be vigilant about requiring students to communicate in English and only in English even if they are talking to each other. They must conduct the lesson with the help of direct method and the lesson will be effectively as well as reasonable. If the teachers know the student`s language, it is better to pretend in the classroom that they do not, as that will force them to make requests and respond to questions in English. This issue may come from the cultural demands of the family and society.

***Strong students dominate during the lesson.*** No matter how the learners are divided into groups, there will still be differences in how much students know and quickly they can learn. The most important problem of this situation is setting the pace of the class to keep up with the strongest learners. It may leave the weaker ones behind. Weaker ones should not be forgotten in classroom discussions and activities. But also they should be the main scenes of the lesson. They insist much more attention than others.

***Learners do not take their study seriously.*** In some cases learners may take their own studies seriously even though they really want to learn the language. This might be because they may be very busy with other things or they have personal problems. In this situation, students often think that the same English they can speak at home or on the street is the same they will write in their exams.

Whilst, because communication does not have to be grammatically correct in order to be intelligible, students do not always abide by the rules they learned at school and therefore do not get fully educated or pass the exam and tests. It is also the case that learners do not study English as much as they study other subjects. In most cases, students may study English language only in the classroom during the lesson when the instructor is teaching. Having finished the class, they drop their books and wait for the next class. They do not study pronunciation, they do not study essay writing or make an effort to grasp new words and to build a new vocabulary. They may bring every little problem to the teacher during the classes, even things they could just look it up in the dictionary or their own vocabulary. When learners make mistakes and are corrected, they often say “It is not my language at all”. This may greatly affect their ability to learn English.

***Students become too dependent on the teacher.*** Part of learning anything means figuring out how to solve problems on your own. If a student goes to the instructor with every little issue she or he runs into, then the students will never be able to learn the language on their own. If students insist that they do not understand or know how to say and do something on their own, they require to be reassured that they actually can with positive feedback and encouragement by others.

***Learning materials.*** The materials which are used while learning new language refer to items that aid in the learning process. Books may be necessary material, but books are not enough by themselves. Audio materials is considered also the vital ones. As observed above, if a student sees a sound symbol in a book, how does he or she know how to pronounce it? The fact is, students of English language without ever getting to hear the correct pronunciation by a native speaker. Students also study haphazardly. They have books to read but they can not tell how certain words are said.

Learners must hear the right pronunciation from his or her teacher or from a native speaker of English. Students tend to learn from movies they watch but they often learn from movies they watch however they often learn the wrong things because movies contain slang and dialects that are not appropriate in many forms of communication. Learning materials give the most important aid to the learners, so instructors can choose the right ones that are suitable for the learner`s level and his or her learning style.

All things considered, each learner has his or her own issues but the most common that are mentioned above even though different instructors can give different information about their student`s problems during learning language. These problems may be like these ones:

-lack of vocabulary;

-correct pronunciation;

-hesitation in speaking;

-understanding the grammar the structure of the new language;

-lack of interest;

-most of the students use the translation method to understand the second language.

The most common cause of the problems faced by a learner of the English language as a second language is existence of the inherent structure of their first language or mother tongue that they are exposed to since the first day. The above mentioned problems are just a few of other problems but these are the major ones faced by students. The hardest for a teacher in this case is to actually create a new structure of the English grammar while trying not to dismantle the existing language structure of their mother tongue. The student should be able to use the languages with ease. Even with qualified teachers, adequate materials, and exposure to native English speakers, there are still a number of problems that any ESL student will face. For the learners who are willing to grasp the foreign knowledge, there are number of steps they can take to improve their English language skills. To illustrate, they must be extra careful to be sure to use correct materials recommended by a reliable teacher of English and they should get audio materials so he or she can hear the clear and correct pronunciation of the strange words.

**REFERENCES:**

***1.*** Jacobs A. A "Challenges encountered by learners of English language" (2019)

***2.*** Geri McClymont "Simple strategies to help English language learners succeed in the classroom" (2020)

***3.*** Jeff Davis "Teaching ESL: Common problems in the classroom" (2016)

***4.*** Jake Brannen "Why learn a foreign language? The importance of multilingualism and international awareness" (2014)

***5.*** Aya Katz "How to learn a foreign language: Issues in second language acquisition" (2016)

## ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ТУШУНЧАСИ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Ориббоева Д.*
*НамДУ*

"Компетентлик" тушунчаси – фан ва амалиётда турлича тасвирланади, бу турли йўналишлар ва қарашларга боғлиқ. Конструкт таркиби, психологик тадқиқотларда – юқори тоифали меҳнат ташкил этилишининг назарий модели ёки қийин вазиятлардаги умумий ташкилий хулқ-атвор ривожланишининг иловаси сифатида ўрганилади [8].

Компетенция - бу маълум вазият билан белгиланадиган билим, тажриба, ҳаракат қилиш қобилияти ва индивидуал хулқ-атвор кўникмалари бирлигидир. Бундай талқинда, компетентлик - турли ҳил компетентликлар ва компетенцияларни ўз ичига олади.

И.А.Зимняя, ўз изланишларида ушбу тушунчаларни тубдан ажратади, уларнинг муносабатларига бўлган шахсий нуқтаи назарини асослайди ва

ҳимоя қилади. И.А.Зимняя, компетентлик тушунчаси компетенцияга нисбатан анча кенглигини таъкидлаб, бу тушунчага, когнитив-билим компоненти билан бир вақтда мотивацион, муносабат ва регуляцион (тартибга солиш) компонентлар ҳам киришини илгари суради. Муаллифга кўра, компетенция – бу дастур бўлиб, ушбу дастур асосида компетентлик ривожланади [7].

Адабиётда берилган таърифларни назарий таҳлил қилишда, хилма-хилликка қарамасдан, компетентлик ва компетенция элементларининг (унсур) жудаям муҳим тавсифларидан бири сифатида айнан мавжуд билим ва тажрибаларнинг фаол ва самарадорлиги, компетентликда - потенциал (еҳтиёж, мотивация, мақсад, инструментал асос) ва амалга оширилган тизимнинг (ички ва ташқи фаолият) мавжудлиги келтирилади.

Олимлар ижтимоий компетентликни англашда турли ёндашувга эгалар. Баъзи муаллифлар, ижтимоий компетентликни аниқлар эканлар, ижтимоий билимларни афзал кўришади, бошқалари - кўникмаларни ривожлантириш ва турли хил хатти-ҳаракатлар сценарийларини ишлаб чиқиш, учинчилари зарур билим ва кўникмаларни аниқланган психологик фазилатлар ва қобилиятлар билан тўлдиришни муҳим деб билишади. Бир қатор муаллифлар, ижтимоий компетентлик мазмунида, шахснинг муайян хусусиятларини олдинги ўринга жойлайдилар.

Демак, баъзи муаллифлар, ижтимоий компетентни аниқлашда, ижтимоий билим, кўникма ва қобилиятларни афзал кўришади. Масалан, Д.А.Почебут ижтимоий компетентликни ижтимоий муносабатлар тизимида мослашув ва ўзини ўзи амалга оширишни таъминлайдиган расмий ва норасмий ижтимоий алоқалар тизимини муваффақиятли яратиш учун ижтимоий билим, кўникма ва қобилиятлардан конструктив фойдаланиш қобилияти сифатида тушунади [4].

Г.Э.Белицкая шунга ўхшаш нуқтаи назар тарафдори бўлиб, унга кўра "ижтимоий компетентлик" тушунчаси шахс ижтимоий фаолиятининг энг юқори даражасини - фаолият, хулқ-атвор, мулоқот, кузатиш ва ҳоказолар жараёнида эришилган ижтимоий воқеликнинг ўзлаштирилиши ва ривожланишидир [1].

В.Н.Куницина, ўз асарларида ижтимоий компетентликни - ижтимоий ҳақиқат ва ўзи тўғрисида билимлар тизими, мураккаб ижтимоий ва ўзаро таъсирлаш кўникмалар тизими, тезкор ва адекват мослашишга имкон берадиган, одатий ижтимоий вазиятларда хатти-ҳаракатлар сценарийлари, иш кўзини билган ҳолда қарор қабул қилиш, шу ерда, ҳозир ва энг оқил тарзда тамойили асосида юзага келган ҳолатлардан келиб чиқиб максимал даражада фойда олиш тизими сифатида белгилайди. У томондан, ижтимоий компетентлик - вақтинчалик, тарихий чегарага эга бўлган операцион тушунча сифатида изоҳланади [5].

Г.И.Сивкова фикрига кўра, ижтимоий компетентлик - бу одамга вазиятга қараб ўз хатти-ҳаракатларини мослашувчан равишда ўзгартиришга имкон берадиган турли хил автоматлаштирилган кўникмалар орқали амалга ошириладиган ўзига хос хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги. Бу фикр

В.Г.Ромек томонидан янада аниқроқ ифода этилган, у ижтимоий компетентлик таркибига - тор (ижтимоий вазиятнинг ўзига ҳослиги) ва кенг (ижтимоий меъёрлар ва шарт-шароитларни) ҳисобга олган ҳолда шахснинг хатти-ҳаракатлар стратегиясини мослашувчан равишда ўзгартириш қобилиятини ҳам қўшади [6].

Е.М.Ефимова, ижтимоий компетентликни шахс ижтимоийлашуви жараёнининг асоси, ажралмас таркибий қисми деб билади ва уни ижтимоий фаолият, ўзгариш, ўз тақдирини ўзи белгилашга тайёрлик, шунингдек, шахсга ўзгарувчан ижтимоий-маданий муҳитда эркин ҳаракатланиш имконини берувчи шахсий фазилатлар тўплами сифатида тушунади [2].

В.В.Цветков фикрига кўра, ижтимоий компетенция - бу ижтимоий роллар назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак бўлган шахснинг аниқ белгиланган сифати: ижтимоий компетенция - бу шахснинг жамият билан фаол алоқада бўлишига, турли хил ижтимоий ролларни бажаришга, турли гуруҳлар ва шахслар билан алоқаларни ўрнатишга ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларда иштирок этишга имкон берадиган шахснинг интегратив сифатини англатувчи ижтимоий-педагогик тоифадир.

Бир қатор муаллифлар, шахснинг муайян хусусиятлари - ижтимоий компетентлик таркибининг олдинги қаторларида туришини илгари суради. Масалан, А.В.Спирин, ижтимоий компетентликни - бошқа одамлар позицияларини инобатга олган ҳолда жамиятда ҳаракат қилиш қобилиятини таъминлайдиган шахсий фазилатларнинг мураккаб динамик яхлит тизими сифатида тушунади.

О.П.Кракаускене ижтимоий компетентлик тушунчасини, келажакдаги касбий фаолиятга тайёргарлик кўриш ва жамиятда мураккаб ҳаракатлар турларини амалга ошириш жараёнида ижтимоий-маданий фаолиятнинг аҳамияти ва маъноси ва конструктив муносабатларни қуриш қобилиятини англаш асосида ҳал қилишда ижтимоий ўзаро таъсирга тайёрликни ва ижтимоий шериклар билан ҳамкорлик қилиш ва қўшма қарорлар натижалари учун жавобгар бўлишни таъминлайдиган компетенцияга эга бўлиш деб талқинлайди [7].

И.А.Зимняя, ижтимоий компетентликни - шахснинг ижтимоийлашуви даражасини, унинг ижтимоий фаоллиги ва воқеликни ўзлаштиришнинг юқори даражасини белгилайдиган йиғма тушунча сифатида ифодалайди; шахснинг ахлоқий ва ҳуқуқий етуклиги; шахснинг бошқа шахс билан ўзаро муносабатларида, фаолиятга муносабатида намоён бўладиган - шахс, жамият, ҳаёт тарзи субъектига бўлган муносабати асосида инсоннинг дунё билан муносабатини таъминлайдиган шахсий хусусиятлар [5].

Ижтимоий компетентлик - бу ўз интилишларини бошқа одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мослаштириш, умумий муаммо ечими устида ишловчи гуруҳ аъзолари билан самарали ўзаро таъсир қилиш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш учун бошқа одамлар ва ижтимоий институтларнинг манбаларидан фойдаланиш имкониятини англатади.

Т.В.Смолеусованинг фикрича, янги хулқ-атвор муносабатлари ва қиймат йўналишларини шакллантириш ижтимоий ваколат тушунчаси билан

бевосита боғлиқдир. Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, юқори ижтимоий компетентлик қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади: қўшма қарорларни қабул қилишда иштирок этишга тайёрлик; масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилияти, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти; зўравонликсиз низоларсиз тартибга солиш; жамият институтлари фаолиятида иштирок этиш [7].

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий компетентликни ўрганадиган ва унинг таркибидаги билим, кўникма ва фаолият усуллари, маълум психологик фазилатлар, қобилиятлар ва шахсият хусусиятларини ажратиб кўрсатадиган муаллифлар ижтимоий компетенциянинг психологик тузилишида хулқ-атвор таркибий қисми (кўникма ва хулқ-атвор, фаолият ва мулоқот) билан бирга, когнитив-интеллектуал (билиш, тушуниш, тасаввур қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ҳ.к.) ва мотивацион-аксиологик табиатли (йўналиш, қадриятлар) таркибий қисмларни ҳам алоҳида белгилашмоқда.

Шундай қилиб, шахснинг ижтимоий компетентлигини - унга турли хил ижтимоий ролларни муваффақиятли бажаришга ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлишга имкон берадиган муайян ажралмас ижтимоий сифат сифатида таърифлаш мумкин. Шахснинг ижтимоий компетентлиги таълим жараёнида шаклланади ва шахснинг фаол, фаолият позициясини назарда тутади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Алексеев, Н.Г. Проектирование и рефлексивное мышление [Текст] / Н.Г. Алексеев // Развитие личности. – 2002. №2. С. 85-103

2.Акбашев, Т. Ф. Методологические проблемы педагогической технологии / Т. Ф. Акбашев // Теоретико-методологические проблемы учебно-воспитательного процесса в школе и педвузе: сб.науч.тр. Волгоград, 1986.-С.

3. Байденко, В.И. Компетенции в профессиональном образовании (к освоению компетентностного подхода) //Высшее образование в России. 2004, № 11.-С. 45-56.

4.Батышев, С. Я. Профессионально политехническая подготовка учащихся - ключевая проблема педагогической науки / С. Я. Батышев // Советская педагогика. - 1984. - № 4. - С. 11.

5.Беляева, А. П. Дидактические принципы профессиональной подготовки в профессионально-технических училищах / А. П. Беляева. М.: Высш. шк., 1974.- 11 с.

6. Беспалько, В. П. О критериях качества подготовки специалиста / В. П. Беспалько // Вестник высшей школы. 1988. - № 1. - С.6-14.

7. Беспалько, В. П. Слагаемые педагогической технологии / В.П. Беспалько. М.: Педагогика, 1989. - 192 с.

8. Иванова, Л. Ф. Инновационные условия развития профессиональной компетентности учителя// Инновации в образовании, 2002, №5. С.26-39.

# O'QUVCHILAR O'QUV FAOLIYATIDA BILISH FAOLLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PSIHOLOGIK HUSUSIYATLARI.

*Ortiqova G.A.*
*Andijon davlat universiteti talabasi*

**Annotatsiya:**Ushbu maqolada oʻquvchilarning oʻquv faoliyatida bilish faolligini shakllantirishning amaliy asoslarixakidagi fikrlar bayon etilgan Bilish faolligini va bilish jarayonlarini tadqiq etish orqali yosh davrlarda bu jarayonni shakllanishi va taraqqiy etishini psixologik konuniyatlar asosida tushunish imkoniyatlari oshadi. Psixologik muhofaza omillarini qaror toptirish orqali shaxs faoliyati va faolligini oshirishga koʻmaklashuvchi psixologik konuniyatlar asosida asosiy yoʻnalishlarini va bugungi dolzarb vazifalarni aniqlashga imkon beradi.

**Kalit soʻzlar:**Oʻquvchi, bilish jarayonlari, faoliyat, faollik, psixologik ximoya mexanizmi, motiv, oʻz-oʻzini nazorat,

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются практические основы формирования познавательной активности у студентов. Изучение познавательной деятельности и когнитивных процессов повышает шансы понимания становления и развития этого процесса в молодом возрасте на основе психологических закономерностей. Это позволяет определять основные направления и текущие задачи на основе психологических закономерностей, которые помогают повысить активность и активность личности за счет решения факторов психологической защиты.

**Ключевые слова:** студент, когнитивные процессы, деятельность, деятельность, механизм психологической защиты, мотив, самоконтроль,

**Abstract:** This article discusses the practical foundations of the formation of cognitive activity in students. The study of cognitive activity and cognitive processes increases the chances of understanding the formation and development of this process at a young age on the basis of psychological laws. This allows you to determine the main directions and current tasks on the basis of psychological laws that help to increase the activity and activity of the individual by solving the factors of psychological defense.

**Key words:** student, cognitive processes, activity, activity, psychological defense mechanism, motive, self-control,

Oʻzbekiston Respublikasi oʻz mustaqilligini qoʻlga kiritgan dastlabki kunlardanoq har bir sohani tubdan isloh qilish ishlari amalga oshrilmoqda. Jamiyat taraqqiyotining muhim sharti kadrlarni tayyorlash tizimining mukammal boʻlishi, zamonaviy iqtisod, fan, madaniyat, texnika va texnologiyalar asosida yuksalish bilan xarakterlanadi. Respublikamiz miqiyosida taʼlim va tarbiya ishlarini takomillashtirish, uni jahon andozalari darajasiga chiqarish, fan sohasidagi yangiliklarni amaliy hayotga tatbiq etish muhim masalalardan biri sifatida eʼtirof etilmoqda. Ayniqsa, yosh avlodga taʼlim-tarbiya berish, ularda fan asoslariga nisbatan koʻnikma, malaka, bilimlarni shakllantirish davlat siyosatining ustivor vazifalaridan hisoblanadi. Hozirgi davrda fuqorolarning ongiga mustaqillik,

vatanparvarlik, sadoqat kabi tushunchalarni singdirish, ularni kelajakka ishonch, buyuk davlatning munosib farzandlari qilib kamol toptirish zamon talabidir. Shu oʻrinda bu vazifalarni oʻsmirlik davrida rivojlantirish va ularni ta'sir darajasini aniklash maqsadga muvofiqdir.

Oʻsmirlik yoshdagi bolalar bilish faolligining rivojlanishi bugungi kun talablari darajasida mavjud imkoniyatlar asosida amalga oshirilmoqda. Yosh davrlarniing oʻziga xos hususiyatlari tarkibida oʻsmirlik yoshdagi davrda bilish faolligini rivojlantirish masalasi alohida ahamiyatga ega boʻlgan muammolardan biridir. Mavzuning dolzarbligi ham shundaki, asosiy yetakchi faoliyati ta'lim va mexnat hisoblangan bolalarda bilishga boʻlgan qiziqishlarini ortirish uchun psixologiyada turli tadqiqotlarni ishlab chiqish va mavjudlarini modifikatsiya qilish maqsadga muvofiqdir. Bola psixik taraqqiyotida bilish faolligini oshirish va takomillashtirish bugungi kun dolzarb masalalaridan biri sifatida qaraladi.

Hozirgacha soha mutaxassislaridan koʻpchiligi oʻsmirlik yoshdagi bolalar oʻquv faoliyati va bilish faolligini rivojlanishi va uning nazariy asoslarini qator qirralarini oʻz ilmiy izlanishlarida oʻrganganlar.

Oʻsmirlik yoshdagi oʻquvchilarning atrof muxitga va oʻz-oʻziga nisbatan ijtimoiy tasavvurlarning shakllanishi asosida bilish faolligini rivojlanishi masalasi xorijlik psixologlar, xususan, DJ.Piyaje, D.El'konin, S.Muxina D.Maers, V.Kvin, R.Beyron, D.Richardson, F.Zimbardo va boshqalarning tadqiqotlarida yoritib berilgan. Shuningdek, bilish faolligini rivojlantirish muammosi sobiq sovet psixologlaridan G.Andreeva, V.Ageev, A.Donsov, V.Trusov, T.Emel'yanova, L.Petrovskaya, S.Moscovitsi, I.Jaspars, kabi rus hamda fransuz olimlari tomonidan ham muayyan darajada oʻrganilgan.

Olimlar tomonidan toʻplangan ilmiy dalil va hulosalarning barchasi katta ahamiyatga ega Takidlash joizki, Markaziy Osiyolik olimlardan V.Polvonova, M.Beysenova, R.Samarov va boshqalarning tadqiqotlarida ham bilish faolligini oshirish muammosi, undagi psixologik va ijtimoiy omillarning ta'lim va tarbiya jarayoniga qay darajada ta'sir etishi muammosi mahalliy shart-sharoitlar nuqtai nazaridan oʻrganilgan.. Ularning natijalari bugungi kunda bola aqliy rivojlanishi komponentlarini oʻrganishga xizmat qilmoqda. Shu bois ham, mavjud muammoni oʻrganish dolzarb. Bundan tashqari, oʻsmirlik yosh davrlarda bola aqliy rivojlanishi jumladan, ta'lim tarbiya munosabatlarining xarakterini belgilovchi oʻzaro munosabatlarning u yoki bu jihatlari mamlakatimizdagi psixolog, sotsiolog, pedagog olimlarning ilmiy monografiyalari va tadqiqotlarida oʻziga xos tarzda talqin etilgan ( E.Gʻoziev, M.Davletshin, M.Voxidov, va boshqalar).

Oʻsmirlik yoshining tadqiqotlariiga nazar solsak, unda turli xil nazariyalar, farazlar va fundamental izlanishlar borligining guvoxi boʻlamiz. Oʻsmirlik yoshiga xos yorqin Psixologik konsepsiyalardan biri XX asrning boshlarida L.S.Vigotskiy tomonidan yaratilgan madaniy-tarixiy nazariya boʻlib, unda mazkur yosh simptomatikasi, oʻsmir psixologiyasidagi barqaror va tarixiy oʻzgaruvchanlik, uning fenomenlariga oid ilmiy konsepsiyalarning interpretatsiyasi berilgan. L.S.Vыgotskiy ta'lim va taraqqiyotning oʻzaro masalasini koʻrib chiqdi. Bunda u quyidagi vaziyatni keltirib chiqardi. Bolaga psixik hayotidagi qiyin shakllar muloqot jarayonida shakllanadi, demak muloqot nisbatan tizimlashtirilgan shaklda

– o‘qitishda rivojlanishni shakllantiradi, yangi psixik ma’lumotlarni vujudga keltiradi, oliy psixik funksiya takomillashtiriladi. Ta’lim psixikaning shakllanishida muhim rol egallab, uning shakllari esa rivojlanish jarayonida o‘zgaradi.

Olim shuni ko‘rsatib o‘tadiki, har qanday ta’lim ham effektiv bo‘lavermaydi. Qaysiki taraqqiyotdan ilgarilab va o‘zining orqasidan ergashtira olsagina, effektiv samara beradi. Rivojlanayotgan ta’lim nafaqat mustaqil faoliyat jarayonida, aktual rivojlanish sohasi, bolaning o‘zi kiradigan balki, u kattalar bilan hamkorlikni yaqin rivojlanish sohasini hisobga olgan L.S.Vыgotskiyning bu fikri hozirgi kundagi bolaning aqliy rivojlanishini mukammmallashtirishga intilayotgan o‘qituvchilar uchun katta ahamiyatga ega. Shunday qilib, o‘smirlik yoshining klassik tadqiqot davri XX asrning boshlarida bolalar psixologiyasining mustaqil fan sifatida rivojlanish bosqichiga to‘g‘ri kelab, eng qiyin psixologik yosh deb tan olindi va o‘smir shaxsi rivojlanishidagi xar qanday o‘zgarishlar tadqiqotchilar tomonidan jinsiy yetilish jarayoni bilan bog‘lab tushuntiriladi.

Bilish faolligini va bilish jarayonlarini tadqiq etish orqali yosh davrlarda bu jarayonni shakllanishi va taraqqiy etishini psixologik konuniyatlar asosida tushunish imkoniyatlari oshadi. Psixologik muhofaza omillarini qaror toptirish orqali shaxs faoliyati va faolligini oshirishga ko‘maklashuvchi psixologik konuniyatlar asosida asosiy yo‘nalishlarini va bugungi dolzarb vazifalarni aniqlashga imkon beradi. O‘smirlik yosh davri psixik xususiyatlarini rivojlantirishda va ularning bilish faolligini taraqqiyotidagi asosiy determinanti va tadqiqot usullarini qo‘llanish imkoniyati yaratiladi.

Bizning murakkab, shiddat bilan o‘zgaradigan davrda insonga katta bir kuch kerak. U yangi ijtimoiy-ijodiy sharoitlarda o‘zining o‘rnini topishi, ma’naviy boyliklar ko‘zga tashlanmayotgan bir paytda o‘zining unikal xayotining ma’nosini aniqlash, eski ideallar singan paytda depressiv tendensiyalar o‘z domiga tortib olishiga yo‘l qo‘ymay, o‘zida ishonch, intilish, xayot xursandchiliklarini saqlab qolishi zarur. Agar bunday ichki kuch yetishmasachi? U xolda apatiyaga, kasallikka chalinishi muqarrar.

O‘smirlar o‘z-o‘zini tarbiyalashga zarurat sezadilar buni ulardan onglilikning o‘sishi, kattalarga o‘xshashga intilishlari bilan tushintirish mumkin, endi ular ma’lum darajada o‘zini ishontirish, o‘ziga buyruq berish, o‘zini nazorat qilish kabi o‘z-o‘zini tarbiyalash vositalariga egadirlar. Ular ayniqsa, jismoniy va iroda siqatlarini o‘stirishga harakat qiladilar. O‘z holiga tashlab qo‘yilgan o‘smirlar juda sodda, bolalarcha qilinadigon ishlarga tayanib (masalan: o‘zining mardligini va chidamliligini sinash uchun yonib turgan gugurtni qo‘liga yaqin olib keladilar yoki o‘zlarini chiniqtirish uchun paltosiz qorning ustiga yotadilar)har doim ham o‘z-o‘zini tarbiyalashning to‘g‘ri yo‘lidan bormaydilar. O‘smirlikda bolalarda burch va javobgarlik tuyg‘ulari yetarli darajada o‘sgan bo‘ladi, bolalar o‘zlari ongli ravishda tanlagan ma’lum maqsadga erishish uchun ish-harakatlar qilishga qobil bo‘lib qoladilar.O‘smirda boshqa yosh davrlaridan farqli o‘laroq bilish jarayoni ham o‘zgarib boradi. Uning idroki voqelikdagi narsa va xodisalarning tashqi tomonlarinigina emas, ularning ancha murakkab tomonlarini idrok qiladi. U narsalarning mohiyatini bilishga, narsa va xodisalarni tahlil qilishga, ularni o‘zaro

taqqoslashga harakat qiladilar. Muhim o‘xshash tomonlarini farqlarini aniq idrok qiladi va bu ularda yaxshi kuzatuvchanlik sifatlarini tarbiyalashga yordam beradi.O‘smir xotirasi sezilarli darajada o‘zgaradi. Kichik maktab yoshidagi mexanik xotira o‘rnini mantiqiy xotira egallaydi. O‘qituvchi yosh davriga e’ibor bergan xolda o‘smirda she’r yoki tekstlarni muvaffaqiyatli esda qoldirish yo‘llarini izlab topish kerak, bir-biriga bog‘lab o‘rganish yo‘llarini o‘rgatish zarur.Ayrim katta kishilar o‘smirlar bilan, ularni kichkina bola deb, mensimay munosabatda bo‘ladilar. Ularga iltifotsizlik qiladilar. Bu o‘smirlarga qattiq ta’sir qiladi. Bolaning katta bo‘lganligini anglash. Ular bilan jiddiy munosabatda bo‘lish va unga mas’uliyatli ishlarni topshirish quvonarli narsadir.

Demak, o‘smir irodasini tarbiyalash uning o‘z-o‘zini tarbiyalashda katta rol o‘ynaydi. Bunga ehtiyoj o‘smirlik yoshida paydo bo‘ladi. O‘smirlar o‘z oldiga ma’lum talablarni qo‘ymog‘i mumkin, ular o‘zlariga tanqidiy qarashga qobildirlar. O‘zlari ideal deb hisoblagan xislatlarni tarbiyalashga intiladilar. Biroq kishi o‘z-o‘zini tarbiyalashga keyinroq yetuklik yoshida chinaakm intiladi. O‘smirning o‘qish va boshqa xildagi faoliyati qat’iylik ko‘rsatmasdan amalga oshishi mumkin ham emas. Boshlagan ishni oxiriga yetkazishni bilish va uni talab qila borish qat’iylikni tarbiyalashga yordam beradi. Qat’iylik zo‘r berib fikrlashni, ichki intizomlikni talab qiladi. Xulosa qilib aytganda o‘smirlik davrining psixofiziologik rivojlanishi va uning o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganar ekanmiz, bu davr o‘smir yoshida muxim davr xisoblanaishiga amin bo‘ldik. O‘smirlar o‘zlarini psixologik rivojlanish xususiyatlari asosida o‘quv faoliyati va o‘z qiziqishlari asosida faollikka kirishadilar.Ularning faollikka undovchi motivlari ko‘proq ijtimoiy psixologik omillar xisoblanadi.

**ADABIYOTLAR:**

1. I.Karimov.“Barkamol avlod orzusi”. –T., 2000.
1. V.Karimova.Psixologiya Toshkent.2002y.
2. Davletshin M.G. Obshaya psixologiya T., TDPU, 2002
3. Filatov E.S. Iskusstvo ponimat sebya i okrujayushix. Voronej.2000.
4. R.Beron, D.Richardson. Agressiya. Piter. 2002

**Elektron ta’lim resurslari**

1. www. tdpu. uz.
2. www. pedagog. uz.
3. www. Ziyonet. uz.
4.www/google.uz

# ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚУВЧИЛАРГА НУТҚ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ЛЕКСИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

*Орынгалиева Д.Д., Айтимова З.Т.*
*Қорақалпоғистон., Нукус шаҳри 29-ўрта мактаб*

**Аннотация:** Гапиришнинг лексик томонининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўқувчи ва талаба уни билмаса гапира олмайди, билганда ҳам ўрнига қўя билиши керак. Ўқишнинг лексик томони ҳам алоҳида қийинчилик туғдиради. Ўқувчи, талаба у орқали мазмунли, тўғри маълумот ёзиб бера олиши учун сўзни ёза олиши, талаффуз қила олиши, ўқий олиши зарур.

**Калит сўзлари:** Лексика, тилни ўргатиш, сўзлар, нутқ фаолияти, талаффуз.

Лексикани ўргатиш, тилни ўргатишнинг асосини ташкил қилади. Лексика ўрганиладиган, ўргатиладиган сўзлар ва сўз бирикмалари йиғиндисидир. Лексикани мукаммал эгалламай туриб, нутқ фаолиятининг турларини ўргатиб, ўрганиб бўлмайди [1]. У нутқ фаолиятлари учун материал сифатида ишлатилади. Нутқ учун материал жуда зарурдир. Материал бўлмаса нутқ содир бўлмайди. Инглизча нутқни тинглаб, ўрганган сўзлар асосида унинг мазмунини тушуниш мумкин. Ўқувчи, талаба сўзларни таний олмаса, бил-маса маълумот олмайди, нутқнинг мазмуни мавҳумлигича қолади [2]. Тинглаб тушунишнинг лексик томони устида ишлаганда, уни тинглаб қабул қила олиш, таний олиш машқлари кенг ишлатилади, чунки лексикани тинглаб қабул қилиш, таний олиш ҳам ўз хусусиятига, қийинчилигига эгадир. Гапиришнинг лексик томонининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўқувчи ва талаба уни билмаса гапира олмайди, билганда ҳам ўрнига қўя билиши керак. Ўқишнинг лексик томони ҳам алоҳида қийинчилик туғдиради. Ўқувчи, талаба ўқишда кўриб қабул қилади. Шунинг асосида ўқиб маълумот олиш, тушуниш учун сўзларни таний олиш, ўқий олиш, уларнинг маъно, мазмунини билган, ўрганган бўлиш керак. Фикрни ёзма баён қилишнинг лексик томони устида ҳам алоҳида ишлаш керак. Ўқувчи, талаба у орқали мазмунли, тўғри маълумот ёзиб бера олиши учун сўзни ёза олиши, талаффуз қила олиши, ўқий олиши зарур [4].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳаммаси учун лексика керак. Шу сабабдан ўқувчиларга нутқ фаолиятларини ўргатишда лексиканинг ўрни муҳимдир.

Лексикани ўргатиш ўқув юртининг мақсад, мазмунларига мослаштирилиб, унга жавоб берадиган қилиб ўргатилади. Бу ўқувчи, талабалар, ўқув юрти учун чиқарилган чет тили дастурида баён қилинади.

Чет тили дастури бўйича нутқ фаолиятларини ўргатишда лексик материални ўргатиш мақсад ва воситадир. Янги дастурда ҳар бир синф учун лексик минимум сони кўрсатилган. Унда 5-синф учун 300 та лексик бирлик, 6-синф учун 300 та, 7-синф учун 250 та лексик бирлик, 8-синф учун 150 та лексик бирлик, 9-синф учун 100 та лексик бирлик.

Е.Р. Агадуллина ва А.В. Ловаков салбий хулқ-атворнинг индивидуал ва гуруҳий омилларини тадқиқ этар эканлар, адолатсизликни бошидан кечириш шахс салбий хулқ-атворининг юзага келишига таъсир этувчи асосий сабаблардан бири эканлигини ва унинг индивид ҳамда гуруҳлардаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фойдаларга нисбатан депривацияни идрок этиши ва ижтимоий қиёслашга асосланишини таъкидлаб ўтадилар. Уларнинг фикрича, кўпчилик одамлар мавжуд шароитларда тенгҳуқуқлилик тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиб, исталган тенгсизликни (масалан, ўзининг ва бошқалар тақдирини назорат қилиш, исталган ахборотни олиш каби) адолатсизлик сифатида идрок этадилар.

Психологик тадқиқотларда адолатсизликни идрок этишнинг микро- ва макро- даражалари белгилаб берилган. Адолатсизликни идрок этишнинг микро-даражасига индивиднинг оилавий муносабатлар доирасидаги ўзаро таъсири тажрибаси хос бўлса, макро-даражадаги адолатсизликни идрок этишга дискриминация, адолатсиз сиёсий қонунлар, ижтимоий тенгсизлик, раҳбарият томонидан адолатсиз муносабатлар киради.

Шунингдек, салбий хулқ-атворнинг юзага келишида сиёсий ва ижтимоий доирадаги ўз-ўзининг самарадорлилиги тўғрисидаги тасаввурлар, аут-гуруҳлар тўғрисидаги тасаввурлар ва ижтимоий идентиклик каби омилларнинг таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. *[Агадуллина Е.Р., Ловаков А.В.(2013)].*

О.В.Лавриченко салбий хулқ-атворнинг шахс хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини кўриб чиқар экан, салбий хулқ-атвор эркинликни

чекланиши, шахсий доиранинг бузилиши каби реал ёки тасаввур этилаётган таҳдидларни бартараф этишга қаратилган хулқ-атворнинг ўзига хослигини намоён этиши; салбий хулқ-автор эскалацияси индивид ҳаётининг инқирозли босқичларида кўпроқ намоён бўлиши; салбий хулқ-атвор ижтимоий жиҳатдан намоён бўлса-да, ўз моҳиятига кўра психологик мазмунга эгалиги тўғрисидаги фикрларини билдириб ўтади.

Салбий хулқ-атвор детерминантлари салбий жиҳатлари билан бирга ижобий мазмунни ҳам ўзида ифода этиши мумкин. Яъни асоциал, хавфли хатти-ҳаракатлар билан бир қаторда, индивиднинг ўз шахсий позициясида низоларсиз қолиш малакаси, ўз манфаатларини адекват ҳимоя қилишга қодирлиги шулар жумласидандир.

Лавриченко салбий хулқ-атворнинг ижобий жиҳатдан шаклланган кўникмаларнинг балоғатдан кейинги даврларида мустаҳкамланиши шахснинг ҳар қандай ижтимоий соҳаларда ўз манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини бериши ҳамда аксинча, шахснинг ички зиддиятлари билан белгиланган салбий хулқ-атвори ноадекват, ҳаддан ортиқ салбий муносабатларни намоён қилиб ўсмир учун зарарли ва мустақилликка эришиш мақсадларига тўсқинлик қилишини таъкидлаб ўтади. Ўсмирдаги ички зиддиятларнинг мавжудлиги шу ёш босқичига хос бўлган шахс хусусиятларининг акцентуацияси билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий кўрсаткичи декомпенсацияларни блоклаш сифатида психологик ҳимоя механизмларидан ҳаддан ортиқ кўп фойдаланиш ҳисобланади. Олим салбий муносабатни интилиш ва истак-хоҳишларга эришишнинг имконсизлиги билан шартланганлигини (депрессия), намойишкорлик ва диққатни ўзига жалб этишга мойилликни акс эттиришини (истерия), эмоционал-иродавий соҳадаги нотўкисликни ташлаб юборилишини (психопатия) қайд этади. *[Лавриченко О.В.(2013)].*

Эътироз (салбий муносабат)нинг ижобий мазмуни Л.С.Виготский ишларида очиб берилган. Девиантология, ижтимоий психология, шахс психологияси доирасида салбий хулқ-атвор дезадаптив, деструктив реакция сифатида кўриб чиқилади.

Сўнгги йилларда психология фанлари доирасида салбий хулқ-атвор тушунчаси билан бир қаторда “шахснинг салбий фаоллиги” (рус адабиётларида “протестная активность” деб юритилмоқда) тушунчаси ҳам пайдо бўлди ва кенг тадқиқ этила бошланди. Мазкур мавзуда олиб борилган тадқиқотлар орасида Гусейнов А.Ш. изланишлари ўзига хос аҳамиятга эга. Олим ўз ишларида шахснинг салбий фаоллиги феноменининг назарий-методологик асосларини кўриб чиқиб, унинг психологик ўзига хослигини очиб бериш билан бир қаторда, мазкур феномен тўғрисидаги концепцияни илгари сурди ва шахс салбий фаоллигининг тузилмавий-диалектик моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Шунингдек, шахс салбий фаоллигининг – эмансипация, эскапизм, негативизм, оппозиция, нигилизм каби шакллари ажратиб берилган.

Олим шахс салбий фаоллигининг деструктив ва конструктив шаклларини қуйидаги асосий жиҳатлар бўйича фарқлашга ҳаракат қилган:

- Шахснинг қадриятли-мазмунли йўналганлиги;
- Мотивацион-эҳтиёжлар соҳаси;
- “Олам манзараси”ни моделлаштириш;
- Экзистенциал ўз-ўзини англаш характери;
- Шахснинг субъектив фаоллиги;

Гусейнов тадқиқотларида салбий муносабатнинг деструктив шаклларига хос борлиқ зиддиятлари таснифланган;

- қадриятли-мазмунли қарама-қаршиликлар;
- шахснинг борлиқ маконларидаги “шахс-жамият” ва “шахс-давлат” тизимли позициясига ўтишидаги қарама-қаршиликлар;
- ички шахсий зиддиятлар;
- экзистенциал зиддиятлар.

Шахснинг салбий фаоллиги инқирознинг ўзига хос мазмунини янада кучайтирган ҳолда, инқироздан чиқишнинг, конформизмга қарши кураш, юкланган вазифани хоҳишсиз қабул қилишга қарши чиқиш каби функцияларни бажарувчи ягона қуроли ҳисобланади ва автономликни, жамиятда маълум ўринга эгалик қилишни таъминлайди.

Шахснинг салбий фаоллиги шакллари шахс муваффақияти/ муваффақиятсизлигининг сабабчилари бўлмиш индивидуал ўз-ўзини бошқариш услубининг ўзига хослигини намоён қилади. Эътирознинг конструктив шакллари, шахсий ички имкониятларни амалга оширишни таъминлаган ҳамда касбий маҳоратнинг ўсишига ижобий таъсир этган ҳолда ўз-ўзини бошқаришнинг психологик манбаси сифатида юзага чиқади. Салбий фаолликнинг деструктив шакллари шахснинг нотўкис бошқарув услубининг шаклланишига сабаб бўлади ва ўз-ўзининг самарадорлилигига тўсқинлик қилади *[Гусейнов А.Ш.(2016)]*.

Э.Дюркгейм, айтганидек, агарда шахс қонунларни моддий муҳитнинг қўпол босими сифатида эмас, балки юксак ижтимоий онг шаклида идрок этсагина жамият барқарорлиги ва қарама-қаршиликларнинг юмшатилиши таъминланиши мумкин.

Салбий хулқ-автор феноменининг тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигини кўриб чиқар эканмиз, мазкур масала, бугунги шароитда долзарб аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим, деб ҳисоблаймиз. Жамият ҳаётида юз бераётган жараёнлар, воқеа-ҳодисалар доимий равишда шахс руҳияти ва хулқ-атворига ўз таъсирини ўтказиб келган ва таъсир этишда давом этади. Психология фанларининг асосий вазифаларидан бири эса, бу каби ҳодисаларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ этиш, очиб бериш ва улар билан боғлиқ муаммоларнинг ечимларини топишдан иборатдир. Шахс салбий хулқ-атвори масаласи яна-да чуқурроқ ва давомли изланишларни талаб этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Агадуллина Е.Р., Ловаков А.В. Протестное поведение: индивидуальные и групповые факторы. Современная зарубежная психология. № 4 / 2013.

2. Выготский, Л.С. Психология развития человека / Л.С. Выготский. – М.: Эксмо: Смысл, 2005. – 565 с.

3. Гусейнов, А.Ш. Протест как фактор деструктивного поведения подростков и молодежи / А.Ш. Гусейнов // Вестник СПбГУ. Серия «Психология.Социология. Педагогика».– 2011. – Вып. 2. – С. 116–121.

4. Гусейнов, А.Ш. Протестное поведение как показатель дезадаптации личности в подростковом периоде // Физическая культура, спорт – наука и практика. – 2009. – № 1. –С. 7–13.

5. Гусейнов, А.Ш. Феномен протестного поведения / А.Ш. Гусейнов // Человек. Сообщество. Управление. – 2012. – № 2. – С. 82–96.

6. Гусейнов А.Ш. Протестная активность личности. Диссертация (на соиск. учен. степени доктора пси. наук). Кубанский государственный университет физической культуры и спорта, туризма. Краснодар, 2016.

7. Лавриченко О.В. Личностные детерминанты протестного поведения подростков. Вестник ЮУрГУ. Серия «Психология», 2013, том 6, № 3.

8. *Brunsting S., Postmes T.* Movement participation in the digital age: Predicting offline and online collective action // Small group research. 2002. Vol. 33, Iss. 5. P. 525—554.

9. *Veenstra K., Haslam A.* Willingness to participate in industrial protest // British journal of social psychology. 2000. Vol. 39, Iss. 2. P. 153—172.

## GEOGRAFIYA DARSLARIDA PSIXOLOGIYANING O`RNI

*Oxunjonova D.K.*
*O`zbekiston Milliy universiteti talabasi*

Ma’lumki, kishilarning fe’l atvori, psixologik o`zgarishlari tashqi muhit bilan chambarchars bog`langan. Bu haqida qadimgi qomusiy olimlarning asarlarida ham keltirib o`tilgan. Shuning o`zi ham geografiya va psixologiya fanlari o`rtasidagi aloqadorlikni yuzaga kelishiga sabab bo`lgan. Har bir fan rivojlanishi uchun boshqa fanlarning yutuqlaridan foydalanadi, ya’ni bir bilim ikkinchisining rivojlanishiga sabab bo`ladi.

Geografik muhit kishining xarakteriga katta ta’sir etadi. Jumladan, relyef sharoitini misol qiladigan bo`lsak, to`g` mintaqasida yashovchi aholi bilan tekislik mintaqasida yashovchilarning fe’l atvorida katta tafovutlar mavjud. Bundan tashqari iqlim ham inson xarakterining shakllanishida muhim rol o`ynaydi. Bu haqida Arastu o`zining “Siyosat” nomli asarida shunday tavsiflab o`tgan: “Iqlimi sovuq bo`lgan mamlakatlarda istiqomat qiluvchi kishilar dovyurak bo`lishadi, ammo ularda xayoliy orzular va ixtirolar qilishga moyillik yo`q. Shuning uchun ham ular boshqa xalqlarga nisbatan ko`proq vaqt ozodlikni saqlab turishadi, biroq o`z qo`shinlariga boshchilik qilish va boshqarish qobiliyatiga ega emas, ular siyosiy rahbarlikka muhtojdirlar. Janubiy xalqlar, aksincha, chuqur o`ylaydigan va qiyin holatlardan chiqib ketishga ustadirlar. Ammo ular g`ayratli emaslar. Shuning uchun ham qullik va tobelik ularga xos “tabiiy holat” dir. Oraliq mintaqada

istiqomat qiluvchi yunonlar esa o`zlarida Shimol va Janub xalqlariga xos bo`lgan eng yaxshi xislatlarni jo qilganlar”. Darhaqiqat, o`tgan davrlardagi siyosiy voqea va jarayonlar Arastuning fikrini tasdiqlab beradi.

Geografiya atamasi ilk marotaba qadimgi yunon olimi Eratosfen tomonidan qo`llanilgan. Shu davrdan boshlab fan hozirgi kungacha rivojlanib tarmoqlanib kelmoqda. Maktablarda geografiya darsi 5-sinfdan boshlab o`qitiladi. Bunda 5-sinf o`quvchilarida “Tabiiy geografiyaning boshlang`ich kursi”, 6-sinfda “Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi”, 7-sinfda “O`rta Osiyo va O`zbekiston tabiiy geografiyasi”, 8-sinfda “O`zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy geografiyasi”, 9-sinfda “Jahon ijtimoiy-iqtisodiy geografiyasi”, 10-sinfda “Amaliy geografiya” darsliklari o`qitiladi. Geografiyaning o`rganish obyekti geografik qobiq bo`lgani uchun ham fanning vazifalari va ahamiyati keng qamrovlidir.

Bilimning birinchi xili “amaliy”, ikkinchisi esa “nazariy deb ataladi [1]. Ma’lumki, tabiiy fanlar bo`yicha olingan nazariy bilim o`zining amaliy mashg`ulotlari bilan mustahkamlanadi. Jumladan, geografiya darslarida ham turli amaliy mashg`ulotlar olib boriladi. Geografiya darslarida *kompas, ruletka, termometr, barometr, exolot, batometr, batiskaf, gigrometr, anemometr, flyuger, nivelir* va boshqa shu kabi asboblardan foydalanilishi kerak. Maktab o`quv jarayonlarida bu asboblarning ayrimlaridan foydalanishning iloji yo`q. Biroq kompas, termometr, barometr, flyuger, anemometr kabilar orqali amaliy mashg`ulotlar o`tkazish mumkin. Maktab o`quvchilari biologiya, kimyo, fizika kabi fanlarni ko`proq amaliy darslariga qiziqadilar. Shu fanlar qatorida geografiya ham tabiiy fan bo`lgani sabab o`zining amaliy mashg`ulotlari va topshiriqlari bilan yanada ahamiyatlidir. Amaliy mashg`ulotlarni o`tkazish orqali quyidagi natijalarga erishsa bo`ladi: 1) o`quvchilarda fanga bo`lgan qiziqish ortadi; 2) faqat nazariy bilim emas, amaliy bilim ham shakllanadi; 3) o`quvchilarda geografik jarayonlarga baho berish va fikrlash ko`nikmalari vujudga keladi.

Maktablarda geografiya fanini o`qitish pedagogdan ham geografik bilim, ham psixologik malakani talab qiladi. Chunki o`quvchi mavzularda beriladigan materik, okean, orol, yarimorol, cho`l, muzlik va hokazolarni tasavvur qila olishi kerak. Bunda albatta turli ko`rgazmali materiallarning o`rni katta. Biroq o`quvchilarga ma’lumotlarni yanada oson ilg`ab olishi va esda saqlashi uchun turli interfaol metodlardan ham foydalaniladi. “Interfaol” tushunchasi ingliz tilida “interact” deb ifodalanib, lug`aviy ma’nosi “inter” – o`zaro, ikki taraflama, “act” – harakat qilmoq, ish ko`rmoq demakdir. Mantiqiy nuqtai nazardan interfaollik, eng avvalo, ijtimoiy subyektlarning suhbat, o`zaro hamkorlikka asoslangan harakat, faoliyatning olib borishlarini ifodalaydi [2].

Xulosa qilib aytganda, geografiya fani pedagogi psixologik bilimlarga ega bo`lsa, darsning samaradorligi yuqori bo`ladi. Buning uchun kadrlarni tayyorlashda kerakli bilimlar berilishi kerak.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2016.

2. Nikadambayeva H.B., Po`ziyeva D.I., Karabazov Z.A. "O`rta Osiyo tabiiy geografiyasi" ni interfaol metodlardan foydalanib o`qitish imkoniyatlari: Uslubiy qo`llanma. – T.: O`zMU, 2017.

3. Sharipov Sh.M. Tabiatni muhofaza qilish va geoekologiya. – T.: "LESSON PRESS", 2016.

## ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Очилова З.З.*
*Қарши Давлат Университети ўқитувчиси*

Олийгоҳларда психологик машғулотларни ўтказиш тажрибасидан маълумки, талабаларга ўзининг касбий сифатларини такомиллаштириш жараёнида педагогик мулоқотнинг ўрни муҳимлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Педагогик мулоқотнинг монологик ва диалогик шакллари бир-бирига қарама- қаршилигини таъкидлаш жоиз. Монологик мулоқотда субъект-объект муносабатлари мавжуд,ўқувчи, талаба, синф, гурух мулоқотнинг объекти ҳисобланади. Диалогик мулоқотда субъект- субъект муносабати мавжуд бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчи мулоқоти ўзаро ҳамкорликка асосланади ва таълимни инсонпарварлаштиришга хизмат қилади. Ҳамкорликка асосланган педагогик мулоқот таълимга ижодкорлик руҳини бағишлайди. Гурухда, ўқув жараёнида ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги педагогик мулоқотни шартли равишда учта даражага ажратиш мумкун. Педагогик мулоқотнинг юқори даражаси ўзаро ишонч, бир бирини тўғри тушуниш, самимийлик характерда намоён бўлади. Мулоқот ўртача даражада бўлиши, шунингдек, қуйи даражада бир-бирини тушунмаслик, бегоналик совуқлик тавсифида ҳам мавжуд бўлади.

Педагогик мулоқот В. Г. Ананъев таъкидлаганидек, ўқитувчи- ўқувчи муносабатларида ижобий ёки салбий характерда ҳам кўзга ташланади. Ижобий мулоқот- маъқуллаш, рағбатлантириш, мақташ, ҳазил- мутойиба, илтимос, маслаҳат тавсифига эга. Мулоқотнинг салбий кўриниши – танбеҳ бериш, мазаҳ қилиш, таъна қилиш, дўқ-пўписа,ҳақоратлаш тавсифига эга бўлади.

Коммуникатив ўзаро таъсирнинг юқорида келтирилган турли услублари таълим жараёнида ўқувчилар билан мулоқотда ўқитувчи хулқининг бир неча моделларини вужудга келтиради (яратади). Психология фанида улар шартли равишда қуйидагича ифодаланади.

1. Диктаторлик модели. Бундай хулқли ўқитувчи ўзини жуда баландпарвоз тутади, талабалар унинг учун ҳеч нарса эмас; оддий тингловчи холос. Ҳеч бир шахсий ўзаро таъсир кўрсатиши содир бўлмайди. Педагогик функцияси таълимий ахборотларни етказишдан иборат.

2. Ноконтакт("Хитой девори") модели. Ўқитувчи хулқининг бу модели ўзининг психологик хусусиятларига кўра диктаторлик моделига яқин туради. Фарқи шундаки ўқитувчи билан таълим олувчи бир-биридан озгина

хабардор. Ўзаро хамкорлик қилишга интилиш йўқ. Ўқитувчи ўзини катта тутади, талаба билан диалогик мулоқот қилинмайди.

3. Табақалаштирилган диққат модели. Бу модел ўқитувчининг танланган айрим талаба билан мулоқотга бўлишига асосланади. Ўқитувчи талабалар жамоаси билан эмас, айрим иқтидорли ёки бўш ўзлаштирувчи ўқувчи билан мулоқотда бўлиб, талабалар жамоаси ҳақида мулохаза (фикр) билдиради. Бунинг натижасида ўқитувчи- талаба тизимида ўзаро тарбиявий таъсир ўтказишнинг яхлитлигига путур етади.

4. Гипорефлекс модели. Бундай хулқли ўқитувчи педагогик мулоқотда ўзи билан ўзи овора, гапи монологик характерда, тингловчиларга эътибор бермайди. Натижада мулоқот қилувчилар бир- биридан ажралиб қолади, таълим- тарбиявий таъсир йўқ даражада.

5. Гиперрефлекс модели. Ўқитувчининг бундай хулқи психологик – хусусиятига кўра олдинги гипорефлекс модилининг қарама - қаршисидир. Ўқитувчи мулокот чоғида ўзаро тарбиявий таъсир ўтказишнинг мазмундан кўра ташқи жиҳатига кўпроқ эътибор қаратади, жаҳлдор. Натижада ўқитувчининг асаббузарлиги талабаларнинг қарши ҳатти- ҳаракатларига турли ҳолатларига сабаб бўлади. Бундай вазиятда ўқитувчининг етакчилик роли сезилмайди.

6. Қайсарлик модели. Бундай ҳулқли ўқитувчи ўқув машғулотларида ўзи билган дидактик қоидаларга амал қилаверади, янгича шароитларга мослашмайди, мавжуд реал муомала вазиятини англамайди, талабаларнинг таркиби, ёш ва этник хусусиятларини хисобга олмайди натижада уринишлари бекорга кетади педагогик ўзаро таъсирнинг самараси паст бўлади.

7. Авторитар (“Мен- ўзим”) модели. Таълим- тарбия жараёнида ўқитувчи бош фигура ва ягона харакатланувчи шахс. Савол ва жавоблар ҳам, мулоҳаза ва далиллар ҳам ундан чиқади; ижодий ҳамкорлик ўзаро таъсир йўқ ; талабаларнинг ўқув-билув фаоллиги жуда паст даражада. Натижада талабалар пассив тингловчига айланиб қолади.

8. Фаол ўзаро таъсир модели. Бундай хулқли ўқитувчи таълим олувчилар билан мунтазам диалогик мулоқотда; талабаларнинг кайфиятини кўтариб, ташаббускорликларини рағбатлантириб боради; мулоқотда талаба билан ўқитувчи ўртасида дитанция (фарқ) сақланган холда дўстона ўзаро таъсир услуби хукмрон. Натижада ўқув, ташкилий, ахлоқий муаммолар биргаликда хал этилади. Ўқитувчининг бундай хулқи энг махсулдор, самарадорлидир.

Таълим- тарбия жараёнида қулай (оптимал) педагогик мулоқот ўрнатишда қуйидагича коммуникатив усуллардан фойдаланиш маъқул

1. Педагогик мулоқотга салбий таъсир қиладиган коммуникатив тўсиқларни бартараф этиш усуллари:

- ўқув машғулотида талаба билан ўқитувчи мулоқоти пайтида хатолардан қўрқмасликка ва мухитини яратиш;

- диалогда талабанинг қатнашганини, жавоб беришга уринганини қўллаб қувватлаш;

- талабанинг ўқитувчига, ўртоқларига мурожаат қилишини маъқуллаш;

- ўқувчи ташаббус кўрсатиб, оғзаки жавоблар беришини рағбатлантириш;

- камгап, коммуникатив нуқсонли ўқувчининг жавоб бериши, сўзлаши учун қулай имконият,шарт- шароит яратиш;

-ўқув машғулотида айрим талабалар ўртоғининг ижодий ташаббусини сўндирувчи хатти- харакатига йўл қўймаслик.

2. Таълим жараёнида коммуникатив алоқага қилишга ёрдам бериш усуллари:

- сўзларни тўғри танлаш, нутқни тўғри тузиш пайтида ёрдамлашиш;

- конкрет мулоқот пайтида коммуникатив алоқа қилиш норма ва қоидаларининг маъносини тушунтириш;

- коммуникатив алоқа усулларини, сўзлаш ва муомала техникасини бевосита ва бевосита ўргатиш;

- ўқитувчи билан диалогда зарур холларда талабанинг хулқи, ҳатти-харакатларини ўринли танқид қилиш;

- талабага бўлган эътиборни унинг ўқитувчи билан диалогга киришишини оғзаки ва бошқа воситалар билан қўллаб- қувватлаш;

- талаба вазиятни тушуниб, фикрларини жамлаб олишига имкон яратиш.

3. Талабаларнинг ўқув- билув ташаббускорлигини қўллаб- қувватлаш усуллари:

- Ўқув машғулоти жараёнида талабаларни ўқитувчи билан фаол мулоқот қилишда бевосита ундаш;

- Ташаббус кўрсатган талабаларни гурух нима учун рағбатлантирилаётганини гурух жамоаси олдида асослаш;

- Талабаларга намуна бўлиши учун ўз хатоларини танқид қилиш;

Юқоридаги усуллардан фойдаланиш таълим жараёнида ўзининг ижобий самарасини беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды.-В 2-х томах.-М.: 1980.-287 с.
2. Антология педагогической мысли Узбекистана ( Под ред. С.Р. Раджапова, О. С. Аббасовой и др.)-М.: Педагогика, 1986.-319 с.
3. Жабборов А.М. Педагогик психологиянинг этник асослари. –
4. Т.: Заркалам, 2006. – 48 б.
5. Давлетшин. М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
6. Мақсадова М. Жабборов А. Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг психологик асослари- Насаф, 2009. – 75 б.

# БЎЛҒУСИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

*Очилова Х.Ф.*
*Қарши шахар 10-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси*

Профессионал-педагогик фаолият самарадорлигининг зарур шартларидан бири бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлигидир. Касбий тайёргарлик деганда киши психик (руҳий) холати ва жисмоний соғломлигининг тегишли даражаси бажариладиган иш-фаолият талабларига мос келиши тушунилади. Таниқли психолог-олим К.К.Платонов таъкидлаганидек, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги-шахснинг субъектив ҳолати бўлиб, у ўзини тегишли касбий фаолиятни бажаришга қобилиятли ва тайёр деб ҳисоблашини билдиради.

Бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги мураккаб, кўп босқичли (даражали), кўпқиррали (психик) тизимли тузилмадир.

М.И.Дьяченко, А.М.Столяренколар мутахассиснинг касбий тайёргарлигида бир-бири билан ўзаро боғлиқ қуйидаги икки жиҳатни кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

1. Дастлабки (олдинги) тайёрлик – шу ишни бажаришга имконияти (қобилияти) мавжудлиги. Бу кишида барқарор руҳий тузилмаларни-касбий фаолиятига доир билим, кўникма, малакалар, касб учун муҳим шахсий сифатлар мавжудлигини ўз ичига олади.

2. Бевосита тайёрлик – у мутахассиснинг руҳияти маълум шарт-шароитларда касбий вазифаларни бажаришга тайёрлигини тақазо қилади. Касбий тайёргарликнинг бу жиҳати бўлажак ўқитувчининг руҳий холати вазиятга қараб ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги, динамик (жўшқин)лиги билан; мутахассиснинг психик ҳолати ва жисмоний соғломлиги билан, жамоадаги маънавий-руҳий вазият билан характерланади (тавсифланади).

Дастлабки психологик тайёрлик бевосита касбий тайёргарликка асос бўлади. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасасида бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёни ёшларда психологик тайёрликни касбий-педагогик фаолият учун етарли даражада шакллантиришни талаб этади.

Маълумки, ўқитувчи-мутахассиснинг касбий тайёргарлиги унинг чуқур билимга, педагогик маҳоратга эга бўлишини, шунингдек ўзини, ўз кайфиятини бошқара олишини, ўзининг психик, ахлоқий ва жисмоний имкониятларини таълим-тарбия ишига сафарбар эта олишини назарда тутади.

Касбий тайёргарликнинг етакчи ва мураккаб томонли (жихати) мутахассиснинг психик, профессионал-психологик тайёрлиги ҳисобланади. Бу, касбий вазифаларни бажаришга мутахассиснинг руҳий кучлари, психикаси тайёрланганлик даражаси билан боғлиқ.

Мутахассис психикаси (руҳияти) касбий тайёргарликнинг асосий қисм (компонент)лари қуйидагилар:

1. **Ориентир олиш, ақлий билиш компоненти**. Бу компонент мутахассис шахсининг касбий билиш соҳаси идрок, тафаккур, хаёл, хотира, диққати ривожланиши маълум даражасини ўз ичига олади. Бу, мутахассис шахсининг ақлий билиш тайёрлигини ташкил этади.

2. **Ундайдиган,эҳтиёж-мотив қисми** у, шахснинг касбий йўналишини ва иш фаолиятини бажаришга куч-ғайрат сарфлашга тайёрлик даражасини белгилайди. Танлаган касби, ихтисослигининг маъноси, аҳамиятини англашга, касбига ижобий муносабатда бўлишига асосланади. Олий таълим муассасасида таълим олиш шароитида касбий фаолиятини эгаллашга тайёрлик мотиви таълим жараёнида талаба шахсининг самарали ривожланишига ундовчи куч ҳисобланади.

3. **Ижро этувчилик компоненти** – профессионал-педагогик маҳоратни касбий қобилиятларининг зарурий ривожланиш даражасини, иродаси қатъийлигини, ўз хулқини, ҳатти-ҳаракатларини бошқара олишини ўз ичига олади.

Талаба шахсининг касбни эгаллашга йўналтирилганлиги ва профессионал маҳоратини касбий тайёргарликнинг негизини ташкил этади.

Замонавий мутахассиснинг касбий тайёргарлигида унинг коммуникатив тайёрлиги жуда муҳим. У бу коммуникативлик профессионал муҳитда одамлар билан фикр алмашишда ўзаро алоқа қилишга доир кўникма ва малакаларни етарли даражада бўлишини, касбдошлари ва раҳбарлар билан касбий мулоқот кўникмаси ва малакасини, жамоа аъзолари билан иш юзасидан ва шахсий мулоқотга тайёрлигини, ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти мавжудлигини назарда тутади.

Шахснинг коммуникатив тайёрлиги кишининг нутқий маданияти, сўзларни ўрнида, тўғри ишлата олиш кўникмаси етарли даажада бўлишига боғлиқ. Шахснинг нутқ маданияти-тафаккури ўсганлик даражасининг муҳим кўрсаткичи; мутахассиснинг касбий нутқий маданияти унинг профессионал тафаккури ривожланишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёш мутахассисни тайёрлашда унда умумий ва касбий нутқ маданиятини (ўстириш) уни шахс сифатида ва мутахассис сифатида шакллантиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мутахассиснинг коммуникатив тайёрлиги унда яхши ният, хайрихоҳлик, ўртоқлик, мулоқотга киришувчанлик, жамоавийлик сифатлари мавжудлиги; касбдошлари билан ўзаро алоқа, фикр алмашиш ва муносабатларда тўсиқ, танглик келтириб чиқармасликка тайёргарлигини; пайдо бўладиган низоларни ўз вақтида бартараф эта олиш қобилиятига эга бўлишини назарда тутади.

Касбий фаолиятда ютуққа эришишнинг асосий психологик шарт-шароитлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Ютуқ тўғрисида кўпроқ ўйлаш (фикрлаш);
- Ўз кучига ишониш;
- Ютуққа эришиш мотивларини фаоллаштириш;
- Нимага эришмоқчи эканлинини аниқ билиш;

- Қандай харакат қилиш кераклигини билиш, яхши кайфият ва ғалабага ишониш;
- Учрайдиган ҳар бир тўсиқни мақсадга эришиш йўлида трамплин (зинапоя)га айлантира билиш;
- Кичик бир ютуқдан ҳам хурсанд бўлиш, бахтиёрлик ҳиссини туйиш.

Касбий фаолиятнинг самарали бўлишида ғалабага эришиш мотивининг кучлилиги алоҳида роль ўйнайди.

Замонавий мутахассиснинг касбий фаолияти самарадорлиги, унинг хаёт, ижтимоий амалиёт кун тартибига қўяётган янги вазифаларни излаш ва пайқаш қобилиятига ҳамда психологик тайёрлигига кўпроқ боғлиқ. Замонавий мутахассиснинг юксак касбий маҳорати бажарадиган ишига ижодий ёндаша билишини, журъатли бўлишини янги-янги йўл, усул, воситаларни излаб топа билишини тақазо этади.

Шу билан бирга ёш мутахассиснинг профессионал ва умумий эрудацияси (заковати), касбий дунёқараши, социал етуклигининг зарур даражаси касбий тайёргарликнинг таркибий қисмлари бўлиб, ёш мутахассиснинг турли социал – сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий, шароитларда ўзи учун мақбул, тўғри йўлни танлашида муҳимдир.

Ана шундай касбий тайёргарликка эга бўлган ёш педагог-мутахассис ҳозирги шароитда, замонавий меҳнат бозорида рақобатбардош бўла олади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Климов Е.А. Путь в профессию. - Л.: 1974. – 143 с.
2. Жабборов А.М. Педагогик психологиянинг этник асослари. – Т.: Зарқалам, 2006. – 48 б.
3. Давлетшин. М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
4. Мақсадова М. Жабборов А. Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг психологик асослари- Насаф, 2009. – 75 б.

## YOSHLAR VA OILA PSIXOLOGIYASI.

*Pardayev A.M.*
*Surxondaryo viloyati Oltinsoy tumani*
*31-umum ta'lim maktabi o'qituvchisi*

*Ertaga butunlay boshqa bir insonga aylanish uchun, bugundan harakat qil.*
*(Epikur).*

O'z mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan Respublikamiz yoshlarini yangicha ijtimoiy muhitga tayyorlash, davr ruhida tarbiyalash - dolzarb va ustuvor vazifalarrdan biri. Hozirgi kunda Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohatlarning rivoji yoshlarning manaviy qiyofasiga, shaxsiy barkamolligiga ham ko'p jihatdan bog'liq bu vazifalarni amalga oshirish insoniy o'zaro munosabatlarda

demokratik tamoyillarning teran tafakkur etishni taqozo etadi. Insonlar orasidagi ijtimoiy munosabatlar Sharqda o'ziga hos va har bir millat psixologiyasiga mos holda qaror topgan.

Rivojlanib borayotgan jamiyatimizda sog'lom avlodni, komil insonlarni voyaga yetkazish masalasiga katta e'tibor berilmoqda.

Konstitutsiyamizning 14-bobida ham oila jamiyatning asosiy bo'g'inini va jamiyat va davlat muhofazasida bo'lish huquqiga ega ekanligi ko'rsatib o'tilgan.

Oila poydevorini qurishning asosiy tamoyili-u insondagi eng yaxshi fazilatlarni rivojlantirishini tushunish hisoblanadi. Bu esa jud ham oson!

E'tibor bering-a, aslida avlodni davom ettirish juftlikning qiziqishlarini himoya qilish, uzoq vaqt birga bo'lish shuningdek, oiladagilarning har hiri o'sib rivojlanib borishi uchun turmush quriladi. Oilaga rivojlanishining yangi bosqichi sifatida qaralar ekan, biz ham turmush qurishga umuman boshqacha yondoshishimiz mumkin.

«Biz bir-birimizni sevamiz, shuning uchun birga yashashni hohlaymiz» deb turmush qurib ketaverish oqibatida har doim ham yaxshilik bilan tugamaydi. Chunki bunday oila tez buziladi yoki ko'plab muammolarga duch keladi. Shuning uchun turmush qurishdan oldin yaxshilab o'ylab ko'ring. Kelajakda bu odam bilan birgalikda rivojlana olasizmi? U rivojlanishga tayyormi? U bilan birga rivojlanish men uchun qiziqarlimi? U bilan birga bir yo'nalishda bora olamizmi? kabi savollarga javob toping. Bu savollarga hali «qirg'oq» daligida, «oila qayig'i»ga o'tirmasdan turib vijdonan javob bergan ko'pchillik o'ziga: «To'xta! Men u bilan siljiy olmayman!» deb aytishi mumkin.Shunda tez orada yemirilishga mahkum etiladigan ittifoqlar va ajralishlar soni kamayadi.

Yosh oila ko'pgina qiyinchiligu muammolarni boshidan kechiradi va askariyat hollarda eri-hotinning bir-birlariga bo'lgan katta da'volari bilan buzilib ketadi. Aslini olganda hammamiz bir-birimizni sevamiz va bu sevgining teranligini ochib bera olamiz. Oilani esa siz bilan bir tomonga qaraydigan, siz bilan bir-xil tezlikda, bir yo'nalishda boradigan inson bilan qurish zarur.

Inson - ongli mavjudot. Lekn ong unga faqat u yoki bu kasblarni egallashi uchun berilmagan. Inson boshqa odamlar bilan oqilona munosabat o'rnatib rivojlanishi zarur. Axir u yer yuzidagi ongli ravishda taraqqiy etuvchi, rivojlanuvchi yagona mavjudod. Keling oila qurish masalasiga ongli ravishda yondoshaylik! Shunday qilaylikki, tuzilgan ittifoq albatda baxtli oilaga aylansin.

Oiladagi tarbiyaviy jarayon o'ziga xos xususiyatga ega. Uning oxir va avvali yo'q. Biz bolani tug'ilgandan boshlab tarbiyalaymiz. Bola ota-onasining xatti-harakatlarini taqlid qilish orqali o'rganadi, ular aytgan so'zlarni takrorlaydi. Demak, ota-ona bola shaxsi shakllanishi uchun ideal tarbiyachi bo'lishi kerak. Oiladagi tarbiyaviy jarayon avvalo bola bilan ota-ona o'rtasidagi doimiy muloqotdir. Bolaning tarbiyasi yaxshi bo'lishi uchun uni sevish kerak. Biz bola bilan muloqotda necha minut vaqt ajratamiz? Shuni o'ylab ko'rish kerak. 1 soat vaqt ajratsak, bu yaxshi. Tadqiqodlarning ko'rsatishicha, ota-ona va bola o'rtasidagi o'zaro muloqot 1,8 soatni tashkil qilar ekan. Bola savol bersa ayrim ota-onalar javob bergisi kelmaydi. Ona ovqat tayyorlash bilan ovvora, ota gazita o'qish bilan. Turli yoshdagi farzandlarda u yoki bu muammo bo'lishini biz kattalar bilishimiz,

unga vaqt ajratabolishimiz kerak. Moddiy g'amxo'rlik bolaga, uning tarbiyasi uchun, muloqoti shakllanishi uchun yetarli emas. Bolaning qalbiga quloq sola bilish muhim. Ota-ona o'rtasidagi nizolar kelib chiqish sabablaridan biri bolaga e'tibor bermasligidadir. Nima uchun biz hamkasblarimiz bilan, do'stlarimiz bilan qancha muloqotda bo'lsak ham qoniqmaymiz, lekn farzndimiz bilan kam muloqotda bo'lamiz?

Ota-onaningbe'tibori oilada hissiyot madaniyatini tarbiyalashga yordam beradi. Shunday savol tug'iladi: Nima uchun o'smirlar jinoyatchilik ko'chasiga kirib qolyabdi? Masalan o'smirlar keksa kishini kaltaklashayabdi. Demak, biz kattalar farzandimizga e'tiborliroq bo'la olmayabmiz. Ularning ko'ngliga quloq solmayabmiz. Ularda boshqalar g'amiga hamdard bo'lish tuyg'usini shakllantira olmayabmiz. Yoshlar bilan moda haqida gaplashsangiz siz bilan ko'ngildan muloqotda bo'ladilar. Shu tariqa ularning ko'ngliga qo'l solish mumkin.

Bolalar bilan ota-ona o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni tashkillashtirish uchun turli to'siqlar halaqt beradi. Jumladan, band bo'lish «to'sig'i»- ota-onalar doimo band bo'lishadi, bolaga e'tibor bera olmaydilar, chunki ularning uy yumushlari ko'p. Bu bolada hissiy rivojlanishining to'xtashiga olib keladi. Ikkinchi to'siq - yoshga bog'liq bo'lib bunda kattalarning yoshi ulug' bo'lgani uchun bolanintushunmaydilar. Bolaning ichki dunyosini hisobga olmaydilar. Kattalar uchun arzimaydigan narsalar bola uchun muhim bo'lishi mumkin. Eski qolb «to'sig'i»- ota-onalar o'z bolasining yoshi ulg'ayib borayotganini sezishmaydi. Farzand ulg'ayib borgan sari ota-onasining u bilan hisoblashishlarini istaydi. Shuning uchun ular o'rtasida tushunmovchiliklar, nizolar tug'iladi. Biz kattalar farzandlarimiz bizni doimo tinglashlarini xohlaymiz, bizga bo'ysunishlarini istaymiz. Ularning mustaqil fikrlarini eshitishfa erinamiz. Demak, kattalar bolaga nisbatan eski qarashlarni yo'qotishlari lozim. Shunda o'rtadagi to'siq yo'qoladi.

Tarbiyaviy an'analardagi «tosiq»- ota-onalar oiladagi ilgarigi tarbiyaviy ta'sir usullarini qo'llaydilar, bolaning ruhiy rivojlanishi darajasini hisobga olmaydilar. Ular o'z malakalarini oshirish ustida ishlamaydilar. Natijada bola bilan o'rtalarida to'siq paydo bo'ladi, ular bir-birlarini tushuna olmaydilar.

Didaktizm - bunda ota-onalar bolaga doimo aql o'rgatadilar. Bolaning har bir qadami o'lchanadi, baholanadi. Bu esa bolada zo'riqishni yuzaga keltiradi, asabiy bo'lib qoladi. Demak, yuqoridagi «to'siqlar»ni yo'qotish uchun ota-ona farzandi bilan to'g'ri muloqotda bo'lish yo'llarini izlab topishi kerak. Shundagina bola bilan til topisha olishlari mumkin bo'ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Muloqot psixologiyasi. M. Maxsudova. Toshkent sh. 2006-Yil
2. Qiziqarli psixologiya. N. Odilova. Toshkent sh. 2012-Yil.

# ZAMONAVIY TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA SHAXSIY RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIM TEXNOLOGIYALARI VA ULARNING PSIXOLOGIK ASOSLARI

*Pardayeva M.*
*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti talabasi*

**Annotatsiya:** Maqolada hozirgi kunda kirib kerlayotgan yangicha ilg'or ta'lim texnologiyalari xususiyatlari, shu jumladan shaxsni rivojlantirishga yo'naltirilgan va shaxsda boshqaruvchilik, liderlik xususiyatlarini shakllantira oladigan ta'lim texnologiyalarini qo'llanishi doirasi va shaxsni kasabga tayyorlashdagi psixologik ko'nikmalari haqida fikr yuritiladi

**Kalit so'zlar:** ta'lim texnologiyasi, psixologik tayyorgarlik, shaxga yo'naltirilgan ta'lim, o'yin texnologiyalari, psixologik yetuk kadr.

**Аннотация:** В статье рассматриваются особенности новых передовых образовательных технологий, которые в настоящее время вводятся, в том числе сфера применения образовательных технологий, которые ориентированы на развитие личности и могут сформировать лидерские, лидерские и психологические навыки при подготовке человека к профессии. упоминается

**Ключевые слова:** образовательные технологии, психологическая подготовка, личностно-ориентированное обучение, игровые технологии, психологически зрелые кадры.

**Annotation:** The article discusses the features of new advanced educational technologies that are currently entering, including the scope of application of educational technologies that focus on personal development and can form leadership, leadership skills and psychological skills in preparing a person for the profession referred to

**Keywords:** educational technology, psychological training, person-centered education, game technology, psychologically mature staff.

Ma'lumki, har qanday jamiyat o'z taraqqiyot yo'lida ildam borish va farovon hayot strategiyasini yo'lga qo'yishda, shubhasiz ta'lim-tarbiyaning uzluksizligi bilan birgalikga jamiyatning a'zolarini qanchalik bilimli, madaniyatli, zukko va har sohada ilg'or bo'lishiga katta e'tibor qaratadi. Bu yo'lda har qanday davlat o'z startegiyasini ishlab chiqadi, ta'limdan ko'zlangan marraga erishish yo'lida, yetarlicha yangiliklar kiritadi va keraklicha moddiy-texnik bazasini ishga soladi. Shu jumladan, bizning mustaqil mamlakatimiz O'zbekiston ham o'z mamlakati yoshlarini har qadamda qo'llab quvvatlaydi kerak bo'lgan barcha shar-sharoitlarga zamin yaratadi. Darhaqiqat, davlatimiz ilk mustaqillik yillaridanoq ta'lim-tarbiya mazmunini boyitish, uni yanada takomillashtirish va yoshlarni qo'llab-quvvatlash maqsadida, 1997-yil 29-avgust "Kadrlar tayyorlash milliy darsturi" va "Ta'lim to'g'risida"gi qonunni kuchga kirishi va uni hozirgi kunda yanada takomillashtirib zamon talablariga moz tarzda mazmunini boyitish ishlarini amalga oshirilayotgani yuqorida ta'kidlagan fikrlarimizni yaqqol isboti desak mubolag'a bo'lmaydi.

Har bir sohaga nazar tashlar ekanmiz, yetuk kadrlarga doimo talab katta va ehtiyoj mavjud ekanligini payqaymiz. Shu boisdan ham kadrlarni tayyorlash ularni yetuk bilim sohibiga aylantirish albatta ta’lim jarayonining oldida turgan bosh vazifasidir. Bu vazifani ado etishda esa ta’lim jarayoni samarali tashkil etilgan, talaba va o’qituvchi o’rtasida munosabatlar uchun har ikki subyekt psixologik tayyor bo’lishi, dars jayayonini tashkil etilganda esa talabalarning yosh va individual xususiyatlari inobatga olinishi va albatta zamonaviy ta’lim texnologiyalar esa yuqoridagi xususiyatlar bilan bir-biriga monand bo’lishi lozim.

Hozirgi kunga kelib, dunyoda turlicha ta’lim texnologiyalari dars jarayonlariga tatbiq etilmoqda va zamon talabiga ko’ra, ta'lim jarayonining barcha imkoniyatlariga ko'ra shaxsni rivojlantirish, ijtimoiylashtirish va unda mustaqil, tanqidiy, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashga yo'naltirilishi va kelajakda kasbiy faoliyatda ruhiy va psixologik tayyorgarligini shakllantirilish talab qilinmoqda. O'zida ana shu imkoniyatlarni namoyon eta olgan ta'lim shaxsga yo'naltirilgan ta'lim deb nomlanadi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalarda, o'quvchi shaxsi pedagogik jarayon markaziga qo'yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratiladi. Shu bilan birga eng samarali va kadrlarni kelajakda kasbiy tayyorgarligiga psixologik yordam beradigan ta’lim texnologiyalaridan biri ham aynan shaxsga yo’naltirilgan ta’lim tenologiyalaridir. Shaxsga yo’naltirigan ta’lim texnologiyalari ta’lim jarayoniga tatbiq etilganda talabaning fikrlash va harakat strategiyasini inobatga olgan holda uning shaxsi, o'ziga xos xususiyatlari, qobiliyatini rivojlantirishga shar-sharoitlar yaratib beriladi va vujudga kelishi kutilajak muammmoli yoki kasbiy vaziyatlarga ruhiy tayyorgarlik kabi xususiyatlari shakllantiriladi**.** Shu bilan birga pedagog va talaba o'rtasidagi o'zaro munosabat hamkorlik va tanlash erkinligiga asoslanib, talabani qadriyat sifatida e'tirof etilishini uchun sharoit yaratadi. Ta’lim jarayonida qo’llash mazmuniga ko’ra shaxsga yo’naltiruvchi ta’lim texnologiyalarini ko’plab turlari farqlanadi, masalan modulli, muammoli, kompyuterli, hamkorlikdagi, masofaviy, loyihaviy, dasturlashtirilgan va bu kabi kabi qatorni uzoq davom etttirishimiz mumkin. Chunonchi, barcha ta’lim texnologiyalari shaxsiy rivojlanish strategiyasini takomillashtirish uchun xizmat qilsada, kelajakdagi kasbiy faoliyat yo’lida qoqilmaslik va har qanday vaziyatlarga psixologik tayyor bo’lib, ularni hal qila oladigan kadrlarni tayyorlashda didaktik o’yinli ta’lim texnologiya ya’ni syujet-rolli ta’lim texnologiyalarnining o’rni beqiyos ekanligini e’tirof etish joiz. Rolli o‘yinlar ishbilarmonlik o‘yinlari deb ham ataladi, bu turdagi o’yinlar yuqorida ta’kidlangandek, muammoli vaziyatlardagi topshiriqlarning bir ko’rinishi hisoblanadi. Rolli o’yinlar vaziyatga moslashuvchanlikka psixolgik tarbiyalagani sababli obrazlar va sahnaviy ko’rinish tashkil etish orqali namoyon qilinadi. Shubhasiz buning natijasida, talaba shaxsida ishbilarmonlik, bilimdonlik, topqirlik, quvnoqlik, hozirjavoblik, ijodkorlik, artistizm, ishchanlik, moslasuvchanlik, kasbga muhabbat, ruhiy tayyorgarlik, izlanuvchanlik, har qabday vaziyatga qarshi chiqa olish va yaratuvchanlik kabi fazilatlarni namoyish qilishga keng imkon beradi. Bu kabi ta’lim texnologiyalarida o’qituvchi shaxsi juda ham muhim o’rin egallaydi sababi, o‘qituvchi har bir o‘quvchining salohiyatiga mos vazifa topshirishi juda muhimdir. Talabalarning

psixologik jihatlarni inobatga olgan holda birinchi va ikkinchi darajali ishtirokchilar bo‘lmasligini ta’minlash maqsadga muvofiq hisoblanadi, chunki bu kabi darajalanishlar talabaga ruhiga salbiy ta’sir ko’rsatishi mumkin. O‘quv mashg‘uloti jarayonida talabalar hayotdagi duch kelishi mumkin bo’lgan vaziyatga real hayotdagidek yaqinlashish imkoniyatiga ega bo’ladilar. Bu kabi o’yinli texnologiyalarini misol orqali talqin etadigan bo’lsak, ulardan biri iqtisodiyot sohasida ta’lim oluvchi talabalar shaxsiga yo’naltirilgan va ularni kelajakdagi muammoli vazyatlarga psixologik tayyorgarligini shakllantiruvchi «Iqtisodchi-rahbar» texnologiyasidir. Bu o’yinli texnologiya talabalarni ijodiy, mustaqil, obrazli fikrlashga va vaziyatdan kelib chiqib qaror qabul qilishga o‘rgatadi. Masalan, rolli o’yin asosida dars mashg’uloti tashkil qilinganda «O‘zini-o‘zi boshqarish», «Rahbarning tashkiliy qobiliyatlari», «Zamonaviy tadbirkor shaxsi», «Zamonaviy iqtisodchining shaxsi» deb nomlanuvchi mavzular asosida «Iqtisodchi-rahbar» degan yangi usuldan foydalaniladi. Dars davomida asosiy qismiga yetib kelganimizda, har bir talabaga varaqlar tarqatiladi, ularda «Men-firma direktori», «Men-rektor», «Men-bankir», «Men-tadbirkor», «Men-deputat», «Men-menejer boshqaruvchi», «Men-marketolog», «Men-moliyachi» kabi sarlavhalar yozilgan bo’ladi. Har bir guruh talabasi o‘ziga tushgan faoliyatni ta’riflab, mazmunini ochib beradi,uning ish yuritishi va hatto, kiyinishigacha gapirib beradi. Javob beruvchi talabaga beriladigan savollarning 5-7 tadan oshmasligi shart. Oxirida tahlil qilingan obrazning ishi va uning kasbiy sifatlari, mehnat faoliyatining mazmuni, ish sharoitlari, o‘ziga xos harakatlarining manzarasi ifodalanadi. Bu vazifalar bajarilgandan so’ng, o’qituvchi tomonidan har bir savlavga moslab tuzilgan muammoli vaziyatlar havola etiladi va yuzaga keltirilgan muammoli vaziyatlarga talaba «Qanday yo’l tutish lozim?», «Tanlangan yo’lni ijobiy yoki salbiy tomonlari mavjudmi?» kabi savollarga javob beradilar, bu vazifaning asosiy maqsadi, kasb faoliyatida yuzga keladigan muammolarni ijobiy tomonga hal qila olish, zukkolik, tezkorlik qobilyatlari va ushbu vaziyatlarda o’zini tuta bilish kabi psixologik tayyorgarlikka yo’l ochib berishdan iborat. Bu o’yinli texnoloiyaning yana bir yutuqli tarafi shundaki, agar lozim topilsa talabalar real hayotdagi faoliyatda o’zlarini his qilib ko’rishlari uchun ish rejalari yoxud korxona yoki firmalarni rivojlanish istiqbollari haqida taklif va mulohazalar yuritishlari mumkin. Bu o‘yin-usuli talabalarni ijodiy, mustaqil, obrazli fikrlashga o‘rgatadi. Ish rejasini tuzish, tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini va kasbga ruhiy tayyorgarlik kabi xususiyatlarni rivojlantiradi. O’yinli yoki syijetli rolli ta’lim texnologiyalarini tashkil etib biz darsda yuqori ehtimol ta’lim samadorligiga va talaba-o’qituvchi munosabatlarini mustahkamlashga erishishimiz mumkin. Psixologik bilimga ega bo’lgan ta’lim beruchi dars jarayonida talabalar bilanmuloqotga kirishganda ular bilan yanada yaqinroq munosabatda bo’ladi va ularning individual xususiyatlari haqida ham ko’proq ma’lumot olishga va shunga ko’ra, kelajakda munosabatlarni shakllantirishga asosiy mezon bo’ladi desak, yanglishmagan bo’lamiz.

Ta’lim dargohlarida shu va boshqa turdagi zamonaviy ta’lim texnologiyalari jorriy etilar ekan, ular ko’p bora tilga olinadigan xalqaro ta’lim standardlariga javob bera olish ko’nikmalari shakllanishiga zamin yaratadi va albatta kasbiy faoliyatga ruhan tayyor bo’lib, uni sevishga va mehr muhabbat bilan o’z

faoliyatimizga psixolgik ko'nikmalar shakllantirishga ko'mak beradi. Bu esa albatta ham aqliy ham psixologik yetuk kadr bo'lishni bosh mezoni desak, mubolag'a bo'lmaydi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

[1] Omonov.H.T, Xo'jayev.N.X, Madyarova.S.A, Eshchonov.E.U. "Pedagodik texnologiya va pedaogik mahorat". Darslik. Toshkent-2007. 85-86-b

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ЎРНИ

*Пўлатова О.Х.*
*Андижон машинасозлик институти*

Олий таълим тараққиётида интернационаллашув, глобаллашув ва ахборотлаштириш тенденцияларининг кучайиб бориши кузатилаётган бугунги шароитда бўлажак мутахассисларни самарали мулоқотга тайёрлаш ҳамда уларнинг глобал фикрлашини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги глобал тенденциялар ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш талабларига мос равишда олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқот технологиялари ва техникасига тайёрлаш, уларда мулоқот маданияти, эмпатия, нотиқлик маҳорати каби касбий ва шахсий сифатларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Жаҳонда олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашга доир амалга оширилаётган илмий изланишларда аниқ мақсадга йўналтирилган модулли технологияларни ишлаб чиқиш, вербал ва новербал мулоқот воситаларининг умуминсоний ва миллий ахлоқий-эстетик жиҳатларини аниқлаш, бўлажак мутахассисларнинг шахслараро, маданиятлараро ҳамда оммавий мулоқот маданияти, модераторлик ва супервайзерлик қобилиятлари, тизимли таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш маҳоратини ривожлантириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради.

Ёшларни нафақат жисмонан бақувват, балки маънавий бой, янги давр талабига жавоб берадиган, муомила жараёнида эркин фикр юритадиган қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир.

Ҳар бир кишининг ўз "Мени" атрофдагилар билан бўладиган мулоқоти жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб,

институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мулоқотни самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мулоқот методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўлларини илмий-амалий жиҳатдан билиши керак.

Олий таълим тизимида талабаларда мулоқот этикасини шакллантиришда таълим ва тарбия жараёнларида қўлланиладиган интерфаол усулларнинг аҳамияти катта. Ўқитувчи дарс машғулоти учун интерфаол методларнинг баҳс-мунозара усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Баҳснинг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашувларига боғлиқ. Тингловчи ва мулоқотда қатнашувчиларнинг фазовий жойлашувлари ва уларнинг психологик мавқеларининг моҳияти муҳим бўлганлиги боис биз ушбу холатларни келтирамиз:

- Синф шароити. Бу - анъанавий дарс ўтказиш шакли бўлиб, тингловчилар бир-бирларининг юзларини кўриш имконияти чекланган ва доска олдидаги ўқитувчига ва у баён этаётган мазмунга нисбатан тингловчиларнинг мавқелари, масъулияти турлича. Бу шароитда баҳс ўтказиш мумкин эмас. Чунки синфда охирги қаторда ўтирган бола билан биринчи қаторда ўтирганнинг дарсга муносабати кескин фарқ қилади ва бу ҳолат “мен ўйиндан ташқарида” деб аталади.
- «Мен» - ўйинда» деб аталувчи ҳолат: тингловчилар доира шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш, ҳаттоки, айрим ижтимоий ролларга ҳам кириш имкониятига эга бўлади, ҳатто бошловчи ҳам «қаторда» ўтиради. «Ишчанлик ўйинлар» ва бошқа ролли ўйинлар ана шундай шароитда ўтказилиши мумкин.
- «Мен - мунозарада» деб аталувчи бу ҳолат айни баҳс - мунозаралар ўтказиш учун қулай, чунки унда шахс ўз фикрини дадил айтиш учун имкониятни ҳис қилади. Одатда бундай баҳслар тўртбурчак стол атрофида уюштирилади.
- «Мен - ҳамкорликдаман» деган бу ҳолат каттароқ гуруҳлар таркибида ташкил этилади. Мулоқот аъзолари тўрт-беш кишидан бўлиб алоҳида столлар атрофида ўтириб, ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради. Олий таълимларда ўтказиладиган “Қувноқлар ва зукколар”, “Заковат” каби тадбирлар фаолияти шу тарзда ташкил этилади.

Бу келтирилган ҳар бир холат бахс қатнашувчиларида ўзига хос руҳий тайёргарлик ва масъулият хиссини келтириб чиқаради.

Демак, машғулот мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у шакллантириш лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда

мунозара шароитини танлаши ва шундай кейингина машғулотни бошлаши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларнинг самарадорлиги деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда ўтирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар «ўйиндан ташқари» ҳолатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Мулоқотлар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида «мозговая атака», инглизчасига «brain storming» деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчанниг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни «мияга хужум» ёки «фикрлар тўқнашуви», «фикрлар жанги майдони» деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни этиш орқали муомилага киришадилар. Бунда эса баҳслашувчиларга мияга қандай фикр кўйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «тилга нима келса», лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда «эркин ассоциациялар»га имкон берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал «мағизни» ажратиб олади.

Тўғри ташкил этилган брейнштормингнинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, уларнинг асосланиши шарт эмас.
2. Ҳар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан холидир.
3. Мантиқий фикрлардан кўра, фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикр муҳимроқ.
4. Фикр ёки билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади.
5. Билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу иштирокчиники, деб ажратилмайди, яъни улар - муаллифсиздир.
6. Фикр ёки яхши ғояларни танлаш алоҳида «танқидчилар» ёки гуруҳнниг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги таъкидланган гурух катта бўлган шароитда баҳс уюштиришда ҳам генератор, яъни фикрларни бирламчи жамловчиларларга ушбу усулда ишлашга имкон бериш тажрибада яхши натижа беради. Чунки ўтказилган текширувлар ва кўплаб синов машғулотларининг кўрсатишича, айнан шу гуруҳда брейншторминг усулининг қўлланилиши турли-туман ва қарама-қарши фикрларнинг баён этилишига шароит яратади. Акс холда мухим муаммолар бўйича мунозарани бошлаш ва унда фикрлар ранг-баранглигига эришиш жуда қийин бўлади. Бу усул айникса, катталар аудиториясида жуда яхши самара беради.

«Бумеранг» технологияси ҳам талабанинг талаба билан ўзаро мулоқотга киришувчанлигини таъминлашга қаратилган интерфаол методлардан бири ҳисобланади. «Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод

тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак педагогларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомилалилик, хушфеъллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабиларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Баҳс шаклида машғулот ўтказганда, қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти катта. Қарорларнинг самарали бўлиши учун қуйидагиларни ёдда тутиш керак:

- машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммони белгилайди ва унга қай тарзда муносабат билдирилиши лозимлигини тушунтиради;
- қисқа бўлса-да, бу муаммонинг олдинги дарсларга боғлиқлиги, уйга берилган вазифа, муҳокама қилинадиган масалага оид муҳим фактлар эсга туширилади;
- баҳс катнашчилари кичик гуруҳчаларга (4-5 киши) бўлиниб, машғулот охирида фикрлар умумлаштирилиши учун коғозлар тахт қилиб қўйилади;
- гуруҳда ишлаш мобайнида билдирилган фикрларнинг афзал ва камчилик томонлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда қарорлар шаклида баён этадилар;
- иш якунида гуруҳнинг вакиллари ўз гуруҳининг иши тўғрисида гапириб, уларни бошқаларники билан қиёслайди. Зарурат бўлса, ўқитувчи ҳар бир гуруҳнинг қарорларини ўзаро қиёслаб, саволларга жавоб беради, ноаникроқ қарорларга ўз муносабатини билдиради.

Педагогик амалиётда баҳснинг моҳияти кўпинча факат оғзаки диалоглар ва тортишувлар тарзида тасаввур қилинади. Лекин оғзаки баҳсларнинг янада самарали ва таъсирчан бўлиши учун ёзма баҳс шакли ҳам қўлланилади. Бу усул ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштириш, мунозара маданиятини ошириш ва ҳар бир фикрни асослаш қобилиятини ривожлантиради. Ўқитувчи эса ўқувчи ёки талабаларнинг билимларини асосли баҳолаш ва билимдонликни тўла маънода таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Бу усул айникса, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантирувчи фанлар - ижтимоий-гуманитар фанлар юзасидан ўтказилса янада самарали бўлади.

Юқоридаги методлардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўқитувчининг малака, маҳорат, ижодкорлиги, изланувчанлигига боғлиқ бўлади.

Олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда қуйидаги илмий-амалий таклифларни белгилаб беради.

Жумладан;

- Жаҳон андозаларга асосланган коммуникатив технологияларни такомиллаштириш;
- самарали мулоқотга тайёрлашда миллий ва илғор хорижий тажрибанинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

- мулоқот жараёнида юзага келадиган манипулятив хулқ-атворни бартараф этишнинг профилактик технологияларини такомиллаштириш.

- талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг мезонлари ҳамда вербал ва новербал мулоқот воситаларининг ахлоқий-эстетик хусусиятларини аниқлаш;

- талабаларни самарали мулоқотга тайёрлашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган локал модулли технологиясини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқот технологияси

ва техникасига тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ва унинг ташкилий-технологик ва натижавий-рефлексив компонентларини такомиллаштириш;

- талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашда аудиториядан ташқари машғулотларнинг аксиологик ва акмеологик имкониятларини очиб бериш;

- талабаларни самарали мулоқотга тайёрлашга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

## СОВРЕМЕННАЯ СЕМЬЯ И ЕЕ РОЛЬ В РАЗВИТИИ РЕБЕНКА

*Раджабова Ф.П.*
*старший преподователь Каршинского государственного университета*

Быть родителем — это счастливая, но трудная и драматичная миссия, которая невозможна без проблем и противоречий. Эти трудности и противоречия неизбежны и объективны. Они не зависят от материального уровня, социального статуса и даже от образования человека. Чтобы пояснить эту далеко не утешительную мысль, давайте рассмотрим природу родительской любви и своеобразие отношения родителя к своему ребенку.

Безусловно, главной чертой отношения родителя является любовь к ребенку. Мать любит своего ребенка не за то, что он для нее что-то сделал, не за то, что он красивый, умный, благородный, а просто за то, ***что он есть***. И уже в силу своей любви она видит многочисленные достоинства малыша. Практически каждая мать считает своего ребенка красивым, обаятельным, хорошим, милым. Ведь любимый человек всегда наделяется разными достоинствами. До определенного возраста мама ничего не требует от своего малыша, не оценивает его способности, ничему не учит и радуется самому факту его существования. В психологии подобное отношение иногда называют «безусловным принятием». Но термин «принятие» — слишком спокойное и формальное обозначение такого острого и всепоглощающего чувства, как родительская любовь.

В последние десятилетия в психологии и педагогике появилось много работ, в которых подчеркивается роль семьи в развитии детей. Вместе с тем внимание к семье детей ни в коей мере не продвинуло семейное образование и воспитание. Это можно объяснить несколькими причинами. Во-первых,

при конструировании образовательных программ, как правило, не учитывается семья ребенка. Во-вторых, имеющиеся структуры образования в основном заняты вопросами организации обучения детей в разного рода образовательных учреждениях. В-третьих, важнейшие выводы относительно роли семьи в развитии ребенка были сделаны преимущественно на базе исследования детей из неблагополучных семей. При этом благополучные дети и их семьи остались за полем внимания исследователей. Наконец, в-четвертых, само понятие неблагополучности в психолого-педагогической литературе не анализировалось. Это привело к тому, что знания о роли семьи в развитии ребенка можно выразить следующим предложением: «В хорошей семье хороший ребенок, в то время как в плохой семье — плохой ребенок».

С одной стороны, с этим не поспоришь, однако в то же время, с другой стороны, данный тезис нуждается в двух пояснениях — 1) что такое благополучная или неблагополучная семья и 2) что делать с семьей, которая является неблагополучной для развития своего ребенка. Второе оказывается непосредственно связанным с известным практическим психологам фактом о том, что семья очень трудно поддается не только коррекции, но и любым самым простым изменениям, особенно если они идут извне.

Несмотря на неоспоримые данные о том, что семья играет важную роль в развитии ребенка, воздействовать на семью, выявить, что именно дает семья развитию малыша и т.п., на сегодняшний день практически невозможно.

Ребенок-дошкольник — это прежде всего существо воображающее, так как воображение является центральным новообразованием дошкольного периода развития. Это означает, что ребенок этого возраста способен создавать воображаемые ситуации, то есть ситуации, которые не существуют в реальности. Конечно, сказанное не следует понимать, что воображаемые ситуации вообще не могут существовать в действительности. Применительно к детям младшего и среднего дошкольного возрастов они, как правило, абсолютно реальные. Однако ребенок не может их непосредственно воспринимать и конструирует с помощью своего воображения. Итак, ребенок конструирует воображаемые ситуации в играх. Игра возникает тогда, когда ребенок приобретает способность быть одновременно внутри игры и вне ее. Л.С. Выготский, описывая особенности игровой деятельности, подчеркивал, что в игре ребенок плачет как пациент и одновременно радуется как играющий. Другими словами, возникновение игры связано со способностью ребенка рефлексировать себя действующего внутри игры (пациента) с точки зрения личностной позиции (играющего). Эта способность формируется в общении ребенка со взрослым и связана с разными используемыми взрослым способами и видами общения. Так, к примеру, взрослый, перед которым сидит ребенок, вдруг начинает говорить: «где это Маша?», а когда малыш дотрагивается до взрослого или что-то лепечет, он демонстративно радуется: «Вот, наконец, Маша пришла. А я ее долго, долго искала» и т.п. При этом взрослый, часто сам того не замечая, говорит каким-то иным голосом и с

какой-то особенной интонацией, не похожей на свое обычное общение с ребенком.

Эта ситуация, с одной стороны, позволяет ребенку «включать» и использовать свое воображение, так как предлагаемая взрослым ситуация не соответствует действительности (в реальности он прекрасно видит ребенка). В то же время, с другой стороны, она позволяет ребенку увидеть ситуацию с разных сторон — реальную и смысловую, созданную взрослым. Включение ребенка в такую и аналогичные ситуации приводит к тому, что он постепенно научается быть внутри ситуации, не теряя связи с реальной. К примеру, ребенок начинает говорить тоненьким голосом и мяукать, изображая котенка, однако через некоторое время заявляет обычным голосом: «Я пойду попью и скоро приду».

Семья обеспечивает дошкольникам развитие воображения и игры. Однако для этого необходимо, чтобы родители сами умели и любили играть, чтобы у них хватило времени и терпения на разнообразное общение с ребенком, чтобы они не боялись, что ребенок испортит интерьер квартиры при реализации им самостоятельной предметной деятельности. Положение усугубляется тем, что многие современные родители детей в соответствующем возрасте не получили условий для развития собственного воображения и игры и поэтому им гораздо легче учить детей разным, иногда очень важным и полезным умениям и навыкам или записывать и водить ребенка в разные кружки, секции, образовательные учреждения, в которых снова получают развитие процессы, связанные со значением, а не со смыслом.

Если рассмотреть проблему благополучности семьи ребенка с этих позиций, то можно сделать несколько важных заключений. Так, во-первых, к неблагополучным семьям можно отнести и те, кто не уделяет ребенку внимания, и те, кто тратит много времени на проведение занятий с собственным малышом, независимо от того, сами ли они проводят занятия, или только обеспечивают доставку ребенка в различные образовательные учреждения и секции.

Дети из семей, в которых на них обращают мало внимания, тоже неоднородны. Одни из них оказываются пугливыми, часто плачут, имеют трудности в общении как со взрослыми, так и с детьми, имеют достаточно низкий уровень интеллектуального развития. Другие, часто это дети, у которых есть старшие братья или сёстры или они имеют возможность систематически общаться с другими, в том числе более продвинутыми по развитию детьми, могут быть хорошими организаторами и даже лидерами в детской среде, противостоять взрослому и его требованиям, быть достаточно самостоятельными, во многих случаях гораздо более самостоятельными, нежели дети из благополучных семей. У этих детей может быть довольно странное сочетание: они могут не знать чего-то, что необходимо детям этого возраста, и в то же время владеть некоторыми совершенно взрослыми выражениями, умениями и навыками.

Гораздо сложнее дело обстоит с детьми из семей, которые считают своим долгом заниматься с ребенком. Они также неоднородны. Одни внешне очень хорошо развиты, например, могут предложить посчитать до миллиона, правда, затрудняются в сложении 5 и 7. Эти дети, как правило, имеют очень хорошо развитую речь, которая направлена преимущественно на общение со взрослым. При общении со сверстниками они могут испытывать трудности, оно часто кончается ссорами и конфликтами, как и любая совместная деятельность. Многие дети (как правило, это дети из семей, которые рано отдают детей учиться) очень привязаны к своим родителям, но не умеют (и те и другие) общаться и взаимодействовать друг с другом. Они, несмотря на свою развитость, «висят» на взрослых, предпочитают сидеть у них на коленях и т.п.

Результаты проведенного психологического исследования позволяют говорить, что в каждом психологическом возрасте есть свой образ нормативной семьи, который, по мнению ребенка, является благополучным, и особенности этого образа непосредственно связаны с самосознанием ребенка. Полученные выводы позволяют понять нередко встречающиеся ситуации, когда хороший и послушный ребенок вдруг становится плохим и неуправляемым и, наоборот, ребенок, имеющий много трудностей и проблем, в какой-то момент перерождается и становится вполне благополучным. Меняющееся сознание ребенка приводит к тому, что, раннее воспринимавшаяся как неблагополучная, семья оказывается вполне нормативной или любимая семья и кажущиеся идеальными отношения в ней оказываются с точки зрения нового сознания ребенка крайне плохими и некомфортными.

Итак, для детей дошкольного возраста есть свои и чужие. Свои — это те, кто вместе с ним живут, действуют (имеют особую, только им присущую деятельность) в доме, вместе ездят на дачу, вместе едят и т.п. Среди этих своих также можно выделить особую иерархию — с мамой или бабушкой ближе, чем с папой или с дедушкой. Причем эта близость непосредственно связана и с временем их деятельности, которую ребенок может наблюдать, и с пониманием ребенком смысла выполняемой взрослым деятельности. Помимо этого, часто близость какого-то члена семьи к ребенку объясняется последним наличием общих дел.

**ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1968. - 468 с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт Т.2000
3. Морозов А.В. Психология влияния. М. “Питер” 2001й.
4. www.psycho.all.ru
5. www.psychology.net.ru

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИДА ИЖОДИЙ ТАФАККУР ИФОДАСИ

*Райимова Ш.С.*
*Муқимий номидаги ҚДПИ талабаси*

**Аннотация:** Мақолада олий таълим тизимида мустақил таълим фаолияти, ушбу фаолиятни янги босқичга кўтаришга доир фикрлар юритилган. Замонавий таълим психологиясида ижодий тафаккурнинг мустақил таълим шаклидаги амалий ифодаси бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** таълим, психология, ижод, тафаккур, жараён, мақсад, ирода, натижа.

Бугунги тезкор ва рақамли ривожланиш жараёнида талабаларга тўлақонли билим бериш, диққат ва қизиқишларини машғулот мавзуларига аниқ йўналтириш, ўз устиларида ишлашларига имконият яратиш устувор вазифалар сирасидандир.

Аёнки, ўтилган мавзуларнинг талабалар томонидан мукаммал ўзлаштирилиши уларнинг амалий дарслардаги фаол иштироки билан ўлчанади, баҳоланади. Талабаларнинг фанларни бир хил, яъни юқори даражада ўзлаштиришдаги кўрсаткичларини сақлаб қолиш профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоасига юклатилган талаблардан биридир. Бинобарин, олий таълимда таҳсил олган талаба сўнгги босқичда битирувчи, кейин эса етук кадр сифатида маълум соҳа ва касб эгасига айланади.

Олий таълимда талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга ошириш муаммоларини ҳал этиш, аниқроқ айтганда, замонавий таълим психологиясида ижодий тафаккурнинг барқарор механизмини яратишда мустақил таълим фаолиятига янгилик нафасини бериш масаласи қуйидаги вазифалар ижросини таъминлашни талаб этади:

1. ОТМ ёки талабалар турар жойида мустақил таълим билан шуғулланиш учун махсус хонанинг мавжуд бўлиши;
2. Ажратилган хона замонавий технологиялар, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланиши;
***3.*** Мустақил таълим олувчи талабаларнинг ижодий ишлари, ишланмаларини эълон қилиш (намойиш этиш) бўйича тарғибот гуруҳининг шакллантирилиши**.**

Мазкур 3 босқичли жараён талабаларнинг дарсдан сўнг ва бўш вақтларида мустақил таълим билан шуғулланишлари учун қулай муҳитни таъминлашга хизмат қилади. Олий таълим муассасаларидаги мавжуд ахборот кутубхона марказлари талабаларнинг дарс тайёрлашлари учун база вазифасини бажаришини инобатга олганда, мустақил таълим машғулотларининг алоҳида жой (аудитория) да ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Республикамиз олий таълим тизимида 1998-1999 йилдан бошлаб мустақил таълимга бўлган эътибор кучайтирилди. Боиси, ушбу

йўналиш ўқув фанига ажратилган соатнинг бир қисми бўлиб, унда белгиланган материалларнинг талабалар томонидан мустақил ўзлаштириши назарда тутилади.

Талабаларнинг мустақил таълим фаолияти билан шуғулланишлари учун янгича механизм, яъни фан тўгараклари ва марказларини йўлга қўйиш таълим жараёни самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу – замонавий таълим психологиясида ижодий тафаккур ифодаси учун янги имконият дегани. Мазкур тўгараклар олий таълим муассасаси таркибида бўлиши эса талабаларнинг дарслардан ажралмаган ҳолда ҳафтанинг белгиланган кунларида щз устида ишлашларини таъминлайди. Мустақил таълим жараёнларидаги масалаларни ҳал этиш деярли барча йўналишлар учун бирдек долзарб бўлган масала эканидан келиб чиққан ҳолда мустақил таълим механизмларини фанлар бўйича турли шаклларда ташкил этиш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- филология йўналиши учун: “Тилшунослар” ёки “Олтин давр” радиоканали.
- табиий фанлар (кимё, биология) учун: “Ёш олимлар” тажриба маркази;
- аниқ фанлар (физика, математика, геометрия) учун: “Ихтирочилар” фан клуби.
- педагогика-психология фанлари учун: “Келажак” тўгарак клуби.

Мазкур марказ ва клублар фаолиятини йўлга қўйиш билан талабаларниг ижодий тафаккурини ўстириш бўйича маълум даражада аниқ ҳамда амалий натижага эришиш мумкин. Бу эса ижодий тафаккур тадрижи ва амалий ифодасида ўзига хос ечим бўлиши мумкин. Ижодий тафаккур – мураккаб билиш фаолиятидан бири бўлиб, тадрижий равишда изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади, даставвал *саволлар туғилади, вазифа аниқланаи, масалани ечиш ва саволларга жавоб қидириш* жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала бу бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган вазифа кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам акс эттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа ҳисларидан халос этишга қаратилган майлидир.

Психологияда ижодий тафаккурнинг навбатдаги таркибий қисмлари қуйидагича акс эттирилади:

- қўйиладиган саволларга жавоб бериш,
- масалани ечишга ёрдам берадиган йўллар, усуллар, воситалар, қоидалар ва кўникмаларни қидириш,
- уларни танлаш ҳамда мазкур фаолиятда уларни татбиқ қилиш ва бошқалар.

Талабаларнинг ўзлари таълим олаётган йўналиш ва қизиққан соҳалари бўйича бир ерга жамланиши, ижодий мулоқотда бўлиши янги-янги лойиҳалар, ғоя ва мақсадлар яратилишига хизмат қилади. Биргаликдаги фаолиятнинг муваффақиятли рўй бериши кўп жиҳатдан коммуникатив жиҳатдан жараён иштирокчилари бир-бирини қандай идрок этаётганини, ҳар бир иштирокчида бошқа иштирокчи ҳақида қандай тасаввур

шаклланаётганлигига боғлиқ. Бу эса мулоқотнинг персептив томонини ўрганиш заруратини вужудга келтиради. Кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у мулоқотнинг персетив томонини ташкил этади. Табиийки, бу жараёнлар талабалар ва мутахассислик йўналишлари ўртасида янгилик яратилиши бўйича соф рақобат муҳити ўрнатилишига хизмат қилади. Қолаверса, меҳнат бозорига кириб келаётган бўлажак мутахассис кадрларда иродавий ҳаракатларни чиниқтириш имконини ҳам яратади.

Иродавий ҳаракатларда ҳар доим мақсад аниқ бўлади. Одам ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқадиган натижаларни ҳам олдиндан тасаввур эта олади. Ана шунинг учун ҳар қандай қийинчиликларни енгиб бўлса ҳам мақсадини амалга оширишга интила боради.[1]

Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, юқоридаги таклифларни амалиётда қўллаш орқали замонавий таълим психологиясида ижодий тафаккурнинг амалий ифодаси бўйича сезиларли самарага эга бўла оламиз. Бинобарин, таълим – ижтимоий зарур билимлар, муайян кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдириш, уларнинг онгига ва хулқига таъсир этиш, дунёқарашини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир.[2]

Қисқача айтганда, замонавий таълим психологиясида ижодий тафаккурнинг кенг илдиз отиши, куртак ёзиши ва ҳосил беришида талабалар учун эркин мулоқот майдонини яратиш зарур. Мазкур ижодий майдонларнинг олий таълим муассасалари таркибида мавжуд бўлиши эса маълум иқтидор доирасидаги ёшларнинг якка ва биргаликдаги ижодий фаолиятларини янги босқичга кўтаришда муносиб инновацион ечим бўлиши, шубҳасиз.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Умумий психология. Ф.И.Ҳайдаров, Н.И.Ҳалилова. Дарслик. Тошкент – 2010 й.

2. П.Юсупова. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т.:Ўқитувчи – 1993.

## ЭКСТРИМАЛ ВАЗИЯТЛАРДА КАСБИЙ СТРЕСС ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

*Раимжонов Б.М.*
*Тошкент давлат юридик университетининг*
*Ихтисослаштирилган филиали 1-курс талабаси*

**Аннотация:** Мазкур тезисда инсоннинг меҳнат фаолияти давомида стресснинг вужудга келиши, унинг сабаблари, белгилари, салбий оқибатлари ва уни бартараф этиш усулари, шунингдек стрессинг вужудга келишини олдини олиш учун тавсиялар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** стресс, стрессор, зўриқиш, меҳнат таътиллари, касб, меҳнат фаолияти, руҳият, асаб, стрессинг оммилари.

**Аннотация:** Этот тезис содержит рекомендации о возникновении стресса во время деятельности человека, его причинах, симптомах, негативных последствиях и способах его преодоления, а также о предотвращении возникновения стресса.

**Ключевые слова**: стресс, стрессор, напряжение, отдых, занятие, трудовая деятельность, психика, нервозность, стрессовые факторы.

**Annotation:** This thesis contains recommendations for the occurrence of stress during human activity, its causes, symptoms, negative consequences and ways to overcome it, as well as to prevent the occurrence of stress.

**Keywords**: stress, stressor, tension, vacation, occupation, work activity, nervousness, stressing factors.

Ҳозир дунё шиддат билан ривожланиб бормоқда ва у инсоният олдига ўзига яраша бир қатор талабларни қўймоқда. Хусусан, бундай талаблар сирасига ўз соҳасини муккамал билиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши каби талабларни келтириш мумкин. Шу билан бирга ишчиларга адолатли меҳнат шароитларида ишлаш учун корхона, муассасалар томонидан етарли шароитларни яратиш ҳам ҳозирги глабаллашув жараённинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, ҳар доим ҳам ишчилар ўз касбидан қониқиш ҳосил қилавермайдилар чунки, ишда, уйда ёки кўчада қандайдир сабабларга кўра нохуш ҳолатларга дуч келадилар ва бу ходимда стресс ҳолатларини келтириб чиқаради ва ходимнинг ишчанлик салоҳиятига путур етказмасдан қолмайди. Шуларни инобатга олган ҳолда ҳозирги замон психологлари томонидан ходимларнинг стрессдан ҳалос бўлишлари учун бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган.

Стресс – бу ингилиз тилидан олинган бўлиб, «босим», «сиқилиш», «тушкунлик» деган маъноларни англатади. Стресс – бу ҳиссий ва жисмоний кучланиш ҳолати ва у қийин ва енгиб бўлмас деб эътироф этилган ҳолатларда юзага келади. Илмий тил билан айтганда, стресс – бу инсонни қўрқитган, газабланатирадиган ва ўйлантирадиган нарсага танасининг руҳий зўриқиши ҳисобланади [1].

Ўзбекистон Республикасида ишчилар учун адолатли меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таътиллар бериш, соғлиғини тиклашлари учун сиҳатгоҳларга имтиёзли жўнатиш, ижтимий қўллаб-қуватлаш масалаларини тартибга солишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси ва бошқа бир қатор норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш каби нормалар белгиланган [2].

Албатта, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар бузилиши ёки тегишли вазифаларни ўз вақтида бажарилмаслиги ҳам

ходимларда стресс ҳолатлари вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Таҳлилларга кўра, ходимларнинг кундалик фаолиятида стресслар вужудга келишининг бошқа бир қатор ижтимоий ҳарактердаги сабаблар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда мутахассис олимлар [3] томонидан стресс вужудга келишида бир анча стрессорларни келтириб ўтилган булар:

- қарор қабул қила олмаслик ва иш жараёнини назорат қила олмаслик;
- етарлича алоқанинг мавжуд эмаслиги оқибатида ишнинг орқага кетиши;
- иш жойда мавжуд бўлган тартибсизликлар;
- иш жараёнидаги ноҳақликлар;
- доимий равишда чала ишлаш ёки ўз ишидан қониқмаслик;
- ёқимсиз ва адоватли иш муҳити;
- бетартиб иш кунлари;
- янгиликларга мос лаша олмаслик;
- салбий ижтимоий муҳит.

Юқоридаги ҳолатлар ходимда стресс ҳолатини вужудга келишининг асосий ижтимоий омиллари ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг деярли ҳаммасида Covid-19 пандемияси сабабли ишсизлик оқибатида стресс ҳолати юзага келган. Тадқиқотларга кўра, 50-60%гача иш вақтининг йўқотилиши бу иш жараёнидаги стресс ҳолати билан боғлиқлиги кузатилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, стресс ҳолати кўп ҳолларда бошлиқлар томонидан қўл остидаги ходимларга берилган топшириқларни сифатли бажаришда ходимнинг тажрибаси, билими етишмаслиги, ҳамкасиблари ва бошлиқларининг босими остида ишлашлари ҳамда ташқи муҳитдаги ижтимоий таъсирнинг бўлиши, шунингдек ходимларнинг ўзларини қўлларидан келмайдиган вазифаларни бажаришга урунишлари сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Ҳаммамизга маълумки, инсон доимо яшаш, муносиб турмуш шароити кечириш учун курашиб келган. Бунинг учун у турли жойларда турли шароитларда турли инсонлар билан ишлашга мажбур бўлиб келган. Инсон доимо қайсидир меҳнат фаолияти билан шуғуланиб кимдир деҳқончилик, кимдир, тадбиркорлик яна кимдир давлат ташкилотида ва бошқа турли жойларда ишлайди. У иш жараёнида ўзига яраша турли муаммоларга дуч келди ва бунинг оқибатида инсонда стресс ҳолати вужудга келади.

Айни вақтда, ходимларнинг руҳий холати билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг энг устувор йўналиши сифатида касбий стрессни олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биз ҳозирги кунда мамлакатимиз миқиёсида энг кўп стресс ҳолатига тушаётган касб эгалари сифатида ички ишлар органлари ходимларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Табиийки ҳаммада нега айнан ички ишлар ходимлари даган савол ўринли равишда туғилади.

Ҳозирги кунда ички ишлар ходимларига нисбатан ижтимоий тармоқларда ҳаддан зиёд кўп танқидий, салбий фикирлар билдириб келинмоқда. Бунга эса асосий сабаб аҳолида ҳуқуқий билимлар

етишмаслиги, яъни ички ишлар органлари фаолияти ҳақида етарли тушунчага эга эмасликлари натижасида ишончсизлик, менсимаслик, носамимий муносабатда бўлиш каби салбий ҳолатлар учрамоқда.

Шу сабабли ҳам, ҳар бир ички ишлар органлари мансабдор шахслари, тизимга нисбатан аҳолининг муносабатини органиб, таҳлил қилиб бориши ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалардан бири [4] сифатида эътироф этилмоқда.

Юқоридаги назарда тутилган салбий фикрлар, албатта ҳар қандай ходимга таъсир қилиши таббийки стресс келиб чиқишига ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири сифатида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларида стресс вужудга келишининг бази ички сабаблари ҳам мавжуд булар сирасига биринчи навбатда ходимнинг оиласидаги муаммолар, ҳаддан ташқари ҳолдан тойиш, ишхонадаги ҳамкасибининг ишдан бўшатилиши, ишхонадаги қисқартиришлар, бошлиқлар томонидан ходимга унинг молиявий ёки жисмоний имкониятларини ҳисобга олмасдан топшириқлар бериш ва қўйилган вазифани самарали бажара олмаган ходимни баъзи раҳбарлар томонидан ҳақорат қилиниши ва шу каби бошқа ходисалар бу ички стрессинг асосий сабабларидандир. Албатта бундай вазият нафақат ички ишлар ходимларини балки, ҳар қандай касб эгаларини қийин аҳволга солиб қойиши табиий.

Тадқиқотчи олимлар баъзи инсонлар учун стресснинг дастлабки белгилари сифатида қуйидаги бир нечта белгиларини кўрсатиб ўтишган улар қуйдагилар:

Физиологик симптомлар:

- Қон босимини ортиши ёки тушиши;
- Жунжикиш (совқотиш) ёки қизиб кетиш хуружлари;

Эмоционал симптомлар:

- Нотинчлик, сабабсиз хавотирланиш;
- Юқори асабий зўриқиш;

Хулқий симптомлар:

- Одамлар билан конфликтга бориш;
- Одатда яхши бажариб юрган ишларида кўп хатоларга йўл қўйиш;

Интеллектуал симптомлар:

- Хотирани сусайиши;
- Битта бўлмағур ўйга доимий қайтиб келиш;

Хроник стресс белгилари:

- Атрофдагиларни кундан кунга кўриш иштиёқини пасайиши;
- Ўзига ва ташқи қиёфасига бўлган норозилик;[5]

Доимий чарчоқ, ғайритабиий оҳангда тез ёки секин гапириш, ҳазил мутойибани ёқтирмай қолиш, бирдан жиззаки бўлиб қолиш, доимий равишда очиққанлик ва бошқа ҳолатларни назарда тутганлар.

Мутахассис психологлар ишчиларга стрессдан қутулишнинг бир қанча турларини таклиф қилмоқдалар. Булар орқали ишчиларни самарали меҳнат юритиш ва руҳиятларини соғломлаштириш, ўзларига бўлган ишончларини

ортириш, пировард натижада меҳнат унумдорлигига эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Буларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ўзингиз ишонган инсонга муаммони айтинг ва ўзаро фикр алмашинг;
- ишдан маълум муддатга таътилга чиқинг;
- теварак атрофни яхшилаш, яъни иш жойини безатинг;
- стресс ҳолатига ҳазил мутойиба билан қаранг;
- шунчаки қоғозга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг ва бир неча кундан сўнг уни йўқ қилинг.

Юқорида берилган тавсияларга риоя қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Кўриниб туридки, касбий стресс ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолиятига сезиларли даражада тасир қилади. Биз юқорида ушбу ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлган бир қанча сабабларни кўриб чиқдик.

Бизнингча касаликни даволагандан кўра уни олдини олган мақулроқ ҳисобланади. Бунинг учун эса ҳар бир раҳбар томонидан ходимимга унинг ўз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда вазифалар тақсимланиши, ходимларнинг саломатлигига етарли даражада эътибор қаратилиши лозим.

Ходимлар эса берилган аниқ вазифаларни ўз вақтида ва оғишмасдан бажарилиши ходим ва раҳбарнинг бир-бирининг фаолиятидан қониқиши ва меҳнат жараёниниг самарали ташкил этилишига сабаб бўлади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019-й., 03/19/586/4106-сон;

2. Стресс-серфинг. Как перестать бояться стресса и обратить его себе на пользу автора Иван Криллов, Москва, 2008 г.;

3. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси: Меҳнат шароитларининг даражаси ходимларнинг иш жойидаги руҳиятига таъсири. Илмий-оммабоп тўплам, - Тошкент.: – 2017 й.;

4. Ички ишлар идралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси олий академик курслар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013 -264 б.

5. https://gepamed.uz/news/article_detail.php?action=detail&code=437

## ZAMONAVIY TA'LIM PSIXOLOGIYASI

*Ramazonova D.T.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti talabasi*

Ilmiy- texnik taraqqiyot jadallashgan davrda o'qitish samaradorligi asosan o'quvchining o'qitish jarayonidagi o'rni, pedagogning unga bo'lgan munosabatiga bog'liq bo'ladi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida O'zbekiston Respublikasidagi ta'lim tizimining milliy modeliga alohida e'tibor qaratilgan. Bu model 5 tarkibiy qismdan

iborat: shaxs, davlat va jamiyat, uzluksiz ta’lim, fan va ishlab chiqarish. Bu yerda ta’lim milliy modelining asosiy tarkibiy qismi-„ shaxs’’ birinchi o‘rinda turadi. Boshqacha qilib aytganda, butun ta’lim tizimi, shu jumladan o‘qitish shaxsga yo‘naltirilgan bo‘ladi.

Shaxsga yo‘naltirilgan o‘qitish texnologiyalari ilmiy - texnikaviy taraqqiyoti jadallashtirilgan davrida rivojlangan davlatlarda shakllantirilganligini inobatga olgan holda, ular chuqur ildizlarga ega ekanligi ta’kidlash to‘g‘ri bo‘lar edi.

Qadimgi faylasuflardan Sokrat o‘z chiqishlarida savol va javob usulidan foydalanar edi. Bu usul haqiqatni bilib olish uchun yordam bergan.

Qadimgi Rim pedagogi Kvantulian esa har bir shogirdiga e’tibor va diqqat bilan yondashishni tavsiya bergan.

Asrlar, mingyilliklar davomida shaxsga muhabbat va hurmat, unga yordamlashish hislatlari asosida sivilizatsiya shakllanib keldi. O‘rta asr sharqining buyuk olim - mutafakkirlari tomonidan yirik pedagogik meros qoldirilgan bo’lib, zamonaviy g‘oyalarning debochasi, buyuk ajdodimiz al-Buxoriyning„ Hadis ’’ kitobida: “Bolaga rahmdillik qilmoq, uni o‘pib quchoqlamoq haqida ’’ fikrlar yuritilgan.

Yaponiyaning zamonaviy pedagog - olimlari bolani kuniga 200 martagacha erkalatishni tavsiya beradilar.

Zamonaviy ta’lim rivojida AQSH da joriy etilgan metodni keltirish mumkin. Bunda yakka o‘quvchilar va kichik guruhlar bilan ishlash tizimi yaratilgan. Ya’ni o‘quvchilar 4-5 kishilik guruhlarga bo‘linadi, unda iqtidorlilar va qoloqlar, qizlar va boshqa etnik vakillar bo‘lishi maqsadga muvofiq. Har bir guruh berilgan topshiriqni tez bajarishga e’tibor beriladi. Guruhdagi o‘quvchilar bir- birini tekshiradi, yordam beradi. Haftaning oxirida yakun yasaladi, baholanadi. O‘zaro yordam va bir kishi hamma uchun prinsipiga amal qilinadi. Bu metodda o‘zlashtirish darajasi oshishi bilan birga, o‘quvchilarni o‘z- o‘zini baholash malakasi ham rivojlanadi, o‘quvchilar o‘rtasida do‘stlik, o‘rtoqlik darajasi ham oshadi.

Hozirgi zamon avlodining rivojlanish sur’ati oldingilardan ko‘ra ancha yuqori bo‘lganligi sababli, o‘qitishning an’anaviy tizimi, rivojlanishga to‘sqinlik qila boshladi. Bunday sharoitlarda taraqqiyot, faqat bir shaxsning mavjud imkoniyatlarini to‘la ro‘yobga chiqarish asosida amalga oshirilishi mumkin.

Zamonaviy ta’limda yangicha qarash juda muhim va bularga quyidagilar misol bo’la oladi:

- pedagogik jarayonda shaxs obyekt emas, subyekt hisoblanishi kerak.
- har bir o‘quvchi qobiliyat egasi ko‘pchiligi esa iste’dod egasi hisoblanadi va ularga o‘z vaqtida e’tibor berish lozim.
- pedagog va o‘quvchilar munosabati zayli: taqiqlamaslik va boshqarish emas, birgalikda boshqarish; majburlash emas, ishontirish; buyurish emas, tashkil etish; chegaralash emas, erkin tanlab olishga imkon berish.
- o‘quvchi va pedagog huquqlarini tenglashtirish va boshqalar shular jumlasidandir.

Axborotning hajmi, xilma-xilligi, egallashga moyilligi va vositalarining yetarliligi samarali individual va mustaqil o‘qitishni tashkil etish uchun zaruriy

shart-sharoitlar yaratadi. O‘qitishni jadallashtirish maqsadida pedagogning o‘quvchiga bilan munosabati„sardorlikdan’’ uning„sherigiga’’ aylanishi zarur.

O‘qitishni rivojlantirishga yo‘naltirilgan texnologiyalar quyidagi asosiy tamoyillarga mos bo‘ladi

- Insonparvarlik, yani insonga har tomonlama hurmat va muhabbat ko‘rsatish, unga yordamlashish, uning ijodiy qobiliyatiga ishonch.

- Hamkorlik, ya’ni pedagog va o‘quvchilar munosabatidagi demokratizm, tenglik, sheriklik.

-Erkin tarbiyalash, ya’ni shaxsga uning hayot faoliyatini keng yoki tor doirasida tanlab olish erkinligi va mustaqillikni berish, natijalarni tashqi ta’sirdan emas, ichki hissiyotlardan keltirib chiqarish.

Bugungi kunda ta’lim tizimida komputer va axborot texnologiyalarining zamonaviy texnologiyalardan samarali foydalanishga alohida e’tibor berilmoqda. Ta’lim tizimi sifati va samaradorligini oshirishning asosiy usullaridan biri o‘quv jarayonida zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalarni, shu jumladan multimediyali o‘quv kurslarini qo‘llash, o‘qituvchi va o‘quvchining interfaol o‘zaro aloqalarini ta’minlash, multimediyali o‘quv kurslarini va darsliklarni ishlab chiqishda yuqori malakali kadrlarni jalb etishdan iborat bo‘ladi.

Ta’lim tizimida multimedia texnologiyalari nazariy, amaliy, ko‘rgazmali, ma’lumotli, trenajyorli va nazorat qismlarini birlashtirish yo‘li bilan o‘quvchilarga ijobiy va samarali ta’sir etuvchi vosita hisoblanadi. Bundan tashqari ta’lim tizimida multimediyali o‘quv kurslaridan foydalanish nazariy materiallarning namoyishlarini sifatli video yozuvlari, virtual labaratoriya ishlari va amaliyotlarni, turli jarayonlarning imitasion animatsiyani modellarini yaratish imkonini beradi, bu uchun o‘quvchilarning o‘quv sinflari, komputer sinflari, o‘qitishning texnik vositalari xonasida, kutubxonalarda amaliy shug‘ullanishlarini takomillashtirish lozim.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, zamonaviy ta’limda asosan sinf xonalaridagi o‘quvchilar 15 nafardan oshmasligi va shu 15 nafar o‘quvchi bilan o‘qituvchi dars jarayonida mukammal darajada shug‘ullanishi lozim. O‘quv jarayonlarida esa malakali kadrlar bo‘lishi va ular zamonaviy texnologiyalardan foydalanishi kerak. Shunday qilib ta’lim sohasidagi barcha islohotlarning asosiy maqsadi ma’naviy jihatdan mukammal rivojlangan insonlarni tarbiyalash, ta’lim tizimi takomillashtirish, dars jarayonlarini yangi pedagogik va axborot texnologiyalari asosida har tomonlama zamon talabiga mos ravishda amalga oshirishdan iborat.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Sh. M. Mirziyoyev “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz.” -T.: O’zbekiston,2017-yil

2. I. A. Karimov “Yuksak ma’naviyat –yengilmas kuch” Toshkent: Ma’naviyat, 2008-yil

3.Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar.Qarshi. Nasaf.

4.Tolipov O’, Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbiqiy asoslari.2005.

5.Avliyoqulov N.N. Oliy o’quv yurtlari uchun darslik.

# ХАЁТИНГИЗДАГИ 80% СТРЕССДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН

*Расулова Ф.Р.*
*Амалиётчи психолог*

*Сўз бошида шуни айтишим керакки хаётимдаги стреслар туфайли яхши эмас вазиятлар туфайли мен психалогияга кириб келдим ва бу фан менга шундай ёрдам бердики хаттоки бир кунда хаётимни 100% га узгартира олдим*

*Орзуингиз борми? - Унга қараб югуринг!*
*Бўлмаяптими? - Унга қараб юринг!*
*Қила олмаяпсизми? - Унга қараб эмакланг!*
*Иложингиз йўқми? - Орзуингга қараб ётиб олинг!*
*Аммо орзуингиздан воз кечманг, уни унутманг!*

Инсон борки яхши орзу –ниятлар ила яшайди.100ёшни қоралаган қариядан “Қандай орзунгиз бор” –деб сўрасангиз”Яшашни истайман”-деб жавоб беради.Орзуларингиз кўп бўлсин.Кўзингизни юмингда ўша орзуларингиз рўёби ҳақида ўйланг ўзингизни бахтли хис этасиз.Яхши ниятлар миянгиздан жой олади амалга ошиши учун интиласиз.

Азизим олтиндан ҳам қимматли бўлган умрингизни беҳуда ҳавотирга сарфламанг.Китоблар доимий ҳамроҳингиз бўлсин.Бошқларга ёрдам беришдан завқланинг.

Замонавий ҳаёт ва унинг шиддатли зайлидан деярли ҳамма стресснинг оғир зарбасига учрамоқда.

Биз кўпинча стрессдан халос бўлиш учун самарасиз усуллардан фойдаланамиз: болаларимиз айтганимизни вақтида қилмасалар уларга бақириб-чақирамиз, бирор нарсани уддалай олмасак столга жаҳл билан урамиз ёки миямиздаги оғир ўйлардан халос бўлиш учун комедия кино томоша қилишга тушамиз.

Бироқ мусулмон инсон учун Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида стрессдан халос этувчи бир қанча усуллар бор-ки, улардан фойдаланиб ҳам стрессдан қутулиш, ҳам ажр-мукофотга сазовор бўлиш мумкин.

**1. Ароматерапия**

Бугунги кунда косметика индустриясида кенг қўлланилаётган, стрессни ечишда оммавийлашиб бораётган ароматерапиядан (хушбўйлик билан даволаш) фойдаланиш яхши натижа бермоқда. Супермаркет пештахталарига назар солсангиз сизнинг ҳам бу терминга албатта кўзингиз тушади. Шунчаки ширин ҳидли атирни ҳидлаб ҳам сиз ўзингиздаги руҳий зарба босимини бирмунча пасайтиришингиз мумкин. Иш жойида ёки уйда меъёрдан оширмаган ҳолда парфюмдан фойдаланиб сиз нафақат ўзингизнинг балки, атрофингиздагиларнинг ҳам кайфиятини кўтарасиз. Ухлаш олдидан ёстиқ остига хушбўй совун қўйиш ҳам анча ёрдам беради. Ишонмасангиз синаб кўринг.

**2. Табассум қилиш**

Стресс ва тушкунлик билан курашда табассум қилишнинг фойдалари ҳақида жуда кўп айтилмоқда. Шунинг учун бугун биз фақатгина психологларнинг сўнгги тадқиқотларини келтириб ўтиш билан кифояланамиз. Уларнинг фикрича қаламни лаблар орасига ёткизиб, тишлар билан тишлаш орқали сунъий “тиржайиш” ҳам руҳий ҳолатни анчагина яхшилай олади. Чунки бундай оддий машғулотни бажарганда табассум чоғида иштирок этадиган юз мушаклари ҳаракатга келади ва рефлекс тариқасида миядан эндорфин ажралиб чиқишни бошлайди.

**3. Таҳорат қилиш**

Таҳорат жисмни поклаш билан бир қаторда энг асосий икки релаксация – сув билан даволаш ва диққатни бир жойга жамлашни ҳам ўз ичига олади. Таҳорат қилиш мобайнида совуқ сувнинг тана аъзоларингиздан қандай оқиб ўтаётганига эътибор беринг. Баданингиздан оқиб тушаётган ҳар бир томчи сув билан бирга гуноҳларингизнинг тўкилаётганини, қалбингизни жавобгарлик юкидан халос бўлаётганини ўйланг. Ўзингизни жисмонан, ақлан ва руҳан покланаётганингизни тасаввур қилинг.

**4. Кечириш**

Ўзига озор етказганларга нисбатан хафалик туйғусини олиб юриш – стресс ва тушкунликка олиб борувчи ва унда узоқ вақт қолдирувчи энг асосий йўлдир.

Кечиримли бандаларига Аллоҳ таолонинг берадиган мукофотларини эслаш учун бир неча дақиқангизни ажратинг. “***Аллоҳ розилиги учун бошқаларни** ( ўзига озор етказганларни) **кечирадиган кишини Аллоҳ таоло улуғлайди”*** (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари давомида жуда кўп жоҳил кишиларнинг ҳақоратларига, ситамларига сабр қилганлар. Тоиф шаҳри аҳолисини Исломга чақириш учун сафар қилганларида шаҳар аҳли Ул Зотни ҳайдаб чиқариб, қўлига тушган нарса билан у кишига озорлар етказди. Ул зот улардан зўрға қочиб қутулдилар. Ҳамма ёқлари қонга беланган ҳолда турганларида Жаброил алайҳиссалом шаҳарнинг ва унинг аҳолисини яксон қилиш учун У кишидан изн сўрадилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан ўч олишга имкониятлари бўла туриб ҳам уларни кечирдилар, қайтага Роббиларига дуо қилиб тоифликларни афв этишини, балога дучор этмаслигини сўрадилар.

**5. Қуръон тиловат қилиш**

Аллоҳ каломининг мўъжизавий оҳанги қалбимиз давоси, оятларнинг маъносини тушуниш эса салбий фикрлардан халос бўлишнинг энг самарали йўли демакдир. Қуръон ўқиб сиз нафақат солиҳ амалларингизни кўпайтириб оласиз балки, руҳан тинчланасиз ва стрессдан фориғ бўласиз.

Кўпчилик стресс ҳолатида кундалик юритади ва ўз ҳис-ҳаяжонини унга тушириб боради. Бу фойдали албатта. Бироқ, бунданда яхшироғи ғам-аламларини, дардларини Аллоҳга айтиб, дуо қилишдир. Роббингизга сизни қийнаётган, хавотирга солаётган муаммоларни тўкиб солинг ва Ўзидан ёрдам сўраб дуо қилинг. Ва албатта буюк Яратувчингиз сизни ёрдамсиз

қўймаслигига ишонинг. Меҳрибон ва Раҳимли бўлган Роббингиз ўзига юзланган бандасини ёрдамсиз ташлаб қўймаслигини асло унутманг.

Бугунги кун билан яшанг

«Зинҳор эртанги кун учун ташвишланманглар, чунки эртанги куннинг ўз ташвишлари бўлади».

Бунинг маъноси. Кундалик ташвишлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Аммо бугунги куннинг ташвишларига эртанги куннинг ташвишларини қўшиб, уларни кўпайтирманг. Ундан кўра бугунги кун билан яшашга ҳаракат қилинг.

Стресс хавотирга сабаб бўлади. Шундай йўл тутишга уриниб кўринг: биринчидан, баъзида стрессдан қочиб қутулишнинг иложи бўлмаслигини тан олинг. Ташвишланганингиз билан стресс кучайишининг олдини ололмайсиз. Иккинчидан, биз қўрқаётган нарсалар ҳеч қачон содир бўлмаслиги мумкинлигини тушунишингиз керак.

Оқилона талаблар қўйинг

«Юқоридан тушган донолик... мулоҳазали».

Бунинг маъноси. Ўта талабчан бўлманг. Ўзингиздан ва бошқалардан кўп нарсани кутмасдан мувозанатли нуқтаи назарни сақланг.

Камтарин бўлиб, оқилона меъёрлар қўйинг. Ўзингиз ҳамда бошқаларнинг имконият чегарасини эътиборга олинг. Шундай йўл тутсангиз, ўзингиз ҳам, бошқалар ҳам камроқ стресс ҳис қилади. Қолаверса, ўзингиз ва бошқаларга яхши натижага эришиш осонроқ кечади. Боз устига ҳазиллашиб туринг. Мабодо ҳаммаси силлиқ кўчмаса, табассум қилиб вазиятни юмшатасиз ҳамда кайфиятингизни кўтарасиз.

Стресснинг сабабини билиб олинг

«Ақл-идрокли инсон хотиржамликни сақлайди».

Бунинг маъноси. Салбий ҳис-туйғулар равшан фикрлашга халақит беради. Шундай экан, хотиржамликни сақланг.

Нима сизни стрессга тушираётганини аниқланг ва бунга қандай муносабат билдираётганингизга эътибор беринг. Масалан, стресс ҳис қилаётганингизда фикрларингиз, туйғуларингиз ҳамда хатти-ҳаракатингизга диққат қилинг, эҳтимол, уларни ёзиб оларсиз. Стрессга қандай реакция қилаётганингизни билсангиз, уни муваффақият билан енгиш эҳтимоли кўпаяди. Шунингдек, сизни стрессга туширадиган нарсалардан қутулиш йўлини ўйланг. Агар бунинг иложи бўлмаса, стресснинг таъсирини камайтириш йўлларини изланг. Эҳтимол, сизга ишингиз ҳамда вақтингизни самарали тақсимлаш ёрдам берар.

Вазиятга бошқача нуқтаи назар билан қарашга уриниб кўринг. Сизни стрессга тушираётган нарса бошқалар учун муаммо бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби дунё қараш турлича бўлганидадир. Қуйидаги учта маслаҳатни кўриб чиқинг:

Бошқалар ҳақида ёмон фикрга боришга шошилманг. Эҳтимол, навбатда турганингизда кимдир сиздан олдинга ўтиб олиши мумкин. Агар унинг бундай ҳаракатини қўполлик деб ҳисобласангиз, кайфиятингиз тушиб кетади. Балки унинг нияти яхши бўлгандир ва бу шундай бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Вазиятнинг ижобий томонларини кўришга ҳаракат қилинг. Масалан, шифокор қабулини ёки аэропортда узоқ кутишингизга тўғри келса, улгурмаган ишингизни битиришга ёки электрон почтангизни текширишга вақтингизни сарфласангиз кутиш осонроқ бўлади.

Вазиятга атрофлича қарашга ҳаракат қилинг. Ўзингиздан: «Бу масала эртага ёки кейинги ҳафтагача катта муаммога айланадими?» — деб сўранг. Жиддий ва унча жиддий бўлмаган масалаларни фарқланг.

Тартибли бўлинг

«Ҳамма нарса одоб ва тартиб билан бўлсин». (Бунинг маъноси. Кундалик ишлар жадвалига амал қилишга интилинг.

Ҳаётимизда муайян тартиб бўлишини яхши кўрамиз. Ишларни орқага суриш тартибсизлик ва стрессга сабаб бўлади. Бунинг дастидан охирига етмаган ишлар рўйхати узаяди. Мана бу иккита маслаҳатни қўллаб кўринг:

Амалий жадвал тузиб, унга амал қилинг.

Ишни орқага суришга сабабчи бўлаётган ҳар қандай нотўғри нуқтаи назарни аниқлаб тузатинг.

Мувозанатли ҳаёт тарзини олиб боринг

«Икки ҳовуч заҳмат ва шамол ортидан қувишдан кўра, бир ҳовуч ором яхшироқдир».

Бунинг маъноси. Ишга муккасидан кетган инсонлар «икки ҳовуч заҳмати» ортидан эришилган фойдадан ўзини маҳрум қилишади. Бундай одамлар меҳнатининг роҳатини кўришга на вақти, на кучи қолади.

Ишга ва пулга нисбатан мувозанатли нуқтаи назарда бўлинг. Пулдор бўлиш кўпроқ бахт, камроқ стресс келтиришини англатмайди. Ҳаётда бунинг аксини кузатса бўлади. Зеро «Бадавлатнинг давлати унга уйқу бермайди»,— деб айтилган. Шундай экан, қўлингизда боридан ортиқ пул сарфламанг.

Дам олишга вақт ажратинг. Яхши кўрган ишингиз билан машғул бўлсангиз, стрессни камайтирасиз. Аммо кам ҳаракатли ҳордиқ чиқариш, масалан, телевизор томоша қилиш ёрдам бермайди.

Техник воситалардан ўз ўрнида фойдаланинг. Электрон почта, СМС ёки ахборот сайтларини тез-тез текшириб туришдан қочинг. Зарурат бўлмаса, ишга алоқадор электрон хатларни ишдан ташқари вақтда текширманг.

Соғлигингизга ғамхўрлик қилинг

«Жисмоний машқ... фойда келтиради»)

Бунинг маъноси. Мунтазам жисмоний машқлар соғлом бўлишга ёрдам беради.

Соғлом ва фойдали одатларни ривожлантиринг. Жисмоний машғулотлар кайфиятингизни кўтаради ва организмингизнинг стрессга чидамлилигини

оширади. Фойдали ва тўйимли овқатлар енг, ўз вақтида овқатланишга ҳаракат қилинг. Етарлича дам олинг.

Стрессни енгиш мақсадида чекиш, ичкилик ва дори-дармонларни суиистеъмол қилиш ҳамда гиёҳванд моддаларни қабул қилиш каби зарарли «ечимлардан» қочинг. Боз устига бу одатлар нафақат стрессни оширади, балки соғлигингизни ва пешона тери билан топган пулингизни ўғирлайди.

Стресс кучайиб бораётган бўлса, шифокорга кўрининг. Шифокордан ёрдам сўрашнинг уяладиган жойи йўқ.

«Меҳрибон одамнинг жони ором топади, қаҳри қаттиқ эса ўз бошига бало келтиради».

«Стрессни енгиш» китобида «Меҳр билан стрессни ўлдиринг» номли боб мавжуд. («Overcoming Stress») Бу китобнинг муаллифи психиатр Тим Кантофернинг айтишича, бошқаларга меҳр билан муомала қилиш соғлом ҳамда бахтли бўлишимизга ҳисса қўшади. Бағритош, қўпол инсон эса, аксинча, бошқаларни ўзидан узоқлаштиради ва оқибатда ўзини бахтсиз ҳис қилади.

Шунингдек, ўзимизга тўғри муносабатда бўлиш ҳам стрессдан озод бўлишимизга ёрдам беради. Масалан, ўзимизга нисбатан қаттиққўл ва ўта талабчан бўлмаслигимиз керак. Шу билан бирга ҳаддан ташқари ўзимизни пастга урмаслигимиз лозим. Зеро, Исо пайғамбар шундай деган: «Яқинингизни *ўзингизни* севгандай севинг».

Устувор нарсаларни аниқланг

«Қайси нарсалар муҳимроқ эканини фарқланг».

Бунинг маъноси. Ҳаётингизда нима муҳим эканини синчковлик билан кўриб чиқинг.

Ишларни муҳимлиги бўйича ёзиб чиқинг. Бу диққатингизни муҳимроқ ишларга қаратишга ҳамда қайси ишни кейинга қолдириш, бошқа кишига топшириш ёки умуман воз кечиш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Бир ҳафта давомида вақтингизни нимага сарфлаётганингизни ёзиб боринг. Сўнг вақтингиздан янада унумли фойдаланиш йўлларини изланг. Вақтингизни яхши назорат қилганингиз сайин, босим камайиб бораётганини ҳис қиласиз.

Дам олишни ҳам режалаштиринг. Ҳатто қисқа танаффуслар кучингизни янгилаб, стрессни камайтиради.

Ёрдам сўранг

«Ғам-ташвиш одамнинг қалбини эзади, яхши сўз эса кўнглини кўтаради».

Бунинг маъноси. Бошқалар сизга меҳр кўрсатса ва ҳамдардлик билдирса, кўнглингиз кўтарилади.

Дардингизни сизни тушунадиган инсон билан бўлишинг. Сирдош дўстингиз вазиятингизга бошқача қарашга ва ҳатто сиз кўрмаётган ечимни

топишга кўмаклашади. Шунингдек, ичингизни бўшатиб олсангиз ўзингизни енгил ҳис қиласиз.

Ёрдам сўранг. Эҳтимол, биронта ишни бошқа кишига топширарсиз ёки вазифаларингизни бўлишарсиз.

Мабодо ишхонада кимдир билан ҳамкорлик қилиш сиз учун стресс бўлса, вазиятни яхшилаш йўлларини изланг. Масалан, хушмуомалалик ила унинг муайян сўзлари ёки хатти-ҳаракати туфайли сизда қандай ҳис-туйғулар пайдо бўлаётганини унга айтарсиз. Агар бу иш бермаса, эҳтимол, у билан камроқ вақт ўтказарсиз.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Дейл Карнеги “Муваффақият калити”
2. Жим Рон “Умр мавсуми”
3. Бодо Шефер “Голиблар қонуни”
4. Жон Витале “Тортишиш кучи калити”

## FAMILY PSYCHOLOGY IS THE MAIN BRUNCH OF THE UPBRINGING IN THE EAST.

*Рахимов М.М.*
*Афшона тиббиёт коллежи директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари*
*Норов Н.Ш.*
*Афшона тиббиёт коллежи психология фани ўқитувчиси*

As the first president of Uzbekistan I. Karimov said that family is the close brunch of the society. In the East upbringing of the young generation depended on the family conditions. So family was the first point of the developing the psychological aspects of the child.

Family psychology involves the study and treatment of the family unit. It begins from meeting of two young individuals to make a family. Every of them firstly should learn their characters and auras. It helps them in the future to live in peace and well-being. But, in our days the statistical calculations show that many families were destroyed for the oppositions of the characters of the family members.

For the conclusions of psychologists, the main subject of divorcement of the families depends on the treating to put the happy life on the first point. Upbringing procedure of the family stays in the secondary point.

The specialty of family psychology is an important sub-field of professional psychology. These highly skilled clinicians are critically important to couples and families can find ways to take maladaptive behavior patterns and turn them into positive ones.

Every family has its own psychology. It consists of a number of character types of humanity. However, in the East the psychological features of father. The character of father makes the meaning the life of family of uzbek nation.

Father and mother of every child try to give their psychological character to them. In this way, it is important to know that the psychology of the parents is the mirror for their children.

The upbringing is the main source of developing of the positive psychology of families. That's why, understanding of creative brunches of family skills.

We propose to analyze to create a psychological center for bride and fiancées before making a family. This center helps them to learn their auras and characters clearly. We hope the specialists can help to the members of future family to choose the right ways of happy life.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. "Умумий психология" М. Зуфарова, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Тошкент -2010

2. "Оила психологияси" Ғ. Шоумаров, Шарқ нашриёти, Тошкент-2010 й

3. Study.com

4. Psychology.com.

## SHAXSIY RIVOJLANISH STRATEGIYASI XUSUSIDA

*Raximova D.I.*
*Olmazor tumani 133-maktab amaliyotchi psixolog*

Siz juda to'liq hayot kechirasiz, ehtimol siz hech narsaga muhtoj emassiz va xohlagan narsangiz bor, lekin baribir siz qoniqmaysiz. Hayotingizda sizga yoqmaydigan narsa bor va siz o'zingizni qotib qolgansiz. Siz tez-tez o'z hayotingizni avtopilotda olib borasiz va yangi va hayajonli hech narsa sodir bo'lmayotganidan nafratlanasiz. Ehtimol siz o'zingiz kim bo'lishni xohlayotganingizni o'zgartirish, rivojlantirish va rivojlantirish uchun o'zingizni takomillashtirish yoki rivojlantirish rejasiga muhtojsiz. Sizga yordam beradigan ba'zi texnik va strategiyalar

**Shaxsiy rivojlanish nima?**

Shaxsiy rivojlanishni butun hayot davomida shakllanib boradigan rivojlanishning ajralmas jarayoni deb ta'riflash mumkin, bunda odam o'zini anglashni, shaxsiy qobiliyatlarini yaxshilashni va hayot maqsadlariga erishishni o'rganadi. O'z-o'zini takomillashtirish o'z-o'zini anglash, chinakam xohlagan narsani bajarish va ko'proq yashashni o'z ichiga oladi. Shaxsiy o'sish bizni yanada baxtliroq qiladi va biz o'z ustimizda ishlaganimizda hayotimiz yaxshilanadi. O'z-o'zini takomillashtirish, shuningdek, qiyin kunlarni yengishga va shaxsiy munosabatlarimizni yaxshilashga yordam beradi. O'z-o'zini takomillashtirish uchun vaqt va bag'ishlanishni sarflash kiradi, bu hech qachon tugamaydigan to'la vaqtli ish. Eng yaxshisi, o'zingizga va o'zingizning baxtingizga investitsiya

qilishdir. Hozirgi globallashayotgan asrda biz o`zimizning shaxsiy rivojlanishimizga qanchalik vaqt ajratyapmiz va buning uchun nimalar qilyapmiz?

Sizni o'zingizni takomillashtirishga nima undaydi, bu doimo bizni kuchliroq inson bo'lishga, o'sishga va o'sishga undaydigan ichki kuchdir. Ba'zi strategiyalarni amalga oshirish vaqti keldi!

**O'zingizga g'amxo'rlik qiling.**

Agar sog'ligingiz yomon bo'lsa, kuchingiz yo'q bo'lsa yoki salbiy yoki tushkun munosabatda bo'lsangiz, hayotda boshqa hech narsa muhim emas. Muvaffaqiyatli odamlar ishlaydilar, sog'lom ovqatlanadilar va har doim o'zlariga g'amxo'rlik qiladilar. O'zingizni yaxshi his etishingiz va o'zingizning kuchingiz bilan harakat qilishingiz mumkinligini bilishingizga hech qanday o'rin yo'q. O'zingizga g'amxo'rlik qilish har qanday narsada muvaffaqiyat qozonish shart va siz bajarishga harakat qilgan har bir narsada.

**Shaxsiy rivojlanish ijobiy fikrlash bilan chambarchas bog'liq.**

Salbiylik bizning taraqqiyotimizni va shaxsiy loyihalarimizni sekinlashtiradi. Agar men o'zimni qobiliyatsiz deb bilsam yoki men bilan sodir bo'layotgan hamma narsa dahshatli deb o'ylayotgan bo'lsam, unda meni o'zgartirishga unday bo'lmaydi. Ijobiy tasdiqlar juda foydali bo'lishi mumkin. Ammo bunga ishonmasangiz, "hamma narsani qila olaman" deb o'zimizga gapirish befoyda. Bundan tashqari, "hamma narsa tugadi" deb aytishga yordam bermaydi, chunki biz ishlamasligini bilmaymiz. Buning aksi ham foydali emas, chunki "bu men bilan hech qachon sodir bo'lmaydi" deb o'ylayman, chunki bizda ham bunga ishonch yo'q. Muhim jihat hayotga ijobiy va haqiqiy munosabatni saqlashdir. Salbiy fikrlar keng tarqalgan kognitiv buzilishlardir. Barchamiz bir vaqtning o'zida bunday fikrlarga egamiz, ammo ular bizning ruhimizga putur etkazmasligi uchun ularni aniqlash va shartnoma tuzishni o'rganish juda muhimdir. Bunga psixologik kognitiv qayta qurish texnikasi yordamida ham davolash mumkin, bu juda samarali ekanligi isbotlangan.

**O'zingizni takomillashtirishga qaratilgan harakatlar rejasini tuzing.**

Agar hayot maqsadlaringiz nima ekanligini bilsangiz va endi kim bo'lishni xohlasangiz, unga erishish uchun reja kerak. Buning uchun katta strategiya bu aniq maqsadlarni to'xtatish va tahlil qilish va har biri uchun harakatlar rejasini tuzishdir. Yakuniy maqsadga erishish uchun juda kichik qadamlardan boshlang. Masalan, agar sizning maqsadingiz muvaffaqiyatli mutaxassis bo'lish bo'lsa, lekin hozir siz o'zingizning ishingizni yomon ko'rsangiz, quyidagi qadamlar qo'yilishi mumkin:

- Qaysi kasb sizni undashini bilib oling. Ushbu sohada qanday kasb egasi bo'lishingiz kerakligini biling (o'qish, tajriba, kognitiv ko'nikmalar va boshqalar).
- Kerakli ko'nikmalarni o'rgating va egallang.
- O'quv, ish dasturingizni qayta yozing.
- Ish qidirish va intervyuga borish.

**O`z muammolaringning ro`yxatini tuz**

“Aniq ifodalangan muammo-uning yarmi yechildi deganidir”- Bu hikmat muallifi Charliz Ketting. Bir varaq qog`oz olib, o`z muammolaringizningni birma-bir yozib chiqa boshlasangiz, g`aroyib hodisa yuz beradi. Bu yaqin do`stingizga

o`zingizni ko`pdan beri qiynab kelayotgan muammongizni gapirib berganingizdan keying qalbingizda paydo bo`ladigan tinchlik va xotirjamlik holatiga o`xshaydi.

Menimcha, ongimiz bizning eng yaqin do`stimiz bo`lishi bilan bir qatorda ashaddiy dushmanimiz hamdir. Agar uzluksiz o`z muammolaringiz haqida o`ylab yursangiz, tez orada ulardan boshqa narsa haqida fikr yuritolmay qolganingizni tushunib yetasiz. Bu jihatdan olib qaraganda ong g`alati voqelik: siz yodingizda tutishingiz kerak bo`lgan narsalarni unutadi, siz unutishni xohlagan narsalani esa mahkam yodda tutadi. Shunday ekan muammolar shaxsiy o`sishga to`sqinlik qiluvchi omildir.

**Boshqalar bilan aloqada bo'ling.**

Biz boshqalar bilan aloqada bo'lganimizda, biz yangi tajribalarni ochamiz, bilimlarimizni kengaytiramiz va insoniy aloqalarni chuqurlashtiramiz. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, ijtimoiy mavjudot sifatida, biz boshqalar bilan o'zaro aloqada bo'lganimizda, miyadagi qon aylanishini va neyrotransmitterlarni o'zgartiradi. Bu xotirjam va baxtli his-tuyg'ularni kuchaytirganda stress va tashvishlarni kamaytiradi (oksitotsin, ko'pincha sevgi gormoni deb ataladi, boshqalar bilan bog'langanimizda chiqariladi).

**Kitob o'qishni odat qil**

Tanish bilishlaringiz erinmasdan shikoyatga, nolishga zo'r berishsin siz esa bu vaqt ichida buyuk kitoblardan foydalangan holda ong-shuuringizni, tafakkuringizni kerakli g'oyalar, mushohadalar bilan to'yintirib olasiz

Rim faylasufi Seneka xalqning "Bir r o'qib-o'rganib o't", degan hikmatnj bot-bot takrorlaydi. Taassufki, kopchilikmiz diplomga ega bl'lganimizdan so'ng deyarli hech narsa o'qimay qo'yamiz. Hamma narsa o'zgarib turgan zamonimizda g'oya-muvaffaqoyat kalitidir. Bitta yaxshi kitobdagi ajoyib g'oya hayotingiz va muvaffaqiyatingizga ijobiy tomonga keskin o'zgartirishingizga yetarli bo'ladi. Yaxshi kitob turmush tarzingizni butkul o'zgartirib tashlaymi. Henri Devid Toro o'zining "Uolden"ida yozganidek:"Aftidan, aynan bizga atalgan so'zlar Bor, agar bu so'zlarnj eshitib, anglay olsak edi, ular bizga ko'klam va sahardan ko'ra samaraliroq ta'sir ko'rsatardi, bizni hayitga boshqacha ko'z bilan qarashga majbur etardi".

Biz insonlar xohlaganimizcha shaxsiyatimizni shakllantirish uchun kuch va qobiliyatga egamiz. Biz o'zimizni hamma narsaga qodir ekanligimizni rivojlantirganda, biz o'zimizga, shuningdek boshqalarning baxtiga hissa qo'shamiz.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Robin Sharma " Who will cry when you die"("O'lsang Kim yig'laydi")

2.https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=https://www.essentiallifeskills.net/personaldevelopmentarticles.html&ved=2ahUKEwjivoT4lK_qAhUDtosKHfQ1Cy8QFjATegQIARAB&usg=AOvVaw3kZzYuS1SAxvO_xGbP6xFT

# JISMONIY TARBIYA VA SPORT BOSHQARUVIDA IJTIMOIY-RUHIY USULLAR VA INSON TEMPERAMENTINING JIHATLARI

*Raximova Z.A.*

Respublikamizda barcha sohalarni yangilash, rivojlantirish izlanishlar jarayoni faollik bilan amalga oshirib borilmoqda, bu yo‘lda jismoniy tarbiya va sport ilmiga katta ahamiyat berilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorni imzoladi. O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiyaning yuqori darajasiga va aholining hayoti sifatiga erishish strategik vazifani — mamlakatni barqaror rivojlantirishni amalda ro‘yobga chiqarish doirasida muhim shart hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish doirasida mamlakat aholisining barcha qatlamlari butun hayoti davomida jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug‘ullanishi uchun zarur shart-sharoitlarni ta’minlash ushbu vazifani hal etishning asosiy omillaridan biri bo‘ladi.

Jismoniy tarbiya va sport boshqaruvining ijtimoiy-ruhiy usullari – bu ishlab chiqaruvchi va ayrim shaxslarga ularning va ruhiy xususiyatlariga ta’sir etish bilan boshqarish vositasidir. Ishlab chiqarish sharoitida ijtimoiy kishilar ijtimoiy aloqasi shakllanishining asosi bo’lgan mehnat omillarini o‘rganadi, ijtimoiy tizimlar, shu jumladan, ishlab chiqarish tizimi rivojlanishi va amal qilish qonuniyatlari, kishilarning jamiyatning turli qatlamidagi xulq-atvori qonuniyatlarini tadqiq qiladi. Ijtimoiy-ruhiy guruh va omma ruhiyatining xususiyatlari, ularning shahsning ongi va xulqiga ta’siri, kishilar faoliyatini rag‘batlantiruvchi omillar, kayfiyat, ijtimoiy fikrni shakllantiruvchi omillarni o‘rganadi. Shaxs psixologiyasi oliy nerv faoliyati turlari va inson temperamenti, harakteri, shahsning irodasi, qobilyati, hissiyoti, hotirasi, anglash va xis etish qobiliyatini o‘rganadi, mehnat psixologiyasi mehnat faoliyati, shu jumladan, rahbar va mutaxassislar (kasbiy xususiyat va qobiliyatlari, qadrlarni o‘qitish usullari, ish va dam olish tartibi, qadrlarni tanlash va baholash usullari, mehnat jarayonining ruhiy jihatlari) faoliyatini o‘rganadi. Kishilar fikrlash usulida o‘zgarish yuz berishi va ular madaniy hamda bilim darajasi ortib borishi bilan ijtimoiy-ruhiy usullar ahamiyati ham ortib boradi. Bunday sharoitda shaxsning ehtiyoj va manfaatlari ma’naviy soha tomon o‘zgarib boradi. O‘z mehnatidan qoniqishning muhim omili bo‘lib, ishlab chiqaruvchilarning rahbar bilan o‘zaro yahshi munosabati ishlab chiqarishdagi qulay ijtimoiy-ruhiy vaziyat hizmat qiladi. Boshqaruvning ijtimoiy-ruhiy usullari ishlab chiqarishda mavjud ijtimoiy mexanizmni (o‘zaro munosabat tizimi, ijtimoiy ehtiyojlar) qo‘llashga asoslanadi. Boshqaruvning ijtimoiy usullari ijtimoiy tartibga solish vositasida amalga oshiriladi. Ijtimoiy tartibga solish usullari turli guruh va shaxslar maqsadi va manfaatlarini aniqlash va rostlash yo‘li bilan ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish va uyg‘unlashtirish maqsadida qo‘llaniladi. Ular jumlasiga ijtimoiy tashkilotlar nizomlari, shartnomalar, o‘zaro majburiyatlar, ishchilarni tanlash, taqsimlash va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish kiradi. Ijtimoiy tartibga usullari inson omili faolligini oshirish, boshqaruvni demokratlashtirish maqsadida ham

qo‘llaniladi. Boshqaruvning ruhiy usullari jamoada maqbul ruhiy holat tashkil etish yo‘li bilan kishilar o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solishga qaratilgandir. Psixologik usullarga kichik guruh va jamoalarni tashkil etish, mehnatni osonlashtirish, malakali kadrlar tanlash va ularni o‘qitish va h.k.lar kiradi. Kichik guruh va jamoalarni tashkil etish usulini qo‘llash kichik guruhdagi ishchilar o‘rtasidagi maqbul miqdoriy-sifat nisbatini aniqlash imkonini beradi. Mehnat faoliyatini osonlashtirish deganda, ranglar, musiqaning ruhiy ta’siridan foydalanish, bir xil, o‘zgarmas mehnatni bartaraf etish, ijodiy yondashuvni kengaytirish tushuniladi. Kasbiy tanlashning mohiyati – kishilarning ruhiy xususiyatlari ular bajaruvchi ishlariga eng mos bo‘ladigan qilib tanlashdan iborat. Shaxsning ruhiy xususiyatlari jumlasiga uninig qiziqish va harakteri kiradi. Shu sababli, rahbar shaxsga rahbarlik qilganda, o‘z oldiga inson ruhiy xususiyatlari shakllanishi va rivojlanishini o‘rganish, uning qiziqish va qobiliyati, temperament va fe’lini bilish vazifasini qo‘yishi kerak. Shaxsning ruhiy xususiyatlarini inson faoliyatida ajratib tushunib bo‘lmaydi, chunki kishi qobiliyati va fe’li xususiyatlari uning faoliyati va xulqida namoyon bo‘ladi. Inson hayoti va ommaviy faoliyati uning ruhiy holatini shakllantiradi. Insonning qanday hayot kechirishi, nima bilan shug‘ullanishini bilmay vujudga kelganligi, u yoki bu narsaga qobiliyat rivojlanganligi, fe’li shakllanganligini anglab bo’lmaydi. Inson avvalo, o‘zini ijodiy shaxs sifatida baholaydi. Ishchi mehnatga bunday nuqtai nazardan qarashga darrov kelmaydi: moddiy ehtiyojlar birlamchi bo‘lib, ular qoniqqandan so‘ng nisbatan yuksak insoniy ehtiyojlar ilgari suriladi. Inson faoliyati ma’lum rag‘batlantiruvchi omillarga asoslangan bo‘lib, ma’lum maqsadga erishishga qaratilgandir. Rag‘batlantiruvchi omil – maqsad munosabati inson faoliyati o‘zagidir.

Jismoniy tarbiya va sport boshqaruvida asab tizimi va temperamentining o’ziga xos xususiyatlari juda katta ta’sir ko’rsatadi. I.P.Pavlovning ta’limotiga ko’ra, temperamentning fiziologik asosi—oliy asab faoliyatining muayyan turi hisoblanadi. U asab tizimining qo’zg’alish va tormozlanish jarayonlarini kuchi, muvozanatliligi va harakatchanliligi orasidagi har xil mutanosibligi bilan harakterlanadi. Qo’zg’alish va tormozlanish jarayonlarining kuchi asab hujayralarining ishchanligi, ularning kuchli va uzoq muddatga cho’ziladigan qo’zg’atuvchilarga nisbatan chidamliligini ifodalaydi. Asab jarayonlarining muvozanatliligi - qo’zg’alish va tormozlanish jarayonlarining o’zaro muvozanati-ya’ni balansini ifodalaydi. Asab tizimi qo’zg’alish jarayonining kuchi tormozlanish jarayonining kuchiga teng bo’lgandagina muvozanat holatida bo’ladi. Ulardan birining kuchi oshib ketganda esa asab tizimida muvozanatlik yuzaga keladi. Asab jarayonlarining harakatchanligi asab hujayralarining qo’zg’alish holatidan tormozlanish holatiga tez o’tishi bilan bog’liq, aks holat esa intertlik hisoblanadi. Temperamentning xususiyatlariga quyidagilar kiradi: senzitivlik,reaktivlik, aktivlik, reaksiya sur’ati, plastiklik-rigidlik, ekstreversiya- intraversiya (V.S. Merlin).

Boshqaruvning ijtimoiy-ruhiy usullarini qo’llash boshqaruvda yuz berayotgan ijtimoiy hodisalarni chuqur o’rganish hodimlar nerv tizimi kayfiyatiga ta’sir etuvchi ruhiy omillarni bilishni talab etadi. Boshqaruv murakkab jarayon sifatida

jamiyat rivojlanishida ko'p sonli omillar bilan tasvirlanadi. Jismoniy tarbiya va sport boshqaruvida ijtimoiy ruhiy usullar katta ahamiyat kasb etadi.

Ijtimoiy-psixologik boshqaruv usullari –bu rahbar qaror qabul qilishdan oldin, savol mohiyatidan xabardor bo'lishi, insonlar qiziqishlari, ehtiyojlari, o'zaro munosabatlari, jamoaning psixologik muhiti, uning norasmiy liderlari haqida ma'lumotga ega bo'lishi kerak. Shuning uchun ijtimoiy-psixologiya asoslarini bilish, kerakli ma'lumotlarga ega bo'lish, tahlil qila olishni taqozo qiladi. Ommaviy sport tashkilotlarida ijtimoiy-psixologik usullar yo'lboshchilik (boshlovchilik) qiladi. Ijtimoiy va psixologik usullarning ko'p jihati umumiy, bir xil bo'lishi bilan birga farqi ham mavjud. Aniq bir shaxsning xulqini boshqarish va guruhdagi shaxslararo munosabatni boshqarishdir. Ijtimoiy usul yordamida sport tashkiloti jamoasida ijobiy ijtimoiy-psixologik muhit bunyod etiladi va jamoaning bir maqsadga intilib, musobaqada g'oliblikka erishishini ta'minlaydi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. "Jismoniy tarbiya va sport menejmenti" darsligi. R. Nabiullin. Muvofiqlashtiruvchi Kengashdan o'tganligi to'g'risidagi guvohnoma raqami №303-014 va sanasi 2016 yil 21 aprel. I va II TOM.

2. T.S. Jo'rayev "Menejment va marketing psixologiyasi"-Termiz 2011 O.Hayitov, N. Umarov

3. Lisa P. Masteralexis., Carol A. Barr., Mary A. Humsning "Sport management" kitobi.

4. A.V. Pochinkin "Менежмент в сфере физической културы и спорта" kitobi.

## OROL BO'YI MUAMMOSI VA UNING AVTOMOBIL YO'LLARIGA TA'SIRI

*Raxmatov S.S.*
*TAYLQEI, AY va SI fakulteti talabasi*

Markaziy Osiyoda sug`oriladigan dehqonchilikda suv resurslaridan asossiz va noo`rin foydalanish natijasida Orol va Orol bo`yi muammosi vujudga keldi. Buning natijasida yerlarning qayta sho`rlanishi va suvning yaroqsizligi kuchayib bormoqda. O`simliklar xomashyosidan foydalanish, chorvani betartib o`tlatish, tabiiy manzaraga rekratsion tazyiq respublikadagi ekotizimlarning mahsuldorligini kamayishiga olib kelmoqda.

Orol dengizi ilgari vaqtda dunyodagi eng katta ichki dengizlardan biri hisoblanib, undan baliqchilik, ovchilik, transport va rekratsion maqsadlarda foydalanilar edi. Orol va Orol bo`yida sodir bo`layotgan jadal ravishdagi cho`llanish hodisasi dunyo tajribasida uchratilmagan. Shuning uchun ham uni miqdor va sifat jihatdan baholashda ancha qiyinchiliklarga duch kelinmoqda.

Dengiz tubining ochilishi va daryo deltalarining qurishi hisobiga cho`l maydonlari kengaymoqda. Ochilib qolgan 4 mln. ga maydon yuzasi mayda tuz zarrachaari bilan qoplanib yangi shakldagi qum qoplamlarini hosil qildi. Shunday

qilib, Markaziy Osiyo hududida qum-tuz aerozollarini shamol yordamida ko`chirib yuruvchi kuchli Yangi manba vujudga keldi. Dastlabki ma`lumotlarga ko`ra yiliga atmosferaga 15 – 75 million tonnagacha chang-to`zon ko`tarilishi mumkin. Dengiz tubidan ko`tarilgan chang-tuz to`zoni atmosfera ifloslanishini 5% dan ham orttirib yubormoqda. Chang-tuz to`zonlarining atmosferaga ko`tarilishini birinchi marta 1975-yili kosmosdan kuzatilgan. Bunday to`zonlar yilning uch oyi davomida kuzatiladi. Chang-tuz to`zonlarning uzunligi 400 km, eni esa 40 km bo`lib, radiusi 300 km ni tashkil etadi. [1]

Orol bo`yiga yog`ilayotgan chang-tuz zarrachalarining umumiy miqdori o`rtacha 520 kgG`ga tashkil etib, tuproq holati yomonlashuvining asosiy sababchilaridan biri bo`lib qoldi. Qoraqalpog`iston respublikasining sug`oriladigan maydonlari chang-tuz fraktsiyalari 250 kgG`ga dan Chimboy tumanida 500 tonnagacha boradi. Sho`rlangan qum to`zonlari yiliga Orol bo`yidagi 15 ming ga yaylovlarni egallab bormoqda.

Amudaryoning yuqori oqimidagi hududlarda meliorativ holati yomonlashishi (Surxondaryo, Qashqadaryo, Buxoro, Navoi, Samarqand) II kategoriyadagi o`rta oqimida joylashgan Turkmanistonning suv xo`jalik tumanlarida murakkab meliorativ holat kelib chiqmoqda. Amudaryo va Sirdaryoning quyi oqimlarida ko`pchilik maydonlar qoniqarsiz meliorativ ahvoli bilan III va IV kategoriyaga mansub yerlar hisoblanadi, sho`rlangan, kuchli sho`rlangan maydonlar 35 – 70% tashkil etadi. Tuproqlarining sho`rlanishi hisobiga qishloq xo`jalik mahsulotlari hosili O`zbekistonda 30%, Turkmanistonda 40%, Qozog`istonda 30-33%, Tojikistonda 19%, Qirg`izistonda 20% ga pasayib ketdi.[2]

Orol dengizining qurishi iqlim o`zgarishiga ham sababchi bo`ldi. Qurg`oqchilik tufayli iqlimning keskin kontinentalligi ortib ketdi. Dengiz va quruqlik o`rtasidagi haroratning o`zgarishi, shamol tezligining ortishi, suvning to`lqinlanish hodisasini kuchayishiga olib keldi. Avvallari qumlar ortiqcha namlikni yutishi hisobiga namlikni doimo ushlab turishi, cho`l o`simliklarini rivojlanishiga yordam berar edi. Kuchli sho`rlangan yer ostki suvlarining yuza joylashishi cho`llanish jarayonini kuchaytirmoqda. Amudaryo va Sirdaryo qirg`oqlarining pasayishi natijasida daryolarning quyi qismida suv toshqinlarini kamaytirib yubordi. Bu o`z navbatida to`qay o`simliklari maydonlarini qisqarishiga, ilgari gumusga boy bo`lgan o`tloqi-botqoqli tuproqlar unumsiz o`tloq taqir, cho`l qumli tuproqlarga aylanishiga olib keladi.

Orol dengizi qurishi natijasida yiliga atmosferaga minglab tonna chang va tuz miqdorini ko’tarillishi natijasida esa ko’plab inshootlar zarar ko’rmoqda.

Jumladan avtomobil yo’llari ham bugungi kunda orol dengizi qoldiqlari (qum va tuz zarralari) dan zarar ko’rmoqda. Markaziy Osiyo hududida qum-tuz aerozollarini shamol yordamida ko`chirib yuruvchi kuchli yangi manba mavjud. Dastlabki ma`lumotlarga ko`ra yiliga atmosferaga 15 – 75 million tonnagacha chang-to`zon ko`tariladi. Tuz qurilish materiallariga turli xil yo'llar bilan ta’sir yetkazishi mumkin, shu jumladan sement tarkibidagi gipsga ishqorli sulfatlar, qurilish materiallariga minerallashgan yer osti suvlaridan va boshqa yo’llar bilan. Natriy sulfat eritmasida ohaktosh kubiklarini bir necha marta namlash va toshlarni tez quritish orqali, tadqiqotchilar tuzli to'yinganlik va keyingi bo’lishi mumkin

bo'lgan zararni baholashga muvaffaq bo'lishdi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, materiallarni tuzga to'yinishi ko'proq zarar keltiradi. Tuz qurilish materiallari tarkibiga ularni yemirgan holda o'yuvchanlik xossasini nommoyon qiladi. Ko'pchilik inshootlar doimiy ravishda tashqi ta'sirlardan himoyalangan bo'ladi. Tuzlar esa o'z o'yuvchanlik xossasi bilan bu himoya qavatini yemirib boradi. Bu esa o'z navbatida inshootlarning ekspluatatsiya davri davomiyligi oralig'ini kamaytiradi. [3]

Avtomobil yo'llari asosan sementbeton yoki asfaltbeton qoplamalaridan quriladi. Tuzlar har ikki qoplamaga ham o'z ta'sirini ko'rsatadi. Misol uchun Asfaltbeton qoplama tarkibidagi bitumni, o'yuvchanlik xossasi bilan uning bog'lovchilik xossasini kamayishiga olib keladi. Buning natijasida bitum yemirilib, qoplama tarkibidagi yirik (chaqiqtosh yoki shag'al) va mayda (qum) to'ldiruvchilar qoplamadan asta sekinlik bilan ajralib boradi. Avtomobil harakatlangan vaqtda bu to'ldiruvchilar yo'l chetiga chiqib qoladi. Buning oqibatida avtomobil yo'llarida turli xildagi chuqurlik ya'ni koleya izlar hosil bo'ladi. Tuzlarning o'yuvchanlik xossasi natijasida qoplamalarning bunday holatga kelishi juda sekinlik bilan yuz bersada lekin, namlik vaqtlarida umumiy hisobdagi avtomobil yo'llari uchun bu sezilarli talofat hisoblanadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.http://geografiya.uz/ekologiya/120-orolboyi-mintaqasining-ekologik-muammolari.html

2. Austroads, 2007, Managing the Impacts of Rising Watertables and Salinity on Remaining Pavement Life: Report of 2005/2006 Activities, Sydney, 61pp, AP-T78/06

3. Amirov T.J. Avtomobil yo'llari va aerodromlar sementbeton qoplamalarini qurish. Toshkent-2017, 255 b

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДА ЛИДЕРЛИК МАҲОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Рахмонқулова Н.О.*
*Бухоро давлат университети талабаси*

**Аннотация:** Мақолада малакали кадрлар тайёрлашдаги муаммолар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича таълим тизимидаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Малакали кадрларга лидерлик маҳоратининг муҳимлиги инобатга олиниб, раҳбар ходимларга лидерлик маҳоратин юксалтиришга оид тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** малакали кадр, кадрлар тайёрлаш тизими, лидер, лидерлик маҳорат, кадрларни қайта тайёрлаш.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан малакали ва юқори касбий маҳоратга эга кадрларларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юксак салоҳиятли кадрларни етиштириш учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай мамлакатимизда малакали кадрларнинг етишмаётганлиги, давлат бошқаруви органларида турли даража ва лавозимларда ишлаб келаётган кадрларнинг кўпчилик қисмида лавозимига мос билим, касбий маҳорат, мустақил қарор қабул қилиш масъулияти, хорижий тилларни билиш, нутқ ва мулоқот маданиятининг етарли эмаслиги бугунги куннинг долзарб муаммолари қаторида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар бир соҳани етук, билимли, рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш жамиятимиз олдидаги асосий вазифа эканлиги таъкидланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади: “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак. Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда”. Зеро, кадрларни тўғри танлаш ва уларни салоҳият ва иқтидорига мос жой-жойига қўйиш бошқарув қарорларини сифатини ошириб, корхонанинг пировард кўрсатгичларини яхшилайди. Шу боис, раҳбар ходимларида лидерлик қобилиятини шакллантириш ва юксалтириб бориш, катта амалий-иқтсодий аҳамиятга эга. Шунинг учун раҳбар кадрларнинг малакаси корхона ва давлатнинг истиқбол ривожини белгиловчи муҳим омиллардан саналади. Уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакаларини ошириб бориш ўта долзарб масала бўлиб, жиддий эътиборни талаб этади. Аммо, ҳозирги вақтда кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик тараққиёт ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги кўзга ташланмоқда. Бунинг асосий сабаблари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин. Ўқув жараёнининг моддий-техник ва ахборот таъминотиниг етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётларнинг камлиги кабилар. Бу камчиликлар эса малакали кадрларни етиштиришда катта тўсиқларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли ҳам Президентимиз ва мамлакат ҳукумати малакали кадрларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.Бунинг учун аввало эътиборни таълим тизими сифатига қаратиш лозим. Таълим тизими қанчалик сифатли ва ривожланган бўлса, етишиб чиқадиган кадрлар ҳам шунчалик малакали ва салоҳиятли бўлади. Глобал иқтисодий ривожланиш ва халқаро интеграциялашув шароитида кадрларлар салоҳияти дунёнинг илғор андоза ва талабларига жавоб бермоғи даркор.

Чунки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, экспортга йўналтирилган ва импортни ўрнини босувчи юқори қўшилган

қийматга эга, жаҳон бозорида рақобатга чидамли товар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг пировард натижаси кадрларимиздан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун замонавий кадр-тажрибали мутахассис бўлиши билан бирга у инсоний фазилатларни мужассам этган, бошқарув илмидан хабардор, юқори интеллектуал салоҳиятига эга маънавиятли киши бўлиши лозим. Шу муносабатда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тизимида маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлик лавозимларини ёш, юқори малакали, касбий маҳорат жиҳатидан ҳар томонлама пухта тайёрланган тажрибали мутахассислар билан тўлдириш вазифаси асосий устуворлик касб этмоқда. Кадрлар фақат малакали ва салоҳиятли бўлибгина қолмасдан, улар лидерлик маҳоратига ҳам эга бўлишлари ўта муҳимдир.

Чунки, лидер - бу жамоа манфаатларини бирлаштириб, бошқаларни маълум бир мақсад сари етаклай оладиган ҳамда бунинг натижасида жамоа ишончини қозонган шахс ҳисобланади[1]. Меҳнат жамоасидаги лидер авваламбор, ўзининг ишчанлик хусусиятлари билан фарқланиб туради. Айнан у меҳнат фаолияти туфайли бошқалардан ажралиб кўзга ташлана бошлайди. Бундан ташқари, лидер, гуруҳ манфаатини ҳимоя этар экан, кези келганда расмий муносабатлар тизимига ва расмий доиралар манфаатига ҳам зид чиқа бошлайди. Натижада, жамоада расмий раҳбар ва норасмий лидер ўртасида зиддият пайдо бўлиши мумкин. Корхона манфаатидан келиб чиқсак, жамоадаги расмий ва норасмий тизимда шаклланувчи лидер бир шахс орқали ифодаланиши энг мақбул ҳолдир.

Айтиш жоизки, лидерлик қобилияти кимларгадир туғма қобилият бўлиб ўтса, кимларгадир эса йиллир давомида шаклланиб келади. Лидерлик маҳоратига фақатгина юқори лавозимларда фаолият юритадиган раҳбарлар эга бўлмайди. Қандай соҳада фаолият юритишидан қатъий назар барча кадрлар бу маҳоратга эга бўлишлари давр талабидир. Қачонки, мамлакатимиздаги ҳар бир кадр лидерлик маҳоратини ўзида мужассам этса, қандай фаолият бўлмасин етакчиликни қўлига олиб улкан марраларни забт этади. Чунки дунёнинг барча мамлакатларида жаҳон бозорига кириб бориш учун албатта юқори, замонавий фикрлайдиган, ташаббускор сифатли кадрлар муҳим ўрин эгаллайди.

Шу ўринда, мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 3 октябрь куни “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимтни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармон имзоланди. Бу эса ўз навбатида келажакда замонавий, малакали кадрларни тайёрлаш, уларни мансаб поғоналарида ўсишида асосий пойдевор бўлади десак, муболаға бўлмайди.

[1] Нуралиев Э. “Корхона менежментида лидерликни аҳамияти”. Битирув малакавий иши., Тошкент 2016-йил. 11 б.//Ziyonet.uz

Юқоридаги муаммоларни ўрганиш давомида қуйидаги хулосаларга келиб, бир нечта таклифларни беришни жоиз деб топдик.

Кадрларни янги лавозимга тайинлашда улар эришган ютуқлари билан бир қаторда нутқи, хорижий ва давлат тилларини билиш даражаси, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилияти, қўл остидаги ходимлар ва мурожаат этувчи шахслар билан юқори савияда мулоқот ва муомала қилиб билишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳар бир бўшаши мумкин бўлган лавозимни эгаллаб биладиган камида 3 нафар номзодни ишдан ташқари тегишли усул ва йўллар билан чиниқтириб тайёрлаб бориш давр талаби ҳисобланади. Давлат идоралари раҳбар ва кадрларини “Менежмент асослари”, “Раҳбар этикаси”, “Нотиқлик ва лидерлик ҳамда мулоқот санъати”, “Амалий ўзбек ва хорижий тил”, “Диний ва миллий ахлоқ қоидалари” каби курслари бўйича масофавий таълим олишларини шарт сифатида белгилаб қўйиш ижобий самара беради. Бунинг натижасида бошқарув самарадорлиги юксалиб,раҳбарва кадрларнинг ўзига бўлган ишончи ортади ҳамда раҳбарлар кадрларни тез-тез алмаштиришга ўрин қолмайди.

Бундан ташқари таълим тизимида лидерлик маҳорати тўғрисида алоҳида фан вашу соҳага оид турли ўқув курсларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Етишиб чиқаётган кадрлар фақатгина малакали ва салоҳиятли бўлибгина қолмасдан ўз соҳасининг етук мутахассиси ва лидерига айланишларини таъминлаш зарур. Бундай кадрлар-корхоналар ва умуман миллий иқтсодиётни истиқбол ривожланишининг устувор таянчидирлар.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрьдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 3 октябрьдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5843-сон Фармони.

3.Питер Друкер. Практика менеджмента.-М. “Манн, Иванов и Фербер”. 2015. 311 с.

4.Собиржонова Д., Сулаймонов Б. Менежмент. Иқтисод-молия.2008 - йил. 132б.

5. Нуралиев Э. “Корхона менежментида лидерликни аҳамияти”. Битирув малакавий иши., Тошкент 2016-йил. 11 б.//Ziyonet.uz.

# КОМПЬЮТЕРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАБОТЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ПСИХОЛОГА

*Рахманова Д.Б.*
*старший преподаватель Бухарского государственного университета*

**Резюме:** В работе говорится об использовании ИКТ в работе практического педагога-психолога. Автор предлагает перечень сайтов, где можно найти много полезной и содержательной информации

Хочу поделиться опытом внедрения информационных технологий в работу практического психолога.

Информатизация деятельности психолога проходит по четырем направлениям:

1. Психодиагностика.
2. Психологическое просвещение и консультирование.
3. Коррекционная и развивающая работа.
4. Организационно-методическая работа.

Психодиагностика

Наличие персонального компьютера на рабочем месте избавляет меня от массы проблем, ну а в психодиагностике он просто незаменим. Система автоматизированной диагностики состоит из конструктора тестов, компьютерной диагностики, программ обработки информации.

Конструктор тестов

С помощью конструктора тестов я могу набирать и преобразовывать любые профессиональные текстовые методики в компьютерный вариант. Это позволяет мне предложить клиентам (школьники, студенты, родители, педагоги) не только индивидуальное, но и групповое компьютерное тестирование.

Кроме этого, с помощью конструктора тестов я создаю свои собственные методики, анкеты, опросники, необходимые для конкретной ситуации. В процессе такой работы постепенно накапливается своя электронная библиотека, свой банк компьютерных тестов, которые пригодятся в работе со всеми участниками образовательного процесса.

В Интернете также есть неплохие находки, которые помогут создать компьютерный вариант теста:

http://www.uchportal.ru
http://soft.softodrom.ru/ap/Konstruktor-testov-p4024
http://www.Uroki.uz
http://www. ziyoNET.uz
http://freesoft.ru/
http://txt.uz/

Компьютерная диагностика

Электронная система тестирования делает мою психодиагностическую работу более продуктивной. Преимущества компьютерной диагностики в том, что, во-первых, появляется возможность проводить тестирование сразу нескольких обучаемых как по одному общему, так и по разным тестам.

Во-вторых, не требуется персонального участия или присутствия рядом с клиентами. Большинство тестов являются автоматическими. Клиент самостоятельно читает инструкцию, затем начинается тестирование; после чтения каждого вопроса клиент нажимает на клавишу ответа, тем самым переходя к следующему вопросу. А для самых маленьких разработаны специальные программы со звуковым сопровождением, то есть ребенок сначала слушает звуковую инструкцию, а затем выполняет какое-либо действие.

В-третьих, обработка теста осуществляется автоматически, что сокращает время на интерпретацию результатов исследования, при этом больше времени остается на наблюдение за учащимися, а также индивидуальные беседы и консультации.

И, в-четвертых, результаты можно посмотреть и обсудить сразу после завершения тестирования.

Таким образом, за небольшой промежуток времени педагог- психолог может не только исследовать способности учащихся, но и провести консультационную работу, обсудить результаты тестирования, предлагая свои рекомендации и советы.

Что касается компьютерных вариантов тестов, то сеть Интернет также предлагает немало таких ресурсов.

Психологические компьютерные тесты вы можете скачать на сайтах:

http://www.psychometrica.ru

http://psytest.info/taxonomy/term/16/all

http://vch.narod.ru/myprog.htm

Обработка информации

Обработка информации — едва ли не самый сложный, длительный и скучный вид работы, а использование персонального компьютера в качестве средства подсчета результатов тестирования дает возможность мне облегчить свой труд.

В тех случаях, когда нельзя провести компьютерное тестирование или необходимо подсчитать исследуемые показатели в целом по классу, параллели, педагогу-психологу необходимы обработчики тестов.

С помощью электронного обработчика тестов можно быстро, за 10–15 минут, я подсчитываю результаты тестирования сразу по нескольким классам. Кроме того, поскольку все данные заносятся в таблицы, при желании их можно распечатать и использовать, например, при составлении отчетов, консультировании, составлении статистической справки.

В качестве одного из самых распространенных обработчиков выступает офисная программа Excel, которая помогает мне делать различные выборки, считать аналитику. Краткий практический курс о том, как самостоятельно создать обработчик тестов с помощью программы Excel, можно скачать по адресу: **http://www.it-n.ru/communities.aspx**. Там же можно найти готовые обработчики.

Психологическое просвещение и консультирование

К психодиагностике тесно примыкают такие виды работы педагога-психолога, как психологическое просвещение и консультирование учителей, учащихся и родителей. У учителей существует огромный дефицит психологических знаний и навыков. Даже классные руководители, проработавшие с детьми не один год, располагают чрезвычайно скудными сведениями о психологических особенностях своих учащихся. Это же можно сказать и о родителях, которые нередко при всей своей любви к ребенку не знают его и не могут его понять. Повысить интерес к психолого-педагогическим знаниям, а также поднять уровень психологической культуры всех участников образовательного процесса поможет использование и применение ИКТ (в частности, презентации, подготовленные в программе Power Point, CD-фильмы) на родительских собраниях, семинарах для учителей, в беседах с учащимися.

Применение ИКТ в просветительской работе психолога сделает ее более интересной и продуктивной.

В создании презентаций незаменима программа Power Point. Я использую сайт **http://www.prezentacia.ukoz.ru**., где имеются готовые медиа-презентации семинаров, родительских собраний.

Коррекционная и развивающая работа

Компьютерные технологии я также использую для коррекционно-развивающей работы. К подобным технологиям относятся компьютерные программы обучающего и развивающего характера. Их использование способствует развитию познавательных процессов у учащихся; повышению эффективности обучения и учебной мотивации школьников, а также развитию их интеллектуальных и творческих возможностей.

Организационно-методическая работа

В организационно-методическую работу школьного психолога входят: разработка и оформление психологических программ, составление отчетов, предоставление результатов своей работы, фиксирование результатов проделанной работы в журнале учета видов деятельности и т.п.

Составление отчетов, результатов тестирования

Каждый психолог знает, что недостаточно только провести тестирование и обработать результаты. Грамотно и красиво составить отчет, представить свои результаты в понятной и доступной форме для администрации, учителей и родителей помогает мне программа Microsoft

Word, применение которой позволяет мне использовать таблицы, графики, диаграммы, вставлять различные рисунки, фотографии и др.

Программа Power Point идеальна для презентации результатов на педагогических советах и родительских собраниях.

Фиксация и хранение результатов

Очень важной и часто проблемной для психологов является фиксация результатов психологической работы в журнале учета видов деятельности. Некоторые педагоги-психологи заводят отдельные тетради на каждый вид деятельности, но впоследствии забывают вносить туда проводимую ими работу и мероприятия.

Благодаря электронному журналу я заношу данные о проделанной работе, которые автоматически распределяются по разным направлениям.

В заключение хотелось бы сказать, что компьютерные технологии уже в ближайшее время прочно войдут в наш обиход. Они станут надежными помощниками практической психологии в различных направлениях, тем более что преимущества ИКТ просто неоспоримы.

**ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
2. Рогов “ Рабочая книга психолога” Москва, 2010
3. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1968. - 468 с.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт Т.2000
5. Морозов А.В. Психология влияния. М. “Питер” 2001й.
6. www.psycho.all.ru
7. www.psychology.net.ru

## БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ

*Рахмонова Д.С.*
*Андижон машинасозлик институти*

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишда маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш биз учун умуммиллий миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз истиқболи, келажагини ўйлаган ҳар қайси инсон, халқ, миллат, мамлакат ўз фарзандларининг маънавий – маърифий тарбияси ҳақида ўйлаши ва қайғуриши керак. Зеро, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур».

Болаларни тарбиялашда ота-она, оила, мактаб, жамият аъзоларининг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда, маънавий

баркамол авлодни тарбиялашда ота-онанинг, оиланинг ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Боланинг характери, табиати, тарбияси, дунёқараши, атрофдагиларга муносабати оила шароитида қарор топади. Шунингдек, бола маънавиятини шакллантириш таълим-тарбия тизими билан ҳам узвий боғлиқдир.

Бола тарбиясини қачон бошлаш лозим, унинг тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор берилиш керак, бу жараёнда оила ва ўқув даргоҳининг роли қандай? каби саволлар кўп минг йиллик тарих давомида инсониятни ўйлантириб келмоқда.

Ота-она боланинг биринчи устозларидир. Бола ота-онасининг хатти-ҳаракатларини кўриб, уларни ўрганиб улғаяди. Бир олимнинг ёнига уч ойлик чақалоқ билан келиб, ундан “бола тарбиясини қачон бошлаш керак?”, - деб сўраганларида, олим: “ўн икки ой кечикдингиз”, деб жавоб берган экан. Яъни, тарбияни бола туғилганидан кейин эмас, балки ҳомиладорлик давриданоқ бошлаш керак. Бунда онанинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Инглиз шоири ва драматурги О. Голдсмит айтганидек, аёллар инсониятнинг илк мураббийларидир. Зеро, туғилмаган боланинг оламга нисбатан ишонч ва ишончсизлик ҳисси болага онадан келиб тушувчи маълумотлар асосида шаклланади. Онанинг ҳис-туйғулари бола психикаси ва характерининг шаклланишида ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатади. Туғилажак бола жисмоний ривожига онанинг ҳаёт тарзи, овқатланиш маданияти, зарарли одатлари бор ёки йўқлиги таъсир кўрсатади. Яъни, агар ота ёки онада салбий одатлар бўлса, бу уларнинг фарзандларида қайталанади. Бу одатлар боланинг жисмоний ҳолатигагина эмас, балки унинг руҳий-маънавий ҳолатига ҳам таъсир қилади, албатта.

Ота-онанинг болага гўдаклик чоғидан севги, меҳр бериши, тўғри парвариш ва тарбия қилиши унда ишонч туйғусини шакллантиради. Бу даврда ота-она ва фарзанд ўртасида илиқ, ёқимли таассурот уйғонади. Бола бошқалар билан ҳам шундай муносабатга киришади. Боланинг ўзига ишониши, ўзини ҳурмат қилиши муҳим бўлиб, ота-она доимо уни тинглаши, уни рағбатлантириши, унда севги, меҳр, ҳурмат, сабр-қаноат ва ишонч туйғуларини уйғотиши лозим. Олимлар жамиятда тез тушкунликка тушадиган инсонларни ўрганиб таҳлил қилганларида, уларнинг кўпчилиги болалик даврида яқинлари томонидан кам эътибор берилган ёки умуман эътиборсиз ўсганликлари аниқланган.

Оилада етарли меҳр ва самимийликни кўрган бола ахлоқий қадриятларни ўзида мужассамлаштиришга интилади. Валид ибн Нумайр ибн Авсдан ривоят қилинади: “У отасининг “Солиҳлик Аллоҳдан, одоб оталардан”, - деганини эшитган экан. Бундан маълум бўладики, боланинг ким бўлиб етишиши Аллоҳ таолонинг қадари билан бўлса ҳам, унинг одобли бўлишида ота-онанинг ўрни катта. Зеро, Аллоҳнинг Ўзи боланинг ким бўлиб етишишига ота-она томонидан бериладиган тарбияни сабаб қилиб қўйган. Агар уйда катталар бақириб чақиришса, бундай оилада улғаяётган болага сокин ва сабрли бўлишни ўргатиш қийин. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади. Бола жамият қадриятлари ва маданиятини оиладан ўрганишни

бошлайди. У, энг аввало, ота ва онасидан ибрат олади. Бола уйда ҳамма нарсани кузатиши, эшитиши, кўриши, тақлид қилишини унутмаган ҳолда ҳаракат қилиш лозим. Ота-она қанчалар яхши тарбия бермасин, ўз хулқ-атворини тузатмаса, боласининг бошқаларга ибрат бўладиган фарзандга айланишини кутмагани маъқул. Болани қаттиқ назорат қилиш, унга бақириш, ёнида жанжаллашиш, вақтида овқатлантирмаслик, атайин йиғлатиш – эндигина ишонч туйғуси уйғонаёган болага катта ёмонлик қилиш билан тенг. Натижада бола қўрқоқ, ичимдагини топ, дейдиган бўлиб қолади. Катталар буни сезмасликлари мумкин. Бироқ, мутахассислар фикрича, ота-онанинг тез-тез жанжаллашишлари боланинг касалликларга осон чалиниши, ёлғон гапириши ва тартибсиз бўлишининг бош сабабидир.

Шунингдек, уларга имконият даражасини инобатга олган ҳолда топшириқлар бериш керак. Бу ҳақда амалий психологияда қуйидаги фикр келтирилади: “Одамнинг биронта фаолиятининг муваффақият билан бажарилиши, аввало одамда бўлган билим савияси ва малакасига боғлиқдир”. Инсондаги малака эса йиллар давомида шаклланиб боради.

Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мустақил Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Бу мақсад йўлида катта ишлар олиб борилаётгани ҳам сир эмас. Ёшлар билим олишга ундалмоқда ва уларга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Болаларга юрагидаги туйғуларни сўз билан ифодалашлари учун кўмаклашиш даркор. Туйғуларини ифодалай олмаган бола ўзини чорасиз ҳис қилади. Боланинг айтган гаплари, сўзлаётган воқеалари ота-она учун шунчаки оддий гапдек туюлсада, бола учун эътиборли ва муҳим бўлиб кўринади. Фарзандни вақтида ва эътибор билан тингламаслик, вақт ўтиши билан бола ва ота-она орасида жарликни пайдо қилади. Ҳатто, бегоналардек узоқлашувга сабаб бўлиб, бундай вазиятда болаларда жиноят кўчасига кириш ёки ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатлар кузатилишини таъкидлаш миҳимдир. Олимлар ўз жонига қасд қилишни кўпинча психологик инқироз билан боғлайдилар. Бу аввало шахснинг ички шахсий алоқаларини узилиши, ўзи тааллуқли бўлган ижтимоий гуруҳдан бегоналашуви оқибатида пайдо бўлади. Ҳар бир инсон неча ёшда бўлишидан қатъи назар “мени севадилар” деган туйғу билан яшашни истайди. Болани тушунишда ва қийнаётган муаммоларини ҳал қилишда унинг гапиришига қулай вазият яратиш, эшитиш муҳимдир.

Бола сўзини тамомламасдан бирон фикрни билдириш ёки қарши фикр айтиш ноўрин. Бола ўзини безовта қилаётган нарсани тушунтиришда, туйғуларини ифодалашда баъзан қийналади. Бундай вақтларда болага зарда қилмасдан, мулойимлик билан сўзлашиш, гап орасида “шундайми?”, “Ҳа, баракалла”, “шундай дегин”, “қизиқ, кейин нима бўлди” сингари далда берувчи сўзлардан фойдаланиш зарур. Бу билан бола ўзининг ишончли суянчи, кўмакчиси, меҳрибони борлигини ҳис қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахс тарбиясида ота-она билимларини доимий ошириб боришлари лозим. Ягона ҳақиқат шуки, уйда ота-она,

мактабда устоз ва hа психологик ривожланиши, руҳиятидаги ўзгаришлар тўғрисида умумий маълумотга эга бўлиш мумкин бўлади. Бу эса ўз ўрнида муносабатларни тўғри ривожланишига, уларни ҳаётини олдиндан кўра билишга, келажагини порлоқ қилиб вояга етказишга катта ёрдам беради.

Ушбу хулосадан келиб чиқиб куйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

1.Оиланинг муқаддас даргох эканлигини ёшлар онгига сингдириш, кўпроқ китоб мутолаа қилишга ундаш.

2.Ўрта махсус ва олий таълимда психологик билимдонликни ошириш, психология соҳасига эътибор бериш.

3.Замонавий инноватцион технологияларни жорий этиш,жумладан жахон психологик адабиётларни ўзбек тилига таржима салоҳиятини ошириш чет тилларини муккамаллаштириш.

4.Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, она ва бола саломатлигини биринчи ўринга қўйиш кучли ижтимоий психологик иммунитетни шакллантириш.

5.Ота-онага бўлган мехр-муҳаббатни бола онгига она қорнидаёқ шакллантириш.

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*Раҳмонова З.Н.*
*Ўзбекистон миллий университети докторанти*

Оила деганимизда кўз олдимизга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Оила ватан ичра кичик ватандир.Бизнинг мамлакатимизда оила - муқаддас даргоҳ, никоҳ эса бузилмас ришта сифатида қадрланади. Бу борада юқори юридик кучга эга бўлган бош қомусимизда - яъни; Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланган бўлиб, унинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган

Оила инсоннинг онгида илк болалигидан бошлаб шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ниятлар қадриятлар ва ижтимоий тасаввурлар таркиб топадиган даргоҳдир. Ушбу даргоҳда маънавий-аҳлоқий муҳитни вужудга келтириш ва шу орқа шахсни оқилона дунёқараш эгаси, янгича фикрловчи, баркамол инсон қилиб шакллантириш хозиргиислоҳотлар даврида Ўзбекистон учун давлат аҳамиятига молик муаммодир. Зеро ёшларда миллий қадриятларга, жумладан оилавий қадриятларга, анъаналар ноёб расм-русмларга нисбатан холисона тасаввурларни шакллантириш орқали уларни оилавий турмушга тайёрлаш, оилапарварлик хусусиятларини таркиб топтириш юртимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширувчи таъсирчан воситадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек “Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!” [1].

Шуни таъкидлаш жоизки, президентимизнинг фикрларида оиланинг энг аввало, соғлом дунёқараш таркиб топтиришдаги беназир ролига алохида эътибор берилганки, мазкур дунёқараш ижтимоий психология фани тадқиқ қиладиган тасаввурлар тизими ёрдамида инсон ижтимоийлашувининг илк маскани бўлмиш оилада, ундаги ўзаро муносабатлар тизимида шаклланади. Худди шу боис, оилада боланинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ тарбиявий таъсир воситаларининг негизида халқ анъаналарининг, хусусан оилавий ўзаро муносабатларда сақланиб қолган оилавий қадриятлар моҳиятининг қонуниятларини ўрганиш вазифаси турибдики, уларнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитларини тадқиқ этиш, натижаларини эса амалиётга тадбиқ қилиш давр тақазосидир.

Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоийлашув жараёнида шахснинг оила ва унинг қадриятларига нисбатан муносабати, установкалари инсоннинг ўзига хос хулқ мезонлари ва сифати бўлиб, унда оилавий ўзаро муносабатларда одам учун аҳамият касб этувчи қадриятлар, яъни муомала маромлари, баҳолаш тизими ва яхлит фаолиятнинг умумий йўналишини белгиловчи мезонларда ўз аксини топади. Бу жараёнда шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари ва оилага нисбатан субъектив муносабати унинг ижтимоий тасаввурларида ифодаланади. Шу маънода ижтимоий тасаввурлар асосида шаклланадиган оилавий қадриятларга нисбатан установкалар англанган эҳтиёжлар, маслаклар ва ижтимоий меъёрларни белгилайди, у реал турмушга шунчалик қоришиб кетадики, натижада шахснинг барча ҳаракатлари ва хулқ-атвори тўлиғича уларга бўйсунади.

Оилавий қадриятлар инсоннинг ҳаётий тажрибаси ва жамиятга нисбатан муносабатларига боғлиқ тарзда шаклланади. Шунинг учун ҳам қадриятлар инсоннинг дунёқарашини, одамларга, оиласига муносабатини ташкил этувчи жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки оила-шундай бир ижтимоий муҳитки, ундаги барча қадриятлар, анъаналар, ота-оналарнинг ўзаро ҳамда уларнинг фарзандлари орасидаги муомала маромлари, барча хатти-ҳаракатлар унинг ҳар бир аъзоси онгига ва хулқ меъёрларига таъсир кўрсатади. Бу таъсирлар, энг аввало, таъсирни қабул қилувчининг ижтимоий тасаввурларида, билимлари ва баҳолаш тизимида, анъанавий-оилавий қадриятларга нисбатан муносабатларида, эътиқоди ва ишончида ўз аксини топади. Оилавий турмуш ва унинг қадриятлари никоҳ ва оила муносабатлари тўғрисидаги илк тасаввурлар ҳамда ижтимоий установкалар ҳам айнан ота-онанинг мавжудлиги ва уларнинг тарбиявий таъсири туфайли рўй беради.

Оилавий қадриятларнинг шахс томонидан ўзлаштирилишига туртки бўлувчи сифатий мезонлардан бири-маъсулият ёки инсондаги маъсулиятлилик хислатидир. Бу инсон томонидан бажариладиган ҳар бир

амаллари, фаолияти маҳсулини тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзива ўзгалар учун қандай наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон доимо ишни пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафаобар этишга қодир бўлади.[4] Оилада бу фазилат фарзанд онгига энг аввало, ота-онанинг оила, унинг қадриятларига амал қилиш, шахс камолоти масъулияти орқали сингдирилади. Шу боис оилавий қадриятларга ҳурмат, уларга нисбатан масъулият билан боғлиқдир.

Оила унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда оилага нисбатан туғри муносабатни шакллантиришда унинг таъсир йўналишларини белгилаб олиш керак. “Бу иш асосан ҳар бир ўзбек оиласидаги тарбия анъаналари ва уларни такомиллаштириш, миллий қадриятларни турмуш тарзининг ажралмас бўлагига айлантириш, мулоқот маданиятининг Шарқона кўринишлари билан замонавий шаклларини уйғунлаштириш, меҳнат тарбияси, унинг фарзандлар фаровон турмуш кечиришининг муҳим тамойили сифатида қадрланишига эришиш орқали амалга ошириш мумкин” [2; 122].

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган оилавий урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам фарзандларни оила муҳитида камол топтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир оила риоя қилиши лозим бўлган анъаналар ва расм-русмларнинг мавжудлиги, уларнинг жамият ва маҳалла анъаналари билан уйғунлиги ҳам фарзандда оилага нисбатан ижобий устсновкаларни шакллантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб саналади.[3;117]

Бу ўринда яна бир омилни ажратиб кўрсатиш мумкин, бу оилавий муомаладир. Оила муҳитида амалга ошириладиган мулоқот, оила аъзолари ўртасида кундалик, маиший муаммолар юзасидан амалга ошириладиган муомала ҳисобланади. Чунки инсон хулқ-атворида намоён бўладиган установкаларнинг шаклланишида радио, телевидение, газета, журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётларнинг қийматини эътироф этган ҳолда шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган таъсир, инсон юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган баъмани сўз ва ҳис-туйғуларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам зарур бир фикрни тушунтириш лозим бўлса, ота-она ҳам фарзандининг юзини ўзига қаратиб олиб, юз қиёфаси ва кўздаги самимият билан, психологик жиҳатдан таҳлил этилганда, экстралингивистик ҳамда паралингвистик воситалар ёрдамида фикрни уқтира бошлайди ва айнан шундай мулоқот самаралидир. Бундай таъсир кўпроқ эмоционал-психологик жиҳатдан таъсирчан оналар ва момолар муомаласида яққол кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оила ва уни бевосита ўраб турган ижтимоий муҳит таъсирида ёшлар онги, ижтимоий тасавурлари тизимига таъсир етказувчи омиллар кўп ва серқирра бўлиб, уларнинг йўналишларини, ўзига хос хусусиятларини ҳар бир алоҳида ижтимоий шарт-шароитда, бирламчи гуруҳ муҳитида тадқиқ қилиш илмий изланишлар учун катта аҳамиятга эгадир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

1. Президент Ш.Мирзиёев жойларда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2018-йилнинг 19-январб куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашиниг навбатдан ташқарисессиясида сўзлаган нутқи.

2. Каримова В.М. Оилада мафкуравий тарбиянинг таъсир йўналишлари. – “Фарзанд азиз, она – мўтабар” тўпламидан. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 137 – 150 б.

3. Умарова М.М. “Ўсмирларда оилавий ва қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий- психологик шарт шароитлири “ Т – 2004.

4. Оила психологияси. Ўқув қўлланма Ғ.Б.Шоумаров таҳрир остида. – Т.: Шарк, 2000

## MAMLAKATIMIZDA GENDER TENGLIGI VA XOTIN-QIZLARNING SHAXS SIFATIDA RIVOJLANISH STRATEGIYASI

*Rixsiboyeva D.A.*
*O’zbekiston Yoshlar ittifoqi hodimi*

Bugungi kunda mamlakatimizda xotin-qizlarning huquq va erkinliklari, ularning manfaatlarini himoya qilish va davlat boshqaruvida faol ishtirokini ta’minlash, taklif va loyihalarini davlat boshqaruviga yetkazishda amaliy ko’mak berish masalasida, prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ko’plab ishlar amalga oshirilmoqda. Shu kungacha ko’plab loyihalar, o’nga yaqin qonunlarda xotin-qizlar masalasida alohida bandlar ishlab chiqildi va “ Gender tengligi ” to’g’risidagi qonun kuchga kirdi. Oila qurishda avvalo ikki yosh, ayniqsa ayol shaxs sifatida shakllanishi, insonlar bilan muloqot qila olish texnikasini bilishi va albatta qisman boshqaruv imedjini o’zlashtirgan bo’lishi sababi ( oila ham bir davlat ) vaqtni to’g’ri boshqarish, kun tartibini tashkil etish va karyera bilan oilani teng olib borish ko’nikmasiga ega bo’lishi, yangi muhitga psixologik tayyor bo’lishi zarur. Chunki, bugungi kunda ayol nafaqat oila bekasi balki, davlat boshqaruvida faol kadr bo’lib ham faoliyat olib bormoqda. Aksariyat hollarda karyera qilish istagida ishlayotgan yoki tahsil olayotgan kelin va qizlarimiz ayrim qo’shtirnoq ostidagi “MILLIY QADRIYATLARIMIZ” ta’sirida yangi hayot boshlab mana shu hayot ichida o’zining shaxsiy kamol topishini unutib qo’ymoqda va ba’zi hollarda shu sababli ham ajralish holati ko’rsatkichi ortib bormoqda. Kasalni davolashdan ko’ra uni oldini olgan afzal degandek to’y kuni yangi xonadonda har bir oila a’zosini hurmat qilish, turmush o’rtog’ini doimo sevib uni aytganlarini qilish haqidagi o’n daqiqalik maruza bugungi kun uchun yetarli emas albatta. Qizlarimizga balog’at davridan faqat ovqat tayyorlashni emas, balki vaqtni to’rg’i tashkil etish, shaxsiy rivojlanish va karyerani toxtatmagan holda oilada ham faol bo’lish ko’nikmalarini shakllantib, ularda mana shu omillarni doimiy hayot

tarziga aylantirishda ko'mak berish zarur. Buni esa men " **SKS** " tamoyili asosida trening shaklida olib borishni reja qildim. Ya'ni:




Bu tamoyil asosida har bir o'rganuvchida shaxsiy rivojlanish strategiyasini tashkil etish bo'yicha nazariy va amaliy ko'nikmalar shakllanadi. Ya'ni har bir bo'lim uchun alohida mavzu tanlab olingan.

**STOP – ( toxtatish )** Shaxsiy rivojlanishda asosiy to'siqlardan biri salbiy xarakterdagi hususiyatlaridan xalos bo'lishga erishiladi. Bu bo'limda barchada mavjud bo'lgan o'tgan umrdagi vaqt davomida yuzaga kelgan ko'ngilsizliklar va muvaffaqiyatsizlik uchun o'zgalarni aybdor deb bilish, yoki hayoti davomida shaxsga nisbatan qilingan nohaqsizliklar uchun insonlarni kechira olmasligi sababli hayotini muvaffaqiyatli davom ettira olmaslik, yangi hayot boshlashda ikkilanish yuzaga keladi. Bir so'z bilan aytganda o'tmishni unutish va ikkilanishni toxtatish, karma va matritsalardan halos bo'lish uchun bilim, ko'nikma va amaliy mashg'ulot, meditatsiyalar beriladi. Bu bo'limda ko'plab izoterik va qalbshunos, psixologlar va menda ham muvaffaqiyatli amalga oshirilgan "MASTER KIT" metodikasi, "OYNA ", "KECHIRISH PRAKTIKASI VA MEDITATSIYASI " amalga oshiriladi. Fandan ma'lumki inson tanasida 70 ming trillionga yaqin hujayralar mavjud va har bir hujayra o'zida fikr va hissiyot, ma'lumot saqlaydi va har bir hissiyot bittadan katakchaga joylanib boradi. Inson 25 yoshgacha mana shu katakchalarni to'ldirib bo'ladi. Hayotimizda turli vaziyatlar misol uchun pul, baxt, muvaffaqiyat kelmaydi bunga sabab esa kataklar to'lgan bo'ladi. Har bir katak o'zida energiya ushlab turadi va mana shu energiya o'ziga o'xshash energiyadagi vaziyat va holatlarni tortadi. Taqdim etilgan meditatsiya va praktikalar sababli, shaxsiy rivojlanishdagi ilk qadamni o'zini va insonlarni kechirish, matritsa va karmalarni tozalash muvaffaqiyatli amalga oshiradi. Tozalash va kechirish orqali yangi hayotga yangi bosqichga o'tiladi.

**KEEP – (davom ettirish )**Shaxs o'zida mavjud bo'lgan komillik sari eltuvchi ijobiy hususiyatlarni mukammallik sari shakllantirishni davom ettiradi. Testlar orqali shaxsning ijobiy hususiyatlari aniqlanadi va ular ustida ishlanadi. Bundan tashqari ushbu bo'limda vaqtni va kun tartibini to'g'ri tashkil etishda ma'lumotlar berib o'tiladi. Muomala ma'daniyati, muloqot qilish jarayonlari va bosqichlari, muvaffaqiyatli muomala ma'daniyati haqida tushuncha berib o'tiladi. Muloqot maydonida imedjni to'g'ri tashkil etish **"Paretro"** qonuni bilan ishlash amaliy tartibda o'rgatiladi.

**START – (boshlash )** Shaxsiy rivojlanishdagi muhim omil hisoblangan ya'ni shaxs xarakteriga va hayot tarziga yangi yo'nalish va usullar, yangicha va to'g'ri fikrlashni kiritadi. Bu bosqichda shaxsiy rivojlanishda yuqori natijaga erishish

uchun har bir shaxsda shakllangan bo'lishi kerak bo'lgan asosiy hususiyatlar o'zlashtirish uchun (**TIMES MENEGMANT**) vaqtni boshqarish usullari, Franklinning vaqtni boshqarish usuli, ABC- taxlil, Uch radiusli va Shtirlis usullaridan foydalaniladi. Boshqaruvda ta'sir etish usullarini o'rganish maqsadida **MENTAL** (fikriy, aqliy) modellashtirish ya'ni suhbatdoshni tushunish texnologiyasini o'rganish maqsadida Djogarri oynasi, Suqrot usuli va boshqaruv qonuniyatlarining ayrim usullari bilan tanishtiriladi.

Aynan bu usullar yordamida professionallik sari intilish boshlanadi. Bundan tashqari auditoriya bilan birgalikda kitob o'qish yo'lga qo'yiladi. Bu usul orqali guruhda jamoaviy ishlash o'rganiladi, bir mavzu orqali turli anglashlar orqali fikr almashilinadi. Tanlab olingan usullarda vaqtni maksimal darajada to'g'ri tashkil etish, sog'lom turmush tarzi kabi vaqtni to'g'ri tashkillashtirgan holda karyerani yo'lga qo'yishga erishiladi va bundan maksimal darajada natija olish mumkin.

**XULOSA:** O'smirlikdan qizlarimizga mana shu usullarni o'rgatilsa kelgusida davlatimiz rivoji uchun professional kadr, yurtimiz ravnaqi uchun hissa qo'shadigan farzand dunyoga keltirib, tarbiyalashda asosiy va namunali vositachi bo'lib shakllanadilar. Sog'lom, yetuk, har tomonlama rivojlanadigan, o'z ustida ishlaydigan farzand uchun mana shunday ayol bo'lish kerak. Xotin-qizlar o'rtasida kitob o'qishni yo'lga qo'yish va ularni jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishi va faol kadr bo'lib yetishishiga amaliy ko'mak zarur. Turli xususiy o'quv kurslarida oilaga tayyorlov kurslari afsuski bugungi kun talablariga javob bermaydi. Bugungi kun o'z ustida ishlaydigan, teran fikrlaydigan insonlarga talabgor. Faqatgina shunchaki namunali ona bo'lish yaramaydi. Rivojlanayotgan zamonda rivojlanish yo'lidagi insonlar zarur. Tashkil etiladigan ushbu kursda xattoki, masofadan turib, hudud tanlamagan holda qizlar bilim va ko'nikmaga ega bo'ladilar. Sharoiti og'ir qizlarda ham pul va masofa jihatidan muammo bo'lmaydi. Yoshlar ittifoqidagi faoliyatim doirasida ushbu loyiha sinovdan muvaffaqiyatli o'tgan. To'g'ri izlanish orqali yo'lga qo'yilgan yangilik mavjud emas. Sababi biz yoshlar yangilik yaratish uchun biz avvallo yangilik qilgan insonlar tajribasi o'rganishimiz zarur. Men ham bizdan oldin yashab o'tgan aynan psixologiyaga rivoji uchun ulkan hissa qo'shgan insonlar tajribasini o'rgandim. Tengdosh tengdoshga tamoyili ostida yetkazish nafaqat shaxsiy rivoj uchun balki, kelajak avlodga yetkazishga ham eng zo'r amaliy usuldir.

Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyev aytganlaridek: "Bugun bitta kitob o'qigan va uni o'zlashtirgan bola, ertaga o'nlab insonlarni boshqaradi"

УДК.638.24

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ТУТНИ ҚАЛАМЧАДАН ПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Рўзиев А.Х.*
*Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчи*

**АННАТАЦИЯ:** Ўзбекистон Ипакчилик илмийтадқиқот йнститути қаламчаларни сақлаш учун хаво сикувчи курилма билан жихозланган музлатувчилардан фойдаланишни тавсия этади. Қаламчалар боғлами атрофига нам қиринди солиниб, устидан полиэтилен плёнкаси ёки нам ўтказмайдиган қоғоз билан ўралади ва музхонага қўйилиб, унинг харорати 2-4 даража ушланади. Бу шароитда, кеч куз (ноябрь ойининг охири) да тайёрланган қаламчалар 8-9 ойгача ва эрта куклам (февраль-март ойлари)да шира харакати бошланмасдан тайёрланган қаламчалар эса, июнь ОЙИНИГОХИРИГАЧА яхши саклaнади. Бу қаламчалардан пайвандланган кўчатлар 90% гача кўкариши мумкин.

**Калит сўзлар:** тут, навдор, қаламча, харорат, пайвандтаг, пайвандуст, намлик, искана, найча.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31-июлдаги “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4411-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17-январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4567-сонли қарорларининг эълон қилиниши пиллачилик соҳасининг ривожланишини янги босқичга олиб чиқди десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда ушбу қарорларни ижросини таъминлаш ва ипак куртининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳосилдор тут дарахтларини кўпайтириш учун агротехникаси жиҳатидан анча арзонга тушадиган усулларни қўллаш масалалари кенг қамровли ўрганилмоқда.

Қаламчалар навдор тут дарахтларидан ёки бир йиллик навдор тут кўчатининг новдаларидан куз, қиш ва эрта кўкламда (дарахтда шира хаакати бошлангунча) тайёрланади. Пайвандлаш учун ўсимликнинг бир йиллик пишган новдалари 40-50 см узунликда кесилиб, 50-100 тадан боғланади ва музхона ёки махсус ертулаларда сақланади.

Ертўланинг ҳарорати ортиқча кўтарилмаслиги учун унга 1 м қалинликда муз ёткизилиб унинг устига похол солинади. Сўнгра даста-даста қилиб боғланган қаламчалар тик холатда похол устига қўйилиб, атрофи хам похол билан ўралади. Муз бўлмаса, 1 м қалинликда намланган қум ёткизилади. Кейинги холатда қаламча боғламлари қумнинг устига икки-уч қават қилиб қўйилиб, уларнинг орасига 8-10 см ва энг устига 30-40 см қалинликда қум ёткизилади.

Қаламча сакланадиган хонанинг харорати 2-5 даража ва хавонинг нисбий намлиги 70-80% бўлиши керак. Харорат шундан юкори бўлса, қаламча куртаги бўртиши, намлик ошиб кетса қаламча чириши мумкин. Бундай қаламчалар пайванд учун ярамайди.

Ўзбекистон Ипакчилик илмийтадқиқот йнститути қаламчаларни сақлаш учун хаво сикувчи курилма билан жихозланган музлатувчилардан фойдаланишни тавсия этади. Қаламчалар боғлами атрофига нам қиринди солиниб, устидан полиэтилен плёнкаси ёки нам ўтказмайдиган қоғоз билан ўралади ва музхонага қўйилиб, унинг харорати 2-4 даража ушланади. Бу шароитда, кеч куз (ноябрь ойининг охири) да тайёрланган қаламчалар 8-9 ойгача ва эрта куклам (февраль-март ойлари)да шира харакати бошланмасдан тайёрланган қаламчалар эса, июнь ойинигохиригача яхши сакланади. Бу қаламчалардан пайвандланган кўчатлар 90% гача кўкариши мумкин.

Тутчиликда пайванд қилиш асосан куртак ва қаламчага бўлинади.

**Қаламча пайванд.** Қаламча пайванд ўз навбатида пўстлок остига пайвандлаш, кўчатни ўтказиш олдидан илдизга пайвандлаш ва искана (ёрма) пайвандга бўлинади.

Қаламча пайвандда пайвандтаг ҳисобида бир яшар тут кўчатлари танаси ва 1 сорт тут нихоли ёки кўчатларининг илдизлари танаси ва 1 сорт тут нихоли ёки кўчатларининг илдизлари, ёш тут дарахтларининг танаси, каллакдаги шохлар олиниб, пайвандуст учун эса иккидан тўрт бўғингача бўлган қаламчалардан фойдаланилади.




(ТошДАУ тажриба хўжалигида қаламчалар экиш жараёни 2019 йил)

**Экилган қаламчаларни ўсиши ва ҳаётчанликкўрсаткичларини нисбати**

| № | Қаламчалар номи | Экилган қаламчалар дона | Униб чиққан қаламчалар | Ҳаётчанлиги % | Назоратга нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон | 100 | 72 | 72 | 423,0 |
| 2 | Жарарик-7 | 100 | 85 | 85 | 500,0 |
| 3 | Ошима | 100 | 77 | 77 | 453,0 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Тожикистон уруғсиз тут | 100 | 53 | 53 | 311,0 |
| 5 | Назорат вариант (қиёсловчи) | 100 | 17 | 17 | 100 |

Ўзаро натижаларни таққослаганимизда кузатув (назорат) сифатида экилган ҳалқаланмаган тут қаламчасига нисбатан, ҳалқаланган тут қаламчасидан униб чиққан кўчатлар 4-5 марта ортиқ униб чиқишига эришилди.

Пўстлоқ остига пайвандлаш. Япония, Италия, Франция, Болгария, Руминия ва бошқа давлатлар пўстлок остига пайвандлаш орқали навдор тутларни кўпайтиришга эришилган. Аммо сўнгги вақтларгача Ўзбекистон шароитида пўстлок остига пайвандлашни қўллаш амалий жихатдан яхши натижа бермаган. 1963-1965 йилларга келиб, бу усул М.И.Грабинская рахбарлигида Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институт ходимлари томонидан такомиллаштирилиб Ўзбекистоннинг тут кўчатларида қўллана бошланди.

Пўстлоқ остига пайвандлаш муддати кўкламги куртак пайвандникига ўхшаш, яъни жанубий минтақаларда февралнинг иккинчи ярмидан мартнинг охиригача, ўрта иқлимли минтақада мартнинг иккинчи ярмидан апрелнинг охиригача, шимолий минтақада апрель ойи давомида амалга оширилади.

Бу ўртача шимолий минтақада қаламчаларнинг яхши пишиб етилиши учун июлнинг охири ва августнинг бошида қаламча тайёрланадиган она тутзорларни гектарига соф вазнда 150 кг суперфосфат ва 75 кг калий тузи билан ўғитдан тавсия этилади.Пайванднинг яхши тутиши учун пайвандтагнинг диаметри камида 10-12 мм, пайванддустники эса иложи борича ингичкарок 8 мм дан камроқ бўлиши керак.

Ингичка қаламчалар, яъни учинчи тартибда шохланган қаламчалар етиштириш учун новдалар уч марта кесилади. Биринчи марта эрта кўклам (февраль охири, мартнинг боши) да қишдан чиққан бултурги новдалар 100 см баландликда, иккинчи марта шу ердан янги чиққан иккинчи тартиб новдачалар 60 см га етгач, учи чимдилади ва учинчи марта улардан ўсган учинчи тартиб новдачаларнинг буйи 60 см бўлгач, учки қисми қайта чимдилади.

Она тутзордаги тутлар новдаларнинг ён куртаклари ўсиши туфайли кўплаб (1 га тутзорда 1 млн. дан ортик, 1 туп дарахтдан 1700-1800 дона ва бута тутлардан 800-1400 дона) ингичка қаламчалар етиштириш мумкин.

Пайвандлашдан 4-5 кун олдин пайвандтагда шира харакатини яхши бўлиши учун, кўчатлар суғорилади ва тупроқ етилгач, қатор ораси тракторга осилган культиватор ёрдамида юмшатилади, тут ораси чопилади.

**Искана (ёрма) пайванд.** Бу хилдаги пайванд икки ва ундан каттароқ ёшдаги тут дарахтининг танаси ёки каллак шохларига кўкламда ўсимликда шира харакати бошланиши билан қилинади. Буниг учун диаметри 4-10 мм, 2 дан 4 гача куртакчаси булган қаламчалардан фойдаланилади. Пайвандлаш олдидан пайвандтаг уткир арра билан кундалангига арраланади ва боғ пичоқ ёрдамидан унинг 3-5 мм устки қисми кесилади. Шунингдек унинг камбий

тўқимаси шикастланмайди ва у пайвандниниг битишига фаол қатнаша олади. Пайвандтагнинг йўғонлигига қараб кўндалангига 1 ёки 2 томондан уткир теша, болтача, ёки катта пичоқ ёрдамида ёрилиб, униг ўртасига қаттик ёго чёки темирдан ясалган пона кокиб,ёриги кенгайтирилади. Шу ёрилган жойнинг 2 ва 4 томонига исканага ўхшатиб йунилган қаламчалар қўйилади ва ўртасидаги пона этиётлик билан олинади. Бунда қаламча кесигининг узунлиги 5-7 см бўлиб, пайванд тагнинг ички томонига ўрнатилган кисми сиртқи томондагига нисбатан кўпроқ ёнилади. Қаламчанинг пайвандтаг ёригига қўйиш вактида униг ёгочлиги пайвандтагнинг ёгочлигига, пустлоги эса пўстлоғига туғри келиши керак. Қаламчалар ўрнатилгандан кейин пайванд яхшилаб боғланади ва пайвандтаг билан пайванддуст орасидагипайванд қилинган жойни лойлаш ва плёнка ёки қоғоз билан боғлаш.

Бўшлиқларга боғ замаскаси суртилади ёки пахта тиқилиб, устидан пишитилган лой чапланади. Бундан ташқари кесик устига 1-2 см қалинликда маргансофка суюқлигига намланга пахта қўйилиб, намликни сақлаш мақсадида устидан полиэтилен плёнкаси билан яхшилаб боғланади. Шундай қилинганда қаламчалар яхши кўкаради.

**Найча пайванд**. Бу пайванд ёзда (июнь, июль), шу йилга ўсган навлардаги куртаклар етилган (қўнғир тусга кирган)да қилинади. Пайвандтаг новдасининг йўғонлигига мос келадиган пайванддуст қаламчалар пайванд қилиш пайтида тайёрланади. Пайвандтагни юқориги учидан бир қисми кесилади ва қолган пастки қисми устки томондан 5-10 см гача қобиги артилади, лекин олиб ташланмайди. Пайванддустнинг пайвандтаг юқори қисмига мос келадигани олинади. Пайванддуст қаламчанинг энг юқориги куртагидан 1 см юқориси қирқилади ва шундай масофада куртакнинг остидаги пусти гир айлантириб кесилиб, куртак обиги билан бирга суғуриб олинади. Бу осон чикиш учун пичоқ дастаси билан айлана бўйича секин урилади. Шу йусинда олинган найчасимон пайванддуст пайвандтаг ёгочлигига кийгизилади ва у зич жойлашгунча пастга сўрилади. Сўнгра пайвандтагни қобиғи пайванддустга ўраб боғланади. Унда куртак очиқ қолдирилади.

Искана ва найча пайвандларини парвариш қилиш юқоридаги пайвандларникига ўхшаш бўлиб, кўчатзор ва тутзорлар белгиланган усулларда амалга оширилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

**1.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31-июлдаги “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4411-сон қарори-Тошкент, 2019. 1-4-б

**2**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17-январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4567-сонли қарори.-Тошкент, 2019. 1-2-б

**3.** Рахмонбердиев К.Р., Хиббимов М. Тут дарахтини қаламчасидан кўпайтириш. –Тошкет: Меҳнат, 1997. 3-9-б.

**4**. Раҳмонбердиев К.Р. Кольцевание при размножении шелковицы черенками. // Шелк, №3. Тошкент, 1961. –Б. 25-26.

**5.** Кучкаров У. Высокоурожайные межлинейные гибриды шелковицы, пригодные для разносезонного червокромления. // Научные основы развития шелководства: Труды САНИИШ. – Ташкент, 1987. – С. 40.

**6**. У.Абдуллаев "Тутчилик" Тошкент Мехнат 1991-Б.150-160

## СПОРТЧИЛАРНИ ПЕДАГОГИК-ПИСХОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Рўзиев У.М.*

*Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

Жисмоний маданият таълими, маълум ижтимоий буюртмани бажара туриб замонавий жамиятнинг ривожланишида ўзининг мақсадини қайтадан кўриб чиқиши ва мазмунини ўзгартиришига мажбур. Икки тенденциянинг тўқнашуви рўй бермоқда. Бир томондан, жисмоний маданият таълимини қайта қуриш зарурлиги тан олинмоқда, жамият талабларига мос равишда тажрибалар орттирилмоқда, янги дидактик ёндашувлар шаклланмоқда. Бошқа томондан эса, тизим шаклланган назарияни ва одатдаги методикани сақлаб қолишга, ташкилий шаклларни ва орттирилган тажрибани мутлақлаштиришга интилмоқда. Жисмоний маданият таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича эълон қилинган илмий адабиётлар таҳлили ҳозирги шаклланган тенденция доирасида фақат чегараланган тор (локал) янгиликлар киритишга интилишлар мавжудлиги тўғрисида далолат беради.

Бироқ, ҳосил бўлган зиддиятларни туб ўзгаришларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Жамият онгининг ўзгариши натижасида ўзини ўзи ривожлантириш, ўзига ўзи тарбия бериш, мустақил ўқиб билим орттириш, билим, кўникма, малакаларни етказишнинг биринчи даражадаги аҳамиятлигида жисмоний маданият таълимида янги қадриятлар пайдо бўлди. Шаклланаётган жисмоний маданиятнинг янги концепцияси олий таълим тизимида жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассислари тайёргарлигида ҳам худди шундай муносиб ўзгаришлар бўлиши зарурлигини талаб қилади. Бу давлат таълим стандарти мазмунида, янги ўқув режалар ва дастурларда ҳамда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш йўлларини излашда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги "Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирллари тўғрисида" ги ПҚ-4623-сон қарорида "...педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида

абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” кўрсатилган.

Бироқ, бу интилишларни руёбга чиқариш учун шахсга педагогик йўналганлик ҳамда келгусида жисмоний маданият ва спорт соҳаси фаолиятининг паст-баландини тушунадиган абитуриентларни ўқитиш учун танлаб олишга жиддий эътиборни қаратиш зарур. Касбга танлаш учун тавсия қилинаётган методикалар сўровнома (анкета), интервью, педагогик мавзуидаги иншо, педагогик вазифаларни ечиш ва бошқалар ёрдамида абитуриентларнинг қизиқишлари, уларнинг педагогик касбдан хабардор эканликлари каби касбни танлаш омилларини баҳолаб абитуриентларнинг педагогик касбга бўлган муноссабатларининг реал потенциалини кўришга имкон яратади.

Бугун жисмоний маданият нафақат ижтимоий турмуш (ҳаёт) воқеаси ва инсон фаолияти соҳаси сифатида, балки, унинг индивидда ривожланиш натижаси деб қаралмоқда. Бу эса ўзида шахснинг фундаментал қадриятларини мужассамлаштиради, модомики, у организм фаолиятининг биологик потенциалини таъминлайди, ҳамоҳанг ривожланишга замин яратади, ижтимоий фаолликнинг намоён бўлишига кўмаклашади, шахснинг талант ва қобилиятларини руёбга чиқариш йўлида хизмат қилади. Бундай ёндашув жисмоний маданиятни шахснинг маълум савиядаги жисмоний ривожланиши ва ўқимишлилигини характерловчи турли фаолият турлари ва шаклларида бу даражага эришиш усулларини англаганлиги (касбий, ижтимоий, оилавий, жисмоний маданият-спорт ва бошқалар), сифатли, тизимли, динамик таълим деб ҳсоблашга имкон яратади.

Шунинг учун жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлиги мазмунини қайтадан кўриб чиқиш жараёнида жисмоний маданият фаолияти ижтимоий функциясининг ифодаси ҳисобланган жисмоний маданиятнинг аксиологик аспектига эътиборнинг кучайиши муҳим тенденция ҳисобланади.

Жисмоний маданиятга бир томонлама, яъни фақат одамнинг жисмоний сифатларини, кўникма ва малакаларини ривожлантириш соҳаси деган фикр устунлик қилади. Унинг ижтимоий маданиятдаги ўрни ва шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти четда қолмоқда. Шу сабабли “инсон шахсини маънавий-психологик ривожлантириш ва жисмоний камолотга етказиш вазифаларини яхлит жараёнда амалга оширишда жисмоний маданият ва спортнинг ўзига хос ва умумий педагогик воситалари ҳамда методларини қандай қўллаш керак” деган маънога урғу бериш керак. Чуқур мазмунли илмий тайёргарликнинг етишмаслиги туфайли битирувчиларнинг аксарият қисми замонавий технологияларни ўзлаштира олмайдилар, новаторлардан фойдали тажрибани ўрганиб ололмайдилар, илмий ютуқларни ўзларининг амалиётига татбиқ қилолмайдилар.

Ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютерга мослаштирилган технологиялар етишмаслиги, индивидуаллаштирилмаган ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва ижодий вазифаларга етарлича баҳо берилмаслиги, педагогик амалиётнинг самарасиз қўлланилиши – булар

бўлғуси жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари маҳоратининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар ҳисобланади. Албатта, олий жисмоний маданият таълимини модернизация қилиш борасида амалга оширилган ижобий тажрибалар ҳам мавжуд. Шу билан бир қаторда тадқиқотчилар олий ўқув юртида ўқитиш жараёнида шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва бу хусусиятлар педагогнинг шаклланишидаги аҳамиятини ҳисобга олиш муҳим эканлигини таъкидлайдилар ҳамда талабаларда жисмоний маданият ҳаракатига фаол муносабат, шахсий педагогик позициянинг шаклланиши имкониятларини кўрсатмоқдалар. Ҳозир олий таълимнинг шахсга йўналтирилган парадигмага ўтиши билим ва кўникмаларни эмас, балки инсоннинг ўзини мутлақ қадрият сифатида қабул қилмоқда.

Жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигини инсонпарварлаштириш бўлғуси мутахассиснинг шахсини интелектуал, эстетик ва ахлоқий ривожлантиришга, унинг гуманитар билим даражасини ва умумий маданияти савиясини оширишга, дунёқарашлари кенглигини шакллантиришга мўлжалланган. Бу тиббий-биологик йўналишдан педагогик, психологик, ижтимоий ва интегратив йўналишга ўтиш билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғланганлиги жисмоний маданият-педагогик таълими ривожланиши тенденциясининг мантиқий давоми ҳисобланади. Бўлғуси жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини педагогик касбга тайёрлашни ташкил қилишда унинг функционаллик, қадриятлилик, фаолиятлилик аспектлари яхлитлиги мазмун ва маъносини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу аспектларнинг туб маъноси бир томондан жисмоний маданиятнинг интегратив, инсон ижодкорлиги, маънавий-жисмоний моҳиятини очиб беришга имконият туғдиради, бошқа томондан эса, педагогнинг қадриятлар тушунчасини ва улар ишининг вазифаларини ўзгартиради. Афсуски, бу кам ўрганилган муаммо бўлиб қолмоқда, жисмоний маданият факультетларида педагогларни оммавий тайёрлаш амалиёти эса, ҳали ҳам таълим парадигмасининг билимга мўлжалланган эски ҳислатларини сақлаб қолмоқда.

Шундай қилиб, жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассислари касбий тайёргарлиги мавжуд амлиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида уларда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Улардан асосийлари: жисмоний маданият-спорт ва психологик-педагогик тайёргарлиги ҳамда талабалар томонидан педагогик назарияни ўрганиш ва ўқув-тарбиявий фаолият амлаиётини ўзлаштириш орасидаги диспаритетлик (номувофиқлик).

Бундай ҳолат бўлғуси мутахассисларда умумий педагогик маданиятнинг шаклланишини ва уларда зарур касбий-педагогик сифатларнинг ривожланишини қийинлаштиради. Шу сабабли, олий касбий таълим тизимида педагогни тайёрлашнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ва касбий фаолиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, бу тайёргарликнинг яхлит концепциясини англаш ва яратишда асосли-мақсадли, процессуал-мазмунли, ташкилий-технологик, субъект-шахс каби психологик-педагогик

тартиб-қоидаларни жисмоний маданият ва спорт мутахассисларининг психологик ва педагогик тайёргарлиги жараёнига тадбиқ қилиш зарурлиги юзага келмоқда. Бу ерда гап бўлғуси жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигида сифат жиҳатидан янги мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, уларни ўқитишнинг метод ва технологияларини модернизация қилиш, мазмунини тизимлаштириш ва танлашнинг янги принциплари тўғрисда бормоқда.

Ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини қўллаш технологиялари, бизнинг фикримизча, агар, уларни педагогик жараёнга татбиқ қилиш комплексли бўлса ва педагогик амалиёт даврида мустаҳкамланиши назарда тутилса, натижа беради деб ўйлаймиз. Бундай вазиятда талабаларда ўзининг касбий компетентлиги савиясини оширишга ижобий мотив шаклланади. Ўз навбатида мутахассисларнинг тайёргарлиги сифатини яхшилаш жисмоний маданиятнинг ижтимоий мавқеининг ўсишига ҳам ёрдам беради.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Любышева Л.И. Современный ценностный потенциал физической культуры и спорта и пути его освоения обществом и личностью / Л.И.Любышева // Теория и практика физической культуры. – 1997. – № 6.

2. Сейтхалилов Э.А. Личностно и социально значимые качества учителя физической культуры / Э.А.Сейтхалилов // ФАН-СПОРТГА. – 2006. – № 2.

3. Хамраев И.Т. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари / И.Т.Хамраев // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – 2018. № 3.

## MILLIY HUNARMANDCHILIK BRENDINI YARATISHNING TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDAGI PSIXOLOGIK AHAMIYATI

*Ro`ziyeva G.F.*
*Buxoro davlat universiteti o`qituvchisi*

**Annotatsiya:** O`zbekiston milliy hunarmandchilikning turlari va ularni rivojlantirish bugungi kunning dolzarb masalalaridandir. Respublikamiz milliy hunarmandchilik brendini yaratish zarurati va bunga psixologik tomondan yondashuvning ahamiyati qandayligini bilish zarur. Zero, turizm sohasiga berilgan e`tibor mamlakatga ham moddiy ham ma`naviy foyda olib keladi.Turizm sohasini har tomonlama rivojlantirish bugungi kunda pirovard maqsadimizdir.

**Kalit so`zlar:** hunarmandchilik, hunarmandchilik turlari, vitraj, pirovard maqsadimiz, brend, marketing tadqiqotlari, marketolog, birlamchi marketing, ikkilamchi marketing, psixologiya.

Hunarmandchilik, hunarmandlik — milliy-an’anaviy mayda tovar ishlab chiqarish, oddiy mehnat qurollari yordamida yakka tartibda va qo‘l mehnatiga

asoslangan sanoat turi; shunday mahsulotlar tayyorlanadigan kasblarning umumiy nomi. Yirik sanoat ishlab chiqarishi vujudga kelishiga qadar keng tarqalgan, ayrim sohalari keyin ham saqlangan. Ba’zi mamlakatlarning xalq xo‘jaligida hozir ham muhim o‘rin egallaydi.

Hunarmandchilik insonning ishlab chiqarish faoliyati bilan vujudga kelib, jamiyat rivojlanishi davomida asta-sekin dehqonchilik va chorvachilikdan ajralib chiqdi, turli ijtimoiy tarixiy davrlar doirasida texnika rivoji bilan aloqador holda takomillasha bordi, turli ixtisosliklar (kulolchilik, duradgorlik, temirchilik, misgarlik, binokorlik, toshtaroshlik, o‘ymakorlik, kashtado‘zlik, tikuvchilik, to‘quvchilik, zargarlik, degrezlik, rixtagarlik, zardo‘zlik, bo‘yoqchilik, kemasozlik, tunukasozlik va boshqalar)ga ajraldi.

O‘zbekiston hududida neolit davridayoq hunarmandchilikning dastlabki muhim tarmog‘i hisoblangan sopol buyumlar ishlab chiqarish va to‘qimachilik vujudga keldi Miloddan avvalgi II asrdan boshlab hunarmandchilik mahsulotlari savdosida Buyuk ipak yo‘li muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. O‘rta asrlarda Sharq mamlakatlarida ishlab chiqarilgan mahsulotlar (Arab xalifaligida po‘lat, O‘rta Osiyo va Hindistonda shoyi, chinni, qog‘oz) Yevropa bozorlarida qadrlandi. Hindistonda paxtadan nafis mato, Xitoyda ipak mato to‘qiydigan dastgohlar vujudga keldi, Xitoy va O‘rta Osiyoda shisha tayyorlash texnologiyasi takomillasha bordi.

IX—X asrlarda O‘rta Osiyoda yirik hunarmandchilik markazlari paydo bo‘ldi. Ip mato, gilam (Urganch, Shosh), shoyi (Marv), mis va temirdan yarog‘-aslaha, pichoq tayyorlash (Farg‘ona), shoyi matolar, shisha mahsulotlari tayyorlash (Buxoro) avj oldi. XIII-asrda mo‘g‘ullar bosqini hunarmandchilik rivojiga zarba berdi. Temuriylar davlatining vujudga kelishi hunarmandchilik rivojiga juda katta ijobiy ta’sir ko‘rsatdi.

O‘rta Osiyoda hunarmandchilikning barcha turlari XX asrning 20-yillarigacha saqlandi. Buxoro, Samarqand, Qo‘qon, Xiva, Toshkent kabi shaharlarning ishlab chiqarish munosabatlarida hunarmandlik katta rol o‘ynadi (XIX-asrning 60-yillarida Xivada hunarmandchilikning 27 turi rivoj topgan, shahardagi bozorlarda hunarmandlarning 556 do‘koni bo‘lgan, 80-yillarda shaharda 2528 xo‘jalik hunarmandchilik bilan shug‘ullangan).

O‘zbekistondagi huanrmandchilik chuqur ixtisoslashgan bo‘lib, o‘zida xilma-xil kasbkorlarni birlashtirgan. Masalan, terini qayta ishlash sohasida etikdo‘zlar, maxsido‘zlar, kovushchilar, egar-jabduqchilar, telpakchilar, po‘stinchilar, kamarchilar, to‘qimachilik sohasida bo‘zchilar, atlaschilar, gilamchilar, sholcha va namatchilar; metallni ishlash sohasida temirchilar, taqachilar, misgarlar, chilangarlar, zargarlar kabi kasblar bo‘lgan. Bular hunarmandchilikning tarmoq strukturasini belgilagan.

Jumladan, Qadimiy Qorako’l zamini o’zining iqtidorli hunarmand ustalari bilan mashhur. Hozirgi vaqtda tuman hududida tandir yasash (non yopish uchun ishlatiladigan shaxloydan yasalgan o’choq), yog’och o’ymakorligi, badiiy kashtachilik, zardo’zlik va temirchilik hunari rivojlangan.

Sharqdagi musulmon ustaxonalarida bo‘lgani kabi O‘zbekistonda chevarlik, kashtachilik bilan ayollar uyda o‘tirib shug‘ullanishgan. Hunarmandchilikning

ijtimoiy strukturasida usta, xalfa va shogird kabi ijtimoiy toifalar mavjud bo‘lgan. Bugungi kunga qadar ham hunarmandchilikning bir qator ko`rinishlari saqlanib qolingan va rivojlangan.

**Bugungi kunda respublikamizda faoliyati tashkil etilgan hunarmandchilik turlari:**




**1-rasm.** O`zbekistonda faoliyat yuritayotgan hunarmandchilik ishlaridan namunalar

Manba: https://hunar.uz/

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining Yuridik shaxs tashkil etmasdan oilaviy tadbirkorlikni hamda hunarmandchilik faoliyatini rivojlantirish va kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi 29.07.2009 dagi № 216 sonli qaroriga muvofiq quyidagi hunarmandchilik faoliyati yo`nalishlari mavjud hisoblanadi.[1]

**Shisha buyumlariga ishlov berilishiga ko`ra:**



## Qo`lda o`ymakorlik ishlariga ko`ra:




## Yog`och mahsulotlariga ishlov berilishiga ko`ra:




## Qo`lda to`qish va tikish ishlariga ko`ra:



**Temirchilik faoliyatiga ko`ra:**




**Nozik qo`l mehnatiga asoslangan faoliyatga ko`ra:**




**Oziq – ovqat mahsulotlariga ishlov berishga asoslangan faoliyatga ko`ra:**




**1-7-chizmalar**. Respublikamizda faoliyati tashkil etilgan hunarmandchilik turlari

Manba: https://lex.uz/docs/1502754

Respublikamizda boshqa mamlakatlarga nisbatan hunarmandchilik turlarini rivojlantirishga alohida e`tibor qaratilmoqda. Bunda psixologik jihatdan yondashib, brendni shakllantirishda marketing tadqiqotlari o`tkazgan holda aholi fikrini inobatga olish va uni targ`ib etish muhim masalalardandir.

Marketing tadqiqotlarini tasniflashda ko`plab yondashuvlar mavjud. Marketing tadqiqotlarining birlamchi va ikkilamchi turlari tasniflanadi. Birlamchi marketing tadqiqotlar kompaniyaning o'zi tomonidan mahsulotlar, xizmatlar yoki har qanday ishlab chiqarish funktsiyalarini yaxshilash uchun ma'lumot to'plash maqsadida o'tkaziladigan tadqiqotlardir.

**Birlamchi marketing tadqiqotlarida qo'llaniladigan usullar:**

- focus guruhlarda ishlash;

- savollar va anketalar;
- kuzatuv;
- tajribalar va sinovlar;
- chuqur intervyu.

**Ikkilamchi marketing tadqiqotlarida qo'llaniladigan usullar:**

- ichki manbalar;
- tashqi manbalar.[3]

Psixologik nuqtai nazardan ularning har biri ahamiyatli va bozorni shakllantirish uchun zarurdir. Marketologlar yordamida ularni o`rganish lozim. Marketolog esa o`z navbatida yaxshi psixolog bo`lishi kerak, chunki uning asosiy faoliyati insonlar va ularning fikri bilan ishlashdir.

Hududiy miqyosda milliy hunarmandchilik brendini shakllantirishda birlamchi marketing tadqiqotlarini qo`llash lozim. Savollar va anketalar, kuzatuv, tajriba va sinovlar hamda chuqur intervyu metodlari yordamida milliy hunarmandchilik brendi yaratiladi. Bu esa o`z navbatida kelajakda turizm sohasining rivoji uchun xizmat qiladi.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, O`zbekiston milliy hunarmandchilikning turlari va ularni rivojlantirish bugungi kunning dolzarb masalalasidan bo`lib, respublikamiz milliy hunarmandchilik brendini yaratish zarurati va bunga psixologik tomondan yondashuvning ahamiyati katta. Zero, turizm sohasiga berilgan e`tibor mamlakatga ham moddiy ham ma`naviy foyda olib keladi. Turizm sohasini har tomonlama rivojlantirish bugungi kunda pirovard maqsadimizdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining Yuridik shaxs tashkil etmasdan oilaviy tadbirkorlikni hamda hunarmandchilik faoliyatini rivojlantirish va kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi 29.07.2009 dagi № 216 sonli qarori

2. Do'stov U.N. Turizm xizmatining huquqiy tartibga solinishi. Toshkent, 2004.

3. Jo`rayev T.S. “Menejment va marketing psixologiyasi”. Uslubiy qo`llanma. Farg`ona, 2011

4. Qlichyev U.A. O'zbekistonda milliy hunarmandchilikning rivojlanishi (1991–2006 yy.): Tarix fan. nom.... dis. avtoref. Toshkent,2010.

5. O'zbekiston Respublikasi Xalq ustalari, hunarmandlari “Hunarmand”uyushmasi materiallari. Toshkent, 2008.

6. https://lex.uz/docs/1502754

7. https://www.google.ru/

8. http://www.review.uz/

9. https://www.ovtr.ru/stati/vidy-marketingovych-issledovaniy-vtorichniye-i-pervichniye-iss

# YOSHLAR TARBIYASIDA KEKSA AVLOD TA'SIRINI YANADA OSHIRISHDA "USTOZ-SHOGIRD" AN'ANALARINING AHAMIYATI

*Рўзикулова А.Т.*

*Bugungi kunda yurtimizda tobora keng tarqalib borayotgan. "O`z bolangni o`zing asra" degan da`vat faqat quruq shior bo`lib qolmasdan, har bir ota-ona, har bir fuqaroning qalbiga chuqur kirib borishi amaliy harakatga aylanishi zarur. Buning uchun bu masalani, ya`ni ota-onalarning farzandlar tarbiyasi uchun mas`uliyatini va burchini huquqiy asosda mustahkamlab qo`yish vaqti keldi, deb o`ylayman.*

*SHavkat Mirziyoev*

Ustoz - shogird munosabatlari ajdodlarimizning azaliy an'analaridan biri hisoblanadi va ushbu an'anadan yosh avlodni tizimli kamolotga yetkazishda foydalanib kelingan. Shuning uchun ham "Ustoz" degan ibora bizga nonday arzandadir. Butun mashriq zaminda ustoz- shogirdlik an'anasi chuqur hurmat, izzat- ikrom va o'zgacha oliy maqom qadriyatlar shohsupasining eng to'ridan joy olgan. Unda tarbiyachi va tarbiyalanuvchi so'zlari aynan ishlatilmasa-da, ularning burch va vazifalari aks etgan. Bu haqda O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimov shunday yozadi: "Tarbiyachi- ustoz bo'lish uchun, boshqalarning aql idrokini o'stirish, ma`rifat ziyosidan bahramand qilish, haqiqiy vatanparvar, haqiqiy fuqoro etib etishtirish uchun, eng avvalo, pedagogning ana shunday yuksak talablarga javob berish, ana shunday buyuk fazilatlarga ega bo'lishi kerak. O`zbekiston mustaqilligining dastlabki yillaridan boshlab mamlakatda yoshlarni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash borasida islohotlar hayotning barcha sohalari bilan uzviy bog`liq holda amalga oshirilmoqda. Yoshlarimizning barkamol bo`lib etishishida mahalla, oila jamoat tashkilotlari va ta`lim muassasalari alohida o`rin egallaydi.Kelajak avlod haqida qayg`urish, sog`lom, barkamol insonni voyaga etkazishga intilish halqimizga xos milliy hususiyatlardandir. Darhaqiqat, barkamol avlod dastlab oilada vujudga keladi, oila muhitida yaxshi yoki yomon insonlar bo`lib voyaga etadi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2018 yil 10 sentyabrdagi "Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilar tarkibining o'quv yuklamasi hamda o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va " ustoz-shogirt" ishlarini belgilash qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi № 20-2018-sonli buyrug'i asosida Oliy ta'limni modernizasiya qilishning muvaffaqiyati, birinchi navbatda, o'qituvchilar, ularning malakasi va kasbiy kamolotiga bog'liq. Zamonaviy oliy ta'lim muassasalari professional bilimdon, mustaqil fikrlaydigan o'qituvchi, shuningdek, psixologik va texnologik jihatdan amalda insonparvarlik qadriyatlarini amalga oshirishga muhtoj. Ushbu vazifani izchil amalga oshirish va pirovard maqsadga erishishda Oliy ta'lim muassasalarida "Ustoz-shigird" tizimining uzviyligi va uzluksizligini to'liq ta'minlash muhim o'rin egallaydi. Ta'lim-tarbiyada bosh maqsadimiz – talabani bilim olish va yuqori madaniyatli bo'lishga o'rgatish, undagi qobiliyatlarni uyg'otish, tashabuskorlik va tadbirkorlik,

jamoada faollik va liderlikka loyiqlik imkoniyatlari borligiga ishontirishdir. Ushbu maqsadning amalga oshishi esa talabaning Vataniga sodiq, yuksak e'tiqodli va zamonaviy bilimli qilib tarbiyalash uchun barcha imkoniyatlarni yaratmoqda.

Birinchi Prezidentimiz I.Karimov yoshlarni ma`naviy-ahloqiy tarbiyalashda oila, ota-ona hal qiluvchi o`rin turishga e`tibor berib shunday degan edi: "Bola tug`ilgan kunidan boshlab oila muhitida yashaydi. Oilaga xos an`analar, qadriyatlar, urf-odatlar bola zuvalasini shakllantiradi. eng muhimi, farzandlar oilaviy hayot maktabi orqali jamiyat talablarini anglaydi, his etadi. Ota-onaning farzand oldidagi burchlari, o`zlarining oxiratini obod etuvchi qarzlari bor. Ular: yaxshi nom qo`yish, yaxshi muallim qo`lida topshirib, savodini chiqarish, ilmli, kasb-hunarli qilish, boshini ikki va uyli-joyli qilish". Oilaviy ma`naviyatni yuksaltirishga shaxs sifatida xar bir oila a`zolarining muayyan ma`naviy dunyoga ega bo`lishi ular o`rtasidagi munosabatlar asosida vujudga keladi. Oilada ota va onaning ma`naviy fazilatlari er-xotinlik munosabatlarining sharqona an`analari insoniylik va axloqiylik darajasini belgilab beradi. Oila ma`naviy olami o`zaro hurmat, qadrlash, hamkorlik, murosasozlik, mehribonlik, rahmdillik, mehr-oqibat, sabr-bardoshlilik, insonsevarlik, olijanoblik, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat kabi ma`naviy qadriyatlarni o`zida mujassamlashtirishi muhimdir. Bunday qadriyatlarning oilada e`zozlanishi, bunga amal qilinishi oilada shunday ma`naviy muhitni yaratadi. Bu esa o`sib kelayotgan avlod qalbi va ongi shakllanishida o`ta muhimdir. Shu asosda har bir oila a`zosining iste`dodi va salohiyati to`la ro`yobga chiqishi uchun sharoit yaratiladi. Natijada oila ma`naviyat maskani sifatida shakllanib boradi.

Oila – muqaddas. Uning osoyishtaligi, mustahkamligini ta'minlash, turli noxush holatlarning oldini olish kabi masalalarda keksa avlod tajribasiga suyanish, yoshlar tarbiyasida mahalla faollarining ta'sirini kuchaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Farzandning odobli, oqibatli bo'lib ulg'ayishi uchun oilada milliy qadriyatlarimizga tayanilgan tarbiya muhiti bo'lishi kerak. Shu bois ota-bobolarimiz o'g'il uylab, qiz chiqarayotganda bo'lg'usi oilaning tinchligi, mustahkamligini saqlashga astoydil harakat qilgan. Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha viloyat kengashi tomonidan tashkil etilgan tadbirda ana shular haqida so'z yuritildi. Oilaviy ajrimlar yuzasidan amalga oshirilayotgan ishlar, yo'l qo'yilgan kamchiliklar, mavjud muammolarni bartaraf etish yo'llari tahlil etildi. Bugun ayrim hollarda yoshlar orasida hayotni yengil-yelpi tasavvur qilish, oila muqaddas ekanini tushunib yetmaslik holatlari ham uchrab turibdi.Yosh oilalar orasida arzimas sabablar bilan ajralishlar ko'paymoqda. Oqibatda begunoh bolalar yetim bo'lib, ota-ona tarbiyasidan chetda qolmoqda. Buning sabablari tahlil qilinganda, oiladagi nosog'lom munosabat, qaynona-kelin, er-xotin o'rtasidagi janjallar ana shunday ajrimlarga olib kelayotgani ma'lum bo'lmoqda. Bu kabi holatlarning oldini olish, ularga qarshi kurashishda ma'naviyat va ma'rifat, milliy qadriyatlarimizning o'rni beqiyos. Bunda ibratli oilalar, ko'pni ko'rgan nuroniylar ko'magidan foydalanmoqdamiz. Oila tarbiyasi – bu umuminsoniy jarayonning shunday bosqichidirki, keyinchalik butun umri davomida oladigan ma`rifat va hayot saboqlari uchun asos, zamin poydevor vazifasini o`taydi. Har bir ota-ona o`z

burchlarini anglagan holda oilani mustahkamligini ta`minlaydigan hamma xususiyatga to`liq rioya qilishga harakat qilishi, uning vazifa va maqsadlarini tushunishi shart. Farzandlarimizning tarbiyalashning muhim shartlari oilalarning mustahkam, ma`naviy sog`lom asosda qurilganligi, ayniqsa, ota-onaning o`zi tarbiyalangan bo`lishidir. Ota-onalar farzandining bugungi muallimi hisoblanadi. Chunki farzandga til o`rganish, kitob o`qishga qiziqtirishi aynan oiladan boshlanadi. Hozirgi kunda farzandlarimizning har qanday insoniylikdan yiroqlashtiradigan illatlardan asrash uchun ularni ilm olishga, kitob o`qishga qiziqtira bilish lozim. Farzandni tarbiyasida har bir ota-ona o`z mas`uliyatini har bir daqiqa his qilib yashashi lozim.

Oila tarbiyasi bo`yicha Buyuk mutafakkirlarimiz asarlarida, muqaddas kitoblarimizda o`ziga xos fikr-mulohazalar bildirgani diqqatga sazovordir. Jumladan, islom ta`limotida farzand tarbiyasi haqida quyidagicha ta`kidlanadi: " Islomda tarbiya ta`limdan ko`ra ustunroq va keng qamrovlidir. Chunki tarbiya bolani uyida, ko`chada, maktabda o`zini tuta bilish odoblarini, aql bilan ish yuritib, jismini, nafsini o`ziga bo`ysundirishdek og`ir ishni yo`lga qo`ydi. Tarbiyaning asosi oila muhitidir. Bola uyda nimani ko`rsa, shunga tahlid qilib o`sadi. Oilada ota olijanob keng fe`l, bosiq, mulohazali va ozgina siyosatliroq bo`lishi, ona esa mehribon, rahmli, bolalarini behuda qarg`amaydigan va muloyim bo`lmog`i lozim. Farzandlarimizni sog`lom e`tiqodli, jismonan baquvvat qilib tarbiyalash ham ota-ona zimmasiga yuklangan.

Rasululloh sallallohu alayhi vassalam "Farzandlaringizga suvda suzishni, kamondan otishni, nayza uloqtirishni, otda choptirishni o`rgatinglar" deb farzandlaringizni chaqqon, sog`lom, baquvvat, ziyrak qilib tarbiyalashga ummatni targ`ib qildilar".(Termiziy va Abu Dovud rivoyatlari). Zeroki sog`lom va baquvvat farzand hamma joyda ham o`z yurtiga naf keltiradi.

Oilada ayniqsa, qiz bola tarbiyasiga e`tibor berish asosiy o`rin egallaydi. Qiz bolani erta turmushga bermaslik, ularni ilm-hunar o`rganishga yo`naltirish ham ota-onaning vazifasi hisoblanadi. Bu borada davlatimiz tomonidan bir qancha sharoitlar yaratib berilgan va bundan keyin bu masalaga kengroq e`tibor berish borasida bir qancha vazifalar belgilab qo`yildi. Jumladan, Prezidentimiz SHavkat Mirziyoev "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakatining IV qurultoyiga so`zlagan nutqida "Qizlarimizning huquq va manfaatlarini himoya qilish, iste`dod va qobiliyatini yuzaga chiqarish ular orasida haqiqiy etakchilarni tarbiyalash ishlarini yanada kuchaytirish kerak" deb ta`kidlab o`tdilar. Shunday ekan, qiz bolaga eng qimmatli an`analar halollik, rostgo`ylik, or-nomus, sharm-hayo, mehnatsevarlik kabi insoniy fazilatlar dastlab oila davrasida shakllanadi. Oilaning har bir a`zosi millatning davomiyligini saqlovchi milliy va umuminsoniy qadriyatlarning rivojini ta`minlovchi, ma`naviy va jismoniy barkamol avlodni dunyoga keltirib tarbiyalovchi muqaddas makon ma`naviyat maskanidir. Insonning shaxs bo`lib shakllanishida, hayotda o`z o`rnini topish, el-yurt ichida izzat-hurmatga sazovor bo`lishida oila asosiy poydevor hisoblanadi. Oila hayotning abadiyligini davomiyligini ta`minlaydigan, muqaddas urf-odatlarimizni saqlaydigan, shu bilan birga kelajak nasllarni qanday inson bo`lib etishishiga bevosita ta`sir ko`rsatadigan tarbiya o`chog`idir.

# BOSHQARUVCHANLIK-PSIXOLOGIYANING ASOSIY MUAMMOSI SIFATIDA

*Ruziyeva Sh.*
*Buxoro davlat universiteti talabasi*

**Annotasiya:** Boshqarish malakasi va liderlik mahoratini egallash yo`llari va buning bugungi kundagi ahamiyatini hamda liderlik mahorati va ko`nikmasini qay darajada shakllantirish zamonaviy psixologiyada ahamiyatlidir. Zero boshqaruv, nafaqat shaxslararo munosabatlarda, balki har bir insonning o’zi uchun ham zaruriy shartlardan biridir. Sababi, tog’ri boshqarilgan vaqt va shaxsiy sifatlar shaxs yetukligi uchun muhim ahamiyatga ega.

**Kalit so`zlar:** boshqaruv, liderlik, gorizontal boshqaruv, vertical boshqaruv, liderlik mahorati.

**Dolzarbligi:** Boshqarish madaniyati - rahbarning ichki madaniyati, dunyoqarashi, psixologiyasi va pedagogik bilimlar darajasi bilan o`lchanadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ta'lim islohotlari, avvalo, raqobatga kirisha oladigan, o'z ixtisosligini “Ta'lim to'g'risida”gi Qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” talablari asosida amalga oshira oladigan mutaxassislarni tayyorlashni taqozo etadi. Ta'lim tizimini boshqarishning samarali mexanizmlarini joriy etish o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarishning eng muhim sharti hisoblanadi, shuningdek, o'quv-tarbiya jarayonida ta'limning innovatsion shakllari va usullarini qo'llashga ko'maklashadi. Ta'lim muassasalarida ta'lim sohasida davlat siyosatini amalga oshirish, mazkur muassasalarga munosib rahbarlarni tanlash, muassasa rahbari va uning o'rinbosarlari o'rtasida vakolatlarning aniq taqsimlash, ular faoliyati samaradorligini baholashning aniq mezonlarini ishlab chiqish dolzarb vazifa hisoblanadi. Shuning uchun o'quv-tarbiya jarayoniga boshqaruvning yangi mexanizmlarini va sifat standartlarini joriy etish, ta'lim muassasalarini boshqarish tizimiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, ta'lim tizimiga ilg'or xorijiy tajribani, o'quv-tarbiya jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni, shu jumladan, ta'lim berish va boshqarishning innovatsion usullarini joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi

Oxirgi yillarda inson omiliga e’tiborning ortib borishi munosabati bilan boshqarish psixologiyasi masalalariga ham qiziqish kuchaydi. Shu asosda ijtimoiy psixologiyaning maxsus bo`limi — boshqarish psixologiyasi paydo bo`ldi. Boshqarish psixologiyasi psixologiyaning shunday tarmog’iki, u boshqaruv faoliyati bilan bog’liq bo`lgan muammolarni, shaxs va shaxslar guruhi tomonidan boshqa guruhlar faoliyatini samarali tashkil etish va birgalikdagi faoliyatini amalga oshirishning psixologik mexanizmlarini o`rganadi.

Boshqarishda gorizontal va vertikal jihatlar mavjud. Gorizontal boshqaruvda psixologik bilimlar asos qilib olinsa, vertikal boshqaruv esa yuridik hujjatlarga asoslangan bo`ladi.

Boshqaruv — bevosita ijtimoiy psixologiya bilan bog'liq bo`lib, eng avvalo, shaxsni boshqarish va shaxs orqali uning faoliyatini boshqarish demakdir. Boshqaruvning asosini ijtimoiy, huquqiy, psixologik va nazariy bilimlar tashkil etadi. Boshqarish — o`zi san'at, san'at esa — qobiliyatdir[7].

K.Makiavelli "davlat, hokimiyat, qonunlar va kuch yordamida boshqariladi" — deb ko`rsatadi. Uning o`zi davlatni qonunlar yordamida boshqarish tarafdoridir. Ammo tarixiy taraqqiyotdagi tajribalarni o`rganish va saroy tajribalarini kuzatish uni qonunlar ham har doim kutilgan natijaga olib kelavermaydi — degan fikrga olib keladi. Demak, qonunlar kuchga tayanadi, kuchsiz qonunlar oddiy qog'oz. Shuning uchun ham rahbarlik sifatlari haqida gap ketganda, shaxsning bir qator bilimdonliklari nazarda tutiladi[9].

1. Kasbiy bilimdonlik
2. Uslubiy bilimdonlik
3. Ijtimoiy-psixologik bilimdonlik.

50-yillardan boshlab o`tkazilgan tadqiqotlarda har qanday faoliyatda ham muvaffaqiyatni ta'minlovchi sifatlarning yuzlab xillari aniqlandi. Lekin ularni umumlashtirilganda, 5% sifatlargina barcha tadqiqotlarda muhim, deb e'tirof etildi. Ularning orasida eng ko`p marta takrorlanganlari:

a) intellekt (odamning murakkab va mavhum muammolarni yecha olish qobiliyati, u o`ta yuqori bo`lmasligi, aksincha, o`rtachadan yuqori bo`lishi kerakligi e'tirof etildi);

b) tashabbuskorlik (yangicha ishlash va harakatlarga ehtiyojni anglash qobiliyati va shunga mos motivlar) kabilar edi.

Psixologik tadqiqotlarning natijasiga ko`ra, rahbar xodim doimo quyidagi savollarga javob topa olishi kerak:

a. qanday yo`llar bilan jamoani boshqarsam samaradorlik oshadi, jamoa tinch va manfaati yuqori bo`ladi;

b. jamoadagilar nimalarni bilishi kerak;

c. jamoa uchun nimalarni qila olishi zarur.

**Tadqiqot maqsadi:**_Rahbarning ongi uning faoliyatini tartibga soluvchi regulator hisoblanadi. Shunday qilib, rahbarning ongi, kasbiy ijtimoiy taraqqiyot mahsuli bo`lish bilan birga, u rahbarlik faoliyatida, ijtimoiy tajribalarni o`zlashtirish vaqtida, hamkorlikdagi o`zaro ta'sirda, tabiatga, jamiyatga nisbatan munosabatlar mohiyatida vujudga kelgan. Xodimlarning huquqiy-ruhiy ongiga ta'sir etishda rahbar xodimlar qo`l ostidagi xodimlardagi quyidagi omillarni hisobga olish kerak bo`ladi:

— ularning individual-psixologik xislatlarini;
— nimalarga qodirligini;
— bilimi, oilasi haqida ma'lumotlarni hisobga olish;
— eskilik tarafdorimi yoki yangilik tarafdorimi;
— o`ziga ishonchi bor xodimmi yoki ko`p qatorimi;
— muloqot qilishning qiyinligi;
— nimalarga moyilligi borligi hamda nimalarga qodirligi aniqlanadi.[5]

Tajribali rahbar xodimlarni quyidagi kategoriyalarga bo`ladi va o`rganadi:

1. Ishlashni biladi, lekin xohlamaydi;

2.Ishlashni xohlaydi, lekin ishlashni bilmaydi;

3. Ishlashni xohlamaydi va ishlamaydi ham.[3]

Tadqiqot metodlari: Bugungi kunda jamoani boshqarishda rahbarning ish uslubi jamoaning faoliyatini boshqarishga o`z ta’sirini ko`rsatadi. Kuzatishlardan ma’lum bo`lishicha, rahbarni rahbarlik faoliyatiga tayyorlashda psixologik test o`tkazib psixologik treningni tashkil qilish kerak bo`ladi. Treninglar quyidagi usullarni o`z ichiga olishi mumkin, ya’ni guruhli suhbat, aniq bir vaziyatlarni tahlil qilish, psixodrama, rolli o`yinlar.

Tadqiqot natijalari va muhokamasi: Rahbarning kasbiy muhim sifatlari masalasi oxirgi yillarda mutaxassislar va amaliyotchilarni ko`proq qiziqtirmoqda. Bir guruh olimlar amerikalik hamda yaponiyalik rahbarlar faoliyatini o`rganib, ularga xos bo`lgan eng muhim sifatlarning guruhlarini ajratganlar. 1500 ta amerikalik menedjer va 41 ta yirik Yaponiya firmalari rahbarlarining sifatlari quyidagicha tabaqalandi:

A. Kontseptual qobiliyat va xulq-atvor standartlari:

• dunyoqarashning kengligi, global yondashuv;
• uzoqni ko`ra bilish va egiluvchanlik;
• tashabbuskorlik va dadillik, tavakkalchilikka moyillik;
• muntazam o`z ustida ishlash va uzluksiz o`qish.

B. Shaxsiy sifatlar:

• maqsad va yo`nalishlarni aniq belgilash;
• o`zgalar fikrini tinglash qobiliyati;
• xolislik, samimiyat va bag’rikenglik;
• adolatli qarorlar chiqarish orqali xodimlarni joy-joyiga qo`yish, ular imkoniyatlaridan to`la foydalanish;
• shaxsiy yoqimtoylik;
• jamoa tashkil etish va unda uyg’un muhitni ushlab tura olish qobiliyati.

C. Salomatlik

Lekin barcha o`tkazilgan tadqiqotlar natijasida shu narsa ayon bo`ldiki, amerikalik rahbarlar ko`proq xodimlarning shaxsiy-individual tashabbuslar ko`rsatishlariga imkon beruvchi muhitning bo`lishi tarafdorlari bo`lsalar, yaponiyaliklar xodimlarning hamkorlikdagi faoliyatlari samarasini oshiruvchi sharoitlarni yaratishga e’tibor beradilar.[2]

Psixik faoliyat dinamikasi na faqat temperamentga, balki xodimning psixik holati, motivi, ustanovkalariga ham bog’liqdir. Temperamentning psixologik tavsifi tashqi ko`rinishlarga ega bo`lib, ular bo`yicha uni o`rganish va o`lchash mumkin.

Ma’lumki, tarjimalarda lider-boshqaruvchi sifatida qaraladi. Lekin, liderlar boshqaruvchilarga nisbatan birmuncha kengroq tushuncha deb qaraladi. Amerikalik tadqiqotchi Linda Djuell o`zining "Industrial’no-organizatsionnaya psixologiya" (2001 yil) kitobida ijtimoiy psixologik hodisalardan muhimi bo`lmish liderlik masalasiga o`zining o`ziga xos yondashuvini bayon etgan. U bu muammoni aynan bizning sharoitimizdagi talqini, ya’ni mardlik va jasorat ko`rsatish uchun ochiq maydonlar yo`q bo`lgan sharoitda liderlik xislatlarining namoyon bo`lish xususiyatlarini ochishga urinadi. Uning fikricha, zamonaviy

ishlab chiqarishning samaradorligi, eng avvalo xodimlar rolini oshirib, liderlarnikini, aksincha, pastlashtirish, yoki aniqrog'i, kamaytirish hisobiga ro`y beradi. Shundagina rahbarlikda ortiqcha bo`g'inlarni kamaytirish mumkin. Liderning, ya'ni amerikaliklar rahbarni lider fenomeni doirasida tasavvur qilishadi, vazifasi guruhning samarali faoliyat ko`rsatish yo`llarini belgilab berishdir.

Demak, samarali boshqaruv — aslida ijtimoiy ta'sirni amalga oshirishning eng namoyishkorona ko`rinishidir. Shu ma'noda, liderlik — avval shaxsning o`ziga, so`ngra o`zgalarga bera oladigan ta'sirida ko`rinadigan fazilatlar majmuidir, deb ta'riflanadi.

**Xulosa:**_Talabchanlik bilan g'amxo`rlik rahbarda uyg'unlashgan bo`lishi kerak. Rahbarning metodik jihatdan tayyorgarligining sustligi uni auditoriya (qo`l ostidagi) xodimlar o`rtasidagi chiqishida samarasizlikni keltirib chiqaradi. Bundaylarning chiqishi zerikarli, faqat do`q-po`pisadan iborat bo`ladi. Rahbar qaysi auditoriyada va qayerda chiqish qilishidan qat'iy nazar, faqat dalillar va qonunlar majmuasiga suyanib qolishlari kerak emas, balki rahbarlik faoliyatidagi chiqishlar mazmunli, hayotiy tajribalarga suyangan bo`lishi kerak. Chunki hayotiy tajriba ijobiy yo`nalishda yoki salbiy xarakterda bo`lishi mumkin Yetuklik darajasi bo`yicha yo`nalish deb — shaxsning hayotda, jamiyatda tutgan o`rni, g'oyaviylik darajasi tushuniladi. Xodimlar faoliyatidagi motivlar shaxs yo`nalishidagi muhim komponent hisoblanadi.

Motiv — bu inson ongida aks etgan talablardir. Motiv sifatida xohish, istak, qiziqish, ideallar, dunyoqarashlar bo`lishi mumkin. Inson talablari qanchalik keng va turli xil bo`lsa, motivlari shunchalik turg'un va turli xil, ko`p qirrali bo`ladi. Motivlar barcha sohalarda ishlayotgan xodimlar faoliyatini uyg'unlashtirib va yo`naltiribgina qolmay, balki uning sub'ektiv faoliyati va harakatlariga shaxsiy ma'no beradi.[2]

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1. Prezident asarlari.
2. E. G`oziyev "Umumiy psixologiya", 2010
3. Atmurodova Sh, A, Z.T.Nishonova, X.S. Jalilova "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" Toshkent, Fan va texnologiya-2014;
4. Davletshin va boshqalar "Boshqaruv psixologiyasi" T, TDPU, 2014.
5. Liderlik psixologiyasi G' A.V.Petrovskiy tahriri ostida. T., 2010.
6. Kadrlar tayyorlash milliy dasturiG'G' «Barkamol avlod orzusi» kitobida. T., 1997.
7. Nishonova E.T. "Boshqaruv psixologiyasi ". T., 1997.
8. Linda Djuell "Industrial'no-organizatsionnaya psixologiya" 2001 yil
9. Umumiy psixologiya G' A.V.Petrovskiy tahriri ostida T., 2010

# ZIYORAT TURIZMINI RIVOJLANTIRISH VA MARKETINGINI YO'LGA QO'YISH ASOSLARI

*Rustamaliyev M.H.*
*Namangan davlat universiteti talabasi*

**Kalit so'zlar:** Marketing, turizm sektori, ziyorat turizmi, diversifikatsiya, modernizatsiya, investitsion, Sharq Renessansi, konsepsiya, logistika, viza rejimini soddalashtirish, infratuzilma, viza protseduralari, yalpi ichki mahsulot.

**Anotatsiya.** Ushbu maqolada ziyorat turizmining mamlakatdagi salohiyati va uni rivojlantirish tendensiyalari yoritib berilgan. Xorijiy mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan holda O'zbekistonda turizmni rivojlantirish imkoniyatlari hamda istiqbollari tadqiq etilgan.

O'zbekiston Respublikasida turizmning bir necha turlari bo'yicha ulkan salohiyatga ega. Xususan, Ziyorat turizmi – turizmning bu sohasi mamlakatning deyarli barcha hududlarida mavjud bo'lib, dunyo sayyohlar oqimini o'ziga jalb etib kelayotgan Samarqand, Buxoro, Xiva shaharlari o'zining boy tarixi bilan ajralib turadi. Markaziy Osiyo mintaqasi IX-XII va XIV-XV asrlarda bamisoli po'rtanadek otilib chiqqan ikki qudratli ilmiy-madaniy yuksalishning manbayi hisoblanib, jahonning boshqa mintaqalaridagi Renessans jarayonlariga ijobiy ta'sir ko'rsatgan Sharq uyg'onish davri – Sharq Renessansi sifatida dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda tan olingan. Bu davr mobaynida allomalar, san'at vakillari, hunarmandlar, hukumdorlar, ilm homiylari, zaxmatkash xalq tomonidan juda katta tarixiy meroslar qoldirdilar. Hozirgi kunga qadar bu moddiy va ma'naviy boyliklarning ma'lum bir qismigina yetib kelgan, bu boylikning yana bir qismi dunyo muzeylarida butun dunyo ahlini hayratiga sabab bo'lib kelmoqda. Dunyo mamlakatlari orasida Arabiston yarim oroli, Janubiy-sharqiy Osiyo mamlakatlari yurtimizning Buxoro va Samarqand shaharlariga tashrif buyurish istaklari borligini bildirishgan. Bu istakni Islom dini va bu shaharlarda yetishib chiqqan din peshvolarining hayot yo'llari bilan bog'lash mumkin.

Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarga ko'ra, 2019-yilda O'zbekistonga 6 million 743 ming 500 nafar turist tashrif buyirgan. Ularning 51,3 foizini 31-35 yoshdagi kishilar tashkil etdi. Eng ko'p tashrif buyurgan sayyohlar MDH mamlakatlaridan kelishgan. Taqqoslash uchun 2018-yilda O'zbekistonga 5 million 346 ming 200 nafar 2017-yilda ularning soni 2,69 mln nafarni tashkil etgan, ya'ni sayyohlar soni bir yilda 97 foizlik o'sishni ko'rsatib, ikki baravarga oshgan. 2016-yilda esa ularning soni 2,07 million nafarni qayd etgan. O'tgan yil davomida 9 mamlakat uchun vizasiz rejim e'lon qilinib, fuqarolari uchun soddalashtirilgan viza rejimi qo'llanuvchi mamlakatlar soni 12 tadan 50 taga oshdi. 2018-yilning 15-iyulidan elektron kirish vizalarini rasmiylashtirish va berish tizimi ishlay boshladi [1].

Bugungi kunda YaIMimizda turizmning ulushi 1,2 foizdan 1,7 foizgacha xolos. Buni yaqin 5 yil ichida 30 foizga olib chiqish – real hisob-kitob hisoblanadi. Yalpi ichki mahsulotimizning 30 foiziga bunchalik tez sur'atda yaqin besh yil

ichida hech qaysi soha chiqa olmaydi. Turizm – O’zbekistonni buyuk davlatga aylantira oladigan soha hisoblanadi. Oddiy misol, dunyo bo’yicha turizmdan keladigan daromad neft-gaz sanoati daromadi bilan tenglashib oldi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o’zining Oliy Majlisga murojaatnomasida “Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri – bu turizmdir. O’zbekiston turizm sohasida ulkan salohiyatga ega bo’lgan davlat hisoblanadi. Yurtimizda 7 ming 300 dan ortiq madaniy meros obyektlari mavjud va ularning aksariyati YUNESKO ro’yxatiga kiritilgan” – deb takidladi davlat rahbari [2]. Madaniy meros obyektlarining 2 ming 608 tasida kadastir hujjatlari mavjud. Shunday obyektlardan yana 1 ming 600 ga yaqinining saqlanish holati yaxshi bo’lsa, 445 tasiavariya holatida. Shuningdek, 1ming 373 obyektning tarixi hali o’rganilmagan [3].

Respublikamizda xorijiy turistlarga asosan madaniy-tanishuv turlari taklif qilinmoqda. Sayohat davomida tarixiy, arxitektura, diniy obidalar va ziyoratgohlar bilan tanishtiriladi, mahalliy aholining turmush tarzi va madaniyati ko’rsatiladi. Qolaversa, turizm – oddiy insonlarning hayotini yaxshilaydi, ularning cho’ntagiga pul keltiradi. Turizm orqali nafaqat daromad olish, balki odamlarning ongi va dunyoqarashini ham o’zgartirishga erishsa bo’ladi.

O’zbekiston – islom dini rivojiga ulkan hissa qo‘shgan buyuk ulamolar kamol topgan tabarruk zamin. Sho‘rolar davrida ular qoldirgan boy merosga bepisandlik bilan qaraldi. Faqat mustaqillik yillarida tarixiy adolat qaror topdi. Ulug‘ ajdodlarimizga ehtirom ko‘rsatildi, qadamjolari obod qilindi. Jumladan, diniy ulamolar mangu qo‘nim topgan manzillar obod etilib, ziyoratgohlarga aylantirildi.

Bunday maskanlar ichki turizm uchun zamin yaratish bilan bir qatorda jahon sayyohlari etiborini o’ziga jalb etadi. Xususan, Saudiya Arabistoni, Turkiya, Indoneziya, Malayziya, Pokiston davlatlarining sayyohlik kompaniyalari katta qiziqish bildirayotgani, bu boradagi raqamlar shunchaki taxminlar emasligini oydinlashtiradi. qiziqishi ortib bormoqda. 2019-yil 21-fevral kuni Buxoro shahrida “Ziyorat turizmi va sayyohlik salohiyatining yangi istiqbollari” mavzusida xalqaro anjuman o’tkazildi. Anjumanda so’zga chiqqan Turkiyaning Ko’nya shahar muftiysi Ahmed Pochchan o‘g‘li – O‘zbekiston ota yurtim, Ajdodlarim buxorolik. Demak, Buxoro mening o‘zligim, tomirimda qoni oqayotgan ajdodlarimning yuragiga bog‘langan shahar. Shuning uchun o‘zimni xuddi uyimdagi kabi his qilayapman. Bu yurt qanchadan-qancha allomalarga beshik bo‘lgani bejiz emas. Buxoroda ilohiy qudrat bor. Ajdodlar xotirasiga katta ehtirom ko‘rsatilayotgani, bu yerdagi obodonchilik meni hayratga soldi. Bizda Buxoroni Makka va Madinadan keyingi muqaddas shahar, deb bilishadi. Bu zaminni har qancha ziyorat qilsa kam. Bunday tadbirlardan keyin Turkiyadan bu yerga keluvchilar soni juda oshadi, deb o‘ylayman, - deb takidladi.

Buxoro va Samarqand islom olamida qanchalar muqaddas hisoblanishini manashu jumlalardan bilish qiyin emas. Biz yillar davomida turistlarga yengillik yaratmadik. Bu o’z navbatida ularni yurtimizga tashrifini sezilarli darajada kamayishiga olib keldi. Yurtimizning ko‘hna me’moriy va tarixiy obidalari jahon hamjamiyatida katta qiziqish uyg‘otmoqda. Ayniqsa, keyingi yillarda turizmni

rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar tufayli xorijiy sayyohlar safi tobora kengaymoqda.

O'zbekiston Respublika Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "O'zbekiston ham sayohat, ham ziyorat uchun qulay mamlakat. Chunki ona zaminimizda butun dunyoga ma'lum va mashhur bo'lgan ajdodlarimiz mangu qo'nim topgan. Ular qoldirgan boy ma'naviy-madaniy merosga xalqaro maydonda qiziqish juda katta. Sohani yanada rivojlantirish uchun, avvalo, zarur infratuzilmani takomillashtirish shart " [4].

Dunyoning ikkinchi yirik dini hisoblanib turga islom olamida 2017-yil malumotlariga ko'ra 1milliard 600 million aholi mavjud. Imom Buxoriy, Abu Iso Muhammad at-Termiziy, Abu Mansur al-Moturidiy, Burhoniddin al-Marg'inoniy, Ahmad Yassaviy, Bahouddin Naqishband kab mashxur diniy bilim egalarining yurtimizda yetishib chiqqanligi musulmon olamida O'zbekistonga ziyorat qilish istagini oshirib kelmoqda.

AQSHda joylashgan Pew Tadqiqot Markazining ma'lumotlariga ko'ra, 2070-yilga borib Islom dini dunyoning eng yirik dini bo'lishi kutilmoqda. Demografik o'sish hozirgi holatda davom etadigan bo'lsa, bugungi kunda dunyoning ikkinchi yirik dini hisoblanib turgan Islom XXI asr oxiriga borib birinchi dinga aylanishi, jahon musulmonlarining soni nasroniylarnikidanortib ketishi mumkin.

Pew tadqiqotida dunyodagi musulmonlarning jami soni 1 milliard 600 millon, nasroniylarning soni esa 2,17 milliard ekani aytiladi [5]. Bu raqamlar ziyorat turizmining kelajagi borligini va rivojlantirish zarur ekanligini ko'rsatadi.

Agar ana shu musulmonlarning yarmi sahih hadislarni to'plab, islom dinining ikkinchi ishonchli manbasini yaratgan zot Imom Buxoriy hazratlarining xokipoylarini ziyorat qilishga kelsa, iqtisodiyotimizga ijobiy ta'sir etishi barchamizga ma'lum. Mamlakatimizda buncha ziyoratchini qabul qilish bo'yicha infratuzilma hali ham shakllanmagan. Din, tarix va madaniyat yodgorliklari ma'lum bir viloyat yoki shaharga tashrif buyurish uchun muhim ahamiyatga ega. Fransiyada davlat himoyasi ostida bo'lgan yodgorliklarning taxminan 60 foizi ham turistik diniy ob'ektlar hisoblanadi.

Asosiy ziyorat turizmi uch shaklga ega: ziyorat, diniy mavzular bo'yicha ekskursiyalar, ziyoratchilar va sayyohlar birlashadigan ixtisoslashtirilgan ekskursiyalar. Musulmonlar uchun ziyoratga borish – islomiy yodgorliklarni ziyorat qilish, muqaddas qadamjolarni borib ko'rish va rivojlantirish uchun xayrehson qilish maqsadida diniy xududlarni ziyorat qiladilar. Mamlakatimizda bu ziyorat deb nomlandi va bular dunyo musulmonlarining yurtimizga intilishini kuchaytirishi shubhasiz. Zotan, ziyorat faqat tomosha emas: u, eng avvalo, buyuklar ruhini his etish, ma'naviy-ruhiy muhitdan quvvat olish, ulug'lar maqomi va tutumini, tiriklik va hayot haqida eng azaliy haqiqatni anglash, qalbni shu haqiqat bilan boyitishdir.

O'zbekistondagi muqaddas qadamjolar va yodgorliklarni ziyorat qilishdan iborat bo'lgan "Kichik Haj" dasturini shakllantirish va hududlarni 2019-2029 yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning turizmni rivojlantirish qismini ishlab chiqishda quyidagi masalalarni hisobga olish lozim, deb o'ylaymiz:

- hududlarda madaniy meros ob'yektlarining mahalliy ro'yxatlarini shakllantirish va doimiy yangilab borishini ta'minlash;
- mahalliy hokimiyat va tegishli soha xodimlari bilan hamkorlikda mintaqalarda joylashgan tarixiy obida va yodgorliklarga olib boruvchi infratuzilmani shakllantirish maqsadida ularning elektron xaritalari, pasport va kadastr hujjatlarini tayyorlash;
- hududlarda joylashgan muqaddas qadamjolar va yodgorliklarni turistik dasturlarga kiritish choralarini ko'rish, ushbu qadimiy yodgorliklar tarixi va u yerda saqlanib qolgan an'anaviy madaniyatni keng targ'ib etish;
- hududlardagi o'rganilmagan tarixiy obida va yodgorliklarni turoperator va boshqa tegishli mutaxassislar bilan birgalikda tadqiq etish hamda ma'lumotlar bazasini yaratish;
- turizm sohasidagi oliy o'quv yurtlaridagi mutaxassislik fanlarini o'qitish jarayonida xududlarda joylashgan tarixiy obida va yodgorliklar bilan yaqindan tanishtirish bo'yicha amaliy darslarni tashkil qilish;
- turizm sohasining mazmun-mohiyati, uning ahamiyati, rivojlanishi natijalari, iqtisodiy va ijtimoiy funksiyalari bo'yicha turli seminar-treninglar tashkil qilish va boshqalar.

Viza tartibining yengillanishi, viza imtiyozlarining joriy etilishi, valyutaning erkin almashtirish, mexmonxona infratuzilmasini yaxshilanishi va ko'payishi sayyohlarga qulaylik yaratadi. Ular orasida mamlakatimizning jadal ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun zarur bo'lgan salmoqli kapital, yuqori akademik bilimlar yoki o'ziga xos ko'nikmalarga ega shaxslarni O'zbekistonda doimiy istiqomat qilishga jalb etish samaradorligini oshirish lozim. Chunki bu bo'yicha deyarli 25 yil davomida tegishli ishlar olib borilmadi. Yurtimizda malakali kadrlarimizning xorijiy mamlakatlarda ishlash uchun chiqib ketishi va ularning mamlakatga qaytmasligi ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy hayotda yangi g'oyalarning tadbiq etilishiga o'z ta'sirini ko'rsatdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil iyun oyida Farg'ona viloyatiga ijtimiy-iqtisodiy islohotlarning borishi, aholining turmush darajasini o'rganish maqsadida tashrifi davomida Marg'ilon shahrida tashkil etilgan "Marg'ilon hunarmandlar markazi" dagi ish faoliyati bilan tanishdi. Dunyoga mashxur gilam, atlas, adras, hunarmandchilik buyumlari shu yerning o'zida yaratilmoqda. Bunday zamonaviy hunarmandchilik markazlarining bunyod etilishi ziyorat turizmining salohiyatini oshirishga xizmat qiladi.

Yurtimizning turli hududlarida hunarmandchilikning markazlari tashkil etilsa, xususan, o'tmishdan aholining katta qismi shug'ullanib avloddan-avlodga ustoz-shogird an'anasini davom etirayotgan kasb egalari mavjud. Mana shunday insonlarni bir joyga yig'ish va ularqa qulay sharoit yaratib berilishi nafaqat iqtisodiyot balki, aholinig ish bilan band bo'lishi, turizm brendining ravnaq topishi, eksportning ortishiga olib keladi. Rishton – kulolchilik, Xiva – ganjkorlik, Chust – pichoq va do'ppichilik, Shahrixon – durodgorlik, pichoqchilik va hakazo. Albatta, bir necha hususiyatlar birgalikda turizmning rivojiga sabab bo'ladi. Yo'l infratuzilmasining yaxshilanishi, qulay transport vositalarining bunyod etilishi, mehmonxonalar soni va sifatini oshirilishi, xizmat ko'rsatishda yutuk kadrlarning

paydo bo'lishi yurtimizga tashrif buyuruvchi sayyohlar sonining yildan yilga oshishiga olib keladi. Buni so'ngi yillardagi raqamlar isbotlab turibdi.

Ziyorat turizmning rivoji oxir-oqibatda jamoat ishlab chiqarishining o'sishiga, uning tizimlarini yaxshilashga, iqtisodiyotning turizmga to'g'ridan-to'g'ri aloqador bo'lmagan sohalarida ham mehnat unumdorligining oshishiga ko'maklashadi. Turizm umumiy iqtisodiy o'sishga, kam rivojlangan rayonlarning rivojlanishiga ko'maklashadi. Yaxshi rivojlanmagan rayonlarda turistik markazlarni ochish ko'pgina davlatlarning asosiy usuli hisoblanadi. Tog' va qishloq joylarida turistik markazning tashkil qilinishi shu joylarning o'zlashtirilishiga, aholi turmush sharoitining yaxshilanishiga yordam beradi.

Turizmning hozirgi holatini baholar ekanmiz, shuni qayd etish muhimki, O`zbekistonda infratuzilmaning rivojlanish darajasi chet ellik turistlarning ehtiyojlarini to`liq qondira olmayapti. Infratuzilmaning rivojlanmaganligiga raqobat va takomillashishni rag'batlantirish imkonini bermagan avvalgi ma'muriy buyruqbozlik tizimi sababchi hisoblanadi. Infratuzilma yetarlicha rivojlanmagan taqdirda turistlar oqimini ko`paytirish va shunga mos ravishda valyuta tushumini ko`paytirish mumkin emas. Bundan kelib chiqqan holda infratuzilmaning ahvoli turizmning rivojlanishi va mamlakat imidjini shakllantirishga bevosita ta'sir ko`rsatadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. http://uzbekturizm.uz.
2. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. http:lex.uz/docs/-3107036
3. http://uza.uz/uz/society/yurtimizda-7-ming-500-dan ortiq-moddiy-madaniy-obyektlar-bor-21-12-2018
4. https://oz.sputniknews-uz.com/tourism/20171004/6451356
5. https://www.bbc.com/uzbek/lotin-39155321

## РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДА САМАРҚАНДНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

*Рустамов Ж.Х.*
*Самарқанд вилояти Нуробод тумани ХТБ га қарашли*
*67-умумтаълим мактаб ўқитувчиси*

1220 йили Чингизхоннинг Самарқандга қилган хужуми натижасида қурғошин билан қопланган Жуй Арзиз новаси вайрон бўлганидан кейин шаҳар сувсиз қолди ва Афросиёбни сув билан таъминлайдиган қадимий система тез орада қуриб холди. Гарчи Афросиёбда ҳаёт тугаган бўлса хам, аммо Самарқанд яшайверди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Афросиёбдан жануброқда жойлашган работ территориясида Самарканд янгидан қурилди.

Тугри, работда шаҳар ҳаёти X— ХИИ асрлардаёқ жуда гавжум эди. Бу ерда Афросиёб ташқарисидаги Самарқанд ривожланаверди.

ХИВ асрнинг иккинчи ярми ва ХВ асрнинг биринчи ярмида Самарқанд Ўрта Осиёдагина эмас, балки бутун Шаркда энг обод ва бой шаҳарлардан бирига айланди. Янги турар- жойлар ва мухташам саройлар бино қилиниши муносабати билан суғориш каналлари барпо этилди ва ташлаб қуйилган эски суғориш системалари тузатилди. Самарқанд вохасининг Равотхўжадан жанубий ва шарки-жанубий қисмида жойлашган тоғ олди районларини суғориш учун Зарафшон дарёсидан эҳтимол худди шу даврда Аббос ва Қораунас каналлари ўтказилган бўлса керак. Бу каналлар Темур вақтида қурилган Миср қишлогигача етиб борган эди. ХВИИ—ХВИИИ асрларда Аштархонийлар ва дастлабки манғитлар даврида Аббос канали Жуй Нав деб аталарди. Кейинчалик уни Янгиарик деб, Қораунасни эса Қозонарик деб атайдиган бўлишди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқлар, аввалгидек сувни Дарғом каналидан ичади. «Самария»асарининг муаллифи Абу Тохирхожанинг ёзишига кўра, «Дарғом арикҷи боши Кўхак дарёсидан ажралиб, Самарқанд шаҳрининг ичи ва тошқи хамда Ангор туманларини суғориб, ортиқчаси Кўхак дарёсига қўшилади. Шаҳар боғлари ва бустонлари ушбу арикдан яшил ва тозадир».[1]

Шаҳар шохобчаларнни сув билан таъминлайдиган асосий ирригация магистрали Шавдор деб аталарди; у Дарғомдан чиқарилган эди. Канал Жумабозор қишлогидан 4,5 километр қуйидаги Кесканжар деган жойдан бошланар эди. Шавдор 6—7 километр давомида қироқлари баланд ва аста секин пасайиб борган чуқур жар ичидан оқар эди. Шавдордан бош олган жойдан 20 километр қуйида Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларни суғорадиган Даштак ва Мозор каналлари ажралиб чиқар эди.

Даштак Шавдор каналига қурилган туғон ёрдамида сув билан таъминланиб турарди. Даштак Мозор канали яқинидан ўтар ва ундан тупроқ дамба билан ажралиб, сўнгра Даштак қишлоги оркали ўтиб, Каварзор ариғига келиб қуйиларди. Шундан кейин Даштак яна хам майда шохобчаларга бўлиниб кетар, бу шохобчаларнинг иккитаси эса Ражабамин ва Каптархона қишлоқларига сув буйига Каварзор ариғи устига ўрнатилган икки нова орқали оқиб ўтар эди. Даштак асосан Самарқандга шарки-жанубий томондан туташган жойларни суғорар эди. Мозор каналидан чап томонга Маздахин ёки Навбахчиён,. ўнг томонига эса Шаҳарарик охарди. Шаҳарарикдан шаҳар,- нинг Аркарик, Қаволарик ва Мулёнарик шохобчалари ажралиб чикарди. Бу шохобчалар Самарқанднигина эмас, балки ўнга жануб томондан туташган районларни хам суғорарди.Самарқанд ва ўнга туташиб кетган жойлар Сиёбдан чиқарилган Обирахмат каналидан хам сув билан таъминланар эди. «Сиёоб ариғи бошлаб бир талай булоқлардан пайдо бўлиб, Конигилгача оқиб келади, — деб ёзади Абу Тохирхўжа. — Унда иккига бўлиниб, биринчи бўлаги Кухак дарёсига оқиб кетади ва иккинчи бўлаги

[1] Наршахий, 1991. Бухоро тарихи // Мерос. Тошкент

икки шохобчага. ажралиб, биринчи бутоғиким, Обирахмат, аталади. Самарқанд шаҳрининг шимолидаги боғларга; Мотурид, Боғи Баланд ва Боғи Майдонга сарф бўлади». ХВИ асрда Обирахмат ва бу канал суғорган жойлар расадхона орқасида жойлашган Улуғбек боғининг номи билан Нахши Жахон деб аталарди. Шу нарсани қайд килиб утиш керакки, бу жойнинг топографик шароитлари туфайли Самарқандни сув билан таъминлаб турган ирригация системаси кўп асрлар мобайнида деярли ўзгармади. Самарқанд тарихининг турли даврларига тааллуқли бўлган маълумотлар шундан далолат беради. Масалан, 1221 йилда, яъни Чингизхон Самарқандни босиб олганидан кейин Самарқандқа бўлган хитойлик сайёх Чан- чуннинг сўзларига қараганда, ўша вақтда шаҳар шохобчадан сув ичган. Темур ва Темурийлар ҳукмронлик килган даврда хам Самарқандни суғориш системаси ана шундай бўлган.

Сув жануб томондан шаҳарга икки жойидан: уша вақтда Қаризгозҳ деб аталган Хўжа Аҳрор дарвозаси ёнидан ва Су зангарон дарвозаси ёнидан оқиб кирган. Қаризгох шохобчаси кейинчалик Хужаарик деб аталадиган бўлди, чунки у Хўжа Аҳрор дарвозаси ёнидан окарди, шунингдек у Самарқанд арки номи билан Аркарик деб хам аталар эди. Сўзангарон шохобчаси бутун шаҳар оркали оқиб ўтиб, Шаҳарарик яъни шаҳар канали деб аталарди. Шубхасиз, шаҳар ичидан оқадиган ана шу икки шохобча яна хам майда суғориш ирмоқларига бўлиниб кетарди. Улар ўз навбатида кўпгина ховузларнн сув билан тўлдирди. Шаҳар каналлари баъзи жойларда сув ўтказадиган усти ёпиқ галереялар — пишиқ ғиштдан ишланган оби мурилар оркали оқиб ўтарди. Ана шундай галереялардан бири Аркарик ўзани шаҳарга кираверадиган жойда курилган бўлиб, қалъанинг шимоли-шаркий қисмида Гифтар махалласи томон ўтарди. Чашмасиёб, Новадон ва Обимашҳад деб аталган булоқ сувларидан хосил бўлган чуқур жарлар хам Самарқандни сув билан таъминлашда катта роль уйнарди. Бу сойлар сув йиғадиган коллектор ва зовурлар сифатида фойдаланиларди. Шаҳарнинг барча шохобчаларидан оқиб келадиган сув сойлардан Сиёбга бориб куйиларди.

Самарқандга сув таъминоти махаллий хоким тайинлайдиган алоҳида сув маъмурияти томонидан тартибга солиб туриларди. Самарқандқҳга сув маъмурияти шаҳарнинг бош мироби — Шавдор канали сувини тақсимловчи — мироби шазф ва йигирмата жуйбон — шаҳар суғориш шохобчаларини назорат қилиб турувчилардан иборат эди. Улар зиммасига шаҳарга сув ўтказиш ва Шавдор билан Ангор туманларини суғорадиган шохобчаларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланган эди. Айрим шохобчалар буйича сув белгиланган навбатга мувофиқ Шавдор ирригация системаси миробининг назорати остида тақсим қилинар эди. Вегетация даврида шаҳар сувни хар куни куннинг биринчи ярмида олар эди. Уша вақтда Жуйичуқур ва Каварзор каналларидан тапщари, Шавдор канали буйидаги барча шохобчалар бошидан то Даштак ва Мозор каналларининг суви куйиладиган жойларгача хаммаси ёпиб қуйиларди. Шаҳар мироби ва жуйбонлар — назоратчилар Шавдор ва Ангор ариқлари атрофидаги жойларни кузатиб турганликлари учун уз мехнатларига икки тангадан мироб пули олишар эди.

Самарқанд вохасининг чап қирғоқ қисмини, шу жумладан, Самарқандни ҳам суғоришда Равотхужада Дарғом, Янги ва Козон каналлари бошида қурилган туғон аввалгидек катта ахамиятга эга эди. Самарқандлик хокимлар хамда Шавдор ва Ангор туманларининг ахолиси тугонни батартиб сақлаш туғрисида алоқида ғамхурлик қилишарди. Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, Самарқанд ёки Бухоро хокимлари Дарғом туғонини тиклашда баъзан узлари хам иштирок этиб, бу ишга бошчилик килишарди. Масалан, «Абдулланома» муаллифи Хофиз Танишнинг (ХВИ аср) ёзишига кура, Равотхўжадаги туғонни тузатиш учун 1556 йилда Самарқанд хокими Наврузи Аҳмадхоннинг ўзи бу ерга келган. 1753 йили Бухоро хокими Раҳимбий Дарғом туғонини тузаттирган. Самарқанд ҳокимлари, айниқса феодал исёнлари ва ажнабий босқинчиларнинг ҳужумлари, вақтида Равотхужа Мавзаини ва Дарғом каналининг бош иншоотини ўз қулларида сахлаб туришга катта эътибор берар эдилар. Чунки бу жойлар, юқорида қайд қилиб ўтилганидек Самаркандга кираверишда мухим стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун хам Самарқанд хокимлари бу ерда қўпгина харбий кучларни сахлаб туришарди. Бобир даврида Равотхўжа калъасида Шавдор туманлигининг харбий бошлиғи яшар эди.

Шуни айтиш керакки, Самарқанднинг сугориш системаси-га, айникса, Дарғомнинг сув боғлаб оладиган асосий иншоатига хар йили кўпгина ишчи кучи, бинокорлик материаллари сарф қилинар эди. Ўрта асрларда барча хўжалик ишлари, шу жумладан, каналларга сув чиқариш ва уларни шохобларга тақсимлаш ишида сувдан фойдаланувчиларнинг деярли хам-маси иштирок этар эдилар. Самарқанд вохасидаги йирик ирригация системаларидан бири бўлган Дарғом канали сув боғлаб берадиган Варақсар туғонидан ташхари қўпгина дамбалар (банд), сув айирғичлар (кунда) ва сув ташлагичлар (ништок) ўрнатилган 122 шохобчадан иборат эди. Зарафшон дарёси ўзанида, Равотхужада жойлашган Дарғомнинг бош туғони ёрочлар, шох-шаббалар, хашақ тош ва чим босилган хамда узунлиги 5—7 километр келадиган тўсиқдан иборат эди. Бироқ бу туғон бахорги ва ёзги сув тошқинлари вақтида тез- тез бузилиб турарди. Зарафшон тошқинлари бу туғонни бутунлай ювиб кетган вақтлар ҳам бўлган. Баъзан тошқин Дарғом туғонини бир йилда бир неча марта бузиб кетар ва хар сафар уни тузатишар ёки янгидан тиклашарди. Ана шундай даврларда экинлар ойлаб суғорилмай қоларди. Шунинг учун ҳам Самарқандликлар Дарғомни “дарду ғам” деб аташарди.

Бу нншоотни тузатиш ишларини бажариш учун Дарғом ирригация системасидан фойдаланувчилар хар йили бахорда хар қун ердан икки киши хисобида (жами 856 мардикор) 15 кун ишлаш учун ажратилиб, улар зарур мивдорда транспорт ва қурилиш материалларнни ўзлари билан олиб борар эдилар. Масалан, архив хужжатларининг маълумотларига қараганда, 1914 йилда Дарғом туғонини тузатиш учун 1436 киши 12896 ишчи кучи ишлашган, 53837 боғ шох-шабба ва 13837 боғ хашак сарфланган.

Самарқанд Россияга қушиб олинганидаи кейин Дарғом туғонининг ахамияти янада ошди. Зарафшон водийсининг Самарканд билан Бухоро

қисмлари ўртасида сув тақсимлашни тартибга солиш учун 1913—1917 йилларда Равотхужа сув айирғич туғони барпо этилди. Бу эса Ўрта Осиёда инженерлик типидаги биринчи иншоот эди. Иншоотнинг узунлиги 178,8 м бўлиб, йўғонлиги 2 м келадиган бетон устунлар билан ажратилган бешта дарвозали эди. Туғоннинг ўнг томонида сув оқимини тўғрилаб турадиган узунлиги 1785 м келадиган дамба қурилди. Бу дамба шағал тош билан ишлаб чиқилди. Туғон сувни тартибга солиб турадиган иншоотлари билан бирга хар секундда 60 кубометр сув ўтказишга мўлжалланган эди. Бу иншоотни қуриш учун 700 минг сумдан зиёд пул сарфланди. 1921 йилда руй берган сув тошқини натижасида бу иншоот вайрон бўлди.

Кўп асрлар мобайнида халқ усталарининг бой ирригация тажрибаси асосида яратилган Самарқанднинг ўрта аср суғориш системаси, шу жумладан, Дарғом системаси ҳам Мустақиллик йилларида тамомила қайтадан курилди. Бунинг натижасида Дарғом ирригация системасигина эмас, балки бутун Зарафшон дарёси водийсининг хам сув билан таъминланиши яхшиланди.

Зарафшон воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги маданиятининг энг йирик намунаси ҳисобланган Афросиёбнинг ўрганилишида В.А.Шишкиннинг тадқиқотларини муҳим аҳамиятга эга. В.А.Шишкин томонидан 1957 йилдан бошлаб шаҳарнинг 1885 йилда тузилган топографик харитаси бўйича белгиланган барча қисмлари тизимли ўрганила бошланди. Шу билан бирга 1885 йилги топографик харитадаги айрим ноаниқ нуқталарга тузатишлар киритилди. 1958 йилда шаҳарни тизимли ва илмий жиҳатдан ўрганиш борасида археологик экспедиция олдига қуйидаги масалалар қўйилди:

1. Шаҳарнинг даврий шаклланиш босқичларини аниқлаш;
2. Шаҳарнинг пайдо бўлиш санасини аниқлаштириш;
3. Сув таъминоти тизимини ўрганиш;
4. Шаҳар мудофаа деворлари стратиграфиясини тадқиқ қилиш;
5. Шаҳарнинг умумий маданий қатламлари стратиграфиясини ўрганиш;
6. Шаҳарнинг қадимий кварталларини ўрганиш;
7. Шаҳар атрофини ўрганиш.

Мана шу тариқа Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган илмий йўналиш Самарқанднинг қадимий тарихини моддий манбалар асосида ўрганишга асос бўлди бу бу йўналиш асосида тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Афросиёбда 1950 йилларнинг охири -1960 йилларнинг биринчяи ярмида қўлга киритилган илмий далиллар асосида Яхё Ғуломовнинг ташаббуси билан 1967 йилда археолог олимлар ва самарқандлик топографлар ҳамкорликда Афросиёбнинг янги топографик харитасини ишлаб чиқдилар.

В. А. Шишкин Афросиёбнинг ИХ-ХИИИ асрларга оид қатламларида кўплаб археологик тадқиқотлар олиб борди. У Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги кварталлардаги 7 та жойда қазиш ишларини ўтказди.

Маълумки, Самарқанд қадимданоқ Ўрта Осиёнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Шу

боис ҳукмдорлар шаҳарнинг мудофа деворларига катта эътибор қаратишган. Афросиёбнинг мудофаа тизимини ўрганиш ишлари М.К.Пачос томонидан системали тарзда амалга оширилган. У томонидан олиб борилган қазишма ишлари натижасида шаҳар мудофаа деворларида ХИИИ аср бошларида, яъни хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида бир мунча таъмирлаш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлди. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар давомида Хоразмшоҳдар сулоласи даврида Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида шаҳарларнинг мудофаа тизимини таъмирлаш борасида катта қурилиш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлмоқда.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Бухорода ҳам катта қурилишлар бўлганлиги тўғрисида тарихчи Наршаҳийда ҳам қуйидаги маълумот бор. «... Масъуд Қилич Тамғочхоннинг буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташқарисидан девор урдилар (ҳижрий 560- милодий 1164-1165 йиллар), у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (1207-1208 йиллар) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгиладилар. Олти юз ўн олтинчи йили (1219-1220 йиллар) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди“[1]. А.А.Раимқуловнинг фикрига кўра Хоразмшоҳлар даврида Кеш-Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари бунёд этилган ва Насафнинг мудофаа деворлари таъмирланган.

М.К.Пачос 1969-1970 йилларда Афросиёб аркининг шимолий – ғарбий мудофаа миноралари да қазиш ишларини ўтказди ва бу ерда бир нечта қўшимча таъмирлаш изларини топди. Шунингдек, арк деворлари пахса ва пишиқ ғишт билан таъмирланганлиги ҳам аён бўлди [2].

Афросиёда ўтказилган 1967-1968 йиллари ўтказилган археологик тадқиқотлар давомида кўплаб топографик маълумотлар олинди. Афросиёб археологик экспедицияси шаҳарнинг 4-чи деворларининг ғарбий қисми ва биринчи мудофаа деворлари ёнида ўтказилди. Экспедиция таркибида Л.Г.Брусенко, Т. А. Аъзамхўжаев, М. Жўрақулов, Я. Крикис, Ю. Ф.Буряков, Я.Аминов, М.К.Пачос ва Г.В.Шишкина каби археологлар бор эди. Археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг В-ВИ асрлардан то ХИИИ аср бошларигача бўлган қатламларга тегишли ҳар хил материаллар топилди. Экспедиция томонидан қўлга киритилган муҳим илмий натижалар Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги бир қатор кварталлар ва мудофаа деворларининг ўрганилиши бўлди.

Мана шу даврда ҳукумат томонидан Самарқанднинг шаҳар сифатида шаклланиши санасини нишонлаш масаласи қўйилган ва 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейи нишонланган. Чунки ХХ асрнинг 70-йилларигача қўлга киритилган археологик моддий манбалар ва тарихий маълумотлар мана шундай илмий хулоса чиқаришга асос бўлганлар. Археологик материалларнинг етарли эмаслиги боис узоқ йиллар давомида

[1] Наршахий, 1991. Бухоро тарихи // Мерос. Тошкент113-бет
[2] Шишкина Г. В. Материалы первых веков до нашей эры и раскопок на северо-западе Афрасаба. Сб. Афрасиаб. Вып. 1. Ташкент, 1969.

тарихшунослик ва археология фанларида «Ўрта Осиёда қадимда шаҳарлар қурилмаган, шаҳарсозлик маданияти бизнинг юртимизга Аҳмонийлар империяси ҳукмронлиги даврида Яқин Шарқ ва Эрон томонидан кириб келган деган» хулоса ҳукмронлик қилиб келган. 2500 йиллик сананинг нишонланиши ҳам мана шу хулосанинг тасдиғидек эди. Лекин кейинги йилларда, айниқса мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон, Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёб, Челак шаҳрининг қадимий ўрни бўлган Кўктепа, Қарши шаҳри яқинидаги Еркўрғон, Кеш-Шаҳрисабзнинг қадимий ўрни Подаётоқтепа-Узунқир ёдгорликларида қадимий шаҳарлар қолдиқларининг ўрганилиши Ўзбекистонда шаҳар маданияти ўзининг маҳаллий илдизларига эга эканлигини илмий жиҳатдан исботлади ва мустақиллигимизнинг шарофати билан Самарқанднинг 2750 йиллик, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик саналари кенг нишонланди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти қошида 1971 йилда Афросиёбни ўрганиш бўлимининг ташкил этилиши ушбу қадимий шаҳарнинг археологик жиҳатдан ўрганилишида муҳим босқич бўлди[1].

Кўҳна шаҳарни ўрганиш бўйича бўлим ташаббуси билан ташкил этилган экспедиция томонидан дастлабки археологик қазишмалар 1973 йилдан бошлаб амалга оширилди. Экспедицияда И.Аҳроров, Ш.С.Тошхўжаев, Л.Г.Брусенко, Э.Ю.Бурякова, Г.В.Шишкина, Н.Б.Немцева каби археологлар иштирок этишган.

Афросиёбдаги тадқиқотлар 1980 йилларда ҳам муваффақият билан давом этди.

1990 йиллардан, айниқса мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар Самарқанднинг қадимий ва ўрта асрлар даври маданий қатламларини ўрганиш бу даврга келиб халқаро миқёсга чиқди. Афросиёбда Ўзбекистон-Франция қўшма халқаро экспедицияси иш бошлади. Бир неча йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг дастлабки шаклланган даврига аниқлик киритди ва у милоддан аввалги ВИИИ-ВИИ асрлардаёқ шаҳар маданиятига эга бўлганлиги аниқланди[2].

Экспедициянинг яна бир муҳим кашфиётларидан бири Афросиёб аркининг шарқ томонида Абу Муслим даврида қурилган маҳобатли сарой қолдиқларининг ҳамда унинг яқинидан қорахонийлар даврига оид сарой ва унинг деворларида маҳобатли рангтасвир суратларнинг топилиши бўлди (Карев, 2009, с.25-42)[3].

Афросиёбда ҳозирги кунларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг тарихий топографиясига йилдан-йилга янги-янги маълумотлар киритишда давом этмоқда.

---

[1] Ташходжаев Ш. С.. Археологические исследования древнего Самарканда в 1973 год. Сб. Афрасиаб. Вып. 3. Ташкент, 1974. , с.3

[2] Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Ташкент, 2002.

[3] Карев Ю.В. Открытие караханидской настенной живописи в Самарканде. Вестник истории културы и искусства, М. 2009,с.25-42

# АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОМПЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Рустамов Ш.Ш.*
*БухДУ, Психология кафедраси ўқитувчиси*

Жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу инсоннинг турли соҳаларида мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интелект ва аҳлоқий ривожланишидир. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълимдаги ислоҳотлар жараёнида мустақил таълимни рағбатлантириш муҳим йўналиш сифатида келмоқда. Педагогнинг касбий лаёқатлилигини тарбиялаш феноменини тадқиқ қилишга бир қатор олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Бу муаллифлар касбий лаёқатлилик – ишончлилик сифатлари билан биргаликда ўқитувчининг касбий – индивидуал ҳодиса сифатида педагогик маданиятини тавсифлайди деган фикрни олға сурганлар. Ўз навбатида, касбий лаёқатлилик тушунчаси, В.А.Сластенин таъкидлаганидек, педагогнинг педагогик фаолиятини амалга оширишга назарий ҳамда амалий тайёрлигининг бирлигини ифодалайди ва унинг касбий шаклланганлигини тавсифлайди.

Ақлий ва ижодий меҳнатини автоматлаштириш ва турли хил тадқиқотларни ўтказишда компьютерларнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш бошқа соҳалар каби психология олдида турган муаммолардан бирига айланганлигига бир неча ўн йил бўлди. Психодиагностик, ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш, хулоса чиқариш бошқа тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун кишиларнинг психологиясини, уларнинг турли хусусиятларни ўрганишда компьютерлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос йўл, йўналишга ва талабга эга.

“Компетентлик” феномени ўз даврида файласуфларнинг турли даврдаги изланишларида ўз аксини топганлигини кузатиш мумкин. Шарқ мутаффаккирлари Беруний, Ибн Сино, Форобий, Навоий ўз асарларида, инсонларни тушуниш, мулоқотмандлик, суҳбатдошнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига нисбатан адекват сезувчанлик, ахлоқий установкалар каби сифатларининг намоён этилишини юқори даражадаги ахлоқий сифатлар деб таърифлаганлар.

Ушбу муаммонинг таркибий қисмлари ва омилларини Д.Гоулман, Д.Майерс, К.Роджерс, Ж.Пиаже, Д.Векслер, Г.Айзенк, Л.Ф.Бахман, А.Палмер, Ян Ван Эк каби хориж олимлари тадқиқ қилганлар. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатадики, социал-психологик компетентлигининг функциялари бўйича изланишлар олиб борган олимлар А.А. Бодалев, А.А.Деркач, Н.И.Шевандрин, В.Штерн, Е.С.Михайлова, Н.В. Кузьмина, Н.Д. Лакосина, Т. В Кудрявцев, А.К.Маркова, Н.В.Бачманова, В.Г.Богин, В.А.Сластёнин ва бошқалар социал-психологик компетентликнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унинг маълум даражада функцияларини изоҳлашга ҳаракат қиладилар.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб компитентликнинг қуйидаги кўринишларини таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

2) инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараѐнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиѐтга муваффақиятли татбиқ этиш;

3) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

4) Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

5) Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

6) Эктремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Психодиагностика соҳасидаги таниқли олим А.Анастази - "Компьютерлар ўзининг маълумотларни юқори тезликда таҳлил ва қайта ишлаш имкониятлари билан тест ўтказишнинг айтарли барча босқичларини, тестни яратишдан бошлаб то уни қўллаш, бирламчи натижаларни қайд қилиш, ҳисоблаш ва интерпретация қилишгача ўзгартирди"-деб кўрсатган эди.

Маълумки, замонавий психодиагностикада компьютерлар қўзғатувчи материални (тест, анкета, саволнома ва ҳ.к.) кўрсатиш (тақдим қилиш), натижаларни йиғиш, сақлаш, уларни математик қайта ишлаш, математик ва график усулларда таҳлил қилиш мақсадида қўлланилади.

Психодиагностика, айниқса замонавий психодиагностика олинган экспериментал материалларни умумлаштириш ва кўп томонли, мураккаб математик статистика методлари ѐрдамида қайта ҳисоблашга асосланган. Бундай мураккаб ва сермашаққат ишларни амалга ошириш учун махсус компьютер дастурлари, мажмуалар ишлаб чиқилган. Бу тизимлар олинган экспериментал материалларни тез, аниқ қайта ишлаш, улардан иложи борича кўп маълумот олиш ва олинган натижаларини аниқ, кўргазмали ва ишлатишга қулай ҳолга келтириш имконини беришга мўлжалланган.

Бу ишларнинг барчаларида психодиагностикада компьютерларнинг қўлланилиши психологик экспериментнинг сифатини, олинган натижаларнинг объективлигини ошириши, натижаларни қайта ишлашнинг тезлиги ва аниқлигини таъминлаши, шу асосда психодиагностик натижалардан клиник шароитларда тезкор фойдаланиш, ўқув жараѐнида индивидуал ѐндашишни амалга ошириш, қисқа вақт оралиғида болалар ва

Barchamizga ma'lumki,hozirda dunyo kuchli pandemiya holatida.Butun yer yuzi bo'ylab tarqalgan hamda dunyo xalqlari boshiga ulkan sinovlarni solayotgan "covid-19" virusi xalqaro munosabatlarga ham o'z ta'sirini o'tkazmay qolmayapti.Mana bir necha oylardirki,dunyo mamalakatlarining ham iqtisodiy,ham psixologik hayotida misli ko'rilmagan o'zgarishlar bo'lmoqda.Xalqaro diplomatik munosabatlar ham aynan shu yaqin bir necha oyda ma'naviy-ruhiy qo'llab – quvvatlash tizimida bi-birlariga kuchli madad va dalda bo'lgan holda,garchi masofadan bo'lsa ham katta insoniylik yordamini ko'rsatishmoqda,o'z davlatlaridagi psixologik muhit,odamlardagi bunday kutilmgan holatlarda o'zlarini tutishlari jarayonlari tasvirlangan rasmlar,videoroliklarni ijtimoiy tarmoqga joylagan holda,kuchli bo'lishga va birgalikda yengib o'tishga chaqirishmoqda!

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, xalqaro diplomatik munosabatlar psixologiyasi dunyo mamlakatlarining rivoji va taraqqiyotida benazir o'ringa ega va xalqaro miqyosida sodir bo'layotgan barcha muammolarning insoniyat bilan nechog'liq bog'liq hamda ahamiyatli ekanligini o'rganadi,targ'ib qiladi!

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Xudayarov A.A.Xalqaro iqtisodiy munosabatlar.Toshkent-2007.

2. INTERNATIONAL JOURNAL OF PSYCHOLOGY, 2000, *35* (2), 81± 86.

3.The Psychology of Diplomacy/DiploFoundation.

https://www.diplomacy.edu/ blog/psychology-diplomacy.

## YOSH O'QITUVCHI VA O'QUVCHILAR O'RTASIDAGI O'ZARO TUSHUNISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Saidova F.N.*
*Andijon davlat universiteti katta o`qituvchisi*

O'zaro tushunish va sog`lom psixologik muhitini yaratadigan yaxshi munosabatlar nafaqat kundalik muloqatda, balki ta'lim faoliyatida ham muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchi va talaba o'rtasidagi o'zaro tushunish o'qituvchi va talaba o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantiradigan va mavzuga va ishlashga munosabatga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan maxsus ishonchli munosabatlarni o'rnatishga yordam beradi.

O'qituvchi va talabalar o'rtasidagi o'zaro tushunish muammolarini o'rganar ekan, tadqiqotchilar o'qituvchi bilan munosabatlar mavzuga bo'lgan munosabat, o'quv faoliyati va talabalarning motivatsiyasiga ta'sir qilishi mumkinligiga e'tibor qaratdilar.

Ta`lim olishning muvaffaqiyati oquvchilarning o`qituvchiga bo'lgan munosabatga bog'liqligini va o'qituvchiga ta`limga bo`lgan munosabat ta'sir qilishi mumkinligini ta'kidladi Myasischev V.N. o`z izlanishlarida ta`kidlab o`tgan.

O'smirlar uchun o'qituvchiga bo`lgan munosabat ta'lim faoliyatiga ta'sir qiluvchi muhim omillardan biriga aylanadi. O'smirlik davrida kattalar va o'qituvchilar bilan munosabatlar o'zgaradi, o'smirning shaxsiga bo'lgan ishonch va hurmatga asoslangan yangi munosabatlar zarur. Tadqiqotlarga ko'ra, insholar va so'rovnomalardagi o'spirinlar o'qituvchi bilan ko'proq tushunishni, u bilan yanada ishonchli munosabatlarni istashlarini va shuning uchun u "deyarli do'st kabi" bo'lishlarini istashadi.

Kon I. S. o'quv jarayonini tahlil qilib, o'smirni idrok etish zarurati o'qituvchi tomonidan kuchaytirilishi yoki zaiflashishi mumkinligini ta'kidladi. Mavzuga qiziqish, bilimga bo'lgan ehtiyojning ifodasi sifatida asosan o'qituvchining shaxsiyati, uning ishiga, o'quvchilariga bo'lgan munosabati orqali shakllanadi. Kon I.S., Obozov N.N., Shevandrin N.I., o'smirlik davrida o'qituvchi bilan o'zaro tushunish eng muhim joylardan biriga borishini ta'kidlashadi. Ushbu tushunchaning yo'qligi yoki mavjudligi talabaning mavzuga bo'lgan munosabatiga ta'sir qilishi mumkin.

Samofal R.A. ta’kidlashicha, o‘quv jarayonining samaradorligi o‘qituvchi va talabalar o‘rtasidagi munosabatlar qanday rivojlanayotganiga bog‘liq. Yaxshi yoki yomon munosabatlar, yoqtirish va yoqtirmaslik o'rganish va muloqot uchun motivatsiyani rag'batlantirishi yoki to'sib qo'yishi mumkin.

O'quv faoliyatining ahamiyati turli yoshdagi bolalar uchun bir xil emas. Yosh talabalar uchun o'quv faoliyati yetakchi hisoblanadi (Elkonin D. B.). Ammo o'smirlik davrida o'rganish faoliyatining ahamiyati pasayadi (Bojovich JL I., Feldshteyn D.I.). Yosh o'quvchilar bilan solishtirganda, o'smirlar o'qituvchi bilan munosabatlarni o'zgartirmoqda. Katta yoshli o'spirinlar uchun kasb tanlash to'g'risida qaror qabul qilish juda muhim, o'spirinning tanlanishi mavzularga

bo'lgan munosabatga ta'sir qilishi mumkin. Elkonin D. B. ta'kidlaganidek, bu yoshda, o'spirinlar ba'zi mavzular muhimroq, boshqalari unchalik ahamiyatsiz deb hisoblashadi. O'smirlar uchun biron bir mavzuni o'rganish istagi uning ahamiyatiga bog'liq.

Mavzuga bo'lgan munosabatni ta'sir qiluvchi omillar ko'p. Mavzuning ahamiyati nafaqat professional yo'lni tanlash bilan belgilanadi. O'smir uchun predmetga bo'lgan munosabat va uni o'rganishga intilishni ta'sir qiluvchi muhim omillardan biri bu o'qituvchining shaxsiyati. Ko'pincha, kasbiy faoliyat bilan bog'liq bo'lmagan mavzular o'qituvchi bilan yaxshi munosabatlar o'rnatilishi va o'zaro tushunishga erishilganligi sababli qiziqarli va yoqadi.

Talabalarning yaxshi ishlashiga intilishda, agar ular bilan umumiy til topish va ularning fanlarga munosabatini yaxshilash zarur bo'lsa, o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi tushunish muammosi doimo dolzarb bo'lib qoladi.

O'smirlar uchun o'qituvchi bilan tushunish o'quvchining mavzuga bo'lgan munosabatiga va o'quv faoliyatiga ta'sir qiluvchi omillardan biridir. O'qituvchiga bo'lgan munosabat va o'smir o'quvchilar uchun mavzuga munosabat o'zaro bog'liqdir. Yaxshi tushunish bilan, ko'pchilik talabalar o'qituvchiga va mavzuga yaxshi munosabatda, talabalar yuqori baholarga ega. Yaxshi tushunmaslik bilan baholari, o'qituvchiga va mavzuga bo'lgan munosabat yanada yomonlashadi.

O'smirlarning adovati va g'azabining yuqori ko'rsatkichi o'qituvchining shaxsiy fazilatlarini etarli darajada baholash va tushunishga yordam bermaydi.

O'qituvchining talaba bilan o'zaro tushunishi o'smirlarning shaxsiy va yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda, ularning nuqtai nazariga hurmat bilan munosabatda bo'lish, to'g'ri tanqid qilish, talabalarga yaxshi munosabatda bo'lish va o'qitishga qiziqish bilan belgilanadi. Ushbu shaxsiy fazilatlarga ega bo'lgan o'qituvchilar talabalar bilan o'zaro tushunishni topish uchun ko'proq imkoniyatlarga ega. O'smir bilan o'zaro tushunishga erishish uchun o'qituvchi yuqori darajada rivojlangan fazilatlarga ega bo'lishi kerak: boshqa odamni tushunish va unga nisbatan etarli nuqtai nazar (ijtimoiy sezgir), shuningdek o'zaro munosabat va muloqotni tashkil etish ko'nikmalari va qobiliyatlari, shaxsga ijobiy munosabat.

Boshqasini tushunishning muhim mexanizmi bu insonning aloqa sherigi uni qanday idrok etishini va u sizdan qanday xulq-atvorni kutishini anglash qobiliyatidan iborat aks ettirish jarayoni. Bu G.M. Shelamova ta'kidlaganidek, bu nafaqat boshqalarni bilish, balki boshqaning bizni qanday tushunishi haqida tasavvurni shakllantirishga yordam beradigan juda murakkab mexanizmdir. “Shu bilan birga, bizning e'tiborimiz aloqa bo'yicha sherikdan o'zimizga beriladi va bir-birining ko'zgu aks ettirishida bir xil bo'ladi. Natijada. "Muloqotda ikki emas, balki olti kishi qatnashmoqda." (153, 48-bet) Biz uchta pozitsiyani egallaymiz:

1) haqiqatda mavjud bo'lgan "men";
2) "Men" o'zimni vakili sifatida;
3) Muloqot sherigi sifatida "men".

Suhbatdoshimiz ham shunga o'xshash pozitsiyalarni egallaydi.

Ikki karra o'zaro munosabat o'z-o'zini aks ettirishni ham, o'zaro fikrlashni ham anglatadi. Bu xususiyat shaxsning o'zini o'zi bilishiga yordam beradi.

Ammo shuni ta'kidlash kerakki, aloqa bo'yicha sherik bizni qanday qabul qilishi haqidagi baholarimizda biz noto'g'ri bo'lishimiz mumkin. O`zaro bir- birini tushunishda vaziyatlar ham ahamiyaatlidir. Yomon kayfiyatda har bir shaxs vaziyatga boshqacha baho beradi. Ya'ni, shaxs, uning yomon kayfiyatining sababini odamga bog'laymiz. Boshqa odamning xatti-harakatlarini, his-tuyg'ularini, xulq-atvor sabablarini boshqalarga izohlash mexanizmi sabab-oqibatli atributiya deb ataladi. Hatto ba'zan o'z harakatlarimizni to'liq anglay olmaymiz, boshqalarning qilmishini ham. Doimiy ma'lumotlarning etishmasligi bizni tushunishga erishish uchun nima sodir bo'lishining sabablarini izlashga majbur qiladi va topilgan sabablar to'g'ri yoki yolg'on bo'lishi mumkin. Bizning hayot davomida shakllangan stereotiplarimiz insonni idrok etishiga, unga bo'lgan munosabatni shakllantirishga ta'sir qiladi. Yuqorida ko'rsatilgandek, bir qator stereotiplar o'zaro tushunishga yordam bermaydi. Bundan tashqari, bizda noto'g'ri taassurot paydo bo'lishi mumkin. Projektoriya, halo va yangilikning ta'siri yaxshi ma'lum. Ammo birgalikdagi harakatlar jarayonida odam bilan keyingi aloqa va o'zaro aloqada u to'g'risida ma'lumotlar yangilanadi va aniqlanadi, bu esa bu odamni chuqurroq tushunishga va ehtimol unga bo'lgan munosabatni o'zgartirishga yordam beradi.

A.V.Petrovskiyning fikriga ko'ra, shaxsni shaxs tomonidan idrok etishning boshlang'ich shakli bu odam bilan aloqada bo'lgan o'z tajribalaridir. Muloqot insonning ijtimoiy-tarixiy rivojlanish jarayonida yuzaga kelgan boshqa odamlar bilan aloqaga bo'lgan ehtiyojini qondirishga yordam beradi. «Muloqot boshqa shaxs va uning mahsulotini baholash va o'zini o'zi anglash, bilim va o'zini o'zi bilishdir. ” (32, 19-bet)

O'zaro tushunish masalalari haqida o'ylamasdan, bu jarayonni aniqlash qiyin. Boshlang`ich sinf o'quvchilari ko'p hollarda bu savolga javob berolmaydilar. Kattalar bunday vaziyatlarda javob berishga qiynalishadi yoki savol haqida o'ylashga harakat qiladilar va javobni shakllantirishga harakat qiladilar, ko'pincha o'zaro tushunishni belgilaydilar

O'smirlar hayotda o'zaro tushunish mavjudligini juda muhim shart deb bilishadi. Ularning fikriga ko'ra, o'zaro tushunish do'stlar, yaqin odamlar (qarindoshlar) o'rtasida, o'qituvchi va talaba o'rtasida bo'lishi kerakularda ozaro tushunish do`stlik xissi birinchi o`rinda turadi.

Katta yoshdagi o'quvchilar va kichik yoshdagi bolalardan farqli o'laroq, katta yoshdagi o'quvchilar (8–11-sinflar) kamdan-kam hollarda o'zaro tushunish nima degan savolga "bilmayman" yoki "tushuntirib berolmayman" javoblarini berishadi. Ular, aksariyat fikrlaydigan kattalar singari, ushbu masalada fikr yuritish istagi bilan ajralib turadi va o'ziga xos shaklini topadi.

Odam suhbatdoshini tushunishga va tinglashga harakat qiladi, o'z nuqtai nazarini himoya qilmaydi, faqat o'zini anglaydi, chunki odamlar bir-birini tushunishadi, bir-birlarining fikrlarini tinglashadi, bir-birlari bilan rozi bo'ladilar, biron narsada yordam berishga harakat qilishadi.

Aksariyat o'smirlar o'zaro tushunish masalalarida fikr yuritishga qiziqishadi. O'zlarini va odamlar o'rtasidagi munosabatlarni bilishga harakat qilayotganlari sababli.

J. M. Glozman ta'kidlaganidek, atrofimizdagi odamlar bilan muloqotda ko'pincha "inson hayoti dunyosi" qo'llaniladi: "Men - boshqachaman".

Biz o'zimizni aniqlaymiz, boshqa odam borligini qarzga olamiz, biz bu odam bilan birlashganimizni va uzilib qolganimizni tushunamiz va turli xil omillarga bog'liq holda biz bu odam bilan munosabatlarni o'rnatamiz. Ammo bunday tuzilishning shakllanishi tug'ilishdan odamga berilmaydi, lekin ontogenezda to'rt darajada amalga oshiriladi (32, 22-bet): dunyoni befarq va egotsentrik idrok etish »; "Bola o'z nuqtai nazarini boshqasining nuqtai nazaridan farqlay oladigan, ammo ikkinchisini baham ko'rishga qodir bo'lmaganida, boshqalarni farq qiladigan egotsentrik idrok"; vaziyatni tahlil qilishda aks ettirish va boshqaning nuqtai nazarida tura olish qobiliyatining shakllanishi ", xabardorlik, ikkinchisi bir xil qobiliyatga ega, ammo" integratsiya qilish qobiliyati "shakllanmagan:" bola shunchaki bir qarashdan boshqasiga sakrab chiqadi "; haqiqiy vaziyatni turli nuqtai nazardan, shu jumladan uchinchi tomon nuqtai nazaridan qabul qilish va izohlash, ya'ni har xil qarashlarni birlashtirish imkoniyati. "

Ushbu darajalarning taqsimlanishiga rozi bo'lmaslik mumkin emas, haqiqatan ham bola tug'ilishdan boshlab boshqa odamni tushunish qobiliyatiga ega emas, chunki dastlab u o'zini alohida bir narsa deb bilmaydi. O'zini anglash bilan J. Piaje ko'rsatganidek, o'zini hamma narsaning markaziga qo'yish istagi paydo bo'ladi (egosentrizm). Ammo bola hali kattalar singari boshqa odam bilan hamdard bo'lishga qodir emas.

Qaysi yoshda bola kattalarni qobiliyatiga o'xshash boshqa odamni tushunish va unga hamdardlik ko'rsatish qobiliyatiga ega. (J. M. Glozmanning 3-4 bosqichli modellari). Ushbu masala bo'yicha bir nechta fikrlarni ko'rib chiqing.

Jl F. Obuxova, T.V. Ryabova, M.N. Gusulova va T.K. Sture J. Piaje tushunchasiga tayanib, bolalardagi egosentrizm hodisasini o'rganib, uni ontogenezda tavsiflab, bir qator qiziqarli xulosalar chiqardilar.

J. Piaje tamonidan o`rganilgan intelektni rivojlantirish bosqichlari

Muallif shaxsda intellekt rivojlanishining quyidagi bosqichlarga ajratadi:

1) sensomotor intellekti (tug‘ilishdan to 2 yoshgacha),

2) operatsiyalardan ilgarigi tafakkur davri (2 yoshdan to 7 yoshgacha),

3) konkret operatsiyalar davri (78 yoshdan 112 yoshgacha),

4) formal (rasmiy) operatsiyalar davri.

Egotsentrizm (J. Piaje) - o'zini hamma narsaning markaziga qo'yish va o'zini hamma narsaning sababchisi deb bilish istagi. "J. Piaje, egotsentrizmning

mohiyatini, bolaning haqiqatning turli sohalarini etarlicha farqlamasligi bilan izohlaydi. Qaysi aniq sohalar yaxshi farqlanmaganligi aqlning rivojlanish bosqichiga bog'liq ”(103, p.40). Shunday qilib, sensomotor bosqichida bolalarning aksariyati tashqi dunyoni o'zlaridan mustaqil ravishda mavjud deb bilishmaydi. Muayyan operatsiyalarga erishish bosqichida egotsentrizm bolaning diqqat markazida, mavzuning yorqin jozibali tomonlarida namoyon bo'ladi va "o'z nuqtai nazarini boshqalarning nuqtai nazariga bog'lashning iloji yo'q". Mantiqan fikr yuritish, gipotezalarni qurish va mulohaza yuritish, 12-15 yoshdagi xulosalarni tuzish va tekshirish qobiliyatiga ega bo'lgan o'spirin bu xulosalarni har doim ham tekshirib turmaydi, ba'zan esa ular haqiqiy dalillarga zid bo'lib chiqadi. "Bu egotsentrizmning uchinchi shakli." Rasmiy operatsiyalar o'smirga aqliy tuzilishlarni yaratish va ular haqida fikr yuritish qobiliyatini beradi. Bu sizning fikrlashingiz va boshqa odamlarning fikrlashi haqida ma'lumot olishga yordam beradi. Ammo o'spirin fikrlaydigan ob'ekt boshqa odamlar o'ylaydigan narsalarga mos kelmaydi va u ko'pincha boshqacha fikr yuritadi. Shunday qilib, jiddiy psixofiziologik o'zgarishlar tufayli, o'spirinning e'tiborini o'ziga qaratadi va u ko'pincha boshqa odamlar, xuddi u kabi, uning xatti-harakati va tashqi ko'rinishi haqida qayg'uradi deb o'ylab, boshqa odamlarning e'tiborini unga qaratiladi. D. Etkin bu egotsentrik hodisani "xayoliy tomoshabin" deb ataydi. O'smir "tomoshabinlar" unga qanday munosabatda bo'lishini tushunishga harakat qilmoqda, uning fikri markazida u bo'ladi. Shuning uchun o'spirin uchun eng kuchli ta'sir qiluvchi xususiyat sharmandalikdir. Garchi o'spirin o'z fikrlarini mavzusini boshqa odamlarning fikrlaridan ajrata olmasa ham, J1 ta'kidlaydi. F. Obuxov, u o'z his-tuyg'ularini va his-tuyg'ularini boshqa odamlarning his-tuyg'ularidan juda yaxshi ajratib turadi, ularni noyob narsa deb hisoblaydi. Kattalar o'z farzandlariga yaqinlashishga harakat qilganda, javobni olishlari ajablanarli emas: "Siz hali ham mening hissiyotlarimni tushunmayapsiz". Ushbu hodisani D.Etkind "shaxsiy afsona" deb ataydi. "Shaxsiy afsona" - bu o'spirin o'zi haqida o'zi hikoya qiladigan hikoya. Bu voqea haqiqat bo'lmasligi mumkin. O'ziga, o'z his-tuyg'ulariga va fikrlariga qaratish, o'spirinning egotsentrizmiga ham tegishli.

Ammo bunday egotsentrizm doimiy bo'lib qolmaydi, o'sib-ulg'ayadi, o'smir asta-sekin undan qutulishni boshlaydi, o'zini chinakamiga ko'radi, o'zini tushunadi. Shu bilan birga, boshqa odamlarni tushunish, haqiqiy shaxslararo munosabatlarni o'rnatish qobiliyati paydo bo'ladi. Ya'ni, katta yoshli o'spirinlarning aksariyati boshqa odamlar bilan o'zaro tushunishni topish imkoniyatiga ega. Mualliflarning ta'kidlashicha, bunday qobiliyat etarlicha shakllanmagan o'spirinlarda shakllanmasligi mumkin, dunyo va ularning dunyodagi o'rni. Bunday o'spirinlar, ularning fikriga ko'ra, egotsentrik holatda qolishlari mumkin. Mualliflarning fikriga ko'ra, o'zini past baholanish o'spirinning o'ziga qaratilganligi uchun xarakterlidir va natijada, bizning fikrimizcha, boshqalar tashvishlanib, boshqalar ular haqida nima deb o'ylashadi. O'ziga bo'lgan ishonch va o'ziga bo'lgan ishonchning o'sishi, boshqalar o'smir haqida qanday fikrda bo'lishiga nisbatan

tashvishlanishni kamaytirishga yordam beradi va natijada boshqa odamlar bilan shaxsiyatiga og'riqli e'tibor qaratmasdan samarali muloqot qilish qobiliyati oshadi. T. P. Gavrilova boshlang'ich maktab o'quvchilari va o`smirlarning empatik tajribalarini shakllantirishni o'rganib chiqdi va bir qator qiziqarli xulosalar qildi.

Birinchidan, yosh o'quvchilar yanada o'ziga xos tasvirga hissiy jihatdan javob berishadi. Ular buvisi yoki umuman notanish ayol, hamdard bo'lishlari mumkin. Ularning hamdardligi beqaror va xudbindir. Ko'pincha bu bolaning o'ziga xos ehtiyojlari bilan bog'liq. Masalan, agar bola itni xohlasa va kattalar unga ruxsat bermasa, u aksincha, xuddi shu holatda bo'lgan bolaga hamdardlik bildirishi mumkin ikkinchidan, empati kattalar va tengdoshlar bilan muloqotda shakllanadi.

Uchinchidan, o'spirinlar yosh o'quvchilarga qaraganda yuqori empatik qobiliyatga ega. Boshlang'ich maktab o'quvchilari empatiyaning boshlanishi bilan ajralib turadi, o'spirinlarda esa empatiyaning yuqori qobiliyati sifatida xushyoqish mavjud. Biz uchun muhim bo'lgan tafsilotlarni sezamiz. Bolalarda katta yoshlilar bilan muloqot qilishdan boshlab empatiya shakllanadi, ammo bolalikka nisbatan empatiyaning eng katta qobiliyati o'smirlik davrida shakllanadi. O'smirlik va yoshlik - bu qadriyatlarni shakllantirish davri. Va qadriyatlar boshqa odamga hamdard bo'lish uchun shakllantirilishi kerak. Va boshqa odamga "bo'linishi mumkin bo'lgan" noyob shaxs sifatida munosabat shakllanishi kerak.

O'smirlik, unda aloqa etakchi faoliyat turi hisoblanadi va bu muloqot natijalaridan biri inson va inson munosabatlari to'g'risidagi bilimlar va shundan keyin ma'lum tasvirlarni shakllantirish o'zaro tushunish uchun imkoniyatlarni yaratishda muhim qadamdir.

Shunga o'xshash nuqtai nazar Rojdestvenskaya N.A. va Berezina A.Vlarning asarlarida mavjud bo'lib, ular umuman shaxslararo idrokdagi o'zgarishlarni o'spirinlik neoplazmasi deb hisoblashadi. Rojdestvenskaya N.A., o'smirlik davrida, boshqa odamning shaxsiy xususiyatlarini ehtimoliy baholash qobiliyati shakllanganligini ko'rsatadi. Probabilistik baholash deganda “bilish mavzusining odamlar to'g'risidagi kategorik mulohazalardan qochish va baholanayotgan shaxsning shaxsiyat xususiyatlari to'g'risida kamida ikkita farazni shakllantirish, ularni tekshirish imkoniyatiga ega bo'lgandan keyin noto'g'ri hukmlarni tuzatish qobiliyati” tushuniladi (120, p. 227). Ya'ni, aslida, maqola mualliflari boshqa odamlarni tushunish va aniq baholash qobiliyati haqida gapirishadi. Ularning tajribalari shuni ko'rsatdiki, 9 yoshli bolalarning atigi 5 foizi boshqa tengdoshlarini aniq baholaydilar, asta-sekin bu qobiliyat shakllanadi va 14 yoshga kelib bu o'smirlarning 85 foizida - qizlar va o'smir o'g'il bolalarning 75 foizida paydo bo'ladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki. O'qituvchi va o'spirin o'rtasida yaxshi tushunish mavjud bo'lsa, ushbu fan bo'yicha akademik ko'rsatkichlar ancha yuqori ekanligi aniqlandi. O'qituvchi va o'spirin o'rtasida o'zaro tushunish bo'lmaganda, akademik ko'rsatkichlar past bo'ladi va mavzuga munosabat yomonlashadi. O'qituvchiga o'zaro tushunish va munosabat mavjudligi yoki yo'qligi bir-biri bilan

bog'liq. Talabalarning shaxsiy xislatlari, adovat, xafagarchilikning yuqori ko'rsatkichi o'qituvchining shaxsiy fazilatlarini etarli darajada baholash va tushunishga yordam bermasligi aniqlandi. O'qituvchining shaxsiy va yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda, o'spirinlarning nuqtai nazariga hurmat bilan munosabatda bo'lish, to'g'ri tanqid qilish qobiliyati va talabalarga yaxshi munosabat kabi shaxsiy fazilatlari o'zaro tushunishga yordam beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. G‘oziyev E. Ontogenez psixologiyasi.Тошкент, Noshir., T 2010, 227b.
2. Maxsudova M. Muloqot psixologiyasi. T. “Turon-Iqbol” — 2006, 19 b.
3. Настольная книга практического психолога. М. Владос.1998. 154 ст

## THE ROLE OF PSYCHOLOGY IN MODERN EDUCATION

*Arustamyan Y.Y.*
*PhD, Associate Professor of National university of Uzbekistan*
*Sayfutdinova U.Sh.*
*student of National University of Uzbekistan*

**Abstract:** The given article reveals the essence of psychology in general and its role in the modern education. Also, the paper gives full and clear information about the levels and aspects of education simultaneously combining it with psychology.

**Keywords:** psychology, education, levels of education, aspects of education.

**Аннотация:** Данная статья раскрывает сущность психологии в целом и ее роль в современном образовании. Кроме того, в статье дается полная и ясная информация об уровнях и аспектах образования, одновременно сочетая его с психологией.

**Ключевые слова:** психология, образование, уровни образования, аспекты образования.

In the education system, in all its types and processes, there is objectively a large number of topical issues, tasks and problems that require the full participation of scientific psychology. In this area, as in any other, there are as many opinions as there are people. All of us are either employees of this system, or consumers of educational services. Each of us has our own view and point of view on educational problems. Paying prior attention to the quality of students ' knowledge, we often forget to take care of eliminating gaps in our own professional knowledge, which includes psychological and pedagogical knowledge in addition to knowledge of the subject area.

Psychology of education can be considered as a direction of fundamental research of the laws of development and functioning of society and personality, the relationship of natural, social, cultural and individual in the formation of the

human in a person, mechanisms, means and ways of transforming development into self-development. The psychology of education reveals significant issues of cultural formation of a person in ontogenesis, psychological mechanisms and processes of development of higher mental functions, cognitive abilities, personal potentials and abilities.

The semantic dominant of the development of educational psychology, which was laid down at the beginning of the XX century, can be defined as the promotion of the formation of a person's subjective position on the basis of understanding the laws of mental development of the individual. Meanwhile, education sphere itself can be considered in several aspects:

*1. Education as one of the most important functions of society,* ensuring the reproduction and development of the society itself and systems of activity, addressed to each individual for the purpose of its development and socialization. The process of education is implemented through the translation of culture and social norms in changing historical situations, on the new material of social relations, continuously replacing each other by generations of people. In its functional relation, education is distributed throughout the system of human relations.

*2. Education as an organized process is carried out by special social institutions that have formed a system of institutions and social associations.* For some social institutions, education is the main content of activity, defining the goals, values, subculture and self-determination of people (school at all levels, teaching profession). For other social institutions, the meaning of their existence is not limited to the implementation of the function of education, but without it they are unthinkable (family, state, Church). In viable and dynamic societies, all structures, institutions and social actors are involved in implementing the function of education in one form or another.

*3. Education as a process of development of mental and personal potentials of a person, his socialization, the formation of his subjectivity in relation to the world, others, activities, and himself.* Education can be understood as a process and result of assimilation of systematized knowledge, skills, the formation of universal and special abilities, the formation of a worldview and the assignment of certain forms of life. In the process of education, there is a transfer from generation to generation of spiritual values that humanity has developed, the assimilation of the results of socio-historical knowledge reflected in the sciences of nature, society, technology and art, as well as the acquisition of skills, abilities and abilities in activities. The primary basis of education at the personal level is the assignment of the experience of action through imitation and copying, independent research activity, etc. The main way to get education in modern social conditions is through studying and upbringing in various educational institutions. By the way, self-study, cultural and educational work, and participation in socially significant activities also play a significant role in the acquisition of knowledge, mental and moral development of a person.

Thus, we can consider education at three different levels:

a) socio-cultural - as a function of self-reproduction and development of society and culture;

b) institutional – as a specially organized process of purposeful influence on the process of human development and socialization, carried out by special social institutions formed in the system of institutions and social associations;

c) personal – as a process of development of mental and personal potentials of a person, the formation of his subjectivity in relation to the world, others, activities, and himself.

At the same time, education at both the institutional and personal levels always takes place in specific historical socio-cultural realities. As these realities become more and more dynamic, changes are naturally required in the process and conditions of education.

**REFERENCES:**

**1.** Выготский Л. С. Педагогическая психология. М.: АСТ; Астрель; Хранитель, 2008.

**2.** K. A. Renninger, Learning as the focus of the educational psychology course. Educational Psychologist, 31, 1, 63-76(1996).

**3.** T. J. Shuell, The role of educational psychology in the preparation of teachers. Educational Psychologist, 31, 1, 5-14(1996).

## ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА ПРОФЕССИОНАЛИЗМИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

*Салаева М.С.*
*Низомий номидаги ТДПУ психол. ф.н., доц.*

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида замонавий таьлим тизими маданий-тарихий ривожланишнинг миллий моделини алмаштириш билан боғлиқ бўлган муайян ўзгаришларни тақозо қилади.

Таьлим тизимидаги ҳар қандай ислоҳотлар муйян бир ижрочи, яьни педагоглар орқали амалга оширилади. Амалиётга асосий янгиликларни татбиқ этишда айнан педагог бош тимсол бўлиб ҳисобланади.

Амалиётга турли хил инновацияларни муваффақиятли киритиш ҳамда янги шароитларда ўз олдига қўйилган топшириқларни жорий этиш учун педагог етарли даражада касбий компетентликка ва профессионализмга эга бўлиши шарт. "Профессионализм" тушунчаси жамиятда мавжуд бўлган стандартлар ва объектив талабларга жавоб берадиган касбий фаолиятнинг психологик тузилишини инсон томонидан ўзлаштирилиш даражасини акс эттиради. Профессионализмга эга бўлиш учун қобилият, хоҳиш, характер ҳамда доимий равишда ўз билимларини ошириш ва маҳоратини такомиллаштиришга тайёр туриш зарур.

"Профессионализм" тушунчаси юқори малакадаги меҳнат хусусиятлари билан чекланмайди, бироқ бу инсоннинг ўзига хос дунёқараш шаклларидан биридир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бирор бир шахснинг олий таълим муассасаси дипломини қўлга киритиши - бу унинг профессионализм даражасига эга бўлганлик белгиси эмас. Олий таълим муассасаси битирувчиси ўз фаолиятини "ёш мутахассис" сифатида бошлаши туфайли ва унинг мақоми ҳам шу асосда белгиланади. Унга касбий тажрибага эга бўлиш учун бирмунча вақт ва профессионал сифатида шаклланишига имкон берадиган тегишли касбий муҳит талаб этилади. Шу сабабдан, шахснинг диплому, унинг малака даражасини тасдиқловчи сертификатлар(ва кўпинча - ушбу касб соҳасидаги маълум билимлар тўплами)нинг мавжудлиги профессионализмни кейинги ривожланиши учун зарурий шартдир.

Инсон ушбу хусусиятни махсус тайёргарлик ва кўп йиллик иш тажрибаси натижасида қўлга киритиши, бироқ уни эгалламаслиги, яъни, фақат профессионал сифатида "рўйхатга олиниши" мумкин.

Касбий компетентлик - бу шахс профессионализмининг зарурий қисми ҳисобланади. Касбий компетентлик масалалари маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарларида кўриб чиқилган. Касбий компетентликка оид замонавий ёндашув ва талқинлар жуда фарқ қилади.

Бугунги кунда чет эллик олимлар - Г.К.Брителл, Р.М.Жуегер, W.Э.Бланк ва Ландшеерлар [1988] асарларида "касбий компетентлик" таърифлари "чуқур билим" сингари "топшириқнинг етарли даражада бажарилиш ҳолати" ва "фаолиятни амалга ошириш қобилияти" сифатида ёритилган бўлса-да, бироқ мазкур тушунчанинг мазмуни тўлақонли очиб берилмаган. Шу сабабли мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам касбий компетентлик муаммоси кенг ўрганилмоқда. Кўпгина ҳолларда "касбий компетентлик" тушунчаси ўз-ўзидан юқори малака даражаси ва профессионализмни ифодалаш учун ишлатилади. В.С.Пугачев [2000] ўз тадқиқотларида "касбий компетентлик" тушунчаси мутахассисларни тайёрлаш сифатининг тавсифи ва меҳнат фаолиятининг самарадорлиги салоҳияти сифатида кўриб чиқади. Рус педагог олимлари - Н.Розов ва Е.В.Бондаревскаялар томонидан мазкур тоифа "умуммаданий компетентлик"нинг ҳосиласи сингари ўрганилган бўлса, Б.С.Гершунский ва А.Д.Щекатуновалар томонидан эса "мутахассисларни тайёрлаш даражаси" сифатида кўриб чиқилади.

Агар сиз касбий маҳорат даражалари тизимида компетентлик ўрнини аниқлашга ҳаракат қилсангиз, бунда у ўз касбига нисбатан ижрочилик ва мукаммаллик орасида жойлашган бўлади, - дея таъкидлайди рус педагог олими М.А.Чошанов [1996].

1-чизма

***Касбий маҳорат даражалари***



Шунингдек, А.К.Марков [1996] профессионализмни мутахассис камолотининг турли жиҳатлари билан таққослай туриб, касбий компетентликнинг қуйидаги тўрт турини аниқлайди:

- ✓ махсус;
- ✓ ижтимоий;
- ✓ шахсий;
- ✓ индивидуал.

1. Махсус ёки фаолиятли касбий компетентлик юқори профессионал даражадаги фаолиятга эга бўлишини тавсифлайди ва бунда нафақат махсус билимларнинг мавжудлиги, балки уни амалда қўллаш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.
2. Ижтимоий касбий компетентлик меҳнат жамоасида қабул қилинган касбий мулоқот усуллари ҳамда ҳамкорликдаги касбий фаолият услубларини ўзлаштириш билан тавсифланади.
3. Шахсий касбий компетентлик ўзини ўзи ифода этиш ва ўз-ўзини ривожлантириш услублари ҳамда касбий деформацияга қарши кураш воситаларига эга бўлишни тавсифлайди. Бунга мутахассиснинг ўз касбий фаолиятини режалаштириши, муаммони кўриши ва мустақил равишда қарор қабул қилиш қобилияти киради.
4. Индивидуал касбий компетентлик ўзини ўзи бошқариш услубларига эга бўлиш, касбий ўсишга тайёргарлик, касбий етукликка мос келмаслик ва барқарор меҳнат мотивациясининг мавжудлигини тавсифлайди.

А.К.Маркова касбий компетентликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда эгаллаш, шунингдек, улардан амалий фаолиятда фойдаланиш қобилиятини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, педагог профессионализмини баҳолашда касбий компетентликнинг юқорида келтирилган турларидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Коточитованинг [2001] тадқиқотларига кўра, педагогик компетентликнинг босқичма-босқич модели ҳар бир кейинги блокнинг аввалгисига асосланиши мобайнида қуйидаги таркибий қисмларнинг "ўсиши" учун платформа яратиши билан қизиқиш уйғотади.

Мазкур блок таркибидаги модел педагогик компетентликнинг 6 та турини ўз ичига олади:

- ➢ билимдонлик;
- ➢ фаоллик;
- ➢ коммуникативлик;
- ➢ ҳиссий;
- ➢ шахсий;
- ➢ ижодий.

Таълим жараёнида педагогнинг касбий компетентлигини шакллантириш билан бевосита боғлиқ бўлган изчиллик тамойили алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, контекст ташқарисидан ажратилган блок педагог учун зарур бўлган касбий компетентликни таъминламайди.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, касбий компетентлик тушунчасини педагог мутахассисларга нисбатан аниқлаштиришни лозим топдик.

Юқорида келтирилган фикрларга мувофиқ, педагогнинг касбий компетентлиги мутахассис шахсининг сифат жиҳатидан тавсифи бўлиб, у турли фан соҳалари каби педагогика ва психология фанлари доирасидаги илмий-назарий билимлар тизимини ўз ичига олади.

Педагогнинг касбий компетентлиги - бу ўқитувчининг назарий билимлар тизимини муайян педагогик вазиятларда қўллаш услублари, унинг қадрият йўналишлари ва интегратив маданият кўрсаткичлари(нутқи, мулоқот услуби, ўз-ўзига, фаолиятига ва тегишли билим соҳаларига муносабати)ни ўз ичига олган кенг қиррали ҳодисадир.

Шу ўринда педагог касбий компетентлигининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб чиқамиз: мотивацион-ихтиёрий, функционал, коммуникатив ва акс эттирувчи.

1) Мотивацион-ихтиёрий таркибий қисм қуйидагиларни ўз ичига олади: мотивлар, мақсадлар, эхтиёжлар, қадриятлар, шахснинг касбдаги ижодий намоён бўлишини рағбатлантиради; касбий фаолиятга қизиқишни таклиф қилади.

2) Умумий ҳолатдаги функционал таркибий қисм (communico – лотинча сўздан олинган бўлиб, ижро маъносини англатади)ўқитувчига маълум бир педагогик технологияни лойиҳалаштириш ва жорий этиш учун зарур бўлган педагогик фаолият услублари тўғрисидаги билим шаклида намоён бўлади.

3) Коммуникатив компетентликнинг таркибий қисми (functio – лотинча сўздан олинган бўлиб, ижро маъносини англатади) фикрларни аниқ ва равшан баён этиш, ишонтириш, баҳслашиш, далиллар келтириш, таҳлил қилиш, мулоҳазаларни ифода этиш, рационал ва ҳиссий маълумотларни узатиш, шахслараро муносабатларни ўрнатиш, ўз ҳаракатларини ҳамкасблари хатти-ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш, турли хил тадбиркорлик вазиятларида мақбул алоқа услубини танлаш, мулоқот ўрнатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш қобилиятларини ўз ичига олади.

Рефлектив (refechio – эски лотин тилидан олинган бўлиб, ҳар бир қадамига назар ташлаш маъносини англатади) таркибий қисм, ўз фаолият натижалари ва ютуқларидаги шахсий ривожланиш даражаларини онгли тарзда назорат қилиш; креативлик, ташаббускорлик, ҳамкорликка йўналтирилганлик, биргаликда ижод қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга мойиллик каби фазилат ва хусусиятларни шакллантириш кўникмаларида намоён бўлади.

Рефлектив таркибий қисм - бу шахсий ютуқларни тартибга солувчи восита бўлиб, у одамлар билан мулоқотда ўз мақсад ва ҳаракатлари маъноларини излаш, ўзини ўзи бошқариш, шунингдек, ўзини ўзи англаш, касбий ўсиш, маҳоратларини юзага чиқариш, ижодий мазмун касб этадиган фаолият ва ўзига хос иш услубларини шакллантиришга туртки бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагог касбий компетентлигининг юқорида келтирилган хусусиятларини алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас.

Чунки улар интегратив ва яхлит табиатга эга бўлиб, умумий олганда касбий тайёргарлик маҳсули ҳисобланади.

Касбий компетентлик мутахассисларни касбий тайёрлаш босқичидаёқ шакллана боради. Агар педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёни касбий компетентлик асосларини шакллантириш сифатида кўриб чиқиладиган бўлса, бунда малака ошириш тизимида эса, авваламбор унинг юқори таркибий қисмларидан иборат бўлган касбий компетентликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилади.

Шу ўринда "компетентлик" ва "малака" тушунчаларининг психологик маъноларини ажратиб олиш лозим.

Мутахассис малакасини эгаллашда шахс ўқитиш жараёнида олинган билим ва кўникмаларнинг таълим стандартларига мувофиқ мазкур касб тажрибаларини ўзлаштириши талаб қилади.

Малака - бу маълум бир иш жойида мутахассисга белгиланган ишни бажариш имконини берадиган касбий тайёргарлик даражасидир. Мутахассис тегишли касбий тажриба орттиришидан олдин албатта махсус малакага эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, "профессионализм" тушунчаси "касбий компетентлик" тушунчасидан кенгроқдир.

Хулоса қилиб айтганда, профессионал даражани эгаллаш учун бунда белгиланган касбий топшириқни нафақат қандай бажара олишни билиш, балки унга оид билимларни амалиётга татбиқ эта олиш ва керакли натижага эришиш муҳимдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Дмитриева М.А., Дружилов С.А. Уровни и критерии профессионализма: проблемы формирования современного профессионала // Сибирь. Философия. Образование: Научно-публицистический альманах. Вып.2000(4). – Новокузнецк: Изд-во Института повышения квалификации, 2001.– С.18-30.

2. Дружилов С.А. Становление профессионализма человека как реализация индивидуального ресурса профессионального развития.– Новокузнецк: Изд-во Института повышения квалификации, 2002. – 242 с. – (Гуманитарные исследования в образовании).

3. Климов Е.А. Пути в профессионализм (Психологический анализ): Учебное пособие. – М.: Московский психолого-социальный институт; Флинта, 2003. – 320 с.

4. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996. – 312 с.

## TURIZMDA MARKETING PSIXOLOGIYASI

*Salayeva R.R.*
*Urganch davlat universiteti talabasi*

**Annotatsiya:** Maqolada turizm tushunchasi, uning kelib chiqish tarixi va O'zbekistonda turizmga qaratilgan e'tibor,shuningdek turizm sohasida marketingning ahamiyati to'g'risida yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:**Turizm, ekologik turizm, ichki turizm,sport turizmi,suv turizmi, turizm marketingi.

Turizm hozirgi kunda dunyo bo'yicha eng jadal rivojlanayotgan sohalar reytingida yuqori o'rinlarda turadi. "Turizm" so'zi fransuzcha "tour" so'zidan olingan bo'lib, sayr-sayohat degan ma'noni anglatadi. Turizm bu sayohat qilish demakdir. Sayohat qilish insondagi ruhiy zo'riqishni oldini oladi va insonga ma'naviy ozuqa olishiga, hordiq chiqarishiga yordam beradi. Shu bilan birga dunyoqarashi kengayadi.Ayniqsa, yosh avlod psixologiyasida ijobiy o'zgarishlar kuzatilishi ham turizm sohasi bilan bog'liq. Turizm sohasining rivojlanish tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, turizm qadimdan sayohat shaklida mavjud bo'lgan. O'rta asrlarda diniy-ziyoratchilarning guruh bo'lib uyushtirilgan safarlari ham ko'zga tashlanadi. Buyuk Ipak Yo'li orqali o'tgan savdo karvonlari faoliyati ham turizmning ilk ko'rinishlariga yaqqol misoldir.Zamonaviy harakatlanish texnologiyalari rivojlana borib sayohat qilish ham ommalasha boshladi.Ya'ni 1815-yilda mashhur sayohatchi va yozuvchi D.Galinyani tashabbusi bilan Fransiya-Angliya o'rtasida yo'lga qo'yilgan maxsus turlar sayohat qilish rivojiga hissa qo'shdi.Dunyodagi birinchi temiryo'l 1830-yilda Manchester-Liverpul yo'nalishida ishga tushgach, sayohatga chiqishning vaqt chegaralari o'zgardi. Bu esa bir hafta vaqtni oladigan sayohatlarni endilikda har bir inson haq to'lab amalga oshirishi osonlashdi. Toshkentdagi birinchi temiryo'lning 1899-yilda Krasnovodsk -Toshkent yo'nalishida ishga tushirilishi ham turizm tarixida o'ziga xos o'rin egalladi. Birinchilardan bo'lib ommaviy sayohatning qanchalik foydali ekanligini anglagan, zamonaviy turizm asoschisi deb e'tirof etilgan baptist ruhoniysi Tomas Kuk 1843-yilda o'zining qarindoshlari uchun temiryo'l orqali sayohat uyushtirdi va bu sayohat muvaffaqiyatli kechdi. Tomas Kuk turistik firmasi tashkil etildi va 1870-yilda bu firma mijozlari 500ming kishini tashkil qildi. 1832-yilda Yevropa va AQSh qit'alari o'rtasida ilk kema qatnovi yo'lga qo'yildi, 1866-yilda esa Kuk tomonidan AQSh ga turistlarning dastlabki ikki guruhi yuborildi. Tomas Kukning doimiy mijozlaridan biri bo'lgan amerikalik mashhur yozuvchi Mark Tven 60 kishilik sayohatda ishtirok etdi va sayohat haqidagi taassurotlarini qalamga oldi. Sanoat asosida dunyo bo'ylab sayohatga chiqish ham ilk bora Tomas Kuk turistik firmasi tomonidan taklif qilingan. Bu kompaniya o'z sohasi ko'lamini oshirib, yirik moliyaviy institut darajasiga yetdi.1892-yilda Kukning vafotidan so'ng kompaniya faoliyatini uning farzandlari va sheriklari davom ettirgan. Hozirgi davrda esa "Tomas Kuk" kompaniyasi dunyo bo'yicha 12000dan ortiq agentliklarga ega.

Turizm insonning turizm vaqtida harakatlanish darajasiga ko'ra ikki turga ajratiladi:

•Aktiv(faol)turizm;

•Passiv(nofaol) turizm.

Turizmning aktiv turlariga katta jismoniy kuch talab qilinadigan turlari, masalan, dam olish,sport, vaqtichog'lik va shu kabilar kiradi.Passiv turiga esa turistik sayohatning tinchroq, kam kuch sarf qilinadigan turlari kiradi.Odatda, passiv turdagi sayohatni farzandli oilalar,katta yoshdagilar va pensionerlar xush ko'radi.

Turistik sayohatlar muddati bo'yicha quyidagi kunlarga bo'linadi:

•1 -2 kunlik (dam olish kunlari);

•3 -7 kunlik;

•8 -2 8 kunlik;

•29—91 kunlik;

•92 va undan ortiq kunlik.

Turizmning ichki va xalqaro ko'rinishlari ham mavjud. Ichki turizm – davlat hududidagi mahalliy turistlarga xizmat ko'rsatish faoliyati.Xalqaro turizm- xorijiy turistlarga xizmat ko'rsatish faoliyati.

Bugungi kunda mamlakatning iqtisodiyoti o'sishida turizmning o'rni tobora ortib bormoqda. Davlatimizda ham mustaqillikning ilk kunlaridayoq turizm sohasiga ham katta e'tibor qaratila boshlandi.Soha rivoji uchun huquqiy mexanizmlar ishlab chiqildi.1997-yil O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarori bilan "O'zbekiston Respublikasi soliq kodeksi" qabul qilindi. Kodeksda turizm faoliyatiga soliq to'lashda ayrim imtiyozlar qayd etilgan.Misol tariqasida 71-modda 21-qismda turistik-ekskursiya xizmatlari qo'shimcha qiymat solig'idan ozod qilinganligini keltirish mumkin. Shu qatorda Oliy Majlis tomonidan turizm sohasidagi munosabatlarni huquqiy jihatdan himoya qilish maqsadida 1999-yil 20-avgustda qabul qilingan "Turizm to'g'risida"gi Qonunda turizm tushunchasiga quyidagicha ta'rif berilgan: " turizm — jismoniy shaxsning doimiy istiqomat joyidan sog'lomlashtirish, ma'rifiy, kasbiy-amaliy yoki boshqa maqsadlarda borilgan joyda (mamlakatda) haq to'lanadigan faoliyat bilan shug'ullanmagan holda uzog'i bilan bir yil muddatga jo'nab ketishi(sayohat qilishi)". "O'zbekturizm" kompaniyasi tomonidan quyidagi turistik yo'nalishlarning faoliyati yo'lga qo'yilgan:

•klassik turizm yo'nalishi– bu yo'nalish qadimgi yodgorliklar va tarixiy madaniy obidalarga sayohat;

•ekologik turizm yo'nalishi-alohida muhofaza qilinadigan tabiiy hududlar va sayyohlar uchun ekologik jihatdan qulay hamda foydali hisoblanadigan joylarga tashrif ;

•arxeologik turizm yo'nalishi – arxeologik qazishmalar olib boriladigan hududlar bilan tanishtirish sayohatlari;

•ekstremal turizm yo'nalishi;

•diniy turizm yo'nalishi – diniy obidalarni ziyorat qilish.

Turizmni rivojlantirishda turistik zonalarga turistlarni jalb qilish mahoratini o'stirish,turistlarga yuqori sifatli xizmat ko'rsatish, turistik tovarlarga bo'lgan talabni o'rganish va shu talab asosida yangi tovarlar ishlab chiqarish, xalqaro

bozorda turistik kompaniya o'z o'rnini egallashi kabi bir qator harakatlar muhim ahamiyat kasb etadi.Albatta bular turizm marketingi asosida amalga oshiriladi.

Turizm marketingi - bu psixologik, iqtisodiy va ijtimoiy omillar nuqtai nazaridan odamlarning ehtiyojlarini qondirish imkoniyatlarini aniqlashga, shuningdek sayyohlik tashkilotini oqilona boshqarish muammolarini hal qilishga qaratilgan ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish usullari to'plami.

Turizm marketingi tizimining modeli




Turizm marketingining asosiy maqsadlari quyidagilardir:

•Talab harakatiga egiluvchan tarzda javob beri shva mavjud resurslarni oqilona ishlatishga binoan aniq turistik mahsulotlarga bo'lgan talab va taklif o'rtasidagi ma'qul nisbatni ta'minlash orqali iste'molchilar ehtiyojlarini qondirish.

•Mahsulot turlanishini rag'batlantirish, anglash va takomillashtirish hamda yaratiladigan mahsulot sifatini yaxshilash ishlab chiqarish jarayoniga ta'sir etish orqali bozor ulushini (qismini) egallab olish.

•Turistik xizmatlarni ishlab chiqarishda rentabellikning barqaror osishini ta'minlash.

O'zbekistonda turizm marktetingidan foydalanish va uning samarali rivojlanishni ta'minlash uchun bir qator shart-sharoitlar talab qilinadi:

•bozorni xizmatlar bilan imkon boricha ta'minlash (haridor bozorning mavjud bo'lishi;

•haridorlar afzalliklari uchun turistik firmalar o'rtasidagi chuqur raqobat;

•iste'molchilarning boshqa mavjud tovarlar va xizmtalar to'g'risida yaxshi axborotga ega bo'lishi;

•erkin bozor munosabatlari, ya'ni ma'muriy cheklashlarsiz savdo bozorlarni, sheriklarni tanlash, narx-navoni o'rnatish, tijorat ishini va h.k larni olib borish;

•korxona ichida ma‘muriyatning firma maqsadlarini, strategiyalarni, boshqarish tuzilishni aniqlash, byudjet moddalariga binoan mablag’larni taqsimlash bo’yicha erkin faoliyati.

Birinchi uchta shart-sharoit marketing konsepsiyasining imkoniyatini va undan foydalanishni belgilab beradi. Qolgan ikkitasi esa turizm sohasidagi marketing konsepsiyasini amalga oshirishning samarasini ko’zlaydi.

Turistik korxonada marketing konsepsiyasini amalga oshirish texnologiyasi:




Turistik marketing faoliyati turistik bozorning o'ziga xos xususiyatlari bilan belgilanadi. Turizm bozorining asosiy xususiyati shundaki, etakchi - bu taklif emas, balki taklifni belgilovchi talab. Umuman olganda, turizm bozori dastlab xaridor bozori hisoblanadi: turist o'z maqsadi va u yoki bu hududiy ob'ektga bo'lgan qiziqishini hisobga olgan holda turistik sayohat yo'nalishini tanlash uchun keng imkoniyatlarga ega. Sayohat xizmatlarini sotuvchi xaridorning tanloviga rozi bo'lishga majbur. Shu munosabat bilan marketingning boshlang'ich vazifasi soddalashtirilgan: bozor turini o'zgartirishning hojati yo'q, u allaqachon xaridorga bo'ysunadi. Biroq, sayohat qilish maqsadini aniqlagan holda, turist har doim ham infratuzilma tomonidan taqdim etiladigan turar joy va xizmatlarni bir xil erkin tanlash imkoniyatiga ega bo'lmaydi va turistni ushbu hududiy ob'ektda etkazib berilishi va qolishini ta'minlaydi. Xizmatlar mijozning talablariga javob bermasligi mumkin. Ko'pincha sayyohlar tanlovga duch kelishadi: infratuzilma korxonalari tomonidan taqdim etiladigan yashash sharoitlarini qabul qilish yoki tanlangan sayohat yo'nalishini rad etish. Xizmatlarning sifati pastligi sababli ushbu hududning turistik salohiyati to'liq amalga oshirilmayapti. Demak, turizm sohasidagi marketingning asosiy vazifasi, biz turizm infratuzilmasi tomonidan taqdim etilayotgan turistik xizmatlar bozorini xaridor bozoriga aylantirishda ko'rmoqdamiz. Buning uchun qabul qiluvchi mamlakatning turizm infratuzilmasi tomonidan taklif etiladigan sayyohlik xizmatlarining har xil turlariga iste'molchilarning talablarini marketing o'rganish, uning kamchiliklarini aniqlash va ularni rivojlantirish bo'yicha takliflar ishlab chiqish va moliyalashtirish manbalarini topish talab etiladi. Turizm sohasida marketingning muhim vazifalari, uning maqsadlaridan kelib chiqqan holda yangi biznes g'oyalarni, shu jumladan turizm mahsulotlaridagi mavsumiy tebranishlarni kamaytirish bilan bog'liq g'oyalarni yaratish; marketing ma'lumotlarini sintez qilish va ulardan foydalanish asosida innovatsion biznes loyihalarni ishlab chiqish; o'zgaruvchan atrof-muhit

sharoitlari va korxona imkoniyatlarini hisobga olgan holda mijozlar, sheriklar bilan ishlash.

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlash lozimki, davlatda turizm rivojlanishi uchun,avvalo, turizm marketingini mukammallashtirish, bu borada malakali kadrlarni tayyorlash, turistik kompaniya marketingi bilan shug’ullanuvchilar vazifasiga malakali, psixologik, jismonan jihatdan tayyor kadrlarni tayinlash lozim.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. O’zbekiston Respublikasining «Turizm to ‘g‘risidagi» qonuni. //O’zbekistonning yangi qonunlari. -T.: Adolat, 2000. 131—140-b.

2. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. — М.: Финансы и статистика, 2008. 107 с

3. Mirzayev.M.A, Aliyeva.M.T. Turizm asoslari:bakalavriat talabalari uchun o’quv qo’llanma.—T.: O ‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2 0 1 1. - 2 8 8 b.

4. Tuxliyev I.S., Bektemirov.A.B, Usmanova.Z.I. Turizmda strategik marketing Samarqand 2010 y.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

*Salayeva N.*
*Хоразм вилоят ХТХҚТМОҲ маркази кафедраси мудири*
*Xudayberganova Sh.*
*Хоразм вилоят ХТХҚТМОҲ маркази ўқитувчиси*

Бугунги кунда ахборот оқими жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳар тарафлама ранг-баранг маъноларда тушунилади. У иштирок этмаган билим соҳасини топиш қийин. XXI аср ахборотнинг назарий ва амалий ижоди энг чўккига етган аср ҳисобланади. Шунинг учун хам XXI асрни ахборот асри деб таъкидлашмокда.

Ахборотга қуйидагича таъриф бериш мумкин - ахборот манбалари ва такдим этилиш шаклидан қатъий назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғписидаги маълумотлар мажмуидир.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс-жамият-давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашган ва ахборотлар гирдобида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда, ривожланган техника даврида турли хил маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали тез ва осон топиш мумкин. Жумладан, бузғунчилик, тажовузкорлик, ноахлокий хулқни шакллантирувчи маълумотлар ҳам анчагина. Айниқса, бундай манбалар ўсиб келаётган ёш

авлодлар онгига таъсир кўрсатаётганлиги жуда ачинарли ҳолдир.Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот, психологик хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя килинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши хам мумкин. Демак, таҳдид қанча кўп бўлса, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриши муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот-психологик хавфсизлик бу- бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини- ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо қилади.

Оммавий ахборот тизими айни пайтда очиқ ахборот тизими ҳисобланади. Чунки дунё миқёсида ахборот тарқатишни маълум давлатдан ёки бир жойдан туриб, назорат қилиб, тартибга солиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу тизим очиқ оммавий ахборот тизими деб номланади.Очиқ ахборот тизими деганда ахборот воситалари ва унда берилаётган ахборотларнинг ошкоралиги, дунё ахборот майдонида ахборот алмашинув жараёнининг жамият эхтиёжи сифатида намоён бўлиши ва ахборотларнинг шахс ҳаёти-фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бориши жараёни тушунилади.

Ахборот олиш кафолати бу, бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга даҳлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи порнография, маиший бузғунлик, шахслар мавқеи, обруси ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-рухий меъёрларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади.

“....глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно – мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий - биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Шу маънода, глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”.[1]

Миллий хусусиятларимиз, анъана, қадриятларимизни менсимайдиган ахборотлар шиддат билан ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот соҳасидаги хуружлардан ҳимояланиш, бинобарин, миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кун тартибига қўймоқда.

Ахборот хуружларининг қуйидаги турлари мавжуд:
- ёлғон ахборот тарқатиш;
- ижтимоий онгни манипуляция қилиш;
- миллий-маънавий қадриятларни емириб ташлаш;
- етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш;
- халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш;

Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари асрида, “... ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганида ”[2]... уларни турли таҳдидлар, айниқса, информацион таҳдидлар исканжасига тушиб қолишларига йўл қўймаслигимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборотлаштириш жараёнларида босқичма- босқич, кенг кўламдаги катта ишлар амалга оширилмоқда.

Инсоният жамиятининг ҳар бир янги босқичи тарихга муносабатни янгидан кўриб чиқишни талаб этади. Маънавий ҳаётдаги янги ҳодисалар умумий бўлиб келган тушунча ва ўлчамларни гуёки инкор этгандек бўлади. Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, тарих "чиғириғи"да ўз синовидан ўтган, барча даврлар ва халқларга хос бўлган умуминсоний қадрият ва мезонлар тизими мавжуд бўлиб, улар орқали ҳар қандай янги даврда аввал кузатилмаган ҳодисаларнинг ўлчами ва андозаси чиқарилади. Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ёшлар тарбияси энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ижтимоий тармоқлар ўз ғаразли ниятларини амалга оширишни кўзлаган шахсларнинг асосий маълумот олиш қуроли ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ахборот хуружлари қўйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда тажовуз ва уринишга айланиб бўлган.

* Ўз ахборот функциялари ва ресурсларини ҳимоялаган ҳолда ахборот муҳитини назоратга олиш;

* Ахборот ҳужумларини олиб бориш учун назорат қилинаётган ахборотлардан фойдаланиш.

Қуйидаги воситалар эса, одатда жаҳон миқёсида ахборот қуроли сифатида қаралади:
- ахборот манбаларини йўқ қилиш, бузиш ва ўғирлаш;
- ҳимояланиш тизимини айланиб ўтиш;

---
[1] Ислом Каримов .Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 111бет

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш ММирзиёевнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги.

Халқ овози. №1. 2018 йил.

- компьютер тизими техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш;
- компьютер вируслари;
- Ахборот хуружи қуйидаги асосий қисмларга асосланади.

1. Психологик операциялар - ахборотдан фуқароларга таъсир этишда фойдаланиш.
2. Электрон хуруж - аниқ маълумотларни олиш имконини бермайдиган восита.
3. Рақибга, душманга сохта ахборот бериш.
4. Очиқ ахборот хуружлари - ахборотни кўзга кўринмайдиган ўзгартиришларсиз бузиш ва ҳоказо.

Шундай ахборот хуружлари таъсирида, “... айрим ёшлар ички дунёсида вужудга келадиган руҳий инқироз ва танглик, уларни ҳаётда учрайдиган муаммоларга, воқеа ва ҳодисаларга жиддий, объектив муносабатда бўлишларини тақозо этади ”[1]. Шундай бўлсада бу даврда ёшларда узоқни кўра олмаслик, эҳтиётсиз хатти - ҳаракатларга мойиллик, далилларга таяниб эмас балки эмоционал ҳиссиётларга берилиб иш кўриш каби ҳолатларнинг келиб чиқиши кузатилади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, дилга яқин сўзлар орқали ёшларнинг ички дунёсига таъсир этиш мумкинлиги ҳамда уларнинг негатив ҳис – туйғуларга нисбатан иммунитети бирмунча беқарорлигини доимо назарда тутиш керак.

Ёшлар онгида медиа маданиятни шакллантиришда оммовий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш лозим деб ўйлаймиз.

1. Оммовий ахборот воситалари орқали ёшларининг диққат ва хотирасида чуқур из қолдира оладиган тарбиявий кўрсатувларни тайёрлаш;
2. Шундай кўрсатувлар орқали ёшларда ўз -ўзини таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириш;
3. Ўзларидаги мустақил фикрларида собитқадамлик қила олишга ўргатиш;

Бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда "ахборот уруши", "ахборот қарама-қаршилиги", "ахборот босими" каби тушунчалар кўп ишлатилаётганлиги аҳолини ахборот хуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўриш муҳимлигини янада оширади. Ушбу муаммонингдолзарблиги яна шундаки, ҳозирда одамлар онги шаклланишида маълум даражада оммавий ахборот воқеаларининг фаолияти ва ахборот ресурсларининг таъсиридадир.

Шунинг учун, айниқса очиқ ахборот тизими шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот, ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни хал қилишнинг аҳамияти янада ошади. Айни вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йулида фойдаланиш жуда муҳим.

---

**[1] Куронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. Воизга ёрдам: маъруза матни. -Т.: Маънавият, 2000. —12 б.**

Информацион хуружларга қарши курашишда вояга етмаганларга бериладиган психологик ёрдам ва кўмак турлари:

-Информацион хуружларига тушиб қолган шахсни эшитишга ҳаракат қилинг;

- Унинг муаммосини ечишга бевосита ёрдам бериш жуда муҳим;

- Информацион хуруж орқали психик таъсирланишларга тушиб қолган шахсни чалғитиш ёки психологик ҳимоя механизмини яратишга ҳамда шахснинг енгил тортиши учун имконият яратинг;

-Информацион хуружларга берилувчи шахсга психологик маслаҳат ва установкалар беринг;

- Ахборот хуружларидан ўз-ўзини ҳимоялашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида маълумотлар бериб боринг.

Вояга етмаганларда информацион хуружлар сабабли билиш жараёнларида қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

-диққат хажмининг торайиши;

-ахборотлар қабул қилинишининг издан чиқиши;

-фикрларни баён этишдаги ноаниқлик;

-тафаккур фаолиятининг сусайиши;

-ўз ҳиссиётини ақл,онг бошқарувида ушлай билмаслик;

-хотира билан боғлиқ функцияларнинг қийинлашуви кабилар..

Қуйида вояга етмаганлар орасида информацион хуружларга берилувчи шахсларга таъсир этувчи ижтимоий - психологик омилларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

- ҳиссий-эмоционал яқинликка интилиш эҳтиёжининг ошиши;

- ички психологик ҳимоя механизмининг сустлашуви;

- фрустрация яъни олган информацияси орқали қўрқув ҳолатига тушиш;

- импульсивлилик;

- ахборотларни қабул қилишидаги эмоционал қатъиятсизлик;

- ахборотларни идрок қилишдаги ҳаётий тажрибанинг йўқлиги;

- информациялар таъсирида ҳиссиётларга берилиш;

-информацияларни саралашдаги ва қайта тиклашдаги қийинчилик;

- ахборот таъсирида ўзига ишончнинг сустлашуви баъзи ҳолатларда эса ўзига ишончнинг йўқолиши;

- ахборотлар хуружи таъсирида ёлғизланиб қолиш,иложсизлик ва ночорлик ҳиссининг пайдо бўлиши;

- информацион хуруж натижасида умидсизликнинг пайдо бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Оиладаги носоғлом микроижтимоий мухит натижасида вояга етмаганлар ахборотлар хуружи остида қолиб кетиши эҳтимоли юқоридир.

Вояга етмаганлар орасида информацион хуружларига қарши курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар

- Оилада вояга етмаган болаларнинг информацион хуружларга қарши курашиш малака ва кўникмаларини шакллантиришга эришиш;

- Оилада болаларга хавф келтирувчи ахборот оқимлари тўғрисида маълумотлар бериб боришни тизимли амалга ошириш;

- Оилада вояга етмаганлар билан ахборот алмашишда ижобий ва салбий, яхши ва ёмон, тўғри ва нотўғри каби тушунчаларни ўз вақтида ёшига мос ва хос тарзда шакллантиришга эришиш;

- Вояга етмаганлар орасида информацион хуружлар сабабли асоциаллик,руҳий беқарорлик,ўзгарувчанлик,аффектга мойиллик хусусиятларининг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб, информацион хуружлардан ўзини ҳимоя қилиш ва олдини олиш бўйича ота- оналар ва мактаб ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш.

- Фанатларча бирор ахборотга ёки нарсага ружу қўйган фарзандни беэътибор қолдирмаслик;

- Оила даврасида катталар вояга етмаганларнинг ахборотлардан қандай фойдаланиши,информацияларни қабул қилишдаги ўзига хосликлари,олган информацияларга муносабати, ахборотларга бўлган эхтиёжи ва қизиқишлари ҳамда яқин дўстлари билан бўлган алоқалари билан мунтазам танишиб бориши лозим.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Умаров Б., Ахмедова М. Ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Ижтимоий-гуманитар олий таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2013 й.

2. Юлдашева М. Жамият ахборий жараёнларининг баркамол авлод шаклланишига таъсири // Ж. Замонавий таълим. 2018 й.10 сон.

3. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.-Т.; 2000. – 218б.

4. Марахимов А.Р., Рахманқулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш - Тошкент, 2001 й.

5. Абдуқодиров А., Хаитов А., Рашидов Р. Ахборот технологиялари.-Т.: “Ўқитувчи», 2002 й.

## SHAXSNING RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATISHNING PSIXOLOGIK OMILLARI.

*Salaydinova G.I.*
*Namangan viloyati Chust tumani 70-DIUM amaliyotchi psixologi*

Annotatsiya: Ushbu maqola orqali shaxshning muhim xususiyatlari va inson rivojlanishiga ta'sir ko'rsatuvchi eng asosiy omillar irsiyat, ijtimoiy muhit va ta'lim-tarbiyaning naqadar muhimligi mukammal va ravshan yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: shaxs, individ, individuallik, intellektual, endopsixika, ekzopsixika.

Psixologiya fanida inson zotiga xoslik masalasi individ (lotincha individ ajralmas, alohida zot degan ma'noni anglatadi), shaxs individuallik (yakkaxohimlik) tushunchalari orqali aks ettiriladi. Katta yoshdagi ruhiy sog'lom ( esi-xushi joyida) odamlar ham, chaqaloq ham, nutqi yo'q, oddiy malakalrni o'zlashtira olmaydigan aqli zaif ham individlar deb ataladi. Biroq bulardan

birinchisinigina shaxs deb atash an'ana tusiga kirib qolgan, chunki o'sha zotgina ijtimoiy mavjudod, ijtimoiy munosabatlar mahsuli, ijtimoiy tarqqiyotning faol qatnashchisi bo'la oladi. Individ sifatida yorug' dunyoga kelgan odam ijtimoiy muhit ta'sirida keyinchalik shaxsga aylanadi., shuning uchun ham bu jarayon ijtimoiy-tarixiy xususiyatga egadir. Ilk bolalik chog'idanoq individ muayyan ijtimoiy munosabatlar tizimi doirasida tortiladi, bunday shaxslararo munosabatlar tarzi tarixiy shakllangan bo'lib, u yoshligidanoq shu tayyor ( ajdodlar yaratgan) ijtimoiy munosabat, muomala, muloqot tizimi bilan tanisha boradi. Ijtimoiy qurshov ( oila-a'zolari, mahalla ahli, jamoatchilik, ishlab-chiqarish jamoasi), ijtimoiy guruh ichida (kishilarning og'ushida ularning qalb to'rida) odamning bundan keyingi rivojlanishi uni shaxs sifatida shakllantiruvchi, uning ongi va irodasining xususiyatlariga mutlaqo bog'liq bo'lmagan har xil xususiyatli munosabatlar majmuasini vujudga keltiradi.

Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, shaxsning ijtimoiy tajribani o'zlashtirish jarayoni odamning o'ziga amalga oshirayotgan faoliyatiga va uning bilan qanday maqsad ko'zlanayotganiga nisbatan munosabatini aks ettiruvchi ruhiyat dunyosi orqali namoyon bo'ladi. Odatda faollik shaxsga xos xulq-atvor, faoliyat, muomala motivlarida, ustanovkalarida, amaliy ko'nikmalarida ko'zga tashlanadi. Boshqacha so'z bilan aytganda, shaxsning atrof-muhitdagi voqelikni egallashga intilgan sa'i-xarakatlarida vujudga keladi. Shaxsning faolligi uning o'z istiqboli uchun yo'l-yo'riq tanlashda, uni o'zlashtirishda, xayotda o'z mavqei va o'rnini tanlashda gavdalanadi.

Shaxsning eng muhim xususiyatlaridan biri -uning individualligidir, ya'ni yakka hokimligidur. Individuallik-bu insonnig shaxsiy psixologik xususiyatlarining betarkor birikmasi tushuniladi. Individuallik tarkibiga xarakter, temperament, psixik jarayonlar xolatlar, hodisalar, xukmron xususiyatlar yig'indisi iroda, faoliyat motivlari, inson maslagi, dunyoqarashi, iqtidori, har xil shakldagi reaksiyalar, qobiliyatlari va shu kabilar kiradi. Odam turli guruhlarga kirar ekan xar bir vazifalarni bir-biriga o'xshamagan rollarni bajaradi. Shaxs o'zining qadr-qimmati va nuqsonlari bilan ijtimoiy turmushda faol ishtirok qilishi ta'lim va tarbiya yordamida yuzaga kelgan o'zining kuchli va kuchsiz jihatlari bilan yaqqol, betakror oliy zotdir.

Insonning shaxs sifatida tavsiflanishining muhim psixologik lahzasi, uning dinamik xususiyatlari hisoblanib, jamiyatdagi statusi ( iqtisodiy, siyosiy, xuquqiy, mafkuraviy negiziga bog'liq, ya'ni uning jamiyatda egallagan o'rni, nufuzi, mavqei bilan belgilanadi) orqali ifodalanadi. Statusning negizida esa, hamisha uzluksiz ravishda o'zaro aloqalar tizimi yotadi. Inson bajarishi lozim bo'lgan guruhiy faoliyat va yakkahol turmushga, kasb-hunarga aloqador, ya'ni kasabaviy, oiladagi hamda jamoadagi rolning ijtimoiy funksiyasi, uning muayyan maqsadga, qadriyatga, ma'naviyatga yo'nalganligi shaxsni faollashtiradi, natijada u barcha jabxalarda ishtirok etish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Odamning psixik xolatlarining o'zgarishi tashqi muhitga va ijtimoiy tarbiyaga bog'liqdir.

Shaxsning tarkib topishi bir qator omillarga bog'liq degan nazariyaning namoyondalari bo'lmish hozirgi zamon uzoq chet el (AQSH, Angliya, Fransiya,

Germaniya, Shvetsariya va boshqalar) psixologlari oqibat natijasida shaxsning tuzilishini ikkita asosiy omillarga, ya'ni biologik va ijtimoiy (sotsiol) voqeliklarning ta'siriga bog'liq bo'lgan tuzilishning mavjudligidan manfaatdordirlar. Ob'yekt-sub'yekt munosabatini belgilaydi. "Endopsixika" o'z navbatida shaxsning ta'sirlanishi, idrok, tasavvur, xotira, tafakkur, xayol jarayonlarining xususiyatlarini, irodaviy zo'r berish xislatlarini ixtiyorsiz( ideomotor) xarakatlarini va shu kabi fazilatlarini aks ettiradi. "Ekzopsixika" esa o'z tarkibiga xos munosabatlarning tizimini va uning qiziqishlari, mayllari, ideallari, ustanovkalari, maslagi, ustunlik qiluvchi, xumkron xissiyotlarini, egallagan bilimlarini qamraydi.

Bola tug'ilganidan boshlab uni rivojlanishida albatta ijtimoiy muhit o'z ta'sirini ko'rsatadi. Shuning uchun biz avvalo, farzanlarimiz kelajagi uchun ijtimoiy muhitni na'munali darajada shakllantirishimiz lozim.

Inson rivojlanishida quyidagi omillar asosiy rol o'ynaydi.

1) Irsiyat
2) Ijtimoiy muhit
3) Ta'lim- tarbiya

Irsiyat-nasldan naslga beriluvchi belgi, xususiyatlarni kelgusi avlodlarga o'tkazish, ya'ni organizmlarning o'ziga xos nasllarini bunyod etish xossasi. Irsiyat tufayli avlodlararo moddiy va funksional izchillik ta'min etiladi. Irsiyat har xil turlarga mansub organizmlar belgi va xususiyatlaridagi tafovutlarning avlodlar osha saqlanib qolishini ham ta'minlaydi.

Irsiyat- orqali bolaga nerv tizimi, shartsiz reflekslar, tashqi ko'rinish, irsiy kasalliklar va layoqatlar o'tadi.

Ijtimoiy muhit insonning yashashi va ishlashi uchun uni o'rab turgan ijtimoiy, moddiy va ma'naviy shart- sharoitlardir.

Ijtimoiy muhit- avvalo oila muhiti bo'lib, bola tug'ilgan kunidan boshlab odamlar qurshovda ijtimoiy munosabatda bo'lib yashaydi. Shaxs tashqi muhitdan turli ijtimoiy munosabatlarni o'zining faoliyati orqali singdirib, o'z fe'l-atvoriga aylantirib boradi. Bolalarning hammasi o'yin faoliyati bilan shug'ullanadi. U kattalarning xatti- xarakatlariga taqlid qilish orqali o'ynaydi.

Ijtimoiy muhitning shaxs shakllanishiga ta'siri kuchli.

Ta'lim- bilim berish, malaka va ko'nikmalar xosil qilish jarayoni kishini xayotga va mehnatga tayyorlashning asosiy vositasi. Ta'lim jarayonida ma'lumot olinadi va tarbiya amalga oshiriladi.

Ta' limning mazmuni va mohiyati jamiyatning moddiy va madaniy taraqqiyoti darajasi bilan belgilanadi.

Ta'lim-o'quvchining bilish qobiliyatini o'stiruvchi asosiy omildir.

O'zbekiston Respublikasining 1997-yil 29-avgustda qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi ta'lim tizimining barcha yo'nalishlarini takomillashtirish va rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar ochib berdi.

Tarbiya- shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma'naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik jarayon: insonning jamiyatda

yashashi uchun zarur bo'lgan xususiyatlarga ega bo'lishini ta'minlash yo'lida ko'riladigan chora-tadbirlar yig'indisi.

Shunday ekan, yuqorida aytilgan omillarni xisobga olib, maktab amaliyotchi psixologi ta'lim-tarbiya ishlarini maqsadli olib borishi zarur.

Amaliyotchi psixologlar o'quvchilar bilan ishlash jarayonida ularni intellektual jihatlarini ham takomillashtirishga yordam berishlari lozim.

Psixologning maqsadi- pedagog va o'quvchi jamolarida sog'lom psixologik muhitni yaratish va ruhiy qo'llab-quvvatlash, o'quvchilarning ma'naviy va axloqiy rivojlanishini, barkamol shaxs sifatida shakllanishini o'z ichiga oladi. Uzluksiz ta'lim jarayonida o'quvchilar o'zligini anglashi, iste'dodi, iqtidorlarini ro'yobga chiqarishi lozim.

Shuningdek, kasb-tanlashda o'z oldilariga qo'ygan maqsadlarini namoyon etishlari uchun psixologik-pedagogik shart-sharoit yaratishdan iborat.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 12.07. 2019-yildagi 577-sonli qarori.

2. Umumiy psixologiya. E. G'oziyev. Toshkent-2003

3. Internet ma'lumotlari.

## ISTE'MOLCHI PSIXOLOGIYASI FAN VA AMALIYOT SIFATIDA

*Salaxutdinova M.I.*
*Samarqand davlat universiteti dotsenti*

Hozirgi vaqtda sotsial psixologiyaning ko'plab amaliy yo'nalishlari, jumladan, iqtisodiy psixologiya (A.L. Juravlev, A.B. Kupreychenko, O.S. Deineka, A.N. Dyomin, I.E. Zadorojnuk, A.N. Lebedev, V.V. Novikov, V.P. Poznyakov, A. L. Svensitskiy, V.V. Spasennikov, T.V. Folomeeva, V.A. Xashchenko, E.V. Shoroxov va boshqalar) mavjud. Iqtisodiy psixologiyani rivojlantirish yo’nalishlaridan biri iste'molchilarning psixologiyasi yoki iste'mol psixologiyasidir. Unga yondosh psixologiya savdo-sotiq yo'lidan borib, tovarga talabni oshirish muammolarini o’rgansa, iste'molchi psixologiyasi ushbu muammoning psixologik mexanizmlarini tahlil qilib, tovar sotib olish va ulardan foydalanishning metapozitsiyasini o’rganadi.

XX asrning 90-yillaridan boshlab Amerika iste'mol psixologiyasi psixologiyaning alohida bo'limi sifatida rivojlandi. Yevropada iqtisodiy psixologiya sohasi paydo bo’ldi. Mamlakatimizda bu sotsial psixologiyaning tarmoqlaridan biri – iste'molchilar xulq-atvorining ijtimoiy psixologiyasi (O. T. Melnikova, T. V. Folomeeva, O. A. Gromova, OS Tsexonya) va iqtisodiy psixologiya yo'nalishi sifatida (O. S. Deynek, V. V. Spasennikov, IV Troitskaya, E. X. Lokshina) o’rganildi.

Faqat XX asrning oxirida iste'mol nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy jarayon sifatida ham o’rganila boshladi. Iste'molchi psixologiyasi – milliy psixologiyaning

endi rivojlanayotgan yo'nalishi bo’lib, 2000 yillardan boshlab unga ilmiy qiziqish paydo bo'ldi. Buning asosiy sababi ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar, bozor infrastrukturasining kengayishi edi.

Ushbu monografiyada iste'molchi psixologiyasi bozor almashinuvi doirasida ishlab chiqaruvchi va iste'molchining psixologik birligi sifatida, iste'molchi ijtimoiy xulq-atvorini tanlash, sotib olish va undan foydalanish jihatidan o'rganamiz. Bundan tashqari, iste'molchi xulq-atvorining iqtisodiy jihati sotib olish akti bilan tugaydi. Tovar iste’moli va undan foydalanish esa aniq namoyon bo’luvchi psixologik determinantlarga egadir. Shuning uchun, iste'molchi psixologiyasi – iqtisodiy xulq-atvorning bir zanjiri sifatidagi umumqabul qilingan xaridor xulq-atvori tushunchadan chiqib, o'z navbatida, bu muammoni sotsial-psixologik jarayon sifatida o’rganadi. Shuning uchun ushbu tadqiqot ijtimoiy-psixologik, iqtisodiy va psixologik emas, "iste'molchining ijtimoiy psixologiyasi" yo’nalishida olib boriladi.

Hozircha mamlakatimizda iste'mol va iste’molchi psixologiyasi mavzusi va ob'ekti noaniqligicha qolmoqda. Bu murakkablik rivojlangan davlatlar iste'mol psixologiyasi ma'lumotlarini mahalliy psixologiya tushunchalariga moslashtirishda ham yuzaga keladi.

Mavjud ilmiy tushunchalarni o’z amaliyotimizga tatbiq etish mamlakatlarning turli ilmiy-madaniy an'analari va turli ijtimoiy-iqtisodiy tuzilmalar tufayli mumkin emas. Masalan, AQShda iste'molchi psixologiyasi bixeviorizm nuqtai nazaridan yorotiladi.

Bu yo’nalishdagi tatdqiqotlardan maqsad – iste'molning psixologik qonun-qoidalarini ijtimoiy jarayon sifatida bilish, tovarlar va xizmatlarni sotib olish va undan foydalanishda inson xatti-harakatlarini bashorat qilish, psixologik usullar bilan iste'molchilarning xulq-atvorini boshqarish ko'nikmalarini hosil qilishdir.

Avvalambor, iste’molchi – bozorda faol tovar talabgori, degan pozitsiyani tark etamiz. Iste'molchi "iqtisodiy tizim qurboni" bo'lgan pozitsiya va iste'mol psixologiyasi iste'molchiga manipulyativ ta'sir qilishi kerak, degan tushuncha ham qabul qilinishi mumkin emas. “Xaridorni tovarga jalb qilishning psixologik usullari” kabi qo’llanmalar yaratish ham psixologiya fanining axloqiy tamoyillariga ziddir.

Ushbu tadqiqot ijtimoiy va iqtisodiy psixologiyaning ilmiy kontseptual apparatini kengaytiradi, xususan, psixologiya nuqtai nazaridan "iste'mol", "iste'molchilarning xulq-atvori", "mahsulotga bo'lgan munosabat", "iste'mol imtiyozlari", "tovar belgilari", "fetishizm", "namoyish etuvchi iste'mol" tushunchalariga aniqlik kiritiladi. "Iste'molchilik" – insonning ijtimoiy rolidir. Iste'mol – iqtisodiy emas, balki ijtimoiy jarayon. Iste'molchi xulq-atvori – ijtimoiy faollikning bir turi, ammo u ijtimoiy faoliyat emasdir.

Tahlil va tadqiqotlar uchun nazariy asos sotsial psixologiyada (G.M. Andreeva, A.I. Donsov, T.Yu. Bazarov, G.V. Akopov va boshqalar); psixologiyada integral yondashuv (V.V. Novikov, V.V. Kozlov, A.V. Mazilov); "inson va dunyo" muammosiga sub'ektiv-faol yondashuv (S.L. Rubinshteyn, B.F. Lomov A.V. Brushlinskiy, K.A. Abulxanova-Slavskaya, A.A. Leontiev, A. D. Leontyev) lardan kelib chiqadi.

Ishlab chiqaruvchi va savdogar oziq-ovqat va tovar turlarini hisoblash uchun tovarlarga bo'lgan talabning ob'ektiv tomonlarini va iste'molchilarning baholash tizimini – iste'molchi psixologiyasini aniqlaydigan sub'ektiv omillarni o'rganish kerak.

Iste'molchi psixologiyasi – boshqa versiyalarda: iste'mol psixologiyasi, iste'molchilar psixologiyasi bo’lsada, uning mohiyati o'zgarmaydi. Iste'molchi xulq-atvorining psixologik xususiyatlarini va tovarlarga bo'lgan munosabatni o'rganadigan iqtisodiy psixologiya sohasidir. Ba'zi olimlar ushbu yo'nalishni ijtimoiy psixologiya yo'nalishida, boshqalar – iqtisodiy yo’nalishda o’rganish kerak, deb hisoblashadi. Iste'molchi psixologiyasi iste'molchi tanlovining asosiy elementi hisoblanuvchi iste'mol siklini o'rganadi, bu – tovar yoki uning atributlariga bo'lgan munosabat, iste'mol imtiyozlari, iste'molchilar xulq-atvorining psixologik omillari, tovarlar va xizmatlarga nisbatan ob'ekt munosabatiga ta'sir qiluvchi omillardir.

Rus psixologiya fanida iste'molchi psixologiyasi ijtimoiy psixologiya va iqtisodiy psixologiya doirasida ishlab chiqilgan. Amerikada iste'molchi psixologiyasi mustaqil psixologiya sohasi sifatida mavjud.[1] Evropada esa bu fan iqtisodiy psixologiyaning bir qismi bo’lib hisoblanadi.[2]

Iste'molchi psixologiyasi uchun kontseptual asos umumiy psixologiya, ijtimoiy psixologiya, marketing, madaniyatshunoslik, ekonomika fanlari hisoblanadi.

Iste'molchi psixologiyasining ob'ekti iste'molni ijtimoiy jarayon sifatida qabul qilishdir. Biz iste'molchiga ob'ekt sifatida qaraymiz, chunki iste'molchilik insonning ijtimoiy rollaridan biridir va iste'mol boshqa ijtimoiy jarayonlar bilan bir xil omillarga ta'sir qiladi, faqat boshqa darajada va boshqacha tarzda.

Iste'molchi psixologiyasi mavzusi – iste'molning psixologik qonuniyatlaridir. Iste'mol psixologiyasining asosiy mavzusi mahsulot yoki xizmatga munosabatdir. Iste'molchilarning xulq-atvori iste'mol psixologiyasining mavzusi bo'lishi mumkin emas, chunki har qanday xatti – harakatlar faqat ijtimoiy (shu jumladan, moliyaviy) omillar tomonidan sezilarli darajada deterministik aqliy jarayonlarning namoyon bo'lishiga bog’liq. Biz iste'molchilarning xulq-atvorini ijtimoiy xatti-harakatlar deb bilamiz. Ba'zi olimlar (Poznyakov V.P. va hammualliflar) iste'molchilar xulq-atvorini iqtisodiy xatti-harakatlar turi deb hisoblashadi va bu, o'z navbatida, ijtimoiy faoliyatdir. Iste'molchilarning xulq-atvori mahsulot, xizmat, g'oyalarni sotib olish, ulardan foydalanish va ulardan xalos bo'lishga bevosita jalb qilingan (shu jumladan, qaror jarayonlari, ushbu faoliyatni oldindan belgilab beruvchi va undan keyingi) ijtimoiy faoliyatdir.

Iste'molchi – mahsulot yoki xizmatni sotib olish, ishlatish, egalik qilish va tasarruf etadigan shaxs yoki tashkilot. Iste'molchilar odamlar, odamlar guruhlari, shuningdek, turli xil soha va masshtabdagi tovarlar, xizmatlar, g'oyalar yordamida faoliyat yuritadigan odamlar.

[1] http://www.consumerpsych.org – сайт Общества психологии потребителя.
[2] http://www.elsevier.nl/locate/joep – сайт журнала «Экономическая психология».

Iste'molchilar xulq-atvorining asosiy psixologik jarayonlari qaror qabul qilish va uni belgilaydigan omillar hisoblanadi. Iste'molchi xatti-harakatining boshlang'ich nuqtasi o’z hayotini tashkil etish uslubidir. Iste'molchilar o'zlarining hayotiy (tashkiliy) uslublarini qo'llab-quvvatlash yoki yaxshilash uchun xarid qilishadi.

Ishlab chiqaruvchilar va psixologlarning roli xaridorlarning ehtiyojlarini qondirish va tovarlarni sotish uchun yangi mahsulotlarni ishlab chiqarish orqali yangi ehtiyojlarni yaratishdir.[1] Masalan, XX asrning 80-yillarida yuvish vositalari va idish-tovoqlar uchun gubkalar kerak emas edi, lekin ularni sotuvchilar yaratdi.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

*Саломов Ш.И.*
*Бухоро шахар 29-мактаб психологи*
*Ганжиев Ф.Ф.*
*Бухоро давлат университети таянч докторанти (PhD)*

Мустақиллик йилларида «таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфўзини ошириш»га[2] йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кадрлар тайёрлаш тўзилмаси ва мазмунини қайта ташкил қилиш зарурати юзага келди. Шунга мувофиқ мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тарбиячиларни касбий компетентлигини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро тарбиячи фаолиятининг ижтимоий-психологик самарадорлиги, энг аввало, унинг педагогик маҳорати, муомала маданияти, шахсий ва интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мактабгача таълим тизимида тарбиячи касбий компетентлигини ривожланиши билан унинг касбий фаолияти самарадорлигининг ортиши кузатилади. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган тарбиячиларида шахсл хусусиятлари ва касбий компетентлик ўртасидаги психологик уйғунликни таъминловчи психологик механизмларни фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида касбий компетентлик шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш масаласи бугунги кунда таълим ислоҳотлари учун муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

---

[1] Вахитова З.З. Дисс… канд. психол. Наук. – Москва, 2004.
[2]Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарк,1998. – Б. 44.

Айни пайтда тарбиячининг касбий компетентлиги унинг касбий билими ва малакалари, бошқа бир томондан касбий позицияси ва психологик сифатлар мутаносиблиги билан баҳоланиши мумкин. Зеро, таниқли психолог олим А.К. Маркова томонидан тўғри таъкидланганидек, педагогик жараёнда процессуал кўрсаткичларининг яъни у ёки бу натижаларга эришишга олиб келувчи таъсир воситалари ва муҳитнинг роли катта. Педагог профессионализми унинг касбий фаолияти шароитида ўзини турлича намоён қилади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари учун касбий фаолиятнинг турли шароитларда бир томондан касб талабларига мос келиши, бошқа бир томондан эса ўзини касбий ривожлантириш мантиқига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатларда ҳам ички психологик турғунликни сақлаш муҳимдир.

"Компетентлик" тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик "ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик"ни англатади.

**Касбий компетентлик** – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши.

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

**1. Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга киришa олиш.

**2. Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

**1) психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

**2) методик компетентлик** – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

**3) информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

**4) креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий

ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

**5) инновацион компетентлик** – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

**6) коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

**3. Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш,

малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

**4. Технологик компетентлик** – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

**5. Эктремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Компетентликни белгиловчи таркибий элементларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- англаш ва ўзини ўзи англаш, муомала, ўйин ва бошқа фаолиятларни ўзлаштиришнинг психологик воситалари.

- ўтмиш тажрибаларнинг таҳлили ва муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этишда ундан мос тарзда фойдаланиш.

- психологик муаммоларни ҳал этиш учун зарур билим, кўникма, малакаларни эгаллаганлик ва улардан муайян шароитларда фойдалана олиш.

- ҳар хил вазиятларда фаолият ва хулқ-атворни самарали дастурини ҳосил қилиш.

Бугунги кунда ҳам касбий компетентлик ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири социал интеллектни тадқиқ қилишга бағишланган энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади.

Дж. Гилфорд моделининг аҳамиятини баҳоловчи изланиш натижаларида қуйидаги жиҳатлар унинг қадр-қимматини белгилаши кўрсатилган:

• Инсон интеллектуал қобилиятларини тизимли ва батафсил ифода этувчи кенг маъноли концепция.

• Нисбатан қисқа вақт мобайнида интеллектуал қобилиятларни башорат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

• Ушбу модел асосида амалий жиҳатдан мавжуд бўлган интеллектуал тестларни классификациялаш ва уларнинг маъно жиҳатдан натижаларини самарали талқин этилиши.

Ушбу дастурнинг ўзига хослиги кубик моделда социал интеллектнинг тўзилишига ҳам алоҳида ўрин ажратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра касбий компетентлик хулқ-атворни тушуниш имконини берувчи олтита омилни ўзида қамраб олган:

• Хулқ-атвор элементларини билиш – вербал ва новербал мулоқот ҳаракатларни ажратиш қобилияти.

• Хулқ-атвор сифатларини билиш хулқ-атвор ҳақидаги вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш ёки вазиятли ахборотлар оқимидаги умумий хусусиятларни аниқлаш.

• Хулқ-атвор муносабатларини билиш – хулқ-автор ҳақидаги ахборот бирликлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва тушуниш қобилияти.

• Хулқ-атвор тизимини тушуниш – ўзаро таъсирлашувнинг яхлит вазиятларини ривожланишини, бу вазиятларда улар хулқ-атворини мазмунини тушуниш қобилияти.

• Хулқ-атворнинг ўзгартиришини билиш ҳар хил мазмундаги вербал ва новербал мулоқотнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўзгаришлар мазмуни тушуниш қобилияти.

• Хулқ-атвор натижаларини билиш − мавжуд ахборотлардан келиб чиқиб, хулқ-атвор оқибатларини кўра олиш қобилияти.

Касбий компетенлик ривожланишининг асосий омилларидан бири шахс типлари эканлигини назардан қочирмаган ҳолда, айнан шахс типларини ўрганишга қарор қилдик. Биз шулар ичидан барчага маълум ва машҳур инглиз психологи Г.Ю. Айзенк тести имкониятларидан фойдаланишни лозим топдик. Мазкур усул Г.Айзенкнинг индивидуал-типологик хусусиятларини аниқлаш тести мажмуаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда шахс «экстроверсия», «интроверсия», «нейротизм» шкалаларидаги кўрсаткичлар ёрдамида тадкиқ қилинади. Бу эса мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларни социал интеллекти учун характерли жиҳатларни ўрганиш имконини беради. Экстраверсия бу мулоқотга тезда киришиб кета олиш, ташқи оламга йўналганлик хусусиятидир. Эктравертлар ҳеч нарсани ичларида сақламайди, ташқарига чиқаришни ёқтирмайди. Улар ўз фикр ва мулоҳазаларни очиқ-ойдин айтиб, ҳар доим ўзларини ҳимоя қила оладилар. Бундай шахслар ўйин- кулгуни, хушчақчақликни яхши кўрадилар. Турли тадбирларда фаол қатнашиб, ҳамманинг диққат марказида бўлишни хоҳлайдилар ва бунга эришадилар.

Интроверсия – шахснинг доим ўз ички олами билан машғул бўлиб юришини ифода этувчи кўрсаткичдир. Интровертлар ўз ҳиссиётларини кишилар кўзидан яширишни хуш кўрадилар. Ўзларининг сирларини камдан-кам ҳолларда бировга айтишлари мумкин. Улар бирор нарсадан қониқмасалар буни ҳеч кимга айтмайдилар, ҳамма нарсани ичларига ютадилар. Интровертлар шовқинли давралардан кўра китоб ўқишни, уй ишлари билан шуғулланишни маъқул кўрадилар.

Нейротизм шкаласи ҳиссий барқарорлик – беқарорлик хусусиятини акс эттиради. Бу кўрсаткичнинг юқори даражалари синалувчининг юқори даражадаги безовталик, ўзини паст баҳолаш каби салбий кечинмаларга мойиллик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

**Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари шахс типларининг умумий қийматлари**

| Ю.Айзенк методикаси асосида | Шкалалар | X | y |
|---|---|---|---|
| | Экстроверт | 16,59 | 0,93 |
| | Интроверт | 10,9 | 0,55 |
| | Невротизм | 12,61 | 0,54 |
| | Сохталик | 2,71 | 0,94 |

Бу мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг экстровертликка мансублари мулоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олади, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайрихоҳликларини билиб олиш мумкин. Ушбу натижага кўра уларнинг невротизм шкаласи қиймати (12,61) шахснинг асаб тизимида зўриқишлар учраб туриши ва уни бошқариш имкониятига эга эканликларини кўрсатмоқда. интроверт типига мансуб мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг қийматлари (10,9) уларнинг анча вазмин, асаб тизимини бошқариш имкониятига эгаликларидан далолат беради. Аммо, бизнинг мақсадимиз мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг шахс типларини эмас, балки муайян типнинг касбий компетентлик шаклланишидаги таъсирини аниқлашдан иборат эди. Шунинг учун натижаларни шахс типи ва касбий компетентлик муносабатларини мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг фаолият турлари асосида ёритилади.Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг экстраверсия типига мансублар меъёрдаги эканлиги (16,59), бу типга мансуб тарбиячиларнинг мулоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олади, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайрихоҳдирлар ва уларнинг таълим–тарбия жараёнида мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий фаолиятини самарали ташкил этишга, шахслилик ва касбий компетентлик ўртасидаги уйғун ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1) Петровская Л.А. Компетентность в общении. Социально-психологический тренинг. – М.: Изд-во Московского ун-та, 1989. – 242 с.

2) Баратов Ш.Р. Социально-психологические основы создания психологической службы в Ўзбекистане: Автореф. дис. … докт. психол. наук. – Ташкент. 1998. – 37 с.

3) Бобнева М.И. Психологические проблемы социального развития личности. – М.: Издательство МГППУ, 1979. – 132 с.

4) Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: в 2-х т. – М.: Педагогика, 1980. – 186 с.

5) Куницина В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВЎЗов. – СПб.: «Питер», 2002 – 322 с

6) Майерс Д. Социаьная психология/ Интенсивный курс 3-изд.,«Олма Пресс» С.Петербург – Москва 2002. – 188 с.

# ODAM SAVDOSIGA QARSHI KURASHISHNING MILLIY HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

*Saloxov S.S.*
*O'zbekiston Milliy universiteti talabasi*

**Annotatsiya:** mazkur maqolada odam savdosi jinoyati tushunchasi, mazkur toifadagi jinoyatlarni sodir etilishini oldini olish va jinoiy javobgarlik doirasi, mazkur sohada xalqaro tashkilotlar, xorijiy davlatlar va milliy qonunchilik tizimimizda amalga oshirilayotgan ishlar va odam savdosiga qarshi kurashishning huquqiy asoslarini takomillashtirish masalalari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** odam savdosi, eksplutatsiya. transplantatsiya, jinoiy javobgarlik.

**Аннотация:** в данной статье изучен концепция торговли людьми, предпруждение и преследование за преступления этой категории, международные организации работа проводимая в зарубежных странах и национальной правовой системе, а также правовые рамки борьбы с торговлей людьми.

**Ключевые слова:** торговля людьми, эксплуататация, трансплантатция, уголовное преследование.

**Annotation:** this article studies the concept of human trafficking, the prevention and responsibility of crimes in this category, international organizations in this field, the work carried out in foreign countries and our legal system, as well as legal framework for combating trafficking in persons.

**Keywords:** human trafficking, exploitation, transplantation, felonious of responsibility

Bugungi kunda odam savdosiga qarshi kurashish hamda mazkur toifadagi jinoyatlarni sodir etilishini oldini olishning huquqiy asoslarini takomillashtirish masalasi har qachongidan ham dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Birlashgan Millatlar Tashkilotining statistik ma'lumotlariga asosan, har yili dunyo miqyosida 2 million 700 ming kishi odam savdosi qurboniga aylanadi. Transmilliy uyushgan jinoiy guruhlarning ushbu jinoyatchilikdan oladigan noqonuniy daromadi esa har yili 9,5 milliarddan 19 milliard AQSh dollarini tashkil qilmoqda. Dunyo miqyosida har yili 600 mingdan 800 ming nafargacha ayollar va bolalar aldov yo'li bilan chet ellarga olib ketilib sotiladi, achinarli holat shundaki, odam savdosi jinoyatidan jabrlanganlarning 80 foizini ayollar va yosh bolalar tashkil etayotganligidir[1]. Mazkur ko'rsatkichlar dinamikasining yildan yilga ortib borishi odam savdosi jinoyati jabrlanuvchilarining sonini ko'payib borayotganligidan dalolat beradi.

Yuridik fanlari doktori, professor T.A.Najmiddinovning fikricha, "Odam savdosi zamonaviy qullikning global miqiyosdagi hodisasi bo'lib, mazkur jinoyat millionlab kishilarni ozodlikdan va tanlov huquqidan mahrum qilinishiga, majburlash va tahqirlash orqali jinsiy yoki mehnat ekspluatatsiyasidan tortib jinoyatchilikka majburlash va inson organlarini olishgacha yoki ekspluatatsiyani biron-bir boshqa serdaromad turi bo'lgan boshqa maqsadlarda ekspluatatsiya

qilinishiga olib keluvchi faoliyatdir”[2]. Shu bilan bir qatorda, huquqshunos olim J.S.Jamoliddinovning fikriga koʻra, “Odam savdosi bu kuch bilan tahdid qilish yoki kuch ishlatish yoxud boshqa majburlash shakllaridan foydalanish, oʻgʻirlash, firibgarlik, aldash, hokimiyatni suiisteʼmol qilish yoki vaziyatning qaltisligidan foydalanish bilan bogʻliq ravishda odamlarni eksplutatsiya qilishdir”[3].

Haqiqatan ham odam savdosi jabrlanuvchilardan turli maqsadlarda xususan, majburiy mehnat yoki xizmat, qullik yoki qullikka oʻxshash odatlarni, erksiz holat yohud inson aʼzolari yoki toʻqimalaridan foydalanish maqsadida ularni yollash, tashish, topshirish, yashirish yoki qabul qilish bilan bogʻliq ijtimoiy munosabatlarni oʻz ichiga oladigan jinoiy faoliyat deyishimiz mumkin. Chunki “Tirik mahsulot” eksporti qator davlatlar xususan, Turkiya, Italiya, Ispaniya, Germaniya, Vengriya, Chexiya, Grestiya, Rossiya, Birlashgan Arab Amirliklari, Isroil, Amerika Qoʻshma Shtatlari, Skandinaviya kabi davlatlarda avj olganligi mazkur muammoning chegara bilmayotganligidan dalolat beradi.

Shu oʻrinda taʼkidlash lozimki, 1948 yil 10-dekabrda qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon Deklarastiyasining 4-moddasiga asosan “Hech kim qullikda yoki erksiz holatda saqlanishi mumkin emas, qullik va qul savdosining barcha koʼrinishlari taqiqlanadi”. Tabiiyki, odam savdosi yuqorida aytib oʻtilgan xalqaro va milliy huquqiy normalar yaʼni insonning erkinligi, tengligi, shaxsiy daxlsizligiga zarar yetkazayotganligi odam savdosi jinoyatini oldini olish, mazkur jinoyatni sodir etilishiga imkon yaratib berayotgan sabab va shart-sharotlarni aniqlash, odam savdosiga qarshi kurashishning milliy va xalqaro huquqiy asoslarini takomillashtirish masalalarini ishlab chiqishni dolzarb vazifaga aylantirmoqda.

Huquqshunos olim M.A.Fahriddinovning fikriga koʻra, “Odam savdosi bu jinoiy zanjir, uning kichik boʻgʻinidan boshlab soʻnggisigacha kurashish kerak. Faqat shundagina muvaffaqiyatga erishish mumkin. Odam savdosi bir vaqtning oʻzida ham jinoyat huquqi, ham inson huquqlari himoyasi masalasidir”[4].

Odam savdosiga qarshi kurashish masalasi bugun paydo boʻlgan hodisa emas. Mazkur jinoyatni oldini olishga qaratilgan dastlabki xalqaro huquqiy hujjat 1899 yilda London shahrida boʻlib oʻtgan xalqaro konferensiyada qabul qilingan “Ayollarlardan shahvoniy maqsadlarda foydalanish uchun ularni yollashga qarshi kurash toʻgʻrisida”gi Rezolyustiyadir. Shuningdek, odam savdosiga qarshi kurashishni tashkil etish borasida BMT Bosh Assambleyasi tomonidan qabul qilingan qator xalqaro huquqiy hujjatlar ham odam savdosi jinoyatini oldini olishga qaratilgan huquqiy asos hisoblanadi. 1950 yil 21 martida qabul qilingan “Odam savdosi va fohishalikning uchinchi shaxslar tomonidan ishlatilishiga qarshi kurash toʻgʻrisida”gi Konvensiya (Oʻzbekiston Respublikasi tomonidan mazkur xalqaro hujjat 2003 yil 12 dekabrda ratifikatsia qilingan), BMT Bosh Assambleyasi tomonidan 2000 yil 15 noyabrdagi 55/25- sonli rezolyutsiyasi bilan qabul qilingan “Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash toʻgʻrisida”gi Konvensiyaga qoʻshimcha odam savdosi, ayniqsa, ayollar va bolalar savdosi haqida ogohlantirish va chek qoʻyish hamda bunday jinoyatlar uchun jazolash toʻgʻrisidagi bayonnoma (Oʻzbekiston Respublikasi tomonidan mazkur xalqaro hujjat 2001 yil 28 iyunda ratifikatsiya qilingan), “Ayollar kamsitilishini barcha

shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiya” (O‘zbekiston Respublikasi tomonidan mazkur xalqaro hujjat 2003 yilda ratifikatsiya qilingan) shular jumlasidandir.

Shu o‘rinda aytish mumkinki, odam savdosi jinoyatini sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik doirasining mamlakat qonunchilik tizimida mustahkamlanib qo‘yilishi mazkur turdagi jinoyatlarni oldini olishda, odam savdosi jinoyatidan jabrlanganlarning huquq va qonuniy manfaatlarini kafolatlashda himoya vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Odam savdosi jinoyatiga qarshi kurashish bo‘yicha xalqaro qonunchilikka nazar tashlaydigan bo‘lsak, AQShda 2000 yilda Odam savdosiga qarshi kurash to‘g‘risida” qonun qabul qilinib, ushbu jinoyat sodir qilgan shaxslarga 20 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi ko‘zda tutilgan hamda hozirda AQShning 27 ta shtatida shunday qonunlar mavjud.

Milliy qonunchiligimizga asosan O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 135-moddasi (odam savdosi), 137-moddasi (odam o‘g‘irlash), 138-moddasi (zo‘rlik ishlatib g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish) jinoyatini sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik belgilangan bo‘lib, bu jinoyatchilikka qarshi kurashning bosh yo‘nalishini belgilab beradi.

Odam savdosi jinoyatiga qarshi kurash masalasi jahon hamjamiyatining eng dolzarb muommalaridan biri bo‘lib qolayotganligi sababli shu hamjamiyatning teng huquqli subyekti sifatida O‘zbekiston Respublikasi ham mazkur jinoyatga qarshi kurash olib borish sohasida o‘z hisassini qo‘shib kelmoqda. Odam savdosiga qarshi kurashish borasida O‘zbekiston Respublikasi tomonidan xalqaro huquqiy hujjatlar ratifikatsiya qilinishi (29 dan ortiq shartnoma va kelishuvlar imzolangan) bilan bir qatorda milliy qonunchiligimizda mazkur muammoni huquqiy tartibga solish va hal etishga qaratilgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, 2008 yil 17 aprelda qabul qilingan “Odam savdosiga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonun, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 8 iyuldagi “Odam savdosiga qarshi kurashish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-911-sonli Qarori hamda mazkur normativ-huquqiy hujjatlar asosida odam savdosiga qarshi kurashning samaradorligini oshirish bo‘yicha ishlarning Milliy rejasi, Odam savdosiga qarshi kurash bo‘yicha idoralararo Respublika kommisiyasi tarkibi tasdiqlanganlik holati respublikamizda odam savdosiga qarshi kurashni kuchaytirish, ularni oldini olish samaradorligini oshirishga, odam savdosi jinoyatiga karshi kurashuvchi davlat idoralari, fuqarolarni o‘zini o‘zi boshqarish tuzilmalari, nodavlat va notijorat tashkilotlarining vazifalari, shuningdek, odam savdosiga karshi kurashuvchi davlat idoralarining vakolatlari ko‘rsatib berilganligi mazkur jinoyatni oldini olishga qaratilgan muhim asoslardan biri bo‘ldi. Shu bilan bir qatorda, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2008 yil 5 noyabrdagi qarori bilan “Odam savdosi jabrdiydalariga yordam berish va ularni himoya qilish bo‘yicha Respublika reabilitastiya Markazi” tashkil etilganligini alohida ta’kidlash lozim.

Biroq, O‘zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan odam savdosi jinoyatiga qarshi kurashishning huquqiy asoslari ishlab chiqilgan bo‘lsa-da, mazkur sohada ham o‘ziga xos bo‘shliqlar mavjudligiga hamda mazkur kamchiliklarni bartaraf etish uchun chora-tadbirlar tizimi takomillashtirilishi talab

etiladi. Xususan, odam savdosi bilan bog‘liq jinoyatlar, o‘z xususiyatiga ko‘ra, latent xarakterga ega[5]. Chunki odam savdosi qurbonlari ularga nisbatan jismoniy yoki ruhiy tazyiq o‘tkazilganligi haqidagi ma’lumotlar oshkor bo‘lishi yoki qonunga xilof ravishda chet elga chiqqanligi fosh bo‘lishidan cho‘chib, huquqni muhofaza qiluvchi organlarga murojaat etmaydilar. Bunday holat odam savdosi bilan shug‘ullangan shaxslarning javobgarlikdan qutulib qolishiga hamda jinoiy faoliyatini davom ettirishiga olib keladi. Binobarin, jinoiy-huquqiy javobgarlikning muqarrarligi prinsipi jinoyatni sodir etgan har bir shaxsning mazkur jinoyat uchun javobgar ekanligini ifodalaydigan asosiy qoidadir.

Zero, qilmishida jinoyat tarkibining mavjudligi aniqlangan har bir shaxs javobgarlikka tortilishi shart. “Odam savdosiga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonunining 12-moddasiga asoslanib surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, sudya odam savdoisdan jabrlanganlarning xavfsizligini ta’minlash chora-tadbirlarini amalga oshirishlari lozim[6]. Huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan odam savdosi bilan bog‘liq jinoyatlar o‘z vaqtida hamda to‘liq ochilishi uchun mazkur sohaga doir huquqiy va amaliy-protsessual harakatlar tizimi kengaytirilsa yanada maqsadga muvofiq bo‘ladi deb o‘ylayman.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тад-биркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмокда. Жумладан,

2012 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари хажми 5 трлн 346 млрд сўмни (2011 йилга нисбатан 130%) ташкил этди, шу жумладан: 48,5 млрд сўм касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларни амалиётга татбик этиш учун; 80,1 млрд сўм - ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун; 618,0 млрд сўм - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик

субъектлари учун; 491,7 млрд сўм - аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши оилада соғлом муҳитни, унинг иктисодий ва маънавий-аҳлокий асосларини мустахкамлашда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Мазкур дастурда оилада меҳр-оқибат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак аҳлокий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қуллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза килиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-кизларнинг ўз иқтидорларини руёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Эндиликда, оиланинг ижтимоий-иктисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислох этишни изчил давом эттириш негизида баркарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириб бориш;

оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оила қуришга тайёрлаш учун ўрта умумтаълим мактабларининг юкори синфларида ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида оилага йигит ва қизларни босқичма-босқич тайёрлашга йуналтирилган махсус ққув ва факультатив курсларни жорий этиш;

- оила иқтисодиёти, уй хўжалиги, оила молияси ва рўзғор юритиш асосларига бағишланган мавзуларни ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиладиган иқтисодий билим асослари фанлари ўкув режаларига киритиш, ушбу фанлар бўйича дарсликларни улар хисобига такомиллаштириш; иқтисодиёт йунлашидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Микроиктисодиёт" фани доирасида "Оила ёки хонадон иқтисодиёти", "Оилавий тадбиркорлик", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошкариш" каби маҳсус ўкув курсларини ўқитишни йўлга қўйиш шахар ва туманларда никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит ва қизлар учун "Оила-рўзғор юритиш асослари" буйича махсус қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;

- никох тўй маросимларини ихчамлаштириш ва окилоналаштириш ҳисобига ёш оиланинг дастлабки мол-мулки ва сармоясини шакллантиришда йигит ва қиз ота-оналарининг ўзаро келишув асосида бахоликудрат иштирок этишлари;

- ёшлар фаолият қиладиган ташкилот ва корхоналардаги меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик тизимлари ривожланиб боргани сайин уларнинг ёш оилаларни моддий жихатдан қўллаб-кувватлашдаги иштирокларини кенгайтириб бориш.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, республикамизда оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ва "Соғлом она - соғлом бола" дастурларини

амалга ошириш борасида тўпланган тажрибалардан келиб чиққан холда, "Соғлом ва масъулиятли ота - мустаҳкам оила ва соғлом бола кафолати" тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмокда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э. Маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимига лойиқлигини баҳолашга оид тест ва методикалар тўплами. Методик қўлланма.// Проф. В. Каримованинг умумий таҳрири остида.- Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008 – 64 б.
2. Каримова В. Психологические особенности управленческой карьеры женщин в Узбекистане // Вестник НАПК. Научно-практический психологический журнал.-Алматы, 2008 - № 1-2 – С.13-20

## GEOPOLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA AND THE INTERESTS OF UZBEKISTAN IN IT

*Sattorov A.A.*
*Teacher of the Military-technical*
*Institute of the National Guard of Uzbekistan*

**Annotation:** The Central Asian region has been considered as a region with the interests of powerful countries for centuries and study of the problem is of topical importance. Because regional security is the main goal of every country. Any geopolitical processes affect the national independence of the states of the region, their foreign policy. This article eamines the problem in detail and provides important conclusions.
**Keywords**: regional security, natural resources, geopolitical processes, Cooperation Council, regional cooperation, Central Asia, Eurasia, regional policy.

It was natural that in the 90 years of the XX century these countries sought to create a security framework with their own participation. Central Asia is located in the center of Eurasia. It serves as a connecting link between the East and the West, North and South. The region is a bridge to China and Southeast Asia for Europe. It is also considered a real challenge to play an important role in Russia's relations with South Asia and the Persian Gulf countries. In a word, the geopolitical location of Central Asia itself predetermines its strategic importance for the countries and regions of the army. Geopolitical factors, especially the presence of available energy resources in this region, remain the determining points of growing interest of a number of leading world countries in relation to Central Asia. They are trying to become an active participant in regional processes in this strategically important part of the world, both in terms of political and economic interests. Thus, "Central Asia" is a concept that expresses the region in which certain countries are located, the geopolitical reality. And geopolitical reality includes not only Geographic, but

also historical, cultural, confessional, etc.features. After all, geographic affiliation in most cases is proportional to the unity of historical and cultural roots.

Politicians and researchers often emphasize the need for common points izlash in their relationship in order for the organization of the states of the region to take place. In other words, the initial basis of regional integration, regionalization and regionalization processes are of paramount importance.

In the theories of the world's major geopolitical theorists, the geopolitics of the powerful states in relation to Central Asia is also highlighted. Zbignev Bjezinsky, a famous US geopolitical theorist, advised Western countries to take serious steps to influence the main geopolitical centers and peoples, to lead them, to play a long-term, stable and leading role in the world, if not the United States. Z.Bjezinsky published in 1998 year and became world famous for his work "Great chessboard. In the book" American domination and geostrategic emperors", he put forward the geostrategic doctrine, which shows the main characters of the future world and in it a new formula of American domination.

According to the author, the main geopolitical issue in the world in the 21st century will again be the struggle for domination over Eurasia between the Atlantic and the continental bloc. He believes that the only great state that can claim the role of world hegemony in the new millennium is the United States alone.

He pointed out three main reasons for this: - first, the US is in the literal sense of the word, indeed, the only great country in the world; - secondly, the US is stronger than most of the leading countries of Eurasia, according to all indicators on a global scale; - thirdly, Eurasia, which is considered the central area of the world, is under the influence of non-Eurasian great powers (which the United States and the European Union are referring to).

According to Bjezinski's geostrategy, the United States should be maneuvering between several centers that are certainly powerless from the United States, even if it is relatively strong, but in a separate way, and all together, that would not allow some kind of large state on this continent. By not allowing the collapse of China, Russia, Japan, India, Iran, Turkey and other countries of Eurasia and facilitating the increase in the role of new (Ukrainian type) countries, the United States can have a wide space for geostrategic maneuvering. The US should give serious assistance to the countries that are increasing their role in the region in order to exert their influence[1,134].

Brzezinski recommends paying special attention to Ukraine in the post-Soviet space, Azerbaijan in the Caucasus, Kazakhstan and Uzbekistan in Central Asia. Each of these States considers it a separate grain of Eurasia. It also emphasizes the special importance of US cooperation with them in the relations between the United States and Russia. Proceeding from the geopolitical situation that arose in the world after 11 September 2011, Brzezinski proposed a correct assessment of new political trends. He assesses the difference between the US military power and the number of geopolitical rivals, the lack of harmony between the European Union and the military-political unity and economic integration, the ever-increasing Chinese involvement not in World processes in the coming years, but in solving their own internal problems, the possibility of Japan becoming a powerful

military state, and its aspiration [2,234-235]. Another problem that worries Brzezinski is that the mood swings against America all over the world. He urged them to take extreme measures against them. In his opinion, in order to increase its prestige in the world, the US must approach different models of globalism, the application of democracy in different regions and similar issues in a very rational and stratified manner[2,235].

In some Arab countries, the events of the "Arab Spring", which were considered the major revolutions of the 21st century, have been a lesson in what the terrible results and sad consequences of the export of democracy all over the world lead to. After these events, the countries of the world began to take a number of measures to strengthen their security system.

One of the main reasons for the interference of the international community in the various problems that may arise in the countries of the world and, even more so, the entry of the armies of powerful states into these points, is that these norms of international law are or are giving in the midst of the annexation by one country.

English politician R.Keygan for the first time publicly analyzed the serious geopolitical disagreements existing between American and European geopolitics. He concluded that there is a serious disagreement between the views of the two school demonstrators on the issue of military power applied to the world fork-fork purposes, its effectiveness and compliance with moral norms, the desired inadequacy of such operas. In the case of American geopolitics, they demand the use of military force immediately in case of violation of the norms of international law[1,137].

Geopolitical processes in Central Asia will certainly be associated with the geopolitical ideas and goals of the powerful states. For example, scientists associated with a number of Russian geopolitics try to express in their theories the geopolitical interests of Russia, their goals and views on the issue of Eurasia.

We see that Simburgsky considered Russia a "geopolitical axis", linking Russia between the European Union and the Asia-Pacific region. He predicted that in the future it will be able to unite these great territories and cultures and become a new military-political and geostrategic factor[3,135].

From these conclusions it is understood that on the territory of our region necessarily refers to the interests of some powerful power, among the countries of the region. Since 2017, the specific strategy of the Republic of Uzbekistan, which has been updated in Central Asia, aims to conduct large-scale cooperation with all countries of the region, complete elimination of existing problems strengthen relations.

The president of our country Shavkat Mirziyoyev, in his speech at the 72 session of the UN, has put forward a number of initiatives in this regard.

In particular, the president noted that "Uzbekistan, which is located in the heart of Central Asia, is directly connected with the transformation of this region into a region of stability, sustainable development and good army. Peaceful, economically developed Central Asia is the most important goal and the main task we strive for. Uzbekistan is a firm supporter of mutual communication, practical cooperation and strengthening of a good neighbor. We are ready to cooperate with

the countries of Central Asia on all issues without exception on the basis of reasonable compromise. Thanks to our joint efforts, the level of political confidence in our region has increased significantly in the coming months. On many issues, it was achieved to find functionally important solutions"[4].

At a later time, Central Asia is the focus of attention of international political and expert circles. Many foreign analytical centers analyze various aspects of socio-political, economic, cultural and educational development of the countries of the region. According to experts studying the Great Silk Road at John Hankins University, the indicators in the 1st group of states will be achieved by the evasion of increasing the production and export of hydrocarbons. In comparison with the industry indicators and opportunities of the Asian countries, the highest real growth rate is observed in Uzbekistan. In the short term, it is an annual 7 percent.

The development of the production of GDP growth in the Republic of Uzbekistan is determined by the elimination of homashy dependence. The growth rates of the economy of Central Asian countries are also highly estimated by the International Monetary Fund (IMF) for the prospects for the near future (growth rates are expected to constitute an average of 8% per annum). Such an assessment is a senior advisor to the Department of Middle East and Central Asian states of the IMF It was clearly expressed in Owen's speech. But the economic development, strength and potential of Central Asia will put the issue on the agenda with its political foundations. It is known that this region occupies an important place in the list of foreign political priorities of the countries of the West and Asia-Pacific. At present, it is no secret that Washington, Brussels, Tokyo and Beijing have their own geopolitical strategy and interests in Central Asia. In this place, the strategy for the establishment of a large Central Asia plays a special role. Its main purpose is to unite traditional Central Asia (Kazakhstan, Uzbekistan, Turkmenistan, Tajikistan, Kyrgyzstan) with the countries of South Asia (Afghanistan, Pakistan, India, Nepal, Sri Lanka). This project, which was put forward in 2000 year, is being refilled, replenished in various countries and international organizations. The ways of development of the countries of Central Asia are also characterized by different districts. Since the situation in these republics in the 80 years is different, the models of governance are also sharply different from each other. From the attempt to preserve "Real socialism" in Tajikistan to the implementation of Liberal-democratic reforms in Kyrgyzstan, from the gradual transition to the market economy in Uzbekistan, to the liberalization of the economy through "managed democracy" in Uzbekistan and to the restoration of the National-totalitarian system in Turkmenistan, one can see the ways. Analyzing the geopolitical description of the Central Asian republics, we can see. These forecasts certainly have always attracted the attention of the powerful countries of the world that the region has natural raw materials. The Caspian Sea, which is rich in rare metals, carbohydrates and biological resources in the region and has turned the countries of Central Asia into many oil and gas suppliers to the world market in a few years, is of particular strategic importance. It is estimated in various sources in the West that the proven and extracted oil reserves in the Central Asian region amounted to about 4 billion. tons or 2.6 percent of the total reserves

of oil identified in the world[5,168]. That is, on the slopes of Central Asia and the Caspian Sea basin, more gas and oil reserves are stored than on similar deposits in Kuwait, Mexico and the North Sea. Although this is almost 50 times less than the oil contained in the reserves of the near and Middle Eastern countries, which accounts for more than two-thirds of the world's proven reserves, the role of Central Asia in the energy supply of world regions can be significantly overshadowed in the near future and, as a result, become important. The natural reserve of the region and the available opportunities always represent the inevitability of a clash of geopolitical interests in the region. In this regard, our country is also a state with rich natural resources of the region. Our country has a strong energy reserve, a large amount of natural energy resources – gas, oil, coal, hydropower reserves. 74 percent of the gas condensate in the entire Central Asian region, 31 percent of oil, 40 percent of natural gas and 55 percent of coal are in Uzbekistan. The identified gas reserves account for more than 5 trillion cubic meters of aging, coal reserves account for more than 2 billion tons, oil reserves account for more than 4 billion tons[6,192]. In these processes, it is important to ensure that the security in the region is obscured. The most important way to ensure regional security is the process of mutual solidarity and strengthening relations.

In conclusion, we can say that the geopolitical processes in Central Asia affect each of the countries of the region. The positive impact of these processes in the region on the development of countries in the region also depends on the strengthening of relations based on mutual cooperation by each country.

In the regional policy of the Republic of Uzbekistan it is shown that the state is the main goal of strengthening mutual solidarity and complete elimination of the mummolder on the borders, achieving stable market relations.

**USED LITERATURE:**

1. Ali Hasanov Geopolitics. Translation of Babakhan Muhammad Sharif from azerbaijani language. Tashkent: Tamaddun, 2016.

2. Z. Brzezinski. Grand chessboard. American domination and its geostrategic imperatives. Moscow, 1998.

3. Kuzmenko I. Geopolitics of Holy Russia. / / Third world, 1994, no. 1.

4. Speech of the president of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 72nd session of the UN General Assembly. People's questions.

20 September 2017 year.

5. Siradjov A.A. Uzbekistan's interests in regional cooperation processes in Central Asia. Written dissertation for the DS in political science (DS). NUU. 2017.

6. Ghibnazarov Sh.G. International terrorism: root, factors and source. - T.: Uzbekistan. 2009.

# СОЦИАЛ ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТНИ ЎРНИ

*Сатторова М.Д.*
*Термиз давлат университети ўқитувчиси*

2017 йил Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёти ва ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Бу йилнинг Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар жамиятимизда инсон манфаатларининг нақадар ҳимояланаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини болалар ва ёшлар ташкил этаётган ҳозирги давр ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, давлат ижтимоий сиёсатининг истиқболга мўлжалланган, узоқни кўзлаган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, инсонни олий қадрият санаб, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устунлигини таъминлашни талаб этмоқда. [2, 5]

Жамиятимизда инсон омилига эътиборнинг кучайиши таъсирида кишиларнинг, айниқса ёшларнинг ўз руҳий кечинмаларини бошқариши, атрофдаги одамлар билан самимий, соғлом муносабатларда бўлиш истаги кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада эътибор талаб жиҳатлардан бири – ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабат, ўзаро таъсир, ўзаро яқинлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ўрнатишда самимийлик, сабрлилик, бағрикенглик, ўзига ва бошқаларга ижобий муносабатни шаклантиришдир.

Бағрикенгликни шаклларнтиришда аввало, шахснинг ҳиссий-иродавий ва интеллектуал хусусиятларини ижтимоий муносабатларга мувофиқлаштиришга, таълимий ва тарбиявий таъсир воситалари ёрдамида самимийлик, одамшавандалик, очиқкўнгиллик, кенг фикрлилик кабиларни таркиб топишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. [3, 153]

Инсонпарварлик билан бирга қўшилган ҳаққонийлик юксак ижобий характер хислатидир. Характерида салбий хислатга, яъни инсонпарварликка зид бўлган дағаллик анча ўрин олган кишилар ҳали ҳам учраб туради. Бундай салбий характер хислати ҳам шундай одамларнинг худбинлиги натижасидирки, у одамлар фақат ўзингни бил, ўзгани қўй «мисолида» иш кўрадилар ва бошқа кишиларга, ҳатто ўз яқин одамларига ҳам ҳар қадамда фақат ёмонлик соғинишга тайёр турадилар. Бундай одамларнинг ҳатти-ҳаракатида ҳам, гап сўзида одатда ҳар доим заҳархандалик, менсимаслик, дағаллик ва бепарволик сезилиб туради, уларнинг бошқа одамлар билан муносабатдаги хатти-ҳаракати кишининг дилини вайрон қилади, кайфиятини бузади, кишида ўз кучига ишонмаслик, маъюслик, умидсизлик туйғуларини уйғотади. Худбин, тунд одам бошқа кишилар билан муносабатларида кўпинча сўзда ҳам, ишда ҳам бераҳм ва адолатсиз бўлади. Бундай одамлар ўзларининг салбий хусусиятларини, одатда, бошқаларга тўнкайдилар. Ҳар

қандай, ҳатто читтаккина муваффақиятсизликлари сабабини ўзларидан эмас, балки бошқа кишилардан кўрадилар.[1, 35]

“Бағрикенглик” сўзининг маъноси, лотинча “чидамлийлик” демакдир. Одатга кўра, бағрикенглик – тажовузсиз бегона қарашларни қаршиликсиз қабул қилиш демакдир. Ўзбек тилида бағрикенглик тушунчаси, қалбнинг кенглиги сифатида белгиланади, турли миллатларнинг миллий урф-одатлари, миллий маданияти ва диний эътиқодлар ҳамкорлиги акс этади.

Шунингдек, кўп динлик муҳити турли динларнинг таълимотларида суҳбат ва ўзаро тушуниш воситаси саналади. Биз турли хил қарашларимизда фарқлашимиз мумкин. Бироқ бизни келажакда бирлаштирадиган соҳалар мавжуд. Бу халқ орасида аҳлоқий анъаналарни сақлаш, тинч жамиятни қуриш, ўзаро ҳурмат тамойилларини тарғибот қилиш демакдир. Ўзаро суҳбат натижасида биз ўзаро тушунишга эришиш, ёши, жинси, ижтимоий мавқейи, касби, ижтимоий келиб чиқиши, дини, миллати, соғлиги ва бошқалардан қатъий назар инсонларни севиш, уларга ғамхўрлик қилиш, ёрдам қўлини чўзиш, инсон сифатида ёндашиши билан бирга ҳаётни севиш, одамларни севиш, ўзини ва муносабатларни қадрлаш кабиларни ижтимоий бағрикенгликка даҳлдор тушунчалар сифатида қарашимиз мумкин.

**Социал толерантлик мезонларини аниқлаш усули**

| № | Ижтимоий бағрикенгликка хос хусусиятлар | Ижтимоий бағрикенгликка зид хусусиятлар |
|---|---|---|
| 1 | Дўстоналик | Иззатталаблик |
| 2 | Оптимизм | Пессимизм |
| 3 | Мулоқотмандлик | Ёлғизликка мойиллик |
| 4 | Инсонпарварлик | Шахсиятпарастлик |
| 5 | Самимийлик | Ҳадиксираш |
| 6 | Ишонч | Шубҳа-гумондорлик |
| 7 | Ғоявийлик | Прагматизм |
| 8 | Меҳрибонлик | Худбинлик |
| 9 | Интилувчанлик | Регидлик (қотиб қолган) |
| 10 | Мувозанатлилик | Мувозанатсизлик |
| 11 | Тоқатлилик | Бетоқатлик |
| 12 | Адолатлилик | Адолатсизлик |

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.М.Мирзиёев анқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

2. Э.Ғ.Ғозиев, Р.Ю.Тошимов Психология ўқитиш методикаси Тошкент. 2003 й.

# YOSHLAR ONGINI RIVOJLANTIRISH VA PSIXOLOGIK QOBILIYATNI YOSHLAR O'RTASIDA YANADA KENG KUCHAYTIRISH

*Sattorova X.*
*O'zDJTSU talabasi*

**Annotatsiya:** Tayanch so'zlar, kirish dolzarbligi, ilmiy izlanishlar va uslublar, tadqiqot natijalari va muhokamasi, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar.

**Tayanch so'zlar:** Inson psixologiyasi, psixika, rivojlanish, evolyutsiya, taraqqiyot, yoshlar pixologiyasi, ong, aql, idrok, zehn, qonuniyat, prinsip.

Insoniyat yer yuzida paydo bo'lganidan buyon insoniyat kelib chiqishi, uning evolutsiyasi haqida, rivojlanish qonuniyatlari, tamoyillari va pinsiplari to'g'risida mana necha asrlardan buyon ko'plab jahon olimlari, mutafakkirlari bahs-munozara tadqiqot ishini olib bormoqdalar. Albatta bu jarayon hali hanuz to'xtagani yo'q to'xtamaydi ham. Insoniyat payydo bo'lishi hozirgi kungacha bo'lgan davrgacha ko'plab yillar, asrlar, tarixiy bosqichlarrni bosib o'tdi. Bizga eng muhimi uning psixologiyasidir. Inson psixologiyasi shunchalar murakkab tuzilganki, uning asab hujayralari millionlab neyronlardan tashkil topgandir. Insonning markaziy nerv sistemasi o'ng va chap miya yarimsharlari markaziy nerv sistemasining bosh markazi bo'lgan tana a'zosi **Bosh miya** tomonidan boshqariladi. Barcha funksiyalar, jarayonlar va harakatlar shu tana a'zosi orqali amlga oshiriladi. Odatda biz insonlar ko'p hollarda tabiat qonuniyatlarini o'rganamizu o'zimizning psixologiyamiz qanday ishlayapti, bizga yordami tegyaptimi sog'lommi yoki xastalanganmi yoki zararimizga ishlayaptimi bu haqida ko'pchilik qatori o'zimiz ham o'ylab ko'rmaymiz. Bizning asab tolalarimiz shunday murakkabki, hayotda, atrofimizdagi ko'rgan, bilgan va bo'layotgan voqea-hodisalarni ko'rib u to'g'ri bizning psixikamizga juda kuchli ta'sir qiladi. Albatta biz bular ta'sirida ko'p hollarda psixikamiz bolalikdan yaxshi rivojlangan bo'lsa ya'n normal holatda bo'lsa albatta sharoitdan foydalanib, maqsadimizga erishib ketuvramiz, agarda normal holatda bo'lmasa albatta buning aksi bo'ladi. Bizning psixikamiz ya'ni yoshlar psixologiyasi hammasidan eng muhimidir. Faqat yoshlar psixologiyasini yaxshilash evaziga biz o'zimiz orzu qilgan kelajakni qurishga qodirmiz.

**Ilmiy izlanishlar, uslublar va tadqiqotlar.**

Yoshlar psixologiyasini rivojlantirishda albatta birinchi o'rinda oiladan boshlaymiz. Ota-ona oila qurishdan oldin albatta ular har tomonlama birinchi navbatda psixologiyasi to'g'ri va mos kelishi kerak. Agarda erniki musbat ayolniki manfiy yoki aksincha bo'lsa ham ko'pchilik hollarda oilalarning bir-birining psixologiyasini tushunmay, bilmay ko'plab urush, janjallarga sabab bo'ladi bu esa oqibatda faqatgina bolalar psixologiyasiga jiddiy xavf solidi. Ertaga bunaqa oiladan balog'atga yetgach, psixikasi rivojlanmagan alamzada, o'ch oluvchi yoshlar yetishib chiqadi. Shuning uchun albatta yigit va qiz oila qurishda birdek mas'uldirlar.

Birinchidan ota-onalar hayotda oila qurgach ertaga farzandli bo'lgach bor budini ularning aqliy va jismoniy rivojlanishiga safarbar qilsalar nur ustiga a'lo nur bo'lardi. Afsus hamma yoshlar ham bunga to'laqonli amal qilishmaydi. Jismoniy rivojlanishi bu har tomonlama jismoniy mashqlar va sport o'yinlari. Aqliy rivojlanishi esa kitob o'qish, turli didaktik ruhdagi hikoya, gazeta, jurnal va boshqa foydasi tegadigan qo'lga olib o'qishga arziydigan, ko'zga zarari tegmaydigan tabiiy narsalardan foydalanishi shart.

Ikkinchidan, ota-onalar oilada bularga aksari umuman e'tibor berishmaydi ya'ni ma'naviy beparvolikni yo'q qilish zarur, sababi ota-ona hayolini pul topish, farzandi ovozi o'chishi uchun mobil telefoni beradi qo'yadi. Mana bizning hozigi psixikamiz rivoji va kelajagi.

Uchunchidan, bizlar yoshlar psixologiyasini rivojlantirishda juda ko'plab suhbat metodlaridan foydalanishimiz kerak. Test bizlarni shunchaki indamay javobini topishga o'rgatadi. Suhbat, intervyu metodida esa bizning ichimiz, qalbimiz so'ylaydi. Ichimizdagini to'kib solamiz. Bu esa atrofdagilar bilan albatta til topishishga, do'stlashishga albatta yordam beradi. O'zi inson psixologiyasining kulminatsiyasi ham munosib do'stlar orttirishdir. Buning uchun albatta bilarga ko'p badiiy asarlar, turf axil gazeta, jurnallarni albatta o'qishimiz zarur. Ongimizni rivojlantirishimizda munosib usul shudir. Bundan tashqari telefon, internet bizlarga shu darajada ta'sir qilyaptiki, o'zimiz sezmagan holda uning quliga aylanib qolyapmiz. Maktablarda, oliy ta'limda psixologiya soatlarini oshirish kerak, psixologlarga ko'proq shtablar, ish o'rinlari tashkil qilinishi shart. Bakalavriatni bitirgan kadrlarni albatta psixologiya bo'yicha ko'p trening markazlarini ochib biznes qilishlari uchun albatta yo'l berilishi kerak. Hozirgi maktablarda psixologiya sohasidagi ishlar yaxshi emas. Ish o'rinlari kam. Yoshlar psixologiyasi hammasidan muhim degan shiorni keng targ'ib qilib **Psixologiya kodeksi**ni ishlab chiqish zarur va shart. Respublikamizda yoshlar psixologiyasini tarbiya soatlari bilan olib borish, davlat siyosati darajasiga olib chiqish birinchi sharafli ishlardan biri bo'lishi kerak, yoshlar psixologiyasi yosh oilalarda psixologiyasi soatlari tashkil qilish kerak. Bundan tshqari yoshlar psixologiyasi rivojida yolg'izlik ham katta ahamiyatga egadir. Yolg'iz qolishda har bir yosh o'zicha orzu qiladi, hayol suradi, maqsadlar qiladi, rejalar tuzadi, ularni muhokama qila boshlaydi. Natijada yoshlar psixikasida turli xil jarayonlarni har tomonlama tahlil qilish, xulosa chiqara olish ko'nikmasi, mustqail fikrlay olish tajribasini o'stiradi, bu taqdqiqot usli ham psixika rivojiga salmoqli yordam qiladi. Axir, dunyo daholarining ko'pchiligi yolg'izlikdan yetishib chiqishgan

Yoshlar psixologiyasini rivojlantirish natijasi ko'plab faktorlarga bog'liq bo'lib, bu uzoq yillik rivojlanishni va taraqqiyot jarayonini o'z ichiga oladi. Yoshlar psixikasi shunday murakkab tuzilganki, uni o'rganib chiqishga yillab vaqt kerak bo'ladi. Yoshlar shunday yoshda va davrda bo'lishadi, ularga kim yaxshi gapirsa, ozgina yaxshilik qilsa shuni o'ziga do'st deb biladi, ularni o'ziga bir qahramon deb biladi, psixikasini shularnikiga moslab boshlaydi. Natijada ertaga yoshlar psixikasi sust rivojlanishi, hayotda qoqilib qolishlaari, ota-onalarining ma'naviy qashshoqligi mevasini ta'tib ko'rishlariga to'g'ri keladi. Xulas, yoshlar psixologiyasini rivojlantirishda eng asosiy omillar bo'lib oiladagi xotirjam muhit,

ota-onaning ma’naviy boyligi, kitob o’qish, o’z-o’zini mustaqil tarbiyalay olish ko’nikmasi, turfa xil mavzudagi suhbat, intervyu metodlari yordamida yoshlar psixologiyasini har tomonlama ivojlantirish imkoniyatini beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Vohidov M., Maktabgacha tarbiya psixologiyasi, T.,1970.
2.Davletshin M., Krbiliyat va uning diagnostikasi, T., 1979.
3.Tokareva V., Talaba shaxsining axloqiy rivojlanish psixologiyasi, T., 1989.
4.G’oziyev E., Psixologiya fani XXI asrda, T., 2002.
5.Shoumarov G’., Oila psixologiyasi, T., 2000.
Internet saytlari.
1.Ziyonet.uz
2.edu.uz
3.psixologiya.uz
4.tarix.uz

## BADIIY MATNDA OPPOZITIV MUNOSABATLAR

*Sattorova Sh.*
*Navoiy viloyati, Konimex tumani*
*7-umumiy o‘rta ta’lim maktabining o‘qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Erkin Vohidov ijodining lingvistik tomoni talqin qilingan. Ijodkor asarlarini tilshunoslik nuqtayi nazaridan tadqiq etishga harakat qilingan.

**Kalit so‘zlar:** Nominativ, nomlovchi, emotsional, ekspressiv, leksema, matn, antiteza, til.

**Аннотация:** В этой статье работы Эркина Вохидова. Была сделана попытка изучить лингвистические работы лингвиста.

**Ключевые слово:** Номинативные, эмоционалные, лексема, контекст, антитезы, язык.

**Annotation:** This article analyzes the linguistic of Erkin Vohidov’s works. An attempt was made to study the works of the linguistics.

**Key words:** Nominative, emotion, express, leksion, context, antitethes, language.

Antonomiya – yunoncha anti – “zid”, “qarshi”; onyma – “ism” degan ma’noni anglatadi. Bunday ma’no munosabatlar oppozitiv munosabat ham deyiladi.(lot. Oppositivo – “zid qo‘yish”).[1] Antonimik – ikki til birliklari orasidagi ma’no-munosabat bo‘lib, ikkisi birgalikda antonimik juftlikni tashkil qiladi.[2] Antonimlardan biri yoki har ikkisi o‘z sinonimiga ega bo‘lishi mumkin, lekin shunda ham antonimik juftligi holati buzilmaydi. Masalan, ko‘p leksemasining mo‘l, bisyor kabi sinonimlari mavjud, shunga ko‘ra bu leksemalar oz - ko‘p, oz -

mo‘l, oz - bisyor kabi antonimik juftliklarda qatnashadi. Antonimik munosabat odatda bir turkum leksemalari orasida bo‘ladi. Bu – asosiy holat. Ba’zan antonimik munosabat ot leksemaning belgi ma’nosi bilan sifat leksema orasida voqe bo‘lishi mumkin. Masalan, bosh o‘g‘il – kenja o‘g‘il.

Barcha leksemalar antonimik munosabat hosil etavermaydi. Semema anglatadigan leksik ma’no o‘z ziddiga ega bo‘la olsagina, antonimik munosabat voqe bo‘lishi mumkin. Masalan, ko‘z, soat, daftar leksemalarining leksik ma’nolarida bunday zidlanuvchi ma’no-munosabati yo‘q; avval, qimmat, toza leksemalarining leksik ma’nolarida esa bunday imkoniyat mavjudligini ko‘rishimiz mumkin: avval – keyin, qimmat – arzon, toza – iflos kabi.

Antonimik munosabatlar, ayniqsa, badiiy matn hosil qilishda muhim o‘rin tutadi. Xususan, she’riy matnda antonimik munosabatlar emotsional-ekspressivlikni hosil qilishda faol ishtirok etadi. Xususan, Erkin Vohidovning “Ruhlar isyoni” dostonida qo‘llangan antonimik munosabatni ko‘rib o‘tishimiz mumkin[3]:

**Tun** bilan **kun**,
**O‘t** bilan **suv**
Bir-biriga zolimdir.
Koinotda
Azal,
Mangu
Isyon ruhi hokimdir,

Bu yerdagi antonimik munosabat yuqorida aytib o‘tganimizdek, bir turkum doirasida, ya’ni ot leksemalari orqali yuzaga kelgan. Bu yerda qo‘llangan antonimik munosabat shoir ruhiy holatini kitobxonga yetkazish uchun asos vazifasini o‘tabgina qolmay, o‘ziga xos emotsionallikni hosil bo‘lishiga xizmat qilgan.

Yer-u ummon,
Burjlar aro
Gohi **oshkor,** goh **pinhon,**
Ibtidodan
To intiho
Hukm surar g‘alayon.

Bu yerda hosil bo‘lgan leksemalarning antonimik munosabati ham yuqoridagidek bir turkum doirasi, ya’ni sifat turkumi doirasida sodir bo‘lgan.

Zamin uzra Qor quyunin
Yog‘dirganda Charx-falak,
**Qish qahriga**
Egmay bo‘yin, Isyon qilar
**Boychechak.**

Bu yerda qo‘llangan leksemalarning antonimik munosabati konnotativ ma’no hosil qilishda asos vazifasini o‘tagan. Bundan tashqari, **qishning qahri** – **boychechak** leksemalari matnda o‘ziga xos tashxis san’atini yuzaga keltirishga ham xizmat qilgan.

Shoir bo‘lsang Yurtda yasha

Meniki deb aytgulik.
**Jannat yurtdan** kechib o'sha
**Xarobaga** qaytgulik.

Bu yerda qo'llangan leksemalarning antonimik munosabati biri birikma shaklida ikkinchisiga oppozitiv munosabat hosil qilgan. Bu esa shoirning naqadar so'z ustasi ekanligidan dalolat beradi.

Tahlillardan ko'rinadiki, Erkin Vohidov o'z asarlarida qo'llangan antonimik munosabatlar shoir nazarda tutgan ichki maqsadni ifoda etishda, she'riy matnni shakllantirishda muhim o'rin tutadi. Bu esa she'riy matnda o'ziga xos jozibani tashkil qilishda muhim o'rin tutishidan dalolat beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent: Universitet – 2006.
2.Sayfullayeva R., Mingliyev B. Hozirgi o'zbek tili. Toshkent – 2009.
3. Эркин Вохидов. Изтироб. "Узбекистон", Т., 1992, 318-321-бетлар.

## ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИДА ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ РОЛИ

*Саҳиева М.Т.*
*Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ўқитувчиси*

Оила – муқаддас даргоҳ. Унинг замирида олам-олам маъно мужассамлашган. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади, миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар асраб-авайланади, жамият тараққиётининг иқтисодий фаровонлик ва маданий юксалишларига асос солинади, мустаҳкамланади. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида ҳам инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, биз кўзлаган мақсадларга эришишда ҳаётимизнинг таянчи ва суянчига айланган оиланинг ўрни бениҳоя каттадир.

Никоҳ-оила муносабатлари муаммоси, инсоният жамияти юзага келган илк ибтидоий даврлардан буён энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб келган. Одамлар қачон ва қандай тизимларда яшашларидан қатъий назар, оила масаласи доим алоҳида эътибор объекти бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг тараққий этиши, мустаҳкамлиги шу жамиятда туғилиб, шахс сифатида шаклланадиган инсоннинг дунёга келиши ва вояга етишида бош омил бўлмиш оилаларнинг барқарорлигига узвий боғлиқдир.

Ҳар бир инсон бахтли оилада туғилишни ва яшашни истайди. Бугунги кунда ажрашишлар, оиладаги можаролар даражаси ўсиб бораётган таҳликали даврда бунга қайтарзда эришиш мумкин? Ижтимоий соҳа ходимларининг асосий вазифаларидан бири аҳоли ўртасида, маҳаллаларда, ёшлар орасида, оилавий дастурлар бўйича маърифий ишларни олиб боришдан иборат.

Бу ўринда ёшлар тарбиясида ёшларни оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, уларнинг никоҳ тўғрисида тиббий, психологик, диний ва ҳуқуқий саводхонлик даражаси етарли эмаслиги кўп ҳолларда ёш оилаларда муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда.

2020 йилнинг 14 июл куни Танзила Норбоева бошчилигида видеоконференция тизими орқали ўтказилган Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлисида эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

«Сўнгги йилларда 18 ёшга тўлмаган қизлар орасида эрта туғруқ ҳолатлари ҳам камайиб, 2018 йилда бундай салбий ҳолатлар 1,5 мингдан зиёд бўлган, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 мингтани ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 231 та эрта туғруқ ҳолатлари қайд этилган.

Олиб борилаётган ишларга қарамай, бу борада қатор муаммолар мавжудлигига урғу берилди. Таҳлилларга кўра, ушбу муаммога, аввало, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва тиббий маданиятининг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаган қизлар, айниқса 13-14 ёшли қизлар орасида эрта туғруқ ҳолатларининг кўпайиб бораётгани ташвишли ҳолдир», дейилади парламент юқори палатаси ахборот хизмати хабарида.

Қайд этилишича, эрта ҳомиладорлик ва туғруқ ҳолатлари кузатилган ўқувчи қизларнинг қарийб ярми ота ёки онасиз оилаларда яшаётганлиги аниқланган. Сенат хабарида оиладаги етишмовчилик, ота-оналарнинг ишсизлиги ёки кам даромад топиши ҳам қизлар тарбиясига салбий таъсир қилаётгани таъкидланади.

«Эрта ва исталмаган туғруқ ҳолатлари, ёшларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслиги, оиладаги ижтимоий-маънавий беқарорлик каби сабаблар чақалоқлар савдоси жиноятини ҳам келтириб чиқармоқда.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Сенат Кенгаши қарори билан эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича 2020–2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди», дейилади хабарда.

Эътибор бериб қарасак бугунги кунда ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ортиб бормоқда. Психологик ва социологик тадқиқотларда бунга бир қанча сабабларни келтиришимиз мумкин. Энг катта сабаблардан бири эса оилада эр хотин фел атворларининг бир бирига тўғри келмаслиги оилавий низоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Шунингдек, оиладаги психологик муҳит ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунга келиб нафақат Республикамизда, балки бутун дунёда никоҳ-оила муносабатларининг энг жиддий жиҳатларидан бири оилаларнинг бузилиши, ажралиш асоратларини тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор берилаётганлигининг асосий сабабларидан бири ажралиш билан боғлиқ

бўлган бир қатор ноxуш ҳодисаларнинг рўй бераётганлиги, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши кабиларнинг кузатилаётганлигидадир.

Ўсмир қизларимизнинг ёш турмуш қуриши, ёш она бўлиши ва шулардан келиб чиқадиган турли хил тиббий, маънавий ва ижтимоий асоратлар, мустахкам оилани шакллантиришга халақит берадиган салбий омилларидан биридир.

Никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Оила Кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрий тарзда тиббий кўрикдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Бу модда киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг мустаҳкам пойдеворда бўлишига қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса, ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат катта қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли.

Эрта турмуш қуришнинг асоратлари:

•аборт

•фарзандсизликка

•боланинг ой куни етмай туғилиши

•ҳомиладорликнинг асоратли кечиши

•камқонлик

•оғир токсикозлар

•сурункали касалликларнинг авж олиши

•вақтидан олдинги туғрук

•гипертензив синдромини ривожланиши

•туғруқлар эса аксарият холатларда, қон кетиш ва жаррохлик усуллар билан тугдиришга олиб келади.

•гўдакларни асфиксияда, вазни паст туғилиши каби салбий оқибатлар вужудга келади

•ҳомиладорлик ва туғрук асоратлари аёлни ногиронликка ёки нобуд бўлишига олиб келиши мумкин

•Ўсмир ёшидаги оналар ўлими ҳолатлари эса, 20-30 ёшлиларга нисбатан 5 баробарга, ва гўдаклар ўлими кўрсаткичларининг 2 баробарга кўпайиши аниқланган.

**Эрта турмуш қуриш ва эрта ҳомиладорлик нималарга олиб келиши мумкин:**

•Ёшларнинг психо-эмоционал томонидан турмуш қуришга тайёр эмаслиги;

•Ёш келин куёв орасида тушунмовчиликлар келиб чиқиши;

•Ёш келинчакларни янги оила муҳитига кўникишидаги қийинчиликлар;

•Физиологик томондан етилмаган ёш қиз организмининг ҳомиладор бўлиши;

•ёш турмуш қуриш ва эрта она бўлиш аёлларнинг илм олиш ва меҳнат қилишга имкониятларини четлаштириши мумкин. Бунинг оқибатида эса улар

ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳам жамиятда бўлаётган ўзгаришлардан четда қолиб кетишлари мумкин. Чунки бу ёшда улар кўпчилик тенгдошлари каби ёшларга берилаётган катта имкониятлардан фойдаланиш вақтидан чекланиб қолади ;

•ёш она моддий жиҳатдан таъмиланмаганлиги сабабли кўп миқдорда муаммолар пайдо бўлади;

•Эрта ҳомиладорлик натижасида ёш аёлда турли психологик ўзгаришларни келиб чиқиши бунинг оқибатида эса турмуш ўртоғи билан ҳам низоли вазиятларнинг келиб чиқиши. Иккала ёш руҳиятидаги психологик ўзгаришлар (стресслар);

•ёш она доимий кучли асабийлашади ва бу ҳолат болага ҳам салбий таъсир қилади. Оқибатда эса туғиладиган бола келажакда руҳий ва жисмоний жиҳатдан нуқсонлар билан туғилиши.

Қонунда ва тиббиёт нуктаи назаридан никоҳ ёшининг белгиланиши эътибор қаратадиган бўлсак, қонунда никоҳ ёшининг эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланиши (Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди 2019 йил 1-сентябрдан) бу ҳали мукаммал ёш фақат никоҳ тузиш учун бўлган ҳуқуқ ҳисобланади.

Зеро, 2008 йил давлатимизда “Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонун қабул қилинган ва ушбу қонуннинг биринчи бобида 18 ёшгача бўлган шахс бола ҳисобланади, деб белгиланган. Шундай қилиб, 16-18 ёшда турмуш қураётган ва она бўлаётган ўсмир қизлар давлатимиз қонунлари бўйича ҳам ҳали БОЛА ҳисобланади.

Соғлом фарзандни тарбиялаш, ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Шундай экан ҳали ўзи бола бўлган фарзандларимизни турмушга бериш ёхуд уйлантириш натижасида уларга нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам жуда катта зарар етказиб қўйишимиз мумкин.

Психологлар ва олимларнинг фикрича, турмуш қуриш учун энг мақбул ёш: қиз болалар учун 22-25 ёш, ўғил болалар учун эса 24-30 ёш. Бу ёшга бориб инсон шахс сифатида шаклланиб бўлади. Бу ёшда инсон турмуш қуриш масаласига масъулият билан қарайди.

Шунингдек, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ келгуси авлодлар саломатлигига путур етказувчи омилдир. Чунки қариндошлик никоҳи туфайли одатда жисмоний ва ақлан носоғлом, яъни нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов, ортиқ, қўшоқ, пакана ёки нуқсонли, майиб болалар туғилади. Улар ўсишда тенгдошларидан орқада қоладилар. Бундай оилалардан кўпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлиққан бола туғилиши кузатилмокда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади.

Шунингдек, оилавий масалаларда диний тушунчанинг бўлиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Фикримизнинг исботи сифатида Тошкент шаҳри бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров оилавий ажримлар масаласига бағишлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида ўтказилган анжуманда оила муносабатларининг диний ҳукмлари ҳақида берган маълумотларини келтириб ўтмокчимиз:

*Никоҳ масаласи*:

— Никоҳ – муқаддас ибодат. Афсуски, охирги вақтда никоҳга панжа орасидан қараладиган бўлиб қолди. Унга одатий, кунлик маросимдек муносабатда бўлишади. Ҳамма нарсага вақт топишади – ўйин-кулгига, машиналарни қаторлатиб «ЗАГС»га боришга ҳам вақт топишади. Лекин никоҳга келганда, «10 дақиқа вақтимиз бор, тезгина ўқиб беринг», дейишади.

Никоҳ ўқишга борсак, келин-куёвни остонага ўтказиб қўйишади, ҳамма қараб туради. Энг муқаддас ришта остонада боғланмайди. Келин-куёвни ҳурмат билан ичкарига ўтказишсин, биз уларга панд-у насиҳатларимизни қилайлик.

Келин бутун умрини бахшида қилиб, ота-онасининг измидан чиқиб, эрининг измига киради. Куёв қизни омонат ўларок қабул қилади. Боқиши, ўқитиши, касал бўлса даволатиши, ҳамма масъулиятни ўз бўйнига олиши керак. Биз шуни никоҳ ўқиш чоғида тушунтиришимиз, эр-хотиннинг бир-бирининг олдидаги бурч ва вазифаларини ўргатишимиз керак.

*Маҳр масаласи*:

Маҳр(туркча мехр; синоними садоқ) - тенг ҳуқуқли никоҳ (завож) тузилган пайтда хотинига ажратиб берадиган мулк. Маҳр тўлаш - шундай никоҳнинг асосий шарти бўлиб, никоҳ муносабатлари учун хотинга тўланадиган ҳақ сифатида қаралади.

Маҳр — никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. Бу никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда куёвнинг келинга Маҳр тўлаш мажбуриятидир. Маҳр миқдори куёвнинг ижтимоий аҳволи ва унинг оиласи розилигига боғлиқ бўлган ва никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда икки томон розилиги билан *белгиланган*. Маҳр имом ҳузурида икки эркак гувоҳлигида эълон қилингач, никоҳ ўқилган. Маҳр бериш одати Қуръон асосида шариатда қонунлаштирилган.

Баъзи бир мутахассислар “махр” ва “қалин” сўзларига бир хил маънодаги атама сифатида қарашади. Аммо, қалиндан Маҳрнинг фарқи шундаки, қалин бу келиннинг ота-онаси ёки қариндошларига тўланадиган тўловдир. Келинга Маҳр тўлаш мажбурияти мусулмон халқларида маълум даражада сақланиб қолмоқда.

У ёки бу шаклда Маҳр тўлаш одати ҳозиргача ислом мамлакатларида сақланиб қолган. Баъзи мамлакатларда Маҳр миқдорини бироз чеклаш йўлида ҳукумат томонидан қонуний чора-тадбирлар кўрилмоқда. Маҳр фақат исломга хос, шунинг учун уни қалин билан айнан деб билиш хатодир. Қалин, гарчи ташқи томондан Маҳрга ўхшаса-да, у исломни қабул қилган кўп халқларнинг қадимдан қолган урф-одати ҳисобланади.

Бу каби урф одат ва тушунчалар ўзбек менталитетига хос оилаларда диний билимлар нақадар кераклиги ва оилани мустаҳкамлаш йўлидаги пойдевор эканлигини англатади.

Статистика маълумотларига кўра ўткан йиллар мобайнида АҚШда қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган.

Қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ, ҳатто, фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хулосаларидир. Академик К.Н.Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасидаги касалга чалиниш анча қисқаради. Чунончи, баъзи ҳолларда, касалга чалинишни тенг ярмига камайтириш мумкин.

Оилада фарзанд ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлиб шаклланиши учун ота-она унинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб, кўп ҳаракат қилиши лозим. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат бу ҳақда «Ахлоқий тарбия — одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали манфаат келтирадиган бўлсин» деб таъкидлайди.

Дастлабки тадқиқотлар кўпроқ фалсафий, тарихий, этнографик йўналишдаги ва оиланинг тарбиявий ва меҳнат шарт-шароитларини ўрганишга қаратилган бўлса, кейинги йиллардаги тадқиқотлар ўз характерига кўра, оиланинг маданий, ҳуқуқий, тиббий, унинг турмуш тарзи, ундаги тарбия муҳитининг аҳамияти, ўзаро муносабатларнинг психологик қонуниятларини ўрганишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

“Маълумки инсоннинг маънавий камолоти, айниқса ҳуқуқий маданияти оилада шакллана бошлайди. Оила қанчалик мустаҳкам, тинч, барқарор бўлса, унда тарбияланиб вояга етаётган ёш авлод ҳам маънавий етук, теран фикрли, соғлом ва комил инсон бўлиб етишади. Оилада ота-онанинг Оила кодексига амал қилган ҳолда ўз бурч ва вазифаларига онгли муносабати, ҳуқуқий таёқати муомала маданияти, бу фуқарода маълум насл-насаб, шажара, исм ва шариф, оилавий ҳолат болани ўзлигини англаш учун заминдир.

Лекин, ҳаётда жуда кўп ҳолатларда ота-онанинг ҳуқуқий саводсизлиги, ҳуқуқий фаоллигининг заифлиги, оила аъзоларининг ўз фуқаролик, моддий ва маънавий ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари оқибатида эр ёки хотининг, ота-она ёки фарзандларнинг ҳуқуқлари паймол этилиши ҳолатлари учрайди, баъзан эса адолатсизликкаа йўл қўйилади. Кўп ҳолатларда оила ажримлари жараёнида хотин-қизлар манфаати қонун доирасида ҳимоя қилинмайди балки поймол этилади”.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқародан ҳуқуқий саводхон бўлишни тақозо этади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида Оила кодексининг амалга киритилиши билан қонунчиликка кириб келган “Никоҳ шартномаси” никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш билан биргаликда уларнинг мулкий ва ҳуқуқий мажбуриятларини белгилаб бериши, оиланинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлишининг муваффаққитятли гарови ҳисобланади.

Қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февральдаги “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари мамлакатимизда оиланинг ва

аёлларнинг бу орқали миллатнинг тиббий, психологик ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳизмат қилади.

Surxondaryo viloyatidagi yodgorliklar o‘zining qadimiyligi bilan mashhur. Surxondaryo qadimdan shoir va ulamolar, baxshilar to‘plangan vohalardan biridir. Bu zaminda xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyot rivojlanib kelgan. "Alpomish" dostoni yaratilgan makon sifatida shu vohada bayram qilinishi, 40 dan ortiq "Termiziy", 10 dan ortik, "Chagoniy" taxallusi bilan ijod qilgan allomalarning ilmiy-adabiy merosi buni to‘liq isbotlaydi. O‘zbekiston hukumati va iqbolini belgilash tashkilotlari ma’muriy 1964 yil 7 fevralida Surxondaryo viloyati ma’muriy jihatidan 14 tumanni birlashtiradi. Viloyatda 2 ta yirik shahar bor. Ular Termiz (viloyatning ma’muriy markazi) va Denov (viloyatning sanoatlashgan markazi) dir. Viloyatda 8 shahar kengashi va 3 kasaba kengashi mavjud bo‘lib, ular ma’muriy jihatidan tuman hokimliklariga qaraydi. Aynan Surxondaryo viloyatining Denov tumaniga alohida e’tibor qaratish maqsadga muvofiqdir.

**Denov tumani** – Surxondaryo viloyatidagi tuman. 1926 yil 2-sentabrda tashkil etilgan. Denov tumani viloyatning Sho‘rchi, Sariosiyo, Uzun, Oltinsoy tumanlari bilan chegaradosh. Maydon. 0,75 ming km2. Aholisi 253,7 ming kishi (2000). Denov tumanida 1 shahar (Denov), 1 shaharcha (Do‘stlik), 18 qishloq fuqarolari yig‘ini (Anbarsoy, Binokor, Dahana, Denov, Kenagas, Navro‘z, Pistamozor, Sina, Tortuvli, Xayrobod, Xolchayon, Farg‘ona, Yurchi, Yangibog‘, Yangizamon, Yangiobod, Kiziljar, Hazorbog‘) bor. Markazi — Denov shahri hisoblanadi. Denov tumanining shimol, janubiy va markaziy qismi tekislikdan iborat. Sharqda Bobotog‘, g‘arbda Boysuntog‘ tizmalari bilan o‘ralgan. Yer yuzasi sharqqa tomon pasayib boradi. Qishi qisqa, iliq. yanvarning o‘rtacha temperaturasi 2,9°, iyulniki 28,4°. Tekisliklarda yiliga 130 mm dan 360 mm gacha, tog‘ oldi va tog‘larda 445 mm dan 625 mm gacha yog‘in tushadi. Vegetatsiya davri 226 kundan 266 kungacha. Denov tumanidan Surxondaryo, To‘polondaryo, Sangardak, Qizilsuv daryolari, Hazorbog‘, Oy-barak kanallari, Dayto‘lak, Denov ariklari oqib o‘tadi. Yer osti suvlariga boy bo‘lganligi uchun artezian suvlaridan keng foydalaniladi. Tekisliklarda bo‘z tuproq, daryo sohillarida o‘tloqi botqoq, tog‘ oldi va tog‘larda och qo‘ng‘ir tuproqlar tarqalgan. Tog‘larda boshoqli o‘simliklar, archa, yovvoyi mevali daraxt va butalar o‘sadi. Bobotog‘da pistazorlar bor. Jayran, tog‘ echkisi, qobon, silovsin, bo‘ri, chiyabo‘ri, qo‘ng‘ir ayiq, jayra, qushlardan qirg‘ovul, kaklik, to‘rg‘ay uchraydi. Daryolarda so‘zanbaliq, oq amur, zog‘ora baliq (sazan) ko‘p.

Denov tumanida turizmni rivojlantirish masalasiga alohida to’xtalish maqsadga muvofiqdir. Denov tumanida Turizm infratuzilmasidagi mavjud muammolarni hal etish, taqdim etilayotgan xizmatlar sifatini oshirish va jahon bozordagi milliy turizm mahsulotlarini faol targ'ib etish, turizm tarmog'ining kadrlar salohiyatini kuchaytirish orqali turizm sohasida amalga oshirilayotgan islohatlar samaradorligini oshirish hamda respublikaga kirib kelayotgan xorijiy fuqarolar sonini keskin ko'paytirish maqsadida, shuningdek 2019-2025 yillar O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish konsepsiyasining asosiy yo'nalishlariga muvofiq:

- O'zbekiston Respublikasi Trasport vazirligi va Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasining 2019-yil 1-oktyabrdan boshlab xalqaro huquq normalariga muvofiq;
- Turzim faoliyati subyektlari va aviatashuvchilarning xorijiy mamlakatlarning Surxondaryo viloyatiga charter reyslarini tashkil qilish bo'yicha xarajatlarning bir qismi har bir xorijiy turist uchun, u respublika hududida bo’lishidan qattiy nazar qoplanishi ;
- Turimni rivojlantirish davlat qo'mitasini huzurdagi byudjetdan tashqari Turzim sohasini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'lari hisobidan Denov tumanining tarixiy va afsonaviy shaxslari to'g'risidagi to'liq metrajli badiiy, qisqa metrajli badiiy, xronikal filmlarni olish;
- Tadbirkorlik subyektlarining respublika hududlarida xususan Denov tumanida ham chet el taomlariga yoki alohida yo'nalishga ixtisoslashtirilgan mavzuli ovqatlanish shaxobchalarini, shuningdek, karaoke zallari va turistik ko'ngilochar muassasalarni tashkil etish xarajatlarning bir qismi turizm

rivojlantirish davlat qo'mitasi huzurdagi byudjedan tashqari turizm sohasini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'lari hisobidan har bir loyiha uchun qo’shimcha mablag’ miqdorda qoplanishi ;

Hozirgi kunda turistik zonalar Denov tumanida juda ko’p chunki, boshqa davlatlardan tashrif buyuradigan turizmlarga sharoitlar yaratish viloyat xokimligi va tuman xokimligi zimmasida hisoblana va bu borada amaliy ishlar olib borilmoqda.

Mazkur loyihada ko'zda tutilgan va birinchi navbatda chora-tadbirlar dasturiga kiritilgan tadbirlarni amalga oshirishni moliyalashtirishning manbalari etib tadbirkorlik subyektlari loyiha ustuvorlari etib belgilanishi maqsadga muvofiq deb qarash mumkin.

Ayni chog'da turistlar oqimining asosiy qismi mamlakatimizning bosh turistik markazlari hisoblangan Samaraqand, Buxoro va Xiva shaharlariga to'g'ri kelmoqda. Shu o’rinda aytib o’tish kerakki, Surxon vohasi ham eng qadimiy va turistik zonalardan biri hisoblanadi. Shu kungacha Surxondaryo viloyatiga kam nazar qilingan bo’lsa endigi kundan boshlab katta e’tibor berilmoqda. Buning misoli tariqasini vohada Tashkil etilgan 5-10 april kunlaridagi “ Baxshichilik festivali” ni alohida ta’kidlash muhumdir. Qadimiy, tarixiy joylarimizga qiziqish va e’tibor kun sayin ortmoqda.

Ammo mamlakatimizning bir qator istiqbolli mintaqalari infratuzilmasini tizimli rivojlantirishga yetarlicha e'tibor qaratilmagan, shu o’rinda denov tumanida bir qancha qadimiy yodgorliklar mavjud va bu tarixiy obidalarga ham chet ellik turistlarni jalb qilish uchun bir qator choralarni qo’llash muhim deb hisoblayman.

- Hozirgi kunda pandemiya sababli mamlakatimizda turistlarning kelishi to’htatilgan. Shunday bo’lsada Online rejimda ham bu ishlar amalga oshirilmoqda va g’oyibona yurtimiz bo’ylab sayohatlarni kuzatish mumkin va shu o’rinda aytish joizki bunday online rejimdagi sayohatlarni Denov, Oltinsoy va Sarosiyo tumanlari bo’ylab 3 tilda (uzbek, rus va ingliz tilida ) berib borilishi chet ellik qiziquvchilarni jalb qilishning yana bir usuli deb hisoblayman.
- Misol tariqasida Oltinsoy tumanida joylashgan "Tabiatning betakror mo‘‘jizasidan biri Xo‘jaipok ota” ziyoratgohini hatto O’zbekistonlik fuqorolarimizning o’zi ham yaxshi bilishmaydi va shu tarixiy obida haqida online rejimda yoki visual usulda ma’lumot berilsa, chet ellik turistlarni jalb qilish uchun bunday ishlarni ko’proq amalga oshirish kerak.



(Xo‘jaipok ota )



( So’fi Olloyor maqbarasi)




(Oq ostona bobo ziyoratgohi )



( Sangardak sharsharasi )

➢ Tarixiy obidalarimizni qayta tiklash uchun ham homiy tadbirkorlar ko'magiga tayanamiz va gullab yashnatish uchun elga mashhur qilish uchun homiy tadbirkorlar ko'magiga muxtojlik sezamiz.

➢ Agar Denov tumanida ham turizm agentligi ish boshlasa maqsadga

muvofiq bo’lardi va shu agentlik tarkibida talaba yoshlar o’qitilib,malaka oshirishsa va viloyat hamda respublika miqyosidagi ko’rik tanlovlarda ishtirok etishib, malakali tarjimon bo’lishsa, vohamiz rivojiga hissa qo’shgan bo’lardi hamda turizm rivojlantirish bu loyihasida o’zimizda shunday turzim uchun joylar ochish, kelayotgan turistlarni o’zimizning sayohat qiladigan joylar va dam olish joylarni ko'rsatish muhimdir.

Bizning Surxandaryo viloyati ham hech kimdan kam emasligimizni ko'rsatishimiz kerak chunki bizda ham istedodli yoshlarimiz ko’p. Bunda IT ga qiziquvchilar kundan kunga ko'payib ketmoqda o’zimizda ham shunday salohiyani rivojlantiradigan va IT ni rivojlantirish uchun istedodli yoshlarimiz bir talay, biz ularga ham imkon beraylik ular ham o'z istedodlarni namoyon qilishsa turizm sohasiga oz bo’lsada o’z hissasini qo’shishadi.

- Surxondaryo viloyatida ham turizm agentligi qoshida qo’shimcha ish o‘rinlari yaratish, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, valyuta tushumlarini ko‘paytirish, aholi daromadlari va turmush darajasini oshirish kabi eng muhim ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni yaqin istiqbolda hal qilish uchun keng salohiyatga ega bo‘lgan turizm sohasini rivojlantirish borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshir ham juda muhimdir va buning uchun ushbu loyifagi qarashlarni amalga oshirish juda zarurdir.

Shu ma’noda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «2018-2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarori qabul qilinishi davlatimiz tomonidan turizm sohasida amalga oshirilayotgan siyosatning mantiqiy davomi bo‘lib, turizm sohasini jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy, ma’muriy va huquqiy muhitni yaratgan holda, eng samarali tartibni joriy etish, hududlarning iqtisodiy salohiyati va daromadlari bazasini kengaytirish, yangi ish o‘rinlari yaratish, yurtimizga keladigan turistlar oqimini ko‘paytirish, shuningdek, milliy turizm mahsulotlarini jahon bozorida faol va kompleks ilgari surishga qaratilgan.

Xususan, qaror bilan sohada me’yoriy-huquqiy tartibga solishni takomillashtirish va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish, O‘zbekistonning so’lim vohasiga sayohatlarni arzonlashtirish, soha bilan bog‘liq infratuzilmani rivojlantirish, turistik mahsulotlarni diversifikatsiya qilish va yangi turizm obyektlari tashkil etish, shuningdek, milliy turizm mahsulotlarini ichki va tashqi bozorlarda faol va kompleks ilgari surishga qaratilgan navbatdagi chora-tadbirlar dasturi tasdiqlash ham muhimdir.

Denov tumanida Naqshbandiya ta’limotining asoschisi Hazrat Bahouddin Naqshbandning birinchi xalifasi Alouddin Attor mangu qo‘nim topgan muqaddas ziyoratgoh mavjud. Oltinsoy tumanida “Silsilai oliya” tarkibiga kiruvchi ulug‘ zotlardan yana biri – Muhammad Zohid maqbarasi, turkiy tasavvuf ta’limotining yirik namoyandasi So‘fi Olloyor qadamjosi va ul zot tomonidan barpo etilgan masjid saqlanib qolgan. Yangi yo‘nalishlarda ziyorat turizmini rivojlantirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”da aziz-avliyolarimiz muqaddas hoki qo‘yilgan bu maskanlarni obodonlashtirib, ziyoratchi sayyohlarning tahorat qilishi, namoz o‘qishi uchun zamonaviy qulayliklar yaratish, “halol” standartini joriy etish

belgilab berilishi zarur va shu qulatliklar asosida chet ellik sayyohlarni jalb qilgan holda vohamiz go’zalligini namoyon qila olamiz.

Ziyorat turizmini rivojlantirish borasida amalga oshiriladigan keng qamrovli bunyodkorlik ishlari doirasida Termiz tumanidagi Kokildor ota, Qirq qiz, Sulton Saodat yodgorliklari, Chorgumbaz masjidi, Boysun tumanidagi Hazrati Eshonbobo ziyoratgohi va shifobaxsh suvi, Hazrati Sulton Valiy, Jarqo‘rg‘on tumanidagi Xo‘ja Samandar Termiziy ziyoratgohlari, Oltinsoy tumanidagi Xo‘jaipok ziyoratgohi va shifobaxsh suvi, Uzun tumanidagi Oq ostona bobo maqbarasi kabi tarixiy obidalar so‘lim go‘shaga aylantirish zarur va turizmni rivojiga katta hiss qo’shish lozimdir.

## АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ШАХС МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАСИ

*Суванов И.А.*
*Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD),*
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази директор ўринбосари*
*Уринова Ю.Б.*
*ўқитувчи.*
*Абдихалилов З.И.*
*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти курсанти*

Мавзуимиздаги «шахс маънавияти» ҳақида фикр юритар эканмиз, бунинг учун энг аввало «шахс» ким ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади? – деган масалага эътибор қаратилади.

«Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати»да, шахс маънавияти – ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фуқароси деб билган ҳолда ўз Ватани тупроғи, суви, ҳавоси – жамики бойликларини асраш, унинг ободлиги, равнақи, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш йўлида чин виждон, иймон, эътиқод, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуи[1]дир, деб таъриф берилган.

Шунингдек, «шахс» тушунчасига ҳам турли адабиётлар ва луғатларда турлича таърифлар бериб келинмоқда. Жумладан, «Фалсафа» қомусий луғатда «Шахс – алоҳида киши, ижтимоий-аҳлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивид... Шахс – биофизиологик, ижтимоий, маънавий, аҳлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинишидир»[2] -деб таъриф берилган бўлса, профессор А.Чориев шахсни

---

[1]Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қайта ишланган янги нашри. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2016. – 446 б.
[2] Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. -496 б.

инсонийлик мезонига қараб шундай ёзган эди: «мустақил шахс – инсон юксак даражадаги биосоциал уюшма эканлигининг ифодасидир, инсон инсонийлигининг энг муҳим тавсифидир»[1] – А.Холбеков, У.Идировлар томонидан «Шахс – одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол ҳатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилишнинг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди»[2] – профессор А.Мухторов шахс камолотида маънавиятга эътибор қаратиб, «инсон том маъноси билан шахс аталмоғи учун мустақил маънавиятга, яъни ўз эркини белгилаб олган мустақил камолот йўлига эга бўлмоғи керак»[3] деган таърифлар берилган. Уларда ўзаро умумий ва ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Биз бундай ёндашувларни қўллаб-қувватлаймиз, албатта. Чунки шахс жуда мураккаб мавжудод бўлиб, уни ҳар бир инсон, тадқиқотчи ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда тушунади. Шу маънода ҳам келтирилган фикрларни эътироф этган ҳолда, бизнинг фикримизча, шахс – жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган, халқнинг мақсадлари ва манфаатларини чуқур англаган, уларнинг эркинлиги ва хақ-ҳуқуқлари учун курашадиган, миллий ғояга ишонч ва эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўзлигини англаган инсондир.

Шахснинг ўзига хос жиҳати шундаки, у умумназарий онг ва тафаккурга эгадир. У шахс бўлиб, дунёга келмайди, балки у жамиятда шаклланади. Айни пайтда, жамиятда юксак маънавий ва интелектуал салоҳиятга эга бўлган шахслар қанча кўп бўлса, у тараққий қилиб боради. Онги, дунёқараши ва тафаккури миллий ғоядан баҳра олиб шаклланган инсон, маънавияти юксалган, миллий ўзлигини англаган шахс даражасига кўтарилади. Агар шахсни миллат вакили сифатидаги мақомида баҳо берилганда ўз миллати, халқи ва Ватанининг манфаатларига бўладиган муносабатларидан келиб чиқиш ўта муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шу маънода бугунги инсонларнинг шахс даражасига кўтарилишининг асосий мезони ўз манфаатларини миллий манфаатлар билан уйғунлаштирганлигида намоён бўлади. Бу фазилатларга эга бўлган шахс, ўзини у ёки миллатнинг вакили эканлигини, унинг бугуни, эртанги куни ва истиқболи учун масъул эканлигини ҳис этади. Унда ўз Ватани, халқининг манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишни фарзандлик бурчи деб ҳисоблайди, унинг бойликларини кўз-қорачиғидай асрайди. Шу тариқа, миллий ғоя ва миллий ўзликни моддий кучга айланиши миллатнинг вакили бўлган шахслар маънавиятида ўз ифодасини топади.

Юксак маънавиятли шахсда дахлдорликни ҳис этиш маданияти юқори бўлади. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси юқори одам турли ғаразли мақсадларни ўзида ифода этган ёт ғояларнинг жозибасига учиб қолмайди.

---

[1] Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. Мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ЕНК, 2002. -270 б.

[2] Холбеков А., Идиров У. Социология. (Изоҳли луғат маълумотнома). Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999. -168 б.

[3] Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. -138 б.

Бизнинг фикримизча, фуқароликни ҳис этиш масъулияти, Ватанни англаш, унга содиқлик, миллий ўзликни англаш миллий-маънавий мерос ва умуминсоний демократик қадриятларга, қонунларни ҳурмат қилишга, қонун устуворлигига, адолат тамойилларига таяниш ҳамда инсонни эъзозлаш, унга энг олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш маданияти миллий ғояга бўлган дахлдорлик ҳиссини ривожлантиради.

Шу маънода миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир. Миллий ўзликни англаш эса, миллат ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий меросга, урф-одат ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишидир.

Маънавиятли шахс – деганда қонун устуворлигига, адолат принципларига амал қиладиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига таянадиган, инсонийликни қадрлайдиган, ўзлигини англаган, инсон қадр-қимматини энг олий қадрият деб биладиган, қалбан уйғоқ, мустақиллик тафаккурига, интелектуал салоҳиятга эга бўлган инсонни тушуниш мумкин. Шахснинг энг муҳим белгиларидан бири, унинг ўзини у ёки бу миллатга мансублигини ва фуқаролигини англаб етишидир. Яъни, унинг ўзини муайян миллатга мансублигини ҳис этиши орқали миллий ўзлигини англаши, миллат манфаатларини тушуниб етишидир. Уларнинг заминида эса миллат вакилларининг маънавий-аҳлоқий ва интелектуал салоҳияти билан шакллантирилган миллий ғояси туради. Шу тариқа, миллий ўзликни англаш, миллий ғоя ва шахс маънавияти ўзаро миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Шунингдек, жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Уларнинг муҳим жиҳати шундаки: биринчидан, инсонларнинг ижтимоийлашувига шахс тариқасида ривожланишига; иккинчидан, шахсларнинг маънан юксалишига; учинчидан, ўзаро жипслашган инсонлар жамиятининг шаклланишга хизмат қилади.

Маънавиятли шахслар давр билан ҳамнафас ҳаёт кечирадилар. Ф.Эргашев ва И.Эргашевлар тўғри таъкидлаганларидек, «Шахслар давр мазмунига ва унинг ўзгаришига, жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатадилар»[1]. Шу маънода бугун турли таҳдидлар таъсирида миллатнинг ўзлигидан бегоналашуви кучаяётган шароитда унинг вакилларининг шахс даражасидаги муҳим мезони миллий – маънавиятини асраб қолишга қўшадиган ҳиссасида ўз ифодасини топади. Миллий маънавият дурдонларидан маҳрум бўлган, миллий ўзлигидан бегоналашган бирорта инсон тўлақонли шахс даражасига кўтарила олмайди. Шундай қилиб, ана шу икки омилни ривожлантириш давр нуқтаи назаридан шахс маънавиятининг мезони сифатида миллий тараққиётдаги муҳим вазифа сифатида тобора долзарблашиб бормоқда. Чунки улар миллий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари бўлиб, миллат вакилларини чинакам шахс даражасига

[1] Эргашев Ф., Эргашев И. Фидойилик – ҳаёт мазмуни. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 48 б.

кўтарилишидаги муҳим омиллар ҳисобланади. Миллат вакилларининг ҳаммаси ҳам миллатнинг «шахс»и даражасига кўтарила олмайди, фақат унинг маънавий салоҳияти ўз миллати заминлари билан уйғун равишда ривожланган қисмигина ана шу мақомга эриша олади. Миллий ғоя, ўзликни англаш ва юксак маънавиятли шахс тушунчалари ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда миллий тараққиётни ҳаракатга келтириб турадиган омил сифатида намоён бўлади.

Жамият ўз ривожининг барча босқичларида маънавий-ахлоқий қоидалар ишлаб чиққан ва улардан фойдаланиб келган. Маълумки, инсоннинг ривожланиши учун ахборот жуда зарур. Шунинг учун ҳам ахборот – энг мухим ҳаётий зарур элементдир. Ахборот маънавият ва ахлоққа бўйсунувчи тушунча ҳисобланади. Яъни, ахборот шахс маънавиятини ва ахлоқни бойитади, уни ўзгартиради. Инсон ижтимоий турмуш тараққиёти асосида ахборотга таянилган маънавият ва ахлоқ ётади. «Ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омиллар бўлиб, бу билимларни қайта баён этиш»[1] шакли ҳамдир.

Жамиятда маънавият ва ахлоқнинг маъно ва моҳиятини англаб етмасдан туриб, уни тушуниб бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам англаб олинган ахлоқ кейинги босқичда тушуниш ҳолатига киради. Аввало ҳар бир шахс, ахлоқнинг маъно ва моҳиятини тушуниб етгач, унинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тўғрисида фикр билдиради ва маънавиятини бойитади. Инсон томонидан ўзлаштириб олинган билимларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига, хоҳиш-истакларига, бир сўз билан айтганда ҳаётий манфаатларига мос тушса, ана шунда шахсларда ўзлаштириб олган билимларни турмушга татбиқ этиш истаги ҳосил бўлади.

Жамиятни ахборотлаштириш инсонларда ижодий яратувчилик қобилиятини юксалтириш имконини беради. Ҳеч бир шахс маънавиятли бўлиб туғилмайди. Маънавият ва ахлоқ ҳаёт жараёнида, яъни амалий фаолият натижаси сифатида ҳосил бўлади. Бугунги кунда ёшлар онгида янги ахборотларни билиш ва ўрганиши натижасида ҳосил бўлган билимлари узоқ давом этадиган мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, у билмасликдан билишга қараб боради. Ҳозирги кунда ахборотларнинг кўпайиб бориши билан бирга ёшларда маънавият масаласи кун тартибида биринчи ўринга чиқмоқда. Ахборотлаштириш жараёнлари айниқса, информацион-коммуникация технологияларининг ривожланиши даврида ахборот ва маънавият муносабатларини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Давронов З. Илмий ижод методологияси. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2007. 180-бет.

2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қайта ишланган янги нашри. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2016. – 446 б.

[1] Давронов З. Илмий ижод методологияси. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2007. 180-бет.

3. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. -138 б.
4. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. -496 б.
5. Холбеков А., Идиров У. Социология. (Изоҳли луғат маълумотнома). Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999. -168 б.
6. Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. Мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ЕНК, 2002. -270 б.
7. Эргашев Ф., Эргашев И. Фидойилик – ҳаёт мазмуни. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 48 б.

## ZAMONAVIY TA’LIM PSIXOLOGIYASI ASOSIDA YOSHLAR VA OILA PSIXOLOGIYASI

*Suvonkulova Z.M.*
*Samarqand viloyati Toyloq tuman 23-maktab psixologi.*

Mustaqil, Jannatmakon, Ona- Vatanimiz O’zbekistonimizda zamonaviy ta’lim psixologiyasi asosida “Psixologiya” fani haqida yoshlarimiz Jahon miqyosida raqobatlasha oladigan, kerak bo’lsa yuqori muvaffaqiyatlarga erisha oladigan mustaqil bilimga egalar. O’zbekistonlik yoshlar Psixologiya fanlarini Germaniya, Turkiya, Rossiya,Pol’sha,AQSH va Angliya kabi davlatlari o’rtasida o’zlarinig bilim darajalarini zamonaviy ta’lim psixologiyasiga bo’lgan qiziqishlari, qobiliyatlari, iste’dodlari, iqtidorlarini “Xalqaro Psixologiya Sammitida” o’zaro fikr almashishda namunali bilimga egalar. Biz O’zbekistonlik pedagog va psixologlar o’z Ona Yurtimizni kelajagini ongli fikrlaydigan yoshlarni bilimli, iste’dodli, iqtidorli, qobiliyatli hamda O’zbekistonimizga sodiq hizmat qiladigan yetuk kasb egalari etib ta’lim-tarbiya berish burchimizdir.Ana shunday burch biz pedagog va psixologlarni zamonaviy ta’lim psixologiyasiga o’z hissamizni qo’shishga undaydi va doimo Ona Vatanimiz O’zbekistonimiz uchun muvaffaqiyatlar, olg’a intilishlar, ulkan rivojlanish sari intilib yashaymiz. Mana shunday intilishlar bilimga chanqoq yoshlarimizni “Psixologiya” faniga bo’lgan qiziqishlari ortsa ortadiki, doimo izlanishda, bilimga va kasbga ega bo’lishdek ma’suliyat rivojlanaveradi. Bilim olishda rivojlanish esa yoshlarimiz uchun kuch-quvvat, mehnat, doimo muvaffaqiyatlar sari intilib yashashni o’rgatadi. Inson yashash uchun “ Tinchlik “ sari bilim olib, kasb egallab, o’z Ona Vatanlari uchun hizmat qilishdek buyuk vazifalarni bajarishadi.

Psixologiya fani bizga nima beradi ? Ushbu savolga albatta biz pedagog va psixologlar javob bera olamiz. Psixologiya fani yoshlarimizni shijoatli, bilimli, o’zida “ MEN” tushunchasini shakllantirib o’z ichki dunyosini ongli fikrlashni, o’zi sevgan kasbni egallab Mustaqil Vatanimiz uchun hamda Ota-onasiga hizmat qilishni, oilasi uchun kerakli inson ekanligini o’rgatadi. Psixologiya fani yoshlarimizni doimo to’g’ri yo’ldan yurishga, ko’proq kitob o’qishga, doimo izlanishda va rivojlanishga undaydi. Biz pedagog va psixologlar mana shunday

unumli vaqtlardan unumli foydalanib, yoshlarimizga “Psixologiya” darsligini maktab davridanoq ta’lim-tarbiya berishni afzal ko’ramiz.

Hozirgi zamonaviy ta’lim psixologiyasi asosidagi davrda har bir pedagog va psixolog har bir o’quvchiga ta’lim-tarbiya berar ekan, avvalom bor tarbiya jaroyonida o’quvchilarga hurmat,e’tibor,mehr, yordamlashish kerak vaqtda o’quvchini “siz” deb munosabat ko’rsatilib, ularni Mustaqil O’zbekiston Ona Vatanimizga sadoqatli fuqaro etib voyaga yetqazish biz pedagog va psixologlarning vazifamizdir. Pedagog va psixologlarning o’quvchilarga bo’lgan ijobiy munosabatlari albatta ularni kelajakda yetuk inson, o’z Vataniga xizmat qilishdek ma’suliyatni o’z vazifasi deb biladigan his-tuyg’ularni shakllantiradi.O’quvchilardagi ana shunday ijobiy hislatlar ularni bilim olishga va hayotda o’z o’rinlarini topishga undaydi. Men psixolog faoliyatimdagi davrda har bir o’quvchini kuzatib, ularni o’rganayotgan vaqtda shu narsa ma’lum bo’ladiki,o’quvchilar tasavvurida 11-yillik ta’limni tugatgandan so’ng, o’quvchilar go’yoki katta hayotga qadam qo’yayotgandek, o’zlarini tasavvur etishadi.Ular hali bilishmaydiki, o’ylayotgan narsalari huddi bolalik davrdagi o’yinqaroqlik ekanligini, o’zlari sevgan kasbni egallamasdan, hayotda o’z o’rnilarini kasblarisiz tasavvur qila olmasliklarini tushunib yetishmaydi. Sababi nimada har bir o’quvchi o’zi haqidagi shaxs bo’lib shakllanmaganlikdagi,bu haqdagi bilimlarni yetishmasligi, ya’ni maktablarda insonning ozi haqidagi,uning ichki dunyosi, ruhiyati haqidagi bilimlarni beruvchi “Psixologiya” darsligining yo’qligidadir.Yana bir jihati shundaki, o’smir yoshidagi o’quvchilarning hayotda o’z o’rinlarini iqtisodiy, ya’ni hech bir insonga qaram bo’lmasdan,oilasiga kerakli insonga aylanishi, ijtimoiy, ma’naviy, eng asosiysi madaniy jihatdan oilaviy hayotda kerak bo’ladigan bilimlarni beruvchi “Oila psixologiyasi “ darsligining maktab ta’limiga yo’qligidadir.

Agarda maktab davridanoq o’quvchilarga “Psixologiya “ va “Oila psixologiyasi “ darsliklaridan o’quvchilarga ta’lim-tarbiya bersakgina, o’quvchilar o’zlarining ichki dunyosini chuqur o’rganib, hamda yetuk shaxs sifatida tasavvur etib, kelajaklarini ongli yaratib, katta bo’lg’usi oilaviy hayotda o’z o’rinlarini iqtisodiy,ijtimoiy, ma’naviy va madaniy jihatdan hech bir insonga qaram bo’lmasliklari haqida tushuncha va bilimlarga kengroq va ongli fikrlaydigan yoshlarni Vatanimizga sadoqatli etib tarbiyalay olamiz degan fikrdaman. Zamonaviy ta’lim psixologiyasi asosida yoshlarni Ona Vatani bu-“Oila” degan muqaddas dargohni poydevorini mustahkam yaratish juda muhimdir. Zamonaviy ta’lim psixologiyasi yoshlardan bilim, iqtidor, iste’dod, qiziqish, qobiliyat, kuch va tafakkur hamda kelajakda o’z ornini sevgan kasbini egallash hamda oila qurish uchun mustahkam poydevor qo’yayotgan yoshlarni talab etadi.

Biz yashayotgan Mustaqil Ona Vatanimiz-O’zbekistonimiz uchun zamonaviy ta’lim psixologiyasi asosida yoshlarimizni kelajagini zamon talablariga javob bera oladigan, kerak bo’lsa Jahon miqyosida o’zbek ta’lim psixologiyasi hamkorligida doimo muvaffaqiyatlarga erishish maqsadimizdir. Bugungi zamon yoshlarimizni kuchli bilim olishga, kasb egallash uchun harakatni, Vatanimiz uchun hizmat qilishni, Vatanimizni har kun, har soat qo’riqlashni, o’z sevgan kasbini puxta egasiga aylanishi, o’z oilasini kerakli insonga aylanishini, sog’lom va teran

fikrlashini yaratib bermoqda.Mana shunday bugungi zamon psixologiyasi asosida berilayotgan imkoniyatlardan yoshlarimiz unumli foydalanib kelishmoqda.

"O'ila psixologiyasi" fanining maqsadi – oila psixologiyasiga doir eng muhim bilimlarni berish va ular asosida tegishli malakalar, ko'nikmalarni shakllantirib, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashdir.

Hozirgi zamonaviy davrda "Yoshlar o'rtasida erta turmushni oldini olish, erta turmushning salbiy oqibatlari, erta turmushning muammolarini yechishda ta'lim muassasalari va oilaning hamkorligi asosida olib borilayotgan vazifalarning barchasi yoshlarning kelajagini mustahkam poydevor asosida yaratishni talab etib, yosh avlodga etqazib berishdan iborat.

Hozirgi davrda erta turmush global jamoatchilik muammosi hisoblanadi.Ushbu muammolarni bartaraf etishda bugunning zamonaviy ta'lim psixologiyasi asosidagi yoshlar va oila psixologiyasining muhim vazifalaridan biridir. Rasmiy statistik ma'lumotlarga qaraganda, shifokorlarning tavsiyasiga binoan 17-18-yoshli qizlar ona bo'lishga ma'nan va ruhan, jismonan, organizmning turli morfologik, fiziologik jihatdan tayyor emasligi, psixologlar tavsiyasiga binoan nihoyatda erta (17-18-yoshda) oila qurish maqsadga muvofiq emas.Nihoyatda erta yoshda oila qurish va ikkisini ham yoshi 17-18 yosh bo'lishi, yigitning oila boshlig'i sifatida shakllanishida salbiy ta'sir qilishi mumkin.Yosh qizlarning ham erta (17-18- yoshda) turmushga chiqishi va ularning oilaviy hayotga tayyor emasligi turli salbiy holatlarda olib kelmoqda.

Birinchidan, milliy udumga ko'ra, ko'pchilik kelinlarning oiladagi mavqeyi past darajada ega bo'ladi va ular ko'proq har xil oilaviy ishlarni bajaradilar.Tabiiyki 17-18-yoshli qizlarning jismi hali bunday og'ir ishlarni bajarishga tayyor bo'lmaydi.

Ikkinchidan, qizlar bu yoshda ma'naviy jihatdan ham oila munosabatlarida tayyor bo'lmaydi.Yosh qizlarning o'z qadri, huquqlari va o'zini-o'zi himoya qilish tushunchalarini anglab yetmaganligi, kasb-hunar egallamasdan, bilim olmasdan,mutaxassislikka ega bo'lmasdan oila qurishi ularning qaynota, qaynona va erlariga iqtisodiy jihatdan qaram holda yashashmoqda.Ayrim oilalarda aynan iqtisodiy qaramlik tufayli kelinlar yosh bolasi bilan kamsitilmoqda, tazyiqqa uchramoqda. Shuning uchun qizlarning biron hunar yoki mutaxassislikka ega bo'lganidan keyingina turmushga chiqishlari maqsadga muvofiqdir.

Erta turmush qurish muammolarini yechishda ta'lim muassasasi hamda oila hamkorligida, aholining nikohdan yoshi kuzatilganda, ularda 25-26-yoshdan boshlab, iqtisodiy jihatdan mustaqil bo'lib, o'zini ta'minlay olgandagina nikohdan o'tib, farzandli bo'lganligi ma'lum bo'ldiyu bu holat aholini o'sishini sifatini yaxshilaydi va iqtisodiy taraqqiyotga, yoshlarning intelektual o'sishiga ta'sir o'tqazadi.Yuqoridagilarni hisobga olib, bizning sharoitda yosh qizlarning to'liq balog'atga yetishi 25-26-yoshlarda to'g'ri keladi deyish mumkin.

Mening psixolog sifatida 12 yillik faoliyatimdan kelib chiqib, shuni tavsiya etamanki, har bir o'quvchi o'zi haqidagi bilimlarni, uning ichki dunyosi, "Men" dagi men, ya'ni o'zini ongli tasavvur etish uchun "Psixologiya" va "Oila psixologiyasi" darsliklarini maktab davridanoq o'rganmas ekan, u yetuk inson sifatida, hayotda o'z o'rnini egallagan buyuk inson sifatida tasavvur eta

olmaydi.Nima sababdan, hozirgi zamonaviy davrda yoshlarimiz o'rtasida turli xil nizolar, tushunmovchiliklar va salbiy odatlar avj olayotgani, ularda o'z vaqtida bilimlarni egallamaganliklaridadir. O'z vaqtida olingan bilim, albatta har bir o'quvchini ongli fikrlashga, sevgan kasbisiz hayotlarini tasavvur eta olmasliklari haqida tasavvurlarni, hech bir insonga qaram, tobe bo'lmasdan yashashga undasa, albatta kelajakda o'z oilasi va Vatani uchun bor kuch-bilimlarini sarflab hizmat qiladi.

Albatta har bir o'quvchi "Psixologiya" va "Oila psixologiyasi" fanlaridagi bilimlarni maktab davridanoq egallab, o'z kelajaklari haqida ongli qayg'urib, o'zlari sevgan kasblarini egasi bo'lib, oilaviy hayotga muloqot madaniyati va iqtisodiy jihatdan hech bir insonga qaram bo'lmasdan hamda oilalari uchun kerakli insonga aylanishlarini ongli tasavvur etayotgan yoshlarimiz ta'lim-tarbiya berish biz pedagog va psixologlarning burchimiz va vazifamizdir.

Hozirgi zamonaviy ta'lim psixologiyasi, ya'ni "Psixologiya" darsligi o'quvchilarga " Men" tushunchasini, insonning hayotni ongli tasavvur etishi, kitobsiz bu hayotni tasavvur eta olmasliklarini, kasbsiz inson yashay olmasligini, bu hayotni bilimsiz tasavvur eta olmasliklarini, mehnatsiz, mehr-oqibatsiz yashay olmaslikligini, hurmat-e'tiborsiz yashay olmasliklarini hullas yashash uchun barcha ehtiyojlarni o'z vaqtida anglashni o'rgatadi degan maqsad bilan biz pedagog va psixologlar ana shunday vazifalarni o'z oldimizga qo'yganmiz.

Hozirgi zamon "Psixologiya" fani biz pedagog va psixologlardan shuni talab etadiki, o'z vaqtida maktablarda o'quvchilarni ushbu darsliklar bilan ta'minlashdir. "Oila psixologiyasi" darsligiga kelsak, yosh avlodni mustahkam poydevor asosida oilaviy hayotga tayyorlashdir. Ushbu darsliklar asosida biz pedagog va psixologlar har bir o'quvchilarni mustaqil bilim olishlariga, o'zlari sevgan kasbni egallashlariga, hayotda doimo intilib, qiziqib yashashdek tasavvurlarini boyitib, bu hayotni o'zlari yashayotgan Mustaqil O'zbekiston Vatanimizni Jannatmakon Vatanga aylantirishni maqsadlari etib tarbiyalash burchimizdir.

Men psixolog sifatida shuni o'ylaymanki albatta, Mustaqil O'zbekistonimiz doimo rivojlanishda, zamonaviy ta'lim psixologiyasida o'z hissalarini qo'shib, darsliklar albatta maktab davridanoq yoshlarimiz kelajagi uchun yo'lga qo'yiladi. Darsliklar o'quvchilar uchun zamonaviy bilim yangilik bo'lib, quvonchlariga quvonch qo'shiladi, chunki ular oldin "Psixologiya" va "Oila psixologiyasi " darsliklarini ko'rishmagan, ko'rishganida esa benihoya quvonchlarini yashirmay izhor qilishadi. Chunki hozirgi zamonaviy yoshlarimiz o'qilgan darslikni o'qishgan, kitob o'qishni juda ham yahshi ko'rishgani uchun yangi darslik esa ular uchun qiziqarli va quvonchli daqiqalar hisoblanadi.Mana shunday quvonchli daqiqalar yoshlarimizni tark etmasin, doimo izlanishda kitobga bo'lgan qiziqishlari ular uchun muvaffaqiyatlarni olib kelsin. Muvaffaqiyatlar esa Vatanimiz yutug'iga yutuqlar qo'shaverish biz pedagog-psixologlar va yoshlarimizning burchimizdir.Burch- insonning ma'suliyatli vazifalaridir. Burch, ma'suliyat, bilim, kasb - insonning ko'rkidir. Inson tirik ekan kasbsiz, mehnatsiz, bilimsiz, kitobsiz, tinchliksiz hayotini tasavvur eta olmaydi. Tinchlik- bebahodir, tinchlik insonlarni hotirjamlikka undaydi, hotirjamlik esa Ona yurt uchun katta sog'liq, boylik, muvaffaqiyat olib keladi. Har bir yoshning, insonning sog'ligi uning olgan

bilimidadir.Bilim insonni ezgulikka, yaxshilikka undasa, inson doimo o'z Vatanini obro'sini yuksak yutuqlarga erishishiga ko'mak beradi. Biz psixolog va psixologlar doimo zamonaviy ta'lim psixologiyasi uchun izlanishdan yutuqlar sari intilib yashaylik. Yoshlarimizga kuch-quvvat, sog'liq-omonlik, tinchlik-hotirjamlik, kasbga bo'lgan qiziqishlari hech qachon tark etmasin. Yoshlar bizning kelajagimiz, ularni asrab-avaylash ham biz pedagog-psixologlarning burchimizdir.Yoshlarimiz doimo sog' va omon yashab, bilim olishda intilib yashash odat va burchlaridir.

## SAID AHMADNING "TO'LQINLAR" HIKOYASIDAGI QAHRAMONLAR TIMSOLI

*Sulaymonova N.I.*
*Farg'ona viloyati, Marg'ilon shahar XTB tasarrufidagi*
*1-umumta'lim maktabi o'qituvchisi*

Barchamizga ma'lumki, urush ne-ne oilalarni baxtsizlikka mahkum etgandir. Onadan farzandni, farzanddan otani, ayoldan erini ayro qilgani ayni haqiqatdir. Urush haqida ne-ne asarlar bitildi, dostonlar kuylandi. Uning o'tkir tig'i hali-hanuz kishilar qalbini o'rtab kelmoqda. Ana shunday voqealar haqida hikoya qiluvchi mukammal asarlardan biri "To'lqinlar" hikoyasidir. Bu asar qisqagina hikoya bo'lsa-da, kitobxon qalbida o'chmas iz qoldira oladi.

Said Ahmad Husanxo'jayev ana shunday betakror asarlar muallifidir. Adibning hikoyalarida Oybekning psixologik tasvir mahorati, G'afur G'ulomning yumori, Abdulla Qahhorning bayondagi lakonizmi mujassamdir. Said Ahmad juda sermahsul ijodkor. Adib ko'p yozsa-da, xo'b yozganlardan edi. Darhaqiqat, Said Ahmad o'zida uch bobokalon qalam ustasining ijodiy tajribasini saqlagan buyuk ijodkor edi.

Said Ahmad – o'tkir kulgi ustasi. Bu xususiyat uning barcha janrlardagi asarlariga ko'chgan deyish mumkin. Said Ahmadning shaxsiy hayoti ancha murakkab bo'lgan. U 1947-yilda "xalq dushmani" sifatida ayblanib, nohaq qamoqqa olingan, bir necha yil qatag'on jabrini tortgan edi. Shunga qaramay u chekinmadi. 1953-yildan so'nggina oqlandi. Biroq bu azoblar sevimli yozuvchimiz ruhini, qaddini buka olmadi. Oradan yetti yil o'tib, "To'lqinlar" hikoyasini yaratadi. Said Ahmadning barcha hikoyalari zamonaviy mavzuda yozilgan. U hikoyalarida tasvirlaydigan har bir voqeadan falsafiy umumlashma chiqarishga, voqealarni lirik ta'sirchanlik bilan ifodalashga, badiiy priyomlarning xilma-xilligiga erishishga intildi. Shu sababli ham Said Ahmad O'zbekiston xalq yozuvchisi, Hamza mukofoti sovrindori bo'lgan.[1]

Asarda O'sarboy va Jo'raxon sadoqati shunday tasvirlanaganki, yorga sadoqatni aynan shu asar qahramonlaridan o'rganish hamma insonga burchdir. Jo'raxon frontga ketgan turmush o'rtog'i O'sarboyni intiq kutadi. Nafaqat o'zini, balki butun qishloq ayollarini himoya qiladi, nomuslarini saqlaydi. Lekin taqdirda shunday qismatlar borki, insonlarga saboq bo'lib qoladi. Insonlar bunday qismatlardan hayratlanadi, yuragi achishadi. Jo'raxon vafo bilan O'sarboy

Omonboyevni kutdi. O‘sarboy Omonboyev dushmanning uch tankini mag‘lubiyatga uchratgan qahramon. Uning nomi juda mashhurdir. Said Ahmad O‘sarboy Omonboyev haqida ocherk yozishga qaror qilib uning qishlog‘iga boradi. O‘sarboy Omonboyev va Jo‘raxon haqidagi hikoyalarni tinglaydi. Qalbi ozorlanadi va “To‘lqinlar” hikoyasini yaratadi. Asar boshlanishida shunday satrlar mavjud borki, kishini o‘ziga bog‘lab oladi: “...Yigitlar frontda jon olib, jon berayotgan og‘ir kunlar edi. Dala ishlari ayollarga qolib ketgan, hammasi tajang, hammasi asabiy edi. Ularning intizor ko‘zlari front yo‘lida, qo‘llari mehnatda, frontchilarni zoriqtirmaslik, dushmanni tezroq yakson qilish uchun tinimsiz ishlar edilar. Stalingrad ostonalaridagi janglarda dushmanning uchta tankini yondirgan qahramon O‘sarboy Omonboev oilasi haqida ocherk yozish uchun xuddi shu yo‘ldan yurib qishloqqa kelgan edim…”

Asarda Jo‘raxon shunday ayol sifatida tasvirlanganki, uning fidoyiligi kishini hayratga soladi. Jo‘raxon qishloqdagi barcha ayollarning nomusini himoya qiladi. Lekin taqdirning izmi bilan u O‘sarboy Omonboyev bilan qayta uchrashishga nasib etmaydi. O‘sarboy Omonboyev frontdan kelishidan olti oy burun Jo‘raxon qazo qiladi. O‘sarboy Omonboyev esa bir umr uylanmaydi. Bu asarda haqiqiy muhabbat va haqiqiy vafoni his eta olamiz. Bu asar bugungi kun uchun juda ahamiyatlidir. Kishining qalbini o‘rtaydi. Uch-to‘rt sahifa orqali kitobxon o‘ziga qancha narsa olishi mumkin bo‘lgan asar.

Said Ahmad tengi yo‘q ijodkordir. Uning hikoyasi bo‘ladimi, romani yoki pyesasi bo‘ladimi hayotning barcha tomonlarini qamrab olganligi bilan ham ahamiyatlidir. Uning asarlarida haqiqat bor va u achchiq tarzda namoyon bo‘ladi. Reallik hayotning tashvishlari bilan qorishib ketadi. Shuning uchun ham Said Ahmadning asarlari hamisha barhayotdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Mirvaliyev S., O‘zbek adiblari Toshkent: Fan – 1993. –B., 68-69
2.Said Ahmad. Tanlangan asarlar. I jild. Toshkent: Sharq – 2000.

## ТАЛАБАЛАРДА ХАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ПСИХОКОРРЕКЦИОН ДАСТУР

*Сулейманова Т.Г.*
*п.ф.н. Андижон Давлат Университети*

Талаба ёшлар хар қандай давлатнинг эртанги кунги тараққиёти ва равнақини белгилаб берувчи жамият аъзоларидир

Замонавий беқарор жамиятнинг энг мухим вазифаси ҳар бир шахснинг хаётий қадриятларини шакллантириш орқали жамиятни барқарорликка ва ижтимоий инқирозларни олдини олишга ёрдам берадиган ижтимоий қадриятлар тизимини англаш ва ривожлантиришдир.

Шу муносабат билан хаётий қадриятларни ўрганиш вазифаси - замонавий ёшларнинг жамиятнинг махсус демографик гурухи сифатида

хаёти ва хулқ-атворига оид масалалар тизимида долзарб бўлиб қолмоқда. Жамият ва давлатнинг истиқболи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши ёшлар мухитида қандай манфаатлар, қарашлар, қадриятлар хукм сураётганига боғлиқ.

Психологик коррекцион ишлар талабанинг хатти-ҳаракатларини ижтимоий меъёрларга мос келиши ёки келмаслигини тахлил қилиш асосида олиб борилади, яъни фаолият мақсадини аниқлаштириш мақсадида ўтказилган психологик диагностика натижалари асосида ташкил этилади.

**Коррекион ишларнинг асосий вазифалари**.

Талабанинг ўқув жараёнидаги муаммоларини хал этишига ёрдам бериш;

Талабанинг атрофдаги ижтимоий мухит ва ўзига нисбатан муносабатларининг ўзгартириш;

Юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтишда талабада ижтимоий адаптив кўникмаларни шакллантириш

Талаба муаммоларини ҳал этишда ёрдам бериш ; (1,4,5,8)

Талабалар билан олиб бориладиган психокоррекцион дастурларга қуйидаги талабалр қўйилади (8)

1. Коррекцион ишларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги

2. Коррекцион ишлар мақсадини аниқлаштирувчи аниқ вазифаларнинг қўйилиши

3. Коррекцион ишлар метод ва услубларининг аниқлаштирилиши

4 Зарурий материаллар ва жихозларни тайёрлиги

6.Коррекцион ишлар давомийлиги вақтини аниқлаштирлиши.

7. Коррекция кунлари вақтини аниқлаштириш ( масалан хар куни. Хафтада 1 ёки 2 маротаба ва х зо)

8.Хар бир коррекцион машғулотнинг давомийлигини аниқлаштирилиши ( 10-15 минутдан дастурнинг биринчи машғулотларда 1,5-2 гача).

9. Коррекцион дастурнинг умумий ва ҳар бир машғулотнинг алохида сцанарийсини ишлаб чиқиш

10.Коррекцион дастурнинг олиб борилишида зарурат бўлганда бошқа шахслар иштирокини таъминлаш (тиббиёт ходимлари.ижтимоий хизмат ходимлари, ота оналар ва бошқалар )

11. Дастурнинг бажарилиши бўйича қайтарма алоқани олиб борилиши

12. Коррекцион дастур давомида зарурий вазиятларда ўзгартиришлар киритиш..

13. Ўтказилган дастурнинг натижавийлигини бахолаш

Коррекцион дастур якунланган сўнг талаба психик жисмоний,хулқий,хиссий иродавий сохаларидаги ўзгаришларни аниқлаш имконини берувчи такрорий психодагностикани ўтказилиши

Такрорий психодиагностика натижалари асосида амалга оширилган коррекцион дастурнинг натижавийлиги асосида келажакдаги коррекцион ишлар режалаштирилади.

**КОРРЕКЦИОН ДАСТУРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ.**

- **Дастурнинг тузилиши**:

• ташкилий (диагностик) босқич - ўқувчилар томонидан ўзи тўғрисида маълумот олиш ва тушуниш.

• Фаолият блоки, бир неча босқичлардан иборат:

• коммуникатив - алоқа кўникмаларини ривожлантириш;

• шакллантирувчи - ўзи ва бошқалар билан муносабатларнинг янги турини қуриш;

• Қайд этиш

• янги ижобий алоқа тажрибасини ўзлаштириш ва салбий жавоб бериш усулларидан халос бўлиш. Аналитический этап – якуний, иш фаолиятини таҳлил қилиш, дастурни тузатиш.

• Дастур талабанинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва муаммоларни ҳал этадиган шахслараро алоқа машқларига асосланган ўқув машғулотлари шаклида қурилган:

• ҳиссий стрессни олиб ташлаш;

• тажовузкорлик ва муросасизликнинг олдини олиш;

• гуруҳда алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;

•гуруҳлараро алоқада барқарор яхши кайфиятни сақлаш;

•- кашфиёт ва ишонч ҳиссини, ўзини ўзи қадрлашни ва бошқаларнинг қадр-қимматини хурмат қилиш қобилиятини ривожлантириш;

•- ўз халқига ижобий муносабатни шакллантириш;

•- ўз-ўзини хурмат қилишнинг ўсиши;

•- ижтимоий алоқаларни ташкил этувчи алоқа кўникмаларини ривожлантириш;

•- миллатлараро муносабатларда маданиятлараро тушуниш ва бағрикенглик хулқ-атворини тарбиялаш.

Дастур 24 та тренинг учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳар бири 1-2 академик соатдан ибора. Тренинг машгулотлар Ҳафтада 1-2 марта 8 – 12 нафар талабалардан иборат бўлган гурухлар билан ўтказилади.

Дастур модулли асосда ишлаб чиқилган. Ҳар бир модул мақсад ва вазифаларга эга. Дастурда машқлар, ўйинлар, вазифалар, рол ўйнайдиган ўйинлар, диагностика техникаси батафсил тавсифи берилган

Ўқув машғулотларини ўтказиш учун моддий-техник жиҳозлар:

- мултимедиа ускуналари;
- мусиқа маркази;
- бадиий материаллар: қоғоз, бўёқлар, рангли қаламлар, қаламлар, рангли қоғоз, картон, элим ва бошқалар.

Машқлар ва ўйинларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: хурмат ва ўзига ҳурматни ривожлантириш, ички ташвишларни энгиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ишонч ва ишончни ривожлантириш, рақобатсиз муваффақият қозониш, буларнинг барчаси мактабда зарурлигига ишониш.

Муҳокама тугагандан сўнг, тренер якуний хулоса чиқариб, талабаларнинг эътиборини фидойи, алтруистик ҳаракатларни амалга оширишнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига қаратади. Тренер саволни муҳокама қилиш билан машғулотларни тугатишни таклиф қилади

Жавоблар флипчатга алохида ёриштирилиб қайтма алоқа сифатида тренинг олинган тааъсуротлар билан ўртоқлашадилар. Тренинг жараёни натижалари бўйича ўз фикр ва мулозаларини айтадилар

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1.Barotov SH.R. Ta’limda psixologik xizmat asoslari. Monografiya. T. Ma’naviyat.1999 y.

2.Винер Дж., Майзен Р., Дакхем Дж. Супервизия супервизора:
практика в поиске теории. М.: Когито-Центр, 2006.

3. Дубровиной. М Практическая психология образования/Под
ред. И. В.., 1998

3..Нельсен-Джоунс Р. Теория и практика консультирования.
СПб.: Питер, 2000.

4..Мачурова, Надежда Николаевна Жизненные ценности в понимании студентов автреферат кан дисс, Санкт-Петербург 2000

5.Мерзлякова, Светлана Васильевна Психологические особенности ценностных ориентаций современных студентовт автреферат кан дисс 2006, Астрахань

6 Nishanova R.S. Do’stmuxamedova SH Pedagogik psixologiya Toshkent. SHarq 2011

7..М. Рокич “ Психологическая диагностика ценностных ориентация. М Владос 2001 г

8 Степанова Н.В., Усынина Т.П. Ценностные ориентации в жизненных сферах студентов медицинского вуза // Современные проблемы науки и образования. – 2016. – № 6.;

9Коваль Н Ценностные ориентации современных студентов М Просвешение 1996

9.“Ta’limda zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalari: muammo va yechimlar” mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to’plami

10 Жизненных ценностей и моральных принципов молодежи // Международный студенческий научный вестник. – 2017. – № 6.;

11..Ғозиев Э.Ғ. Олий таълим психологияси Ношир 2010

**Интернет ресурслари**

http://www Lex o’z

http://www.psychology-online.net

http://www.mediasphera.ru/journals/practik/1/253/

http://flogiston.ru/

http://www.koob.ru

# ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШЛАРИНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

*Сулетбаева Э.С.*
*Қорақалпоғистон Республикаси ХТХҚТМО минтақавий маркази катта ўқитувчиси*

Ҳозирги вақтда оилага қўшилиш маънавий ва жисмоний омон қолиш учун зарурий омил бўлиб қолмади. Шахс оиладан нисбий мустақилликка эга бўлди, оилавий муносабатларни идрок қилиш табиати ўзгарди. Виржиния Сатир таъкидлаганидек, оила қуриш дунёдаги энг қийин иш бўлиб ҳисобланади [2]. Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётга тайёргарлик ҳатто давлат даражасида жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5325-сонли Фармонида бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосий вазифалар сирасига киритилган. Фармонда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-аҳлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган [1]. Давлатнинг мазкур соҳадаги вазифалари оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатлар ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қурилишини, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифаларни мукаммал бажарилиши учун билим, тажриба, ўгит, тавсиялар зарурлиги, шубҳасиз.

Оила муносабатларининг барқарорлиги кўпчилик жихатдан, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлигига боғлиқ бўлиб, бу эрда никоҳга тайёр бўлиш шахснинг ижтимоий-психологик муносабатлари тизими сифатида тушунилади, бу оилавий турмуш тарзига ҳиссий жиҳатдан ижобий муносабатни белгилайди. Болалар ва ўспиринларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик кўриш ишларининг пастлиги сабаби шундан иборат, сўнгги йилларда, Э.Г. Силяеванинг фикрича, кўплаб замонавий қизлар учун оналик оила ва турмушнинг алоҳида атрибути сифатида қабул қилинмайди. З.Г.Костяшкинанинг фикрича, «жинсий таълим ахлоқий тарбиянинг алоҳида қисмидир. Унинг ўзига хос мавзуси - бир жинсдаги одамнинг бошқаси билан муносабатларини тарбиялаш ва шу билан боғлиқ бўлган ўзини тута билиш ва ўзини назорат қилишни билишнинг мураккаб ва нозик маҳоратидир»[3].

Л.Б. Шнейдернинг фикрига кўра ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги асосий қийинчиликлар қуйидагилар билан боғлиқ:

- оилавий ҳаётга тайёрлик мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари билан;

- тайёргарлик натижаларини кузатишда қийинчиликлар билан; [4]

Бинобарин, оилавий ҳаётга тайёргарлик умуман ёшларни комплекс ижтимоийлаштириш ва тарбиялаш муаммосини ҳал қилади. Ушбу масалани ҳал қилишда асосий муаммо шундаки, айни вақтда умумтаълим мактабларида ушбу вазифани бажарадиган аниқ мустақил фанлар йўқ.

Мактабларда психология ва оила психология дарсларининг жорий этилиши йигит-қизларга бу дунёда ўзларини топишлари, ўз-ўзини ривожлантиришлари ва ўзларини билишлари учун имконият яратиши, ҳозирги ва келажакдаги ҳаётдаги қийинчиликлар ва хавф-хатарларни энгиб ўтишга ёрдам беришлари, ўзларининг келажак йўлларини белгилашда онгли равишда ёндашишлари мумкин. Ўсиб бораётган одамга ёрдам бериш - бу ўқитувчи ва психологнинг асосий вазифаси ва асосий маъноси:

1. Мактаб ўқувчилари орасида психология ва оила психологияси нима, у нима билан шуғулланиши ҳақида умумий тушунчани шакллантириш;

2. Психологик билимларнинг ҳаётдаги аҳамияти ва улар одамларга қандай фойда келтириши ҳақида тушунчаларни шакллантириш;

3. Ўзини ўзи англаш, инсоний муносабатларни англаш;

4. Ўсмирларда оила, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш;

5. Ўсмирларнинг қуйидаги каби хусусиятларини ривожлантириш: бошқа одамнинг ҳолати ва муаммоларини тушуниш қобилияти, сабрли бўлиш, одамларнинг камчиликларини кечириш, яқинлари билан дўстона муносабатларни ўрнатиш қобилияти, бу уларнинг келажакдаги оилавий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши керак;

Мақсад ўқувчи шахсиятини шакллантиришни таъминлайдиган психологик ва педагогик вазифаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади:

• ўқувчиларда психология ва оила психологияси ҳақидаги умумий фикрларини фан сифатида шакллантириш;

• уларга одамнинг ички дунёсини очишда ёрдам бериш, бошқа одамларга ва ўзларига қизиқиш уйғотиш;

• интеллектуал соҳани (умумий ва махсус қобилиятлар, когнитив йўналиш ва бошқалар) ривожлантириш;

• ўзликни англашни (ўзини ўзи қадрлаш, ўзини ўзи муносиб баҳолаш) ривожлантириш;

• шахсга йўналтирилганликнинг моҳиятини очиб бериш (эҳтиёжлар, истаклар, мақсадлар, маънолар, идеаллар, қиймат йўналишлари);

• ҳиссий соҳани ривожлантириш (ҳис-туйғулар, бошдан кечиришлар, кайфият ва бошқалар), бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини ва кечинмаларини тушуниш;

• ўқувчиларнинг одатларидаги ва хатти-ҳаракатларидаги салбий кўринишларни аниқлаш ва бартараф этиш.

• ўқувчиларда инсонга ҳиссий ва қадриятли муносабатга, фаолликга, ижодкорликга, психологик маданиятга, билим олишга, соғ бўлишга интилишни тарбиялаш;

• ғояларни шакллантириш: ўғил ва қиз ўртасидаги муносабатларнинг аҳлоқий асослари ҳақида, шериклик ҳақида, дўстлик ва муҳаббат ҳақида, севувчиларнинг хулқ маданияти ҳақида; оиладаги одамларнинг турли ҳил ижтимоий роллари ҳақида: онаси, рафиқаси, эри ва бошқалар, ота-оналарнинг фарзандининг ҳаёти ва соғлиғи учун жавобгарлиги, фарзанд тарбиясидаги масъулияти ҳақида; болаларнинг ривожланишининг хусусиятлари ва болани тарбиялашнинг асосий муаммолари ҳақида; иқтисодиёт ва оилавий ҳаёт ҳақида, оиланинг асосий даромадлари ва харажатлари тўғрисида; оила ҳуқуқининг асослари тўғрисида; можаро ёки оиланинг бузилиши ҳолатларида инсон хатти-ҳаракатларининг ахлоқий қоидалари тўғрисида.

Қоракалпоқ оилаларида ҳар бир ота-она ўзларининг фарзандларига ёшлигидан уларнинг оила аъзолари қандай эканлиги, бу оила вакиллари қандай оила вакиллари билан турмуш қўриш мумкин эканлиги ҳақида таъкидлаб боради. Ушбу тартиб қоида қорақалпоқ миллатида қатъиий белгиланган. Ҳар бир йигит қиз ёшлигидан уруғ (руў) номларини, қайси уруғ вакиллари бир-бири билан қиз олиш ва олмаслигини яхши билишади. Давраларга бориб бир-бири билан танишган вақтда албатта кайси уруғдан (руўдан) эканлигини сўрашади. Бу беҳосдан ўз уруғидаги қиз ёки йигитга кўнгил қуйишдан, шу билан бирга ноўрин ҳазил қилиб қуйишдан асрайди. Бу қорақалпоқ миллатининг ёзилмаган тартиб қоидаси ва китобга тушмаган конуни ҳисобланади.

Бунда биз ота-оналарга ва педагог психологларга кўйидаги тавсияларни беришимиз лозим, яъни:

-оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган оилавий ҳаёт ҳақидаги кўрсатувларнинг ижобийлигини оширса;

- тавсия ишларини олиб борувчи психологлар юқори компетентликга эга бўлса;

-оилавий ҳаётга тайёрлашда ўғил болалар ва қиз болаларга алоҳида-алоҳида тушунтириш ишлари эркак ва аёл психологлар томонидан амалга оширилса;

- ўспиринлар ота-оналари билан мактаб амалиётчи психологлари томонидан оилавий ҳаётга тайёрлашга оид семинар тренинг ишларини ташкил этилса мақсадга мувофиқ булар эди.

Бундай психологик муҳитда тарбияланган ўспирин ўзини эркин ҳис қилиши, оилавий ҳаётдаги зарур билимларни эгаллашда таянч бўла олади. Шу билан биргаликда бундай тайёрловлар ота-оналар, қариндош-уруғ, ўқитувчилар, тенгдошлар ва бошқа шахслар билан бирга ҳар томонлама уйғун ҳамкорлик асосида амалга оширилса ўспиринлар никоҳ ва оила муносабатлари тўғрисида билимга эга бўлишади ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикас Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ- 5325-сонли Фармони
2. Сатир В. Вы и Ваша семья (руководство по личностному росту. - М., 2000, 320с.
3. Психология семейных отношений с основами семейного консультирования. /Под редакцией Е.Г. Силяевой.-М.: Издательский центр «Академия», 2002.-196 с.
4. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. Курс лекций. – М.: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2000. – 512с.

## THE ABILITY TO CORECTLY UNDERSTAND THE PSYCHOLOGY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS

*Sultanov Sh.R.*
*Student of Namangan State University*

**Abstract:** This article discusses child psychology, the importence of pedagogical and psychological skills in the education of primary school students, the most important aspects of student education.

**Keywords:** Psychology, child psychology, temperament, upbringing, mental process.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada bola psixologiyasi, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini tarbiyalashda pedagogik-psixologik mahoratning ahamiyati, o‘quvchi tarbiyasidagi eng muhim e’tibor qaratiladigan jihatlar haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Psixologiya, pedagogika, bola psixologiyasi, temperament, tarbiya, psixik jarayon.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы детской психологии, значение педагогических и психологических навыков в воспитании учащихся начальных классов, важнейшие аспекты воспитания учашихся.

**Ключевые слова:** Психология, педагогика, детская психология, темперамент, воспитание, психический процесс.

It is well known that primary education is the most complex stage of the education system in almost all countries of the world. This is because the most integral part of general secondary education, the foundation of which includes primary education that is to say the first and fourth grades is a very complex period. Which path a child will take in the future (good or bad) will depend on the education and upbringing they receives during this period. It is at this time that the

child's psychological temperament changes and takes shape. Managing child psychology is easy in the elementary grades, and a teacher with strong psychological knowledge can turn it in the direction he or she wants. But with good credit, you might find exactly what you need. This is not to say that psychology is simple, easy.

With the above points in mind, an elementary school teacher is required to be able to understand all the students in the class, thereby putting all the students in the class into the same mold. To do this, the person who is educating the student, that is, the teacher, must have already developed a strong psychological knowledge. With this in mind, the education system of Uzbekistan is doing a lot to train teachers and educators on the basis of psychological knowledge.

“Child psychology is a field of psychology that studies the general and specific features of the psychological development of children, how this process takes place at different stages of life, the forces and laws that run it. For this reason, child psychology is often referred to as youth psychology. This child psychology is the emergence and development of mental processes (cognitive, verbal, emotional, volitional, etc.) in children, the determination of mental characteristics, the development of various activities (games, reading, work), the child's personality learns to form as. Child psychology uses research methods developed in general psychology. However, there are some peculiarities of its use. Cross-sections and various studies are used to study the characteristics of a child's age. ”[1]

In the first case, only one mental process is studied in children belonging to different age groups at the same time. In the second case, the mental characteristics of a particular (selected) children are studied over many years. This, in turn, allows them to monitor the overall development of the psyche.

"Temperament is a set of unstable personality traits that characterize a person's activities, speed of behavior, and emotional side" [2]. Based on this definition, the temperaments of preschoolers and primary school students and learners are not yet fully formed. But no matter what temperament one enters, these temperament traits show that the student still has them.

Almost everyone goes through elementary school. There was not a single child in this period who did not even put the words of his teacher above the words of his parents. If a parent says that to a child, no, you don't know, they insist that our teacher said that. During this time, every word the teacher says becomes a piece of information that the child will remember for a lifetime in the future (perhaps one day he will learn the truth when he grows up). From this it can be concluded that the psychological upbringing of the child (positive or negative) is primarily the responsibility of the teacher.

In this living being, or rather in our own lives, we can see that the students in the elementary grades have different behaviors. Some children are polite, modest, hardworking, enterprising, intelligent, knowledgeable, while others are aggressive, rebellious, angry, and so on. If you look closely at this situation, you can see that these children are in the same class in a positive way and in the same class in a negative situation. A group of students in one class is taught and educated by one

teacher, which means that in the division into the above characteristic classes, a good knowledge of child psychology and a good upbringing determine the pedagogical and psychological level of the teacher. The lexical meaning of upbringing is: practical pedagogical process aimed at formation; It is a set of measures taken to ensure that a person acquires the qualities necessary for life in society "[3].

Forming a team in the primary grades, that is, bringing them together into a cohesive team, also requires psychological skills. First of all, the teacher should study the students from the first grade on the basis of various pedagogical methods. This process is required to continue not only at the beginning, but until the child completes 4th grade. The reason is that the loss of control between grades 1-4 will lead to big changes. For example, a child may start stealing, a high-ranking bully may be jealous of children, sneer at them, learn to lie, fail to prepare for class, and even reduce attendance. remains. This requires the control of the student, using both pedagogical and psychological potential. The only example is the pedagogical method, in which the method of conversation with the student is determined at certain intervals for his upbringing, and in the process of this conversation he or she able to guide the student in the right direction, to solve the existing problems. finding solutions to the problem will be a psychological method.

In conclusion, it should be noted that in the process of education not only knowledge is given, but also education is carried out along with it, especially in the period of primary education, the interest of students in the lessons is worthy of the next stages of education. Nurturing students who are It is worth noting that, unfortunately, we can see that the high school students of some institutions do not have a variety of morals and ethics. The main reason is that they have not been involved in the right direction, first in the family and then in primary school.

In today's fast-paced world, raising children consciously, raising them to become future professionals in their field, as well as loyal and dedicated young people for the Motherland, has become a necessity of our day. In this process, every knowledge and education given by the teacher is very important. Therefore, it is very difficult for the educator in this process.

**REFERENCES:**

[1] -National encyclopedia of Uzbekistan. Tashkent, 2000. Volume 1

[2] - "General psychology" F.Haydarov, N.Khalilova. Tashkent, 2010. Page 284

[3] - "Pedagogy" (R. Mavlonova, O. Torayeva, K. Kholikberdiyev). Tashkent "Teacher" 2001. Pages 465-466.

# YANGILANAYOTGAN O'ZBEKISTONDA PSIXOLOGIYANING AHAMIYATI VA DOLZARBLIGI

*Sunnatov A.B.*
*O'zbekiston Milliy universiteti talabasi*

Yigirma birinchi asr fan va texnikaniig yangi bir yuksalish pallasiga kirganligi bilan. shuningdek, qarama-qarshi tizimlar barham topganligi bilan o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. XXI asr jaxon sivilizatsiyaga oltin xarflar bilan bitilgan son-sanoqsiz zar varog'larga ega bo'lishi bilan birga ekologiya va inson muammolarning yuzaga chiqarganligi tufayli bosha asrlardan keskin ajralib turadi.

Yer kurrasida farovonlik, mo'l-ko'lchilik, tinch, osoyishta hayot bo'lishi uchun qit'alararo, millatlararo hamkorlik yo'lga qo'yilishi, ekologiyani musaffolashtirish uchun strategik qurollar va texnologiyani zararsizlantirish, ona zaminni va moviy osmonni avaylash lozim. Yer farzandi degan nuqtai nazar bilan jahondagi millat va elatlarni hamkorlikka undash orqali abadiylik qonuniyatini saqlab qolish mumkin, xolos

Ma'lumki, jamiyat va tabiat o'rtasidagi munosabatlarni tadqiqot etishga mujal langan fanlardan bittasi psixologiya xisoblanadi. Psixologik bilimlarni ijtimoiy xayogning barcha jabxalarida tatbiq etish ko'lami kengayib borishi uning mas'uliyati va nufuzi ortayotganligidan dalolat beradi. Xuddi shu bois psixolog mutaxassislarga nisbatan ijtimoiy buyurtmaning ko'payishi ularni xozirgi zamon talabiga javob beradigan darajada tayyorlashni takozo qilmoqda. Istiqlol sharofati tufayli ilmiy yondashuvlarga, oldingi metodologik muammo-

larga xolisona munosabatda bo'lish imkoniyati vujudga keldi

«Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi»ning maqsad va vazifalari, davlatimizning bu borada amalga oshirayotgan siyosati zamonaviy kadrlar tayyorlash tizimining tashkil qilishga yo'naltirilgan, Respublikamizdagi uzluksiz ta'lim tizimi strategiyasi, taraqqiyoti, xalqimizning boy rna'naviy merosi va umuminsoniy qadriyatlari, madaniyat, iqtisod, fan- texnika va texnologiyalarda erishilgan yutuqlari negizida barcha davlat tuzilmalari va jamiyat tashkilotlari oldiga oliy pedagogik maktablar shuningdek, psixologiya fanlarining ham pedagogik kadrlar tayyorlash tizimi va ta'lim islohatlarini hayotga tadbiq etishni jonlantiruvchi asosiy vazifalarini belgilab bergan. Aynan mazkur masalalarni keng doirada tadbiq qilish zamon talablariga javob bera oladigan, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashdan iboratdir. Albatta buning uchun insonlar psixologiyasini bilish, ularda kechadigan psixologik o'zgarishlami anglagan holda yondashishni talab qilmoqda. Bu jarayonda o'z navbatida psixologik bilimlarga bo'lgan ehtiyojni ortib borishini ko'rishimiz mumkin. Chunki insonlar haqidagi bilmlami qo'lga kiritish uchun avvalo psixologik bilimlardan xabardor bo'lishi lozim. Shu bois Jizzax shahrida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 5-iyuldagi 563-sonli Qarori bilan Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali tashkil qilingan edi. Qaror bilan unversitetga viloyatdagi maktabgacha, maktab va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarining tarbiyachilar, boshlang'ich sinf o'qituvchilari, ayniqsa, aniq fanlar va psixologiya yo'nalishlari bo'yicha

o‘qituvchilarga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish, tumanlar va qishloq joylaridagi ta’lim muassasalarini yuqori malakali pedagog kadrlar bilan ta’minlash hamda xalqaro standartlar darajasiga mos oliy ma’lumotli pedagog kadrlar tayyorlash vazifasi yuklatilgan. Mazkur vazifalardan kelib chiqib bugungi kunda universitet o‘zining asosiy strategik yo‘nalishlari va rivojlanish konsepsiyasini ishlab chiqdi. Inson psixologiyasini bilish asosida shaxsni shakl iantirishga, uning ijtimoiy

taraqqiyotini ta’minlashga jiddiy e'tibor qaratish mamlakatimiz taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi□ o’ziga xos uzluksiz ta'limning o’zbek modeli sifatida keng imkoniyatlar yaratmoqda. Respublikamizning Birinchi Prezidenti I.A.Karimov tomonidan asos solingan mazkur modelning diqqat markazida eng avvalo shaxsni shakllantirish va uni barcha ta’lim islohotlaniing sub’ekt sifatidagi faoliyati yotadi. Zero, mazkur dastuming hayotga tadbiq etilishining natijasi - bu har jihatdan intellektual salohiyatga, ishlab chiqarish malakasiga va ijtimoiy-siyosiy bilimlarga ega bo'lgan shaxsdir. Bu ulkan vazifani yechish inson omili bilan bog’liq bo'lib, bunda psixologiya fanlarining alohida o’mi, salohiyati hamda ma’suliyati yaqqol sezilib turadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar to‘g‘risidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham dolzarb masalalar qatorida ilm-fan va ta’lim, ta’lim va ijtimoiy-iqtisodiy hayot munosabatlariga alohida urg‘u berilganligi bejiz emas. Modomiki, ta’lim tizimining markazida inson kapitali, uni to‘g‘ri taqsimlash, undan samarali foydalanish va maqsadli yo‘naltirish turar ekan, bunda maktabgacha, umumiy o‘rta va oliy ta’lim tizimini jamiyatning barcha manfaatdor tomonlari, ta’lim jarayonining barcha subyektlari bilan yaxlit bir butunlikda bugungi kun talablari asosida tashkil etish hamda ta’limning to‘liq uzluksizligiga erishish oldimizda turgan muhim vazifalardandir.

Darhaqiqat, muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev so‘nggi yillarda ta’lim sohasini isloh qilishga, kadrlar tayyorlash sifatini tubdan takomillashtirishga, xususan, tizimga rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribasini tatbiq etishga jiddiy e’tibor qarata boshladi. Bu boradagi islohotlar 2017 yil 14 martdagi “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2017 yil 22 maydagi “Oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2017 yil 8 avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risida”gi, 2017 yil 30 sentyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi Prezident Qarorlarida o‘z aksini topgan. E’tibor beradigan bo‘lsak, mazkur qarorlarda uzluksiz ta’lim tizimining deyarli barcha turlari qamrab olinganligini ko‘rishimiz mumkin. Qolaversa, “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”da ham ta’lim sohasini tubdan takomillashtirishga e’tibor qaratilgan. Ta’lim tizimini rivojlantirish va takomillashtirishga qaratilgan mazkur hujjatlarning barchasida sohaga innovatsiyalarni kiritish, xorijiy tajribalarni o‘zlashtirish, ijodiy

yondashuvlarni qo‘llab-quvvatlash, ta’lim turlari o‘rtasidagi integratsiya jarayonlarini kuchaytirish bilan bog‘liq umumiy jihatlar mavjud.

So‘nggi yillarda mamlakatda psixologiya sohasida pedagog kadrlarni tayyorlash hamda amaliyotchi psixologlar faoliyatini qo’llab-quvvatlashga oid bir qator ishlar amalga oshirildi.

Hozirgi kunda maktabgacha ta’lim tizimida 2 503 nafar, xalq ta’limi tizimida 14 272 nafar pedagog-psixolog kadrlar faoliyat olib bormoqda.

Respublikaning 10 ta oliy ta’lim muassasasida Psixologiya, 19 ta oliy ta’lim muassasasida Pedagogika va psixologiya ta’lim yo’nalishlari va mutaxassisliklari bo’yicha 5 717 nafar talaba tahsil olmoqda. Ushbu sohada qabul kvotalari keskin oshirildi, xususan 2018/2019 o’quv yilining o’zida 2 665 nafar talaba o’qishga qabul qilindi. 2017-yildan boshlab profilaktika inspektorlari va jamoatchilik vakillarining ta’lim muassasalarida yoshlar bilan ishlash tizimi yo’lga qo’yilib, 5 696 ta umumiy o’rta ta’lim muassasasida profilaktika inspektorlari, 5 328 ta umumiy o’rta ta’lim muassasasida esa mahalla vakillarining xonalari tashkil etildi.Olib borilayotgan ishlar ko’lamiga qaramasdan sohada zudlik bilan bartaraf etilishi talab etiladigan qator muammolar saqlanib qolmoqda.

Xususan:

birinchidan, ta’lim tizimining barcha bosqichlarida yoshlarning psixologik holati diagnostikasiga ixtisoslashgan psixolog kadrlar hamda tashkilotlar mavjud bo’lsada, ularning faoliyatini muvofiqlashtirish va boshqarishni amalga oshiradigan yagona tuzilmaning mavjud emasligi psixologik xizmatlar faoliyati samaradorligining past darajada qolishiga ta’sir ko’rsatmoqda;

ikkinchidan, ta’lim muassasalarida profilaktika inspektorlari va mahalla vakillarining xizmat xonalari tashkil etilgan bo’lsada, ularning ta’lim muassasalari bilan o’zaro hamkorligi yo’nalishlari hamda faoliyati samaradorligini baholash mexanizmlari belgilab berilmagan;

uchinchidan, aholiga psixologik xizmat ko’rsatish yetarlicha yo’lga qo’yilmaganligi oqibatida jamiyatda ijtimoiy-psixologik, jumladan, oilaviy muammolar (ajrimlar, oiladagi nizolar, ota-ona va farzand munosabatlari, qarindoshlar o’rtasidagi nikoh, erta tug’ruq), ommaviy madaniyatning salbiy ta’sirlariga tobelik, o’z joniga qasd qilish holatlari davom etmoqda;

to’rtinchidan, oliy ta’lim tizimida psixologiya sohasida tayyorlanayotgan amaliyotchi psixolog kadrlarning bilimlari umumiy bo’lib qolib, tor soha mutaxassislarini tayyorlash amaliyoti yo’lga qo’yilmagan;

beshinchidan, psixologiya sohasida magistratura va doktoranturaga qabul soni past darajada bo’lganligi oqibatida, milliy psixologiya maktabini shakllantirishda oqsoqlik sezilmoqda;

oltinchidan, psixolog kadrlarning moliyaviy rag’batlantirilishi, aholiga psixologik xizmat ko’rsatuvchi markazlar faoliyatining qoniqarsiz ahvolda ekanligi ularga tajribali psixolog kadrlarni jalb qilish imkoniyatini bermayapti.

Aholiga, ayniqsa yoshlarga sifatli psixologik xizmat ko’rsatish, psixologik xizmat faoliyatini boshqarishni muvofiqlashtirish, ta’lim muassasalari bilan profilaktika inspektorlari va jamoat vakillari o’rtasidagi hamkorlikni sifat jihatdan yangi darajaga ko’tarish, psixologiya maktabini rivojlantirish hamda oliy ta’limda

tor ixtisosliklar bo'yicha kadrlar tayyorlash tizimini joriy etish, psixologik markazlar tashkil etishni yo'lga qo'yish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 2019-yil 7iyunda 472-sonli Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarlikni oldini olish chora-tadbirlari to'g'risida Qarori qabul qilingan.

Bugungi glaballashuv jarayonida jahonda insonlarning muommolarini hal qilish va ularni yechish to'g'risida juda ko'plar amaliy ishlar olib borilmoqda. Shu sababli men ham o'z taklifimni bildirmoqchiman taklifim quyidagicha:

Mamlakatimizda Psixologlar jamiyatini tuzishni taklif qilmoqchiman




Psixologlar jamiyatida bugungi kunda mamlakatimizda faoliyat olib borayotgan psixologlar va kelajakda Oliy o'quv yurtlarini tamomlagan kadrlar bilan to'ldirib boriladi va jamiyatimizda mavjud muommolarga psixologik jihatdan yondashiladi, amaliy yechimlar ko'riladi. Bundan tashqari Psixologlar jamiyati jahon mamlakatlari bilan fikr almashinishi uchun anjumanlar va konferensiyalar tashkil etib boriladi. Bu muassasada zamonaviy AT texnologiyalaridan foydalanish uchun barcha shart-sharoitlar yaratiladi. Psixologlar jamiyati O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida va qonunlarida belgilangan tartibda ish olib boradi.

Xulosa o'rnida shuni alohida ta'kidlash lozimki, jamiyatimizning bugungi rivojlanish bosqichida pedagogik ta'lim innovatsion klasteri ta'limda ichki va tarmoqlararo aloqadorlikni ta'minlaydigan, ilmiy tadqiqot, ilmiy-metodik muassasalarda to'plangan tajriba va erishilgan ilmiy yutuqlarni ta'lim hamda ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha jabhalariga yetib borishini samarali amalga oshiradigan yaqin kelajakdagi eng muhim tizim sifatida taqdim etilmoqda. Bunda ta'lim muassasalari va jamiyat boshqa manfaatdor tomonlarining o'zaro uzviy va uzluksiz aloqasini ta'minlash, ta'lim jarayonining pirovard mahsuli – har tomonlama yetuk pedagog kadrlarni yetishtirish va jamiyatga naf keltirishi uchun

ilmiy, ijodiy, ma’naviy, iqtisodiy imkoniyatlar yaratish maqsadga muvofiqdir. Chunki kadrlar bilim saviyasi va raqobatbardoshligi iqtisodiy ishlab chiqarish, sanoat, qishloq xo‘jaligi va jamiyatning boshqa sohalari taraqqiyoti va raqobatbardoshligining asosidir. Boshlagan har bir ishimizdagi sifat va samara aynan shu masala bilan chambarchas bog‘liqligini rivojlangan mamlakatlar tajribasi va qolaversa hayotning o‘zi yaqqol ko‘rsatib turibdi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. E.G’oziyev “Umumiy psixologiya” Toshkent – 2016
2. F.I.Xaydarov,N.I.Xalilova “Umumiy psixologiya” Toshkent - 2010
3. Hukumat sayti: http//my.gov.uz/
4. Hukumat sayti: http//lex.uz//

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЛИЯНИЯ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ИНТЕРНЕТ-ЗАВИСИМОГО ПОВЕДЕНИЯ

*Талипов Ж.Б.*
*Магистрант Международной исламской академии Узбекистана*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada hozirgi vaqtda dolzarb ahamiyat kasb etib borayotgan muammo – shaxsning internetga tobeligi masalasi va uning shaxs xulq-atvoriga sezilarli darajada ta’sir ko’rsatishi haqida ilmiy xulosalar keltirilgan. Shu bilan birga ushbu muammoni bartaraf etishning psixologik yondashuv va usullari keltirib o’tilgan.

**Kalit so'zlar:** Muloqot, ta'sir, ijtimoiy tarmoq, internet-tobelik, kompyuter-tobelik, tobe shaxs xulq-atvori, olimlar, nazariyalar.

**Abstract.** This article presents scientific conclusions about the current problem - the problem of a person’s dependence on the Internet and its significant impact on individual behavior. The article also gives psychological ways and methods to overcome this problem.

**Keywords:** communication, influence, social network, Internet addiction, PC-addiction, the behavior of addicted men, scientists, theories

**Аннотация.** В данной статье представлены научные выводы о текущей проблеме - проблеме зависимости человека от Интернета и ее значительного влияния на поведение личности. Также статья включает в себе психологические способы и методы преодоления этой проблемы.

**Ключевые слова:** Общение, влияние, социальная сеть, интернет-аддикция, компьютер-зависимость, интернет-зависимое поведение, ученые, теории.

В современном мире более ранние (традиционные) средства коммуникации – устное слово, письмо, книга, телефон, теряют свою

актуальность. Данные коммуникации легко (и все чаще), заменяет интернет и социальные сети.

Социальные сети превратились в средство массовой коммуникации. Теперь можно быстро делиться своими новостями со своими друзьями. Причем эта информация распространяется молниеносно. Более того, можно делиться фотографиями, поздравительными открытками, видео, сделав пару щелчков кнопкой мыши. В этом и заключается прогресс в коммуникации посредством новых медиа. Опираясь на исследования, проведенные ранее, можно сказать, что, дей- ствительно, в настоящее время все больше людей различного возраста об- щаются в социальных сетях, которых тоже не мало. Почему?

Во-первых, каждый может позволить себе анонимность (не представляться или стать вымышленным персонажем, создать иллюзию).

Во-вторых, каждый в электронной сети имеет возможность высказать свою точку зрения, найти единомышленников, пообщаться на любые темы, поделиться опытом. Таким образом, общение посредством интернета позволяет стать тем, кем человек бы хотел быть или повысить свою значимость и самооценку или просто восполнить нехватку друзей и пообщаться.

В-третьих, можно завести новые знакомства (часто теплится надежда, что отношения в сети перерастут в реальное общение).

В-четвертых, можно найти своих знакомых и друзей, контакты с которыми давно потеряны, но люди навсегда остались в памяти.

Психологи пришли к выводу, что популярные социальные сети типа Facebook, Instagram,Twitter, Youtube, Одноклассники.ру и Вконтакте заставляют пользователей создавать некий идеальный образ самого себя.«Одноклассники»стирают реальную личность. Исследователи уверены, что молодые люди, которые и составляют большинство пользователей социальных сетей, после создания идеального образа самого себя начинают выстраивать свою личность таким образом, чтобы она полностью соответствовала виртуальному образу. Большинство людей, уверяют психологи, занимаются в той или иной степени самопознанием, размещая на своих страничках определенные фотографии, картинки или текст – то, что они хотели бы предъявить миру и кем им хотелось бы казаться. Таким образом, с помощью социальных сетей и появляется некий идеальный образ самого себя. Социальные сети потакают человеческому желанию выглядеть в лучшем свете и позволяют подать себя наиболее выгодно. Новая, «идеальная» личность, созданная в виртуальном мире, может очень скоро начать влиять на реального человека. Этот феномен объясняется тем, что в социальных сетях пользователи могут видеть только «виртуальную» сторону личности, и начинают реагировать именно на нее.

Приведу лучше пример... На днях вышел новый отчет о состоянии цифровой сферы Digital 2020, который каждый год готовят We Are Social и Hootsuite. Он подтверждает то, что вы и так, наверняка, подозревали, — цифровые технологии, мобильные устройства и социальные сети стали неотъемлемой частью повседневной жизни людей во всем мире.На начало

2020 года более 4,5 миллиарда людей пользуются интернетом, а аудитория социальных сетей перевалила за отметку в 3,8 миллиарда. Почти 60% мирового населения уже онлайн, и есть все основания полагать, что уже к середине года половина всех людей на планете будут пользоваться соцсетями.

Сегодня более 5,19 миллиарда человек пользуются мобильными телефонами — прирост на 124 миллиона (2,4%) за последний год. Эти данные уже говорят о значимости интернета и соцсетей в мире современного человека.

**Рисунок 1.** Данные пользователей интернета на 2020 по We Are Social и Hootsuite.

В январе 2020 года в мире насчитывалось 3,80 миллиарда пользователей социальных сетей, аудитория соцмедиа выросла на 9% по сравнению с 2019 годом (это 321 миллион новых пользователей за год. В настоящее время




интернет- зависимость стала серьезной проблемой для современного общества. Проведенные исследования неоднократно доказывали, что Интернет и социальные сети способствуют затормаживанию личностного развития человека, а в некоторых случаях приводят к полной деградации и социальной опасности. У многих активных пользователей возникают серьезные ухудшения общего состояния здоровья из-за большого количества времени, проводимого за монитором компьютера. Снова о статистике... На мобильных устройствах и компьютере вместе среднестатистический пользователь тратит на соцсети 2 часа 24 минуты в день, что на 2 минуты больше, чем в прошлом году. Статистика сильно варьируется от страны к стране. Филиппинцы по-прежнему являются самыми активными пользователями соцмедиа: средний пользователь в возрасте от 16 до 64 лет проводит почти 4 часа в день на социальных платформах.

**Рисунок 2**. Время пользования соцсетями по разным странам по We Are Social и Hootsuite.




Интернет-зависимость – это широкий термин, обозначающий большое количество проблем поведения и контроля над влечениями. Основные четыри типов, которые приводит К. Янг, характе ризуются следующим образом:

- Пристрастие к виртуальным знакомствам в социальных сетях – избыточность знакомых и друзей в сети.
- Навязчивая потребность в сети – игра в онлайновые азартные игры, постоянные покупки или участия в аукционах.
- Информационная перегрузка (навязчивый web-серфинг) – бесконечные путешествия по сети, поиск информации по базам данных и поисковым сайтам.
- Компьютерная зависимость – навязчивая игра в компьютерные игры

М. Орзак выделила психологические и физические симптомы, характерные для патологического использования компьютера.

- Психологические симптомы: хорошее самочувствие или эйфория за компьютером; невозможность остановиться; увеличение количества времени, проводимого за компьютером; пренебрежение семьей и друзьями; ощущения пустоты, депрессии, раздражения не за компьютером; ложь работодателям или членам семьи о своей деятельности; проблемы с работой или учебой.
- Физические симптомы: синдром карпального канала (туннельное поражение нервных стволов руки, связанное с длительным перенапряжением мышц); сухость в глазах; головные боли по типу мигрени; боли в спине;

нерегулярное питание, пропуск приемов пищи; пренебрежение личной гигиеной; расстройства сна, изменение режима сна.

**ЛИТЕРАТУРА:**


1. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: АспектПресс, 2008
2. Егоров А. Ю. Нехимические зависимости. – СПб.: Речь, 2007. – 86с.
3. Карделлан Кристин, Грезийон Габриэль. Дети процессора: Как Интернет и видеоигры формируют завтрашних взрослых / пер. с фр. А. Лущанова. Екатеринбург: У-Фактория, 2006. 272с.
4. Малкина-Пых И.Г. Психология поведения жертвы. М.: Изд-во Эксмо, 2006.1008с.
5. Щепилина Е. П. Психология Интернета: интернет-зависимость. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа:http://vashpsixolog.ru/lectures-on-the-psychology/134-other-psychology/1855-internet-zavisimost
6. Goldberg I. Internet addiction disorder //CyberPsychol. Behavior. 996. Vol. 3. N 4. P.403-412.
7. YoungK. S. Caught in the Net. How to Recognize the signs of Internet Addiction – And a Winning strategy for Recovery. New York: John Wiley and Sons, Inc., 1998. 55p.
8. Young K., Rodgers R.C. The relationship between depression and Internet addiction // CyberPsychol. Be- havior. 1998. Vol.1. N 1.P.56


## QIZLARNI QO'SHIMCHA KASB-HUNARGA O'RGATISHDA TA'LIM MUASSASALARIDA TASHKIL ETILGAN TO'GARAKLAR FAOLIYATINING AHAMIYATI


*Talipova A.Z.*
*Nizomiy nomidagi TDPU talabasi*
*Xalmetova Sh.A.*
*Nizomiy nomidagi TDPU katta o'qituvchisi*



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada qizlar ta'lim-tarbiyasi, ularning to'laqonli bilim olishlari uchun yaratilayotgan imkoniyatlar haqida so'z yuritiladi. Shuningdek, Yoshlar bilan ishlashni tashkil etishda madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari, kitob o'qishga qiziqishini oshirish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusda nazarda tutilgan masalalarning ijrosi yuzasidan olib borilayotgan ishlar Nizomiy nomidagi TDPU va Alisher Navoiy nomidagi TDO'ztAU misolida tahlil qilinadi.

Maqolada ta'lim muassasalari tomonidan bepul tarzda tashkil etiluvchi to'garaklar faoliyatini tashkil etish, sifatini yaxshilash masalalari qizlar ta'lim-tarbiyasini tashkil etish, ularni qo'shimcha kasb-hunarga o'rgatish usuli sifatida o'rganiladi va ushbu to'garaklar faoliyatining afzalliklari keltirib o'tiladi.

**Kalit so'zlar:** xotin-qizlar, 5 ta muhim tashabbus, qo'shimcha kasb-hunar, ta'lim muassasalaridagi to'garaklar faoliyati, Nizomiy nomidagi TDPU, Alisher Navoiy nomidagi TDO'ztAU.

*"Yer yuzidagi har qaysi jamiyatning madaniy darajasi uning ayollarga bo'lgan munosabati bilan belgilanadi"*
Shavkat Mirziyoyev

Mustaqilligimizning ilk yillaridanoq mamlakatimizda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov rahbarligida demokratik davlat va erkin fuqarolik jamiyati qurish masalalari bilan birgalikda, oila institutini mustahkamlash, uning huquqiy asoslarini yaratish, jamiyatda xotin-qizlarning huquq va erkinliklarini ta'minlash, ularni to'laqonli bilim olishlari, davlat va jamiyat qurilishidagi faol ishtiroklarini ta'minlash, kelajak avlod davomchisi sifatida reproduktiv salomatligini ta'minlash kabi masalalarga davlat siyosati darajasida katta e'tibor qaratildi va tegishli chora-tadbirlar amalga oshirildi. Jumladan, Konstitutsiyamizning tegishli moddalarida xotin-qizlarning erkaklar bilan teng huquqli ekanliklari va har qanday taziq va zo'ravonliklardan himoyalanish huquqlari qonuniy asoslarda mustahkamlab qo'yildi. Ushbu tizimli ishlar davom ettirilib, O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi faoliyati yo'lga qo'yildi va takomillashtirildi, yosh, iste'dodli talaba qizlarni aniqlash va ularning intilishlarini rag'batlantirish maqsadida "Zulfiyaxonim" nomidagi davlat mukofoti ta'sis etildi va bugungi kunga qadar ko'plab iste'dodli, intiluvchan xotin-qizlar ushbu mukofot bilan munosib ravishda taqdirlanib kelmoqdalar.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev rahbarligida 2019-yil 19-martda "Yoshlar bilan ishlashni tashkil etishda madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari, kitob o'qishga qiziqishini oshirish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirish to'g'risida " o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida yoshlarga oid muhim masalalar yuzasidan birlamchi vazifalar belgilab olinishi va 2019-yilning 3-aprel kuni mamlakatimiz rahbari tomonidan yoshlar tarbiyasi uchun qo'shimcha sharoitlar yaratishga qaratilgan 5 ta muhim tashabbusni hayotga tatbiq etish yuzasidan o'tkazilgan yig'ilishda, belgilangan barcha yo'nalishlar bo'yicha "yo'l xarita" larining tuzlishi yoshlar siyosatiga oid olib borilayotgan islohotlarni yana bir pog'ona yuksakka ko'tardi[1]. Tashabbusning har bir yo'nalishi yoshlarimizning bilimi va salohiyatini turli sohalarda yuksaltirish masalalarini atroflicha qamrab oladi, jumladan, to'rtinchi tashabbus yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan bo'lsa, beshinchi tashabbus xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalalarini nazarda tutadi. Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbus ijrosini ta'minlash maqsadida joylarda turli tanlov, tadbir va uchrashuvlar va kasbga yo'naltirishga qaratilgan to'garaklar faoliyati muntazam ravishda tashkil etib kelinmoqda. Qizlar ta'lim-tarbiyasi masalalarida ta'lim muassasi tomonidan tashkil etilgan to'garaklar faoliyatini, ayniqsa, bepul to'garaklar faoliyatini sifatli tashkil etish va takomillashtirish muhim omillardan biridir. Chunki, ta'lim muassasi binosi ichida, muassasa tomonidan tashkil etilgan

to'garaklar o'quvchi va talabalarning qo'shimcha kasb-hunar sirlarini o'rganishlarida qator afzalliklarga ega. Jumladan, to'garakka borishdagi qo'shimcha yo'l kira haqlari, yo'l uchun sarflanadigan ortiqcha vaqt va havfsizlik masalalari hal etiladi. To'garaklarning bepul tarzda tashkillashtirilishi esa, barcha kasbga qiziquvchi yoshlarning, jumladan, moddiy imkoniyati cheklangan, ammo intiluvchan talabalarning ham ushbu to'garaklarga qatnasha olishi va o'z iste'dodlarini namoyish eta olishlari uchun imkoniyat yaratadi.

Bunday tizimli ishlarni bugungi kunda samarali tashkil etilishini Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti va Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti misolida keltirishimiz mumkin. Jumladan, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti rahbariyati tashabbusi bilan "Bekajon" qizlar klubi faoliyati yo'lga qo'yilgan bo'lib, dastlab video darslar ko'rinishida tashkil etilgan darslar karantin munosabati bilan ZOOM platformasi orqali online darslar ko'rinishida, bepul tarzda amalga oshirilmoqda. Online to'garaklar faoliyati tikuvchilik, pazandachilik, kreativ ijodkorlik, birinchi tez tibbiy yordam, psixolog maslahatlari kabi yo'nalishlarda tashkil etilgan bo'lib, talaba qizlarni qo'shimcha kasb-hunarga o'rgatishni maqsad qilgan. Darslar universitetning malakali ustozlari tomonidan interfaol usulda olib borilayotganligi tobora ushbu klub faoliyatiga qiziquvchi yoshlarning safi kengayishiga sabab bo'lmoqda.

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti tomonidan ham bunday to'garaklar faoliyati juda yaxshi yo'lga qo'yilgan, ayniqsa, turk tili, koreys tili kabi til to'garaklari aynan shu millat vakillari tomonidan olib borilishi o'ta ahamiyatli. Ushbu tillardan tashqari yana ingliz, rus, arab tillari ham bosqichma-bosqich talabalarga o'rgatib boriladi va ushbu to'garaklar faoliyati bepul tarzda tashkil etilgan. Shuningdek, universitetda go'zallik sirlari, pazandachilik sirlari, musiqa cholg'u asboblarini o'rganish uchun mo'ljallangan sinf xonalari tashkil etilganligi talabalar bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish va qo'shimcha kasb-hunarga o'rgatishda juda yaxshi samara bermoqda.

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qilishimiz mumkinki, bugungi kunda kelajak avlod davomchisi va yosh avlod tarbiyachisi sifatida xotin-qizlarimizning har tomonlama bilimli, davlat va jamiyat qurilishida faol, sog'lom, huquqiy savodxonlikka ega bo'lishlariga davlat siyosati darjasida ahamiyat qaratilmoqda. Ushbu amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning qanchalik ahamiyatli ekanini Prezidentimiz shavkat Mirziyoyev 8-mart bayramiga bag'ishlangan tadbirda so'zlagan nutqlaridan anglashimiz mumkin: "Ayniqsa, qizlarimizning salomatligini asrash, ularning zamonaviy bilim va kasb-hunarlar egasi bo'lib voyaga yetishi, jamiyatda o'z munosib o'rnini topishi uchun biz barchamiz – ota-onalar, jamoatchilik, mutasaddi rahbarlar javobgarlik va mas'uliyatimizni yanada kuchaytirishimiz zarur. Nega deganda, qiz bola – bo'lg'usi oila bekasi, kelajagimiz egasidir. Bugun biz ularga qanday ta'lim-tarbiya bersak, ertaga ular yangi avlodimizga shunday tarbiya beradi"[2].

**ADABIYOTLAR:**
1.www.xs.uz
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar bayramiga bag’ishlangan uchrashuvdagi nutqi

## ZAMONAVIY TA’LIM PSIXOLOGIYASI

*Tangirova Z.*
*Toshkent shahar Bektemir tumani*
*291 – u.o’.t.maktabining o’qituvchisi*

**ANNOTATSIYA:** O’zbekiston Respublikasi inson huquqlari va erkinliklariga rioya etilishini jamiyatning ma’naviy yangilanishini, ijtimoiy yunaltirilgan bozor iqtisodiyotini shakllantirishini,jahon hamjamiyatiga qo’shilishni ta’minlaydigan demokratik huquqiy davlat va ochiq fuqarolik jamiyati qurmoqda.Inson, uning har tomonlama uygun kamol topishi va farovonligi,shaxs manfaatlarini ro’yobga chiqarishning sharoitlarini va ta’sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan tafakkur va ijtimoiy xulq – atvorning andozalarini o’zgartirish respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir. Xalqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlar asosida, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan, texnika texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O’zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir.

Zamonaviy ta’lim posixologiyasi bugungi kunda dolzarb bo’lib, davlatimiz istiqboli, yuksak ma’navviyatli, yuqori malakali kadrlarni jahon miqyosiga ko’tarish, raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlash barkamol avlodni shakllantirish muaommosi bilan bog’liq.

Oliy majlisning IX – sessiyasida qabul qilingan “kadrlar tayyorlash milliy dasturi, “Ta’lim to’g’risida”gi Qonun, Davlat ta’lim standartlari va Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o’rta ta’lim, akademik litseylar va kasb–hunar kollejlari tashkil etish haqida”gi qarorlari ana shu maqsadni ro’yobga chiqarishga qaratilgan.

Kalit so’zlar: psixologik elementlar, psixologik qobiliyat, o’z – o’zini anglash.

Zamonaviy talim hozirgi kunda dolzarb mavzu bo’lib,unda nafaqat ta’lim samaradorligini oshirish,balki zamonaviy ta’lim oluvchi psixologiyasini chuqur o’rganish hamda o’quvchi shaxsining rivojlanishiga qaratilgandir.

Zamonaviy ta’limda o’quvchi shaxsini yaxshi xulq na’munasi yoki komil inson qilib olish,o’quvchi shaxsida shakllangan yangi sifatlarni ko’rsatish, ibratli o’quvchini yaratish kabi tushunchalarni shakllantirish ko’zda tutiladi.

O’quvchilarga pedagogik va psixologik yondashuvlarni birga olib borish natijasida o’quvchi dunyoqarashini shakllantirish,hayotiy qadriyatlarni egallashlari va amalga oshirishi,faollik ko’rsatish mehrli bo’lish,bilim olish uchun mustaqil

tarzda axborot texnologiyalaridan foydalana bilish,muloqotga kirishishni o'rganish,hamkorlar bilan faoliyat yurita olishni chuqur egallashlari lozim bo'ladi.

Zamonaviy ta'lim psixologiyasi o'quvchi shaxsining har tomonlama shakllanishida,komil inson darajasiga erishishida muhim rol o'ynaydi.

Bugungi kun pedagogi o'quvchi shaxsini kamol topishida bola psixologiyasini chuqur o'rganishi va undan foydalanib muomala madaniyati,dars o'tish tartibini amalga oshirishi lozim.

Zamonaviy ta'limda dars beruvchi pedagog o'quvchi shaxsiga tegishli bo'lgan har bir psixologik elementlarni dars jarayonida e'tiborga olishi,ularga turli zamonaviy texnologik o'yinlar orqali bilimlarni singdirishi va tushuntirishi va natijada o'quvchilardan mustaqil fikrlar orqali javob olishni ta'minlashi lozim. Oldindan ma'lum yoki ancha ko'p ijodkorlik va faollik talab etuvchi kitobdan o'qiganlarini hikoya qilish shaklidagi dars passiv darajada o'tadi. Hozirgi kunda interfaol usullaridan foydalanish yaxshi natijalarga olib keimoqda. Interfaol usuli nafaqat ta'limda balki, tarbiyada ham ayniqsa yaxshi natija keltiradi, ilmiy nuqtayi nazardan qaraganda o'qituvchi muhokamaga ta'sir qilganda nafaqat fikr bildiradi, balki muammoga o'zining shaxsiy munosabatini, axloqiy mavqeyi va dunyoqarashini bildiradi. Lekin har qanday holatda ham o'zini fikrini o'tkazmasligi kerak. Yaxshisi bahsni boshqarishda yaxshilab hisoblab chiqilgan usul, sermahsul fikrlashni, yechimini topishda ijodiy izlanuvchanlikni talab etuvchi yo'lni muammoli savol qo'yish orqali boshqarish lozim. O'qituvchi o'z nuqtayi nazaridan chiqarishda fikr bildiradi, faqat o'quvchilar fikridan xulosa chiqarish bilan isbotlash va xato fikrlarni rad etish kerak. Bu usul bilan bahsni nafaqat mazmuni intellektual — bilish, nazariy savollarni yo'llash mumkin, shuningdek, hamkorlikda sermahsul faoliyatlarini tuzish, talabalar shaxsiga o'z ta'siri bilan o'quv faoliyatini o'quv tarbiya jarayoniga aylantirishi mumkin. Shu tartibda, interfaol o'qitish usuli, talabalarning hamkorlikdagi faoliyati o'qituvchining bahslardagi ishtiroki tufayli dars jarayonini nafaqat hamkorlikdagi faoliyati bo'ladi, balki shaxsning ijtimoiy munosabatlarining real ijodiy sermahsul faoliyatiga aylanadi.

Mustaqil fikrga ega bo'lgan yosh avlod kelajakda Vatan ravnaqi uchun kurasha oladigan yetuk shaxs darajasiga chiqa oladi.Biz kutayotgan natijalar o'quvchi shaxsining amaliy faoliyatida o'z isbotini topadi.

O'quvchi shaxsini yetuk kamolotga erishishi uchun pedagogik faoliyatdagi muhim jihatlardan biri bu pedagogik qobiliyatdir.Pedagogik qobiliyatga ega bo'lgan o'qituvchi bir qancha psixologik bilimlarga ega bo'ladi.

Didaktik qobiliyatga ega bo'lgan o'qituvchi zarurat tug'ilganda qiyin o'quv materialini osonroq, tushunish qiyin bo'lganini tushunarliroq qilish bolalarga yetkazib bera oladi.

Psixologik va pedagogik qobiliyatga ega bo'lgan pedagog bolalarni diqqat e'tiborini jalb qilishni ham nazarda tutadi. Albatta, dars jarayonini boshlash uchun o'quvchilarni yangi mavzuga qiziqtira olishi zarur. Haddan tashqari shiddat bilan boshlangan dars bolalarda tormozlanishni vujudga keltiradi va o'qituvchining so'zlari yetarlicha idrok qilinmaydi.

Odamni o'z – o'zini anglashi o'z bilimlari, qobiliyatlari va boshqa shaxsning xususiyatlarini baholashi bilan belgilanadi.

O'qituvchining bayoni o'quvchilar fikri a diqqatini yuksak darajada faollashtirishga qaratiladi, o'qituvchi o'quvchilar oldiga savollar qo'yib, ularni asta – sekin to'g'ri javob berishga undaydi va fikrini faollashtiradi.

O'quv tarbiya jarayonida o'qituvchi – o'quvchi hamkorligida psixologik bilimlardan samarali foydalaniladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. N.Sayidahmedov "Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya ". Toshkent, OPL.

2. N X.Madjitova. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida psixologik yordam ko'rsatishning ilmiy – amaliy jihatlari".

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НИЗОЛИ ХУЛҚ – АТВОРНИНГ ПСИХОЛОГИК КОРРЕКЦИЯСИ

*Тожибоева Г.Р.*
*Андижон давлат университети доценти*

Мактабда психологик хизмат бўйича замонавий психологик-педагогик адабиётларда психологик коррекция мактаб психологи фаолияти йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Бунда психологик коррекция мактаб ўқувчисининг психик ва шахслилик ривожланишидаги бузилишларни тузатиш сифатида тушунилади ёки бола қобилиятларини ривожлантириш борасида иш олиб бориш, унинг шахсини шакллантиришга кўмаклашиш маъносида тушунилади.

Конкрет вазият, психолог ва таълим муассасаси олдида турган вазифага боғиқ равишда психокоррекцион иш мактаб психологининг ё асосий ёхуд ёрдамчи фаолияти сифатида қатнашади. Шу муносабат билан мактабдаги психологик хизматни ташкил этиш бўйича иш олиб бораётган мутахассисларнинг деярли кўпчилиги шуни таъкидлайдиларки, психологик коррекция мактаб психологининг диагностик-коррекцион ва диагностик-ривожлантирувчи фаолиятининг таркибий қисми сифатида қаралади. [1] Эътироф этиладики, ўқувчилар билан психокоррекцион ва ривожлантирувчи ишлар дастурини ишлаб чиқиш психокоррекцион босқичдан аввалги комплекс психодиагностика натижаларига таяниши керак.

Замонавий психологик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда психокоррекция ва психотерапия тушунчаларининг умумқабул қилинган таърифи йўқ, бундан ташқари бу икки тушунча ўртасидаги тафовутларнинг ҳам аниқ чегараси кўрсатилмаган. Бундай вазият шунга олиб келадики, кўпинча бу иккала тушунчалар синонимлар тарзида қўлланилади, бу эса табиий равишда уларнинг ўзига хос томонларини бир хил бўлишига

олиб келади. Адабиётларда қуйидагича сўз бирикмаларига ҳам дуч келамиз: “психокоррекцион психотерапия, “психотерапевтик психокоррекция” ва х.к.

Психотерапия ва психокоррекция методларини ажратишдаги шартларга тўлиқ жавоб берган ҳолда, айтишим мумкинки, А.С.Спиваковскаядан кейин биз психотерапияни “махсус ташкил этилган даволаш тадбирлари тизими” сифатида қарашга мойилмиз, бу таъриф невроз мавжудлиги аниқ бўлган ҳолларда қўлланилади.[2]

“Невротик ҳолат ва дезадаптив хулқ-атвор шаклланишни бошлаётган кўринишлари”, яъни профилактика ҳақида гап кетганда эса, ҳақида гап борганда биринчи ўринга психокоррекция методлари ва усуллари чиқади”.

Психокоррекцион тадбирларни амалога оширишни ташкил этишнинг бир нечта шаклларини қўллаш мумкин, улардан ҳар бири бир нечта босқичдан иборат.

**1.** Дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда ўсмирларнинг биргаликдаги фаолияти шаклидаги психокоррекцион ишнинг ташкил этилиши. Психокоррекцион жараённи ташкил этишнинг бундай шакли бутун синф билан ишлашни назарда тутади. Бу ҳолатда ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти вазиятида намоён бўладиган низога олиб келувчи омиллар коррекцияси амалга оширилади. Ўқувчилар учун психокоррекция турли мазмунга эга ўқишдан ташқари бир қатор тадбирлар сифатида намоён бўлади. Психологнинг вазифаси шундаки, комплекс педагогик, психологик ва ижтимоий-психологик диагностика натижалари асосида педагоглар билан тадбирлар сценарийси ва мазмунини шундай ишлаб чиқиш керакки, тадбир “ичида” кўриб чиқилаётган шахсларaро низо низоларга олиб келувчи омилларнинг конструктив динамикасини таъмнлаб берсин.

Амалиётчи психологлар фаолиятида ва амалиётларда “Дунё харитаси”, “Шер ва овчи” типидаги ўйин муолажалари, “Кўл бўйида”, “Дарё бўйида” иммитацион ўйинлари модификациясидан кенг фойдаланамиз. Юқорида келтирилган муолажалар ўсмирлар гуруҳлари аъзоларининг мотивацион соҳаси хусусиятлари, биргаликдаги фаолият шароитида мотивлар динамикаси ва унинг кечиш хусусиятларини диагностика қилиш имконини беради. [3] Биз қўллаган методикалар биргаликдаги фаолият шароитида хулқ-атворнинг кооператив ва рақобатли стратегиядаги қарама-қаршиликларга асосланган бўлиб, ҳам индивидуал интилишлар, ҳам гуруҳий манфаатлар фойдасига ҳал қилиниши мумкин.

**2.** Биринчи ҳолатда ўйин вазифаси минимал самарадорлик билан ҳал қилинади, бу эса ўйин қатнашчилари ўртасида жуда кўп низоли вазиятларни келтириб чиқаради. Иккинчи ҳолатда ҳам гуруҳий, ҳам индивидуал манфаатларни юқори даражада қондиришда ўйин вазифаси ҳал қилувчи имкониятга эга бўлади. Психологнинг вазифаси шундаки, у ўсмирлар бу ҳал қилувчи қарорни топишлари, жамоавий хулқ-атвор ҳақида битимни ишлаб чиқиб уни амалга оширишлари учун шароит яратишдир. Топшириқ шартлари, қатнашчиларнинг сони ва персонал таркибини ўзгартира туриб, психолог тайёргарлик босқичида олинган психодиагностик маълумотларга мос ҳолда бифуркация нуқтасини лойиҳалаш имкониятига эга бўлади.

Бундай ҳолатда психокоррекцион иш шахслилик ва индивидуал-психологик хусусиятларига кўра низоли гуруҳга мансуб бўлган ўқувчилар билан олиб борилади. Хулқ-атворнинг низоли шакллари ва низоларни юзага келишидаги шахслилик омиллари коррекцияси бу ерда мазкур ўқувчилар билан махсус гуруҳий машғулотлар олиб бориш билан амалга оширилади.

Психокоррекцион таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни гуруҳда ва низоли диадаларда (микрогуруҳларда) концентрлаштирилган, эмоционал жиҳатдан бой янги ижтимоий муносабатларни яратишдан иборат. [4] Янги ижтимоий муносабатлар амалиёти гуруҳ ичида идрок этиш типини, гуруҳнинг бошқа аъзолари ўртасида бошқа қайта алоқани шакллантиради, бу эса ўз навбатида низога мойил ўқувчиларнинг шахслилик ва индивидуал-психологик хусусиятлари ижобий динамикасини таъминлайди.

**3.** Психологнинг ўсмирлардаги шахслараро низоларда ўртада турувчи шаклидаги иштироки билан амалга ошириладиган коррекцион иш авваламбор оппонентлар томонидан бир-бирини идрок қилишни коррекциялаш, тушунмовчиликни енгиш, низоли қарама-қаршилида мумийликни излаш, ўсмирлар томонидан шериклик муносабатлари кўринишидаги муқобилликнинг мавжудлигини англаш учун шароит яратишга йўналтирилган бўлади. Психологнинг вазифаси шундаки, ўзини Катта одам эго-ҳолатида тутиб туриб, жараённинг бошқа қатнашчиларини Катта одам эго-ҳолатига олиб чиқиш ва шу билан низони эмоционал соҳадан рационал соҳага кўчиришдан иборат.

Коррекцион ишнинг турли босқичларида қўлланиладиган методикаларнинг жуда кўп хилма-хиллигига қарамасдан, уларни кўпроқ умумий хусусиятларига кўра ажратиш мумкин, бу эса уларни битта гуруҳга жамлаш имкоинин беради.

“Думалоқ стол” атрофида мунозарага кириш сифатида ўсмирларга “низо” тушунчасини моҳиятини муҳокама қилиш таклиф этилди. Ўғил болалар, қизлар, лидер ва аутсайдерлар низога қандай маъно берадилар? Низоларсиз ҳам яшаса бўладими? Унинг қандай оқибатлари мавжуд? Синфдаги шахслараро низоларга тааллуқли муаммолар доираси бўйича кенгайтирилган мунозара таклиф этилади.

Д.Н.Узнадзенинг установка назарияси, С.Л.Рубинштейннинг ролли ўйинлар ҳақидаги назарий ҳолатлари ва А.Бандуранинг ўрин босувчи моделли ўқитиш ҳақидаги ғояларига таянган ҳолда у қуйидагиларни эътироф этади:

1. Импульсив хулқ-атвор инсондаги кундалик хулқ-атворга хос шаклдир.

2. Импульсив реакциялар бир қатор вазиятларда ўзларининг ноадекват эканлигини кўрсатади. Бироқ кўпинча инсондаги ноадекватлик даражаси англанмайди.

3. Ноадекватлилигини англаб, инсон ё ўзи, ёхуд бошқа одамлар ёрдамида унинг хулқ-атворини адекват қилувчи хулқ кўринишлари, усулларини ишлаб чиқади.

4. Ишлаб чиқилган жавоб реакциялари мустаҳкамлангандан сўнг автоматлаштирилади ва объективлаштириш даражасидан установка

даражасига аста-секинлик билан ўтиб, тобора онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.[5]

Шахслараро низо вазиятидаги хулқ-атвор конструктив кўринишлари шаклланишининг психологик-педагогик асослари йўналтиришнинг учинчи типи бўйича кетувчи ўқитишдир.

**Амалий таклифлар.**

Хулқ-атвор янги кўринишла- рининг тезда мустаҳкамланишига замин яратадиган асосий восита сифатида М.Форверг ролли ўйинларни кўрсатади. Ўйиннинг психологик моҳияти ҳақидаги асосий ҳолатлар қуйидаги-лардан иборат:

Ўйинда инсон борлиқни акс эттириб, ҳам борлиқни, ҳам унда ўзининг ўзаро таъсирини қўллаш имкониятига эга бўлади;

Ўйинда ўйиндан ташқари шароитда енгиб бўлмас деб идрок қилинадиган тўсиқлар ва чекланишларни енгиш имконияти юзага келади.

Ўйинда юзага келадиган тажриба, реал ҳаётга ўтказилиши мумкин.

Ўйин вазиятида инсон реал ҳаётдагга нисбатан хулқ атворнинг янги ғоялари, усуллари ва кўринишларига енгилроқ йўналтирилади.

Ўйин иштирокчилари натижадан эмас, ўйин жараёнининг ўзидан қониқиш оладилар.

Ҳар қандай ўйин ўзида фантазия элементини мужассамлаштирганлиги боис, унинг қатнашчилари ўзларининг яширин кучларини долзарблаштириш имкониятига эга бўладилар.

Ўйин қатнашчилари бир-бирларига четдан қараш, ўзларининг ва бошқаларнинг хулқ-атворлари хусусиятларини психологик жиҳатдан баҳолашлари мумкин бўлади.

Маълум ролни бажара туриб, инсон роль тақозо этадиган ҳиссиётларни кечинади, у бошқа шериклари ҳиссиётлари, шахслилик хусусиятлари, қадриятлари ва х.к.ларни тушунади.

Ўйин вазиятида бошқа одам ролини қабул қилиш мазкур ролни ижро этувчи инсоннинг ижтимоий аҳамиятли ва шахсий мотивларини тўғри тушуниш имкониятини беради.

Ўйиннинг кундалик ҳаётга яқинлиги ўйин жараёнида қатнашчилар фаоллигини оширади.

Ўйиндаги вазият, роллар ва хулқ-атвор қоидаларидаги чегараланишлар унинг қатнашчилари хулқ-атворини янада мақсадга йўналтирилган бўлишини, интизомни таъминлайди.

Айтиш мумкинки, ҳар гал психолог ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳамда гуруҳий коррекцион машғулотларнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи методикаларни ишлаб чиқишга мажбур.

ташқари шахслараро низолар у ёи бу кўринишда албатта бўлади, чунки улар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдаги объектив қийинчиликлар билан, шунингдек, гуруҳ аъзоларининг гуруҳий турмушдаги ўзгаришларга муносабатларининг субъектив хусусиятларига боғлиқ.

Шу муносабат билан мактаб психологининг асосий вазифаси бизнингча, биринчидан, низоли вазиятларнинг юзага келиш шароитларини диагностика

қилиш ва юзага келиш босқичида, яъни бифуркация нуқтасида коррекциялашдан иборат бўлса, иккинчидан эса, мутлақо деструктив шахслараро низони махсус психологик ва педагогик коррекцион тактикаларни қўллаш асосида шахсни ривожлантирувчи низога айлантиришдир.

Мактаб психологининг муҳим вазифаларидан бири шундаки, объектив сабабларга кўра юзага келувчи низоли вазиятларда ўсмирларга руҳий жароҳатлардан, салбий эмоционал-руҳий зўриқишлардан қочишга ёрдам беришдир. Бу вазифани ҳал қилишнинг реал вариантлари, низоли вазиятларни прогнозлаштириш ва профилактика қилишдан ташқари – мактаб психологи профессионал фаоллигининг алоҳида шакли бўлган биз воситачилик деб атаётган ўқувчилар ўртасидаги низоли вазиятларда бевосита қатнашишдир.

Шундай қилиб, психокоррекцион таъсир кўрсатиш самарадорлиги муаммосининг бу жабҳаси доирасида психокоррекция психокоррекцион жараённи амалга ошириш учун самарали методлар қўлланилгандагина натижа бериши мумкин. Бироқ, бу ҳолатда юзага келадиган бир нечта фикрларни айтиш жоиз.

Муаммонинг бу жабҳасини кўриб чиқишда энг муҳими шундаки, амалий ишда, одатда, бир нечта методлар бирикмаси бир вақтда қўлланилади. Бунда психокоррекцияда метод ўз-ўзидан фақатгина умумий кўринишдагина психокоррекцион мақсадга эришиш усули сифатида ифодаланиши мумкин.

Бу ёндашув доирасида шундай турли хил шартлар тадқиқ этиладики, уларга риоя қилиш умуман психокоррекция самарасини оширади. Таъкидлаш лозимки, конкрет психокоррекцион масалалар муносабати билан олиб бориладиган коррекциянинг турли шакллари ва методлари учун адабиётларда самарадорликнинг жуда кўп турли-туман шартлари келтирилган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ш.А.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.- Т., 2017. –Б.45.

2. И.А. Каримов «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили». Т. Ўзбекистон нашриёти. 1995 й.

3. И.А.Каримов Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.

4. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – М.: 1995.117-128 с.

5. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Аспект-Пресс, 2003 96-113 с.

# ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Тожиева З.Н.*
*Хоразм вилояти Хазорасп тумани 3-сон ДМТТ*

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, юртимизда ўғил-қизларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Барчамизга маълумки, бундан икки йил муқаддам муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилиниб, ёшларнинг олдида мисли кўрилмаган имкониятлар ўз эшигини очмоқда. Бунинг учун биздан фақатгина ўқиш ва билим олиш талаб этилади, холос.

Комил инсон тарбиясида, шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантирувчи омиллардан оқилона фойдаланиш, жойларда тўғри тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, мамлакатимизда маърифий ислоҳотларни амалга оширишда ҳамда, замонавий ёшлар шахсида меъёрий хулқ-атвор нормаларини таркиб топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор - инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ.

Ёшларни юксак ахлоқ ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг калити ҳисобланади. Бу ижтимоий барқарорлик ва муваффақият асосидир. Ғоялар бирлиги асосида мақсадга йўналган, жипслашган ёшларни тарбиялаш – бизнинг асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Албатта, олдинги маърузаларда таъкидлаб ўтилганидек, Президенти-миз томонидан илгари сурилган бешта ташаббус ёшларни фойдали бандликларини таъминлаш ва келажакда жамиятда ўз ўринларини топишларига оид долзарб масалаларни ўзида мужассамлаштирган. Ҳар бир халқ, миллат ўзининг келажагини қурар экан, бир масалага яъни ёшларнинг маънавияти, жисмоний камолоти, саломатлиги, билим ва кўникмаларини ривожланти-риш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимиз Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқарашини бойитиш мақсадида бешта ташаббус бугунги ҳаётимизга тадбиқ қилинмоқда. Президентимизнинг беш ташаббусни мамлакатимизда яшаётган барча аҳоли, жумладан, ёшларнинг маънавиятини бойитиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда дастурил амал ҳисобланади. Ёшлар ҳақида сўз юритганда, олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари улар ичида энг фаол ёшлар ҳисобланади. Талаба-ёшлар жамиятнинг келгуси ҳаётидаги ислоҳотлар бунёдкори, ривожла-ниш йўналишлари даражасини белгилаб берувчи куч. Шунинг учун бугунги талаба-ёшлар ҳар томонлама

етук, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаган, жисмонан бақувват ва баркамол бўлишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ҳозирги кунда ташаббус барча ёшларни бир маёқ атрофида бирлаштириб, аниқ маслак сари ундайди. Шунинг учун ҳар қандай мушкулот ва таҳдид-ларни илм, маърифат, мутолаа, шижоат, жисмоний бақувватлик, сабрбардош билан енгиш мумкин, деган қатъиятни ёшларимизнинг онгига сингдиради.

Ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун Э.Фромм дунёни мод-дий эмас, маънавий – руҳий тушуниш кўпроқ зарурдир, деган ёндошув-ни илгари сурди. Бунинг учун эса, ижтимоий жараёнлар, яъни одамлар-нинг илгари амалда бўлмаган гуруҳларга уюшиши ва ёппасига бир жой-дан иккинчи жойга кўчиши, қудратли шаҳарларнинг оз кучли рақибга тас-лим бўлиши сабабларини тушунишда шу даврда юз берган психологик ҳолат-ларни, ўша вазиятда одамларга таъсир этувчи психологик ҳолат ва шу психологик ҳолат ва шу психологик ҳолатни юзага келтирувчи ижтимоий му-ҳитни атрофлича ўрганиш зарур, деган хулосага келади. Ижтимоий жараён-ларнинг ижтимоий-маънавий ва руҳий асослари фавқулодда кучлидир, деб изоҳловчи ёндашув тарафдорлари кўпинча экзистенциализм назариясига таянадилар. Экзистенция –яшашни, айни вақтда яшаётганликни англаш ўзга-раётган ва ўтаётган замонни руҳияти ва вужудида доимий ҳис этиб яшашни англатади. Экзистенция шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳоси, ўз-ўзини қадрлаш даражаси ҳамдир. Демак шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш даражаси қанча паст бўлса, унинг ижтимоий фойдали бўлмаган ҳолатларга, жамоатларга интеграция бўлиши шунга юқори бўлади.

Ижтимоий ривожланиш ғоясини ҳаётга жорий этишдаги яна бир ён-дашув эмержентлик назариясидир. Эмержентлик - бу юз бераётган ўз-гаришлар, шаклланиб келаётган ижтимоий жамоалар, дунёқарашлар, иж-тимоий фикр йўналишлари жамиятдаги маънавий – руҳий ҳолатларни ифо-далайди. Айни вақтда одамларнинг аксарияти юз бераётган моҳиятан янги сифат ўзгаришлари жараёнларини теран англамаган ҳолда яшайдиларки, бу ҳолат жамиятга турли негатив ташқи таъсирлар эшигини кенг очиб беради. Экзистенциал ёндашуви суст инсонлар ҳам ташқи стимулларга бе-рилувчан бўладилар. Умумий мақсадлар йўлидан четда қолишнинг икки жиҳати, яъни, объектив ва субъектив томонларига эътибор қаратиб, ҳар бирсоҳа таркибида уюшмаганлик алоҳида шаклланишини асослайди. Маса-лан, таълим соҳасида муҳит ва макон ўзгариши ўқувчи ва талабаларда жа-мият талабларига мослашишни қийинлаштиради. Таълим стандартларини ўз-лаштиришда иродани сусайтиради. Чалғитувчи омиллар, ёт ғояларга ху-сусан, экстремизмга берилувчанликни кучайтиради, деб асослашга интила-ди. Бу эса таълим субъектларини жамиятнинг умумий мақсадларидан чет-да бўлиш майл хоҳишларини кучайтириб, алоҳида ижтимоий қатламлар юза-га келишига юз бераётган жараёнларга нисбатан бефарқ одамлар кўпайиши-га асос бўлади.

Бизниг фикримизча, мазкур қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг объекти бўлган йигит ва қизларнинг ёш чегаралари белгилаб берилган.

Навбатдаги вазифа ёшларнинг илмий тимсолини ва психологик портретини яратишдан иборат. Ёшларнинг психологик портретини яратмас эканмиз, уларнинг кучли ва заиф томонларини, қайси йўналишда таълим ва тарбия тадбирларини кучайтириш зарурлигини аниқ белгилай олмаймиз. Психология фани берган маълумотлардан маълумки, инсонларнинг бирор гуруҳини тарбиялашга киришишдан аввал шу гуруҳни атрофлича ўрганиш, унинг эҳтиёжларини, қизиқишларини, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш зарур. Шу қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, 14-30 ёшдан иборат бўлган ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олибқандай гуруҳларга бўлиб ўрганиш кераклигини аниқлаш лозим. Чунки ёш авлоднинг дунёқараши, атрофда юз бераётган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий жараёнларга муносабати тўла шаклланиши учун анча вақт талаб қилинади. Масалан, 16-19 ёшлиларда бу жараён фаол давом этаётган бўлади. 26-30 ёшлиларда эса бу жараён якунланиб, уларнинг дунёқараши тўла шаклланган, атофдаги воқеа-ҳодисаларга қатъий муносабати юзага келган бўлади. Ёшлар таркибидаги турли ёш гуруҳларининг ҳар бири ўз даврида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида шаклланади. Шунинг учун уларнинг дунёқарашларида ҳам муайян тафовутлар бўлади. Ёшлар таркибидаги гуруҳларни фарқлаб олгандан кейин тасниф қилинган ҳар бир гуруҳнинг хусусиятларини ўрганиш, психологик портретини чизиш лозим бўлади. Ҳар бир гуруҳ портретини яратганда эса унинг таркибидаги кичик гуруҳларни, жумладан гендер, касбий белгилари ва маълумот даражаларига кўра фарқлаш зарур бўлади. Ёшлар билан мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб ишлаш Ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишга хизмат қилади. Болалар оила ва ота-оналарининг эмас, балки давлатимизнинг келажагидир. Келажак авлод тақдири жамиятимиздан ва шунинг билан бир қаторда, ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Ҳар бир оилада ва ҳар бир жамият ўз авлодини маънавий етук кишилар бўлиб етишишини истайди. “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирингизнинг боласига одоб бермоғи, ҳар куни ярим соъ миқдорида садақа қилиб тургандан афзалдир”, дедилар”. (Термизий ривояти)

Бундан равшан бўладики, фарзандга гўзал хулқ ва таълим-тарбия бериш мол-дунё сарфлаб, садақа қилишдан савобли ҳамдир. Яна бир ҳадисда “ Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, дея келтирилади. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоғи керак. Чунки, ер юзида жамики инсоният ҳар неки ишни амалга оширмасин, унинг амалга ошираётган ишлари тарбия маҳсули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги ўлкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: “ Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”, дея таъкидлайдилар. Бу борада Президентимиз ёшлар дунёқарашини шакллантиришда мафкура

масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, ҳуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кўникмаларни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Албатта, эртанги кунимиз, порлоқ келажагимиз ана шундай ёшлар қўлида. Зеро, ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоя келажакка тикилган сармоядир. Янги давлатни барпо қилиш осон бўлмаган сингари, унинг порлоқ келажагини шакллантириш ҳам енгил бўлмайди. Бунинг учун куч, ғайрат, шижоатисизни аямаган ҳолда илм ва маърифатли ёшларни тарбияламоғимиз лозим. Бугун Ўзбекистон ёшлари билим заковатлари, интилишлари, меҳнат шижоатлари билан бутун дунёни ҳайратга сола бошладилар. Бунинг замирида давлатимиз раҳнамолигида ёшларга оила, таълим ташкилотлари, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан бериладиган таълим-тарбия ётади. “Нимани эксанг шуни ўрасан”, дейди доно ҳалқимиз. Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар, эртанги кунимиз порлоқ келажаги учун қўйилаётган тамал тошидир. Ёшлар тарбиясига эътибор, ўзимизнинг келажагимизга бўлган эътибор эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз ва бу йўлда барчамиз бирдай ҳаракат қилмоғимиз лозим. Келажагимиз ворислари озод ва обод юртимизнинг эртасини ҳал қилувчи, юксалтирувчи асосий куч бўлиб майдонга кириб келишмоқда. Имкониятларнинг очиқ эшигидан кириб, улардан унумли ва оқилона фойдаланиб, юрт корига яраш, бугун асосий вазифага айланмоғи лозим. Республикамизнинг биринчи Президенти, Ислом Каримовнинг: “Мен ёшларга ўзимга ишонгандай ишонаман, маррани биланд олинг, фарзандларим! Эртанги кун бизники, марра бизники!” дея баралла айтган гапларини дилдан чукур ҳис этиб, бу ишончни оқлаш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ҳозирги давр талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида эътибор қаратилганлиги, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратишга киришилди, яъни бевосита ёшлар масалаларига масъул давлат ва жамоат ташкилотлар-дан вакиллар тайинланиб, бу борада кенг ислоҳотлар қилинди.

Ёшлар-эртанги кун давомчилари. Ёшлар билан боғлиқ муаммолари мавжуд бўлган ҳар қандай миллат ва давлатнинг келажиги йўқ. Ёшлар муамаоларини ҳал этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан бирга мамлакат хавфсизлигининг кафолати ҳамдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёш авлодни баркамол шахс қилиб шакллантириш ғояси жамият тараққиётининг мавжуд босқичида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашдан иборат. Ушбу ижтимоий буюртмани тўлақонли бажариш узлуксиз тарбия тизими мазмунида қуйидаги асосий таркибий қисмларини акс этишини тақоза қилмоқда:баркамол шахснинг сиёсий, ҳуқуқий (фуқаролик) билим ва маданият, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик, динлар ҳақида билимва маданият, экологик билим, касбий маҳорат, соғлом ҳаёт тарзи ва жис-моний маданият, шахснинг маънавий баркамоллик даражасидаги камолоти, педагогик, психологик билим ва малакалар, иқтисодий билим ҳамда бошқа

жиҳатларнинг барчасини ўз мазмунига қараб қамраб олиши зарур. Давлатимиз раҳбари томонидан баркамол авлод тарбияси мамлакат тақдирига дахлдор энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Уларнинг куч ва салоҳиятини юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги сари сафарбар этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

## БОШҚАРУВГА ИННОВАТЦИОН ЁНДАШУВ

*Тохирова М.З.*
*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси*
*Маруфхонов Х.М.*
*Тошкент давлат аграр университети талабаси*

Аннотация: Мақолада бошқарув усуллари ва хозирги кундаги бошқарувни иқтисодий усулли ёритилган. Тизим ва ташкилотлар бошқарувига янгича ёндашилган эришиш берилган. Рақамли иқтисодиётни қулайлиги ва ютуқларига хам тўхталиб ўтилган.

Бошқарув усулларини иқтисодиётнинг маълум аниқ соҳаларида амал қилишнинг турли йўллари орасидаги умумий ҳодиса сифатида ажратиш мумкин. Масалан, бошқарув даражалари бўйича бошқарув усуллари (давлат секторини бошқариш усуллари, цех, корхона, бирлашма, минтақани бошқариш усуллари), ёки тармоқларни бошқариш усуллари (саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини бошқариш усуллари) ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунингдек, турли субъектлри томонидан қўлланиладиган бошқарув усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Давлат бошқаруви усуллари жамоат ташкилотларини бошқариш усуллари. Ёки иқтисодиётнинг айрим соҳаларида қўлланиладиган бошқарув усулларини (ишлаб чиқаришни, молиявий соҳани, фан ва маорифни бошқариш усуллари)ни ҳам кўзда тутиш лозим.

Бошқарув ташкилотлари тизими билан турли-туманлиги бу ташкилотлар фаолияти усулларини ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда сўз вазирликлар, ассосациялар, акционерлар жамияти, давлат қўмиталарини бошқариш усуллари ҳақида сўз боради.

Ва нихоят, турли туркумга кирувчи ишловчилар бошқарув фаолиятида менежерлар, директорлар, бўлимлар бошлиқлари томонидан қўлланиладиган бошқарув усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Демак, бошқарув назария ва амалиётида турли бошқарув усуллари мавжуддир. Улар бошқарув усулларининг ҳар бир гуруҳи ўз хусусиятларига эга бўлган тизимни ташкил этган.

Халқ хўжалигини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, психологик ва хуқуқий. Бошқарувнинг бу усуллари ўзаро узвий боғлиқдир, шу сабабли уларнинг бирортасига ортиқча

аҳамият бериш бутун ишлаб чиқаришнинг нормал бориши бузилишига олиб келади. Хозирги даврда бозор иқтисодиётини бошқаришнинг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатлар орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига улар манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароит яратишдан иборатдир. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодий усуллар иқтисодий таъсир воситалари йиғиндисидан (нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш хақи, иқтисодий рағбатлантириш ва х.к.), яъни хўжалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хўжалик бўғини билан ўзвий алоқада амал қилишини таъминловчи тадбирларидан иборатдир.

Бозор механизмининг муҳим вазифаларидан бири бизнес-режа ва бозорнинг узвий боғлиқ бўлишига имкон яратувчи пул ва товар ресурслари тўғри нисбатини таъминлашдир.

Бозор - бу товар-пул муносабатларининг доимо сақланувчи балансидир. Бозор муносабатлари шароитида режали иқтисодиётга нисбатан қатъий бошқарув тизими ўрнатилади. Бозор тамойиллари хўжалик раҳбарларидан ташаббускорлик, корхона фаолияти масалалари бўйича юқори натижаларга эришиш мақсадида қайишқоқлик, таваккалчиликни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик тизимига нисбатан қарама-қарши тизим бўлиб, бозорда нарх, солиқ, кредит воситасида тартибга солиш энг аввало ижтимоий мақсадда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва иш хақи ўзгаришни қатъий тартибга солмай барқарорликка эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар моҳирона ва ўз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва хуқуқий усуллар билан қўшиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Корхоналар, акционер жамиятлари, фирмаларда муҳим бошқарув усулларидан бири - бизнес-режалардир. У иқтисодий жараёнларни умуммиллий манфаатларни кўзлаб, хўжалик амалиётида объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланиш асосида, онгли равишда, бир мақсадга интилган қолда бошқаришнинг ўзаро узвий боғлиқ тизимидан иборатдир.

Бизнес-режа воситасида ҳал этиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: иқтисодиёт ривожланиши йўналишлари ва мақсадларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ўсишини таъминлаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни таъминлаш; тармоқлараро интеграция, тармоқ ичида ихтисослашув ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тезкор тартибга солиш ва координация қилиш.

Бизнес-режа корхона, акционерлар жамияти, концернлар фаолиятининг ҳамма томонларини: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, моддий-техникавий таъминот ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, меҳнат ва иш хақи, жамоада ижтимоий жараёнлар ва х.к.ларни қамраб олади. Бозор муносабатлари шароитида уларга режалаштириш борасида кенг хуқуқлар берилади.

Хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолияти бошқарувнинг турли ташкилий-фармойиш усулларини қўллаш билан боғлиқдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминловчи таъсир этиш тизимидан иборатдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари иқтисодий усулларни тўлдириб, бозор иқтисодиёти қонунлари. Ҳуқуқий актларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади.

Давлат махсус тузилган бошқарув ташкилотлари воситасида бошқариладиган тизимга маъмурий ва ташкилий жиҳатдан таъсир ўтказади. Бошқарув тизимида ташкилий усуллар умумий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати тартибга солинадиган маъмурий хужжатлар асосида амалга ошади. Ташкилий-фармойиш усулини қўллаш асосини бошқарувнинг барча тамойиларига риоя қилиш ташкил этади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари - бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эхтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганиш ходимлар нерв системаси кайфиятига таъсир этувчи психологик (рухий) омилларни билишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида социология кишилар ижтимоий алоқаси шаклланишининг асоси бўлган меҳнат омилларини ўрганади, ижтимоий тизимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш тизими ривожланиши ва амал қилиш қонуниятлари, кишиларнинг жамиятнинг турли қатламидаги хулқ-атвори қонуниятларини таъқиқ қилади. Ижтимоий психология гуруҳ ва омма психологиясининг хусусиятлари, уларнинг шахснинг онги ва хулқига таъсири, кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар, кайфият, ижтимоий фикрни шакллантирувчи омилларни ўрганади. Шахс психологияси олий нерв фаолияти турлари ва инсон темпераменти, ҳарактери, шахснинг иродаси, қобилияти, хиссиёти, хотираси, англаш ва хис этиш қобилиятини ўрганади, меҳнат психологияси меҳнат фаолиятлари, шу жумладан, раҳбар ва мутахассислар (касбий хусусият ва қобилиятлари, кадрларни ўқитиш усуллари, иш ва дам олиш тартиби, кадрларни танлаш ва баҳолаш усуллари, меҳнат жараёнининг психологик жиҳатлари) фаолиятини ўрганади.

Кишилар фикрлаш усулида ўзгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар аҳамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эхтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон ўзгариб боради. Ўз меҳнатидан қиниқишнинг муҳим омили бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан

ўзаро яхши муносабати ишлаб чиқариш даги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (ўзаро муносабат тизими, ижтимоий эхтиёжлар) қўллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимои тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва ростлаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қўлланилади.

Улар жумласига ижтимоий ташкилотлар низомлари, шартномалар, ўзаро мажбуриятлар, ишчиларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эхтиёжларни қондириш тизими киради. Ижтимоий тартибга солиш усуллари инсон омили фаоллигини ошириш, бошқарувни демократлаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик холат ташкил этиш йўли билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш ва х.к.лар киради.

Кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш усулини қўллаш кичик гуруҳдаги ишчилар ўртасидаги мақбул миқдорий-сифат нисбатини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат фаолиятини инсонийлаштириш деганда ранглар, мусиқанинг рухий таъсиридан фойдаланиш, бир хил, ўзгармас меҳнатни бартараф этиш, ижодий ёндашувни кенгайтириш тушунилади.

Касбий танлашнинг моҳияти-кишиларнинг рухий хусусиятлари улар бажарувчиишларига энг мос бўладиган қилиб танлашдан иборат. Шахснинг рухий хусусиятлари жумласига унинг қизиқиш ва майллари, қобилияти, темперамент ва ҳарактери киради. Шу сабабли, раҳбар шахсга раҳбарлик қилганда ўз олдига инсон рухий хусусиятлари шаклланиши ва ривожланишини ўрганиши, унинг қииқиш ва қобилияти, темперамент ва феълини билиш вазифасини қўйиши керак.

Шахснинг рухий хусусиятларини инсон фаолиятида ажратиб тушуниб бўлмайди, чунки киши қобилияти ва феъли хусусиятлари унинг фаолияти ва хулқида намоён бўлади. Инсон хаёти ва оммавий фаолияти унинг рухий холатини шакллантиради. Инсоннинг қандай хаёт кечириши, нима билан шуғуланишини билмай вужудга келганлиги, у ёки бу нарсага қобилият ривожланганлиги, феъли шаклланганлигини англаб бўлмайди.

Инсон аввало ўзини ижодий шахс сифатида баҳолайди. Ишчи меҳнатга бундай нуқтаи назардан қарашга дарров келмайди: моддий эхтиёжлар бирламчи бўлиб, улар қониққандан сўнг нисбатан юксак инсоний эхтиёжлар илгари сурилади.

Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган бўлиб, маълум мақсадга эришишга қаратилгандир. Рағбатлантирувчи омил - мақсад муносабати инсон фаолияти ўзагидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи

омил - бу инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил бўлиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хохлаган нарсадир. Рағбатлантирувчи омил киши хулқининг ички кучидир. Психологияда узоқ ва қисқа рағбатлантирувчи омил ажратилади. Агар инсон фаолиятини рағбатлантирувчи омил ва ўз олдига қўйган мақсад яқин келажакка мўлжалланган бўлса, у қисқа муддатли, агар улар узоқ истиқболни қамраб олса узоқ муддатли дейилади. Рағбатлантирувчи омил даражаси билан инсоннинг меҳнатга, ютуқ ва муваффақиятсизликка нисбатан бўлган муносабати узвий боғлиқдир. Фақат узоқ муддатли рағбатлантирувчи омил меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш манбаидир.

Раҳбарга хос бўлган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришга қизиқтира олишдир. Бу айниқса, у ёки бу корхонага ишга кириб, уларни келажакда нима кўтишини билиш лозим бўлган ёшлар билан ишлашда муҳимдир. Раҳбар ишини ким ва қачон қайси скрипкани чалиши, қайси асбобда мусиқа чалишини ўрганган, ким нотўғри чалиши мумкинлиги, кимни қайси ерга қўйиш кераклигини билиши лозим бўлган дирижер меҳнати билаш солиштириш мумкин.

Киши рухий хусусиятларнинг у бажарувчи иш талабларига мос келмаслиги ўз касбидан қониқмаслик уни ўзгартиришга ҳаракат қилишга, хато қилиш эхтимоли ортишига ва натижада меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади.. аксинча, агар инсон ўз қобилиятини тўлиқ намоён қила олувчи иш билан банд бўлса, у ўз меҳнатидан мамнун бўлади, касбни тез эгаллайди ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Инсон учун фақат моддий рағбат муҳим деб ҳисоблаш нотўғри. Унга жуда кўп нарса катта умумий ишда ўз хиссаси борлигини хис этиш, ўзини меҳнат орқали намоён этиш, ўз малакаси билан қурурланиши, ўртоқлари хурматига сазовор бўлиш ва х.к.лар ҳам муҳимдир. Кўпчилик кишилар шахсий фаровонликка бошқалар ҳисобига эришилган шахсий муваффақият орқали эмас, мамлакат иқтисодиётига қўшган меҳнати ҳисобига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Изланишлар меҳнат меҳнатга нисбатан муносабатга таъсир этувчи рағбатлантирувчи омиллар қуйидаги тартибда тақсимланишини кўрсатди: меҳнат моҳияти, иш хақи, юқори лавозимга эга бўлиш имконияти, ишнинг қизиқарлилиги, меҳнатни ташкил этиш, маъмуриятнинг ишчига нисбатан муносабати.

Ривожланиб бораётган иқтисодиётда хар бир жабҳани бошқари ва унда юксак ютуқга еришиш долзарб масала хисобланади. Бугунгт кунда рақамли иқтисод орқали буни анча такомиллаштиришга еришиш мумкин. Бунда жараёнга ташқи омилни ва суний аралашувларни камайтиришга еришиш мумкин. Бу билан биз вақт хамда ортиқча оворагарчиликларни камайтирамиз. Яширин иқтисодиёт улуши хам камаяди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Дилмурод суюпов “ карпаратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар”

2. Основа менеджмента. / Пер. с англ. Мескан М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. - М.: Дело, 2004.

3. Келлос Н.Ф. Управление административном учреждениям. Огайо, 2003 й.

4. М.Шарифхўжаев, Я.Абдуллаев. “Менежмент” Ўқитувчи 2002 й

5.Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. “Менежмент асослари”. – Т.: Ўкитувчи, 2003.

6.Тулаганова Д.С. Менежмент фанидан практикум. – Т.: Нашриёт. 2004

7. http//www.dis.ru/manag/index.html

## BUGUNGI KUN MAKTAB PSIXOLOGIGA QO’YILADIGAN TALABLAR VA MAKTAB PSIXOLOGI UCHUN ZARUR BO’LGAN KO’NIKMALAR

*Tosheva M.Y.*

*Qashqadaryo viloyati Qarshi shahar 21-maktab psixologi*

**Anotatsiya:** Ushbu maqolada bugungi kun psixologi qanday bo’lishi kerakligi, bugungi kun psixologining bo’lishi kerak bo’lgan qiyofasi va bugungi kun kun psixologiga qo’yiladigan talablar yoritiladi.

**Kalit so’zlar:** temperament, stress, psixoprofilaktika, psixokorreksiya, ko’nikma.

*Inson mushohada bilan emas, balki harakatda o’z-o’zini anglaydi. Qilinishi lozim bo’lgan ishga kuch- g’ayrat sarflangandagina u o’zining kimligini biladi.*

***I.Gyote.***

Davr tezkorlik bilan rivojlanib bormoqda. Davr bilan bir qatorda yoshlarimiz ham har tamonlama ulg’ayishmoqda. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev aytib o’tganlaridek, farzandlarimizni mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni chuqur egallaydigan, mustaqil pozitsiyaga ega, chinakkam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash hamisha dolzarb masalalardan biri bo’lib kelayotganligini anglanilgan holda yoshlarga katta e’tibor qaratilmoqda. Davlatimiz rahbari tomonidan xalqning orzu-umidlariga ko’makdosh bo’lish, og’irini yengil qilish, aholinig barcha qatlamlari manfaatlarini himoyalash borasidagi amaliy sa’y-harakatlar xalqimiz tomonidan qizg’in qo’llab-quvvatlanmoqda. Bunday ezgu maqsadlar yo’lida psixolog - mutaxassislarning ham o’z o’rni bor.

Hozirgi davr psixologiyasini milliy istiqlol g'oyalaridan kelib chiqqan holda, milliy, etnik va xalq psixologiyasiga oid ajdodlarimizning psixologik qarashlarini, ular tomonidan bayon etilib, o'z aksini topgan tarixiy, ma'naviy, madaniy, ma'rifiy manbalarni hozirgi kun talablari nuqtai-nazaridan tavqim etib har tomonlama yetuk shaxsni tarbiyalashda uning o'ziga xos shakllarini, yo'llarini ishlab chiqishdan iboratdir. Bugungi kunda insonning ruxiy kechinmalarini o'rganishda zamonaviy tadqiqot usullaridan foydalanilmoqda.

Maktab jarayonida turli yoshdagi o'quvchilarning o'qish faoliyatida shaxs fazilatlarini shakllantirish muhim vazifalardan hisoblanadi. "Har bir shaxs qaytarilmas temperamentdir"- degan edi fiziolog olim I.P.Pavlov. Har bir insonning o'ziga xos imkoniyatlari mavjuddir va bunga jiddiy e'tibor berish lozim. O'qituvchi bola shaxsini tarbiyalash uchun, avval uning "beg'ubor dunyosiga" kira olishi va shunga monand tarbiyabiy mashg'ulotlar rejasini tuzishi, qo'llamog'i lozim. Dunyo hisobotida o'nta eng yaxshi kasblardan biri bu-psixologdir. Maktab psixologiyasining asosiy maqsadi barcha bolalar uchun baxtli, sog'lom, xavfsiz, ijobiy va samarali o'quv faoliyatini yaratishdir. Bola mustaqil fikrlashi, har tomonlama rivojlanishi, erkin fikrlashi, qobilyatlarini yuzaga chiqara olishi, taffakkuridagi yangi qirralarning namoyon bo'lishini ta'minlaydigan yangi shakldagi psixologik xizmatning bo'lishi juda muhim masaladir. Bu masalalarning yechimini topishda maktab psixologi o'z kasbining mohir ustasi bo'lishi muhim sanaladi.

Bu muammolarning yechimini topishada bugungi kun maktab psixologidan quydagilar talab etiladi:

Psixologiyaning barcha tarmoqlari bo'yicha bilimlarni egallash uchun o'z kasbiy yo'nalishiga doir psixologik kategoriyalarni to'la o'rganish;

Har bir o'quvchida paydo bo'lishi mumkin bo'lgan stress (hissiy zo'riqish) xolatlariga xos ko'rinishlarni aniqlash.

O'quv faoliyatini boshqarish, tashkillashtirish va nazorat qilish jarayonlarida o'quv faoliyatining samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlab, ularni bartaraf etish rejalarini ishlab chiqish.

Fanlarni yaxshi o'zlashtira olmayotgan o'quvchilarni aniqlab, o'zlashtira olmaslik sabablarini o'rganish hamda ular bilan individual tarzda suhbatlar va mustaqil mashg'ulotlar tashkil etish. Ulardagi o'ziga xos qiziqish va imkoniyatlarni o'rgangan holda ularning faolligini oshiruvchi yo'llarni izlash.

O'quvchilar xulq-atvoridagi turli psixik og'ishlarni psixoprofilaktika va psixokorreksiya qilish.

Sog'lom turmush tarzi va psixologik sog'lom muhitni yaratish.

Bolalarni yoshligidan kasb-hunarga yo'naltirishda yangi psixologik dasturlar yaratish.

Maktabdagi nizoli vaziyatlarni psixokorreksiya qilish.

Bugungi kun maktab psixologlari bir nechta muhim ko'nikmakarga ega bo'lishlari talab etiladi:

Faol tinglash. (Tinglash eng muhimi. Boshqa odamning nuqtai nazariga e'tiborli bo'lish va tushunish uchun bu ko'nikma juda muhim.)

Qaror qabul qilish. (Bu katta mahorat. Eng to'g'ri yo'lni tanlash va qaror qilish maktab psixologi uchu zarur ko'nikma hisoblanadi.)

Idrok qila olish ko'nikmasi (Boshqalarning ijtimoiy jarayonlarga munosabatlarini tushuna olish va idrok qilish ko'nikmasining mavjud bo'lishi.)

Murosali bo'lish. (O'quvchilar o'rtasida murosali va muzokarali jarayonlarni hal etish ko'nikmasi.)

Muammolarni to'liq hal etish. (Aniq ma'lumotlar asosida muammolarni bartaraf qila olish ko'nikmasi.)

Vaqt bilan ishlash (Vaqtni boshqara olish ko'nikmasi.)

Hissiyotli bo'lish (Maktab psixologi uchun eng kerakli ko'nikma. Bu ko'nikma yordamida maktab psixologi boshqalarni o'zgarishiga yordam beradi.)

Xulosa qilib aytganda, maktab psixologlari o'quvchilarga yordam beradi. Maktabdagi o'qituvchilar, o'quvchilar va oilalarga maslahatlar beradi. Muammosi bor o'quvchilar, maktab xodimlari eng yaxshi tushuncha va ishonchli ma'lumotlarni maktab psixologidan ola bilishi kerak. Bugungi kun maktab psixologi bir nechta ko'nikmalarga ega bo'lishi lozim. Shuningdek, bugungi kun maktab psixologi barcha o'g'il - qizlarga to'g'ri yo'nalish bera olishi, ular ruhiyatini sog'lomlashtirishi muhim sanaladi.

## SHAXS FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK BILIMLARNING AHAMIYATI

*Tosheva H.*
*OzMU talabasi*

Hozirgi kunda jahon psixologiyasi fani o'zini-o'zi boshqarish va takomillashtirish, o'zini-o'zi qo'lga olish, o'ziga-o'zi buyruq berish, o'zini-o'zi tarbiyalash bo'yicha boy ma'lumotlar to'plagan, bu esa o'z navbatida inson munosabati, maqsadi, holati, kechinmalarining o'zgarishi va yangidan paydo bo'lishi haqida ilmiy-tatbiqiy malumotlar beradi, kundalik turmush psixologiyasi rang-barangligini ta'minlab turadi. Psixologiya inson psixikasini aniqlash, shakllantirish, yangi sharoitga ko'chirish, takomillashtirish, rivojlanish dinamikasini ta'minlash, yangi sifat bosqichiga o'tishini qayd qilish imkoniyati borligi bilan o'ta amaliy, tatbiqiy fanga aylangandir. Psixologiya fanining sohalari uning amaliyoti uchun muhim ahamiyat kasb etadi (huquqshunoslik psixologiyasi, klinik psixologiya, mehnat psixologiyasi, savdo psixologiyasi, ijtimoiy psixologiya, pedagogik psixologiya, maxsus psixologiya, sport psixologiyasi va hokazo). Psixologiya amaliy, tatbiqiy jihatdan o'z predmetiga ega bo'lib, amaliy-ijtimoiy psixolog, injener (muhandis) psixolog, oilaviy psixolog, tibbiyot psixologi, maktab psixologi kabi bir qator sohalarni o'z ichiga qamrab olgan.

Psixologiya fani yaqqol inson fazilati, muayyan taraqqiyot xususiyatlari, mexanizmlari, qonuniyatlari, o’ziga xoslik, alohidalik va yakkahollik tabiati yuzasidan bahs yuritadi. Shaxs kundalik turmushning o’ziga xos psixologik bilimlarini egallagan bo’lib, o’z saviyasi, salohiyati bilan turlicha kamolot ko’rsatkichiga egadir, hatto hayotiy faoliyatida to’plangan bilimlar ilmiy psixologik bilimlardan ustunroq turishi ham mumkin (Qari bilganni–pari bilmas). Chunki yirik yozuvchilar (shaxslararo munosabat va muomala, muloqot xususiyatlari yuzasidan kuzatuvchanlikka egadirlar), shifokorlar, o’qituvchilar, ruhoniylar, savdogarlar uzluksiz ravishda kishilar bilan muomalaga kirishishlari natijasida ularning ichki dunyosi va xulq-atvoriga oid bilimlar bilan yuksak darajada qurollangandirlar. Lekin har qanday insonda ham ozmi yoki ko’pmi psixologik bilimlar mavjuddir, buning dalili sifatida odamlarning bir-birlarini tushunishlari, ta’sir o’tkazishlari, xulq-atvor oqibatini oldindan bashorat qilish, kishining yakkahol xususiyatlarini hisobga olgan holda unga yordam ko’rsatishni takidlab o’tishning o’zi kifoya.

Endi kundalik turmushning psixologik bilimlari bilan ilmiy psixologik bilimlar o’rtasidagi tafovutlar yuzasidan mulohaza yuritish ayni muddao bo’lib, bunda kundalik turmushga oid psixologik bilimlar, dastavval, yaqqol va alohida olingan holat, vaziyatni o’z ichiga qamrab oladi. Masalan, sinchkov bola o’z maqsadiga yetish uchun otasiga, onasiga, buvasiga, opasi hamda akasiga har xil uslub bilan ta’sir o’tkazadi, turlicha vositalardan foydalanadi. U ko’zlangan maqsadiga erishish uchun katta yoshdagi odamlarning individual-tipologik xususiyatlarini hisobga olgan holda ish tutadi. Kundalik turmushga oid psixologik bilimlar aniq vaziyatga qaratilganligi, biror shaxsga yo’naltirilganligi bilan ilmiy psixologik bilimlardan farq qiladi. Ilmiy psixologiya esa muayyan metodlar, vositalar, uslublar, usullar va operatsiyalar yordamida ma’lumotlar to’plash va ularni umumlashtirishga intiladi hamda izlanayotgan obektning xususiyati, holati, munosabati, bog’lanishi kabilarni aks ettiruvchi ilmiy tushunchalar, tariflar, qonuniyatlar, xossalar yordamida psixologik mexanizmlarni kashf qilishga harakat qiladi.

Odatda shaxsning xususiyatlari, sifatlari, fazilatlari, xislatlari, xulq-atvorlari, xatti-harakatlari bo’yicha turmush sharoiti va fan olamidagilar (hatto ilmiy tushunchalar, atamalar) o’zaro o’xshab ketsa-da, lekin ilmiy-psixologik mazmun, mohiyat, majmua o’zining tuzilishi, tarkibi, aniqligi, mantiqan izchilligi, ma’noning yig’iqligi bilan keskin ajralib turadi. Yuqorida yuritilgan mulohazalar kundalik turmush tajribasida toplanadigan psixologik bilimlar bilan ilmiy bilimlar orasidagi dastlabki (birinchi) farqni sharhlashga yo’naltirilganligi bois alohida ahamiyat kasb etsada, lekin shu narsani yoddan chiqarmaslik kerakki, turmushga oid amaliy psixologik bilimlarga asoslanmasdan turib, ilmiy psixologik nazariyalarni yaratish mumkin emas. Shunday ekan, amaliy bilimlar genetik kelib chiqishi nuqtai-nazaridan birlamchi hisoblanadi. Hayotda juda ko’p uchraydigan, ayniqsa, o’qituvchilar, murabbiylar, trenerlar, rahbarlar, shifokorlar faoliyatida namoyon bo’luvchi ta’limiy, tarbiyaviy, tibbiy uslub arzimas ijobiy siljishni payqash imkoniyatini yaratadi. Amaliy faoliyatda erishilgan ushbu samara psixologik tahlilga muhtoj bo’lib, uni keltirib chiqaruvchi obektiv yoki subektiv

omillarni dalillash ancha mushkul hisoblanadi. Buning uchun o'zgalarga ta'sir o'tkazish usuli, ularda ichki imkoniyatga ishonch tuyg'usini uyg'otish qo'zg'ovchisi, ta'sirga beriluvchanlikni kuchaytiruvchi motivlar (frans. «motif» - qo'zg'atuvchi sabab) tabiatini chuqur tahlil qilish va shu yo'l bilangina siljishning psixologik ma'no kasb etishini dalillash mumkin, xolos. Ilmiy psixologiyada katta hajmdagi materiallar, shu jumladan, qonuniyatlar, xususiyatlar umumlashtiriladi, insonning ichki imkoniyati, iste'dodi, ishchanligi, qobiliyati yuzasidan umuminsoniy tavsifga ega bo'lgan teran xulosalar chiqariladi. Buning natijasida odam psixikasini aniqlash, bashorat qilish, ayrim ruhiy nuqsonlarni tuzatish, noxush kechinmalarning oldini olish imkoniyati tug'ilib, bu esa ijtimoiy-psixologik bog'lanishlar mohiyatini oqilona tavsiflash uchun xizmat qiladi.

Ijtimoiy va yakkahol turmush og'irliklari va tashvishlarini kamaytirish, aqliy hamda jismoniy zo'riqishlarni pasaytirish, shaxslararo nizolarni bartaraf etish singari say-harakatlarni faqat ilmiy psixologik malumotlarga asoslangan holda amalga oshirish mumkin. Shuning uchun psixologiyaning turli sohalari (yosh psixologiyasi, pedagogik psixologiya, tibbiyot psixologiyasi, sotsial psixologiya va boshqalar) da o'tkazilgan tadqiqot ishlari ilmiy asosda psixika, psixik holat, psixik hodisa, psixik jarayon, psixik funksiya, psixik xususiyat, ijodiyot, faoliyat, ong, xulq va muomala singari tushunchalar bo'yicha materiallar to'plab beradi, shuningdek, psixik aks ettirishning moddiy asoslari, mexanizmlari yuzasidan qonuniyat ochishga imkon yaratib, hatto insonni o'zligini anglash va boshqarish sari yetaklaydi. Fanda yangi yo'nalishlar, yangicha yondoshuvlar paydo bo'ldi. Masalan, sinergetik yondoshuv barcha fanlarda bo'lgani kabi psixologiya, uning tarmoqlari hamda u bilan turdosh bo'lgan fanlar misolida yaqqol namoyon bo'la boshladi. Eslatib o'tamiz, "sinergetlar" so'zi grekcha "synergetes" xodimlar, sheriklar so'zlaridan olingan bo'lib, sinergiya – synergia hamkorlikdagi, hamjihatlikdagi harakat ma'nosini anglatadi. Ya'ni, inson va uning psixologiyasini o'rganish va unga ta'sir ko'rsatishda gumanitar fanlarning hamkorlikdagi rivojlanishi yoki boshqacha qilib aytganda, ushbu fanlar maqsadlarining mushtarak uygunlashuvi shaxs iqtidori va qobiliyatlarini rivojlantirishning ishonchli vositasi sifatida qaraladi. Bundan tashqari, yangi davr fanlarini rivojlantirishga akmeologik yondoshuv ham mavjudki, unga ko'ra, har bir fanning inson uchun ahamiyati va o'rni o'sha fanlarning shaxs kamolotiga qo'shajak hissaning salmog'ini belgilash va baholashni taqozo etadi. (Akmeologiya grekcha akme cho'qqi, yuqori pog'ona, gurkiratuvchi kuch ma'nolarini bildiradi va uning predmeti deganda insonning o'z-o'zini rivojlantirish va o'zligini anglashini yuqori darajalariga yetishga o'rgatuvchi fanlar majmui tushuniladi). Inson psixologiyasini bilish, o'z taraqqiyotini va iqtidorini tashkil etishni bilish, har qanday yosh davrda ham optimal ravishda ishga yaroqlilikni, turli o'zgarishlarga psixologik jihatdan tayyorlikni ta'minlash, yangicha fikrlash va tafakkur qilish, ro'y berayotgan jarayonlarni obyektiv va tog'ri idrok qilish qobiliyatini rivojlantirish muammosini ilgari surdi. Shunday qilib, yangi davr har bir insondan o'z ichki imkoniyatlarini adekvat bilish, shu bilimlar zahirasi bilan yaqinlari va hamkasblari psixik dunyosini bilishni talab qilmoqda. Buyuk Suqrot o'z davrida O'z-o'zingni bil! degan shiorni o'rtaga tashlagan edi. Yangi davr bu bilimlar yoniga O'z yoningdagilarni va ularning

qilayotgan ishlarini ham bil, degan shiorni har qachongidan ham dolzarb qilib qo'ydi. Ayni shu muammoni yechishda hozirgi zamon psixologiya ilmi va amaliyotining roli benihoya kattadir. Ananaga aylanib qolgan hodisalardan biri shuki, psixologiya va u o'rganadigan hodisalarni faqatgina ushbu fan bilan bevosita shug'ullanadigan kimsalar o'rganib kelishgan, zero, psixologik hodisalar bilan har qanday inson ham tanish bo'lishi va u inson hayotining asosini tashkil etishi kerak. Bu insonga munosabatni, uni tarbiyalash ishining dolzarbligini yanada yaqqolroq tasavvur qilishga olib keldi. Globalizasiya sharoitida psixologiya o'rganadigan muammolarning dolzarbligi, avvalo, har bir shaxsning murakkab insoniy munosabatlar, axborot kommunikasiyalari sharoitida yashayotganligi, inson xulqini boshqarish ayrim mamlakatlar uchun ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning yetakchi omili sifatida e'tirof etilishi bilan izohlanadi. O'z vaqtida Hindistonning taniqli siyosiy arbobi Maxatma Gandi shunday yozgan ekan: Men uyimning darvoza va eshiklarini mahkam berkitib o'tira olmayman. Chunki unga toza havo kirib turishi kerak. Va shu barobarida eshik va derazalarimdan kirayotgan havo dovul bolib, xonadonimni ag'dar-to'ntar qilib, o'zimni yiqitib tashlashini ham xohlamayman.

Bu so'zlarni bugungi globalizasiya sharoitida insonning jamiyatda tutgan o'rni va zarur maqomni egallashiga, informasion xurujlar va turli xil ma'lumotlarning turli yo'llar bilan mamlakatimizga, umuman, boshqa mamlakatlarga ham kirib kelib, u yoki bu mintaqada asrlar mobaynida shakllangan qadriyatlar, urf-odatlar, e'tiqod shakllariga va tarbiya uslublariga salbiy yoki ijobiy ta'siri jarayonlari ma'nosida qo'llash shaxs ruhiyatiga aloqador siru-sinoatlarni bilishni, shaxsga o'z-o'zini himoya qilish, o'z ustida ishlash imkoniyatlarini bilishni dolzarb qilib qo'yadi. Zero, dunyoga yuz ochgan, yoshlari dunyo tillarini bemalol egallab, internetomaniya kasaliga chalinish arafasida turgan O'zbekistonga ham yaxshi, ham yomon ta'sirlar, xurujlar mavjudligi sharoitida shaxsning o'zini-o'zi psixologik jihatdan salbiy taassurotlardan himoya qila olish imkoniyatlarini kengaytirish eng dolzarb muammolardan biridir. Ya'ni, siyosat sohasimi, iqtisodiyotmi, mafkura yoki manaviyatmi, tarbiya yoki huquq masalalarimi, barchasida inson omili va uning manfaati talab va ehtiyojlarini o'rganish, undagi hayot jabhalariga ko'nikish va teran fikrlash qobiliyatlarini o'stirish fan oldida turgan eng muhim vazifadir. Yoshlarni milliy g'oya ruhida tarbiyalash inson aqli va shuuri uchun kurashning eng samarali usullaridan biridir. Zero, davlatimiz,birinchi prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganlaridek, Milliy goya va istiqlol mafkurasi haqida gap borar ekan, biz nihoyatda keng qamrovli, murakkab, serqirra, insoniyat tarixida aniq va mukammal ifodasi, tugal namunasi hali-hanuz yaratilmagan tushunchalarni o'zimizga tasavvur qilishimiz kerak, deb o'ylayman. Bu tushunchalar Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, xalq farovonligi kabi yuksak g'oyalarning ma'no-mazmunini teran anglab yetishga xizmat qiladi. Bu mafkura xalqni xalq, millatni millat etadigan, uning shanu-sharafi, or-nomusi, ishonch-e'tiqodini ifodalaydigan, jamiyatimizning o'ziga xos taraqqiyot yo'li, turmush tarzi, tub manfaatlariga tayangan holda muttasil rivojlanib, takomillashib boradigan g'oyalar tizimidir. Shaxs ongi va xulqiga tajovuzlarning ortib borayotganligi, xulqni boshqarish barcha sohalarda ustivor bo'lgan bir sharoitda

insonning ruhiyatini, unda sodir bo'ladigan murakkab jarayonlarni, holatlarni o'rganishning, yoshlarda mafkuraviy immmunitetning shakllanishini ahamiyati ham oshib boraveradi. Shu nuqtai-nazardan olib qaralganda, odamni o'rganish qanchalik qadimiy va an'anaviy vazifa bo'lishidan qat'iy nazar, bugungi globalizasiya va bozor munosabatlariga o'tish davrida psixologiya fani uchun dolzarb bo'lmagan mavzu yoki jarayonning o'zi yo'qdir.

## АХБОРОТНИНГ ИНФОРМАЦИОН ХАРАКТЕРИ ВА ПСИХОЛОГИК ТАЖОВУЗ

*Тошпўлатов А.*
*ҚДУ магистранти*

Бугунги кунда кечаётган глобаллашув ва ахборотлашув жараёнини интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янгича дунёқараш, янгича онг асосида вояга етаётган ёшлар ахборот манбаи сифатида, асосан, интернетга мурожаат қилишмоқда. Интернет — виртуал макон. У инсоният тафаккури, ақл ҳамда билимининг мисли кўрилмаган маҳсули ва қудрати намунасидир. Ундан истаган ахборотни излаш, топиш, уни қайта ишлаб истаганча тарқатиш мумкин. Шунингдек, интернет жуда катта имкониятларни ўз ичига олади. Хусусан, ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, дунёнинг нариги бурчагидаги инсонлар билан кўп ҳаражат ва вақт сарфламасдан мулоқот қилиш мумкинлиги ва ҳ.к.

Аслида ҳарбий мақсадларни амалга ошириш учун яратилган тармоқлараро сет бугун "ўргимчак" кўринишида бутун дунёни ўз тўрига илинтириб олди ва ўз навбатида глобаллашув ва ахборотлашув жараёнини шиддат билан тезлаштириб юборди.

Маълумки, ёшлар дунёқарашини шаклланишида интернет, шубҳасиз, асосий манбага айланиб қолди. Хўш, улар интернетга қандай мақсадларда кирадилар? Улар он-лайн тизимидан асосан, янгиликларни излаш ёки тарқатиш, реферат ва курс ишлари учун тайёр материалларни тўплаш, масофавий ўқишларда иштирок этиш, дўстлар билан мулоқот, мусиқа, клип ёзиб олиш каби мақсадларда фойдаланадилар. Албатта, бу масаланинг ижобий тарафи. Лекин шу билан биргаликда салбий томонлари ҳам талайгина. Унинг саҳифаларида миллатчилик, ирқчилик, зўравонлик ғоялари тарғиб этилиб, беҳаё кўринишлар акс этган расмлар, видеолавҳалар мавжудлиги жамиятнинг, айниқса ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланишига катта хавф туғдирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, он-лайндан тарқалаётган ахборот нафақат информацион характерга, балки психологик тажовузга ҳам эга бўлиши мумкин. Буни қуйидаги баъзи рақамлар мисолида кўриб чиқиш мумкин:

Таҳдид аниқланган веб-сайтлар рейтинги.

| Сайт номи | Карантиндаги кунлар сони |
|---|---|
| www.sogdiana.uz | 509 |
| www.ersc.uz | 454 |
| www.seo.uz | 333 |
| www.bigcity.uz | 286 |
| www.romania.uz | 186 |
| www.maxtravel.uz | 174 |
| www.eureka.uz | 174 |
| www.eyvaz.uz | 144 |
| www.hotels.uz | 144 |

Психологик таҳдидлар аниқланган ушбу веб-сайтлар рейтинги UZ. зонасида зарарли кодларни аниқлаш борасидаги веб-сайтларни мониторингини олиб бориш UZ-CERT хизматининг ташаббуси билан тузилган бўлиб, 2007 йилдан буён ҳар куни фаолият олиб бормоқда.[1] Бу давр мобайнида ушбу хизмат мутахассислари томонидан миллий домен зонасининг турли веб-ресурсларига киритилган 100 дан ортиқ зарарли код нусхалари топилган. Яъни зарарли код деганда оддийгина бўлиб кўринадиган, аммо замирида бошқа маънолар ёки психологик таҳдидлар яширинган сўзлар тушунилади.

Зарарли кодлар бир қарашда кўринмайди ва улар киритилган сайтлар ҳам хавфли эмасдек кўринади. Масалан, хонанда Согдиананинг расмий сайти ҳисобланган www.sogdiana.uz, мамлакатимиздаги мавжуд меҳмонхоналар, уларнинг хизматлари ва бошқалар ҳақида маълумот берадиган www.hotels.uz каби сайтлар бир қарашда оддий кўринади. Аммо, бундай сайтларда қанчалик кўп ўтирилса ёки қўшимча хизматларидан фойдалана бошланса, таҳдидчилар томонидан қўйилган тузоққа илиниш хавфи кучайиб боради. Агар, фойдаланувчилар орасида кучли стресс таъсирида юрган, оиласи, яқинлари билан алоқаси яхши бўлмаган ёки ўзининг шахсий фикрида собит туролмайдиганлар тоифасига кирувчилар бўлса, уларнинг турли хил оқимларга, йўлларга кириб кетиши «хамирдан қил суғургандек» осон бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Дарвоқе, юқоридаги каби таҳдидлар замирида терроризм, атеизм, порнография, ўз жонига қасд қилишга «ёрдамлашиш» миссионерлик каби ёшлар онгини заҳарлашга «хизмат қилувчи» ёт ғоя ташаббускорларининг ёвуз мақсадлари яширинган бўлиб, булардан ўз вақтида ҳимояланиш ҳар бир инсон, ҳар бир жамият учун муҳим ва долзарб масаладир.

Бундан келиб чиқадики, оддийгина кўринган бу сайтларда бутун жамиятни заҳарлашга қодир оғулар яшириб қўйилган. Демак, бугунги кун

[1] ICTNEWS ахборот-коммуникация технологиялари янгиликлари журнали. Тошкент. 2010. №01. 11-бет.

биздан хушёрлик ва кучли ижтимоий иммунитетга эга бўлишни талаб этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугун ахборот ҳеч қандай чегара ва тўсиқ билмай ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу борада ҳар бир давлатдан ахборот хавфсизлигини таъминлашни яхши йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Сабаби, ахборот ортидан келаётган психологик таҳдидлар бевосита инсонларга, айниқса, ёшларга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шуни назарда тутган ҳолда, барча таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида шу мавзуда ёшларга тушунтириш ва ташвиқот ишлари кучайтирилса, бу ҳақда етарлича маълумотлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ва яна таклиф сифатида шуни айтиш керакки, интернетда энг кўп фойдаланиладиган сайтларга ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган реклама роликлари жойлаштириб чиқиш мумкин. Бу видеороликлар қисқа ва қизиқарли, диққатни жалб қиладиган бўлиши керак. Бу роликлар асосан, ёшлар онгига қаратилганлиги учун панд-насиҳат руҳида эмас, балки ҳар хил оқимларнинг мавжудлиги, унинг тўрига илиниш қандай оқибатларни келтириб чиқариши, инсон ўз фикрида собит туриши кераклиги ва бошқалар ҳақида ёшларга тушунарли ҳолда бўлиши керак. Бундай роликлар айниқса, хавфли сайтларга киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ёшлар ва интернет” О.Топилдиев. // Жамият ва бошқарув, 2008 й., №2 36-бет
2. Фозилов М., Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. /Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.
3. Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари. Тошкент.: Ахборот технологиялари нашриёти, 2006 й. 4-7 б.
4. Умаров, Х.Каримов,М.Ахмедова. Очиқ ахборот тизимларида ахборот психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма.Тошкент 2012.

## ЎҚИТУВЧИ, ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

*Тошанов Ф.Х.*
*Қашқадарё вилояти Касби туман 10-умумий ўрта таълим мактаб амалиётчи психологи*

Ўқитувчи ва мураббийлар ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

**Ш.М.Мирзиёев**

Кейинги йилларда юртимизда таълимга бўлган эътибор, буни давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши, ёш авлодни билимли, маънавиятли ҳамда комил инсон қилиб тарбиялаш учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳақиқат. Шундай экан педагог кадрлар ўртасида ўзаро хурмат туйғуси шаклланиб, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаш вақти келмадимикан деб ўйлайман.

Устоз! Шу биргина сўз замирида олам-олам маъно ва хурмат мужассам. Ўқитувчи –софдил, камтарин, маънавий бой, аҳлоқан пок бўлиши керак. Уларнинг пойига гулдасталар сочсак доимо ҳурматларини адо этиб, ардоқласак арзийди. Чунки устозлар бутун кучларини ақл идрокини, билим зеҳнларини, қалб кўрию сеҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкашлардир. Улар бизларга оқ-у қорани, яхши – ю ёмонни танитиб, “Ота”, “Она”, “Ватан”, “Савобли иш”, “Ҳаётдан мамнунлик”, “Садоқат” каби сўзларни ёзишга ўргатган буюк зотлардир.

Ҳозирги кунда ўқитувчи, мураббийлар ўртасидаги ўзаро муносабати ҳам таълим тизимига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу асосда юзага чиқаётган бир қанча муаммоларни бартараф этиш долзарб муаммоларга айланиб бормоқда. Хусусан, ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамфикрликнинг йўқлиги, бир-бирига ва ўзига нисбатан лоқайдлиги, ўзаро бир-бирини қўллаб-кувватлашнинг етишмаслиги оқибатида ўқувчи тарбияси ва таълим жараёнига салбий таъсир ўтказмоқда. Бунинг оқибатида ўқувчилар айрим ўқитувчиларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиб, берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайдилар. Бу муаммо ўқитувчилар орасида бу унинг муаммоси, у синф раҳбар ёки фан ўқитувчиси деб раҳбарият, фан ўқитувчилар муаммони ёлғиз синф раҳбар ёки маълум бир фан ўқитувчи зиммасига қўймоқда. Айрим ҳолларда педагоглар томонидан бир-бирига нисбатан ғаразгўйлик, фисқу фасот қилиб уларни камситишга, ютуқларни кўролмаслик ёки маънавий – моддий кўмакка мухтож педагогларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш оқибатида таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Буни юзага келтирувчи сабаблардан педагогларда диний, дунёвий, ахлоқий, умуминсоний билимларнинг етишмаслиги, таълим жараёнини ташкил қилувчи муассаса раҳбарларининг ўзаро муносабати маҳаллий аҳолининг яъни ота-оналарнинг таълим муассаса ва ходимларига бўлган муносабати муҳим рол ўйнамоқда.

Қолаверса, ўқитувчи ҳар бир дарс учун пухта тайёрланиши, уни замонавий технологик воситалар билан бойитмоғи зарур. Бундан 20-30 йиллар илгари манба қидириб туман, вилоят кутубхоналарига борардик. Ҳозирги интернет замонида маълумотлар истаганча. Гап уларни ўқувчига етказиб беришда. Ахир айтишган-ку, 40 йил ўқитувчилик қилган бўлсанг ҳам, 45 дақиқалик дарсга тайёргарлик кўр деб. Айрим пайтларда ҳатто дарс ишланмасиз ҳам дарсга кириш ҳоллари учраб туради.

Юқоридаги муаммо ва сабабларни ўрганган ҳолда энг аввало ҳар бир таълим даргоҳи раҳбари персептив қобилият яъни ўзи раҳбарлик қилаётган муассаса ходимларининг қийнаётган муаммолари, индивидуал хусусиятлари, ҳолатлари ҳақида маълумот, билимга эга бўлиши ва шу асосда ўқитувчи билан ўзаро муносабатга киришиши керак. Шу билан бирга ўқитувчилар ўз устида ишлаши, комил инсон бўлиш йўлида ҳаракатларни сусайтирмаслиги, илмий китоблар билан бир қаторда диний, дунёвий, бадиий асарлар мутоала қилиш ва ўқиганларни амалда қўллай билиш керак. Донишмандларни айтишича, элни маърифат асрайди. У элни тараққий эттириб, эзгу нияти, орзу умидига етказади. Демак устозларнинг зиммасида келажаги буюк давлат учун комил, ҳар томонлама баркамол, маънавий ва ахлоқий пок Ватанпарвар, меҳнатсевар инсонларни етказиб беришдек, юксак вазифа турибди. Ўқитувчи зиммасига ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган ва ўз замонига муносиб кишиларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Қуёш ўз нури билан бутун табиат, борлиғини жонлантиргани каби, ўқитувчи, мураббий ҳам бор маҳорати, илми билан ўқувчи ёшлар қалбини илм зиёси билан тўлдиришга аҳд қилган буюк эгасидир.

Инсоният камолати учун бугун билими, иқтидори ва ҳаётини бахш этган устозларнинг хизматларини ҳамма замонларда ҳам кишилар ҳурматлаб, ўзларни эса эъзозлаб келишган. У тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади. Ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулияти, аммо шарафли касбларини бир машъалага қиёс этиш мумкин.

Демак биз маънан соғлом, руҳан баркамол педагогик муҳитни яратиш, бу ўлкан мақсадимиздир. Бугунги кунда бунинг учун ҳамма нарса етарли фақат хоҳиш бўлса бўлди.

## БОШЛАНГИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ДИДИКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Тубекова С.З.*
*Қ.Р. Нукус шаҳри, 29-мактаб, Бошлангич синф ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Дидактик ўйинларнинг асосий хусусиятлари шундаки, буларда тўғридан-тўғри таълимга алоқадор масалалар ўйин қоидалари ниқоби остида ўтади. Бола ўйнар экан, ўрганаман деб ўйламайди, лекин ўйин жараёнида у нимагадир ўрганади.

**Калит сўзлари:** Ўйин, педагогик жараён, дидактик ўйинлар, тафаккур, нутқ, ҳаёл, хотира.

Ўйин тарбия воситаси. Ўйинни педагогик жараён стриктурасида анализ қилиш натижасида шу нарса аниқландики, ўйин фақат психологик ҳодиса бўлиб қолмай, балки педагогик ҳодиса ҳамдир. Бироқ ўйиндан тарбия

масалаларини ҳал қилиш учун онгли равишда фойдаланилгандагина у педагогик ҳодиса шаклини олади.

Педагогик вазифа сифатида ўйин турли вазифаларни: тарбия воситаси, таълим бериш, метод вазифасини, шунингдек, болаларни ўқитиш усуллари вазифасини бажаради [1.16].

Дидактик ўйинларнинг асосий хусусиятлари шундаки, буларда тўғридан-тўғри таълимга алоқадор масалалар ўйин қоидалари ниқоби остида ўтади. Бола ўйнар экан, ўрганаман деб ўйламайди, лекин ўйин жараёнида у нимагадир ўрганади. Таълим бу ерда атайлабдан ўтилмайди. Дидактик ўйинларнинг қиммати шундаки, у кичкина болаларнинг имкониятларига жавоб беради ва уларнинг энергия сарфлашларини мувозанатлаштиради. У маълум даражада таълим мазмунини қабул қилиш ва ўқитишни ниқоблаш каби муҳим хусусиятга эгадир. Бола буни ҳаёлга келтирмаган ҳолда ўрганади. Шуни ҳам айтиш кераки, дидактик ўйинларда, шахснинг тормозланиши қобиляти, диққатини ўсиши, кузатувчанлик каби хусусиятиларининг ўсишига қарамай, болаларнинг бевосита ўқув фаолиятини шакллантиради [2.19].

Дарҳақиқат, ўйин болага ором, қониқиш бахш этади. Масалан, компютер ҳозирги кунда таълим тизимида кенг ўрин эгаллаганини биламиз. Бу бола фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Бола тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтиришда сайр-саёҳат дарслари кенг кўламда олиб бориш керак. Чунки боланинг билиш, янгиликларни қабул қилиш доираси кенг, ундан тўғри самарали фойдаланиш эса ўқитувчининг вазифасидир.

Бола ўзига маълум бир ролни олар экан, тегишли қоида, вазифаларни бажаради ва бу қоидаларни ўзлаштириб олади, аҳлоқий малака ва одатларни эгаллайди. Ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйин кўпчилик билан ўтказилади. Ўйин давомида болалар ўртасида катталар орасидаги муносабатлар таркиб топади ва аста-секин мустаҳкамланади. Боланинг ёши ўсиб боришига қараб ролларга бўлиб ўйналадиган ўйинлар билан бир қаторда дидактик ва ҳаракатли ўйинлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич талимда дидактик ёки ўргатувчи ўйинлар кенг тарқалган. Улар билиши мазмунига эга бўлиб, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига қаратилган. Ўқув фаолиятининг ҳар-хил турларида хилма-хил ўйинлардан кенг фойдаланилади [3.11].

Геометрик шакллар: айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилишда ёрдам бериши мумкин. Ўқиш ва табиатшунослик дарсларида саёҳат ўйинларидан фойдаланиши мумкин. Ўйин фаолиятини ташкил этишда бир қатор педагагик шартларга риоя қилиш лозим. Ўйининг тарбиявий аҳамиятини ўйлаш керак. Бола ёш физиологик-психалогик хусусиятларни ҳисобга олган холда математикага бўлган қизиқишларни аста-секин ўйғота бориш лозим. Бунинг учун дарсликдаги ўқув материялларни қизиқарли қилиб тушунтириш, маҳаллий материяллар асосида хисоблаш, ўлчаш, ясашга оид масалалар тузиш ва ечиш; дидактик ўйинлардан эртак қаҳрамонларидан фойдаланиши муҳимдур. Ўйин бошланғич синф

ўқувчиларининг севимли фаолиятидир. Ўйин ёрдамида улар ўртасида муаян муносабатлар ўрнатадиган болалар гурухлари юзага келади. “Ўйин бошқа ҳамма усуллардан устунлик қилади, чунки у худди болаларнинг бутун ҳаётини, шахсий фаолигини, мустақиллигини йўлга қўйиш имконини беради”-деб ёзган таниқли методист А. Усова.

Ўқитувчи ўйинда болалар фаолиятини тўғри бошқариб, болалар хулқ-атворини ижтимоий сифатларини таркиб топтиришдек кенг тарбиявий мақсадларда фойдаланиш лозим.

Ўйин тарбия воситаси сифатида; тафаккур, нутқ, хаёл, хотира каби писихологик жараёнларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида қўлланиши мумкин.

Масалан, “Нима ўзгаради” ўйинида ўқитувчи доскага қўғирчоқ, турли шакллар, расмлар қўяди. Ўқувчилар кўзларини юмишади. Ўқитувчи бирор нарсани ўрнини алмаштиради ёки олиб қўяди. Болалар юқоридаги ўзгартиришларни айтадилар, бунда ўқувчиларнинг хотираси, геометрик шакллар ҳақида тасаввури шаклланади.

Дидактик ўйинлар дарсда ишни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчининг кучига мос топшириқ бериш, уларни қобилятини ўстириш имконини беради. «Ҳар бир яхши ўйиннинг меҳнат кучи–меҳнатни кучайтириш ва фикрлашни ўстириш хусусияти бўлади»-деган буюк педагок А. С. Макаренко [3.11].

Масалан: мисолларни бир хил усулда ечавериш ўқувчиларни толиқтиради, ўқишга қизиқишини йўқотади. Шу мисолларни ўйин шаклида

ким тез бажаради? усули билан ечиш эса ўқувчиларни жонлантиради. Энди

улар аниқ мақсад йўлида, яъни топшириқларни бажаришда ғолиб чиқиш, бошқалардан орқада қолмаслик, уларни бажаришига қодир эканини кўрсатиши ҳисси билан ҳаракат қиладилар.

Қуйида математика дарсларида педагоги технологиянинг метод ва усулларидан фойдаланиш иш тажрибасидан намуналар келтирамиз:

*“Поезд тузамиз” ўйини*. Ҳар бир қатнашчи 6 та карточка олади (чап ё ўнг томон). Вагонларни рақамларининг ўсиши тартибида жойлаштириш керак. Ким биринчи бўлса бошига паравозни улайди.

*“Санашни давом эттириш” ўйини.* Ўқитувчи мисол тариқасида бир ўқувчи билан бу ўйинни ўтказиши туфайли унинг мазмуни болаларга тушунтирилади: ўқитувчи 1,2,3,,, деб санай бошайди. Ўқувчи эса 4,5,6,7,,, деб

давом эттиради. Сўнг дарс мавзусига мос бирор сонни айтади ва дам-у, дам бу ўқувчига санашни давом эттир дейилади.

*“Диққат” ўйин.* Ўқитувчи карточкалар тайёрлайди. Уларда 1дан 10гача бўлган сонлар расм орқали тасвирланган. Ўқитувчи кетма-кет расмли карточкани магнит доскага жойлайди, ва расмлар сонни санаб чиқишни таклиф қилади. Сўнг тўпни ўқувчилардан бирига оширадива чапдан ўнга қўли билан ҳаракат қилади. Тўпни олган ўқувчи кўрсатилган сонни айтади ва шу сондан 20 гача санайди; агар ўқитувчи ўнгдан чапга ҳаракат қилса қўли билан, ундан ўқувчи 20 сонидан то айтилган сонгача санаб чиқади ва ҳ.з.

Ўқитувчи таълим самарадорлигини таъминлаш учун илмий манбалар, ўқув-методик адабиётлардан самарали фойдаланган ҳолда иккиламчи дидактик материалларни танлаши ва уларнинг мазмунини бойитиши мумкин. Ўқув жараёнининг мазмунини бойитишда ўқув ўйинларининг янги-янги шаклларини қўллаш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчининг касбий компетентлилиги, унинг ўқувчилар орасида тутган мавқеи, касбий назокати самарадорликни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Бердиева О. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар. «Халқ таълими» журнали, 2003, 1-сон.–16-б.
2. Зикиряев А. ва бошқалар. Ўқувчилар билимини текширишда инновацион технологиялар. «Халқ таълими» журнали, 2001, 6-сон.–19-б.
3. Нишоналиев У. Янги педагогик ва ахборот технологиялари муаммолари ва ечимлари. «Педагогик таълим» журнали, 2000, 3-сон.–11-б.
4. Юсупова А., Қурбонниёзов Р. Янги педагогик технологияларни қўллаш муаммолари. «Педагогик таълим» журнали, 2000, 3-сон.–18-б

## OILADA FARZAND TARBIYASIDA OTANING ROLI

*To'rayev O., Oxunjonova S.*
*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi talabalari*

**Annotasiya:** Ushbu maqolada oilada farzand tarbiyasi, unda otaning roli, millatimiz va dinimizda tarbiyaga e'tibor gavdalangan. Kolaversa, oilada tarbiyaga taalluqli boshqa masalalar, tadqiqotlar va bu boradagi islomdagi asoslar keltirilgan.

**Kalit suzlar:** ijtimoiy muxit, tarbiya, oila psixologiyasi, individning shakllanishi, shaxsdagi uziga xos individual xususiyatlar.

Inson dunyoga kelar ekan, u ma'lum bir guruhning, ma'lum bir jamiyatning a'zosiga aylanadi. Uning keyingi butun hayoti shu guruhlar va jamiyatda kyechadi. Yangi dunyoga kelgan chaqaloq ham o'zi singari yaqinda bu yorug' olamni ko'rgan chaqaloqlar bilan birgalikda dastlabki ijtimoiylashuv jarayonini boshdan kechiradi. Insoniyat tug'ulganidan to umrining oxiriga qadar o'z faoliyatini ma'lum guruhlar va jamiyatda kechiradi. U mana shu guruhlar va jamiyat bilan birgalikda shaxs sifatida kamol topadi. Ma'lum bir munosabatlarda o'zining insoniy qiyofasini namoyon etadi. Insonning har tomonlama yetuk bir shaxs sifatida kamol topishi, inson va u yashab turgan jamiyat, muhit vositasida sodir bo'ladi.

Tarbiya jarayonida mikro-muxitning ijobiy ta'siridan tula foydalaniladi va salbiy ta'sirini zaiflashtirishga xarakat kilinadi.

Tarbiya bir joyda tarbiyalanuvchilarga ta'sir kursatadigan barcha bo'g'inlar birlashib, ahillik bilan ishlashga erishiladi va xar bir shaxs o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyatiga ertaroq ega bo'ladi. Tarbiya aksariyat holatlarda keng ma'noda ishlatilib ta'lim, ma'lumot rivojlanish jarayonlariga kiradigan

ishlarning mazmunini ham anglatadi. Ularning natijalarini uzida aks ettiradi. Aynan insonning barkamol, ma’nan yetuk, jismonan baquvvat, o‘zida butun insoniylik jihatlarini kamol topdirgan, din-u diyonatli shaxs bo‘lib yetishishida dastlabki va asosiy poydevor vazifasini oila bajaradi.

Mutafakkir A.Avloniy ta’kidlaganidek «Tarbiya biz uchun yo hayot, yo mamot: yo najot,yo halokat: yo saodat, yo falokat masalasidir»[1]. Darxaqiqat, oila ijtimoiy hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini, tarbiyaning uzluksizligini taminlaydigan, kelajak nasl qanday bo‘lib yetishishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadigan ijtimoiy muhit va pedagogik omil vazifasini o‘taydi. Inson oilada shakllanadi. Oila - munosabat, hurmat, birdamlik va mehribonlik manbaidir. Aynan shu qadryatlarga har bir rivojlangan jamiyat tayanadi. Chunki har bir davlatning buguni, ertasi, kelajagi bo‘lgan yoshlar oilada tarbiyalanadi,oilada ulg‘ayadi. Jismonan baquvvat, ma’nan yetuk, o‘z xalqining asrlar davomida shakllangan urf-odat, an’ana va qadryatlarini davomchisi sifatida yurtni dunyoga tanitadigan, uning yuksalishiga hizmat qiladigan yoshlar oilada shakllanadi. Shu boisdan mamlakatimizda oilalarning mustahkamligi, ularning tinch va farovonliklari uchun yetrali sharoitlar va ishlar amalga oshirilmoqda. Bilamizki oilada farzand tarbiyasi faqat bugunning emas, balki asrlar davomida ham dolzarb mavzu bo‘lgan. Farzand inson hayotining mazmuni, nasl-nasabining davomchisi, oilaning mustahkam zanjiridir. Aqlli, bilimdon, mehnatkash, iymon -e’tiqodli farzand nafaqat ota-ananing, balki butun jamiyatning katta boyligi hisoblanadi. Oiladagi tarbiya bolaning ruhiy olamiga, hissiyoti va tuyg‘ulariga o‘z ta’sirini o‘tkazadi. Taniqli pedagog A.S.Makarenko besh yoshgacha bo‘lgan tarbiya bolaning shaxsiyati shakllanishida o‘ta muhim ekanini qayd etib o‘tgan.”….tarbiyaning bosh asosi besh yoshda nihoyasiga yetadi, demak, siz besh yoshgacha nima qilgan bo‘lsangiz, bu tarbiyaviy jarayonning 90 foizini tashkil etadi, keying tarbiya esa qayta tarbiyalash negizida davom etadi”[2]. Ayni shu davrda ota-onaning tarbiyadagi e’tibori, oilaviy muhitning sog‘lomligi farzand kamolida katta ahamiyat kasb etadi. Oilada farzand tarbiyasida ota- ona birdek ma’suldir. Ammo biz bugun farzand tarbiyasida aynan otaning o‘rni qanaqa ekanligini, uning farzandlarining shaxs sifatida kamol topishidagi o‘rni va ro‘lini keltirib o‘tamiz.

O‘zbek oilalarida azaldan erkak kishining o‘rni muhim bo‘lib kelgan. Chunki erkak oila boshlig‘i va tayanchi sifatida eng muhim ishlarni bajarish, muammolarni hal etishi lozim. Oilani moddiy tomondan ta’minlash, turmush o‘rtog‘i va farzandlarining yurish -turishi, odobi va boshqa tarbiyaviy jihatlariga mas’ullik ham ularning vazifasi sanaladi. Onalar ham bola tarbiyasida turmush o‘rtog‘ining obro‘sidan foydalanishgan. Agar ota farzandini, asosan o‘g‘lini biron bir nojo‘ya

---

[1] Зауддин ибн Фахриддин. Оила Т. “Меҳнат”,1991.

[2] Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. Т. “ЎАЖБНТ”маркази, 2008.

ishi uchun jazolasa, onaning aralashishi mumkin bo‘lmagan. Oilada erning obro‘si, avvalo, uni ayoli qanchalik hurmat qilishiga bog‘liq. Sababi o‘zi turmush o‘rtog‘ini e’zozlamagan ayol bolalarini otasiga hurmat ruhida tarbiyalay olmaydi. Shu o‘rinda otaning farzand tarbiyasidagi ro‘li haqidagi ba’zi bir dalillarni keltirsak; Otaning farzand tarbiyasidagi ro‘li faqat tug‘ruqdan keyin emas balki homiladorlik vaqtida ham ta’siri borligini Florida universitetida o‘tkazilgan tadqiqotlarda aniqlashgan, unga ko‘ra homiladorlik vaqtida otaning ona bilan ko‘proq vaqt o‘tkazishi bolaga ijobiy ta’sir ko‘rsatarkan. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, tug‘ruq vaqtida turmush o‘rtog‘ining qatnashishi, to‘lg‘oq og‘riqlarini birmuncha yengillashtirarkan.Chaqaloq tug‘ulgach esa ota u bilan iloji boricha ko‘proq gaplashishi zarur. Ota bilan muloqotning yo‘qligi bolaning kelajakdagi xulq-atvoriga hamda tengdoshlari bilam munosabatlariga keskin salbiy ta’sir ko‘rsatarkan. Ota bola nutqining rivojlanishiga ko‘proq ta’sir ko‘rsatarkan.Sababi, onalar bola bilan ko‘proq birga bo‘ladilar va gaplashganda ham bolaning so‘z boyligidan kelib chiqib oddiy, unga tushunarli tilda gapirarkanlar. Otalar esa farzandi bilan gaplashganda kengroq so‘z boyligidan foydalanadi, bu esa bevosita kichkintoy nutqining rivojlanishiga yordam berishi tabiiy[1].

Har bir shaxsning dunyoga kelishidagi nasliy dasturi, nasab maqomi, tug‘ma laèqatlari va ularni qobiliyatga aylanishi, individdan to‘laqonli shaxs bo‘lishi, barcha èsh bosqichlarini samarali o‘tishi va ijtimoiylashuvida oila hamda uning asosiy bo‘g‘inidan birini tashkil etgan otaning roli benihoya kattadir.

Ota oila psixologiyasida belgilangan sakkiz vazifani (reproduktiv, iqtisodiy, xo‘jalik-maishiy, tarbiyaviy, boshqaruv, psixoterapevtik, felisitologik, rekreativ) bajarilishida qatnashib, shular ichida to‘rt funksiyani samarali bo‘lishida faollik ifodalashi, yetakchilik qilishi talab etiladi. Bular iqtisodiy-moliyaviy, reproduktiv, boshqaruv va tarbiyaviy funksiyalardir[2].

Oilada otaning (erning) asosiy vazifalaridan biri tarixan an’anaviy funksiyasi, bu – oilasini moddiy ta’minotidir. Shu sababli ham èshlarni oila qurishida ota-onalar, sovchilar alohida e’tibor beradigan muhim mezonlardan biri ikki qudani oilasini moddiy ta’minoti, oila quraètgan èshlarning ma’lumoti, ikki èshni mustaqil qozon qaynatishi uchun, o‘z oilasini o‘zlari tebrata olishi uchun moddiy-moliyaviy imkoniyatlaridir[3].

Oilada bola shaxsini shakllanishida otaning eng muhim vazifalaridan biri oilani boshqarishdir. Bu oilada yakkahokimlik, feodallik, manmanlik emas. Ushbu vazifani bajarish doirasi oilaning barcha a’zolar manfaatini qamrab oladi. Shu bilan birga, oiladagi bolalarga ota obrazi, roli, vazifalari, maqomi, o‘rni, ahamiyati, yetakchi, boshliq ekanligi èshlarga oilaviy haètga tayèrlanishida nihoyatda katta rol o‘ynaydi (―qush uyasida ko‘rganini qiladi‖)[4]. Oilada bolalarini o‘z shaxsiy oilaviy baxtini topishida va baxtli, namunali oilaviy haèt kechirishlarini orzu-umid qilgan

---

[1] Мусурманова О. Оила маънавияти- миллий ғурур, Т. “Ўқитувчи”, 2000.

[2]В. Каримова – Оила психологияси, Тошкент- 2007.

[3]Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг урни. ТошДУ туплами. 1996.
[4] Тошмуродова К- Таълим-тарбияни режалаштариш хусусиятлари.1993.

onalar shuni hisobga olishlari va otani hurmati mavqeini oilada pasayishidan saqlashlari kerak. Yuqorida qayd etilganidek, otaning oiladagi benihoya katta, o‘ta mas’uliyatli vazifa bu bolalar tarbiyasidir. Bolalar shaxsini shakllanishida har bir bolani o‘ziga xos individual-psixologik xususiyatlarini aniqlash, xarakter, temperament, qiziqish-xavaslarini hisobga olib tegishli munosabatda bo‘lish, qiziqish turiga ko‘ra qo‘shimcha ta’lim èki sport, san’at bilan shug‘ullanishga zarur sharoitlar yaratish lozim.

Bolani aqliy, jismoniy, estetik tarbiyalash bilan birga axloqiy tarbiyasiga, ma’naviyatiga alohida e’tibor berish lozim, chunki ular oilaviy haètga tayèrlashda eng muhim masalalar hisoblanadi. Ota bolalar shaxsini shakllanishida oilada tarbiyaviy funksiyasini bajarishda muqaddas kitobimiz Qur’onda belgilangan vazifalarni bajarishi kerak. Bular quyidagilardan iborat:

- Oila a’zolariga mehrli bo‘lish, g‘amxo‘rlik qilish;
- oila a’zolariga diqqat-e’tiborli bo‘lish, turli sovg‘alar bilan taqdirlab turish;
- ayol va qizlarni o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olish;
- ota (er)ni ona (turmush o‘rtog‘i)ga adolatli va kechirimli bo‘lishi;
- oilada muloqot, nutq madaniyati yuqori bo‘lishini ta’minlash va o‘zi ushbu masalada o‘rnak bo‘lishi[1].

Yuqoridagilardan tashqari, ota o‘g‘illari bilan jinsiy tarbiya masalasida èshiga mos ravishda suhbat o‘tkazishi kerak. Bolalari bilan birga bo‘lgan vaqtlarini mazmunli tashkil etishga e’tibor berishi lozim.

Payg‘ambar alayhissalom ham ayollari xizmatida bo‘lib uy supurgan, kiyimini yirtilgan joyini yamagan, qo‘ylarni sog‘gan[2]. Shundan hammamiz tegishli xulosa chiqarishimiz lozim.

Ota barcha bolalariga nisbatan teng munosabatda bo‘lishi ularni yosh, jins xususiyatlarini hisobga olishi kerak.

Ajralgan oilalarda ham bola onasi bilan otadan alohida yashayotgan holda ota bolalariga g‘amxo‘rlik qilib turishi, dam olish yoki ta’til kunlari vaqt topib bolalari bilan birga vaqtini tashkil etib, muloqotda bo‘lishi ota va bolalar orasidagi munosabatga hamda ota shaxsini namuna sifatida idrok etilishiga xizmat qilishini va yoshlarni oilaviy haètga tayyorlanishida katta rol o‘ynashini unutmaslik lozim.

Oilada o‘sayotgan har bir qizning otasiga bo‘lgan mehri asosida bo‘lajak turmush o‘rtog‘ini ideali ota obrazi uning, tashqi ko‘rinishi, shaxs xususiyatlari yordamida shakllanadi. Shu sababli ham otasi onasini uradigan, bolalarga nisbatan qattiqqo‘l, agressiv bo‘lgan, farzandlariga nisbatan muntazam ravishda jismoniy jazo choralarini qo‘llaydigan, muloqot, nutq madaniyati yuqori bo‘lmagan, jargonlardan muntazam foydalanadigan ota tufayli oilada voyaga yetayotgan qizlarda barcha erkaklarga nisbatan salbiy ustanovka shakllanib o‘zi oila qurganda ham o‘z eri bilan qator muammolar yuzaga kelish ehtimoli oshadi. Ushbu oilada o‘sayotgan o‘g‘il bolalarda esa o‘zlari oila qurganda rafiqasiga nisbatan qo‘pol munosabatda bo‘lish, qo‘l ko‘tarish xollari oson yuzaga keladi, chunki bularni andozasi otadan olingan bo‘ladi.

---

[1] Фарзанд.уз
[2] Фарзанд.уз

Muqaddas dinimiz islom ta’limotida ham oilaviy hayot muqaddas hisoblanadi. Chunki, oila jamiyat binosining asosi, bir bo‘lagidir. Agar binoning asosi sog‘lom bo‘lsa, bino ham mustahkam bo‘ladi, aks holda bunday bino yemirilish va qulash xavfi ostida qoladi. Aynan shuning uchun dinimizda oila masalasiga benihoya jiddiy e’tibor qaratiladi, oilani qanday tashkil qilish, oila a’zolarining huquqlari, farzandlar tarbiyasi, umuman, oilaviy hayotning barcha masalalariga javob berilgan. Oila insonning dunyoviy saodatini ta’munlovchi qo‘rg‘ondir. Oilada erkak kishining ma’suliyati alohida qayd etilgan. Alloh taolo Qur’oni karimda marhamat qiladiki:

“Erkaklar xotinlar ustidan (oila boshlig‘i sifatida doimiy) qoim turuvchilardir. Sabab- Alloh ularning ayrimlari(erkaklar) ni ayrimlari (ayollar)dan (ba’zi xususiyatlarda) ortiq qilgani va (erkaklar o‘z oilasiga)o‘z mol- mulklaridan sarf qilib turishlaridir”-degan[1].

Dinimizda otaning farzand oldidagi haqlari va farzandning ota oldidagi burchlari mavjuddir.Otaning farzand oldidagi haqqi- dinimizda farzand xuquqlari rioya qilingan bo‘lib. Bu haqlarni ado etish vojib bo‘lib, unga amal qilish majburiydir.Ulamolarimiz bu masalaga quyidagicha zikr qiladilar. Nasab, Bo‘lajak farzandiga munosib ona va ota tanlash,emizish, munosib ism tanlash, yangi tug‘ilgan bolaning tanglayini ko‘tarish, yangi tug‘ilgan bolaning qulog‘iga azon va takbir aytish, balog‘atga yetganda, uylantirib, oilali qilib qo‘yish,shuningdek tarbiya ham farzandlik haqlaridandir[2].

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, butun dunyoda shiddat bilan rivojlanayotgan globallashuv jarayonida inson qalbi va ongini egallash, ayniqsa yosh avlodning ma’naviy olamini zaharlashga qaratilgan turli xavf- xatarlar, din niqobi ostidagi ekstremizm, yutimizga qarshi qaratilgan g‘oyaviy va informatsion xurujlar kuchayib borayotgan bir paytda mustahkam ma’naviy immunitetli, fikri tiniq, intiluvchan, o‘zining kimligini,buyuk ajdodlar vorisi ekanini teran anglab, ona yurtga muhabbat va sadoqat hissi bilan yashaydigan, imon- e’tiqodi mustahkam yosh avlodni tarbiyalash uchun nafaqat onalarimizning, balki onalarimiz bilan bir qatorda otalarimizning, xususan oila muhiti juda katta ahamiyat kasb etadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Zauddin ibn Faxriddin. Oila T. “Mehnat”,1991.
2. Yusupov O‘. Oila – ma’naviyat bulog‘i. T. “O‘AJBNT”markazi, 2008.
3. Musurmanova O. Oila ma’naviyati- milliy g‘urur, T. “O‘qituvchi”, 2000.
4. V. Karimova – Oila psixologiyasi, Toshkent- 2007.
5. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. T."Shark". 1999.
6. Toshmurodova K- Ta’lim-tarbiyani rejalashtarish xususiyatlari.1993.
7. Yodgorov R. Oila tarbiyasida otaning urni. ToshDU to'plami. 1996.
1. Manaviyat.uz
2. Hidoyat.uz
3. Farzand.uz

[1] Ҳидоят.уз
[2] Ҳидоят.уз

# MUAMMOLI OILALARDA GENDER MUNOSABATLAR

*To'rayev R.*
*Samarqand Davlat Unversituti talabasi*

Insoniyat olamining poydevori bo'lmish erkaklar va ayollar to'g'risida so'z yuritar ekanmiz, ularning o'rtasidagi tabiiy farqlanishlar,ularning yetakchilik rollari darajasi,hatti-xarakatlaridagi ayrim o'xshash emas holatlar yoki bo'lmasa ularning

tevarak-olamga munosabatlariga to'xtalib o'tmasdan ilojimiz yuq. Bu farqlanishlarni ajratish uchun gender atamasiga to'xtalib o'tamiz.Gender (inglizcha –zot) jins tushunchalarini ijtimoiy konstruksiya sifatida belgilab beradi.Bu atama ayollar va erkaklar o'rtasidagu tengsizliklarni ochib beradi.Keling tarixga nazar tashlasak ham hozirgi rivojlangan dunyoga etibor bersak ham ayollar huquqlari yoki burchlari va jamiyatga qo'shayotgan hissalarini qancha aytsak ham shuncha kamdir.Bu o'rinda albatta erkaklar ham mustosno emas. Lekin ayollar va erkaklar orasida,yosh navqiron oilalarda erkaklarning ayollardan ustun quyilishi,kam hollarda ayollarning erkakalrdan ustun qo'yilishi kabi muommoli vaziyatlar ham bor.Bu muommoli vaziyatlar navqiron oilalarimizning zavol topishiga asos bo'lib xizmat qilib kelyapti.

Gender nazariyasining vujudga kelishida bugungi kunda ijtimoiy madaniy rivojlanishning muqobil nazariyasiga aylangan feminizm hal qiluvchi rolni o'ynaydi. Feministik g'oyalar madaniyatninig turli sohalariga kirib borishi davom etib kelmoqda.70-yillardagi jinsiylik konsepsiyasi (jinsiylik deganda jinsga ko'ra kamsitish ishlatiladi) endilikda G'arb kishisi ongiga ajralmas bir tushuncha bo'lib kirdi.Gender tushunchasining kiritilishi ikki tushuncha -biologik va ijtimoiy jins tushunchalarini farqlashga yordam beradi Hayotimizda jins bilan bog'lanmagan tushunchalar "erkaklarga xos" yoki "ayollarga xos"kabi tushunchalarni aniq farqlash "feminimlik"(ayollik) va "maskulinlik(erkaklik ) tushunchalari qabul qilingan. Mana shunday yangi tushunchalarni fanga kiritilishi erkaklar va ayollar o'rtasidagi ziddiyatlarni bartaraf etish

O.A. Voronina XX asrning 80-yillarida erkaklar va ayollar tajribasi spesfikasini tahlil qilishda gnder sestimasi tahliliga o'tishni shunday yozadi:"Ayollar omili va erkaklar ustunligini ta'kidlashni tahlil qilishda,gender mavjud ekan, barcha ijtimoiy holatlarda erkaklar va ayollar uchun birdek tegishli bo'lgan tahlilga o'tishda sekin aksintlarning aralashuvu kaztilmoqda " deb aytadilar.

Mezesiva Elena va Boritovnaning Toshkent 2007.darsliklarida keltirilishicha:"Oiladagi er-hotin munosbatlari buzilishiga bir qancha omillar sabablar bo'lishi mumkinliklarini aytib o'tganlar.Masalan ayol erining oilasida o'zini quyi pog'onada deb hisoblashga majbur qilinishi, erkakning ayoliga nisbatan malum cheklash qoidalari ham bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Ananaviy xotin-qizlar roli, xotin-qizlar rivojlanishiga yuklanadigan cheklovlar, xotin-qizlarlarnig erkin va har tomonlama rivojlanishi jaroyonidagi muhim to'siqlardan biri shundan iboratki,ishlayotgan ayol uy-ro'zg'or tashvishlari

va bolalar uchun masulligidir.Xatto G'arbning rivojlangan mamlakatlarida ishlovchi ayol uy-ro'zg'or ishlarining 70% iga yaqini bajaradi.U bilim darajasini oshirishi, entellektual muloqat doirasini kengaytirish uchun bo'sh vaqtdan deyarli mahrum bo'lgan " shunday bayon qilingan.

Erkak kishi uchun asosiy narsa nima? ayol kishi uchun asosiy narsa nima? degan savol tug'iladi. Ko'pchilik erkaklar uchun ish birinchi o'rinda turadi. Ular ishni har doim birinchi o'rinda qo'yadilar. Agar oila unig ishxonasi hududiga kirib borsa,erkak o'zini oilasini barbod qiladi.

Ayol kishi uchun esa eng avvalo bu-oila,farzandlari, undan keyin boshqa narsalar turadi.Ayollarga etibor bersak doim birinchi oilasi haqida gapira boshlaydi.Mening oilam,mening farzandlarim va boshqa shu kabilar. Ayol eng oxirida ishni qiladi. Moboda ish oila uchun xavfni boshlasa, ayol ishini barbod qiladi.Agar ayol kishi uchun ish asosiy bo'lib qolsa,u ham o'z oilasini barbod qiladi.

Hozirgi kunga kelib er-xotin o'rtasidagi mana shunday liderlikga intilishlar,hukmronlik uchun kurashlar,oiladagi muhitga ham o'z tasirini o'tkazmasdan qolmaydi albatta.Bu jarayon farzandlar kamolatiga ham salbiy tasir ko'rsatadi.Aytib o'tganimizdek oilada ayolning erkakga nisbatan ustun turishi,farzandlarninig otaga nisbatan munosabatini iliqlashishiga olib keladi.Farzandlar otalarning ko'rsatmalari yoki amallariga nisbatan befarq bo'ladi.Bunday vaziyat oilada otaning mavqeini tushirib yuboradi.Agar erkakning oilada ayoldan ustun yuqori bo'lsa ham bu ham oiladagi munosabatlarga tasir qiladi. Farzandlar otalariga nisbatan yomon ko'z bilan qaray boshlaydi,ayniqsa, avtoritar oilalarda.Otaning haddan tashqari qattiqqo'lligi farzandlariga otalariga nisbatan nafrat tuyg'usini uyg'otishi ham mumkin.

Oilada ota-ona hamkorlik,tenglik asosida ish olib borsa,mana shunday vaziyatlar yuz bermaydi,aksincha bu oilaviy yutug' samarasini taminlab beradi, farzandlarga ham ijobiylik munos

abatini oshiradi.Biz shunga aminmizki oilada er ham xotin ham o'zining davrasida birday faoliyat yuritishi kerak.Agar biz ayollar erkaklarga nisbatan pastroq bo'lishi kerak deb hisoblasak,noto'g'ri o'ylagan bo'lamiz.Bu tenglik O'zbekistonda konstitutsiya va qonunlarda ham o'z ifodasini topgan.Oiladagi ijobiy muhit –kelajagimiz rivojidir desak mubolag'a bo'lmaydi albatta.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1)Mezesiva Elena va Boritov Toshkent, 2007

2)Alimasov V. "Gender falsafasi"-Toshkent,2008

# УРОВЕНЬ ОБЩЕНИЯ УЧИТЕЛЕЙ С УЧАЩИМИСЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОЛЛЕДЖЕЙ

*Тураева Д.Р.*
*PhD, старшый преподаватель Ташкентского государственного Университета востоковедения*

Во всех странах мира уделяется особое внимание работе по воспитанию квалифицированных, конкурентоспособных кадров, обладающих знаниями высоких информационных технологий. Признано, что рост эффективности образования в развитых странах зависит на 16% - от материально-технической базы, на 20% - от ресурсов, на 64% - от человеческого фактора[1]. Согласно части 4 рекомендованного ЮНЕСКО Положения «Об учителях" признано, что развитие образования зависит от квалификации и мастерства учителей, от педагогических, личностных и профессиональных качеств каждого из них[2]. Это обуславливает важность изучения деятельности учителей, их взаимоотношений с учащимися.

В области социально-педагогической психологии в мировом масштабе проводились исследования по комплексному подходу к системе образования, определению теоретических основ обучения и воспитания, изучению природы образовательного процесса, показателей анализа компонент учебного процесса, личности педагога, его профессионального мастерства и способностей, методов управления, взаимоотношений «педагог-учащийся».

В этих исследованиях не изучены в качестве проблем специального исследования социально-психологические особенности метода деятельности педагога в системе взаимоотношений «педагог-учащийся» в профессиональных колледжах и академических лицеях. По этой причине остаётся одной из актуальных проблем социальной психологии изучение стиля деятельности педагога, взаимоотношений педагога и учащихся, их представлений друг о друге.

В мировой практике ведущие ученые - педагоги и психологи исследовали различные аспекты социально-психологической и педагогической сущности деятельности педагога. К. Левин, Р. Липпит и Р. Уайт (1939), Н.Ф.Маслова (1973), Я.Стреляу (1974), А.Л. Журавлев и В.Ф.Рубахин (1976), Р.Х. Шакуров (1982), Г.А. Андреева (1987), А.А. Андреев (1984), С.И. Кондратьева (1984), А.И. Щербаков и А.В. Мудрик (1979), Г.Н. Мальковская (2005) в своих исследованиях охарактеризовали методы управления педагога; В.А. Кан-Калик (1990), Н.А. Березовин (1992), А.А. Реан и Я.Э. Коломинский (1999), освятили стиль отношений учителя и учащихся; А.А. Коротаев и Т.С. Томбовцева (1990), А.А. Бодалев (1983), Ю.Н. Азаров (2004), В.С. Мерлин (2006) исследовали стиль педагогического

[1] http://www.iqtisodiyot.uz/
[2] Рекомендации МОТ И ЮНЕСКО "О положение учителей"- unesdoc.unesco.org/images/0016/001604/160495

общения, а также метод самовоспитания; И. Кхол, А.А. Карпенко (1985), Е.П. Ильин (2004) изложили метод ведения уроков; Н.В. Кузмина, Л.И.Митина (2005), Л.Д. Столяренко (2006) изучали вопросы личной педагогической деятельности, педагогического общения и личности учителя; А.К.Маркова и А.Я.Никонова (1982) изучали индивидуальной стиль деятельности педагогов; в исследованиях Д.Б. Эльконина (1974), Л.С. Выготского (1982) представлены сущность учебного процесса, его психологические компоненты и психологические особенности.

Кроме того, в исследованиях ученых Узбекистана, таких как: М.Г. Давлетшин (1999), Э. Гозиев (1997, 2002), Р.З. Гайнутдинов (1995), В.М. Каримова (1998), З.Т. Нишонова (2002), А.Ғ. Рахмонов (2001), Э.З. Усмонова (2000), Ш.А. Эшметов (2005), А. Жабборов (1999), Т.М. Адизова (1986), А.И. Расулов (2001) и их последователей, представлен ряд исследований, в которых особое внимание уделено проблеме подготовки педагогических кадров. В их работах изучены вопросы подготовки педагогических кадров, особенности личности педагогов, особенности и динамики совместной деятельности педагогов и студентов, способности личности педагога, диагностики учащихся в образовательном процессе, отношений «учащийся – наставник) и другие аспекты.

Изучая деятельность учителей в системе «педагог-учащийся» нами проводилось комплексное исследование в этой области. Используя опросник «Как вы общаетесь учителями?», мы изучали уровень общения учителей с учащимися академических лицеев и профессиональных колледжей. Взаимоотношения между педагогом и учащимися были изучены на основе опросника, разработанного Э.Г. Гозиевым и А.Н. Расуловым (Как вы общаетесь (поддерживаете беседу) с вашими учителями?). Выявлено, что учащиеся предпочитают демократический стиль общения со стороны педагогов, но по социальным вопросам больше беседуют с учителями авторитарного стиля. По анализу полученных результатов были выделины следующие уровни общения в отношениях педагогов к учащимся: «обязательный», «необходимый», «официальный», «официально-отрицательный», «негативный», «официально - положительный», «доверительный», «душевно-доверительный». В то же время выявлено, что на первом курсе, особенно вначале обучения, учащиеся мало общаются с педагогами; так как переход в новое образовательное учреждение, период адаптации вызывает определенные трудности у учащихся и служит препятствием для свободного общения между педагогом и учащимися.

**ЛИТЕРАТУРА**:

1. Адизова Т.М. Социально-психологические особенности личности мастера и стиль руководства производственным коллективом.: Автореф. дис. … канд. психол. наук. - Ленинград, 1986.- 17 с.

2. Вяткина З.Н. Индивидуальный стиль деятельности учителя на уроке в зависимости от свойств нервной системы // Темперамент и спорт. Пермь, 1976. Вып. 3. С. 99-117.

3. Коломинский Я.Л., Плескачёва Н.М., Заяц И.И, Митрахович О.А. Психология педагогического взаимодействия. Учебное пособие - СПб.: Речь, 2007.- 240с.

## OILADA OTA-ONA VA FARZANDLAR O'RTASIDAGI NIZOLAR

*To'rayeva D.N.*
*Buxoro viloyat Peshko' tumani Afshona tibbiyot kolleji psixologi*

Har qanday jamiyat taraqqiyotida oilalarning, oilalar mustahkamligining o'rni beqiyosdir. Chunki tirik organizmning salomaligi uni tashkil qiluvchi har bir hujayraning sog'lomligiga bog'liq bo'lganidek,butun organism o'z faoliyatini maqsadga muvofiq amalga oshirishida har bir hujayraning munosib o'rni bo'lganidek, oila ham davlat, jamiyat deb atalgan butun bir organizmni tashkil etuvchi hujayradir. Har bir oilaning sog'lom bo'lishi, ularda ijobiy psixologik iqlimning hukm surishi, mana shu muhitda dunyoga kelib, shaxs sifatida shakillanib, so'ng o'zi yashayotgan davlatning fuqorosi sifatida, o'z davlatining iqtisodiyoti, ijtimoiy hayoti tarqqiyotini ta'minlovchi, hal qiluvchi omil bo'lgan inson kamolotida oilaning tutgan o'rni beqiyosdir.

Nima sababdan biz ko'proq oila va unda yuz beradigan munosabatlarga e'tiborli bo'lamiz, nima sababdan oila maskanida o'zimizni yaxshi, baxtli his etsak, ishimiz ham yurishgandek, omadimiz chopgandek bo'ladi? Chunki oila bizning hayotimizdagi eng aziz va muqaddas dargoh! Faqat oilagina insonning baxtli bo'la olishi, o'zini kimlargadir kerakli his eta olishi yoki bo'lmasa o'zini ezilgan, omadsiz sezishiga sabab bo'la oladi. Shuningdek, jamiyat taraqqiyotining kutilgan darajaga chiqa olmasligi, uning taraqqiyotiga to'sqinlik qiluvchi, uning inqiroziga olib keluvchi kuchlarning yuzaga kelishida ham oilaning hissasi kattadir. Chunki nosog'lom psixologik muhitli, nizo-janajalli, o'zaro mehr-oqibatsiz muhitda dunyoga kelib, shakllangan bola, keyinchalik nafaqat o'z ota-onasi, aka- ukalariga nisbatan balki atrofdagilarga, qolaversa, o'zi yashagan jamiyatga nisbatan ham mehr-oqibatsiz, shafqatsiz, zolim, xudbin, yurt manfaatlariga zid, tashqi kuchlar ta'siriga oson beriluvchan, shu asosda esa o'z oilasi, o'z xalqi, o'z yurti uchun xavfli odam bo'lib yetilishi mumkin Bu uchun har bir oila boshlig'i ya'ni ota-onalarda tarbiya va oiladagi shaxslararo munosabat va madaniyat kuchli bo'lishi kerak.Bugungi kunda aksariyat oilalarda hozir nizoli vaziyatlarning ko'proq foizini ota-na va farzandlar o'rtasida yuzaga kelmoqda.

Bunday kelishmovchiliklarning kelib chiqishida esa men quydagilar xizmat qiladi deb o'ylayman.

1 Dunyoqarashlar orasidagi mavjud farqning hisobga olinmasligi.

2 Yoshlarning bo'sh vaqtini mustaqil tashkil etishi, do'stlar tanlashdagi mustaqilligi, hissiyot sohasidagi mustaqilligi, modaga, bugungi kun talabiga mos kiyinishi, kasb tanlashdagi mustaqilligi, umr yo'ldoshi tanlashda mustaqillik uchun ota- onalari bilan ba'zan kurash olib borishning xush kelmasligi.

3 Ota-onalar ichkilikka ruju qo'yishi yoki or- nomusni yig'ishtirib qo'yib,

buzuqchilik qilishi.

4 Ba'zi bolalarni mehnat qilishga o'rgatilmaganligi va buning oqibatida yengil-yelpi hayot kechirishga o'rganib qolishi.

5 Ayrim yoshlarning farzandlik burchini unutib qo'yishi va hokazo.

6 Ota-onalarning psixologik-pedagogik bilim saviyalari yetarli darajada emasligi natijasida yuzaga keladigan kelishmovchiliklar.

Ota-onalar va bolalar munosabatiga oid yuqoridagi kabi kamchiliklar natijasida oiladan halovat yo'qoladi, o'rtaga sovuqchilik tushadi. Bu esa albatta negizi tarbiya jarayoniga borib taqaladi.

Ba'zi ota-onalar bolalarda 3, 6, 13—14 yoshlarda muqarrar ravishda bo'lib o'tadigan krizislarni bilmaydilar. Bu yosh bosqichlarida bola ruhiyatida yangi psixologik qo'shilmalar yuzaga keladi. Bu esa ularning kattalar, jumladan ota-onalar bilan bo'lgan munosabatlarida ko'zga tashlanadi. Buni sezmagan ba'zi ota-onalar «bolam nihoyatda qaysar, quloqsiz bo'lib qoldi», deb o'ylaydilar va shikoyat qilishga tushadilar. Bunga qarshi o'zlaricha chora-tadbirlar belgilashlari natijasida ota-ona va bola bir-birlarini tushunolmay qoladilar. Bolaning ota-onadan bezish hollari kuzatiladi. Bu kabi vaziyatlarni oldini oilsh va ota- ona va farzandlar o'rtasidagi nizolarga yo'l qo'ymaslik uchun har bir inson yuragida minnatdorchilk va shukronalik hissini uyg'otish lozim deb o'ylayman.

## ИННОВАЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Тўраева М.А., Сайфуллаева Ш.О.*
*ЎзМУ талабалари*

**Аннотация:** Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда турли жавҳаларда тараққий топиши учун инновацион истоҳотларни амалда татбиқ этиш мухим аҳамият касб этади. Хусусан, инновацион теҳнологиялар соҳа ривожи учун бир қатор янгиликлар, ижобий ўзгаришлар вужудга келишига туртки бўла олади.

**Калит сўзлар:** Инновацион технологиялар, миллий инновация тизими, инновацион механизм.

Бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор мақсадларидан бири мамлакат иқсодиётининг жадал суратларда ўсиши ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, бунинг учун аввало, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, ҳар томонлама замонавий бўлган технологиялардан фойдаланиш, жамиятда инновацион муҳит яратишига эътибор қаратиш лозим бўлади.

"Инновация" атамасининг ҳозирги вақтда кенг қўлланилиб келиши кўпчиликда бу борада қизиқиш уйғонишига туртки бўлмоқда. Бир қанча иқтисодчи олимлар мазкур атаманинг ўз қарашлари билан иқтисодий мазмун-моҳиятини ифодалаб ўтишган. Жумладан, рус иқтисодчи-

олимларидан В.В. Глушченко, И.И. Глушченколар қуйидаги таърифни айтиб ўтишган: “инновация – товарлар, ҳизматлар ва технологияларнинг фирма даражасидаги ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чикиш, тайёрлаш ва тарқатишга юналтирилган ижодий ва инвестицион фаолият натижаси”. А.Б. Борисов ўз изланишларидан келиб чиқиб ушбу таърифни келтириб ўтади: “инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чикиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижодий фаолият натижасинини англатади”. Айтиш жоизки, муайян соҳада замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, янгилик яратиш ҳамда уни амалда татбиқ этиш инновацион ривожланиш учун кэнг имкониятлар эшигини очади.

Инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, миллий инновация тизимини ривожлантириш, юқори самарали технологияларни жорий этишнинг янги механизмларни ишлаб чиқиш, илм – фан ва техниканинг муҳим масалаларига эътибор қаратиш иқтисодий ислохотлардан бири сифатида эътироф этилиши лозим.

Жаҳон тажрибасидан шуни гувохи бўлишимиз мумкинки, мамлакатларнинг босқичма – босқич ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ривожланган миллий инновация тизимининг мавжудлиги асосида таъминланади.

XX асрнинг бошларида Япония, АҚШ, Корея Республикаси, Финляндия, Швейцария ва яна бир нечта давлатлар инновацион иқтисодиётга эга мамлакатлар сифатида тан олинди. Ушбу ривожланган мамлакатлар иқтисодёти куйидаги сифатлар билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради:

– Замонавий технологияларни яратиш ва уни амалга татбиқ этишга эътибор қаратиш;

– Илм - фан ва техника тараққиёти ютуқларини оммалаштиришни таъминлаб берувчи ахборот инфратузилмасини яратишни кучайтириш;

– Янги технолиялардан фойдаланган ҳолда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда рақобатбардошлигини ошириш;

– Замонавий билимларни доимий равишда ўзлаштириш жараёнини йўлга қўйиш.



**1-расм. Амалга оширилган инновацияларнинг таркиби (2016, %).**[1]

Расм маълумотларининг кўрсатишича, 2016 йилда Ўзбекистон Республикасининг 900 дан ортиқ ташкилот ва корхоналари томонидан 2000 га яқин инновациялар жорий этилди. Шу билан бирга, киритилган янгиликларнинг 1816 таси (амалга оширилган инновацияларнинг 95% и) янги самарали технологияларни жалб қилган ҳолда корхоналарни модернизация қилишга юналтирилган. Бу шундан дарак берадики, мамлакатимизга инновацияларни жорий этиш, асосан, чет элдан машина ва ускуналар импорти ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ривожланиши халқаро талаб даражасида эмаслиги, инновация муҳитини янада такомиллаштириш зарурияти, мазкур соҳани янада ривожлантириш борасида давлат ислоҳотларини янада изчил давом эттириш лозимлиги қуйида келтирилиб ўтилган муаммоларга ечим излаш лозимлигини англатади:

1) Бизнеснинг илмий – техник ахборотларга эга бўлиши учун трансакция харажатлари катта эканлиги;

2) Инновация лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ўз ресурсларини таклиф этувчи молиявий ва инвеститцион институтларнинг кенг қамровли ва диверсификацияланган бозор мавжуд эмаслиги;

3) Хусусий сектордаги кўплаб корхоналарда инновацион бошқарув қарорлари тизими шакллантирилмаганлиги ва ҳоказо.

Санаб ўтилган муаммолар шуни кўрсатадики, инновацион муҳит маълум маънода иқтисодий ҳамда институтсионал ислоҳотларлар тараққиётига чамбарчас боғлиқ бўлади. Иқтисодиётда инновацион механизмни жорий этиш стратегик аҳамиятга эга вазифа ҳисобланиб, шу билан бирга, жамиятда инновацияга бўлган муносабат шаклланиши мамлакатда инновациянинг кенг ривож топишига хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. https://stat.uz/en/press-center/analytical-articles/2-uncategorised/3938-innovative-development-is-the-foundation-of-the-future1
2. https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/presscenter/articles/2018/10/260/innovative-development-drives-economic-prosperity.html
3. https://books.google.co.uz/books/about/Innovation_Economics.html?id=fuPrHLNHPAQC&source=kp_cover&redir_esc=y

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

# МИГРЕНДА ОҒРИҚНИ БОШҚАРИШНИНГ МОТИВАЦИОН ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ

*Турғунова Г.Б.*
*Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси*

Оғриқни бошдан кечириш турли хил сурункали соматик касалликларга ҳамроҳ бўлади. Оғриқ беморнинг ҳаёт сифатига таъсир қилади, унинг субъектив фаровонлигини белгилайди. Масалан, катталарнинг деярли ярми ўтган йил давомида камида бир марта бош оғриғига дуч келишган. ЖССТ маълумотларига кўра, бош оғриғи ногиронлик, ҳаёт сифатининг пасайиши ва молиявий харажатлар билан боғлиқ [1]. Шу муносабат билан, оғриқни тиббий ва психологик бошқариш ҳақида савол туғилади.

Мигрен бош оғриғининг бир тури бўлиб, касалликларнинг Халқаро таснифида эпизодик ва пароксисмал касалликлар деб таснифланади. Мигренларда ҳаёт сифати ҳужумларнинг частотаси, оғриқнинг интенсивлиги ва кейинги ҳужумни кутиш билан боғлиқ бўлган безовталик даражаси туфайли камаяди.

Натижада кўплаб тадқиқотларда сурункали оғриқ билан оғриган беморларнинг психологик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Масалан, А. Данилов томонидан ўтказилган тадқиқотда, беморларнинг мигрен ҳужуми ҳиссий зўриқиш баландлигида эмас, балки стрессли вазиятнинг охирида содир бўлганлиги кўрсатилди: масъулиятли нутқдан сўнг, мураккаб шартнома имзолангандан сўнг, дам олиш бошида ("дам олиш кунлари мигрени"), иш фаолиятида лавозими ошгандан кейин ва ҳоказо. Сурункали стресс (оилавий низолар, ҳаддан ташқари кўп иш) нафақат ҳужумлар частотасини, балки бош оғриғи интенсивлигини ҳам ўсишига туртки бўлди [3].

Махсус адабиётлар шуни кўрсатадики, мигренлардаги ҳаёт сифати психологик детерминантлар томонидан сезиларли даражада аниқланади. Шундай қилиб, Н.Л. Старикова (2009 й.) кўра, мигренларда ҳаёт сифатининг пасайиши нафақат касалликнинг объектив кўрсаткичлари билан боғлиқ. Беморларнинг ҳақиқий ва шахсий ташвишлари, уларнинг тушкунлик даражаси ва пассив кураш стратегиялари билан ҳаёт сифатининг пасайтирилган кўрсаткичларининг ишончли боғлиқлиги мавжуд [2].

Илмий ва амалий қизиқиш оғриқни бошдан кечириш билан боғлиқ когнитив, ҳиссий ва хулқ-атвор жиҳатларини ўрганишдир. Масалан, S.Linton, W.Shaw (2011) оғриқни бошдан кечириш жараёнида психологик омилларни аниқлашда когнитив (масалан, оғриқни кучайтирадиган салбий фикрлар ва эътиқодлар), тартибга солувчи (масалан, ташвиш, қўрқув) ва хулқ-атвор (масалан, оғриқни камайтириш бўйича ҳаракатлар) омилларни мавжуд эканлигини айтиб ўтишган [4].

Мигрен ҳаётни сезиларли даражада заҳарлайдиган жиддий касалликдир. Замонавий тиббиёт бу касалликни бутунлай мағлуб қила олмас экан, мигрен билан яшашни ва ҳатто ҳаётдан завқланишни ўрганиш мумкинлиги ва бу учун оғриқни бошқаришнинг мотивацион детерминантлари қай даражада

самарадор ёки самарасиз эканлигини ўрганиш – тадқиқотимизнинг асосий мақсадларидан бири бўлди.

*Объект* сифатида биз мигренга чалинган, етарлича кассалик стажига эга бўлган ва неврапотологда рўйхатга турган 60 беморни танлаб олдик. Тадқиқотимизни биз Тошкент шаҳри Сергели тумани 12-сон оилавий поликлиникасида ўтказдик.

*Тадқиқотнинг методологик асосларига* Дж.Энджелнинг тизимли биопсихосоциал ёндашуви, Р. Лазарус ва С. Фолкманнинг шахснинг хулқ-атворини енгиш контцепцияси, ўз-ўзини бошқариш моделлари киради.

*Тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг тавсифи.* Ушбу олиб борилган ишимиз учун биз қуйидаги методикалардан фойдаландик: «Оғрик копинги» сўровномаси, Мак-Гиллнинг «Кўп ўлчовли оғриқ» сўровномаси, «Ўз-ўзини самарадорлик» шкаласи (R.Schwarzer, M. Jerusalem), «Касалликнинг назорат қилишнинг кўп-ўлчамли локус шкаласи» (K.Wallston ва бошқалар), В.И. Моросанованинг «Ўз-узини хулқ-атворини бошқариш стили».

Маълумотларни статистик қайта ишлаш методларининг ичида дескриптив статистика, частотали таҳлил, индуктив статистика (Манн-Уитни мезони), корреляцион тахлил (Спирмен мезони бўйича) қўлланилди.

*Тадқиқотнинг натижалари.* Навбатдаги ишимиз мигрен респондентларда оғриқни ҳис қилиш ва оғриқни бошқариш стратегиясининг сенсорик, аффектив, баҳо берувчи хусусиятларидаги жинс ва ёшга боғлиқ тафовутларни аниқлаб уни таҳлиш қилишдан иборат. Бу учун Мак-Гиллнинг «Кўп ўлчовли оғриқ» сўровномасидан фойдаландик ва жинс ўртасидаси натижаларни *1-жадвалига* киритдик.

**1-жадвал.**

**Жинс бўйича Мак-Гилл сўровномаси оркали оғриқни ҳис қилиш хусусиятлари фарклари**

| Оғриқ хусусиятлари | Ўртача ранг | | Манн-Уитни мезони | Аҳамият-лилик даражаси (p) |
|---|---|---|---|---|
| | Эркаклар N=18 | Аёллар N=42 | | |
| Сенсор | **40,31** | **26,30** | **201,500** | **0,004*** |
| Аффектив | 30,81 | 30,37 | 372,500 | 0,928 |
| Баҳоловчи | **36,86** | **27,77** | **263,500** | **0,05*** |

**Изоҳ: * билан статистик аҳамиятли тафовутлар қайд қилинган**

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки эркакларни сони сезиларли даражада кам бўлишига қарамай оғриқнинг барча хусусиятлари бўйича юқори натижаларни кўрсатишган. Сенсорик (U=201,500, $p<0,05$) ва баҳоловчи (U=263,500, $p<0,05$) шкалаларда статистик аҳамиятли тафовуд мавжуд бўлиб, эркакларда оғриқни сенсорик таърифлаш юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини самарадорлик даражаси бўйича оғриқ копинг стратегияларда статистик аҳамиятга эга тафовутларни аниқла олмадик. Бундай тафовутларни биз локус назорати буйича аниқлаб, уларни *2-жадвалига* киритдик.

**2 -жадвал**

**Мигренга чалинган беморларда локус назорати буйича оғриқ копинглардаги тафовутлар**

| Шкалалар | Интерналлик ва экстерналлик даражаси | | Манн-Уитни мезони | Аҳамият-лилик даражаси (p) |
|---|---|---|---|---|
| | Паст даража N=27 | Юқори даража N=33 | | |
| Чалғиш | 26,09 | 34,11 | 326,500 | 0,072 |
| Интерпретация | **23,85** | **35,94** | **266,000** | **0,007*** |
| Фожиявийлик | 34,07 | 27,58 | 349,000 | 0,140 |
| Хисларга эътиборсизлик | 28,89 | 31,00 | 429,000 | 0,803 |
| Умид ва илтижо | **23,80** | **35,98** | **264,500** | **0,006*** |
| Мустақиллик | 27,00 | 33,36 | 351,000 | 0,149 |
| Хулқ активлигининг ошиши | 30,57 | 30,44 | 443,500 | 0,976 |

**Изоҳ: *билан статистик аҳамиятли тафовутлар қайд қилинган**

Ушбу жадвалдан биз шуни кўришимиз мумкинки, тадқиқотимизда экстерналлар сони кўпроқ бўлиб деярли барча оғриқ копинг-стратегияларда уларда биз устунликни кўришимиз мумкин. Интерпретация (U=266,000, p<0,05) ва умид ва илтижо (U=264,500, p<0,05) шкалаларида статистик аҳамиятли тафовутларни кўришимиз мумкин. Демак экстерналлик юқори даражада чалғиш, яъни ўзини турли хил юмиш, иш ёки мулоқот билан чалғитиш, тузалишида кўпроқ ташқи омилларга суяниш, яъни илтижо қилиш ва атрофдегиларни кўмагига умид қилиш билан характерланаркан.

Галдаги таҳлимиз бу оғриқни хис қилиш ва оғриқ-копинг стратегиялари кўрсаткичларининг ўз-ўзини самадорлиги, касалликни локус назорати ва ўз-ўзини бошқариш характеристикалари билан ўзаро боғлиқлигини аниклаш.

Оғриқни хис қилиш ва оғриқ-копинг стратегиялари кўрсаткичлари билан ўзаро боғликликларини аниқлашда биз Мак-Гиллнинг «Кўп ўлчовли оғриқ» сўровномаси билан «Оғрикли копинг» сўровномаси керак бўлди. Интерпретация копинг стратегияси ва оғриқни аффектив ($r_s$=0,290, p<0,05) таърифлаш шкаласи ўртасида ижобий боғликлик аниқланди. Бу ўз мобайнида шуни англатадики, респондентлар ўзларида бўлаётган оғриқларни кўпинча нимагадурга, яъни сифатгамас, ундан уларга булаётган жараён ва хатти-харакатларни интерпретация қилишга интилишади. Хисларга эътиборсизлик ва баҳоловчи шкала ўртасидаги боғлиқликни ($r_s$=0,298, p<0,05) аниқладик.

Оғриқни хис қилиш ва ўз-ўзини бошқариш ўртасидаги боғлиқликлар *3-жадвалида* акс эттирилган. Режалаштириш кўрсатгичи ва оғриқни баҳоловчи

шкаласи ўртасида манфий боғлиқлик мавжуд бўлиб ($r_s$=-0,410, p<0,01) бу шуни англатадики, оғриқни салбий баҳоланиши, умуман унинг интенсивлиги баландлиги, респондентларни кунлик иш ва юмушларини бажаришга сезиларли даражада тўсқинлик қилади.

**3-жадвал**

**Оғриқни баҳолаш ва ўз-ўзини бошкариш кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқликлари**

| | Сенсор шкала | Аффектив шкала | Баҳоловчи шкала |
|---|---|---|---|
| Режалаштириш | -0,146 | 0,063 | **-0,410**** |

**Эслатма:* - p <0,05 **- p <0,01**

Оғриқ копинг билан локус назорати натижалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда қуйидаги натижаларга эришдик. Таҳлилимиздан шуни аниқлашга мувофақ бўлдики, касаллик интерналлик локус назорати шкаласи билан интерпретация оғриқ копинги ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд ($r_s$=0,281, p<0,05).

Шундай қилиб, тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, мигренга чалинган беморларда оғриқни бошқаришда мотивацион ресурс сифатида шахснинг ўз-ўзини самарадорлиги ва ўз-ўзини бошқариш, касалликнинг локус назорати интерналлигини олишимиз мумкин. Хусусан, мигрен билан оғриган беморларнинг касалликнинг интернал назорат локуси даражаси юқори, паст интерналликга эга бўлган беморларга қараганда, бўлган беморлар кўпроқ реинтерпретация стратегиясига мурожаат қилишади. Бу, ўз ўрнида, статистик ахамиятга эга реинтерпретация копинг-стратегиялар ва касалликнинг интернал назорат локуси ўртасидаги ижобий боғлиқлик билан исботланади.

Тадқиқотимиз доирасида биз унча ҳам кўп статистик аҳамияга эга натижаларга ва боғлиқликларга эришмасакда, оғриқни бошқаришда психологик омиллар, яъни мотивацион детерминантларни ўрни сезиларли даражада эканлигини, ва бу билан ушбу муаммога қаратилган тадқиқотларимиз тўхтамаслигини, аксинча, бу фақат боши эканлигини аниқ айтишимиз мумкин.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Вопросы здравоохранения. Головные боли//Официальный сайт Всемирной организации здравоохранения: URL: https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/headache-disorders (дата обращения:18.03.20).

2. Старикова Н. Л. Психологические детерминанты качества жизни при мигрени // Казанский мед.ж.. 2009. №6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskie-determinanty-kachestva-zhizni-pri-migreni (дата обращения: 10.06.2020).

3. Данилов А.Б., Данилов Ал.Б. Управление болью. Биопсихосоциальный подход. М.: «АММПРЕСС», 2012. 568 с.

4. Linton S., Shaw W. Impact of Psychological Factors in the Experience of Pain//Physical therapy. 2011. Vol. 91. P. 700-11. 10.2522/ptj.20100330

# EKSTREMAL VAZIYATLAR PSIXOLOGIYASI

*Tursinova N.O`.*
*O`zXIA "Dinsotsiopsixologiyasi" yo`nalishi 4-bosqich talabasi*

Barchamizga ma`lumki, hozirgi axborotlashgan, rivojlangan va rivojlanayotgan hayotimizda turli favqulotda vaziyatlarga istaymizmi yo`qmi duch kelmoqdamiz. Mana shunday favqulotda yuzaga keladigan vaziyatlarda bizning ruhiyatimizda o`zgarishlar vujudga keladi. Ya`ni xohlaymizmi yo`qmi tashqi olamdagi yuz berayotgan voqea hodisalar bizning ichki olamizga o`z ta`sirini o`tkazmay qolmaydi. Bu kabi holatlardagi ruhiy holatlarni o`rganuvchi soha, albatta, "Ekatremal vaziyatlar psixologiyasi" hisoblanadi. Keling shu o`rinda "ekstremal" so`zining etimologik jihatini ko`rib chiqsak. "ekstremal" so`zi lotin tilidan olingan bo`lib "extremus" – favqulotda deb tarjima qilinadi o`zbek tiliga. Ekstremal vaziyatlar psixologiyasi- insonning o`zgargan muhit, shart-sharoitlarda psixik faoliyatining kechishi qonuniyatlarini o`rganadigan psixologik sohadir. Favqulotda vaziyatlar yuz berganda insonda keskin, spazmatik, ijtimoiy hodisalar yoki ichki va tashqi zo`riqishning haddan tashqari ko`payishi natijasida yuzaga keladi. Favqulotda holatlar ko`p holatlarda tabiiy ofatlar, turli shaxsiy hayotdagi moddiy yo`qotishlar yoki shaxslararo munosabatlardagi emotsional o`zgarishlar natijasida yuz beradi.

Shaxsda bunday holatlarda quyidagilar kuzatilishi mumkin:

- ➢ Kuchli depressiya;
- ➢ stress;
- ➢ kuchli qo`rquv.

Yuqoridagi holatlar natijasida insonlar kelajakka ishonchlarini yo`qotishlari, sog`liklarida turli muammolar boshlanishi va hattoki og`zaki nutq va xotira yo`qotilish holatlariga duch kelishlari mumkin.

Bu kabi holatlarni oldini olish va ruhiy holatlardan chiqarish uchun psixolog shaxsning adaptive va kompensator resurslarini aktivlashtirishga doir mashg`ulotlar, treninglar olib borishi kerak. Mana shu kabi holatlarga doir quyidagi trening va metodlarni olib borish tavsiya qilinadi:

- ➢ "O`zimizni qanday tutamiz";
- ➢ "Men hech qachon…..maganman";
- ➢ "Halokatga uchragan kema";
- ➢ "Ishonch parvozi".

Tavsiya etiladigan metodlar:

- Rezyume;
- Suhbat;
- Test;
- Kuzatish;
- Tabiiy va laboratoriy (klinik);
- Proyektiv metodlar.

Psixologik ta`sir etuvchi usullar:

- Verbal;
- Paralingvistik;
- Noverbal.

Texnologik ta`sir etish usullari:

- Direktiv;
- Nodirektiv;

Insonlarda ruhiy holatlar ekstremal vaziyatdan so`ng vujudga keladi. Yuqorida keltirilgan psixologik treninglar esa inson ruhiyatini mavjud vaziyatga nisbatan adaptatsiyasini shakllantiribgina qolmay, balki bu kabi vaziyatlardan chiqishga chorlaydi. Psixikada yuzaga kelgan depressiya, stress qo`rquv holatlaridan halos bo`lish va keyinchalik uning izlari qolib ketmasligiga ko`maklashadi. Ekstremal psixologiyaning yana bir muhim jihati insonlarga faqat favqulotda vaziyatlardgina emas unday holatlardan oldin ham yordammberishi mumkin. Ya`ni, biz bilamizki, favqulotda vaziyatlarda, albatta, bizlarga qutqaruvchilar yordam beradilar. Ularning o`zlari ham avvaldan bunday vaziyatda jabrlanganlarga nafaqat jismoniy, balki ruhiy tetiklik ham berishlari kerak bo`ladi. Mana shunday holatlarga ularni psixologlar ruhan tayyorlaydilar. Psixologlar mashg`ulotlarni yakka tartibda yoki guruhiy shaklda olib borishlari mumkin.

Shu o`tgan kunlarga nazar soladigan bo`lsak, yurtimizda va dunyoda kechayotgan “COVID-19” pandimiyasi natijasida aholining vahima va sarosimaga berilish holatlarini misol qilib olsak mubolag`a bo`lmas. Vahima va sarosima tufayli inson o`ziga kasallikni chaqirib olishi hech gap emas. Psixologlarning ta`kidlashlaricha, inson psixikasi insonning nimani o`ylashi va nimaga intilishi yoki miyaga beradigan ustanovkasiga bo`ysunadi. Agar biz nimadir haqida ko`p o`ylasak, shu o`ylagan narsamiz bizga shuncha yaqindek tuyuladi va biz u tomon yaqinlashib boramiz. Agar biz favqulotda vaziyatlarda tushkunlik va yomon narsalarni unutishga harakat qilib, yaxshi narsalar haqida o`ylay boshlasak yaxshi kunlarga bir qadam qolganligi yoki unga erishishga bo`lgan kuch va ishonch shakllanadi.

Aslini olib real qaralganida, hozirgi vaziyatimiz ham ekstremal vaziyat hisoblanadi. Qanchadan qancha pandimiyadan azziyat chekayotgan insonlar psixikasida yoki unga qarshi kurashayotgan shifokorlar psixikasida ham ekstremal darajada o`zgarishlar ruhiy holatlar kechmoqda. Butun dunyoda aholini tinchlantirish, ularni ruhiyatini ko`tarish borasida ommaviy axborot vositalari va xalq uchun taniqli, bir muncha yaqin hisoblangan mashhur shaxslar yordamiga tayinilmoqda. Bu ham aholiga ta`sir etishning psixologik usuli hisoblanadi, chunki inson o`zi bilgan insonlarga ko`proq ishonadi va taqlid qiladi. Hozirda butun dunyo xalqlarini ikkita holat tashvishga solmoqda. Bular: birinchisi kasallik bo`lsa, ikkinchisi oziq-ovqat yetishmovchiligining kelib chiqishi yoki ishsizlikning ortib ketganligidir. Biz yuqorida ketirib o`tgan sabablardan ikkinchisi ya`ni ishsizlik yoki oziq – ovqatga bo`lgan ehtiyojlarning ortib borishi natijasida aholi chora izlab ko`chaga intilmoqda va kasallikning ortib borishiga sabab bo`lmoqda. Bunday vaziyatda aholi va shifokorlarga, albatta, psixologlarning ko`maglari darkor. Xalq teleekranlarda namoyish etilayotgan turli konsert, kinofilmlar, serial va ko`ngil

ochar dasturlar yoki davra suhbatlaridan zerikishni boshladi. Endi psixologlar online treninglar, psixologik telezion xizmatlar orqali insonlarga yordam berishlari lozim. Kerak bo`lsa shifokorlar bilan yonma yon shifo maskanlarida faoliyat olib borishlari kerak. Biz xohlaymizmi, yo`qmi tana va ruh bir butun hisoblanadi. Shifokorlar inson tanasini davolasalar psixologlar ruhni davolash orqali tananing davolanishini bir muncha oson va tez borishida ko`maklashadilar.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Osuxova N.G. “Психологическая помощь в трудных и экстремальных ситуациях”

2. Z.T.Nishanova, Sh. T. Alimbyoyeva, M. V. Sulaymonov “Psixologik xizmat”

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ, ЁШЛАР ОНГИГА ТАДБИҚ ЭТИШДА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНИННИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

*Исмоилова Д.М*
*ЧДПИ ўқитувчиси*
*Турсинбоев С.Б*
*ЧДПИ талабаси*

*“Биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев*

Бугун мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оиширилиб келинмокда. Мамлакатимиз мустақиллика эришган илк кунидаёқ 1991 йил 20 ноябрьда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, 2016 йил 14 сентябрь куни мазкур қонун қайта ишлаб чиқилиб замон талабига мос бўлган 4 боб 33 модадан иборат янги Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларни интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш наинки Президент девони, балки барча бўғиндаги давлат органлари раҳбарларининг доимий ишига айланиши зарур” деган сўзлари Ўзбекистон ёшларига қаратаётган юксак эътиборидир.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим бир йўналиши сифатида қабул қилиниши мазкур ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш масаласининг долзарблигини ифодалайди. Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда 2017 йил 30 июнь кун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси – мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг 12 та устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ечишага ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун

шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466 сон Фармонига мувофиқ «YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» давлат дастури қабул қилинди. Мазкур давлат дастур асосида ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузурида «YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» жамғрмаси ташкил этилиб ёшларга бир қатор имтиёзлар яратилди хусусан:

-Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар бериш;

-Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг 50 фоизидан ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш;

-тегишли кўникмаларга эга, банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашиш;

- ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш;

- давлат-хусусий шериклик шартларида:

-ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан бизнес-режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил этиш учун «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказларини;

-савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларда «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини қуриш.

2019 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди.

-Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

-Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

-Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

-Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

-Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади, йиғилишда қайд этилган 5 ташаббусни кенг жорий қилиш мақсадида барча ҳудудларга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Давлатимиз тамонидан биз ёшларга қаратилаётган эътиборни инобатга олган ҳолда шуни такидлашим жоизки бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ёш авлоди бу эътиборни хис қилмоқда хусусан мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 14-ноябрдаги 914-сонли қарорига мувофиқ “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидоий, таббий етакчилик қобилятини намоён этган, ватанпарвар, юрт келажагига дахлдорликни ҳис қиладиган, меҳнатсевар ва бошқа инсоний фазилатлар эгаси бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида” Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшларга олий таълим муассаларига имтиёзли равишда қабул қилишлари учун тавсиянома жорий этилди, 2018 йил мазкур тавсиянома билан тақдирланиб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига имтиёзли равишда қабул қилиндим ва хозирда шу олийгохнинг “Педагогика” факультети “Педагогика ва психология” йўналишининг 2-босқич талабасиман. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати менинг ва менга ўхшаган милионлаб ёшларнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқаришда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. – Т., 2016
2. Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар Курултойидаги нутқи 2017 йил 30 июнь.
3. “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракаталар стратегияси” – Т., 2017
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июльдаги- “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июльдаги- “YOSHLAR-KELAJAGIMIZ” давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган бешта муҳим ташаббус.

## ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ –ОТА-ОНА МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУАММО ВА УНИНГ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ.

*Турсунбоева Г.Б.*
*Тошкент вилояти Ангрен шаҳар 34-сонли таянч-ҳаракат аъзолари шикасланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернат психологи*

**Аннотация:** Ҳозирги кунда ота-она ва ўқитувчи, ўқувчилар ўртасида турли хил зиддиятлар мавжуд. Ушбу зиддиятларни бартараф этиш. Таълим жараёнининг мувоффақиятини ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида самимий муносабатлар ўрнатиш.

**Калит сўзлар:** Ўқитувчиларнинг мулоқат малакасини оширишда тренинг машғулотлари, Педагог шахсида эмпативлик қобилиятини тарбиялаш.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши кўп холларда ўқувчилар таълим тарбияси билан боғлиқ эканлиги мунтазам қайд этиб борилмоқда. Бу борада айниқса ўқитувчи-ўқувчи ва ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликлани ижобий ҳал этишда психологик ёрдам бериш, болаларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолатлари ва қобилиятлари ҳақида ўқитувчи ва ота-оналарга маслаҳатлар уюштириш, ёш авлодни ушбу жараёнларни тўғри тушунадиган ва унга уйғунлаша оладиган этиб тарбиялаш жуда муҳим стратегик масаладир.

Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўсиб маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда. Лекин бундан маънавият соҳасида ҳеч қандай муаммо йўқ, деган хулосани чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларда келажак авлодни мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Хозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикамизнинг келажагидир. Уларни ҳар томонлама етук инсонлар

қилиб тарбиялаш таълим-тарбия муассасаларининг асосий вазифасидир. Улар учун юксак малакали педагоглар тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш эса кадрлар тайёрлаш соҳасидаги устувор вазифалардан бири саналади.

Шарқ алломаларимиз ўз фикрларида Беруний муаллим шогирдларига юмшоқ муомала қилиши, уларга тўғри йўл кўрсатиши, яхши йўлга йўллаши, ниятини тўғри қилиши, ўзини катта олмай, очиқ кўнгил бўлиши ҳақида таълим берган.

Абу Али Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди;

Ўқувчига билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра, Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл йўриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборат:

-болалар билан муомалада босиқ, ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг ўқувчилар қандай ўзлаштириб олаётганлигига эътибор бериш;

-таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;

-ўқувчининг хотираси, билимларни эгаллаш қобилиятини ва шахсий хусусиятларини билиш;

- фанга қизиқтира олиши.

- берилаётган билимларнииг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

- билимларни ўқувчиларга тушунарли қилиб, унинг ёши ақлий даражасига мос равишда бериши;

-ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғониш даражасида бўлишга эришиш зарур, дейди олим.

Давоний ўзининг фикрларида ўқувчи билан муаллим ўртасидаги муносабатга алоҳида тўхталади. Агар ота унинг организмини жисмоний жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим унинг маънавий тарбияси камолотга етишига сабабчидир. Ҳақиқатни олганда, унинг фикрича муаллим маънавий падар ҳисобланади. Агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия борасида шунчалик ота-онага яқин туради дейди.

«Ўқитувчи-дейди Ал Форобий - ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалай олишни билмоғи зарур». У ўз фикрини давом эттириб, «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади» деб таъкидлайди. Носириддин Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» асарида шундай дейди: «Ўқитувчи

мунозараларини олиб боришда исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қайерда заҳархандалик, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дапс пайтида ўқитувч-инингг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин». Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўқитувчи меҳнатини холисона баҳолаб «Агар шогирд подшоликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди». «Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳаккин юз ганж ила» каби сатрларни битган. Буюк алломаларимиз томонидан билдирилган қимматли фикрлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек таълим жараёнида ўқитувчи шахси, унинг касбий хусусиятлари борасидаги фикрлари мавзумизнинг долзарблигини илмий жихатдан тасдиқлаб турибди.

Педагог шахси унинг касбий сифатлари масаласи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда муҳим саналади. Чунки педагог таълим олувчиларга ахборотлар захирасини узатади ва шу орқали улар билан муносабат ўрнатадилар. Шу боис ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар инсоният томонидан минг йиллар давомида бизгача етиб келган донишмандликнинг асосий шаклларидан биридир. Педагогик амалиётдаги турли хил янгича ёндашишлар (ҳамкорлик педагогикаси, коммуникаторлик методикаси ва бошқалар) психологик нуқтаи назардан тушунчалар тизимидан ва “субъект-объект” таҳлил схемасидан “субъект-объект” тизимига ўтиш билан боғликдир.

Сўнгги пайтларгача назарий ва амалий тадкиқотларида устунлик бўлиб келган биринчи тузилма педагогик фаолият психологияси бўйича ишлар билан тақдим этилган. Ҳозирги кунда оммавийлашиб келаётган педагогик муносабатлар психологияси бўйича ишлар билан боғликдир.

Педгогик муносабат деб одатда маълум педагогик вазифаларига эга ва қулай психологик муҳитни яратишга қаратилган ҳамда бошқа турдаги ўқув фаолиятини такомиллаштирувчи педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ривожлантирувчи дарсда ва дарсдан ташқари ўқитувчининг ўқувчилар билан касбий муносабатлари тушунилади.

Самарали педагогик муносабатлар мезонларидан бири бу қулай психологик муҳитни яратиш ўқув гуруҳида маълум шахслараро муносабатларни шакллантириш ҳисобланади.

Ўқув гуруҳида шахслар ўртасидаги муносабатлар ҳақиқатдан ҳам педагог томонидан мақсадга мувофиқ равишда шакллантириши зарур. Шу билан бир вақтда маълум олий босқичларида уларнинг асосий манбаи жамоанинг ўзини ривожлантириши бўлиб қолди. Лекин бошланғич босқичларида шахслараро муносабатлар юксак даржасини шакллантиришда педагог асосий ўрин тутади.

Ўрганилган тадқиқот натижаларига кўра педагог олдида турган кўплаб вазифалар орасида муносабат билан боғлиқ масалалар энг мураккаб масала бўлиб қолаётганлигини кўрсатади. Улар педагогнинг коммуникативлик малакалари юксак даражада бўлишини талаб этади. Педагогнинг ўқувчиларга

вербал таъсир кўрсатиш турлари ҳам ўқитувчининг фаолияти даражаси ва унинг ўқувчисини тушуниш қобилияти билан боғлиқлиги аниқланади. Фаолияти юксак даражали ўқитувчида 34 та таъсир кўрсатиш усуллари мавжудлиги, фаолияти паст даражали ўқитувчида эса атиги 24 та усули бўлиши аниқланди.

Фаолият даражаси юқори ва паст бўлган ўқитувчилар вербал таъсир кўрсатишлари тизими миқдор билангина эмас, балки сифат билан фарқ қилади. Шундай қилиб ўқитувчи машғулотлар пайтида ўқувчилардан икки маротаба кўп гапиради. Бу маълумотлар бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан ҳам тасдиқланади.

Юзага келган анъаналарга биноан ўқитувчининг вербал фаолияти машғулотнинг кўп қисмини эгаллаши керак.Ўқувчилар ўртасидаги зиддиятлар асосан ўспиринлик даврида жуда кўп учрайди. Чунки, олимларнинг фикрича ўспиринлик даври кризисга бой давр бўлиб ҳисобланади. Бу борада С.Холл ўз тадқиқотини олиб борган. Унинг фикрича бу давр шахс эпосини келтириб чиқаради яъни ижтимоий ҳолатнинг талаблари билан ҳайвонлар антропоидлар ярим баробар анъаналарнинг тўқнашуви натижасида рўёбга чиқаради. С.Холл биринчи марта амбивалентлик ва пародоксаллик ҳарактерини ушбу даврнинг асосий қарашларини очиб берди.

Немис психологи Э. Шпрангер 1924 йилда “Ўспиринларнинг ёш психологияси” номли китобини чиқарди. Бу китобда у ўспиринларда учрайдиган зиддиятларни ёшга ажратади. У 13-19 ёшда қизларда 14-27 ёшда ўғил болаларда учрашини таъкидлайди.

Э. Шпрангер зиддиятни ўспиринлар учун маданий психологик концепсиясини ишлаб чиққан. Ўқувчилар орасидаги зиддият психологиясининг ривожланишидаги зиддиятлар ўқувчилар ўқиётган даврнинг объектив ва норматив тарзда бўлишга алоҳида эътибор қаратади. Ўқувчилардаги зиддият асосан уларнинг ёш даврлардаги ўзгаришларига боғлиқ бўлади. Э.Шпрангер ушбу ўзгаришларни изоҳлаган ҳолда зиддиятли ўқувчиларни 3 та турга бўлиб кўрсатди.

1 тип: Бундай ўқувчилар жахлдор, ўтиш давридаги психик қийинчиликларни бошдан кечираётган даври ҳисобланади. Улар худди янги ҳаёт бошлагандек, уларнинг психикасида “мен”и шаклланади.

2 тип: Бу тип ривожланиш типи ҳисобланиб, бу типда ўқувчилар секин ривожланадилар. Улар хеч қандай қаршиликларсиз ўз шароитига жиддий зарар етказмаган ҳолда ўтадилар.

3 тип: бу типда ўқувчилар ривожланишида ўзини ўзи тарбиялайди. Ўзига турли ҳилдаги жазо чораларини қўллайди.

Ушбу ҳолат ўзига паст баҳо берувчи ва ўзини назорат қилувчи ўқувчиларга хос.

Ўқувчиларнинг зиддиятли бўлиб қолишига сабаб янги даврга яъни янги “Мени”ни кашф этгандла уларга яъни баъзи бир ўқувчиларга хос бўлган ўзига юқори баҳо бериш, ўзини катта тутиш каби хусусиятларнинг ортиб кетишида кўринади.

Оиладаги ота-онанинг тортишувлари оиланинг моддий аҳволи, фарзандлараро келишмовчиликлар асосий сабаб бўлиб ҳисобланади.

Шу омилларнинг таъсири натижаси сифатида ўсмирларда ва бошқа ёшдаги ўқувчиларда асаб системасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Натижада ўқувчи мактабда синфдошлар орасида келиша олмайдиган урушқоқлик хусусиятлари намоён бўла бошлайди. У тенгдошлари орасида зиддиятли ўқувчига айланади. Бундай ўқувчиларни тарбиялашда энг катта масъулият асосан ўқитувчи педагоглар зиммасида бўлади. Агар шундай зиддиятли ўқувчига нисбатан унинг оилавий шароити ҳамда психик ҳолатини инобатга олмасдан туриб уларга нисбатан жазо чораларини кўришлари нотўғри ҳисобланади. Шунингдек ҳар бир ўқитувчи ўзи раҳбарлик қилаётган синфдаги зиддиятли ўқувчиларнинг ҳар бирига индивидуал психологик жиҳатдан ёндашиши уларни тушуниши талаб этилади. Агар оилавий шароитини ҳисобга олмаган ҳолда ўқувчига жазо чорасини қўлласа бу ҳолат *суицидиал* ҳолатга келтириши мумкин. Ёки бўлмаса, баъзи бир зиддиятли ўқувчилар ўзларига нисбатан бировлар томонидан назорат ўрнатилишини ёқтирмайдилар ва бундай ҳолатга чидай олмасдан ҳам юқорида келтирилган ҳолат юзага келиши мумкин.

*Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим*: Назарий ва ташкилий натижалар тахлилидан келиб чиқиб қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- Таълим жараённинг муваффақиятини ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги самимий муносабатларга боғлиқ.

-Ҳамкорлик фаолияти сифатида мулоқатчанликка асосий эътибор қаратиш лозим.

-Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги ўзаро қоникмаслик, тушунмаслик педагогик жараёндаги низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

-Мулоқотдаги низоларнинг келиб чиқишининг психологик омиллари хақида билимга эга эмаслиги.

-Педагогик жараёнда ўқитувчи ўзидаги касбий ва шахсий хусусиятларини тўла намоён қила олмаслиги.

-Ўқитувчиларнинг мулоқот малакасини ривожлантириш учун тренинг машғулотларини ташкил этиш.

-Педагоглар ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини билишлари керак.

-Педагог шахсида эмпативлик қобилиятини тарбиялаш лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил,қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.Т.”Ўзбекистон”2017й. 45-бет.

2. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т. 1997.й.

3. А.Файзуллаев «Инсон, сиёсат, бошқарув», Тошкент «Ўзбекистон», 1995.й.

4. Б.Умаров.. Ўсмирлар суицидал хулқининг ёш психологик хусусиятлари. Т. 1993. й.
5. Ғ.Б. Шоумаров. Оила психологияси. Т. "Шарқ". 2000.й.
6. Г.Қ.Тўлаганова «Тарбияси қийин ўсмирлар» Тошкент "Университет", 2005.й.
7. З.Т.Нишанова, Н.И.Халилова «Психокоррекция» Тошкент, 2006.й.
9. З.Т.Нишонова «Болалар психодиагностикаси» Тошкент, 1998.й.
10. М.Маҳсудова. Оилавий муносабатлар психологияси. Наманган. 2003. й.

## ПЕДАГОГИКАДА ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

*Турсунов Р.Б.*
*ЎзМУ таянч докторанти*

Ҳозирда фанларни компьютерлардан фойдаланиб ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагоглар компьютердан нафақат дарсга методик материалларни тайёрлашда, балки фанни ўқитишда зарур компьютер дастурларидан фойдаланади, уни талабалар билан индивидуал ишлаш воситаси сифатида қўллайди. Компьютер дастурий воситаларининг таркибига кирувчи интерфейснинг қулайлиги, педагогларга замонавий ахборот технологияларини самарали ўзлаштиришлари учун имконият яратади. Шундай қилиб, ахборот ва коммуникация технологияларининг имкониятларидан шахсга йўналтирилган таълимни ривожлантиришда, талабаларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Компьютер технологияларини ўқув жараёнида асосли қўллашнинг яна бир муҳим жиҳати – реал жараёнлар ва экспериментларнинг компьютер моделини яратишдан иборат. Компьютер ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, модель ва натижаларнинг намойиши, кўп ҳолда, қиммат турадиган экспериментал қурилмаларга бўлган эҳтиёжнинг ўрнини босади, айрим ҳолда (атом ва квант физика, яримўтказгичлар, кимё, биология, астрономия, тиббиёт каби фанларга тегишли жараёнларни моделлаштириш) эса, мазкур жараёнларни намойиш этишнинг ягона усули саналади.

Замонавий ахборот технологиялари микро ва макродунёдаги, мураккаб қурилмалар, биологик тизимлардаги ҳодиса ҳамда жараёнларни компьютер графикаси ва моделлаштиришдан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки кичик тезликда содир бўладиган физик, астрономик, кимёвий, биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби янги дидактик масалаларни ечишга ёрдам беради.

Шу боис, таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларидан бири – ҳодиса ва жараёнларни компьютерда моделлаштиришдир. Компьютер моделлари анъанавий дарснинг таркибига ҳамоҳанг бўлиши ва ўқитувчи учун компьютер экранида, кўп эффектларни намойиш этишига, ўқувчиларнинг янги, ноанъанавий ўқув

фаолиятини ташкил этишга катта ёрдам беради.

Маълумки, ахборот технологиялари – ахборотларни ёзиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидир[1].

Ахборот технологияларининг пайдо бўлишида унинг ривожланишини белгиловчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ички омиллар – ахборотларнинг яратилиши, турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳоказо.

- ташки омиллар – ахборот технологияларининг техника-ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш эса, улар билан мулоқотдаги фойдаланувчиларнинг кўникма ва малакаларига боғлиқ. Шунинг учун, дастлаб ахборот коммуникация воситаларининг ўзи нималигини билиб олиш зарур.

Ахборот коммуникация технологиялари воситалари имкониятлари жуда кенг бўлиб, унга компьютер, мультимедиа воситалари, компьютер тармоқлари, интернет каби тушунчалардан ташқари, қатор янги тушунчалар ҳам киради. Буларга ахборот тизимлари, ахборот тизимларини бошқариш, ахборотларни узатиш тизимлари, маълумотлар базаси ҳамда маълумотлар базасини бошқариш тизими, билимлар банки кабилар мисол бўлиши мумкин.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборотлаштириш соҳаси кескин ривожланиб кетди. XXI асрни ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб бежиз аталмайди. Ахборотлаштириш нима ва унинг вазифаларига нималар киради, унинг асосий хусусиятлари қандай, деган саволлар ҳозирги кунда кўпчиликни қизиқтириши табиий. Чунки, инсон фаолиятини ахборотсиз тасаввур қилиш қийин.

Кундалик турмушда турли кўринишдаги ахборотлар масалан, матнли, графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга тўғри келади. Ҳар бир турдаги ахборот билан ишлаш учун ҳар ҳил техник кўрсаткичларга эга бўлган ахборот қурилмалари керак.

Микроэлектроника ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланиши ва замонавий компьютерларнинг яратилиши ахборотларни қайта ишлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни компьютерлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Кенг миқёсда таълимни компьютерлаштириш ёки ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш қуйидагиларни тақозо этади:

- таълим тизимининг барча босқичларида ахборотлаштиришнинг устуворлигини таъминлаш;

---

[1] **Демин Ю.Н. Организация дистанционного образования в МГИУ // Ж. Дистанционное образование. - Москва, - №1, 1996.**

- билим соҳалари бўйича таълим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш;
- ахборотлаштиришнинг меъёрий асосларини такомиллаштириб бориш;
- техник ва дастурий таъминот (ахборот технологияларининг компьютер ва бошққа қурилмалари, уларга хизмат кўрсатиш, дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар)ни ривожлантириш;
- ахборот коммуникация тармоқларини кенгайтириш[1].

Ахборот коммуникация технологиялари воситалари муайян амалларни онгли, мунтазам, режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу воситалар таркибига қуйидагилар киради:

- компьютер, принтер, модем, микрофон, овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура каби ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;
- ускунавий дастурий таъминот;
- виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, мусиқалар, физик моделлар, географик хариталар;
- ахборотлар мажмуи – маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар;

техник кўникмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш)[2].

Ўз навбатида ахборот технологиялари воситалари билан ишлайдиган педагог қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши керак:

- ишчи дастур ва технологик хариталар тузиш;
- маъруза матнлари хамда амалий машғулотлар билан боғлиқ топшириқларни тайёрлаш;
- методик кўрсатмаларни, назорат саволларини тузиш;
- ўзлаштириш натижаларини таҳлил қилиш;
- маъруза матнларини таҳрирлаш;

ҳар бир мавзу бўйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимацияларини тасаввур қилиш.

Қўйилган ушбу талаблар бўйича ахборот технологиялари воситалари асосида дарс жараёнини ташкил қилиш педагоглар фаолиятини осонлаштиради, ўқув жараёнини бошқаришда унинг самарадорлигини янада кўтаришга эришилади. Шу билан бир қаторда таълим муассасаси раҳбариятига талабаларнинг ўзлаштиришлари динамикасини кузатиб бориш, тест натижаларини таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг маъруза матнлари ва бошқа мустақил ишларга мўлжалланган материалларни тайёрлаш сифатига

---

[1] Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти мавзусидаги педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2007.

[2] Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти мавзусидаги педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2007.

баҳо бериш, мультимедиа воситалари асосида лаборатория ишларини бажариш учун компьютерда моделлаштирилган анимацион тақдимотлар жорий этиш, курсни ўзлаштириш бўйича методик материалларни тайёрлаш учун таклифлар ишлаб чиқиш кабиларни амалга ошириш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот коммуникация технологиялари бўйича педагог кадрлар тайёрлашни бакалавриат йўналишлари, магистратура ихтисосликлари, малака ошириш тизимида тингловчилар учун таълимда ахборот технологиялари бўйича қўшимча курсларни ташкил этиш негизида амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, таълимни ахборотлаштириш бўйича педагог кадрларни тайёрлаш жараёни олий ва олий таълимдан кейинги таълимни камраб олмокда.

## GLOBALLASHUV JARAYONLARINING SHAXS MILLIY XUSUSIYATLARGA TA’SIRI

*Umarov M.M.*
*IIV Namangan akademik litseyi Huquqshunoslik fani katta o’qituvchisi*

**Annotatsiya:** Maqolada globallashuv tushunchasi, shaxs tushunchasi va shaxs milliy hususiyatlari o’zaro ta’siri yoritilgan.

**Kalit so’zlar:** globallashuv, shaxs, milliy xususiyat, ma’naviyat, o’zaro ta’sir.

Globallashuv, svilizatsiya, inson va millat kabi omillarning o’zaro munosabatlari murakkab ijtimoiy-falsafiy masalalardan hisoblanadi. Xususan, insonning bugungi globallashuv, sharoitidagi ahvoli qanday kechadi, o’zida qanday qadriyatlarni saqlab qolish mumkin yoki globallashuv ummoni uning qadriyatlaridan mahrum bo’lishiga olib keladimi, degan savollarga javob izlash bugungi kundagi muhim masalalardan birini tashkil qladi. Ayniqsa, qadriyatlarni asrashda uning mas’uliyatini oshirish bugungi kunda nihoyatda dolzarb bo’lib bormoqda. Xususan, uning millat vakili sifatidagi maqomining istiqboli qanday kechishi mumkinligi haqida mulohaza va fikrlar yuritish zarurati rivojlanib bormoqda. Insonning ongli faoliyati boshlanibdiki, uni chinakkam inson darajasiga yetkazish falsafaning asosiy muommolaridan biri bo’lib kelmoqda.” [1] Ammo bu oxiri ko’rinmaydigan muommoligicha qolmoqda. Bu tabiiy holat. Chunki inson tirik mavjudot bo’lib,uning o’zini-o’zi anglashi ham murakkab kechmoqda. Uning ongli faoliyati boshlanibdiki, mavjud ne’matlarni asrab, keyingi avlodlarga yetkazishga qaraganda, bugun o’z nafsini to’yg’azishga bo’lgan intilishi, chinakkam komilllikdan ko’ra ma’naviy zaifligi o’z-o’zidan, millatidan, jamiyatidan begonalshuvi ortib bormoqda. Insonning “chinakkam inson” bo’lib yetishishi darajasini diniy va dunyoviy ilmda “komil inson”, “barkamol inson”, “ma’naviy barkamol inson”, “yetuk inson”, “har tomonlama shakillangan inson” va boshqa nomlar bilan ko’rsatib kelingan. U qanday nom bilan atalmasin, uning zaminda insonning o’zini-o’zi anglashi mezoni turadi. Barkamollikning

boshlanishi ham ana shu jihat bilan bog'liq bo'ladi.

Barkamollikning muhim mezonlaridan biri har bir inson yoxud millatning nechog'liq ma'naviyati yuksakligi bilan bog'liq. Insonning komilligi bilan ma'naviyati o'rtasida dialektik bog'liqlik mavjud. Manaviy yuksaklikka erishish yo'li bilan inson, millat komillikka erishishi mumkin. Ularning har ikkalasini yuksak darajaga ko'tarish ham katta muommo sifatida davom etaveradi.

Shu ma'noda na'naviyat kabi barkamol insonni shakllantirish vazifasi zamon va makon xususiyati hamda talabiga muvofiq o'zgarib, takomillashib boraveradi. Barkamol insonning mazonlari keng bo'lib, ular yuqorida ko'rsatilganidek, o'zini o'zi real subyekt sifatida anglashdan boshlanib, ota-ona, oila, qarindoshlik, millat, jamiyat, insonlararo munosabatlarga va butun insoniyat jahon hayotiga, tabiat hamda boshqa hodisa va jarayonlarga munosabatlarida namoyon bo'ladi.

Bu munosabatlarni har bir davrning ehtiyojlari va talablaridan kelib chiqqan holda shakllantirish juda murakkab hisoblanadi. Chunki bu, bir tomondan, ehtiyojlar va manfaatlarning cheksizligi bilan, ikkinchi tomondan davrning o'zi ham doimiy rivojlanishi va o'zgaruvchanligi bilan bog'liqdir [2]. Shuni hisobga oladiga bo'lsak, ehtiyoj va manfaatlarni muvozanatga keltirish va insonning o'zini o'zi anglashiga yordamlashish, barcha ziddiyatli muommolar yechimini umuminsoniy manfaatlarga qaratish kerak bo'ladi. Aytish mumkinki, barkamol insonning oliy ko'rinishi o'z "men" iga erisha olgan shaxsdir. Lekin uning ana shu maqomga etishishining oxirgi nuqtasi bo'rmi o'zi? Agar insonning ana shu "men"likka intiladigan jarayonini kuzatadigan bo'lsak, uning ma'naviy qashshoqlashuvi avj olayotganining guvohi bo'lamiz. Bu jarayonni yuksak iqtisodiy taraqqiyotga erishgan, o'z ma'naviyatini ko'z-ko'z qilayotgan, uni ommalashtirishga mablag'ini ayamayotgan mamlakatlarda insonlarning o'zaro begonalashuvida, ota-ona, oila, farzand, millat qadiriyatlarining so'nib borayotganligida, bir jinsli nikohning qonuniylashtirilayotganligida, jinsni o'zgartirish kabi o'ta noinsoniy munosabatlarda bir so'z bilan aytganda, insoniyat o'z aql-idrokining ma'naviy qurboniga aylanayotganida ko'rish mumkin. Uni bu fojiadan himoya qilishning imkoniyatlarini qidirib topish va uni amaliyotga tatbiq eta bilish bugun insoniyat erishgan svilizatsiyaning ertangi taqdirini belgilab beradi. Agar yuqorida keltirilgan barcha salbiy ko'rsatkichlardan kelib chiqiladigan bo'lsa, yuksak taraqqiy qilgan mamlakatlar timsolida insoniyatning ma'naviy inqirozi, u erishgan ma'naviy tamaddunning barbod bo'lishi uchun kerak bo'lgan darajaning avj nuqtasiga yetib keldi, deyish mumkin. Bugun demokratik qadriyatlar bayrog'i ostida umuminsoniy qadriyatlardan yiroq bo'lgan ma'naviy erkinligi ruhiyatini shakllantirish jarayonlari avj olmoqda. Yuqorida zikr etilgan barcha salbiy holatlarning amal qilayotganligi insonning "men"i demokrtatik qadriyatlarning qurboniga aylanmasligining mexanizmlarini topish muhlati yetib kelganligini ko'rsatmoqda. Insonlarning o'zaro begonalashuviga, inson uchun o'ta muhim bo'layotgan milliy-ma'naviy, qadriyatlarning yemirilishiga xuddi mana shu moddiy boylikka mukkasidan berilishi o'z hissasini qo'shayotir. Xullas, bugun insoniyatning ongli faoliyati boshlanganidan buyon qadriyat sifatida namoyon bo'lib kelayotgan- insonlarni o'zaro bog'lab keladigan zanjirning asosiy halqalaridan biri bo'lgan insonning "millaf'ini barbod qilish emas, balki unga

qaytadan hayot baxsh etishninhg ilmiy-nazariy konsepsiyasini ishlab chiqish zarurati yuzaga kelmoqda. Insonning ruhiyati, uning shaxs sifatida shakllanishi, turli jarayonlar va hodisalarga munosabati, sevgi, muhabbat, uning hayotida sodir bo'ladigan turli kasalliklarga duchor bo'lish sabalari va uni davolash bilan bog'liq bo'lgan juda ko'p masalalar fanda o'rganilib kelinmoqda. Ammo bugungacha uning millatga mansubligi faqat ijtimoiy, iqtisodiy omillar va jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq holda qarash bilan cheklanib kelinmoqda. Aslida falsafiy tafakur nuqtayi nazaridan qaraganda, nega biz ana shunday qarashlarga oxirgi nuqtani qo'yishimiz kerak. Shu ma'noda ham insonning o'zini anglashi jarayonida, uning mullat vakili sifatidagi salohiyatini mustahkamlash insoniyatning bexavotir hayot kechirish omillaridan biri bo'lib qolmoqda. Ammo globallashuv jarayoni insonga taalluqli bo'lgan qadriyatlarni o'zgartirib yuborishi, millatning istiqboliga ham soya solishi mumkin. Xususan, yuqorida keltirganimizdek, inson ongi dunyoqarashi va xatti-harakarlarida ota-ona, qarindosh-urug', aka-ukachilik, opa-singilchilik kabi qadriyatlarning so'nib borish jarayonlari kuzatilmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABOYOTLAR RO'YXATI:**


1. Otamurodov S. Globallashuv va milliy-ma'naviy xavsizlik.T.: Ozbekiston, 2013. - B.114.
2. Ochildiyev A. Globallashuv va mafkuraviy jarayonlar. -T.; Muharrir, 2009. - B.62.


## TALABA O'QUV FAOLLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYASINING ZARURATI


*Umarov O.S.*
*Andijon davlat universiteti magistranti*



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada talabalar o'quv faolligini oshirishda innovatsion yondashuv usullari xaqida fikrlar bayon etilgan.



**Kalit so'zlar:** innovatsiya, loyiha, motiv, fikr, o'zlashtirish, intellekt.



**Аннотация:** в этой статье представлен обзор инновационных способов повышения вовлеченности студентов.



**Ключевые слова**: инновация, дизайн, мотивация, мышление, обучение, интеллект.



**Annotation:** This article provides an overview of innovative ways to increase student engagement.



**Keywords**: innovation, design, motivation, thinking, learning, intelligence.


«Har bir insonda muayyan intellektual salohiyat mavjud. Agar shu ichki quvvatning to'liq yuzaga chiqishi uchun zarur bo'lgan shart-sharoit yaratilsa, xar qaysi inson ollox ta'olo ato etgan noyob qobiliyat iste'dodini, avvalo o'zi uchun, oilasining, millati va xalqining, davlatining farovonligi, baxt-saodati, manfaati

uchun to‘liq baxshida etsa, bunday jamiyat shu qadar kuchli taraqqiyotga erishadiki, uning sur’at va samarasini xatto tasavvur qilish ham oson emas»

**I.A.Karimov.**

O‘zbekiston kelajagi bo‘lgan yosh avlodning tarbiyasi, uning manaviy kamoloti bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Ma’lumki, hozirgi zamon ta’limi ta’lim oluvchilarda bilim, ko‘nikma va malakalarni egallash jarayoninigina emas, balki shakllanishini, rivojlantirish usullarini va takomillashtirish shart-sharoitlarini ham o‘rganadi. Chunki, hozirgi kunda fan va texnika shu darajada taraqqiy etdiki, natijada ta’lim jarayonida yangi innovatsion loyihalar bilan ishlash, kompyuterlar, masofadan turib o‘qitish, internetlar xizmatidan foydalanish kabi imkoniyatlari kengaydi. Bular esa ta’lim jarayonida aqliy, va ijodiy faollikning rivojlanishiga va talabalarning o‘quv faoliyatida bilimlarni o‘zlashtirishlari va faolliklarining serqirraligiga erishish usullarini ishlab chiqish va ularga innovatsion yondashuvlarni shakllantirishni talab etadi.

Ta’lim faoliyatida fanlarning o‘zlashtirish jarayonini samarali bo‘lishini ta’minlash va uni talabalar tomonidan rivojlantirish malakalarini shakllantirish uchun turli innovatsion loyihalar ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir. O‘z navbatida, ma’lum bir yo‘nalish bo‘yicha aniq mavzu va g‘oya asosidagi innovatsion loyiha tayyorlash murakab jarayon bo‘lsada, u bilimlarni o‘zlashtirishda talabalar imkoniyatlarini oshiradi. Ularni izlanishga, yangiliklar uchun yo‘naltirish uchun motiv bo‘ladi. Loyihalarni tuzish, ishlab chiqish orqali talabalar o‘z bilimlarni nazorat qiladilar, baholaydilar, mustaqil faoliyat olib borish ko‘nikmalarini rivojlantiradilar. Loyiha (projekt) – tushunchasi kengroq ifodalanib, ma’lum natija loyihaning beqiyos mahsuliga ega maqsadli faoliyatni tashkil etish uchun biror-bir tashkiliy shaklni belgilash uchun foydalaniladi.

Innovatsion loyihaviy ta’lim – ta’limning yangicha modeli bo‘lib, unda o‘qituvchi tomonidan zamonaviy yondashish asosida loyihalash yangicha ko‘rinishiga ega, muammoni izlash, uni tadqiq etish va hal etish, muayyan, beqiyos, shaxsiy va ijtimoiy ahamiyatga ega natija (mahsulot) ga erishish, uni ommaviy taqdim etish va jamoatchilik tomonidan baholanishini tashkil etish va rejalashtirishni anglatuvchi, mustaqil o‘quv faoliyati tashkil etiladi. Loyihalar bilan ishlash, talabalarning ijodiylikka yo‘naltiradi. Ularning yetakchi faoliyati sifatida kasbiy bilimlarini oshirishda nazariya va amaliyotni uyg‘unligini mustaxkamlash imkoniyatini oshiradi. Loyihani ishlab chiqish va uni amaliyotga tadbiq etishning samarali tomoni loyihadagi yetakchi faoliyatni ko‘rsata olishdir. Loyihadagi yetakchi faoliyatning asosida talabalarning tadqiqot ishlari, amaliy–yo‘naltirilganligi va muammolarning yoritilishidagi axborotli tizim yotadi. Tadqiqotni amalga oshirish, tadqiqot asosida muammoning asoslangan izohi, kelgusida rivojlatirish uchun yangi muammolarni asoslash imkonini beradi. Shuningdek, muammoni hal etish usullari va vositalarini ishlab chiqish esa uning amaliy faoliyatga yo‘naltirish imkonini beradi. Axborotli tizimida esa muammoning holati to‘g‘risida ma’lumot to‘plash, uning tahlili, umumlashtirilishi,

yoritilishi va muammoni hal etishning mavjud usullari va vositalari tasnifi, ularning ustunliklari va kamchiliklarini izohlash kabi maqsadli tizim tashkil etadi.

Loyihaviy ta'lim quyidagi ta'lim muammolarini hal etish imkonini beradi va davr talabiga mos keladi:

- ta'limni real hayotga yuqori darajada yaqinlashtirilgan vaziyatda amalga oshirishni ta'minlaydi.
- nazariy ma'lumotlarni amaliy faoliyat bilan bog'lash va talabalarni faol mustaqil bilish jarayoniga jalb etish imkonini beradi
- kasbiy va tayanch layoqatlarini shakllantirish va rivojlantirishni ta'minlaydi.

**Kasbiy layoqatlilik** –mutaxassisning biror-bir kasb sohasidagi bilim, o'quv va ko'nikmalarini o'zlashtirish darajasini aks ettiruvchi integral tavsif: «ishni bilgan holda» faoliyat yuritish qobiliyati. hisoblanadi.

**Layoqat** – sub'ektning avval olingan tajribasi asosida muayyan vaziyatda zarur bilim, o'quv va ko'nikmalarni safarbar qilishga tayyorlikda ifodalanuvchi ta'lim mahsuli–«bilim–o'quv» va vaziyat o'rtasidagi bog'liqlikni o'rnatish va amalga oshirish, o'z bilimini kasbga yo'naltirish jarayonidir.

**Tayanch layoqatlar** –kasbiy hamjamiyatlar hamda undan tashqari sohaga moslashish va samarali faoliyat yuritish uchun zarur madaniyatlararo va tarmoqlararo bilimlar, ko'nikmalar va qobiliyatlar hisoblanadi. Shuningdek, o'quvchilarning faol faoliyat yuritishi va bilimlarni o'zlashtirishda loyihaviy layoqatlarini shakllantirish muhim axamiyatga egadir. Bu barcha fanlarni yaxshi o'zlashtirish hamda kasbiy bilimlarni rivojlantirish vositasi hamdir.

**Loyihaviy layoqatlilik bu -**loyihalashning umumlashgan algoritmini bajarish qobiliyati bo'lib u o'z tarkibiga quyidagi faollikni oladi.

- g'oyani ilgari surish;
- muammoni ko'rsatish, maqsadni belgilash va uni hal etish vazifalarini ifodalash;
- natijaga erishishning qulay usul va vositalarini asosli tanlash;
- hamkorlikda ishlashni rejalashtirish va loyihadagi majburiyatlarni taqsimlash;
- natijalarni rasmiylashtirish; ularning umumiy taqdimotini o'tkazish;
- o'z-o'zini baholash va refleksiyani amalga oshirish

Loyihalarni tuzish va ishlab chiqishda fan jihatdan mazmunli bo'lishi uchun quyidagi tartibda loyiha tayyorlash maqsadga muvofiq:

- soha mono-loyiha (bir bilim sohasi doirasida ),
- fanlararo loyihalar.

Bu loyiha doirasida tayyorlangan ishlar ta'limni rivojlantirish yoki faol faoliyat turiga tegishli maqsadlarni ifodalashi shart. Loyihaviy ta'lim o'zining samarali jihatidan talabalarda bosqichli ta'lim faoliyatida quyidagi xususiyatlarni shaklantirish imkonini beradi. Va ulardagi intelektual salohiyatni oshrish zaruratini yaratadi. Bu ulardagi ayrim e'tiborga loyiq bo'lgan jihatlarni shakllantiradi. Ya'ni;

1. faollikni ta'minlash:
2. loyiha bilan tanishish imkoniyatini;

3. auditoriyadagi mashg'ulot vaqtida talabalar faoliyatini tashkil etishda ularning mustaqilligini oshirish:

4. auditoriyadan tashqari faoliyat davrida o'z loyihalarini mustaqil erkin taqdimot qilish;

5. loyiha doirasidagi barcha yangiliklar va kutilayotgan natijalar haqida tasavvurlarga ega bo'lish, talabalarning loyihalashtirish faoliyatini adekvat baholash malakalariga ega bo'lish kabilardir.

Xulosa qilib aytganda, ta'lim tizimidagi barcha ishtirokchilariga qo'yilayotgan talablar ham aynan shudir. Innovatsion loyihalar ustida ishlash, yangi g'oyalari asosida ta'limni takomillashtirishda faol ishtirok etish bugungi yosh kadrlarni asosiy faoliyat mazmuniga aylamog'i kerak. Har bir pedagog kadrlar zamon talabalariga javob bera oladigan bilim, ko'nikma, malakalarga ega bo'lishi, talaba va o'qituvchi ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va ularning o'zaro xamkorlik faoliyatini o'rnatish orqali innovatsion texnologiyalarni ta'limga joriy etish malakalarini rivojlantirish davr talabidir.

**ADABIYOTLAR:**

1. Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008 – 52 b.

2. Zufarova M.E. “Pedagogik psixologiya”. Toshkent “Fan va texnologiya 2008 y”.447 b

3. Xoshimova M. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. T. TDIU.2007 y.436 b

4. Талызина Н.Ф. Педагогическая психология. Учебн.пособие. –М.: 1998. –288 с.

5. E.G'oziev. Ontogenez psixologiyasi T.-2010 y.

**Internet saytlari:**

WWW. google.uz

WWW.pedagog.uz

## MEDIARESURSLAR ZAMONAVIY TA'LIM PSIXOLOGIYASINING ASOSIY TALABI SIFATIDA

*Umarova Z.A.*

*Toshkent davlat pedagogika universiteti doktoranti*

**Annotatsiya:** Maqolada zamonaviy ta'lim jarayonida mediaresurslardan foydalanish davr talabi sifatida baholanib, eng samarali ta'lim olish usullarining asosi bo'lgan - mediaresurslarning pedagogik imkoniyatlari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** media, mediaresurslar, mustaqil ta'lim, VARK modeli

Bugungi kunga kelib, zamonaviy ta'lim tizimi juda murakkab tuzilma deya talqin etilmoqda. Sababi, ta'lim oluvchilarning xarakteri, temperamenti, psixologik va individual xususiyatlari orasidagi tafovutlar va umumiy sifatlar, ularning

qarashlari, qiziqishlari, ta’lim olish tiplarini inobatga olish hozirgi vaqtda eng dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Shu sababli, ta’lim olish jarayoniga zamonaviy ta’lim psixologiyasi prizmasi orqali qarash, ya’ni ta’lim oluvchilarning qanday qilib yangi bilim(ma’lumot)larni yaxshi o’zlashtirishi, uzoq vaqt yodda saqlab qolishi va ularni amaliyotda qo’llay olishini aniqlash ta’lim samaradorligini ta’minlashning asosiy kaliti sifatida baholanmoqda.

Shunday ekan, pedagog va psixologlar ta’lim oluvchilarning eng yaxshi o'rganish (ta’lim olish) usullarini tushunish uchun bir qator turli xil modellarni ishlab chiqdilar. Ulardan biri VARK (Visual, Auditory, Read&write, Kinesthetic) modeli 1987 yilda Neil Fleming tomonidan ishlab chiqilgan[1]. VARK modeli ta’lim oluvchilarni to’rtta toifa bo’yicha baholaydi:

- Visual – toifasiga kiruvchi insonlar vizuallar, barcha ma’lumotlarni grafika, diagramma, blok-sxemalar, simvolli belgilar orqali ifodalashni ma’qul ko’ruvchilar hisoblanadi.
- Auditory/Aural – tip vakillari eshituvchilar, ular “eshitilgan yoki gapirilgan” ma’lumotlarni afzal ko’rishadi. Ehtimol siz kitobni o‘qimasdan, uni o‘z partadoshi bilan muhokama qilib, haqiqatdan ham o‘qiganidan ko‘ra yaxshiroq qayta aytib bera oladigan talabalarni uchratgandirsiz, bunday talabalar audiallar toifasiga kiradi. Ular bilimlarning ko‘pini muloqot va muhokama orqali o‘rganadi.
- Read&write – o’qish/yozish toifasiga kiruvchi insonlar ma’lumotlarni so’zlar orqali ifodalashni afzal ko’rishadi. E’tibor bersangiz, Power Point taqdimotlari, Internet, Wikipedia sahifalaridagi taqdim etilayotgan ma’lumotlarning ko’pchiligi mazkur toifa vakillari talablariga juda mos keladi.
- Kinesthetic – toifasiga kiruvchilar kinestetiklar hisoblanib, ular ma’lumotni idrok etishda “tajriba va amaliyot”ga tayanishni afzal ko’rishadi. Bu toifa vakillari biror narsani bajarib ko’rish davomida o’rganadilar va ular o’zgalar tajribasini emas, balki o’zlari bajarib orttirgan tajribalarni ko’proq qadrlashadi.

Alohida ta’kidlab o’tish joizki, insonlar orasida 100% u yoki bu tipga mos keluvchilarni uchratish juda qiyin. Shuning uchun ham, VARK modeli to’rt qismli VARK profiliga asoslangan. Ya’ni, VARK so’rovnomasi natijalarida to’rtta ball mavjud va u yuqoridagi to’rt tip aralashmasini keltirib chiqaradi. Masalan, sinaluvchi shaxs bir vaqtning o’zida 2 ta tipga (V va A, R va K, V va R va h.k.) mos kelishi yoki unda 3 ta tip aralashmasi (VAR, ARK, VAK va h.k) kuzatilishi mumkin. Ayrim insonlar esa multimodal natija (V=9, A=9, R=9, K=9) ga ega bo’lib, ular ishlatilayotgan yoki talab etilayotgan har to’rt rejim (tip) ga moslasha olishadi.

VARK modeli ta’lim oluvchilarning o’rganish uslubi, ma’lumotni idrok etish jarayonida nimani ko’proq afzal ko’rishi haqida fikr yuritadi. Shunday ekan, ta’lim oluvchining aynan nimani afzal ko’rishini bilish va o’quv kontentini tayyorlashda inobatga olish juda foydali hisoblanadi.

Hozirgi kunda ommaviy ochiq onlayn kurs (MOOC) lar orqali taqdim etilayotgan o’quv kontentini tahlil qiladigan bo’lsak, matn, jadval, diogramma, rasm, grafika, illustratsiya, infografika, animatsiya, audio, video kabi turli

shakllarda, bir so'z bilan aytganda, mediaresurslar orqali o'quv ma'lumotlari taqdim etilayotganini ko'rishimiz mumkin.

Ta'lim jarayonida mediaresurslardan foydalanish ta'lim oluvchilarning tanlovlari va talablarini inobatga olish demakdir. Boshqacha qilib aytganda, talabalarning o'quv jarayonida o'zlari afzal ko'rgan o'quv - didaktik vositalari va o'quv kontenti orqali ta'lim olishlari, ularning ta'lim olish jarayoniga bo'lgan motivatsiyasini oshirishga, o'quv faniga bo'lgan qiziqishini ortishiga hamda mazkur fan yuzasidan talabalarning mustaqil ta'limini samarali tashkil etishga xizmat qiladi. Ular tufayli ta'lim jarayoni talaba shaxsiga yo'naltirilgan bo'lib, bu jarayonda asosiy vazifa "ta'lim olishga majburlash" emas, balki "rivojlanishlariga yordam berish"dan iborat bo'ladi [3].

Zamonaviy yoshlar ko'pincha "raqamli dunyoning aborigenlari(tub aholisi)" deya talqin etiladi[3]. Aslida barcha avlod vakillari raqamli mediadan foydalanishlari mumkin, lekin bugungi kun talabalarining ko'pchiligi XXI asr boshlarida tug'ilganliklarini inobatga olsak, ular dunyoni mediasiz tasavvur qila olmaydilar. Shuning uchun, ta'lim jarayonida, xususan mustaqil ta'lim olish jarayonida o'quv ma'lumotlarini mediaresurslar orqali taqdim etilishi, mazkur ma'lumotlarni idrok etish jarayoni talabalar uchun yanada tushunarli va osonroq kechishini ta'minlaydi.

Talabalarning faol, o'zgacha ishtiyoq va qiziqish bilan, barqaror motivatsiyasi asosida ta'lim olishini tashkil etish, mazkur jarayonda ularning mustaqilligini ta'minlash XXI asr zamonaviy pedagogikasining oldida turgan muhim vazifa hisoblanadi. Ta'lim jarayoniga zamonaviy mediaresurslarning kombinatsiyasi o'qituvchilarga ushbu qiyin vazifani hal qilishda yordam beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

**1.** Introduction to VARK. **[**https://vark-learn.com]

**2.** Z.A.Umarova «Media resources as an effective means in teaching and learning» Инновационное развитие науки и образования международная научно-практическая конференция – Казахстан, 2020

**3.** С. Туоминен, С. Котилайнен и др. Педагогические аспекты формирования медийной и информационной грамотности, Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании – Москва, 2012.

# СПОРТ ФАОЛИЯТИДА МОСЛАШУВ ПСИХОЛОГИК МУАММОСИ СИФАТИДА

*Умарова Н.Ш.*
*ЎЗДЖТСУ, психология*
*фанлари бўйича PhD фалсафа доктори*
*Абдутаиров С.М.*
*ЎЗДЖТСУ талабаси*

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар унинг айрим жабҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шулардан бири мослашув психологик муаммолар бўлиб, спортчиларни илк спорт фаолиятига кириб келган кунлариданоқ ушуб масалани амалга ошириш долзарб масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам спорт психологияси соҳасида мазкур муаммони тадқиқий ўрганиш, бу соҳада илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлашдаги долзарб ва муҳим вазифалари сифатида қаралмоқда. Бу борада Республика миқиёсида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилмоқда, яъни спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда спорт турларини ривожлантириш бўйича яратилаётган шарт-шароитлар ва моддий-техника базаси эндиликда спорт соҳасини танлаган шахсларга юксак талабларни қўймоқда. Бу спортфаолияти билан шуғулланишни бошлаган ҳар қандай спортчи энг аввало ушбу спорт турига адаптация (мослашиш) муаммоси билан тўқнаш келади. Психологик энциклопедияда ёзилишича, адаптация лотинча сўздан олинган бўлиб *adaptare* – мослашувчанлик деган маънони билдиради. Мослашув тушунчасига келсак - бу муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига организмнинг мослашув жараёнидир. Адаптация мухит шароитларида гомеостаз турғунлигини сақлайди, иш қобилиятининг максимал муддатини ва ишлаб чиқаришни таъминлайди. Лекин ҳамма кишилар ҳам муҳитнинг айни шароитларига бир ҳилда ва тўлиқ адаптасия қилолмайди, бунда кишининг жинси, ёши, нерв системасининг типи, саломатлик даражаси, жисмоний чиниққанлиги аҳамиятга эга бўлади.

Олимлар томонидан берилган таърифга кўра, мослашув жараёни – бу организмнинг муҳит билан ўзаро самарали алоқага киришувидир. Бу жараён турли хил даражаларда (биологик, психологик, социологик) содир бўлиши мумкин. Шахснинг психологик мослашуви қарорлар қабул қилишида, ўз фикрлари, ғояларини билдиришида, таклиф қилинадиган хатти-ҳаракатларга бўлган муносабатларида намоён бўлади.

Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ақлий ривожланишидаги асосий жараён, бу мослашувдир. Муаллиф мослашув жараёнини

1) аккомодация;

2) ассимиляция кўринишларидан иборат деб таъкидлайди.

Аккомодацияни, Пиаже, янги ахборотларни қабул қилиш мақсадидаги ақлий фаоллик механизмининг тузилиши, ассимиляцияни эса ташқи воқеликларни ва уларнинг маъносини ўзлаштириш, деб кўрсатади. Бир сўз билан айтганда мослашув жараёни, биринчидан, билим, малака, кўникмалар, компетентлик ва маҳоратнинг ўзлаштирилиши саналса, иккинчидан, инсоннинг психик тузилишини – когнитив (сенсор, перцептив, минемик ва ҳоказо) ва шахсий (мотивацион, мақсадли, эмоционал ва ҳоказо) жараёнларини ўзгариши ҳамдир.

Адабиётлар таҳлилига кўра, мослашувнинг асосий моҳияти инсоннинг ўз атрофидаги шарт-шароит, ижтимоий муҳит талабларини қабул қилиши ва ўзлаштиришида намоён бўлади. Мазкур таъриф ўзгарувчан жамият микёсида таҳлил этилганда спортчиларнинг ўзлари бажариши лозим бўлган фаолият билан танишиши ҳамда янги муҳит талабига мос равишда ўз хулқ-атворларини ўзгартириб боришини назарда тутамиз. Хусусан, спортчининг спорт жамоасига қанчалик тез мослашиши унинг самарали фаолиятини эрта бошлаб юборишидаги асосий омилдир.

Шунингдек, спорт фаолиятига мослашуви уларнинг темпераменти ва ҳарактеридан келиб чиқиб иккига бўлинади: тезлик билан юзага келадиган, такомиллашмаган ва узоқ муддатли, такомиллашган. Спортчиларнинг спорт фаолиятигаига мослашуви жисмоний машғулотларга чидамлилиги ва уларни сабот ва матонат билан енгишга бўлган психологик куч ўсмирни мослашув жараёнини ижобийлаштиради. Жисмоний машғулот ўсмирга таъсир этувчи табиий омил бўлиб ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, соҳадаги мавжуд қийинчилик қуйидаги сабаблар орқали белгиланган:

- мослашув даври анча қисқа вақтни талаб этади;
- устоз-шогирд тизимининг шаклланмаганлиги;
- ҳатто бир гуруҳ ичидаги рақобатнинг мавжудлиги.

Фикримизча, санаб ўтилган ва шу каби муаммолар мослашув жараёни ўтишидаги асосий қийинчиликдир. Бундан ташқари қатор ташкилий, ижтимоий омиллар ҳам борки, улар спортчининг фаолиятга мослашувини қийинлаштиради ва улар ўз моҳиятига кўра обектив омиллар тоифасига киради. Булар қаторига ноқулай шароитини, машғулотларнинг оғирлиги, спортчи малакасининг касб талабларига мос келмаслиги, бажариладиган машқларни таъминловчи ресурслар етишмаслиги, рағбатлантириш тизимидаги хатолар, адолат тамойилининг бузилиши ва бошқа сабаблар киради.

**АДАБИЁТЛАР / ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES:**

1. Гогунов Е.Н., Мартинов Б. И. “Психология физического воспитания и спорта”. - М: Академия. 2002 йил.

2. Ғозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик / Э.Ғозиев; ЎзР ОЎМТВ, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010. – 281-284 б.

3. Gapparov Z.G. Sport psixologiyasi: Jismoniy tarbiya instituti ralabalari uchun darslik / Z.G. Gapparov; tarj. M.Omon; O’zR OO’MTV. – T.: “Mehridaryo”, 2011. – 220-225 b.

## TA’LIMNI RIVOJLANTIRISHDA YANGICHA YONDASHUV MASALALARI. (STEAM-TA’LIM TEXNOLOGIYASI MISOLIDA.)

*Umarova R.U.*
*Andijon davlat universiteti o‘qituvchisi.*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ta’lim tizimini isloh qilishdagi yangiliklar, yangi ta’lim texnologiyalarini joriy etishning avzalligi va ta’limda iqtidorli bolalarni qo‘llab quvatlash asosidagi yaratilayotgan imtiyozlar va STEAM ta’lim texnologiyasining ta’limni rivojlantirishdagi o‘quvchilar intellektual salohiyatini oshirishning zamonaviy usullaridan biri ekanligi, xamda bu texnologiyaning mazmun moxiyati haqidagi fikr mulohazalar bayon etilgan.

**Kalit so’zlar:** STEAM, ta’lim, texnologiya, texnosfera, pedagogik innovatsiya, ilmiy-texnik ijod,

**Аннотация:** В данной статье обсуждаются инновации в реформе образования, преимущества внедрения новых образовательных технологий и преимущества, созданные для поддержки одаренных детей в образовании, а также тот факт, что образовательные технологии STEAM являются фактором повышения интеллектуального потенциала учащихся в развитии образования. высказываются мнения о сущности содержания этой технологии.

**Ключевые слова:** STEAM, образование, технология, техносфера, педагогические инновации, научно-техническое творчество,

**Annotation:** This article discusses innovations in education reform, the benefits of introducing new educational technologies and the benefits created to support gifted children in education, and the fact that STEAM educational technology is a factor in increasing students' intellectual potential in education development. feedback on the essence of the content of this technology is stated

**Keywords:** STEAM, education, technology, technosphere, pedagogical innovation, scientific and technical creativity

Iqtidorli bolalarni aniqlash, ta’lim jarayonida ilg‘or texnologiyalarni qo‘llagan holda ularni o‘qitish va tarbiyalash bo‘yicha yaxlit tizim yaratish, iste’dodli yoshlarni yanada qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish, ma’nan yetuk va intellektual jihatdan barkamol avlodni shakllantirish mustakil yurtimizning bosh vazifalariga aylangan. Yoshlarning intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish, iqtidorli bolalarni qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, ularning huquqiy ong va huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish xalq ta’limi sohasidagi davlat siyosatining eng muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Mamlakatning kelgusidagi jadal taraqqiyoti yosh iste’dodlarni

aniqlash, iqtidorli bolalarni tanlab olish va o‘qitish tizimini tashkil qilish, o‘sib kelayotgan avlodning intellektual imkoniyatlarini namoyon etishga yordam beruvchi ko‘p tarmoqli ta’lim muhitini yaratish bo‘yicha ishlar sifatini oshirish zaruratini taqozo etmoqda. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida zamonaviy axborot va innovatsion pedagogik texnologiyalardan keng foydalanishni rag‘batlantirish, o‘quvchilarni fanlar bo‘yicha chuqur bilimga ega bo‘lishi, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish orqali ijodiy qobiliyatlarini qo‘llab-quvvatlash va rivojlantirish bugungi kunning dolzarb masalalariga aylangan. Bu esa mamlakatimiz iktisodiy, ijtimoiy, va siyosiy rivojlanishida jahon andozalariga mos bilimlarga ega bo‘lgan kadrlarni tayyorlash masalalari bilan bog‘liqdir. Ya’ni bugungi kun maktab o‘quvchilari kelajakda: hali mavjud bo‘lmagan kasblarda ishlashi, hali yaratilmagan texnologiyalardan foydalanishi, biz faqatgina taxmin qilishimiz mumkin bo‘lgan muammolarni hal etishi lozim bo‘lgan muammolarni yechimini topish demakdir. Shu o‘rinda maktab ta’limi esa jadal rivojlanish maqsadlariga mos kelishi kerak. Ma’lumki, Prezident qaroriga ko‘ra, joylarda 2019-2020-o‘quv yilidan boshlab respublikamizda Prezident maktablari faoliyat yurita boshladi. Prezident maktablarining asosiy maqsadi ta’lim jarayoniga ilg‘or texnologiyalarni qo‘llash orqali iqtidorli yoshlarni tarbiyalash va o‘qitish, rag‘batlantirish hamda kelgusida ularni salohiyatini qo‘llab-quvvatlash. Shuningdek, o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish, yetakchilik ko‘nikmalari va notiqlik mahoratini rivojlantirish, tanqidiy fikrlash, axborotni izlash, tahlil qilish va qayta ishlash, olingan bilimlarni amaliyotda qo‘llash kabi ko‘nikmalarni shakllantirishdan iborat.

Yigirma birinchi asrda insoniyatdan jamiyat nafaqat mahorat talab qiladi, balki, xar bir sohada yangilik yaratilishini, o‘z kasbiga axborotlashgan zamonaviy yondashuvni ham talab etadi. Mahsulotni yaratish uchun har qanday texnologiyani ko‘llash muxim bo‘lganidek, amalga oshirishda intellektual, ijodiy yondoshishni ham talab etadi. Bugungi kunda, kimdir tomonidan oldindan yaratilgan texnologiyani oddiy takrorlash mumkin emas. Muvaffaqiyatga erishish uchun bu muallifning g‘oyasini, uni e’tibor berilmagan tomonini qidirishni va hayotda amalga oshirish zarur. Shuning uchun zamonaviy ta’limda mahalliy pedagogika bunday kadrlarni tayyorlashning dolzarb muammosiga duch kelmoqda.

Prezident maktablarida **"STEAM – ta’lim"** (Science – tabiiy fanlar, Technology – texnologiyalar, Engineering – texnik ijodkorlik, Art – san’at, Mathematics – matematika) dasturi asosida o‘qish tashkil etilishi belgilab ko‘yilgan. Prezidentning 5.09.2018 yildagi «Xalq ta’limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-3931-son qarorida umumiy o‘rta ta’limning yangi davlat ta’lim standartlari va o‘quv dasturlari, shu jumladan STEAM usulini takomillashtirish va bosqichma-bosqich joriy etish ko‘rsatib o‘tilgan.[1] Bunda, o‘‘quvchilarning qiziqishlaridan kelib chiqqan holda sinfdan tashqari amaliy mashg‘ulotlar o‘tkazish nazarda tutiladi.

STEAM- ta’lim te’nologiyasi xorij ta’limida keng ommalashgan inovatsion te’nologiyalardan xisoblanib, uning avzalligi nazariya va amaliyotning yorqin uyg‘unligini ta’minlanishidir. Ya’ni o‘quvchi xar bir fandan olgan nazariy bilimlarini bir vaqtning o‘zida amaliyotga,real hayotga qo‘llash imkoniyati

yaratilishidir. Bu ta’limining rivojlanishi mamlakatimizdagi pedagogik innovatsiyalarning ijobiy namunasi sifatidagi yondashuvlardan biridir. Bu tehnologiya asosida ta’limni modernizatsiya qilish yo‘nalishlari, bolalar va yoshlarning ilmiy-texnik ijodini rivojlantirish masalalari yotadi. STEAM - ta’limining maksadi: maktab o‘quvchilarini texnologik tayyorlashdan iborat.

Bugun STEM-dan STEAM-ta’limgacha faol harakat mavjud [2].Ta’limda ilmiy, texnik va san’at yo‘nalishlarining birligi ta’minlanmoqla. STEM – maktab o‘quvchilarini yangi o‘qitish metodikasi bo‘lib, an’anaviy o‘qitish tizimiga muqobil tizim hisoblanadi. U bolalarni bir vaqtning o‘zida to‘rtta — fan (Science), texnologiya (Technology), injenerlik san’ati (Engineering) va matematika (Math) bo‘yicha o‘qitish tizimiga asoslangan. Bu amaliy va ko‘ngilochar loyihalar mashg‘ulotlari yordamida saboq beriladi. STEM fanlar bo‘yicha emas, balki “mavzu"lar bo‘yicha integratsiyalashgan o‘qitish tizimidir. Bu texnologiya ta’limda amaliy mashg‘ulotlar yordamida ilmiy-texnik bilimlarni real hayotda qo‘llashni o‘rgatadi. Har bir darsda ular zamonaviy industriyaning mahsulotlarini ishlab chiqadi, barpo qiladi va rivojlantiradi. O‘zbekistonda STE(A)M dasturi bo‘yicha bolalarga hozircha prezident maktablari va 2020 -yildan “Ijodkor bolalar" maktablarida saboq berish rejalashtirilgan.

STEAM ta’limining rivojljlanishi tabiiy fanlar (fizika, kimyo, biologiya), texnologiya, tasviriy san’at, matematika fanlari dasturlarining mazmun-mohiyati, mavzularning mantiqiy ketma-ketligi va uzviyligining ta’minlangani hamda o‘quvchilarda shakllanishi zarur bo‘ladigan bilim va ko‘nikmalarning aniq belgilanishi bilan bog‘liq. Zamonaviy ta’lim uslubini rivojlantirish maqsadida Xalq ta’limi vazirligi qoshidagi Respublika ta’lim markazida har bir fan yo‘nalishlari bo‘yicha ishchi guruhlari shakllantirildi. Olimlar, ekspertlar, o‘qituvchi va metodistlardan iborat jamoalar STEAM ta’limi yo‘nalishida ilg‘or tajribalarni o‘rganib, uni rivojlantirish yuzasidan izlanishlar olib borishmoqda. Xususan, umumiy o‘rta ta’limning Milliy o‘quv dasturi loyihasi doirasida fizika, kimyo, biologiya, texnologiya, tasviriy san’at, matematika fanlarining dasturlarini tayyorlashda o‘quvchida amaliy ko‘nikma shakllantiruvchi mavzularni qamrab olish, fanlarni mazmun-mohiyatan bog‘lash va to‘ldirish, o‘quvchilarda shakllanishi zarur bo‘ladigan bilim va ko‘nikmalar darajasini aniq belgilash inobatga olingan. Umumta’lim fanlari kesimida fan dasturlarini tahlil qilish grafigi ishlab chiqilgan va mazkur grafik asosida ishlar amalga oshirilmoqda. Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasiga ko‘ra, STEAM fanlarni joriy qilish jarayonida o‘quvchilarda tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash va tahlil qilish layoqatlarini shakllantiradigan dasturlar va yangi davlat ta’lim standartlari joriy etilishi belgilangan. Yoshlarning bilim va ko‘nikmalarini mustahkamlash uchun STEAM fanlarini chuqur o‘rganishga mo‘ljallangan didaktik materiallar va multimedia mahsulotlarining yangi avlodi tayyorlanadi.

Xulosa qilib aytganda STEAM ta’limi zamonaviy ta’lim texnologiyalaridan biri bo‘lib, bu texnologiyani ko‘llash orkali ta’lim sifatini va mazmunini oshirish bilan birga o‘quvchilarga zamonaviy kasblar bo‘yicha bilim ko‘nikma va malakalar egallash imkniyatini beradi. Uning avzalligi shundaki, avvalo o‘quvchilarni fan mavzular bo‘yicha integral mashg‘ulotlarni o‘rganish va

o‘zlashtirish imkoniyati yaratiladi, nazariya bilan amaliyotni birligini ta’minlash asosida ilmiy va texnik bilimlarni real hayotda qo‘llash malakalarini shakllantiradi, o‘quvchilarning o‘z ustida ishlashlarida tanqidiy fiklash ko‘nikmalarini shakllantirish orqali o‘z muammolarini xal etishda mustakil fikrlashga o‘rgatadi, o‘z-o‘ziga ishonch tuyg‘usini shakllantirish orkali muloqandmanlik xususiyatlarini rivojlantiradi. Kizikish va ijodiy kreativlikni o‘ziga xos va yoshga xos jihatlarini rivojlantiradi va texnik fanlarni o‘zlashtirishlari,innovatsion yondashuv motivatsiyasini shakllantiradi. Kasb tanlash va kasbga yo‘naltirish muammolarini xal etish va yoshga xos kasbiy kizikishlarni rivojlantiradi.

**ADABIYOTLAR RO‘YXATI:**

1.O‘zbekiston respublikasi prezidentining “Prezident maktablarini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi karori. Toshkent sh.,2019 yil 20 fevral, PQ-4199

2. O‘zbekiston respublikasi prezidentining “O‘zbekiston respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” Toshkent sh.,2019 yil 20 may, PQ-4312

3.Конюшенко С. М. STEM vs STEAM – образование: изменение понимания того, как учить / С.М.Конюшенко, М.С.Жукова, Е.А.Мошева // Известия Балтийской государственной академии рыбопромыслового флота: психолого-педагогические науки. – 2018. – № 2 (44). – С. 99-103.

4.«Innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va ularni ishlab chiqarish hamda ta’limda qo‘llashning zamonaviy muammolari» Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari Andijon-2019-15.04

Internet saytlari

1.www.abt.uz

2.www.norma.uz

## DARSLARDA AKTNI QO‘LLASH ORQALI ZAMONAVIY XAYOTGA MOSLASHISH

*Umarov A.V.*
*Iqtisod fanlari nomzodi TATU dotsenti*
*Umarova F.A.*
*Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti doktoranti.*
*Umarov X.A.*
*Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti o’qituvchisi*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada oliy ta’lim muassasalari faoliyatida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari afzalliklari, ro‘li keng yoritilgan va foydalanish bo‘yicha munozaralar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** Zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari, multimedia, shaxsiy kompyuter, virtual stendlar, kommunikatsiya, audio va video darsliklar, onlayn darslar (Internet sahifa), multimedia.

Zamonaviy sotsiologiyada ko'p hollarda ijtimoiy moslashuv shunday ijtimoiy jarayon deb tushuniladi, unda moslashtiruvchi (shaxs, ijtimoiy guruh) ham, ijtimoiy muhit ham moslashuv-adaptiv tizimlar, ya'ni ular faol o'zaro ta'sir qiladi, ijtimoiy moslashuv jarayonida bir-biriga faol ta'sir ko'rsatadi.

Talabalarning "bilim" dan "faoliyat" paradigmasiga o'tish juda og'riqli jarayon bo'lib, asosan o'qituvchilarning professionalligi, ularning o'sishga intilishi va shaxsiy rivojlanishi bilan bog'liq.

O'qituvchilarga nafaqat yangi ijtimoiy sharoitlarni yoki ijtimoiy muhitning xususiyatlarini bilish kerak, balki talabalarning o'quv faoliyatini amalga oshirishda tashqi sharoit, ijtimoiy muhitning bunday sharoitlari va xususiyatlarini modellashtirish usullariga ega bo'lish kerak.

Zamonaviy sotsiologiya va pedagogikada ta'kidlanishicha, ijtimoiy rivojlanish tezlashgani sayin, umuman jamiyatda moslashish jarayonlarining intensivligi tezlashadi. Bu ijtimoiy moslashuv jarayonlari, hatto rivojlanayotgan jamiyatda ham deyarli uzluksiz bo'lib, o'zgarishlarga moslashish qobiliyati nafaqat yosh, balki katta avlod uchun ham muhimdir. O'zgarishga tayyorlik inson hayotidagi muvaffaqiyatning asosiy shartlaridan biriga aylanadi.

Natijada zamonaviy jamiyatda ijtimoiy moslashuv jarayonlarini amalga oshirishda maktab ta'limining maqsadli faoliyatining roli sezilarli darajada oshadi. Ijtimoiy pedagogikada moslashuvning subyektiv va ob'ektiv mezonlari qabul qilinadi. Maqsad - shaxsning ushbu ijtimoiy guruhda qabul qilingan hayot normalari va qoidalarini amalga oshirish darajasi. Subyektiv - ma'lum bir ijtimoiy guruhga a'zo bo'lishdan qoniqish, asosiy ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish va rivojlantirish uchun sharoitlardir.

Kasbiy moslashuv mezoni bu shaxs tomonidan kasbiy mahorat, shaxsiy fazilatlarning muayyan kasbiy faoliyat talablariga muvofiqligini ta'minlashdir. Kasbiy moslashuv ko'rsatkichlari - bu professional malaka, ishlab chiqarish ko'rsatkichlarining darajasi va barqarorligi, kasbdan qoniqishdir [1,2,3].

Rivojlanish uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (ICT4D-Information and communication technologies for development) ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy rivojlanishga nisbatan axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini (AKT) qo'llashni, xususan kambag'al va imkonsiz odamlar va jamoalarga yordam berishga qaratilgan. Uning maqsadi raqamli tafovutni bartaraf etish va texnologiyalarga teng kirishni ta'minlash orqali xalqaro taraqqiyotga ko'maklashishdir. ICT4D "rivojlanish", "o'sish", "taraqqiyot" va "globallashuv" tushunchalariga asoslangan va ko'pincha katta foyda keltiradigan texnologiyalardan foydalanish sifatida talqin etiladi. Adabiyotda ishlatiladigan yana bir o'xshash atama "raqamli rivojlanish"dir. ICT4D rivojlanayotgan mamlakatlarda sharoitlarni yaxshilash uchun yangi kompyuter texnologiyalaridan foydalanishga bo'lgan urinish natijasida paydo bo'ldi. U bir qator tashabbuslar, ma'ruzalar, konferentsiyalar va moliyalashtirish orqali rasmiylashtiriladi, ular prospektlar orqali asosiy siyosiy qarorlar sifatida ishlaydi: Jahon Bankining 1998 yil rivojlanish to'g'risidagi ma'ruzasida, rivojlanish jarayonida bilim va AKTning ahamiyati ta'kidlangan; G8 Digital Opportunity Task Force hisobotida AKT

zamonaviy inson taraqqiyotida hal qiluvchi rol o'ynaydi, 2003 yilda Jenevada va 2005 yilda Tunisda Axborot jamiyati bo'yicha Jahon sammiti bo'lib o'tdi.

ICT4D tarafdorlari quyidagi to'rtta asosni taklif qildilar:

➢ birinchidan, AKTning milliy va global yutuqlarda tutgan o'rni;

➢ ikkinchidan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari iqtisodiy rivojlanishning ajralmas qismi sifatida;

➢ uchinchidan, u ekspluatatsiya rejimlarining tugatilishiga va assimetrik tuzilmalarni demontaj qilishga ta'sir qilishi mumkin va kerak;

➢ Va nihoyat, yangi ommaviy axborot vositalari orqali muloqot insoniyatning kengaytmasi ekanligi ta'kidlanadi. Ular miyaning rivojlanayotgan dunyosi uchun infratuzilmani ta'minlaydi deb ishoniladi. (Flor, AG, 2009)

Zamonaviy dunyoda sodir boʻlayotgan raqamli texnologiyalarning jadal rifojlanish sur’atlari pedagogika oldiga tendensiyalardan ortda qolmaslik talabini qoʻyadi. [4]

Axborot va kommunikatsiya texnologiyalari rivojlanar ekan, ICT4D ham shunday: yaqinda katta ma'lumotlardan rivojlanish uchun AKT sohasida muhim vosita sifatida foydalanish mumkinligi va bu ICT4D paradigmasining tabiiy evolyutsiyasini aks ettirishi taklif qilindi.

O'quv jarayonida AKTdan foydalanish zarurati hayotning o'zi tomonidan belgilanadi: bolalar darsda ham, uyda ham texnologik makonda yashaydilar. Zamonaviy dars AKTdan foydalanmasdan samarali va qiziqarli bo'lishi mumkin emas. Zero zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish quyidagi imkoniyatlarni taqdim etadi:

➢ fanga qiziqishni oshirish, o'quv jarayonini yanada qiziqarli va esda qolarli qilish;

➢ talaba va uning psixologik xususiyatlari ta’lim jarayoni markaziga qo’yiladi;

➢ darsda hissiy muhitga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan o'quvchilar va o'qituvchilarning samarali ijod qilishlari uchun imkoniyatlarni kengaytiradi;

➢ darsda talabaga etkaziladigan ma'lumot miqdorini oshadi;

➢ talabalarning optimal faolligi rivojlanishi ta'minlanadi;

➢ har bir talabaga o'z o'quv yo'nalishini taqdim etadi;

➢ talabalarning bilim doirasini kengaytirishga yordam beradi, bolalarni mustaqil ravishda ma'lumot izlashga undaydi;

➢ talabalarning bilim faoliyati jarayonini tashkil qilishni faollashtiradi;

➢ talabalarning aqliy faolligini oshiradi.

Elektron ta'lim resurslaridan foydalanish quyidagi muammolarni samarali hal qilishga imkon beradi:

➢ darslarni ma'lumot bilan ta'minlash;

➢ ta'lim to'g'risidagi ma'lumotlarni namoyish qilish;

➢ turli xil faol mashg'ulot shakllarini qo'llab-quvvatlash;

➢ bilim, ko'nikma va malakalarni birlashtirish;

➢ bilimlarni baholash va nazorat qilish.

Darslarda multimedia o'quv qo'llanmalari, dasturiy vositalar katta yordam beradi. Talabalar dasturiy vositalari bilan ishlashga qiziqishmoqda.

O'quv jarayonini tashkil etishda zamonaviy AKTdan foydalanish to'g'risida gap ketganda, interfaol doskadan foydalanish to'g'risida gap yuritmaslikning iloji yo’q, undan foydalanish axborotni (grafik, matn, ovoz, video-ma'lumot) qayta ishlatishga, o'quv jarayonining uslubiy imkoniyatlarini boyitishga, talabalarning o'z fikrlarini bildirishi va talabalarning qiziqishini saqlab turishga imkon beradi, shu bilan bir qatorda mavzuga, darsni zamonaviy darajaga yetkazish, bolaning ijodiy salohiyatini faollashtirishga yordam beradi. Interfaol doskada chop etish, tahrirlash, matnni saqlash, taqdimotlar, videolarni namoyish etish, Internetga kirishi mumkin. Interfaol doska juda ko'p miqdordagi vizualizatsiyadan foydalanishga imkon beradi. Interaktiv doska taqdimot jarayonini boshqarish, dars materiallarini kelajakda foydalanish uchun saqlash imkonini beradi, chunki u proeksion texnologiyalarni sensorli moslama bilan birlashtiradi. Doskada barcha hujjatlar, diagrammalar va veb-sahifalarning yuqori qismiga yozuvlarni yozib qo'yishi imkoniyati mavjud. PowerPoint taqdimotlari, elitePanaboardsoftware va boshqalar, + ob'ektlarni siljitish, ranglar bilan ishlash, maxsus effektlardan foydalanish va boshqalar. Doskada o'rgangan materialni takrorlash, darsning istalgan vaqtida unga qaytarish qulay. Faylni ochish yoki Internetni ishga tushirish yoki kerakli yozuvni yaratish uchun shunchaki taxtaning yuzasiga tegish kifoya qiladi. Murakkab materiallar o'quvchilarga yanada aniqroq, samaraliroq va dinamik tarzda taqdim etish orqali yanada qulayroq bo'ladi. Zamonaviy jamiyatning ijtimoiy buyurtmalaridan biri yangi ijtimoiy sharoitlarga osongina moslasha oladigan, o'zini o'zi rivojlantirishga qodir bo'lgan shaxsni tarbiyalashdir. Fayl va papkalarni almashish ochiq bo'lganda, boshqa foydalanuvchilar fayllarni ochishlari, yuklab olishlari va tahrirlashlari mumkin. Bu talabalarga ta'sir qilish vositalarini diversifikatsiya qilish, talabalarning bilim olishga bo'lgan ijobiy rag'batini oshirish, o'quv jarayonini o'z-o'zini boshqarish va nazorat qilish sifatini o'z vaqtida o'zgartirish, o'quv mashg'ulotlari va o'quv faoliyatini o'z vaqtida tartibga solish imkonini beradi.

Internet tomonidan ochilgan yangi imkoniyatlar o'qituvchiga musiqa yangiliklaridan xabardor bo'lish, elektron pochta orqali hamkasblar bilan muloqot qilish va turli xil Internet-seminar va forumlarda ishtirok etish imkonini beradi. Zamonaviy sharoitda Internet axborotni o'zlashtirish va individual ta'lim masalalarini o'rganishda katta yordam beradi. Shu bilan birga, har bir o'quv fanining o'ziga xos xususiyati uning ma'lumot bilan ishlashga bo'lgan talabini belgilaydi.

Zamonaviy darsda Internet tarmog'idan foydalanish WWW-dan ma'lumotlarni qidirish, o'qituvchilarning samaradorligini oshirish, dasturlarni yuklab olish, on-layn testlarni o'tkazish, mavzu bo'yicha masofaviy olimpiadalarda qatnashish, virtual turlarni o'tkazish uchun foydalaniladi. Internet manbalari bilan ishlashda ma'lumotlarning to'g'riligiga, materialning dars mavzusiga va o'quvchilarning yosh xususiyatlariga e'tibor berish kerak.

Darsda kompyuterda test sinovlari va diagnostika tizimlaridan foydalanish o'qituvchiga qisqa vaqt ichida barcha talabalar o'rgangan materialni o'zlashtirish darajasi to'g'risida ob'ektiv tasavvurga ega bo'lib, uni o'z vaqtida tuzatishga imkon

beradi. Bunday holda, ma'lum bir talaba uchun vazifaning qiyinchilik darajasini tanlash mumkin.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak zamonaviy jamiyat nafaqat bilimlarni uzatishni emas, balki yosh avlodning shaxsiyatiga xos bo'lgan muhim fazilatlarni rivojlantirishni talab qiladi. Bilim maqsad sifatida emas, balki shaxs sifatida rivojlanish vositasi sifatida ishlaydi. Buning uchun eng zamonaviy imkoniyatlar zamonaviy axborot texnologiyalari bilan ta'minlangan.

An'anaviy texnik o'quv qo'llanmalaridan farqli o'laroq, AKT nafaqat talabalarni ko'p sonli tayyor, qat'iy tanlangan, to'g'ri tashkil etilgan bilimlarga ega bo'lishi mumkin, balki talabalarning intellektual, ijodiy qobiliyatlarini, yangi bilimlarni mustaqil ravishda o'zlashtirish, turli xil ma'lumot manbalari bilan ishlash qobiliyatini rivojlantirishi mumkin. Darslarda AKTdan foydalanish: o'qituvchi va talabaning faoliyatini yanada samaraliroq qilish imkonini beradi; fanni o'qitish sifatini oshirish; vizualizatsiya tamoyilini vizual ravishda aks ettiradigan faktlarning muhim tomonlarini aks ettiradi; o'rganilayotgan ob'ektlarning eng muhim (o'quv maqsadlari va vazifalari nuqtai nazaridan) xususiyatlarini ta'kidlash va, eng muhimi, ta'lim darajasini sezilarli darajada oshiradi, chunki talabalar axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda darslarga katta qiziqish bildirmoqdalar. Va qiziqish umuman o'rganish va ayniqsa mashg’ulotlar bilan shug'ullanish uchun juda yaxshi rag'batdir. Agar darslarga qiziqish bo'lsa, intellektual faollik rivojlanadi, xayol, idrok kuchayadi, ixtiyoriy e'tibor, kontsentratsiya kuchayadi. Shu bilan birga, o'quvchilar turli xil tuyg'ularni boshdan kechirishadi.

Shunday qilib, kompyuter texnologiyalaridan foydalanish o'quv jarayonining barcha bosqichlarini qamrab olgan holda ta'lim jarayonini yaxshiroq, qulay tomonga o'zgartirishga imkon beradi.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, darslarni multimediya bilan kuzatib borish tufayli o'qituvchi o'qish vaqtining 30 foizini tejaydi. Vaqtni tejash bilan o'qituvchi dars zichligini oshirishi, uni yangi tarkib bilan boyitishi mumkin.

Shunday qilib, AKT yordamida kognitiv faoliyatni boshqarishga sarflangan mehnat har jihatdan o'zini oqlaydi - bilim sifatini yaxshilaydi; o'qituvchilar va talabalar o'rtasida o'zaro tushunish va ularning o'quv jarayonidagi hamkorligi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratadi; bolani umumiy rivojlanishda qo'llab-quvvatlaydi, qiyinchiliklarni yengib o'tishga yordam beradi, talabalarga axborot jamiyatida hayot kechirishni, global axborotlashtirish jarayonlariga bog'liq ijtimoiy buyurtmani amalga oshirishni ta'minlaydi. Axborot texnologiyalari - bu zamonaviy hayotning talablariga muvofiq shaxsni tarbiyalashga imkon beradigan ajoyib didaktik vositadir.

Shubhasiz, zamonaviy ta’limda kompyuter barcha muammolarni hal etmaydi, faqat ko'p funktsiyali texnik o'qitish vositasi bo'lib qoladi. Ammo axborot texnologiyalari to'g'ri tanlangan (yoki ishlab chiqilgan) o'qitish texnologiyalari bilan birgalikda ta'lim va ta'limning zarur sifat darajasi, o'zgaruvchanligi, farqlanishi va individualligini yaratadi va talabalarda zamonaviy hayotga moslashish rivojlanadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**


1) Сиденко А.С., Сиденко Е.А. Психолого-педагогические основы введения и реализации ФГОС в образовательных организациях. // Инновационные проекты и программы в образовании. 2015. № 3. С. 53–64.
2) Сухоруков Д.В., Сорокина Л.А. Средства, активизирующие познавательную деятельность школьников и повышающие их умственную работоспособность // Образование и наука. 2014. № 2. С. 139–154.
3) Щербина Ю.С. Смена приоритетов системы обучения как ответ на вызов времени // Образование и наука. 2013. № 1. С. 19–31.
4) X.A.Umarov, Z.A.Umarova "Использование электронно-образовательных ресурсов в sелях создания образовательной экосистемы". Перспективные информаsионные технологии (ПИТ 2018) [Электронный ресурс]: труды Международной научно-технической конференsии, Самара: Издательство Самарского научного сентра РАН, 2018


## НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ – ФАРОВОН ОИЛА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА


*Умматова С.*
*Самарқанд Давлат Университети ассистенти*
*Умматов А.*
*Самарканд вилоят ИИБ ЖКБ Криминалист психологи*


Маълумки хар бир жамиятнинг дастлабки илк ижтимоий бўғини ҳисоблаган оила шахс шаккланишида энг асосий маскандир. Шахс камолоти ўз навбатида оилавий муносабатлар билан бевосита боғлиқдир. Жамият оиладан бошланадию Оиланинг соғломлиги ва оилавий муҳитнинг қандай даражада бўлиши жамият ривожига, ундаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам оилани мустаҳкамлаш, уни соғломлаштириш муаммолари жамиятчиликнинг эътиборидаги муҳим муаммолардандир.

Оила деб аталмиш муқаддас макон, ‹‹оила қасри››нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, ўнинг устида қурилган иморат ҳам кўркам, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур – ҳаловат бағишлайдиган бўлади.

Никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биолоник, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада тайёр эканликларини белгилаб беради.

Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг; оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта бу омилларнинг

ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Фаровон оилага эришишда ҳал қилувчи никоҳ олди омилларидан бири – ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови ҳисобланади. Афсуски, ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки у аксарият ҳолларда реалликдан тубдан фарқ қилади.

Ҳинд афсоналаридан бирида айтилишича, туғилганидан кўзи ожиз бўлган тўрт нафар кўрга ‹‹Қаршингларда фил турубди, сизлар уни умуман кўрмагансизлар, лекин уни бориб ушлаб, пайпаслаб ўрганиб чиқингларда, сўнг фил қандай махлуқ эканлигини айтиб берингларˊ››, - дейилган. Кўрлар бориб филни ‹‹ўрганиб›› қайтишганларидан сўнг улардан фил қандай ҳайвон эканлиги сўралганда, улардан бири: ‹‹Фил – бадани дағал, дарахтга ўхшаган ҳайвон›› - дебди, иккинчиси уни инкор этиб: ‹‹Йуқ, фил ердек юмалоқ, одамнинг қулочи етмайдиган юмалоқ бир ҳайвон›› - деб. Учинчиси эса, уларни икковларини ҳам инкор қилиб: ‹‹Фил ичи тешик узун, йуғон ичакка ўхшайдиган ҳайвон›› - дебди. Тўртинчиси эса: ‹‹Фил ёйиқ япалоқ катта баргга ўхшаган ҳайвон›› - деб жавоб берган эканлар ва уларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллайман, ўтказаман деб бир – бирлари билан жанжаллашиб қолган эканлар. Чунки уларнинг бири филнинг оёғига, иккинчиси – қорнига, учинчиси – ҳартумига ва тўртинчиси – қулоғига тўғри келиб қолиб ўзларининг имкониятлари доирасида филни тасаввур қилган эканлар. Ҳудди шу тўртта кўзи ожиздек ёшларимиз ҳам оилавий ҳаётни бутун борлигича, тўла яхлит тасаввур қила олмайдилар, бунинг имкони ҳам йуқ. Оқибатда оилавий ҳаёт ҳақида турли тасаввурларга эга бўлган ёшларимиз оила қургудек бўлсалар, ўз тасаввурларини реалликка айлантириш, яъни жуфтига ҳам шундай эканлигини уқтиришга ҳаракат қиладилар. Ва улар ҳам юқоридаги кўзи ожизлардек ҳар бири ‹‹ўзича ҳақ›› бўла туриб, бир – бирлари билан жандаллашиб, келишиб олмай қолишлари мумкин. Ўз ҳис – туйғуларини тўлиқ англамасликлири, ноўрин рашқ, ишончсизлик ҳислари кейинчалик қуриладиган оилавий заиф, ночор бўлишига олиб келади.

Фаровон ва мустаҳкам оилаларни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бу ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларда никоҳ ҳамда оилавий ҳаёт, шунингдек, икки жинс ўртасидаги муносабатлар моҳияти борасида тўғри тушунчалар ҳосил бўлишига ёрдам бериш лозим, бу эса уларни никоҳ ҳамда оилавий ҳаётни ташкил этиш жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлайди, ёшларда никоҳга киришиш ҳамда оилавий ҳаётни ташкил этиш борасида амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиради.

Оилада ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мураккаб жараён саналиб, мазкур жараённинг самарали ташкил этилиши бу борадаги муайян камчилик ва муаммоларнинг бартараф этилиши билан белгиланади. Айни вақтда эса оилада ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

*биринчидан,* ота – оналарнинг оилада мустақ оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг моҳияти ҳусусида тўла маълумотга эга эмасликлари;

*иккинчидан,* ота – оналарнинг ўз фарзандлари билан маълум масалаларда очиқ ойдин мулоқотда бўла олмасликлари;

*учинчидан,* ота – оналар томонидан ёшларни оилада мустақ оилавий хаётга тайёрлаш борасидаги назарий ва амалий билимларни ўрганиш имконини берувчи манбаларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги;

*тўртинчидан,* келин ва куёв муносабатларининг мазмунини уларга англатиш вазифасини қизнинг яни ( келин ойи )лари, йигитнинг ошналари зиммасига юклаш анъаналарининг мавжудлиги ота - оналарда оила шароитида ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг моҳиятини тўла тушунмасликларига сабаб бўлмоқда.

Оилада куриш мотивлврини никоҳ барқарорлигига таъсирини кузатадиган бўлсак, ўзбек оилаларида ёшларнинг оила қурушларида моддий томондан таъминлаш масалаларига асосий сифатида қаралиб, уларни маънавий аҳлоқий томондан етуклик кўрсаткичларига эътибор кам кўрсатилади. Ана шунинг учун бўлса керак ёш оилалар орасида бир хафтадан уч ойгача бўлган муддатда ажралишлар кўпгина фоизни ташкил этмоқда.

Ёшларни оила ва оила муносабатларига тайёрлаб бориш, ота - она, жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Болалик давридан ўсмирлик даврига ўтгунга қадар аҳлоқ ва сотциал қадриятлар билан бола тарбия қилиб бормоғи лозим. Мана шу ўтиш даврида шахси сифатида такомиллашиб боради, бола ўтиш даври бошланганидан ўзини балоғатга етганлигини сезмасдан, балки оилада болалик даврида аста - секин балоғатга етишини сезиб боради. Жинсий тарбияга алоҳида эътибор бериш миллий мактаблар, ўзбек оилалари учун долзарб масалалардандир. Бинобарин, ёш авлодни аҳлоқий, жисмоний, эстетик ва маънавий жиҳатдан вояга етказишда жинсий тарбия катта аҳамиятга эга. Бироқ бу соҳада самара берадиган барча тарбиявий норма ва тадбирларни ишга солмасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ўспиринлик даврида юзага келадиган ҳис - туйғуларни тўғри идора этиш, севги, муҳаббат, рашк муносабатларнинг нақадар нозик бўлиши, бўлажак оиланинг бахти учун ғамхўрлик қилиш хақидаги тушунчаларни улар онгига сингдириш, яхши натижа беради, деб ўйлаймиз.

Ёш овлоднинг соғлиғи, аҳлоқи, эътиқоди келажакда унинг ўз оиласига нисбатан муносабати кўп жиҳатдан оилада олиб бориладиган тарбияга боғлиқ. Ёшларни оила тарбиясини амалга оширишда психологлар, педагоглар, шифокорлар, оила ва жамоатчиликнинг фаол иштирок этишлари талаб қилинади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Оила психологияси: Академик лицей ва касб - ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. – Т.: “ Шарқ 2007. -286 б.

# TEXNOLOGIYA FANINING O'QUVCHI YOSHLARDA QO'L MOTORIKASINI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI

*Umurova D.A.*
*Toshkent shahar, Uchtepa tumani 238- maktabi o'qituvchisi*
*Umurova D.R.*
*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada texnologiya fani darslarining o'quvchilarda qo'l motorikasi rivojlanishiga qo'shgan hissasi maktabgacha va maktab yoshidagilarning mashg'ulotlari timsolida ko'rib chiqiladi hamda bir qator pedagog va tadqiqotlardan xulosalar keltiriladi.

**Tayanch so'z va tushunchalar:** mehnat, bilim, ko'nikma, malaka, texnologiya, mayda motorika, qo'l motorikasi, origami-kirigami, hunarmadchilik

**Аннотация:** В этой статье рассматривается вклад уроков труда в развитие навыков ручной моторики у учащихся на примере детей дошкольного и школьного возраста, а также делаются выводы из ряда педагогических материалов и исследований.

**Ключевые слова и понятия:** труд, знания, навыки, квалификация, технология, мелкая моторика, ручная моторика, оригами-киригами**,** ремесла

**Annotation:** This article examines the contribution of labor science lessons to the development of hand motor skills in students through the example of preschool and school-age children, and draws conclusions from a number of educators and studies.

**Key words and concepts:** labor, knowledge, skills, qualifications, technology, fine motor skills, hand motor skills, origami-kirigami, handicrafts

*Mehnatni xalq qadrlar, muqaddas u, do'stlar, bas,*
*Usiz bizning umrda muhabbat yo'q, baho yo'q.*
*Qayda mehnat bo'lmasa u yerda bog' gullamas,*
*Qayda ishga mehr yo'q, u yerda hech vaqo yo'q.*
*S. N. Sergeyev-Senskiy*

Darhaqiqat, mehnat – har bir insonning yoshligidan qon-qoniga, jon-joniga singib, uning madaniyati va ma'naviyatini ko'rsatuvchi ko'zgu. Hayotning jo'shqinligini, go'zalligini mehnat ortida turuvchi mashaqqatlarsiz, harakatlarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Mehnat bilan ulg'aygan farzand kelajakda o'z ota onasi, qavm-qarindoshi, mahallasi, vataniga nisbatan insonparvar, millatparvar, vatanparvar ruhida tarbiyalanadi. Shularni hisobga olgan holda maktablarda texnologiya faniga[1] bo'lgan e'tibor yanada kuchaytirildi.

[1] O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 martdagi umumiy o'rta ta'lim to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi hamda 2017 yil 6 apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qaroriga binoan "Mehnat ta'limi" "Texnologiya" fani deb o'zgartirildi.

Birinchi Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek: „Har bir insonning, ayniqsa endigina hayotga qadam qo'yib kelayotgan yoshlarning ongiga shunday fikrni singdirish kerakki, ular o'rtaga qo'yilgan maqsadga erishishi o'zlariga bog'liq ekanligini, ya'ni bu narsalar ularning sobit qadam, g'ayrat, shijoatlariga, to'la-to'kis fidokorligi va cheksiz mehnatsevarliklariga bog'liq ekanligini anglab yetishlari kerak", shunday ekan yoshlarga kichikligidanoq mehnatga muhabbat qo'yishga, mehnatni qadrlashga o'rgatiladi. Hozirgi kunda maktablarda texnologiya fanining qamrovi ancha kengaygan bo'lib o'quvchi yoshlarda shaxsning turmush tarziga, mehnat madaniyatiga qaratilgan barqaror yo'l-yo'riqni qaror toptirish, ijodiy mehnat qilishga, amaliy, axloqiy va ruhiy tayyorgarlikni amalga oshirish, o'quvchilarda ijodiy qobiliyatlarni, aqliy va jismoniy fazilatlarini rivojlantirish ko'zda tutilgan. Texnologiya fanidagi mavzular DTS asosida o'quv rejasida o'quvchilarning yoshi, funktsional imkoniyatlarining o'ziga xosligi, ruhiy rivojlanishini hisobga olgan holda taqdim etilgandir. Bu o'z o'rnida o'quvchilarning mehnat qilishga ehtiyojidan kelib chiqib ongli, ijodiy munosabatda bo'lishni, o'z mahoratini doimo takomillashtirishga intilishni shakllantirish, fizologik funktsiyalarini, shaxsiy qobiliyatlarini rivojlantirish, ijtimoiy tajriba to'plash hamda harakatchanlik, ziyraklik, mehnatsevarlik kabi bir qator ijobiy hislatlarni o'zida mujassamlashtirishga zamin yaratib beradi.

Bolalar kichik yoshdanoq bog'chada, uyda yoki umuman olganda do'stlari davrasida turli xil qiziqarli va harakatli o'yinlar va mashg'ulotlar bilan band bo'ladilar. Italiyalik pedagog Mariya Montessori[1] o'zining pedagogik qarashlaridan kelib chiqib bolalarni aqliy jihatdan rivojlantirish, ularni his qilishga o'rgatish kerakligini ta'kidlaydi. Bolalarda sensorika va motorikani rivojlantirish kichkintoylarda yozish, hisoblash ko'nikmasini, mantiqiy tafakkurni shakllantiradi. Montessori metodikasining asosiy mohiyati bolada mustaqil faoliyat orqali shaxsiy imkoniyatlarini namoyon qilishga sharoit yaratish va yordam berishdan iborat. Bundan tashqari bolada atrof-muhit to'g'risidagi tasavvurlar ham tizimga solinadi. Mashg'ulot va o'yinlar uchun tanlangan didaktik materiallar bolada motorika (harakat) va sensorika (sezgi)ni rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lishi zarur. Bolaning mustaqil harakat qilishi natijasida uning ichki kuchlari erkin bo'ladi va asta-sekin kattalar yordamisiz ham o'zi bajara olish malaka va ko'nikmalariga ega bo'ladi. Mehnat qilish bilan aloqador "Savatcha yasash", "Rangli tomchilar", "Munchoqlarni ipga teramiz" va "Qaychi bilan qirqamiz" mavzulari tarbiyachilar uchun Montessori tomonidan taklif etilgan samarali va qiziqarli mashg'ulotlardir.

SI News (Study International Stuff – Independent news for international students)ning xabar berishicha, kichik yoshdagi bolalarda mushaklar va miyaning harakatlarini muvofiqlashtirish uchun mayda motorika (qo'l, ko'z, bilak, barmoqlar harakatlari)ni o'zlashtirish muhimdir. Ular boshqa ko'nikmalardan farqli o'laroq kundalik hayotda har kungi turmush tarzidagi tajribalar orqali rivojlantiriladi. Bularga soch tarash va tish tozalashdan tortib to undan ham mayda

[1] Mariya Montessori (italyan. Maria Tecla Artemisia Montessori; 1870 yil 31 avgust - 1952 yil 6-may) - italiyalik shifokor va o'qituvchi, o'zining erkin ta'lim berish noyob pedagogik tizimi bilan yaxshi tanilgan.

ishlar (tikish yoki to'qish) misol bo'la oladi. Ota-onalar uyda farzandlarini mashq qildirishi, o'qituvchilar esa dars jarayonida foydalanishlari uchun quyidagi mashg'ulotlar taklif etiladi: chizish, yozish, qaychi bilan ishlash, bo'yash, lego o'yinchoqlari o'ynash. Valencia Higueraning ta'kidlashicha, muntazam ravishda qalam va ruchkadan foydalanish o'z-o'zidan har qanday asbobni mohirlik bilan qo'llashga imkon yaratib beradi va "Kichik qadamlar kata muvaffaqiyatlarga sababchi bo'ladi" deydi u.

Bolalar maktabga qadam qo'yganlarida motorika funksiyasi rivojlanayotgan keyingi davrlarini aynan shu yerda o'tkazishadi. Bu jarayonda texnologiya fanining o'rni beqiyos, albatta boshqa fanlardagi mashg'ulotlar ham o'z o'rniga egadir. Ammo shuni unutmaslik kerakki, texnologiya fani o'quvchilarda nafaqat qo'l motorikasi balki ko'z harakatlari hamda tasavvur bilan chambarchas bog'liqdir. Mashg'ulotlarda aksariyat qo'l harakatlari talab etiladi. Masalan, boshlang'ich sinflarda ko'p o'tiladigan mavzulardan biri "Qog'ozdan origami-kirigami usulida yasash" hisoblanadi. Origami – qog'ozni buklab, kirigami – buklab-qirqib narsa yasash san'ati. Boshlang'ich o'quvchilar dastlab qog'ozlarni qirqib zanjir yasash, turli shakllar qirqish, qog'ozdan applikatsiyalar hamda kvilling usulida turli xil rasmlar ishlashni o'rganishadi. Yuqori sinflarda esa pazandachilik san'ati, gazlamaga ishlov berish, to'qish usullari va milliy hunarmandchilik turlarini mukammal o'rgatiladi. O'quvchilarda bu orqali qo'l kaftlari, bilaklar va barmoqlar motorikasini rivojlantirishga hissa qo'shiladi. Bu esa o'quvchilarning o'zlashtirish qobiliyati hamda mustaqil bo'lishga intilishida yuqori o'rin tutadi.

Bu borada amaliy fanlarning ahamiyatini unutmaslik lozim, ayniqsa, milliy hunarmandchilik hamda amaliy san'atini yanada taraqqiy ettirish borasida O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning ham roli kattadir. Shuning uchun birqancha davlat manfaatiga molik bo'lgan Farmon va Qarorlar joriy etilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 27-sentyabr 1996-yildagi "Ma'naviyat va ma'rifat" jamoatchilik markazi xuzuridagi "Oltin meros" xalqaro xayriya jamg'armasini qullab-quvatlash to'g'risida"gi Qarorida "...o'tmish madaniyatimizga oid qadimiy qo'lyozmalar, tarixiy xujjatlar, xalq hunarmandchiligi, amaliy san'at na'munalari va tarixiy, madaniy qimmatga molik boshqa yodgorliklarni mamlakatimizda, xorijda izlab topish va o'rganish, ulardan ulkan merosimizning uzviy qismi sifatida foydalanish" kabi ko'rsatmalar berilgan. Shunday ekan hozirgi kun vazifalaridan biri - milliy xunarmandchilik, amaliy san'at sohasidagi ijodiyotni yanada takomillashtirish, uni jahon xalqlarining e'tiboriga molik ravishda taraqqiy ettirish. Amaliy fanlar rivojlanishi bilan o'quvchilarning kasbga bo'lgan qiziqishlari hamda ijodkorlikka intilishlarini namoyon etishlari yanada osonlashmoqda. O'z navbatida bularning barchasi o'quvchilarda mushaklarni boshqarish ko'nikmasini rivojlantiradi chunki ular kelajakda o'qish, yozish va chizishni o'z ichiga olgan ko'plab boshqa muhim ko'nikmalarning rivojlanishi uchun poydevor bo'lib, shuningdek, kundalik ishlarni bajarish, masalan, sanchqi va qoshiqdan to'g'ri foydalana olish, muvozanatni ushlab turishga yordam beradi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, bolalarda maktabgacha ta'lim muassasalarida hamda maktabda turli xil mashg'ulotlar orqali motorikani rivojlantiriladi, ayniqsa bunda texnologiya fani mayda motorika va katta motorikani rivojlantirishda har tomonlama keng yo'l ochib beradi. Hozirgi kunda amaliy fanlarning rivojlantirilishi va texnologiya faniga alohida e'tibor berilishi ham bejiz emas. Shu bois Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbus muhim ahamiyat kasb etadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. Qo'ysinov O.A., Sattorov V.N., Yakubova H.S. Mehnat ta'limida amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish. Metodik qo'llanma. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2011.
2. Sanaqulov X.R., Xodiyeva D.P., Satbayeva. Mehnat va uni o'qitish metodikasi. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2015.
3. Logsdon A. Best Ways to improve Fine Motor Skills. – 2020
4. Ziyonet.uz
5. https://lex.uz/docs/-3153714#-3157748
6. https://en.wikipedia.org/wiki/Fine_motor_skill
7. https://ru.wikipedia.org/wiki/Мелкая_моторика


## O'SMIRLARDAGI PSIXOLOGIK O'ZGARISHLAR.


*O'rinboyeva G.S.*
*O'zbekiston milliy universiteti (Jizzax filiali) talabasi.*
*Ilmiy rahbar: Toshnazarova U.A.*



**Annotatsiya:** O'smir yoshidagi bolalar psixalogiyasi murakkab hisoblanadi. Chunki o'tish davri o'smirlarda turli muammolar va o'zgarishlar yuzaga kelishi kuzatilgan. O'smirlardagi muammolarni yetarli darajada o'rganish uchun hozirgi kunda yetarlicha manbaa mavjud emas. Yozilgan asarlarning ma'lum qismi esa tarjima qilinmagan. O'ylaymizki, kelajakda o'smirlar psixalogiyasidagi muammolarni o'rganish uchun mukammal asarlar yaratiladi va,albatta, bu uchun biz yoshlar ham qo'ldan kelgancha harakat qilamiz.



**Kalit so'z:** o'tish davri, biologik omillar, jinsiy yetilish, ixtiyorsiz diqqat, ixtayoriy diqqat, maylliklar,kechinmalar.


O'qituvchi va tarbiyachi uchun bolalarning o'smirlik davri psixologiyasini bilish psixologik nuqtai nazaridan ham pedagogik nuqtai nazaridan ham muhimdir. Bu davrni biz yana o'tish davri ham deb ataymiz. O'smirlik davri asosan 11-15 yoshdagi bolalarni o'z ichiga qamrab oladi, ya'ni 5-8 sinf o'quvchilarini.O'smir o'quvchilarni ta'lim va tarbiya berish ishlarida uchraydigan ayrim qiyinchiliklar bu yoshdagi bolalarning psixik rivojlanishi va hususiyatlarini ba'zan yetarli darajada bilmaslikdan yoki inkor qilishdan kelib chiqadi.Kichik va katta yoshdagi maktab o'quvchilariga qaraganda, o'smirlik yoshidagi bolalarni tarbiyalashda juda ko'p

qiyinchiliklar bo'ladi. Chunki, kichik bolaning katta odamga aylanish jarayoni juda qiyin kechadi. Bu jarayon o'smirlar psixologiyasining odamlar bilan bo'lgan munosabat formalarining jiddiy ravishda o'zgarishi, hamda hayot sharoitining o'zgarishi bilan bog'liqdir. Bu davrda o'smirlarning o'z shaxsiy fikrlari paydo bo'ladi. Ularda o'z qadr-qimmatlari haqidagi tushunchalari kengayadi. Ilmiy psixologiyaning aniqlashi bo'yicha o'smirlarning psixik taraqqiyotini xarakatga keltiruvchi kuchlar, ularning faoliyatlari bilan tug'iladigan extiyojlar bilan bu extiyojlarni qondirish imkoniyatlari o'rtasidagi dialektik qarama-qarshiliklarni yuzaga kelishi va bartaraf qilinishidan iboratdir.Qarama-qarshiliklar ancha yuksak darajadagi psixik taraqqiyotini, ancha murakkab shakldagi faoliyat turlarini va shaxsning qator yangi psixologik hususiyatlarini tarkib toptirish orqali bartaraf qilishdan iboratdar. Shundan keyin psixik taraqqiyotning yuksakroq bosqichiga o'tiladi. Bolaning o'rta maktabda o'qishga o'tishi uning hayotida burilish davri hisoblanadi.O'smirlarning yangi ijtimoiy jixatdan tashkil topgan va rang-baranglantirilgan faoliyatni uning psixologik hamda shaxsning tarkib topishiga asos, sharoit va vosita xizmat qiladi.Shunday qilib, o'smirlarga ta'lim-tarbiya berishning yangi to'g'ri usullari hamda vositalarni topishi uchun o'smirlik yoshining o'ziga xos hususiyatlarini jismoniy va psixologik taraqqiyotini yaxshi bilishimiz kerak. O'smirlik yoshining mazmuniy xarakteritsikasi vaqt o'tishi bilan o'zgarib boradi, chunki inson xayotining xususan ijtimoiy sharoitlari o'zgaradi.

Psixologiya taraqqiyotining biologik omillariga o'smirlar ongiga og'ir, ba'zan kuchi yetmaydigan bo'lib tushadigan, ularni jiddiy psixik inqirozga va hayajonga soladigan, masalan: o'smirlar uchun xarakterli bo'lgan norozilik, qo'pollik, qaysarlik, o'z-o'zini analiz qilishga moyillik sub'ektiv olamga va shunga o'xshash hislatlarni keltiradigan jinsiy yetilishga nixoyatda katta axamiyat beradilar. Jinsiy etilish munosabati bilan paydo boladigan yangi sezgilar fikrlar,maylliklar,kechinmalar go'yo o'smirlar ongida hukmron bo'ladi.Ularning xulqi atvorini belgilaydi.Mana shu tariqa oqibat natijada o'smirlarning psixologik qiyofalari asosan yolg'iz sof biologik omil deb qaraladi. Kuzatishlar shuni korsatadiki, jinsiy yetilishning boshlanish davri o'g'il bolalarda 12-13 yoshda,qiz bolalarda 11-12 yoshda boshlanadi.Ko'pchilik o'g'il bolalar hozirgi vaqtda jinsiy yetilish 15-16 yoshda,qiz bolalarda 13-14 yoshlarda kuzatiladi.O'qituvchilar sinf rahbarlari datsavval shuni chuqur anglashlari lozimki,jinsiy yetilish organizmning jismoniy taraqqiyotiga ta'sir qilishdan ularning psixik rivojlanishiga ham katta ta'sir ko'rsatadi.O'smirlarda jinsiy yetilish bilan birga shu paytgacha ularga noma'lum bolgan qandaydir xislar,kechinmalar qarama-qarshi jinsga spetsifik qiziqish noma'lum mazmundagi kitoblarga qiziqishlarning paydo bo'lishi tabiiydir.

O'smirlik davrida nutqning rivojlanishi bir tomondan so'z boyligini oshishi hisobiga bo'lsa, ikkinchi tomondan tabiat va jamiyatdagi narsa voqea va hodisalarning mazmun mohiyatini anglashlari hisobiga bo'ladi. Bu davrda o'smir til yordamida atrof-borliqni aks ettirilishi bilan bir qatorda inson dunyoqarashini ham belgilab berish mumkinligini his qila boshlaydi. Aynan o'smirlik davridan boshlab, inson aynan nutq bilish jarayonlarining rivojlanishini belgilab berishini tushuna boshlaydi. O'smirni ko'pincha muomalada so'zlarni ishlatish qoidalari - "qanday qilib to'g'ri yozish kerak?", "qanday qilib yaxshiroq aytish mumkni?"

kabi savollar juda qiziqtiradi. O'smirlar maktabdagi o'qituvchilar, kattalar, ota-onalar nutqidagi kamchiliklarga kitob, gazeta,radio va telivideniya diktorlari xatolariga tez e'tibor beradilar. Bu holat o'smirning bir tomondan o'z nutqini nazorat qilishga o'rgatsa, ikkinchi tomondan kattalar ham nutq, qoidalari buzilishi mumkinligini bilishlariga va o'zida mavjud xatoliklarni birmuncha barham toptirishlariga olib keladi.

11-12 yoshdan boshlab o'smir endi mantiqiy fikrlashga xarakat qila boshlaydi. O'smir bu yoshda xuddi kattalar singari keng qamrovli taxlil etishni o'rgana boshlaydi. O'smir tafakkurning nazariy darajaga qanchalik tez ko'tarila olishi, o'quv materiallarini tez va chuqur egallashi uning intellektini xam rivojlanishini belgilab beradi. O'smirlik davri yuqori darajadagi intellektual faollik bilan farqlanadi. Bu faollik o'ta qiziquvchanlik xamda atrofdagilarga o'z layoqatlarini namoyish etish, shuningdek, ularni yuqori baxolay olish extiyojining mavjudligi bilan belgilanadi o'smirning kattalarga beradigan savollari mazmunli, muloxazali va aynan o'sha masala doirasida bo'ladi. O'smirlik davrida diqqat, xotira, tasavvur to'la mustaqillik kasb etib, endi ularni o'z ifodasiga ko'ra boshqara oladigan bo'ladi. Bu davrda qaysi yetakchi funksiya (diqqatni, xotirani yoki tassavvur ustunlik qilayotgani yaqqol namoyon bo'lib, xar bir o'smir o'zi uchun axamiyatliroq bo'lgan funktsiyani e'tiborga olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Ushbu funktsiyalarning rivojlanish xususiyatlarini ko'rib chiqamiz. Diqqat:Agar kichik maktab davrida ixtiyorsiz diqqat ustunlik qilsa, o'smirlik davrida bola o'z diqqatini o'zi boshqara oladi. Dars davomida intizomning buzilishi aksariyat xollarda o'quvchilar diqqatsizligidan emas, balki ijtimoiy sabablar bilan belgilanadi. O'smir o'z diqqatini to'la ravishda o'zi uchun axamiyatli bo'lgan va yuqori natajalarga erishishi mumkin bo'lgan faoliyatlarga qarata oladi. O'smirni diqqati yaxshi boshqariladigan va nazorat etiladigan darajada rivojlangan bo'lishi mumkin. Bolaning rivojlanayotgan ixtiyoriy diqqati o'qituvchi tomonidan doimo qo'llab-quvvatlanishi juda zarurdir. Pedagogik jarayonda ixtiyorsiz diqqatni ixtayoriy diqqat darajasiga ko'tarish uchun bir qancha uslublar ishlab chiqilgan, shuningdek, o'smirning dars jarayonida o'z tengdoshlari orasida o'zini ko'rsatashi uchun sharoitni yaratilishi xam o'smirdagi diqqatni ixtiyorsizlik ixtayoriga aylanishida zamin bo'lib xizmat qilishi mumkin. Lekin, o'smirlik davrida juda kattik charchash xolatlari xam bo'ladi, Aynan 13-14 xamda 16 yoshlarda charchash chizig'i keskin ko'tariladi. Bunday xolatlarda o'smir atrofdagi narsa va voqealarga to'liq diqqatini qarata olmaydi, diqqatini ko'rinishlariga o'smirlik erishish va yo'qotish bo'yicha to'la qarama-qarshi bo'lgan davr hisoblanadi.Taraqqiyotning bu tiklangan tipi o'smirni yangi yosh bosqichi katta maktab yoshiga o'tishga tayyorlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytamanki, o'smirlik yoshi kishi shaxsining tarkib topish jarayonida alohida o'rin totadi.Bu davr asosiy davr hisoblanadi.Chunki bu yoshda g'oyat muhim psixologik o'zgarishlar paydo boladi. Har xil psixologiya o'zgarishlar va shaxsning taraqqiyoti,eng avvalo, mana shu shaxsning faoliyat xarakteriga bog'liqdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. F.I.Xaydarov, N.I.Xalilova “ umumiy psixologiya” Toshkent 2019

2. E. G'oziyev " umumiy psixologiya" Toshkent "Universitet" 2002
3. Nishanova Z."O'smirlik davri psixodiagnostika va psixokorreksiya" Toshkent. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2010 yil.
4. Ivanov P.I. "Umumiy psixologiya" O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati. 2008 yil.


## MUVAFAQQIYOTGA ERISHISH SIRLARI


*Urinova G.Sh.*
*Buxoro Davlat tibbiyot instituti talabasi*



**Anatatsiya:** Pozitivni yo'qotmaslik siri o'z yutuqlarini doim yozib borishdir. Shunda siz naqadar kuchliligingizni, omadliligingizni ko'rib turasiz.Bu esa muvafaqqiyatga erishish uchun ilk qadam sanaladi.



**Kalitso'zlar:** uyquchanlik, dangasalik, qo'rquv, jahl, beparvolik, qat'iyatsizlik, yangilik yaratish


Daryoga tosh otsangiz, u suvning qayeriga va qanday tushganini bila olmaysiz. Juda nari borsa, suvning beti biroz jimirlaganini ko'rishingiz, balki oqim shovqinini ostidan kelgan zaifgina shaloplashni eshitishingiz mumkun.Tosh ko'lga otilsa natijasi ancha ko'rinarli bo'ladi.Sokin suvning tinchi buzilib ketadi.Otilgan tosh borib tushgan joydan to'lqinlanish boshlanadi, oynadek sokin ko'l yuzi jimirlab, mavj urib ketadi.To'lqinlar qirg'oqqa qadar yetib keladi va ancha vaqtgacha tinchlanish bo'lmaydi.Tosh daryoga otilsa, daryo bunga pinagini ham buzmay, o'zining bahalovat oqimida davom etaveradi.Lekin ko'lga otilgan tosh uni butkul o'zgartirishi mumkin.

-- Ha hayot shunday tartibga solingan.Biz har kuni oddiy tanlov qilamiz- baxtli bo'lish yoki baxtsiz bo'lishni, lekin ikkalasi ham teng kuch talab qiladi.Xuddi daryo bilan ko'lga otilgan tosh kabi.Ularni bir xil kuch bilan uloqtirasiz; ammo natijasi ayon. Muvafaqqiyatga erishish uchun ham shunaqa harakat qilamiz. Shu bois kuchimizni to'g'ri yo'naltirishimiz kerak.

Yodingizda tuting, nimaga ahamiyat berishni, nimaga esa bermaslikni faqatgina o'zingiz tanlaysiz. Hayotingizdagi barcha narsalar siz ularga berayotgan ahamiyat darajasiga ega. Faqat boshlamoqchi bo'lgan odamlar hech qachon boshlamaydi! Shunday ekan so'zlardan amallarga o'tish vaqti keldi.Keling endi siz bilan muvafaqqiyatga erishish uchun qanday amallar bajarishimizni ko'rib chiqamiz.

- Agar siz muvafaqqiyat qozonishni istasangiz, oltita yomon illatlardan qoching;

1. uyquchanlik
2. dangasalik
3. qo'rquv
4. jahl
5. beparvolik
6. qat'iyatsizlik

- Nima orzu qilganingizdan qat'iy nazar, u ustida ishlashni boshlang! Shundan so'ng sizning hayotingizda haqiqiy mo'jizalar ro'y berishni boshlaydi.
- Hech qachon tuxtamang! Harakat sari barakat!
- Har qanday o'zgarishning siri shundaki, kuchni yangilik yaratishga yo'naltirish lozim! Eskisi bilan kurashishga emas! Har kuningiz kechagisidan yaxshiroq o'tishi faqat sizning qo'lingizda!
- Hech bir daqiqa behudaga ketmasligini taminlang. Qariganda yoshligingizni behuda sarflaganingiz uchun o'zingizni tanqid qilmaslik uchun hozirgi vaqtdan foydalaning!
- Hech qachon taslim bo'lmang. Ishoning hamisha yo'l topiladi.Topolmayotgan bo'lsangiz o'sha yo'lni o'zingiz quring. Borliqdagi go'zallikni, imkoniyatlarni, baxtni ko'ra oling.
- Fikrlar sizdan kelib chiqadigan energiyani o'zgartirishi mumkin. O'zingizga yordam berish uchun ijobiy fikrlang. Bunday fikrlar sizni baxtli va samarali hayotga olib boradi.
- O'zingizga bo'lgan ishonchingizni buzishga harakat qilayotganlardan saqlaning! Bu belgi kichik odamlarga xosdir. Buyuk odamlar esa, aksincha, sizni ham buyuk bo'lishingiz bilan ilhomlantiradi.
- Orzularni yarim yo'lda tashlab ketishdan yomoni yo'q! Barcha qilingan niyat va qo'yilgan maqsadlarga har kuni kichik qadamlar bilan olg'a intiling. Bugun mo'ljallagan ishlarni ham albatta amalga oshiring.
- Boshqalardan o'zgarishlarni kutish va va talab qilishning ma'nosi yo'q. Siz o'zingiz uchun va o'zingiz bilan bog'liq holda o'zgarishingiz kerak!
- Agar sizning hayotingizda yomg'ir yog'ayotgan bo'lsa, ushbu yomg'ir tufayli gullaydigan gullarga e'tibor bering.
- Tanqiddan qochadigan odamlar hech qachon o'zgarmaydilar va yaxshiroq bo'lishga intilmaydilar.Siz ular safida emassiz, doimo oz ustingizda ishlang va yanada yaxshilashing!
- Eslab qolinki, 20 yil o'tgach, siz qilgan narsalaringizdan ko'ra ko'proq qilmaganlaringizdan xafa bo'lasiz! Oldinga qarab yana, yana va yana harakat qilishdan hech qachon tuxtamang!

Muvaffaqiyat bu o'zingiz bilgan va qila oladigan narsalardan maksimal darajada foydalanish natijasidir. Shunday ekan, biladigan va qo'llaydigan narsalarimizni ro'yhatini oshirib boraylik. Chunki, har bir yangi kun- bu hayotimizni o'zgartirishimiz uchun navbatdagi imkoniyat.Toki odam taslim bo'lmaguncha u o'z taqdiridan ustundir! Doim hayotingizda bo'layotgan voqealar faqat va faqat sizga bog'liq ekanligini unutmang! Hech narsa imkonsiz emas va hamma tomondan yo'llar bor. Agar sizning xohishingiz yetarli bo'lsa, unda har doim imkon topiladi! Ze'ro intilganga tole yor.

Muvaffaqiyatli bo'lish uchun albatta qiyinchilikdan o'tish shart emas, ammo aynan shunday bo'lsa, siz muvaffaqiyatning qanchalik yoqimli ekanligini bilasiz!

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**
1. Jek London// Hayotga muhabbat// Hikoya.
2. O'lmas Umarbekov// Odam bo'lish qiyin.
3. Robin Sharma// Muvaffaqiyatning 200 siri.

## СОЦИАЛЬНЫЙ ПОРТРЕТ СОВРЕМЕННОЙ ЖЕНЩИНЫ-ЛИДЕРА

*Шарафатдинова А.*
*студентка НГПИ им. Ажинияза*
*Урумбаева А.*
*доцент НГПИ им. Ажинияза*

Как известно, за последние несколько лет в Узбекистане произошли кардинальные изменения во всех сферах жизни. Эти реформы затронули все стороны жизнедеятельности человека. Узбекистан твёрдо встал на путь построения правового демократического государства с социально ориентированной экономикой. Вступив на путь развития новых рыночных отношений и демократических ценностей, страна развивает структуру экономики, совершенно отличную от существовавшей ранее, которая теперь реализует социальную мобильность трудовых ресурсов, профессиональную подвижность граждан. Новые экономические отношения в обществе уничтожили прежние статусные разделения и способствовали появлению множества классов и социальных групп, от деятельности которых зависит развитие социально-экономической жизни общества.

Социальная структура современного общества также претерпела изменения, хотя ещё недостаточно сформирована как устойчивое явление. Недавно появившиеся слои общества, среди которых - слой управленцев, в том числе и женщин, чётко не определились и вызывают естественный исследовательский интерес. Особое место в этой группе занимает социальная страта женщин-лидеров, которая в экономических системах Запада является неотъемлемой частью системы развития экономики.

Хотя в нашей стране женщины-лидеры ещё не обрели такого статуса как в развитых странах, всё-же они составляют значительную часть общества и трудового потенциала республики. Рыночные реформы открывают перед ними большие возможности для реализации своих талантов и способностей, чему всемерно способствуют механизмы государственного регулирования всестороннего развития женщин в Узбекистане. Степень градации человеческого измерения, устойчивости развития общества, цивилизованности страны, наше государство определяет по такому качественному показателю как отношение к женщине.

Актуальность темы исследования состоит в том, что женщины-лидеры, несмотря на своё недавнее обособление в социальной структуре, представляют наиболее активную и мобильную часть экономики и требуют особого внимания и заботы государства, а также своевременного

рассмотрения и решения их специфических проблем научно обоснованными методами. Проблема женского лидерства в Узбекистане имеет значение не только потому, что её решение даёт возможность развиваться женщинам и быть социально активными. Поскольку эта проблема неизбежно касается всего общества, она может рассматриваться как одно из важнейших условий человеческого развития, демократизации общества.

Проблемы в области положения женщин, занятость женщин, политическое и экономическое представительство и их участие в демократизации общества, требуют к себе всё большего внимания. В результате преобразований в нашей республике стали актуальными проблемы свободной реализации человека в современных условиях, особенно женщины. За последние годы изменился статус женщины, стало больше внимания уделяться женскому вопросу. Тем не менее, остаются стереотипы, традиционное отношение к женщине, процесс изменения отношения к женщине проходит медленно, равноправие мужчин и женщин хотя и декларируется законом, на практике не всегда имеет своё реальное воплощение.

Женщины-лидеры – это новое явление в структуре современного общества с восточным менталитетом. Особенности развития женского управления в условиях переходного периода, окружающая среда с её традиционализмом, обычаями является ведущим фактором, определяющим развитие деятельности женщин, как лидеров. Поэтому существующие в данном обществе определённые стереотипы заметно мешают развитию и продвижению женщин, особенно молодых, детерменируя их поведение.

Необходимо отметить, что статус женщины-лидера является основным фактором развития не только предпринимательской деятельности, но и общества в целом. Однако в нашем обществе до сих пор наблюдаются элементы традиционализма, гендерные стереотипы, характеризующиеся некоторой консервативностью в массовом сознании людей, которые вообще мало склонны воспринимать коренные новшества. Хотя Законодательство республики Узбекистан гарантирует женщинам и мужчинам равные права и возможности для реализации своего потенциала, на практике немногие женщины их реализуют и ими пользуются.

В соответствии с вышеизложенным, была поставлена **цель** исследования и вытекающие из неё задачи: построение социального портрета женщины-лидера на основе научного анализа её статуса, предпочтений и мотиваций в сфере деятельности, а также личностных качеств, способствующих её профессиональному становлению.

**Объектом** исследования явились женщины-лидеры, в возрасте 27-60 лет города Нукуса. Эта возрастная группа по предварительно проведённой оценке считается самой оптимальной для организации своего дела, наиболее оптимальным возрастом для женщины является средний возраст, объясняется это наличием опыта, знаний, и уже сложившейся системой ценностей, убеждений, мировоззрений, а также сложившимися семейными

отношениями. **Предметом** исследования стало выявление качественных характеристик женщин-лидеров.

Таким образом, в ходе нашего исследования были проведены множественные наблюдения, беседы и интервью. Были рассмотрены женщины-лидеры, занятые в следующих отраслях общественной жизни: научно-управленческая, финансовая, педагогическая деятельности, здравоохранение и сфера услуг.

На основе проведённых интервью, мы смогли сделать следующий вывод, что женщины-лидеры становятся таковыми по разным причинам, как например:

- чувство неудовлетворённости своей жизнью;
- наличие собственных идей и невозможности их реализовать на работе;
- неудовлетворённость условиями труда;
- достижение определённого возраста и недовольство достигнутым;
- необходимость заботы о детях, и ухудшение материального положения, вследствие острых социальных потрясений, сопровождающееся безработицей;
- постоянное желание ощутить новизну, исследовательский интерес.

Исходя из причин, мы разделили женщин-лидеров на *3 группы*. Критерием выделения этих групп выступала установка, с которой женщины занимали лидирующие позиции.

*Первая группа женщин-лидеров - это «прирождённые лидеры»*, которые всю жизнь, нося идеи внутри себя, обдумывают их реализацию, и в подходящий момент реализуют их. Постоянный интерес к этой сфере деятельности, так называемый «дух лидерства» именно так можно охарактеризовать эту группу женщин. Они приходят в бизнес, в управление с глубокой убеждённостью успеха.

*Вторая группа - так называемые, «Случайные лидеры»,* в неё входят женщины, которые образовали свои принципы, руководствуясь не своими глубокими убеждениями, а это происходит случайно. Такие женщины срочно принимают решение о начале управленческой деятельности, либо их кто-то или что-то подталкивает, то есть определенные обстоятельства складываются так, что начала управленческой деятельности дает решение по конкретной проблеме. В исследовании пример можно привести на примере женщины, которая открыла своё дело по подобию родственника, опираясь на его опыт, знания, поддержку.

*Третий тип женщин - это «лидеры поневоле»*. Решение стать управленцем возникло в силу неблагоприятных обстоятельств, одной из причин такого поведения - это угроза безработицы, или реальная безработица. Так как женщина ещё к тому же является и матерью, то естественно здесь может действовать её материнский инстинкт. Конечно, можно предположить, что таких женщин меньшинство, потому что, терпящие финансовый крах, не имеют возможности вкладывать финансы в свое дело, в силу сложившегося положения. В одном из случаев, который

подвергался анализу, женщина относится к промежуточному типу, потому что одним из обстоятельств, подтолкнувших её встать на путь лидерства – это внезапно сложившееся материальное положение супруга, а также своё постоянное желание заняться какой-либо деятельностью и неуёмная энергия этой женщины.

Одним из плюсов управленческой деятельности женщины называют возможность реализоваться, то есть реализация очень важна для каждого человека, также плюсом является, материальная независимость женщины, от мужчины, но при этом намечается тенденция к сохранению роли хранительницы семейного очага, матери, хозяйки, потому что женщины могут удачно сочетать свой бизнес с домом.

Взаимоотношения с партнёрами складываются у всех по-разному. По мнению респондентов, государственные органы не всегда являются защитниками интересов женщин-предпринимателей. Далеко не всегда благополучно складываются отношения и с партнерами по бизнесу, партнеры-мужчины предпочитают иметь дело более с мужчинами, менее чем с женщинами. Тем не менее, по мнению самих женщин, их деятельность намного честнее, и договорные обязательства, взятые на себя, выполняются в срок и точно.

На вопрос о помехах, и препятствиях были получены ответы, которые можно разделить на две группы. В первую группу входят социально-политические факторы, психологические препятствия. Женщина практически всегда сталкивается почти со всеми препятствиями, к социально-экономическим относится обстановка в стране, отсутствие уверенности в завтрашнем дне, боязнь вкладывать материальные средства, отсутствие поддержки со стороны государства, налоговый прессинг, несовершенство законодательной базы. К психологическим препятствиям относится недостаток пробивных качеств, жесткости.

В структуре жизненных ценностей женщин-лидеров доминируют два: материнство и самореализация. Жизненный успех и благополучие детей являются главной ценностью. Такие ценности как независимость и свобода также занимают не последнее место в системе ценностей женщины-лидера. В числе других наиболее часто упоминаются ценности, как материальный достаток, возможность обеспечивать детей и семью.

Изменения в жизни женщины, которые произошли со времени открытия дела - это в основном, обретение независимости, возможность реализовать свои способности, постоянное общение и развитие. То есть можно сделать вывод, что каждая женщина открывая своё дело, обретает новые возможности для реализации, как своего интеллектуального потенциала, так и обретения независимости.

Одним из омрачающих обстоятельств, которое назвала одна из наших респонденток, было отсутствие свободного времени.

Таким образом, мы пришли к следующему заключению: Женщины-лидеры - это особый социальный слой, носители либеральных ценностей, повышенной потребности к самореализации, творческой самоотдаче. Такой

тип женщин является востребованным во всех сферах жизнедеятельности общества. Присущие женщине-лидеру качества и ценности присущи не всем женщинам. Лишь небольшая часть женщин может сказать, что она лидер. Однако со временем в нашей стране эти качества будут всё более проявляться в женщинах. Ведь не случайно, в США каждое второе предприятие, а в Германии - каждое третье возглавляет женщина.

## UVAYSIY G'AZALLARIDA AYOL QALBI RUHIYATINING AKS ETISHI

*Usarova Z.U.*
*Asaka tuman 36-maktab o'qituvchisi*

O'tmishda o'zbek ayollari insoniy huquqlardan mahrum etilgan holda umr bo'yi tutqunlikda yashagan bo'lishlariga qaramay jamiyat taraqqiyotiga munosib hissa qo'shdilar, shuningdek, adabiyot va san'at xazinasini ajoyib durdonalar bilan boyitdilar. Shulardan biri ko'pgina iste'dodli o'zbek shoiralarining ustozi, ayollar qalbi, ruhiyati, ichki kechinmalarini kuchli dard bilan kuylay olgan Jahon Otin Uvaysiydir.

Shoiraning she'rlarini, g'azallarini o'qir ekanmiz, undagi tabiiy krchinmalar, dilbar tuyg'ular bugungi zamon ayollarining qalbini ham eng nozik nuqtalarigacha yetib borgani hech shubhasizdir. Uvaysiy lirikasidagi dardni tushunish uchun eng avvalo uning hayot yo'liga nazar tashlashimiz zarur.

Hozirgacha bu talantli o'zbek shoirasi haqida nir qancha ilmiy asar va maqolalar yozilib, matbuotda nashr etilgan. Shunisi ham borki, adabiyotshunoslarimiz tarixiy manbalarda shoiraning hayoti va ijodiga oid ma'lumotlar kamligidan, o'zlari eshitgan, bilgan har xil hikoya va rivoyatlarni ommalashtirishga harakat qilmoqdalar.

Yangi ma'lumotlarga ko'ra,Uvaysiy 1779-1780 yillarda M arg'ilon shahrining Childuxtaron mahallasida tug'ilgan. Uning otasi Qaynar Devona yoki Devona qalandar deb yuritilgan. Onasining nomi esa Chinnibibi edi. Ularning Uvaysiydan katta Ohunjon hofiz degan o'gli ham bo'lgan. U to'quvchi kosib bo'lib, o'zbek va tojik tillarida she'rlar yozgan. Uning nomini saroy shoirlaridan Fazliy ham "Majmuat ush-shuaro"da eslatib o'tadi.

Zamon odatiga ko'ra ayollarga madrasada o'qish man qilinganligi uchun Jahonbibi ota-onasi va akasining ko'magida xususiy mutolaaga beriladi, ozbek, tojik klassiklari, ayniqsa Jomiy, Navoiy, Bedil, Fuzuliy asarlarini sevib o'qib, ulardan o'rganadi. Uvaysiy taxallusi bilan she'rlar mashq qila boshlaydi. U aruz vaznini hamda u bilan bog'langan muammo aytish san'atini mukammal egallaydi.

Uvaysiyning ijodiy ishi qaysi yillarda boshlanganligi ma'lum emas. Ammo u kuyovga chiqquncha shoira, otincha sifatida anchgina tanilib bo'lgan edi. Onasi Chinnibibi o'qitadigan qizlar maktabida avval xalfalikqilgan, keyinchalik uning o'zi mustaqil ravishda qizlarni o'qita boshlagan.

Shoirani 16-17 yoshlarida marg'ilonlik Hojixon ismli kishiga uzatadilar. Uvaysiy Quyoshxon, muhammadxon ismli o'g'il -qizning onasi bo'ladi. Uro'zg'or egasi bo'lganda ham adabiy mutolaa, ijodiy ishini davom ettira bergan.

Uvaysiy o'g'lining Qashqarga,urush ketib u yerda halok bo'lishi, qizining ham vafot etishi shoiraning ijodiga qattiq ta'sir ko'rsatadi.

Bo'ldi nozik badanim, jismima jo hijroning,
Shah edim, vaslingga qildi gado hijroning
Sarv yo tubi kabi erdi saning davringda.
Qomatim, vah netayin, qildi duto hijroning

She'ridagi kishini qattiq iztirobga soluvchi dard, uning hayotda juda ko'p qiynalganini ko'rsatadi. Yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek o'g'lining firog'I va qizining turmushi yaxshi kechmaganligi va qizining ham bevaqtv vafoti shoirani esankiratib qo'yadi. U o'zini yolg'iz seza boshlaydi. Yaxshiyamki qizining farzandi uni birdan bir suyanchi bo'la oladi.

Meni dardu g'amim bilmakka
Bo'lg'aymu kishi hamdan
Nadimumdur satam birla alam,
Vahkim, ishimdur g'am

She'ridagi ruhiy tushkunlik uning qanday ahvolda ekanligini anglatib turadi. Lekin dard va hijron uni hech qacon tark etmaydi. Ayol qalbining goh sokin kechinmalari, goh buloqdek qaynagan tuyg'ulari uni tarix, adabiyot sohibalariga "matonat" haykali kabi muhrladi.

Uvaysiy o'sha davr ayollar ruhiy kechinmalarini, orzu-intilishlarini o'z asarlarida yoritadi. Uning "Anor" chistoniga e'tiborimizni qaratsak, unda anor detail orqali ayollarga ishora qilinadi. Ayollarni paranji ichida, qalb nolalarini, anorni ichidagi qizil qon kabi donalariga qiyoslaydi.

Xulosa qilish mumkinki o'sha davr ayollar ruhiyati siniq, erki toptalganligini ko'z oldimizga keltiramiz.

Uvaysiy hayoti va ijodiy faoliyatining eng yorqin kumlari Nodirabegimning ko'rsatgan huurmati va iltifoti sabab Umarxon saroyida bo'lib o'tadi. Saroydagi adabiy muhit shoiraning iste'dodini namoyish qila olishini ta'minlagan.Amir Umarxon vafotidan so'ng esa Nodirabegimboshiga tushgan kulfatlar Uvaysiyning ham qora kunlariga aylandi.Uvaysiy qismatidagi "qora kunlar" dan biri Buxoro amiri Nasrulloning Qo'qonni bosib olishi bilan bogliqdir. Mudhish zarbalardan ezilgan Uvaysiy Marg'ilonga qaytadi va taxminan 1850- yilda vafot etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Uvaysiy. Ko'ngil gulzori.-T.,1983
2. Uvaysiy.Devon.-T., 1963
3. E. Ibrohimova Uvaysiy- T.,1963
4.T.Jalolov. O'zbek shoiralari.-T.,1970

# ИЗУЧЕНИЕ МОДЕЛИ ПСИХИЧЕСКОГО В ПОДРОСТКОВОМ И ЮНОШЕСКОМ ВОЗРАСТЕ

*Усманов Т.Б.*
*Национальный университет Узбекистана*

Проблематика модели психического в современной психологической науке разрабатывается в контексте изучения когнитивного развития и его нарушений, социального познания и психологической практики. Изучение модели психического представляет собой несомненную актуальность в связи с тем, что ее понимание является важным ресурсом для установления эффективного контакта с клиентом, планирования и реализации психологического индивидуального и группового консультирования. Несомненно, на данный момент изучение данной концепции представляет собой интерес для социальной психологии, в которой активно изучаются механизмы взаимодействия людей между собой.

Анализ психологической литературы показывает, что исследования модели психического связаны с поиском ответов на вопросы об ее особенностях и компонентах, о сложностях их выявления.

Модель психического (Theory of Mind) – концепция, в которой объясняется понимание человеком психических (внутренних) состояний как своих, так и других [4]. Когда происходит взаимодействие человека с окружающими его людьми, модель психического играет очень важную роль, так как человеку постоянно необходимо узнавать о внутренних состояниях тех, с кем он взаимодействует, для эффективной и продуктивной интерактивности с ними, для полного их понимания. Как подчеркивает российский ученый А.И.Мелёхин: «Способность осознанно и неосознанно понимать собственные психические состояния и состояния Другого, чтобы объяснить или предсказать поведение, построить эффективное социальное взаимодействие, не стать жертвой мошенников, называется моделью психического» [3, с.26].

Фарҳод бу ўринларда ўзининг тинч меҳнати билан боғлиқ чинакам қаҳрамонлик кўрсатади. Бутун халқ бир неча йилда ҳам бажара олмайдиган ишларни бир неча кунда, бир ўзи бажаради ва шу йўл билан Шириннинг муҳаббатига сазовор бўлади. Фарҳод гўзал Ширинни зўрлик билан ўз чангалига киритмоқчи бўлган эрон шоҳи Хисравга қарши, севгилиси юртини ҳимоя қилиб, мардларча кураш олиб боради. Фарҳод ва Ширин ёвузликнинг, турли ҳийла ва найрангларнинг, адолатсизлик ва жаҳолатнинг қурбони бўладилар. Фарҳод ўзининг шоҳ фарзанди бўлишидан қатъий назар, аввало, инсон эканлиги сабабли меҳнатга меҳр қўяди, ночор кишиларга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билади.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида одамзотнинг энг кечирилмас хатоси – инсон дардини арзимас ганж (олтин)дан паст деб ҳисоблашида киши ўзини ўзи ҳалокатга дучор қилишида деб билади.

Шоир ўзининг «Маҳбуб ул қулуб» асарида илм, ҳунар, одоб, ахлоқ, юртсеварлик, мардлик, ростгўйлик каби фазилатларни улуғлайди. Ёлғончилик, баднафслик, қўрқоқлик, хиёнат каби қусурларни қоралайди[1].

Аччиқ тиллик ҳам энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида Навоий шундай ёзади: «Аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгулда битмас жароҳат барпо этади, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди». Шунинг учун у кишиларни очиқ чеҳрали бўлишга даъват этади. Навоий бутун ҳаёти давомида илм-маърифатни тарғиб этди. Унинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» каби доно ўгитлари халқимизнинг ҳикматли сўзларига айланиб қолган.

Алишер Навоий ўз фаолиятида ҳар бир кишини ўзига дўст деб билади. Унинг бизга қолдирган бой мероси асрлар давомида инсониятни меҳр-оқибат манзиллари томон бошлаб, инсонпарварлик ғояларини юқори чўққига кўтариб келмоқда. Шундай экан, келажак авлодимиз ҳам Навоийдек инсонпарвар улуғ зотнинг авлодлари эканлигини англаб ўсиши ва у каби бўлишга интилишига эришайлик.

---

[1] Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр. 1999.

Хуллас, бошланғич таълим мактабларининг дастурлари мазмунига аниқ йўналишлар киритилиши лозим. Ўқитувчилар Алломаларимиз ижоди ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, мазмун, шакл ва методлар бирлигини таъминлаш ҳамда ўқувчи шахсини камол топтиришда «Мактаб дарсликларида» дастуридан ўқувчиларни психик тарбиялашда кенг фойдаланишлари лозим. Бошланғич синф ўқувчиларига ўргатилаётган психологик таълим тизими аксарият холларда таълим фаолиятига жалб қилинган хар бир ўқувчининг ўзига ҳос бетакрор олами, индивидуал психологик хусусиятлари, имкониятлари ва иқтидор куртакларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосида самарали таълим-тарбия усулларини қўллаш учун шахс ва фаолият уйғунлигини таъминлашга ҳизмат қилувчи келажаги буюк Ўзбекистон истиқболига хос ижтимоий қимматли замин ҳозирлаб бериш билан алоҳида аҳамият касб этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр. 1999.

*2.* Jumanazarova G. ”Бошланғич таълимда алломаларимиз ижодини ўргатишни такомиллаштириш ва унинг аҳамияти” *ф.ф.д., доц. Жуманазарова (ЖДПИ).*

3. “Психологик хизмат ва шахс тараққиёти”. Ш.Баратов., Г.Эрматова. ).-Т.:Халқ таълими илмий методик журнал. 2012й.


## ТУРИЗМДА МАРКЕТИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ


*Усмонова Х.Э.*

*Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи психологи*


Туризмни тўғри ташкил қилиш ва ривожлантириш учун маркетинг психологиясини ўрни тўғрисида мулоҳаза юритар эканман, туризм соҳаси нималардан бошланиши тўғрисида маълумотлар қидира бошладим.

Агар тур агентликни ёки туристик зонани – корхона, туристни – истеъмолчи деб қарасак, уларни алоҳида ва узвий боғланган ҳолда куриб чиқиш керак. Истеъмолчи ҳаракати 2 моделга истеъмолчининг ўз талабларини қондиришга йўналганлиги ва ўз ҳаётидаги ҳохиш-истакларини қондиришга интилишга ажратилади. Истеъмолчининг ҳаракатлари унинг истаклари билан белгиланади. Истеъмолчининг ҳаракатлари бир неча психологик принципларга асoслананади: гештальт, “айсберг”, динамик, образ ва белгилар принциплари. Истеъмолчининг ҳаракатларига жамият, психологик ва бошқа установкалар, стереотиплар, ҳаракатлар шаблонлари ўз таъсирини кўрсатади. Корхона эса истеъмолчини талабини ва истагини қондириш учун махсулот таклиф қила олиши ва оқибатда даромадини

ўсишига олиб келиши лозим. Корхонани бошқаришга маркетинг бўйича ёндашишда асосий шиор: “Ишлаб чиқарилганни сотиш эмас, балки сотиладиган нарсани ишлаб чиқариш”дан иборат.

Туризм муҳим хусусиятлари бўйича хўжалик фаолиятининг бошқа шаклларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Шунинг учун замонавий маркетингнингҳамма мавжуд хусусиятлари туризмда ҳам тўлиқ қўлланилишимумкин.Бир пайтнинг ўзида туризмнинг нафақат маҳсулотлар савдоси, балки хизмат кўрсатиш савдосининг бошқа шаклларидан фарқ қилувчи хусусиятимавжуд. Бу ерда савдо ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам маҳсулот сифатида ўринтутади (мутахассислар фикрича, туризмда хизмат кўрсатиш 75%ни,маҳсулотлар 25% ни ташкил этади), шунингдек, уларнинг ишлаб чиқаришдатуристик хизмат ва маҳсулот истеъмоли муҳим аҳамият касб этади.Тор маънодаги туристик, маҳсулот, туристиксаноатнинг аниқ йўналишда хизмат кўрсатишидир, яъни туристларга битта“пакет”да сотиладиган стандартлашган хизматлар тўплами. Хориждастандартлашган тўпламлар ёки хизматлар пакети асосида сотиладиган туристиксаёҳатлар кўп ҳолларда “пэкиж-тур” деб аталади. Булар кўплаб туристикфирмалар фаолиятининг асосий мазмуни ҳисобланади. Шуни инобатга олишлозимки, пэкиж-турларга бўлган талаб даражаси турли мамлакатларда турлича.Пэкиж-турдан асосан Белгия, Германия, Нидерландия, Буюк Британия ваДанияда фойдаланилади, уларнинг улуши барча саёҳатларнинг 38%иниташкил қилади. Греция, Испания, Италияда пэкиж-турга бўлган талаб даражасипаст, яъни улар 30% дан ошмайди.Туристик маҳсулотнинг бу ўзига хос хусусиятлари туризм маркетингигакатта таъсир ўтказади. Маркетингнинг умуман ягона таърифи мавжуд эмас.Демак, жаҳон туризм ташкилоти (БТТ) томонидан “турист” тушунчасигаберилган таърифдан келиб чиқиб, француз мутахассислари Р. Ланкар ва Р.Оллье туристик маркетингни: бу - “Белгиланган вазифаларни ечиш ва таҳлилқилишдаги тадқиқотлар учун ишлаб чиқилган асосий усул ва йўналишларсериясидир”, деб изохлайдилар. Муҳими, бу усул ва йўл-йўриқлар бир мақсадгайўналтирилган бўлиши лозим, психологик ва ижтимоий омиллар нуқтаи назарибилан кишилар талабини тўла қондиришга имкониятлар яратиб бериш,шунингдек, молиявий жиҳатдан туристик ташкилотлар билан фаолият олибборишда мақсадга мувофиқ усулларини аниқлаш бу ерда туристик хизматдагинамоён бўлган ва яширин талабларни инобатга олиш зарур. Бу турдагиталаблар ёки дам олиш мотивлари билан (таътил, соғлиқ, ўқиш, дин ва спорт)ёки тадбиркорлар гуруҳи, оила, турли хил иттифоқда тез-тез учраб турадиганмотивлар билан аниқланиши мумкин.

Туризмда маркетинг таклиф қилинаётган хизматларнинг бошқа хизматларбилан узлуксиз келишуви тизими демакдир. Бу ерда бозордаги талабданфойдаланилади ва туристик корхона бошқа рақобатчиларга нисбатан янадасамаралироқ ва ўзи учун фойда билан хизматни таклиф қилишга лойиқ бўлади.Агар туристик фирма маълум бир муддатда бозорга “Х” хизмати талаб қилса, уҳам ўша муддатда “У” хизматини бошқалар қатори таклиф қилишимумкинлиги тушуниб турилса, бундан яхши натижа

чиқмайди. Шунингдек,агар фирма бозорни эътиборсиз қолдириб, фирма “X” хизмати таклифига ўтиболса-ю, бу даврда бозор “Z” хизматига ўтган бўлса, бундан ҳам яхши натижакутиб бўлмайди. Бунинг сири фирманинг ички фаолиятини ташқариданолинадиган маълумотлар билан мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Букелишувга эришиш учун маркетингнинг барча воситалари ва вазифалариданфойдаланишни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш зарурлигини англатади.

Бугунги кунда Жаннатмакон юртимизнинг туризм соҳасидаги ўзгаришлар маркетинг тизими тадбиқ қилинаётгани натижаси деб ҳисобласак, нега туризм соҳаси кутилган натижада ривожланмаяпти? Ахир Ўзбекистонимизда туризм соҳаси учун барча ресурслар етарли даражада эмасми? Балки етарли даражада туризм имкониятлари кўрсатилмаётгандир... Ҳа, махсулотни танитиш учун реклама қилиняпти, лекин реклама қилишни ўта муҳимлигини ошириш натижасида, асл мақсаддан йироқлашиш кузатилаётгандир. Бугунги кунда телевидения энг самарали реклама воситаси ҳисобланса ҳам, рекламани оддийроқ шаклини танлаган маъқулдир. Чет эл туристи Ўзбекистонга келиб қадимий иншаотлар, бинолар ва қурилмалар ёнида бемалол фотосуратга туша олишига тўлиқ рухсат берилиши ва интернет тармоқларини барча ҳудудларда тезкор ишлаши чет эл туристининг яқин қариндошларига тез, қулай ва арзон туристик ҳудуднинг реклама қилинишига олиб келади. Инсоният орасида “селфимания” тарқалаётган ва вертуализация турмуш тарзимизга аллақачон кириб келган даврда, камчиликни имкониятга айлантириш мумкин деб ҳисоблайман.Оддий чет эл фуқароси Ўзбекистон тўғрисида ижтимоий тармоқлардан фотосурат вамаълумот олгунича, унинг яқин қариндошлари “салом” билан туристик жойнинг ўзида туриб рекламани амалга оширади.Бундай реклама ҳали туристга айланмаган истеъмолчи учун шубҳасиз ишочли ва ҳавфсиз. Янги ва ўрганилмаган жой қанчалик инсонга мавҳум бўлса, бунда яқин инсонининг фотосуратлари ўрганилмаган жойга ишончни уйғотади. Ишноч эса хавфни четлаштиради, яъни мамлакатимиз хавфсиз регион сифатида истеъмолчи томонидан қабул қилинади.

Ҳулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг географик жойлашуви, тарихий анъаналари, қадриятлари ва урф-одатларининг имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон туризм соҳасининг ривожланишида психологик ҳизматни ташкил этиш бугунги кун талаби деб ҳисоблайман.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1.ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармон, Тошкент 2016 йил 2 декабрь, Ш.Мирзиёев. Манбаа:ww.lex.uz

2. “Туризм соҳасида қўшимча имтиёзлар яратилди” таҳлиилий мақола.2016 йил 6 декабрь. Манбаа www.kun.uz

3. Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори ўқув қўлланма, Т.: ТДИУ, 2006.

4. Котлер Ф..Боуэн Д. Джейм М. – Маркетинг, гостеприимство, туризм. ЮНИТИ, 2006г.
5.Ф.Қ. Камилова. Халқаро туризм маркетинги: Ўқув қўлланма. - Т.:ТДИУ, 2007. - 127 б.
6. www.travel.ru
7. www.Palomnik.Ru
8. www.Uzland.Uz
9.https://spravochnick.ru/marketing/psihologiya_marketinga/.

## ONA TILI VA ADABIYOT FANLARINI O’QITISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI

*Utemuratova Z.Q., Utemuratova J.Q., Dawletnazarova S.T.*
*Qoraqalpog’iston Respublikasi, Nukus tumani 29-o’rta maktab*

***Annotatsiya:*** Jamiyatimizda til va adabiyotni o’rnini mustahkamlash va bu bilan bir qatorda kamchiliklarga barham berish. Muammoli vaziyatlarning oldini olish va tahlil qilish.
***Kalit so’z:*** ona tili, tilshunos, darslik, ta’lim, o’qituvchi, mutaxassis

Ijodiy tafakkur sohibi, ya’ni, o’sayotgan, rivojlanayotgan va taraqqiyot sari yuz tutayotgan mamlakatimiz uchun zarur bo’lgan, ijodkor shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazish ona tili ta’limi oldida turgan eng dolzarb vazifa hisoblanadi. Inson dunyoga kelganda ilk eshitadigan shirin kuyi-bu alladir. Inson bolaligidan ona tilida eshitgan shirin allasi orqali tiliga mehr uyg’onadi.

Yosh avlodning eng avvalo, ona tiliga mehrni, chuqur bilimni singdirish ona tili va adabiyot fani o’qituvchilarining oldida turgan eng muhim vazifalaridan biridir.

Tilshunos olimlar ona tili qurilishining o‘ziga xos xususiyatini ilmiy jihatdan o‘rganib adabiy til birliklarini me’yorlashtiradi. Bunday birliklarning lisoniy-nutqiy xususiyati muayyan mavzularga bo‘linib, darslikda qoida va mashq sifatida o‘z ifodasini topadi. Mashqdan maqsad o‘quvchining yozma va og‘zaki nutqini o‘stirish bo‘lganligidan darslikda har bir qoidaga oid o‘nlab mashq beriladi. Masalaning nozik jihati ham bor. Hozirgi o‘zbek adabiy tili XX asrda mustabid tuzum davrida shakllantirilganligi bois tilshunos olimlar ko‘p holda hukmron tilga xos qolip va andozalarga asoslanishga majbur bo‘lgan. Holbuki, ularning ancha qismi o‘zbek adabiy tili xususiyatiga mos kelmas edi. Istiqloldan keyin bunday g‘ayriilmiy yondashuvdan voz kechish imkoniyati tug‘ildi. Bunday imkoniyatdan foydalanish uchun esa tilshunoslarimizda milliy ruh uyg‘ongan bo‘lishi kerak.

Muhtaram prezidentimiz Shavkat Miromonivich Mirziyoyev ham ta’limga tubdan o’zgartirishlar kiritayotgani buning yaqqol misolidir. Oliy o’quv yurtiga kirish imtihonlariga eng avvalo ona tili fanini kiritilgani o’sib kelayotgan yosh avlodni yanada chuqur bilim olishga undaydi. Ona tili va adabiyotni o’qitishda

dastlab darsliklar va kiritilgan mavzular tartibini ko'zdan kechirish kerak deb o'ylayman.

Negaki, darsliklarimizdagi mavzular sinfdan-sinfga o'tganda davomiylik saqlanmagan, takrorlar bor, takrorlar bir-birini inkor etgan holatlar ham uchrab turadi, shuning uchun o'quvchining xotirasidan tez o'chib ketadi. Natijada o'quvchi qo'shimcha yana takror bilimga muhtoj bo'lib qolmoqda. O'ylab ko'raylik bu vaziyatga barcha tayyormi axir hammasi mablag'ga borib taqaladiku. Muammoni bartaraf etish uchun chiqarilayotgan darsliklarni soha vakillari bilan birgalikda keng muhokamaga qo'yib amalga oshirish lozim.

Dasrliklarda qoidalar ancha murakkablashgan, ayrim darsliklarda mujmal qoidalar berilgan. Umumta'lim maktablari, kollej va akademik lisyey darsliklari oʻrtasida uzviylik yoʻq. Qoidalar bir-birini takrorlash bilan birga, ayrimlarida har xillik juda koʻp, ayrimlari bir-birini inkor etadi. Oddiy misol: 1) fe'lning ma'noviy guruhlari 6-sinfda 4 ta, akademik litsey (2-kurs)da 7 ta; 2) sifat darajalari 6-sinfda 4 ta, akademik litsey (2-kurs)da 3 ta; 3) fe'l mayllari 6-sinfda 3 ta, ALda 4 ta Jaydari til bilan aytganda, juda koʻp holatlarda “toshbaqa uchadi“, deyishga majbur boʻlyapmiz.

Umuman olganda, ona tili ta'limini takomil darajasiga yetdi, deb aytolmayman, hali ona tili grammatik talqinlarida mukammallik yetishmaydi. Bu borada oʻquvchilarni chalgʻitmaslik, oʻquv predmetidan bezdirmaslik, koʻnglini qoldirmaslik uchun bir toʻxtamga kelish kerak. Respublika ilmiy-metodik kengashi(IMK)da koʻriladigan masalalarni 1-2 oy oldin oʻqituvchilar muhokamasiga qoʻyish lozim. IMKlar, odatda, juda tor doirada oʻtkaziladi. 10-15 kishining fikri bilan darsliklarni tasdiqlash hozirgi kun talabiga mos kelmaydi.

-Bugungi kunda mutaxassislarimiz tomonidan ona tili ta'limi mazmuni va vositalari boʻyicha OAV, internet saytlari va ijtimoiy tarmoqlarda turli chiqishlar qilinmoqda. Tanqidiy fikrlar ham talay. Bu borada ona tili boshqa oʻquv predmetlaridan ancha “ilgarilab ketdi”. Buning sabablari nimada?

-Qoʻshtirnoq ichida “ilgarilab ketdi” deb toʻgʻri ta'kidlangan. Tanqidiy fikrlarning ildizi shundaki, oʻzga tillardan qoidalarni olish, oʻzimizga tatbiq etishda quyushqondan chiqib ketdik. Vaholanki, boshqa til qoidasi bizga toʻgʻri kelmaydi. Tilimizning oʻz qonuniyatlaridan kelib chiqib, qoida va ta'riflar yaratish kerak. Hozir ham ona tili ta'limida rus tilining ta'siridan qutulganimiz yoʻq. Boshqa tillardan olingan namunalar boʻyicha tilimizni rivojlantirish, uslub va xususiyatlarini tilimizga “taqaverish” yaxshilik keltirmaydi.

Mutaxassislarimiz bir masalani oʻtkir muammo sifatida koʻp ta'kidlashmoqda. Ilmiy jihatdan pishiq, puxta darsliklarning koʻproq nazariya bilan cheklanayotgani, amaliy jarayon uchun samarasiz boʻlib qolayotgani roʻy-rost aytilib, chuqurlashtirilgan sof lingvistik bilimlarning nutq amaliyoti uchun, shakllantirilishi lozim boʻlgan kompetensiya uchun qanchalik foydasi bor yoki yoʻqligi, ona tili darsliklarida nazariy ma'lumotlarni chuqurlashtirib berish, lingvistikaga oid qoidalarni takror-takror kiritish natijasida asosiy maqsad koʻpincha ularning soyasida qolib ketayotganligi aytilmoqda. Shunday ekan, bu muammolar yechimi o'z qo'limizda, masalaga vijdonan yodashsak bas.

Albatta, har qanday muammoning yechimi yangi muammolarni vujudga keltiradi. Aslida, taraqqiyot mantig‘i mana shunda. Ona tili ta’limi ham bundan mustasno emas. Keraksiz nazariy masalalarga behad chuqur kirib ketilganligi, grammatika ta’limiga ustunlik berilib so‘z ta’limi keyingi o‘rinlarga tushib qolganligi, darsliklardagi xatoliklar, nazariy chalkashliklar, o‘quvchi egallagan ko‘pgina bilimlarning aslida kompetensiyaviy mohiyatga ega emasligi kabilar bugun ona tili ta’limidagi muammolardandir.

Tilimiz qat’iy qoliplarga ega. Masalan, ona tili darsliklarida biror qoida tushuntirib kelinadi-da, eslatma deb unga “sig‘maydigan” ba’zi “istisno” holatlar keltiriladi. Kiritilayotgan qoidalar fandagi ma’lumotlar sodda til bilan tushuntirilishi lozim, chunki hamma o’quvchining salohiyati bir xil emas. Hozirgi vaqtda darsliklarimizga kiritilayotgan lug’atlar to’g’ri tanlangan o’quvchiga har bir so’zning mohiyati anglashilib boriladi. Shu qatorda imloga ham ko’proq e’tibor berilsa nur ustiga a’lo nur bo’lardi. Imloga e’tiborning kamligi savodxonlikka putur yetkazilmoqda. Avval ko‘cha-ko‘yda, afishalarda bo‘y ko‘rsatgan savodsizlik nashriyot eshiklarini-da buzib kirib o‘z hukmronligini o‘rnatdi. Darslik va lug‘atlardagi xatoliklar odatiy holga aylandi, o‘quvchilar savodi darajasini tekshirishga mo‘ljallangan diktant va bayonlar to‘plamlaridan tahrirsiz-xatoliklarini tuzatmasdan foydalanib bo‘lmay qoldi.

Umuman olganda, ona tili ta’limini takomil darajasiga yetdi, deb aytolmayman, hali ona tili grammatik talqinlarida mukammallik yetishmaydi. Bu borada o‘quvchilarni chalg‘itmaslik, o‘quv predmetidan bezdirmaslik, ko‘nglini qoldirmaslik uchun bir to‘xtamga kelish kerak. Adabiyot fanida nazariy ma’lumotlar ko’proq berilsa maqsadga muvofiq bo’lardi. Har ikkala fandan OTM ga imtihon topshirganda o’quvchi egallagan bilimining sayozligini maktabdan olgan bilimidan ko’rmaslikni nazardan chetda qoldirmaslik lozim. Berilayotgan savollar asosida fan mavzulari to’g’ri tashkil qilinsa buning samarasi, albatta, a’lo bo’ladi. Kelajagimiz bo’lgan yosh avlodni tarbiyalashda barchamiz birdek mas’ulmiz, shunday ekan, avval qilingan xatolar takrorlanmasdan, keyin qilinadigan ishlarimiz aniq kelajajagimiz uchun foyda keltiradigan bo’lishi lozim.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. K. Qosimov Ona tili o‘qitish metodikasi.
2. A. G'ulomov. Ona tili o'qitish prinsiplari va metodlari.-T.:O'qituvchi", 1992-йил.

## ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

*Файзиева М.Х.*
*ҚаршиДУ Психология кафедраси мудири, доцент.*

Мустақиллик мафкурасининг бош тамойил ва ғоялари — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини энг олий қадрият сифатида

қадрлаш, унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқдари, шунингдек инсон равнақи, турмуш тарзини такомиллаштириш ва ривожлантириш, тараққий этган дунё даражасига олиб чиқиш талабини давлатчилик нуқтаи назаридан улуғлаш ва қонунчилик томонидан тўла таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар негизи асосига қурилган.

Мустақиллик йилларида ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш вазифасини қонунчилик даражасида таъминлаш бўйича олиб борилган барча ҳаракатлар амалга оширилаётган ўтиш босқичидаги ислоҳотларнинг узвий таркибий қисми, ёшларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасида ёшлар хуқуқларининг тенглиги ғояси ЭНГ асосий конституциявий тамойиллардан биридир. Шу боис, демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнида ёшлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, ёшлар репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, шунингдек ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш бўйича яхлит тадбирлар тизими амалга оширилмокда.

Жумладан барча инсоншунослик фанлари билан бир қаторда психология йўналишида хам ёшлар муоммосини тахлил этишга қаратилган тадқиқот ишлари кенг кўламли амалга оширилмоқда. Психолог олимлар Э.Ғозиев, В.Каримова, Д.Мухаммедова. Б.Умаров,З.Нишонова, Ш.Баротов А.Жабборов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёшлар муоммосининг психологик жихатларига алохида эътибор қаратилганлиги билан ахамиятлидир.

Ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш бўйича манфаатларни таъминлаш тизими бозор иқтисодиёти ва демократик жамият асосларини чуқурлаштириш жараёнларида қонунчиликка замон билан ҳамнафас ўзгартиришлар киритиш ва уларни таъминлаш йўлидан олиб борилаётганлиги хам мухим ахамиятга эга.

Ёшлар психологиясида соғлом турмуш тарзини белгиловчи асосий омиллар инсон саломатлигини тиббий жиҳатдан асраш, инсон саломатлигига таъсир этувчи зарарли оқибатлардан инсон руҳияти ва танини привентив, яъни олдиндан ҳимоялаш чораларини кўриш, инсон саломатлигини ҳимоялаш нуқтаи назаридан психологик, меҳнат, дам олиш, рационал овқатланиш меъёрларини тўғри тақсимлай билишдан таркиб топади.

Соғлом турмуш тарзи мезонлари тиббий, жисмоний, психологик ва руҳий, шу билан бирга инсон ички маданияти, мафкураси ва маънавияти билан ҳолат ҳамда омилларни ҳам ўзида мужассам этади. Шу боис, соғлом турмуш тарзи доирасидаги тушунча жамиятда яратилган шарт-шароитлардан ташқари инсоннинг ўз саломатлигига масъулияти ва эътиборлилигини ҳам ўз мазмунида қамраб олади.

Демак, соғлом турмуш тарзи энг аввало инсон ички маданияти билан боғлиқ ходиса бўлиб, уни шакллантириш давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўзига хос масъулиятли вазифаларни юклайди. Соғлом турмуш

тарзини қарор топтириш ижтимоий зарур воқеликдир. Чунки соғлом турмуш тарзининг инсонлар хаётига кенг кириб бориши давлатчилик асосларининг мустаҳкамланиши жамият руҳиятининг тетиклашуви ва инсон психологиясида ҳаётдан розилик туйруларининг мустаҳкамланишига олиб келади. Мазкур ҳолатлар эса, ўз ҳолида, давлатнинг ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир ўтказиши муқаррардир. Демак, давлатчиликнинг ривожланиш тамойиллари инсон саломатлиги ва унинг соғлам турмуш тарзи билан чамбарчас алоқадор воқелик бўлиб, давлат соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали аҳолининг саломатлиги ва руҳиятига ижобий таъсир ўтказа олади, бу эса пировардида, давлатчилик асосларининг мустаҳкамланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлаш ҳамда унинг педагогик психологик аспектларини ўрганиш - ёшлар манфаатларини муҳофаза қилиш жараёнининг муҳим йўналишларидан бўлиб, мазкур йўналиш мустақиллик йилларида ўзининг янгича мазмуни ва тамойилларини намоён этди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ёшларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ривожлантириш давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида, шунингдек соғлом авлод тарбияси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўналишларидаги ўзига хос мураккаб тизимнинг мавжудлиги ва амалиёти билан боғликдир. Ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш чора-тадбирларига қаратилган давлат, хукумат ва нодавлат тизимлари саъй-ҳаракатларининг илмий ўрганилиши, амалга оширилаётган тадбирлар тахлили, пастдан юқорига қараб муаммоларни ўрганиш мақсадлари ёшлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш махсус механизм асосида фаолият олиб боришни тақозо этди.

Ўзбекистон Руспубликасида ёшлар манфаатларини муҳофаза қилиш сиёсати доирасида ёшларнинг тиббий саломатлигини асраш ва уларни соғлом турмуш тарзи асосида ҳаётга тайёрлаш йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадлари мазкур тушунчанинг мазмун жиҳатдан таркибий қисмлари, уни амалга оширувчи тизимлар нималардан иборат эканлиги ва кимларга йўналтирилганлигини илмий белгилаш вазифасини кўндаланг қўяди.

Соғлом турмуш тарзи тушунчасининг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инсоннинг тиббий саломатлиги, ёшлар репродуктив саломатлиги;
- инсоннинг руҳий саломатлиги;
- инсоннинг жисмоний саломатлиги, жисмоний тарбия ва спорт;
- инсоннинг маънавий-маърифий ва мафкуравий соғломлмги ва соғлом тафаккури;
- инсоннинг эътиқод саломатлиги, диний бағрикенглик ва тотувлик;
- соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги;
- меҳнат қилиш ва дам олишнинг рационал меъёрларининг мавжудлиги;
- инсон ва рационал овқатланиш меъёрлари ва маданияти;
- инсоннинг ўз саломатлигига муносабати, соғлом турмуш тарзи

маданияти ва тафаккури;

- соғлом турмуш тарзини олиб бориш учун талаб этилган имкониятларнинг яратилганлиги ва мавжудлиги;

- инсон саломатлигига таъсир этувчи экологик вазиятлар;

- оила муқаддаслиги тамойили, оилавий муносабатларда умумбашарий ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш;

- оилавий маданият ва оила аъзолари маданияти тамойили;

- соғлом турмуш тарзи тарғиботи, илмий-назарий ва оммабоп адабиётларнинг мавжудлиги, кенг аҳоли қатламларига етиб бориши;

- инсон мафкуравий саломатлиги, бузғунчи ва ёт ғоялардан ўзини асраш тамойили, соғлом мафкуравий ғоялар тизими;

- ёшларга қаратилган турли тиббий тахдидлардан асраш тизими, тарғибот-ташвиқот ишларининг мавжудлиги ва самарадорлиги;

- зарарли одатларларга қарши ҳаракатлар тизимини ташкиллаштириш ва ривожлантириш тамойили (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва кашандалик).

Соғлом турмуш тарзининг амалийлиги - уни амалга оширувчи тизимларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги билан узвий боғлиқ ҳолатдир. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларни ҳурматлаш, оилавий муносабатларга содиқлик, оила муқаддаслигини танолиш, ота-оналарга эътибор, соғлом турмуш тарзи мажбуриятлари моҳиятини англаш, оила мустаҳкамлиги йўлида фидойилик фазилатлари асосида тарбиялаб, вояга етказиш узок муддатли жараён бўлиб, бу мажбуриятни амалга оширишда нафақат ота-оналар иштироки, балки ана шу масалага мутасадди бўлган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимининг мунтазам меҳнати талаб этилади. Ўзбекистон учун хос бўлган ёшлар *соғлом турмуш тарзини амалга оширувчи тизим* қуйидагилардан иборат:

- давлат сиёсати, давлат ҳужжатлари, қонунлар, улар мониторинги, давлат дастурлари, ижроия ҳокимият, қонун чиқарувчи органлар;

- соғлиқни сақлаш тизими, вазирлик, уларнинг ҳудудий бошқармалари ва хусусий соғлиқни сақлаш институтлари ва ташкилотлари;

- жисмоний тарбия ва спорт комплекслари, спорт билан шуғулланишни тарғиб этиш;

- мамлакатдаги ННТ тизими, уларнинг соғлиқни ҳимоялаш ва экологик ҳимоя бўлинмалари;

- оила институти, ота-она ибрати;

- таълим муассасалари (боғча, мактаб, академик лицейлар, коллежлар ва ОЎЮ).

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир ўзининг йўналтирилган мақсадларига етиб бормаса, белгиланган натижаларга эриша олмаслиги муқаррардир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1.Ғозиев Э.Умумий психология.Дарслик. “ Ношир” Тошкент 2010 й..

2.*Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. “ Ношир” Тошкент 2010 й.*

3.Миллий истиқлол ғояси. Т., “Ўзбекистон”, 2005.

4.Рухиева Х.А. Ижтимоий сиёсий фаолият баркамол авлодни шакллантириг омили сифатида// Рес.илмий амалий конф. ЎзМУ 2016.356 б.

## КОНФОРМНОЕ ПОВЕДЕНИЕ ПОДРОСТКОВ В СИТУАЦИЯХ СОЦИАЛЬНОГО СРАВНЕНИЯ

*Файзуллаев У.Б.*
*Магистрант Национального университета Узбекистана*

Развитие и использование компьютерных технологий способствуют быстрому обмену информацией, для которого на современном этапе имеется множество способов и методов, в основном связанных с интернетом. Исходя из этого, человек XXI века получает информацию быстро (и ее объем больше), чем, например, человек 50 лет назад. В связи с этим возникают важные вопросы: «Вся ли информация, полученная человеком, является полезной?», «Если не говорить о полезности информации, является ли она как минимум безвредной для получателя?», «Как предостеречь человека от вредоносной информации?». Эти вопросы представляются актуальными в связи с тем, что информация запускает процессы социального сравнения.

Проблематика сравнения занимает важное место среди исследовательских вопросов социальной психологии. Эта проблематика связана с изучением особенностей формирования представлений о себе и социальной перцепции. В процессе социального сравнения у человека изменяется самооценка и происходит переосмысление ценностных ориентиров. Не останавливаясь на ключевых положениях теории социальных сравнений Л.Фестингера и результатах ее переосмысления, необходимо отметить, что современная культура (например, социальные сети, средства массовой информации) предоставляет человеку большие возможности для выбора мишеней сравнения, формирования склонности к социальным сравнениям.

Исследования социального сравнения показали существование восходящих и нисходящих сравнений. Они отличаются тем, что восходящие сравнения (с теми, кто лучше, кто добивается большего успеха) вызывают негативный аффект, а нисходящие (с теми, кто хуже, кто добивается меньшего успеха) – позитивный аффект. Было установлено, что восходящие сравнения могут вызывать ревность, враждебность, фрустрацию и понижение самооценки, в то время как нисходящие сравнения усиливают ощущение субъективного благополучия [1].

В психологической литературе отмечается, что процессы социального сравнения особенно проявляются в подростковом возрасте, так как подростки в основном ориентированы на своих сверстников. Так, изучая особенности субъектно ориентированного сравнения применительно к школьникам с различным социометрическим статусом Е.С.Самойленко,

О.А.Костыгова, А.В. Корбут (2011) выявили, что учащиеся наиболее часто сравнивают себя с одноклассниками, имеющими высокий социометрический статус, и реже всего – с одноклассниками, относящимися к категории отвергаемых детей. На выборке подростков и младших школьников продемонстрирована аналогичная тенденция: чем выше социометрический статус учащегося, тем чаще сравнивают с ним себя его одноклассники. Как у младших школьников, так и подростков отмечены очевидные предпочтения в использовании в качестве референтов субъектно ориентированного сравнения с собой таких учащихся, которые относятся к социометрической категории популярных детей [7].

По мнению Е.С.Самойленко (2011), личностно-ориентированное сравнение – это процесс соотнесения информации о себе с информацией о других людях [8]. Ученые считают, что заключительным этапом социального сравнения выступают определенные реакции когнитивного, эмоционального или поведенческого плана. Конформное поведение может быть одной из форм поведенческого реагирования [6]. Можно предположить, что социальное сравнение становится триггером конформного поведения. Иными словами, проводя сравнение, человек выстраивает определенные критерии своего поведения, и чаще всего эти критерии укладываются в рамки «общественных правил».

В разработанной М.Дойчем и Г.Джерардом информационной теории конформности конформность рассматривается в контексте последствий поиска человеком информации в ситуациях, в которых он оценивает собственное поведение на основе соотнесения его с поведением других. В данной теории указывается на два типа социального влияния в группе: 1) нормативное – конформность вызывается желанием личности действовать в соответствии с групповыми предписаниями; 2) информационное – поведение большинства используется как источник информации, помогающей личности принять наиболее подходящее для нее в данной ситуации решение [3].

Большое значение приобретает изучение конформного поведения как реакции на социальное сравнение в подростковом возрасте. Так, исследования показывают, что в 7 классе у детей снижается роль конформности как мотивационно-ценностного блока, которая возрастает к 8 классу [2]. Результаты теоретико-прикладного исследования Н.Н. Колмогорцевой и Л.М. Рахманкуловой (2009) соотношения показателей коммуникативной компетентности и моделей поведения подростков в конфликтной ситуации выявили, что более 70% подростков выбирают конформную модель поведения. Другими словами, для индивида характерна склонность уступить, чем продолжать борьбу, что в большинстве случаев способствует и содействует чужим агрессивным проявлениям. Также высокими показателями обладала тактика поведения ухода от конфликтной ситуации, или ухода от проблем, стремление выйти из ситуации, не разрешая ее [4].

В связи с этим *целью исследования* выступает анализ результатов изучения мотивационно-личностных детерминант конформности в

подростковом возрасте. В исследовании была предпринята попытка показать, что выраженность конформности определяется как мотивационными (самоэффективность, саморегуляция), так и личностными (тревожностью) детерминантами.

*Методологическая основа исследования.* В качестве теоретико-методологической основы исследования выступили информационная теория конформности М.Дойча и Г.Джерарда, в рамках которой конформность понимается с точки зрения поиска человеком информации, в которых он оценивает собственное поведение на основе соотнесения его с поведением других. Кроме этого, исследование основывалось на теории личностного развития Л.И.Божович, взглядах А.М.Прихожан о связи тревожности с потребностью в устойчивом, удовлетворяющем представлении о себе послужили отправной точкой для изучения взаимосвязи конформности и тревожности, концепции осознанной саморегуляции О.А.Конопкина [5].

*Методический инструментарий.* Были использованы для изучения социально-психологической адаптации и конформности шкала социально-психологической приспособленности К. Роджерса и Р.Даймонд в адаптации Т.В.Снегиревой, *мотивационно-личностных детерминант конформности* – шкала самоэффективности R.Schwarzer, M. Jerusalem, опросник «Стиль саморегуляции поведения» В.И. Моросановой, шкала личностной тревожности А.М.Прихожан.

*Участники исследования*: 50 школьников подросткового возраста от 13 до 16 лет (25 мальчиков и 25 девочек).

В качестве *методов обработки и анализа результатов* применялись индуктивная статистика (критерий Стьюдента для независимых выборок), корреляционный анализ (по Спирмену), факторный анализ (метод главных компонент и варимакс-вращение по Кайзеру).

*Основные результаты исследования и их обсуждение.* Анализ различий в показателях конформности между подростками с высоким и низким уровнем самоэффективности показал, что участникам исследования, характеризующимся высокой степенью убежденности в своих действиях, свойственны принятие себя, эмоциональный комфорт, внутренний локус контроля. Что касается возможных показателей конформности – непринятия себя ($t=2{,}184$, $p<0{,}05$), внешнего локуса контроля ($t=4{,}038$ $p<0{,}01$), эмоционального дискомфорта ($t=3{,}911$, $p<0{,}01$) и ухода от решения проблем ($t=2{,}172$ $p<0{,}01$), то они более характерны для подростков с низким уровнем самоэффективности. Было также выявлено, что подросткам с высоким уровнем самоэффективности не свойственно проявление зависимости (ведомости) в отношениях с другими. Но эти различия не являются статистически достоверными.

Анализ различий в показателях конформности в зависимости от уровня саморегуляции выявил, что у участников исследования, использующих неэффективные способы саморегуляции, по сравнению с детьми, которые используют эффективные способы саморегуляции, выше такие показатели конформности как непринятие себя ($t= 3{,}717$, $p<0{,}01$), внешний локус

контроля ($t=4{,}038$, $p<0.01$), ведомость ($t=2{,}506$, $p<0{,}05$), эмоциональный дискомфорт ($t=3{,}727$, $p<0{,}05$). Подростки с низким уровнем саморегуляции более зависимы от ситуации и от мнения окружающих людей. Они ощущают неуверенность в себе, подавленность, вялость в своих взаимодействиях с окружающими людьми. Такие подростки объясняют свои поступки и происходящее в их жизни внешними факторами, влиянием других людей, судьбой. Им характерно стремление быть подчиненным, направленность на выполнение поставленных кем-то задач.

Корреляционный анализ показал, что существуют достоверные корреляционные связи между показателями конформности, оптимальной социально-психологической адаптации и мотивационно-личностными особенностями подростков. Так, положительные корреляционные связи наблюдаются между показателем школьной тревожности и показателями непринятия себя ($r_s=0{,}657$, $p<0{,}01$), конфликта с другими ($r_s=0{,}482$, $p<0{,}01$), внешнего локуса контроля ($r_s=0{,}442$, $p<0{,}05$), зависимости ($r_s=0{,}548$, $p<0{,}01$), ухода от решения проблем ($r_s=0{,}455$, $p<0{,}05$). Возможно, непринятие себя как неудовлетворенность своими личностными чертами повышает школьную тревожность, когда подросток начинает сравнивать себя с другими более хорошими учениками. Поиск внешних причин и стремление быть подчиненным также являются почвой для школьной тревожности.

Самооценочная тревожность также прямо коррелирует с такими показателями конформности как: непринятие себя ($r_s=0{,}475$, $p<0{,}05$), зависимость ($r_s=0{,}473$, $p<0{,}05$), уход от решения проблем ($r_s=0{,}613$, $p<0{,}01$). Тревожность, связанная с неуверенностью в себе и своих силах, приводит к неудовлетворению самим собой, избегания проблем, и ведомости под влиянием окружающих. Магическая тревожность, вызываемая суеверностью подростка, влияет на зависимость ($r_s=0{,}674$, $p<0{,}01$), ухода от решения проблем ($r_s=0{,}578$, $p<0{,}01$). Подросток с высокой магической тревожностью может быть обманут и вовлечен десткруктивные религиозные культы, псевдорелигиозные организации.

Факторный анализ выявил в компонентной структуре социально-психологической приспособленности подростков для группы участников исследования с высоким уровнем зависимости доминирование фактора конформности, в составе которого внешний локус контроля, эмоциональный дискомфорт, уход от решения проблем. В противоположность этому в составе доминирующего фактора при низком уровне зависимости такие качества как принятие себя, принятие других, эмоциональный комфорт, доминирование, внутренний локус контроля.

*Выводы.* Наличие конформности в подростковом возрасте может негативно сказаться на деятельности учащихся, дети с возрастом могут попасть под влияние негативных и деструктивных воздействий окружающих, которое может привести к отрицательным для его оптимальной социализации последствиям. Подросток становится легко поддаваемым влиянию, несамостоятельным, неуверенным в себе и в своих действиях. В качестве рекомендаций по развитию у подростков психологических ресурсов

сопротивления информационному социальному влиянию в ситуациях сравнения предлагается проведение тренинговых занятий по развитию коммуникативных навыков и формированию конструктивного отношения к себе, моделирование учебных ситуаций для тренировки навыков самостоятельного принятия решений подростком.

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Wood J.V. Theory and research concerning social comparisons of personal attributes. V.J. Wood. Psychological Bulletin, 1989.Vol. 106.P. 231-248.

2. Авдулова Т.П., Гордеева О.А. Кризисные явления в развитии подростков [Электронный ресурс] // Психологические исследования: электрон. науч. журн. 2010. N 5(13). URL: http://psystudy.ru (дата обращения: 12.12.2019).

3. Андреева Г.М. Психология социального познания. Учебное пособие. М.: Аспект Пресс, 2000. 284 с.

4. Колмогорцева Н.Н., Рахмангулова Л.М. Соотношение коммуникативной компетентности и моделей поведения подростков в конфликтной ситуации//Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения. 2009. Выпуск № 5-1. С.87-92.

5. Конопкин О.А. Психическая саморегуляция произвольной активности человека (структурно функциональный аспект) // Вопр. психол. 1995. № 1. С.5-12.

6. Самойленко Е.С. Эмоциональное отношение к социальному сравнению // Экспериментальная психология. 2010. Том 3. № 4. С. 87–103.

7. Самойленко Е.С., Костыгова О.А., Корбут А.В. Особенности субъектно ориентированного сравнения применительно к школьникам с различным социометрическим статусом // Экспериментальная психология. 2011. Том 4. № 1. С. 65–84.

8. Самойленко Е.С. К вопросу о полисистемном подходе в психологическом исследовании сравнения // Экспериментальная психология. 2011. Том 4. № 4. С. 4–16.

## РЕКРЕАТИВ МАТБУОТДА ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР (“Бекажон” газетасининг 2019 йил сонлари мисолида)

*Файзуллаева Д.З.*
*Қорақалпоқ Давлат университети талабаси*

**Аннотация:** мазкур мақола орқали рекреатив матбуотда бериб бориладиган таҳлилий мақолалар роли қандайлиги билан танишамиз.

**Калит сўз:** рекреатив, “Бекажон”, матбуот, газета, таҳлил, танқид, мақола, долзарб мавзу

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, бадиий-публицистик, илмий нашрлар қаторида рекреатив яъни кўнгилочар нашрлар ҳам тобора ривожланмоқда. Улар ўз навбатида ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда материаллар ёритмоқда. Маълум бир қатлам вакиллари учун мўлжалланган нашрлар ўз мавзулари доирасидаги материалларни кўпроқ ёритади. “Бу функция ихтисослашган матбуотнинг энг асосий типологик хусусияти ҳисобланади. Кўнгилочар йўналишлар ихтисослашган матбуотда кроссвордлар, ҳазил-мутойиба турида ўз аксини топади ва ўқувчилар эътиборини тортиш учун хизмат қилади”. [1. Атажанов Ҳ. ва бошқалар. 19-бет]

Мутахассислар рекреацияни бугунги кунда жуда муҳим усуллардан бири эканлигини қуйидагича изоҳлашмоқда: “Рекреация нормал ҳаётнинг зарур шарти бўлиб, кучли босим ва стрессларни йўқотиш, сарфланган меҳнат кучларини қайта тиклаш ва инсон шахсиятининг ҳар томонлама ривожланиши учун хизмат қилади. Рекреациянинг бугунги кундаги муҳим роли ва аҳамияти ошиб бораётганининг асосий сабабларидан бири - ҳаётнинг тобора мураккаб ва стрессли шароитлар билан юзма-юз келаётганидир ва бу дам олишга бўлган эҳтиёжни кескин орттириб юборди. Шунинг учун ҳам дунёнинг етакчи ва илғор замонавий оммабоп ахборот воситалари рекреацияга энг самарали ва талаб юқори бўлган усул сифатида қарамоқда”. [2. Каримов А. 19-бет]

Эътибор билан қаралса, рекреатив нашрлар ўзида фақатгина кўнгилочар материалларни чоп этиб қолмасдан, турли таҳлилий-танқидий мақолалар ҳам бермоқда. Улар ўз навбатида ўқувчини мулоҳазага чорлайди ва атрофда бўлаётган воқеалар, жараёнларга журналист нуқтаи назари билан қарайди. Масалан, аёллар учун мўлжалланган “Бекажон” нашрида таҳлилий мақолалар мунтазам бериб келинмоқда. Улар шу орқали аудиториясини ушлаб қолишга ва янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Сабаби, ўқувчи учун уни ўраб турган оламдаги мураккаб ва муаммоли ҳолатлар аҳамиятли ҳисобланади. Бинобарин, аёллар нуқул турли пишириқлар ёки сўнгги мода янгиликларини ўқиб қолмасдан, мавжуд муаммоларнинг таҳлили билан ҳам танишишади.

Мазкур нашр “Эътибордаги мавзу”, “Мулоҳаза”, “Муносабат”, “Оғриқли мавзу” каби саҳифаларида юртимиздаги муаммоли вазиятлар, одамларнинг турли салбий ишлари ва оқибатлари, айниқса, аёлларда кузатиладиган турли муаммоли вазиятлар кенг ва таҳлилий ёритилади. Масалан, газетанинг 2019 йил 18 июль (№57) сонида “Фожиада “ҳисса”миз қанча?” номли мақола берилган. Мазкур мақолада Денов туманида ҳожатхонага ташлаб кетилган чақалоқ масаласи кўтарилган. Мавзу бевосита аёлларга боғлиқ. Мақола ўз ичида кичик бўлимлар билан берилган: “Нега асосий омилни кам эслаяпмиз?”, “Фожианинг яна бир асосий сабаби”, “Қаерга қараяпмиз?”, “У ҳам аёл, унинг ҳам ҳимоячиси қонун!” каби бўлимларга бўлган ҳолда мавзуни кенг ёритган.

Мақола сўнггида хулоса берилган. Унда “Бу каби ҳолатларни ўз вақтида олди олинмагани маъсул ташкилотларнинг ёшлар, аҳоли, қизлар ўртасида,

маънавий тарғибот ишларини самарали ташкил этиш, тадбирларни одамларнинг кундалик ҳаётига бўлган таъсирини кучайтириш, жамоатчиликнинг ҳал этувчи улкан кучидан унумли фойдаланиш, оиладаги тарбияни тўғри ташкил этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш зарурлигини кўрсатиб турибди", дея таъкидланади. Бу эса газета ўқувчисини огоҳликка чорлайди. Сабаби бу каби муаммолар матбуотда ёритилиши натижасида ўқувчида воқеага нисбатан салбий қарашлар пайдо қилади. Яъни, "бу ишни қилиш нотўғри", "мен бундай қилмасдим", деган қарашлар шаклланади.

Навбатдаги мақолага диққатимизни қаратамиз. "Бекажон"нинг 2019 йил 26 июль (№60) сони "Кун мавзуси" саҳифасида берилган "Гўшт нега қимматлашди" номли мақола номидан маълумки, кундаликда турмушда мунтазам зарур маҳсулотлардан бирининг нарх-наволари юзасидан журналист таҳлилий материал тайёрлаган. Муаллиф мақолада масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси матбуот котиби, гематолог-шифокор ва фуқаронинг фикрини ҳам олган. Бу эса кўтарилган мавзуни янада очиб берган.

Шу сонда "Мулоҳаза учун мавзу" саҳифасидан жой олган "Дори эмас, овқат енг" мақоласини олиб қарайлик. Журналист унда ўзи гувоҳлигидаги воқеани келтиради, яъни нотўғри дори қабул қилиши оқибатида ҳомиласига салбий таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Шу тариқа журналист бошидан кечирган воқеани келтириб қолмасдан, мавзу юзасидан бошқа давлатларда истиқомат қилаётган юртошларимиз фикрларини ҳам олган. Респондентлар эса ўз навбатида бошқа давлатларда дорилар рўйҳати қандай берилиши, қандай даволаниш мумкинлиги ҳақида айтиб ўтишган.

Маълумки, матбуотнинг учта асосий ижтимоий вазифаси мавжуд, яъни булар, тасвир, таҳлил ва таъсир вазифаларидир. Ана шу учта омил мақоланинг бутун бир кўринишини ўз ичига олади. Айникса, таҳлилий мақолаларда бу омиллар яққол намоён бўлиши керак. Муаллиф воқеани шунчаки ҳикоя қилиб эмас, уни батафсил, ҳар бир нуқтасигача ўрганиши керак ҳисобланади. "Кучли, асосли таҳлил матбуот материали ўқишлилигини оширади. Бундай шартларга эришиш учун муаллифдан тажриба, маҳорат, астойдил изланиш ва меҳнат талаб қилинади." [3. Алимов Б. 32-бет] "Бекажон" газетасининг 2019 йил 25 июль (№59) сонида берилган "Бозорчи"ни йўқотиш учун бозорларни ёпиш керакми?!" сарлавҳали мақоласига диққатимизни қаратамиз. Муаллиф бозор расталарида ўтирадиган айрим аёлларнинг ўзларини тутиши, гапириш маданиятларини танқид остига олади. *"Мен ҳам баъзан аёлларнинг шу каби бир-бирларига қаттиқ-қаттиқ гапириб, ҳатто хунук сўзлар билан ҳақорат қилаётганлари устидан чиққанман ва бунинг учун уялиб кетганман. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳаёт тарзи, ижтимоий аҳволи шунга мажбур қилганини тушунаман".*

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мақолада битта мавзу танланиб, ўрганилиши ва ёритилиш керак. Агар журналист битта мақоланинг ўзида бир неча саволни қўйиб, унга жавоб беришга ҳаракат қилса, мавзудан

узоқлашади. Қолверса, улар мақолани жанр сифатида ҳам ўз кучини йўқотишини таъкидлашади. Шу сабаб ҳам мақола фақат битта саволга ёки битта масалага бағишланиши керак. Юқорида келтирилган мақолада журналист материалнинг табиий чиқиши учун, савдо марказлари ходимлари билан ҳам суҳбатлашган. Муаммо доирасида кўтарилган мавзу ўқувчиларни ҳам мушоҳадага чорлайди. Бу эса кўнгилочар газетанинг мазмунан бойишига хизмат қилган.

"Бекажон" газетасида эълон қилинган "Кўрсатганингиз ҳам, кўрганингиз ҳам меҳр бўлсин!", "Маза қилиб реклама кўриб ўтирганингизда...", "Болалар майдончасидан шифохонага..." каби яна кўплаб мақолаларни ҳам кенг ва чуқур мулоҳазали мақолалар дейиш мумкин. Уларда кўтарилган муаммолар, масалаларга шунчаки бир томонлама қаралмаган, аксинча фактлардан ўринли фойдаланилган: газетада берилган айрим мақолаларда статистика келтирилган, айримларида эса мутахассислар, экспертлар фикридан ўринли фойдаланилган. Умуман, "қуруқ" мақола бўлиб қолмаган. Кўнгил очар нашрларда енгил-елпи, саёз ва жўн ёзилган мақолаларни кўп кўриш мумкин. Улар асосан, ўқувчиларни зериктирмаслик учун берилади. Лекин бу каби долзарб аҳамиятга эга таҳлилий мақолаларнинг роли ҳар қандай нашрларда ҳам юқори баҳоланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ҳ.Атажанов, Ж.Марзияев, Н.Қиличов//Матбуот типологияси. "Навоий Университети" – Тошкент. – 2018. 19-бет

2. А.Каримов. Пандемия шароитида рекреатив кўрсатувларнинг долзарблиги ва аҳамияти. "Глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалари тўплами. –Нукус. – 2020. 19-бет

3. Б.Алимов. Мамлакат имижини юксалтиришда онлайн сегментнинг ўрни. "Онлайн журналистиканинг долзарб масалалари" халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент. – 2018. 32-бет.

## OILADA BOLA TARBIYASINING O‘RNI

*Xadjayeva S.A.*
*Farg‘ona viloyati, Buvayda tumani 2- maktabi o‘qituvchisi*

Oila – jamiyatning bir bo‘g‘ini bo‘lib, jamiyatni yuksaltiruvchi, davlatni rivojlantiruvchi bo‘g‘indir. Jamiyat oilalardan tashkil topganidek, butun bir jamiyat davlatni tashkil etadi. Oila qancha mustahkam tinch va farovon bo‘lsa, jamiyat yuksaladi, davlat rivojlanadi. Oilaning mustahkamligiga, tinch va farovonligiga uning a’zolari, undagi muhit muhim omillardan biridir.

Oila qadim-qadimdan muqaddas dargoh deb hisoblanib kelingan. Inson turmushini oilasiz tasavvur etib bo‘lmaydi, chunki u umri mobaynida oila ta’sirini sezib turadi, dastlab ota-onasining oilasida, so‘ng o‘zi qurgan oilasida hayot

kechiradi. Har ikki holda ham oila insonning shaxs sifatida qaror topishiga muhim tarbiyaviy ta'sir kursatadi. Insonning shaxs sifatida hayotiy xususiyatlari, inson sifatida takomillashuvi oilada shakllanadi.Oilada u ona tilida so‘zlashishni o‘rganadi. Millati, xalqi urf-odatlarini, an'analarini, umuminsoniy qadriyatlarni o‘zlashtiradi, dunyoqarashi, mafkurasi shakllanadi. Shu sababli oila jamiyatning ijtimoiy va ma'naviy-axloqiy tayanchi hisoblanadi.

Mustaqillik yillarida yoshlarni oila va unda saqlanib kelayotgan azaliy qadriyatlar ta'sirida axloqan tarbiyalash muammosi ko‘plab nazariy va empirik izlanishlar predmetiga aylanmoqda.[1] Zero, bunday yondashuv o‘tmish allomalarning falsafiy-g‘oyaviy qarashlari, oila va oilaviy tarbiya masalalariga bag‘ishlangan o‘gitlari; ma'no-mohiyatiga mazmunan mosdir. Sharqning buyuk mutafakkirlari sanalmish Ahmad al-Farg‘oniy, Mahmud az-Zamaxshariy, Abu Nasr al-Forobiy, Abu Bakr Muhammad ibn Al-Abbos Al Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Ibn Sino kabi o‘nlab allomalar qarashlarida bola tarbiyasida eng muhim ijtimoiy omil sifatida oila, ota-onaning dunyoqarashi, tarbiya uslublari va bunda jamiyat e'tirof etgan me'yorlarning oila qadriyatlariga muvofiqligi tamoyili o‘z ifodasini topgan. Chop etilayotgan qator risola va kitoblarda, ilmiy va ommabop maqolalarda ham bu masalaning turli jihatlari yoritilmoqda.[2]

Bolalarda bilimlarni egallashga bo‘lgan intilish, ijtimoiy faoliyatning shakllanishida ota-onalarning samarali ishtirok etishlari hal qiluvchi omil bo‘lib, bu oila tarbiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirishning zarur shartlaridan biri hisoblanadi. Oila tarbiyasida bolalar hayotini to‘g‘ri tashkil etish – ularni vaqtdan samarali va unumli foydalanishlarining asosiy garovi. Bolalarning oiladagi vaqtini o‘yin, mehnat va o‘qish faoliyatlari bo‘yicha to‘g‘ri taqsimlash nihoyatda muhimdir. Oila jismoniy va psixologik jihatdan sog‘lom, ma'naviy barkamol, mehnat, ijtimoiy hamda oilaviy hayotga tayyor shaxsni shakllantirib berishi lozim.Oila tarbiyasining mazmuni bolalarga ijtimoiy tarbiyaning mazkur yo‘nalishlari: jismoniy, axloqiy, aqliy, estetik, mehnat, ekologik, iqtisodiy, huquqiy, siyosiy-g’oyaviy hamda jinsiy ta'lim-tarbiya berish, ularda faoliyat ko‘nikma va malakalarini shakllantirishdan iborat.

Oila muhitida tashkil etiladigan jismoniy tarbiya o‘zida bolani har jihatdan chiniqtirish, ularni tozalik va ozodalikka o‘rgatish, o‘z sog‘ligi uchun g‘amxo‘rlik qilish va mas'uliyatli bo‘lishni ta'minlashga qaratilgan harakatlarning mazmunini ifoda etadi. Oila tarbiyasida bolalarni aqliy jihatdan tarbiyalash ham muhim o‘rin tutadi. Bu boradagi dastlabki va muhim vazifa ota-ona tomonidan bolaning qiziqish va ehtiyojlarini ko‘ra bilish asosida tasavvur, idrok, tafakkur, xotira hamda diqqatni takomillashtirishga yordam beruvchi mashg’ulotlarga jalb etishdan iborat. Axloqiy tarbiya oila tarbiyasining o‘zagini tashkil etadi. Uning maqsadi bolalarda eng oliy axloqiy sifatlar, ota-ona hamda oilaning boshqa a'zolari, shuningdek, atrofdagilarga nisbatan adolat, mehr-muhabbat kattalarga hurmat, kichiklarga izzat, vijdon, or-nomus, g‘urur, burch, insonparvarlik, mehnatsevarlik, sahovat, kamtarlik, muruvvat, intizomni ijtimoiy anglash va hokazolarni shakllantirishdan iboratdir. Oilada estetik tarbiyani to‘g‘ri va samarali tashkil etilishi, ayniqsa, muhimdir. Bolalar juda yoshligidanoq sun'iy go‘zalliklar (yarim yalang‘och badan, me'yoridan ortiq qilingan pardoz, urfga kirib borayotgan kosmetik operatsiyalar

«mahsuli», o‘ta darajadagi yaltiroq mato yoki taqinchoqlar) go‘zallikning timsoli emasligini anglab yetishlari lozim.

Farzandlarning har tomonlama yetuk bo‘lib voyaga yetishlarida ota-ona, oilaning boshqa a’zolarining dunyoqarashlari, hayotiy yondashuvlari va ma’naviy dunyosi o‘ziga xos o‘rin tutadi. Shu sababdan ham oilada bola tarbiyasida oilaning barcha a’zolari mas’ul hisoblanadilar.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:**

1.Shoumarov G‘.B., Oila psixologiyasi., Toshkent: “Sharq”, – 2010. -152-160b.

2.Haydarov I.O., Oila psixologiyasi., Toshkent: “Sharq”, – 2013. -22-30b.

***УДК: 796.412.2:159.9.075***

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИ ЎСМИР-ҚИЗЛАР ПСИХИКАСИДАГИ ЕТАКЧИ ОМИЛЛАР

*Ҳайитов О.Э.*

*Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, психология фанлари номзоди, доцент*

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада ўқувчи-қизларни бадиий гимнастика спорт фаолиятига ундовчи мотивацион омилларни ифодаловчи натижалар “спортда камолотга эришиш” босқичи ўқув гуруҳлари мисолида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар.** спорт фаолияти, бадиий гимнастика, ўсмир-қизлар, мотивация, фактор таҳлили.

**АННОТАЦИЯ:** В статье анализируются результаты мотивационных факторов, побуждающих учащихся заниматься художественной гимнастикой, на примере учебной группы этапа «совершенствования спортивного мастерства».

**Ключевые слова:** спортивная деятельность, художественная гимнастика, девочки-подростки, мотивация, факторный анализ.

**ABSTRACT:** The article analyzes the results of motivational factors that encourage students to engage in rhythmic gymnastics, using the example of the study group of the stage “improving sportsmanship”.

**Keywords:** sports activities, rhythmic gymnastics, teenage girls, motivation, factor analysis.

Бадиий гимнастика умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний тарбиясидаги муҳим ташкилий қисм ҳисобланади. Гимнастиканинг жисмоний тарбия фанини бошқа бўлимларидан фарқли жиҳати машқлар ҳамда ўргатишнинг методик усуллари ўзига хос мазмун-моҳиятида ва сараланишидадир.

Бажариладиган машқлар мажмуи бутун организмга таъсир кўрсатиш, мушакларнинг алоҳида гуруҳлари ва органларни ривожлантириш, жинс, ёш, жисмоний тайёргарлик даражасини эътиборга олганда машқлар юкламасини назорат қилиш имконини беради. Соғлом, жисмонан комил инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда гимнастика алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бадиий гимнастика – бу юксак даражадаги маҳорат билан ҳаракатланишни таъминлайдиган хатти-ҳаракатлар мажмуи демакдир [1].

Ўқувчи-қизларимиз орасида ушбу спорт турига бўлган мотивация қанақа? Мотивация кимларнинг ўзаро ҳамкорлигига таяниб шакллантирилади? Бадиий гимнастика билан шуғулланиш қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади? ва ҳоказолар.

Статистик таҳлиллардан кўринадики, ўқувчи-спортчиларни бадиий гимнастика спорт турига йўналтириш, танлаш, саралаш, бир сўз билан айтганда селекциялаш ишлари жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан бирирдир.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 20-сонли буйруғининг 1-иловасида Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спорт турлари бўйича ташкил этиладиган секциялар ва бўлимлар рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, олимпия спорт турлари сифатида “бадиий гимнастика” ва “спорт гимнастикаси” секциялари алоҳида қайд этилган. Мазкур спорт турлари эса ўз навбатида Гимнастика спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида асосий спорт турлари сифатида келтирилган. Ҳужжатга кўра,

Спорт мактабларида: (1) “бошланғич тайёргарлик” босқичида “бадиий гимнастика” спорт тури бўйича фаолиятининг 1-йилида 10 нафар, 1 йилдан кўп ҳолларда 8 нафар; (2) “ўқув-машқ” босқичида 1-, 2-йилларда 8 нафардан, 3-йил ва ундан кўп ҳолатларда 6 нафар; (3) “спортда камолотга эришиш” босқичида 1-йилда 5 нафар, 2-йил ва ундан кўп бўлган ҳолда 4 нафар; (4) “олий спорт маҳорати” босқичида бутун даврда 3 нафар ўқув-спортчилардан иборат бўлган ўқув гуруҳларида тренер-ўқитувчиларимиз ўқув-тренеровка ва ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришлари кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Спорт мактабларида тайёргарликнинг босқичлари бўйича қабул қилишнинг минимал ёши бўйича: (1) “бошланғич тайёргарлик” босқичида “бадиий гимнастика” спорт тури бўйича фаолиятининг 1-йилида 5 ёшли, 1 йилдан кўп ҳолларда 6 ёшли; (2) “ўқув-машқ” босқичида 1-йилида 7 ёшли, 2-йилида 8 ёшли, 3-йилида 9 ёшли ва ундан кўп ҳолатларда 10 ёшли; (3) “спортда камолотга эришиш” босқичида 1-йилда 12 ёшли, 2-йилда 13 ёшли ва 2 йилдан кўп бўлган ҳолда 14 ёшли; (4) “олий спорт маҳорати” босқичида бутун даврда 15 ёш (лекин шуғулланишнинг максимал ёши 20 ёш)ли ўқув-спортчилардан иборат бўлган ўқув гуруҳларида тренер-ўқитувчилар томонидан ўқув-тренеровка ва ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилиши алоҳида белгилаб қўйилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2020 йил 18 февраль ҳолати маълумотларига кўра юртимизда 34 002 881 нафар доимий

аҳоли истиқомат қилади. Шундан гендер статистикани юритадиган бўлсак, аёллар 16 909 633 нафарни ташкил этади [3].

Шу ўринда савол туғилади. Хўш Ўзбекистонда қанча спорт билан мунтазам шуғулланадиган қанча спортчи хотин-қизларимиз бор? Халқ таълими тизимида қизларни спортга йўналтириш масаласи қандай? ва ҳоказо.

2019/2020 ўқув йили бошида мамлакатимизда 9 986 та умумтаълим муассасаларида (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар мактабларидан ташқари) 6 149 600 нафардан зиёд ўқувчи жисмоний тарбия фанида иштирок этади. Шулардан 48,5 фоизи қиз болаларни, 51,5 фоизи ўғил болаларни ташкил қилади. Шунингдек, умумтаълим муассасалари педагогларининг фанлар бўйича тақсимланишида она тили ва адабиёти (12,1 фоиз), инглиз тили (10,8 фоиз), математика (9,7 фоиз) фанларидан кейин жисмоний тарбия фани (9,0 фоиз) машғулотларда иштирок этадиган ўқувчиларининг сони бўйича етакчи ўринда турибди [3].

Шахс эҳтиёжларининг қондирилиши ва фаолият натижаларидан кўзланган мақсадга эришишда шахснинг мотивлари муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ички фаолият бошқарувидаги мотивация, қизиқиш, майл, установка ва эмоционал ҳолатлар унинг ҳаёт стратегиясини белгилашда етакчи манба ҳисобланади. Шундай экан, “Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби” ва “Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби” тарбияланувчиларининг фаолият мотивацияси уларнинг танланган спорт тури муаммоларига айрим аниқлик киритади деб ўйлаймиз. Сабаби бугунги кунда натижаларимиз миқдор жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, жуда ҳам паст кўрсаткични намоён этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Токио-2020 Олимпия ва Паралимпия ўйинлари йўлланмаси учун Республикамизнинг турли вилоятларидан номзод спортчиларни саралаб олган. Ушбу спортчилар орасидан Тошкент шаҳридан спортнинг “спорт гимастикаси” тури бўйича 1 нафар (Чусовитина Оксана) ва “бадиий гимнастика” тури бўйича 4 нафар (Ташкенбаева Сабина, Равшанбекова Динара, Ирназарова Камола, Фокина Ангелина), Навоий вилоятидан 3 нафар (Рахматова Дилдора, Сафоева Севара, Шомурадова Нилуфар), Самарқанд вилоятида 3 нафар (Усманова Нуринисо, Рахмонова Сабрина, Александрова Ксения) ва Фарғона вилоятида 1 нафар (Фетисова Екатерина), жами 12 нафар (шундан 11 нафари бадиий гимнастика) хотин-қиз саралаб олинган [4].

Биз умумтаълим ва спорт таълими муассасалари ўзаро ҳамкорлиги контекстида бадиий гимнастика спорт турини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ўрганишда, психология фанининг илғор методларидан фойдаландик. Жумладан, ўқувчи-қизларни бадиий гимнастика спорт фаолиятига ундовчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлашга қаратилган В.Г. Гербачевскийнинг “Шахс мотивациясини аниқлашга йўналтирилган” сўровномаси [5].

Инсоннинг фаолият мотивацияси даражаси деганда, унинг олдига қўйган мақсадлари ҳамда қийинчиликларда намоён бўладиган эхтиёж ва мотивлари тушунилади. Шахснинг фаолият мотивацияси даражасини

экспериментал ўрганишда синалувчидан бир хил тоифадаги бир қатор топшириқларни мураккаблик кўрсаткичига мувофиқ кетма-кетликда бажариб бориш талаб қилинади. Бу жараён интеллектни тадқиқ қилишга ҳам ўхшайди. Аслида инсоннинг фаолият мотивацияси даражасини унга тақдим қилинган топшириқларнинг ўртача мураккаблик кўрсаткичи бўйича муҳокама этилади.

Бунинг учун тадқиқотга қамраб олинган Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабининг “Спортда камолотга эришиш” гуруҳида шуғулланаётган 13 нафар ўсмир-қизларнинг мотивация, эмоционал-иродавий, индивидлик ва безовталаниш хусусиятлари бўйича натижаларнинг компьютер SSPS-13 дастури ёрдамида фактор таҳлилини амалга оширдик (1-жадвалга қаранг). Ушбу юкламаси юқори бўлган тўртта гуруҳ омилларини ажратиш бадиий гимнастика касбий фаолиятини танламоқчи бўлаётган ўсмир-қизлар шахсига хос айрим ижтимоий-психологик хусусиятларни умумлаштириш имкониятини берди.

Жадвалга кўра, Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабининг “Спортда камолотга эришиш” гуруҳи ўқувчи-спортчилари бадиий гимнастика касбий фаолиятини танламоқчи бўлган ўсмир-қизлар шахсида етакчи ўринга эга бўлган омилларнинг дастлабки, яъни 1-гуруҳи уларнинг безовталаниш ва мотивация соҳасида бўлиб, кутилаётган натижалар даражаси (0,577), ташаббускорлик (0,575), ички мотиви (0,499), билиш мотиви (0,464), ўзини ҳурмат қилиш мотиви (0,414); 2-гуруҳи мотивация-иродавий соҳага алоқадор омиллар бўлиб, уларда мағлубиятдан қочиш мотиви (0,754), рақобатчанлик мотиви (0,741), ютуқларнинг қадрланиши мотиви (0,684), эришилган натижаларни баҳолаш даражаси (0,641), фаолиятни алмаштириш мотиви (0,619); 3-гуруҳи иродавий соҳаси бўйича омиллар, яъни ирода кучи (0,701), топшириқнинг қийинлиги (0,587) ва натижаларнинг қонунийлиги (0,493); 4-гуруҳи психик қувват ва уларни реализация қилиш соҳасига тегишли омиллар бўлиб, ўз кучини сафарбар қила олиш даражаси (0,751), ўз имкониятларини баҳолаш (0,678) эканлиги билан аҳамиятлидир.

Бу натижалар бадиий гимнастика касбий фаолиятини танламоқчи бўлган ўсмир-қизларнинг ихтисослаштирилган мактаб ҳаётига мослашиш жараёнида асосий эътиборни уларнинг психикасида етакчи деб аниқланган мотивация, эмоционал-иродавий соҳаларга эътибор қаратиш зарур эканлигидан далолат беради.

**1-жадвал.**

Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабининг “Спортда камолотга эришиш” гуруҳ тарбияланувчилари психикасидаги етакчи омиллар кўрсаткичлари (*n=13*)

| № | | 1 | 2 | 6 | 11 |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Безовталаниш ва мотивация соҳаси** | | | | | |
| 1. | кутилаётган натижалар | 0,577 | - | - | - |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | даражаси | | | | |
| 2. | ташаббускорлик | 0,575 | - | - | - |
| 3. | ички мотиви | 0,499 | - | - | - |
| 4. | билиш мотиви | 0,464 | - | - | - |
| 5. | ўзини ҳурмат қилиш мотиви | 0,414 | - | - | - |
| **II. Мотивация-иродавий соҳаси** | | | | | |
| 6. | мағлубиятдан қочиш мотиви | - | 0,754 | - | - |
| 7. | рақобатчанлик мотиви | - | 0,741 | - | - |
| 8. | ютуқларнинг қадрланиши мотиви | - | 0,684 | - | - |
| 9. | эришилган натижаларни баҳолаш даражаси | - | 0,641 | - | - |
| 10. | фаолиятни алмаштириш мотиви | - | 0,619 | - | - |
| **III. Иродавий соҳаси** | | | | | |
| 11. | ирода кучи | - | - | 0,701 | - |
| 12. | топшириқнинг қийинлиги | - | - | 0,587 | - |
| 13. | натижаларнинг қонунийлиги | - | - | 0,493 | - |
| **IV. Психик қувват ва реализация қилиш соҳаси** | | | | | |
| 14. | ўз кучини сафарбар қила олиш даражаси | - | - | - | 0,751 |
| 15. | ўз имкониятларини баҳолаш | - | - | - | 0,678 |

Бадиий гимнастика спорт туридан касбий фаолиятни танламоқчи бўлган ўсмир-қизлар шахсининг эмоционал ҳолатида юқори юкламали омиллар мавжудлиги шу соҳада муаммолар борлигини кўрсатади. Уларнинг кутилаётган натижалар даражаси (0,577), ташаббускорлик (0,575), ўзини ҳурмат қилиш мотиви (0,414) билан боғлиқ безовталаниши юқорилигининг гувоҳи бўламиз. Бундан кўринадики, янги фаолият турини танлаган ўсмир-қизлар шахсида эмоционал соҳани изга тушириш, уни тартибга келтириш биринчи галдаги масала ҳисобланади. Безовталаниш бўйича деярли ҳар уччала шкаладаги омиллар юқори юкламали, яъни мусбат коэффициентга эгалиги алоҳида аҳамиятли бўлиб, уларнинг биридаги юклама юқори бўлганда, қолганларида ҳам юқори бўлади.

Аниқланишича, ана шу 1-гуруҳ омиллари таркибига шахснинг эмоционал ҳолати ва мотивация соҳасига доир, хусусан, ички мотиви (0,499) ва билиш мотиви (0,464) кирганлиги қўшимча малакани талаб этадиган бадиий гимнастика спорт фаолиятини танлаган ўсмир-қизлар психикасида мотивация билан эмоционал соҳалар ўзаро муҳим алоқадорликка эга эканлигини билдиради.

Шунингдек, 2-гуруҳ омиллари натижаларига кўра қўшимча малакани талаб этадиган бадиий гимнастика спорт фаолиятини танлаган ўсмир-қизларнинг мотивация-иродавий соҳасида ўзаро муқаррар изчиллик бўлиши талаб этилмоқда.

Чунки, мағлубиятдан қочиш мотиви (0,754), рақобатчанлик мотиви (0,741), фаолиятни алмаштириш мотиви (0,619), эришилган натижаларни баҳолаш даражаси (0,641) мотивларининг мусбат коэффициентли юкламага эгалиги уларнинг интилиш даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Бундан эса, уларнинг мотивацион-иродавий соҳасини такомиллаштиришда юқоридаги юкламали омилларни ҳисобга олиш ва шунга мувофиқ йўналтириш зарурати келиб чиқади.

Болалар ва ўсмирлар спортига эътибор сиёсат даражада қаралаётган бир пайтда бадиий гимнастлик касбий фаолиятига йўналганлик ўсмир-қизлар шахсининг яна бир жабҳаси сифатида уларнинг иродавий соҳасини мужассамлаштирган омиллар ўрин олган. Улар бажараётган топшириқнинг қийинлиги 0,587), ирода кучи (0,701) ва натижаларнинг қонунийлиги (0,493)дан иборат. Бу омиллар ўсмир-қизларнинг эмоционал-иродавий ва мотивация соҳаларига дахлдорлиги ва юқори мусбат коэффициентга эгалиги уларни тизимлаштириш зарурлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Умуман олганда бадиий гимнастикачи ўсмир-қизлар психикасидаги етакчи омилларни аниқлашга қаратилган мазкур тадқиқот иши қуйидаги хулосаларни илгари суриш имкониятини берди:

*Биринчидан*, бадиий гимнастика спорт фаолиятини касб сифатида танланилишига сабаб бўлувчи мотивлар ва ихтисослаштирилган муҳитда шахс мослашувига таъсир кўрсатувчи омилларни, хусусан, табиий шароитни инсон ўзгартира олмаса-да, аммо техникани мукаммаллаштириш, фаолиятни стратегик лойиҳалаштириш, ўқув-тренеровка (спорт/меҳнат) жамоасида соғлом психологик муҳитни шакллантириш орқали ноқулай шароитда ҳам ўсмир-қизларнинг бадиий гимнастикага бўлган муносабат мотивациясини янада ошириш мумкин.

*Иккинчидан*, натижалар бадиий гимнастика спорт фаолиятини танламоқчи бўлган ўсмир-қизларнинг ихтисослаштирилган мактаб ҳаётига мослашиш жараёнида асосий эътиборни уларнинг психикасида етакчи деб аниқланган мотивация, эмоционал-иродавий соҳаларга эътибор қаратиш зарур эканлигидан далолат беради. Бу эса умумтаълим муассасалари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт мактаблари селекционер-тренерлари ўртасида ҳамкорликда ҳал этиладиган муаммо сифатида гавдаланади.

## АДАБИЁТЛАР / ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES

1. Бадиий гимнастика тўгараги ўқув дастури / Тузувчилар: Д. Қурбонов, М. Карабев. – Т.: ХТВ, 2018. – 15 б. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: http://namangan50.zn.uz (мурожаат санаси: 10.04.2020).

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги 20-сонли буйруғи [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: https://minsport.uz/ ва телеграмм бот канали: t.me/sportuslub (мурожаат санаси: 20.04.2020).

3. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-

uz/6548-demografiya (мурожаат санаси: 13.04.2020).
4. Ўзбекистон МОҚ: Олимпиадага номзод спортчилар [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: http://olympic.uz/olimpiyachilar/olimpiadaga-nomzod-sportchilar (мурожаат санаси: 15.04.2020).
5. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э. Маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимга лойиқлигини баҳолашга оид тест ва методикалар тўплами. Методик қўлланма. // Проф. В.М.Каримованинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – 64 б.

## ВОЛОНТЕРСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: АНАЛИЗ ОПЫТА И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

*Хайруллин Р.И.*
*Национальный университет Узбекистана*

В современном обществе волонтерская деятельность приобретает значение для оказания социальной помощи и поддержки населению, организации культурно-спортивных мероприятий, мероприятий по охране окружающей среды и памятников культуры. Важно отметить, что развитие и популяризация волонтерства говорят о том, что в общественном сознании развиваются гуманистические идеи, идеи альтруизма и ответственность перед обществом. Таким образом, проявляется активная гражданская позиция людей, которые хотят присоединиться к данному виду деятельности.

В специальной литературе волонтерство (добровольчество) определяется как неоплачиваемая, сознательная, добровольная деятельность на благо других. По мнению Т.О. Арчаковой (2011), «волонтером (добровольцем) может стать взрослый человек, умелый и ответственный, кто может посвятить свое время и умение добровольному труду в любой сфере общественной жизни, где есть необходимость» [2].

Практика показывает, что основную часть волонтеров составляют молодые люди в возрасте от 16 до 35 лет. Развитие массовых коммуникаций, в частности, в виде социальных сетей, способствует распространению информации о различных проектах и движениях, к которым современный молодой человек может присоединиться. В первую очередь среди волонтеров можно наблюдать школьников, студентов лицеев и высших образовательных учреждений. Именно молодые люди, которые еще не состоялись как специалисты, которые пробуют себя в различных сферах деятельности, проявляют заинтересованность по отношению к волонтерской деятельности. Это объективно, потому что волонтерство предоставляет возможность познакомиться с особенностями осуществления различных видов трудовой деятельности. Волонтер не получает материального вознаграждения, соответственно, он выступает в качестве стажера, который учится в процессе выполнения рабочих задач. Стоит отметить, что отсутствие материальной награды не снимает с волонтера ответственности за его действия и за

результат его работы. Таким образом, волонтерская деятельность позволяет на бесплатной основе попробовать себя в некоторых видах профессий, оценить свои возможности и, самого главное, набраться практических знаний и опыта. Этот аспект можно рассматривать как один из основных компонентов мотивации волонтера.

В специальной литературе изучение психологических и социальных аспектов волонтерства вызывает огромный научный интерес в связи с его ролью в современном обществе. В психологической науке изучаются представления о социальном волонтерстве, факторы, определяющие интенстивность волонтерской активности, психосоциальные детерминанты готовности к волонтерской деятельности [1, 3, 4, 5].

Вопросу мотивации волонтера уделено достаточное внимание в психологических исследованиях. Одним из направлений изучения психологических особенностей волонтерства выступает исследование ценностного компонента личностной сферы волонтера. Исследователи отмечают, что ценностная сфера личности волонтера имеет другую иерархию в отличие от людей, не занимающихся волонтерской деятельностью. Согласно эмпирическому исследованию, проведенному К.А.Палкиным (2019), человеческие ценности, которые представлены в личности каждого человека имеют различную степень значимости у волонтеров и неволонтеров, и имеют различную форму реализации в каждой жизненной сфере. Анализ значимых различий показал, что для волонтеров превалирующими ценностями являются активные социальные контакты в сфере увлечений. Для неволонтеров достижения в профессиональной сфере являются более важной ценностью. Значимые различия между волонтерами и неволонтерами также вышли по таким ценностям, как «высокое материальное положение», «креативность», «развитие себя», «духовное удовлетворение» в таких жизненных сферах «обучение и образование», «увлечения», «профессиональная жизнь». Еще одним интересным результатом, полученным в ходе данного исследования, стало различие в мотивационных сферах волонтеров со стажем и начинающих волонтеров. Основная цель, которую преследуют начинающие волонтеры – это стремление к установлению новых благоприятных отношений. Волонтеры со стажем стремятся к удовлетворению своих моральных потребностей, сохранению и поддержанию своих взглядов и ценностей [4].

Опыт волонтерской деятельности автора статьи постоянно ставит вопросы о необходимости его рефлексивного анализа. В связи с этим было проведено краткое интервью на основе полуформализованной анкеты среди 17 волонтеров в возрасте от 20 до 30 лет. Анкета включала вопросы, касающиеся описания первого волонтерского опыта, мотивации, своих эмоций и впечатлений от этого опыта, источников информации о различных проектах, о способах вовлечения в них.

Было выявлено, что информацию о тех или иных проектах, где требуется безвозмездная помощь, волонтеры получили от своих знакомых или же посредством социальных сетей. Только в одном случае фигурировал

ответ, что будущий волонтер был привлечен к данной деятельности в своем учебном заведении. Данный факт говорит о том, что современные школы, лицеи, образовательные учреждения ведут недостаточную работу по привлечению молодого поколения к активной социальной деятельности, направленной на повышение их гражданской позиции.

На основе проведенного контент-анализа в рамках данного опроса можно выделить такие мотивационные факторы вступления в ряды волонтерства, как получение новых знаний и опыта, заведение новых знакомств, следование внутренним гуманистическим соображениям и ценностям. Если остановиться на последнем пункте более подробно, то можно выделить такие ответы, как «хочу сделать мир лучше», «хочу помогать тем, кто нуждается в помощи», «нашел в себе силы помогать».

Среди ответов, раскрывающих мотивацию волонтеров, важно отметить эмоциональные переживания, которые способствуют вовлечению в данный вид деятельности. Этот вывод можно сделать на основе таких ответов, как «получаю удовольствие, когда помогаю людям», «нравится помогать», «чувствую прилив сил», «эта деятельность меня вдохновляет».

Анализ ответов респондентов позволяет сделать выводы о том, что деятельность волонтера имеет сложное эмоционально-волевое регулирование. Побудительными причинами выступают как желание делать полезные добрые дела (ценностно-мотивационные факторы), так и получение удовольствия и заряд положительными эмоциями в ходе общения и деятельности (эмоциональные факторы).

Важно отметить, что многие полученные ответы носили социально-одобряемый характер, поэтому необходимо более сдержано делать выводы на основе ответов волонтеров.

Анализ личного опыта волонтерской деятельности указывает еще на одну особенность – это высокая текучесть кадров. Стоит сразу сделать поправку на то, что волонтерская активность не является основной в жизни каждого человека и не может мешать таким сферам жизни, как учеба, личная жизнь и трудовая деятельность. Это позволяет констатировать такую тенденцию среди волонтеров, как смещение ценностных ориентиров, когда, например, учебная деятельность выходит на передний план.

Имеют место и такие случаи, когда пропадает элементарный интерес к той деятельности, в которой волонтер был занят. Мотивация стать волонтером носит стихийный характер, преследует такие цели, как получение удовольствия, развлечения в ходе работы на мероприятии, а в дальнейшем эта мотивация может угаснуть. Бывают и такие случаи, когда начинающий волонтер не готов к тому объему работ, который на него возлагается. Человек считает, что если он работает на безвозмездной основе, то он вправе решать сам, что он будет делать, а что – нет. Подобное отношение к работе в рамках больших проектов может пагубно сказываться на эффективности и результативности проводимой работы, а также элементарно приводить к проблемам и сбоям, которые нарушают весь цикл работы всех волонтеров. Отсюда следуют выводы, что необходимо

проводить качественные обучение и инструктаж с волонтерами, направленные на повышение эффективности работы и мотивации, как на стадии их рекрутинга, так и в ходе дальнейшего взаимодействия.

Таким образом, анализ исследовательской литературы и опыта волонтерской деятельности показывает, что необходимо дальнейшее изучение мотивационно-личностной сферы волонтера с целью повышения эффективности механизмов рекрутинга и осуществления планов волонтерских групп. Важным являются разработка и активное применение психообразовательных тренинговых программ, направленных на формирование мотивационной стабильности в деятельности волонтеров.

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Алмазова О.В., Чурбанова С.М. Социальное волонтерство в представлениях студентов [Электронный ресурс] // Психолого-педагогические исследования. 2018. Том 10. № 3. С. 99–114. doi:10.17759/psyedu.2018100309

2. Арчакова Т.О. Альтруизм с удовольствием: психология добровольчества [Электронный ресурс] // Электронный сборник статей портала психологических изданий PsyJournals.ru. 2011-1. Том 3. № 2011-1. URL: https://psyjournals.ru/pj/2011_1/33048.shtml (дата обращения: 14.07.2020)

3. Гулевич О.А., Шевелева И.А., Фомичев А.А. Помощь как стиль жизни: психологические аспекты волонтерской деятельности // Социальная психология и общество. 2013. Том 4. № 2. С. 5–20.

4. Палкин К.А. Ценностные детерминанты готовности человека к волонтерской деятельности // Психологическая наука и образование. 2019. Том 24. № 3. С. 52–62. doi:10.17759/pse.2019240305

5. Расходчикова М.Н., Сачкова М.Е. Взаимосвязь психологических особенностей студентов и их готовности к волонтерской деятельности // Психологическая наука и образование. 2019. Том 24. № 6. С. 85–95. doi:10.17759/pse.2019240608

## ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИДА ОТА-ОНАЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ. (ЎСМИРЛИК ДАВРИ АСПЕКТИДА)

*Холиқова М.*
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази*
*Махсус ўқув курслари раҳбари, фалсафа доктори, доцент*

*Барча манфаатлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.*
Эпиктет

*Ота-она фарзандига одобдан буюкроқ мерос бера олмайди.*

*Ҳадис*

*Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим.*
Ювенал

Ҳар бир инсонда билим ва кўникмалар, шахсий, ижодий, профессионал амбицияларни рўёбга чиқариш учун улкан салоҳият мавжуд.

Шахсий ривожланиш стратегияси умр давомида маънавий-руҳий ривожланиш, ўз олдига қўйилган мақсадларни амалга ошириш йўлида зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, Я-концепцияни рўёбга чиқариш устида бетиним изланиш каби муҳим компетенцияларни ўз ичига олади.

Рус психологи В.Л.Леви шахсий ривожланиш стратегиясининг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат, дея таъкидлайди:

- Ўз қизиқишлар доирасини кенгайтириш;
- Ҳаётий позиция ва қарашларини мустаҳкамлаш;
- Ички ҳуррият, фикрларнинг эркинлиги;
- Истак ва эҳтиёжларини англаш;
- Ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъулият ҳисси;
- Шахсий нуқтаи назар ва қарашларини ҳимоя қилиш;
- Ўзини ноёб, такрорланмас шахс сифатида қабул қилиш;
- Камчилик ва нуқсонлари устида бетиним изланиш;
- Иқтидор ва лаёқатларини муттасил ривожлантириш.

Инсоннинг физиологик, маънавий-руҳий шаклланиши ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир ёш даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Масалан, болаликнинг илк ёшларида дунёни англаш, фазога мослашув ривожланади, кексаликда когнитив ва психомоторик функцияларнинг секинлашуви кузатилади.

Ўсмирлик ёши энг таъсирчан давр бўлиб, бу даврда тўғри йўналтирилган бола тарбияси кейинги ҳаёт учун асос бўлади. Ўсмирлик бола тарбиясининг энг мураккаб босқичи саналиб, унда ота-оналардан ҳақиқий ғамхўрлик талаб қилинади.

Ўсмирлик даврини кўпинча “ўтиш даври”, деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталик ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг олтидан бир қисмини (1 миллиарддан ортиқ) 10 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади (2018 йил). Ўсмирлик ёшига нисбатан кўпинча тинейджер ибораси қўлланилади. Тинейджер “13-19 ёшдаги бола” маъносини англатади. (инглизчадан *teen* — 13 дан 19 гача бўлган рақамларнинг таркибий қисми, *age* — ёш).

Замонавий илм-фан ўсмирлик даврини мамлакат (яшаш ҳудуди) ҳамда миллий-маданий хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлайди.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) терминологиясидан келиб чиқиб 10-19 ёш “ўсмирлик даври” деб баҳоланади.

Француз педагоги ва нейропсихиатри Анри Валлон жинсий етилиш ва ўспиринлик даврини 12 ёшдан 18 ёшгача деб белгилайди.

Таниқли педагог, психолог Даниил Эльконин ўсмирликнинг икки даврини фарқлайди: илк ўсмирлик даври (12-14 ёш) ва катта ўсмирлик даври (15-17 ёш) (1, 15 б.).

Лев Виготский пубертат (жинсий етилиш) даври деб 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган диапазонни кўрсатади.

Ўсмир ёшда бола организмида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришларнинг физиологик, руҳий, интеллектуал, психологик жиҳатлари бор.

Ўсмирлар танасида содир бўлаётган ўзгаришларга ҳаддан ортиқ таъсирчан бўладилар.

«Ўтиш даври» деб ном олган ўсмирлик ёши специфик психологик хусусиятга эга. Бу ёшда болалар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар, мардлик, жасурликни намоён қиладилар.

Ўсмирлар масаланинг аҳлоқий жиҳатларига эътибор қарата бошлайдилар, адолатга интиладилар, ота-оналарининг аҳлоқий эътиқодларини ўзлаштирадилар.

Бу даврга кучли ижтимоийлашув (социализация) хосдир. Ўсмирлар бўш вақтининг асосий қисмини дўстлари, тендошлари даврасида ёки мактабда ўтказадилар.

Ўсмир ёшда хос бўлган характер хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ✓ ўзгарувчанлик;
- ✓ эмоционаллик;
- ✓ ўз фикрини ўтказишга уриниш;
- ✓ қадриятлар тизимининг ўзгариши;
- ✓ ўсмирлик эгоцентризмининг шаклланиши;
- ✓ “мен-концепцияси”нинг ривожланиши;
- ✓ ҳаётий режалар қуриш;
- ✓ келажак касби ва идеали билан боғлиқ билимларга эҳтиёж;
- ✓ мантиқий тафаккурнинг ривожланиши;
- ✓ ўз-ўзини англаш даражасининг кенгайиши;
- ✓ олам ҳақидаги билимларнинг чуқурлашуви;
- ✓ ўйин фаолияти камайиб, янги фаолиятлар юзага келиши;
- ✓ ўз фаолиятини назорат этишнинг ривожланиши;
- ✓ оилавий муаммолар муҳокамасида иштирок этишга интилиш;
- ✓ катталарнинг қўллаб-қувватлашига бўлган эҳтиёж;
- ✓ ўзига кўпроқ ишонч;
- ✓ келиша олмаслик, муросасизлик;
- ✓ камчиликларини тан олмаслик;
- ✓ ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш;
- ✓ ўзини ҳақ эканлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш;
- ✓ катта бўлиб қолганлигига атрофдагиларга ишонтириш.

Маълумки, шахс маънавий камолотида оилавий тарбиянинг ўрни беқиёс. Бунда айниқса, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид билим ва компетенцияларга эгалиги катта аҳамият касб этади.

Ўсмир ёшдаги болаларнинг ота-оналаридан катта масъулият, эътибор, меҳр, ишонч, тушуниш талаб этилади. Бу ёшда катталар ўсмирларни билиб-билмай қўяётган камчилик ва хатоларини кўпчилик ичида уялтириб, камситиб эмас, балки педагогик тактга риоя қилиб, сабр билан англатиши зарур.

Ота-она ўз сўзи ва ҳатти-ҳаракати билан ибрат бўлиши, боланинг шахсий маконини ҳурмат қилиши, болага ўз нуқтаи назарини ўтказмаслиги ҳамда конструктив мулоқот олиб бориши зарур.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, ҳаётий позиция, ўзлигини англаш, баҳолаш даври ҳисобланади. Ўсмир ўз фаолиятини муайян тамойил, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Бу ёшда болалар ва ота-оналар ўртасида қуйидаги низолар кузатилиши мумкин:

- *ота-она муносабатларидаги ўзгарувчанлик, баҳолаш мезонларини доимий ўзгартириш;*
- *ўта ғамхўрлик қилиш;*
- *мустақилликка бўлган ҳурматсизлик;*
- *ота-онанинг ҳар қандай музокарада ўз ҳукмини ўтказиши;*
- *ота-онанинг боланинг ҳатти-ҳаракатларига ишончсизлик билдириши.*

Кейинги пайтда оиладаги шахслараро муносабатларда, фарзандлар тарбиясида ижтимоий, иқтисодий, аҳлоқий омиллар таъсирида, хусусан, ота-оналарда фарзанд тарбиясига доир билим ва компетенцияларнинг етарли эмаслиги таъсирида бир қатор муаммолар кузатилмоқда.

Шунингдек, глобаллашув, одамларнинг онгида рўй бераётган ижтимоий, психологик ва бошқа ўзгаришлар аждодларимизга хос бўлган сабр-қаноат, шукроналилик, бағрикенглик каби миллий хусусиятларнинг маълум даражада камайишига асос бўлмоқда.

Тадқиқотларга кўра, сўнгги йилларда ёшларда кузатилаётган акселерация жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши икки - уч йилга илгарилаб кетган. Ривожланиш тезлиги ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик жиҳатларига ва ижтимоийлашувига жиддий эътибор қаратилиши лозим эканлигидан далолат беради.

Ота-оналарнинг оилада фарзандлари билан қилаётган муомала ва муносабатларнинг салбий кўринишлари болаларда хулқ оғишининг келиб чиқишига, қўрқоқлик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётларга берилувчанликнинг шаклланишига олиб келади.

Ота-оналар баъзан фарзандларига ўта даражада меҳр қўядилар, уларни асраб - авайлайдилар, истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Бунинг натижасида болада такаббурлик, манманлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабрсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлади.

Оилада қаҳр-ғазаб асосидаги шахслараро муносабатлар, ўта қаттиққўллик, авторитар ёндашув, боланинг фикрини тан олмаслик ўсмирларда уйдан безиш, оилавий муҳитга нисбатан деформациялашувни келтириб чиқаради. Натижада ўсмир оиладан ташқари кўча муҳитини маъқул

кўради. Кўча муҳити эса баъзан криминал мазмунга эга бўлиши, ўсмирда хулқ оғиши (девиация)нинг келиб чиқиши учун имконият яратиши мумкин.

Оилада ўсмир фарзандни тарбия қилаётган ота-оналарга тарбия компетенцияларини ривожлантириш бўйича қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Ёшлар билан ҳисоблашиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиш, керакли жойларда маслаҳат бериш яхши натижалар беради. Боланинг ўзига ишончсизлиги сабабларидан бири оилада унинг фикри қадрланмаслигидир. Фарзандингиз билан тез-тез мулоқот қилинг, бунда диалогдан кўпроқ фойдаланинг. Фарзандларингизни безовта қилаётган қўрқув, шубҳаларни тушунишга ҳаракат қилинг.

2. Ота-оналарнинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан қизиқмасликлари, уларни назоратсиз қолдиришлари ҳам ўсмирни ғайриқонуний хулқ-атворга олиб келади. Ота-оналар фарзандларининг айниқса, ўсмирлик ёши давридаги фаолиятларини, бўш вақтларида нималар билан шуғулланаётганликларини мунтазам равишда назорат қилиб боришлари муддаодир.

3. Фарзанднинг характери, қизиқишлари, шахсий хусусиятларини эътиборга олиш, кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик мақсадга мувофиқ. Самимий муносабат, шахсий намуна, оиладаги маънавий муҳит, эмоционал фон катта аҳамиятга эга.

4. Ўсмирларинг ижобий феъл-атворини шакллантириш учун уларда масъулият, хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик, ишонч каби фазилатларни таркиб топтириш лозим. Уларга ёши, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айни муддаодир.

5. Глобаллашув ва интернетнинг салбий таҳдидларидан асраш учун ота-она фарзандининг смартфон ва планшетида қандай ўйинлар ўйнаётганини, ижтимоий тармоқларда ким билан мулоқот қилаётганидан хабардор бўлиб туриш ўта муҳимдир. Болани имкон қадар спорт машғулотлари, тўгараклар, мусиқа дарслари, уй юмушлари билан банд қилиш керак.

6. Ўсмир болага мустақил ва эркин бўлишга имкон бериб, айни вақтда унинг хулқини диққат билан назорат қилиш зарур.

7. Болага ғамхўрлик қилиш, унинг ҳаётида иштирок этиш, уни руҳан қўллаб-қувватлашга тайёрлигингизни кўрсатишни унутманг. Ўсмир ёшидаги болалар учун уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишларида уларни тенг ҳуқуқли деб қабул қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Шундагина фарзандингиз катталар тажрибасини ва донолигини ҳисобга олишга тайёр бўладилар.

8. Таъқиқлар қўйишда, албатта унинг сабабларини кўрсатиб ўтинг. Болага нима учун таъқиқлар қўйганингизни, ўйламасдан қилинган ишларнинг натижаси нимага олиб келишини хам тушунтиринг. Бола билан биргаликда муаммонинг энг яхши ечимини топинг.

9. Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг. Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини ўргатинг.

10. Болаларни ҳаётий кўникмаларга кичикликдан ўргатиш керак. Болани ижобий руҳда тарбияланг. Унда ўзига ишонч, оптимизм каби сифатларни ривожлантиринг. Болани эзгу мақсадларга эришишга рағбатлантиринг.

11. Болангизга ютуқларини эмас, балки қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо билдириб туринг.

12. Болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас, балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг.

13. Куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади.

14. Ўсмир болангизнинг муаммоларига эътиборли бўлинг. Ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида болангизнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

15. Фарзанд тарбияси муайян билимлар, улкан сабр, қунт ва вақтни талаб қилади. Бу соҳада маҳоратга эриш учун ўз устингизда ишланг, фарзанд тарбиясига оид китобларни мутолаа қилинг.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Эльконин Д. Избранные психологические труды. — Москва: Педагогика, 1989.
2. Рахмонова Д.Б. Бошқарув психологияси. Маърузалар матни. – Бухоро: 2010. – 80 б.
3. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқ. Оила психологияси. - Т.: Шарқ. 2010. -295 б.
4. www.ziyonet.uz
5. www.tvpkqtmoi/zn.uz

## ШАХС ОНТОГЕНЕТИК ТАРАҚҚИЁТИДА РЕФЛЕКСИВЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Халилова Н.И.*
*Низомий номидаги ТДПУ Психология кафедраси мудири*

Маълумки, рефлексия атамасига доир изоҳлар учун умумий алоқадор тушунча ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи кузатиш, ўзининг ҳолатини англаш ва шу кабилар ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур жарёнларнинг шаклланиши ривожланиш психологияси нуқтаи назаридан 7-8 ёшда юз бера бошлайди.

Инсон психик ривожланиши, унинг шахс сифатида шаклланиши ўзини ўзи англашининг, яъни ўзини жисмоний, маънавий ҳамда ижтимоий мавжудот сифатида англашининг қарор топиши билан боғлиқ.Ўзини ўзи англашнинг ривожланиши ҳар бир болада ўзига хос тарзда кечади. Бироқ, барча болаларда, одатда, ҳаётининг биринчи йили охирига келиб, ўзини ўзи англашнинг пайдо бўлганини тасдиқловчи белгилар кузатилади, яъни бола ўзини, ўз танасини уни ўраб турган фазодан ажрата бошлайди. Ўзини ўзи англашнинг кейинги ривожланиши боланинг ўз хоҳишлар ва умуман

фаолияти мотивларини англаши билан боғлиқ бўлади. Ўз фаолиятининг мотивларини англаши, болага ўзини ўзи англашнинг кейинги босқичига ўтишга, яъни ўз ҳаракатларидан ажрата олишга ёрдам беради. Дастлаб бола ўзини фаолият субъекти сифатида англайди.

Илк болалик даври ўзини ўзи англаш ривожланишидаги муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Чунки бу давр болада авваллари предметга мустаҳкам бириктириб қўйган ҳаракатни аста-секин ўзидан ажрата бошлайди. Бу ҳодиса бирдан, ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Унинг амалга ошишига сабаб боланинг аввалги предметли ҳаракатини янги шароитларда бажарилиши ва уни бошқа предметларга кўчиришидир.

Психолог Л.И.Божовичнинг таъкидлашича, ҳатто илк болалик даврининг охирига келиб пайдо бўлувчи “Мен” ини рўёбга чиқаришини намоён қилиш эҳтиёжи ушбу даврда юзага келувчи энг марказий тузилма янги тузилма, деб ҳисоблашади. Бу тузилма кетидан пайдо бўлувчи тузилмалар орасида ўз-ўзига баҳо беришнинг юзага келиши боланинг шахс сифатида ривожланишида ўта мухим аҳамият касб этади.

Шахс шаклланишининг дастлабки босқичларида, яъни илк болалик даврининг охири ва боғча ёшининг бошидаги ўзига ўзи баҳо беришнинг генезисида боланинг катталар билан бўлган мулоқоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бола ўзининг имкониятлари ҳақида адекват билишга эга бўлмаганлиги туфайли катталарнинг унга берган баҳосини қабул қилади. Бошқача қилиб айтганда, бола ўзини катталар орқали уларнинг бола ҳақидаги фикри орқали баҳолайди. Бола бу даврда ўзига ўзи баҳо беришда тўлалигича катталарнинг фикрига суянади. Ўзи ҳақидаги мустақил тасаввур элементлари эса бироз кейинроқ пайдо бўлади.

Боғча ёш даврида ўзига ўзи баҳо бериш эмоционал характерга эга бўлади. Боланинг бошқаларга берадиган баҳоси ҳам шундай хусусиятга эга бўлади. Бола уни ўраб турган катталардан қайси бирига ишончни ҳис этса, меҳри товланса, ўша кишига ижобий баҳо беради. Катта боғча ёшидаги болалар уларни ўраб турган катталарнинг ички оламига баҳо беришга ҳаракат қиладилар. Ўрта ва кичик боғча ёшидаги болалардан фарқли равишда катталарнинг ички оламига анчагина чуқур ва дифференциаллашган баҳо берадилар. Боғча ёшининг охирига келиб, болани атрофдагиларга берадиган баҳоси анча чуқур, тўлиқ деталлашган ва кенгайтирилган тус ола бошлайди.

Бу ўзгаришлар шу билан тушунтириладики, катта боғча ёшидаги болаларда одамларнинг ички оламига қизиқиш ортиб боради, улар баҳо беришда муҳим бўлган мезонларни ўзлаштириб борадилар, тафаккур ва нутқлари ривожланиб боради.

Мактабгача бўлган даврда ўзини ўзи англаш тараққиётининг муайян даражаси боланинг мактабдаги таълимига тайёрлиги кўрсаткичларидан биридир. Бу даврда болада ўзини ижтимоий мавжуд деб ҳисоблаш вужудга келади. Ўзини ўзи англаш ривожланишининг бу даражаси ўзига хос шахсий янги тузилма – ўқувчи ички позициясининг таркиб топиши билан бевосита боғланган. Ўқувчи ҳолатига интилиш бола шахсини тавсифлайди, унинг

хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ва унинг воқеликка ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабат тизимини белгилайди.

Ўқув фаолиятида боланинг ўз-ўзини билиш амалга оширилади. У атрофидагилар томонидан баҳоланади ва шунинг учун ўқувчи улар ўртасидаги ўрнини белгилайди. Энди ўқув фаолиятида бола ўзини билади, унда ўзи ҳақида тасаввурлар, ўз-ўзини баҳолаш таркиб топади. Ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқариш кўникмалари шаклланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзи ҳақидаги тасаввурлар ўзига бўлган муносабатлар, яъни ўзини ўзи баҳолаш билан узвий боғланган. Ўзи ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиш даражасига кўра болалар 3 гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳга шундай ўқувчилар кирадики, уларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурлари адекват ва барқарордир. Бу гуруҳга кирувчи болалар ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши, бу хатти-ҳаракат мотивларини ажратиш, ўзи ҳақида ўйлаш билан тавсифланади.

Ўқувчиларнинг 2-гуруҳи шу билан тавсифланадики, унинг аъзоларини ўзлари ҳақидаги тасаввурлари беқарор ва адекват эмас. Бу ўқувчиларда ўзларидаги муҳим сифатларни ажратиб кўрсатиш, ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш етарли эмас. Фақат баъзи ҳоллардагина бу гуруҳга кирувчи болалар ўзларини адекват баҳолашлари мумкин.

3-гуруҳга ўқувчилар учун характерли нарса уларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурлари уларга бошқалар, айниқса, катталар томонидан берилган тавсифномадан иборат. Бу болаларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари ривожланиши паст даражада.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида ўзини ўзи баҳолашнинг барча турлари адекват – барқарор, юқори – барқарор, беқарор (юқори ёки паст).

Адекват ўзини ўзи баҳолашга эга бўлган болалар – фаол, тетик, топқир, хушмуомала бўладилар, мағрурлик, ўзига ҳаддан ортиқ ишониш каби шахсий сифатлар ўзини ўзи юқори баҳоловчи болаларда енгил шаклланади [2].

Таъкидлаш жоизки, кичик мактаб ёшида рефлексив қобилият янги сифатлар билан янада кенгайиб боради. Шунингдек, ўзини шахс сифатида англаш эхтиёжининг таркиб топишидан иборатдир. Бошқа ёш даврларидан фарқли равишда ўсмирлик даврида ўз-ўзига нисбатан, ўзининг ички руҳий ҳаётига, ўз шахсининг сифатларига қизиқиш юзага келади.

Ўсмирлик даври ўзини ўзи англашнинг ривожланиши учун фаол даврдир. Унинг ривожланиш воситаси эса шахсий рефлексиядир. Ўсмир ўзини ўзи англашини янги материал билан бойитиш орқали ўзини ўрганишни чуқурлаштириб боради. У ўзининг шахс хусусиятлари, атрофдагилар билан муносабати, имконият ва интилишлари, кучли ва кучсиз томонларини ўрганиб боради. Рефлексия келажак ва ўтмишни бир-бири билан боғлайди, боладикдаги катталик ҳаёти ҳақидаги кутишларини таққослаб кўрадилар. Рефлексиянинг мазмунли режаси жуда кенг бўлиб, ўсмир атроф-оламни, бошқа инсонларни ўзини ўзи ва шахсий рефлексиясини таҳлил қилади. Рефлексиянинг муҳим хусусияти унинг бой эмоционаллигидир. Тез ўзгараётган ташқи кўриниш, ўзини бошқалар билан идрок қилиш, ўқув

фаолиятидаги муваффақият ва қобилиятлар доимо рефлексиянинг фокусида бўлади ҳамда кучли кечинмаларни вужудга келтиради, натижада уларнинг ўзи ҳам рефлексияланади.

Ўсмирлик даври рефлексиясининг яна бир муҳим хусусияти унинг эркин ассоциацияланишидир. Ўсмир ўзининг руҳий кечинмалари ва ташқи вазият таъсирида турли йўналишлардан келаётган фикрлари билан банд бўлади. Бироқ, рефлексиянинг марказида унинг ўзи, яъни шахси туради. Айнан рефлексияда ўзини ўзи идентификациялаш эҳтиёжини қондиради, уни ҳаммадан кўпроқ ўзининг “Мен”и қизиқтиради. Ўсмир “Мен”ини тушунишга ҳаракат қилади, “Мен кимман?” деган саволга жавоб топиши мазкур даврнинг энг асосий муаммоси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Л.И.Божовичнинг фикрига кўра, бу даврда ўзини фақатгина ўзигагина хос бўлган, бошқалардан ажралиб турувчи сифатларга эга шахс сифатида англаш эҳтиёжлари ва қобилиятлари пайдо бўлиши билан тавсифланадиган ўзини ўзи англашнинг янги босқичи юзага келади. Мазкур давр ўсмир шахсида ўзини ўзи намоён қилиши ва ўзини ўзи тарбиялашга интилиши кучаяди [1].

Шунингдек, Л.И.Божович ўсмирларда айнан рефлексиянинг ривожлантирилиши ўзини ўзи англашнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади деб ҳисоблайди. Айтиш мумкинки, ўсмирлик даврида рефлексия шиддат билан ривожланади, бу эса унинг ўзини билиш жараёнларида (тафаккур, хотира, диққат ва бошқалар) инсонлар билан мулоқот ва хулқида ўзининг шахсий хусусиятларида намоён бўлувчи сифатида тадқиқ этилишига имкон беради.

Маълумки, А.Буземан ўз тадқиқотларида Л.С.Виготский фикрига асосланиб, ўсмирлик даврида рефлексия ривожланишини характерловчи 3 та ҳолат мавжудлигини қайд этади:

***Биринчидан,*** рефлексия ва унга асосланган ўзини ўзи англаш ўсмир шахсида ривожланишига қаратилган бўлади. Ўзини ўзи англаш нафақат англаш феномени сифатида олинади балки, кенгроқ тарзда биологик ва ижтимоий ўзлаштирилган вариант сифатида кўрилади. А.Буземаннинг таъкидлашича, рефлексия илдизини тирик оламдан чуқур излаш керак, унинг биологик асослари ҳамма жойда нафақат ташқи оламни акс эттириши, балки организмнинг ўзини ўзи акс эттириши билан намоён бўлади.

***Иккинчидан,*** А.Буземан томонидан ўсмир ўзини ўзи англашининг ривожланганлиги билан ижтимоий ривожланиш ўртасида алоқа мавжудлиги алоҳида қайд этилади. Унинг фикрларига кўра, ўзини ўзи англашнинг ривожланиши маданий муҳит унинг руҳий ҳаётининг қайсидир томони билан боғлиқ бўлиши мумкин.

***Учинчидан,*** ўзини ўзи англаш таҳлил остига олинмайдиган қандайдир метафизик мавжудлик сифатида эмас, балки у рефлексияни ўзи томонидан субъектга ўзгартирувчи образ сифатида таъсир кўрсатиш мумкинлигига эътибор қаратишига чақиради [4].

Рефлексия ёрдамида шахсда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш тажрибаси юзага кела бошлайди. Бу қадриятли фикрлаш жараёни билан

бевосита боғлиқ саналади. Шунингдек, у шахсни ташқи шарт-шароитларга мослашишга ёрдам беради. Асосийси психиканинг бошқа имкониятларидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитларни ҳам яратиб беради. Ўсмирлик даврида шахс ўз оламига шўнғиб кетиши натижасида ўз фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларини ўйлашдан завқ олади. Ўсмир ўзгалар билан муносабат ва мулоқот қилиш натижасида рефлексияни амалга оширади. Унда атрофдаги ҳодиса фикрларни қабул қилиш ёки қилмасликка нисбатан ички диолог юзага келади. У бу каби фикр ва қарашларни инкор этади ёки қабул қилади [3].

Хулоса қилиб айтганда, рефлексия ўсмир ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзини ички дунёсини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, шахсни мулоқотчан, ижтимоий фаол бўлишида ҳам рефлексия аҳамиятлидир. Рефлексияси ривожланган ўсмир шахсини ўз олдига ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни қўя олиши ва ўз мақсадларига эришиш йўлларини топишига қодирдир. Кўп ҳолларда шахс атроф-муҳитни англашига бўлган қобилият ва ижтимоий қадриятларни англай олиш хусусияти мулоқот ва фаол ҳаётда муҳим ахамиятлидир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1.Божович Л.И. Этапы формирования личности в онтогенезе // Вопросы психологии 1979, №4

2.Жалилова С.Х. Ёш даврлари психологияси, маъузалар матни. Тошкент – 2016 й., 106-107-бетлар

3.Мудрик А.В. Время поисков и решений, или старшеклассникам о них самих.- М.,1989

Ҳозирги кунда талаба меҳнати тўхтавсиз интеллектуаллашиб бормоқда, модомики, бутун жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар шароитида тубдан қайта қуришнинг мураккаб масалалари ҳар қайси билимдон шахс даражасида томонидан ҳал этилиши зарур. Ҳозирги пайтда республикамиздаги етакчи олийгоҳларнинг кафедра ва лабораторияларида талабаларнинг психологик-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш юқори малакали мутахассислар томонидан махсус техникалар билан жиҳозланган шароитларда илмий-тадқиқот ишлари самарали йўлга қўйилган.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири - маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жисмонан чиниққан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши табиий бўлиб, унинг акси таълим-тарбия жараёнида акс этмоқда. Маънавий маърифий тадбирлар, таълимдан ташқари тўгараклар, спорт ўйинлари, жисмоний машқлар орқали талабаларида аҳлоқий фазилатларни шакллантириш, тизимли дидактик таъминотлар, аҳборот ресурслари ёрдамида, шунингдек. турли жисмоний чиниқтирадиган мусобақалар, жисмоний, соғлом турмуш тарзини реклама қилувчи тарбиявий тадбирлар: миллий ўйинларни реклама қилувчи суҳбатлар, кечалар, спортшоулар уюштирилиб, талабаларнинг қизиқишлари инобатга олинган ҳолда тўгаракларга жалб қилинганларида; талабаларнинг жисмоний, интеллектуал ривожланишлари ва қобилиятлари, оиладаги, ўқишдаги муҳитнинг атрофлича ўрганилиши, мактаб ва оиланинг жисмоний чиниқтиришдаги ҳамкорлиги ривожлантирилиши ижобий натижаларга олиб келиши мисоллар асосида тасдиқланди.

Хулоса ўрнида:

1. Талабаларни таълим жараёнида машғулотларда ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим бўлиб, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан ўзбек миллий қадриятлари асосида, ватанпарварлик руҳуда тарбиялашда тарихий меросимизга таяниш муҳим аҳамият касб этади.

2. Талаба ёшларни ўқишдан ташқари тадбирлар жараёнида ўз муаммоларини мазмун моҳияти билан ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлаш асосида ҳар томонлама баркамол, талабчан, жамиятга керакли инсон қилиб шакллантириш ҳамда талабаларни ёмон иллатлардан ҳоли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Шу мақсадда таълим жараёнида талабаларни ёшлар етакчилари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этишнинг самарали усул, метод ва дастурлардан унумли фойдаланиш мақсад мувофиқдир.

3. Талаба ёшларни таълим-тарбия жараёнида ёшлар етакчилари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этишда таълимнинг инновацион усулларидан, таълимий-аҳлоқий, жисмоний, кўргазмали-тарғиботишларида фойдаланиш самарали натижалар беради.

4. Машғулотларининг илмий асосларда ташкил этилиши жамиятимизнинг барча аъзоларини соғлом, фаол, ғайрат шижоатли бўлишларига таъсир этиш билан бирга баркамол эркин фикрловчи комил инсон бўлишини, Ўзбекистонни дунёга танитишга ҳисса қўшишини амалга оширади. Фақат машғулотлар методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишида педагогика, психология методикаси қонун-қоидаларига қатъий риоя этилиши зарур бўлади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Жўраева С.Н. Ўқитувчининг малака ва касбий компитенциясини баҳолаш. Монография. Наврўз нашриёти 2018.-144 б.

2. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги 5106-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6017-сон Фармони 2020 йил 30 июн.

## HOZIRGI ZAMON YOSHLAR PSIXOLOGIYASINI O’RGANISHDA FAN TEXNIKA TARAQQIYOTINING JAMIYATDA TUTGAN O’RNI VA AHAMIYATI. PEDAGOGIK PSIXOLOGIK METODLAR VA NAZARIYALAR

*Xasanov Sh.*
*O’zMu Jizzax filiali talabasi*
*Ilmiy rahbar: Toshnazarova U.*

**Annontatsiya:** Hozirgi zamon fan-texnika va jamiyat taraqqiyoti, shuningdek odamlarda ro’y berayotgan ijtimoiy-psixologik o’zgarishlar shaxs ruhiyatida hissiy

zo'riqishlarning yuzaga kelishiga asos bo'lmoqda.Ilmiy tadqiqot metodlari-shaxsning yosh psixologik xususiyatlar,holat va psixik jarayonlarni o'rganishdagi asosiy manba bo'lib, tegishli metod asosida shaxs psixik xususiyat, holat jarayonlarini ijobiy tomonga yo'naltirishda muhim rol o`ynaydi.

**Kalit so'zlar:** Psixologiya, metod, kuzatish, ekperiment, suhbat, diagnostika, test, biografiya, anketa, proyektiv metodlar, sotsiometriya, suhbat metodi, pisixologik eksperiment.

Barcha boshqa psixologiyaning tarmoqlari singari yosh psixologiyasi va pedagogik psixologiya ham o'z tadqiqot metodlariga ega. Psixologiyada tekshiriladigan psixik hayot hodisalari juda xilma-xil va murakkab hodisalardir. Bu hodisalar qanday metodlar bilan, ya'ni qaysi yo'llar bilan, qanday usullar bilan tekshiriladi, degan savol tug'iladi. Psixologiyada chinakam ilmiy bilimga ega bo'lmoq uchun psixikani tekshirish metodlarini bilish va shu metodlardan foydalana bilish kerak. Har bir pedagog kishilar psixikasini tekshirish uchun loaqal eng oddiy usullarni bilishi lozim.Har bir fan kabi psixologiya ham psixik (ruhiy) hayot hodisalarini chinakamiga ilmiy asosda bilib olish uchun quyidagi talablarga amal qilingan lozim: Tekshiriladigan har bir psixik hodisaga boshqa hodisalar bilan bog'langan deb qaralishi zarur. Masalan, psixik hodisani uning nervfiziologik asosdan ajratib o'rganish yaramaydi, xotirani tafakkur, diqqat va umuman shaxsdan ajratib o'rganish yaramaydi. Har bir psixik hodisa va umuman shaxs vujudga kelish, taraqqiy etish va o'zgarish jarayonida ko'zdan kechirilishi zarur. Shuning uchun, masalan, bolalar va o'smirlar psixikasining taraqqiyot qonunlarini bilmasdan turib, voyaga yetgan odam psixikasini yetarlicha yaxshi bilib bo'lmaydi. Psixik hayot hodisalarini ularni taraqqiyot jarayonida o'rganganda miqdor o'zgarishlarining sifat o'zgarishlariga o'tishini va bir sifat holatining ikkinchi sifat holatiga o'tishini ko'zdan kechirmoq kerak. Masalan, odam psixikasining taraqqiy etishini o'rgana turib, bilim olish va to'plash jarayonida odamning bilish qobiliyatlari: xotirasi, tafakkuri va nutqi, mushohadakorligi sifat jihatidan o'zgarishni ko'rsatib bersa bo'ladi. Odam ongi uning tarixiy taraqqiyotida shakllanadi. Hozirgi mustaqillik sharoitida milliy ongning shakllanishiga taalluqli umumiy ilmiy qonuniyatlarni izlash, yangicha tafakkur qilingan va dunyoqarashni shakllantirish milliy mafkura va milliy g'oyaning shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.Odamning tevarak-atrofdagi voqelikni bilishi kuzatishdan, tajribadan boshlanadi. Shu sababli, ilmiy psixologiya ham o'z mavzuini o'rganishni tajribadan, psixik hayot faktlarini aniqlash, tasvir etish va tahlil qilingandan boshlashi lozim. So'ngra, aniqlangan va tahlil qilingan faktlar asosida,psixik hayot qonuniyatlarini ochib, tegishli nazariy va amaliy xulosalar chiqarilishi lozim. Har bir fandagi kabi psixologiyada ham tajriba, kuzatish va eksperiment shaklida qo'llaniladi. **Kuzatish** – voqealarga aralashmay, psixologik xodisa tabiiy sharoitda qanday yuz berayotgan bo`lsa, shu holida o`rganiladi. Inson psixikasidagi o`zgarishlarni kuzatish uchun quyidagilar amalga oshirilishi kerak: 1) Kuzatish maqsadi, vazifasi belgilanadi; 2) kuzatish ob'ekti tanlanadi; 3) sinaluvchining yoshi, jinsi aniqlanadi; 4) tadqiqot vaqti rejalashtiriladi; 5) kuzatish qancha davom etishi qat'iylashtiriladi; 6) qaysi faoliyat kuzatilishi belgilab olinadi; 7) kuzatish

shakli (yakka, guruhiy, jamoaviy) belgilanadi; 8) kuzatishni qayd etib borish vositalari (kundalik, kino-video, foto, magnit yozuvi va boshqalar) tanlanib, natijalar sistematik ravishda qayd qilib boriladi. Kuzatish orqali turli yoshdagi odamlarning diqqati, his-tuyg`ulari, nerv tizimidagi tashqi ifodasi, temperament xususiyatlari, imo-ishoralari, sezgirligi, xulq-atvori, nutq faoliyati va boshqalar ham o`rganiladi. Bu metod tadqiqotchidan kuzatuvchanlikni, o`rganilayotgan psixik xodisani tabiiy sharoitda tekshira olish qobiliyatini talab qiladi

**Suhbat** - Bu metod yordamida psixik hodisalarning ichki – sub’ektiv tomonlari o`rganiladi. Inson psixikasini o`rganishda suhbatning maqsadi va vazifasi belgilanadi, uning ob’ekti va sub’ekti tanlanadi, vaqti, joyi aniqlanadi, yakka, guruhiy va jamoa bilan bog`liq savol-javob tartibi tayyorlanadi. Suhbatning bosh maqsadi muayyan bir vaziyat yoki muammoni hal qilingan jarayonida inson psixikasidagi o`zgarishlarni o`rganishdir.

**Eksperiment metodi** - Yangi psixologik faktlarga ega bo`lishning ob’ektiv usullaridan biri - eksperiment metodidir. U murakkab xarakterdagi psixik xodisalarni o`rganish uchun qo`llaniladi. Bu metodning afzalligi shundaki, tadqiqotchi bu metod yordamida o`rganayotgan psixik xodisani o`zi istagan vaqtda vujudga keltiradi va uni maxsus asboblar yordamida alohida xonada o`rganadi. Kuzatishdan farqi, eksperiment o`tkazuvchi sinalayotgan faoliyatga faol aralashuvi, sun’iy vaziyat paydo qilinishi mumkin. Bu metod inson psixikasini chuqur, aniq tadqiq qilinganda eng muhimi hisoblanadi. Eksperiment metodi yordamida sun’iy tushunchalarning shakllanishi, favqulodda holatdan chiqish, muammoli vaziyatni hal qilingan jarayonlari, shaxsning his-tuyg`ulari, xarakteri va tipologik xususiyatlari o`rganiladi. Inson psixikasining nozik ichki bog`lanishlari, munosabatlari, qonuniyatlari, qonunlari, xossalari, murakkab mexanizmlari tekshiriladi. Har bir shaxs faoliyatining mahsuli unga xos bo`lgan psixik odatlarni va individual sifatlarni aniqlashga yordam beradi. Faoliyat samaradorligini o`rganish yordamida shaxsning fikr ko`lami, irodaviy sifatlari, qobiliyati, iste’dodi, ko`nikmalari, malaka va odatlari kabilarni bilish mumkin. Masalan: o`quvchining plastilindan yasalgan turli buyumlari, chizgan rasmlari, yasagan turli modellari undagi qiziqish, qobiliyat, tasavvur va tafakkurni bilish uchun xizmat qiladi. Demak, odamning individual sifatlari ham, psixologik holatlari ham uning mehnati mahsulida aks etadi. Hozirgi kunda psixologiya bo’limlaridan biri – yoshlar psixologiyasining rivojlansihi va ilm-fan tarqqiyotida cho’qqilarga erishayotgani hech birimizga sir emas. Psixologiyada bolaning rivojlanishini biologik va jismoniy jihatdan o’rganish alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda bir tushuncha bor ya’ni senzitiv davr- bu bolaning psixik funksiya yoki xususiyatining eng tez rivojlanish jarayonidir. Bunda bolaning psixikasi rivojlanish bosqichining cho’qqisiga chiqqan bo’ladi. Ya’ni bola boshqa davrlarga qaraganda bu davrda tezroq rivojlana boshlaydi. Bundan tashqari bolalarda va o’smirlarda somatik va fiziologik o’sishning tezlashuvi – akseleratsiya deb ham ataladi. Barchamizda savol tug’ulishi tabiiy ya’ni “yosh psixologiyasi” aslida nima? Yosh psixologiyasi bu – psixik taraqqiyotning sifat jihatdan chegaralangan bosqichi bo’lib, fiziologik va psixologik jihatdan barcha normal kishilar uchun tipik hisoblanadi. Har bir yosh davriga xos taraqqiyotning ijtimoiy situasiyasi mavjud. Yosh davrlarini biz

bosqichlarga va guruhlarga ajratishimiz mumkin: Yetakchi faoliyat 1) Go'daklik davri – tug'ilgandan 1 yoshgacha asosiy faoliyat – bevosita emosional muloqot. 2) Ilk bolalik davri – 1 yoshdan 3 yoshgacha asosiy faoliyat – predmetli faoliyat. 3) Maktabgacha davr – 3 yoshdan 7 yoshgacha asosiy faoliyat – rolli o'yinlar. 4) Kichik maktab yoshi davri – 7 yoshdan 10 yoshgacha asosiy faoliyat – o'qish. 5) O'smirlik davri – 10 yoshdan 15 yoshgacha asosiy faoliyat – muloqot. 6) Ilk o'spirinlik davri – 15 yoshdan 18 yoshgacha asosiy faoliyat – o'qish, kasb tanlash.

Bola avval ma'lum darajaga yetib, keyin tarbiyalanmaydi, balki ta'lim va tarbiya jarayonida psixik rivojlanadi. Bunda psixologlar Vigotskiy tomonidan aniqlangan qoidaga, ya'ni ta'lim berish bola qo'lga kiritib bo'lgan rivojlanish darajasini ko'zlamasdan, bir muncha olg'a ketish, bolaning tafakkurida uning mavjud imkoniyatlarini bir muncha oshiradigan talablar qo'yishi u erishgan va yaxshi o'zlashtirib olgan analitik-sintetik faoliyat darajasini talab qilish kerak degan qoidaga asoslanadilar. Bola tug`ilganidan maktabgacha bo`lgan davrda jismoniy va psixologik jihatdan juda tez o`sadi. Bu davrda bola ko`p jihatdan kattalarning doimiy va to`g`ri parvarishiga muhtoj bo`ladi. Bolaning kelgusida sog`lom bo`lishi va psixik jihatdan normal o`sishi uning shu davrda to`g`ri parvarish qilinishiga bog`liq.Yosh davrlari psixologiyasining maqsadi bola ta`lim-tarbiyasi bilan ish olib boruvchi har bir shaxs inson psixik taraqqiyotida har bir yosh davrining muhim xususiyatlarini ilmiy va amaliy jihatdan o`rganib,barkamol avlodni kamol toptirishda undan samarali foydalanishdir. Tarbiya va ta'limning yosh xususiyatlariga bog'liq jihatlari qadimgi davrlardan buyon o'rganiladi. YOsh davrlari va pedagogik psixologiya fan sifatida XIX asrning ikkinchi yarmida shakllandi. Bu psixologiya faniga genetik g'oyalarning kirib kelishi bilan bog'liqdir. Rivojlanayotgan psixologik–pedagogik fikrga mashhur rus pedagogi K.D.Ushinskiy va, birinchi navbatda, uning «CHelovek kak predmet vospitaniya» («Inson – tarbiya predmeti sifatida») degan asari katta hissa qo'shgan edi. YOsh psixologiyasi fanining rivojlanishiga ingliz olimi CHarl'z Darvinning evolYusion g'oyalari jiddiy ta'sir ko'rsatdi. Psixologiya tomonidan o'rganiladigan omillarining reflektor mohiyatini tushunish uchun psixik faoliyat ahamiyatini mashhur fiziolog olim I.M.Sechenov ham ta'kidlab o'tgan. YOsh va pedagogik psixologiyada Veber va Fexnerning psixofizik kashfiyoti, Ebbingauzning xotiraga oid tadqiqoti, G.Gel'mgol'sning sezgi organlarining psixofiziolo-giyasiga oid ishi, Vundt tomonidan fiziologik psixologiya hissiyoti va harakatlarining o'rganilishi va boshqalar asosiy ahamiyatga ega. Bundan xulosa qilishimiz mumknki, yosh psixologiyasi va uning rivojlanishdagi ahamiyati va roli atrofdagilarga emas balkim insonning o'ziga bog'liq. Bunda ota – onalarning o'rni ham katta. Chunki ular farzandlaridagi bo'layotgan o'zgarishlarga e'tibor qaratishsa, ularning to'g'ri rivojlanishiga ahamiyat berishsa farzandlariga berayotgan eng katta ko'mak va yordamlari shulardan iborat bo'lar edi.

**ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1.Karimov I.A. "Barkamol avlod -O'zbekiston taraqqiyotining poydevori". 1997 y.
2.Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. T., 2008 y.
3.G`oziyev E.G`. Psixologiya (Yosh davrlari psixologiyasi). T., O`qituvchi, 1994.

4.Davletshin M.G., Do`stmuxamedova Sh.A., To`ychiyeva S.M., 5.Mavlonov M. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. T.: TDPU, 2004 y.
6.Psixologiya. Qisqach izohli lug`at. T.: 1997 y.
7. Ibragimov X.I., Yo`ldoshevU.A., Bobomirzayev X. Pedagogik psixologiya. T.:

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ШАХС КАМОЛОТИГА ТАЪСИРИ

*Хасанова М.С.*
*Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ХТБ Педагогик психологик ташхис шўъбаси раҳбари*

Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Ш.М.Мирзиёев.

Аннотация: Мамлакатимизда халқ таълими тизимини замонавий даражада такомиллаштириш йўналишида олиб бораётган кенг кўламли ишларда кўзда тутиладиган, асосий мақсад ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама ривожланган баркамол шахслар этиб тарбиялаш, уларнинг ўзларига ҳар томонлама мос бўлган касб-ҳунар эгаси бўлишлари, бунинг учун келгусида касб-ҳунарларни тўғри танлашлари ва пухта эгаллашларини ҳисобга олган ҳолда мактабларда психологик хизмат ўрни катта аҳамиятга эга. Психологик хизмат аслида баркамол инсонни шакллантириш,таълим эҳтиёжларининг қондирилиши жараёнида ўқувчининг қобилиятлари, имкониятларини,ўзига хос индивидуал хусусиятларни ўрганиш, йўналтириш ва ривожлантириш каби муҳим вазифаларга қаратилгандир.

Калит сўзлар:психологик хизмат, психотерапия, индивидуал хусусиятлар, шахсий камолот.

Таълим тизимида психологик хизматнинг ташкил этилиши тарбияланувчи, ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш асосида унинг шахсини ҳар томонлама камол топиши, ҳам анъанавий, ҳам ақлий ривожланиши ўзлигини англаши ва қобилиятларини намоён этиши учун тегишли таълим-тарбиявий ҳамда маънавий-руҳий шароитлар яратилишини назарда тутади.

Психологик хизмат фаолияти ўқувчилар ақлий тараққиёти ва шахсий хусусиятларини диагностика қилишга таълим-тарбиядаги бузулишларнинг психологик сабабларини аниқлашга қаратилмасдан, балки бундай бузулишларни йўқотиш ва олдини олишга қаратилади.

**Психологик хизматнинг асосий вазифаси**-тадқиқот ишлари, амалий ишлар, ташвиқот ишларидан иборат.Учта вазифадан ташкил топади.

**1.Илмий тадқиқот вазифалари**-ўқувчилар шахсининг шакллантиришнинг муҳим муаммоларини, таълим ва тарбиянинг психологик асосларини ўқувилар билан ўқитувчилар, мактаб психологлари, мактаб

психологлари билан ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирини ҳамда мактаб психологининг этикасини ўз ичига олади.

**2.Амалий вазифалар**-психологик тадқиқот натижаларини амалда психологик хизмат ишида қўллаб, болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини осонлаштириш, ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ўқувчиларнинг қобилият ва мойилликларини аниқлаш ва ривожлантириш, маслаҳат ишларини олиб бориш, турли хилдаги характерга хос болалар билан иш олиб бориш каби асосий вазифани ҳал қилишдан иборатдир.

**3.Ташвиқот ишлари**-ўқувчиларнинг психологик билимларини ошириш, ота-оналар учун семинарлар, маърузалар. давра суҳбатлар ва тадбирлар ўтказишдан иборат.

Шахсга таъсир кўрсатиш кўп жиҳатдан ўқувчилар жамоаси орқали амалга оширилади. Шунинг учун мактаб психологи ижтимоий психология фанини яхши ўзлаштириб олиши, жумладан кичик гуруҳлар ва жамоада ривожланиш қонуниятларидан хабардор бўлиши лозим.

Ўқувчининг психик ва ижтимоий ривожланиши кўп ҳолатларда ўқувчиларнинг сомотик ҳолатларига боғлиқ бўлади, психик ҳолат эса ўз навбатида жисмоний саломатлтгига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, мактаб психологи шахс шаклланишида тиббий маслаҳатларда ҳам маълумотларга жумладан психогигиена ва психотерапиядан маълум даражада билимга эга бўлиши керак. Шу сабабли, ўқувчи шахсини ижобий шакллантириш учун мактаб психологи яхши тайёргарликка эга бўлиши, яъни педагогика ва психология бўйича билимларни бирлаштира олиши ва ўз иш фаолияти жараёнида улардан самарали фойдалана олиши лозим. Бу борада мактаблар таълим-тарбия жараёни тўлақонли шахсни шакллантириш имконига эга бўлган тарбия масканидир. Мактабларда маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда ўқувчилар билан касб танлаш тадбирлари,иншолар танлови, давра суҳбатлари ва бошқа касб танлашга доир тадбирларни ўтказиш бу боадаги ишларни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мактабда таълим-тарбия жараёни ёш авлодни тарбиялаш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида жамият маданий ҳаётидаги ўрни, ҳолатини у ёки бу ёш гуруҳларнинг иштирокини қай даражада эканлигини таърифлаш мумкин, яъни уларнинг кино, театр, концерт дастурлари, теледидения ва радио кўрсатуларини кўриш ва эшитиш, китоб мутолаа қилиши, турли тадбирлардаги иштироки, тўгаракларга қатнашиши ва бошқалар назарда тутилади.

Шунингдек, касбга йўналтириш жараёнида шахснинг индивидуал-типологик хусусиятларига ҳам эътиборни қаратиш жоиз. Чунки шахснинг хулқ-атвори, темпераменти, салоҳияти ва бошқа хислатлари касб танлашда алоҳида аҳамият касб этади. Темперамент шахснинг руҳий хусусиятларидан бири бўлиб, алоҳида олинган инсон шахсида руҳий жараён ва фаолиятнинг вужудга келиши, ўтмиши, кечиши ва динамикасини белгилаб беради. Лекин психологик фаолият динамикаси темпераментга эмас, балки шахсий

сабабларга ва шахснинг руҳий ҳолатига боғлиқдир. Худди шу боисдан инсон,темпераментидан қатъий назар маъсулиятни ҳис этса, ўз касбида ғайрат билан ишлайди, бироқ касбни ёқтирмаса,аксинча буни аксини кузатишимиз мумкин.

Ўқувчиларнинг қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини олдиндан аниқлаш ҳамда онгли равишда касб танлашларига ёрдам бериш ҳозирги кун талабидир. Орттирилган тажрибалар ҳамда ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларнинг касбий йўналганлиги бўйича методикаларнинг электрон тартибда ўтказилиши бўйича дастур яратилиб булар ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида тажриба синов орқали ўтказилди. Мактаб амалиётчи психологлари томонидан ўқув йили давомида амалга ошириладиган ишлар, ўтказиладиган педагогик-психологик методикалар ва тадбирлар юзасидан бир қанча методик қўлланмалар мавжуд. Ҳар бир ўқувчининг ўз иқтидорига, мойиллиги ва қизиқишларига мувофиқ бўлғуси касбни тўғри танлаши, унинг шу касбнинг чинаккам устаси бўлиб етишишига, бунинг натижасида эса, ватанимизнинг ҳар томонлама чуқур ривожланиши ҳамда халқ фаровонлигининг ортишига хизмат қилади.Шундай қилиб,касбга йўллаш жараёнида шахснинг индивидуал типологик хусусиятлари ва ҳис-туйғуларини, лаёқат, истеъдодини ҳисобга олиш, шунингдек ёшларни фан асослари ва психологик билимлар билан қуроллантириш уларнинг касб-ҳунар ихтисослик, мутахасислик олдига қўйиладиган талабларга мослашишига имкон беради.

Ўқувчи шахсини шаклланишида мактабларда таълим-тарбия жараёнининг ўрни ва аҳамияти катта, бу жараённинг ўқувчилар шахсининг шаклланишига қай даражада таъсир кўрсатишини мактаб психологи кузатиб бориши шарт. Лекин шу билан бирга, у ўқувчиларнинг ижтимоий кўрсатмаларини ўрганиб бориши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади, чунки ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки даражаси ҳам уларнинг шахс сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, шахс шаклланишида ижтимоий ҳаётнинг ўрни беқиёсдир. Мактабдаги таълим-тарбия жараёни тўлақонли равишда шахснинг ривожланиши учун етарли даражада имкониятга ега эмас, шунинг учун ўқувчиларни ўз тенгдошлари, оила, спорт тўгараклари, жамоат ишлари ва бошқа тадбирлардаги иштироки ҳам уларнинг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилиди, шунинг учун биз томондан олиб борилган кузатиш ва тадқиқот ишларимиз маълум даражада ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, психологик хизматнинг шахс камолотига таъсири, ўқувчиларни касб-ҳунар танлашга йўналтириш ишларининг замонавий талаблар даражасида сифатли ва самарали олиб боришда оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш жиддий аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН РЎЙХАТИ АДАБИЁТЛАР:**

1.Ш.М.Мирзиёев.”Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз” Тошкент.2017 йил.”Ўзбекистон”нашриёти.488 бет.

2.Э.Ғ.Ғозиев.С.Жалилова.”Психологик хизмат” Тошкент 2006 йил
3.Ғ.Ж.Усмонов “Педагогик технология асослари” Тошкент 2004 йил “Ўқитувчи” нашриёти.

## ЛИДЕРСТВО И МАСТЕРСТВО ОБЩЕНИЯ

*Хидайходжаева Х.Т.*
*ТГУП имени Низами, преподаватель*
*Маъруфов Ж.*
*ТГУП имени Низами, студент*

Лидерство — это способность оказывать влияние, направляя усилия всех на достижение целей организации. Лидерство — это всегда вопрос силы влияния, зависящей от соотношения личностных качеств лидера с качествами тех, на кого он пытается оказать влияние, и с ситуацией, в которой находится данная группа.

Лидерство — это влияние. На нем основаны все организационные системы. Под влиянием понимают такое поведение человека, которое вносит изменение в поведение, отношения, чувства другого человека.Влияние можно оказывать через идеи, устное и письменное слово, через внушение, убеждение, эмоциональное заражение, принуждение, личный авторитет и пример. Лидерство основано на следующих факторах: на силе, на способности угрожать самому ценному человека, на недобровольном принуждении к чему-либо; влияние власти — угроза социальному положению человека; лидерство, основанное на авторитете (принимается добровольно).Однако лидерство — сложный, многогранный и не до конца изученный феномен.

На сегодня предпринято много попыток составить, на основе исследований и опыта, список качеств лидера. Типичный перечень качеств лидеров включает следующие черты, лидер: проявляет высокую выдержку в напряженных ситуациях; поощряет участие подчиненных в принятии решений; постоянно задает себе вопросы, (т. е. старается анализировать ошибки и отдает себе отчет в том влиянии, которое они оказывают); признает, что живет в мире конкуренции, и понимает «законы конкурентной борьбы»; тактично выражает неприязнь; сдерживает эмоции при победе; не расстраивается из-за поражения; понимает необходимость ограничений и «непопулярных решений»; отождествляет себя с группой; ставит реальные цели.

Другой список включает в себя следующие качества хорошего лидера: мудрость, честность, мужество, интерес к людям, лояльность, творческое воображение и глубокий интерес. Кунц и О'Доннел приводят следующие качества, относящиеся к преуспевающему представителю администрации: интеллект, талант руководителя, талант общения, логический подход к

проблемам, культурные интересы, нравственные добродетели, здравый смысл и инициатива. Кунц и О'Доннел, однако, обращают внимание на то, что попытки определения качеств, которые являются общими для всех менеджеров, усложняются из-за проблемы терминологии и неспособности исследователей одинаково идентифицировать одни и те же качества или то, в какой степени эти качества существенны для управленческого успеха.

Будьте мастером общения.Успех лидера на 85 процентов зависит от умения общаться. Все, чего вы достигаете в жизни, каким-то образом связано с другими людьми, поэтому они и определяют 85 процентов вашего счастья и достижений. От качества общения зависит качество вашей жизни и отношений во всем их разнообразии. К счастью, это умение можно приобрести.При взаимодействии с окружающими перед вами стоят пять целей:

1. Вам нужно добиться любви и уважения, которые повышают самооценку, а также вызывают у окружающих желание слушать, а не игнорировать вас.
2. Вам необходимо заслужить у людей признание вашей ценности и значимости, чтобы повысить собственное самоуважение и дать другим основания прислушиваться к вам.
3. Вам нужно научиться склонять людей на свою сторону, продавать им продукты, услуги, идеи.
4. Вам следует научиться убеждать людей менять свое мнение и взаимодействовать с вами при достижении ваших целей.
5. В целом вам придется обрести больше личной силы и влияния в разных отношениях, личных и деловых.

В традиционной культуре организаций, построенной на иерархии и контроле, личная власть была, наверное, самым важным аргументом убеждения. Когда начальник говорил, его слушали. И хотя власть и сегодня во многом влияет на желание слушать вас, теперь людей уже не убедишь, просто приказав им принять какую-то идею. Сотрудники, которые не верят в поставленную перед ними цель, будут работать с прохладцей, через силу выполняя распоряжения начальника.Что касается воспитанности, то здесь нужно учесть, что на человеческие отношения и взаимодействие очень влияет симпатия. Чем больше вы нравитесь людям, тем охотнее они поддаются убеждению и влиянию. Это один из ключей к эффективному общению.Кроме того, абсолютно необходимо вызывать доверие и обладать компетентностью. Даже если вы им нравитесь, люди могут сомневаться в том, что у вас есть достаточный опыт, знания или информация, которые придали бы вес вашим словам. Способность вызывать доверие играет огромную роль в убеждении, влиянии и эффективном общении. Следует подумать о том, насколько собеседник симпатизирует и доверяет вам и вашим словам.При этом важно все! Любая мелочь либо помогает, либо вредит вам. Все ваши действия и слова вызывают или уничтожают доверие к вам. Все нюансы подмечаются и берутся в расчет. Сосредоточьтесь на том, чтобы создать себе репутацию честного человека, на которого можно

положиться. Люди купят больше, по более высокой цене у человека или компании, вызывающих у них доверие, чем у того, кто предлагает лучший и более дешевый продукт или услугу, но кому они не доверяют.

**Внешний вид должен способствовать созданию благоприятного впечатления.**Как ни странно, внешний вид очень сильно влияет на способность вызывать доверие, причем как позитивно, так и негативно. Для того чтобы эффективно общаться, вы должны выглядеть соответствующе. В своих представлениях о вас люди на 95 процентов опираются на визуальные впечатления. Например, первое впечатление складывается всего за *четыре секунды.* А чтобы у собеседника окончательно сформировалось первое впечатление, потребуется всего *30 секунд*. После того как люди составили о вас представление, они начинают искать причины для того, чтобы оправдать и подкрепить его. При этом они отвергают противоречащую ему информацию.

Таким образом, старайтесь одеваться с прицелом на успех! На 95 процентов впечатление о вас зависит от того, как вы одеты, ведь одежда прикрывает большую часть вашего тела.Мой вам совет: покупайте и читайте книги и статьи о том, как следует одеваться, чтобы производить нужное впечатление и убедительно выглядеть в любой ситуации. Наблюдайте за самыми успешными и уважаемыми людьми, окружающими вас, подмечайте, как они одеваются. Пусть они станут вашими образцами для подражания; перенимайте их манеру одеваться и ухаживать за собой.

**Тщательная подготовка — признак профессионализма**

Приемлемый внешний вид помогает пройти первую проверку на доверие. Но если вы явно не подготовились к выступлению или растеряны, то доверие немедленно испарится. Старательно готовьтесь к каждой важной встрече, особенно деловой. Вы должны приходить на все встречи во всеоружии. Помните: собеседник сразу заметит хорошую подготовку и проникнется к вам большим доверием. Отсутствие подготовки тоже бросается в глаза, и вы сразу потеряете в глазах собеседника.

**Эмоциональный интеллект**

В 1995 году психолог Дэниел Гоулман написал книгу «Emotional Intelligence», в которой он утверждал, что эмоциональный интеллект важнее коэффициента интеллекта. Ученый пришел к заключению, что способность убеждать людей — это проявление высочайшей формы эмоционального интеллекта и она служит истинным критерием человеческой эффективности.В связи с этим выводом встает вопрос: как доносить свои идеи до окружающих, заручаться их поддержкой и развивать в себе способности общаться, влиять и убеждать?

В любых действиях люди руководствуются своими соображениями, а не вашими. Мотивация требует *мотива*. Для конструктивного общения вам понадобится выяснить истинные мотивы собеседника. А для этого придется абстрагироваться от своего «я» и проникнуть в мысли, душу и обстоятельства собеседника. Сосредоточьтесь на его потребностях и желаниях, а не на своих.

Вы сможете убеждать людей и влиять на них только в том случае, если они считают, что вы способны что-то сделать вместе с ними или для них, или если они полагают, что вы можете оградить их от каких-либо неприятностей или каким-то образом помешать им произойти.Обычно нас мотивируют два фактора: *стремление к выгоде* (физической, материальной, финансовой и психологической) и *страх перед потерей* (физической, материальной, финансовой и психологической). Причем второй фактор действует в 2,5 раза сильнее, чем первый. Если предложить человеку доллар, то сила его стремления к выгоде составит единицу. А если пригрозить отобрать у него доллар, то страх потери будет стимулировать его в 2,5 раза сильнее. Угроза потери вызывает очень сильные эмоции. Итак, все дело в восприятии: ваша способность повлиять на собеседника и убедить его сделать то, что нужно вам, зависит от того, считает ли он, что вы собираетесь ему помочь или навредить.Человеческое поведение по большей части определяется *целесообразностью*. Это означает, что большинство из нас руководствуется соображением, имеет ли смысл делать что-либо или поступать определенным образом. Целесообразность любого действия определяется довольно просто: человек всегда стремится получить желаемое как можно быстрее и простым способом, при этом его мало волнует, как этот поступок отразится на его будущем. Поэтому в целях убеждения преподнесите собеседнику свою идею или предложение как целесообразный способ достижения его личных и профессиональных целей.

**Лидеры — это слушатели. Умение слушать открывает дар убеждения и способствует результативному общению. Четыре совета о том, как стать хорошим слушателем** *Во-первых,* слушайте внимательно. Подайтесь всем телом вперед. Не перебивайте. Внимательно слушая, вы повышаете самоуважение собеседника и вызываете в нем чувство собственной значимости.*Во-вторых,* делайте паузу перед тем, как ответить. От этого вы получите пользу втройне:

1. Избежите риска перебить собеседника, если он просто сделал паузу, чтобы собраться с мыслями.
2. Глубже осмыслите слова собеседника.
3. Покажете своим молчанием, что внимательно осознаёте сказанное, чем тоже повысите чувство собственной значимости собеседника.

*В-третьих*, задавайте уточняющие вопросы. Не стоит надеяться, что вы точно поняли собеседника; обязательно переспросите:

4) Что вы имеете в виду? Что именно вы хотите этим сказать?
5) И что вы сделали?
6) Как вы к этому отнеслись?

Помните о том, что тот, кто задает вопросы, имеет власть над тем, кто на них отвечает.

*В-четвертых,* высказывайте комментарии. Пересказывайте услышанное своими словами. Это решающая проверка умения слушать.

**Будьте искренни**

Мастера общения знают, что для эффективной коммуникации очень важно понимать, какие чувства испытывает собеседник. Но обращаться к эмоциям нужно с чистым сердцем. Если ваши слова фальшивы, если, выражая признательность, одобрение или восхищение, вы притворяетесь, люди это заметят. Эмоциональные реакции связаны с чувством доверия. Если вы сами не верите своим словам, не ждите этого от других.

По мнению профессора Калифорнийского университета в Лос-Анджелесе Альберта Меграбяна, в любом разговоре присутствуют три элемента:

- Жесты и мимика передают 55 процентов сообщаемой информации.
- Тон передает 38 процентов сообщения.
- Слова — всего 7 процентов информации!

Значит, что бы вы ни говорили, вас все равно выдадут жесты, мимика и тон. **Помните о целесообразности**.Если вы хотите повлиять на людей в целях получения выгоды для своего бизнеса, всегда помните о целесообразности. Это особенно актуально для компаний, которые продают свой продукт. Ведь люди принимают решение о покупке после того, как оценят, является ли ваше предложение лучшим способом получить желаемое прямо сейчас! Дам вам несколько советов о том, как убедить людей в целесообразности вашего предложения.

– Представьте доказательства, упоминая других людей, которые купили ваш продукт или согласились с вашей идеей и остались довольны этим. Показывайте имена, фотографии и отзывы удовлетворенных клиентов.

– Вызывайте желание совершить покупку. Старайтесь быть более убедительным, сосредоточившись на выгодах для клиента, на том, какую пользу он от этого получит.

3. Просите купить ваш продукт или услугу; не ждите, пока люди сами это сделают.

4. Обещайте покупателям превосходное качество и отличное обслуживание.

Без умения общаться вы не можете стать лидером. Если вы неспособны заставить людей слушать вас, за вами никто не пойдет. Сегодня же твердо решите стать мастером эффективной коммуникации. Читайте книги на эту тему, практикуйтесь!

## MUSTAQILLIK YILLARIDA MAKTABGACHA TA'LIM VA UNING ZAMONAVIY QIYOFASI

*Xodjayeva S.Q.*
*Andijon viloyati Izboskan tuman 7 – MTT mudirasi*

Bugungi kunda yurtimizda maktabgacha ta'lim muassasalarining moddiy-texnik holatini yaxshilashga alohida e'tibor berilmoqda. Shu o'rinda aytish joizki, birgina Andijon viloyati Maktabgacha ta'limi boshqarmasining 2019 yil yakuniy

ma'lumotlariga ko'ra, viloyatda 1176 ta maktabgacha ta'lim muassasalari mavjud bo'lib, ularda 133525000 nafardan ortiq bolalar tarbiyalanmoqda. Shundan 646 tasi nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyat ko'rsatmoqda. 2019 yil yakuniga ko'ra, viloyatda jami bog'cha yoshidagi ***(3-7 yosh)*** bolalar soni 254564000 nafarni tashkil etadi. Bolalar qamrovini kuchaytirish, bugungi kundagi ustivor vazifamiz hisoblanadi.

Maktabgacha ta'lim tizimi uzluksiz ta'limning birlamchi, eng asosiy bo'g'inidir. Mutaxassislarning ilmiy xulosalariga ko'ra, inson o'z umri davomida oladigan barcha axborot va ma'lumotning 70 foizini 5 yoshgacha bo'lgan davrda oladi. Shu bois bolalarning sog'lom va bilimli, yetuk kadrlar bo'lib voyaga yetishida bog'cha tarbiyasi juda muhim o'rin tutadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev bu tizimga alohida e'tibor qaratmoqda. "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori mamlakatimiz ta'lim sohasida yangi tizimni yaratish va butun ta'lim tizimida sifat o'zgarishiga erishish, ta'limning uzluksizligini ta'minlash imkonini beradi. Maktabgacha ta'lim vazirligining tashkil etilishi dunyo tajribasida hali kuzatilmagan.

2019 yil 9 sentyabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, 30 sentyabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni qabul qilindi.[1]

Ularda maktabgacha ta'lim tizimini kompleks rivojlantirish, bolalarni sog'lom va barkamol etib tarbiyalashning barcha jihatlari belgilab berildi. Xususan, yangi tuzilgan Maktabgacha ta'lim vazirligi oldiga shu soha bo'yicha davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish, maktabgacha ta'lim muassasalari davlat va nodavlat tarmog'ini kengaytirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, ularni malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, maktabgacha ta'lim muassasalariga bolalarni qamrab olishni keskin oshirish, ta'lim-tarbiya jarayonlariga zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini tatbiq etish orqali bolalarni har tomonlama intellektual, ma'naviy-estetik, jismoniy rivojlantirish hamda ularni maktabga tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash vazifalari qo'yildi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: "Qaysi sohani olmaylik, biz zamonaviy yetuk kadrlarni tarbiyalamasdan turib biron-bir o'zgarishga, farovon hayotga erisha olmaymiz. Bunday kadrlarni, millatning sog'lom genofondini tayyorlash, avvalo, maktabgacha ta'lim tizimidan boshlanadi"[2], deb ta'kidlab o'tganlari zamirida, maktabgacha yoshdagi bolalarning kelgusida maktab bilimini yaxshi o'zlashtirishi, maktabga moslashuvning engil o'tishi, bola shaxsida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarning oldini olish, qiyinchiliklarni bartaraf etishni amalga oshirishda bolalarning maktabgacha ta'lim muassasasiga jalb etilganligi, ta'limga qamralganligi alohida ahamiyatga egadir.

Prezidentimiz SH.Mirziyoev tomonidan mazkur sohadagi islohotlar izchil davom ettirilib, maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmog'ini hozirgi zamon talablari

---

[1] http: // lex.uz. ПҚ4312-сон 08.05.2019.
[2] https: // kun.uz. 20.10.2017.

va standartlari asosida rivojlantirish, ularni rekonstruksiya va modernizatsiya qilishga qaratilayotgan e'tibor zamirida ham kelajagimiz egalarining hech kimdan kam boʻlmay ulgʻayishlari hamda buyuk ajdodlarga munosib voris boʻlib voyaga etishlarini ta'minlashdek ezgu maqsad mujassam.

Xususan, hujjatda bugungi kundagi hayotiy talab va ehtiyojlar, sohada yechimini kutayotgan masalalar hamda hali ishga solinmagan imkoniyatlar hisobga olinganligi barchamizni quvontiradi.

Shu oʻrinda maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarni intellektual, jismoniy, axloqiy jihatdan tarbiyalash, umuminsoniy qadriyatlar bilan tanishtirish, bolalarni maktabga sifatli tayyorlash maqsadida turli toʻgaraklar, ma'naviyat va ekologiya xonalari, kichik muzey, kutubxonalar tashkil etish borasidagi an'analarni izchil davom ettirish maqsadga muvofiq. Chunki kitobga, san'atga, ilmga, umuman, kelajakda muayyan kasbni egallashga boʻlgan qiziqish bolalarda ayni shu davrda shakllanadi.

Muxtasar aytganda, maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning boshlangʻich qismi hisoblanadi. U bolaning sogʻlom va rivojlangan shaxs boʻlibshakllanishini ta'minlab, oʻqishga boʻlgan ishtiyoqini uygʻotadi, tizimli oʻqitishga tayyorlab boradi. Shunday ekan, bu tizim faoliyatini yanada kuchaytirish, maktabgacha ta'lim muassasalarida har tomonlama qulay shart- sharoitlar yaratish, ularga maktabgacha yoshdagi bolalarni keng jalb etish farzandlarimizning barkamol va etuk shaxs boʻlib shakllanishida muhim oʻrin tutadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1. Sh.Mirziyoyev."2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida"gi qarori. T.,2016.
2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son "Oʻzbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida"gi qarori.
3. A. Zununov. Pedagogika tarixi. Darslik- 2002.
4. O.Xasanboyeva Barkamol avlod ma'naviyati. T- 2010

## ТУРИЗМДА МАРКЕТИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ

*Хожабойева Л.И.*
*ТДАУ талаба*

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг иктисодиётида туризм соҳаси мухум аҳамият касб етиб бормокда. Мамлакатинг туристик салоҳиятини оширишда бир қатор қарорлар қабул қилиниб, бу қарорлар ижросини таъминлашга кенг омма жаб етилишидан маълумки туризм соҳаси ўта муҳум соҳалар қаторидан жой олиб улгурди.

Туристик корхоналарнинг мақсадларига еришиш учун шароитлар яратиб бериш туризм маркетингининг асосий вазифаси ҳисобланади. Туризм маркетинг вазифалари одатда туризм соҳаси корхонанинг маркетинг

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларни ойдин қилади. Маркетингнинг муҳум вазифаси имкон борича фирманинг фаолиятини барқарорликни, стратегик мақсадларни ривожланишида ва еришишда режалаштиришга бўйсунишни таъминлашга қаратилган бўлади. [1]Ўзбекистонда туризм маркетингидан фойдаланиш ва унинг самарали ривожланишни таъминлаш учун бир қатор шарт-шароитлар талаб қилинади. Туризм соҳасида фаолият юритувчи компаниялар фаолиятининг енг муҳим йўналиши бу туристик маҳсулотларни бозорга чиқариш, реклама ва тайёрланган саёҳатлар пакетларини амалга оширишдир. Ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситалари, махсус нашрлар, рисолалар ва Интернет турли хил сайёҳлик таклифлари билан тўлиб-тошган ва сайёҳлик агентлигининг муваффақият сари йўл потенциал мижозга потенциал маълумотни етказиш ва унинг жавобини кўзғашдир

Маркетинг асосий тавсифлари билан хўжалик фаолиятининг бошқа шакиллари унчалик фарк қилмайди. Шунинг учун ҳам туризмда замонавий маркетингнинг барча муҳум қоидалари қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга туризмда уни фақат товарлар сотувида емас, балки хизматлар савдосининг бошқа шакиллларидан ажратадиган ўзига хос алоҳидалиги мавжуд. Маркетингни бошқарувчи тизим сифатида фойдаланиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган баҳоларни беришда номаълум вазиятлар, таваккалчилик хавф-хатарларни муайян шароитда иложи борича пасайтиришнни қидириб топишни ко;зда тутади. Қабул қилинган қарорларни кейинчаик йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни қайтармаслик учун оқибатини тахмин қилишни талаб етади.

Жаҳон туристик бозорининг ҳозирги ҳолати, уни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари турли соҳалар бўйич туризмни ривожлантириш дастурлари тузиб чиқилмоқда. Бундай стратегик дастурларни коплаб давлатлар ўзининг потенсиалидан келиб чиққан ҳолда тузиб чиқмоқда. Ҳўш бу нима учун керак? Ҳар бир давлат ўзининг ички туризминиўсиши ва ривожланиши, туризмда хизмат кўрсатиш сифати, кириш туризми,ички туризм ва ҳокозоларни бақрарор ривожланиши учун стратегик дастурлар муҳум саналади. Масалан дам олиш ва дам олишга талабнинг ортиб бориши туризмни иқтисодиётнинг жуда катта секторига айланади.[2] Бирор бир шаҳарнинг мегаполис шаҳарлар сафига киритиш учун қўйилган талабларга жавоб бериш бугунги кун туризмининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Турган гапки бу муаммоларни йечишда бир қанча муаммо ва қийинчиликларга дуч келинади. Шу ўринда бир савол туғилади ҳўш шаҳарнинг оҳанграбо бўлишида асосий рўл ўйнайдиган омиллар нималар киради? Шаҳарда тарихий обидаларнинг коплиги, тоғли худудларнинг кўплиги, денгиз ҳудудлари борлиги, давлат ёки шаҳарнинг миллий анъанавий қадриятларга бойлиги, шаҳарнинг озодалиги, кўрсатиладиган

---

[1] Ziyouz.com

[2] Aim.uz

хизматларни сифати, ишончлилиги, тезлиги ва яна шунга ўхшаш кўплаб омиллар ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Шундай екан бу омилларга янада кўпроқ аҳамият қаратиш лозим.

Мамлакатни туристик салоҳиятини ошириш мақсадида давлат ёки ҳусусий туризм компаниялари қошида туризм уюшмалари ташкил етилиши мамлакат туризм соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган бўлар еди. Ҳўш бу уюшмалар қандай ташкил етикади? Туризм уюшмасида мамлакатнинг ҳар бир соҳаси бўйича алоҳида йўналишлар ташкил етилади. Масалан маҳаллий туризм, маданий-тарихий туризм, табиат туризми, спорт туризми, диний туризм, илмий туризм шу каби коплаб йўналишлар жамланиб бир уюшмани ташкил етади ва ҳар бир йўналиш учун алоҳида директор тайинланиб шу соҳа бўйича жавобгарлик директор зиммасига юклатилади. Уюшманинг жадал ривожланиши учун ҳар кварталда туризм соҳалари бойича рейтинглар еълон қилинади. Ўйлайманки бундай уюшмаларнинг ташкил етилиши мамлакат туризми ривожига ўз ҳиссасини қўша олади.

Туризм инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўп соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун туризмни ўрганиш психология, антропология, социология, иқтисодиёт, география, информатика, ҳуқуқ каби фанлар билан узвий боғлиқ. Туристик ресурслар йер шарининг деярли барча бурчакларида, қитъаларида ва мамлакатларида мавжуд. Туризм ташкилотчилари туризм йўналиши (маршрути) ва туризм турини еркин танлаш шароитида туристик оқим ларни билиши, истиқболлаши ва ҳатто улами бошқариши керак. Бунинг учун еса қуйидаги фанлари билиш жуда-жуда зарур. Саёҳат қилиш учун турист қайси йўналишни танлайди? Ушбу мавсумда қайси мамлакат кўпроқ афзалликка ега бўлади ва туризм нинг қайси турлари енг машҳур бўлади? Туризм бозорида қандай тур маҳсулотни таклиф қилиш фойдали? 0ъз туристик маҳсулоти ҳаракатини қайерга йўналтириш керак? Мижоз хоҳишларини енг яхши қондирувчи тумри қандай қилиб тузиш керак? Бу саволларнинг кўпчилигига инсон психологиясини ўрганм асдан жавоб бериш мумкин емас. Мижоз (турист) хоҳиши сабабларини ўрганм асдан ва тушунмасдан туриб, туми тўғри тузиш ва уни бозорда истеъмолчига таклиф қилиш мумкин емас. Кичкинагина узилиш ёки хатолик ҳам пухта тайёрланган ва таҳлил қилинган саёҳатдаги ижобий таассуротни йўқотишга йетарли бўлади Агар қуйидаги шартлар бажарилса, мижоз ёки шерикни тинглаш жараёнида сиз қулай психологик муҳитни яратишингиз мумкин: тинглаш пайтида тез-тез табассум қилиш, бошини қимирлатиш, кўзига қараш ва доим рози бўлиш, мижозни тинглаш жараёнида хеч нарса демасликка ҳаракат қилиш, очиқ позицияни сақлаш, суҳбатдошга қизиқиш билдириш каби жиҳатлар шулар жумласидандир. Саёҳатни танлашда мақсадларнинг ўзгариши истеъмолчи бозорида туристик маҳсулотни таклиф қилувчи туристик фирма учун салбий оқибатларга олиб келади. Кайфият, мода, умумий сиёсийиқтисодий ҳолат ва кўпгина бошқа омилларга еътиборсизлик туфайли мижозлар йўқотилади, натижада, туристик фаолиятда иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлади. Масалан, сўнгги йилларда катта шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолиси екологик тоза табиат сақланган жойлардаги екотуризмни афзал кўришмоқда.

Шундай екан туризмни ривожлантиришда тозаликка еътибор қаратиш муҳум масалалардан бири ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Ziyouz.com
2. Aim.uz


## SHAXMAT O'RGATISH JARAYONIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARNING MANTIQIY FIKRLASH VA SHAXSIY SIFATLARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI


*Xoliqov U.Q.*
*Guliston davlat unversiteti doktorant.*



**Rezyume:** Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilar, maktabgacha va oilada shaxmat o'rganish orqali mantiqiy fiklash, shaxmat bilan shug'ullangan bolaning bo'sh vaqti, barcha fanlarni o'zlashtirishi osonlashtiradi, intellektual salohiyat yuksaladi, qobiliyatlar bag'ishlangan bo'lib, shaxmat o'yinni orqali ularning diqqat, idroki, tafakkuri, xotirasi va mantiqiy fikrlashini o'stiradi va rivojlantiradi yoritilgan.



**Kalit:** boshlang'ich sinf o'quvchilar, maktabgacha ta'lim, oilada, shaxmat o'yin, idroki, tafakkuri, xotirasi, mantiqiy, diqqat, qobilyat,harakter,sog'lik,ruhiy, jismoniy tayyorgarlik va albatta


Har bir millat o'z kelajak avlodida komillikni ko'rishni orzu qiladi. O'zbek xalqi o'z madaniyati va ma'naviyatida komil insonlar tarbiyasiga alohida e'tibor bergan va bunday komillik darg'alarini etishtirish har bir zamonda muhim sanalgan. Inson kamolotida esa jismoniy va ma'naviy go'zallik muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois bugungi kunda yurtimizda zamonaviy bilim va ko'nikmalarga ega, mamlakatning munosib kelajagi uchun javobgarlikni o'z zimmasiga ola biladigan, intiluvchan va serg'ayrat yoshlarni tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu borada Muhtaram Prezidentimiz boshchiligida bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining yoshlarga e'tiborni kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini oshirish masalalariga bag'ishlangan 5 ta tashabbusi ilgari surildi.

Shaxmat insoniyat kashf etgan eng qadimiy, qiziqarli, jozibali hamda go'zal o'yinlardan biridir. Uning asosiy xususiyati shuki, shaxmatda sport va san'at uyg'unlashib ketgan. Shaxmat qiziqarli va maroqli o'yin. U bilan shug'ullanish organizmning umumiy jismoniy rivojlanishiga, fikrlash doirasining o'sishiga, o'sib kelayotgan yosh avlod ruhiyatiga ijobiy ta'sir etadi. Bola yoshligidan shaxmatda yuzaga keladigan variantlarni hisoblay boshlaydi. Ularni solishtiradi, yaxshisini

tanlaydi, vaziyatga baho beradi, har doim band bo'ladi. Uning bo'sh vaqti miya uchun kerakli va foydali mashg'ulot bilan to'ldiriladi. Agar bola shaxmatdagi kombinatsiyalarni topa olar ekan, shaxmat darsidagi qiyin masala yechimini albatta topishga harakat qiladi.

Shaxmatning yana bir o'ziga xos xususiyati bor. U o'zida sport, fan va san'atni mujassamlashtirgan.

Shaxmat nazariyasini mutolaa qilish jarayonida uning yangi qirralarini kashf etish mumkin. Xar qanday yaxshi shaxmatchi esa chiroyli yurishlar-u ajoyib o'yinlardan xuddi musiqa tinglagani, qiziqarli himoya o'qigani kabi zavqlanadi, o'zi ham shunday «san'at asarlari»ni yaratishga intiladi.

Barchamizga ayonki, tarbiya oiladan boshlanadi. Tarbiya ongni, xulq-tvorni, shaxsni har tomonlama rivojlantirishni aniq maqsadga yo'naltirilgan jarayondandir. Chunki oilada beriladigan bu tarbiya jarayonida faqat bilimlar o'zlashtirilib, malaka va ko'nikmalar hosil qilinmaydi, o'zbek oilasining axloqiy e'tiqodi, his-tuyg'usi, axloqiy, irodaviy va jismoniy sifatlari, xarakter xususiyatlari tarkib toptiriladi.

Shaxmat o'yini sporti milliy qadiriyat ekanligini avvalombor, oilada xis qilib, uni mahallalarda foydalanish bilan umuminsoniy qadriyatga aylantirishga barchamiz mas'ul ekanligimizni va bu orqali o'zbek yoshlarni dunyoga tanitish imkoniyatlari mavjudligini anglashimiz, ushbu masalaga yanada jiddiy qarash zarurligini ko'rsatadi.

Sog'lom farzand esa sog'lom onadan dunyoga keladi. Shu sababdan yurtimizda sportga, ayniqsa, ayollar sportini rivojlantirishga juda katta e'tibor qaratilmoqda.

Ota-onalar o'zlari ham bolalarga o'yin mazmuni va yo'nalishini taklif etishlari mumkin.

Mamlakatimiz va chet ellarda o'tkazilgan pedagogik, psixologik va fiziologik tekshirishlar, 6-7 yashar bolalardagi bilimlarni o'zlashtirish hamda umumiy o'sishning potentsial ruhiy, fiziologik imkoniyalari hozirgacha faraz qilingandan ko'ra ancha yuqori ekanligidan dalolat beradi. Fantaziya chegaralari odamning mashg'ulotiga bog'liq bo'lib, u kengayishi va torayishi mumkin. Shaxmat o'yini fantaziyani qo'zg'otadi va o'stiradi.

Maktabgacha yoshda ixtiyorsiz diqqat jarayoni ayni paytda bola uchun qiziqarli narsaga diqqatni qaratishda yuzaga keladi. Ixtiyorsiz diqqat bolaning o'zi uchun qiziq bo'lmagan faoliyat bilan shug'ullana olishni nazarda tutadi. Shaxmat o'yinining yana bir jihati xotirani o'stirishga qaratilgandir. Katta maktabgacha yoshdagi bola o'z oldiga maqsad qo'ya oladi. Biror narsani eslab qolishi, ana shu maqsadni amalga oshirish vositalarini izlab topish shular jumlasidandir. Tafakkurni o'stirish obrazli, harakatli, ko'rgazmali obrazli mantiqiy tafakkur, turlarini egallashdan iboratdir. Bola turli rejalar va sxemalardan erkin foydalana olishi lozim. Maktabgacha yoshning oxiriga kelib, bolalarda mantiqiy tafakkur elementlari shakllana boshlaydi, ya'ni ular xulosa qila oladilar. Mantiqiy qonunlarga ko'ra fikrlaydilar. Bolalar ijodiy qobiliyatini o'stirish deganda tasavvur, hayolning taraqqiyoti va noan'anaviy tafakkur qila olish tushuniladi. Ijodkorlik ko'p jihatdan o'z his- tuyg'ulari, olam haqidagi tasavvurlarni turli

usullar bilan bayon eta olishga bog'liq. Buning uchun esa bola har bir narsada uning turli tomonlarini ko'ra olishi, narsaga xos alohida belgilarning barchasini his qilishi, obrazni ko'z oldiga keltira olishi kerak.

Va nihoyat, bolalarni maktabga tayyorlashga yordam beradigan shaxmat o'yini orqali kichkintoylarda elementar matematik tasavvurlarni rivojlantirish, nutqning tahlili bilan tanishtirish, bolada irodaviy sifatlarni malakasini egallashga tayyorlash ishlari olib boriladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 9 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasida shaxmatni rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3906 sonli qaroriga muvofiq maktab dasturlari doirasida 150 ta umum ta'lim maktablarining o'quvchilarini tajriba tariqasida shaxmatga o'qitishni tashkil etish vazifasi belgilangan.

Ushbu qarorga ko'ra, umum ta'lim maktablarining boshlang'ich (2-sinf) sinfida shaxmat o'quv kursi jismoniy tarbiya fani tarkibiga singdirib o'qitilishi O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi hamda Jismoniy tarbiya va sport vazirliklari, O'zbekiston shaxmat federatsiyasi bilan o'zaro kelishuvlari asosida belgilandi. Ushbu umum ta'lim maktablarining 2-sinflarida jismoniy tarbiya fani odobnoma fanini 0,5 soatga qisqartirish hisobiga, haftasiga 2,5 soatdan o'qitiladi.

Umum ta'lim muassasalarida shaxmat kursini o'qitishdan maqsadi – o'quvchilarning shaxsiy va intellektual qobiliyatlarini rivojlantirish uchun sharoit yaratish xamda ularda umumiy madaniyat, mantiqiy, mustaqil, sog'lom fikrlay olish qobiliyatini shakllantirishdan iborat.

Shaxmat – umumiy va intellektual qobiliyatlarni rivojlantiruvchi ta'limning bir turi hisoblanib**,** psixologik jarayonlarini rivojlantiruvchi, insonni aqliy, ijodiy va tarbiyaviy komolotga erishishiga yo'naltirilgan pedagogik jarayondir. Shaxmat o'quvchilarni yanada ma'nan etu qilik qilib tarbiyalashda qo'shimcha tarbiya vosita bo'lib xizmat qiladi.

Shaxmat sport o'yinigina bo'lib qolmay, balki inson xarakteri va shaxsining shakllanishiga faol ta'sir ko'rsatish vositasi sifatida, insonlarni tafakkur qilishga, mantiqiy fikrlashga, mas'uliyatli bo'lishga o'rgatadi. Shaxmatning inson hayotidagi ahamiyati to'g'risida ko'agina ilmiy tadqiqotlar (M.Muhiddinov, R.Evqaev, A.Toshxo'jaev) olib borilgan. Shuningdek, buyuk tarixiy shaxslar (Amir Temur, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur va b.) o'z faoliyatlarida shaxmat (shatranj) o'yinlaridan foydalanganliklari, uning ijobiy ahamiyati haqida tarixiy manbalar guvohlik beradi.

Haqiqatdan ham, davlatimiz mustaqillik sharoitida ta'lim sohasida, jumladan, umumiy o'rta ta'lim yo'nalishida o'qitishni mantiqiy fikrlash asosida tashkil etish hozirgi kun jamiyat taraqqiyotining talabidan kelib chiqmoqda. Hozirgi paytda umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarini mantiqiy fikrlashga o'rgatish jarayonida shaxmat mashg'ulotlariga e'tibor qaratish ijobiy natija beradi. Shaxmat faqat sport o'yinigina bo'lib qolmay, balki inson harakteri va shaxsining shakllanishiga faol ta'sir ko'rsatish vositasi sifatida ham insonlarni tafakkur qilishga, mantiqiy fikrlashga, mas'uliyatli bo'lish va yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishga o'rgatadi. Shaxmat bola uchun ermak, quvonch manbai bo'libgina qolmay, uning diqqati, xotirasi, ijodiy tafakkuri va tasavvurini

o'stirishga ham xizmat qiladigan vositadir. Shaxmat o'yini jarayonida bolalar yangi bilim, malakalarni egallaydilar, qobiliyatlarini o'stiradilar.

Shaxmat o'yini ruhiyatini tetiklashtirishga yordam beradi. Shu sababli men 1-sinf o'quvchilar uchun shaxmat alifbo kitobni yaratmoqda. Bu kitobning ayrim qismilari bilan tanishtirib o'taman.

Shaxmat «Alifbo»si alifbe uslubida qurilgan (yaratilgan) shuning uchun bu kitobdan foydalanish mumkin deb emas, balki kichkintoylarni uni nafaqat maktabda, balki uyda ham parallel ravishda o'rgatib borish kerak. Bu bolaga grammatik hisob- kitob va amallarni tezroq o'rganishida yordam beradi.

Ma'lumki, shaxmat bolalarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishga xizmat qilishi bilan bir qatorda ularning intellektual salohiyatini, fikrlash qobiliyatini ham rivojlantiradi. Bu jarayonni, ya'ni shaxmatning bolada qanday ijobiy o'zgarishlarga sabab bo'lishini quyida izohlashga harakat qilamiz.

**Diqqatni jamlash:** shaxmat o'ynagan bola taxtadagi vaziyatlarga qarab diqqatini jamlaydi. Diqqatni bir joyga jamlay olish fikrlashning bir bosqichidir.

**Reja tuzish va taqlil kilish:** bola shaxmat taxtasidagi vaziyatga qarab, raqib shohini mot qilish uchun turli yo'llar izlaydi, reja tuzadi, tahlil qiladi.

**Qaror qabul qilish:** favqulodda yuzaga kelgan kutilmagan holatni bartaraf etish uchun "Yurish kerakmi?", "Hujum qilish kerakmi?", "Himoyalanish kerakmi?" kabi qarorlarni bolaning o'zi tezkorlik bilan qabul qiladi. Bu esa o'z navbatida uni mustaqil fikrlashga, natijani hisobga olgan holda qaror qabul qilishga o'rgatadi.

**Mas'uliyatni qis qilish:** o'yin jarayonida yosh shaxmatchining tajribasi oshib boradi. Turli musobaqalarda ishtirok etadi. Jamoa azosi sifatida maktab sharafini himoya qilish uchun ko'proq tajriba to'plashga, mahoratini oshirishga harakat qiladi. Bunda bolaning mas'uliyatni his etish ko'nikmasi shakllana boradi.

**Do'stona munosabat:** o'quvchilarda birgalikda shaxmat o'ynash orqali o'zaro do'stona munosabat shakllanadi, bu jarayon bolaning kirishimli bo'lib ulg'ayishiga ham xizmat qiladi.

**Xotiraning rivojlanishi:** eng chiroyli yurishlar, kombinatsiyalar, etyud va masalalar ularning yodida qoladi. Keyingi o'yinlarda bu yurishlarni eslab, amaliyotda qo'llashi bir tomondan ularni g'alabaga yaqinlashtirsa, yana bir tomondan xotirasi mustahkamlanishiga hissa qo'shadi.

**Xulosa qilish qobiliyati:** sportda hamma vaqt ham omad kulib boqavermaydi. Ba'zan mag'lubiyatga ham uchrash mumkin. Har bir sportchi o'z mag'lubiyatidan to'g'ri xulosa chiqarganidek, yosh shaxmatchilar ham "Qaysi yurishda xato qildim? Xato qilmaslik uchun nima qilish kerak edi?" deb o'ylaydi. Keyingi musobaqalarda shu xatoni takrorlamaslikka harakat qiladi. Demak, bolalar o'z xatolariga tanqidiy ko'z bilan qarashni, har bir holatdan o'ziga kerakli xulosa chiqarishni o'rganadi. Shuni ta'kidlash muhimki, xulosa chiqarishni o'rgangan bola hayotda ham murakkab vaziyatlardan tez chiqib ketishning choralarini topa oladi.

Shaxmat o'yini boshlang'ich sinf o'quvchilarning xotirasini kuchaytirishda, fikrlashdagi parishonxotirlikni yo'qotishda muhim omil vazifasini bajaradi. Yuqorida bildirilgan fikrlar boshlang'ich sinf o'quvchilarni ijtimoiy taraqqiyotga

mos holda tarbiyalash, ularning ongi, tafakkuri va dunyoqarashini zamon talablari darajasida shakllantirish borasida bir qancha olimlar o'z tadqiqot ishlarida ilmiy asoslangan fikrlarini bayon qilishgan. Ularga tayangan holda, biz umumiy o'rta ta'lim maktablarida shaxmat o'yinlarini tashkil qilish yuzasidan quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqdik:

-shaxmat o'yinlari asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarning mantiqiy fikrlash, aqliy qobiliyatlarini rivojlantirish tizimini ishlab chiqishda milliy metodologik, tarixiy va mantiqiy ilmlarga tayanish;

-boshlang'ich sinf o'quvchilarda shaxmat o'yinlaridan foydalanish asosida mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda nisbatan yangicha yondashishni qaror toptirish;

-amaliy va nazariy mashg'ulotlarda shaxmat o'yinlarining o'rni va mavqeini belgilash;

-boshlang'ich sinf o'quvchilarda shaxmat o'yinlaridan foydalanish asosida mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishning zamonaviy shakllari va tamoyillarini ishlab chiqish;

-o'rta maktab tizimidagi fakultativ darslar rejasiga shaxmat o'yini kursini kiritish;

-maktab yoshlari orasida har yili shaxmat bo'yicha maktab, tuman, viloyat, respublika an'anaviy musobaqalarini o'tkazish;

-iqtidorli, mantiqiy fikrlaydigan bolalar orasidan respublika shaxmat maktabi tashkil etish chora va tavsiyalarini bildirmoqchimiz.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, shaxmat o'yini boshlang'ich sinf o'quvchilarning aqlini o'stirish barobarida, mustaqil, har tomonlama to'g'ri,mantiqiy fikrlashga o'rgatishda ulkan imkoniyalarga ega deb hisoblaymiz. Shaxmat boshlang'ich sinf o'quvchilarni axloqiy, ruhiy, ma'navnviy jihatdan sog'ligini ta'minlaydi. Shaxmat o'quvchi-yoshlarning fanlarni a'lo darajada o'zlashtirishga yo'l ochib beradi. Shaxmat o'ynash qabiliyati shakllangan bola hech qachon yomon yo'lga kirmaydi, shundan komillikka intilib yashashga o'rganadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:


1. O'zbekiston Prezidenti Sh.M.Mirziyoev tomonidan ilgari surilgan Besh muhim tashabbus
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 9-avgustdagi "O'zbekiston Respublikasida shaxmatni rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3906 sonli qarori
3. Mirziyoev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz T, O'zbekiston- 2016
4. Mirziyoev Sh,Qonun ustuvorligi va inson manaatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. T O'zbekiston- 2016
5. O'zbekiston Prezidentining 2017—2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakat strategiyasi. 7 yanvar 2017 yil.
6. Nosir Muhammad "Shaxmat mo'jizasi" T 2014-y [5-9 bet]

7. Muhiddinov M. Kataklarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976. [66 bet.]
8. Xaylayev, Mamatqul " SHaxmat alifbosi". Uslubiy qo'llanma "Tafakkur", 2015. [12 b.]
9. "Ma'rifat" gazetasi. 2016-yil 27-fevral № 17-son [15 bet.]
10. Muhiddinov M. Kataklarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976.

## PERSONAL DEVELOPMENT STRATEGY

*Kholmirzaeva M., Kholmirzaeva Sh.*
*Students of National Univeristy of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

**Abstract:** People face many situations in their life. Certainly, it effects on the human psyche. In any case the effection should be positive. That is why a person must strengthen his will and draw the necessary conclusions from various circumstances. The article presents the views of the authors on the importance and main factors of the development of personal psychology.

**Key words:** personal development, encouraging themselves, motivational world, self-confidence, spiritual world, set goals, success, positive thinking.

***"The best way to do great is to love what you do"***
***Stive Jobs***

Because human is a social being, they begin to understand themselves as they grow up. The development of human spirituality, consciousness and perception, the broaden of their horizon, their ability to think, their ability to analyze the reality around them and draw their own conclusions are important, and of course, there are a number of factors that effect the full realization of these processes. Indeed, in this fast-paced world, people's desire to lead in every spheres has grown significantly. It is important to note that the desire to succeed is a human trait. But today, desire alone is not enough. However, it is necessary to strive for success. At most cases people who have knowledge, skills and abilities achieve their goals. On the other hand we may come across some people who have enough knowledge or talent belong to one sphere but don't know how to show their talents or in other condition for example, there are people who, if they fail at what they started, they don't do it a second time and are afraid to do anything. Ultimately, it destroys the spiritual world. It can be concluded from what has been observed by many experts that in such situations, insecurity prevails in the work of some people, and they are not able to encourage themselves. When people start something, first of all, they must be able to strengthen their self-confidence, cultivate their inner world and psyche. Additionally, according to experts, human-being should

always strengthen their psyche, build a strong and effective skil-set through personal development.

Human factors and engineering psychologists strive to make everyday experiences easier, more comfortable and less frustrating by applying the psychological science of human behavior to the products, systems and devices we use every day.

In fact that personal development is a lifelong process. It is a way for people to assess their skills and qualities, consider their aims in life and set goals in order to realise and maximise their potential.

First and foremost, becoming the person you want to be is a process that takes place as the person develops their personal skills.

As I have mentioned above the first and most important key of personal development strategy is self-confidence. In the following I would emphasize some main factors of that strategy from my perspective view:

- *determining what field you have skills in*. Cause depending on your talent, it will be easier for you to advance in that field.
- *never comparing yourself with others*. Cause it lowers your self-confidence and know that everyone has their own talents.
- *postive thinking and being in good mood*. Cause excellent mood increases work efficiency.
- *getting more knowledge, using it and showing what you know not being shy*. Cause it helps you to discover and strengthen your leadership skill.
- *enjoying your success and always praising yourself*. Cause it helps you that your interest will increase and you will move forward.

If we don't know the alphabet, we can't read the script. The spiritual upbringing we receive on the basis of enhancing our psychological knowledge and developing our personal skills serve as an alphabet for us to understand our life problems. Human factors based on the obvious personal strategy make everyday experiences easier, more comfortable and less frustrating to the products, decives and systems we use on a daily basis by psychologically healthy human behavior. Concluding from the above a person's education and motivation should be balanced. In that situation success is accelerated. A person who is always inspired by success always wants to move forward. How people build their own life and under what conditions they live is up to them. The ability to get out of any bad situation depends on their level of willpower. One always deserves what is best for oneself. But it takes a lot of effort and a lot of success. Such successes and achievements increase their bright outlook on life.

**REFERENCES:**

1. https://www.skillsyouneed.com/personal-skills.html
2. https://www.skillsyouneed.com/ps/personal-development.html
3. https://www.apa.org/action/science/

# YOSHLAR PSIXOLOGIYASIDA MADANIYAT MUASSASALARINING O’RNI

*Xolmo‘minov M.*
*O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi Respublika madaniyat muassasalari faoliyatini tashkil etish ilmiy-metodik markazi bosh mutaxassisi*

**Annotatsiya:** Maqolada yoshlar psixologiyasida madaniyat muassasalari qay darajada o’rin tutishi va yoshlar psixologiyasi o’sishiga ijobiy ta’sir qiladigan ishlar samaradorligi aks ettirilgan
**Kalit so‘zlar:** Yoshlar, madaniyat muassasalari, yoshlar siyosati, Yoshlar ishlari agentligi, Yoshlar parlamenti, ijodiy maslahatchi.
**Annotation:** The article describes the role of cultural institutions in youth psychology and the effectiveness of work that has a positive impact on the development of youth psychology.
**Key words:** Youth, cultural institutions, youth policy, Youth Affairs Agency, Youth Parliament, creative consultant

*“Mamlakatimizning taqdiri va kelajagi uchun mas’uliyatni o‘z zimmasiga olishga, bu yo‘lda bor bilim va salohiyatini safarbar etishga qodir bo‘lgan, azmu shijoatli yoshlarni tarbiyalab voyaga yetkazish – biz uchun eng muhim masaladir”*
***Shavkat Mirziyoyev***

Bugungi murakkab davrda globallashuv jarayonining mamlakatimiz aholisiga, xususan, yoshlarga bo‘lgan salbiy ta’sirining oldini olish va jamiyatimizning har bir a’zosini ma’nan yetuk etib tarbiyalash, ularning xuquqiy-ma’naviy dunyoqarashini, ongini rivojlantirish masalasi har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun ham muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan yoshlar tarbiyasiga juda katta e’tibor qaratilib, ularning ma’naviyatini yuksaltirishga qaratilgan 5 ta muhim tashabbus ilgari surildi. “Mamlakatimizning taqdiri va kelajagi uchun mas’uliyatni o‘z zimmasiga olishga, bu yo‘lda bor bilim va salohiyatini safarbar etishga qodir bo‘lgan, azmu shijoatli yoshlarni tarbiyalab voyaga yetkazish – biz uchun eng muhim masaladir.” – deb, ta’kidlaydi davlatimiz rahbari. Darvoqe, Bugun yoshlarimiz qanday tarbiya topmoqdalar? Ular qaysi axborotlar, qaysi muhit ta’siri doirasida shaxs sifatida shakllanmoqdalar? To‘g‘risini aytish kerakki, bugungi kunda ko‘pchilik ota-onalar turmush tashvishiga berilib ketib, bola tarbiyasi masalasiga kamroq e’tibor qaratishmoqda. Albatta, ular farzandlarining hech kimdan kam bo‘lmasligi uchun sharoit yaratib berishmoqda, kompyuter sotib olib berishadi, Internet ulab berishadi va hokazo. Ammo yaratilgan sharoitdan farzandlari nechog‘lik maqsadli foydalanishmoqda? Bu masala ularning nazaridan biroz chetda qolmoqda. Ushbu muammolarni hal etishda madaniyat va san’at muassasalarining o‘rni muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda Madaniyat vazirligi Prezident tomonidan qo‘yilayotgan vazifalar ijrosini ta’minlash, yoshlarni madaniyat va san’at muassasalariga jalb etish, ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish borasida

ko‘plab xayrli ishlarni amalga oshirmoqda. Jumladan, Madaniyat vazirligi tasarrufidagi 39 ta professional teatr, 312 ta musiqa va san’at maktabi, 826 ta madaniyat markazi, ularda 70 dan ortiq xalq teatrlari, 120 dan ortiq folklor jamoalari, 160 dan ortiq ashula va raqs ansambllari, 30 ga yaqin vokal-cholg‘u estrada ansambllari, minga yaqin badiiy havaskorlik to‘garaklari tashkil etilgan bo‘lib, ushbu badiiy havaskorlik to‘garaklarida 60 mingga yaqin yoshlar o‘zlarining bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazmoqdalar.

Madaniyat muassasalari besh tashabbusning aynan birinchisi ya’ni, yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san’atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste’dodini yuzaga chiqarish uchun ko’plab tadbirlar amalga oshirmoqda. Madaniyat muassasalarning tashabbus doirasida amalga oshirayotgan ishlari aynan, yoshlarning psixologiyasiga kata ta’sir qiladi. Ta’sir qilganda ham ijobiy ta’sir qiladi deb, bemalol ayta olamiz.

Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrida yoshlarning madaniy saviyasini oshirish, milliy va umumbashariy madaniyatning eng yaxshi namunalaridan bahramand bo‘lishini ta’minlash hamda bo‘sh vaqtlarini mazmunli va samarali tashkil etish maqsadida O‘zbekiston Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 21-noyabrda “Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrida yoshlarni madaniyat va san’at muassasalariga keng jalb etish orqali ularning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish tizimini yanada rivojlantirish to‘g‘risida” gi 923-sonli qarorining qabul qilinishi ham yoshlar psixologiyasida alohida o’rin tutadi.

“O‘zbekiston xalq artisti”, “O‘zbekiston xalq rassomi”, “O‘zbekiston Respublikasi san’at arbobi”, “O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan artist”, “O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan madaniyat xodimi” faxriy unvonlariga ega bo‘lgan san’atkorlar, ijodkorlar va madaniyat xodimlari, “Nihol” mukofoti sovrindorlarini Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining tuman va shaharlari hokimliklariga madaniyat va san’at masalalari bo‘yicha ijodiy maslahatchi sifatida jamoatchilik asosida biriktirish, qarorda aks ettirilgan. Respublika bo’yicha 184 ta tuman va shahar hokimliklariga biriktirilgan madaniyat hamda san’at masalalari bo‘yicha ijodiy maslahatchilar ro’yxati ham aynan shu qarorda tasdiqlandi. Bu ijodiy maslahatchilar o’zining hududi doirasida yoshlarni madaniyat va san’at muassasalariga jalb qilish bilan birgalikda ularning psixologiyasini ijobiy tomonga o’zgartirish ishlarini amalga oshiradi.

Ayni paytda Madaniyat vazirligi madaniyat markazlari faoliyatini yaxshilash masalalariga alohida e’tibor qaratmoqda. Buning boisi madaniyat markazlari deyarli 80 % mamlakatimizning olis hududlari va chekka qishloqlarida joylashgan. Shuning uchun ham u yerda istiqomat qilayotgan yoshlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish maqsadida 380 ta madaniyat markazlarida kamida 7 ta yo‘nalishda qo‘shimcha 1 ming 800 tadan ortiq turli yo‘nalishdagi badiiy havaskorlik to‘garaklarini, iqtidorli yoshlardan iborat “Iftixor” ijodiy jamoalarini, yoshlar o‘rtasida so‘rovnoma o‘tkazib, ular tomonidan taklif etiladigan istiqbolli g‘oya va loyihalarni hayotga tatbiq etilish borasida tashkiliy va amaliy ishlar olib borilmoqda.

Shuningdek, O‘zbekiston davlat filarmoniyasi, “O‘zbekkonsert” davlat muassasasi, Respublika baxshichilik san’ati markazi, O‘zbek milliy maqom san’ati markazi jamoalarining taniqli xonandalari va yoshlar sevgan san’atkorlar ishtirokida konsert dasturlarini namoyish etish hamda respublika teatrlarining barcha tuman va shaharlarga gastrol safarlari muntazam ravishda tashkil etilmoqda.

Yoshlar ma’naviyatini yuksaltirish maqsadida madaniyat markazlarida an’anaviy ravishda “Xalq cholg‘ulari ijrochilari”, Mukarrama Turg‘unboyeva nomidagi “Milliy raqs ijrochilari” va Yunus Rajabiy nomidagi “Yosh maqom ijrochilari” respublika ko‘rik-tanlovlari va har yili 21-27 mart kunlari “Teatr tomoshalari haftaligi” tashkil etilmoqda

Muhtaram Prezidentimiz SH.Mirziyoyev tashabbuslari bilan xalq og‘zaki ijodiyotining qadimiy an’analarini tiklash, milliy madaniyatimizning sarchashmasi bo‘lgan folklor san’atini yanada rivojlantirish, baxshi-shoirlar ijodining o‘zbek madaniyati va san’atidagi o‘rni hamda ahamiyatini yanada oshirish yoshlarimizni milliy qahramonlarimizdek mard va jonkuyar farzandlar etib, tarbiyalash maqsadida o‘tkazilayotgan Xalqaro baxshichilik san’ati festivali, “Nurli navolar”, “Buyuk ipak yo‘li”, “Boysun bahori” xalqaro folklor san’ati festivallari va maqom san’ati, Sharq taronalari, hunarmandchilik xalqaro festivallari ishtirokchilarining qariyb 80 % ni yoshlar tashkil etmoqda. Bu o‘z navbatida yoshlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish va ularning madaniyat va san’atga bo‘lgan qiziqishlarini qo‘llab-quvvatlash borasida olib borilayotgan ishlarning ijobiy samarasidir.

Kuni kecha ya’ni, 2020-yil 30-iyunda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini tubdan isloh qilish va yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6017-sonli Farmoni qabul qilindi. Qarorga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi tashkil etildi.

Yoshlar ishlari agentligining vazifalari etib quyidagilar belgilandi.

yoshlar bilan bog‘liq soha va yo‘nalishlarda yagona davlat siyosati, strategik yo‘nalishlar va davlat dasturlarini ishlab chiqish hamda amalga oshirish;

mamlakatimizda yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning qonuniy huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlarni takomillashtirish yuzasidan takliflar tayyorlash;

yoshlar siyosati sohasidagi qonun hujjatlariga rioya etilishi ustidan davlat nazoratini amalga oshirish;

yoshlarni Vatanga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, o‘sib kelayotgan yosh avlodni ilm-fan va innovatsiyalarga keng jalb etish, ularni “Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari!” g‘oyasi atrofida birlashtirishga qaratilgan chora-tadbirlarni belgilash;

yoshlarning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini himoya qilish, yoshlar o‘rtasida huquqbuzarliklar va jinoyatchilik profilaktikasini amalga oshirishda faol ishtirok etish;

yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish jarayonida nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan samarali hamkorlik qilish;

yoshlarga oid dasturlar, loyihalar va ilmiy-tadqiqot ishlarini moliyalashtirish uchun ijtimoiy buyurtma shaklida ajratiladigan davlat grantlari va subsidiyalarni taqsimlash, ulardan maqsadli va samarali foydalanilishini ta’minlash;

tarbiya muassasalarini tamomlagan yetim va ota-onasining qaramog‘idan mahrum bo‘lgan yoshlarning ijtimoiy-huquqiy himoyasini tashkil etish va bandligini ta’minlash;

iqtidorli yoshlarni yetakchi xorijiy oliy ta’lim muassasalariga ta’lim olish uchun yuborish, xalqaro tanlovlarda ishtirok etishini ta’minlash, yosh avlodni madaniyat, san’at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularning axborot texnologiyalari bo‘yicha savodxonligini oshirish, yoshlar o‘rtasida kitobxonlikni targ‘ib qilish, xotin-qizlar bandligini ta’minlash vazifalarini qamrab olgan beshta muhim tashabbusni keng joriy etishga qaratilgan ishlarni muvofiqlashtirish, ularning intellektual salohiyati va iste’dodini rivojlantirish;

yoshlarni kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka keng jalb etish, zamonaviy kasb-hunarlar, raqamli iqtisodiyot ko‘nikmalarini puxta egallashlari uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratish, ularni ish bilan ta’minlash jarayonlariga ko‘maklashish;

yoshlar siyosati sohasida xalqaro hamkorlikni rivojlantirish, yoshlar sohasidagi xalqaro reytinglarda mamlakatimiz mavqeyini oshirish bo‘yicha zarur choralar ko‘rish, xorijda ta’lim olayotgan yoshlar bilan olib borilayotgan ishlarni tizimli yo‘lga qo‘yish;

yoshlar faoliyati bilan bog‘liq sohalarga xorijiy investitsiyalar va ilg‘or texnologiyalarni jalb qilish bo‘yicha manfaatdor vazirlik va idoralar bilan birgalikda xalqaro moliya institutlari, donor-mamlakatlar hamda xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikni rivojlantirishdan iboratdir.

Shuningdek, yoshlarni qonun ijodkorligi jarayoniga keng jalb etish, qabul qilinayotgan qonunlarda kelajak avlod manfaatlarini aks ettirish uchun bevosita yoshlarning o‘zlaridan takliflar olish maqsadida Oliy Majlis Qonunchilik palatasida **“Yoshlar parlamenti”**tashkil etildi.

Yoshlar ishlari agentligining Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar boshqarmalari va tuman (shahar) bo‘limlari madaniyat muassasalari bilan yoshlar ma’naviyatini oshirish va ularning bo’sh vaqtlarini mazmunli o’tkazish ishlari yuzasidan doimiy hamkorlikda ish olib borsa, yoshlar psixologiya o’sishiga katta turtki bo’ladi.

Muhtaram Prezidentimiz “Mamlakatimizda madaniyat va san’at taraqqiy etmasa, jamiyat rivojlanmaydi”, – deb ta’kidlagan edi 2017-yil 25-dekabr kuni madaniyat va san’at sohasini rivojlantirishga bag‘ishlangan yig‘ilishda. Har tomonlama rivojlanayotgan, yangilanayotgan O‘zbekistonda iqtisodiyot bilan bir qatorda taraqqiy etgan ilm-fan cho‘qqilarini egallagan yoshlarga yuksak madaniyat va milliy ma’naviyat ham zurur ekanligini hayotning o‘zi taqazo etmoqda. Shu ma’noda mamlakatimiz istiqbolini yaratuvchilari bo‘lgan yoshlarimizni

vatanparvar, sadoqatli va yuksak ma'naviyatli qilib tarbiyalashda bor kuch-g'ayratimizni safarbar etish barchamizning birinchi galdagi vazifamizdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

**1.** O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini tubdan isloh qilish va yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020-yil 30-iyundagi PF-6017-sonli Farmoni. www.*lex.uz*

2. O'zbekiston Vazirlar Mahkamasining "Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrida yoshlarni madaniyat va san'at muassasalariga keng jalb etish orqali ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish tizimini yanada rivojlantirish to'g'risida" 2019-yil 21-noyabrdagi 923-sonli qarori. www.*lex.uz*

## YOSHLAR – O'ZBEKISTON POYDEVORI!

*Xolmo'minova I.Z.*
*Surxondaro viloyati Bandixon tumani*
*1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi 9-sinf o'quvchisi*

**Anatatsiya:** Ushbu maqola O'zbekistonda yoshlarga qaratilayotgan yuksak e'tibor va buning namunasi sifatida Surxondaryo viloyati Bandixon tumani yoshlari misolida olingan.

**Kalit so'zlar:**Yoshlar, tashabbus, Vatan, O'zbekiston, demokratik, yurt, Bandixon.

*Aziz o'g'il-qizlarim, hech qachon unutmang, xalqimiz, Vatanimiz sizlardan buyuk ishlarni kutmoqda. Shu muqaddas ishonch va ma'suliyatni har tomonlama oqlash, unga munosib bo'lish-dunyodagi eng ulug' baxtdir.Shunday baxt, shunday sharaf barchangizga nasib etsin!*

***Shavkat Mirziyoyev***

Mamlakatimizda yoshlar masalasi har doim davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Yoshlarga oid davlat siyosati – bu davlatning demokratik taraqqiyot yo'lida rivojlanishida yoshlarni muhim strategik kuch sifatida tan olishi, zamonaviy dunyoda yoshlarning ehtiyojlari ularning mavjud demokratik muhitga to'g'ri moslashuvining yo'naltirilgan qonunchilik va ijro etish xususiyatining yig'indisi hamda o'zining yoshlarga nisbatan boshqaruv va ijtimoiy funksiyalarni demokratik siyosat tizimi, xalqaro yoxud milliy huquq normalari talabi darajasida to'liq bajarishidir.

Yosh avlod vakillarining manfaatini, boshqa ko'pchilik qatlamlar vakillarining manfaatiga qarshi qoymasdan, umummilliy manfaat bilan uyg'unlashtirish – yoshlar siyosatining asosiy vazifasidir.

Yurtboshimiz "Yoshlar bizning tayanchimiz, g'ururimiz va bizning nafaqat o'zimizning yangilanayotgan O'zbekistonimizning, gullab yashnashi uchun kata

turtki bo'la oladi"- deydilar. Mana shu yaqin yillar mobaynida mamlakatimizda yoshlar tarbiyasiga oid qarorlar, islohatlar va ularning yetuk ma'naviy kamol topishi uchun alohida e'tibor berildi. Har bir yosh avlodga o'zi istagan sohani tanlashi uchun barcha shart-sharoitlar yaratib berilmoqda. Yurtboshimizga buning uchun kata rahmatlar aytamiz va boringizga shukur deb, mana shu olib borilayotgan e'tiborni oqlashga va suiste'mol qilmaslikka harakat qilamiz.

Mamlakatimizning markaziy va mahalliy hokimlik idoralari, demokratik korpusi, sud-huquq sohasi rahbarlarining yoshlar bilan ochiq muloqotlar olib borishi ijobiy ananaga aylanib bormoqda. Bunday muloqot va uchrashuvlarda yoshlarni qiynayotgan ko'pgina muammolar joyida hal etilmoqda, ularga amaliy yordam, malakali maslahat va yo'llanmalar berilmoqda

Bugungi kunda Harakatlar strategiyasi va beshta muhim tashabbus doirasida ham ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Misol uchun o'zim istiqot qilib kelayotgan Surxondaryo viloyati Bandixon tumani yaqindagina yangidan tashkil qilingan bo'lsada, bu yerda joylashgan madaniyat markazi, musiqa va san'at maktabi va umumta'lim maktablarida turli mavzularda tanlovlar, tadbirlar va davra suhbatlari o'tkazilmoqda. Undan tashqari madaniyat markazi va musiqa va san'at maktablarida turli xil to'garaklar tashkil qilinib biz yoshlarni bo'sh vaqtimizdan unumli foydalanishga ko'maklashmoqda. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2019-yil 17-18-oktabr kunlari Surxondaryo viloyatiga tashrifi chog'ida Bandixon tumanini qayta tashkil etib, hududni yanada rivojlantirish yuzasidan tegishli topshiriqlar bergan edilar. Bandixon tumanimizga O'tkir Choriyev hokim etib tasdiqlanganining ertasi kuniyoq bizning 1-sonli umumta'lim maktabimizga tashrif buyurib, biz yoshlar bilan suhbat olib bordilar va barchamizga kitoblar sovg'a qildi. Bundan ko'rinib turibdik, barcha rahbarlar biz yoshlarni unib o'sishimiz uchun birdek ma'sul ekanligini mana shunda yaqqol ko'rib judayam quvondim desam adashmagan bo'laman. Maktabimizda ham barcha o'qituvchilar biz yoshlarni bilim olishimiz uchun o'zlarining bilimlarini ayamasdan ta'lim berib kelmoqda. Ayniqsa karantin vaqtida bunga to'laqonli guvoh bo'ldik. O'qituvchilarimizning bizlar bilan har kuni telefon orqali onlayn ta'lim berishini o'zi bir jasoratdir.

Shu o'rinda muhtaram yurtboshimizning bir so'zlari yodimga tushdi: yoshlar orasida "Men Sizning yoningizda turib, kamarbasta bo'laman!" deb ko'zi yonib turgan, bilimli jasoratli yigit-qizlar borligiga ishonaman. Yetakchilikning, o'z ortidan ergashtirishning eng to'g'ri yo'li shaxsiy o'rnak va namuna bo'lishdir, – deydilar yoshlar bilan uchrashuv chog'ida.

So'nggi yillarda yoshlarga oid davlat siyosatining huquqiy asoslarini mustahkamlash maqsadida "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni qabul qilindi.

Yurtimizda 30-iyun "Yoshlar kuni" deb e'lon qilngan va shu kuni yoshlar bayrami kuni sifatida nishonlanib kelinmoqda. Turli sohalarda yuksak natija va yutuqlarga erishayotgan fidoyi yoshlarimizni rag'batlantirib borish maqsadida "Mard o'g'lon" davlat mukofoti va "Kelajak bunyodkori" medali ta'sis etildi.

Yoshlar tarbiyasi, kelajak avlodning ma'naviy-ruhiy qiyofasi har qanday jamiyat taraqqiyotining muhim sharti hisoblanadi. Sharqda azaldan tarbiya amaliy

sifat kasb etib kelgan, ya’ni insonni an’analar, odat va rasm-rusumlar vositasida, amaliy faoliyat asosida tarbiyalash, yetakchi o‘rin tutgan. Inson axloqiy va siyosiy komillik ilmini hayot tajribalari, turmush sinovlari jarayonida anglab borgan. U anglagan ilmdagina xulosa chiqargan. Ana shu ilmnigina o‘z avlodlariga singdirishga xarakat qilgan. Lekin bu harakat quruq so‘z, va’zxonlikdan iborat bo‘lib qolmay, faoliyat bilan mushtarak kechgan. Mustaqillik sharofati bilan bugungi kunda mamlakatimiz xuddi shu an’analarni davom ettirib, izchil islohatlar yo‘li bilan eski jamiyatdan yangi tuzum sari, demokratik-huquqiy davlat qurish tomon bormoqda. Bugun odamlar ongida eskilik belgilaridan ko‘ra yangilik nishonalari qo‘proq aks etmoqda. Mustaqil O‘zbekistonda bozor munosabatlari dadil joriy etilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020-yilning 14-iyul kuni yoshlar va xotin-qizlar bandligini oshirish, ularni daromad manbai bilan ta’minlash masalalari bo‘yicha videoselektor yig‘ilishi o‘tkazildi.

Yoshlar ishlari agentligi direktori Alisher Sa’dullayev mazkur yig‘ilishda Prezidentimiz tomonidan berilgan topshiriqlar haqida o‘z fikr-mulohazalarini bildirdi.

— Bugungi yig‘ilishda davlatimiz rahbari tomonidan yoshlarga oid davlat siyosatidagi tub burilish va islohot qilish uchun tashkil etilgan Yoshlar ishlari agentligi vazifalari aniq belgilab berildi. Vazifalarning eng muhimi jihati yoshlar bandligini ta’minlash va ularni kasb hunarga o‘rgatish vazifasi kun tartibiga qo‘yildi.

Buni ijro tizimi har bir tuman kesimida yoshlarni mehnatga o‘rgatish kasb-hunar markazlari, shuningdek, sektorlar rahbarlari boshchiligida ishsiz yoshlar ro‘yxati shakllantirilib, mana shu ishsiz yoshlarimiz o‘sha tumanning o‘sish nuqtasi va talabgor bo‘lgan kasblariga mehnatga o‘rgatish va keyinchalik ularni bozorga olib kirish mexanizmi bilan amalga oshiriladi.

Yoshlar ishlari agentligining eng asosiy vazifasi pastdan yuqoriga va yuqoridan pastga ijro mexanizmini to‘liq ochib berish. Yoshlarimizni o‘zi xohlagan va o‘zining layoqati bo‘lgan kasblarga yo‘naltirish bo‘ladi. Bundan tashqari, Prezidentimiz eng asosiy vazifalardan biri deb, xorijdagi yoshlarimizni qo‘llab-quvvatlash ekanini ta’kidladilar. O‘zbekiston mehnat bozorida ularga yangi ish o‘rinlarini yaratish orqali yurtimizga qaytarish juda strategik va mashaqqatli masala ekanini ta’kidladilar.

Yoshlar ishlari agentligini tashkil etish bilan mana shu masalaga yechim topish vazifasi yuklandi. Bundan tashqari yoshlarimizga xalqaro olimpiadalarga qatnashishi uchun imkoniyatlar yaratish masalasi o’rtaga tashlandi va Yoshlar ishlari agentligi ma’sul qilib belgilandi.

Bizlarga qaratilayotgan bunday yuksak e’tiborlardan g’ururlandimda qo’limga qalam olib, quyidagi she’rni bitdim:

**Yoshlar — O'zbekistonning poydevori!**
O'zbegimning iftixori, tayanchi,
Yurtboshining ko'z tumori, suyanchi,
Kelajakda Vatanining madadkori,
Yoshlar — O'zbekistonning poydevori!

Kitob o'qib intilgan-u, izlangan,
O'rnak bo'lgan, tengdoshidan o'rgangan,
Boriga shukur qilib intilgan,
Yoshlar — O'zbekistonning poydevori!

Yurtimiz gullab yashnashi uchun biz yoshlar qo'limizdan kelgancha harakat qilamiz. O'z qiziqqan kasbimizning yo'lidan borib, uni rivojlanishi uchun barcha sa'y harakatlarni amalga oshirishga bel bog'laymiz va yuksak marralar sari intilishga doim shay turamiz deb, barralla aytamiz.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

**1.** O'zbekiston Respublikasi Prezidenti vazifasini bajaruvchi SH.Mirziyoyev "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida" qonun 2016-yil -6 sentabr O'RQ-406-son

**2.** Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish strategiyasi: mavjud vaziyat va rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiyasi maqolalar to'plami. "Tafakkur-Bo'stoni" nashriyoti. Toshkent-2019

**3.** Internet sayti (https://uza.uz)

## НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА РЕКОМЕНДАЦИИ ВЕЛИКИХ УЧЁНЫХ ПО ПСИХОЛГИИ УПРАВЛЕНИЯ

*Холмуродов М.*
*Студент, Международная исламская академия Узбекистана*

**Аннотация:** Все науки, открытые человеческим разумом и мышлением, неразрывно связаны по содержанию и сущности. Каждая наука имеет свою историю, место и функцию в жизни. Поэтому психология изучает законы человеческой психики. Вероятно, нет области, которая не имеет ничего общего с этой наукой. Тема, которую я хочу осветить, - это лидерство, то есть то, как мы психологически на это смотрим. Так кто же лидер? Какими моральными, волевыми, интеллектуальными качествами он должен обладать.

**Ключевие слова**: Психология управления, лидер, психологические взгляды, великие учёны,

Прежде всего, нужно дать определение термину «лидерство». Термин «лидерство» связан с такими качествами человека, как мастер своего дела, отдающий свое сердце и всю свою любовь своей профессии, своей семье и

всей стране. Можно с уверенностью сказать, что человек, который думает и работает с искренней любовью к руководству – это и есть лидер. Лидерство - это высокий уровень интеллекта, много энергии, исследований и изобретательности, трудолюбие и, где это уместно, необходимое предпринимательство [1].

Какие требования предъявляются к лидеру сегодня во времена быстрых перемен, когда на каждом шагу глотает глобализация? Сегодня лидер всегда ответственный, верный, находчивый, смелый, имеющий в глубине души чувство ответственности за свою работу, осознающий страдания людей, стремящийся к успеху, способный работать на будущее. По словам нынешнего Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева: «Сегодня лидер не имеет права делать ошибки». Да, времена быстро меняются, и в этом отношении лидеры также имеют глубокое видение мира. Известно, что он способен быть самокритичным, когда приходит время обратить внимание, понять ценность своей работы, работать неустанно и, при необходимости, достигать поставленной цели. Желание общества сбудется только в том случае, если оно готово отказаться от удовольствий времени. Неспроста великий учёный Юсуф хос Хожиб в своем эпосе «Кутадгу билиг» описал человека, достойного принца; что если лев имеет голову собаки, собака становится львом. Если собака голова льва, львы могут быть похожи на собаку. Конечно, давайте еще раз подумаем о том, сколько мудрости стоит за этой метафорой.

В другой цитате Захириддин Мухаммад Бабур в своей книге «Бобурнома» говорит об управлении страной и пишет, что «в каждом случае необходимо и необходимо иметь сто тысяч соображений». Нет сомнений в том, что, если мы посмотрим на наследие великих личностей Востока, таких как Имам Термези, Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур, а также великий полководец Амир Темур, в духе нового века мы снова будем служить программой нашей жизни [2].

Продолжая дискуссию, я должен отметить, что лидер должен быть образцом для подражания во всех отношениях, независимо от того, в какой сфере он занят, если ему нужно только продвинуть свою команду вперед, чтобы стать путеводной звездой, чтобы мудро использовать имеющиеся в его распоряжении возможности. Не страх лидера, а искреннее уважение лидера приведет к росту команды, для которой лидер должен быть честным, ответственным и смиренным.

Точно от того, какую важную задачу мы перед собой ставим, говорил первый Президент Республики Ислам Каримов: «Не важно, какую жизненную проблему необходимо решить, в конечном итоге это будет зависеть от этих кадров и большего количества кадров». И сама жизнь подтверждает правдивость этих слов. Сегодня роль универсальных духовных качеств очень важна для лидера. Такие качества должны основываться на принципах взаимного доверия, честности, справедливости [3].

Для духовного формирования психологии лидера необходимы следующие особые качества:

1) инициатива, всегда ищущая новые возможности;
2) правильное использование времени, а также ситуации;
3) быть всегда на шаг впереди других в жизни;
4) прогнозирование возможных изменений;
5) упорство, усердие, терпение;
6) готовность к различным препятствиям и преодолевание их силой воли;
7) четкая поставка цели и ее достижение;
8) глубокое чувство ответственности в каждой работе;
9) адекватная информация о сфере деятельности;
10) регулярное планирование управления и соблюдение его;
11) способность убеждать, поощрять, направлять своих партнеров на реализацию новой идеи, которую он выдвинул;
12) быть независимым в делопроизводстве;
13) умение рисковать в определенное время и представлять последствия, тем самым достигая эффективности [4].

Очевидно, что таких качеств сотни, потому что чем совершеннее лидер, тем интереснее будут его подчиненные. Что если бы все было наоборот? Когда я повторял эти слова, мне вспомнилась великая турецкая пословица: «он нагревается, но он сжигает сам себя и становится пеплом, который не может противостоять огню». Я хотел бы обратить внимание на тот факт, что психологи говорят, что менеджер может поручить любую задачу своим доверенным сотрудникам, но невозможно доверить человеческие отношения таким образом, то есть иметь такие отношения с каждым сотрудником. Так что лидерство в команде - это великое искусство. Лидер, учитель, тренер, лидер, просветитель нации - это человек, вовлеченный в вечность, и благодаря его усердной работе, наследники нашего будущего будут доведены до совершенства.

**БИБЛИОГРАФИЯ:**

1.Боймуродов Н. Психология управления Карши.-2007

2.Бобурнома, стр. 67, Издательство Учителя, 2008.

3.Каримов И.А. Высокая духовность - непобедимая силаТашкентМанавият, 2010. Б.

4.Каримов И.А. Испытание воли и веры. Ташкент: Издательство Узбекистана, 1999

**Электронные ресурсы**

1. Kun.uz,
2. Архив.Уз

# SHAXSIY RIVOJLANISH STRETEGIYASI

*Xolmurodova A.N.*
*NamDU akademik litseyi psixologi*

O`zbekistonomiz kelajagini rivojlantirishda va mustahkamlashda ma’naviy sog’lom avlodni voyaga yetkazish, ularni yetuk barkamol shaxs, kuchli irodali qilib tarbiyalash oldimizda turgan dolzarb vazifalardan biridir. Kishilik jamiyati yuzaga kelibdiki, insonlar orasidagi ijobiy va salbiy munosabatlar, xatti-harakatlar kishilarning diqqat markazida bo`lib kelgan. Bu borada muhtaram prezidentimiz Sh. Mirziyoyev o`zining sa’yi harakatlari bilan faoliyat yuritmoqdalar. Yaxshi insoniy fazilatlar O`rta Osiyo mutafakkirlarining o`rganish, kuzatish va munosabat bildirish masalalaridan biri bo`lgan.

Jumladan, Abu Ali Ibn Sino o`zining “Donishmandnoma” asarida har bir kishi baxtli bo`lishi uchun o`zidagi axloqi, odobi, yurish-turishi va atrofdagilarga munosabatini ijobiy qilishi kerakligini uqtiradi.

Abu-Rayhon Beruniy esa insonning tashqi qiyofasi, uning axloqiy qiyofasi bilan uzviy bog’liqligini, kishidagi oliyjanoblik va orastalik insonlar bilan muomalasida muhim o`zak ekanligini asoslaydi.

Abu Nasr Farobiy o`zining “Fozil odamlar shahri” asarida insonga uni go`zal amallar qilishi uchun yo`naltiriladigan odat mahsuli bo`lishiga yetuk xulq lozimligini aytadi. Xulqning yaxshiligi xatti-harakatlarda me’yor qay darajada saqlanganligi bilan belgilanadi.

Kaykovusning “Xotamnoma” asarida esa saxiylik, to`g’rilik, rostgo`ylik, odamlar o`rtasidagi sevgi, do`stlik va muruvvat, tinchlik va farovonlik kabi ezgu g’oyalar tarannum etilgan. Bulardan tashqari, yana juda ko`plab mutafakkirlarimizning firklarini keltirish mumkin.

Bu yerda bizni e’tibor qaratadigan jihatimiz, insondagi ijobiy shaxs sifatlarini kuchaytirishga salbiy sifatlarini esa yo`qotishga harakat qilishiga yordam berishdan iborat.

Men hayotda bir narsani juda ko`p mushohada qilaman. Shu o`rinda prezidentimiz Sh. Mirziyiyevning quyidagi so`zlarini keltirish joizdir: “Xalqimizning dardy-tashvishlarini o`ylab yashash odamiylikning eng oliy - mezonidir”. Bu so`zlarda qanchalar ma’no mujassam. Bu gaplarni o`qigan insonlar so`zlarning ma’nosini chuqur mushohada qiladimi? Dunyoda yaxshi insonlar ko`p, lekin yana boshqa toifali insonlar nima uchun bir-birini aldaydi, o`zini o`ylaydi, poraxo`rlik qiladi? Bu yomonliklarni qanday qilib to`g’rilash kerak? Shu savollar meni doim qiynab keladi. Bu kabi savollarga birgalikda kurashib barham berilishiga o`z hissamni qo`sha olsam o`zimni yengil his qilgan bo`lar edim.

Misol uchun: odamlar o`zining yaqin odamidan tashqari insonlarga ishonmaydi. Chunki o`rtada ishonch yo`q. Tanish-bilishlar bilan ishingiz tez va oson bitadi, lekin begona bo`lsa kutishingiz kerak yoki osonlikcha bitmaydi. Dunyoda nima uchun ko`pchilik odamlar bu yozilmagan qonunlarga amal qilib keladi. Lekin bu achchiq haqiqat. Bularni yo`q qilish bir o`zimni qo`limdan

kelmaydi, lekin men bir narsani aniq bilamanki, doim bu yaxshi niyatlarimni amalga oshishiga ishonaman.

Men tog'am, oila a'zolarim va ko`pchilik insonlar bilan shaxsning rivojlanishi, o`z-o`zini tarbiyalashi, o`zini o`stirishi haqida ko`p suhbatlashaman. Ko`pchilik insonlar ochko`zlik, qo`rqoqlik, dangasalik, mas'uliyatsizlik, yolgonchilik kabi shaxsni tubanlikka boshlovchi salbiy hislatlardan ozod bo`lolmaganligi uchun qiynalib yuradi va oqibatda kasallikka chalinadi. Bulardan qutulishi uchun ko`pchilik odamlar o`zlarini tozalashi kerak. Ham o`zi uchun, ham farzandini kelajakda yaxshi inson bo`lishi uchun bu juda muhim. Buning uchun har bir inson chetdan o`zini qanday ekanligini kuzatishi, o`zini tahlil qilishi, o`zidagi salbiy hislatlarini aniqlab, ularni yo`qotishga harakat qilishi kerak. Agar insonlar vijdonlilik, rostgo`ylik, halollik, poklik, mas'uliyatlilik kabi ijobiy shaxs sifatlarini o`zida shakllantirsa to`g'ri bu hislatlar har bir insonda bo`lishi mumkin, lekin kuchaytirilmagan bo`lishi mumkin. Agar kuchaytirsa bugungi hayotimiz yana ham yaxshi bo`lgan bo`lar edi. Ko`p narsa insonlarni to`g'ri fikrlab, to`g'ri tushunishlariga va qarorlarini hayotga to`g'ri tatbiq etishlariga, xalq manfaatlarini o`ylab ish qilishiga bog'liq. Agar sizning qalbingiz va tanangiz pok, niyatingiz ezgu, o`zingizni emas, xalq manfaatlarini o`ylasangiz, aqlli, keng dunyoqarashli, rostgo`y, halol, mas'uliyatli, sabrli bo`lsangiz, ishoning hozir sizga qiyin bo`lsa ham, keyin yaxshi bo`lishi aniq.

Insonlar o`zini shaxsiy o`stirishlari uchun bir qancha shaxs sifatlarini ko`rib chiqamiz.

Eng avvalo rostgo`y bo`lishimiz kerak. Hayotda rostgo`y bo`lishimiz naqadar muhim. Insonlar nima uchun yolg'on gapiradilar? O`z foydasi uchun, oilada ota-onalar, kattalar, qo`ni-qo`shnilar, mahalladagilar, maktab va keyingi davrlarda ham farzandiga tarbiya berish jarayonida yolg'on ishlatmasligi kerak. Agar biz hammamiz to`g'ri, rost gapirishga odatlansak, bolalar ham yoshligidan, kattalar ham to`g'ri tushunchaga ega bo`ladi. Biz o`z so`zimiz bilan rostgo`yligimizni amalda isbotlashimiz kerak. Biz har doim rost gapirsak, bu doimiy odatga aylanadi. Atrofdagilar bizga avval ishonmagan bo`lsa ham rost gapirishimiz davomida bizga ishona boshlaydi. Natijada bizning kayfiyatimiz ko`tariladi. A'lo kayfiyat sog'liq uchun juda foydali. Atrofdagi insonlarning bizga mehri ortadi. Chunki biz yaxshi ish qildik. Agar yolg'on gapirsak, doim shubha-gumonlar ichida yuramiz, hotirjamlik yo`qoladi, kasallikka chalinamiz. Rosrgo`ylik haqida quyidagi xadis bu fikrlarga misol bo`la oladi.

Hadis: Rostgo`ylikdan xavfu-xatar ko`rsanglar rost so`zlanglar, shunda najot topasizlar. Garchi foyda ko`rib turgan bo`lsangiz ham yolg`ondan saqlaninglar. Chunki baribir yolg'onning oxiri voy.

Qalb va niyat pokligi. Yomon niyatli, birovlarga zarar keltiradigan odamni fikrlari to`g'ri bo`lmaydi. U boshqa insonlarga zarar keltirishga, ulardan o`z manfaati yo`lida foydalanishga boshqa insonlardan o`rganib qolgan va bu ishini doim qilib yuraveradi. Mana shunday insonlarning tanasidan, og'zidan badbo`y hid taralib turadi, uyiga ham o`rnashib qoladi. Lekin ana shu insonni o`zi buni sezmasligi mumkin. Men avvallari tog'am bilan gaplashgan vaqtlarimda shu gaplarni aytgan edi, lekin men hayron qolgan edim. Keyin men bu fikrlarni tahlil

qildim va hayotimda ham xuddi shunday insonlarni ko`rdim. Doim ezgulikni, yaxshilikni o`ylab hammaga yaxshilik qiladigan insonlarni yuzlari nurli bo`lishi, tanasidan badbo`y hid kelmasligini kuzatdim va bu to`g'ri chiqdi. Bu boshqalarga qilgan yomonliklarimiz oqibatidir. O`zingga ravo ko`rmagan narsani birovga ham ravo ko`rmaslik kerak. Qachonki bizni qalbimiz pok, niyatimiz ezgu bo`lsa, o`z manfaatimizni emas, balki xalq manfaatini o`ylab ish qilsak, omad o`zi biz tomon keladi, biz omadni ketidan quvishimiz kerak emas.

Vijdon pokligi, halollik bilan ish yuritish. Bunda biz vijdonimizga qarshi yomon ish qilmasligimiz, halol bo`lmagan ishni umuman qilmasligimiz kerak. Bizga qat'iylik kerak bo`ladi. Biror ish qilishdan oldin uning natijasida boshqa insonlar zarar ko`rmaydimi? va boshqa savollarni o`zimizga berib ko`raylik. Tekinxo`rlikka qarshi kurashishimiz kerak. Mehnatga yaraydigan inson borki, mehnat qilishi kerak. Boshqalarni mehnati evaziga boshqalar kun kechirmayaptimi? Har kim bu savolni o`ziga berib ko`rsin. Shunda mehnat qilishga kuchi yetgan har bir inson vijdoni oldida javobgarlikni his qilishi kerak. Hamma ishlashi va baxtli bo`lishi kerak. Mehnatsevarlik insonlarni kelajakda yaxshi yashashlariga yordam beradi.

Insonlar o`zida qat'iylik va irodani kuchaytirishlari kerak. Dunyoda eng oson ish maslahat berish. Lekin uni bajarisj qiyin. Biror rejamizni amalga oshirmoqchi yoki muvaffaqiyatga erishmoqchi bo`lsak, bir qancha to`siqlarga duch kelamiz. Mana shu oldimizda turgan to`siqlarni, qiyinchiliklarni yenga olsakkina keyingilarini yengib o`tish bizga oson bo`ladi. Biz irodamizni qiyinchiliklarda mustahkamlab boramiz. Buni o`zimni hayotimda olib ko`radigan bo`lsam, hayotimda qiyinchiliklarni bo`lishi yaxshi albatta. Agar oldimizda to`siqlar bo`lmaganda edi, biz irodamizni chiniqtirmagan bo`lar edik. Men qiyinchiliklarni oldin yomon ko`rar edim, lekin hozir yaxshi ko`raman. Chunki ular meni irodamni kuchaytirdi. Natijada bizda qo`rqmaslik, mardlik, jasurlik sifatlari shakllanadi.

Hammaga birdek samimiy munosabatda bo`lish. Biz odamlarni tanlab munosabatda bo`lamiz. Kiyinishiga qarab, puliga qarab, martabasiga qarab. Bir juda ham yaqin tanishim aytgan edi:" Sen odamlarni qandayligini bilmaqchi bo`lsang, puli ko`payganda va amalga o`tirganda ko`rchi, u o`zgararmikan". Hayotda shunday insonlarni ko`rdim, odamlarni mensimay qo`ygan. Hayotda shunday insonlarni ko`rdimki, doim suhbatlashging keladi. Chunki ularni na mansab, na pul ozgartira olgan. Samimiyligi, kamtarligi bilan ajralib turadi. Bu insonlar juda ham qadrli insonlardir. Ulardan juda ko`p narsalarni o`rgansa arziydi.

Mas'uliyat, burch va javobgarlik. Har bir inson o`zini xatti-harakatlariga, qilgan ishiga nisbatan mas'uliyatli va javobgarlikni olish kerak. Atrofdagilarga doimo yordam berish bizni burchimizdir.

Doimo o`z ustimizda ishlash, izlanish. Insonni shaxsiy o`stirishga, kamolotga yetkazishga oid ma'ruzalar eshitish, kitoblar o`qish,ko`rgan yushlarimizni to`g'ri tahlil qilish bizni juda ham kuchli qiladi.

Shaxsning rivojlanishi uchun quyidagi strategiyalarni ishlab chiqdim.

1.Miyangizni mashq qildiring, miyani oziqlantiring, o`z ustingizda ishlang, kitoblar o`qing, tana va miyani rivojlantiruvchi masqlar bajaring.

2.Ma'lumotlarni to`g'ri qabul qiling, keng doirada fikrlab, tahlil qiling.

3.Xalq manfaatlarini o`ylab to`g’ri qaror qabul qiling va uni amaliyotda bajaring.

4.O`zingizda shaxsning buyuk insoniy fazilatlarini kuchaytiring. Vijdon, qalb, tana pokligi, halollik, rostgo`ylik, samimiylik, qat’iylik, iroda, mas’uliyatlilik, javobgarlik, mehribonlik va boshqalar. Bu sifatlarni kuchaytirishingiz juda ham muhim.

5.Ko`rgan tushlaringizni to`g’ri tahlil qiling.

6.Yaxshi kayfiyatda bo`lishga harakat qiling.

7. Muvaffaqiyatga erishish uchun harakat qiling va o`z kuchingizga ishoning.

Qachonki insonlar o`z ustida ishlasa, o`zlari tushunib, anglab yetib, bilimlarini kuchaytirsa, fikrlash qobiliyatini kengaytirsa, atrofidagi yordamga muxtojlarga yordam bersa, shaxsiy o`sa oladilar. Buninng natijasida esa atrogdagi insonlarga ham shunchaki emas, chin ko`ngildan yordam berib, ularni ham hayotlarini yaxshilashga foydamiz tegsa o`zimizni baxtiyor his qilamiz. Bu bizni oldimizdagi burchlarimizdan biridir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1.U. Mahkamov “Axloq-odob saboqlari. Toshkent O`zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi “Fan” nashriyoti 1994 y.

2. G’. B. Shoumarov “Oila psixologiyasi” T. “Sharq” nashriyoti 2007 y.

3. Akramova F. A, Abdullayeva R.M.Sharq mutafakkirlarining oila xususidagi qarasglari T.”Shams ASA” 2002 y.

4. J. Kexo Eng sara asarlari “Adabiyot uchqunlari” T. 2018 y.

## GLOBALLASHUV JARAYONINING SHAXS VA JAMIYAT HAYOTIGA PSIXOLOGIK TA’SIRI

*Xamidov D.*

*O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada bugungi globallashuv davrida insoniyat uchun muammo yuzaga keltirayotgan ijtimoiy va siyosiy omillar haqida fikr-mulohazalar atroflicha yoritib o‘tilgan. Asosan, taraqqiyot jarayonlarining jamiyatga, jamiyat orqali inson hayotiga qanchalik darajada o‘z ta’sirini o‘tkazayotganligi hayotiy misollar orqali o‘rganilgan va tahlil qilingan.

**Аннотация:** В этой статье подробно рассматриваются социальные и политические факторы, которые создают проблемы для человечества в современную эпоху глобализации. В основном, была изучена и проанализирована на основе жизненных примеров степень влияния процессов развития общества на жизнь человека.

Annotation: This article discusses in detail the social and political factors that are causing problems for humanity in today's era of globalization. Basically, the extent to which developmental processes affect society, through society to human life, has been studied and analyzed through vital evidence.

***Kalit so'zlar:*** *globallashgan jamiyat, shaxs va jamiyat, taraqqiyot, ta'lim tizimi, meditsina, ijtimoiy hayot, madaniy faoliyat*

***Ключевые слова:*** *глобализированное общество, личность и общество, развитие, система образования, медицина, общественная жизнь, культурная деятельность*

*Key words:* globalized society, individual and society, development, education system, medicine, social life, cultural activities

Bugungi kunda dunyo bilan teng yoki barobar qadam tashlash, yoki undan o'zib ketish har qachongidanda qiyin bo'lgan, jamiyat tomonidan amalga oshirilishi eng muammoli sanalgan umummilliy, dolzarb masalalalardan hisoblanadi. Negaki, hozirgi kunga kelib barcha davlatlar ular bilan bir vaqtda jamiyatlar ham o'zining ertangi kuni uchun tanlab olgan yangicha dasturlarini ishlab chiqib, ularni hayotga tadbiq etish yo'lida tinim bilmay harakat qilishmoqda. Kezi kelganda bu jarayonlardan farqli o'laroq jahon tajribasini o'rganish, insoniyatning qadimiy tarixига ham nazar solish, xalq ta'biri bilan aytganda "yetti o'lchab, bir kesish" naqliga amal ham qilinmoqda. Nima bo'lganda ham bu kabi dunyoning har sohada oldingiga qaraganda shiddat bilan rivojlanib borayotganligi o'zida ijobiy tomonlar bilan bir qatorda salbiy xususiyatlarini ham namoyon etib bormoqda. Shu o'rinda, har doim ta'kidlab kelingan tanqidiy fikrlar bugun yoki kecha bo'lmaganligini yodga olish ham joiz. Chunki bu olam yaralgandan beri kelajak har doim tanqidiy fikrlar, zid kurashlar va qarama-qarshiliklar ustida qurilganligi hech birimizga sir emas. Hozirgi vaqtda XXI asr globallashuv asri sifatida tan olinayotgan bir vaqtda bu hodisalarning pirovardi sifatida "inson omili", "shaxs va jamiyat" tushunchalarining qay darajada muhim ahamiyat kasb etishiga guvoh bo'lmoqdamiz. Shu o'rinda insoniyatning bugungi kunda barcha sohalar ustidan amalga oshirayotgan islohotlari, qozonayotgan g'alabalari, qo'lga kiritayotgan yutuqlari uning jamiyatda taraqqiyotning mavjlanishiga qo'shayotgan katta bir hissasi sifatida e'tirof etilayotgan bo'lsa, ikkinchi tomondan bu taraqqiyotning ertangi kelajakni yaratishda jamiyatning tanazzulga yuz tutishiga ham sabab bo'lmasligiga hech kimning kafolat bera olmasligi bizni ayni damda xavotirga solishi tabiiy. Buning uchun ko'plab misollarni keltirishimiz mumkin: ta'lim, tibbiyot, ilm-fan, ijtimoiy-iqtisodiy, sanoat, turizm va boshqa bir qator sohalarda qanchalik darajada yuqorilash bo'lmasin ularning hali hanuz sifat darajasida yoki son ko'rsatkichida ortda qolayotganligini tarix zarvaraqlarini sahifalash orqali ham anglashimiz qiyinmas.

Zamonaviy dunyoning zamonaviy odamlari sifatida ta'lim olish, ta'lim berish jarayonlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, oxirgi vaqtda bu sohaning o'z o'rnidan necha barobar pastga tushganini ko'rishimiz mumkin. Bugungi yangicha jamiyatning islohotchilari ham yoki odamlari ham bu fikrga qo'shilmasliklari mumkin, chunki biz yaratgan dunyoning eng mashhur va ilg'or Buyuk Britaniyadagi "Oxsford", "Kembrij" universitetlari, AQShdagi "Stenford universiteti", "Massachusets texnologiya universiteti", "Chikago universiteti", "Garvard universiteti", "London imperiya kolleji" eng zamonaviy intellekt bazalari hisoblangan oliygohlarning faoliyat olib

borayotganliklari, dunyo bo‘yicha millionlab maktabgacha ta’lim muassasalari, maktablar, oliygohlar, akademiyalar mavjud ekanligi yangi asrning eng katta yutug‘i sifatida siz-u bizga sabab qilib ko‘rsatishlari mumkin.

Lekin biz e’tibor qaratayotgan holatlar bularni inkor etishining asosiy sababchisi, dunyo bu bilimlarning amaliy tajribasi sifatida hali ko‘p narsalarga guvoh bo‘lmaganligi ularga nisabatan bildirilayotgan fikrlarning inikosi hisoblanishiga sabab bo‘la oladi. Umumiy qilib aytganda, o‘zimiz yartagan mavjud bilimlarga, teoremalarga, xulosalarga, haqiqatlarga o‘zimizning amal qilishimiz qiyin bo‘layotganligi, ba’zida esa amal ham qilmayotganligimiz o‘zimiz anglagan va bilgan hayot uchun bilganlarimizning qadri-qimmatini o‘zimiz bilmayotganligimizni anglatmaydimi?

Ayni vaqtda dunyoda chegara ham, masofa ham tanlamas bu ilm-ma’rifatning yo‘nalishlari aslida butun yer yuzida yashovchi odamzotning avlodlari uchun xizmat qilishini, ularga to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatishini, o‘zlari xohlagandek munosib kelajakni barpo etishda muhim ahamiyat kasb etishlarini bilganlarida edi, bugun kelajagimiz balkim ba’zi bir nuqsonlardan xoli bo‘lgan bo‘lardi. Shuning uchun ham globallashuv jarayonida, taraqqiyot qay darajada yuksalganligidan qat’iy nazar jamiyat a’zolarining o‘zlari uchun muhim qo‘lga kiritishlari kerak bo‘lgan eng qimmat va bebaho yutug‘lari bu to‘g‘ri ta’lim olish va chuqur bilim, intellektga ega bo‘lishdir deb bilishlari lozim. Bu barcha bir-biriga bog‘liq bo‘lgan metodologik xususiyatlarning poydevori esa, albatta, amaliyot, tajriba bo‘lishi lozim.

Ya’nikim, bilganlarimizga, anglaganlarimizga, o‘qiganlarimiz hamda so‘zlaganlarimizga avvalo o‘zimiz amal qilishimiz darkor. Shundagina bu bizdan kelajakda hech qanday badal talab qilmaydigan haqiqiy taraqqiyot deb baholaniladi. Bu xuddi Fransiya Prezidenti Emmanuel Makronning “So‘nib borayotgan umidimizni qayta uyg‘otish uchun biz dunyo voqeligiga- u qanchalar keskin va achchiq bo‘lmasin-ochiq yuz tutishimiz kerak” degan fiklariga o‘xshaydi.(2)

Navbatdagi bosqichda tibbiyot sohasining bugungi rivojlanish davrida qanchalik darajada rivolana olganligiga, insoniyat tomonidan bu sohada aqlbovar qilmas darajada nimalarga erishilganligini ko‘rib chiqamiz. Hozirgi vaqtda dunyo hayotidagi taraqqiyotga o‘zining katta ta’sirini o‘tkazib turgan, global miqyosidagi uchinchi jahon urushiga tenglashtirilayotgan COVID-19 pandemiyasining mana sal kam yarim yil mobaynida butun insoniyat ahliga xavf solib turishi bizning kelajak borasidagi bashoratlarimizni puchga chiqa yotganligidan mujda berib turgan bo‘lsa ajabmas. Balkim bu so‘zlar, erish tuyulib o‘zidan salbiy mohiyatni sizga yetkazishi mumkindir, lekin haqiqat shuni ko‘rsatadiki, bugun butun dunyo hayotida keskin burulish yasab ulgurgan, milliardlab insonlarni o‘z uyida qolishga majbur qilgan, dunyo hayotida ishsizlik, iqtisodiy tanglik ahvolini keltirib chiqargan bu ofatning hech qaysi bir din yoki millat vakilini ayamasligining o‘zi ham qaysidir ma’noda yana bir bora ongli ravishda insoniyatning o‘z shuuri orqali anglashi, tushunishi va idrok etishi kerak bo‘lgan savollar javobini o‘zida aks ettirgan bo‘lsa bundan tashvishga tushib, vahima solishga ne hojat.

Har bir javob o‘zida savolni vujudga keltirganidek, bu ko‘hna dunyoda

yaralgan va yaratilgan hech bir narsa besab emaski, buning javobini mislsiz tarixning oʻtmishidagi koʻplab holatlar orqali ham bunga amin boʻlishimiz mumkin. Shu oʻrinda barcha holatlar uchun sabab qidirar ekanmiz, balkim hanuzgacha bu bedavo kasallikning yechimi topilmayotganligining asosiy sababi oʻzimiz anglay olmayotgan haqiqat bilan bogʻliqdir. Qaysidir ma’noda jumboqqa aylangan hayot falsafasi koʻpchilikka notanish boʻlishi mumkin, lekin barcha insonlar oʻzlarining fikrlari va tasavvurlari orqali bunyoda etgan dunyolarida yashar ekan, bugungi kun uchun ham barcha insoniyatning oʻy-fikrlari, dunyo qarashlari birlashgan mujassamlashgan olamda bu kasallikning dunyoga kelishining asl sababi har bir odamning olamlarida mavjud nuqsonlarning mavjud ekanligidir deb aytishimiz mumkin. Dard-insonga qalbning poklanishi uchun yuborilganidek, bu sinovning ham aynan balo-ofat sifatida tabiat tomonidan emas balki tirik jon tomonidan hosilaga aylanib vujudga kelishini, aynan jamiyatlar qalbining poklanishiga oʻxshatish mumkindir. Shu oʻrinda, S.N.Lazarevning kitoblaridan birida keltirilgan ajoyib bir hikoyani keltirib oʻtmoqchiman: “Olloh odamlarni toʻplab, ularga Koinot qonunlarini buzganligi uchun jazo ulasha boshlabdi. Tabibga eng katta jazo tegibdi.

Tabib achchiqlanibdi: -Nega? Men tabibman, men odamlarga yordam beraman, ularni azobdan xalos qilaman.

Alloh javob beribdi: -Chunki men odamlarga gunohlari uchun kasallik yuboraman, sen esa ularga buni tushinishga xalaqit berasan.”(4)

Biz also meditsinaning xizmatlarini kamsitmoqchi emasmiz. Hozirgi yutuqlardan ham voz kechishga ham da’vat qilmaymiz. Meditsina hozirgi zamonning yutugʻi sifatida azoblarni yengillatishni oʻrganganligini, shuning oʻzi ham yomon emasligini aytib oʻtish joiz. Biroq kasallik va bemorlarga yangicha yondashuv bunday hayot uchun xavfli kasallik va vaziyatlardan saqlanishga yordam beradi. Ushbu fikrlarimizni davom ettirgan holda, yuqorida soʻz yuritgan tibbiyot sohasining globallashuv asrida qanday yutuqlarga erishilganligini tahlil qilsak, bunda natija sifatida zamonaviy preparatlar, dori-darmonlar, vaksinalar va yangicha koʻrinishdagi qulay tibbiyot uskunalarini sanab oʻtishimiz mumkin.

Lekin, bu kabi yangilik jarayonlari oldingiga nisbatan qay darajada odamlar hayotini asrab qolishga yoki uzoq umr koʻrishga xizmat qilmoqda. Bundan 5-10 yil oldingi dunyodagi insonlar hayotining tibbiyot bilan bogʻliqlilik darajasi qanday edi-yu, hozirda qanday?. Toʻgʻri, aytishimiz mumkin ekologiyaning ham bu boradagi insoniyat hayotiga, uning sogʻligʻiga oʻtkazyotgan ta’sirini. Lekin bularning barchasi yolgʻizgina oʻzimiz tomonimizdan qilinayotganligi biz uchun hech bir savolga oʻrin qoldirmaydi. Ayniqsa bu borada, axborot almashinuvi, vaqtdan unumli foydalanish omillari siz-u bizga eng katta foyda keltira oladigan xususiyatlardan biridir. Kelajakni kamchililar va nuqsonlardan bartaraf etishni, bugungi yashayotgan kunimizdan boshlashimiz kerak aslida. Har qanday islohotlar zamirida Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev aytganidek: “Xalqimiz ertaga emas, uzoq kelajakda emas, aynan bugun oʻz hayotidan rozi va mamnun boʻlib yashashi kerak” degan mazmun mohiyatni oʻzida mujassamlashtira olishi zarur. (5) Zeroki, asosiy maqsadimiz ham ertangi goʻzal va farovon hayotni bunyod etish ekan, bu

yo‘lda uning barcha nuqsonlardan holi bo‘lishini ta’minlash bugungi demokratik jamiyatni shakllantirish yo‘lida harakat qilayotgan har bir yurtning fuqarosida oldida turgan o‘zining ezgu yo‘lidagi maqsadiga hamohang bo‘lgan javobgarlik hissini va burchini ifodalay olishi lozim.

Globallashuv jarayonining shaxs va jamiyat hayotiga o‘tkazayotgan ta’sirini inobatga oladigan bo‘lsak, bugun bu jarayonlar insonlarning yashash turmush tarzida, mehnat faoliyatida, qo‘lga kiritayotgan yutuqlarida, mavjud kamchiliklarida, orzu-havaslarida, eng asosiysi hayotdan rozi bo‘lib yashashlarida seziladi. Buning uchun avvalo, har bir jamiyatning oldida tanlangan bitta buyuk maqsad to‘g‘ri tanlangan yo‘l bo‘lib ularning bugungi kunidan boshlab ular xohlagan hayotga qadam qo‘ya olishga sabab bo‘la olishi kerak. Aks holda, hayot tarzining shiddat bilan keskin va ayovsiz harakat olib borayotganligi, oradan biroz vaqt o‘tib sizni va bizni boylikdan qashshoqlikka, tajribali tadbirkordan qarzdor biznesmenga, bilimli mutaxassisdan keraksiz kadrga aylantirib qo‘yishiga hech kim kafolat bermaydi. Shuning uchun ham bugun har bir sohada tartibli harakatni amalga oshirish o‘zingiz kutgan natija uchun ertaga sarmoya bo‘la oladi.

Bundan tashqari bu yo‘lda yolg‘iz o‘zingizning tog‘ri va tartibli harakat qilishingiz biroz kamlik qiladi. Aksincha, shaxslar va jamiyatlarning aynan shu yo‘nalish asosida harakat qilishlari kichik doirada emas, balki katta maydonda o‘zining stretegik jarayonlarning boshlanishiga va bu orqali jamiyat, davlat kerak bo‘lsa dunyoda yangicha islohotlarning boshlanishiga sabab bo‘la olishi mumkin. Ertaga bizning kim bo‘lishimiz, bugungi bosgan qadamimizga bog‘liq deya quyidagi takliflarni aynan hozirgi muhitda shaxs va jamiyatning taraqqiy eta olishi uchun keltirib o‘tamiz. Bular:

-mamlakatimizning barcha fuqarolarida mavjud bo‘lgan, kelajak g‘oyalarini chuqur tahlil qilish ularning fikrini o‘rganishni o‘z oldiga qo‘ygan “Tajriba ilmiy tadqiqot markazi” ni tashkil etish;

-jamiyatda mavjud bo‘lgan turli fikrlilik, bo‘ysunuvchanlik sindromiga asoslangan paradigma shaklidagi qarashlarni tasavvurlarni o‘zgartirish borasida “Jonli muloqot”, “Jonli efir”, “Jonli qo‘ng‘iroq”, “Jonli suhbat” shaklidagi loyihalarni shaffoflik asosida hayotga tadbiq qilish;

-hech bir chegara doirasi mavjud bo‘lmagan, Davlat Prezidenti, Bosh Vazir va yuqori mansabdagi shaxslar, davlat arboblari, san’atkorlar bilan xalq o‘rtasida ko‘prik vazifasini o‘tay oladigan jonli muloqot dasturlarini yo‘lga qo‘yish;

-mamlakat taraqqiyotini o‘zida aks ettirgan yangi innovatsion loyiha va dasturlarni yaratish va sotib olish jarayonlarini amalga oshirish;

-jamiyatda yosh doirasidagi psixologik muhitni yangilash, yoshlar va kattalar o‘rtasidagi qarama-qarshiliklarni bartaraf etish borasida amaliy ishlarni tadbiq etish;

-aholi o‘rtasida psixologik treninglar o‘tkazish va hududlar kesimida amalga oshirilayotgan ijtimoiy-siyosiy islohotlarning qay darajada xalq qabul qilayotganligi borasida monitoring ishlarini o‘tkazish;

-“Yosh Kadrlar tayyorlash maktabi” ni tashkil etish va barcha turdagi sohalar bo‘yicha ularga mukammal bilim manbaini yaratish;

-yosh va iqtidorli yoshlarni asosiy ijtimoiy-madaniy faoliyatning yo'nalishlari bo'yicha(ta'lim, tibbiyot, biznes, huquq, boshqaruv menejmenti) xorijiy mamlakatlarda tajriba almashinish dasturlarini ishlab chiqish kabi islohotlar mamlakatning haqiqiy intellekt bazasini yaratish va kelajakni bilim sarmoya bilan ta'minlashdek muhim masalalarga yechim bo'la oladi.

Darhaqiqat, fikrlarimiz so'nggida dunyoda amalga oshirilgan har qanday islohot avvalo inson omili uchun yaratilsa va xizmat qilsagina kelajak avlodlar tomonidan qadrlanadi. Shoyadki, buning zamirida ular ham o'zlaridan keying avlod vakillari uchun xuddi shunday yangilik yaratishlari yo'lida turtki bo'la oladi. Shuning uchun ham, birinchi galda odamzot o'zini anglamog'i bu yo'lda izlanmog'i, tajriba orttirmog'i zarurdir. Shundagina biz yaratayotgan o'tmish, kun kelib kelajak uchun oz bo'lsada o'z yordamini bersa ajabmas.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash -yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.-Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Makron Emmanuel. Revolusiya. -Toshkent: O'zbekiston, 2019.
3. www.new.manaviyat.uz
4. Valeriy Sinelnikov. Dardingni sev. -Toshkent: Navro'z, 2019.

## PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE IMPLEMENTATION OF STATE POLICY TO SUPPORT YOUNG WOMEN, PROTECTION OF THEIR RIGHTS AND INTERESTS

*Khudoiberdiyeva Kh.Z.*
*Samarkand State University Master of Engineering Graphics.*
*Kxursanova M.*
*student of Syrdarya academic lyceum of the*
*Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan*

**Annotation:** In this thesis, the problems and practical solutions in the implementation of public policy to support young women, to create opportunities for them and to protect their constitutional rights and interests.

**Key words:** public policy, constitutional law,interest, opportunity and practical solution.

Mission of the united Nations of Women. The United nations Organization for Gender Equality and women's Empowerment(UN- Women ) was established to protect and promote the interests and rights of women around the world. The birth of UN Women in 2010 has been recognized by the international community as a major contribution to the UN's core mission of promoting gender equality. The work of UN Women is based on the idea that gender equality is an integral part of sustainable development. UN – Women assists UN member states in implementing

international standards for gender equality and in developing and implementing relevant lawsand programs.

The UN Women Regional Office operates in four countries: Kazakhstan, Tajikistan,Turkmenistan and Uzbekistan. Headquartered in Almaty, Kazakhstan, it assists gender equality governments and civil society organizations in promoting gender equality, women's empowerment, and peace in the region. Since 2010, UN Women has been contributing to a number of projects and initiatives in the Republic of Uzbekistan under the leadership of a gender consultant. Main activities. Expanding women's economic rights and opportunities. UN-Women, in partnership with the Ministry Mahalla and Family Support of the Republic of Uzbekistan, aims to improve the economic situation and opportunities of women living rural areas of Uzbekistan, to address national and economic issues, to provide legal services, and to provide financial resources,has been helping to find and expand their use. National Programm for Support of Women Enterpreneours of Uzbekistan.

UN-Women, together with the Women's Committee of the Republic of Uzbekistan and other national partners, is assisting the Chamber of Commerce and Industry of Uzbekistn in implementing the national program"Development of Women's Entrepreneurship in Uzbekistan". The program is based on the results and experience of the previous Women's Economic Empowerment Project, which focuses on supporting women in need of social assistance, specially in rural areas, focused on measures.Taking temporary special measures in Uzbekistan. One of the priorities of UN Women is to promote the active participation of women in Uzbekistan in the political, economic and social life of the country. At the same time, a program of temporary special measures is being implemented in Uzbekistan. The program is based on the recommendations of UN Women, based on extensive consultations with the Women's Commmitee of Uzbekistan, the National Center For Human Rights, the Oliy Majlis, political parties, and non-governmental organizations. It is planned to increase the number of women in management positions in Uzbekistan.

On the basis of the above clear facts and data, we have witnessed that women and their personal, dignity, constitutional rights and freedoms are legally protected and that women are provided with opportunities that provide broad and effective results, and this continues to be the case. Indeed, it is probable that the laws adopted in the above-mentioned sourcs, how the opportunities created are reflected in practice, and similar questions, and even some of them have problems.We said that if the positive impact of the reforms does not reach these areas,they should apply to the relevant government agencias.If they do not,it can continue.Women are beautiful,kind and intelligent by nature.These and similar traits are formed in women from birth,but also in the womb,depending on the environment.However,they need a lot of legal and psychological support.They Ministry of Family and Neighborhood was established this year.If a center called ''Psychological Assistance and Legal Assistance to Young Women''is opened under this ministry and it is organized in every neighborhood,I hope it will not work.Early marriage is also effective,the number of divorces is sharply

reduced,there is no involvement in crime,no one is deceived into wasting his life for profit,and most importantly,they know their rights and can fight for them.This process is the experience of Uzbekistan and will undoubtedly be a turning point in the lives of women around the world.

The number of women entrepreneurs in Uzbekistan is growing day by day.This can be considered as a result of the opportunities provided.But there are also problems in this area,that is,the women has to go abroad,the women is married and has children.If the situation is such that free IT texnology and digital economy information and training monthly courses are organized for women entrepreneurs,both programming and digital economy knowledge will increase from imports,and as a result will make a worthy contribution to the state economy.

Now, as in many countries.we have a problem with staffing.It can be called a shortage of staff.At the initiative of President SH.M.Mirziyoyev,special quotas for girls were allocated to universities,and the number of grants is gratifying. In the past,girls living in remote areas or with poor marital status could not study in higher education.A positive solution to this problem has been found.Now any gifted,talented,educated women have the privilege.It should be noted that the procedure for making recommendations for participation in the competition for admission on the basis of additional grants for higher education institutions has also been opened.The procedure for issuing recommendations for participation in the competition on the basis of admission indicators and the organization of admission to regulations have also been approved.The Ministry of Mahalla and Family Support of the Republic of Uzbekistan will set up a Commission consisting of deputy heads of relevant ministries and departmentson relevant issues.This is one of the highest examples of opportunities for education and staffing.Another area we should not forget is that law enforcement agencies (police,prosecutors,courts,etc)currently have a low share of women in these areas, and in practice, when I conducted a voluntary survey"these areas do not apply to women. But we need to work day and night in these areas." But now it would be more expedient to reduce tax rates and working hours for women who work and work in law enforcement agencies, and our peace. And our well-being I stabilized. Under the auspices of the Youth Union of Uzbekistan, which includes women between the ages of 14 tand 30, Girls' Voice Club has been established to raise their interests, discover their talents and apply positive and practical experiences, a clear example of the opportunities given to women.

While mentioning the state policy on women, I should also mention their role in public administration. we are glad that the numbe of women leaders in our country is growing due to the fct that women are worthy of historically formed "matriarchal" leadership positions and appoint them. it is no exaggeration to say that such reforms will help young girls to increase their courage, enthusiasm and confidence in our bright future together with pride, pride and honor

**REFERENCES:**

1. Constitution of the Republic of Uzbekistan

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev "On the parameters of the state order of admission to higher education institutions for the 2020-2021 academic year" Date:17.03.2020
3. www.unwomen.org.
4. http://www.uz.org.

# HOZIRGI ZAMONDA INSONLARNING "O'Z JONIGA QASD QILISH(SUITSID)"GA NIMA SABAB BO'LYAPT? VA ULARNI OLDINI OLISH YO'LLARI

*Xudoyberdiyeva Z.*
*O'ZMU talabasi*

**Annotatsiya:** O'z joniga qasd qilish hozirgi zamonda kuchayib borayotganligi sababli uni oldini olishdan oldin uning qanday kelib chiqqanligiga to'xtalish zarur. Shuningdek hozirgi kunda suitsid sodir bo'layotgan davlatlar statistikasi bilan tanishib chiqamiz.

**Kalit so'zlar:** Suitsid-o'z joniga qasd qilish, parasuitsid, asfiksiya-gaz bilan zaharlanib vafot etish, Xudkushlik-o'z joniga qasd qilish

Nazarimizda hozirgi kunda ayniqsa makon va zamon rivojlanayotgan bir paytda insonlar hayotdan minnatdor bo'lishi o'rniga o'zlarida nimadir yetishmayotgandek qandaydir bir qiyinchilik oldida yengilib qolyatgandek bo'lyabdi.Buning oqibatida esa ular bu hayotda yashab bo'lganidek o'z joniga qasd qilishyabdi.Axir bu hayotda har bir inson bir marta keilshadi.Bu hayotni qanday yashab o'tish esa albatta o'zimizga bog'liq bo'lib qoladi.Nima uchun Olloh bergan buyuk ne'matni biz qadrlamasak?Uni yo'q qilishga urinsak?Bu nimasi Axir? OShuningdek urush vaqtida kamikazelik harbiy qahramonlik deya ko'rilgan.O'zini o'ldirish jamiyatda hamon qattiq qoralanadi.Biroq bedavo kasallikka chalingan bemorlarning tibbiy yordamni qabul qilmay qo'yish yoki evtanaziyani tanlash huquqi bahs ostidadir.Zamonaviy tibbiyot odatda o'zin io'ldirishni ruhiy nosog'lomlikka yo'yadi va bunday kishilarga ruhiy yordam ko'rsatilishi zarur deb hisoblaydi.Dunyoda har yili millionga yaqin odam o'zinio'ldiradi, 10-20 millionta xudkushlikka omadsiz harakat bo'ladiRossiyada har yili 60,000, AQShda taxminan 30,000Bir yilda bo'ladigan suitsidlar miqdori:(har 100000 kishiga).Fan tilida bu atama ya'ni o'zini –o'zi o'ldirish "Suitsid"deb ataladi.Ilmiy tilda "suitsid"(lotincha sui caedere-o'zini o'dirmoq)nomi bilan ma'lum bo'lgan bu amal ixtiyoriy,mustaqil va ko'ngilli ravishda o'z joniga qasd qilishdir.U amalga oshsa ham,oshmasa ham suitsid hisoblanaveradi.Suitsid shartli ravishda 2 turga ajratiladi:

1. *Parasuitsid*-asl o'z-o'zini o'ldirish.Parasuitsid turi odatda yaxshi rejalashtirilgan tadbir bo'lib,qanday qilib bo'lsada yaqinlar va jamoatchilik fikri hamda munosabatidan qat'i nazar o'z joniga qasd qilishdir.

2. *Psevdosuitsid*-namoyishkorona o’zini-o’zi o’ldirish.Psevdosuitsid karaxtlik(affect)holatida sodir etiladi.U o’z joniga qasd qilish barobarida o’zi va o’z muammolariga atrofdagilarining e’tiborini jalb qiladi ham.Bunda odamlar ko’pincha o’zi qilayotgan ishning mohiyatini,natijasini anglab yetmaydi.Boshqacha aytganda e’tiborga tushish yo’lidagi maqsad uning ko’zini “ko’r” qilib qo’yadi.Psevdosuitsid erka,arzanda bolalarning hayot mashaqqatlari,qiyinchiliklari oldidagi ojiligi bo’lishi ham mumkindir.

Uni keltirib chiqaruvchi sabablar turlicha boʻlishi mumkin. Quyida ularga misollar keltirilgan:

-Og’riq (ya’ni, fiziologik ogʻriq, masalan, urush maydonida qattiq yaralangan ba’zi askarlar oʻzlarini otib tashlashlarini iltimos qilishadi);Ruhiy siqilish (masalan, yaqin odami vafotiga chidolmayoʻzinioʻldirish);Jinoyat (adliya qaroridan qochish, qamoqdan koʻraoʻlimni afzal bilish);Ruhiy kasallik;Nogironlik yokikasallik (masalan, qoʻl-oyoq amputatsiyasi, OITS,saraton);Sha’nini saqlab qolish (samuraylarning seppukusi))

Tahlilchilarning soʻzlariga qaraganda, asosan 15 yoshdan 29 yoshgacha boʻlgan shaxslar oʻz joniga qasd qilar ekan. Har toʻrtdan bitta oʻz joniga qasd qilish holati qashshoq va notinch mamlakatlar hissasiga toʻgʻri keladi. Mana necha yildirki, Afrika davlatlarida ocharchilik hukmron. Shunday boʻlsa-da, ular ham dorilamon kunlar umidi bilan sabr-toqat qilib yashashmoqda, yashash uchun kurashmoqda. Lekin, ming afsuski bizning,shunday tinch-osoyishta, farovon yurtimizda ahyon-ahyon boʻlsa-da, qulogʻimizga chalingan “oʻz joniga qasd qilibdi” degan soʻz qalbimizni qanchalik larzaga keltirsa, shu barobarida ajablantiradi. Ayniqsa oʻz joniga qasd qilish holati 14-19 yoshdagi oʻspirinlar orasida ham sodir boʻlayotganligi juda tashvish hol. Hozirgi paytda internet tarmoqlarida oʻz joniga qasd qilishning bir qancha turlari paydo boʻlgani sir emas. Voyaga yetmagan oʻgʻil-qizlarning umriga zomin boʻladigan “koʻk kit” oʻyin shular jumlasidandir. Xorijiy davlatlarda avj olgan bu oʻyin gʻoʻr yoshlarning oʻz joniga qasd qilishiga undamoqda. Bu illat bizning yurtimizga ham kirib keldi. Oʻzimizni va farzandlarni mana shunday ogʻir oqibatlarga sabab boʻladigan bu kabi bema’ni oʻyinlardan asramogʻimiz, ogoh boʻlmogʻimiz zarur. Farzandlar qayerda, boʻsh vaqtlarini qanday oʻtkazayapdi, qoʻl telefoni ota-onaning doimiy nazoratida boʻlishi kerak. Farzandlar ongiga azaliy qadriyatlarimiz va milliy ma’naviyatimiz manbai boʻlgan islom ta’limotini singdirib borish ularni turli balolardan saqlashda muhim omildir. Zero, Hadisi sharifda “Sabr-qanoat ham imondandir” deyilgan. Sabr-bardosh haqida gap ketganda, xalqaro paraolimpiadada ishtirok etib, ulkan zafarlarga erishayotgan, koʻplab oltin, kumush sohiblari boʻlgan sportchilarning, shuningdek, jismoniy kamchiligini metin irodasi bilan toʻldirib, jamiyatda oʻz oʻrnini topa olgan kishilarning matonatiga ta’zim qilmay iloj yoʻq. Toʻrt muchasi sogʻ ayrim kimsalar tomonidan taqdir sinovlariga dosh berolmay irodasizlik va sabr-qanoatsizlik bilan sodir etilayotgan turli nojoʻya xatti-harakatlar, shu jumladan, oʻz joniga qasd qilishlarini hech narsa bilan oqlab boʻlmaydi. Oʻz joniga qasd qilish 15 dan 29 gacha boʻlgan yoshlar orasidagi oʻlimga sabab boʻluvchi ikkinchi yirik omildir. Lekin shunga qaramay, jamiyatlarda bu mavzu muammo deb hisoblanadi, yaʻni ochiq-oshkor

gapirilmaydi. Hozirda mutaxassilar virtual dunyo orqali ro‘y berayotgan tahdid-haqoratlar va ijtimoiy tarmoqlar vositasida tarqayotgan g‘oyalar muammoni chuqurlashtirib yuborganligini aytib, hukumatlarni bunga e‘tibor qaratishga da‘vat qilmoqdalar. Ba‘zi jamiyatlarda ruhiy kasalliklar mavzusi oxirgi vaqtlarda ko‘tarila boshladi. Lekin ba‘zilarida hanuz sukut saqlanmoqda. Ayni vaqtda mutaxassilar bu "epidemiya" borasida zudlik bilan chora ko‘rilishi kerakligini aytmoqdalar: o‘smirlar orasida o‘z joniga qasd qilish ko‘paymoqda.

Jahon Sog‘liqni saqlash tashkilotiga (JST) ko‘ra, bu mavzu juda ko‘pdan beri muammo bo‘lib kelgan.Oxirgi vaqtlarda keng quloch yoygan ijtimoiy "trendlar" - virtul olamdagi haqorat va po‘pisalar, g‘oyalarning ijtimoiy virus kabi tarqashi bu tilga olinmas muammoni yanada chuqurlashtirib, ko‘proq sondagi yoshlar hayotini havf ostiga qo‘ymoqda.

"O‘z joniga qasd qilish juda murakkab muammo. Aksar hollarda unga itaruvchi omil yagona bo‘lmaydi. Bundan tashqari, yoshlar o‘rtasidagi o‘z joniga qasd qilish hollari yaxshi o‘rganilmagan va tadqiq qilinmagan", deydi Britaniyada suiqasdlarning oldini olish bilan shug‘ullanadigan Samaritans tashkilotining boshqaruvchi direktori RutSazerland.

Bir narsa ayon - JST ma‘lumotlariga ko‘ra, yiliga jahon bo‘ylab 800 ming inson o‘z joniga qasd qiladi. Va har bir olamdan o‘tgan shaxsga yana 20 nafar suiqasd urinishi muvaffaqiyatsiz bo‘lgan inson to‘g‘ri keladi.

Shu o’rinda bu muammolarning hal etilish yo’llari haqida so’z yuritsak bejiz bo’lmaydi.Avvalo Alfred Adler aytib o’tganidek insonlar o’zlarini-o’zlari kaamsitishni bas qilishlari kerak bo’ladi.Kamsitish to’xtamas ekan u hissiy zo’riqishga olib keladi.Hissiy zo’riqishning eng yuqori darajasida stress paydo bo’ladi.Bu esa suitsidga olib keladigan eng birinchi qadam hisoblanadi.Shunday ekan avvalo stress paydo bo’lmasligining oldini olishimiz darkor hisoblanadi.Yuqorida aytib o’tilganligi sababli avvalo ko’pincha o’smirlarda ro’y berganligi uchun bu harakatni oldini olish kerak hisoblanadi.Bular quyidagilar bo’ladi:

- O’smir siz bilan o’z muammolarini o’rtoqlashmoqchi bo’lsa, uni itarmang Esingizda tuting o’smirlar suitsidal urinishlarga moyilligi to’g’risida kamdan kam hollarda mutaxassisga murojaat etadilar.
- O’smirni suitsidal harakatlarga moyilligini his etsangiz o’ z kasbiy intuitsiyangizga ishoning. Suitsidni ogoxlantiruvchi belgilarga be’tibor bo’lmang
- O’smirga mavjud vaziyatdan chiqib ketishga yordam berishingiz to’g’risida ayting Lekin ushbu muammoni sir saqlashga xojat yo’qligini bildiring Ayniqsa o’smirning hayoti xavf ostida bo’lgan vaziyatlarda
-. Suxbat mazmuni qanday bo’lishian qat’iy nazar o’zingizni idora qilishini unutmang
- Extiyotkorlik bilan o’smir hayotiga xavf soluvchi aniq bir rejasi rejalari bor yoki yo’qligini bilib olishga harakat qiling
-O’smirga inqirozli vaziyatdagi holatini boshqarish borasida yordam bering kelib chiqqan vaziyatni hal etishning boshqa yo’llari ham borligini bir necha bor ta’kidlang

-O’smirdagi ruxiy zo’riqishni darajasini pasaytirishga yordam bera oladigan insonlarni topishga harakt qiling O’smirga uning umidsizlik hissi doimiy emasligi to’g’risida tushuncha bering.

Agar siz bu harakatni oldini olmoqchi yoki aniqlamoqchi bo’lsangiz quyidagi so’rovnoma sizga foyda keltirishi mumkin:

- Oxirgi paytlarda sizda tushkunlik kayfiyatida bo’lganmisiz?
- Hayotning umidsizlik to’g’risida o’ylaganmisiz?

-O’z joningizga qasd haqida o’ylaganmisiz? Necha marotaba?

-Bu fikrlar davomli bo’lganmi Oxirgi marta qancha vaqt o’ylagansiz?

- O’z joninigizga qasd qilganmisiz?

-Qaysi usul bilan?

- Kim sizga joningizni saqlab qolishda yordam berdi? Qanday qilib yordam berdi?
- Keyin o’zingizni qanday his etdingiz?

Shuningdek yana yuqorida aytib o’tganimizdek suitsidning oldini olishdan avval stressni yo’qotishimiz kerak deb aytib o’tgan edik.Shuning uchun streesni bartaraf etishda bu mashq yana ham foyda keltirishi mumkin.

Relaksatsion mashq. O`tkazish sharti: Sokin musiqa ostida, sokin holatda, haftada bir –ikki marta, 10-15 minut bajariladi.

1. Tinch, salgina yoritilgan xonada o`zingiz uchun qulay holatda yoting, kiyimingiz harakatlaringizni chegaralamasligi kerak.

2.Ko`zingizni yumib, sekin-asta chuqur nafas oling. Nafas oling va 10 sekundga nafasni ushlab turing. Nafasni shoshmasdan chiqaring va ichingizda qaytaring: “Nafas olish va chiqarish, kuchayish va pasayishdek”. Bu muolajani 5-6 marta takrorlang. So`ng 20 sekund dam oling.

3. Ayrim mushaklarni yoki ularning guruhlarini kuch bilan qisqartiring va 10 sekund ushlab turing, so`ngra mushaklarni bo`shashtiring. SHu tariqa tanangizdagi barcha mushaklarni qisqartirib, bo`shashtiring.

4. Imkoni boricha bo`shashish holatini tanangizni pastidan tepasigacha his qilishga harakat qiling: oyoq barmoqlaringizdan boldiringiz va soningiz orqali, tanangizdan boshingizgacha. Ichingizda qaytaring: “Men tinchlanyapman, meni hech narsa xavotirga solmayapti, o`zimni yaxshi his qilyapman”

5. Bo`shashish holati tanangizning barcha qismlariga tarqalayotganini tasavvur qiling. Zo`riqish sizni tark etayotganini his qilyapsiz. Yelkalaringiz, bo`yningiz, yuz muskullaringiz bo`shashayotganini his qilyapsiz. Tinch yoting.

Xulosa qilib aytganda hozirgi zamonda,hozirgi kunlarda suitsidning oldini olish uchun ko’rilayotgan chora-tadbirlar yuqori darajada bo’la oladi deb aytishimiz mumkin. Zotan, bizning loqaydligimiz, bir-birimiz taqdiriga befarqligimiz va e’tiborsizligimiz ham bu illatning urchishiga sabab bo‘layotgan omillardan biridir. Yonimizda yashayotgan inson kim? Uning qanday dardi, muammolari bor, hech qiziqib ko‘rdikmi? Qo‘ni-qo‘shni yoki tanish-bilishlar bilan rasmiyatchilik uchungina salom-alik qilamiz. Aka-uka, opa-singil va qarindosh-urug‘lar bilan to‘y-ma’rakalardagina diydorlashamiz. Ularga “Sizni ko‘rsam xursand bo‘laman”, “Sizni sog‘indim”, “Boringizga shukur”,“Ko‘rinishingiz yaxshi” qabilida bir og‘iz shirin so‘z aytib, ko‘ngillarini ko‘tarish uchun yeldek

uchib oʻtayotgan kunlarimizning 2-3 daqiqasini qizgʻanamiz. Shu bir ogʻiz soʻzimiz kimningdir ozgina mehr va e’tiborga muhtoj koʻngliga dalda boʻlib, hayotga yorugʻ nazar bilan qarashiga turtki boʻlsa, ne ajab?!

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. Davletshin M. G. «Umumiy psixologiya» T-2000y.
2.Gamezo A. «Atlas po psixologii» Moskva 2001y.
3.Karimova V. M. «Psixologiya» T.Sharq 2002y.

## КИЧИК ГУРУҲЛАР ТАРКИБИДАГИ ЎСМИРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АҲАМИЯТИ

*Худойқулова Г.Б.*
*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси*

Ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлод келажагини ҳар томонлама такомиллашган ва ижтимоий тараққиёт талабларига тўла-тўкис жавоб бера олувчи таълим тизимининг муваффақиятли татбиқисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълимнинг муваффақияти эса ташкил этилган ўқув фаолиятининг ҳар бир ўқувчи шахсига, унинг ижтимоий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу масъулиятли вазифани, айниқса, бугунги кунда психологик хизматсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда психологик хизмат ижтимоий - психологик муаммо сифатида талқин қилинар экан, барча ривожланган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам мазкур психологик хизмат муаммосининг қай тариқа ва қандай илмий-ташкилий асосларда бартараф этилаётганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Республикада психологик хизматга оид олиб борилаётган назарий - илмий ва амалий - услубий тадқиқотлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, Ўзбекистонда психологик хизматни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Қолаверса, болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда, ўқувчиларни у ёки бу касбга йўналтиришдаги ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини ва қизиқишларини аниқлашда, уларни ўз-ўзини англашларида, ўқув жараёни, ўқувчилар жамоаси, ўқувчи-ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиш йўлларини излашдаги психолог-олимларнинг бугунги ютуқлари ҳақида етарли далиллар мавжуд. Масалан, И.В.Дубровина тадқиқотларида мактабда психологик хизматни ташкил этишдаги назарий ва амалий жиҳатларнинг асосланиши, Л.И.Божовичнинг ўқувчи шахси ва унинг мактаб ёшидаги шаклланиш босқичларини психологик таснифловчи эмпирик маълумотлари, А.Г.Асмоловнинг ўқувчи фаолияти ва установка уйғунлигини изоҳлаб берувчи тадқиқотлари, Д.И.Фельдштейннинг онтогенезда

ривожланувчи шахс ижтимоий тараққиётининг психологик қонуниятларини очиб беришга қаратилган қатор илмий-тадбиқий кўрсатмалари, Е.А.Климовнинг ўқувчини касбга йўналтиришдаги индивидуал услубни ўзида мужассамлаштирган психологик мезонлар ишланмалари, Б.С.Мерлиннинг ўқувчи шахсидаги индивидуал ва социал типик хусусиятлар психологиясини изоҳлаб беришга қаратилган асарлари, Э.Ғ.Ғозиевнинг таълим муассасаларидаги психологик хизмат вазифаларини қайд этишга бағишланган кўрсатмалари, М.Г.Давлетшиннинг Ўзбекистондаги психологик хизматнинг бугунги ҳолати ва вазифаларини талқин қилишга қаратилган илмий-амалий фикр-мулоҳазалари, В.А.Токареванинг ўқувчи шахси тараққиёти учун муҳим бўлган ўз-ўзини билиш ва ахлоқий ривожланиш имкониятларини очиб беришга қаратилган илмий ва эмпирик маълумотлари, Ғ.Б.Шоумаровнинг Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг жорий этилиши билан боғлиқ янгиликлар, муаммолар ва ечимларга бағишланган назарий-илмий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазалари, Б.Р.Қодировнинг Ўзбекистондаги иқтидорли ва истеъдодли болаларни танлаш ва тарбиялашга қаратилган қатор назарий-илмий ва амалий-услубий асарлари шулар жумласидандир.

Айниқса, бугунги кунда ўзбекистонлик психологлар гуруҳи томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақидаги Низом"га ўзгартиришлар киритилиши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланиши Ўзбекистондаги психологик хизмат тизимининг расмий тарзда "жонланиши" ва тараққий этиб бориши учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Табиийки, ушбу "Низом" таълим муассасаларида татбиқ этилажак психологик хизмат тизимининг асл мақсади, мазмуни, моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва асосий йўналишлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш ва шу тасаввур асосида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун ўзига хос қўлланма ва йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатишнинг методологик асослари сифатида қайд этилган юқоридаги илмий мушоҳадалар бугунги ижтимоий психология фанининг қуйидаги йўналишларига амалий жиҳатдан зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо сифатида қарашни тақозо этади.

1. Психологик хизмат доирасида умумтаълим мактабларида фаолият юритувчи расмий ва норасмий кичик гуруҳларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида қараш ва унинг ўзига хос гуруҳий, ҳудудий ва этнопсихологик имкониятлари кўламига эмпирик жиҳатдан баҳо бериш орқали ижтимоий психологияда амалий татбиқий вазифаларни белгилаш мумкин бўлади.

2. Кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш методологиясининг яратилиши шахс ва унинг ижтимоий фаоллигини тадқиқ қилувчи илмий ишланмаларга (Г.М.Андреева, П.Н.Шихирев, Б.Ф.Ломов, Э.Фромм, Ю.М.Забродин, Г.М.Олпорт, Т.А.Китвелл, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова ва ҳоказа); гуруҳий идентификация ва гуруҳий ижтимоий установкаларни

бевосита тадқиқ қилувчи эмпирик маълумотларга (Д.Н.Узнадзе, А.Г.Асмолов, M.Rokech, M.Fischbein, A.N.Maslow ва ҳоказо), гуруҳда шахслараро фаоллик ва шахслараро муносабат мотивацияларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий изоҳларга (В.Н.Мясищев, В.С.Мерлин, Б.И.Додонов, Б.Д.Порыгин, В.В.Розенбиат, ва ҳ.к.) бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

3. Илмий матбуотда маълум ва машҳур тестларнинг қўлланилиши, жумладан, Лири тести асосида кичик гуруҳларда шахслараро муносабат мотивациясини ўрганишга қаратилган саккизта октант натижаларига, шунингдек, Томас тести натижаларига асосланган бешта ҳолат (баҳс мунозара, ҳамкорлик, ўзаро келишув, гуруҳдан ўзини четга олиш, гуруҳга мослашишнинг) гуруҳлар психологияси талаблари асосида ўрганилиши, кичик гуруҳларни ҳар жиҳатдан ўрганиш ва унга психологик хизматлар кўрсатишни тақозо этади.

4. Кичик гуруҳларни ўрганишда ўз-ўзини ҳиссий баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотларнинг яратилиши (К.Изард, Рикс-Уэсман, Спилбергер-Ханин, А.В.Захарова, ва ҳ.к.) уларга бевосита психологик хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

5. Таниқли психолог Р.С.Немов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчи шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топтирилишига дахлдор бўлган гуруҳий, ижтимоий психологик рельеф тизимидаги мезонларнинг тадқиқ қилиниши бугунги психологик хизмат самарадорлигини аниқлашда муҳим методологик манба сифатида хизмат қилади.

Маълумки, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат жараёнининг ҳар жиҳатдан кенг кўламли йўналишларга эга эканлиги ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос мақсади ҳамда вазифалари борлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифалар эса албатта махсус билимларга ва тажрибаларга эга бўлган амалиётчи психологлар томонидан амалга оширилади. Қолаверса, бугунги кунда барча ривожланган давлатлардаги таълим муассасаларининг юқори даражадаги истиқболларини ўзига хос ижтимоий мақсадлар асосида ташкил этилган психологик хизмат амалиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай таълимнинг объекти ҳам субъекти ҳам ўқувчи шахсининг айнан ўзи ҳисобланади. Ўқувчи шахси эса муайян ижтимоий таъсирлар асосида шаклланувчан ва жуда кўплаб ўзигагина хос бўлган бетакрор психологик имкониятларга эга бўлган онгли ижтимоий мавжудотдир. Шу боисдан, айтиш жоизки, агарда биз таълим самарадорлигига эришмоқчи бўлсак, шунингдек, жамият тараққиёти учун зарур бўлган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тайёрламоқчи бўлсак, энг аввало мазкур шахсдаги психологик имкониятларни ҳамда унга бевосита ижобий ёки салбий таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз ва шу таҳлилларга таяниб тегишли даражада тарбиявий ишларни олиб боришимиз муқаррардир. Шу нуқтаи назардан олинганда, бугунги ҳар бир ўқувчи шахсига унинг

ижтимоийлашувига бевосита таъсир этувчи кичик гуруҳларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва ҳар бир ўрганилган омилни психологик хизмат доирасидаги талаблар асосида талқин қилиш ва шу талқинларга таяниб мактаб амалиётчи психологлари муайян тавсияларни ишлаб чиқиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатиш энг аввало шу кичик гуруҳлар доирасидаги шахслараро муносабат мотивациясининг шаклланиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки, мактаб психологи шахслараро муносабат мотивацияси кўринишларини ижтимоий жиҳатдан тўлақонли таҳлил этмас экан бу гуруҳлар фаолиятини ижобий томонга йўналтириш жуда мушкулдир. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир гуруҳдаги расмий ва норасмий қатламларни қиёсий таҳлил қилиш орқали кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишлари белгилаб олиниши зарур.

Методологик асослар шуни кўрсатдики, ҳар бир ўқувчи шахсини, унинг ижтимоий-психологик табиатини, имкониятларини ва ўзига хос психологик истиқболларини айнан, у фаоллик кўрсатаётган кичик гуруҳлар доирасида талқин қилиш, ҳамда шу талқинлар асосида унга муайян даражадаги психологик хизматлар кўрсатиш таълим - тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан бирндир. Бинобарин, бугунги кунда республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, тобора юксак поғоналарга кўтарилиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишга жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро вобасталиги замирида шаклланаётган гуруҳий фаоллик жараёнларини муайян психологик мезонлар асосида ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналишларини белгилаш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу – шахснинг маънавий ва интеллектуал имкониятлари бўлса, иккинчиси эса мазкур имкониятларни рўёбга чиқиши учун хизмат қилувчи ижтимоий муҳит, гуруҳий фаоллик жараёнларидир. Бу жараённи тегишли ижтимоий-психологик меъёрлар асосида тадқиқ қилиш орқали бугунги кунда республика умумтаълим мактабларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш масаласига жиддий эътиборни қаратиш асосий мақсад бўлиши лозим.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Андреева Г.М. Социальная психология учебник для Вузов. – М.: Аспект-Пресс, 2001-378с.)

2. Агеев В.С. Психология межгрупповых отношений. М., 1983.

3. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. Т. Маънавият.1999 й.

4. Баротов Ш.Р. Психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммолари. Бухоро, 2008.

5. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат.-Т.: “Наврўз” нашриёти,2018. Б. -344.

6.Нишонова З.Т.ва бош. Психологик хизмат. –Т.: Фан ва технология марказининг босмахонаси, 2014.

## OILADA OTA- ONA VA FARZAND O’RTASIDAGI MUNOSABAT

*Xudoymuroda D.*
*Termiz davlat universiteti magistranti*

Oila- nafaqat bir yurtning balki umuminsoniyatning katta siyosati. Aytish kerakki davlat siyosati. Nega deganda, bashariyatning tirikligi, uzluksizligi – oiladandir. Bordiyu oila tuzuk bo’lmasa, tarbiyaga ham e’tibor bermaslmasa, qancha buyuk bo’lsa ham, bunday millat dunyoda uzoq yashay olmaydi. Buni donishanmandlar ko’p takidlashgan; ‘’Millatlar sharafini yuqori martabaga ko’taradigan narsa millionlar ila sanaladigan askarlar-u dunyoda eng buyuk va zo’r bo’lgan kemalar emas, balki eng oz e’ tibor bergadiganimiz bo’lmasa, hech bir zamon e’tibor bermasdan qoldirganimiz – oiladir. Xaqiqatdan ham har bir inson dastavval, oilada qadr topolmasa – jamiyatda qadrlanishi dargumon; oilada mehribonlik ko’rmasa, oilada mehrsiz ulg’aysa jamoyatda ham begonalarday yashaydi.

Nima uchun hozirgi kunda oilada ota-ona farzandlar o’rtasidagi munosabatlar unchalik yaxshi emas farzandlar ota- onasiga nisbatan oshkora munos abatda bo’lib qolgan?

Bizning o’zbekligimiz urf odatlarimiz kattalarga ota- ona oilaning boshqa a’zolariga hurmat bilan munosabatda bolishimizchi.

Bunga sabab oliada ota- ona farzandiga ko’p vaqt ajratmasligidadir ular bilan ko’p vaqtini o’tkazmayotganidir farzand bilan ota- ona o’rtasidagi muloqatning kamligidir.

Ota- onasi bilan ko’p muloqat qiladigan bola stressga, kasalliklarga kam chalinadigan bo’ladi.

Ota- onalar avval o’zingiz baxtli bo’ling axir bolalar biz uchun ko’zgu. Agar ota- ona hayotdan hursand bo’lsa, bola ham hayotdan zavqllanishni o’rganadi. Aksincha ota- onadan qaysi biri yoki ikkisi doim tushkunlikda yursa ularning farzandi asabiy, tengdoshlari bilan til topishga qiynaladigan bo’lib o’sadi. Siz yomon kayfiyatda kulib gapirmasangiz, yolg’ondan jahl qilsangiz bola buni sezadi. Sizning siniq jilmayishingiz bolaga hech qanday zavq bermaydi. Siz qanchalik samimiy bo’lsangiz bola ham shunchalik ochiq ko’ngil bo’ladi.

Qattiqqo’l ota- onaning bolalari xato qilishdan qo’rqadilar, doim mukammalikka intilib qulay vaziyatlarni qo’ldan boy beradilar. Siz esa uning hozir bugun ko’z oldingizda erishgan yutug’idan quvoning, o’sha yutuq uchun rag’batlantiring. Toki, bola mukammalikka intilib, xato qilishdan qo’rqib biror ish boshlashdan qo’rqadigan, ikkalanadigan bo’lib qolmasin.

Farzandingiz kim bilandir tortishib qolsa, hammasi yaxshi bo’ladi, o’tib ketadi emas balki ushbu tortishuvni qanday qilib yaxshillikcha tugatish mumkinligini o’rgating.

Mamlakatimizda oila barqarorligi – jamiyat barqarorligi sifatida e’tirof etilib, shaxsning oilada kamol topishi uchun barchaga huquqiy asoslar yaratilgan. Oilada boshqa tarbiyaviy muassasalaridan farqli ravishda odamning butun hayoti davomida uning barcha tomonlariga, qirralariga ta’sir ko’rsatishiga qodirdir va odatda tasir ko’rsatadi. Oila tarbiya vazifasiningbu ulkan mafkuraviy va psixologik tasir ko’rsatishing chuqur o’ziga xosligi bilan uyg’unlashib ketadi.

Oila bu bir kunlik emas, bir yillik ham emas, balki bir umrli makondirki, bu makonda har kun, har soatda yoki har yil, har oyda qanchadan qancha voqea hodisalar, yangidan – yangi tashvishu quvonchlar sodir bo’lib turadi.

Bir tomonda ma’murchilik bo’lsa ikkinchi tomonda yetishmovchilik bo’ladi. Bir payt yaxshilik ketma – ket kelsa, boshqa payt noxushlik ustma- ust keladi. Bir zamon xatoga yo’lga yo’l qo’yilsa, boshqa zamon yutuqlar qo’lga kiritiladi.

Bir so’z bilan aytganda, oila jamiyatning tashkil etuvchi faol bo’g’ini sifatida katta kuchga, ta’sirga ega bo’lgan mo’jaz maskan hisoblanadi. Inson o’zligini, tarixini, kelajagini ana shu maskan bilan uzviy tasavvur qiladi. Ozini erkin va baxtli xis qila oladigan joy ham, oila muhiti hisoblanadi.

Oiladagi sog’lom muhit asosidagi odamiylik insonparvarlik munosabatlari farzandning ruhiy dunyosiga ijobiy tasir etadi. Oiladagi ruhiy iqlim, totuvlik hamisha barqaror bo’lishi uchun qariyalar, ota- onalar o’z farzandlarining ruhiy dunyosini bilishlari va ularning o’ziga xos xususiyatlarini hisobga olib ish tutishlari maqsadga muvofiqdir. Farzandlar har qachongi vaqtda ham oilada o’zidan kattalarga hurmat bilan qarashi kerak. Oilada bolalar ongiga singdirilgan axloqiy qoidalar, urf- odatlar, an’analar va rioya qilish yo’l- yo’rig’I zerikarli, quruq nasihatgo’likdan iborat bo’lib qolmasligi lozim.

Aksincha, eng yaxshi omillardan biri - aniq hayotiy omilarni tahlil qilish orqali to’g’ri tushuncha va tasavvurlarni hosil qilishdir. Oilada mehnat taqsimotini to’g’ri va adolatli amalga oshirishni, farzandlarda har xil ko’nikma va malaklarni tarkib toptirish mehnatsevarlik xislatlarini vujudga keltiradi. Mehnat ulushlarini o’g’il qizlarning yoshiga, kuchiga, didiga, qobilyati va qiziqishiga mos ravishda taqsimlash ularda kundalik ehtiyoj, zaruriyat hissini singdirish bilan birga ma’sulyat degan odob xislarini ham barqarorlashtiradi. Turmushdagi samimiy va oqilona munosabatlar, iliq ruhiy iqlim ta’siri natijasida oila a’zolari kamtarlik, ko’ngilchanlik, iltifot, sabr, uyatchanlik, to’g’rilik, yaxshilik, yumshoqlik, dilkashlik, mehribonlik, talabchanlik, mehnatsevarlik, vijdonlilik, mehnatga ma’sulayat, ozodalik, izzat – nafs, tejab- tergashlik, chiroyli muomila va chiroyli munosabat kabi shaxs hislatlari tarkib topadi. Agarda oilalardagi turmush munosabatlari qo’pollik, andishasizlik, negizida qurilgan bo’lsa, u holda oila a’zolari ruhiy dunyosida kekkayish, ko’pchilik tomonidan qabul qilingan xatti-harakatlar qoidalarni sezmaslik, ularni mensimaslik illatlarini keltirib chiqaradi.

Xulosa qilib aytganda Kelajakni ostonasi bo’lgan oilalarimizni noxush xodisalardan, baxtsizlikdan, tushkunlik kayfiyatidan, musibatli shamollardan asrab avaylab unda baxtli bo’lishga munosib bo’lgan tolei baland farzandlarni

tarbiyalash, Vatan ravnaqi yolida xizmat qiladigan avlodni kamolga yetkazishdek baxt oilalarimizni tark etmasin.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI;**

1. Shoumarov G'.B ''Oila psixoligiyasi'' T-Sharq 2001
2. F. Akramova ''Oila mustahkamligini taminlovchi omillar'' Toshkent -2016
3. Abduauf Fitrat''Oila yoki oila boshqarish tartiblari '' –T. Manaviyat, 1998

## XALQARO DIPLOMATIK MUNOSABATLAR

*Xujamshukurov T.R.*
*O'zbekiston Milliy Unversiteti talabasi*

Diplomatik munosabat - xalqaro huquq me'yorlariga va xalqaro muloqot tajribasiga ko'ra davlatlar o'rtasida rasmiy munosabatlarni yuritishning asosiy shakli. D.m. davlatlar o'rtasida do'stona aloqalarni rivojlantirishga, xalqaro tinchlik va xavfsizlikni saqlab turishga ko'maklashishi zarur. Diplomatik munosabatlar to'g'risidagi 1961 y. Vena konvensiyasiga binoan davlatlararo D.m. o'zaro kelishuv asosida yo'lga qo'yiladi. D.m.ni o'rnatishda odatda biron-bir davlat va uning hukumatining boshqa bir davlat tomonidan defakto yoxud deyure tan olinishi dastlabki qadam hisoblanadi. D.m. manfaatdor davlatlar vakillari bilan bevosita yoki bilvosita, uchinchi bir davlat diplomatik vakillari bilan muzokara yuritish natijasida o'rnatiladi hamda davlatlar va hukumatlarning boshliqlari, tashqi ishlar vazirlari, maxsus vakolatli shaxslarning o'zaro maktub, telegramma va xatlar ayirboshlashi tarzida rasmiylashtiriladi. Tomonlar D.m. o'rnatilishi fakti haqida, diplomatik vakilliklar darajasi (elchixona yoki missiya), bitimning kuchga kirish sanasi, uni e'lon qilish muddati va tartibi to'g'risida ham o'zaro kelishib oladi.Diplomatik aloqalarni o'rnatish odatda davlat va uning hukumatini boshqa davlat tomonidan qonuniy ravishda tan olinishidan oldin amalga oshiriladi, ularning o'rnatilishining haqiqati har doim ham bunday tan olinish mavjudligini ko'rsatadi.Umumiy holda davlatlar va davlatga qarashli tashkilotlar o'rtasidagi diplomatik aloqalar, ularning hukumatlari o'rtasida har qanday tusdagi do'stona aloqalar bo'lib, ular hatto elchixonalar bo'lmagan taqdirda ham mavjud bo'lishi mumkin. Biroq, diplomatik munosabatlar diplomatik vakolatxona ochilganidan keyingina yoki, yaxshisi, ularning almashinuvidan so'ng to'laqonli xarakterga ega bo'ladi.

Diplomatik aloqalarning to'xtatilishi yoki to'xtatilishi boshqa davlatda hukumat qonuniy deb hisoblashni to'xtatganligi sababli ro'y berishi mumkin. Bunday holda, keyinchalik inqilob yoki to'ntarish natijasida hokimiyatga kelgan o'sha davlatning boshqa (alternativ) hukumati bilan diplomatik munosabatlar o'rnatilishi mumkin. Boshqa tomondan, u erda sodir bo'lgan inqilobdan yoki to'ntarishdan keyin ma'lum bir davlat bilan diplomatik aloqalarni davom ettirish (masalan, bitta davlatning diplomatik vakolatxonasi va boshqa davlatning yangi

hokimiyatlari o'rtasidagi rasmiy diplomatik aloqalarni davom ettirish orqali) yangi hukumatning diplomatik tan olinganligidan dalolat beradi [6].

Boshqa bir vaziyatda, diplomatik aloqalarning uzilishi yoki to'xtatilishi davlatlar o'rtasidagi munosabatlar endi do'stona emasligini rasman ko'rsatishi mumkin; agar bu munosabatlardagi juda jiddiy muammolar bo'lsa, masalan, davlatlar o'rtasida boshlangan urush bo'lsa, yuz berishi mumkin. Xususan, davlatlar o'rtasidagi urush holati diplomatik munosabatlarning uzilishiga olib keladi [7]. Shuningdek, diplomatiya munosabatlari ushbu xalqaro huquq sub'ekti tugatilganligi sababli, masalan, davlatlar birlashishi yoki uning huquqiy sub'ekti sifatida tan olinishi to'xtatilganligi sababli to'xtatiladi.

Diplomatik munosabatlarning mavjudligi (shuningdek, o'rnatilishi, yangilanishi) har doim tomonlar bir-birlarini xalqaro huquqning odatda dushman bo'lmagan sub'ektlari sifatida tan olishlarini anglatadi; shuningdek, har bir sub'ektni boshqaradigan va uni xalqaro maydonda namoyish etuvchi hokimiyatning qonuniyligini o'zaro tan olishdan dalolat beradi. Ba'zi hollarda, masalan, XXR va Xitoy Respublikasida Tayvanda, hukumatlarning biri bilan diplomatik aloqalarni o'rnatish ularni ikkinchisi bilan o'rnatishni imkonsiz qiladi, chunki har ikkala rejim ham o'zlarini butun mamlakatning butun hududida yagona qonuniy hokimiyat deb bilishadi. Shu bilan birga, ushbu davlatning o'z davlati hududida haqiqiy boshqaruvining mavjudligi shunchaki zaruriy shart emas: quvg'inda bo'lgan hukumatlar bilan diplomatik aloqalar o'rnatilgan holatlar mavjud.

Diplomatik aloqalarni o'rnatish manfaatdor davlatlar vakillari o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri yoki uchinchi davlatlar diplomatik vakillari orqali olib boriladigan muzokaralar natijasida ro'y beradi va davlat va hukumat rahbarlari yoki tashqi ishlar vazirlari o'rtasida xabarlar, xatlar, notalar almashinuvi shaklida rasmiylashtiriladi. Tomonlar diplomatik aloqalarni o'rnatish haqiqati, diplomatik vakolatxonalar ( elchixona yoki vakolatxona ) darajasi, bitim kuchga kirish sanasi, uni e'lon qilish sanasi va tartibi to'g'risida kelishib oldilar.

O‘zbekiston Respublikasi o‘z milliy manfaatlariga asoslangan holda ochiq, o‘zaro manfaatli va konstruktiv tashqi siyosat olib boradi. Respublikaning zamonaviy tashiq siyosiy kursi dunyoda va mintaqada shiddat bilan o‘zgarayotgan vaziyat, hamda mamlakatning ichidagi keng ko‘lamli o‘zgarishlarga asoslanib shakllanadi.

O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosiy faoliyatining bosh maqsadi – davlat mustaqilligi va suverenitetini, xalqaro maydondagi o‘rni va rolini mustahkamlash, yon-atrofida xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo‘shnichilik muhitini shakllantirish, respublikaning tashqi iqtisodiy manfaatlarini faol tarzda ilgari surish.

Tashqi siyosatimizning prinsipial pozitsiyasi hech qanday harbiy-siyosiy bloklarga qo‘shilmaslik, boshqa davlatlarning harbiy bazalari va obyektlarini O‘zbekiston hududida joylashishiga yo‘l qo‘ymaslik, harbiy xizmatchilarimizning mamlakatimiz hududidan tashqaridagi tinchlikparvar operatsiyalarida ishtirok etmasligi, barcha ziddiyat va mojarolarni faqat siyosiy yo‘l bilan hal qilishga sodiq qolish bilan izohlanadi. O‘zbekiston hech qanday bloklarga a’zo bo‘lmasdan turib

muloqot uchun ochiq va barcha sheriklari bilan tinchlik, taraqqiyot va farovonlik yo‘lida hamkorlikni kengaytirishdan manfaatdor.

Tashqi siyosiy faoliyatning asosiy va birinchi darajali vazifalaridan biri bu 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini samarali amalga oshirishdir.

Ushbu maqsadga erishish uchun tashqi siyosat idorasi oldiga quyidagi vazifalar qo‘yilgan:

- mamlakatimizda olib borilayotgan demokratik islohotlarni hamda jamiyat va iqtisodiyotni modernizatsiya qilishning jadal jarayonlarini samarali amalga oshirish uchun mumkin qadar qulay tashqi siyosiy shart-sharoitlarni shakllantirish;
- Markaziy Osiyoda tinchlik va barqarorlikni saqlash hamda mustahkamlash, mintaqani xavfsizlik va barqaror taraqqiyot hududiga aylantirish;
- jahonning yetakchi davlatlari va xalqaro tashkilotlar bilan strategik hamkorlik qilishning mutanosib, ko‘p qirrali tizimini shakllantirish;
- O‘zbekistonning mintaqa va jahon siyosatidagi muhim yo‘nalishlar bo‘yicha xalqaro tashabbuslarini ilgari surish;
- mahalliy mahsulotlarning eksport hajmini oshirish va geografiyasini kengaytirish borasida ko‘maklashish;
- milliy iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va ilg‘or texnologiyalarni jalb etishda faol ko‘mak berish;
- mamlakatimizga turistlarni jalb qilish hamda turistik infratuzilmani rivojlantirish borasida amaliy yordam ko‘rsatish;
- transport va tranzit sohasidagi hamkorlikni kengaytirish va chuqurlashtirishda hamda xalqaro transport kommunikatsiyalari va logistik infratuzilmalarni rivojlanishiga ko‘maklashish;
- xorijdagi O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari va yuridik shaxslari huquq va manfaatlarining har tomonlama himoya qilinishini ta’minlash;
- xorijda istiqomat qilayotgan vatandoshlar bilan aloqalarni mustahkamlash.

Tashqi siyosatimizning bosh ustuvor yo‘nalishi Markaziy Osiyo mintaqasidir. O‘zbekistonning Markaziy Osiyodagi siyosati mintaqada tinchlik va barqarorlikni ta’minlashga, mintaqaviy xavfsizlikning muhim muammolarini hal etishga, shu jumladan, Afg‘onistondagi vaziyatni hal qilishga ko‘maklashishga qaratilgan. O‘zbekiston mintaqaviy savdo-iqtisodiy hamkorlikni mustahkamlash, mintaqaning transport va tranzit infratuzilmasini rivojlantirish, Markaziy Osiyo transchegaraviy daryolarining suv-energetika resurslaridan oqilona va kompleks foydalanish hamda mintaqaning ekologik barqarorligini ta’minlash, chegaralarni delimitatsiya va demarkatsiya qilish jarayonini yakuniga yetkazish uchun barcha sa’y-harakatlarni amalga oshiradi.

O‘zbekiston mintaqa davlatlari bilan do‘stona va ahil qo‘shnichilik munosabatlarini mustahkamlashdan, ilmiy-texnikaviy va madaniy-gumanitar hamkorlikni rivojlantirishdan, parlamentlar, chegara hududlari, jamoat tashkilotlari va oddiy fuqarolar o‘rtasidagi aloqalarni kuchaytirishdan manfaatdor.

O‘zbekiston Afg‘oniston bilan aloqalarni kengaytirishni, mazkur mamlakatdagi vaziyatni tinch yo‘l bilan hal etishga qaratilgan xalqaro sa’y-harakatlarda faol ishtirok etishni davom ettiradi. O‘zbekiston tomoni Afg‘oniston

iqtisodiyotini qayta tiklanishiga, uning transport, ishlab chiqarish, energetik va ijtimoiy infratuzilmalarini rivojlantirishga koʻmak berishda davom etadi. Barqaror va ravnaq topayotgan Afgʻoniston Markaziy Osiyodagi mintaqaviy xavfsizlikning kafolatidir.

MDH malakatlari bilan hamkorlik ham Oʻzbekiston tashqi siyosatining ustuvor yoʻnalishi hisoblanadi. Mazkur davlatlar bilan respublikamiz tarixan shakllangan siyosiy, iqtisodiy, transport-kommunikatsion va boshqa aloqalarga ega. Oʻzbekiston Hamdoʻstlik mamlakatlari bilan tenglik, oʻzaro foydalilik, bir-birining manfaatlarini hurmat qilish va e'tiborga olish tamoyillari asosida ikki tomonlama hamkorlik munosabatlarini qurishni davom etadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch asari (2009) I.A.Karimov
2. Xavsizlik va barqarorlik yo'lida, Raxbar kadirlar to'g'risida I.A.Karimov
3. Niyati ulug' xalqning-ishixam ulug', hayoti yorug' kelajagi farovon boladi SH.Mirziyoyev
4. Milliy taraqqiyot yo'limizni qattiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz SH.Mirziyoyev

## YOSHLARNI SPORT MADANIYATI RUHIDA TARBIYALASH

*Haydarova K.Q.*
*Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 2-DMTT psixologi*

Anotatsiya: Ushbu maqola yoshlarni ommaviy sportga bo'lgan qiziqishi hamda sportga bo'lgan madaniyat haqida ma'lumot beradi. Yurtimizda ommaviy sport targ'iboti hamda "Sport psixologiyasi" faning ahamiyati haqida.

Kalit so'zlar: besh tashabbus,ommaviy sport turlari, sog'lom turmush tarzi, Maktabgacha ta'limda ommaviy sport, "Sport psixologiyasi" fani

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish bo'yicha belgilab berilgan beshta muhim tashabbusning ikkinchisi- yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasida qobilyatlarini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan tashabbusdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining bu sohani rivojlantirish maqsadida qator qarorlari jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini shakillantirish,aholining ayniqsa yosh avlodni jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos sport inshootlari barpo etish, sohani malakali kadrlar bilan mustahkamlash, hamda iqtidorli yoshlarni tanlash va tarbiyalash masallariga jiddiy e'tibor bilan qaraganliklarini bugun barcha tuman, shahar, viloyat markazlarida barpo etilgan sport komplekslarining yaratilganligida o'z aksini topib turibdi. Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish ijtimoiy siyosatning muhim yo'nalishlaridan biri etib belgilangan. Chunki sport aholi salomatligini

mustahkamlash, yosh avlodni sog'lom va barkamol etib tarbiyalash orqali jamiyatda sog'lom turmush tarzini qaror toptiradi.

Barchamizga ma'lumki, hozirda yurtimizda sport sohasiga katta qiziqish bilan qaralmoqda. Yoshlarni sportga bo'lgan qiziqishlari ham kun sayin ortib bormoqda. Buning sababi ular uchun ko'plab imkoniyatlarning yaratilishi, o'zbekiston yoshlarining jahon arenalarida yurtimiz sharafini munosib himoya qilib, yuqori natijalarni qo'lga kiritishidadir.

Sog'lom turmush tarzini mamlakatimizda targ'ib qilish maqsadida ommaviy sport tadbirlarini rivojlantirish so'nggi yillarda anchagina ko'zga tashlandi. Ya'ni har bir viloyat, tuman, shaharlarda ommaviy sport turlaridan velosport, yugurish, faol yurish turlari aholi o'rtasida keng miqyosda tashkil etilmoqda. Shu bilan birgalikda, mamlakatimizning barcha hududlarida ommaviy sportning inson va oila hayotidagi muhim ahamiyati, uning jismoniy, ma'naviy, ruhiy sog'lomlikning asosi ekanligini targ'ib qilish, hayotga katta umid bilan kirib kelayotgan yoshlarni zararli odatlardan asrash,ularga o'z qobilyat va iste'dodlarini ro'yobga chiqarishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, ular orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish hamda sportga bo'lgan ilk qiziqishlarni uyg'otishdek eng muhim va dolzarb masalalar vazifalari turibdi.

Barcha sohalarda bo'lgani kabi sport sohasida ham bir qancha kamchilik va muammolar yo'q emas. Biz ta'lim-tarbiyani avvalo oiladan boshlar ekanmiz, sport bilan muntazam shug'ullanish, jismoniy faollik va sog'lom turmush tarzini shakillantirish hamda rivojlantirish, sog'lom ovqatlanish ratsionini ham albatta oilada sog'lom-psixologik muhitni qaror topishini inobatga oilishimiz kerak. Oilada farzandlarning sportga bo'lgan qiziqishi, sport bilan shug'ullanishi, chiniqishi, salomatlik uchun ijobiy ta'siri, oila a'zolarining sport bilan muntazam shug'ullanishlari uchun ota-onalarimiz birdek mas'uldirlar.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, ta'lim-tarbiyaning birinchi ilk bosqichi bo'lgan Maktabgacha ta'lim sohasida jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan shug'ullanishlari uchun alohida zarur shart-sharoitlar qay darajada e'tiborga olingan? To'g'ri, yangi zamonaviy barcha innovatsion texnalogiyalar bilan jihozlangan Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining qurib foydalanishga topshirilayotganiga guvoh bo'lyapmiz. Ammo bolalarni ommaviy sport hamda sportning keng tarqalgan turlari bilan shug'ullanishlari uchun yetarlicha imkoniyat yo'qligini ham e'tibordan qochirmasligimiz kerak deb o'ylayman. Bolalar sportini rivojlantirish yurtimizda har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazish yo'lida amalga oshirilayotgan ezgu ishlarning ustuvor yo'nalishini belgilab beradi.

Sport hamda ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanish yoshlarning o'z irodasi, kuchi va o'z imkoniyatlariga bo'lgan ishonchini mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg'ularini kamol toptirishiga xizmat qiladi.

Hozirgi kunda ta'lim oldida eng muhim masalalardan biri jismoniy madaniyat va sport mutaxassislarini tayyorlashda sohaga oid ko'plab muammoli vaziyatlarni to'g'ri hal etishda "Sport psixologiyasi" faning ahamiyati katta. Shuning uchun bu masalalarga chuqur metodologik nuqtai nazardan yondashish kerak. Chunki har bir millat taraqqiyotida; xalqning, jamiyatning, davlatning kuch-

qudratini ta'minlashda jismoniy madaniyat va sport muhim o'rin tutadi. "Sport psixologiyasi" fani fanlar tizimida muhim o'rin egallaydi. Chunki sport jamoalarida psixologik xizmat ko'rsatish sportchilar o'rtasida o'zaro munosabatlar, psixologik muhit,boshqa ijtimoiy psixologik jarayonlarga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. "Sport psixologiyasi" psixologiyaning bir tarmog'i bo'lib, bugungi kunda yurtimizda fan sifatida jismoniy madaniyat oliy dargohlarida o'qitilib kelinmoqda. Bu fanning asosiy vazifasi- sportchilarni sport musobaqalariga qatnashishni tashkil etish,jismoniy madaniyatni oshirish, sportchilarning yuqori natijalarga erishishlarini ta'minlash, sportchining tayyorgarligi jarayonida maxsus jismoniy sifatlarni, ko'nikmalarni, qobilyatlarni shakillantirish, bilimlarini o'stirish, jismoniy va ruhiy qiyinchiliklarni yengish, sportchining jismoniy, ruhiy, texnik, taktik tayyorgarligini hamda sportning barcha turlarini o'rganishdan iborat.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bolalarni sportga bo'lgan qiziqishlarini uyg'otish, yoshlar orasida sportni keng targ'ib qilish, aholi o'rtasida sportga bo'lgan madaniyatni oshirish va sog'lom turmush tarzini shakillantirishda sport psixologiyasining ahamiyati katta. Bolalarni yoshlikdanoq jismoniy madaniyat ruhida o'stirish kelajakda ularni sog'lom va barkamol, jismonan yetuk manan baquvvat bo'lgan yoshlarni tarbiyalaydi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. "Sport psixologiyasi"Y.Masharipov;"O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti",Toshkent-2010

## STRESS HOLATINI KORREKSIYA QILISHDA MUSIQIY TERAPIYANING AHAMIYATI

*Hayitboyeva Z.O.*
*Nukus Davlat Pedagogika Instituti magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada stress haqida ma'lumotlar, stressning kelib chiqishi va unga sabab bo'luvchi turli xil omillar, korreksiya jarayonida musiqiy terapiya orqali erishiladigan natijalar haqida fikr yuritilgan.

**Annotation:** This article discusses information about stress, the origin of stress and the various factors that cause it, as well as the results achieved through music therapy in the process of correction.

**Аннотатция:** в етой статье обсуждается информатция о стрессе, происхождении стресса и различных факторах, которые его вызывают, а также результаты, достигнутые посредством музыкальной терапии в процессе коррекции.

**Tayanch so'zlar:** stress, ijtimoiy muhit, ta'lim, oilaviy holat, nizo, musiqaviy jarayon.

**Ключевые слова:** стресс, социальная среда, воспитание, семейное положения, конфликт, музыкальный процесс

**Key words:** Stress, social environment, education, marital status, conflict, musical process.

Psixologiya juda ko'p tarmoqli va o'ziga yarasha murakkab sohalardan hisoblanadi. U o'z ichiga turli xil jarayonlarni, yo'nalishlarni va anglab bo'lmas bir ilohiy kuchni qamrab oladi. Uning ichidagi bu ilohiylikni esa odamzod azal-azaldan o'rganib, tadqiqot ishlarini amalga oshirib kelmoqda. Ana shunday psixologik jarayonlardan va anglab bo'lmas bir ilohiy kuchlardan biri Stress haqida so'z yuritamiz.

**Stress-** o'ziga yarasha holatlardan. Ya'ni u odamlarda kuchli ta'sirot natijasida sodir bo'ladigan o'ta hayajonlanish, asabiylik holatidir. Organizmda har xil ta'sirlarga nisbatan rivojlanadigan nomaxsus, neyrogormonal reaksiya. Stress bu bir qaraganda odamga faqat ziyon keltiradigan yoki uni halokatga boshlaydigan yo'ldek tuyuladi. Chunki stressni boshidan kechirayotgan organizm aniq nima qilayotganini anglashi qiyin bo'ladi. Shuning uchun ko'pincha stressga tushgan insonlarda qandaydir tushkunlik, baxtsiz hodisalar, omadsizlik kabi salbiy jarayonlar ro'y berayotgandek tuyuladi. Ammo stress bu faqatgina salbiy holatlar yig'indisi emas, aksincha, stress insonni muvaffaqiyatga, yana qaytadan kuchga to'lishga, miya faoliyatini rivojlantirishga, aqliy o'sishga, diqqatining kuchayishiga, tafakkur darajasining o'zgarishiga olib kelishi ham mumkin. Buni har bir inson o'z hayotida ko'ra oladi. Masalan, yosh davrlaridan 3-5 yoshli bolalarni oladigan bo'lsak ularning yaxshi ko'rgan o'yinchog'ini yoki o'zi uchun qadrli bo'lgan narsasini olib qo'yadigan bo'lsak, ularda o'zgarishlar paydo bo'ladi, qandaydir ma'noda ular stressga tushishadi. Keyin esa ular o'zini himoya qilish va o'z narsasini qaytarib olish uchun o'zida kuch to'playdi va o'zi bilmagan holda aqliy tafakkuri ishga tushadi. Bola o'yinchog'ini olish uchun turli yo'llarni izlab boshlaydi, bu uni harakatga keltiradi. Bundan tashqari, yosh davrlaridan o'smirlik davrini oladigan bo'lsak, bu davr qiyin davrlardan, bu davrda har bir o'smir stressga tushishi tabiiy hol hisoblanadi. Sabablarni aytadigan bo'lsak: oiladagi kelishmovchiliklar, o'qishdagi qiyinchiliklar, shaxsiy hayotidagi o'zgarishlar... Ana shu jarayonlar o'smirlarga salbiy ta'sir qilib, ularni stressga tushiradi. Bu holatda ular o'zlarini yolg'iz his qilib kuchsiz bo'lib qoladi, odamlardan ajralib o'zini chetga torta boshlaydi. Bu vaqtda ularga ota-onalari, vasiylari, o'qituvchilar va psixologlar yordam berishi kerak. Ular o'smirga yolg'iz emasligi, kuchli ekanligi, hammasini uddalay olishiga ishonch bildirishi, qo'llab-quvvatlashi kerak bo'ladi. Stressga tushgan o'smirlar ba'zan shu stress orqali o'zlarini tiklab oladi, yangi hayot kashf qilishadi, motivatsiya topishadi. Chunki miya stressga tushgandan keyin unda o'zgarish sodir bo'ladi, undan qutulish yo'lini izlash kerakligi miyaga buyruq ostida yetkaziladi va shundan keyin o'smirlar o'zlarini o'zlari tiklab olishadi, avvalgi holatidan o'zgarib mutloq boshqa insonga aylanishi ham mumkin bo'ladi. Bunday holatda ularda psixologik jarayonlardan, sezgisi kuchayadi, xotirasi yanada mustahkamlanadi, diqqati va tafakkuri ham ancha rivojlanadi. Shuning uchun stress insonga albatta ikki xil ta'sirini o'tkazadi. Bu haqida tadqiqot olib borgan tadqiqotchilardan biri **G. Selye** shunday deydi:,, Stress

organizmga ijobiy yoki salbiy ta’sir etishi mumkin. Bu uning ushbu stressorga bo’lgan reaksiyasiga bog’liq’’

Stress jarayonining salbiy va ijobiy tomonlarini ham o’z hayotingizda ko’p marotaba uchratgansiz. Lekin har bir inson o’z hayotida stressni boshidan o’tkazganda vaziyat butunlay boshqacha kechishi mumkin. Bu holat esa insonning faqat o’ziga bog’liq. Shuning uchun ham inson ushbu jarayonlar to’g’risida ma’lumotlarga ega bo’lishi korreksiya qilish usullari to’g’risida ham tushuncha va takliflarni bilib olishi kerak. Demak, eng avvalo stressga tushishning eng oddiy belgilari haqida to’xtalib o’tadigan bo’lsak:

- Inson tevarak-atrofidagi borliqdan uzilib qoladi, atrofida bo’layotgan voqea-hodisalar uni qiziqtirmay qo’yadi
- Miya faoliyatiga oldingiga qaraganda ikki barobar ko’p yuk tashlangandek bo’ladi, juda ko’p narsalar to’xtovsiz harakat qila boshlaydi
- Inson organizmida salbiy fikrlarni paydo qiladigan gormonlar ajralib chiqa boshlaydi
- Qo’llar qaltirashi, bu esa insonning o’ziga bo’lgan ishonchining pasayishiga sababchi bo’ladi.

Stress jarayoni har bir insonda yuz beradi. Lekin uni davolash, undan ijobiy foydalanish har kimning o’ziga bog’liq jarayon hisoblanadi. Shunday ekan ushbu jarayonga tushganda undan o’zimizga zarar keltirmagan holda chiqib ketishning ba’zi usullari to’g’risida so’z yuritamiz:

- Agar sizda atrofdagi vaziyatdan qoniqmaslik, o’ziga bo’lgan ishonchning yo’qolishi yoki shunga o’xshash holatlar yuzasidan stress vujudga kelsa, siz o’zingizni hech kim bo’lmagan joyga olib o’ting. Siz yolg’iz qolib o’zingizni yolg’izlik hukmiga topshiring. Ko’zlaringiz esa yumuq holatda bo’lib miyangizdan stressga sabab bo’luvchi barcha hodisalarni chiqarishga harakat qiling yoki eslamaslikka. Hech narsani o’ylamang, faqat yolg’izlik hukmiga o’zingizni topshiring
- Sizda strees holatlari vujudga keladigan bo’lsa, siz musiqadan foydalaning, musiqa turlari o’zingizga havola: sizni harakatga keltiradigan sho’x musiqalar, yoki tinchlantiruvchi musiqa uni o’zingiz tanlang. Musiqa sizni tinchlantiradi. Agar siz sho’x taronalarni tanlasangiz qulog’ingizga quloqchin taqib qattiq qo’yib raqsga tushing. Raqsingiz muhim emas, muhimi siz harakat qilib ichingizdagi og’riqni chiqarib tashlashingizdir. Agar siz sokin musiqani tanlasangiz xonada bir o’zingiz bo’lib yerga uzaygan holatda, yuqoriga qarab yoting, qo’llaringizni esa o’zingizga qulay qilishingiz mumkin, va siz butunlay musiqaga beriling, hayotingizda bo’lgan yaxshi narsalar haqida o’ylang, moboda bunday narsalar ayni shu damda hayolingizga kelmasa, siz kelajagingiz qanday bo’lishi, sizni stressga solib qo’ygan voqea qanday yakun topishi yoki umuman qanday bo’lishi haqida hayol qilib butunlay o’zingizni bo’sh qiling. Siz ushbu vaziyatda albatta o’zingizdagi o’zgarishni his qilasiz.
- Yuqoridagi takliflar sizga to’g’ri kelmasa siz yaqin insoningiz bilan sayr qilgani chiqing. Ovqatlanish yoki mehmondorchilik emas, faqatgina oddiy sayr qilishga. Chunki yaqin insongiz bilan sayr qilsangiz sizni stressga soluvchi narsalarni juda yomon deb emas oddiyroq qabul qilishingiz mumkin.

Musiqiy terapiya miyani tinchlantiradi, kayfiyatni ko'taradi, insonni hayol qilishga, orzu qilishga undaydi, hayotidagi yaxshi narsalarni esiga tushiradi, maqsadini eslatadi, harakatni kuchaytiradi, insonni kuchli bo'lishga undaydi, butun organizmiga ta'sir ko'rsatadi, miya faoliyatiga ijobiy signal tizimini yuboradi, eng asosiysi insonga ISHONCH ni beradi. Bu esa albatta insonda stressni yenga olishga motivatsiya paydo qiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, stress-bu siz o'ylaganchalik yomon jarayon emas. Siz eng asosiysi shuni yodingizdan chiqarmang. Stress ham sizni yaxshi ko'rishini va siz ham unga ijobiy javob qaytarishni o'ylang. Siz vaziyatni yomonlashtirsangiz ushbu jarayon ham yomonlashaveradi. Shuning uchun ham siz o'zingiz hal qilasiz, bunda sizga o'zingizdan boshqa hech kim yordam bera olmaydi. Stresga tushmaydigan insonning o'zi yo'q. Hech bo'lmaganda inson tushida qo'rqib ham stressga tushib oladi ekan, ya'ni uxlayotganida. Lekin bu kabi jarayonlar insonda stressning bo'lishi faqatgina salbiy fikrning tug'ilishi emas, balki, ijobiy natijalarning ham mahsulidir. Muhimi siz o'zingizni yo'qotmasangiz bas. Stressni to'g'ri qabul qilib u hayotingizda qisqagina vaqtda chiqib ketishini miyangizga yubora olsangiz siz G'OLIBSIZ.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1.Ergash G'oziyev,,Umumiy psixologiya'' Toshkent 2010. { 417-419-b}
2.Z. T. Nishanova, Z.Q.Urbanova S.Abdiyev,,Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya'' Toshkent-2011. {113-122 b}
3.Z. T. Nishanova. Bolalar psixodiagnostikasi. Toshkent 1998-yil.
4.Z.T.Nishanova, N.G.Kamilova, D.U.Abdullayeva, M.X.Xolnazarova. Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya
5.Internet saytlari:
www.ziyo.uz
www.psixol.ru

## ZAMONAVIY TA`LIM PSIXOLOGIYASI

*Halimova N.*
*Buxoro viloyati, Buxoro tumani 20-umumta'lim maktabi 8-sinf o`quvchisi*

Biz bugungi kunda ilmiy texnik taraqqiyotining keskin yuksalishlar davrida yashayapmiz. Fan, texnika va texnologiyalar yuqori sur`atlarda rivojlanayotgan bir davrda, biz yosh avlodlarning hayotimizda fanning rivoji juda ham muhim deb o`ylayman. Har sohada o`sish va rivojlanishlar bo`layotganidek, ta'lim sohasida ham yuksalishlar bo`lmoqda. O`qitish samaradorligini yanada oshirishda zamoviy ta`lim psixologiyasi jamiyatda va o`qitish sohasida muhim rol o`ynaydi. Negaki deganda, o`qitish jarayonida ta`lim psixologiyasiga e`tibor berilsa, texnologiyalar talablari asosida ifoda etilgan, o`quv maqsadlariga erishiladi. Bugungi kunda ta`lim yanada jadallashgan davrda o`qitish samaradorligini yanada oshirish,

ayniqsa, o`quvchilarni o`qitish jarayonidagi o`rni o`qituvchining unga bo`lgan munosabatiga ham bog`liqdir.

O`quvchilarni yanada darslarga qizishi ortishi uchun darslarni o`tish jarayonida turli viktorinalar va o`quvchilarning aqlini charxlaydigan mantiqiy savollar va shunga o`xshash qiziqarli tarzda qo`llanmalar(metodlar) dan foydalanilsa, shu kabi narsalar o`quvchining darsga bo`lgan qiziqishini yanada ortishiga yordam bera oladi deb o`ylayman. Agarda o`qituvchilar o`quvchilarga har tomonlama hurmat va muhabbat ko`rsatishsa unga yordamlashishsa, unda mavjud bo`lgan ijobiy qobiliyatlarga ishonch ko`zi bilan qarashsa, e`tabor qilishsa, uni zo`rlab o`qitishni emas, balki o`quvchining o`z xohishiga qarab o`qitishsa, albatta o`quvchi ham darsga e`tibor bilan qarar edi. Bundan tashqari, O`qituvchi o`quvchi bilan hamkorlik, ya`ni ularning orasidagi munosabatidagi demokratizm, sheriklik, tenglik mana shu jihatlarga ham alohida e`tibor berish kerak. O`quvchilarni erkin tarbiyalashi ya`ni shaxsga uning hayot faoliyatini keng ko`lamda yoki tor doirasida tanlab olish erkinligi va ularning ham shaxsiy fikrini inobatga olib, mustaqillik berishi, ular erishayotgan natijalarni tashqi ta`sirdan emas, balki ularning ichki hissiyotlaridan keltirib chiqarishi kerak. O`qituvchining o`z pedagogik jarayonida o`quvchiga nisbatan shaxsiy yondashsa maqsadga muvofiq bo`lardi. Menimcha har bir o`quvchida qaysidir jihatdan qobiliyat bo`ladi, ammo o`quvchi o`z qobiliyatini namoyon qilishida o`qituvchining ham o`rni ahamiyatga ega deb o`ylayman. Negaki deganda, o`qituvchi o`quvchining qobiliyatiga befarqlik bilan qaramasa, qobiliyatini yuzaga chiqarishi uchun ko`maklashsa, albatta o`quvchi o`z maqsadiga erisha oladi. Mabodo, o`quvchi biror xatoga yo`l qo`ysa o`qituvchi unga yaxshi so`z bilan xatosini tushuntirishi kerak. Agar uni jerkib-jerkib tushuntirsa, o`quvchi tushunmagan narsasini qo`rqqanidan so`rashi kelmaydi. Mana shu uchun xatolarni ham qay tarzda tushuntirish ham o`qituvchiga bog`liqdir. O`qituvchi o`quvchiga nisbatan: ta`qiqlamasligi, boshqarish emas, o`quvchi bilan birgalikda boshqarishi, majburlashi emas, ishontirishi, buyurishi emas, tashkil etishi, chegaralab qo`yishi emas, balki erkin tanlab olish imkoniyatini berishi kerak. O`qituvchi ham ilmga ega, ham o`quvchining psixologiyasi tushuna olishi kerak. O`quvchiga nisbatan zo`ravonlik qilmasligi lozim, chunki bu bilan o`qituvchi o`z maqsadiga erisha olmaydi. Shu uchun ham har bir narsani muloyimlik bilan, qunt va sabr bilan o`rgatishi kerak. O`qituvchi o`quvchini erkin o`qitishi lozim va erkin o`qitish quyidagilar bilan belgilanadi:

Birinchi navbatda, ishonchga asoslangan erkin talabchanlik;

Dars jarayonida o`quvchilarga nisbatan darsga qiziqish uyg`ota olish, hamda o`quvchilarni ko`rsatgan faolligi uchun rag`batlantirish, nafaqat faolligini, balki fikrlash darajasini ham rag`batlantira olish;

Har bir o`quvchining fikrini inobatga olib, ularning mustaqilligiga va tashabbusiga tayanish;

Jamoa orqali turli usul va talablarni amalga oshirishni ta`minlash.

Yangi zamonaviy ta`lim psixologiyasining asosiy mohiyati shundaki, u ta`lim tizimida o`quv fanidan o`quvchiga emas, o`quvchidan o`quv fani tomon harakatlanishini talab qiladi, o`qituvchi o`quvchilarda mavjud bo`lgan

imkoniyatlarni inobatga olib, ularni rivojlantishi va takomillashtirishi kerak, menimcha. O`qituvchi o`quvchini psixologiyasini bilishi uchun quyidagilarga e`tibor qaratishi lozim:

Avvalo, o`rtacha o`quvchiga yo`naltirish fikridan voz kechishi;

O`quvchining yaxshi xislat va xususiyatlarini izlashi;

Yangicha yondashuv usulida bo`lgan turli xil dars o`tish dasturlarini va qo`llanmalarini tuzishi.

Shaxsiy yondashuv uchun esa quyidagilar zarur bo`ladi:

Har bir o`quvchi qiyofasida noyob bir iste`dod egasini ko`ra bilishi, ularni hurmat qilishi, tushunishi va unga ishonishi;

O`quvchining erishgan har bir yutug`ini qo`llab-quvvatlashi, unga har doimo madadkor bo`lishi ya`ni o`qish qoniqish va xursandchilikni olib kelishi;

Uni majburlatib o`qitishga yo`l qo`ymasligi qoloqlikka va boshqa shu kabi kamchiliklarga yo`l qo`ymasligi;

Dars o`tish jarayonida o`quvchilarga o`z qobiliyatlarini namoyon qila olishi va ro`yobga chiqarishi uchun ko`maklashishi.

Eng avvolo o`qituvchi ya’ni pedagog mana shu kabilarga amal qilsa, o`quvchilarning yuqori cho`qqilarga erishishi uchun harakat qilgan hisoblanar edi. To`g`ri, men hali o`quvchiman, ammo shunday bo`lishiga qaramasdan, o`zimda tug`iladigan barcha holatlarni mana shu maqolada namoyon etishga va yoritib berishga harakat qildim. Agarda o`qituvchi bilan o`quvchi birdek harakat qilsa, bugungi kundagi yosh avlodlar cho`qqilarni zabt eta oladilar. Shuningdek, zamonaviy ta`lim psixologiyasiga alohida e`tabor qaratilsa, ta`lim sohasida ham juda ko`p yangiliklar yuzaga kelar edi.

Demak, ta`lim psixologiyasiga alohida e`tibor qaratish lozim, chunki o`quvchilarning psixologiyasini anglash orqali ularga darslarni tushuntirish ham oson kechadi. Zamonaviy ta`lim psixologiyasi haqida bildiradigan fikr-mulohaza va takliflarim shulardan iborat edi.

## OILA PSIXOLOGIYASIDA SHAXS TARBIYASI

*Shamsullayeva R.S.*
*Buxoro Davlat Universiteti talabasi*

**Tayanch so’zlar:** oila, holism individual psixologiya, bolalik rivojlanish konsepsiyasi, birodarlik raqobatining nazariyasi, norasolik hissiyoti.

Bolalarning murg'ak qalbiga hech bir narsa ibratdek kuchli ta'sir etmaydi va barcha ibratlar ichida ota-ona ibratidan kuchliroq va mustahkamroq o'rin oladigan ibrat yo'q.

N.I.Novikov

Mustaqillik tufayli ozodlikka erishgan mamlakatimiz o’zining davlatchiligini qo’lga kiritdi va taraqqiyot yo’lini belgilab olgan holda huquqiy demokratik

davlatni barpo etish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish asosiy maqsadlarimizdan biriga aylandi. Bu maqsadlar yo'lida juda katta islohotlar va o'zgarishlar amalga oshirildi. Jamiyatning asosiy negizi, tarbiyaning ilk kurtaklari, yosh avlodning barkamol inson bo'lishida oila muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir jamiyatda bo'lgani singari bizning jamiyatimizda oila, mahalla yosh avlod tarbiyasi singari mavzularda bahs yuritish, ularga e'tibor qaratish g'oyatda muhim. Oila inson deb

ataluvchi binoni faqat poydevorini qo'yish bilan cheklanmasdan, balki uning so'nggi g'ishti qo'yilguncha javobgardir. Prezidentimiz ham oilaga katta e'tibor berganliklarini oila borasida bo'layotgan islohotlar, yosh oilalarga yaratilib berilayotgan imkoniyatlardan yaqqol ko'rishimiz mumkin. O'zbekiston mustaqilligi tufayli Respublika oila muammolari davlat ahamiyatiga molik bo'lgan masalalar qatoridan rasmiy ravishda o'rin oldi. 1998-yil "Oila yili" deb e'lon qilinishi, "Oila" ilmiy-amaliy Markazining tashkil etilishi, Respublika oila manfaatiga qaratilgan maxsus Davlat dasturining qabul qilinishi, uning mantiqiy davomi sifatida 1999-yil "Ayollar yili" deb e'lon qilinishi, viloyatlarda oilaga xizmat qiluvchi turli maslahatxonalarning tashkil qilinishi, oila muammolarini ilmiy tadqiq etish maqsadida O'zbekiston tarixida birinchi bor oila psixologiyasi muammolari bo'yicha tadqiqotlar olib boradigan ilmiy kadrlarni tayyorlash maqsadida aspirantura tashkil etilishi, ularga aspirantlar qabul qilinishi yuqoridagi fikrimizning dalilidir. Bizning asosiy maqsadimiz sog'lom oilada tarbiyalanadigan ham jismonan ham ruhan sog'lom, barkamol farzandlar. Ibn Sinoning bola tarbiyasi, tarbiya psixologiyasi va rahbarlarga qo'ygan ushbu talablari o'sha davrda qanchalik tarqqiyparvar va zarur bo'lsa, bizning bugungi kunimizda ham u o'z kuchini yo'qotgani yo'q. [1]Uning fikricha, tarbiyachi ya'ni ota-ona "nafaqat so'z bilan, balki amalda ham bola ruhiga ta'sir ko'rsatmog'i lozim" deganlar. Kaykovus Unsurulmaoni [2]"Qobusnoma"da "har bir farzandki, oqil va dono bo'lsa, ota-ona, mehr-muhabbatini ado etmakdin bosh tortmagay". U bu borada "Nima eksan shuni o'rasan" degan maqolni ishlatib, u oilada bola tarbiyasining qo'yilishi ana shu muhim maqol asosida qurilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi deb hisoblaydi. Dinimizda ham oila, erkak, ayol ularning vazifalari burchlari bola tarbiyasi xususida so'z yuritilgan. Mo'min kishiningning qalbida to'rt ayol yashaydi. Ular onasi, ayoli, singlisi, qizi. Birinchisi: Uning rizosi. Allohning roziligidir. Ikkinchisi: Uni e'zozlash rasullohning vasiyatlaridir. Uchinchisi: Unga silai rahm, yaxshilik qilish bilan baraka keladi. To'rtinchisi: Uning chiroyli tarbiyasi jannat eshiklarini ochadi. Bu yerda ham farzand tarbiyasi, o'g'il va qiz bolalarga alohida–alohida tarbiya berish kerakligini ko'rishimiz mumkin. Ko'rinib turibdiki, oila jamiyatning duru gavhari. Bunda farzand tarbiyasi shu jamiyat uchun nechog'lik muhim masala.

Chet el psixologlari oilada shaxs rivojlanishi borasida ham turlicha fikr bildirishgan. Jumladan, Afrikalik faylasuf Jan Smut odamlarni tushunish uchun buni his qiladi: "Biz ularni qismlar va parcha to'plamidan ko'ra birlashtiradigan tog'lar kabi ko'proq tushunishimiz kerak va ularni o'z jismoniy ijtimoiy

---

[1] Ibn sino "Tadbiri manzil" 44-bet.
[2] Kaykovusning "Qobusnoma" sidagi "Ota-ona haqqini bilmoq zikrida" bobida bayon etilgan.

jihatlarining atrofida tushunishimiz kerak” – deydi Smut. Bu yondashuv holism deyiladi. Adler odamlarni shaxsiy psixologiya deb o’ylagan narsalarni tasnifladi. Induvidual psixologiya – insoniy xulq atvorga ta’sir qilishning ta’sirini kuchaytirgan fikr maktabi. Alfred Adlerning (1878-1937) [1]individual psixologiyasi - og‘ma xulq-atvorda ko‘pgina shakllarning psixologik sabablarini tushunib anglashga ko‘maklashadi. A.Adler, asosiy hayotiy maqsadini - individual rivojlanishning aniqlovchi va asosiy omili deb hisoblagan. Umumiy ko‘rinishda - boshqalar ustidan ustivorlikka yetish maqsadi. Uning aniq maqsadi nihoyatda xilma xil: hokimiyatga, go‘zallikka, boylikka, kuchga, mashhurlikka, bilimdonlikka intilish va hokazo. Ustuvorlikka yetish maqsadi norasolik hissiyotiga reaksiya sifatida, hayotning ilk davrida paydo bo‘ladi, u esa o‘z navbatida zaifligining kechinmalaridan kelib chiqadi. Zaiflik norasolik hissiyoti sifatida boshidan o‘tadi. Adler fikricha, norasolik hissiyoti dastavval 4-5 yoshida paydo bo‘ladi-yu, uni ikkita asosiy omil kuchaytiradi. Birinchidan - bular tug‘ma nuqsonlar (sog‘lik yo‘qligi, jismoniy nuqsonlar, haddan tashqari past bo‘yi). Ikkinchidan - oilada bolaning noto‘g‘ri tarbiyasi (me’yoridan ortiq erkalatish, muhabbat yetmasligi). Norasolik hissiyoti, bola tomonidan muhit talablarini bajara olishiga nisbatan qarama-qarshi. Uning fikricha, bu tuyg‘u tabiiy va tug‘ma bo‘lib, har birimiz uchun xosdir va shaxsning rivojlanishida katta ahamiyatga ega. Adlerning fikricha, har bir inson umri mobaynida o‘zidagi ushbu yetishmovchilikdan qutulish uchun boshqalar ustidan hukmronlik qilishga, ularning faolligini bostirishga intilib yashaydi. Buning uchun u o‘zidagi barcha imkoniyatlarni ishga soladi va jamiyatda o‘z o‘rnini topishga intiladi. Alfred Adlerning bolalik rivojlanish konsepsiyasida:

“Ota –onalar va bolalikni rivojlantirish o’z shaxsiyatiga ta’sir ko’rsatadi.

Ota-onalarning “haddan oshish”: bola buziladi va mehrni topa olmaydi.

Ota-onalarning e’tiborsizligi: bolada ishonch kamligi mehrni jalb qilishi mumkin”. Adlerning “Birodarlik raqobatining nazariyasi”ga ko’ra tug’ilish tartibi bolaning rivojlanishiga ta’sir qilar ekan. Shunga ko’ra u bolalarning tug’ilish tartib qoidasiga ko’ra bolalarni tasniflab bergan. Unga ko’ra: Birinchi bola: Kattalar e’tibori markazida bo’lishni yoqtiradi. Ko’pincha tengdoshlar bilan bo’lishish qiyin kechadi. Kattalardek fikrlashni yaxshi ko’radi va kattalar tilini qo’llaydi. Mas’uliyatli o’z ishiga javob beradigan, hayotda nimagadir erishadigan. Yolg’iz bola: Avtoritar yoki qat’iy bo’lishi mumkin. Kuch-qudrati uning huquqidir. Dalda berilsa yordam berishi mumkin. Jamiyat bilan kelishishi qiyin. Bunga misol tariqasida Ruzveltni keltirishimiz mumkin. Ikkinchi bola: Yanada raqobatbardosh, avvalgi bolani bosib olishni istaydi. Isyonchi bo’lishi yoki har kimga tashlanishga harakat qilishi mumkin. Musobaqa ichki raqobatni buza oladi. O’rta bola: Hatto xulqli bo’lishi mumkin, “uni olib tashlang yoki qoldiring”. Joy topish yoki qiyinchiliklarga duch kelishlari mumkin. Hayotda ko’p narsaga erishadi. E’tibor bergan bo’lsangiz ko’p faylasuf, oilmlar o’rtancha bo’lgan. Eng yosh bola: Boshqalardan ko’ra ko’proq bo’lishni xohlaydi. Hech qachon ishlamaydigan katta reja bo’lishi mumkin. “Jamiyatning zararkunandalari” deb aytadi. Chunki ularga

[1] Alfred Adler “Individual psixologiyaning nazariyasi va amaliyoti” 1920 yil

hamma narsa muhayyo qilib qo'yiladi. Yuqorida keltirilgan fikrlar Adlerning keng nazariyasini soddalashtirilgani. U bunda oilaviy ahvolga qarab bola xarakteristikasini aytib o'tgan. [1]"Biz dunyoning oxirgi ertagi xuddi shunday yaxshi va yomon narsalar haqida ekanligiga amin ekanmiz, go'yo biz ko'rgan hamma narsa buni ko'rganimizdir "–deydi Adler. Taniqli pedagog A.S.Makarenko besh yoshgacha bo'lgan tarbiya bolaning shaxsiyati shakllanishida o'ta muhim ahamiyatga ega ekanini qayd etib o'tgan. Bu haqda u shunday deb yozgan: "...tarbiyaning bosh asosi besh yoshda nihoyasiga yetadi, demak, siz besh yoshgacha nima qilgan bo'lsangiz, bu tarbiyaviy jarayonning 90 foizini tashkil etadi, keyingi tarbiya esa qayta tarbiyalash negizida davom etadi".

Ota-ona san'atkor, bola-san'at asari, tarbiya jarayoni esa san'atning o'zi. Oilada yangi farzand dunyoga kelishi nechog'lik quvonchli hodisa bo'lsa, uning tarbiyasi ham shunchalik muhim. Jamiyatimizda ro'y berayotgan turli xil noxushliklarning ildizi albatta bora-bora oila tarbiyasiga borib tarqaladi. Shu uchun ham farzand tarbiyasi uning turli davrlarda yuz beradigan inqirozlarni ota-ona to'g'ri qabul qilishi, tushunushi g'oyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Farzand tarbiyasiga ko'pincha ayollar mas'ullar deb o'ylaymiz, ammo ota ham ona ham birdek mas'ul. Menimcha quyidagi holatlarda bola ulg'aysa unda shu holatlar kuzatiladi. Ular: tanqid qurshovidagi bola-ayblashni o'rganadi, masxara va piching qurshovidagi bola-ishonchsizlik va badgumon bo'lishni, adovat qurshovidagi bola-dushmanlikni ko'rishni, jahl va zarda qurshovidagi bola-ozor berishni, tushunmaslik qurshovidagi bola-o'zgalarni eshitmaslikni, firib va aldov qurshovidagi bola-yolg'on gapirishni, uyat va kamsitilish qurshovidagi bola-aybdorlik hissini o'rganadi. Lekin shu bilan birga dalda va madad qurshovidagi bola-himoya qilishni, kutish qurshovidagi bola-sabrli bo'lishni, maqtov qurshovidagi bola-dadil bo'lishni, to'g'rilik, halollik qurshovidagi bola-odil bo'lishni, xavfsizlik qurshovidagi bola-ishonishni, ma'qullash qurshovidagi bola-o'zini hurmat qilishni, mehr-muhabbat qurshovidagi bola-sevishni va mehr berishni, ma'qullash qurshovidagi bola-o'zini hurmat qilshni, tanlov erkinligi qurshovidagi bola-o'z qarorlariga javobgarlikni o'rganadi. Yuqorida keltirilgan fikrlar asosida farzand tarbiyasida oila muhitining o'rni qanchalik ahamiyat kasb etishini ko'rishimiz mumkin. [2]"Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan", deya ta'kidladi Prezidentimiz. Xulosa o'rnida aytish mumkinki, butun dunyoda shiddat

[1] Alfred Adler "Очерки по индивидуальной психологии " 1920

[2] Shavkat Mirziyoyev 15-iyun kuni Toshkentda bo'lib o'tgan "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" mavzuidagi anjumanda so'zlagan nutqida yosh avlod tarbiyasi haqida alohida to'xtalib o'tdi.

bilan rivojlanayotgan globallashuv jarayonida inson qalbi va ongini egallash, ayniqsa yosh avlodning ma’naviy olamini zaharlashga qaratilgan turli xavf-xatarlar, din niqobi ostidagi ekstremizm, yurtimizga qarshi qaratilgan g‘oyaviy va informatsion xurujlar kuchayib borayotgan bir paytda mustahkam ma’naviy immunitetli, fikri tiniq, intiluvchan, o‘zining kimligini, buyuk ajdodlarning vorislari ekanini teran anglab, ona yurtga muhabbat va sadoqat hissi bilan yashaydigan, imon-e’tiqodi mustahkam yosh avlodni tarbiyalash uchun ota-ona, oila muhiti juda katta ahamiyat kasb etadi. Farzandlarimizga shunday tarbiya beraylikki, ular o‘z ota-bobolariga, o‘z tarixi, Vatani, oilasi, ona tiliga, millati, dini va an’analariga sodiq bo‘lib kamol topishsin!

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. Ibn sino “Tadbiri manzil” T. 2002
2. Alfred Adler “Individual psixologiyaning nazariyasi va amaliyoti” 1920 yil.
3. Alfred Adler “Очерки по индивидуальной психологии ” 1920.
4. Shoumarov G’. B. “Oila psixologiyasi” Toshkent 2000.
5. Lex. Uz. sayti

## ШАРҚОНА ОИЛАЛАРДА УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Шарапова Д.Б.*
*мустақил изланувчи, психолог*

“Ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслиги керак” [1]

Маълумки, мамлакатимизда оилаларнинг жамият тараққиётидаги ролини оширишда бир қатор долзарб вазифалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, оиланинг ҳуқуқий саводхонлиги, тиббий маданияти, унинг фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз олдига қўяётган муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Бироқ шунга қарамай, сўнгги йиллар статистик маълумотларига кўра носоғлом оилалар, оилавий келишмовчиликлар ҳамда ажримлар сонининг кескин ортганлиги кузатилмоқда. Жумладан, 2019 йилда берилган статистик маълумотларга кўра ажримлар сони 16 000га етган. Шу даврнинг ўзида 104,2 мингта никоҳ қайд этилган. Никоҳдан ўтаётган оилалар билан солиштирилганда ушбу кўрсаткич 15,3%ни ташкил этмоқда[2].

[1] Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикасининг Президенти
[2] https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/6382-demograficheskaya-situatsiyademografik-holat20-7-210

Албатта ажримлар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унинг юзага келишига бир қатор омиллар сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, “Оила” илмий амалий маркази томонидан сўнгги йилларда ажрим учун бўлаётган сабаблар таҳлил қилиниб, қуйидагича натижалар олинди:




Оилавий ажримларнинг кўпайиши – жамият интиҳоси, миллат фожеасидир. Бундай салбий вазиятларни олдини олиш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди десак муболаға бўлмайди.

Юқоридаги статистик маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибди-ки, оиладаги ажримлар, келишмовчилик ва низолар психологик билимларнинг етишмаслиги, тушунмовчилик ва ҳурматсизлик каби сабаблар туфайли вужудга келар экан. Албатта мазкур ҳолатларнинг вужудга келишида уй бекаларининг, яъни аёлларнинг ўрни беқиёс. Чунки бугунги кунда мамлакатимиздаги оилаларда аксарият аёлларимиз уй бекаларидир.

Ғарб олими С.И.Голод томонидан уй бекаларининг муаммолари таҳлил қилиниб, кундалик турмушга мослашув, жинсий уйғунлик ва ўзаро ҳамдардлик билан бир қаторда, никоҳнинг узоқ муддат мувофаққиятли бўлишининг муҳим омили, бу эр-хотиннинг шахсий автономияси, шахсий ҳусусиятларини сақлаб қолиши ва ифода этиш қобилиятидир. Ушбу омил айниқса эркаклар учун аҳамиятлидир. Йиллар давомида рафиқаларида кузатиладиган шахсий ҳусусиятларининг ўзгариши, ўзларини паст баҳолай бошлашлари эр томонидан тўғри қабул қилинмаслиги оқибатида турли тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Мазкур муаммолаларни ўрганиш, уй бекаларининг психологик муаммолари ҳақида илк бор ғарбда Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг таҳлил қилина бошланди. Чунки урушдан кейинги биринчи ўн йилликда оиладаги аёлларнинг 80 фоизи уй бекаси эди.

1963 йилда Б.Фриден ўзининг “Аёллар тафаккури” китобида Америка уй бекалари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилади ва натижаларни таққослайди. Унинг фикрига кўра ўрта махсус маълумотга эга кўплаб уй бекалари томонидан психологик нокулайлик, ҳаётдан қониқмаслик, ўзини фойдасиздек ҳис қилиш каби ҳолатлар кузатилган, шунингдек, “Касбларнинг ижтимоий обрўси иш ҳақи билан боғлиқ бўлган

жамиятда – аёлларнинг уй бекаси сифатида (нуфузсиз ва моддий таъминотсиз маъносида) ўзларини лагерларда бўғилиб қолиш азобини бошдан кечиргандек ҳис қилишади", деган фикрни илгари суради[1]. Унинг бу фикрлари айнан ёш даврларида кузатиладиган инқироз билан ҳам боғлиқ жараёндир. Ҳаётда яшашдан мазмун қидирган 30 ёш кризисида ижтимоий тан олинмаслик, атрофдагиларининг мунатазам танқиди уларнинг кучли стресс ва руҳий зўриқишларига ҳам сабаб бўлади.

Сўнгги йилларда психотерапияда янги – "Уй бекаси синдроми" атамаси пайдо бўлди. Мазкур синдром невротик тушкунликка асосланган бўлиб, мазкур ҳолатда – доимий кайфиятсизлик, ўзига ишончнинг пастлиги, ўзидан қониқмаслик ҳисси, оилавий ролининг аҳамиятсизлигини ҳисси кабилар кузатилади. Унинг доимий бир ҳилдаги ишлари унга қувонч келтирмайди, яъни қанча тозалама, барибир кир бўлади, қанча пиширма, барибир айб топишади, қанча муомалали бўлма, барибир қониқшмайди ва бошқа шу каби ҳислар исканжасида жаҳлдор, терс ва кўзлари тез-тез ёшланувчан бўлиб қолади. Атрофидагиларининг рағбатлантирмаслиги оқибатида кун бўйи уй юмушларини тинмай бажариб, сарфлаган кучидан қониқиш ҳосил қилмайди. Унинг чарчаши оила аъзолари томонидан жиддий тан олинмайди.

Аёллар яқинларининг эътибори ва севгисига эҳтиёж сезадилар, бироқ буни ҳис қилмайдилар. Натижада эрларини бевафоликда, фарзандларига эса ўзларини кераксиздек ҳис қиладилар (айниқса, фарзандалари етук ёшда бўлганда). Уларда ҳавотирлилик даражаси юқори бўлади. айниқса болаларининг саломатлиги ҳақида ҳавотирланиб гапиришга мойил бўладилар. Шунингдек, улар кўпинча телесераллар кўришга берилиб кетадиларва сериал воқеаларига нисбатан ғазабланган эҳтиросларни бошдан кечирадилар. Юз ифодаларида бефарқлик ва бепарволик кўриниб, уларни бошқалар томонидан қандай қабул қилинишлари аҳамиятсиз бўлиб қолади. Мазкур тартибсизлик тобора фақат уй ишлари билан шуғулланиб келаётган ёш аёлларга (25-30 ёш) таъсир кўрсатмоқда.

Шарқона оилаларда аксарият эркаклар оилани моддий таъминлайди. Аёллар эса уй бекаси сифатида уйда ўтириб, уй ишларини қилади ва фарзандаларига тарбия беради.

Аёлларнинг, айнан уй бекаларининг психологик ҳусусиятлари шунда-ки, улар уй юмушларидан тезроқ халос бўлишни истайдилар, шунингдек, ўзгаришни, ёрқин таассуротлар, ижобий ҳис-туйғуларга мухтождирлар. Кўпгина эркаклар буни тушунишмайи. Эркак киши ишдан келгач, тинч ва осоишта дам олишни хоҳлайди. Аёллар, яъни уй бекаси сифатида уни куни бўйи кутиб ўтирган аёл эса аксинча, шунчаки у билан бирор бир нарса тўғрисида гаплашишни хоҳлайи, кундалик муаммоларини бироз чалғитиши учун иложи борича кўпроқ нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилади. Бундай вазиятда эркаклар рафиқаси билан тинч мулоқот қилиши керак, уни ёлғиз қолдириб, дам олиши ва хоказоларни айтиб бақиришига эса хожат йўқ. Уй

[1] Frieden W., 1963.

бекаларининг психологик хусусиятларига кўра улар билан кўринмас меҳр-муҳаббат алоқаларини ўрнатиш керак.

Аёл киши оилада – “бўйин” саналади. Яъни, “бош” бўлган турмуш ўртоғини тўғри йўлга буришга қодир бўлиши керак. Бироқ бунинг учун аёллардан ўзига хос муомала қобилияти, психологик билим талаб этилади. Шунингдек, аёлларнинг уй бекаси сифатида уйда ўтириши ҳам уларда ўзига хос психологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мазкур муаммолар сабабли у турмуш ўртоғи билан тез-тез жанжаллашади, фарзандалари билан ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади, қайнона-келин муноасабатлари дарз кетади, агар уйда қайнагачи ёки қайнисинглиси бўлса, улар ҳам оилавий низолар гирдобига тортилади. Мазкур жараённинг сўнгги манзили эса ажримга ҳам олиб келиши мумкин. Лекин вазиятни шу даражага қадар олиб бормаслик ҳам мумкин, яъни, ҳонадон бекасини қийнаётган руҳий муаммоларни вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали олдинда кузатилаётган кўнгилсизликларга барҳам бериш, вазиятга оқилона ечим саналади.

Уй бекаси бўлиш – бу дангасалик белгиси эмас. Дарҳақиқат, аслида уй бекаси бир вақтнинг ўзида бутун бир корхонани бошқаргандек фаолият олиб боради. Уйни тоза сақлаш, нонушта, тушлик, оила учун кечки овқат тайёраш, ювиш, дазмоллаш, болалар қараш ҳар доим ҳам осон иш эмас. Уй бекаси ошпаз бўлиш баробарида уйнинг хўжалик бекаси ҳамдир. Шу билан бирга унинг учун энг ёқимли психологик лаҳзалар – янги кийим-кечак, янги пойабзал, ёрқин заргарлик буюмлари, гўзал соч турмаги каби минимал мукофотлардир.

Максимал мукофот эса – бу унинг турмуш ўртоғи ва унинг қариндошлари томонидан тан олинишидир. Бироқ кўпчилик учун, хатто эр учун ҳам уйда ўтириш – бу, ҳеч нарса қилмасликни англатади, шунингдек, бажарилиши керак бўлган “майда” нарсаларга кўп куч сарфланмайди деб ўйлайдилар. Натижада кўпчилик уй бекалари уйдан “қочиб кетишга”, яъни, ишга кириш учун ҳаракат қила бошлайдилар, хатто бунинг учун молиявий муаммолар бўлмаса ҳам. Ушбу жараённинг асосий сабаби – алоқа учун, тан олишлари учун, ўзларига ёққан нарсаларни қилишлари учун, энг асосийси кун бўйи газ қаршисида бўлмаслик учун уйдан чиқиб кетишни, ишлашни истайдилар.

Биз Тошкент шаҳрида жойлашган “Муаллим” нодавлат таълим муассасасида уй бекалари учун “Оила психологияси” курсини ташкил этдик. Шунингдек, уй бекаларининг муаммоларини аниқлаш ва уларнинг курсдан нималар кутаётганларини билиш мақсадида курсга ташриф буюрган 63 нафар аёллардан сўровнома олдик. Мазкур сўров натижаларига кўра қуйидагиларни аниқладик.

**Уй бекаларида кузатилаётган руҳий муаммолар таҳлили:**




Юқоридаги диаграмма кўрсаткичларида берилган таҳлилга кўра синалувчиларнинг 65 фоизида ўзига паст баҳо бериш, ўзига ишонмаслик каби ҳолатлар, 45 фоизида Стресс ҳолати, 25 фоизида депрессия, 35 фоизида эса агрессия ҳолатини кузатиш мумкин. Ушбу таҳлил улар билан мунтазам равишда психологик-профиллактик тадбирларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Уй бекаларининг оилавий муносабатлар билан боғлиқ муаммолари таҳлили:**




Ўтказилган сўровнома натижасига кўра кўпчилик уй бекалари фарзанд тарбияси билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Шунингдек, педагогик ҳамда психологик билимларнинг етишмаслиги, муомала-мулоқот қилиш услубини ўрганишни истагини билдирганлар. Синалувчиларнинг ярми эр ва хотин муносабатлари билан боғлиқ муаммолари мавжудлигини билдирган бўлсалар, 45 фоиз уй бекаларида қайнона-келин муносабатлари билан боғлиқ тушунмовчиликлар мавжудлиги аниқланган.

**Уй бекаларининг “Оила психологияси” курсларига қатнашишларига сабаб, яъни уларнинг кутишлари таҳлили:**




Мазкур таҳлил натижасига кўра 90 фоиз уй бекаларида муносабатлар билан боғлиқ муаммолар мавжуд ва улар мазкур курсда таҳсил олиб, муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишни истайдилар. Шунингдек, 55 фоиз уй бекалари ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини билишни, уларнинг муаммолари билан ишловчи ва хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳақида маълумот олишни истайдилар. 45 фоиз уй бекалари эса хотирани кучайтириш, диққат тарқоқлигини йўқотиш бўйича амалий машғулотлар кўпроқ ўтказилишини таклиф қилганлар.

Кузатишлар шуни кўрсатади-ки, жамиятимизда яшовчи қарийб 55 фоиз аёллар, яъни уй бекаларининг асосий муаммолари ўзларига бўлган ишончни ва атрофдагиларнинг эътиборини йўқотиб қўганларининг натижасидир. Аввалло “Уй бекаси синдроми”га чалинмаслик, тушкунликка тушмаслик, ўзига ишончни сақлаб қолиш учун оммавий газета ва журналларда турли тавсиялар ва йўл-йўриқлар кўрсатилган. Албатта мазкур оммавий нашрларнинг амалий тавсияларига риоя қилиш яхши натижа беради. Лекин мазкур синдромдан азият чекаётган уй бекаларига малакали психологлар томонидан профиллактик тадбирларнинг ташкил этилиши янада самарали натижага олиб боради.

Зеро, психологик маслаҳат доирасида уй бекаси бўлиш аслида энг мураккаб ва машаққатли эканлиги, шу билан бир қаторда ўзининг севимли машғулотлари билан шуғулланиб ҳам мувофаққиятга эришган уй бекалари ҳақида маълумот бериш, яъни, Ж.Л.Ровлинг “Гарри Потер” асарини ишсизлигида, қўлида кичик қизи бўлган вақтида ёзганлиги, Агата Кристи идишларни юваётганда ўзининг барча “қотилликлари” учун фитна топганлиги ва детектив асарлар яратганлиги, Астрид Линдгрен машҳур асарларини фарзандини ухлатгач, бўш вақтида ёзганлиги, “Кумуш даврнинг энг уйғун истеъдоди” саналган рассом Зинаида Серебрякова асосан, ўз фарзандлари ва яқинларининг портретларини ишлашни яхши кўрганлиги ҳақида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, психологлар томонидан уй бекаларида ўзи ва ишларини хурмат қилишга ўргатиш, ўзига ишончини ошириш, фарзандларига чиройли намуна бўла олиш, уларнинг онасидан фахрланишлари учун интилиб яшашлари кераклиги, уй бекаси, она сифатида у шифокор, педагог, сиёсатчи,

иқтисодчи, ошпаз, тикувчи ва бошқа шу каби яна кўплаб касбларни уйғунлаштира олувчи инсон эканлигига ишонтириш лозим.

Турли касб (тикиш-бичиш, кулинария в.б.) ёки илм клубларига (тил курслари в.б.) қатнашиб, янги билимларга ва танишларга эга бўлиш ҳам уй бекаларидаги руҳий зўриқишга барҳам беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозим-ки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳам уй бекаларининг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначилик, хотин-қизларни иш билан банд қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ Давлат дастурлари ижроси таъминлаб келинмоқда.

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ДЕСТРУКЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Шарафутдинова Х.Г.*
*Термиз давлат университети Психология кафедраси доценти*

Жамиятнинг замонавий ривожланиш босқичида психологиянинг асосий муаммоларидан бири – оилага психологик хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Оилавий психологик хизмат – оила ва оилавий муносабатлардаги психологик муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади. Ўзбекистон оилаларидаги шахслараро муносабатларнинг турлари, уларнинг шахс ривожланишига таъсири, психологик хусусиятлари, айниқса, ажримлар туфайли оиладаги фарзанднинг келгусида баркамол шахс бўлиб шаклланишига таъсири, оила муҳитида низоларни ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилаётганига қарамай, сўнгги йилларда оилалардаги юз бераётган нохуш ҳолатларни юзага келтирувчи сабаблари бошқа йиллардагига нисбатан кескин тафовутга эга эканлиги кузатилмоқда. Бу эса мазкур муаммоларни чуқур ва кенг қамровда ўрганишни, уларни бартараф этишнинг самарали амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишни, оилавий психологик хизматни амалиётда жорий этишни тақазо этмоқда.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёнот билдириб, “Бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этадиган асл ва фундаментал қадриятларни унутмаслигимиз лозим”, - деди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда оила институтини такомиллаштириш учун жаҳоннинг бир қатор давлатларидаги оила масалаларининг амалий ҳолатини билиш заруратини юзага келтирди.

Психологларнинг эътироф этишларича, бошқа одам қанчалик аҳамиятли бўлса, унга бўлган муносабат шунча узоқ давом этади, яъни яхши оиланинг энг кучли ва содиқ асоси - эр-хотинларнинг маънавий бирлиги, уларнинг

бир-бирига бўлган эътибори ва қалбидаги иликликдир. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат, ишонч ва садоқат, иззат-икром, ҳамфикрлилик ва муносабатларнинг самимийлиги оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг энг муҳим асослари бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланган оилавий ҳаёти, турмуш тарзи бор. Оилавий турмушда эр билан хотиннинг вазифаси ва бурчларига оид қадриятлар мавжуд. Эр ёки хотиннинг мазкур қадриятларни етарли даражада ўзлаштириши улар орасидаги ўзаро ҳурмат, садоқат ва ишончнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. [4]

Оилавий ҳаётнинг дастлабки бир-икки йилларида муомаланинг индивидуал стереотиплари шаклланади, қадриятлар тизими мослаштирилади, умумий хулқ-атвор йўналишлари ишлаб чиқилади. Айнан шу даврда эр-хотинларнинг ўзаро мослашуви, уларнинг ҳар иккалаларини ҳам қониқтирадиган ўзаро муносабатлар типини излаш юз беради. Янги келин-куёвлар бир-бирларидан кўп нарса кутадилар. Кўпгина жуфтликлар оиладаги эркак ва аёл ўртасидаги роллар тақсимоти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Жамият тараққиётининг турли даврларида оила масаласи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абай Кунанбаев, Ризоуддин ибн Фахруддин, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг асарларидаги оила-никоҳ муносабатлари, оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи ҳақида ғоятда ибратли маслаҳат ва ўгитлар баён этилган. [2]

Дарҳақиқат, XX аср Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат оила масаласига ва унинг жамият ҳаётидаги тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Алломанинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида оила қуриш заруратидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, фарзанд тарбияси ҳақидаги қарашлари чуқур ёритиб берилган. Донишманд мазкур асарда уйланиш ва бўлажак эр-хотин, биринчи навбатда, нималарга аҳамият бериши лозимлиги ҳақида қимматли фикрларини илгари суради. Адибнинг «Оила» асарида эса ўйланмоқ зарур бўлганда қандай хотинни танлаш лозимлиги, маҳр ва тўй қандай бўлиши кераклиги, эр-хотиннинг қандай яшамоқликлари, ота-онанинг хақ-ҳуқуқлари ва қизларнинг илм олишлари хусусидаги қимматли фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. [3]

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида яшаб ижод этган татар олими Ризоуддин ибн Фахруддиннинг «Оила» асарида одоб-ахлоқ, оила ва никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи, бола тарбиясидаги аёлнинг роли, аёлларнинг умумий вазифаси, уйлантиришда ота-онанинг вазифалари хусусида ғоятда ибратли маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар келтирилган. [5]

Олим мазкур асарда уйланиш ва хотинлар вазифаси борасида қуйидагиларни таъкидлайди: «... уйланиш масаласини ислом шариати буюк

нарсалардан деб билиб, оила тузишни мамлакат ташкил қилиш қадар керакли ҳисоблаб, бу борада бир қанча низомлар ҳам чиққанлиги маълум. Оила учун чиққан низомларни, бир кунмас бир кун келиб, вақти етганда амал этувчилар ўз оилаларини кўркам равишда тузар ва ниҳоят, ушбу кичкина мамлакатни идора қила олурлар. Шу сабабдан, кўпми-озми суражак умрларини роҳат билан кечиришар ва умрларидан қолган саноқли соатлари барокатли бўлур» деб таъкидлаган.

Буюк аллома Алишер Навоийнинг эр-хотин муносабатлари, бурчлари, аёллар фазилати, уларнинг оилада тутган ўрни ҳақидаги қарашлари беқиёсдир. «Махбуб-ул-қулуб» асарининг «Уйланиш ва хотинлар тўғрисидаги» фаслида мутафаккир уйланиш ва унинг фойдаси, оила одоби ва оилада аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрларни баён этган. Навоий аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қуйидагича тўхталади: “Яхши хотин - оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан”.

Алломаларнинг асарларида келтирилган асосли фикрлар оила мустаҳкамлиги, тинчлиги ва соғлом муносабатлари учун албатта эътиборга лойиқ. Аммо, жамиятдаги глобал ўргаришлар, компьютер технологияларининг кенг ривожланиши, турли ахборотлар кўламининг ортиб бораётганлиги шубҳасиз инсонларнинг ҳаётига, ўзаро муносабатларига жоиз бўлса уларнинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Жамиятда тинч оилалар қатори нотинч оилалар сони ортмоқда. Оилаларда турли келишмовчиликлар авж олаётганлиги, уларнинг орқасидан турли нохушликлар, жиноятлар содир этилаётганлиги хеч кимга сир эмас. Бу каби ҳолатлар оила, унинг тинчлигининг бузилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини кўришни талаб этмоқда.

Деструкция муаммоси у ёки бу йўналишда бир қатор фан ва маданият намояндаларининг ақлини безовта қилган. (Н.А. Бердяев, К.Г. Юнг, Ю.М. Лотман ва бошқалар). Таниқли психолог З. Фрейд, мисол сифатида, деструкция муаммосини ниҳоятда муҳимлигини эътироф этди. [6. С. 26—80]. У ўзининг профессионал фаолиятидан келиб чиқиб, доимо деструкциянинг кўринишларидан психиканинг бузғунчилик характерига эга бўлган агрессияга дуч келди. Фрейд “деструкция” тушунчасини ўлимга мойиллик (тягу), инсон табиатига муҳрланган сирли, англанилмаган куч деб тушунди. Деструктивликнинг синоними сифатида З.Фрейд таълимотида психиканинг негатив кўриниши ҳисобланган, объектга, субъектга ёки ўз-ўзига қаратилган “агрессия” атамаси қўлланилади. Шундай қилиб, деструкция – бу мураккаб тузилмадан соддага, хилма хилликдан бир хилликка, ҳаётдан ўлимга йўналтирувчи жараёндир. Шундай экан оилада деструкциянинг олдини олиш ва бартараф этиш ишларини йўлга қўйиш ниҳоятда муҳим вазифа.

Бизнинг назаримизда оилавий муносабатлар деструкциясининг сабаблари хилма хилдир. Юқорида келтирилган буюк алломаларнинг фикрларида келтирилган жиҳатлар тўла тўкис амалга ошмаганда албатта, оилавий муносабатларга путур етади. Шу туфайли оилавий муносабатлар

деструкциясини тизимлаштирган ҳолда қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин.

| ЁШ ВА ЎРТА ЁШ ОИЛАЛАРДА ДЕСТРУКТИВ МУНОСАБАТ ОМИЛЛАРИ | | |
|---|---|---|
| | **Ёш оилаларда** | **Ўрта ёш оилаларда** |
| **1** | Никоҳга тайёр эмаслик | Никоҳдан қониқмаслик |
| **2** | Оила ва никоҳ тўғрисидаги тасаввурлар | Шахсий психологик хусусиятлар |
| **3** | Шахсий психологик хусусиятлар | Фарзандсизлик |
| **4** | Қадриятларга муносабат | Ижтимоий зарарли одатлар (ичкиликбозлик, эр ёки хотиннинг ҳиёнати) |

Бу каби омилларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими оиланинг тинчлиги ва унинг мустаҳкамлиги учун уларни ўрганиш ва тўғри йўналтиришдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Акрамова Ф.А Ўзбекистонда амалий психолог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами Термиз 2020, Б.27
2. Арапбаева Д.К., Арапбаева В.К. Замонавий таълим журнали 2015,№ 7, Б 64-72.
3. Абдурауф Фитрат. Оила. - Т.: «Маънавият», 2000. -112-б.
4. Кроник А.А., Кроник Е. В главных ролях: вы, мы, он, ты, я: психология значимых отношений. - М.: «Мысль», 1989. -С. 226.
5. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. / Таржимон: Т.Зиёев. - Т.: «Мехнат», 1991. - 64-б.
6. Фрейд З. Психоаналитические этюды. — Минск: Попурри, 1997.

## AXBOROT-PSIXOLOGIK XAVFSIZLIKNI TA`MINLASHNING VAZIFALARI, ASOSIY YO`NALISHLARI VA USLUBLARI.

*Sharipov A.Sh.*
*Qarshi davlat universiteti talabasi*

**Annotatsiya.**Axborat soxasining rivojlanish tendensiyasi, axborat psixologik xavfsizlik siyosiy mojarolarning oldini olish vositasi sifatida.

**Kalit so'zlar;** globallashuv, axborat xavfsizligi, psixologik taxdid.

«Axborot» tushunchasi bugungi kunda global mohiyat kasb etmoqda. U inson tafakkuriga turli yo`nalishlarda ta`sir o`tkazuvchi, yaxlit insoniyat hayotini va taqdirini u yoki bu tomonga burib yuboruvchi, goh salbiy goh ijobiy mohiyat kasb etuvchi qudratli vositaga aylandi.

Aslini olganda axborot tushunchasi dunyo qarashni ifodalaydigan barcha bilimlar sohasida qadimdan mavjud bo`lgan. Kibernetikaning kelib chiqishi va rivojlanishi bu tushunchani «aloqa» va «boshqaruv» tushunchalari bilan birga keng qo`llanilishiga olib keldi. Hozirgi vaqtda axborotlarni hosilqilish, qayta ishlash, saqlash, ko`paytirish va tarqatish alohida ilmiy sohani – informatika sohasini tashkil etadi. Bu lotincha datanishtirish, tushuntirish, sharq tillarida esa xabar, axborot ma`nosini bildiradi.

Axborot sohasining tez sur`atlar bilan o`sishi, uni avtomatlashtirish usullarining shiddat bilan rivojlantirilishi kompyuterlarning yaratilishiga va kishilik hayotining turli sohalarini kompyuterlashtirishga olib keldi. Bu esa o`z navbatida bugungi kunda g`oyatda tezkorlik bilan o`sib borayotgan «Axborotli jamiyat» nazariyasini maydonga keltirdi.

Kompyuterlashtirilgan dunyo, yalpi axborotlashtirilgan global tizimning vujudga kelishi millatlar, xalqlar va butun insoniyat taqdirini bir-biriga bog`lab qo`ydi. Axborot olish, uni ishlash, saqlash va tarqatish texnologiyasining tasavvur qilib bo`lmaydigan darajadagi taraqqiyoti bugun jiddiy tashvishlar tug`dirmoqda. Chunki hozirgi zamon kompyuterlarining eng so`nggi avlodi har birining protsessorida 80-100 million tranzistor bo`lib, har soniyada ikki milliardgacha vazifani bajara oladi. Axborot texnologiyasining ana shunday mo``jizasi tufayli xohlagan kishi Er yuzining xohlagan nuqtasidagi odam bilan soniyalarda aloqa o`rnatishi, muammoni lahzalarda hal etishi mumkin. Ana shu holatning o`zi inson faoliyatini, tafakkur tarzini, axloqiy me`yorlarini, olamga munosabatlarini, yaxlit olganda esa yangi yuz yillikdagi insoniyat hayoti va taqdirini ifoda etadi. Boshqacha qilib aytganda, XXI asr tsivilizatsiyasi axborot xuruji, informatsion-psixologik urush qiyofasida o`zini namoyon etmoqda.

Insoniyatning kelajakdagi taqdiri va istiqboli xususida o`ylar ekanmiz, axborot texnologiyasi mohiyati, uning taraqqiyoti, inson va insoniyat hayotiga ta`sir o`tkazishi omillarini chuqur o`rganishni taqozo etadi. Bular quyidagilarda ko`rinadi:

Birinchidan, inson faoliyatini maqsadga muvofiq holda yo`lga quyish, yo`naltirish. Umummanfaat atrofida birlashtirish, jamoa va jamiyat ishiga daxldorlik tuyg`usini shakllantirish, insoniyat hayotini saqlashda mas`ullik, uning taqdiriga taqdirdoshlik hissini shakllantirish.

Ikkinchidan, turli fe`l-atvorga, tabiatga ega bo`lgan, o`z manfaati ustuvorligiga intilayotgan siyosiy sub`ektlar o`rtasidagi o`zaro muvofiqlikni ta`minlash. Urush madaniyatsizligidan tinchlik madaniyatiga o`tish, davlatlararo va mintaqalararo munosabatlarda bir-biridan qochish emas, bir-biriga intilish kayfiyatini yaratish, jahon muammolarini hal etishda sog`lom g`oyalarga tan berish ruhiyatini shakllantirish.

Uchinchidan, fan-texnika taraqqiyoti cheksiz darajada rivojlanayotgan bir paytda uning keng imkoniyatlarini umumiy taraqqiyot yo`liga safarbar etish kayfiyatining ustuvorligini ta`minlash. Aks xolda g`ayriaxloqiy va g`ayriinsoniy kayfiyatdagi fuqaro qudratli texnologiyalarni jamiyat taraqqiyotiga zid bo`lgan g`oyat xatarli maqsadni amalga oshirishga ishlatishi mumkin. Bu, ayniqsa, xalqaro terrorizm, narkobiznes, diniy eksterimizm singari global fojealarni boshqarishda,

davlatlararo iqtisodiy munosabatlarni chalkashtirishda, bank, moliya-irodit tizimini izdan chiqarishda qo`l keladi.

To`rtinchidan, axborot texnologiyasining beqiyos imkoniyatlarini, ulkan qudratini to`la-tukis inson hayotiga tadbiq etish, inson taqdiriga xizmat qildirishni ta`minlaydigan eng zamonaviy va samarali boshqaruv mexanizmini iqtisodiy, ijtimoiy, ma`naviy, ruhiy va siyosiy sohalarda yuksak madaniyat bilan unumli foydalanish asosida tashkil etish.

Tig`iz axborotlashgan jamiyatda «shaxs-jamiyat-davlat» aloqadorligi, ularning o`zaro uzviyligi va yaxlitligini ta`minlash bir muncha qiyinlashadi. Chunki axborot oqimi tezlashgani va axborotlar girdorbida yashash kabi murakkab, ziddiyatli vaziyatning yuzaga kelishi bevosita shaxs tafakkurining, inson dunyoqarashining keskin o`zgarishiga sabab bo`lmoqda.

Ma`lumki, har bir fuqaro o`z shaxsiy nuqtai nazari, o`z qarashlari, ma`naviy-ma`rifiy, axloqiy-ruhiy imkoniyatlari doirasidagina faoliyat ko`rsatadi. O`z olami hududida yashaydi va tashqi olamga o`z aqli doirasida shaxsiy munosabatini bildiradi. Har bir individ mustaqil inson sifatida tabiiy-biologik kamolotidan va ruhiy ehtiyojidan kelib chiqib o`ziga mos axborotni qabul qiladi, uni tahlil etadi. Uning atrofida mushohada yuritadi, fikrlaydi va ana shu tahlillar asosida o`zining shaxsiy xulosasiga ega bo`ladi. Natijada o`z nuqtai nazarini shakllantiradi.

Demak, har qanday axborot mazmuni, mohiyati, ta`sir etish darajasi, jamiyatga foydali yoki zararliligi, kishini ezgulikka yoki yovuzlikka da`vat etishi bilan «shaxs-jamiyat-davlat» mutanosibligiga u yoki bu tarzda ta`sir etadi. Ana shu jihatdan qaraganda milliy manfaatlarni asrash va rivojlantirishda axborot-psixologik xavfsizligini ta`minlashning roli yana ham oshadi.

Umuman olganda axborot-psixologik xavfsizlik tushunchasi qanday paydo bo`ldi? Uning hayotiyligi, insoniyat taqdiriga daxldorligi nimada? Ana shunday savol tug`ilishining o`zi muammoning dolzarbligini va o`ta keskinligini ko`rsatadi. Bizningcha axborot-psixologik xavfsizlik tushunchasi quyidagilarda namoyon bo`ladi:

Birinchidan, axborot-psixologik xavfsizlik - bu bevosita inson ruhiyatiga ta`sir o`tkazish orqali uni o`z aqidalaridan, muqaddas ideallaridan, e`tiqodidan ayiradigan buzg`unchi g`oyalardan asrashdir. Demak, axborot-psixologik xavfsizlikka ehtiyoj, eng avvalo bevosita inson va jamiyat, inson va davlat, shaxs va uning daxlsizligi, millat va milliy qadriyatlar, jumladan, urf-odatlar, an`analar, tarixiy va madaniy meros, avlodlar vorisiyligi, millatning istiqboli bilan bog`liq bo`lgan qadriyatlarga ma`naviy-ruhiy ta`sir, buzg`unchi g`oyalar va tajovuzkor mafkuralarning mavjudligidan kelib chiqadi.

Ikkinchidan, axborot-psixologik xavfsizlikka rioya qilinmasa, uning ta`sirchan choralari ko`rilmasa, buzg`unchi g`oyalar milliy qadriyatlarni barbod etish orqali tarixan mavjud bo`lgan xalqlar va millatlarni genotsidga olib kelishi muqarrar.

Uchinchidan, tig`iz axborotlashgan jamiyatda axborot orqali zamonaviy ruhiy ta`sir texnologiyalarining tobora rivojlanib borayotganligi shaxs va jamiyat tafakkurining shakllanishiga u yoki bu tarzda kuchli ta`sir o`tkazadi. Jamoatchilik fikrining qay darajada shakllanganligiga, jamiyatning siyosiy ongi, huquqiy

bilimlar saviyasi, ma`naviy-ma`rifiy darajasiga qarab jamiyatning taraqqiyotga yoki tanazulga yuz tutishi muqarrar.

To`rtinchidan, ijtimoiy fikrni shakllantirishda axborot ta`sirini, axborot texnologiyalaridan foydalanish usullari va uslublarining tobora kengayib borayotganligini nazarda tutsak, axborot-psixologik xavfsizlik muammosi yana ham keskinlashib qoladi.

Beshinchidan, mazkur atamaning mohiyati shundaki, u inson, jamiyat tushunchalari doirasidan chiqib ketib, yaxlit insoniyat, butun kishilik taqdiri bilan bog`liq bo`lgan global masalalarni ham qamrab oladiki, natijada hozirgacha mavjud bo`lgan global muammolarning eng tajovuzkori, eng buzg`unchisi yoki, aksincha, eng tashabbuskori bo`lib qolishi muqarrar. Bu holatni xalqaro siyosatda, davlatlararo, mintaqalararo muammolarni hal etishda buyuk davlatchilik shovinizmi avj olishi mumkin bo`lgan holatlarda yana ham xavfliroq mohiyat kasb etadi. Bunday paytda ko`proq an`anaviy siyosiy muvofiqlashtirish tajribalaridan kengroq foydalanishni taqozo etadi. Ya`ni sharqona munosabatlar ilmi (I.Karimov), mulohazalilik, mushohadalilik, har qanday voqea va hodisalarga aql-idrok yo`rig`i bilan yondosh tamoyili ustivor bo`lmog`i lozim.

Axborot siyosatini tig`iz axborotlashgan jamiyat shakllanayotgan bir paytga hozirgi zamonaviy talablardan kelib chiqib yangilash, modernizatsiyalash zarur.

Axborot orqali yuzaga kelgan psixologik mojarolar sharoitida davlat axborot siyosatining vazifasi jamiyatni salbiy axborot-psixologik hurujdan ishonchli saqlash, qat`iy himoya qilish mexanizmini yaratish bilan belgilanadi.

Har bir yangi axborot-psixologik mojaro himoya qilinayotgan jamiyat uchun yangi tahdidlarni keltirib chiqarishi ham mumkin. Demak, tahdid qancha ko`p bo`lsa, qurquv, xadik va ishonchsizlik shuncha ko`payadi. Ana shunday ma`naviy, ruhiy, ijtimoiy vaziyatdan kelib chiqib, jamiyat kayfiyatini muvofiqlashtirib, yo`naltirib, boshqarib turish muhim ahamiyat kasb etadi.

Oltinchidan, axborot-psixologik xavfsizlik tushunchasi ma`lum bir xalq, millat, mamlakat hayotida jiddiy ijtimoiy xavf tug`dirishi mumkin bo`lgan zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan tinchlik va barqaror taraqqiyot yo`lida unumli foydalanish, uni boshqarish, har qanday ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlarga siyosiy tus bermaslik usullardan foydalanishni taqozo etadi.

Bizning nazarimizda axborot-psixologik xavfsizlik - bu bevosita siyosiy mojarolarning oldini olish, eng avvalo, insonning o`zini o`zi tushunishi va fuqarolararo munosabatlarni yuksak ma`naviy-ma`rifiy mezonlar asosida shakllantirish, axborot qurolidan zamonaviy insonparvar tafakkurni, ijodkorlik ruhini, yaratuvchilik qobiliyatini, bunyodkorlik imkoniyatlarini shakllantirishni taqozo etadi.

Jamiyatni boshqarish, hozirgi zamon me`yorlari asosida kishilik taraqqiyotini ta`minlashning yangi usul va uslublarini qidirib topish zarur. Jumladan, siyosiy-huquqiy, tashkiliy-iqtisodiy, ijtimoiy-psixologik va axborot tizimini boshqarish kabi qator, bir-biriga uzviy bog`liq bo`lgan yo`nalishlarda boshqaruvning eng maqbul uslubini topishni, bevosita hokimiyat va unga ishonchni, jamiyat va davlat taraqqiyotini ta`minlashda fuqarolar yakdilligini, ma`naviy va g`oyaviy jihatdan birligini ta`minlashni taqozo etadi.

Jamiyat shu darajada shakllanishi lozimki, uning a`zolari tig`iz axborotlar bozoridan umummilliy manfaatga xizmat qiladigan, uning taraqqiyotiga yordam beradigan axborotni tanlay olsin. Axborot olish kafolati bu bevosita shaxsiy manfaatdan ustun turadigan, umummilliy manfaatga daxldor bo`lgan qadriyatga aylanmog`i lozim. Ana shunday sharoitda qanday mazmundagi axborotni tarqatishni man etish, jamiyatning psixologik holatiga salbiy ta`sir etuvchi, ijtimoiy, milliy, etnik, diniy tafovut va kelishmovchiliklarni kuchaytiruvchi, zo`ravonlik va urushni targ`ib etuvchi, pornografiya, maishiy buzuqlik, shaxslar mavqeiga, obro`siga va sha`niga salbiy ta`sir etuvchi axborotlarni chegaralashning norasmiy, vijdon bilan bog`liq bo`lgan, sog`lom aql va yuksak tafakkurga tayangan ma`naviy-ruhiy me`yorlari vujudga keladi.

Axborot-psixologik xavfsizlik tushunchasi ana shu tarzda ma`naviy-axloqiy mezonga aylanadi. erkin shaxs va ozod kishilik jamoasi bo`lgan fuqarolik jamiyati sharoitida axborot-psixologik xavfsizlikning o`ziga xos tizimlari shakllanmog`i lozim. Bu bevosita OAV faoliyati va unda xizmat qiladigan axborot oluvchi, saqlovchi va tarqatuvchi xodimlarning siyosiy saviyasiga, kasb mahoratiga va eng muhimi fuqarolik pozitsiyasiga, jamiyat ishiga daxldorlik tuyg`usiga bog`liq. Zotan, axborot-psixologik xavfsizlikni ta`minlashning bosh mezoni va asosiy tayanchi - millatparvarlik, vatanparvarlik, fidokorlik tuyg`usi!

Albatta, axborot-psixologik xavfsizlikni ta`minlashning o`ziga xos asoslari bor. Bular:

Birinchidan, tashkiliy-texnik jihatdan ta`minlanganlik. Zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan etarli darajada qurollanish.

Ikkinchidan, mustahkam moddiy-moliyaviy asoslarga ega bo`lish. Axborot-psixologik xavfsizlikni ta`minlashga xizmat qiladigan soha xodimlari moddiy manfaatdorligini oshirish.

Uchinchidan, zamonaviy axborot texnologiyalarini boshqaradigan, undan samarali foydalana oladigan, zamonaviy bilimlarga ega bo`lgan, har tomonlama keng fikrlaydigan qobiliyatli kadrlarni tayyorlash.

Demak, axborot xuruji tobora avj olib borayotgan, yakka tartibda har bir fuqaro, har bir inson ongiga kuchli ta`sir o`tkazayotgan, keng miqyosda olganda esa jamiyat taraqqiyoti va millat taqdirini hal qilishga qodir bo`lgan, global miqyosdaesa butun insoniyat hayotini kafolatlaydigan, uning taraqqiyoti yoki tanazulini belgilashga qodir bo`lgan tig`iz axborot tizimini boshqarish, tartibga solish, undan foydalanish me`yorlarini ishlab chiqish hozirgi zamonning eng dolzarb muammolaridan biridir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:**

1.Karimov I.A. «O`zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura»,1-jild, Toshkent, «O`zbekiston» nashriyoti,1996 yil

2.«Bizdan ozod va obod Vatan qolsin», 2-jild,

3.Karimov I.A. «O`zbekiston XX1 asr bo`sag`asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari»Toshkent, «O`zbekiston» nashriyoti,1997 yil

4.KarimovI.A. «Ma`naviyyuksalishyo`lida»,, Toshkent, «O`zbekiston» nashriyoti,1998 yil

5.KarimovI.A. «Jamiyatimizmafkurasixalqni-xalq, millatni-millatqilishgaxizmatetsin», «Tafakkur» jurnali bosh muharririsavollarigajavoblar 1998 yil, 2-son

6.KarimovI.A. «Olloh qalbimizda, yuragimizda»Toshkent, «O`zbekiston» nashriyoti, 1999 yil.

7.KarimovI.A. «Milliy istiqlol mafkurasi-xalq e`tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir»: «Fidokor» gazetasi muxbiri savollariga javoblar Toshkent, «O`zbekiston» nashriyoti, 2000 yil.

8.Axborot sohasida davlat siyosatining negizini tashkil etuvchi O`zbekiston Respublikasiqonunlari

9.«Iqtisodiy va informatsion xavfsizlik zamonaviy muammolari»mavzuidagi yosh olimlarning respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materialari to`plami (20 dekabr' 2005 yil).Nashr uchun ma`sulM.M.Baxadirov.T..JIDU,2006.-137b.

10.Yarochkin.V.I. Informatsionnayabezopasnost'.Uchebnikdlyastudentov VUZov.M..Akademicheskiyproekt Fond «Mir»,2003.-640s.

## STRATEGY OF PERSONAL DEVELOPMENT

*Sherniyazova N.A.*
*The student of Karakalpak State University*

**Abstract:** From history to now, human beings build their own personal development strategies based on the experience of other people. It is surely accurate that the more you get to the top of your goal, the higher peak will be definitely seen again and again so that there can appear a new target for us! That is, your personal progress gets more perfect! Therefore, this article deals with the methods of personal growth, some issues that people may encounter during the process, own experiential learning approach which makes me better at writing such articles and being in the same line with the intelligent youths as well as shared viewpoints of celebrities.

**1. The definition of personal development**

When we look through the deep meaning of these words, it refers that personal development is what includes the actions making awareness and identity improved, creates talents and inner power to gain what you want, facilitates the challenging times as well as struggles in order to ameliorate the quality of life, makes the dreams and aspirations turn into reality. It can also cover not only amending one`s skills and personality, but also self-awareness and self-confidence, sharpening knowledge, identifying their own potential and strength and one more thing to remember especially is to improve health.

**2. Difficulties and their solutions**

It is common for all of us to make mistakes and also fail, however, it does not mean you may repeat them again and again. Here I would like to mention some

challenges that breed the exact failure in self-development. Initially, feeling wiser and talented than others, keeping to make ego-based decisions, thinking and comparing your results with your friends, colleagues and people who are around you lead yourself into a ton of problems in getting improved. To avoid these incidents, you all should put your concrete goals for prospect and be aware of your real desire to see the bright future. Here, there is one thing to deem about lack of confidence and self-esteem when the above ones implemented. Everything is fulfilled step by step, otherwise, it is obvious to be in daze state. With the achievement of little effort for the beginning looks outstanding so that you should feel optimized and determined. At this time, the confidence also makes you relaxed because the feeling of success seems to keep it strengthen.

Then, after all it seems okay even though something pushes you into the great strain invisible. What I signify is that making the usage of “must, should” endless during your journey to own improvement precisely kills all your thoughts for future. How can it be replaced with something gentle, powerful words? Undoubtedly, that hinges on you and your inner universe deciding the next step of you. Saying the words such as “I can do it, I want to” is more efficient to both your career and the way of self-development.

And the most I care, that to gain profit and focus more on money is obviously the biggest mistake you can make in growing yourself. Fulfilling all your work only for money, it does not give you the taste of the fruit of your effort, that`s why, there is no intention to face the happiness and fulfillment in your heart because the thought of money, that is, just a paper if you think about the real meaning of life, can change all in you, even your fate for not goodness as expected. Here the viewpoint of Jim Rohn would be more memorable for all of us- “Income seldom exceeds personal development”.

Being passionate in operating something displays to do it just, therefore, it gives you a tremendous pleasure as well as satisfaction. Love what you do, then definitely money itself will come!

All above noticed are some difficulties you may encounter, to tell the whole trouble in each step is hard and makes you spellbound. It is your own mindset how to consider them.

**3. Personal growth**

Each step of people to the future can make their prospect brighter or darker due to step`s beneficial sides. Widely thinking about that way, it is clear that getting your target in personal development demands on a lot of effort and potential.

Moreover, the dilemmas like mentioned above are not known at first, as the result, detecting process should be begun straightforward because even you have not any detail how to get it fixed. Likewise, you will become familiar with your issues which mark the beginning of your journey. Even though making a decision to take action, it seems like a daunting task for you. In this occasion, your willingness and commitment assist to be able to get into the act. As George Bernard Shaw says, “Life is not about finding yourself, it is about creating

yourself", your inner "I" will make your life more exciting, productive and marvelous!

According to psychological studies, every moment of one`s existence, one is growing into more or retreating into less. In addition to that, man`s life is independent thus, he is born not for the development of the society alone, but for the development of his self.

A perceptible improvement in person may appear when you invest yourself as Robin Sharma said. "Investing yourself is the best investment you will ever make. It will not only improve your life, it will improve the lives of all those around you." – a pile of golden words, in my point of view.

On the other hand, investing means taking risks for your self-improvement. A fear of failure must not find you quite weak, instead of being coward, demonstrate your bravery, even your mistakes will teach on your major weaknesses and leave a valuable lesson the same with opportunity to grow. Never forget the saying- "fortune favours the brave"!

What`s more, in personal growth motivation places a great role in order to gain a higher peak, that is, when your parents, friends and anyone who are close to you encourage by convincing of an effective result received with the help of you.

To sum up, I can conclude this article with my own final thoughts. In any case, believing in yourself is so vital that can fight any your inner enemies which are against the self-progress. And a strong desire to do what you do cherish places in the same line with the belief! If you have an intention to change the world, do it! Everything is on your hand, trust me!

**REFERENCES:**

1. "What is Personal development?" Bob Aubrey
2. "Measure of man: human development" Bob Aubrey
3. http://www.leeds.ac.uk/educol
4. Elements of change. Personal development. 2019
5. Peter F. Drucker "Managing oneself" 1999

## MASOFAVIY TA'LIMDA O'QUVCHILARNING PUXTA BILIM OLISHLARIGA PSIXOLOGIK YONDASHUV TO'GRISIDA

*Shodiyeva Sh.F.*
*Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ta'lim sohasida ilg'or pedagogik texnologiyaning elementi sifatida krossvord usulini qo'llash haqida so'z yuritiladi.

**Tayanch so'zlar:** ta'lim jarayoni, masofaviy ta'lim, krossvord, psixologik faoliyat.

**Pedagogik psixologiyaning maqsadi** - o'qitishning oqilona rivojlantiruvchi ta'sirini, shart-sharoit va boshqa psixologik faktorlardan kelib chiqqan holda kuchaytirishdir.

O’qish darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta’lim mazmunida o’ziga xos hamda o’quvchi shaxsida o’ziga mos kompetensiyani shakllantiradi. Ilg’or pedagogik texnologiyalarni ta’lim mazmuniga zamonaviy ruhda singdirish, pedagogik texnologiyalarni keng joriy etish, o’quvchilarni komil inson etib tarbiyalash, ta’lim – tarbiya tizimini sifat jihatidan butunlay yangi bosqichga ko’tarish bugungi kunning dolzarb masalasidir.

Bugungi butun dunyoda ro'y berib turgan global holat (karantin) o`quvchilarimizning ta'lim olish usulini keskin o'zgarishiga olib keldi. Ular yaqin kunlargacha sinf xonalarida tayyor ma'lumotni o'zlashtirib kelgan bo'lsalar, endilikda butun e'tiborlarini kompyuter yoki telefon qurilmasining ekraniga qarab ta'lim olishga majbur bo'lmoqdalar. O`quvchida esa masofaviy ta'limda ko'proq mustaqil izlanish ko'nikmasini o'zida shakllantirish ehtiyojini tug`dirmoqda. Demak bu vaziyatda ta'lim inson omiliga nisbatan texnika va internetga bog'liq bo'lib qolmoqda. Bunday ta'lim olish usuli aslida butun dunyoda ommalashgan.

Yosh davrlar psixologiyasi nuqtayi nazaridan kelib chiqilsa, bola shaxsida o’yin va o’qish faoliyatlari parallel namoyon bo’ladi. Shuning uchun bolalar murakkab topshiriqlarga to’la vazifalardan ko’ra, o’yin faoliyatini afzal ko’radi.

Ushbu maqolada ilg’or pedagogik texnologiyaning elementi sifatida **krossvord usulini** qo’llash fikri ilgari surilgan.

Krossvord XX asrning boshlarida paydo bo’ldi va o’zining qiziqarlilik jozibasi bilan qisqa vaqt ichida butun dunyoga keng tarqaldi.

**PSIXOLOGIYA**

Кроссворд



Ushbu Psixologiya krossvordi «Hot Potatoes» programmasida tuzildi.

**ENIGA**

**3** shaxsning boshqalar tomonidan tan olinadigan o`ziga xos xususiyatlari.

**5** ijtimoiy munosabatlarga kirishuvchi va ongli faoliyat bilan shug`ullanuvchi betakror odam.

**7** odamning ma`lum maqsadga, o`z ehtiyojlarini qondirish uchun borliqni bilish va uni qayta qurishga, moddiy va ma`naviy boyliklarni yaratishga

| | |
|---|---|
| | yo`naltirilgan faolligi. |
| **9** | muayyan faoliyat turiga kuchli intilish bilan bog`liq davomli va barqaror emotsional holat. |
| **11** | shaxsning o`zi uchun yoqimli bo`lgan istiqbol obrazlarni ongida yaratishdan iborat xayol turi. |
| **12** | bilishning nazariy va amaliy o`zlashtirish usullari yig`indisi. |
| **13** | odamlarni birgalikdagi faoliyat mazmuni yoki muloqotda bo`lish xarakteri kabi qator belgilariga asoslangan birligi. |
| **15** | muvaffaqiyatli biror bir ijodiy ishni ko`rish, eshitish, sezish orqali paydo bo`ladigan psixik holat. |
| **16** | standartlashtirilgan psixologik sinov. |
| **17** | temperament turlaridan biri. Bu harakatlarning sekinligi, barqarorligi, emotsional holatlarning tashqi ko`rinishlari kuchli emasligida namoyon bo`ladi. |
| **19** | ota-onadan farzandga o`tadigan genlar majmui, irsiy asosi. |
| **20** | atrofdagi odamlardan chegaralanib, shaxsiy kechinmalarga berilishdan iborat psixologik begonalashuv holati. |
| **21** | yuksak darajada tashkil topgan materiya – miyaning funksiyasi. Uning mohiyati voqelikni tuyg`ular, idrok, tasavvur, fikrlar, iroda va boshqalar ko`rinishida aks ettirishdan iborat. |
| **24** | kuchli toliqish va organizmning madorsizligida namoyon bo`ladigan psixik holsizlanish. |
| **26** | birorta emotsiyaning barqaror kechishi. |
| **27** | birorta yoqimsiz omilga chidamlilik yoki kam e`tibor berish holati. |
| **28** | kuchli qo`zg`ovchilar ta`sirida yuzaga keladigan ruhiy holat. |
| **29** | inson aqliy faoliyatining yuksak shakli. Sezgi idrok va tasavvurlar orqali bevosita bilib bo’lmaydigan narsa va hodisalar tafakkurda ongli ravishda aks etadi. |
| **30** | odamning ob`ektiv borliqni sezgi, idrok, tafakkur, tuyg`uhissiyot va boshqa psixik holatlar orqali aks ettirish jarayonini o`rganadigan fan. |

| | |
|---|---|
| **32** | ijtimoiy psixologiya atamasi bo`lib, psixologik sig`isha olmaganligi tufayli guruh tomonidan inkor etilgan guruh a`zosi. |
| **35** | biror narsaning manosi va ahamiyatini anglash qobiliyati. |
| **36** | ongning muayyan ob`ektga yo`naltirilishi va unda to`planishidan iborat psixik holat. |
| **37** | psixik aks ettirishniig oddiy usuli tariqasida hayvonlarga ham, odamlarga ham xos xususiyat. Voqelikdagi narsa va hodisalarning ayrim belgi va xususiyatlarini bilib olishni ta`minlaydi. |
| **38** | odamning yuksak ehtiyojlari qondirilishi yoki qondirilmasligiga nisbatan munosabati. |
| **41** | boshqa odamlarning psixik holatlarini tushunish va ularga hamdardlik qilish qobiliyati. |
| **43** | boshqa shaxsga, kishilar jamoasi yoki fikrga yo`naltirilgan intim, chuqur his-tuyg`u. |
| **44** | narsa va hodisalarni ketma-ketlik bilan bir-biriga teng bo`ysundirish usuli. |
| **45** | kishining tevarak-atrofdagi olamga nisbatan befarq holati. |
| **47** | shaxsning eng yuksak darajadagi ijodiyoti bilan o`zini namoyon qilish hodisasi. |
| **49** | ikki va undan ortiq kishilarning o`zaro og`zaki gaplashishi. |
| **50** | psixik xususiyatlar, sifatlar va jarayonlarning o`ziga xos tuzilishi, yig`indisi, shaklini anglatuvchi umumlashgan tushuncha. |
| **51** | tushkunlik kayfiyati; odamda intilishlarning susayishi, harakatlarning tormozlanishi bilan bog`liq ravishda yuzaga keladigan ruhiy holat. |
| **53** | o`zlashtirish maqsadida qayta-qayta bajariladigan harakatlar. |
| **55** | temperament turi, u hissiyotning jo`shqinligi, kayfiyatning birdaniga tez o`zgarib qolishi, hissiyotning muvozanatsizligi va umumiy harakatchanligi bilan ifodalanadi. |
| **58** | insongagina xos, ong bilan boshqariladigan ehtiyojlar tufayli paydo bo`ladigan va tashqi olamni o`zgartirishga yo`naltirilgan faolligi. |
| **59** | sezgi a`zolariga ta`sir etib to`rgan narsa va hodisalarning bevosita |

yaxlitligacha aks ettirilish jarayoni.

**60** shaxs qabul qilgan qadriyatlar yo`nalishi bo`lib, bunda uning ma`naviy bahosi mezoni va asosiy mohiyati asosida o`zga odamning yoki ijtimoiy guruhning manfaatlari yotadi.

**61** ob`ektiv borliqni psixik aks ettirishning faqat insongagina xos yuqori shakli.

**62** Psixologik maslahatga va psixolog maslahatchi amaliy ishiga qo'yiladigan umumiy, kasbiy va ma'naviy-axloqiy talablar tizimi.

**BO'YIGA**

**1** tafakkur qilish usuli, bunda murakkab ob'ektlar qismlarga bo'lib o'rganiladi.

**2** individning ma`lum aniq vaqtda belgilangan psixik taraqqiyotining bosqichi.

**4** ma`lum ehtiyojlarni qondirish bilan bog`liq faoliyatga undovchi sabab.

**5** kishining psixik sohasiga ta`sir ko`rsatish jarayoni.

**6** psixologiya metodlaridan biri. Nutq yordamida bevosita yoki bavosita ma`lumot berish va olish jarayoni.

**7** organizm tug`ilgan, rivojlanadigan va yashaydigan tashqi omillar, sharoitlar va ob`ektlar majmuasi.

**8** tafakkur shakllaridan biri, u narsa va hodisalar o`rtasida o`zaro bog`lanishlarning borligini tasdiqlash yoki inkor qilishda ifodalanadi.

**10** organizmning hayotiy ehtiyojlarining qondirilishi munosabati bilan namoyon bo`ladigan, nasldan-naslga o`tadigan tug`ma harakatlar tizimi.

**12** temperament turlaridan, psixik faollikning sust, tez ta`sirlanuvchan, xatto arzimagan narsalar uchun ham juda chuqur ta`sirotga berilishi bilan xarakterlanadi.

**14** nerv tizimining irsiy determinatsiyalashgan anatomik-fiziologik xususiyati, odamda qobiliyatlar tarkib topishi va rivojlanishining dastlabki tug`ma, tabiiy zaminidir.

**18** kishidagi barqaror psixik xususiyatlarning individual birligi. U shaxsning mehnatga, atrofdagi narsa va hodisalarga, boshqa kishilarga va o`z-o`ziga bo`lgan munosabatlarida ifodalanadi.

**22** sezgi organlarining ularga ta`sir etuvchi rag`batlarga yaxshi idrok etish va retseptorlarni ortiqcha yuklamadan saqlash maqsadida moslashishi.

| | |
|---|---|
| **23** | malakalardagi salbiy ta`sir bo`lib, bunda eski malaka yangisining shakllanishiga halaqit beradi. |
| **25** | temperament turlaridan biri. Bu tur chaqqon, harakatchan, taassurotlari tez-tez o`zgarib turadigan, boshqa kishilarga nisbatan dilkashlik va mehribonlik qilishi bilan xarakterlanadi. |
| **31** | manmanlik, o`ta o`zini sevish, o`z-o`zi bilan faxrlanish, o`z o`ziga baho berish. |
| **33** | sezgi a`zolariga qachonlardir ta`sir etgan narsa va hodisalarning yaqqol hissiy obrazi. |
| **34** | psixologiya metodlaridan biri bo`lib, odamning xatti-harakatlarida namoyon bo`ladigan turli hodisalarni o`rganish va sub`ektiv psixik hodisalar to`g`risida ma`lumot olishdan iborat. |
| **39** | ijod jarayonida «Ha» va «Yo`q»larni bir-biriga taqqoslash natijasida yuz beradigan tafakkur turi. |
| **40** | bir vaqtda qarama-qarshi hissiyotlarning namoyon bo`lishi (masalan, kulgu va qayg`u). |
| **42** | shaxsniig individual psixologik xususiyatlari majmui. |
| **46** | odam va hayvon faolligining asosiy manbai, aniq sharoitlar bilan bog`liq zaruriyatning ichki holati. |
| **48** | bu ijtimoiy psixologiya metodi bo`lib, qo`yilgan savollarga berilgan javob tariqasida axborotlarni to`plash usuli. |
| **50** | mashq qilish jarayonida ish harakatlar bajarishning avtomatlashgan usullari. |
| **52** | ahloqiy ong tushunchasi. U yaxshilik va yomonlikni ajrata olish, o`z xatti - harakatlariga axloqan javob bera olishga qaratilgan ichki e`tiqoddan iborat. |
| **54** | maqsadlari jamiyat maqsadiga mos keladigan umumiy faoliyat bilan birlashgan odamlar guruhi. |
| **56** | biror narsaning namunasi, ayrim odam yoki guruh xatti-harakatlari va intilishini belgilovchn oliy maqsad. |
| **57** | odamlarning til vositasi bilan aloqa qilishining tarixan tarkib topgan shakli. |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | |T| | | | | | | |Y| |I|M|I|D|J| | | | | | |S|H|A|X|S| |
|M|E|H|N|A|T| |E|H|T|I|R|O|S| |O| | | | | | |O|R|Z|U| | | |U| |
|U| |U| |H| | | | | |N| |S| | |T| |M|E|T|O|D| | | |G|U|R|U|H| |
|H| |K| |L| | | | | |S| |H| | |I| |E| | | | | | | |G| | | |B| |
|I| |M| |I| | | |L| |T| | |Z|A|V|Q|L|A|N|I|S|H| |T|E|S|T| |A| |
|T| | |F|L|E|G|M|A|T|I|K| | | | | |A| | | | | | | |S| | | |T| |
| |X| | | | | | |Y| |N| | | | | | |N| | | |G|E|N|O|T|I|P| | | |
| |A|U|T|I|Z|M| |O| |K| | | |P|S|I|X|I|K|A| | | | |I| | | |I| |
| |R| | | | | | |Q| |T| | | | | | |O| | |D| | | | |Y| | | |N| |
| |A|S|T|E|N|I|Y|A| | | | |S| | | |L| |K|A|Y|F|I|Y|A|T| | |T| |
| |K| | | | | | |T|O|L|E|R|A|N|T|L|I|K| |P| | | | | | | | |E| |
|S|T|R|E|S|S| | | | | | | |N| | | |K| | |T|A|F|A|K|K|U|R| |R| |
| |E| | | | |P|S|I|X|O|L|O|G|I|Y|A| | | |A| | | | | | | | |F| |
| |R| | |A| | | | | | | | |V| | | | |A|U|T|S|A|Y|D|E|R| | |E| |
|T| |K| |M| | |T|U|S|H|U|N|I|S|H| | | | |S| | | | | | | | |R| |
|A| |U| |B| | | | | | | | |N| | | | | |D|I|Q|Q|A|T| | | | |E| |
|S|E|Z|G|I|L|A|R| |H|I|S|S|I|Y|O|T| |A| |Y| | | | | | | | |N| |
|A| |A| |T| | | | | |K| | |K| | | |E|M|P|A|T|I|Y|A| |T| | |S| |
|V| |T| |S| | | | | |K| | | | | | | |B| | | | | | |S|E|V|G|I| |
|V| |I| |I|E|R|A|R|X|I|Y|A| |A|P|A|T|I|Y|A| | | | | |M| | |Y| |
|U| |S| |Y| | | | | |L| | | | | | | |V| | | | | |E| |P| | |A| |
|R| |H| |A| |G|E|N|I|A|L|L|I|K| |D|I|A|L|O|G| | |H| |E| | | | |
| | | | | | | | | | |N| | |N| | | | |L| | | | | |T| |R| | | | |
| | | | |M|E|N|T|A|L|I|T|E|T| | | |D|E|P|R|E|S|S|I|Y|A| | | | |
| |V| | |A| | | | | |S| | |E| | | | |N| | | | | |Y| |M| | | | |
| |I| | |L| | |M|A|S|H|Q| |R| | |J| |T| | | | |X|O|L|E|R|I|K| |
| |J| | |A| |N| | | | | | |V| |F|A|O|L|I|Y|A|T| |J| |N| |D| | |
|I|D|R|O|K| |U| | | | | | |Y| | |M| |I| | | | | | | |T| |E| | |
| |O| | |A|L|T|R|U|I|Z|M| |U| | |O| |K| | | | | | | | | |A| | |
|O|N|G| | | |Q| | | | | | | | | |A| | | | | |T|A|M|O|Y|I|L| | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Krossvord yechimi**

Xulosa o’rnida shularni aytish joizki:

1. Krossvord o’yin xarakteriga ega. Bu xususiyat mavzuni oson egallash imkonini beradi. Chunki insonning ruhiyati mavzuni o’yin orqali qabul qilishga moyildir.
2. Krossvord xotirani chiniqtiradi.
3. Krossvord fikrlash doirasini kengaytiradi.
4. Krossvord anglash va faxmlash qobiliyatini rivojlantiradi.
5. Krossvord so’z boyligini oshiradi.
6. Krossvord izlanuvchanlikni vujudga keltiradi.
7. Krossvord intelektual salohiyatni kengaytiradi.
8. Krossvord mustaqil fikrlash ko’nikmasini hosil qiladi va shakllantiradi.
9. Krossvord bo’sh vaqtni mazmunli o’tkazish imkonini beradi.

10. Krossvord o'quv jarayonida ўquvchining olgan bilimini aniqlashning barcha nazorat bosqichlarida qo'llanishi mumkin.

11. Krossvorddan talabaning mustaqil bilim olishini tashkil qilishda foydalanish mumkin.

12. Krossvord barcha fanlar bo'yicha tuzilishi mumkin.

Agar krossvordlarning xususiyatlariga sinchkovlik bilan nazar solsak, biz ularni ta'limga qo'llashning ko'pgina ijobiy pedagogik tamonlarini ko'rishimiz mumkin.

Mamlakatimiz aholisi orasida krossvordga qiziqish juda kuchli «Tasvir», «Darakchi», «Parvona», «7x7», «Javoxir», «Xazina», «Kross» kabi gazeta sahifalarida qiziqarli krossvordlarni chop etilishi odat tusiga kirgan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. B.B.Saydaxmedov. Yangi pedagogik texnologiya. Toshkent. 1992.
2. Z.T.Nishanova. Psixologik xizmat.Toshkent. TDPU, 2006
3. Z.T. Nishanova, N. I. Xalilova Toshkent. Fan va texnologiya 2007
4. Internet sahifalari. Ziyonet.uz

## ПСИХОЛОГИК КОНСУЛЬТАЦИЯ – ОИЛАГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ УСУЛИ СИФАТИДА

*Шоумаров Ғ.*
*Халқ таълими вазирининг маслаҳатчиси,*
*психология фанлари доктори, профессор*
*Қодиров У.*
*Сурхондарё вилояти ХТХҚТМОҲМ*
*профессори, психология фанлари доктори*

Психологик билимларнинг амалиётга кенг жорий этилаётганлиги азалдан қўлланиб келинган психологик таъсир восита ва усуллар, шунингдек муайян соҳаларнинг жадал ривожланишига олиб келди. Шундай соҳалардан бири шубҳасиз, психологик консультациядир. Психологик билимлардан фойдаланиладиган ҳар қандай соҳада консультация иш олиб боришнинг маълум бир шакли сифатида у ёки бу даражада қўлланилади. Консультация ўзида касбга йўналтиришни ҳам, педагогик ва саноат, ишлаб чиқариш соҳаларидаги кадрлар тайёрлашни ҳам, раҳбар ходимлар малакасини ошириш жараёнини ҳам ифодалаши мумкин.

Лекин бизнингча, психологик консультация ҳозирги кунда ўзининг оилавий ва шахсий муаммолари туфайли психологга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган инсонларга нисбатан кўпроқ йўналтирилмоқда. Бу соҳа ўз навбатида турли йўналишларни қамраб олган бўлиб, улар сирасига эр-хотинлар билан ишлаш, отаона ва фарзандларга психологик консультациялар бериш, никоҳгача бўлган даврда жуфтликлар билан суҳбат ўтказиш, никоҳни

бекор қилаётганларга психологик ёрдам кўрсатиш кабиларни киритиш мумкин.

Психологик консультация психологик коррекция ва психотерапия билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда амалиётчи психологлар томонидан бир-бири билан чалкаштириб ҳам юборилади. Фаолиятнинг ушбу соҳаларни бирбиридан ажратиш ва уларга аниқ, мукаммал тавсиф беришнинг ўзи алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши мумкин. Шунинг учун уларга қисқача таъриф бериб ўтишни зарур дебтопдик.

Психологик консультация асосан шахслараро муносабатлар билан боғлиқ турли кўринишдаги психологик муаммоларга эга инсонлар қийинчилигини бартараф этишга йўналтирилган фаолият бўлиб, бунда таъсир кўрсатишнинг асосий усули сифатида маълум шаклда ташкил этилган суҳбат танланади.

Суҳбат метод сифатида психокоррекция ишларида ҳам, психотерапияда ҳам фаол қўлланиши мумкин. Бироқ, психологик консультация энг аввало мижознинг бошқалар билан бўладиган шахслараро муносабатларини тубдан қайта ташкил этишига йўналтирилган бўлса, психокоррекцион ёки психотерапевтик таъсир кўпинча шахснинг ҳаётий қийинчиликлар ва низолар асосида вужудга келадиган чуқур шахсий муаммоларини бартараф қилишга қаратилган бўлади.

Айни пайтда "психокоррекция" ва "психотерапия" атамаларини аниқлаштиришга нисбатан яна бир нуқтаи назар ҳам мавжуд. Унга кўра ушбу тушунчаларни ифодаловчи фаолият билан шуғулланишда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари эмас, балки махсус тиббий маълумотга эгалик ҳисобга олиниши зарур. Бу соҳадаги етакчи айрим мутахассисларнинг фикрича, бундай ёндашув унчалик мақсадга мувофиқ эмас, чунки психотерапия номедикаментоз, яъни дори воситаларини қўлламаган ҳолда таъсир ўтказишни назарда тутади[1].

Шу билан бирга "психотерапия" (psychoterapy) атамаси халқаро термин бўлиб, кўпчилик мамлакатларда профессионал психологлар томонидан олиб бориладиган ишлар усулларига нисбатан қўлланади. Бироқ, "психокоррекция" атамасига бизнинг мамлакатимизда психологик фаолиятнинг муайян йўналиши сифатида қараш, муносабатда бўлиш шаклланиб қолгани сабабли, жаҳон психологик амалиётида қўлланаётган "психотерапия" сўзини ҳам биргаликда истифода этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Албатта, психотерапия ва психологик консультация тушунчалари орасидаги чегара ўта шартли бўлиб, бу турли олимлар ишларида алоҳида таъкидлаб ўтилган (Sorey G., 1977; Поляков Ю.Ф., Спиваковская А.С., 1985). Хўш, психотерапия ва психологик консультация орасидаги чегарани қандай аниқлаштириш керак? Мижозларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган

[1] Алешина Ю. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование.: Класс; 2004.

шахслараро муносабатларидаги ва чуқур шахсий муаммоларини ойдинлаштиришда қандай маъно бор?

Мижоз ўз шахсий муаммоларига дахлдорми, шахслараро муносабатларига оидми, қандай масала билан психологга мурожаат қилишидан қатъи назар унинг мурожаатида кўмак сўраш, муайян ҳолат, вазиятлардан шикоят қилиш оҳанглари намоён бўлади. Психолог-консультантнинг мижозлари одатда ўзларининг муаммолари юзага келишида бошқалар айбдорлигини таъкидлашади, чуқур психокоррекцион муолажага муҳтож мижозларда эса шикоят бошқача тарзда ифодаланади: уларни кўпинча ўзларининг ички ҳолатлари, хоҳиш ва истакларини идора қила олмаслик, бошқаролмаслик қийнайди.

Шундай экан, психолог-консультант учун кўпинча “Мен хўжайиним

билан кўп жанжаллашаман” ёки “Оилам мени ўринсиз рашк қилади” типидаги шикоятларни эшитиш хос бўлса, психотерапевтга мурожаат қилаётганлар аксарият ҳолларда “Мен ўзимни жаҳлим чиққанда тутиб туролмайман, эримга бақиришга тушаман” ёки “Ўринсиз рашк қилаётганимни билиб турсам-да, назаримда хотиним менга хиёнат қилаётгандай туюлади” қабилидаги фикрларни баён этадилар. Мурожаатлар мазмунида бундай турфахиллик кўп учрайди, асосийси – мижозларнинг ўзлари уларни қийнаётган муаммолар хусусида муайян тасаввурга эга бўладилар. Айниқса, маълум даражадаги мардликни талаб қиладиган ўз хатти-ҳаракатлари учун ўзи масъуллигини англаш ҳисси шахснинг кейинчалик ўз ҳиссиётларини очиқ-ойдин таҳлил қилиши, коррекциялашига имкон яратади.

Шикоят мазмуни ва инсоннинг хатти-ҳаракатлари у билан олиб бориладиган фаолият йўналиши, шаклини белгилашга асос бўлади. Психолог-консультантнинг асосий вазифаси мижозни ўз муаммолари, шахслараро муносабатлари ва ҳаётий қийинчиликларига турли нуқтаи назардан қарашга ўргатишдир. Бунда кўпинча мижоз муаммоларининг аосий сабабчиси ўзи эканлигини англамайди ва шунингучун хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда назорат қилолмайди. Инсонга бундай ҳолларда таъсир кўрсатиш асосий шакли мижознинг бошқа кишиларга ва улар билан муомала муносабатига нисбатан шаклланган установка, англанган ва англанмаган йўл-йўриқлари, стереотипларини ўзгартириш тарзида ифодалангани маъқул. Суҳбат давомида мижоз вазият, муаммоларини кенг қамровда баҳолаш имкониятига эга бўлиши лозим, акс ҳолда унинг ўзини қийнаётган масалалар бўйича адекват қарор қабул қила олиши қийин бўлади.

Психотерапевтик амалиёт бироз бошқача кўринишда кечади. Шикоятлар мазмуни бунда унчалик аҳамият касб этмайди, чунки ишнинг дастлабки босқичларидаёқ улар моҳияти ўзгаради, келиб чиқиш сабаблари бошқа эканлиги аниқланади. Мутахассис билан сухбат жараёнида нафақат мижознинг бошқалар билан муомала-муносабатларига хос жиҳатлар, балки ўтмишда (болалиги, ўсмирлиги) бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳам аниқлаштирилади, шунингдек, психик фаолиятнинг ўзига хос шакллари,

яъни туш ва ассоциацияларга ҳам мурожаат қилинади. Психологик консультациядан психотерапиянинг фарқ қиладиган ўзига хос жиҳати шундаки, унда мижоз ва мутахассис орасидаги мулоқот, муносабатлардаги нутққа алоҳида эътибор берилади, уларга психотерапевтик таъсирнинг ўзига хос воситаси сифатида қаралади. Психика чуқур қатламларининг таҳлили патоген кечинмалар ва хулқ-атвор сабабларини тушунишга имкон беради, шу тариқа шахсий муаммоларнинг бартараф этилишига имкон яратилади.

Психологик таъсир усулларининг давомийлиги ҳам турличадир. Агар психологик консультация узоқ давом этмасдан, мижоз билан бўладиган 5-6 учрашувдан иборат бўлса, психотерапия жараёни баъзан йиллаб давом этиши мумкин.

Мижозлар типларига кўра ҳам фарқ қиладилар. Психолог-консультантнинг қабулида психик мақоми, бандлиги, моддий таъминланганлиги, ақлий салоҳияти ва ҳоказолардан қатъи назар ҳар қандай

инсонни учратиш мумкин. Бироқ чуқур психокоррекцион иш олиб бориш жараёнида муаммоларини тўлиқ бартараф этиш мумкин бўлган кишилар доираси чегараланган. Идеал мижоз – эс-ҳуши жойида, нормал невротик бўлиб, унда рефлексия ривожланишининг юқори даражаси кузатилади; у қиммат ҳамда узоқ вақт давом этадиган даволаш курсларига тўлаш учун етарли даражадаги маблағ, вақт ва мотивацияга эгадир. Ўрни келганда қайд этиш керакки, мижозлар доирасини торайтириш орқали уларга кўрсатиладиган таъсир вақтини кўпайтириш маълум бир муаммоларни ечиш имконини беради.

Модомики, инсонга таъсир кўрсатишнинг бу икки усули бир-биридан фарқ қилар экан, мазкур йўналишларда фаолият олиб борадиган мутахассисларни тайёрлаш йўналиши ҳам турлича бўлиши лозим. Психолог-консультантга қўйиладиган талабларнинг асосийлари назаримизда, қуйидагича: бу, энг аввало психолог дипломи; шунингдек психологик консультация, консультациянинг назарий ва амалий жиҳатлари борасидаги махсус тайёргарлик (тайёргарлик тажрибали психолог назорати остида амалга оширилган бўлса, нур устига аъло нур).

Психотерапия бўйича мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талаблар бирмунча мураккаброқдир. Улар муайян тиббий билимлар ва психология соҳасидаги тайёргарликдан ташқари, тажрибали устоз, супервизор, мутахассис раҳбарлигида психотерапевтик амалиётни ўтаган бўлишлари зарур. Бекорга тарихан психотерапия психиатрия билан чамбарчас боғлиқ эмас, шунинг учун психотерапевтлар орасида профессионал психологлар билан бир қаторда тегишли махсус маълумотни эгаллаган психиатрлар ҳам кўплаб учрайди. Эслатиб ўтмоқчимиз, одатда психотерапевтга мурожаат қилган шахс мижоз эмас, пациент (врачнинг ихтиёридаги бемор, келиб даволанувчи киши) ҳисобланади.

Бу соҳада етук мутахассис тайёрлашда хусусий психотерапия тажрибасига эгаликка алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки ўшандагина психотерапевт пациентлар муаммоларини тушунади, ечимларини англайди,

коммуникатив толиқиш каби синдромларга дуч келмайди, тегишли таъсир усулларини фаолиятда самарали қўллайди.

Психотерапия ва психологик консультациянинг фарқ қилувчи томонлари – кенг ва кўп қиррали мавзу. Албатта, айни ўринда унинг фақат умумий қирралари тўғрисида мулоҳаза юритишимиз мумкин. Бу мавзуга қизиққанларга тегишли махсус адабиётлар билан танишиб чиқиш тавсия этилади.

Психологга “кўчадан келиб” мурожаат қилаётган шахс кўпинча психология тўғрисида ҳар доим ҳам тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга бўлавермайди ҳамда ўзига қандай ёрдам кераклигини, у қай шаклда берилиши лозимлигини тушунмайди. Мижозларнинг психологдан кутаётган ёрдамлари кўпинча ноадекват, нореал бўлиб, ҳаёт ҳақиқати ва муносабатлар мантиғига зид келади (мижоз масалан, психологнинг ёрдами, хатти-ҳаракати натижасида бирор киши бошқасини яхши ёки ёмон кўриб қолишини талаб қилиши мумкин). Шунинг учун аксарият ҳолларда мурожаат қилган шахс билан биринчи олиб бориладиган иш психологик консультация ёрдамидан у нима олиши мумкинлигини тушунтириш бўлади. Айни нуктаи назардан нисбатан камроқ даражада таъсир кўрсатиш мажбуриятини зиммасига олади

ган ва аниқ мақсадларни амалга оширишга йўналтириладиган психологик консультация кўпинча, узоқ ва чуқур давом этадиган психотерапевтик фаолият учун ўзига хос илк қадам, дастлабки зина бўлиб ҳисобланади. Психологга дастлаб мурожаат қилган шахс ҳаётий муваффақиятсизликларида унинг ўзи масъуллигини ва бирор натижага эришиши учун психолог ҳузурига бир ёки бир неча ташриф етарли бўлмаслигини англагани маъқул. Бундан мижоз дарҳол жиддийроқ ёрдам сўраши эҳтимоли бор, деган хулоса келиб чиқмайди – у кейинроқ ёрдам сўраши ҳам, умуман кўмак сўрамаслиги ҳам мумкин. Асосийси, кишининг психолог ёки психотерапевт бирор масала

да унга ёрдам кўрсатиши имконига эга эканлигини тушунишидир. Бу жуда муҳим ҳисобланади. Психологик консультация ва психотерапиянинг бундай ўзаро алоқаси кенг имкониятларга эга амалий психологиянинг асоси ва мурожаат қилаётган ҳар бир шахс ўша пайтда ўзи учун зарур ёрдамни олишининг кафолати ҳисобланади.

Шу ўринда психологик консультациянинг асосий тамойиллари хусусида ҳам фикр билдириш лозим. Бир қатор касбларнинг мутахассислар албатта риоя этишлари шарт бўлган тамойил ва шартлари мавжуд. Мисол учун кўпчилик мамлакатларда профессионал мутахассислар фаолиятини белгилаш мақсадида психологнинг ахлоқий кодекси (Ethical Principles of Psychologists, 1981) амал қилиб келмоқда. Кишиларга психологик таъсир кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи мутахассислар учун бу талаблар янада жиддий бўлиб, мазкур меъёрлар амалиётчи психологлар зиммасига анчагина масъулият юклайди (Speciality Guidelines for the Delivery of Services by Counseling Psychologists, 1981). Психологик амалиёт мобайнида юзага келиши мумкин бўлган маънавий ва ахлоқий муаммолар, саволларга доим бир хил қолипда жавоб беришнинг имкони йўқ. Психологик консультация ва

психотерапиянинг ахлоқий тамойиллари тўғрисида кўп ва хўб ёзилган,том-том китоблар нашр қилинган бўлиб, уларда муайян вазиятлар да мутахассис, психолог ўзини қандай тутиши лозимлиги борасида аниқ тавсиялар келтирилган. Касбий тамойиллар ва талабларга риоя қилмаслик айрим мамлакатлар (масалан АҚШ)да психологнинг дипломидан айрилиши, мутахассис сифатида фаолият кўрсатиш, психологик амалиёт билан шуғулланиш, ўз хизматларини таклиф қилиш ҳуқуқларидан батамом маҳрум бўлишига олиб келади.

Албатта, бизнинг мамлакатимизда (бошқа кўпчилик яқин ва узоқ хориж давлатларида ҳам) профессионал, касбий тамойилларга тўлиқ риоя қилинмаганлиги учун юқорида кўрсатилган каби жазоларни қўллаш айни вақтгача учрамаган. Бунинг учун ҳозирча етарли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва асослар ишлаб чиқилмаган бўлиб, бизда психологик хизмат марказларининг фаолиятини ўта кучайган, қизғин ва уларга фуқароларнинг мурожаатини ҳам жуда юқори дейиш қийин. Лекин республикамизда амалиётчи психолог фаолиятининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга амал қилиш нафақат психолог ишининг ахлоқий йўналганлигини,балки кўрсатилган психологик таъсирнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини ҳам таъминлайди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Алешина Ю. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование.: Класс; 2004.
2. Ғ.Шоумаров, У. Қодиров, И. Ҳожибоев. Оилага психологик ёрдам кўрсатиш асослари. Т.”Тафаккур бўстони”, 2014.

## ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИДА ҲУРФИКРЛИК РИВОЖИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАР

*Шукуров А.Ш.*
*ЎзМУ магистранти*

Тарихга назар солар эканмиз, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда илм-фаннинг, маданиятнинг энг ривож топган даври Ўрта асрларга тўғри келади. Айни шу давр бизга Ал-Киндий, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, аз-Замахшарий, ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино каби илм-маърифатда тенгсиз даҳоларни етказиб берди. Хўш қандай омил, қандай сабаб бу жараённи кечишида доялик қилди? Ушбу мақолада имкон борича юқоридаги саволга жавоб топишга ҳаракат қиламан.

Илк омил сифатида шуни кўрсатиш керакки, Ўрта асрлардаги мусулмон дунёсида эркин фикрнинг ушбу этук даражага кўтарилишига ёрдам берган муҳим омил Яқин ва Ўрта Шарқ кўплаб динларнинг, шу жумладан ваҳий қилишнинг уч динлари - Ислом, Насронийлик ва Яҳудийликнинг ўзаро тўқнашуви ва бирга яшаш майдонига айланганлиги

эди. Ушбу вазият, фикрлашнинг уч йўналишда ривожланиши учун қулай замин яратди. Биринчидан, бу диний туйғуларни кучайтирадиган энг муҳим омиллардан бири - ўз эътиқодларининг мутлоқлиги ғоясини таъсирини йўқ қилди. Иккинчидан, у турли динларни бир-бири билан солиштириш истагини уйғотди, бу ўз эътиқодининг мутлоқлиги ҳақидаги бир хил ғояни бузиш ва умуман диний догмаларнинг ҳақиқатига нисбатан шубҳаларнинг пайдо бўлиши. Ниҳоят, конфессионал плюрализмнинг натижаси сифатида диний қиёсий тадқиқотлар билан шуғулланувчи кенг доксографик адабиётларнинг пайдо бўлиши бўлиб, унда ал-Нубаҳти, ал-Масуди, ал-Муҳашиби, Абу-Мансур ал-Бағдодий, ал-Матуртсди, Ибн-Хазма, ал-Эроншаҳрий, Беруний, ал-Шаҳрастаний ва бошқалар асарлари намойиш этилган. Бунинг яна бир натижаси дин ва таққослаш асарларининг пайдо бўлиши бўлиб, унда динларни солиштириш эмас, балки уларнинг ёлғонлигини исботлашга қаратилган далиллар мавжуд. Уларнинг муаллифлари Араб Шарқида яшаган Ибн-Қаммун ва ал-Муқаммиси сингари мутафаккирлар эдилар.[1]

Шарқда перипатетизмнинг тарқалиш даврини кўрган Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давридаги Ўрта асрлар мусулмон дунёсининг диний ва сиёсий тарихи ўта муҳим аҳамиятга эга: бу даврга нисбатан улар кўпинча "бидъатчи" ҳаракатлар билан "ортодоксал Ислом" нинг кураши ҳақида гапиришади, кейин ҳатто юқорида айтиб ўтилган далилларга қараганда, бундай кураш ҳақида гапириш қизиқроқ. Аммо Боғдод халифалигидан ташқари Кордобан халифати ва Фотимид халифати бор эди, иккинчисида, Боғдодда аниқ муртадлик деб таърифланган Исмоилий ислом "православ" деб тан олинган эди. Мухтасар қилиб айтганда, мусулмон дунёсида ягона "православ таълимот" ва умуман, ягона ислом дини бўлган. Қуръон ва Пайғамбар Муҳаммадга тегишли афсоналар, қўшимча изоҳларсиз, ҳаёт томонидан илгари сурилган барча саволларга авторитар мисол бўлиб хизмат қилган. Хоенстауфен Фредерик II даврида папанинг ҳуқуқи билан халифанинг кучлари солиштирилган эди. Дарҳақиқат, "содиқларнинг ҳукмдори" дунёвий ва маънавий кучнинг бирлигини назарий жиҳатдан ўзида мужассам этган, бу гўё Мусулмон Шарқида теократик принципнинг устунлигини ва шунинг учун маълум бир православ эътиқод тизимини англатар эди. Аммо аслида ҳамма нарса бошқача эди. Илгарироқ бошланган дунёвий ва маънавий кучларни ажратиш жараёни 10-аср ўрталарига тўғри келган. Боғдод халифалари фақат иккинчисидан омон қолишди, иккинчиси эса амирлар ва султонлар қўлига ўтди. Шундай қилиб, мусулмон Шарқида дин христиан оламида қандай рол ўйнаган бўлса, шунчалик муҳим фарқ билан: мусулмон Шарқида у ўз вазифаларини уюшган черковсиз ёки иерархик ва ҳудудий жиҳатдан тузилган руҳонийлар тармоғисиз, мунозарали фалсафий масалалар бўйича қарорлари ҳамма учун мажбурий бўлган черков кенгашларисиз бажариши керак эди. Расмий равишда қабул қилинган ёки ушбу режим томонидан қўллаб-қувватланган доктринанинг мақоми Исломда

---
[1] Сагадеев А.В. ВОСТОЧНЫЙ ПЕРИПАТЕТИЗМ ( из истории средневекового материализма ). –М.: 1999. 6-460

вужудга келган кўпгина таълимотлар унинг мутлақ устунликлари туфайли эмас, балки бу тузумнинг амалий манфаатларига ёки ўзига хос сиёсий принциплари билан ёхуд доктринага қарши йўналтирилганлиги билан вужудга келди. Бу унинг рақибларига ва душманларига, унинг ёрдами ёки осойишталигида аҳолининг кўп қатламлари орасида машҳур бўлганига далолат. Боғдод халифалиги тарихида фақат икки марта "содиқ ҳукмдорлар" ўзларининг руҳий кучларидан ўзларининг мавзуларига "православ" позицияларини юклашга уриниш каби узоқдан гапириш учун фойдаланишган. Бундай баёнот биринчиси, IX асрнинг биринчи чорагига тегишли бўлиб, унда халифа ал-Маъмун Қуроннинг яратилиши ҳақидаги тезисни «давлат ақидаси» деб эълон қилганиди. Бутун “православликни” йўқ қилиб юборган ушбу тезис ал-Маъмунга “инквизиция” пайтида халифалик тахтига кўз тиккан акаси ал-Амин тарафида бўлган оппозиционерлардан қутулиш, динни анъанавий догматистлардан ажратиб олиш имконини берди. Худди шу сиёсий мақсад йўлида учун халифа ал-Маъмун мутазаллийларни очиқчасига қўллаб-қувватлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишим лозимки, ушбу кичик тадқиқотимда шуни билдимки, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи бизга қолдирган бебаҳо мероснинг яратилишига асосий омил бу – уч жаҳон динининг бир минтақада бўлиши ҳамда фикрлар қарама-қаршилигидир. Бундан ташқари ҳукмдорларнинг муайян мақсадлар йўлида илм-маърифатга ҳомийлиги ҳам асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Сагадеев А.В. ВОСТОЧНЫЙ ПЕРИПАТЕТИЗМ ( из истории средневекового материализма ). –М.: 1999. б-460
2. Фролова Е.А. Арабская философия. Прошлое и настоящее Философская мысль ислам. Языки славянских культур. –М.: 2010. б-456
3. Материалы по истории прогрессивной общественно философской мысли в Узбекистане. Т.: ФАН.,1976. С.8492.


## ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕҲАНИЗМЛАРИНИНГ ШАХС ПСИХИКАСИГА ТАЪСИРИ

*Шукуров Р.Э.*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти таянч докторанти.*

**Аннотация:** Мазкур мақолада шахснинг психологик меҳанизмлари борасидаги олимларнинг назариялари. Ҳамда, уларнинг шахс онтогенезида тутган ўрни, ривожланиши ва шахс психикасига таъсири билан боғлиқ бўлган қарашларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** Шахс, психологик ҳимоя меҳанизмлари, хавотир, Эго, Супер-эго, онтогенетик ривожланиш.

Замонавий психологиянинг бугунги кундаги ривожланиш жараёнида шахснинг психологик ҳимоя меҳанизмлари муаммоси болалар психологияси ва психотерапиясида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммолар сирасига киради. Шу сабабли улар борасидаги олимларнинг олиб борган тадқиқот ишлари ва назарияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

“Психологик ҳимоя” тушунчасининг ривожланиш тарихи илдизи психоанализ асосчиси бўлган олим З.Фрейдга назарияларига бориб тақалади. З.Фрейд “Психологик ҳимоя” тушунчасини шахснинг психологик ҳолатларидан бўлган ҳавотир табиатига бўлган қарашлари билан боғлайди. Дастлаб З.Фрейд невроз касаллигига чалинган беморлар билан ўз илмий тадқиқот ишларини олиб бориш чоғида хавотирни либидо энергиясининг ноадекватлиги билан чамбарчас боғлаган бўлса, кейинги тадқиқотларида бу мослашувчан ҳимоя меҳанизми бўлиб, танани таҳдид ҳақида огоҳлантирадиган ва “Эго”га мазкур таҳдидга мақбул тарзда жавоб бериш имкони сифатида қаради. Бу ўринда олим хавотирни психологик ҳимоя ўрнида кўрди. Шу аснода у инсоннинг туғилишини хавотир туйғусининг бирламчи манбаи сифатида қаради. Бунинг сабабини она қорнидаги эмбрион туғилгандан сўнг янги бегона муҳитга дуч келиши ва онадан ажралишни бошдан кечириши ҳамда, унда ҳавотир туйғусини шакллантирувчи манбаи эканлигини аниқлади. Шунга мувофиқ хавотирнинг уч турини ажратиб кўрсатди:

1. Ташқи муҳитдан келиб чиқадиган реал таҳдидга жавобан вужудга келадиган хақиқий хавотир.
2. Эго Ид имплусларини бошқара олмаслик натижасида келиб чиқадиган невротик хавотир.
3. Супер эго томонидан жазо хавфига жавобан юзага келувчи аҳлоқий хавотир. Шунга кўра, хавотирнинг асосий функцияси шахнинг шахсий инстинктив майлларини англашни огоҳлантириш, мақбул шаклларда ва ижтимоий қулай шароитларда уларни қониқишини тартибга солишдир [4].

З.Фрейд 1896 йилда нашр эттирган “Истерия этиологияси” асарида биринчи марта ташқи муҳит талабларидан ва онгсиз инстинктив имплуслар қарама-қаршиликларидан келиб чиқадиган зиддиятларни вақтинчалик олдини олиш ёки уларни даражасини пасайтиришдан иборат мудофа меҳанизмларининг мақсадини батафсил баён эттирган. Фрейд кейинги илмий ишларида “Ҳимоя” атамасини “бостириш (сиқиб чиқариш)” атамаси билан алмаштирди. Кейинчалик, 1926 йилда у яна асарларида ҳимоя тушунчасидан фойдалана бошлади ва сиқиб чиқаришни ҳимоя меҳанизми сифатида фойдаланиб у билан бир қаторда бир нечта ҳимоя меҳанизмларини ҳам киритди. Фрейд ўзининг сўнги асарларидан бирида психологик ҳимояни мувозанатлаш ва тартибга солиш функциялари билан боғлади. Ҳамда, уни ўрганиш ва ривожланиш маҳсули сифатида ташқи ва ички муҳит зиддиятларини олдини олувчи куч сифатида қаради [3].

З.Фрейд концепсияга кўра барча ҳимоя механизмлари онгсиз равишда бўлиб, улар турли ҳил салбий нарсалар, воқеа ва ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ташвишлардан шахсни халос этиш мақсадида хақиқат идрокини бузиб кўрсатади. Онтогенез ривожланиш жараёнида шахс хаётида учрайдиган зиддиятли вазиятларни ҳал этиш ва хавотирларни камайтириш учун хизмат қиладиган ўзига керакли бўладиган ҳимоя механизмлари тўпламини олади.

З.Фрейд психологик ҳимоя механизмлари орасида сиқиб чиқариш ҳимоя механизми кўплаб невротик ва психосоматик касаллик аломатларининг асосий сабаби деб ҳисоблаган.

"Психологик ҳимоя" назариясининг кейинги ривожланиш тарихи З.Фрейднинг қизи А.Фрейд билан чамбарчас боғлиқ. Унинг назарияси психологик ҳимоя механизмлари борасидаги олиб борилган ишларни тизимлаштиришга хизмат қилди. У ўз тадқиқот ишларидан келиб чиқиб ҳимоя механизмларини биринчи аниқ таърифини берди. Унга кўра Ҳимоя механизмлари Эго ўзи учун хатти-ҳаракатларнинг хаддан ташқари таъсири ёки уларга тегишли бўлган таъсирлар пайдо бўлганда бошланадиган Эгонинг фаолиятидир. Улар автоматик равишда фаолият юритиб онга мувофиқ бўлмайди.

Унинг ғоялари ҳимоя механизмлари назариясига баъзи ўзгаришларни киритди. А.Фрейд ҳимояни мослашувчан аҳамиятини таъкидлаб, улар табиатан ҳимоя хусусиятига эга шахснинг нормадаги ақлий фаолиятини таэминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари у ҳимоя механизмларини перцептуал, интеллектуал ва моторли автоматизм деб атади. Улар онга хос бўлмаган ҳолатда автоматик равишда ҳаракатланади. Ҳамда, улар нафақат туғма мойиллик, балки ихтиёрий ва ихтиёрсиз ўрганиш натижасида пайдо бўлади[1].

Шунингдек А.Фрейд биринчи бўлиб шахснинг онтогенезда ривожланишида ҳимоя механизмларининг аҳамиятини таъкидлайди ва турли хил ҳимоя механизмларини пайдо бўлишини боланинг ривожланиш босқичлари билан боғлайди. Унинг фикрича, гўдак ҳимоя механизмларидан дастлаб Эгода юзага келган беқарорлик ва ўзбошимчалик натижасида юзага келган зўриқиш ҳолатида фойдалана бошлайди. Бу ҳолатни юзага келтирувчи сабабини эса гўдакнинг бирор нимага ўзбошимчалик билан муносабат билдиришнинг имкони йўқлиги билан боғлайди. А.Фрейд назариясига кўра, шахс онтогенезида психологик ҳимоя механизмлари шаклланишини қуйидагича асослайди:

Уч ёшгача бўлган болаларда рад этиш, проекциялаш ва тақлид қилиш ҳимоя механизмларининг кўринишлари кузатилади.

Уч ёшида эса болада сиқиб чиқариш, алмаштириш ва интеллектуализация ҳимоя механизмлари шаклланади.

Бошланғич мактаб ёшида компенсация ва рационализациянинг етук бўлмаган кўринишлари ривожлана бошлайди.

Жинсий идентитлик шаклланиши натижасида эса сублимация ҳимоя механизми ҳаракат қила бошлайди.

Шунингдек А.Фрейд боланинг ривожланиш босқичларига алоқадор бўлмаган ҳимоя меҳанизмлари борлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Улар зиддиятлар билан боғлиқ бўлиб, шахс ушбу вазиятларга дуч келган вақтда ишлай бошлайди. Бундай ҳимоя меҳанизмларига регрессия ўзининг шахслилигига қарама-қарши ҳимоя меҳанизми киради [2].

А.Фрейддан ташқари Мелани Кляйн ҳам ҳимоя меҳанизмлари борасида ўз тадқиқот ишларини олиб борди. У бола ривожланишининг дастлабки босқичларига катта эътибор қаратди. А.Фрейддан фарқли ўлароқ у бола туғилгандан бошлаб ҳимоя меҳанизмларидан фойдалана бошлайди деган ғояни илгари суради [5].

Юқоридаги фикрлардан шунақа хулосага келиш мумкинки, бола психикасида маълум бир психологик ҳимоя меҳанизмларининг устунлиги ҳар доим ҳам ижобий ҳолат сифатида бохоланмайди. Тўғри, маълум бир ҳимоя услубидан онгсиз равишда фойдаланиш болани вақтинчалик психологик ҳолатини яхшилаши мумкин аммо, ушбу онгдан сиқиб чиқарилган ҳолатлар онгсиз равишда яна онга қайтиши ундаги ижобий эмоционал ҳолатни умуман йўққа чиқариш эҳтимолини юзага келтиради. Шу сабабли, таълим-тарбия жараёнида болани барча муаммолардан онгли равишда ақлий имкониятларидан фойдаланиб уларни бартараф этишга ўргатмоғимиз лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бурлакова, Н. С. Детский психоанализ: школа Анны Фрейд /Н. С. Бурлакова, В. И. Олешкевич. – Москва: Академия, 2005. – 288 с. – (Высшее профессиональное образование).

2. Никольская, И. М. Психологическая защита у детей / И. М. Никольская, Р. М. Грановская. – СПб.: Речь, 2010. — 352 с.

3. Романова, Е. С. Механизмы психологической защиты. Генезис. Функционирование. Диагностика. / Е. С. Романова, Л. Р. Гребенников. — Мытищи: Талант, 1996. — 144 с.

4. Фрейд, З. Введение в психоанализ: Лекции / З. Фрейд; авторы Очерка о Фрейде Ф. В. Бассин и М. Г. Ярошевский. — М.: Наука, 1989. — 456 с.

5. Фрейджер, Р. Личность. Теории, упражнения, экспеименты: энциклопедия / Р. Фрейджер, Д. Фейдимен; пер. с англ. Е. Будагов, М. Васильева, В. Кучерявкин и др. — 6 междунар. изд. — Санкт-Петербург; Москва: Прайм-Еврознак: Олма-Пресс, 2004. — 608 с. Серия «Психологическая энциклопедия».

## RASMIY IDORAVIY USLUB HUJJATLARI TILI VA USLUBI (SUD HUJJATLARI USLUBIGA OID AYRIM MASALALAR)

*Egamqulova G.*
*Qashqadaryo viloyati Koson tumanidagi*
*73-umumiy o'rta ta'lim maktabining o'qituvchisi.*

Yuridik matnning tabiati huquqiy ko'rsatmalarning juda aniq va izchil bayon etilishi, hujjatning har tomonlama mukammal tuzilishi, ko'p ma'nolilik, uslubiy bo'yoqdorlikdan xoli bo'lishni taqozo etadi. Sho' ro davrida barcha normativ-huquqiy hujjatlar singari, sud sohasida ishlatildigan ish qog'ozlari ham aosan rus tilida yuritilgan. O'zbek tilidan aynan so'zma-so'z nusxa ko'chirilgan bo'lib, u o'zbek adabiy tilining qonun -qoidalariga mos kelmas edi. Rasmiy uslubdagi juda ko'p hujjatlar, xususan sud hujjatchiligi tili rus tilidan sun'iy tarjima bo'lganligi uchun fikrlar mujmal, g'aliz rasmiy qoliplar vujudga keldi. Bu esa, hozirda ham ishlatiladigan sud hujjatlari tilini o'ta sun'iylashtirib yubordi. Natijada ba'zi yuridek hujjatlarni bir necha marotaba o'qigandan keyingina tushunish mumkin. Rasmiy uslubning grammatik xususiyatlaridan biri fe'lning infintiv shakli, majhul nisbat formasi, buyruq mayli shakllarining faol ishlatilishidir. Lekin ularni qo'llashda adabiy til qonun- qoidalariga to'liq rioya qilgan ma'qul. Masalan, fe'lning 3 shaxs buyruq mayli asosan buyurish ma'nosini beradi. Shu ma'noda sudning hal qiluvchi qarorlarida ushbu shaklni qo'llash o'rinli. Lekin ariza matnida da'vogar biron -bir narsani undirib berishni iltimos qilib yoki arz bilan sud organlariga murojaat qiladi. Masalan quyidagicha; Shu sababli ‘‘ FPK ning 19-moddasiga asoslanib.

Arz qilaman:

Mening fuqarolik ishimni ko'rishdan Qarshi shahar sudining sudyasi A. Farmonov chetlatilsin'' tarzida ariza yozilishi ha m mazmunan, ham mantiqan, ham usluban to'g'ri emas, deb o'ylaymiz. Uning o'rniga ‘‘ asoslanib….chetlatilishini so'rayman ‘‘ shaklida bo'lsa nur ustiga a'lo nur bo'lardi. Shunday ekan, hurmatli yurtdoshlarim, tilimizning sofliligini asrash biz uchun ham farz va qarzdir. Zero, tilsiz---jamiyat bo'lmas.

## KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING PSIXOLOGIYASI

*Egamova A.*
*Shahrisabz shahar XTB ga qarashli 2-umumta`lim maktabi psixologi*

Kichik maktab davri 6-7 yoshdan 9-10-yoshgacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi.Bu davrga kelib bolaning psixikasi bilim olishga etadigan darajada rivojlanadi.Kichik maktab yoshidagi bolaning muhim xususiyatlaridan biri,unda o'ziga xos ehtiyojlarning mavjudligidir.Bu ehtiyojlar o'z mohiyatiga ko'ra faqt muayyan bilim,ko'nikma va malakalarni egallashga qaratilmay,balki o'quvchilik istagini aks ettirishdan ham iboratdir.Shu ehtiyojlar asosida bolaning o'z

portfeliga,shaxsiy o'quv qurollariga,dars tayyorlash stoliga,kitob quyish javoniga ega bo'lish,kattalardek har kuni maktabga borish istagi yotadi. Aynan ana shu ehtiyojlar asnosida bola shaxs sifatida shakllanadi, shuningdek, ijtimoiylashuv jarayonlariga ta'sir qiladi.

Bu davrda bola, fan asoslarini o'rganinsh uchun biologik va psixologik jihatdan tayyor bo'ladi.Fiziologlarning fikriga ko'ra, 7 yoshga kelib bolaning katta miya yarim sharlari ma'lum darajada rivojlangan bo'ladi.Lekin bu yoshda inson miyasining psixik faoliyatni rejalashtirish boshqarish, nazorat qilish kabi murakkab shakllariga javob beradigan maxsus bo'limlari hali to'liq shakllanib bo'lmagan bo'ladi.Miyaning bu qismlari 12 yoshga kelib rivojlanib bo'ladi. Bu jarayon to'liq shakllanib bo'lmaganligi kichik maktab yoshidagi bolalarning xulq-atvorida, faoliyatlarini tashkil etishlarida va emotsional sohalada yaqqol namoyon bo'ladi.

Pedagoglar ota-onalar bolalarni erta maktabga berishning foyda yoki zarari to'g'risida o'ylaganlarida inson miyasining neyrofiziologik qonuniyatlarini ham alohida e'tiborga olishlari lozim. Bolani erta o'qish, yozish, sanashga o'rgatib uning bilish jarayonlari zo'riqtirilsa, bolaning emotsional hissiy rivojlanishi uchun zarur bo'lgan miya quvvatining tanqislashuviga sabab bo'ladi. Bolani erta o'qish, yozish, sanashga o'rgatib uning bilish jarayonlari zo'riqtirilsa, bolaning emotsional hissiy rivojlanishi uchun zarur bo'lgan miya quvvatining tanqislashuviga sabab bo'ladi. Buning oqibatida bolaning emotsional hissiy jarayonlarining kechishida yoki jismoniy rivojlanishida kamchiliklar sodir bo'ladi. Bunday holatda energiya taqsimlaninshining majburan buzilishi sodir bo'lib,u 7-8-yoshli bolalarni qo'rquv,agressivlik yoki giperaktivlik holatlariga olib keladi. Bu bolani maktabga o'qishga tayyorlash kerak emas degan fikr emas, lekin bolanining aqliy kamolotiga erta o'qishni, yozishni, sanashni o'rgatish bilangina erishib bo'lmaydi.Ma'lumki,rivojlanish qonuniyatiga ko'ra har qanday taraqqiyot ko'rgazmali obrazlilikdan abstract mantiqiylikka qarab boradi. Agar bola hali o'qishga aqliy, ma'naviy-ruhiy jihatdan tayyor bo'lmay turib,unga xarf va raqamlarni yozish,o'qishga o'rgatilsa psixik rivojlanishning teskari tomonga ketishiga sabab bo'ladi.Psixolog olimlarning fikricha,psixik va evolyutsiya taraqqiyot qonunlari ham fizik qonunlar kabi o'zgarmas,hamda universaldir.Yuqoridagi fikrlarni umulashtirib aytish mumkinki,neyrofiziologik jihatdan ixtiyoriy diqqat va o'qish uchun zarur bo'lgan ko'plab miyada kechadigan jarayonlar asosan 7-8 yoshga kelib shakllanadi.Ya'ni shu yoshda bola 45 daqiqalik aqliy mehnatga tayyor bo'ladi.

6-7-yoshli maktabga tayyor bolada''Men shuni xohlayman '' motividan ''Men shuni bajarishim kerak''motivi ustunlik qila boshlaydi.

Kichik maktab yoshidagi bolaning asosiy faoliyati o'qish hisoblanadi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ahloqiy onglari 1-4-sinfdagi o'qish mobaynida muhim o'zgarishlarga uchraydi va ahloqiy sifatlar, bilim va tasavvurlarning boyish sezilarli darajada boyiydi.

Bu davrda kattalar bolalarni amaliy jihatdan o'z vaqtlarini to'gri taqsimlash borasida yaxshi o'qish, o'ynash, sayr qilishva boshqa narsalar bilan shug'ullanish qoidalariga o'rgatadilar. Demak, oilada bola u bilan hisoblashadigan, maslahatlashadigan yangi bir o'rinni egallaydi. Kichik maktab davri bu ijobiy

o’zgarishlar va yangilanishlar davridir. Shuning uchun ham rivojlanishning bu bosqichida har bir bola erishgan muvaffaqiyatlar darajasi nihoyatda muhim hisoblanadi. Agar shu yoshda bola bilish, o’rganish quvonchini his etmasa, o’qish malakalarini egallay olmasa, do’stlashishni bilmasa, o’ziga nisbatan,o’z imkoniyat va layoqatlariga nisbatan ishonchli bo’la olmasa,bu ishlarni kelgusida amalga oshirishi qiyinroq bo’lib,boladan yuqori ruhiy va jismoniy zo’riqishni talab etadi.

Kichik maktab davrida o’qish faoliyati bilan shug’ullanish, jumladan moddiy narsalarning har xil xossalari bilan tanishish sezgilarning o’sishiga katta ta’sir ko’rsatadi.Kichik maktab yoshidagi o’quvchilarda asosan farq qila olish,ko’rish va eshitish sezgilari ayniqsa tez o’sadi.7-10-yoshli bolalarda ranglarning tuslarini sezish 45 foiz ortishi,10-12-yoshgacha bolalarda esa 65 foizgacha ortishi rus olimlari tomonidan aniqlangan.Kichik maktab yoshidagi o’quvchilarni rasm chizishga o’rgatish ranglarni farqlash sezgirligini o’sishiga katta ta’sir ko’rsatadi.Ohanglarni farq qilish sezgirligi,ayniqsa bolalarga musiqava ashula o’rgatish jarayonida kuchli sur’atda o’sadi. Sezgilarning o’sishida shuningdek, jismoniy tarbiya mashg’ulotlarining ham ahamiyati katta. Aniq harakat qilishga jalb etuvchi mashqlar bolalarning muskul –harakat sezgilarini o’stiradi.

O’quvchilar tushuncha va qoidalarni ta’riflab berolmay qolganlarida yoki ta’riflab berish mushkul bo’lgan paytlada tasvirlab, taqqoslab, xarakterlab, misollar bilan ko’rsatib beradilar. Dars jarayonida o’qituvchi turli vaziyatlarni tasavvur qilishni so’raydi. Bu holat, albatta biror-bir yordamchi qurollar,predmetlar, maketlar,sxemalar bo’lgan taqdirdagina o’quvchi tasavvurini rivojlantirishi mumkin.Aks holda bu yoshdagi bolalar mustaqil tasavvur,harakatlar qilishga qiynaladilar.Kichik maktab davrida tasavvur asosan bolalar rasm chizayotganlarida,shuningdek ertak va hikoyalar to’qiyotganlarida rivojlanadi. Kichik maktab yoshidagi o’quvchilar o’z hayollari va tasavvurlariga asoslangan holda qiziqarli ertak va hikoyalar to’qiy oladilar. Bu yoshdagi bolalar tasavvuri juda keng va xilma-xil bo’ladi. Ayrim o’quvchilar real borliqni tasavvur etsalar, boshqalari esa fantastic obraz va vaziyatlarni tasavvur etadilar. Shu bois turli tasavvurlar zamirida ularning qo’rquvni yengishi, do’st topishi, xursandchilik hislari yotadi.

Maktabga kelish arafasida bolaning so’z boyligi o’z fikrini bayon eta oladigan darajada ortadi. 6 yoshdagi normal rivojlanayotgan bola o’z nutqida 3000-7000 so’zni ishlatadi. Bu davrda bolaning yozma nutqi ham shakllanadi. Ta’lim jarayonida tafakkur operatsiyalariga, mustaqil fikrlashga o’rgatish kichik maktab yoshidagi o’quvchilarni barkamollikka erishtirishning garovidir.

Kichik maktab davridagi bolalarning aqliy rivojlanishi ijtimoiy omillar bilan belgilanadi. Individ ijtimoiy munosabatlar ta’sirida o’zgaradi. Bolaning maktabda muntazam ravishda o’qishga o’tishi uning barcha bilish jarayonlarini rivojlanishiga va o’z-o’zidan atrof-hayotdagi narsa –hodisalarga nisbatan fikrini,munosabatlarini o’zgarishiga olib keladi.

Kichik maktab yoshidagi bolalar shaxsi rivojlanishiga ularning atrofidagi odamlar, ota-onasi, o’rtoqlari va ayniqsa o’qituvchisi bilan bo’ladigan munosabatlari katta ta’sir ko’rsatadi.

Bola o'qituvchisini aql sohibi, ziyrak, sezgir, mehribon inson deb biladi.O'qituvchining obro'si oldida ota-onalar,oilaning boshqa a'zolarining nufuzi keskin kamayadi. Shu sababli bolalar bu davrda o'qituvchining so'zini qonun sifatida qabul qiladilar. Bolalarning o'quv faoliyatidagi muvaffaqiyati hamda shaxsining shaklllanishi ko'p jihatdan ularning o'qituvchisi bilan munosabatlaridagi o'ziga xos xususiyatlariga,sinfdagi o'z mavqeini qay darajada anglab yetishiga, tarkib topgan o'quvchilar jamoasi bilan o'zaro munosabatlariga bog'liq bo'ladi.

KIchik maktab yoshidagi o'quvchilarning hislari o'zining ancha barqarorligi,anglanganligi bilan maktabgacha yoshdagi bolalarning hislaridan farq qiladi, bu hislar anchagina osoyishtalik bilan o'tadi,ancha chuqur va kuchli bo'lib qoladi.Kichik maktab yoshidagio'quvchilarning umumiy emotsional tonusida xushchaqchaqlik,ruhiy tetiklik kayfiyati ustunlik qiladi.Darslarda va tanaffus vaqtlaridagi o'yinlardaular quvnoq va tetik bo'ladilar.Bunday holat esa kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning emotsional hayotida norma bo'lib hisoblanadi.

Bu yoshdagi bolalarni maktab dasturiga kiritilmagan juda ko'p atrof-muhit hodisalari haqidagi bilimlar qiziqtiradi. Bu qiziqishlar bolaning ko'pincha e'tiborga olinmaydigan ijodiy o'yinlarga nisbatan qiziqishlarida ham namoyon bo'ladi. Bunday o'yinlarda uning ijtimoiy qiziqishlari, emotsiyalari, jamoa uchun tashvishlanish kabi hislari aks etadi. Qiziquvchanlik kichik maktab yoshidagi bolalarning keng aqliy faolligininamoyon etilish shakli hisoblanadi.

Bu davrda bolalarda muvaffaqiyatga erishish motivlari tarkib topa boshlaydi. Bu yoshdgi bolalar soatlab yolg'iz holda sevimli mashg'ulotlari bilan shug'ullanishlari mumkin va shular asosida ularda mehnatsevarlik va mustaqillik fazilatlari shakllanadi.Ularda mehnatga havas uyg'onadi,mehnatga va mehnat ahllariga hurmat bilan qarash,ijtimoiy foydali ishlarda qatnashishga intilish singari fazilatlar tarkib topadi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning intelektual hislari bilish jarayonida rivojlanadi. O'quv faoliyatida bolalar katta hajmdagi bilimlar va faktlarga duch kelib ular bolalarda taajjublanish, ishonchsizlik, quvonch hislarini yuzaga keltirib,qiziquvchanlik, urichoqlik,shubhalanish va shu kabi boshqa hislarning shakllanishiga asos bo'ladi.

O`qishga nisbatan ijobiy munosabat kichik maktab davrining oxirlariga kelib birmuncha pasayish ko'zga tashlanadi. O'quv faoliyatiga qiziqish 1-2-sinflarda ko'tarilib, 3-4-sinflarda pasayadi. Kichik maktab yoshidagi o'qishga qiziqishning pasayishi sabablaridan biri sifatida V.A.Suxomlinskiy o'qituvchi tomonidan past bahoning ko'p qo'yilishi,bu esa bolada o'qishga nisbatan qiziqishning pasayishi va o'z imkoniyatlariga nisbatan bo'lgan ishonchning pasayishida deb biladi.

O'quv faoliyati kichik maktab yoshidagi o'quvchi uchun nafaqat bilish jarayonlarining yuqori darajada rivojlanishi,balki shaxs xususiyatlarini rivojlantirish uchun ham imkoniyat yaratadi.Kichik maktab yoshi davrida bola shaxsining shakllanishi davom etadi.O'quvchining maktabdagi muvaffaqiyati uning keying psixik rivoji va shaxsining shakllanishida to'liq ijobiy asos bo'ladi.Buning natijasida o'z-o'zidan oilasi,o'qiyotgan sinfi va boshqa jamoalardagi o'z o'rnini anglay boshlaganini ko'rish mumkin.

Xulosa sifatida aytish mumkinki,boshlang’ich sinf o’quv faoliyatining asosiy vazifasi – bu o’quvchilarni ‘’o’qish’’ga,bilim olishga o’rgatishdir.Kichik maktab yoshidagi bolalarning psixik rivojlanishida ta’limning ta’sirida jiddiy o’zgarishlar yuz beradi.Bu o’zgarishlar ularning hayotlarining ma’suliyatli davri bo’lmish o’smirlik davriga o’tish uchun tayyorlaydi.

Barchamizga aqlan yetuk, ma’nan barkamol, ruhan va jismonan sog’lom farzandlar kamolini ko’rish nasib qilsin.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RUYXATI.**

1.M.G.Davletshin va boshqalar ‘’Yosh davrlar va pedagogic psixologiya’’ T.TDPU.2009.

2.Petrovskiy.A.V. Yosh psixologiya va pedagogic psixologiya. M.1979.

3.Nishanova Z.T. Mustaqil ijodiy fikrlash.- T. Fan.2003.

4.G’.B.Shoumarov.Oila psixologiyasi.T.SHarq. 2010.

## YANGI O’ZBEKISTONNI BARPO ETILISHIDA BOSHQARUVNING AHAMIYATINI OSHIRISH MASALALARI

*Eraliev A.*

*Andijon mashinasozlik instituti katta o’qituvchisi*

Ҳавас ҳасаднинг акси ўлароқ бундай ҳиссиёт инсонни бахт гармонлари юқорилигининг белгиси ҳисобланади. Бундай ҳис барча инсонларда мавжуд бўлиб кимдадир юқори даражада кимдадир эса қуйи даража бўлиши мумкин.Олам тортишиш қонунияти мавжуд бўлиб кимгадир ҳаваси келган инсонга беихтиёр ўхшашга ҳаракат қилади. Ўзлари англамаган ҳолда характер-хусусиятларини ўзлаштиради.

Халқимизда ҳавас қилиш кераклиги, кўп нарсага ҳавас билан эришилиши ҳақида кўплаб ҳикматли сўзлар мавжуд, зеро, инсон нима ҳақида кўп ўйласа ўйлаган нарсалари моддийлашади. Қанчалик инсоннинг позитив ҳис туйғуларга эга бўлиши унинг негатив нарсалардан узоқ бўлишига сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳасад бу инсоннинг ич-этини емирадиган ёмон иллатлардан биридир. Бизга берилган умримиз давомида фақатгина ҳавас қилиб яшайлик, азиз замондошлар!

## QIZ BOLANING ODOBIDA PSIXOLOGIK YONDASHUV

*Eshmatova X.X.*
*Qarshi shahar 6-maktab psixologi*

Oila- bu kelajak avlodni dunyoga keltiruvchi er-xotin, farzandlar, oilaning bir maromda tutib turuvchi bobo va buvilar tarkibidan iborat katta bir jamoadir.

Jamoaning qay bir yo'ldan yurishi, qay bir tomonni tanlashiga qarab ularning ahilligi va yoki jamoa a'zolarining o'z vazifalariga ma'sulliyatlari qay darajada ekanligini bilib olamiz. Ota-ona farzandni dunyaga keltiradi uni kamolini ko'rish niyati bilan yashaydi, ularning tarbiyasiga bobo va buvilarning ham aralashuvi foydadan xoli bo'lmaydi albatta. Ko'p xollarda yosh ota-onalar moma va buvalarni bolalar tarbiyasiga aralashuvlarini -ularni erkalatib tarbiyasini buzadilar- deb ortiqcha bilishadilar. Bu bilan ular bolalarni erkalatib mehr va muhabbat tuyg'ularini ularga shakllantirayotganlarini hisobga olmaydilar.

Mazkur maqolamizda aynan mana shunday mavzular asosidagi xikoyalarga duch kelinadi. Undan tashqari yoshlarning oila qurish shartlari va yetuklik darajasiga qay darajada amal qilishlari xususida ham to'xtalib, momo va buvalarimizning o'gitlaridan ham barhamand bo'linadi. Har bir yosh yigit va qiz ongi va shuiriga oila qurishdan oldin oila muqaddas ekanligini, u buzilish uchun emas, balki bir umr baxtli-saodatli yashashlari uchun qurilishini singdirish kerakligi yoritib beriladi.

Xulosa qilib aytganda maqola oila qurish yo'si haqida o'quvchiga muayyan tartib tarzidagi tavsiyalar berish emas. Zero, oila hayotidek murakkab va serqirra hodisaning aynan bir qolipda kechishi qiyin. Maqola ko'proq yozilgan va yozilmaydigan qonuniyatlarini tavsiflashga harakat qilingan. O'quvchilarga

o’zbekona oila yuritish an’analari juda qadimiy ekanligini eslatish maqsadida oilaga bevosita va bilvosita daxldor urf-odatlarimizni yoritishni ham lozim deb bilingan.

Oilani muqaddas ekanligini ming marotaba takrorlashdan ko’ra bir marotaba uning muqaddasligini his qilish, oila a’zolarining dardini o’z dardi singari bilish, yetti pushtining or nomusi va sha’nini o’z sha’nidek himoya qilishning o’zi yetarlidir.

Shuning uchun ham xalqimizda: - yetti pushtini surishtirib qiz bergin yoki qiz olgin,- degan ajoyib naql yuradi.

Qiz bolaning odobida psixologik yondashuv

Ota-onaning obro’sini ko’klarga ko’taruvchi ham, aksincha yer bilan bitta qiluvchi ham farzanddir. Inson onadan yaxshi yoki yomon bo’lib tug’ilmaydi. U avvalo oilada, keyin mahalla va boshqa dargohlarda o’sib ulg’ayadi hamda shakllana boradi. Shu tariqa farzandining odob-ahloqi ham namoyon bo’la boshlaydi.

Endi qiz bolaning odobi haqida gapirar ekanmiz, bu mavzuga kengroq to’xtalishni o’z oldimizga maqsad qilib qo’ydik.

Aytishlaricha, uch nafar qizni joy-joyiga uzatib, borgan joyidan raxmat eshitgan ota-onani jannati ota-onalar deyishadi.

Bu so’zning haqligiga bir necha bor amin bo’lganmiz. O’zbek oilasida qiz bolani tarbiyasida bir necha qadimgi xalq maqollarini dastak qilib olamiz. Ular:

-odobli qiz elga manzur.

- Qizi o’nga kirsa, onasi songa kirar.

-Yaxshi qiz mahalladan ortmaydi.

- Qizi bor uyning fayzi bo’lakcha

Yana o’zbek xalqi mahalla-kuy oldida uyalib qolmasin uchun ham qiz bola tarbiyasiga alohida e’tibor beradi.

Ha albatta, qiz bolaning xunugi bo’lmaydi, ularning barchasi go’zal. Biroq tashqi tomondan qanchalik go’zal bo’lmasin uning odobi, muomala va xatti-xarakatlarida go’zallik bo’lmasa, bu husnning qiz bolaga foydasi yo’qdir.

Xonadonga kelin tushdi. Kelin juda chaqqon, farosatli, muloyim, juda xushbichim, xullas- kelining bormi?-desa, -bor - degudek.

Xonadon egalari shunday□bekamu-kust□ kelinlari borligidan minnatdor edilar.

Kun ketidan kun kelib, nima bo’ldi-yu kelin-kuyov o’rtasida arzimas narsadan janjal chiqib qoldi. Xonadon kattalari urushning asl sababini anglab yetmasdan, hali chillasi chiqib ulgurmagan kelin devorda osilib turgan soatni joyidan olib, kuyovga uloqtiradi, natijada kuyovning peshonasi yorilib birpastda yuzi,ko’zi qonga belandi. Kelinning tomoshasi bu bilan yakun topmadi, qilar ishni qilib, xijolat yoki pushaymon bo’lish o’rniga boshidagi ro’molini uloqtirib, oyoq-yalang xolda dod solgancha o’zini ko’chaga uradi.

Xo’sh ne niyatlarda kelin qilgan ota □ona endi farzandining baxtiga kuysinmi, mahalla-kuy ichida bir pul bo’lgan xonadoni sha’nigami. To’g’ri ko’p yillik qo’shnilari ichida xonadon egalarining aybsiz ekanliklarini bilsalarda, lekin o’ylamasdan fikr qiluvchi mahalladoshlar ham topiladi.

Xullas bir aqlsiz kelinning orqasidan xonadon egalarining boshlari egildi.

Shu sababli biz umid qilamizki, ota-onalar qizlarining sepiga □odob□ni ham qo'shib jo'natsalar, -barcha yomonliklaringni bizga tashlab, borgan joyingni obod qilgin,- deb oltindan qimmat nasihatlarini ham ayamasalar, o'ylaymizki hech kimning boshiga yuqorida bayon etilgan xonadon egalarining xoli tushmas edimi?, Xullas nima bo'lganda ham o'zbek qizlariga bundayin nomaqulchilik yarashmaydi, ularga xos fazilatlarning eng oliysi □uning odobidir.

Chiqqan qiz chig'iriqdan nari.

Kuz kelib yig'im-terim avjida, barcha o'z yumushlari bilan band Xusan bobo xonadonida ham hayot qaynagandan □qaynagan kenjatoyi Rasuljon allaqachon ishga ketib bo'lgan, kelini Lolaxon ham bolalarini nonushtasini berib, maktabga yuborish taraddudida. Mana olti yildirki Xusan boboning kampiri bandachilikni bajo keltirib boboni yolg'iz tashlab ketgan,barcha bolalarini uyli- joyli qilib, ularni tashvishi va quvonchiga cherik bo'lish yolg'iz boboga nasib qilgan. Bolalarning baxtli kunlarida bo'lishlik albatta maroqlik, biroq tashvishli kunlarida ularga maslahat berib to'g'ri yo'lga solib yuborish anchayin mushkul ekan. Shularni o'ylab bobo bolalari bilan bog'liq bo'lgan bir voqiyani esladi;

Bir kun mana shunday kuz kunlarning birida boboning kenja qizi Nodira uyga yig'lab kelib ;- erim bilan ajrashaman, biron-bir ishni qo'lidan tutishni bilmaydi, bu turishda meni va bolalarimni ochidan o'ldiradi, - deb qoldi.

Kenjatoy qizi yaxshi joyga tushmaganidan, bunga yarasha kuyovini ishlamasligi, endi esa qizining baxti barbod bo'lishini o'ylab dili vayron bo'lgan Xusan bobo, qizi Nodiraga; - bu sening taqdiring! boriga shukur qilasanda - deb, yoki - to'g'ri aytasan, bunday er bilan yashab bo'larmidi, bolalaring bilan uyga qayt- degan so'zni aytmadi. Aksincha shashlik ham six ham kuymaydigan bir ishni qildi. Ajrashish qaroriga allaqachon kelib bo'lgan, taqdirga tan bergan Nodiraga □ qizim, □chiqqan qiz chig'iriqdan nari□ bo'lar ekan, sen kelib akang oilasida bezovtalik bo'lmasmikin, shuning uchun sen shunday ish qilgin, ering uyiga borginda shu kundan boshlab qanday bo'lmasin, eringni aldab □suldabmi o'n million pul topib kelasan, meni nafaqamdan ham bir-ikki so'm yig'ilib qolgan, shularni qo'shib senga bir boshpana olamiz, yoki quramiz undan keyin ajrashib kelsang ham bo'ladi- deb qoldi.

Bundayin so'zni eshitaman deb oylamagan Nodira biroz o'zini yo'qotib qo'ydi, keyin otasining bu so'zi naqadar to'g'ri ekanini bildimi, ayol xoxlasa qo'lidan barcha ish kelishiga ko'zi yetdimi, xullas ko'nglida umid uchqunlari paydo bo'lib, bolalarini oldiga soldida yana eri uyiga yo'l oldi.

Shu-shu Nodira qolib ketgan chevarlik ishini qo'liga olib, qo'li-qo'liga tegmay ko'ylaklar tika boshladi,vaqti-vaqtida bozordan avvaliga arendaga olingan keyinchalik o'zlarini nomlariga rasmiylashtirilgan joyga turmush o'rtog'i bilan savdo-sotiq qildi, buning evaziga bitmay qolgan uyini bitirdi, yangi avtomobil sotib olishdi, butun kami-kustini bitkazib bo'ldi. Lekin haliyamki otasi aytgan □o'n million□ pulni jamg'ara olmaydi. Vaqti-vaqti bilan otasining xazillashib, -qachon men aytgan mablag'ni to'playsan □ degan so'zlariga - xali emas- deb, kulib javob berib qo'yadi.

Xusan bobo farzandlarining tinib-tinchib ketganini ko'rib, bu o'rinda o'zini ham xissasi borligidan gururlanib, kampiri Oysha moma bilan g'oyibona gaplashib qoladi va so'zi yakunida- ey kampir, shularni barini sen ham ko'rganingda edi- deb qo'yadi.

Qishloq odatlariga ko'ra- sovchilik…

Turmush o'rtog'imning ishi o'xshamasdan shahardan qishloqqa qaytishga to'g'ri keldi. Butun yoshligim ushbu qishloqda o'tgan bo'lsada, bugungi kunga kelib qishloq turmushini, urf-odatlarimizni unutib qo'ygan ekanman. Katta farzandim Sobirjonni uylantirish taraddudiga tushdik. Kelinni o'z qishlog'imizdan qilishga qaror qildik. Bir nechta xonadon qizlaridan nomzod ham topib qo'ydik. Nomzod qizlar uyiga sovchilikka borish ishlarini boshladik. Katta sovchi qishloqqa folbin nomi bilan dong'i ketgan Jumagul onaxon bo'lib, aytishlaricha onaxon qaysi oilaga qaysi qizni mos kelishini qiz uyiga borganidan bilib olar emish, mos deb bilmagan oilaga kirmasdanoq, orqasi ko'tarmasdan qaytib ketar ekan.

Farzandim baxtini o'ylabmi, yoki ushbu qishloq urf-odatlariga qarshi chiqishni xoxlamadimmi, xullas, sovchilikka Jumagul xolani ham qo'shib oldim. Jumagul xola qishloq ahlini juda yaxshi bilgani uchun sovchilikka borishdan oldin men tanlagan qizlar haqida ularning oila a'zolari xususida axborot berdi. Ish to'liq bitmaganidan sovchilikka borish ishlari bir necha kunga qoldirildi.

Shu kunlar ichida kelinlikka munosib qizlar ro'yxati yana oshdi. Bizning eshitishlarimiz bo'yicha ma'qul bo'lgan qiz yani Sobirjonga ma'qul tushgan qiz qo'shni qishloqdan bo'lib, ularning oilasi, kelib chiqishi xususida hech narsa bilmas edik.

Xullas qo'shni qishloqdagi qiz ya'ni Shaxloxonni uyiga ham etib keldik. Qizni hovlisiga kirishimizdanoq Jumagul xolaning chehrasi yorishib, -shu xonadondan qizni olsak ham olamiz, olmasak ham olamiz,- dedilar. Bu gap menga ham yoqib tushdi, xonadon egalarini amallab ko'ndirib, vazifamizni a'lo darajada bajarib qaytdik, bir oyga qolmasdan Shaxloxonni kelin qilib tushirib oldik. Oradan mana 4 yil o'tibdiki kelinimdan noliydigan hech bir xolat ko'rmadim, qudalarimni esa aytmasa ham bo'ladi. Xullas xonadonimga Shaxloxon o'zi bilan jannatni olib kirdi.

Qiziqqonligim ustun kelib bir kun Jumagul xolani uyiga bordim va nima uchun ushbu xonadon haqida eshigidan kirar kirmas ijobiy fikr bildirganini so'rab qoldim. Jumagul xola o'ylab ham o'ttirmasdan gap boshladilar:- men aslida hech qanaqangi folbin emasman, faqat juda ko'p xonadonlarda bo'lganimdan, malakam oshgan xolos. Qudangiz haqida gapiradigan bo'lsam biz borgan kun esingizda bo'lsa ularnikida kir yuvib yoyilgan edi. Kirni toza yuvganidan xonadon egalarining ko'ngli oq va saranjon sarishta ekanligini bilgan bo'lsam, yuvilgan kiyimlar tur-turi bilan tekis qilib yoyilganini, kishi ko'zi tushdigan joyda ichki kiyimlarni ko'rmaganimdan ibo-xayoli oila ekanini angladim. Shuningdek shuncha kir yuvilishiga qaramasdan mazg'avani qayerga to'kkanini bila olmadim. Bu ularning diniy tarbiyasi yetarli degan fikrga kelishimga sabab bo'ldi,- deb qoldilar onaxon.

Shu bo'ldiyu onaxonga mehrim bo'lakcha ortdi. Keyingi kelinlarimni ham onaxonni maslahatlari asosida tanlashni o'z oldimga maqsad qilib qo'ydim.

Oltin sandig'imdagi momom hikmatlari:

Qizlargul momom deganlari;

-Ayol kishining biror bir kasbning egallashi oila iqtisodigagina foyda keltiribgina qolmasdan oila mustahkamligiga ham munosib hissa qo'shadi□ Ayolini har ertalab ishga chiqib ketish oldidan o'ziga □oro□ berishi har qanday erkakning befarq qoldirmaydi, ayolini kun bo'yi o'ylab yurishga, kerak bo'lsa □rashk□ qilishga olib keladi. Beg'araz rashk muhabbatni mustahkamlaydi, - dedi momo qo'shni juvonning o'z turmush o'rtog'idan nolib aytgan so'zlariga javobidan.

- Qizim non zuvalasini bir xil kattalikda olsangiz, hayotda yaxshi bilan yomonni oson farqlay olasiz.
- Oilada erkakning sevgisi har ikkalalariga yetadi.
- Qizim, saranjom-sarishtalik hamisha oily maqsadingdan biri bo'lsin, o'rin-ko'rpang janda bo'lsa ham, ganda bo'lmasin.
- Ota-onaning eng baxtli davri bolasining go'daklik davri, keyin bolalari kattalashgan sayin tashvishi ham ortib borar ekan.
- Bolani har qachon urib tarbiyalab bo'lmaydi, uni mehr bilan suying, kezi kelib xato qilganda ham mehr bilan jazolang.
- Xotinni suyganingni ham, urushganingni ham birov bilmasin.
- Har bir kunning o'z gashti bor, bugun yomon degan kuningni ham betakror jihatlari bor.
- Qiz bola xarakteriga dag'allik, qo'pollik kabi salbiy xislatlar mehmon ham bo'lishi kerak emas.

**Bibixadicha moma aytganlari;**

- Mehmonga tuzatilgan dasturxonga eng avval mezbon farzandning kelib o'ttirishi, xonadon egalarida odob- ahloq tushunchasidan saboq berish darajasi yetarlicha emasligidan dalolat beradi.
- Har bir oilaning estafeta bayroqchasi bo'ladi, bayroq eng avval yangi kuyovda bo'ladi, bir-ikki farzandli bo'lgach har ikkalasiga birdek, keyinchalik borligicha ayol qo'liga o'tadi. Sababi erkaklarni ayolsiz yashashga irodasi yetmaydi.
- Hech bir aqlli ayol farzandini dunyoga keltirgani va boqib katta qilganini pesh qilmaydi. Aksincha farzandlarning borligi hayoti mazmuni ekanini e'tirof etadi.
- Ko'p onalar o'g'il farzandini obro'sini yetarlicha joyiga qo'yadilar, ular yonida oyoqlarini uzatib o'tirmaydilar va cho'zilib yotib olmaydilar bu ishlari bilan ular kelinlariga o'rnak bo'lishadilar.
- Ayolning erini hadeb tergashi uni g'ashini keltiradi, erkak ma'qul ko'rgandagina o'zi aytib beradi borini.

Qila ijtimoiy bir jamoa, bir guruhdir. U boshqa bir guruhlardan ko'p yilga tuzilgani va mehr-muhabbat asosida tashkil topganligi bilan ajralib turadi. U kishilik jamiyatida insoniy oriyat va nomusni anglashga va bu tuyg'ularni idrok etishga xizmat qiladi. Oila qancha mustahkam bo'lsa, jamiyat shuncha mustahkam bo'ladi. Oila mustahkamligi esa ko'p xollarda ayollarimizga bog'liq.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**
1. "Oila psixologiyasi" Karimova. Toshkent 2007
2. "Oila psixologiyasi" Babajonova Guliston 2015
3. "Oila psixologiyasi" Shomurodov Toshkent
4. "Umumiy psixologiya" G'oziyev Toshkent
5. "Oilada bola psixologiyasi" Abduvalitov 2017

## NORMALE REAKTION AUF EIN UNNORMALES ERLEBNIS – NOTFALLPSYCHOLOGIE

*Eshonkulova N.*
*UzSWLU*

Die Notfallpsychologie beschäftigt sich mit der Prävention, der Akutbetreuung und der Nachbearbeitung von außergewöhnlich belastenden Ereignissen. Sie definiert sich über einen konkreten Notfall und umfasst alle psychologischen Interventionen zur Unterstützung von Betroffenen und Angehörigen während und nach Notfällen. Dazu zählen rasch einsetzende psychologische Stabilisierungsmaßnahmen und Akutinterventionen unmittelbar nach einem Notfall, welche jedoch auch nach Tagen, Wochen oder länger notwendig sein können.

Die Notfallpsychologie handelt von dem Erleben und Verhalten während und nach Notfallsituationen. Hausmann definiert sie folgendermaßen: "Sie (die Notfallpsychologie, Anm.) definiert sich über einen Anlass, den konkreten Notfall, und umfasst alle psychologischen Interventionen, die in Bezug auf diesen Notfall nötig sind." (Hausmann 2006). Eine weitere Gliederung der Notfallpsychologie ergibt sich aus dem zeitlichen Rahmen. Lasogga und Gasch (2005) sprechen von Notfallpsychologie im engeren Sinn welche Prävention, Akuthilfe und Nachbetreuung im Zeitraum von einigen Stunden und Tagen umfasst. Die Behandlung von Folgestörungen fallen nicht mehr in den Tätigkeitsbereich der Notfallpsychologie. Genauer sehen sie dies so: "Notfallpsychologie ist die Entwicklung und Anwendung von Theorien, Methoden und Maßnahmen der Psychologie sowie ihrer Nachbardisziplinen bei Einzelpersonen, Gruppen und Organisationen, die von Notfällen direkt oder indirekt betroffen sind. Sie wendet sich sowohl an die Opfer als direkt Betroffene als auch an indirekt Betroffene wie Angehörige, Augenzeugen, Zuschauer, aber auch an Helfer und Mitarbeiter von Hilfsorganisationen. Sie umfasst Präventions, Interventions-, und Nachsorgemaßnahmen bezogen auf einen relative kurzen Zeitraum." (Lasogga und Gasch 2004, S.23)

Nach einem "Notfall" reagieren Personen sehr unterschiedlich. Dabei handelt es sich in jedem Fall um normale Reaktionen aufgrund abnormaler Ereignisse. Die Anwendungsgebiete der Notfallpsychologie sind Großschadensereignisse (Naturkatastrophen, Busunfälle, Flugzeugabstürze), Unfälle, Beobachten und

Erleben von schrecklichen Ereignissen (z.B. Autounfälle, Vergewaltigung), Gewalterfahrungen, Geiselnahme, Tod einer nahestehenden Person und todbringende Krankheit. Man beobachtet folgende mögliche Reaktionen auf Extrembelastungen.

✓ Körperliche Anzeichen: Zittern, Schlafstörungen, Bluthochdruck, starkes Herzklopfen, Kopfschmerzen, trockener Mund;

✓ Gedankliche Ebene: Gedächtnisbeeinträchtigungen, Verwirrtheit, Benommenheit, gedankliche Verlangsamung, Erinnerungslücken;

✓ Gefühlsebene: Angst, Ärger, Verzweiflung, Niedergeschlagenheit, Gleichgültigkeit, Schmerz, Schuldgefühle, Abstumpfung;

✓ Verhalten: Sozialer Rückzug, Weinen, Schreien, Teilnahmslosigkeit, Fehlhandlungen mit eventueller Selbstgefährdung, Selbstmordabsichten.

Diese Reaktionen können nach einem außerordentlich belastenden Ereignis auftreten, müssen aber nicht jeden betreffen und auch nicht bei jedem gleich stark ausgeprägt sein. Krisen und Konflikte entstehen durch Zuspitzungen von Ereignissen, durch welche die Persönlichkeit in ihren Grundfesten erschüttert wird. Die zur Bewältigung des Ereignisses zur Verfügung stehenden Strategien sind nicht oder nur teilweise vorhanden. Orientierungs- und Hilflosigkeit paaren sich mit Trauer, Angst und vielleicht auch Wut. Bei der Krisenintervention geht es – wie bei der ersten Hilfe in einer Unfallsituation – um Schmerz- und Schockbekämpfung, Schadensbegrenzung bzw. Verhütung einer Verschlimmerung. Unfälle, Todesfälle, Katastrophen, Gewalt und andere extreme Ereignisse verletzen die Betroffenen nicht nur körperlich, sondern immer auch seelisch. Aber auch Ersthelfer, Sanitäter und Notärzte, die vor Ort medizinische Versorgungen leisten, können zu Betroffenen werden. Es genügt deshalb nicht, in Notlagen die Betreuung auf die medizinische Erste Hilfe allein zu beschränken. Die fachgerechte Behandlung der seelischen Verletzungen ist für das Überwinden der Notlage ausschlaggebend.

Viele Menschen machen im Lauf ihres Lebens einmal Erfahrungen mit schweren Krankheiten, Verlusten und Trennungen, oder beispielsweise auch Gewalteinwirkungen. Jeder Einzelne hat individuelle Strategien, dieses Erleben zu bewältigen, zu integrieren, doch wer trotz aller Versuche, das Erlittene zu verarbeiten immer wieder scheitert, gerät in eine solche Krise. Nach einem extremen Ereignis können Alpträume, Schlafstörungen, quälendene Unruhe, das Wiedererleben des Ereignisses und andere ähnliche Reaktionen auftreten. Krisenintervention oder Notfallpsychologie bedeutet kurzfristige und zielorientierte Hilfe – anders als bei den längerfristig angelegten Psychotherapien oder einer Traumatherapie. Die Notfallpsychologie verbindet Massnahmen, die geeignet sind, die psychische Gesundheit von Betroffenen und Einsatzkräften zu erhalten oder wiederherzustellen. Die psychologische Nothilfe erfolgt während oder unmittelbar nach potenziell traumatisierenden Ereignissen. Durch frühzeitige notfallpsychologische Intervention wird versucht, langfristigen Beeinträchtigungen der psychischen und physischen Gesundheit vorzubeugen und Betroffenen so einen längeren Leidensweg zu ersparen. Die notfallpsychologische Intervention stellt keine psychotherapeutische Behandlung dar und ist keine psychiatrische

Krisenintervention. Sie ist vielmehr eine komplexe Kombination aus Information, Beratung, modernen Kurzzeitbehandlungsmaßnahmen und Methoden der klinisch-psychologischen Behandlung, die unter dem Begriff der notfallpsychologischen Intervention zusammengefasst werden. Diese Maßnahmen zielen primär auf eine Stabilisierung und eine Stärkung der eigenen Bewältigungsmechanismen ab.

Die Menschen, die notfallpsychologische Hilfe in Anspruch nehmen, gelten nicht grundsätzlich als „Patienten". Sie sind Personen, die sich in einer außergewöhnlichen Situation befinden und Reaktionen zeigen, die aufgrund des Erlebten als normal angesehen werden. Notfallpsychologen kommen in den ersten Wochen nach dem Ereignis zum Einsatz, um eine Bewältigung des Erlebten zu ermöglichen und zu unterstützen. Die Notfallpsychologie ist sekundäre Prävention, d.h. sie soll - nachdem schon etwas passiert ist - Folgestörungen verhindern oder reduzieren. Die psychischen Reaktionen auf traumatisierende Ereignisse sind sehr individuell und teilweise heftig, und trotzdem erst einmal als ein normaler psychischer Verarbeitungsprozess anzusehen, den man begleiten und positiv unterstützen sollte. Notfallpsychologie ist daher keine Therapie, ihre Aufgabe ist es, Therapiebedürftigkeit zu verhindern und falls dies nicht gelingt, Therapiemotivation aufzubauen und an geeignete Therapeuten zu vermitteln.

**LITERATURVERZEICHNIS:**

1. Hausmann, Clemens (2006): Einführung in die Psychotraumatologie, UTB Verlag, Wien.

2. Hausmann, Clemens (2003): Handbuch Notfallpsychologie und Traumabewältigung, Facultas, Wien.

3. Lasogga, Frank; Gasch, Bernd (2004): In: Bengel, Jürgen (2004): Psychologie in Notfallmedizin und Rettungsdienst, 2.Auflage, Springer, Berlin.

4. Lasogga, Frank; Gasch, Bernd (Hrsg.) (2008): Notfallpsychologie. Lehrbuch für die Praxis, Springer Verlag, Heidelberg.

5. https://www.psyaspect.ch/beratungundpsychotherapie/krisenintervention/.

6. https://www.irc-consult.at/klinische-gesundheitspsychologie/notfallpsychologie.

## ПСИХОЛОГИЯ С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ СУФИЗМА

*Эшонхужаева В.Ж.*
*Студентка при Международной исламской академии Узбекистана*

**Аннотация:** В статье исследуется о появлении корней психологии на Востоке, то есть история психологии на Востоке через призму религий. В основном их основа учения заключалось в самореализации, саморазвитии и воспитании. Всем известно,что в современной психологии существует ряд психологических школ,основанные на теории личности. В данной статье исследовано о восточной теории личности. В основном исследовано взгляд

психологии в исламе, то есть взята та часть знаний данной религии,которая относится к психологии.

**Ключевые слова:** история психологии, суфизм,духовное развитие личности

Казалось бы, исходя из названия статьи может возникнуть вопрос «Что же в них общего?» Ведь психология одна из молодых наук, а суфизм имеет начало с VIII века. Эти понятия из различных сфер наук. Психология- это наука, изучающая развитие, функционирование психики, а также закономерности её возникновения, то есть объектом психологии является психика. Суфизм- путь к познанию, проявленных во множестве разнообразных форм, но имеющую общую цель: путь к знанию через истину. К уточнению моих слов можно привести метафорический пример, приведенный Хазратом Пиром. Он использует лампочку, показывая разницу между западной психологией и восточной. «Это сравнение подобно тому, что психология изучает характеристики лампы, такие как высота, вес и материалы, из которых она изготовлена. Настольная ли это лампа или торшер? Маленькая или большая? Ночная лампа или лампа для чтения? Тяжелая ли она? Как распределяется ее вес? Сделана ли она из керамики, дерева, пластика, стекла или металла? Должны быть приняты во внимание ее размеры, цвет, материалы и форма абажура и, возможно, также — ее состояние, размеры и цвет шнура. Психология проверит провода и максимально возможное напряжение лампочки. Должны быть учтены и расположение, и тип выключателя, обычный он или клавишный? Все эти аспекты переменны. Продолжая эту аналогию, скажем, что психотерапия будет иметь дело с любой переменой, необходимой для того, чтобы лампа была подходящей для того положения, в которое мы хотим ее поставить. Соответствует ли ее цвет комнате? Привлекателен ли ее вид? Подходит ли ее стиль к декору? Дает ли абажур достаточно света? Достаточен ли вес внизу для того, чтобы лампа легко наклонялась? Потерт ли провод? Легко ли можно достичь выключателя? Различные типы психотерапии, похоже, изменяют различные аспекты внешних признаков лампы — цвет, размер, форму, вес, тип лампочки, абажура, шнура и выключателя. Все это полезно. Мы хотим и нам нужны различные лампы для различных целей. Однако независимо от того, насколько мы изучаем и меняем характеристики лампы, она не будет работать, если ее не включить. Чтобы давать свет, лампа должна быть соединена с источником питания. Изменения в лампе несущественны, если у нас нет связи с источником. Без связи с источником энергии, лампа не может давать свет. В этом примере суфизм, прежде всего, связан с причиной изготовления лампы. Он связан с ее включением, обеспечением связи с источником для того, чтобы лампа функционировала. Суфизм связан с силой, производящей свет, а не с формой или цветом лампы. Суфизм связан и с одним стабильным, неизменным аспектом лампы — ее связью с источником” [1, стр10]

Прошлое психологии имеет глубокие корни. Более к точному доказательству этого факта можно разъяснить по цитате Г.Эббингауса «Психология имеет долгое-прошлое, но очень краткую историю». [2, стр7]

В древние периоды психология была связана с философией. Античные ученые имели 2 типа философского мировоззрения. Ими считались материализм и реализм. Философские мировоззрения считались онтологически первичным началом в сфере бытия. Материализм утверждает причиной существования субстанции бытия является материя. Сторонниками этого мировоззрения считались такие античные мыслители как Фалес, Анаксимен, Гераклит и т.п. Фалес считал первоосновой материальных вещей- вода. Основа всего сущего является вода. Анаксимен-воздух. Гераклит-огонь. Материализм стоял выше религиозных и идеалистических концепций мира. Идеализм считал все материя, философия вторично, а сознание, мышление, психическое, духовное первично. Будет ошибкой приравнивать эту теорию со словом «идеалист» исходящее от слова «идеал» стремящего к возвышенной цели. Сторонниками являлись Сократ, Платон, Аристотель.

Первооснова существования бытия- идея. Именно так считал, основатель объективного идеализма, Платон. Он утверждал тем самым, что материя не может быть первоосновой бытия. Сократ полагал: душа-сущность человека, а тело-инструмент, управляющийся душой.

Психология также имеет корни на Востоке. В этом гипотеза заключается в том, что психология тесна связана с религией. На страницах истории уложены истории возникновения, существования древних религии как буддизм, зороастризм, тенгрианство и др. Религия с точки зрения психологии имеет ряд психологических функции как воспитательную, утешающую, духовную, объединяющую. Благодаря таким функциям индивид спасается от дальнейших неврозов. Исходя из священных источников этих религии, мы можем увидеть душевное состояние верующих, социально-объединяющиеся движения, а также религиозно-философские учения, благодаря которым повышается духовно-культурное состояние человека и играет педагогическую роль.

В VII—IX вв. Средняя Азия и Иран были завоеваны арабами. Их основной целью являлось распространение религии ислам. Основой вероучения считается монотеизм. Постепенно через некоторые столетия города Средней Азии как Бухара, Самарканд, Багдад стали центром учения ислама.

Основываясь на шариате появляется новое учение суфизм. Суфизм путь к любви, познанию. Суфизм помогает найти в человеке божественную искру, самого себя, собственную личность и ее границы. «Тысячи лет суфизм предлагал людям тропу, ведущую к этой «великой цели» самореализации. Суфизм — это собрание учений, проявленных во множестве разнообразных форм, но имеющих одну общую цель: преодоление обычных личностных ограничений и несовершенства восприятия. Суфизм — это не просто набор теорий или гипотез, разные источники описывали его как путь любви, путь

преданного служения и путь познания. Благодаря многим проявлениям суфизма можно найти подход, помогающий преодолеть интеллектуальные и эмоциональные препятствия на пути духовного развития личности» [3,стр 465 ]

Об этом глубоко и точно распределил один из знаменитейших мусульманских мыслителей Абу Хамид Газали в своей книге «Книга познаний». В этой книге он берет в основу о необходимости в образовании практических и теоретических знаний. В своей книге он эти две категории знаний подразделил как полезное и ущербное знание, тем самым показывая о необходимости пользования теоретических знаний на опыте. К этому примеру можно соотнести такой пример как взять практическое знание-душа, теория-тело. Один без второго не имеет смысла к существованию. Полезное знание помогает личностному росту. Самой важной формой полезного знания является *непосредственное знание*, его нельзя описать, но можно пережить на собственном опыте» [3,465] Так же эти знания Газали подразделил на несколько подразделений:

«Три составляющих элемента учебного процесса ограничивают нашу способность к познанию. *Логика* ограничена, особенно в оценке духовных вопросов, поскольку обычно препятствует изучению чего-то необычного или информации, которая представляется противоречивой. *Философия* не считается с реальной ситуацией, и сама себя ограничивает, поскольку не проверяет правильность своих выводов в реальности. *Академическое знание* — это тщеславное знание напоказ; оно ущербно, выставляя себя единственно возможной дорогой к знанию» [3,471] Для полезного знания, которая помогает внутри включить свет, необходим «путеводитель».

Практикующее знание подразделяется на несколько стадии исходя из суфийского учения. Ими являются шариат, тарикат, хакикат, марифат. Для легкого понимания значений этих стадии можно соотнести эти термины на простом примере. Например, шариат-дорога, дающее правильное направление; тарикат-тропа, направляющая на окончательный путь; хакикат-свет; марифат-вершина практического знания, полное принятие 3х стадий. В этой стадии человек приобретает статус “мудреца”, знающий не только все, но и умеющий предвидеть какую-либо ситуацию и уметь держать солидарность.

**ЛИТЕРАТУРА:**

1. Лин Вилкокс. Суфизм и психология. Москва — Санкт-Петербург «ДИЛЯ» 2005 стр 10

2. А.М.Ждан. История психологии от античности до наших дней. Московский университет-1990 г

3. Роберт Фрейджер, Джеймс Фэйдимен. Теории личности и личностный рост. "Personality & Personal Growth", 5th ed., 2002

# УМУМЖАҲОН ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА БОЛАЛАРДА ЁЛҒИЗЛИК ҲИССИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ (БИБЛИОТЕРАПИЯ МИСОЛИДА)

*Юлдашева М.Б.*
*Фарғона давлат университети ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақола бутун дунё бўйлаб COVID-19 умумжаҳон пандемияси сабабли юзага келган карантин даврида библиотерапия усули орқали мактаб ўқувчиларининг ёлғизлик, қўрқув, ҳадиксираш, бегоналашиш каби психологик ва ижтимоий муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш учун мўлжалланган бўлиб, у болаларнинг ижтимоий-психологик заифлиги даражасини камайтиришга маълум бир маънода хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** библиотерапия, психологик саломатлик, ёлғизлик, қўрқув

Библиотерапия бу адабиёт, ўқиш ва бадиий сўз орқали муаммони коррекция қилиш усули бўлиб, у нафақат психологик муаммони аниқлайди, балки айнан мана шу муаммонинг ечимларини топиш ҳамда уларнинг ечимини оптималлаштиришга амалий ёрдам беради. Библиотерапия турли кўринишдаги муаммоларни бартараф қилишга йўналтирилган, хусусан, ёлғизлик ҳисси, қўрқув, мустақил фаолиятга нисбатан мотивациянинг мавжуд эмаслиги, гиперактивлик, ўжарлик, уятчанлик, ташвиш, лоқайдлик ва ҳ.к. Мазкур методни тўғри қўллаш натижасида боланинг хулқ-атвори ёки мотивлари ҳақидаги тушунчалари яхшиланади, қизиқиш ва мойилликлари аниқланади, ёлғизланиш ва стресс оқибатлари енгиллашади, муаммолар эркинроқ муҳокама қилинади, қийин вазиятлардан чиқиш ечимларини топишга ёрдам беради ва муаммони ҳал қилишнинг тўғри йўлини режалаштиради. Бундан ташқари, библиотерапия ўқувчиларнинг бадиий - ижодий ва билиш қобилиятларини, бадиий асарларни ўқишда ҳиссий таъсирчанликни ривожлантириш, импровизация қилиш усулларига эга бўлиш, сўз санъатига нисбатан эстетик муносабатни шакллантириш, нутқ фаолиятининг барча турларини мукаммаллаштириш, самарали мулоқотни олиб бориш, мутоала фаолиятида тажриба орттириш, бадиий дунёқарашни кенгайтириш ва бадиий адабиётларни мустақил ўқишда тажриба орттириш имконини беради.

Биз доимий ҳаракатдаги ва ўсиб боришда илгарилаб бораётган жамиятда яшамоқдамиз. Айни кунларда бутун дунё бўйлаб COVID-19 умумжаҳон пандемиясининг кечиши касалликка қарши барча чора-тадбирларни қўллаш билан биргаликда уйда қолган болаларнинг психологиясига руҳий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулларини қўллаш каби масалалар биз, психологларнинг олдида турган **долзарб муаммо** ҳисобланади. Айнан шундай жараёнлар содир бўлаётган даврда биргина болаларимизнинг атроф-оламга табассум билан боқиши қалбимизда сокинлик ва хотиржамликни

уйғотади. Чунки табассум бола психик саломатлигининг ижобий белгиси, шахсий ҳаётдаги турғун барқарорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Психик саломатлик (ментал саломатлик деб ҳам юритилади) бу инсон ўз шахсий салоҳиятини намоён қилиши, оддий ҳаётий стресслар билан кураша олиши, сермаҳсул фаолиятни амалга оширишини ифодалайдиган ҳолат бўлиб, у инсоннинг руҳий фаровонлиги белгисидир. Шу орқали инсон ўз жамиятининг равнақи йўлида шахсий улушини қўшади. Психик саломатлик инсон саломатлигининг ажралмас қисми.

Агар пандемия даврида психик саломатликнинг издан чиқиши юз берса, жамиятимизда ижтимоий ёлғизланиш ва бегоналашув жараёни вужудга келади. Библиотерапия усули пандемия даврида болаларнинг психик саломатлигини меъёрда ушлаб туриш учун профилактик, диагностик, терапевтик ва коррекцион ишлар тизимини мақсадли ва оқилона амалга оширишни кўзлайди. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши учун тўсиқ бўлиши мумкин бўлган омиллардан бири психик саломатликнинг издан чиқиши оқибатида ўқувчи-ёшлар ҳаётга бўлган ишончини йўқотади, ўзларини ожиз ва нотавон ҳис қилади, ёлғизлик ва қўрқувнинг юқори даражасини ифодалайди, карантин сабабли ички босимларни ҳис этади. Айнан мана шундай ҳолатларнинг намоён бўлиши улғаётган ва камол топаётган шахс онгида ўчмас из қолдириб келгуси шахсий ҳаёти ҳамда жамиятда ижтимоийлашувининг ноадекват йўналишни белгилайди.

Тадқиқот **мақсади** COVID-19 умумжаҳон пандемияси даврида библиотерапия ёрдамида болаларнинг психологик ва ижтимоий заифлик даражасини камайтиришдан иборат. Тадқиқотни амалга ошириш психологлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, волонтёр-кўнгиллилар ва ота-оналар ҳамкорлигида уйғунлаштирилиши лозим. Бу борада бир нечта **вазифалар**ни амалга ошириш белгилаб чиқилди:

1. Психологнинг касбий фикри, ота-она розилиги ва болалар қизиқиши асосида гуруҳни тузиш.
2. Библиотерапия усулидан фойдаланиш борасида волонтёрлар (кўнгиллилар)нинг малака даражасини ошириш.
3. Библиотерапия усулини қўллаш ҳақида услубий тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш ҳамда нашр этиш.
4. Тадқиқот иштирокчилари ҳамда уларнинг оилаларига маслаҳат, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш.
5. Тадқиқотда иштирок этаётган болалар ҳаётида китобларнинг ўрни ва мутоаласи ҳақида видеороликлар, мультфилмларни яратиш.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрдаги 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 7 июндаги 472-сонли “Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 12 июлдаги 577-сонли “Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” қарорлари ҳамда Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалга татбиқ этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади, шунингдек таълим тизимини такомиллаштиришга оид янги қарорларни ишлаб чиқишга замин яратади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсадли гуруҳи Фарғона вилояти ҳудудида яшовчи 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалардир. Тадқиқот давомида психолог ва волонтёрлар томонидан гуруҳларни қўллаб-қувватлаш цикли ишлаб чиқилди ва онлайн тарзда ташкил этилди. Онлайн тренинглар давомида ҳар бир боланинг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда электрон уй кутубхонасига янги бадиий нашрлар киритилди. Бадиий матнлар орқали бевосита ишлаш билан бир қаторда гуруҳлар психологик-педагогик ишнинг турли шакл ва усулларидан ҳамда нотиқлик, анимация, тасвирий санъат ва амалий ижод каби фаолият элементларидан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Якуний тренинг-машғулотлар барчани бирлаштиришга хизмат қилди. Тадқиқот доирасида болаларнинг шахсий ҳаётида китоб ва китобхонликнинг ўрни, театрлаштирилган драматизациялар, адабий викторина, қизиқарли изланишлар, турли маҳорат сабоқлари амалга оширилди. Тадқиқот натижасида библиотерапия усулидан фойдаланиш бўйича ўқув кўрсатмалар ва видеороликлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

COVID-19 умумжаҳон пандемиясининг кечиши даврида психик саломатликнинг издан чиқиши шундай фожеали вазиятки, унинг қуршовида қолган инсон ўзини гўёки уларнинг ҳаёти буткул ўзгариб кетгандай ва энди асл холатига сира ҳам қайтмайдигандай ҳис этади. Бундай вақтларда, шаклланаётган шахс вазиятини англанган тарзда осон кечишига ёрдам берувчи ва бўлиб ўтаётганлардан сабоқ чиқаришга ундовчи, кучлироқ, ақллироқ бўлишга ёрдам берувчи ва умуман руҳан далда берувчи бирон-бир кишининг бўлиши, айниқса катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат болалик даврларида айниқса қийин кечади, чунки бола ўзида мавжуд шахсий ресурслар билан психологик муаммоларни енга олишга ҳали тайёр бўлмайди. Энг асосийси, бу каби ишда қуйидаги шиорни қўллаш даркор: “Мен сени ва сенинг вазиятингни жиддий тарзда қабул қиламан ва биз биргаликда бу қийин вазиятдан, албатта чиқиб кетамиз. Мен бунга ишонаман”. Ҳамкорликдаги бу йўл қандай бўлишини билишнинг аҳамияти йўқ, энг асосийси болани ёлғизлатмасдан, у билан “қадамба қадам, ёнма-ён” юришга тайёр туриб, унда кечаётган ўзгаришлар ва жамиятда рўй бераётган табиий, иқтисодий, ижтимоий ҳодисаларни биргаликда ҳис қилишдир.

Дунёвий пандемиялар сабабли болаларнинг ижтимоий чекловга тушиб қолиши улардаги ижтимоий мавқени заифлаштиради, ижтимоий аҳамиятлилик даражасини пасайтиради, реал жамоадан ажратиб қўяди. Мазкур вазиятда болаларнинг ижтимоий заифлиги намоён бўлади ва

ижтимоийлашув жараёни бузилади. Ижтимоий заифлик даражасини камайтиришнинг омили сифатида танланган библиотерапия усули узоқ вақт давомида тиббий, психологик, педагогик, таълим амалиётида самарали усул бўлиб, болаларнинг руҳий ҳолатини тузатишга ва ижтимоий заифлик даражасини камайтиришга ёрдам беради, бу эса карантин даврида уларнинг келгуси жамият тараққиётида тўлиқ иштирок этишга имконини сақлаб қолишга хизмат қилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. Кузнецов А. “Я одинок с самим собой”. 1997.- 160
2. Майерс Д. “Социальная психология” 10-й выпуск. 2010 - 785
3. Нишанова З.Т., Халилова Н.И. Психокоррекция Т. 2006 - 154
4. Швал Ю.М., Данчева О.В. Одиночество – социально-психологическая проблема. Киев. 1991- 250


## БОШҚАРУВДА КОМПЕТЕНТЛИК ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ- ПСИХОЛОГИК ТАЛАБЛАР


*Юлчиева З.Н.*
*ТДТУ Педагогика ва психология кафедраси мудири*



**Аннотация:** Мақолада замонавий раҳбар шахси компетентлигига тўхталиб, ушбу жиҳатнинг ижтимоий-психологик масалалари очиб берилган. Хусусан раҳбарнинг иродавий жихатлари ва унинг бошқарув фаолиятидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилган.


Раҳбар шахси баркамоллиги, қатъий характери, миллий қиёфасидан ташқари, бир қатор қобилиятларга эга бўлишини тақазо этади. Бу эса ўз навбатида раҳбарнинг обрў қозонишига пухта негиз ҳозирлайди, лавозимнинг кейинги босқичлари учун имкон яратади, истиқбол режаларини рўёбга чиқаради. Раҳбар шахси қуйидаги қобилиятларни тақозо этади: ташкилотчилик қобилияти, рахбар бозор иқтисодиёти даврида ўта уддабурон, ишбилармон, муаассаса-корхонанинг олдида турган вазифаларни мақсадга мувофиқ, собитқадамлик билан бажариши лозим. Бунда ишлаб чиқаришни молиявий-иқтисодий масалаларини тўғри ва оқилона ташкил этиш; янги ғоялар, технологиялар, че эл тажрибаларини махаллий шароитга мослаштирган холда амалиётга тадбиқ этиш; фавқулотдаги ишлаб чиқариш муаммосини тезкорлик билан ҳал қила билиш; ўрни келганда ўринбосарлар, ёрдамчи ва ходимларнинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган холда рағбатлантириш,жазолаш, танбеҳ бериш, эътироз билдириш, реал ваъдалар бериш орқали муросага келтириш; тобе инсонларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фаолиятларини ташкил қилишга одатланиш; ишни рационал тақсимлаш; корхона истиқболи ва ходимлар ижтимоий химояси учун ҳамиша қайғуриш, ғамхўрлик қилиш.

Ирода шахс фаоллигининг шаклидир: Ирода - бу кишининг олдига қўйилган мақсадларга эришишда қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз ўзини бошқариш демакдир. Ирода - бу шахс фаоллигининг алоҳида шакли, унинг хулқ-атворини ташкил етишнинг у томонидан қо"йилган мақсад билан белгиланадиган алоҳида туридир. Ирода ўзаро боғлиқлиги билан иккита вазифанинг - ундовчи ва тормозлаш вазифасини бажаради. Ундовчи вазифа кишининг фаоллиги билан таминлайди. Ироданинг ундовчи вазифаси билан унинг тормозлаш вазифаси фаолликнинг ёқимсиз кўринишларни жиловлашда намоён бўлади.

Ирода ва таваккал кишининг таваккалчилик шароитидаги хатти-ҳаракати ироданинг характерли кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади.Таваккалчилик - бу субъект учун унинг чеки номалум ва муваффақиятсизликка дуч келганда мумкин бўладиган ноқулай оқибатлар ҳақидаги тахминлар мавжудлиги шароитидаги фаолиятнинг характеристикасидир. Иродада мотивлар ва эҳтиёжлар асосий рол ўйнайди.

Интилиш-ҳали диференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган еҳтиёждан иборат фаолият мотивидир. Истак- фаолиятнинг мотиви сифатида еҳтиёжнинг етарли даражада тушуниб етилганлиги билан характ ерланади. Бунда фақат еҳтиёж объекти емас балки уни қондиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳам тушуниб етилади. Иродавий зўр бериш. Иродавий актнинг енг муҳим бўғинлари -қарор қабул қилиш ва уни ижро етиш кўпинча алоҳида ҳиссий ҳолатнинг иродавий зўр бериш сифатида тавсифланадиган ҳолатни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кишининг иродавий фазилатлари ва уларнинг шакллантиришда, индивидуал хусусиятларда унинг кучи ва кучсизлиги индивидуал хусусиятларининг спектрини қайд қилади. Кучли иродага ега бўлган кишилар қўйилган мақсадларга еришиш йўлларида учрайдиган қийинчиликларни бартараф ета оладилар. Айни чоғда қатъийлик мардлик, жасурлик чидамлилик каби иродавий фазилатларни намоён қилади.

Ироданинг ахлоқий тарбияланганлиги, агар ҳал қилувчи бўлмаса ҳам муҳим аҳамиятга егадир. Иродани мустақил тарбиялаш усуллари жуда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин екан, лекин уларнинг ҳаммаси қуйидаги шартларга амал қилишни ўз ичига олади:

- Иродани тарбилашни нисбатан арзимас қийинчиликларни бартараф етишни одат қилишдан бошлаш керак. Олдинги унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вакт о"тиши билан анча катта қийинчиликларни мунтазам равишда енгиб бориб, киши ўзининг иродасини машқ қилдиради ва чиниқтиради.

- Қийинчиликларни ва тўсиқларни бартараф етиш маълум мақсадларга еришиш учун амалга оширилади.

- Қабул қилинган қарор бажарилиши шарт: Қабул қилинган қарорнинг бажарилиши яна ва яна кечиктирилаверса, кишининг иродаси издан чиқади. Қабул қилинган қарорларнинг мунтазам равишда бажарилмаслиги киши иродасини интизомсиз қилиб қўяди.

- Агар киши узоққа мўлжалланган мақсадни олдига қўйган оқибатда узоқ истиқболни назарда тутиши лозим. Иродаси бўш одамлар ўз ишларини ташкил қила олмайдилар.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Mirziyoev Sh.M. “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har-bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak”.O‘z.R Vazirlar Mahkamasining 2016 yil yakunlari va 2017 yil istiqbollariga bag‘ishlangan

2. Вахрушев В. Принцып японскогоуправления. 1.; FOZB. ; 1992

3. Джуель Л. Индивидуально-органическая психология.”Питер”.2001

4. Корнеги Дейл. Как завоевать и оказатьвлияние на людей.-М. Прогресс, 1990.-712с

5. Ғозиев Э.Ғ. Тошимов Р. Бошқарув психологияси.Т.2001.

## ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

*Юсупжонова И.*
*АДУ ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** ўкув фаолияти, мустакил фикрлаш, қизиқиш, интилиш, интеллектуал кобилият,психологик билимдонлик.

**Аннотация:** талабаларнинг англаш жараёнини ҳисобга олган холда мустақил ишлаш жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш уларнинг фикрлашларини ривожлантиради.

**Annotation:** The use of innovative technologies in the process of independent work, taking into account the process of understanding of students, develops their thinking.

**Аннотация:** Использование инновационных технологий в процессе самостоятельной работы, с учетом процесса понимания студентов, развивает их мышление.

Ҳозирги кунгача психологик билимларнинг манбаи ҳисобланган машғулотлар ва ўкув қўлланмалар баёний хусусиятга эга бўлиб оддийдан мураккабга, яққолликдан мавҳумликка, хусусийдан умумийга томон фикр йўналишига асосланган. Манбаларга нисбатан бундай ёндошиш талабаларга «тайёр билим»ларни ўзлаштиришга, репродуктивлик эса етакчи таълим тамойили сифатида пухта жой эгаллашга олиб келади, бу нарса ўз навбатида талабаларнинг ижодий тафаккури (креатив фаолият) ва ижодий изланишларни сустлаштиради. Репродуктив (ижодий) фикрлашнинг тараққийпарвар тамойили, илғор ғояси талабалар мустақил фаоллигини шакллантиради. Продуктив ўқитиш йўлларидан бири таълим жараёнини ўқитувчи билан талаба ўртасидаги ҳамкорлик жараёнига айлантиришдир.

Бугунги кун талабаси деганда биз, мустақил фикрлайдиган, ўзининг

қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни кўз олдимизга келтирамиз. Маълумки талабалар билиш фаоллиги уларнинг эгаллаган билимлари ва англанган фаолияти натижасида юзага келади. Талабалар аввал эгаллаган билим кўникма ва малакаларини ривожлантиришлари учун ўқув машғулотларини одийдан мураккабга томон шаклантириш максадга мувофиқ. Шундагина уларда билиш фаоллиги, фикрлаш, англаш жараёни шаклланади.

Назарий билим негизида талабаларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш бир неча босқичларда амалга оширилиши мумкин. Бу босқичларни қуйидагича кўрсатиб ўтамиз**.**




илим олиш даражаларини қуйидаги босқичларда кўрсатиб ўтамиз.

**Баҳолаш.**

**Синтез.**

**Таҳлил қилиш**

**Қўллаш**

**Тушуниш.**

**Олинганбилимниёддасақлаш.**

Демак, шахснинг билимдонлиги унинг атроф-муҳит, табиат ва жамиятда рўй бераётган мураккаб ходисаларни кишилар ўртасидаги муносабатларни англаш, баҳолаш, ўзи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш негизида ҳаётда, кундалик турмуш ва онгли фаолиятда намунали ишларни бажариш, инсоний фазилатларга амал қилишни тақоза этади. Бугунги кунда ёшлар тарбияси олдида турган энг муҳим вазифа ҳам келажагимиз бунёдкорларида айнан шундай сифатлар мажмуини шакллантиришдир.

Психология соҳасида билимдонлик тушунчасининг моҳиятини тушунтиришда ўзига хос тарзда ёндашади ва унинг серқирралигини эътироф этади. Психологик нуқтаи назардан олиб қаралганда, шундай муҳим жиҳат мавжудки, у ҳам бўлса аниқ илмлар соҳасида, билимлар ҳамда шахснинг жамиятдаги инсоний, мафкуравий, хуқуқий, сиёсий, демократик муносабатлар тўғрисидаги билимларининг ўзаро уйғунлиги масаласидир.

Таълим жараёнида талабаларни билимларни мустаҳкам эсда сақланиб қолишини таъминлаш зарурий талаблардан биридир. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тизимли ва онгли ўзлаштиришга боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун пиллапоя, база бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам билимлар базасининг пухта бўлмаслиги кейинги ўрганиладиган янги билимларни ҳам заиф бўлишига олиб келади. Яхши ўзлаштирилган, мустаҳкамланган билимларда эса кейинги янги билимларни ўрганишда ва мустаҳкамлашда асос бўлиб хизмат қилади. Билимларни ўзлаштириш жараёнида уларнинг пухта англаб олинганлигини текшириш, баъзи тушунмовчиликларни йўқотиш, мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш дидактиканинг асосий масалаларидан биридир. Таълим жараёнида такрорлашни уюштириш билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалинигина эсга туширмай, балки шу ўқув

материалларига боғлиқ бўлган янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади. Билимларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз ва маълум тизим асосида олиб борилиши таълим самарасини оширади. Билимларни доимий равишда текшириб бориш, такрорлаш тизимли ва узлуксиз равишда тўлдириб бориш муҳим дидактик талабдир.

Ҳар бир талаба ўзига яраша қизиқишларига эга. Ҳар бир талабанинг ўзига хос бўлган ютуқлари ва шу билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Агар педагоглар ўқув жараёнида ана шу индивидуал хусусиятларни ҳисобга олмасалар ҳар қанча унумли методлардан фойдаланмасинлар ўқув жараёнида яхши натижаларга эриша олмайдилар.Чунки таълимнинг асосий вазифаларидан бири талабани умумий ривожини таъминлаш. Лекин бу жараён фақат унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Талабаларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бусиз ўқув жараёнини муқобиллаштириш, уни бойитиш ақлга сиғмайди. Кузатиш жараёнида талабанинг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига мос бўлган хусусиятларини билиб олиш мумкин. Талаба шахсининг муаммолари ва қийинчиликларини таҳлил қилиш ҳамда шу муаммоларнинг сабабларини аниқлаш кейинги чора-тадбирларни режалаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўзлаштириши бир оз пастроқ бўлган талабалар билан якка ҳолда ишлаш жараёнида педагог ўзи учун талабанинг янги қирраларини кашф этиши эътиборли. Кейинги даврларда “дифференциаллашган таълим” деган тушунчани кенг тарқалишининг асосий сабаби ҳам шахсий хусусиятлари, қобилияти, қизиқишлари, иқтидори кабиларни ҳисобга олган ҳолда талабаларни гуруҳларга ажратишни ва шу гуруҳлар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга қаратилган. Гуруҳлар учун тузилган дастурлар, қўлланиладиган методлар талабаларнинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда танланади. Дидактикада бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва бу таълимнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Маълум гуруҳ учун белгиланган ўқув материалларининг характери, мазмуни ва ҳажми шу синф талабаларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши лозим. Ўрганилаётган билимлар, хосил қилинаётган малака ва кўникмалар талабаларни хаддан зиёд толиқтириб қўймаслиги лозим.

Демак, ҳар бир ёш даврида талабаларнинг имкониятларини ўрганиш ва имкониятларга мос равишда таълимни ташкил этиш, ўрганиладиган билимлар ҳажмини белгилашда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳим бўлиб бу йўналишда ҳам тегишли илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Талабаларнинг билиш фаоллиги уларнинг мустақил фаоллиги асосида ривожланади. Унинг психологик характери шундаки, талабаларнинг билимларни ўзлаштириши ва тушунчаларнинг мазмун моҳиятини англаш жараёни уларнинг диққатини барқарорлиги, хотирасининг мустаҳкамлиги, ижодий тафаккурга эгалиги билан

таъминланади. Бу борада талабалар билан олиб бориладиган қатор таълим усуллари уларнинг фаол билишга йўналтиради, ўз фикр мулоҳазаларини эркин ифода этиш қобилиятларини шакллантиради, мустақил таълимини ривожлантиради.

Талабаларнинг билиш фаоллигини ўрганар эканмиз, биз аввало психологик билимлар мазмунига эътиборимизни қаратдик ва уни илмий асосларини, ҳаётий психологик билимлар билан қиёсий таҳлилларини кўриб чиқдик. Буни натижаси ўлароқ, талабалар билимларини такомиллаштириш, уларнинг илмий психологик билимлари билан ҳаётий психологик билимларини уйғунлигини таъминлаш усулларини аниқладик.

Психологик билимларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаётий психологик билимлардан илмий психологик билимларни фарқлаш талабаларнинг психология сохасини илмий тушунинш имкониятини беради.Ҳаётий психологик билимлар деганда, аниқ инсонлар ва уларнинг аниқ ҳолатлари ҳарактеристикалари аниқ жараёнларини ва шаклланиш даражасида шахснинг маълум бир вазифалари ижтимоий психологик ҳолатларини акс эттириш жараёнлари назарда тутилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, талабаларнинг мустақил ишлаш жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиши уларнинг фикрлашларини ривожлантиради, фикрий боғлиқликни, мантиқни таъминлайди, талабаларнинг илмий салоҳиятли бўлишларига имкон яратади. Бунинг натижасида талабанинг ўзига бўлган ишончи ортади, олдига қўйилган муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилади. Ижодий изланиш кўникмалари шаклланади, билимларни англаш жараёнининг ўзига хослиги ҳам ана шунда намоён бўлади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Карандашев В.Н. Методика преподавания психологии. Учебное пособие. СПб: Питер, 2005.. 42-85,250 с. 105-145. 146-180.. с. 181-212..
2. Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: схемы и тесты. М.: Владос,2002. 208 с.Арзиқулов Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари.: Автореф. дис.... психол. фан. номзоди. - Тошкент: ЎзМУ. 2002. - 22 б.
4. Интернет сайтлари.
5. www.bilimdon uz. -Ўзбекистон /еспубликаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб сайти.
6. www.de.uz-Масофавий таълим тизимига бағишланган веб сайт.

# МАШҒУЛОТЛАРГА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ АСОСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

*Юсупов И.Б.*
*Оққўрғон Агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи махсус фан етакчи ўқитувчиси*

Дарсларда ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятига хос бўлган таълимни мақсадли замонавий технологиялар асосида педагогик психологияга ёндашган ҳолда ташкил этиш масаласи алоҳида муаммо сифатида ўрганилмаган. Чунки таълим жараёни кўп босқичли яҳлит тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир босқичи таълим олувчиларнинг ёш ҳамда ўзига ҳос ҳусусияти, таълим-тарбия жараёнидаги интеллектуал қобилиятига ҳамда таълимни изчил, тизимли ва узвий амалга оширилишига боғлиқдир.

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да баён қилинган. Ушбу йўналишларда ислоҳотларни бош ҳаракатлантирувчи куч-янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этиш зарурлиги кўп карра таъкидланади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да илғор педагогик технологияларни таълим амалиётида жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади.

Республикамизда қўлланма, дарслик, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда "янги педагогик технология", "илғор педагогик технология", "замонавий педагогик технология" иборалари кенг қўлланилмокда. Айнан тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш - кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган омиллардир. Кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади.

Педагогик технология – таълим бериш ва ўзлаштириш усулларини яратиш, қўллаш уларни ягона тизимга келтириш йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ фойдаланиб, билимлар ўзлаштирилишининг энг мақул жараёнидир.

Педагогик технология таърифларида асосий тушунчалар, "тизимли метод" эканлиги қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни ўқитишдаги бошқа ёндашувлардан фарқловчи бош белги ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш методикасида бундай тизимли ёндашувга ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари назорат ва натижаларни

баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан алоқада лойиҳалаш кўпинча анъанавий ўқув жараёнидаги етишмайдиган ҳолдир. Масалан, кўп ҳолларда таълим асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Демак, таълим ўқув жараёнида белгиланган мақсадлар, мазмун, методлар, воситалар ва шакл каби методик тизим элементлари орасида узвийликка риоя қилинмайди. Натижа таълимда узлуксизлик таъминланмаслигига олиб келади. Педагогик технологияларда буларга албатта риоя қилиниши назарда тутилади.

Ўйлаб кўрамиз, ҳар қандай янги педагогик технологияга асосланган машғулотни ўтишда ўқувчи ёки тингловчи унинг мазмунини қисман бўлсада тушуна билиш лозим акс холда у ўқув жараёнидаги мазкур технологиянинг мохиятини англамай бир мунча қийналади ва албатта дарс жараёнларидаги технология очилиб ўқитувчи томонидан тушунтирилмайди, фақат янгича педагогик технология схемаси асосида у ёки бу мавзу ўтилади холос. Бу ерда бир кичкинагина муаммо юзага келади. Бу муаммо хар бир тингловчининг шахсий, оилавий, ижтимоий муаммоларидир. Ўқувчи ўзида мавжуд муаммони билмас ёки хал қилмас экан унинг хаёлида ўша муаммо бўлиб машғулот иккинчи планга сурилади ва ана шу ерда педагогик психология ишга тушади ва машғулот давомидаги юз бериши мумкин бўлган барча муаммолар қисман бўлсада хал этилиб кетаверилади.

Мисол учун, бир ўқувчида қабул қилиш қобилияти суст ва ўқитувчи машғулотни бузмаган ҳолда унинг билан психологик ёндашув асосида дарсни уктириб ўтиши лозим ва бу ҳолатда ўқитувчининг янги педагогик технологияларни қўллаши эмас, балки педагогик психологияни мукаммал эгаллагани қўл келади.

Ўқувчини олдин лойларга чаплаб, машғулот охирига бориб ундан қахрамон ясаш мумкин ва аксинча ва бу холат ушбу ўқувчини шу дарсга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради, қачонки бундай ёндашув унутилмаслиги учун такрорланиб турилсагина.

Ўқувчилар билан ишлашда албатта унинг ижтимоий келиб чиқиши, оилавий ахволи, шарт-шароитлар, дунёқараши ва яна бир қатор шахсий жиҳатларини билиш ижобий ҳолатларга олиб келади ва шу жиҳатларга асосланиб ўқувчиларга муносабат билдирилса натижаси ёмон бўлмайди.

Таҳлил этилган ва ўрганиб чиқилган масалалар машғулотнинг дастлабки ҳолатини объектив белгилаб олиш имкониятини яратади, яъни ўқув жараёнини педагогик психология асосида ташкил этишнинг педагогик моҳиятини очиб беради:

-машғулотларга янгича ёндашувни ташкил этиш;

-машғулотларни педагогик психология асосида ташкил этишнинг шарт-шароитларини яратиш;

-машғулотларнинг таълим самарадорлигини ошириш омиллари, шакл, усул, метод ва воситаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

-таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

-ўқув жараёнини психологик ёндашув асосида ташкил этиш жараёнида фанлараро алоқадорликнинг таъминланишига эришиш.

Таълимни ташкил қилишда унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда таълим – тарбия жараёнининг асосини ташкил қилувчи қуйидаги ўзига хос махсус тамойилларга таянмоқ зарур.

1. таълимнинг илмийлиги ;
2. таълимнинг тарбиявийлиги ;
3. таълимнинг ривожлантирувчилиги ;
4. фан ва амалиётнинг бирлиги ;
5. онглилик ва фаоллик; ўқитиш шакллари, методлари, воситаларининг уйғунлиги ва бошқалар.

Таълим олувчи мустақил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш лаёқатини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини қарор топтира олиши талаб этилади. Давр талаби таълим олувчини таълим жараёнининг суст тингловчиси бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этмоқда ва бу борада албатта педагогик психологяни билиш даркор.

Ҳозирги шароитда таълим-тарбия муассасаларини ислох қилишнинг асосий йўналишлари амалга оширилаётганда асосини педагогик психология ташкил этган таълим-тарбия болаларнинг хар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради. Уларда ўтилган материални тез тушунишини, амалиётда қўллай олишини, ҳисоблаш, ёзиш ва маданий хулқ малакаларининг мустаҳкам шаклланишини таъминлайди.

Бундан ташқари, педагогик психология таълим муассасаларида ўқишга ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббатни тарбиялайди. Ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради.

Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, албатта, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Масалан, агар бола дастур материалини ўзлаштирса, мустақил фикрлаши етарли даражада ривожланмаганидан қатъий назар, унга юқори баҳо қўямиз. Ва аксинча, мустақил ҳолда ва ишонч билан мушоҳада юрита оладиган ўқувчи дастур материалини етарлича ўзлаштирмаган бўлса, ижобий баҳо ололмайди. Ўқитувчининг Ўқитиш функциялари ўзаро боғлиқлигини чуқур тушуниш унга дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини ижодий йўсинда қўйиш ва ҳал қилиш имконини беради. Дарсларда қўйиладиган мақсадлар таълим тарбия ишларини амалга оширишда усулларни излаш ва дарснинг ранг-баранглигини таъминлашга ёрдам беради. Ўқитувчининг ўқитиш жараёнида ушбу вазифаларни амалга оширишни билиши уларнинг ижодкорлик ва педагогик маҳорат билан ишлашини таъминлайди.

Педагогик психологияга таянган ҳолда дарснинг шахсни камол топтириш мақсадини амалга ошириш доимий равишда маълум ғояларни

режалаштириш ва фикрлаш мантиғини, фаоллик ва билишга қизиқишни ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқитувчилик касбини танлаган ўқувчи ёшлар энг аввало педагогик психологияни мукаммал эгаллашлари керак. Чунки иш фаолияти давомида психологик холатлар жуда хам кўп учрайди. Булар ўз ичида ҳатто актёрлик, режиссёрлик қобилиятига эга бўлишни ҳам талаб этади. Зеро таълимни технологик ташкил этиш ўқитувчидан шу сифатларни ҳам талаб этади. Ўқувчининг қобилияти ўсиб ҳамда ривожланиб бориш характерига эга. Бу жараён ўқитувчининг касб маҳорати, тажрибаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ислоҳотлар объекти ва субъекти даражасида фаолият кўрсатиши лозим. Ана шундай муносабатнинг ижтимоий моҳияти ривожланиш имкониятига эга бўлади. Бу борада чекланиш ва бир томонлама ёндашувлар ҳамда касбий муваффақиятсизлик ҳолатларининг олди олинган бўлади.

Мустақил давлатимизнинг тараққиёти таълим-тарбия соҳасида катта ислоҳотлар қилиш вазифасини қўйди ва у амалга оширилмоқда. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги жамиятнинг муҳим эҳтиёжини қондиришнинг энг зарур шартидир.

Технологик ёндашув ўқув фаолиятида кўп қиррали объект бўлиб, уни тадкиқ этиш ниҳоятда мураккаб жараён. Бундай тайёргарлик мутахассиснинг умумий ва махсус тайёргарлигининг маълум бир даражасига эришишни, зарур касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришни ва шу билан бирга педагогик психологияни билишни талаб этади. Бунда касбни дилдан севиш ва унга оид мотивларнинг мавжудлигидагина технологик ёндашув асосида ишлайдиган педагог шахси шаклланиши мумкин.

Маърузанинг таҳлили ва умумлаштирилиши натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради:

-барча таълим ва тарбия муассасаларида ПСИХОЛОГ лавозимида ишловчи ходимлар ҳам педагог, ҳам психолог бўлиши лозим,

-таълим ва тарбия муассасасидаги ПСИХОЛОГ олий маълумотли психолог бўлиши ва бир ойлик психология курсини тамомлаб ишлашига йўл қўйилмаслиги лозим,

-тарбияси оғир, ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан ишлашда ташаббускор бўлиши лозим,

-мунтазам равишда машғулотларнинг кечишини кузатиши ва лозим бўлганда ўз фикрларини билдириши керак,

-таълим ва тарбия жараёнига танқидий кўз билан қараши лозим,

-вақти-вақти билан ўқувчилар билан турли қизиқарли психологик машғулотлар ўтказиб туриши керак,

-мунтазам ўз устида ишлаши ва ҳамкасбларни бунга ўргатиб бориши лозим,

-касб этикасига қатъий амал қилиши шарт.

# MEHNAT JAMOASIDA IJTIMOIY - PSIXOLOGIK MUHITNI BOSHQARISH

*Yusupov I.I.*
*Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti*

2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida ham jamiyatda barqaror sog'lom muhitni mustahkamlash, ijtimoiy – psixologik muhit farovonligini ta'minlash, navqiron avlod ta'lim-tarbiyasiga e'tiborni yanada kuchaytirish muhim vazifa etib belgilangan.

Mamlakat taraqqiyotida sog'lom ijtimoiy - psixologik muhit, teran fikr va mustaqil hayotiy pozitsiyaga ega yoshlarning o'rni beqiyosdir.

Shu munosabat bilan yosh istiqbolli kadrlarning professional rivojlanishini kuzatib borish, ular faoliyati samaradorligi mezonlarini, boshqaruvchilik qobiliyatini aniqlash va shakllantirishga katta e'tibor qaratilib kelinmoqda.

Muhtaram yurtboshimiz o'zining qator nutq va ma'ruzalarida, turli chiqishlarida jamiyat hayotining barcha sohalarini erkinlashtirish, islohotlarni yanada jadallashtirishda rahbar kadrlarning roli muhim ekanligini doimo ta'kidlab, kadrlar masalasi bugungi kunning ustuvor yo'nalishi deb yo'llanma berib kelmoqda. Darhaqiqat, tuzgan rejalarimiz, qabul qilgan qaror va qonunlarimizning ro'yobga chiqishi, taraqqiyotimiz odimlari, qo'yingki, kishilar kayfiyatiga bog'liq barcha hayotiy masalalarning ahvoli u yoki bu sohada kim rahbar bo'lib ishlayotganligiga, rahbarlik faoliyatiga bog'liqdir

Har bir korxona rahbarining asosiy vazifasi korxonada ma'naviy-psixologik muhitni yaratish, ya'ni ishchilar orasida doimiy psixologik va pedagogik, ya'ni tushuntirish ishlarini olib borishlari lozim. Buning uchun har bir korxonada mutaxassis psixologlar ishlashi lozim. Chunki ular har bir ishchi hodimning ruhiyatini o'rgangan holda ularga yondashadi va ularga vazifalar beradi. Bu esa jamoada ma'naviy – psixologik muhitni sog'lomlashtiradi.

Yuqorida turgan boshqaruv organining korxonaga markazlashgan rahbarligi, ishlab chiqarish jamoasining ho'jalik sohasidagi mustaqilligi, tashabbuskorligi qo'shib olib boriladi. Jamoada hodimlar ishlab chiqarish jarayonini bevosita amalga oshiradilar. Ular moddiy boyliklarini vujudga keltirish bilan bevosita mashg'ul bo'lgan kishilarni birlashtiradi.

Ilmiy boshqaruvning klassik namoyondalari mojaro va ziddiyatlarni yomon holat va korxona uchun zarar deb ko'rsatishgan. Vaholanki, zamonaviy olimlar esa mojaro va ziddiyatlarni tabiiy va kerak holat deb ta'kidlamoqdalar. Ziddiyatning korxona o'sishiga olib kelishi funksional ziddiyat, mojaro deyiladi. Teskarisi esa disfunksional ziddiyat deyiladi.

Mojaroni 4 turga bo'lib o'rganamiz:

I. Shaxslar orasidagi mojaro.
II. Shaxslararo mojaro, ziddiyat.
III. Shaxs va jamoa o'rtasidagi mojaro.
IV. Jamoalararo mojaro.

Shaxslar orasidagi mojaroga misol qilib, korxonaning tsex rahbari ishchiga berilgan vazifani oʻz vaqtida bajarmaganini talab qilishida ishchining jahli chiqishi oqibatida kelib chiqqan mojarodir.

Shaxslararo mojaro bu korxona muhitida eng koʻp tarqalgan ziddiyat boʻlib, masalan korxona reklamasi bilan shugʻullanuvchi 2 rassom mavjud. Lekin ularning dunyoqarashi va didi ikki xil boʻlishi mumkin. Va albatta har biri oʻzining fikrini yuqoridagi rahbarlarga taqdim etishga harakat qiladi va natijada ular orasida kelishmovchiliklar yuzaga keladi.

Mojarolarning shaxslararo usul bilan yechishning 5 ta turi mavjud:

1. *Oʻzini chetga olish.*
2. *Tinchlantirish.*
3. *Majburlash.*
4. *Oʻhshash yoʻlni topish.*
5. *Muammoni hal qilish.*

Shaxs va jamoa oʻrtasidagi mojaro masalan: bir rahbar boʻlimida ishlovchi hodimlarni ish vaqtini koʻpaytirish toʻgʻrisida qaror chiqarishi mumkin, lekin bu qaror hodimlarga ma’qul kelmasligi mumkin, natijada jamoa va shaxs oʻrtasida ziddiyat kelib chiqishiga sabab boʻladi.

Jamoalararo ziddiyat: bu ziddiyat koʻpgina korxonalarda juda keng yoyilgan, masalan: kasaba uyushmasi bilan ma’muriyat oʻrtasidagi ziddiyat, yoki ishlab chiqarish boʻlimi bilan marketing boʻlimi oʻrtasidagi ziddiyatdir.

Jamoa a’zolari orasida nizolarning koʻpchiligi quyidagi sabablar tufayli sodir boʻladi:

1. Resurslarni taqsimlashdagi adolatsizlik.
2. Vazifalarning oʻzaro bogʻliqligi.
3. Maqsadlardagi har xillilik.
4. Erkinlik, mustaqillik va oʻz kadrini bilishdagi har xillilik.
5. Manmanlik, qaysarlik.
6. Kommunikatsiya, oʻzaro aloqaning qoniqarsizligi.

Har qanday rahbar ana shu ziddiyat, mojarolarni tahlil qilishi va psixologik yondashib, ularni tinch yoʻl bilan hal etishi shart. Shuning uchun uning asosiy vazifasi bunday holatlarni samarali boshqarishi lozim.

Disfunksional ziddiyat kelib chiqishini oldini oluvchi eng yahshi usullardan har bir hodimga uni ishidan va oʻzidan korxona nima kutayotganligini tushuntirib berishdir. Bu yerda kelib chiqadigan oqibatlarning me’yori, axborotlarni kim berishi va kim qabul qilishi, javobgarlik tizimi, korxona siyosati va qoidalari koʻrsatib oʻtilishi kerak. Shuni ham aytib oʻtish kerakki, boshqaruvchi bu narsa oʻzi uchun emas, balki boshqalarga ya’ni jamoa a’zolariga ham tegishliligini tushuntirishi lozim.

Ziddiyatlarni boshqarishning yana bir samarali usuli bu koordinatsion mexanizmlarni tadbiq etish. Eng koʻp tarqalgan mexanizmlardan - buyruq zanjiridir.

Ziddiyatli muammolarni yechish uchun quyidagicha hulosa chiqarish mumkin.

1. Maqsadlar muammosi yechimini aniqlash.

2. Muammo aniqlangandan keyin tomonlarga ma’qul keladigan yechimni topishga harakat qilish.

3. O‘z e’tiboringizni bir tomonning shaxsiy sifatlariga emas, balki muammoni o‘zida jamlash.

4. O‘zaro ta’sir, ishonch va axborotlar bilan almashish muhitini yaratish.

5. Aloqa paytida jahl qilish va qo‘rqitish yaramaydi, boshqalarning fikrini eshitib, bir qarorga kelish.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1 “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni.

2 Mirziyoev Sh.M.Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017.

3 Qosimova N. “Boshqaruv muloqoti psixologiyasi” Jurnal., 2015 yil, fevral, №2.

## TA’LIM TIZIMIDA PSIXOLOGIK XIZMATNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

*Yusupova Y.M.*
*Andijon davlat universiteti Katta o‘qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu makolada ta’lim tizimida psixologik xizmatning roli va uning tashkil etish usullari xakidagi fikr va mulohazalar bayon etilgan**. X**ar biri o‘quvchi uchun psixologik muxofaza imkoniyatlarini yaratish va shu asosda o‘quv faoliyati samaradorligini ta’minlash zarur bo‘ladi. Maktabda o‘quvchilarga xos psixik konuniyatlarga tulik rioya kilishda va ta’limni tashkil etishda psixologik xizmat katta ahamiyatga ega.

**Tayanch iboralar:** Ta’lim tizimi, psixologik maslaxat, psixologik xizmat tuzilishi, maktabda psixologik xizmat,psixolog, mijoz.

**Аннотация:** В данной статье обсуждается роль психологических служб в системе образования и как она организована. Каждому из них необходимо будет создать возможности для психологической защиты студента и на этой основе обеспечить эффективность образовательной деятельности. Психологические службы играют важную роль в полном соблюдении психических законов учащихся в школе и в организации образования.

**Ключевые слова:** система образования, психологическое консультирование, структура психологической службы, психолог, клиент, школьная психологическая служба,

**Annotation:** This article discusses the role of psychological services in the education system and how it is organized. Each of them will need to create opportunities for psychological protection for the student, and on this basis to ensure the effectiveness of educational activities. Psychological services play an

important role in the full observance of the mental laws of students in the school and in the organization of education.

**Key words:** education system, psychological counseling, psychological service structure, school psychological service, psychologist, client.

Mutaqillikning keyingi yillari ta’lim tizimidagi islohotlar va yangiliklarga boy davri bo‘ldi. Bunga misol qilib ta’limda psixologik bilimlarga e’tiborning kuchaishi, soha mutaxasisslariga bo‘lgan talabni ham ortganligini ko‘rish mumukin. Shu o‘rinda psixologik xizmat masalalari alohida masala sifatida ko‘rilayotganini ta’kidlash joiz. Bu esa ta’limning yuqori darajada sifatli tashkil etishda psihologik fanlarni o’qitishni takomillashtirishni taqozo qiladi. Barcha rivojlangan mamlakatlardagi xalq ta’limi tizimining muvaffaqiyati ushbu sohada psixologik xizmatni xar tomonlama to‘g‘ri va samarali tarzda tadbiq etish bilan bevosita bog‘liq ekanligi e’tiborni tortadi. Ayrim adabiyotlar taxlili va kuzatishlarimiz natijasi shundan dalolat beradiki, maktabda psixologik xizmat tizimining ilmiy va amaliy vazifalari turli mamalakatlarda turlicha joriy etilmoqda. Bizning umumta’lim maktablarimizda psixologik xizmat tizimi o‘ziga xos usulda joriy etilgan va dastlabki eksperimental tadqiqotlar olib borilmoqda. Maktabda ta’lim olayotgan xar bir bola iqtidorini, individual imkoniyatlarini batafsil o‘rganmay, tahlil qilmay turib, mazkur o‘quvchi kelajagini pedagogik jihatdan to‘g‘ri baholab bo‘lmaydi. O‘quvchilarning faolligini ta’minlashda bugungi kunda psixologik xizmat tizimi tomonidan bartaraf qilinishi lozim bo‘lgan qator muammolar mavjud.

Bolalarni ruxiy va intellektual tayyorgarligi asosida maktabga qabul qilish shunday masalalardan biridir. Keyingi paytda 6-7 yoshga kirgan barcha bolalarni yoppasiga maktabga qabul qilish an’anaga aylangan, psixologlar esa hech qachon ishni bunday tartibda hal etishga yo‘l qo‘ymagan bo‘lar edilar. Sababi, xar bir bola ham aqliy, ham jismoniy jihatdan o‘ziga xos individual imkoniyatlariga ega. Ba’zi bolalar olti, yetti, xatto sakkiz yoshga to‘lsalarda, ta’limni boshqa tengdoshlari qatori o‘zlashtirishga tayyor bo‘lmaydilar. Biz esa ularni maktab rejasiga, ba’zan esa ota-onasining hohishiga qarab maktabga qabul qilaveramiz. Mashg‘ulotlarga esa bolalarni majburan olib boramiz. Natijada bolalar ruxiy jihatdan turli kasalliklarga yo‘liqishi mumkin. Bu esa bolaning aqliy va intellektual jihatdan tabiiy rivojlanish ildiziga bolta urish demakdir. Bunday xolatlarga zudlik bilan barham berish, ya’ni xar bir maktab ta’limiga ilk bor qadam qo‘ygan bolani maxsus va mukammal ishlab chiqilgan psixologik testlardan o‘tkazish va uning natijalari asosidagina maktabga qabul qilish haqida ma’suliyat bilan o‘ylashimizga to‘g‘ri keladi.

Boshlang‘ich ta’limda kuni uzaytirilgan guruxlarni to‘g‘ri tashkil etish muammosi ham g‘oyat muximdir. Ko‘pgina maktablarda aksariyat 1-2 sinf o‘quvchilari darsdan so’ng 4 yoki 5 soatlab maktabda, kuni uzaytirilgan guruxlarda qolib o‘qishlari kerak. Bu holda biz 6-7 yoshli bolani 7-8 soatlab maktabda ushlab turamiz.

Xo‘sh, bola buni xoxlaydimi? Albatta yo‘q. Chunki, xatto biz kattalar ham muntazam bir joyda 7-8 soatlab qolib yoki ishlash imkoniyatiga ega emasmiz. Axir

bolaning imkoniyatlari xali ko‘prok o‘yinga va uxlashga moslashganku. 7-8-soatlab o‘qish bir joyda bo‘lish jarayonida bola zerikadi, ruxiy jihatdan toliqadi nihoyat, maktabdan beziydi xatto unda yuksak darajada rivoj topishi mumkin eng achinarlisi, bunday xollarda u uyga borib, xatto ovqatni ham yemay uxlab qoladi. Shunday ekan, kuni uzaytirilgan guruxlar tuzilishini shakl va mazmunan psixologik talablar asosida qayta ishlab chiqish vaqti keldi.

Maktabda o’quvchilarni baholash ham psixologik mezonlar asosida amalga oshirilishi maqsadga muvofiq. Psixologik pedagogik adabiyotlardan ma’lumki boshlangich sinf o‘quvchisi uchun eng birinchi maqsad bu, yaxshi baho orqali o‘z « Men» ligini ilk bor xis etish, ota-onasi va kattalar xurmatiga sazovor bo‘lishidir. Shuning uchun o‘quvchilar yaxshi baho olishga intiladilar. Lekin ko‘p hollarda baholash mezonining buzilishi o‘quvchi ruxiyatiga, ayni paytda shaxs sifatidagi taraqqiyotiga salbiy ta’sir etmay qolmaydi. Shuning uchun boshlangich sinf o‘quvchilarida baholashning psixologik mezonlari chuqurroq o‘ylab ko‘rilishi kerak.

Bola shaxsini to‘g‘ri tushunish va uning harakatlarini tahlil qila olish zarur. «Xar bir shaxs qaytarilmas temperamentdir»- degan edi fiziolog olim I.P.Pavlov[3]. Qolaversa, xar bir insonning o‘zigagina xos imkoniyatlari mavjudligi va unga doim jiddiy e’tibor berish zarurligi haqida O’rta Osiyoning buyuk mutafakkirlaridan Ibn Sino, Farobiy va Beruniy ham o‘z zamonalarida alohida qayd etib o‘tganlar. Chunonchi, o‘qituvchi bola shaxsini tarbiyalash uchun, dastavval uning «betakror olamiga» kira olishi va shunga mos keluvchi tarbiyaviy tadbirlar rejasini tuzishi va qo‘llamog‘i lozim. Taniqli ruxshunos olim L.S.Vigotskiy taraqqiyotga ilgarilab ketgan ta’limgina samarali bo‘lishini qayta-qayta ta’kidlagan edilar [5]. Ma’lumki, bugun bola kattalar yordamida amalga oshirilayotgan ishni ertaga o‘zi bajarishi kerak. Bunga bolani xar tomonlama rivojlantiradigan uni fikrlashga o‘rgatadigan, qobiliyatini asta-sekin o‘sib borishga imkon yaratadigan, tafakkurining yangi-yangi qirralarini ochadigan pedagogik usullar va maxsus psixologik xizmat tizimi mavjud bo‘lgan taqdirdagina erishish mumkin. Yuqoridagi muammolarni xal qilish jarayonida maktab psixologlari quyidagi vazifalarni amalga oshirishlari maqsadga muvofiq deb o’ylaymiz.Yani:;

1. Xar bir o‘quvchida namoyon bo‘lishi mumkin bo‘lgan xissiy zo’riqish holatlariga xos asosiy ko‘rinishlarni aniqlash ya’ni birinchi psixodiognostik ishlarni tashkil etish;

3. O‘quv faoliyatini tashkil etish nazorat qilish va boshqarish jarayonida o‘quv faolligi va samaradorligiga salbiy ta’sir etishi mumkin bo‘lgan holatlarni oldindan ko‘ra bilishi va ularni bartaraf etish uchun muntazam ravishda tegishli tadbirlar asosida psixoprofilaktik ishlarni tashkil etish;

4. Fanlarni o’zlashtirmaydigan o‘quvchilarni o’zlashtira olmaslik sabablarini aniqlash va shu asosda ular bilan alohida mustaqil ishlar olib borish, ulardagi imkoniyatlarni keng miqyosda o‘rganish va rivojlantirish orqali o‘quvchi shaxsidagi faollikni oshirishni yo‘llarini izlash. Yani bunda rivojlantiruvchi va psixokorreksion ishlarni tashkil etish.

5. Xar bir o‘quvchining o‘zigagina xos iqtidori, qiziqishlari, maqsadlari o‘qish imkoniyatlari haqida shu o‘quvchining o‘ziga, sinf raxbariga va ota-onasiga

o'z vaqtida tegishli ma'lumotlar yetkazish asosida ular bilan xamkorlikni rivojlantirish ya'ni psixologik maslahat ishlarini tashkil etish;

6. Psixologik xizmat nizomiga amal qilgan holda xar bir o'quvchi uchun «Shaxs psixik varaka»sini to'ldirish. Xar bir sinfdagi o'quvchilar guruxi rasmiy va norasmiy kichik guruxlar, sardorlar va ayrim «ajralib qolgan» o'quvchilar bilan individual psixologik ishlar olib borish rejalarini tuzish. O'quvchilarni maktabga qabul qilishda faol ishtirok etish va ularni kasbga yo'llash bilan bog'liq tadbirlarni takomillashtirish.

Xulosa qilib aytganda, xar biri o'quvchi uchun psixologik muhofaza imkoniyatlarini yaratish va shu asosda o'quv faoliyati samaradorligini ta'minlash zarur bo'ladi. Maktabda o'quvchilarga xos psixologik konuniyatlarga to'liq rioya qilish ta'limni tashkil etishda katta ahamiyatga ega. Shuningdek, bolalarga bilimlari va xuquqlari doirasida boshlang'ich ta'lim tizimida olib borilayotgan darslarni psixologik jihatdan tahlil qilish va tegishli tavsiyalar ishlab chiqish ta'limdagi yutuqlar omili hisoblanadi.

**ADABIYOTLAR:**

1.G'oziyev E. Ontogenez psixologiyasi.Toshkent, Noshir., T 2010

2.Do'stmuhammedova Sh.A., Z.T.Nishonova, S.X.Jalilova, Sh.T.Karimova, Sh.T.Alimbayeva "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" Toshkent Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi. 2013

3.Davletshin M.G. va boshqalar «Yosh davrlari va pedagogik psixologiya» T.: TDPU, 2004 yil

4.Abramova.G.S.«Vozrastnayapsixologiya»: Uchebnoeposobie dlya studentov VUZOV.-M., "Izd-vo" 2001.- 621s

5.KriskoV.G. «Psixologiyai pedagogika» M.: Xarvest – AST 2000

6.Zimnyaya.I.A «Pedogagicheskaya psixologiya»: Uchebnikdlyavuzov. –M., "Izd-vo" 2002.-384s

7.ReanA.A., Bordovskaya.N, Rozum.S «Psixologiyai pedagogika» SPb.: Piter 2007

**Qo'shimcha adabiyotlar**

1.T.D.Martinskovoy «Detskaya prakticheskaya psixologiya» Pod.red.-M., "Izd-vo"2000.-255s

2.PetersV.A, «Pedagogicheskaya psixologiy)» M. "Izd-vo": 2000

Elektron Ta'lim resurslari

1. www. tdpu. uz

2. www. pedagog. uz

# EKSTREMAL VAZIYATLARDA SHAXSLARNING O`ZIGA XOS PSIXOLOGIK HUSUSIYATLARI VA SHOSHILINCH PSIXOLOGIK XIZMATNING O`RNI

*Yusupova M.*
*O`zbekiston Xalqaro Islom akademiyasi magistranti*

Bugungi kunda tabiiy sodir bo`ladigan favqulodda vaziyatlar va inson omilining halokatli harakatlarining salbiy oqibatlari o'sayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz.O'z navbatida, bu qator salbiy psixologik oqibatlar aholi orasida vahima paydo bo'lishiga olib keladi.Jamiyatdagi vahima oqibatlari ommaviy tushkunlikda va vahimali xatti harakatlarda namoyon bo'lishi mumkin.Shu sababli, odamlar orasida vahima qo'zg`ovchi omillar va uning oldini olish usullarini o'rganish hamda shoshilinch psixologik yordam ko`rsatish dolzarb hisoblanadi.

Muammoning ahamiyatli tomoni shundan iboratki, odamlar ekstremal vaziyatlarda o'zini qanday boshqarish yo'lini bilmasliklari tufayli,odatda sarosimaga tushib, vahimaga tushishadi. Vahima fenomeni tadqiqot olib borish uchun murakkabligiga qaramay,ushbu muammoni ko`plab mutaxassislar G. Andreeva, V. Krysko, G. Lebon,A. Nazaretsyan, D. Olshanskiylar o`rganib,hodisaning asosiy xususiyatlarini aniqlay oldilar.

Tadqiqotchi L. Pochebut individual shaxsda vahima paydo bo`lishingning quyidagi sabablarini ta'kidlab o`tgan.

1.Fiziologik sabablar (depressiya, charchoq, ochlik, uyqusizlik, odamni jismoniy va aqliy holatga keltiradigan stress, giyohvand moddalar bilan zaharlanish kuchsiz va vaziyatni tezda baholash qobiliyatini kamaytiradi)

2.Psixologik shartlar (og'riq hissi, xijolat tortish, noaniqlik, qo'rquv, dahshat, yolg'izlik va nochorlik hissi)

3.Ijtimoiy va psixologik shartlar (umumiy keskinlik jamiyat, birdamlik, yaxlitlik va guruhning birligi yo'qligi, yetakchilarga bo'lgan ishonchni yo'qotish, ma'lumot yetishmasligi,mish-mishlar)[1]

Tadqiqotchilari bir ovozdan ijtimoiy va boshqa omillar bilan taqqoslaganda psixologik omil ustunlik qilishini takidlaganlar.

Vahima hodisasini o'rgangan olim V. Krysko qo`rquvning guruhga ta'sirini alohida o`rgandi.Uning ta'kidlashicha, eng asosiysi - bu shaxsiy qo'rquv guruhiy qo'rquvi uchun asos bo`ladi.Shuning uchun avvalo individual va guruhiy vahimani farqlash zarur. Shaklga qaramay vahima (individual yoki guruh), u chuqurlik, daraja bo'yicha har xil bo'lishi mumkin.

**Yengil**-ongda vahima qo'zg'atish (odam o`zini deyarli to'liq ushlab tura oladi)

**O`rta**-ongning sezilarli darajada deformatsiyasi bilan tavsiflanadi (biroz kutilmaganlik, xavotirlanish,keskinlik)

**To`liq-** to'liq aqldan ozish va ongni yo'qotish bilan tavsiflangan qora tanqisliklar (xatti-harakatni boshqara olmaslik,nima bo'layotganini baholay

[1] PochebutL. H. Sotsyalnaya psykholohyya tolpy: Monohrafyya/L. H. Pochebut. -Yzd-vo ≪Pech≫, 2004. – 346 s.

olmaslik, tanqidning pastligi, qo'rquvning ko'tarilishi,tashqi ta'sirlarga kuchli moyillik) [1]

G. Andreevaning so'zlariga ko'ra, vahima - bu ma'lum bir hissiy holat, bu ba'zi yangiliklar yoki ular haqida ma'lumot yetishmasligi yoki har xil ma`lumotlarning ortib ketishi oqibatidir.Vahima odamlarning bir qator xususiyatlari bilan paydo bo'lishi bilan bog'liqligi ma'lum bo'ldi.Ilmiy tahlillar shuni ko'rsatadiki, ayollar va bolalar ko'proq vahima qo'zg'ashadi.

Vahima holat nihoyatda yuqumli bo`lib, u tezda bir jamoadan ikkinchi bir jamoaga tezda tasir qilish bilan ajralib turadi.Ayniqsa ektremal vaziyatlarda vahimaga holatidagi shaxslar uchun to`gri ma`lumot yetkazish juda muhim hisoblanadi.Ekstremal vaziyatlarda bu kabi shaxslar affekt holatidagi shaxslar deb tariflanadi.Chunki ekstremal vaziyat ta`siri ostida shaxs o`z xatti-harakatlariga javob bermaydi.Psixoz holatining eng yuqori darajaga chiqishini E.G`oziyev “jazava” holati deb nomlaydi.

Psixozning eng yuqori nuqtasi Psixopanika –ommaviy ruhiy talvasa hisoblanadi.Ommaviy psixozning kuchayishi yoki bartaraf etilishida berilayotgan axborot juda katta ta`sir qiladi.Shu sababli ham ekstremal vaziyatlarda xavfsizlikni taminlash uchun psixolog tomonidan o`sha sharoitga mos keladigan informatsiya tanlash va tarqatish maqsadga muvofiqdir.Bundan tashqari ta`qiqlovchi,yo`naltiruvchi ustanovkalar ishlab chiqish ham zarur.

Psixoz holati qancha muddat cho`zilishi yoki davom etishi ana shu ustanovkalarga bog`liq.Ektremal vaziyatlarda psixoz holatini bartaraf etish uchun kuchli ustanovkalar ta`siri ostida amalga oshiriladi.Buning uchun har qanday psixozni mexanizmini aniqlash lozim bo`ladi, shu bilan bir qatorda psixozni quvvatlantirayotgan “demonsrator”ni topishga va uni “qurolsizlantirish”aga harakat qilinadi.Psixozni ektremal vaziyatlarga tasiri aksar holatlarda jamoadagi shaxslarning yoshiga ham bog`liq.Yoshi kattalar kamroq,yoshlar esa ko`proq psixoz holatiga tushadilar.

Shoshilinch psixologik yordam jarayonida psixolog ekstremal vaziyatdagi shaxslarni guruhlarga ajratadi (stress,depressiya,gollutinatsiya,affekt va boshqa holatlarga ko`ra) va ularning guruh sifatida shakllantirib tezroq psixologik konsultatsiyalar tashkil qilinadi.

Birinchi shoshilinch yordamda psixolog shaxsiy holatidan kelib chiqqan holatda ma`lum bir asosli metodni tanlab oladi va ana shu,metod asosida shaxsga ta`sir qiladi.Shoshilinch psixologik yordamda shaxsning holati va ta`sirlanish darajasidan kelib chiqib, psixologik o`yin yoki biotrening qo`llashi ham mumkin.

Ekstremal vaziyatlarda eng xavflisi va eng uzoq ta`sir qilivchi holat gollutinatsiya,illuziya va affekt holatlari hisoblanadi.Shaxsga ana shu holatlardan chiqib ketishi uchun ma`lum bir ustanovka,ma`lum bir trening,ya`ni ruhiy yordam kerak bo`ladi.Shoshilinch psixolog yordamning asosiy maqsadi shaxsning ayni paytdagi psixologik holatidan ijobiy holatga o`tkazish va ana undan keyin ustanovkalar berish hisoblanadi.

---

[1] KryskoV. H. Sotsyalnaya psykholohyya: kurs lektsyy 3-e yzd./V. H. Krysko. – M.: Omeha-l, 2006. – 352 s.

# O'Z-O'ZINI ANGLASHNING RIVOJLANISHI INSON TARQQIYOTI KALITI

*Yusupova Sh.Sh.*
*O'zbekiston Milliy Universiteti magistri*

Jamiyatdagi siyosiy, iqtisodiy, demografik, ekologik, ijtimoiy va inson ongi borasidagi qarashlar, tub o'zgarishlar jarayonida zamonaviy psixologiya fanlarida chuqur ilmiy va amaliy izlanishga ehtiyoj yanada oshib bormoqda. Bugungi kunda amalga oshirilayotgan barcha islohatlar avvalo inson va uning farovon hayot kechirishi, uning jismoniy, psixologik, ijtimoiy kamolotini ta'minlashga qaratilgan.

Inson shaxsi butun umr bilishga intilish bilan o'zini o'z muhitida, takomillashtirib rivojlantirib boradi. Bola dunyoga kelibdiki, u har bir yoshda dastlab atrof-olamni, predmetni va jamiyatdagi shaxslarni kuzatib, o'z hatti-harakatlari orqali o'rganib boradi. Go'daklik davridan keyingi yosh davrida rivojlanish jarayonida tashqi olamni o'rganishdan, asta-sekin ichki subyektiv o'z-o'zini o'rganishning ilk ko'rinishi shakllana boradi. Ayni shu kognitiv (bilish) jarayonida bola shaxsining "Men"ligi ya'ni o'z-o'zini anglash tizimi ham takomillashib boradi. O'z-o'zini anglash tushunchasiga nisbatan aniq ta'rif mavjud emas. Ammo ushbu tushunchaga o'z-o'zini anglash komponentlari asosida quyidagicha ta'rif berish mumkin. O'z-o'zini anglash- insonning o'z tanasini atrof-muhitda ayri holda mavjudligini his etishi, o'z ehtiyojlarini namoyon qilishi, jamiyatga nisbatan munosabatini o'z imkoniyati darajasida javob qaytarishi va munosabatda bo'lishi, o'z fikrlarini, hissiyotini va hatti-harakatini boshqara olishi, kelgusidagi yangiliklarga va muammolarga moslashish va uni hal eta olish ko'nikmasi hisoblanadi. Bola xarakterining xususiyati ro'yobga chiqadigan har-qanday vaziyat, sharoit, holat, muhit hissiy kichinmalarining individual o'ziga xos hislati uning munosabatlariga bog'liq. Ya'ni o'z "Men" ligini namoyon qilishi nazarda tutiladi. Shaxsni o'z-o'zini anglashning psixologik ta'sirini o'rganish, uning kelgusida o'zining jamiyat rivoji va vatan ravnaqi uchun o'z milliy qadryatlariga tayangan mustaqil ma'naviy olamiga ega, o'z fikrini, hissiy olamini, hatti-harakatini jamiyatning ijtimoiy me'yorlariga to'g'ri kelgan holda boshqara oladigan shaxsni shakllantirib borish, barcha davlat va jamiyat sohalari uchun dolzarb bo'lgan masalalardan biri hisoblanadi. Bunda shaxsning shakllanishiga doir L. S. Vigotskiyning tarixiy-madaniy, D.B.Elkoninning faoliyatga ko'ra munosabat, D.I.Feldshteynning shaxs rivojlanishi, Z.Freyd yaratgan psixonaliz, A.Adler individual psixologiya, K.G. Yung analitik psixologiya, J.Uotson shaxs nazariyasida bixeviorial yo'nalish, B.F.Skinnerning operant o'rganish, A.Banduraning ijtimoiy- kognitiv shaxs, J.Rotterning ijtimoiy o'rganish, G.Olportning shaxsning dispozitsion nazariyasi, A.Maslouning shaxsnining o'z-o'zini kamol toptirish, K.Rodjersning psixoterapiyasi, R.Meyning shaxsning hayot yo'li haqidagi nazariya yo'nalish namoyondalari, yurtimizning bir qancha psixologiya sohasida faoliyat yuritayotgan psixologlari (M.G.Davletshin, G'.B.Shoumarov, V.M.Karimova, R.I.Sunnatova, E.G'.Goziev, B.R.Qodirov, Sh.R.Barotov, Z.T.Nishonova…) ilg'or fikrlari, shu asosida ilmiy va tadbiqiy ish

olib borayotgan ko'plab tadqiqotchilarning shaxs, ununig takomillashuvi, o'z-o'zini anglash borasidagi ishlari bugungi kunda shaxsning sog'lom jismoniy, psixik va ijtmoiy rivojlanishi ta'minlashda yangi nazariya va dasturlarni yaratishga harakat qilayotgan yosh tadqiqotchilar uchun boy metodologik, nazariy asos bo'lib kelmoqda.

Xususan shaxs taraqqiyotida muhim omillarni keltirib o'tgan A.Maslauning ehtiyojlar ierarxiyasinazariy qarashlarini keltirib o'tish joiz. Shaxs o'zini faollashtirish tushanchasi A.Maslou uchun ham asosiy deb hisoblanadi. Uning qarashlariga binoan, inson yaxlit tizim sifatida ijtimoiy sharoitlar ta'siri ostida amalda faoliyat yuritadi. Ehtiyojlar pastidan yuqorisiga qarab tashkil etadi:

1. Fiziologik ehtiyojlar;
2. Xavfsizlik ehtiyojlari;
3. Ijtimoiy ehtiyojlar;
4. Hurmat va e'tibor ehtiyojlari;
5. O'z imkoniyatlarini ishga solish ehtiyoji.

Quyidagi ehtiyojning bola ehtiyojiga mos ravishda qondirilib borilishi, bolaning keyingi o'zini va o'z imkoniyatlarini anglab borishiga sharoit yaratib boradi. Go'daklik davrida bolaning organik ehtiyojlar yetarli darajada qondirib borilsa, ular o'zlarining asosiy bo'lish ahamiyatini yo'qotadi: to'g'ri tashkil etilgan kun tartibi va tarbiya asosida bola psixik rivojlanishi uchun asos bo'ladigan taassurotlarga, harakatga, muloqotga nisbatan yangi turdagi ehtiyojlar turkumi yuzaga keladi.[1] Bolada organik ehtiyojga nisbatan munosabatning ona tomonidan to'g'ri o'rnatilmasligi, bolaning o'z ehtiyojini qondirishda boshqa usullar orqali ya'ni yig'lash, injiqlik, harhasha qilish kabi xulq-atvor ko'rinishining yuzaga kelishini kuzatishimiz mumkin. Huddi shunday go'dak uchun muhim bo'lgan ijtimoiy havfsizlik ehtiyoji ham muhim sanaladi. Bolaning kattalar tomonidan hissiy signallarini aniq talqin qilish va to'g'ri javob berish, uning o'zini ishonchli havfsiz his etish va onaga yaqinlik hissini tug'diradi.[2] Bola ehtiyojalari ham shu tariqa ulg'aygan sari sifat jihatdan o'zgarib boraveradi. Ammo bolaning oraganik hamda havfsizlik ehtiyojining qondirilishi go'daklik davrida muhim hisoblanadi. Ilk bolalik davriga kelib, bolaning jismoniy o'sishi, psixik rivojlanishi ancha tezlashadi. A.Maslou ketirib o'tgan barcha ehtiyoj shaxsning har qanday yoshi uchun muhim ahamiyatga ega. Bolaning har bir yoshda ulg'aygani sari uning kognitiv bilimi va ijtimoiy ko'nikmalari oshib boraveradi. Shu bilan birga bola shaxsining o'z-o'zini anglash jarayoni tug'ilgandan umrining oxiriga qadar takomillashishda davom etadi. O'z-o'zini anglash o'z ichiga:

- O'z-o'zini bilishi;
- O'z-o'ziga munosabat;
- O'z-o'zini his etishi;

---

[1]Davletshin. M. G, Do'stmuhamedova.Sh, Mavlonov. M, To'ychiyeva S. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya.Toshkent. 2004.- 31 b.

[2] Houtimeyers, Kimberley Ann. Attachment relationships and emotional intelligence in preschoolers. Doc. of philos. Abbraviation diss. University of Windsor. 2000.-5 p.

- O’z-o’ziga ta’sir;
- O’z-o’zini boshqarish komponentlarini kiritish mumkin.

O’z-o’zini anglashning ilk rivojlanishi go’daklik davridan boshlanadi. O’z-o’zini tartibga solish. Chaqaloqlar e’tiborni stimul tomon yo’naltirish va undan uzoqlashtirishni o’rganadilar. Masalan, ko’zlarini yumish va boshlarini burish. Shuningdek, ular hissiy reaksiyalarni o’z-o’zini boshqarish usullari bilan, bosh barmog’ini so’rib olish orqali, stressli muhitni yengish uchun boshqaradilar. Xulosa qilib aytganda, o’z-o’zini tartibga solish quyidagi fundamental qobiliyatlardan kelib chiqadi: go’daklik davrida hissiy tartibga solish va diqqatni boshqarish, ilk bolalikda undan keyin ishlaydigan xotira, rejalashtirish va undan yuqori darajadagi kognitiv funksiyalari, o’smirlik davrida muammolarni hal qilish, qolgan hamma boshqaruv tizimi takomillashib boradi.[1]

Demak, o’z-o’zini anglash komponentlari go’daklik davridan boshlanib takomillashib boraveradi. Ota-onalar va tarbiyachi, tomonidan bolada o’z-o’zini boshqarish komponentlari nazorat qilinishi, yoshlikdan o’z-o’zini tartibga solishni to’g’ri yo’naltirib borilishi, keyingi yoshda o’z-o’zini anglash komponentlarining muvaffaqiyatli takomillashishini ta’minlaydi. Hozirgi vaqtda kuzatilayotgan o’smirlik, o’spirinlik va yetuklik davrida yoshlar xarakterida, hatti-harakatidagi og’ishish holatlari kamayadi. O’z-o’zini anglash komponentlarining yoshlikdan to’g’ri shakllanishi, o’z fikrlarini, hissiyotini va hatti-harakatini mustaqil tahlil eta oladigan, boshqara oladigan va tog’ri qaror qiladigan yoshlarni tarbiyalashga zamin yaratadi.

## KICHIK MAKTAB YOSHIDA IJTIMOIY RIVOJLANISH

*Yusuvaliyeva A.Y.*
*O‘zMU magistranti*

Maktabga qadam qo‘yish bilan bog‘liq ravishda kichik maktab yoshidagi bolalarda ijtimoiy muhitning ta’sirida rivojlanish bo‘ladi. Kichik maktab yosh davri shunisi bilan ahamiyatliki bu davrda bola yangi maqomga ega bo‘ladi. Uning o‘yin faoliyati o‘qish faoliyati bilan almashadi. O‘quv faoliyati bolaning o‘z-o‘ziga bahosi, atrofdagilarga, ota-onasiga nisbatan munosabatida katta ahamiyat kasb etadi. D.B Elkonin ta’kidlaganidek ta’lim faoliyati mazmunan ijtimoiy jixatdan shakllanishda boshlang‘ich maktab yoshi davrida yetakchi o‘rinni egallaydi. Ijtimoiy jihatdan bola o‘yin faoliyatidan o‘qish faoliyatiga o‘tar ekan uning uchun o‘zini kattalar pozitsiyalariga yaqinlashayotgandek his qila boshlaydi. Yangi hayot tarzi, o‘quv faoliyatini qabul qilish uchun bola o‘quv faoliyatiga tayyor bo‘lishi kerak.[2]

Bugungi kunda bu masalaga katta e’tibor berilmoqda. 6 yoshli bolalarning maktabda o‘qishga tayyorligi va rus tilini bilmaydigan bolalarni rus sinfda

